


АБДУЛҲАЙ
АБДУРАҲМОНОВ

САОДАТГА
ЭЛТУВЧИ
БИЛИМ



І-ІІ-КИТОБ

АБДУЛҲАЙ АБДУРАҲМОНОВ

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ БИЛИМ

*(Дин, фалсафа, ҳаёт,
маънавият ва маърифат сабоқлари)*

Тўлдирилган учинчи нашри



Тошкент
«Мовароуннаҳр»
2003

А — 15

86.38

Абдурахмонов Абдулхай

Саодатга элтувчи билим (дин, фалсафа, маънавият ва маърифат сабоқлари).

Икки китобдан иборат қомусий, дидактик асар. Тулдирилган 3-нашри.

Сўз боши: Ҳ.Шайхов; муҳаррир: Н.Комилов; адабий муҳаррир: Б.Эшпўлатов.

Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2003, 664 бет.

ББК 86. 38+87+71.04 (5У)+70.

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОН !

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган, 2001-йил иккунчи ойида дунё юзини курган Абдулхай Абдурахмоновнинг «Саодатга элтувчи билим» китобининг 3000 нусхада чоп этилган 1-нашри ва 2002-йилда яна 3000 нусхада босилган тулдирилган 2-нашри аллақачон ўз ўқувчиларини топиб кетди. Китобга талаб тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ушбу китоб яна қайта нашр этилди.

Китобнинг тулдирилган иккинчи нашрида Ватанимиз заминиде юзага келган «Авесто» китоби, зардуштийлик дини ҳақида китобхонга янаде кенгрок, қизиқарли, қўшимча маълумотлар тақдим этилди. Купчиликни уйлантириб келаётган севги, иймон, бахт, билим масалаларига илмий таърифлар берилиб, алоҳида сарлавҳа остиде ёритиб берилди. Шулар билан бирга тушунилиши анча қийин, мураккаб бўлган астрология фани, астрологик эралар ҳақида ҳам батафсилрок тўхталиб утилди. Китобнинг тулдирилган бу учинчи нашриде кенг китобхонлар оммасининг баъзи бир фикр ва мулоҳазалари ҳам ҳисобга олинди ва у яна янги қўшимча маълумотлар билан тулдирилди.

Ҳамма — диний, дунёвий илм соҳиблари ва кенг омма учун бирдек кадрли бўлган, ҳаёт, дин, фалсафа, маънавият, маърифат ҳақида дастлабки тасаввур ва тушунчалар берувчи, ўзига хос адабий жанрде ёзилган, барча илмлар пойдевори бўлган, ушбу кенг қамровли қомусий, дидактик асар муаллифи — Ватанимиз равнақи, истиқболи ривожига ҳисса қўшувчи, халқнинг бахт-саодати ҳақида қайғурувчи, журналистлар «амалиётчи олим» деяр таърифлаган фидойи инсон — Абдулхай Абдурахмоновнинг бу китоби ҳар бир хонадонде ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди, деб умид қиламан.

Таҳририят

№ 335 — 2003

Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Республикасининг

Давлат кутубхонаси

© А. Абдурахмонов, 2003.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишлайман

Ҳозирги олим ва уламолар, кишилиқ жамиятининг маънавий асоси бўлмиш дунёвий ва диний билимлар бир-биридан алоҳида, мустақил ҳолда, чин ҳақиқатни очиб бера олмаслигини, эндиликда улар биргаликда, ҳамкорликда бу билимларни бир-бирига боғлаб, уйғунлаштириб ўрганиш заруриятини ҳис қилмоқдалар.

«Икки ҳақиқат» (диний ва фалсафий) назариясига кура, фан очган, кашф этган янгиликлар, зоҳирий билимлар — илмий ҳақиқатга, пайғамбарлар воситасида **Аллоҳ** юборган заҳй орқали билдирилган ботиний билимлар — диний ҳақиқатга олиб боради.

Комил инсон ана шу икки ҳақиқатни ўзлаштириши орқали чин ҳақиқатни эгаллайди. Ёни фалсафа атрофдаги оламни ақл-идрок билан билиш орқали ҳақиқатни очиб берса, илоҳиёт эса ваҳйга асосланган билиш орқали чин ҳақиқатни очиб беради.

Бу диний ва фалсафий билимлар бамисоли қушнинг икки қанотидирки, қуш шу икки қанотисиз уча олмаганидек, инсон ҳам бу икки илмни бир-бирига уйғунлаштириб ўрганмай туриб, ҳаёт моҳиятини тўлиқ англаб ета олмайди ва олий камолотга эришолмайди.

Суфийлар таърифи бўйича, зоҳирий илм билан ботиний илм гўё бадан билан рух қафидир, бир-бирини тақозо этади, тўлдиради.

Улар зоҳирга асосланмаган ботин — ботилдир, ботинга асосланмаган зоҳир ҳам ботилдир деб, ниҳоятда ҳақ гапни айтганлар.

Шунинг учун ҳам ҳозир замона талаби даражасига кўтарилган бу билимларни қушиб ўрганиш, яъни ҳозиргача бир-бирларини тан олишни истамай келаётган илоҳиётчилар ва файласуфлар эндиликда бирга, ҳамкорликда ишлашлари зарур бўлган пайт етиб келди.

Ушбу китоб ана шу икки билимни умумлаштириш йўлида қўйилган дастлабки қадамдир. Инсон бу дунёга бир марта келади ва у табиатан бахт-саодатга интилиб яшайди. Китоб шу мақсадни рўёбга чиқармоқчи бўлган инсон ҳаётда қандай яшаши кераклиги хусусидаги қонун-қоидалар ҳақида ҳам баҳс юритади. Китобнинг «**Саодатга элтувчи билим**» деб номланиши ҳам шундан.

Ушбу китобнинг 1-нашрини ўқиб чиққанларнинг аксарияти ҳар бир комилликка интилувчи шахс ким бўлишидан, қайси илмни эгаллашга киришишларидан қатъи назар, ишни барча билимлар пойдевори бўлмиш мазкур китобни ўрганиб чиқишдан бошласа, мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисобламоқдалар.

Мен учун энг қувонарлиси шу бўлдики, эндиликда айрим китобхонлар Қуръони каримни қўлга олиб синчиклаб ўқишга киришиб кетдилар.

Ушбу китоб дунёвий, диний билимларни ўрганаётганлар — олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, лицей, академик лицей, коллеж, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва муаллимлари ҳамда диний таълим олаётган барча илми толиблар ва мударрисларга «Маънавият асослари», «Ахлоқшунослик», «Маданиятшунослик», «Диншунослик», «Социология», «Ҳуқуқшунослик», «Фалсафа», «Педагогика», «Ўзбекистон тарихи», «Миллий истиқлол ғояси» ва бошқа ижтимоий, гуманитар фанларни ўрганувчилар учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилади.

Шунингдек, бу комусий дидактик асар жамиятимизнинг барча қатламлари, ёшлар ва катталар — кенг китобхонлар оммасига ўзларининг ижтимоий, маданий, руҳий ва маънавий дунёқарашларини янада кенгайтиришлари учун дастлабки манба бўлиб хизмат қилади.

© *Абдулҳай Абдурахмонов, 2003-йил.*

Маърифат — комиллик калити

Инсоният тўплаган билим — бебаҳо хазина. Динлар, таълимотлар, фалсафий мактаблар тарихи, уларнинг маърифий маъзи, моҳиятини билиш бугунги авлод учун жуда зарур. Чунки «куч — билим ва маърифатда» (Ислом Каримов). Бу эса ҳар бир авлод маънавиятимиз тарихини чуқур билиши заруриятини келтириб чиқаради. Шуни айтиш керакки, истиқлол бу борада бизга кенг имкониятлар очиб берди. Истиқлол йиллари ота-боболаримиз дини — Исломга муносабат тубдан ўзгарди. Диний қадриятларимиз тикланди, «**Қуръони карим**» илк марта тилимизга таржима қилинди, тафсир этилди. Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг ҳадис китоблари ўз тилимизда нашр бўлди, яна қанчадан қанча қимматли илмий, адабий манбалар халққа етказилди.

Абдулхай Абдурахмоновнинг «Саодатга элтувчи билим» китоби бу соҳада ўзига хос ютуқ деса бўлади. Чунки мазкур китобда динлар тарихи, Ислом билан бирга, турли фалсафий оқимлар, тарихий воқеалар, маънавият ва марифат масалалари ёритилган, атоқли шахслар, пайғамбарлар, сўфий шайхлар ва уларнинг фаолияти, тариқатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Муаллиф турли манбаларга таяниб, олам жаҳон маълумот йиққан ва уни муайян тартиб билан содда, раvon тилда баён этган.

Жумладан, динлар тарихи, пайғамбарлар фаолияти, сийрати «Авесто», «Таврот», «Забур», «Инжил» ва «**Қуръони карим**» га мурожаат асосида муқояса қилинган. Исломнинг пайдо бўлиши тарихи, Ўрта Осиёга ёйилиши, Мовароуннахр уламоларининг диний илмлар, фалсафа ва тасаввуфни ўрганишда кўрсатган хизматлари асосли қилиб берилган.

Китоб асосан машҳур исломшунос олимлар, ўзбек адабиёти ҳамда жаҳон халқлари тарихига оид китоблар асосида ёзилган ва ана шу манбаларга тегишли муносабат ҳам билдирилган. Ижодий фикрлашга ҳаракат, қиёсий таҳлил бу китобнинг ютуқларидандир.

Асар жуда кенг қамровли. Ҳамма динларга муносабат, Ислом дини, **Қуръони мажид**, саҳобалар, тобеинлар, авлиёуллоҳ сўфийлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган.

Машҳур тарихий шахслар, турли илмий, диний истилоҳлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир.

Китобда қомусий услуб қўлланилган. Уни ўқиган ўқувчи ўзи учун жуда кўп қизиқарли маълумотлар олиши мумкин.

Китоб омманинг барча қатламларига мўлжалланган. Тарихий, диний, фалсафий билим олувчи талабалар учун эса ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилади.

*Нажмиддин Комилов
филология фанлари доктори, профессор*

Барчага зарур китоб

(Сўзбоши ўрнида)

Азим ва азиз пойтахтимизнинг «Кукча» даҳасида Абдулхай Абдурахмонов деган дилбар ва ажойиб бир донишманд инсон яшайди. Асли касби иқтисодчи бўлмиш бу юртдошимиз — амалиётчи олим, турли вазирлик ва давлат идораларида узоқ йиллар виждонан меҳнат қилиб келган. Айни шу даврларда кўпдан-кўп хорижий мамлакатларда доимий хизмат сафарларида бўлиб, жаҳон кезган бу ватандошимиз ҳамма вақт дунёвий ва диний билимлар — тарих, фалсафа, мантиқ фанлари ҳамда илоҳиёт илмига қизиққан. Бир талай илмий, тарихий, бадий ва диний китобларни мустақил мутолаа қилган.

Қўлингиздаги «Саодатга элтувчи билим» деб номланган китоб Абдулхай аканинг кенг камровли қизиқишлари ва улкан ҳаётий тажрибалари маҳсулидир.

Маълумки, яхши ниятли баркамол, иймонли одамлар ҳамма даврларда эзгулик, гўзаллик, покликка интилиб яшаганлар. Улар ҳозир ҳам шуурий ва ғайришуурий равишда узоқ умр кўриш, роҳат-фароғатда, бахтли ва беармон яшаш ҳамда одамларга фақат яхшилик қилиш йўлида ҳалол тер тукиб келишади.

Башарият ўзининг ана шу эзгу мақсадларини рўёбга чиқариши учун, саодатга элтувчи, барча билимлар пойдевори бўлган кўҳна диний таълимотлар, фалсафа ва маърифат илдизларини, уларда тажассум этилган ҳаёт деб аталмиш буюк неъматнинг зоҳирий ва ботиний қонуниятлари негизларини чуқур ўрганиб, ҳар томонлама ўзлаштириши зарурки, Абдулхай Абдурахмоновнинг ушбу асари айни шу масалалар ҳақида кенг кўламда баҳс юритади.

Ҳеч бир инсон онадан туғма «ёмон» бўлиб туғилмайди, туғилгандан кейин ҳам «ёмон» бўлишни ният ҳам қилмайди. Ҳар қандай ёмонлик, гуноҳ ишлар аввало билимсизлик, маърифатсизликдан келиб чиқади.

*Қуръони карим*да яхшилик ва эзгу амаллар **Аллоҳ**дандир, ёмонлик, ёвузлик шайтондандир, дейилган бўлиб, уларнинг қайси бирини танлаш инсоннинг ўз инон-ихтиёрига берилган. Бу синов дунёсида ҳар бир одам амалга оширган яхши-ёмон аъмоллари учун боқий дунёда жавоб бериши муқаррарлиги ҳам жами илоҳий китобларда қайта-қайта таъкидлаб утилган. Сабабсиз оқибат, оқибатсиз сабаб бўлмаганидек, бу ёруғ оламда ҳеч нарса изсиз йўқ бўлиб кетмайди. Айниқса, илми, фозил одамлар ҳаётда ўзларидан яхши ном қолдиришади.

«Олам ҳақида, динлар, шу жумладан, Ислом дини, фалсафа, ахлоқ-одоб ҳақида адабиётлар жуда кўп. Шунга қарамай, улар ҳақида ўқиганларим, таассуротларим ҳамда кўрган-кечирганларим — ҳақиқатлар қаймоғини мухтасар жамулжам қилдим, бойитдим. Буларни ҳар бир яхши-ёмон одамларга муносиб кўрдим ва билиб қўйишларини зарур деб топдим. Шояд буларни ўрганган муҳтарам ўқувчи — ватандошларим кўпдан-кўп китобларни титкилаб ўқиб чиқиб ва улар ҳақида бошқалардан сўраб-суриштириб юриш машаққатидан халос бўлсалар», деб ёзади Абдулхай Абдурахмонов ўз китобида.

Шу маънода ҳурматли муаллимимиз ушбу китобда одамларни ҳақ йўлдан тоймасликка, ҳаётда эзгу излар қолдириб, иймон-эътиқод ва ҳидоят йўлида улўф мақсадлар билан яшашга даъват этаётганлигини кўраимиз.

Қомусий руҳда ёзилган мазкур асар ниҳоятда серқамров бўлиб, ҳаммага тушунарли, содда ва оммабоп тилда ёзилганлиги билан ҳам эътиборга молик.

Китоб беш қисмдан иборат. **Биринчи қисм**да **Парвардигор**нинг оламларни яратиши, Одам Ато ва Момо Ҳавво, уларнинг фарзандлари, Иблис алайҳиллаъна ва пайғамбарлар ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Иккинчи қисмда илоҳий, муқаддас китоблар ва динлар тўғрисида сўз кетади. **Учинчи қисм** Исломда сўфийлик, тасаввуф тариқатлари ҳақида бўлиб, Ислом дини заминидан юзага келган сўфийлик, тасаввуф тариқатлари, машҳур мутасаввуф олимларнинг асосий таълимотлари ҳақида хабар беради.

Тўртинчи қисм фалсафа ҳақида бўлиб, бу кўхна фанни энди ўрганаётганлар учун дастлабки зарур маълумотларни беради. **Бешинчи қисм** эса маърифат ва маънавият масалаларига бағишланган.

Булардан ташқари, китобхон ҳаётида кези келганда асқотиб қоладиган бирмунча қизиқарли, муҳим маълумотлар ҳам берилган. Жумладан, давр, йил, мучал ҳисоблари, астрология, олис мозийда яшаб ўтган буюк ҳукмдорлар, айрим қадимий мамлакатлар ва цивилизациялар, халқлар, элатлар, хусусан, ўзбек халқининг майдонга чиқиши тарихи ҳамда шулар билан боғлиқ турли атамаларнинг изоҳлари ва бошқа зарурий маълумотлар келтирилганки, улар ҳам ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Машҳур тарихий шахслар, турли илмий, диний истилоҳлар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир.

Асар жамиятимизнинг барча қатламларига, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ундан умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларнинг муаллим ва ўқувчиларидан тортиб, ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари, диний таълим олаётган барча илми толиблар ва мударрислар фойдаланишлари мумкин.

Президентимиз И. А. Каримов кўп йиғинларда таъкидлайдиган ва ҳозирги вақтда афоризмларга айланиб кетган қўйидаги ҳикматли сўзларга эътибор беринг-а: *«Жамият тараққиётининг асоси уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир»*; *«Одамзод борки, авлод-аждоди, Ватанининг тарихини билишни истайди»*; *«Ўзликни англаш — тарихни билишдан бошланади»*.

Абдулҳай Абдурахмоновнинг қўлингиздаги китоби ўқувчини айни шу маърифатга чорлаши, ўз авлод-аждоди, Ватани тарихини билиш ҳамда ўзлигини англашга даъват этиши билан ҳам улкан маънавий-маърифий аҳамият касб этади.

Китоб — руҳ озиғи дейдилар. Фикримча, қўлингиздаги бош кўтармай ўқиладиган ушбу марокли китоб ҳам теран маънавий озуқа, ноёб фалсафий, маърифий, диний маълумотнома сифатида мустақил юртимизнинг ҳар бир хонадонидан муносиб ўрин олишга лойиқдир.

Ҳожиакбар Шайхов ёзувчи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Муқаддима

*Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғуси яхши ному иши.*

Шайх Саъдий Шерозий

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм!

Оламлар **Парвардигори Ҳақ субҳонаҳу ва таолога** ҳамду санолар ва унинг пайгамбари Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламга салавоту саломлар бўлсин!

Дастлаб шуни айтиб ўтиш керакки, ўтмишда ўтган машҳур маърифатпарвар олимлар, мутафаккирлар ёқлаган рационализм, яъни билишда фақат ақлга таяниш ғоялари эндиликда инқирозга учради. Ҳан эса бир томонлама билим воситаси сифатида ўз ноқобиллигини шу даражада фош этиб қўйдики, ҳозирда қарийб барча олимлар ҳақиқатнинг маъзига етиш учун фанни дин билан бирга қўшиб ўрганиш зарурлигини эътироф этмоқдалар.

Дин ва фалсафа бир-бирига боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи билимдир. Дунёвий билимлар, яъни аниқ фанлар масалани зоҳирий — ташқи томонини тушунтирса, диний билимлар **Тангри таоло** томонидан пайгамбарларга нозил этилган ваҳй ва авлиёларга билдирилган ладуний (илоҳий) билим орқали масалани ботиний — ички томонини очиб беради. Бу икки — зоҳирий ва ботиний билимларни эгаллаган ва уларни бир-бирига боғлай олгандагина, инсон чин ҳақиқатни англаб етади, бахтга, саодатга элтувчи йўлни билиб олади. Бир томонлама билим, хоҳ у диний билим бўлсин, хоҳ у дунёвий билим бўлсин, ҳақиқатни тўла ва аниқ очиб бера олмайди.

Тангри таоло туғилиш ва ўлимни муқаррар қилиб қўйган экан, дунёнинг ҳам ибтидо-си, ҳам интиҳоси, охират куни, қиёмат қойим бўлиши ҳам мантиқан олганда муқаррардир.

Ҳар бир кишининг, халқнинг, яхши ёмон қилмиши табиатга, дунё фаолиятига таъсир этмай қўймайди. Инсон абадий яшамайди, аммо у умрини узайтириш учун соғлом ҳаёт кечиришга уриниб, ўз ҳаётини чўзишга ҳаракат қилади. Шу каби инсон **Яратганнинг** амрига амал қилиб яшаса, гуноҳ, салбий ишлардан ўзини тийиб, ҳаётда, табиат қучоғида ўзининг хўжалик ва маънавий ҳаётида **Аллоҳ** буюрганидек оқилона ҳаёт кечирса, инсониятни муқаррар ҳалокатга дучор бўлиши балки кейинга сурилар...

Шу ўринда дин ёрдамга келиб, бунга нажот — яъни маънавий покланиш, руҳий тозаланиш орқали етиш мумкин, дея инсонга йўл кўрсатади.

Ана шундай мулоҳазаларни назарга олган ҳолда замона талабига кўра, дастлабки билимлар пойдевори бўлган дин ва фалсафа илмларини, маънавият ва маърифат масалаларини бир-бирига боғлаган ҳолда муҳтарам ўқувчилар эътиборига етказишни лозим топдик.

Ҳурматли китобхон, азиз суҳбатдош! Сиз ҳар турли ажойиб-ғаройиб китобларни ўқигансиз, анча-мунча ҳаётий тажрибангиз ҳам бор.

Биласизки, инсонлар туғилганларидан то вафот этгунларига қадар бахт-саодатга интилиб яшайдилар. Аммо бу ният қилинган бахт-саодат ҳаммага ҳам бирдек насиб этавермайди. Бахт ҳам, қўлга киритилмаган қолган барча нарсалар сингари, маълум маъно ва даражада курашиб қўлга киритилади. Кураш эса билимсиз ҳар доим ҳам муваффақият келтиравермайди.

Билим олишнинг дастлабки усулларида бири китоб мутолаа қилишдир. Китоблар ҳаётни ва унинг кураш қонунларини ўргатади, билагон, суҳбатда топқир, ҳозиржавоб қилади, китоблардан ўринли иқтибослар олиш эса кишини аниқликка ўргатади.

Ўқиш айни маҳалда ўзгаларнинг фикрлари ёрдамида ўз шахсий фикрларини яратиш ҳам демакдир. Доно, кўтаринки руҳда ёзилган китоб баъзан инсон тақдирини ҳам ҳал этиши мумкин.

«Ёзилаётган асарлар шу қадар кўпайиб кетганки, яқин келажакда ҳамма нарса танлаб олинган фикрлару луғатларга бориб тақалиши муқаррар», деган эди ўз

вактида машхур француз ёзувчиси, маърифатчи-файласуф Франсуа Вольтер (1694—1778). Ана шундай маврид етишди чоғи, тақдир тақозоси — **Аллоҳ** хоҳиш-иродаси ва каминанинг саъй-ҳаракати туфайли қўлингиздаги ҳам талқиний, ҳам қомусий услубда ёзилган китоб дунёга келди.

Модомики, ҳаёт жуда қисқа, буш вақт эса жуда оз экан, ҳаётимизни дуч келган саёз китобларни ўқишга исроф этмаслигимиз керак.

Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз бўлмайди, калаванинг учини топа олган охирини ҳам топади. Эпчил, тиришқоқ, матонатли кишилар бошлаган ишларини муваффақиятли тугатиб, роҳатини кўрадилар, астойдил билим излаганлар уни топмай қўймайдилар.

Ҳаёт тажрибалари қандай бўлмасин, уларнинг ҳар биридан тўғри фойдаланиш, тўғри хулоса чиқариш, яъни фойдалиларини ривожлантириб, зарарли ва беҳудаларини такрорламаслик лозим.

Дунёда энг бебаҳо нарса вақтдир. Инсон табиати қизиқ, бирон-бир нарсасини йўқотиб қўйса қайғуради-ю, лекин энг қимматли, бебаҳо нарсаси — вақтини йўқотса, парвойига ҳам келмайди. Фалакнинг гардиши — тарих чархи мудом айланиб туради, табиатда ҳеч қандай куч йўқки, уни тўхтата олса.

Буёқ шоир Умар Хайём айтганидек:

*Фалак қулоғимга гапирди секин:
Қазо ҳукмин мендан кўрасан, лекин —
Айланишим бўлса эди қўлимда,
Ўзимни тўхтатиб, олар эдим тин.*

Тарих чархининг айланиши — вақтнинг бизга тутқич бермай қочиб кетаётганидир.

Ҳаётнинг энг муҳим ҳикматларидан бири эса унинг ҳар бир лаҳзасидан ақл-идроққа суяниб тўғри, унумли фойдалана билишдир. Умр дегани биргина тирикчилик ташвишлари ботқоғига шўнғиш билан ўтиб кетадиган нарса эмас.

Инсон умрининг жуда қисқалигини, бу дунё ўткинчи, вақтинчалик, бир нафаслик эканлигини, ҳаёт охири нафасда бир томчи сув ютишга ҳам имкон бермаслигини, афсуски, камдан-кам одамларгина теран идроқ этадилар. Йўқса, инсонга ато этилган умрни кўпчилик азоб-уқубат ва машаққат чекиб, бойлик, мол-дунё тўплашга ружу қилиб, вақтларини беҳуда ўтказмаган бўлур эдилар. Бу борада тағин Умар Хайёмга мурожаат қиламиз:

*Молу дунё ҳасрати қилмасин афғор,
Мангу яшар киши қани, қайда бор ?
Бир неча нафасинг танда омонат,
Омонатга — омонат бўлмоқлик даркор.*

Икки нуқта орасидаги энг қисқа масофа тўғри чизикдан иборат бўлганлиги боисидан бирон-бир мақсадга яхшилик, тўғрилиқ ва тўғри йўл билан тез ва осон борилади.

Пайғамбаримиз илм ҳақида: **«Илм ўрганинглар: илм зулматда қуёш, ваҳшатда ҳамроҳ, ёлғизликда йўлдош, бегона юртда сирдош, оғир дамда раҳбар, душманга қарши қуролдир»**, деган эканлар.

Олам ҳақида, динлар ҳақида, шу жумладан, Ислом дини ҳақида, фалсафа, ахлоқ-одоб ҳақида адабиётлар жуда кўп. Шунга қарамай, улар ҳақида ўқиганларим, таассуротларим ҳамда кўрган-кечирганларим ва эшитганларимни — ҳақиқатлар қаймоғини мухтасар жамулжам қилдим, бойитдим. Буларни ҳар бир яхши-ёмон инсонларга муносиб кўрдим ва билиб қўйишларини зарур деб топдим. Шояд, буларни ўрганган мухтарам ўқувчи — суҳбатдошлар кўпдан-кўп китобларни титкилаб ўқиб чиқиш ва улар ҳақида бошқалардан сўраб-суриштириб юриш машаққатидан халос бўлсалар!

Билимли одамлар ҳаётда камроқ қоқилдилар, суринадилар. Илм олишдан мақсад — ақлни чархлашдир ва ана шу ақл ёрдамида чин ҳақиқатни, ҳаётни ҳамда унинг кураш қонунларини билишдир. Беш кунлик ҳаётда тўғри, янглишмай, адашмай яхши яшаб ўтишга ҳаракат қилишдир. Бинобарин, айниқса, аксарият инсонлар ҳозирги пайтда ружу қилаёт-

гандари — катта бойлик тўплаш, инсоннинг ҳаётдаги эзгу орзуси — бахтга олиб келадими? **Сухбатимизда** ана шу мавзуни ҳам баҳоли қудрат ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Ақлли одам ўрганган билимлари натижасида ҳаётда нима қилиш кераклигини билади. **Доно эса** нима қилмаслик кераклигини ҳам билади. **Ақлли одам** шундай одамки, у қийин вазиятдан осонгина бешикаст чиқиб кетади, доно эса бу қийин вазиятга асло тушмайди.

Ақли расо одам ана шундай донолик ва донишмандликка интилиб яшамоғи лозим. **Оқиллар** илмдан, ҳикматли, ибратли сўзлардан фикр, ибрат олсалар, аҳмоқлар эса сўздан эмас, кулфатдан ва бахтсизликдан сабоқ оладилар. Пешоналари деворга тақ этиб урилгандагина, кўзлари бироз очилади. Уларнинг сабоқлари ана шу тариқа бўлади.

Билимларни эгаллаган одамлар ана шу билимларини бошқаларга ўргатишларидан ташқари, ўзлари ҳам уни ҳаётда қўллай билишлари, улардан унумли фойдаланишлари, керакли назарияни амалиётга боғлашни удалашлари ва ҳаёт машаққатларини осонлаштиришлари лозим. Етук инсон нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам тарбияламоғи керак. **Дунёда** энг осон нарса бировга ундоқ қил, бундоқ қил деб ақл ўргатишдир. Инсоннинг чиройли гапларига қараб эмас, балки натижага, қилган ишларига қараб баҳо бермоқ керак. Гапирганда ўғри ҳам, фоҳиша ҳам, фирром одам ҳам «мен ўғриман», «мен фоҳишаман», «мен фирромман» деб ҳеч қачон айтмаган ва айтмайди ҳам. Гапирганларида ҳамиша қилаётган ёки қилган ишларининг тескарисини айтадилар. Улар қилган ёки қилаётган ишларини юзларига айтиб кўринг-чи, сизни юмма талайдилар, кунингизни кўрсатиб кўядилар. Уларнинг ҳам ўзларига яраша маълум «ақидалари», «қонун-қоидалари», «тартиблари» бор. Улар ўзларини ҳақ, бошқаларни эса ноҳақ ва аҳмоқ деб биладилар. Улар адашганлар ёки **Яратганнинг Ўзи** қайсидир қилган гуноҳлари учун ёхуд қайсидир ўтган ажодларидан бирининг катта гуноҳлари учун адаштирган бечора бандалардир. Бу ҳақда **Қуръони каримнинг** 4- «Нисо» сураси 143-оятти каримасида: **«Улар ўртада сарсондирлар: на уёқлик эмаслар ва на буёқлик. Кимники Аллоҳ адаштира, унга сира йўл (чора) топа олмайсиз»**, дейилган.

Бу оятга инсониятнинг буюк мутафаккири, файласуфи Арастунинг фикри ҳам мос тушади: **«Ёмон қилиқлар, ишлар фақат билмасликдан келиб чиқади, ҳеч ким ўз хоҳиши билан ёмон бўлмайди»**. Яъни **Аллоҳ** уларни билим даражаларини кесиб, йўлдан адаштириб қўйган. **Парвардигор** уларнинг гуноҳларини кечиб, уларга инсофу тавфик ато этиб, тўғри йўлга — ҳидоятга бошласин.

Танқид келажакнинг меваси бўлганлигидан, кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, бизким, ўзбекларнинг миллат сифатида жуда кўп ижобий томонларимиз, фазилатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, мақтанса арзигудек тарихимиз, маърифатимиз бор. Аммо, табиат қонуниятларига кўра, барча яхши, ижобий нимарсаларнинг зидди бўлганидек, ёмон, салбий қусурларимиз ҳам борки, буларни очик-ойдин эътироф этиб, ёритиб, имкони борича тезроқ бартараф қилишимиз керак. Бу қусурларимиздан **биринчиси** — ҳозирги кунда миллатдошларимизнинг маърифатга, билимга интилиши бирмунча сусайиб кетиши бўлса, **иккинчиси** ватандошларимизда пайдо бўлиб қолган лоқайдлик ва бефарқлик кайфиятидир. Ана шу қусурларимизнинг биринчисини таҳлил қилсак: мисол учун, ҳозирги пайтда жами ўзбек миллатининг 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган вакиллари 100 фоиз деб оладиган бўлсак, шундан тахминан 30 фоизи бадий, илмий-оммабоп китобларни мутолаа қилади, холос. Таққослаш учун рус халқини олсак, уларнинг бундай китобларни ўқиши, маърифатга интилиши, ўз устида ишлаш даражаси бунинг аксидир — тахминан 70 фоизга боради!

Китоб дўконларидаги савдодан ҳам билса бўлади буни. Сотилаётган китобларнинг аксарияти рус тилида. Жаҳон адабиётининг кўпи бу тилга ўгирилган. Китоб харид қилаётганларнинг ўнтадан атиги учтасигина миллатимизга мансуб одамлардир, холос.

Бадий адабиётларни ўқиш ҳаётни ва унинг кураш қонунларини билиш манбаидир. Яхши китоб — ажойиб нарсаларни кўрсатувчи кўзгу, хилватда сирдош, ёлғизликда дўст, ожизликда ёрдамчи, ғамгинликда шодлик келтирувчи, фикрни нурлантирувчи, ўтган замон аҳволидан сўзлагувчи, оқиллар ақлидан дарак берувчи, кам ҳақли, кўп фойдали нарсидир. Шу боис китоб сотиб олишда бахиллик қилиб бўлмайди. Бунинг акси — ёмон, маънисиз, фойдаси оз китобларни ўқиш қимматли умрни бекор кетказишдир. Фақат яхши

китобларни ўқиш керак. Ҳамма китобларни ўқиш учун эса умрингиз етмайди. Камина ўзимдаги барча яхши хислатларим, ҳаётда рисоладагидек, пири бадавлат бўлиб бахтли яшай олганим учун аввало **Аллоҳ** таолодан, қолаверса китоблардан миннатдорман. Кўп китоб олиб, кўп ўқиганим мени қашшоқликка етаклагани йўқ.

Қусурларимизнинг иккинчиси бўлмиш лоқайдлик, бефарқлик кайфиятига келсак, лоқайдликнинг ўзи киши кўзига арзимас нуқсон бўлиб кўринса-да, унинг орқасидан шундай жабр-жафо, ситам, мусибат ва даҳшатли жиноятлар содир бўладики, бу инсоният бошига битган бало — кулфатлар кулфати, мусибатлар мусибатидир. Шу боис кишиларнинг энг ёмони — лоқайд, бефарқ, виждонсиз одам бўлиб, у мохиятан ёвуз одамдир. Ноҳақликни кўра била туриб жим турадиган лоқайд одамлар кам эмас ҳаётда. Улар зулмкорлардан кўрқадилар ёинки бирор кор-ҳол бўлмасин, манфаатимга (арзимаган манфаатга ҳам) зарар етмасин деб, кўрқоқлик, ноўрин андиша қиладилар. Натижада зулму ситам аҳли ўзларини эркин ҳис қиладилар, сурбетлашиб, қутуриб, илдиз отиб, кенг қулоч ёйиб, тармоқланиб кетадилар.

Жаноби пайғамбаримиз ўз ҳадисларида ҳар бир мусулмон бирор ноҳақликни, адолатсизликни, зулмни, жиноятни кўрганда, эшитганда албатта унга ўзининг тегишли муносабатини билдириши, яъни уни амалда, сўзда ёки хатти-ҳаракатда олдини олиши, агар бунинг иложи бўлмаса, дилида ундан нафратланиб, ўзининг норозилигини билдириши шарт деган эканлар. Шариф ҳадисларга кўра, золим ҳукмдор олдида кўрқмай ҳақ гапни айтиш катта мардлик — жавонмардлик бўлиб, у ҳатто жиҳодга тенглаштирилган. Пайғамбаримиз: **«Аллоҳ олдида энг маъқул жиҳод (муқаддас жанг) золим подшоҳга айтилган ҳақ сўздир»**, деганлар. **Аллоҳдан ўзгасидан кўрқмаслик мусулмоннинг гузал хислатларидандир.**

Аллоҳга шукрки, Ватанимиз истиқлолга эришди. Мустақилликка эришувдан кўра, уни сақлаб қолиш оғир ва машаққатлидир. Келажакда қудратли давлат барпо этишимиз учун, энг аввало жамиятимизнинг тегишли мафқурасини чуқур маърифат асосида, маънавий қадриятларимиз, боболаримиздан қолган олтин меросимизни ўрганиш, дунёқарашимизни кенгайтириш асосида яратишимиз зарур. Шундан кейингина оммани маълум бир йўналиш, мафкура асосида тарбиялаб боришга киришишимиз керак.

Агар биз ўз вақтида миллий мафкурамизни шакллантириб, маънавиятимизни тузатиб, улардаги асосий йўналишлар ва қадриятларимизни белгилаб олмас эканмиз, бу мафкуравий бўшлиқни мустақил давлатимиз душманларига маъқул келадиган мафкура ёки оқимлар эгаллаб олиши мумкин. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин, албатта.

Сиз эндигина варақлай бошлаган китобни диққат билан мутолаа қилиш ўқувчини, айниқса, ҳозирги кунимизда кўзиқориндек ниш уриб чиқаётган чаласаводлар таълими таъсирига тушиб қолишдан сақлайди. Бу ҳақда ҳам пайғамбаримизнинг ҳадислари бор: **«Одамларни чалғитиб, ноҳақ йўлга бошловчи чаласавод диндорлар Дажжолдан ҳам хавфлироқдир»**.

Китобда жамиятимизнинг барча қатламлари билишлари керак бўлган, ўзаро суҳбатларда, баҳс-мунозараларда асқотадиган қизиқарли маълумотлар қисқача ва тушунарли — оммабоп тарзда берилди.

Китоб ўқишда уч хил мутолаа бор: биринчиси — ўқиб тушунмаслик; иккинчиси — ўқиб тушуниш; учинчиси — ўқиганда ҳатто ёзувчи ёзмаган ёки ёза олмаган нарсаларни ҳам англаб етиш. Китоб — кўпчиликнинг тажрибаси. Кимки ўнлаб, юзлаб яхши, жиддий китобларни ўқибдими, демак у кўп йиллар буюклар умрини яшабди деганидир.

Қўлингиздаги китоб одатдаги китоблардан сал бошқачароқ. У сиздан бошқача ўқишни, бошқача ўйлашни талаб этади. Унинг айрим жойларини баъзан ҳатто овоз чиқариб, ифодали, эҳтирос билан, ёки босиқ ўқиш, гоҳида эса ҳижжалаб ва маромига етказиб, фикран мазмунини чақиб кўриб, мулоҳаза юритиб ўқиш керак бўлади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китоб ҳаётни ўрганишда, билишда зарур манба бўлиб, тегишли дунёқарашимизни шакллантиради ва иккиланаётган ёки хато йўлдан кетаётган кишини тўғри йўлга буриб юборишга ҳисса қўшади.

Муҳтарам ўқувчи, бу китоб илмий, тарихий, диний, фалсафий ва маърифий асар

бўлиб, оламларнинг яратилиши, ҳазрат инсон ҳақида, ҳаёт, Борлиқ тўғрисида баҳс юритганидан ва инсоний ахлоқ, одоб, маънавий камолот ва бахтга етакловчи дидактик асар бўлганлигидан, унга «**Саодатга элтувчи билим**» деб ном берилди.

Дарвоқе, буюк мутафаккир Юсуф хос Ҳожиб ҳам инсониятни бахтли қилиш орзуси билан яшаган ва 1069-1070- йилларда ўзининг машҳур «Қутадғу билиг» («**Саодатга йўлловчи билим**») китобни ёзиб авлодларга қолдирган (Тошкент, «Фан», 1972).

Биз ҳам эзгу ниятда ана шу китобга ҳамном бўлган мазкур қомусий асарни ёзиб ватандошларимизга тортиқ қилдик.

Юсуф Хос Ҳожиб тахминан 1019—1021- йилларда қадимги Еттисув улкасининг маркази — Боласоғунда туғилган, вафот этган йили номаълум. Туркигўй адиб, олим ва мутафаккир, «Қутадғу билиг» фалсафий-дидактик достонининг муаллифи.

Муаллиф ўзининг ушбу ёзилган достони учун қорахонийлар (927—1212- йилларда ҳукмронлик қилганлар) ҳоқони Тавғочхондан «Хос Ҳожиб» (Эшик оғаси) мартабасини олган ва Юсуф Хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозонган. У арабий, форсий, туркий шеърятни ва халқ фольклорини яхши билган. Асарида юнон ва шарқ фалсафаси, илми нужум (астрология), хандаса, тиб сирлари, дунё тузилиши ва инсон руҳиятига оид маълумотлар ҳам учрайди.

Қорахонийлар сулоласини иликхонлар идора этган. Давлатнинг пойтахти дастлаб Қошғар, кейин Боласоғун, ундан кейин Ўзган шаҳарларида бўлиб, кейинчалик яна Қошғарга кўчирилган.

Боласоғун VII—XIV асрларда йирик шаҳар бўлиб, унинг харобалари ҳозирги Қирғизистондаги Тўқмоқ шаҳрининг жануби-ғарбида, 12 км. масофада — Чу водийсида жойлашган. Тарихда Гўбалиқ, Кўзбалиқ, Кўзулуш, Хосун орду деб ҳам аталган.

Эй Аллоҳ! У зотнинг руҳларини шод, жойларини жаннатдан ато этгин!

Китобда **Худованд**нинг оламларни яратиши, пайғамбарлар, уларнинг тарихи, қилган ишлари, жаҳон динларининг вужудга келиш сабаблари, уларнинг бир-бирларидан фарқлари, диний таълимотлар, фалсафа даҳолари ва уларнинг олам, ҳаёт, Борлиқ, инсоният ҳақидаги асосий фалсафий фикрлари келтирилди. Ҳар бир кишини қизиқтирувчи саволларга луғат, изоҳ тарзида тушунтиришлар берилди. Шунингдек, бу китобда кам қўлланилган эски ўзбек тилидаги сўз ва иборалар маъноларининг изоҳлари ҳам ўрин олган.

Китобнинг асосий мақсадлари: китобхонга бутун Борлиқ оламларни ва ҳазрати инсонни яратган **Парвардигори олам**нинг энг улуғ, юксак ижоди эканлигини тушунтириш; маърифат тарқатиш; жамиятни соғломлаштиришга ҳаракат қилиш; инсонга одоб ўргатиш, унинг адолат, баркамоллик, маънавиятга интилишига йўл очиш; ақлда, ахлоқда, маънавиятда етук бўлиш; комил инсонни тарбиялашга ҳисса қўшиш; маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англатиш ва буларни кенг оммага тарқатишдир. Зеро Қуръони каримда: «**У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққакки, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз эслатмаларни аҳли донишларгина олурлар**» (2:269) дейилган.

Китобнинг яна бир мақсади маданий меросимизни тадқиқ этиш, диний ва дунёвий илм дурдоналарини, ўтмишдаги уламолар, фузалолар, донишмандлар ва тасаввуф аҳлининг тафаккур меваларидан халқимизни баҳраманд этишдир.

Китоб деярли қомусий услубда ёзилган бўлиб, унда ҳар бир билимга интилувчи киши билиши зарур бўлган мавзулар, ҳодисалар, ишлар, нарсалар, воқеалар, атамалар қисқа, лўнда, халқ тилида содда ва тушунарли баён этилди. Китобхон бу асарда ўзини қизиқтирган талай саволларига жавоб топади. Чунки бу битик юзлаб китоблардан, мақолалар ва бошқа манбалардан танлаб олинган, амалий фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтирилган бир дастуриламалдир.

Баъзи ёзувчилар маъносини тушуниб бўлмайдиган ялтироқ, болохонадор, тушунилиши қийин сўзларни топиб ишлатадилар. Аммо улар нима деяётганларини ўзлари ҳам билмайдилар ёинки айтмоқчи бўлган гапларини тушунтира билмайдилар. Бу ўқувчининг зехнини чалкаштириб чарчатишдан бошқа нарсага ярамайди.

Аммо ўтмишдаги машҳур файласуфлар ноаниқ, мураккаб, қийин тушуниладиган жум-

лаларни ишлатишга уч нарсани сабаб қилиб кўрсатадилар:

- укувчининг фалсафа илмини ўрганишга қобилиятини синаб кўриш учун;
- фалсафани барчага тушунарли қилиб эмас, балки унга муносиб, хос одамларгагина тушунарли қилиб бериш учун;
- фикрни қийин масалалар билан машқ қилдириш учун.

Абу Али ибн Синонинг ёзишича, у буюк юнон файласуфи Аристотелнинг «Метафизика» китобини 11 мартаба ўқиб тушуна олмаган экан ва бундан маънос тортиб, ҳафсаласи пир бўлиб, бу китобни тоқчага ташлаб қўйган экан. Кунлардан бир кун у бозордан ўтиб кетаётганида, камбағал, бечора, афтодаҳол бир киши қўлидаги китобни одамлардан сотиб олишларини ёлвориб сўраб турганини, еярга бир бурда нони ҳам йўқлигини айтиб, одамларга зорланиб турганини кўриб қолибди.

Ибн Сино унга раҳми келиб, китобни кўриб ҳам ўтирмай сотиб олибди-да, уйига келиб уни варақлаб кўрибди. Кўрибди-ю, ҳайҳот! Китоб ўзи излаб юрган, Аристотелнинг «Метафизика» китобига Форобийнинг ёзган шарҳи экан. Китобни бир марта ўқиб чиқишдаёқ Аристотел асарини тушуниб, уни тўла ўзлаштириб олган экан. Шундан кейин у бундан азбаройи хурсанд бўлганлигидан, юртга зиёфат берган экан. (Форобий шарҳда «иккинчи муаллим» деб аталган, «биринчи муаллим» деб Аристотель эътироф этилган).

Қўлингиздаги китоб эса омманинг барча қатламларига мулжалланганлиги сабабидан, осон, содда, равон тилда барчага тушунарли қилиб ёзилди.

Биз киммиз? Қайдан келдиг-у, кетурмиз қаён? Дунёга келиб кетишимиздан мурод нима? деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинди. Бу омонат дунёда қандай яшаш кераклиги ҳақидаги фалсафий масалаларга ҳам баҳоли қудрат ўрин берилди. Бахт ҳақида мунозара юритилди.

Китобда тарихий ҳақиқатлар рўй-рост, бежамасдан, аслича, ҳаққоний акс эттирилди. Айниқса, тарихий йиллар, саналар аниқлигига катта эътибор берилди.


Қуръони карим оятлари Шайх Абдулазиз Мансур қаламига мансуб **Қуръони карим**нинг ўзбекча изоҳли таржимасидан олинди.

Китоб ватанимиз ва хорижда ўзбек ва рус тилларида ёзилган, 1950—2002- йилларда нашр этилган ноёб адабиётлар заминида яратилди. Олинган маълумотлар мухтарам укувчиларимизга қўлдан келганча тасниф ва тавсиф этилиб, зарурият туғилганда керагича шарҳлаб, бир-бирига чоғиштириб ва таҳлил қилиб, барча қийналмай тушунадиган, содда ва равон, халқчил тилда ёзилди. Китобнинг тасаввуф қисмини ёзишда ҳурматли устоз Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф» китобидан фойдаландик. Китобни ёзишда холисан-лилло берган қимматли маслаҳатлари ва ёрдамлари учун Нажмиддин акага чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Умар Хайём рубойлари эса Шоислом Шомухамедов таржимасидан олинди. Қисқаси, бамисоли ҳаёт бўстонидан гуллар териб улардан жамиятимизга фойдаси тегадиган бир гулдаста қилдик.

Мухтарам суҳбатдош!

Ҳаммамиз ҳам албатта **Яратган**нинг бандасидирмиз, айб ва нуқсонлардан холи эмасмиз. Зеро, мукамаллик, барча айбу хатолардан, нуқсонлардан поклик ёлғиз **Аллоҳ таоло**гагина хос сифатлардандир.


Барча саъй-ҳаракатларимизга қарамасдан, китобда айрим саҳву хатолар ҳам учраши мумкинки, бунинг учун мухтарам китобхонларимиздан аввалбошданок узр сўраймиз ва барча фикру мулоҳазаларингизни кейинги нашрларда албатта ҳисобга оламиз.



БИРИНЧИ
КИТОБ

Биринчи қисм

**ОЛАМНИНГ
ЯРАТИЛИШИ
ВА
ПАЙҒАМБАРЛАР**



Парвардигори олам

У осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги (барча) нарсаларни олти кунда яратиб, сунгра Арш узра муставий бўлган зотдир.

У Раҳмондир.

Бас, У зот ҳақида хабардорлар (билимдон кишилар)дан сўранг!»

(25- «Фурқон» сураси, 59-оят).

Худо оламни, бутун борликни, барча жонли-жонсиз мавжудотларни яратгувчиси — **Парвардигори оламнинг** умумий номи бўлиб, форсларда — «**Худо**», туркийларда — «**Тангри**», арабларда — «**Аллоҳ**», Исломдан аввалги Эронда — «**Яздон**», «**Эзид**», «**Хурмузд**», «**Худайгон**», яҳудийларда — «**Яхва**», славянларда — «**Перун**», «**Бог**», «**Господь**», «**Творец**», «**Создатель**», «**Всевышний**», «**Высочайший**», ҳиндларда — «**Даято**», англизларда — «**Говд**» ва ҳоказо тарзида зикр этилган.

Парвардигори олам Машриқзамин манбаларида асосан «**Рабб**», «**Раббий**», «**Мавло**», «**Ҳақ**», «**Ҳақ таоло**», «**Ҳақ субҳонаху ва таоло**», «**Аллоҳ таборака ва таоло**», «**Худои таоло**», «**Худованд**», «**Худовандо**», «**Худои бузург**», «**Парвардигор**», «**Тангри таоло**», «**Раббил - оламин**», «**Тангри субҳонаху ва таоло**», «**Аллоҳ таоло**», «**Тангри азза ва жалла**», «**Мавло жалла жалолуху**», «**Зулжалол**» каби кўпдан-кўп сифатлар билан тавсифланади.

«**Аллоҳ**» **Парвардигори оламнинг** арабча номидир, бинобарин, «**Ал-илоҳ**», яъни унга ёлбориладиган тенги йўқ беқиёс куч, энг улуғ зот деган маънони билдиради. Ислом дини зуҳуридан илгари арабларнинг қурайш қабиласи илоҳи ҳам «**Аллоҳ**» деб аталган. Шунинг учун оламларни яратган яккаю ягона **Худовандни** юқорида келтирилган номлар, атамалар, сифатлар билан атайвериш мумкин.

Арабча «**Аллоҳ**» калимаси **Тангри таолога** хос атамадир. Ҳеч бир тилда унинг тенги учрамайди. Масалан, туркий «**Тангри**» калимаси «**Илоҳ**» калимасига фақат маъно жиҳатидан тенгдир. **Қуръони каримнинг** англизча ва французча таржималарида ҳам бу ҳолга эътибор берилган ва «**Аллоҳ**» калимаси айнан ўз ҳолида сақлаб қолинган.

Юракнинг сўл аортасида (энг катта томирида) ва қафтларимиздаги собит чизиқлар шаклидаги хатлар билан «**Аллоҳ**» деб ёзилгандир. **Аллоҳ** оламнинг энг танланган мавжудоти бўлмиш инсоннинг юрагига ўз «имзосини» биологик бир муҳрдай чеккан. «**Аллоҳ**» калимаси **Аллоҳнинг Ўзига** хос номидир.

Муқаддас тўрт самовий китоб — Таврот, Забур, Инжил ва **Қуръони карим** бўлиб, уларга асосланган динлар таълимоти бўйича барча оламларнинг, коинотнинг, бутун мавжудоту Борлиқнинг, ғайб оламининг яккаю ягона яратгувчиси **Аллоҳ таолодир**.

Азалий ва абадий вужудни «**Аллоҳ**» дейдилар. Ўткинчи, фоний вужудни эса «олам» дейдилар. **Аллоҳ** олам эмас, олам эса **Аллоҳ** эмасдир.

Аллоҳ оламнинг **Халлоқи** — яратувчиси ва олам **Аллоҳ таолонинг** ижодидир. Оламни яратишда ҳам, уни барбод этишда ҳам инон-ихтиёри **Ўзидадир**. **Худованд** ўн саккиз минг оламни яратган, ҳар бир тур махлуқотнинг ўзи бир оламдир деган ривоятлар ҳам бор. Хуллас **Аллоҳ таоло** барча оламларнинг эгаси ва мутлақ ҳукмдоридир.

Аллоҳ қандай зот, қандай сифатларга эга каби саволларга жавоб бериш учун **Аллоҳ таоло** тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлиш лозим.

1. **Аллоҳ** азалдан мавжуддир. **У** ҳеч қачон йўқ бўлмаган. **Унинг** аввали ҳам йўқ, охири ҳам йўқ. Ҳеч нарса бўлмаган пайтда ҳам, **У** бўлган, мавжудлик **Унинг** асосий хусусиятидир. **Унинг** мавжудлиги ҳеч кимга ва ҳеч нарсага боғлиқ эмас. **У** бошқа нарсаларга беҳожат бўлгани ҳолда ҳамма **Унга** ҳожатманддир. **У** ҳамиша тирик. **У** моҳиятан пок ва доно, муқаддас ва билгувчидир. **Унинг** ниҳояси йўқ, абадийдир, дунёда ҳеч нарса

қолмаганда ҳам **У** боқий қолади.

2. **У** туғилмаган ва туғмаган. **Унинг** фарзанди ҳам йўқ, ота-онаси ҳам. **У** беназир бир зотдир.

3. **Унинг** шериги, ўхшаши, қиёфаси йўқ, тенг бир ўхшаши ёхуд тенг бир зидди бўлмаган **Аҳаддир**. **У** мукамал зот ва яккаю ягона бўлиб, бу ёлғизлик **Аллоҳга**, **Унинг** зотига хос бўлган бир мутлақ тоқликдир.

4. **У** азалий ва абадийдир, доим барҳаётдир ва ҳеч қачон ўлмайди.

5. **У** ломакондир, яъни **Унинг** турадиган макони йўқ. **У** ҳар ерда ва ҳар вақт ҳозир у нозир. Ҳар нафасда, ҳар заррада зухурдир — бордир. Бутун **Борлик Унинг** борлигига далилдир.

6. **У** ҳамма нарсага қодирдир. Хоҳлаган нарсасини қила олади. **У** хоҳлаган иш амалга ошмай қолмайди, хоҳламагани бўлмайди. **У** бенуқсондир, қилган, қилаётган ишлари беҳатодир, ҳикматдир. **Унинг** илми ва ҳикмати чексиздир. **У Самаддир**, яъни шонли, улуғ ва буюқ, барча ғоялар манбаи, нуқсонсиз, ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган, ҳар қандай мавжудот унга муҳтож ва ундан мадад олмай туролмайдиган, олий қудратли зотдир.

7. **У** барча нарсаларни эшитади, кўради, билади. **У** яқиндагини ҳам, узоқдагини ҳам, овозсизни ҳам, ошкорани ҳам, махфийни ҳам эшитади, кўради, билади. **Ундан** ҳеч ким ва ҳеч нарса яширин қолмайди. **У** қалблардаги ниятларни ҳам билади.

8. **У Холик** — **Яратгувчидир**. **У** ҳамма нарсани ҳал қилган ва яратган яккаю ягонадир. **У** билиб, ирода қилиб ва қодир бўлиб қолмай, балки амалда яратади ва ҳал қилади.

Аллоҳ таолонинг субутий (мусбат) сифатлари ҳам саккизтадир:

1. **Аллоҳ таоло** **Ўзининг** зотига хос бир сифат билан ҳамиша тирик (**Ҳай**), мангу барҳаётдир, аммо бизга ўхшаш аъзо ва жон билан эмас.

2. **Аллоҳ таоло** ҳар бир нарсани билгувчидир. **У Ўз** зотига муносиб сифат билан билур, аммо бизларга ўхшаш ўрганмоқ ва ўйламоқ билан эмас.

3. **У** ҳар нарсага қудрати етгувчи **Қодирдир**. Бир нарса қилмоқни хоҳласа, «бўл» деса кифоя. Аммо бизларга ўхшаб қувват ва ёрдам берадиган асбобларга муҳтож эмас.

4. **У Самий**, яъни ҳар бир овозни эшитгувчидир, аммо бизларга ўхшаб кулоқ билан эмас.

5. **У Басийр**, яъни ҳар бир нарсани кўргувчидир. Бутун оламни, қоронғу-ёруғдаги, узоқ-яқиндаги, еру осмондаги катта-кичик нарсаларни **Ўз** қудрати илоҳийси билан доим кўриб туради. Кўрмоғи **Ўз** зотига муносиб сифат билан бўлур, аммо бизларга ўхшаш кўз билан эмас.

6. **У Мурид**, яъни хоҳлагувчидир. Дунёдаги бор нарсалар, ишлар ҳаммаси **Унинг** хоҳиши билан бўлган. Ҳар бир ишни қилмоқ **Ўзининг** ихтиёрида — хоҳласа қилади, хоҳламаса қилмайди.

7. **У Мутакаллим**, яъни сўзлагувчидир. **У Ўз** зотига муносиб бир сифат билан сўзлайди, аммо бизларга ўхшаш оғиз, тил, овоз, ҳарфлар билан эмас. Таврот, Забур, Инжил ва **Қуръони карим** китобларидаги сўзлар **Унинг** каломидир.

8. **У Таквин (мукаввин)**, яъни бўлдирувчидир. Дунёдаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси **Унинг** бўлдиrhoғи билан бўлгандир.

Аллоҳнинг илоҳий сифатлари кўп бўлиб, Қуръони каримда тилга олинган 99 исмида (қ. Ал-асмо, ал-Ҳусно) яққол кўринади (юзинчиси яширин қолдирилган). **Аллоҳнинг** сифатлари инсон сифатларидан тубдан фарқ қилади, **Аллоҳ** бирор нарсага ўхшатилмайди ва бирор нарса ҳам **Аллоҳга** ўхшатилмайди.

Унинг зоти ва сифатлари тўғрисида баҳс юритиш шаръан ман этилади. Чунки инсон ўзининг чегараланган билими ва ақли билан **Унинг** чегарасиз моҳиятига ета олмайди. Суфи Оллоёр айтганидек:

*Фаришталар, набийлар етмадилар,
Бўйин сундилар-у фикр этмадилар.*

Ҳозир Ер юзидаги олимларнинг кўпчилиги ўзларининг дунёни табиат яратган, табиат абадий, бўлган, бўлади, фақат у бир шакл ва сифатдан иккинчи шакл ва сифатга ўтаверади, деган фикрларига қарама-қарши ўларок, «Дунёни табиат ярата олмайди, чунки яратувчи фикрлаш қобилиятига эга бўлиши керак, табиат эса бундай қобилиятга эга эмас», деган фикрни билдирмоқдалар. Хатта катан ҳам, юксак беназир билиш қобилияти фақатгина оламларни яратувчи **Аллоҳ**



Аллоҳ таоло, файласуфлар тили билан айтганда, мутлақ (абсолют) идея, кайҳоний ирода, қиёфасиз ибтидо бўлиб, **У** барча нарсалар ва ҳодисаларнинг бош сабабчисидир. Табиатда ҳамма нарса шу қадар мақсадга мувофиқ бекаму кўст қилиб яратилганки, бунини фақат барча ҳодисаларни тартибга солиб тургувчи мутлақ ақлли вужуднинг мавжудлигини тан олиш билангина изоҳлаш мумкин. **Парвардигор** мукамал вужуддир деган тушунча ҳамма кишиларда бор, лекин, агар бу мукамал вужуд ҳақиқатда бўлмаса, бу тушунча ҳам пайдо бўлмасди. Демак **Аллоҳ** мавжуддир. Илм тили билан айтганда, **Худованди таоло** ақл, нақл ва идрок билан таниладиган борлиқдир. Таъбиримизча:

*Ҳар олам, ҳар заррада зуҳурдир Аллоҳ,
Улуғ, эзгу ишларда Ул бизга паноҳ.
Деди: меҳр ила безанг оламни ҳар гоҳ,
Оҳ, Ўзинг адаштира, эй субҳон Аллоҳ!*

(Муаллиф)

Худованднинг борлиги, бирлигини дунёнинг биринчи пайғамбари, расули Одам сифийуллоҳ, ундан кейинги пайғамбарлар Шис, Идрис, Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Яъқуб, Мусо, Довуд, Ийсо, Муҳаммад алайҳиссаломлар ҳамда бошқа пайғамбарлар эътироф қилганлар ва халқни бунга даъват этганлар.

Хуллас, дунёни ҳаракатга келтирувчи объектив қонун — қарама-қарши кучлар кураши қонунига кўра, раҳмоний ва шайтоний кучлар кураши — **Аллоҳ**нинг зотини инкишоф қилолмай, **Уни** йўқ деб тушуниб қўя қолувчилар ўртасидаги азалий курашда намоён бўлади. Бу кураш ҳам аслида **Парвардигори олам** томонидан яратилган табиий заруриятдир. Чунки дунёни қарама-қаршиликлар ва улар ўртасидаги кураш ҳаракатга келтиради.

Аллоҳ таолонинг қонунларидан бири бўлган «парите» — зид жуфтлар қонуни дунёни, бутун оламларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бундай зид жуфтларга мусбат ва манфий, шимол ва жануб, ғарб ва шарқ, зулмат ва зиё, яхшилик ва ёмонлик (эзгулик ва ёвузлик), иссиқ ва совуқ, тортиш ва итариш, энергиянинг қўйилиши ва сўрилиши, прогресс ва регресс, ҳаёт ва мамот, эркак ва урғочи, жуфт ва тоқ, нафс ва қаноат, ўт ва сув, ҳалол ва ҳаром, юмшоқлик ва қаттиқлик ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин. Зид жуфтлар математик амалларда ҳам мавжуд: қўшув ва айирув, купайтирув ва бўлув.

Дунё ва ҳаётнинг ана шу қонун асосига қурилганлиги 36- «Ёсин» сурасининг 36-оятда айтиб ўтилган: «**Ер ундирадиган нарсалардан, (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Аллоҳ)га тасбеҳ айтилу**р». Бу ояти каримада жуфтлар тушунчасига инсоннинг ўзи (эркак ва аёл) ва инсон билмайдиган бошқа зид жуфтлар кириши назарда тутилган. «Парите» ҳақиқати Ердаги ҳаётга хос бўлиши баробарида биз билган-билмаган бутун коинот миқёсида ҳам ҳукм суради. Мабодо **Аллоҳ**нинг бу қонуни бўлмаганида эди, оламдаги жамики моддалар, нарсалар бир-бирига ёпишиб, коинот тоқ бир жисм ҳолига келарди. Ёки, аксинча, тарқалиб, сочилиб кетар эди.

Коинотнинг ва дунёдаги барча нарсаларнинг мувозанати ўзаро тортишув ва итариш кучи билан сақланади. **Аллоҳ Ўзининг** ана шу қонунига биноан инсониятга ҳар бир ишда ўртача йўл тутишни, ўртача ҳаёт кечиришни буюради.

Тангри таоло яратган шу қонунга кўра, бундай қарама-қаршиликлар инсон табиатида ҳам мужассамланган бўлиб, инсонлар ўзининг туғри ёки нотуғри тафаккури, фикр юритиши натижасида бир-бирига зид яхши ва ёмон, ижобий ва салбий кишиларга ажраладилар ҳамда табиатдаги сингари доимий ҳаракатда, ўзаро курашда бўладилар.

Худованд Ўзи яратган мавжудотлари ичида олий, фикрлай олиш ва сўзлаш қобилиятига эга бўлган мавжудоти — инсонга уни синаш мақсадида ихтиёр, ирода ва фаолият эркинлигини бериб қўйган. Яшаш учун курашда раҳмоний кучлар томонида туриб курашганлар бахтли, аксинча, ёт томонда туриб, шайтон васвасасига қўл бериб курашувчилар бахтсиздирлар. Бу ерда ҳам зид жуфтлар, яъни **Раҳмон** ва шайтон, яхши ва ёмон муносабати, кураши намоён бўлмоқда. Пировард натижа бу ҳам зид жуфтлик — «бахтли» ва «бахтсиз» натижага олиб келади. Демак дунёнинг ишлари иккиликлар, бир-бирига зид

икки томонлар — раҳмонийлар ва шайтонийлар, яхшилар ва ёмонлар, зулмат ва зиё, ҳаёт ва мамот кураши заминиди давом этади. Инсон бу дунёда ўз инон-ихтиёри, иродаси билан қилган яхши ёки ёмон амалларининг ажру савобини нариги дунёда жаннат ёки дўзах инъом этилиши билан олади (бу ерда ҳам қарама-қарши икки зид томонлар зухур этмоқда: савоб ва гуноҳ, бу дунё ва у дунё, жаннат ва дўзах). Яъни ҳар ким, албатта, экканини ўради: арпа эккан арпа олади, буғдой эккан — буғдой. Бундан ташқари, «карма» — хулқ-атвор қонунига кўра, киши қилган гуноҳлари ажрининг бир қисмини бу дунёда, қолган қисмини у дунёда олади. Аммо қанча ва қандай қисмини бу дунёда ёки у дунёда олиши яшириндир, уни ёлғиз **Парвардигори оламнинг Ўзи** билади.

Таврот китобида ёзилишича, киши гуноҳларининг бу дунёда олмаган ёки ололмайд қолган ажри, жазосини унинг бу дунёдаги тўрт авлодларидан бирининг ёки барчасининг зиммасига юклатилиши ҳам мумкин экан. Бундан келиб чиқадики, кимки бу дунёда гуноҳсиз бўла туриб, кўп азоб-уқубат, касаллик, омадсизлик, қийинчилик, ғам-андуҳ чекаётган бўлса, демак, у қайсидир аждодларининг қилган гуноҳларининг жазосини тортаётган бўлиши ҳам мумкин экан. Гуноҳларимиз келгуси тўрт авлодларимиздан бирининг ёки барисининг бўйнига оғир юк бўлиб ортилишига ишонч, бизни деб улар бу дунёда қаттиқ азоб чекишлари мумкин деган фикр туғилишига сабаб бўлади. Шу ўринда машҳур француз файласуфи Франсуа Вольтернинг қуйидаги сўзларини беихтиёр эслаб кетасан киши: «*Тасодиқ йўқ нарса. Бу дунёда рўй берадиган ҳамма нарсалар ё синов, ёки жазо, ёхуд мукофот ва ёинки аввалдан юборилган хабардир*». **Аллоҳнинг Ўзи билгувчироқдир!**

Ҳурматли ўқувчим, шу ерда эътиборингизни бир нарсага жалб қиламиз. Тавротнинг бир нечта оятларида, ота-оналар гуноҳи учун болалари 3—4-авлодларигача жазоланиши ҳақида айтиб ўтилган бўлса-да, аммо **Қуръони карим**нинг қатор сура, оятларида ҳеч бир гуноҳкор жон ўзга жоннинг гуноҳига масъул (жавобгар) бўлмаслиги, инсон фақат ўзи қилган саъй-ҳаракати учун жазо-мукофот олиши айтилган. (Қаранг: Библия. «Чиқиш», 20:5 ва 34:7; «Сонлар», 14:18; «Иккинчи қонунлар тўплами», 5:9. Қуръони карим. «Анъом», 6:164; «Ал-Исро», 17:15. «Фотир», 35:18; «Зумар», 39:7; «Ван-Нажм», 53:32—41).

Аллоҳнинг икки илоҳий китоблари уртасидаги ихтилоф, Тавротга узоқ замонлар ўтиши мобайнида ўзгартиришлар киритилган бўлиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

Аллоҳ таборака ва таоло яратган беҳисоб оламларни **Ўзининг** азалий қонунлари воситасида бошқаради. Масалан, бирон-бир кинофильм кўриш учун, телевизорга видеоаппаратни улаб, тегишли тугмачаларини босиб дастурлаб қўйсангиз кифоя, кинофильмни бемалол кўраверасиз. Телевизорни масофадан тугмачани босиш билан бошқариш ҳам мумкин. Бу оддий физик қонуниятларга асосан амалга оширилади. Бутун оламлар, коинот, табиат, мавжудотлар ана шундай, аммо олий тарзда бошқарилиб туради, десак янглишмаймиз.

Бундай қонун-қоидаларни яратувчи шак-шубҳасиз ёлғиз **Аллоҳдир**. Тасаввур қилинг-а, бундан минг йил олдин телефон, радио, телевизор, машиналар, ўқотар қуроқлар, танклар, самолётлар, ҳаммаёқни вайрон этиб ташловчи ракеталар, лазер қуроқлари, атом, водород, нейтрон бомбалар, бактериология қуроқлари ва ҳоказолар бўлиб қолса, ўша замоннинг кишилари бунга қандай муносабатда бўлардилар? Яқин-яқинларгача, ҳатто атиги бундан икки аср муқаддам оддий велосипед ҳам одамларнинг ақл доирасига сиғмай, уни «шайтонарава» деб аташган. **Аллоҳ таоло** шундай мўъжизалардан миллион-миллион карра мукамал турларини яратиб қўйганки, улар бизнинг чегараланган ақлимиз доирасига сиғмайди. Бундай сир-синоатлар замонлар ўтиши билан бирин-сирин ечила бораверади. Натижада азалий жумбоқлар, муаммолар, мўъжизалар аста-секин ечилиб, аниқлашиб, мўъжизалик, ғайритабиийлик хусусиятини йўқотаверади.

Инсоният ҳозирги кунда техниканинг илғор турларига эга бўлиб тургани ҳолда, биз нега **Аллоҳ таолонинг** қудрати инсон қудратига қараганда бениҳоя эканлигига шубҳа қилишимиз керак? **Худо** йўқ дегувчиларга биргина лўнда савол: хўш, оламнинг пайдо бўлишида биринчи турткини ким берган? Ҳолбуки бирон-бир турткисиз, куч-қувват таъсирсиз ҳеч қандай ҳаракат, ҳодиса, реакция бўлмаслигини болалар ҳам физика фанидан биладилар-ку?! Файласуфларнинг таълимоти бўйича, янги ҳаракатни ҳар доим эски ҳаракат вужудга келтиради. Демак, ҳар бир ҳаракат, иш, кимнингдир руҳий, ақлий, жисмоний

фаолияти натижаси экан, ўша фаолият эгаси ким? Катъий қилиб айтамыз: шубҳасиз, **У— Аллоҳдир, У Аллоҳдир, Аллоҳ!**

Даҳрийлар олам аввал ҳам бор эди, бундан кейин ҳам бўлади, аввал у газ (тутун) холида эди, даҳшатли портлаш юз бериб, бутун олам — коинот пайдо бўлди, дейишади. **Аллоҳ эса, Ўзининг борлиги, бирлиги ҳақида Ўзи нозил қилган илоҳий китоби Қуръони каримда хабар бериб дейдики:**

«Дарҳақиқат, Раббингиз осмонлару Ерни олти кунда яратган, сўнгра Арш узра муставий бўлган, кундузга тунни қоплатадиган — уни (яъни, тун кунни) шитоб қувийди — қуёш, ой, юлдузларни Ўз амрига мусаххар (муте) қилиб қўйган Аллоҳдир. Огоҳ бўлингизки, яратиш ва буюриш Унга хосдир. Оламларнинг Рабби — Аллоҳ баракотлидир». (7- «Аъроф» сураси, 54-оят).

(«Эй, Муҳаммад), айтинг: **«У Аллоҳ Ягонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожат-барордир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унга бирор тенгқур ҳам йўқдир».** (112- «Ихлос» сураси, 1—4-оятлар).

«Айтинг: «Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштиурмисизлар?! Ана Ўша (барча) оламларнинг Парвардигори-ку?!

У (Ернинг) устида тўла тўрт кунда тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини белгилади (таксимлади). (Бу тафсилот) сўровчиларга хосдир.

Сўнгра тутун ҳолатда бўлган осмонни (яратишни) қасд этиб, унга ва Ерга: «(Фармонимга) ихтиёрий ёки мажбурий ҳолда келинглари!» — деган эди, улар: «Ўз ихтиёримиз билан келдик», — дедилар.

Бас, икки кунда етти осмонни барпо қилди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) ишни (вазифаси)ни ваҳй қилди. Биз қуйи осмонни чироқлар (юлдузлар) билан безадик ва (уни офатлардан) сақладик. Бу қудратли ва билимли зотнинг тақдири (ўлчови)дир». (41- «Фуссилат» сураси, 9—12 оятлар).

И з о х: Келтирилган оятларда Тангри таоло Ерни икки кунда яратиб, тўрт кун деганда унинг ризқу рўзини ҳам тақсимлаб бўлиб бергани ва олти кун деганда эса осмонни ҳам яратиб бўлгани баён қилинган.

«Биз осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб (беҳуда) яратганимиз йўқ. Биз уларни фақат Ҳақ (жиддият) билан яратганмиз. Лекин, уларнинг аксарияти билмайдилар». (44-«Духон» сураси, 38—39-оятлар).

«У тирилтирадиган ва ўлдирадиган зотдир. Бас, қачон бирор ишни ҳукм қилса унга фақат: «Бўл!» — дер, холос. Бас, у (иш) бўлур» (40-«Ғофир» сураси, 68-оят).

(Эй инсон), Аллоҳ осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратиб қўйганини кўрмадингми?!

...Агар У хоҳласа сизларни кетказиб, (ўрнингизга) янги халқни келтирур. Бу (иш) Аллоҳ учун қийин эмасдир». (14-«Иброҳим» сураси, 19—20-оятлар).

«Аллоҳ дон ва уруғларни ёрувчи (ва ундирувчи)дир. Ўликдан тирикни чиқаради ва (У) тирикдан ўликни чиқарувчидир. Ана ўша Аллоҳдир. Бас, қаёққа оғиб кетаяпсизлар?» (6-«Анъом» сураси, 95-оят).

«Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ! У улкан Арш эгасидир» (27-«Намл» сураси, 26-оят).

«Ҳамд эса (барча) оламлар Раббига (хосдир)!» (37-«Вас-соффот» сураси, 182-оят).

*Хуш қудратлиё Парвардигор Биру борим,
Қўлум тутиб йўлеа солеил, Анта-л-Ҳодий.
Зоти улуё Раҳмон эгам ҳам Жабборим,
Қўлум тутиб йўлеа солеил, Анта-л-Ҳодий.*

*Гуноҳ дарди бемор қилди, табибимсен,
Маҳбубимсен, дармонимсен, ҳабибимсен,
Йўлда қолдим, ҳолим сура рафиқимсен,
Қўлум тутиб йўла солел, Анта-л-Ҳодий.*

(Аҳмад Яссавий)

Баъзилар: «**Тангри таоло Куръони карим**да кўпинча «Биз» деб хитоб қилади, бунинг сабаби нима?» — деб савол берадилар. Бунинг изоҳи қўйидагича: «биз» сўзининг луғавий маъноси икки хил бўлиб, биринчиси — «мен» шахсининг кўплиги, яъни бирдан ортиқ киши тушунилади. Унинг иккинчи маъноси — «биз» — якка шахснинг кибр-такаб-бурлик ва катталик қилиб айтган «мен»идир. Баъзида айрим кишилар «мен» ўрнига, ўз ғурури ва устунлигини намойиш қилиш мақсадида, ўзига бино қўйиб, катталик қилиб киброна «биз» деб айтадилар. **Тангри таоло** бандаларига «Биз» деб хитоб қилганида **Ўзининг** улуғ, қудратли ва азамат эканлигини, яккаю ягоналигини, кибру ҳаво, катталик фақат **Ўзига** хос сифат эканлигини билдириб, «**Мен**» ўрнига «**Биз**» деб хитоб қилади.

Муомалада «мен» ўрнига «биз» деб айтиш баъзан камтарликни ҳам билдиради.

Аллоҳ таолога «сен» деб мурожаат қилишимизнинг сабаби эса ширкка йўл қўймаслик ва **Унга** ўзимизни яқин олишдандир.

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси бўлиб, чегарасиз ҳеч нарса йўқ. Ақл, идрок, фикрнинг ҳам чегараси бўлиб, бу чегара худди уфқ ва саробга ўхшаб, яқинлашган саринг чекина боради ва янгидан-янги воқеликлар кўринаверади. Чегарага қанча яқинлашсанг, шунча чекиниб, кенгайиб боради ва, ниҳоят, қачон бўлмасин чегарага албатта етилади.

Тангри таоло яратган «ўн саккиз минг» оламни ва бор ҳақиқатни билиш инсониятнинг қўлидан келмайди, чунки биз билишимиз керак бўлган нарсалар ақл доирамизга сизмайдиган даражада ниҳоятда бепоён бўлиб, чегараланган ақлимиз бунга ожизлик қилади. Зотан, Умар Хайём ҳам буни тан олган:

*Азал сирларин билолмасмиз на сену, на мен,
Бу жумбоқ, ҳал қилолмасмиз на сену, на мен.
Парда орқасидандир бу ғуруримиз,
Парда кетар-у, қолмасмиз на сену, на мен.*

Шу кунгача ўтган барча алломалар, олимлар, уламолар, азиз-авлиёлар, донишманд-файласуфлар дунёни билиш, азал сирларини ечиш ҳақида зўр бериб баҳс юритиб келганлар, бир-бирига ўхшаган-ўхшамаган, ажойибу ғаройиб тахминлар, фаразлар, таълимотлар, тариқатлар, сулуклар, мазҳаблар яратиб, ҳар бири ўзиникини маъқуллаб, зўр бериб исботлашга уриниб келганлар. Бундайларга Умар Хайём қўйдаги рубойиси билан жавоб берган:

*Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларин,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.*

Шундай қилиб, дунёнинг ривожи учун қарама-қаршиликлар курашида бири ютади, бири ютқазади. Умуман олганда, бу кураш жараёни ҳам бир мувозанатда туради, гўё тарозининг икки палласидек.

Агар табиатдаги мувозанат бузилгудек бўлса, уни **Ўзи** вақт-соати етганда тартибга солиб қўяди. **Унинг Ўзи** эшиттувчи, кўргувчи ва билгувчидир. **Тангри таолонинг** ишига аралашиб, табиий мувозанатни бузсак, табиат ва инсоннинг ўзи зарар кўради. Бунга мисоллар жуда кўпдир.

Ҳали айтганимиздек, материалист (моддиюнчи) олим-файласуфлар, олам даставвал тарқоқ газдан иборат бўлиб, кейин у газ (тутун)нинг катта босим билан сиқилиши натижасида аста-секин Борлиқ пайдо бўлган деганлар. Савол туғилади: Ўша дастлабки газ-тутун қандай пайдо бўлган, уни ким пайдо қилган? Афсуски, бу саволга жавоб йўқ. У газ азалдан бўлган эди, табиат бор эди ва бор бўлади, фақат бир кўринишдан бошқа кўриниш-

га ўзгариши мумкин, Борлиқнинг боши ҳам йўқ, охири ҳам йўқ, деб осонгина қутулиб қўя қолишган. Умар Хайём рубойиси гуё улар ҳақида жаранглайди:

*Билагонлар бор-ди, ўхшаш офтобга,
Ҳар бири хазина илму одобга.
Бу қоронғу тундан йўл топишолмай,
Бирор афсона деб кетдилар хобга.*

Хулласи калом, табиатда чек-чегарасиз, боши йўқ ва охири йўқ нима бор? Табиатда ҳамма нарса туғилади, ўлади, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтади, ўзгаради, бордан йўқ бўлмайди, йўқдан бор бўлмайди.

Бордан йўқ қилувчи, йўқдан бор қилувчи Бирубор — **Парвардигори олам** эканлигини тушуниб етиш осон иш эмас, албатта. **Тангри таоло** қандай қилиб бор қилади, қандай қилиб йўқ қилади ва нима учун бор қилади, йўқ қилади, қандай мақсадда — бу бизнинг ақл доирамизга сифмайди. Ушбу мантиқни аксарият донишмандлар ечиб бера олмаганларидан кейин, ортиқча вайсақиликка ҳожат ҳам қолмайди. Афсуски, кўплар гап қозонини бефойда, бенатижа қайнатаверишдан мақсад нима эканлигини ўзлари ҳам тушунмайдилар. Ундан кўра, дунёнинг маълум энг зарур қонунларини яхшилаб ўрганиб, бу омонат — фоний дунёда яхши яшаб, бориға қаноат қилиб, энг зарури — кўнгил осойишталигини, хотиржамлигини таъминлаб, керагидан ортиқ бойлик тўпламай (кўп бойликни кетидан қувиш, қалб осойишталигини, тинчлик ва хотиржамликни йўқотиш, азобу укубатлар тортиш эвазига бўлади), узини-ўзи қийнамай яшашга нима етсин?! Демак, доноларнинг қўйидаги пандини ҳам безътибор қолдирмаслик керак: «*Фақат емак учун яшамаганимиздек, фақат билим учун ҳам яшамаймиз*». Ҳаммаси ўз ўрнида ва меъёрида бўлиши керак.

И к к и н ч и ф а с л

Оламнинг яратилиши

«(У) Еру осмонларни Яратгувчисидир.
Бирор ишни қиладиган бўлса, (фақат-
гина унга) «Бўл!» деса, бас, у бўлади!».

(2- «Бақара» сураси, 117-оят).

Мухтарам суҳбатдош, **Аллоҳ таборака ва таоло** ҳақида қисқача тасаввурга эга бўлдик. Энди **Тангри таоло** оламини қай йўсинда яратганлиги ҳақида баъзи маълумотларга муурожаат этайлик.

Бугунги кунда кўпчилик диний ва дунёвий уламолар ва олимлар инсоният тамаддуни (цивилизация) масаласида яқдил фикрга эгалар. Яъни ҳозирги тамаддун Одам алайҳиссаломга қадар бир неча бор қайтарилган, Одам алайҳиссалом одамларнинг биринчиси эмас, деган тухтамга келганлар. Қадимги юнон асотирларида ҳам ер юзида кўхна тамаддунлар бўлиб ўтганлиги айтиб ўтилган.

Шундай асотирларнинг бирида айтилишича, жуда қадим замонларда илм, фан, техника жуда кенг раванқ топган, юксалган. Инсоният камолот чўққисининг энг юқори пилла-полярлига кўтарилган. Пировардида инсон учун имкони йўқ ишнинг ўзи деярли қолмаган.

Шундай кунларнинг бирида, дейилади асотирларда, Ҳақ таоло ер юзига оддий одам қиёфасида тушиб, бир чўпондан сўрайди:

— *Худонинг қаердалигини биласанми?*

Чўпон ерга бир нечта ғаройиб формулалар чиза бошлайди ва бир оздан кейин бошини кўтариб: Худо фалакда йўқ!, — деб жавоб беради.

— *У балки ерга тушгандир? — дея яна савол беради Худо.*

Чупон яна бир қанча формулаларни ерга чизади-да, ўйлаб-ўйлаб Унга:

— Ер юзини текшириб кўрдим, аммо у ерда ҳам Худо йўқ. Фақат текширилмаган шу ер, яъни сен-у мен қолдик холос. Шунга кўра Худо сен бўлишинг керак! — деб жавоб берган экан.

Шунда Парвардигори олам: «Модомики ерда одамзот шу даражага етган экан, эртага булар Худодликни ҳам даъво қилиши мумкин» — деган ўй билан барча ода-зоту жонзотни ҳалок қилиб, яна янгитдан дастлабки одамларни яратган экан.

Юнонларнинг фикрича, бу жараён сон-саноксиз такрорланаверади. Яъни ҳар гал инсон қайта яратилиб камолот поғоналарига кутарила беради ва маълум бир даража — чўққига етгач, қиёмат қойим бўлиб, инсоният интиҳога юз тутади. Тараққиёт, деб уқти-ради фалсафа ҳам, доиравий ҳамда спиралсимон ҳаракатга, йўналишга эга. Яъни унинг навбатдаги ҳар қандай поғонаси, янги бўғини ўзининг аввалги йўлини айнан такрорлай-ди. Аммо бу такрорланиш ҳар гал аввалгисидан юқорироқ даражада кечади.

Оламлар деганда қуйидаги оламларни тушунамиз:

1. Олами Акбар — энг буюк олам — коинот. **Аллоҳ** 18 минг оламини (жуда кўп маъносида) яратган, дейилади манбаларда. (Имом Бухорий. Хадис. III-жилд, 558-бет).

2. Олами Асфар — энг кичик олам, яъни инсон.

3. Олами Шухуд, Шукуҳ — кўзга кўринадиган, яъни бу дунё.

4. Олами Мулк — ҳис этиб англаб бўладиган, инсон ақли етадиган жисмоний ва моддий макон, замон олами.

5. Олами Асбоб — сабаблар олами, бу дунё.

6. Олами Носуд — инсоннинг ақли етадиган моддий олам, яъни махлуқлар (яратилган-лар) олами.

7. Олами Лоҳуд — улуҳият олами, илоҳий маконлар олами.

8. Олами Барзах — икки (у ва бу) дунё оралиғи, кўзга кўринмайдиган олам.

9. Олами Амр — **Аллоҳ**нинг амри билан ҳар нарсанинг мавжудлигини таъминлайди-ган олам.

10. Олами Малакут — **Аллоҳ**нинг олий илоҳий ҳукмронлиғи, олий гоёлар ва амрлар олами. **Аллоҳ**нинг илоҳий иродаси ва сир-асрорларидан иборат бўлган «Илоҳий амрлар олами». Малакут — бирламчи, дастлабки онг — «ақли ал-аввал» олами мақомидадир.

11. Олами Жабарут — малакут ва мулк (жисмоний олам) оралиғидаги ҳолат, муҳит, мақом бўлиб, у Малакут олами — «Илоҳий кудрат олами» гоёларига хизмат қилади.

12. Олами Файб — кўзга кўринмас олам.

13. Олами Арвоҳ — руҳлар олами.

14. Олами Зухур — ашёларнинг зуҳурланиш (кўриниш) олами.

15. Олами Кавни фасод — бузуклик олами ва ҳоказолар.

Оламнинг яратилиши ҳақида бир қанча ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан баъзилари-ни келтириб ўтамиз. Маълумки, ҳар бир ривоят асосида муайян бир ҳақиқат ётади.

*Ривоятларда келтирилишича, ҳазрат Мусо алайҳиссалом **Аллоҳ** билан роз ай-тишган (сирлашган) вақтда **Аллоҳ** таоло Мусога:*

«Ё Мусо, аввал Мен Муҳаммад алайҳиссаломнинг руҳини яратдим. Ундан сўнг бир оқ дур яратдимки, унинг бўйи ва эни беш юз йиллик йўлдир. Ундан сўнг ҳаво ичида етмиш минг шаҳар яратдимки, у шаҳарларнинг катталиғи бу дунёга етмиш баробар келар эди ва ҳар шаҳарда етмиш минг махлуқ яратдимки, улар инс ҳам, жин ҳам, фаришта ҳам эмас ва ҳаммалари эркалар бўлиб, улар Менга етмиш минг йил ибодат қилдилар. Улардан бир киши Менга осий (гуноҳкор) бўлди, унинг касо-фатидан ҳамма шаҳарларни бирини бирига уриб, хароб қилдим.

Ундан кейин яна ҳаво ичида саксон минг шаҳар яратдимки, уларнинг ҳар бири-нинг катталиғи бу дунёга ўн баравар келар эди. Уларнинг ҳаммасини хардал уруғи билан тўлатдим ва бир кўк ранглик қуш яратдим. У қуш шаҳарларга ҳар йили бориб, ўша хардал уруғидан бир дондан еб юриб ҳаммасини тугатди ва ўлди.

Бундан кейин саксон минг махлуқ яратдимки, ҳаммалари нурдан бўлиб, уларга ўхшаш махлуқни ҳаргиз яратган эмасман ва улардан иккисини бир вақтда яратган эмасман. Шундан кейин бир киши яратдимки, у саксон минг йил умр кўриб ўлди.

Ундан сўнг бошқасини яратдим, у ҳам саксон минг йил умр кўриб ўлди ва шундай қилиб саксон минг кишини яратдим, ҳар бири саксон минг йилдан умр кўриб, ҳаммалари тамом бўдилар.

Ундан сўнг Қаламни яратдим, кейин Лавҳни яратдим, кейин Аршни яратдим, кейин Курсини яратдим. Ундан кейин етмиш минг фариштани яратдим. Етмиш минг йил ўтгандан сўнг жаннатни яратдим ва яна етмиш минг йил ўтгандан сўнг дўзахни яратдим.

Ундан сўнг бир кишини яратдим ва унинг номини Одам қўйдим.

Ё Мусо, у Одам сенинг отанг ҳазрати Одам эмас.

У Одам ўн минг йил умр кўриб ўлди. Ундан сўнг яна бир Одам яратдим. У ҳам ўн минг йил умр кўриб ўлди. Шундай қилиб, ўн минг одам яратдимки, ҳар қайсилари ўн минг йилдан умр кўриб ўдилар. Ана ундан сўнг сенинг отанг (бобокалонинг) ҳазрати Одам алайҳиссаломни яратдим». (Манбаъ ул-Маориф. Араб тилидан С.С.Абдукаримов таржимаси. Т.: «Камалак» нашриёти, 1995, 7-фасл).

Шайх Азизиддин Насафий (1226 - 1306)нинг ёзишича, **Тангри субҳонаху таоло** мулк ва малакут оламларини яратишни ирода ва ихтиёр этиб, илк дафъа бир жавҳар (субстанция) — Нафси аввал (Руҳи аввал)ни яратди ва унга нигоҳ ташлади. У жавҳар **Тангрининг** нигоҳига дош бера олмай, қайнаб эрий бошлади ва кўпирди. Кейин у жавҳарнинг қаймоғи (моҳияти) бамисоли шакар қиёми сингари ажралиб чикди ва қуйқаси пастга чўкди.

Халлоқи олам ўша жавҳарнинг шаффоф қиёмидан (қаймоғидан) малакут, руҳлар оламини яратди. Қуйқасидан эса мулк, жисмлар оламини вужудга келтирди.

Тангри таоло яратган бутун оламни икки хил мазмун (қисм)дан иборат қилиб яратди.

1. Яширинган олам — олами ғайб.

2. Кўринадиган олам — олами шуҳуд.

Олами ғайбни «малакут олами», «амр олами», «руҳ (жон) олами», олами шуҳудни «мулк олами», «махлуқот олами», «жисм олами» деб ҳам аталади.

Шуни билиш керакки, инсон кичик олам, барча оламлар эса улуғ оламдир. Инсон икки оламнинг нусхаси, тимсоли ва белгисидир. Улуғ оламда бор нарсалар кичик оламда ҳам мавжуддир.

Улуғ оламнинг боши ва охирини, ташқи ва ички кўринишини (зоҳири ва ботинини), моҳият ва шаклларини билиш учун, инсон ўзининг моҳиятини, зоҳир ва ботинини англаб етиши керак. Нарса ва ҳодисалар қанақалигини билмоқчи бўлган одам ўзининг қандайлигини билиши керак. Демак **Аллоҳни**, оламни билмоқчи бўлсанг, аввало ўзингни тани!

Улуғ олам яратилишининг боши битта жавҳар — уруғдан иборат бўлганидек, кичик олам ҳам битта жавҳар — уруғдан (нутфадан) пайдо бўлган. Бу икки оламда нимаики пайдо бўлса, улар ана шу икки уруғда мавжуддир. Инчунин, ҳар икки олам ҳам дастлабки уруғдан — жавҳардан пайдо бўлган.

Зоҳир — мулк олами, ботин — малакут оламининг унвони, белгисидир. Бу икки олам бир-бирига ўхшаш бўлиб, икковининг манбаи, асоси бирламчи модда — жабарут оламидир. Бинобарин, мулк олами орқали малакут олами ва малакут олами орқали жабарут олами исботланади.

Азизиддин Насафий ўз фикрини давом эттириб айтадики, Борлиқнинг асл асоси соф ваҳдатдир ва бу ҳақиқат, моҳият — жабарутдир.

Жабарут бу мусаффо ваҳдат, жисм ва руҳнинг манбаи, Китоб ва Каломнинг боши, мулк ва малакутнинг асоси, Борлиқ ва оламнинг манбаидир. Мулк ва малакутда бор жамийки нарсалар жабарутда мавжуд. Мулк ва малакутда Еру осмон ҳам, Аршу Курси ҳам бор. Шундай қилиб, ваҳдат аҳлининг фикрига кўра, улуғ олам уруғи, тухуми бўлган бирламчи жавҳар, бирламчи моддиюн — **ҳаюлодир**.

Ана шу ҳаюло, яъни бирламчи модда жабарут оламидир. Жабарут олами икки олам — мулк ва малакут оламларининг манбаидир.

Ваҳдат ахлининг фикрига кўра, бирламчи моддийон — ҳаюло ҳар икки олам, яъни олами ғайб ва олами шухуднинг ҳақиқатидир. Бу ҳақиқатнинг боши ҳам, охири ҳам, худуд ва чегараси ҳам йўқ. **У** бўлинмайди ва қисмларга ажралмайди ҳам. Бутун Борлик **Ундан** дир, ҳамма нарса **Унга** қайтиб боради.

Икки оламини инъом этувчи **Унинг Ўзи** ва **Унинг** икки оламининг ҳам моҳияти битта — худудсизлик. Бу моҳият ғайб (асрор) олами ва бу моҳият ваҳдатдир. Жабарут оламининг номлари ва аломатлари йўқ, у шакл-суратларга ҳам эга эмас, чегараси ва тизим-тартиби ҳам кўринмайди. Ақл уни билишга қодир эмас, идрок, тасаввур ва хаёллар **Унинг** олдида ҳайрон ва лолдир (Азизиддин Насафий. Зубдат ул-хақоийк. Т.: «Камалак», 1995; Манбаъ ул-Маориф. Араб тилидан С.С.Абдукаримов таржимаси. Т.: «Камалак», 1995).

И з о х: Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий 1226-йилда Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилиб, 1306-йилда Эроннинг Форс вилоятидаги Абрқўҳ деган жойида оламдан ўтган. Ханафий мазҳабига мансуб бу шайх — сўфийнинг устози машҳур Саъдиддин Ҳамавий (1191-1252) бўлган. Ундан Ибн ал-Арабий (1165-1240) таълимотларини ўрганган ва унинг еояларини ривожлантирган. Сўфийлик бўйича кўп ва нозик, хос асарлар ёзган.

Азизиддин Насафийдан олдин шайх Фаридиддин Аттор (1119-1229) ҳам оламларнинг яратилиши ҳақида ўз қарашларини ёзиб қолдирган. Унинг фикрича, **Тангри** таоло дастлаб якка **Ўзи** бўлган, **Ўзидан** бошқа ҳеч нарса — борлик ҳам, замон ҳам, макон ҳам бўлмаган. **Худои** таоло оламларни яратишни ихтиёр этиб, даставвал инсонни комил, пайғамбарлар муҳри — Муҳаммад (с.а.в.)нинг нури, руҳини яратган. Ундан кейин дастлабки субстанция, дастлабки сабаб — «жавҳар» деб аталмиш «ақли аввал»ни яратган.

Бу жавҳар яъни якли аввал, «илоҳий қалам» деган маънони ҳам касб этади. **Аллоҳ** таоло бу жавҳарга меҳр нигоҳини қадаган эди, жавҳар бунга дош беролмай биқирлаб қайнаб, сувга айланди. **Аллоҳ** таоло ана шу сув буғидан (ёки тутунсимон газдан) осмон жисмлари ва Ерни яратди, деб уқтиради Аттор. (Е.Э.Бертельс. Суфизм и суфийская литература, М.: Наука, 1965, 360-370 бетлар).

Бошқа бир ривоятда айтилишича, **Аллоҳ** таоло оламларни яратишни ихтиёр этиб, дастлаб **Қаламни** яратган. Сўнг Лавҳ ул-Маҳфуз китобини яратиб, унга булажак воқеалар, ходисалар, инсонлар ва бошқа барча яратиладиган махлуқотлар тақдирини битиб қўйган. Ана ундан кейин Арш (Арши аъло)ни, сўнг Курси (Илоҳий Тахт)ни яратган. Шундан кейин Таврот, **Қуръон** ва пайғамбаримиз ҳадисларида келтирилган тартибда бошқа нарсаларни навбатма-навбат яратган.

И з о х: Арши аъло — арабча «буюк тахт» деган маънога эга.

Арш — Ер, осмонлар, юлдузлар ва Курсидан ҳам катта ҳажмда бўлиб, у Аллоҳ яратган барча нарсалардан катта ва буюк саналади. Ислом таълимоти бўйича Арш ва бошқа буюк нарсаларни яратишдан Аллоҳнинг мақсади улардан Ўзи ёки бошқалар фойдаланиши, ёхуд уларга эҳтиёжи борлиги учун эмас, балки Ўзининг қудрат ва имконияти нақадар чексиз эканлигини намойиш этишидир. Баъзи нотўғри ақида эгалари, Арш Аллоҳнинг тахти, унда макон тутиб ўтиради, деб хато қиладилар.

Носириддин Рабғузий ўзининг милодий 1310-йили ёзиб тугаллаган табаррук «Қисаси Рабғузий» китобида хабар беришича, **Ҳақ субҳонаху ва таоло** дастлаб бир жавҳар яратди, унга **Ўз** қудрати илоҳийси билан назарини солиб, у жавҳарни эритди. Жавҳар эриб сув бўлгандан кейин, елни — шамолни яратди. Сўнг сув шамол таъсиридан ҳаракатланиб кўпикланди. У кўпикдан тутун (газ) чикди, у тутундан кўкни (осмонни) яратди. Сув **Ҳақ таоло**нинг ҳайбатидан таъсирланиб қайнаб қуюқланди. Кўпикдан Каъба жойлашган майдонча ер яратди, кейин ерни шарқдан ғарбгача кенгайтди. Бу ер ва осмон бир қаватдан эди. **Тангри таоло Ўз** қудрати илоҳийси билан кўкни Ердан айирди ва Ер ҳам, кўк ҳам етти қаватдан бўлди. Сувда Ернинг мувозанатини ушлаб туриш учун, унда тоғларни қозик қилиб яратди.

Ҳозирги олимларнинг ҳам таъкидлашларича, 20 миллиард йил муқаддам рўй берган «буюк портлаш»дан аввал, коинот бир нуқтада жойлашган моддиятдан иборат бўлган. Бу назария «**Парвардигор** дастлаб бир жавҳар яратди», деган юқорида айтилган оламлар-

нинг яратилиши ҳақидаги диний фикрни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, **Тангри таоло** оламни олти кунда яратди, деб ёзади Рабғузий:

Биринчи — якшанба кун осмонни яратди.

Иккинчи — душанба кун ойни, қуёшни, юлдузларни яратиб, фалак ичига жойлаштирди.

Учинчи — сешанба кун қушлар, қурт-қумурсқалар ва фаришталарни яратди.

Тўртинчи — чоршанба кун сувни яратди, елларни, булутларни чиқарди, дарахтлар, ўт-ўланларни яратди, уларга уруе бойлаб кўпайиш хусусиятини ато этди, ҳаммага ризқ-рўз улашди.

Бешинчи — пайшанба кун жаннат ва дўзахни, раҳмат ва азоб фаришталарини ҳамда ҳурларни яратди.

Олтинчи — жума кун ҳазрати Одам Атони яратди.

Еттинчи — шанба кун ҳеч нарса яратмади. («Қисаси Рабғузий», 1-китоб, 12-бет)

Оламнинг яратилиши ҳақида Тавротда эса қўйидагича хабар берилади: **Худованд** дастлаб фаришталарни, сўнгра осмон билан ерни яратди. Ер ҳали шаклсиз, кўримсиз, бум-буш бўлиб, бепоеън фазо узра қоронғулик ҳукм сураб, **Худованднинг** руҳи эса сув юзида парвоз этар (кезиб юрар) эди.

Биринчи кун ёруғликни яратиб, ёруғликни — «кундуз», қоронғуликни — «кеча» деб атади, яъни ёруғлик ва қоронғуликни бир-биридан ажратди.

Иккинчи кун бепоеън осмонни яратди.

Учинчи кун қуруқлик, ер билан сувни, ўсимликларни, ўт-ўланлар ва дарахтларни яратди.

Тўртинчи кун кунни бошқариш учун қуёшни ва тунни бошқариш учун ой ва юлдузларни яратди ва уларни осмон гумбазида жойлаштирди.

Бешинчи кун Худованд сувда яшовчи турли-туман жониворларни ҳамда қуш-паррандаларни яратди.

Олтинчи кун Худованд ерда яшайдиган жониворларни, ёввойи ҳайвонлар, даррандалар, чорва ва қурт-қумурсқаларни яратди. Ундан кейин Худованд Ўз қиёфасига ўхшатиб Одам Атомни ва унинг жуфти Момо Ҳаввони яратди.

Еттинчи кун Худованд ўз фаолиятини тамомлаб, барча қилган ишларидан тинди. Худованд бу кунни муборак ва муқаддас қилиб айирди, чунки ушбу кунда У Ўзининг бутун яратиш фаолиятидан тинди. (Библия. «Ибтидо» бўлими, 1:1-28).

Жаноб Расулulloх: **«Аллоҳ даставвал якка Ўзи бўлган, Ундан бўлак ҳеч нарса бўлмаган, Унинг Арши сув устида бўлган ва У ҳар бир нарсани Лавҳга битиб қўйган-да, осмонлару Ерни яратган, сўнгра Ўз даргоҳидаги Арш тепасида жойлашган «Лавҳ ул-Маҳфуз»ига «Менинг раҳматим газабимдан устундир», деб ёзиб қўйган», дедилар.** (Имом ал-Бухорий. Ҳадис. II жилд, 361-бет ва IV жилд, 510-бет).

И з о х: **Ўз қиёфасига (ёки Ўз сувратиға) деганда Аллоҳнинг Ўзида бор бўлган — тирик, билувчи, эшитувчи, кўрувчи, сўзловчи каби сифатлари ва хислатлари назарда тутилади. Масалан: имом ал-Бухорийнинг ҳадислар тўпламида шундай дейилади:**

«...Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни Ўз сувратида (яъни, унга Ўзида бор бўлган «тирик, билувчи, эшитувчи, кўрувчи, сўзловчи» каби сифатларини ато этиб) яратди (Имом ал-Бухорий Ҳадис. IV жилд, 141-бет, II жилд, 19-боб, 132-бет).

Машҳур геофизик олимлар Д.Рауп ва Дж.Валентайнларнинг таъкидлашларича, Ерда ҳаёт ун мартача тугаб, янгитдан бошланган — «қайта туғилган» ва уларнинг ҳар бири турли биохимик асосларда кечган. Ҳаёт Ерда деярли 3 миллиард 620 миллион йил муқаддам вужудга келган («Тошкент оқшоми», 1984-йил, 17-март).

Бизнинг Қуёш тизимимиз эса олимлар томонидан камида 5 миллиард ёшда деб белгиланган.

Маълумот учун билиб қўйсақ ёмон бўлмайди: Озарбайжон Фанлар академияси Биология институтининг илмий ходими Г.Тамразяннинг фикрича, бутун Қуёш тизими сингари Ер ҳам Галактикамиз маркази теварагида 176 миллион йилда тўла бир марта айланиб чиқади («Туркистон», 1984-йил, 3-июл).

Сўзимизнинг давомига келсак, ҳозирги Ердаги тараққиёт (цивилизация) биринчи тараққиёт эмаслиги ҳақида юқорида айтилган ривоятда келтирилган фикрлар билан ҳозирги олимларнинг фикрлари бир хил. Фарқи шундаки, олимлар Ерда ҳаёт ун мартача тугаб,

янгитдан бошланган деган бўлсалар, юқорида айтилган ривоятлар бўйича Ерда ҳаёт ўн марта эмас, балки миллиард карра миллиард марта «қайта туғилган» ва Ерда «бехисоб» (беадад) дастлабки Одам Ато(лар) яшаб ўтган бўлиб чиқади.

Ана сизга мантиқий мулоҳаза ва мушоҳада учун мавзу. Буни ҳар ким яна ўзича ҳисоблаб, ўзича мантиқан фикрлаб, хулоса чиқарсин. Баъзи олимлар, ҳозирги тоифадаги одам - Нота Сарпиенс тахминан 40—50 минг йил муқаддам вужудга келган, деган фикрни билдирганлар.

Юқорида келтирилганлардан равшан бўладики, **Аллоҳ** таолодан бошқа ҳеч нарса, шу жумладан, бу дунё ҳам абадий эмас экан. Бундан қиёмат, яъни охирзамон, охиратнинг бўлиши муқаррар деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Лекин бу муддатнинг аниқ қачон бўлиши ёлғиз **Аллоҳ таолонинг Ўзигагина** маълум. Инсон қачон ўлишини билмаганидек, бу сирни ҳам ҳеч ким аниқ билиши мумкин эмас.

Аллоҳ таоло юксак ва улўғдир, **У** билим ва қудрат эгаси, барча нарсага қодир бўлган меҳрибон зотдир.

БМТ ахборотлаштириш халқаро академиясининг академиги Лев Мелниковнинг фикрига кўра, башарият ўзининг тарихи давомида уч хил йўналишни босиб ўтган:

1. Тамаддуннинг (цивилизация) дастлабки даврларида инсоният табиат бағрида онгсиз, кейинроқ ярим онгли тарзда ҳаёт кечирди. Эндиликда тамаддун орқага қайтиб, инсоният бундай яшаш тарзига қайтиши мутлақо мумкин эмас.
2. XVIII—XX асрларнинг машҳур маърифатпарвар мутафаккирлари ва моддийончилари ёқлаган билишда фақат ақлга таяниш (рационализм) назариялари эндиликда ўз умрини яшаб бўлди! Фан бир томонлама билимвоситаси эканлиги англашилди, бинобарин энди қарийб барча олимлар чин ҳақиқатга етиш учун *фанни дин билан бирга қўшиб ўрганиш зарур* деб ҳисобламоқдалар.
3. Учинчи йўналишни **Л.Мелников** ақлга таянмаган тартибсизлик деб атайди. Шуурий — ақлга таянган онгни, ҳозирда сунъий яшаш муҳитида моддийлаштирилаётган ҳаёлий — даҳшатли тимсолларни яратган бу йўналиш янада шубҳалироқ, дейди у. Чунки бу одамни иккилантириб қўяди: у воқеликда яшайптими ё ҳаёлий оламдами, билолмай қолади. Бу эса шахсни инқирозга олиб бориши муқаррар, деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган фикрларни жамлаб уч хил хулоса чиқариш мумкин, деб таъкидлайди **Л.Мелников**:

1. **Яратганнинг** инсон табиатига сингдирган дастури (программаси) биз билганимиздан бошқача бўлиши мумкин.
2. Инсон **Яратганнинг** бу дастурини бузган ва бузиб келяпти, шу сабабли инсоният жазога маҳкум.
3. Ёки **Яратганнинг** дастури ва бу дастурнинг яратилиш сабаби ёлғиз **Ўзигагина** маълум ҳолда вақти соати келганда (бир вақтлар динозаврларни қириб йўқ қилиб ташлаганидек), инсониятни коинот ҳаётидан йўқотиб ташлашга йўналтирилгандир?

Л. Мелниковнинг айтишича, **Ҳақ таолонинг** оламни яратиш ва тугатиш бобида қандай режалари борлигини биз билмаймиз, аммо шуни биламизки, **Аллоҳ** яратган табиатда яратувчилик кучларидан ташқари, унинг зидди бўлган вайрон қилувчи кучлар ҳам бор. Бу эса коинот ҳаётининг узвий, ажралмас қисмидир.

Инсоннинг ҳўжалик ва маънавий ҳаётидаги нооқилона, гуноҳқорона қилмишларини олдиндан билган ҳолда, фазовий интихони балки **Унинг Ўзи** дастурлаштириб қўйгандир ва дунёни тугатиш, қиёмат қойим инсоннинг ана шу нооқилона ҳаёт кечириши, табиатга ҳўжасизларча муносабати ва салбий гуноҳқорона маънавий фаолияти натижасида амалга оширилаётгандир, деб таъкидлайди **Л.Мелников**. («Сирли олам» жаридаси, 1998-декабр, 1999-феврал сонлари).

Шундай экан, инсоннинг ўлиши муқаррар бўлганидек, ер юзидаги ҳаётнинг тугаши, охират, қиёмат қойим ҳам муқаррардир.

Бироқ шуни билиб қўйиш керакки, шу ўринда дин ёрдамга келиб, инсониятнинг муқаррар ҳалокатини кейинга суриш ва бунга маънавий покланиш, руҳан тозаланиш орқали муваффақ бўлиш мумкин, дея йўл кўрсатади.

Одам Ато ва Момо Ҳавво

«Қасамки, Биз инсонни (Одамни)
лойнинг сарасидан яратдик»

(23- «Муъминун» сураси, 12-оят).

Одам Атонинг кунияси — «Абулбашар», лақаби «Сафийуллоҳ» («Аллоҳнинг мусаффо кули» дегани). Одам Ато ва Момо Ҳавво Тавротда Аадам ва Ева деб аталган.

«Қисаси Рабғузий»да тасвирланишича, Ердаги илк одамзод, **Аллоҳнинг** биринчи пайғамбари Одам Атонинг яратилиши қуйидагича бўлган: **Ҳақ субҳонаҳу ва таоло** Одам алайҳиссаломни яратаман деб хитоб қилганида, барча нарсалар бош кутариб, «Одамни биздан яратгин» деб илтижо қилдилар. Жумладан, тоғ айтди: «Мен қутлуғман»; денгиз айтди: «Мен ҳайбатлиман»; олтин айтди: «Мен азизман»; осмон айтди: «Мен баланд ва юксакман». Ер эса тавозе билан: «Мен ҳаммадан заифман, оёқ остиман, менда мақтангудек ҳеч нарса йўқ»,— деди хомуш бўлиб. Шунда **Аллоҳ таолодан**: «Мен Одамни тупроқдан яратаман», деган хитоб келди ва фариштаси ҳазрат Жаброил алайҳиссаломга: «Боргил, Ер юзидан бир ховуч тупроқ келтиргил»,— деди.

Ер Жаброил алайҳиссаломга: «Мендан тупроқ олмагин»— деб, қаршилиқ кўрсатиб ёлборди, шундан сўнг **Аллоҳ таоло** фаришталари Исрофил алайҳиссаломни, кейин Микоил алайҳиссаломни юборди, Ер уларга ҳам қаршилиқ кўрсатиб ёлборди, тупроқ бермади. Кейин **Тангри таоло** фариштаси ҳазрати Азроил алайҳиссаломни юборди. Ер унга ҳам ёлбориб тупроқ бермади. Ҳазрат Азроил алайҳиссалом: «Сенинг ёлборишларингдан менга **Аллоҳ таолонинг** буйруғи азизроқдир» — деб Макка ва Яман еридан бир ховуч тупроқ олиб келди. Шунда **Тангри таоло** ҳазрат Азроил алайҳиссаломга: «Сен қаттиқ кўнгилли экансан, энди ҳамма жонзотларнинг жонини сенга олдираман», — деб хитоб қилди.

Азроил алайҳиссалом келтирган тупроқда оқ, қора, чучук, аччиқ, сарик, яшил, қизил, кук, қаттиқ, юмшоқ, тўлиқ, мазали, мазасиз, хуллас, барча нарсалар бор эди. Шу сабабли одамзоднинг ҳеч бири бошқасига ўхшамас, бирови ориқ, бирови тўла, бири касал, бири соғлом, бири оқ, бири қора, бири сарик, бири қизил, бири эсли, бири эссиз, бири ширин сўзлик, бири аччиқ сўзлик, бири юмшоқ, бири қаттиқ кўнгилли бўлди.

Аллоҳ таоло тупроққа ўттиз тўққиз йил қайғу ёмғирини ёғдирди, бир йил севинч ёмғирини ёғдирди. Шу боис одамзоднинг азалдан севинчидан қайғуси кўп бўлди.

Сўнгра **Тангри таоло** у тупроқдан **Ўз** қудрати илоҳийси билан Ер юзидаги инсон зотининг отаси Абулбашар — Одам алайҳиссаломни (ибронийча «Аадам» дастлаб «қизил тупроқ» деган маънони англатган) яратди, унинг димоғига ўз руҳидан ҳаёт нафасини пуфлаб жон ато қилди ва жаннатга киритди. Сўнгра унга асмо илмини, яъни барча нарсаларнинг номи ва фазилатларини билиш илмини ўргатди. Одам алайҳиссалом барча жонли-жонсиз нарсаларнинг номи ва хусусиятларини билиб олди.

Одам алайҳиссаломнинг тупроқ ёки лойдан яратилганлиги ҳақида **Қуръони каримда** бир нечта оятлар келган, улардан баъзиларида Одам сафийуллоҳнинг тупроқдан, айримларида эса лойдан яратилганлиги маълум қилинган. Чунончи, «Оли Имрон» сурасининг 59, «Каҳф» сурасининг 37, «Рум» сурасининг 20-оятда Одам Атонинг тупроқдан яратилганлиги айtilган. «Аъроф» сурасининг 12, «Ҳижр» сурасининг 26, 28, 29, 33, «Муъминун» сурасининг 12, «Сажда» сурасининг 7, «Вас-соффот» сурасининг 11, «Сод» сурасининг 76, «Раҳмон» сурасининг 14-оятларида эса Абулбашарнинг «лой»дан, «ёпишқоқ бир лой»дан, «лойнинг мағзи»дан, «сопол каби қуриган қора лой»дан, «асли қора ботқоқ бўлиб, қурилган лой»дан яратилганлиги билдирилган. Демак, **Аллоҳ таоло** инсонни бир манба — тупроқ-лойдан, яъни ердан яратган.

Одам алайҳиссалом жаннатда барча неъматларни кўрди, лекин ўзига ўхшашини топа олмай, зерикиб кўнгли тўлмай юрди. Шунда **Аллоҳ таоло**: «Одамнинг ёлғиз бўлиши

яхши эмас, энди унга муносиб ҳамроҳ — мадакдор яратаман» — деди-да, уни узоқ ва қаттиқ ухлатиб қўйиб, чап биқинидаги қовурғаларидан биттасини олди ва ўрнини эт билан қоплади. Сунгра ўша қовурғадан аёл кишини — инсон зотининг онаси — Момо Ҳаввони яратди (иброний тилида «ҳавва» ҳаёт манбаи, барҳаёт деган маъноларга эга).

Аллоҳ таоло агар уни ухлатиб қўймасдан қовурғасидан олганида, унинг биқини оғрир ва Ҳаввони ёмон кўриб қолар эди. Мабодо Одам, Ҳаввонинг ўзидан яратилганини билмаганида уни қаттиқ севмас эди. Одам Ҳаввонинг ўзидан яратилганини билди ва: «Мана энди унинг суяклари менинг суякларимдан, эти этимдандир. У хотин киши деб аталади, чунки у мендан олингандир», — деди ва унга кўнгли мойил бўлди.

Хотин киши яратилганида суяклари эрининг суякларидан, эти — этидан, жисми — жисмидан яратилганлиги учун, киши ота-онасини қолдириб, ўз хотинига ёпишиб қолади ва иккови бир тан, бир жон бўлиб кетадилар.

Одам Ато ва Момо Ҳавво яратилганларида, яланғоч ва бир-бирларидан уялмас эдилар. Момо Ҳавво бағоят кўхлик, гўзал эди. **Тангри таоло** кўркни барчага тақсим қилганида, юздан тўқсон тўққизини Ҳаввога берди, қолган бир улушини яна ун улушга бўлиб, тўққизини Юсуф алайҳиссаломга, бир улушини қолган одамларга берди.

Одам Ҳаввони ўзидек суратда кўриб, рағбати ортиб: «Менга яқинроқ кел», — деди. Ҳавво: «Мен сенга керак бўлсам, ўзинг кел», — деди. Одам туриб Ҳаввонинг олдига борди. Агар Одам бироз сабр қилганида, Ҳавво унинг олдига ўзи келар эди. Ўшандан бери эрнинг хотинга бормоғи суннат бўлиб қолди. Аммо қачон жаннатга кирсалар, хотинлар эрларининг олдига келурлар...

Одам Ҳаввога шаҳват бирлан қўл урмоққа киришмоқчи бўлганида, ҳазрат Жаброил алайҳиссалом: «Эй Одам, Ҳавво сеникидир, лекин бу иш никоҳ қилинмагунча раво бўлмас», — деди. Шундан кейин ҳамма фаришталар жам бўлдилар ва никоҳ хутбасини ўқишни **Аллоҳ таоло** Жаброил алайҳиссаломга буюрди ҳамда Одам ва Ҳавво тарафларидан вакил **Ўзи**, хатиб эса Жаброил алайҳиссалом, гувоҳлари жами фаришталар бўлди. Эр ҳазрати Одам алайҳиссалом ва хотин ҳазрати Ҳавво бўлдиларки, бу никоҳ жума куні бўлган эди. Одам алайҳиссаломнинг ўзлари ҳам жума куні яратилган эдилар, жаннатга ҳам жума куні кирган эдилар, жаннатда ярим кун туриб, яна жаннатдан дунёга чикдиларки, ўша ярим куннинг миқдори бу дунёнинг кўп йилига тенгдир.

Хабарда келишича, Одам алайҳиссаломдан сўрадилар: «Нима учун «Одам» деб аталдинг?» Деди: «Мен ердан, ернинг сиртидаги тупроқдан (арабча «адим» тери, усти дегани) яратилдим, шунинг учун». Ҳавводан сўрадилар: — «Нима учун «Ҳавво» деб аталдинг?» Деди: «Ҳаввонинг маъноси барҳаёт, тирик (ҳай)дир» (арабча «ҳай» - тирик дегани).

Одам Атонинг бўйлари 60 зироъ (1 зироъ = 75 см), ҳозирги ўлчов бўйича 45 метр бўлган экан. Бу ҳақда пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадиси муборақлари бор:

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ: «Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида — яъни унга ўзида бор бўлган «тирик, билгувчи, эшитгувчи, кўрувчи, сўзловчи» каби сифатларни ато этиб яратди ва бўйларини 60 зироъ қилди. Ўша вақтдан бошлаб ҳозиргача инсоннинг хилқати, табиати, қиёфаси, бўй-бастаи камайиб бормоқда». (Имом ал-Бухорий. Ҳадис. 4-жилд, 141-бет).

Баъзиларнинг айтишича, тупроқ ўз табиатига кўра кўрклидир. Ҳавво этдан яратилди, эт эса ўз табиатига кўра сасийди. Шунинг учун аёл қариса одатда кўрксиз бўлиб қолади.

Одам Ато ва Момо Ҳаввога **Тангри таоло**: «Эй Одам, жуфтинг билан жаннатга киргин, барча неъматлардан енглар, аммо боғнинг ўртасидаги дарахт мевасини еманг, акс ҳолда золимлардан бўлиб қолурсизлар», — деди.

Тавротда ёзилишича, жаннат дарахтлари орасида икки муқаддас дарахт бўлиб, бири мангу ҳаёт дарахти, унинг мевасидан еган киши ҳеч қачон касал бўлмас, қаримас, ўлмай доим ёш бўлиб абадий яшар эди. Иккинчиси эса яхшилик (эзгулик) ва ёмонлик (ёвузлик) ни билиш дарахти эди. **Тангри таоло** бу иккала дарахтнинг мевасидан ейишни Одам ва Ҳаввога ман қилди, еган заҳоти ўласизлар деб огоҳлантирди.

Ҳали айтилганидек, **Аллоҳ таоло** Одамнинг оғзига пуфлаб ўз руҳини киргизиб, жон

ато қилганидан кейин, унга асмо илмини — барча нарсаларнинг номини билиш илмини ўргатиб, фаришталаридан афзал қилди. Сунг фаришталаридан яратилган ҳамма нарсаларнинг отини сўради. Фаришталар: «Сен ўргатгандан бошқасини билмасмиз», дедилар. Одам эса барча нарсаларнинг отлари ва хусусиятларини айтиб бериб, ўзининг улардан устунлигини намоён қилди. Хитоб келди: «Эй фаришталар, сизларга айтмадимми, мен билганни сизлар билмассиз деб. Одам олим (билгувчи)дир, сиз обид (ибодат қилгувчи)дирсиз. Менинг ҳузуримда минг обиддан бир олим улуғроқдир. Қайда обид бўлса у олимга хизмат қилсин», деди ва барча фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» дея хитоб қилди. Ҳамма фаришталар Одамга ҳурмат саждасини қилдилар, лекин фаришталарнинг энг илмлиси, уларнинг устози бўлмиш Азозил (ал-Ҳорис) **Тангри** таоло Одам ва Ҳавво ни азизу мукаррам қилиб яратганини кўриб, уларга зимдан ғайрлиги келди ва кўнглида уларга душманлик ва адоват туйғулари пайдо бўлди, ақлини кибру ҳаво олиб, ақлига нуқсон етиб, саркашлик билан, Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортди.

Азозил **Аллоҳ таолога**: «Мен Одам алайҳиссаломдан ортиқроқ ва афзалдирман, мени оловдан, уни эса тупроқдан яратгансан», деди. Шунда унга «Иблис» (маъноси «ноумид») деб ном бердилар ва у кофирлардан бўлди, малъун бўлди (халқимизда: «Ноумид—шайтон» деган ибора шундан қолган). Иблиси лаъин ўтти тупроқдан ортиқ билди, билмадики, тупроқ ўтдан ортиқлигини. Ўт ўғри каби фақат йўқ қилур, бермас, аммо тупроққа бир ховуч нарса солсанг, ўнни юз қилиб қайтарур.

Иблис **Тангри таолонинг** амрига бўйсунмаганлиги учун кофир бўлди, «ражийм» (тошбўронга сазовор) деб лаънатланди ва осмондан Ерга ҳайдаб юборилди. Шунда Иблис алайҳиллаъна **Тангри таолодан** қилган тоат-ибодатлари эвазига қиёмат кунигача, яъни ўликлар тирилгунига қадар умр сўради. У бадбахт **Аллоҳ таолодан** найранг қилиб, узок умр сўраганидан мақсади: «То ўликлар тирилгунча умр кўрсам, менга умуман ўлим бўлмагай, шунда мен **Аллоҳ** яратган бандаларини йўлдан ураман, чалғитаман ва гуноҳга ботираман. Натижада **Аллоҳ** инсонни яратганига, биз қолиб унга ортиқ мурувват курсатганига ва азиз тутганига пушаймон бўлади», — деб ўйлади.

Иблиснинг барча ниятлари **Тангри** азза ва жаллага маълум эди, аммо унинг тинимсиз қилган ибодатларию ва муқаддам садоқат билан қилган астойдил хизматларини эътиборга олиб, унга раҳм қилди: «Биз сенга умр бердик маълум кунга қадар», деб унга муҳлат берди ва уни одамзодни синаш воситаси қилиб белгилади. Шундан бери у одамзодни синаш учун ҳаммани йўлдан оздиришга, гуноҳ ишларни қилдиришга ҳаракат қиладиган бўлди. **Аллоҳ** адолатли, марҳаматли ва карами кенг улуғ бир зот бўлганидан **Ўзининг** инсонларни синаш қуролига айлантирган Иблис ва унинг шериклари бўлмиш шайтонларга берадиган ажрни қиёмат кунига қолдирди.

«Қисаси Рабғузий»да айтилишича, **Аллоҳ таолонинг** тавқи лаънати бўйнига осилиб осмондан ҳайдалганидан кейин, Иблис алайҳиллаъна дарҳол «вазифасини» бажаришга киришиб кетди. Одам ва Ҳаввога васваса қилиб, уларни жаннатдан чиқариш учун, тўрт оёқли илоннинг тили тагига жойлашиб олиб, жаннатга кирди. Илоннинг оғзида туриб Одамга тилғоламалик билан сўзлади, у тингламаганидан кейин, хотин кишининг кўнгли юмшоқ бўлар деб, Ҳаввога қараб сўзлади: «Биласанми, **Тангри таоло** анави дарахтнинг мевасини нима учун сизларга ейишни ман қилди?» Ҳавво айтди: «Билмаймиз». Иблис деди: «Бу дарахтнинг мевасини еган киши жаннатда мангу тирик қолади, ўлим нелигини билмайди».

Ҳавво Иблиснинг бу васвасасига учиб, ўша дарахт мевасидан еди ва ундан Одамга ҳам едирди. Одам бу мевани чайнаб энди ютаман деганида, **Тангри таолонинг** сўзи эсига тушди, ютиб юбормаслик учун бўғзини сикди. Мева Одамнинг бўғзида қолди. Шунинг учун эркакларнинг томоғи думалок, дўппайиб бўртиб турадиган бўлди.

Шу онда икковининг кўзлари очилиб, яланғоч эканликларини пайқадилар. Анжир дарахти япроқларидан ўзлари учун ёпинчиқ ясадилар ва авратларини беркитиб олдилар. **Тангри таолодан** хитоб келди: «Эй Одам, сени тупроқдан яратмадимми, маърифат билан иззат-ҳурмат қилмадимми, кўҳлик сурат билан безамадимми, фаришталаримдан азизроқ

қилмадимми, жаннатимга киритмадимми, Ҳаввони сенга жуфт қилмадимми, ман этилган дарахт мевасини еманг демадимми, шайтон сизга душман демадимми, нега бу мевани единг?» Одам айтди: «Эй **Илоҳим**, бу ҳукми ким қилди, бу қазои қадарни ким юритди?» Хитоб келди: «Мен юритдим, мен тақдир қилдим. Аммо менинг тақдирим, қазоим, ҳукмим ғайбдир, буйруғим, фармоним зоҳир (очиқ)дир. Зоҳирни қўйиб, ғайбга нега аралашдинг?» Одам айтди: «**Илоҳим**, ҳукм қилдинг, қазо юритдинг, мени кечиргил, ўзинг ёрлақагил!» Фармон келди: «Сени кечирдим, сендан келадиган фарзандларинг ҳам шундай айбларига, гуноҳларига иқрор бўлиб астойдил кечирим сўрасалар, уларни ҳам кечираман, ёрлақайман, энди жаннатдан чиқгил!»

Тангри таоло ўзининг қазои қадари — Лавҳ ул-Маҳфузига кўра Одамни кечирди. Чунончи, Лавҳ ул-Маҳфуз дунёвий ҳодиса ва воқеалар, шунингдек, ҳар бир банданинг ҳаётида рўй бериши лозим бўлган воқеаларнинг азалий тақдири битилган китобатдир.

Тангри таолонинг амри билан жаннатдан ҳайдалганлар — Одам, Ҳавво, Иблис, товус, илон ва бугдойдир.

Шундан кейин **Худованди карим** илонга айтди: «Бу қилган ишинг учун сен ҳамма чорванинг туёқлари остида бўласан, умринг бўйи оёқсиз (илон илгари тўрт оёқли эди) қорнинг билан судралиб юрасан, тупроқ ейсан. Сен билан одамзод орасига адоват соламан. Улар сенинг бошингни эзиб ташлайдилар, сен эса уларнинг товонини чақасан, натижада уларнинг адовати янада кучлироқ бўлади».

Кейин Ҳаввога деди: «Сени ҳомиладорлик пайтингдаги машаққатингни ғоят орттираман. Сен дард билан фарзандлар туғасан. Иштиёқинг эрингга бўлади, у эса сенга ҳокимлик қилади».

Сўнг Одамга айтди: «Сен хотинингни гапига қулоқ солдинг, Мен ема деб буюрган нарсани единг. Энди сен сабабли Ер лаънатидир. Умринг бўйи машаққат чекиб ер ундирган ҳосилдан ейсан. Сен Ердан олингансан ва тупроққа қайтувнингга қадар, пешона тери билан нон еб юрасан. Тупроқдирсан ва тупроққа қайтурсан».

Жаннатдан ҳайдалганидан кейин Одам алайҳиссалом **Тангри таоло**нинг амри билан Ерга — Цейлон (ҳозирги Шри Ланка)даги Анжалус (Адон) деган ердаги Сарандиб тоғига, баъзи маълумотларга қараганда Тибет худудларига, Ҳавво эса Арабистондаги Макка яқинидаги Жуддо — Жидда (Жувдий) тоғига тушди. Бу ҳақда яна Қуръоннинг 11- «Ҳуд» сураси, 44-оятига ҳам қараб қўйинг.

Иблис Салқон — Адан тоғига, илон — Исфаҳонга, товус — Ҳиндистонга, бугдой — Шомга тушди.

Одам Ато Момо Ҳавво билан бир неча йилдан кейин **Аллоҳ**нинг амри билан Макка яқинидаги Арофот тоғи олдида учрашдилар ва бирга яшадилар.

Кейин **Тангри таоло**дан хитоб келди: «Эй Одам, сени ёрлақашимни истасанг, Маккада Мен учун бир уй қургин» деди ва Одамга жаннатдаги «Ҳажар ул-асвад» (қора тош)ни осмондан ташлади.

Одам алайҳиссалом **Тангри**нинг амрини бажариб, биринчи бўлиб ҳозирги Катъба ўрнида «Байт ул-маъмур» («обод уй» дегани) биносини қурди. Нуҳ тўфони бўлганда, **Тангри таоло** амри билан Жаброил алайҳиссалом бу уйни осмоннинг тўртинчи қаватига кутариб қўйди.

Носириддин Рабғузийнинг келтиришича, Одам Ато тақдири азал бўйича минг йил яшаши белгиланган экан. Аммо у ўзининг 40 йиллик умрини авлоди — бўлғуси пайғамбар ҳазрати Довуд алайҳиссаломга бағишлаган экан. Шундан Одам алайҳиссалом 960 йил яшаган дейилади. Тавротда эса унинг 930 йил яшаб вафот этгани ёзилган, чунончи, Одам 130 ёшида ўзига ўхшаган, ўзининг суратидек ўғил қўрган ва унинг исмини Шис (Библиядаги номи Сиф) қўйган. Шис алайҳиссалом туғилганидан кейин, Одам алайҳиссалом яна 800 йил яшаб кўп ўғил-қизлар қўриб жами 930 йил умр кечириб вафот этган. (Библия. «Ибтидо» бўлими, 5:3)

Одам Ато Макка яқинидаги Абу Кубайс тоғининг горига дафн этилган. Унинг гўри дунёнинг маркази деб белгиланди. Нуҳ алайҳиссалом замонидаги тўфондан олдин унинг жасади Фаластиндаги машҳур шаҳар — Байт ул-Муқаддас, яъни Қуддуси шарифга (Иерусалим, Уршалим) кўчирилди.

Момо Ҳавво Одам Ато билан Арофот тоғи яқинида учрашганларидан кейин, башарият тарихида илк маротаба ҳаж қилдилар. Момо Ҳавво Одам Атодан кейин яна етти йил яшаб вафот этди ва Одам Ато ёнига дафн этилди.

Одам Атонинг пайғамбар эканлиги **Қуръони карим**да аниқ айтилмаган бўлса-да, **Аллоҳ** унга бевосита хитоб қилгани, айрим даъватларга буюриб, айримларидан қайтаргани, баъзи нарса ва ишларни ҳалол, баъзиларини ҳаром қилганлиги ҳақида амр бергани унинг пайғамбар эканлигини билдиради.

Одам Ато 124 минг пайғамбарларнинг биринчиси бўлиб, у ўз фарзандларига пайғамбарлик қилган ва унга биринчи бўлиб 10 саҳифа илоҳий муқаддас оятлар нозил қилинган.

Одам Ато ва Момо Ҳавво **Қуръони карим**нинг қуйидаги сура ва оятларида тилга олинганлар: **«Биз инсонни (Одам Атони) қора балчиқдан (олиб, сўнг) қуритилган лойдан яратганмиз»**. (15- «Ҳижр» сураси, 26-оят).

И з о ҳ: Ҳозирги илм-фан инсон танасида ер таркибида бўлган барча жисм ва моддалар мавжуд эканини исботлаган.

«Эсланг, (эй, Муҳаммад,) Раббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман», — деганида, (улар) айтдилар: «Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ) қонлар туқадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз. (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарса биламан».

И з о ҳ: Одамзод яратилса, у Ер юзида бузғунчилик ишларини қилишини фаришталар қаердан билишди, деган табиий саволга «Мадорик» тафсирида шундай жавоб қилинади:

- 1) уларга Одам ва унинг сифатлари ҳақида Аллоҳ Таолонинг Ўзи билдирган;
- 2) ёки «Лавҳ ул-Маҳфуз»дан ўқиб, билиб олганлар;
- 3) ёхуд яратилажак одамзотни жинларга таққослаганлар ва юқоридаги эътирозни билдирганлар, зеро жинлар Одам Ато яратилишидан илгари яратилганлар ва улар итоатсизлик билан кўп ёвуз ишларни қилган эканлар.

«Ва (Аллоҳ) Одам (Ато)га барча нарсаларни номларини ўргатди. Сўнг уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: «Агар халифаликка биз ҳақдорроқмиз, деган сузларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг номларини Менга билдиринг!»

«Улар айтдилар: «Эй поко Парвардигоро, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта, Сен ўзинг илму ҳикмат эгасидирсан».

«(Аллоҳ): «Эй Одам, буларга у нарсаларни номларини билдир», деди. (Одам) уларга барча нарсаларни номлари билан айтиб берганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яшириб юрган нарсаларни билурман, демаганмидим?!» (2-«Бақара» сураси, 30 - 33 оятлар)

«Биз илгари Одам билан (жаннатдаги бир дарахтга яқинлашмаслик ҳақида) аҳдлашган эдик, лекин у (аҳдни) унутди ва Биз унда азм (қатъият)ни кўрмадик. (20 - «Тоҳо» сураси, 115-оят)

«Айтдик: «Эй, Одам, сен жуфтнинг (Ҳавво) билан жаннатни маскан тутингиз ва ундан (неъматлардан) бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қолурсиз. (2-«Бақара» сураси, 35-оят)

«Бас, айтдик: «Эй Одам, аниқки бу (Иблис) сенга ҳам, хотинингга ҳам душмандир. Бас, у икковингизни жаннатдан зинҳор чиқармасинки, бахтсиз бўлиб қолурсан» (20-«Тоҳо» сураси, 117 оят)

«Сўнгра шайтон уларнинг ёпилган авратларини очиб юбориш (шарманда қилиш) учун иккисига васваса қилди ва айтди: «Раббингиз сизларни фаришталарга айланиб қолмасинлар ёки (жаннатда) мангу қолгувчилардан бўлмасинлар дебгина сизларни ушбу дарахтдан ман этди (қайтарди).

Яна иккисига қасам билан: «Мен сизларга (холис) насиҳатгўйлардандирман», — деди.

Шундай қилиб (шайтон) алдов билан уларни (тубан ҳолатга) тушириб қўйди. Ўша дарахт (меваси)дан тотиб кўришлари биланоқ, иккисининг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. (Шунда) Уларга Парвардигорлари: «Сизларни ўша дарахтдан қайтармаганмидим ва албатта шайтон сизларни яққол душманингиз, демаганмидим ? ! - деб нидо қилди.» (7-«Аъроф» сураси, 20-22 оятлар)

«Бас, шайтон иккисини йўлдан оздириб, масканлари (жаннат) дан чиқарди. Биз (уларга) айтдик: «Тушунгиз (жаннатган ерга)! (Энди сизлар) Бир-бирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгунча) Ерда маскан тутиб яшайсизлар». (2- «Бақара» сураси, 36-оят)

«Улар: «Эй Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) жабр-зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва раҳм қилмасанг, биз албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз, дедилар.

(Аллох) Деди: «Бир-бирингизга (яъни шайтон инсонга, инсон шайтонга) душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Энди сизлар учун маълум бир вақтгача (яъни ажалингиз етгунгача) ерда қарор топиб фойдаланиш бор.

Унда яшайсизлар, унда ўлурсизлар ва ундан (охиратда) чиқарилурсизлар, деди» (7-«Аъроф» сураси, 23-25 оятлар)

И з о ҳ: Тақиқланган дарахт — узум, ё анжир ё олма ёхуд буюдой экани ҳақида ривоятлар бор.

Т ў р т и н ч и ф а с л

Иблис алайҳиллаъна

«Эсланг (эй Муҳаммад), Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар — деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис кибр ила бош тортди ва кофирлардан бўлди».

(2- «Бақара» сураси, 34-оят).

Иблис — одамзоднинг душмани, ёмон, гуноҳ ишларни яхши қилиб кўрсатиб, тўғри, Ҳақ йўлдан тойдирувчи, Одам Атодан анча олдин оловдан яратилган жинлар тоифасидан бўлиб, Қуръонда «Иблис», айрим оятларда «Шайтон» дея тилга олинган.

Иблиснинг жинлардан эканлиги 18- «Каҳф» сурасининг 50-оятида, жинлар ва Иблиснинг Одам Атодан илгари оловдан яратилганлиги 15- «Ҳижр» сурасининг 27-оятида айтилган.

У дастлаб Ҳақ таолога бетиним, сидқидилдан, астойдил, ихлос билан ибодат қилиб сифинувчи бўлгани ва Аллоҳга садоқат билан кўп хизматлар кўрсатгани, ҳамда барча фаришталардан билимдонроқ, чуқур илмли бўлганлигидан фаришталар мақомига етказилган эди. У тавҳид ва бошқа илоҳиёт сирлари ҳақида ҳатто фаришталарга ҳам дарс берувчи устоз бўлиб қолган эди, дейилади манбаларда.

Шундай қилиб, Иблис барча шайтонларнинг устози — валламати бўлиб, унинг зурриётлари жинларнинг саркаш тоифасидандирлар. Умуман жинлар иродаси бор руҳларнинг бир тури бўлиб, улар ҳам, инсон каби, шариат ҳукмларини бажаришга буюрилганлар. Лекин улар инсонда мавжуд бўлган моддий танадан ҳоли, сезги аъзолари йўқ, ўзларининг ҳақиқий табиати, сурати билан кўзга кўринмайдиган махлуқлардир. Жинлар ўтдан яратилган бўлиб, уларнинг баъзилари солих, яхши амаллар қиладилар, баъзилари эса залолатда юриб, ёмон, фасод ишлар билан машғул бўладилар, ўзаро курашадилар.

Иблиснинг дастлабки асл номи Азозил, лақаби эса ал-Ҳорис бўлиб, шаккок жинлар исёнини бостириш учун **Тангри таоло** Азозилни уларга қарши юборган ва у, улар устидан ғалаба қозонганидан мағрурланиб, фаришталар орасида етакчи бўлиб олган эди. Чунончи, унинг иккинчи бир Ҳакам ал-Ҳорис номи ҳам шундан келиб чиққан.

Ҳар бир одамнинг унги елкасида савоб ишларни ёзадиган фаришта, чап елкасида ёмонлик, гуноҳ ишларни ёзадиган икки фаришта мавжуд бўлиб, улар инсон қалби учун кураш олиб борадилар. **Раҳмон** фариштаси инсонни яхшиликка ундаб, уни ёмонликдан қайтади ва қилган савоб ишларини ёзиб боради. Шайтон эса устози Иблиснинг буйруғини бажара бориб, инсонни ёмон — гуноҳ ишларга ундайди, васваса қилиб йўлдан оздиради. У ўзининг ёвуз ниятини инсон табиатидаги нафс, кибр-ҳаво, жохиллик, қаҳр-ғазаб, рашк, ҳасад, суқлик, кек, адоват, ёвузлик ҳамда бало-офат, мусибат, бахтсизлик, тоқатсизлик, чидамсизлик каби иллатларни ривожлантириш орқали амалга оширади.

Дунёда эса икки, бир-бирига қарама-қарши зид жуфтлик — **Раҳмоний** ва шайтоний кучлар, эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, нафс ва қаноат, оқиллик ва нодонлик, бойлик ва фақирлик, хурсандлик ва ғамгинлик, ўт ва сув, иссиқлик ва совуқлик, мусбат ва манфий, ҳаёт - мамот ва ҳоказолар бир-бири билан курашиб, дунё ишларини ҳаракатга келтиради.

*Худо оламни яратмиш, бошқарар қонуни билан,
Унга амал қилмасанг, албат урар қонуни билан.
Доимо ёд айласанг шарру - хайр қонунин,
Оллоҳ хушлагай сени, қўллагай қонуни билан.*

(Муаллиф)

Борди-ю, аксинча, бир хиллик бўлса, бу бир хилликдан ҳаракат рўй бермайди, дунёни ҳаракатга келтирувчи қувват пайдо бўлмайди. Қарама-қарши томонлар бир-бирлари билан тўқнашганларида реакция вужудга келиб, қувват ва ҳаракат ҳосил бўлади. Оламдаги барча жонли, жонсиз нарсалар илоҳий қарама-қаршилиқлар қонуни бўйича ана шундай ҳаракатланади.

Азозил, кибру ҳавоси учун лаънатга учраб, алайҳиллаъна бўлганидан ва **Тангри таоло**дан маълум муддатга умр сўраб олганидан сўнг, Одам Ато туфайли Иблис номини олиб осмондан ҳайдалгани учун, ундан интиқом олишга, Ер юзиде Одам Ато авлодлари — инсониятни йўлдан уришга, уларга зарар келтиришга, **Аллоҳ таоло** билан одамлар ўртасида тўсиқ бўлиб, инсонларни васваса қилиб, залолатга, куфр, фасод, ёмон, гуноҳ ишларга бошлашга онт ичди.

Шундай қилиб, **Аллоҳ** иродаси билан Иблис Ер юзидаги ҳамма ёвуз кучлар — ёвуз руҳларнинг, шайтон ва жинларнинг раҳнамоси, бошқарувчиси, ёвузликларнинг сабабчиси бўлиб қолди.

Иблиснинг Одам Ато ва унинг зурриётларига бўлган адовати то қиёматгача давом этади. **Аллоҳ** бу ҳақда бундай дейди: «**Эй Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини уларга фош қилиш (уялтириш) учун жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Зеро, у ва унинг тўдаси сизлар уларни кўра олмайдиган тарафдан сизларни кўрадилар. Биз шайтонларни иймон келтирмайдиганларга дўст қилиб қўйдик**». (7- «Аъроф» сураси, 27- оят).

Шунинг учун ҳар бир ишни бошлашда, **Қуръони карим** сураларини ўқишда **Аллоҳ**-нинг раҳматидан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан **Ўзидан** паноҳ тилайман, деб бошлаш хайрлидир.

Шайтони лаъин **Қуръони карим**да қуйидагича тилга олинган:

«**Албатта, (Биз) сизларни (Одам Атони) яратдик, сўнгра сизларга (унга) суврат бердик, сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» — дедик. (Улар) сажда қилдилар, илло Иблис сажда қилувчилардан бўлмади**».

(Аллоҳ) айтди: «**Сенга буюрганымда сажда қилишингга нима монъелик қилди?**» У деди: «**Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни) эса лойдан яратдинг**».

Айтди: «Ундан (жаннатдан) чиқ! У ер (жаннат)да такаббурлик қилишинг сенга (жоиз) эмас. Бас, чиқ! «Албатта, сен ҳақирлардандирсан».

(У) деди: **«Мени (инсонлар) тирилтириладиган кунгача кечиктир!»** (Яъни то киёматгача мени жазоламай тур.)

Айтди: «Албатта, сен кечиктирилганлардансан».

У (аламидан) деди: «Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Тўғри йўлинг (Ислом дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман.

Сўнгра, уларга олдиларидан, ортларидан, унг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман. (Натижада) уларнинг аксариятини шукр қилувчи ҳолда топмайсан».

Айтди: «Ундан (жаннатдан) айбланган ва ҳайдалган ҳолингда чиқ! Қасамёд этаманки, кимки сенга эргашса, сизларнинг барчангиз билан жаҳаннамни тўлдиражакман». (7- «Аъроф» сураси, 11—18- оятлар).

Тангри таоло ҳар бир инсонга биттадан шайтонни яратиб қўйганки, у ёмон ишларни инсонга яхши, фазилатли кўрсатиб, гуноҳ ишларга тарғиб қилиш билан машғул бўлади.

Инсон табиатидаги хато қилиш, нуқсон, айб, гуноҳкорлик ота-онамиз Одам Ато ва Момо Ҳавводан азалдан мерос бўлиб қолган. Сабаби Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг **Аллоҳ** ман қилган дарахт мевасидан еб гуноҳкор бўлиб, жаннатдан чиқариб юборилганликларидир. Айбсиз, гуноҳ қилмаган инсоннинг ўзи бўлмайди, беайб фақат ёлғиз **Парвардигор**дир. Инсоннинг гуноҳкорлиги, айби, хатога йўл қўйиши дунё тугагунча давом этади. Бу салбий хислатларимизнинг сабаби билимларимиз етарли бўлмаганлигидандир. Шунинг учун ҳам шайтон алайҳиллаъна сўзига кириб қўйганимизни ўзимиз ҳам билмай қоламиз.

Инсонлар айни бир нарсадан турлича таассурот оладилар, турлича фикр юритадилар, турлича билим олиб, турлича хулоса чиқарадилар. Натижада одамлар яхши-ёмон, ижобий-салбий фазилатлилар гуруҳига ажралади ва ҳаётда улар ўртасида тўхтовсиз кураш кетади.

Ҳеч ким ёмон бўлиб туғилмайди ёки улғайгач, ёмон одам бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Инсоннинг ички дунёси, ҳиссиёти, таассуроти, табиати барқарор: баъзи бирлариники яхшиликка, баъзи бирлариники ёмонликка мойилроқ бўлади. Инсон бировларнигина эмас, балки ўзи ўзини ҳам тарбиялаши зарур. Табиати ёмонликка мойил кишилар, ўзини мажбурлаб бўлса ҳам, ички дунёси, табиатини поклаб, хоҳишига қарши улароқ яхшиликни, яхши фазилатларни ўзлаштиришга, феъл-атворини тузатишга астойдил ҳаракат қилмоғи керак. Бундан, албатта, кутилган натижа чиқиши муқаррар.

Табиати салбий хислатларга мойил бўлган кишилар ҳаётдан номақбул, салбий таассуротлар олиб, унинг асосида нотўғри, салбий хулоса чиқарадилар ва шу тахлит фикр юритадилар. Ўғри, муттаҳам, қаллоб, каззоб, зўравон, каллакесар, зараркунанда, зинокор кимсалар ҳам ўзларини ҳақ, тўғри деб биладилар.

Бу салбий ишлар, одатлар кўпчилик ёмон деб билган бундай одамларнинг билим доираси тор, савияси етарли эмаслигидан бўлиб, улар чуқур билим олишлари зарур. Маънавий ва дунёвий билимларни ўқиш, ўрганиш, ўқиш ва такрор ўқиш билан, ҳаётий тажрибалардан тўғри хулоса чиқариш орқали амалга оширилади.

Ҳеч ким хатолардан ҳоли эмасдир, мукамаллик, тўқислик ёлғиз **Тангри таоло**га хос сифатдир.

Хато қилиш, гуноҳкор бўлиш, **Қуръон**да ва Тавротда ёзилишича, оддий одамлардан тортиб ҳатто пайғамбарлару азиз-авлиёларни ҳам четлаб ўтмади. Эслатиб ўтамиз:

— Одам Ато ва Момо Ҳавво ейиш ман этилган дарахт мевасидан тотиб гуноҳкор бўлдилар;

— Момо Ҳавво фарзандларидан бирини туққанида, уни Иблис йўлдан оздиради ва у болага Абдулхарс (Харс — Ер бандаси) деб исм бериб ширкка йўл қўяди (*Қуръони карим*, 7:190)

— Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг ўғли Қобил укаси Ҳобилни ҳасад қилиб ўлдирди;

— Кейинги даврларда инсониятнинг ёмонликлари, бузуклик, разолат, гуноҳкорликларни шунчалик ошиб кетдики, **Аллоҳ таоло** уларни жазолаб Буюк тўфон юборди, барча жонзотларни сувга ғарқ айлаб, ҳалок қилди. Фақатгина Ер юзида инсон наслини сақлаш учун **Ўзининг** пайғамбари — Нух алайҳиссалом кемасидагиларни омон сақлаб қолди;

— Нух алайҳиссаломнинг ўғли Ҳом отасини беҳурмат, мазаммат қилгани учун, пайғ-

амбар томонидан лаънатланди, дуоибадга учради ва **Аллоҳ таоло** амри билан авлодлари қора, ҳабаш бўлиб, узоқ вақт бошқа иркдагиларга хизматкор, қул бўлиб ишлаб келдилар, қийналдилар, азоб чекдилар;

— Садум ва Ғамура аҳолисини офир гуноҳлари учун **Аллоҳ** уларга офат юбориб, барчаларини ҳалок қилди;

— Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исҳоқ алайҳиссаломнинг катта ўғли Эсов тунғичлигини укаси Яъқубга арзимас таом эвазига сотиб, ўз тунғичлигини ерга уриб хорлаб ташлади;

— Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн нафар ўғли тил бириктириб, ҳасад қилиб, ўз укалари Юсуфни чоҳга ташладилар, кейин эса уни ёт улкаларга қул қилиб сотиб юбордилар;

— Зулайхо нафс талабига чидаёлмай, шайтоннинг сўзига кириб, хизматкори Юсуф алайҳиссаломдан жинсий яқинлик қилишни талаб қилади. (*Қуръони карим*, 12: 23—32)

— Мусо алайҳиссалом икки муштлашишаётган кишилардан бири ёрдам сўраганда, Бани Исроил қавмидан бўлган кишининг ёнини олиб, шайтоннинг гапига кириб, қибтийни бир мушт уриб ўлдириб қўяди, сўнг қилган ишидан пушаймон бўлиб, **Аллоҳга** тавба-тазарру қилиб кечирим сўрайди (*Қуръони карим*, 28: 15—16);

— Бани Исроил Мусо алайҳиссалом замонида **Аллоҳ**нинг мадади билан Миср фиръавни қуллигидан қутулиб, чулу биёбонларда оҳ-фигон чекиб, зорланиб, хорланиб юрганларида, ўз **Парвардигор**ларини эсдан чиқариб, ёлғиз **Унинг Ўзидан** мадад тилаш ўрнига, яна унга ширк келтирдилар — ўзларига олтиндан бузоқ ясаб олиб, унга топиндилар ва **Аллоҳ таолонинг** ғазабига дучор бўлдилар;

— Бани Исроил **Тангри таоло** ваъда қилган жаннатмакон Фаластинга бориб ўрнашганларидан кейин, яна Оламлар эгаси — **Раббиларини** унутиб, Унга ширк келтириб, бут ва санамларга қурбонлик қилиб ибодат қилабошладилар;

— Довуд алайҳиссалом ёшлигида ўз аскари Уриянинг хотини Вирсавияни севиб қолиб, унга етишиш учун Урияни атайлаб урушнинг олдинги марраларига юборади ва у тенгсиз жангда ўлдирилгач, марҳумнинг хотинига уйланади ва бу гуноҳи учун тегишли офир жазосини олади (Сулаймон а.с. Довуд а.с.нинг ана шу хотини — Вирсавиядан туғилган);

— **Аллоҳ таоло** Қуръоннинг 38-нчи «Сод» сураси 26-оятда Довудни нафс хоҳишига эргашиб кетмаслик ҳақида огоҳлантиради. Шунда у дарҳол **Парвардигоридан** мағфират қилишини сўраб йиқилиб бошини саждага қўйиб тавба-тазарру қилади ва гуноҳлари учун тегишли жазосини олади (*Яна қаранг*: Таврот. «Иккинчи подшоҳлик», 11-боб);

— Ҳазрати Довуд алайҳиссаломнинг ўғли Ибн Салом (Авессалом) отасидан тахтни тортиб олиш учун исён кўтаради (Таврот. «Иккинчи подшоҳлик», 13—18- боблар);

— Сулаймон алайҳиссалом гижинглаб турган учқур ажойиб отларига маҳлиё бўлиб, уларни суюб, эркалаб силашга берилиб кетиб, **Парвардигорни** эслашдан чалғиган, яъни намоз вақтини ўтказиб юборган ва дарҳол уларни қилич билан «силаш»га киришиб, уларни **Аллоҳ** йўлида қурбон қилиб юборган (38- «Сод» сураси, 31—33- оятлар);

— Юнус алайҳиссалом қавмлари иймон келтирмагач, бесабрлик қилиб, **Аллоҳ**нинг изнисиз дарғазаб ҳолда шаҳарни тарк этади. Уни денгизда бир наҳанг ютиб юборади. Қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган Юнус алайҳиссалом наҳанг қорнида тинмай **Аллоҳ таолога** тавба-тазарру қилаверади, **Аллоҳ** унинг гуноҳларидан кечиб, наҳангга пайғамбарни соҳилга чиқариб ташлашни амр этади. (37-нчи «Вас-соффот», 139—148- ва 10- «Юнус», 98- оят);

— Инсонларнинг ҳаётда хатолар ва гуноҳлардан холи бўлмаслиги ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам айтиб ўтганлар: *«Қиёмат бўлганда, гуноҳ қилмаган ёки гуноҳни ният ҳам қилмаган кимса топилмайди, Яхё алайҳиссалом эса гуноҳ ҳам қилмаган ва гуноҳни ният ҳам қилмаган инсондир»*. Бу ҳақда яна Пайғамбаримизнинг: *«Гуноҳларига тавба қилган гуноҳсиз кабидир. Аллоҳ бир бандасини севдими, гуноҳ унга зарар етказмайди. Чунки унга тавба қилишни ҳам насиб қилади. Банда тавба қилганида, Аллоҳ таоло шу даражада севинадики, худди сиздан бирингиз чўлда туясини йўқотиб қўйиб, уни яна топганидан ҳам кўпроқ. Аллоҳга қасамки, бир кунда етмишдан зиёд марта Аллоҳга тавба қиламан»*. (Имом ал-Бухорий. Ҳадис. 4-жилд, 164—165-бетлар).

Бу ҳақда **Қуръони каримда** шундай дейилган: **«Бас, (эй, Муҳаммад,) сабр қилинг!**

Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир ва гуноҳингизга мағфират сўранг ҳамда тунуқун Раббингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) улугланг!» (40 - «Ғофир» сураси, 55-оят)

«Бас, (эй, Мухаммад,) Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканини билинг ва ўз гуноҳингиз учун, ҳамда мўмин ва мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг!...»
(47 - «Мухаммад» сураси, 19-оят)

Барча пайғамбарларнинг у ёки бу гуноҳлари кечирилгандир, дейилади манбаларда.

Аллоҳ таоло бандаларини қилаётган гуноҳ ишларидан қайтариш, тўғри йўлга солиш учун, улар ичидан пайғамбарлар танлаб олиб, фаришталарини юбориб турди, гуноҳкорларга тегишли жазо берди, баъзи бирларининг эса гуноҳларидан кечди.

Иблис (Шайтон) **Аллоҳга** дўст ёки душман эканлиги уламолар ўртасида мунозарали бўлиб келди. Бу масалада унинг Одам Ато яратилмасидан аввал **Аллоҳга** тинимсиз ихлос билан қилган ибодатларию хизматлари ҳам уларнинг назаридан четда қолмади албатта.

Иблис Одам алайҳиссаломга сажда қилмагани учун, **Аллоҳ** уни лаънатлаб, **Ўз** даргоҳидан қувиб юбориб, уни инсонларни махсус синаш қуроли воситасига айлантирганидан кейин, у инсондаги нафс ва ҳою ҳавасларни ўртача меъёр даражасидан ошириб, тошириб, уларни жунбушга, тўғёнга келтириб, гуноҳ ишларни яхши қилиб кўрсатиб, уни тўғри, хидоят йўлидан тойдиришга киришди. Натижада аксарият одамлар битмас-туганмас нафс хоҳишлари орқасидан қувиб, гуноҳ ишларни содир этиш билан бирга, беихтиёр дунёни обод қилишга ҳам киришиб кетдилар. Чунончи, нафсни қондириш йўлида қилинган тинимсиз меҳнат, машаққатлар, изланишлар, илм-фан ва техникадаги янгиликлар, ихтиролар қилишлари, катта-катта иморатлар, осмонўпар маҳобатли бинолар, шаҳарлар, йўллар, боғ-роғлар ва ҳоказолар барпо этишлари улкан тараққиётга ҳам сабаб бўлди.

Шунинг учун ҳам бўлса керак, шайтонни сўкиб, ҳақоратлаб бўлмайдди, дейилади айрим манбаларда. Фақат унинг ёмонликларидан **Аллоҳдан** паноҳ тиланади холос:

— **«Аузи билаҳи мин аш-шайтонир ражийм»** (Даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонликларидан **Ўзингдан** паноҳ тилайман), — деб айтилади.

Машхур сўфий Мансур ал-Ҳалложга кўра, Иблис ханифлик — яккахудолик эътиқодига зид бўлган — **Аллоҳдан** бошқага сифиниш — сажда қилишни ўзига эп кўрмай, **Аллоҳга** садоқатини намоён этган-у, аммо кибрга кетгани учун синовдан ўтмай қолган. Балки у ўшанда, **Аллоҳ** бизни синаяптимиқан, деб ўйлагандир. Ёки ўша дамда унинг ақлига нуқсон этиб эътиқод саждаси — сифиниш билан «хурмат саждаси» — таъзимнинг фарқлай олмай гафлатда қолгандир... Бу хол ҳам Лавҳ ул-Маҳфуздаги ёзмиш бўйича содир бўлган, албатта.

Баъзи Ислом уламолари Иблис (Шайтон)нинг **Худои** таолодан бошқага, шунингдек Одамга сажда қилмаганини тўғри деб ҳисоблаганлар. Чунки, **Ҳақ** таоло **Қуръоннинг** барча ўринларида **Ўзидан** бошқага сажда қилганларни қайта-қайта «мушриклар», «дўзах аҳллари» деб лаънатлайди. Бизнингча, **Аллоҳ** фаришталарга Одамга хурмат саждаси, яъни таъзим қилинлар, деб буюрган. Иблис эса, такаббурлик қилиб, Одамга сажда ҳам, таъзим ҳам қилмаган, яъни буйруқни бажаришдан бош тортган. **Қуръонда** яккаю ягона **Худодан** бошқага сажда қилиш, сифиниш куфр саналади. Шунинг учун ҳам асрлар давомида бу муаммо уламоларни ўйлантириб келмоқда.

Ибн ал-Арабий каби айрим илоҳиётчи мутафаккирлар, Иблис (Шайтон) **Аллоҳнинг** **Ўзи** яратган махлуқи — Одамга хурмат саждаси, таъзим қилиш ҳақидаги буйруғини бажаришдан такаббурлик билан бўйин товлагани учун гуноҳкор бўлиб қолган бўлсада, **Ўзидан** бошқага сажда қилмай тавҳидга амал қилиб, ўзининг садоқатини кўрсатгани учун ва яна биз билмаган, мавҳумотларни ҳам назарда тутиб, **Аллоҳ** Қиёмат куни уни кечирса керак, деб фараз қилганлар. Инсонларнинг аксарияти баднафс, золим, бесабр, худбин, нокас, ичи қора, такаббур, жоҳил бўлиб, жуда кўп ёмон ишларни қиладилар ва қилғиликни қилиб қўйиб, бутун айбни шайтонга тўнкайдилар. Ахир у ёмонни яхши қилиб кўрсатишдан нари утолмайдиган **Аллоҳнинг** бир махлуқи холоску.

Жинларнинг кофир, шайтон тоифалари бўлганидек, одамларнинг ҳам шайтонлари бўлар экан. Баъзи каззоб, фирибгар, ифвогар, ёмон одамлар ҳақида: «У шайтонга ҳам дарс беради», — деб таърифлайдилар.

Қуръони каримда Иблис: «Энди мен бандаларингни тўғри йўлдан оздираман, адашти-

аман, фақат покиза бандаларинггина ҳақ йўлдан озмай қолурлар», дейди. Шундай экан, лайтоннинг йўлига кирмай, алдовига учмай, салбий ишлардан қочиб, нафси синдириб, орзуни қисқароқ қилиб, покизаликка интилиш, ҳақ йўлдан озмаслик ихтиёри ўзимизда ва фақат ўзимизда эканлигини камдан кам одамларгина тўлиқ ва чуқур ҳис эта билдилар.

Шундай қилиб, ушбу мавзуга якун ясар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, атоқли мутасаввуф олим, сўфий Ибн ал-Арабийнинг ёзишича, Иблис **Худонинг** дўсти ҳам, душмани ҳам эмас. Иблис ва унинг малайлари — шайтонлар инсоннинг туғри йўлдан тойдирувчи, яққол душманидир. (Бу ўринда «дўст» сўзини маъжозий — «суюкли», «яқин» каби маъноларда тушунмоқ керак. Чунки **Аллоҳнинг** дўсти, шериги, маҳбуби, фарзанди, ота-онаси бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас!).

Деярли барча уламолар Иблис, (шайтон) у дунёда дўзахга маҳкум, деган бўлсалар, айрим сўфийлар, ҳамда ана шу Ибн ал-Арабийнинг фикрича, пировардида **Аллоҳ** уни жазолаб, сўнгра кечирар экан.

Аллоҳнинг Ўзи соҳиби ихтиёрдир !

Бешинчи фасл

Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг фарзандлари

«(Биз дедик): «Эй Одам! **Жуфтинг** (Ҳавво) билан жаннатда турингиз ва хоҳлаган жойингиздан тановул қилинг! Фақат ушбу дарахтга (мева-дан ейиш учун) яқинлашмангиз. Акс ҳолда, **золимлардан бўлурсиз!**»

(7- «Аъроф сураси, 19-оят).

Қайд қилиб ўтиш лозимки, антропология илми билан шуғулланувчилар Ер юзининг турли жойларида топилган инсон суяклари ва бош чаноқларини текшириб, рубъи маскунда Одам Атодан илгари ҳам бир неча турдаги башарият — инсонлар яшаб ўтган деган хулосага келдилар. Бу топилмаларни текширган олимлар улар яшаб ўтган даврга бир қанча миллион йиллар бўлган деб тахмин қилмоқдалар.

Олимларнинг хулосасига қараганда, энг қадимги инсонлар — яваликлар, сўнгра пекинликлар, сўнгра сўлуликлар, сўнгра полтаванликлар, сўнгра хелдибражликлар ва родезияликлар бўлганлар. Инсонларнинг яшаш замонасига қараб, неандарталликлар охириги яшаганлардан ҳисобланади, улар ҳозирги одамзоднинг бобокалонларидир, деб тахмин қилиш мумкин. Бу турдаги инсонлар милоддан тахминан 130 минг йил аввал яшаб, Ер юзининг турли жойларида истиқомат қилишган. Юқорида, иккинчи фаслда таъкидлаб ўтганимиздек, **Қуръони карим** ҳам Одам Атодан илгари башарият бўлганлиги ҳақида таълим беради.

Носириддин Рабғузийнинг ёзишича, Момо Ҳавво етмиш марта бир ўғил, бир қиз — эгизак, фақат Шис алайҳиссаломни ёлғиз тукқан экан.

Библияда келтирилишича, **Аллоҳнинг** иккинчи пайғамбари бўлмиш Шис алайҳиссалом 105 ёшида Энўш (Енос)ни дунёга келтирди, ундан кейин яна 807 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб 912 ёшида вафот этди. (Бундан кейин Библиядаги номлар қавс ичида берилади).

Энўшдан 90 ёшида Қенан (Каинан) туғилди. Шундан кейин Энўш яна 815 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрди ва жами 905 йил яшади.

Қенан 70 ёшида Маҳолаил (Малелеил) деган ўғил кўрди. Ундан кейин яна 840 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрди ва жами 910 йил яшаб, оламдан ўтди.

Маҳолаил 65 ёшида Ёред (Иаред) деган ўғил кўрди. Ундан кейин яна 830 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрганидан сўнг, 895 ёшида вафот этди.

Ёред 162 ёшида Ханўх (Енох) исмли ўғил кўрди. Ханўх **Қуръони карим**да Идрис алайҳиссалом деб номланган. Идрис пайғамбар туғилганидан кейин Ёред яна 800 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрди ва жами 962 йил яшаб, ота-боболари олдига жунади.

Идрис алайҳиссалом 65 ёшида Матушалох (Мафусал)ни дунёга келтирди. Матушалох туғилганидан кейин яна 300 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрди ва 365 ёшида **Тангри таолонинг** амри билан тириклайин осмонга кўтарилди.

Пайғамбар ўғли Матушалох 187 ёшида Ламак (Ламех) номли ўғил кўрди. Шундан кейин яна 782 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб, 969 ёшида вафот этди.

Ламак 182 ёшида хушрўй ажиб бир фарзанди аржуманд — ўғил кўрди ва исмини Нух (Ной) кўйди. Шундан кейин Ламак яна 595 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб, 777 ёшида вафот этди.

Нух алайҳиссалом 500 ёшларга етганида ундан Сом, Хом, Ёфас ва Канъон (Сим, Хам, Иафет ва Ханаан) туғилдилар.

Қобил ва Ҳобил (Каин ва Авел) қиссаси

Юқорида айтганимиздек, **Парвардигори олам** Одам Ато ва Момо Ҳаввога эгизак: бир ўғил — Қобил (Каин) ва бир қиз — Иқлимо (Аклима) деган фарзандлар ато этди.

Иқлимо ниҳоятда кўркли, гўзал эди.

Икки йилдан кейин яна эгизак: бир ўғил — Ҳобил (Авел) ва бир қиз Абудо (Лабуда) туғилди. Абудо кўрксиз эди.

Одам алайҳиссалом ўз шарияти қондаси бўйича Қобил билан туғилган қиз — Иқлимони Ҳобилга берадиган бўлди. Қобил: «Ўзим билан туғилган қизни оламан», деди. Одам айтди: «Шарият-қондамизда ундай эмас». Қобил: «Буниси менга қариндош бўлса, униси ҳам қариндошдир» деб, Иқлимони талашди. Одам айтди: «Иккалангиз ҳам **Парвардигори олам**га қурбонлик қилинг, кимнинг қурбонлиги қабул бўлса, Иқлимони ўша олсин».

Ҳобил қўйчивон эди, семиз қўй келтириб қурбонлик қилинадиган жойга қўйди. Қобил деҳқон эди, қурбонлик учун сифати паст бўғдойни қўйди. Осмондан ўт тушиб Ҳобилнинг қурбонлигини кўйдирди, яъни унинг қурбонлиги қабул бўлди, Қобилнинг қурбонлиги қабул бўлмади.

Қобил кўнгли хаста, ёмонликка мойил, тама ва гуноҳга интилувчи, **Ҳақ** ҳукмига унамай саркашлик қиладиган инсон бўлиб, унинг укаси Ҳобил эса, аксинча, **Ҳаққа** бўйсунувчи, солиҳ, тақволи эди.

Қобил билан Ҳобил ўртасида вужудга келган ихтилоф яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги дастлабки кураш бўлиб, Иблис васвасаси билан Қобил ўз укаси Ҳобилни тош билан уриб ўлдирди.

Қобил Ҳобилни ўлдириб, жасадини нима қилишини билмай хайрон бўлди. Шунда **Аллоҳ таоло** амри билан икки қарға келиб бир-бири билан уришиб, бирини бири ўлдирди. Тирик қолгани ўлганини тумшуғи билан ер кавлаб кўмди. Қобил, қарға ўз шеригини кўмганини кўргач, қаргадан ҳам тубан, раҳмсиз бўлмай деб, укасининг жасадини ерга кўмди. Шундан мурдани ерга кўммоқ инсонларга суннат бўлиб қолди.

Шундан сўнг Қобил **Тангри таолони** лаънатига учраб укасининг қони тўкилган ердан ҳайдалди ва Яман вилоятидаги Аданнинг (Едем) шарқий томонидаги Нўд (Нод) деган ерга бориб ўрнашди.

Кейин Қобил яна Иблисининг васвасасига учди — хамр ичди, ўтга, бутга топинди ва муртад бўлди. **Тангри таолонинг** амри билан бир фаришта келиб, отасининг лаънатига учраган муртад Қобилни ҳалок қилди.



Пайғамбарлар ва азиз авлиёлар ҳақида

«(Бир қатор) пайғамбарлар ҳақида қиссаларни Сизга илгари айтдик. (Айрим) пайғамбарлар қиссаларини эса айтганимиз йўқ. Аллоҳ Мусо билан (бевосита) гаплашди».

(4- «Нисо» сураси, 164-оят).

Қуръони каримда 25 нафар пайғамбарлар ва 4 нафар азиз-авлиёлар номи тилга олинган бўлиб, эндиги сўз шулар ҳақида боради.

«Пайғамбар» форсча сўз бўлиб, маъноси — «xabарчи». Арабчада «расул», маъноси «элчи»дир. Пайғамбарлар **Аллоҳ**нинг хабарчи ва элчилари, **Аллоҳ**нинг амрларини, йўл-йўриқларини инсонларга етказадиган кишилардир. Биз она тилимизда пайғамбарлар деб атаётган зотлар, араб тилида икки хил: «расул» ва «набий» деб номланадилар. Бинобарин, агар пайғамбарликка танланган кишига бошқа кишиларнинг ақидасини — дунёқарашини туғрилаш вазифаси юклатилса ва янги, алоҳида шариат (қонун-қоидалар) олиб келса, яъни элчилик қилишга буюрилса, бундай кишилар «расул» деб номланади. Янги шариат олиб келмай, ўзидан аввалги пайғамбарлар шариатига амал қила туриб, кишиларни ёлғиз **Аллоҳ**нинг **Ўзига** ибодат қилишга, унга ширк келтирмасликка даъват этганлар эса «набий» дейилади. Демак, расул — китоб ва шариат соҳиби; набий эса бундай эмас. Набий ўзидан олдин келган расулнинг шариатига халқни даъват этиш билан вазифалантирилган бўлади. Ҳикмати ёлғиз **Аллоҳ**нинг ўзига аён бўлган бу қоидага кўра, ҳар бир «расул» «набий»дир, аммо ҳар бир «набий» «расул» бўлолмайди. Ҳазрат Мухаммад алайҳиссалом ҳам набий, ҳам расулдирлар.

Энг биринчи пайғамбар ҳазрати Одам алайҳиссалом ва охиригиси Расули акрам Мухаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламдирлар.

Қуръони каримда номлари зикр этилмаган, лекин пайғамбаримизнинг ҳадисларида ва бошқа диний адабиётларда тилга олинган пайғамбарлар, набийлар, авлиёлар орасида ҳазрати Шис, Ишаъё, Ашъиё, Дониёл, Жиржис, Жакук, Ишмуил, Хизқийл, Ҳанзала, Маҳаҳарқийё алайҳиссаломлар ва бошқалар ҳам ўз даврларида яшаб ўтишган.

Муқаддас китобларда уқтирилишича, пайғамбарлик илоҳий фазл, **Аллоҳ таоло Ўзи** хоҳлаган бандасини бунга эриштиради. Пайғамбарликка на ақл, на касб-ҳунар, на маҳорат, на ортиқча ибодат билан ва на ворислик йўли билан эришиб бўлади. **Парвардигор** ўз бандаларидан хоҳлаганини танлаб олади ва пайғамбар даражасига кўтаради. Уларнинг барча қилган ишлари **Аллоҳ таолонинг** ваҳйси орқали бўлади. Пайғамбарлар ҳеч қачон ўз ички ҳиссиётларига итоат этмаганлар, пайғамбарликни ижтимоий вазиятга, сиёсий жараёнга мосламаганлар. Ҳамма пайғамбарларнинг энг биринчи асосий даъвати ханифлик — ёлғиз **Аллоҳ**га иймон келтиришга чорлаш бўлган.

Пайғамбарлик бутун инсоният учун тегишли бўлганидан **Тангри таоло** дунёни яратибдики, барча халқларга уларнинг ораларидан пайғамбарлар чиқариб турди. Лекин Бани Исроил ҳанузгача пайғамбарликнинг умумийлигини, **Аллоҳ таоло** бандаларидан хоҳлаганига пайғамбарлик неъматини беришини инкор этиб келмоқда. Уларнинг фикрича, пайғамбарлик фақат Бани Исроилгагина хос хусусият эмиш. Улар барча башарият ягона **Тангри таолонинг** яратган бандалари, ҳамма бир ота-она, яъни Одам Ато ва Момо Ҳавводан тарқалганликларини унутиб, барча элатлар, халқлар ўз динлари, ирқлари, миллатларига қараб ажратилмай, балки қилган яхши ёки ёмон амаллари билан фарқланишларини тушунишни истамай, биз **Худованд** томонидан танлаб олинган, барча халқлардан аъло халқмиз, олий ирқмиз, миллатмиз, бошқа барча миллатлар ва диндагилар бизнинг душманларимиз деган ғояга қадимдан қаттиқ риоя қилган

ҳолда ўзларидан бошқа барча миллатлар ва диндагиларга жоҳилларча душманлик қилиб келдилар.

Бу қавмлар (яхудийлар) **Аллоҳ**га қилган исёнкорликлари ва **Унинг** берган неъматларига бўлган нонкўрликлари сабабли азобга маҳкум бўлган, бошларига доим фалокатлар келиб турадиган қавмдирлар.

Асрлар бўйи юртсиз ва ўз давлатларига эга бўлмай, у ердан бу ерга сарсон-саргардонликда кўчиб юрадиган ва Сулаймон алайҳиссалом даврларида муқаддас тупроқларини ўзларига юрт қилиб олган яҳудийлар кейинги асрларда яна ҳадларидан ошиб, бузғунчиликлари ҳамда итоатсизликлари туфайли жазога йўлиқдилар. Яқин тарихда ўзларига такрор айна ерларни юрт қилиб олишларига қарамасдан, улар ҳозир ҳам илк даврлардагидек бузғунчиликлар чиқариб, «катта туғёнга тушган» ҳолатдалар. **Аллоҳ**га берган ваъдалари унутилган, ўтмиш кунларидан сабоқ-ибрат олмаган ҳолда яшамокдалар. («Илоҳий муъжизалар». 3-сон. Тошкент. «Қатортол-Қамолот», 1996).

Дунёда қанча пайғамбар ўтганлиги **Қуръони карим**, Ҳадис ёки бошқа тарихий китобларда қатъий белгиланмаган. Ҳамма пайғамбарлар тенгдирлар, лекин улар фазилат жиҳатидан бир-бирларидан ажралиб турадилар. Улардан беш пайғамбар: Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо, Муҳаммад алайҳиссаломлар буюк ва янгиланган шариат асосчилар деб саналадилар.

Парвардигорнинг ўз пайғамбарларига берувчи таълими, амрлари «вахй» деб аталади. Пайғамбарларга ваҳй, яъни **Аллоҳ** томонидан илму маърифат қуйидагича келади:

1. **Аллоҳ**нинг бош фариштаси ҳазрати Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳй келиши ва ундан бевосита эшитиб олиш.

2. Кўнгилга солиш орқали.

3. Уйқусида тушлар кўриш, кўрсатмалар олиш воситасида.

4. Бошқа руҳий ҳолатларда.

Ваҳйнинг ҳикматини пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким англай олмайди.

Аллоҳнинг пайғамбарлари ҳақида **Қуръони карим**да қуйидаги оятлар келган:

«(Аллоҳ **Ўз**) амри билан хоҳлаган бандаларига фаришталарни (шундай) ваҳй билан туширур: («Эй пайғамбарларим! Инсонларни) огоҳлантиринглarki, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, (барчаларингиз) Мендангина кўрқингиз!» (16- «Наҳл» сураси, 2-оят).

«Биз ҳар бир пайғамбарни (ҳукмларимизни) баён қилиб бериши учун ўз қавмининг тили билан (сўзлайдиган қилиб) юбордик. Бас, Аллоҳ (**Ўзи**) хоҳлаган кимсани йўлдан оздирур ва (**Ўзи**) хоҳлаган кишини ҳидоят қилур. У қудратли ва ҳикматли зотдир». (14- «Иброҳим» сураси, 4-оят).

И з о х: Пайғамбарларнинг вазифаси даъватдир. Бирон кишини йўлдан оздириш ёки Ҳақ йўлга ҳидоят қилиш эса ҳеч қайси пайғамбарнинг қўлидан келмайди — бу ёлғиз Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлиқдир.

«Албатта, Аллоҳ Одам ва Нухни ҳамда Иброҳим ва Имрон авлодларини оламлар узра (пайғамбарлик учун) танлади», (уларни) бир-бирларига зурриёт этиб. Аллоҳ эшитгувчи ва билимдон зотдир». (3- «Оли Имрон» сураси, 33—34-оятлар).

«Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нухни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз.

Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни (ҳам ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаси солиҳлардандир. Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик.

Шунингдек, уларни ота-боболаридан, зурриётларидан ва ака-укаларидан (баъзиларини ҳам афзал қилдик). Уларни танлаб олиб, Тўғри йўлга равона қилдик».

Аллоҳнинг ҳидояти шудир. У билан хоҳлаган бандаларини йўлга солади. Агар мушрик бўлганларида, қилган (савобли) амаллари йўққа чиққан бўлур эди.

«Ана ушалар Биз Китоб, ҳукм (ҳикмат) ва пайғамбарлик берган зотлардир. Агар уларни ана улар (Макка мушриклари) инкор этсалар, уларни инкор этмайдиган қавми уларга вакил қилиб қўйганмиз». (6- «Анъом» сураси, 84—89-оятлар).

«Пайғамбарларга салом!» (37- «Вас-соффот» сураси, 181-оят).

*Қуръони карим*да жами 29 пайғамбару азиз-авлиёларнинг номлари зикр қилинган, яъни: 1. Одам. 2. Идрис. 3. Нух. 4. Худ. 5. Солих. 6. Иброҳим. 7. Лут. 8. Исмоил. 9. Исҳоқ. 10. Яъқуб. 11. Юсуф. 12. Айюб. 13. Зул-Кифл. 14. Шуайб. 15. Мусо. 16. Ҳорун. 17. Довуд. 18. Сулаймон. 19. Илёс. 20. Ал-Ясаъ. 21. Юнус. 22. Закариё. 23. Яҳё. 24. Ийсо. 25. Муҳаммад. 26. Хизр. 27. Лукмони ҳаким. 28. Узайр. 29. Зул-Қарнайн.

Уларнинг 25 нафари *Қуръони карим*да пайғамбар деб тилга олинган. Кейинги тўртталари — Хизр, Лукмони ҳаким, Узайр ва Зул-Қарнайнларнинг пайғамбарликлари хусусида уламолар ўртасида ихтилоф бор. Уламоларнинг айримлари уларни пайғамбар, кўпчилиги эса пайғамбар эмас, балки Аллоҳнинг азиз бандалари — авлиёлари деганлар.

Ҳазрат Хизр номи *Қуръон*да тўғридан-тўғри аниқ келмаган. Аммо 18- «Кахф» сурасининг 60—82- оятларида «... бандаларимиздан бир бандани (Хизрни) топдиларки...» деб унинг номига ишора қилинган. Аксарият Ислом уламолари бу оятларда ишора қилинган Аллоҳнинг бандасини Хизр эканлиги ҳақида бир тўхтамга келганлар. Шу суранинг 65-оятларида:

«Бас, бандаларимиздан бир бандани (Хизрни) топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик» дейилганда, ато этилган раҳматдан мурод пайғамбарликми, илмми ёки узоқ умрми эканлиги ҳақида турли фикрлар бўлган. Яъни Хизр пайғамбар бўлганмилар ёки валийми деган саволга кўпчилик уламолар у зотнинг серкаронат зот — валий бўлганликларини таъкидлаганлар.

Ҳазрат Бахоуддин Нақшбанд ҳам у зотнинг валий, авлиё бўлганликларини тасдиқлаганлар.

*Қуръон*да номлари келтирилган, милоддан бир неча асрлар муқаддам яшаб ўтган ҳазрат Лукмони ҳакимга Аллоҳ таоло улуғ ҳикмат ва донишмандлик соҳибби бўлишликни ихтиёр этган.

Зул-Қарнайнга эса, буюк салтанат — Мағрибдан Машриққача бўлган улкан ҳудудларга ҳукмронлик қилиш ато этилган.

Бу икки буюк шахс ҳам инсонларни тавҳидга — Аллоҳнинг борлиги, яқкаю ягона эканлигини тарғиб этиб келганлар. Шундай бўлса-да, уларнинг пайғамбар бўлганликлари ҳақида *Қуръон*да бирон бир маълумот учрамайди. Шунинг учун ҳам уларни **Тангри таолонинг** азиз, сиддиқ бандалари — авлиёлари қаторига қўшамиз.

Ҳазрат Узайрни (Езра) ҳам баъзилар пайғамбар, баъзилар эса пайғамбар эмас, деб келдилар. Бу хусусда *Қуръони карим*нинг 9- «Тавба» сурасининг 30—31-оятларида яҳудийлар Узайрни, насронийлар Ийсони Аллоҳнинг ўғли деганлари ва улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишманд роҳиблари — Узайрни ҳамда Ийсо Масихни ўзларига илоҳ қилиб олганлари таассуф ила батафсил ва аниқ ёзилган.

Шунингдек Жаброил алайҳиссалом келтирган бу икки оятида улар бу гаплари билан кофир бўлганликларини, Аллоҳ яқкаю ягоналигини, ота-онаси, ёри, фарзандлари йўқлигини, уларнинг келтирган ширкларидан У мутлақо поклигини, Узайр Аллоҳнинг бошқа бандалари қатори бандаси, яъни яҳудийларнинг донишманд роҳиблари эканлиги аниқ ва равшан баён қилинган.

Улардан ташқари номлари *Қуръони карим*да тўғридан тўғри тилга олинмаган, аммо улар ҳақида ишора қилинган Ювшаъ ва Шамъун пайғамбарлар, ҳамда *Қуръон*да умуман номлари келтирилмаган Шис ва Ишаъё пайғамбарлар ҳақида ҳам ҳикоя қиламизки, улар ҳақида ҳам мухтасар бўлса-да маълумотга эга бўлиб қўйсак, фойдадан ҳоли бўлмас, деган андишага бордик. Чунончи:

1. Одам алайҳиссаломнинг ўғли Шис алайҳиссалом *Қуръон*да тилга олинмаган бўлса-да, у зотга 50 саҳифа илоҳий оятлар нозил қилинган бўлиб, у фарзандлари, авлодлари ва қариндош уруғларига пайғамбарлик қилган. Шис пайғамбар ҳақида кўпдан-кўп диний китобларда ҳикоя қилинган.

2. *Қуръони карим*нинг Алоуддин Мансурга мансуб ўзбекча таржимасида ал-Ясаъ ва Ювшаъ пайғамбарларнинг иккаловлари бир шахс, бир пайғамбар деб кўрсатилган. Аммо уларни тарихан текшириб чиққанимизда, улар алоҳида шахс, бошқа-бошқа пайғамбарлар

бўлиб чикди. Ҳатто улар яшаган давр ўртасидаги тафовут 800 йиллар чамаси бўлган экан. Улар ҳақида қуйида *Қуръони карим*нинг икки оятини айнан келтирамиз:

«**Исмоил, ал-Ясаъ** (Ювшаъ пайғамбар), **Юнус ва Лутни** (ҳам ҳидоят қилдик) **ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик**» (6-«Анъом» сураси, 86-оят).

«**Яна Исмоил, ал-Ясаъ** (Ювшаъ пайғамбар) **ва Зул-Кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир**» (38- «Сод» сураси, 48-оят).

3. Шамъун алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлганликлари ҳақида *Қуръони карим*да фақат биргина оятда унинг номига ишора қилинган халос. Алоуддин Мансур таржимасидаги бу оятда шундай дейилган:

«**Бани Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоани ҳоли-хабарини билмадингизми? Қайсики, улар ўзларининг (Шамъун исмли) пайғамбарларига: «Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, биз (у билан бирга) Аллоҳ йўлида жанг қилайлик», дейишди. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмассиз?» — деди (пайғамбар) ...».** (2- «Бақара» сураси, 246-оят).

Шамъун пайғамбар ҳақида Тавротнинг «Биринчи подшоҳлик» бўлими 1—3-бобларида батафсил ҳикоя қилинган.

4. Ишаъё алайҳиссаломнинг номи ҳам *Қуръон*да тилга олинмаган. Аммо у уша манбада милоддан аввалги VIII асрда яшаб ўтган **Аллоҳ**нинг улуғ пайғамбари деб тилга олинган.

Бу пайғамбарларнинг номлари Тавротда Шис — Сиф, Ювшаъ — Иисус Навин, Шамъун — Самуил, ал-Ясаъ — Елисей, Ишаъё — Исаия ва Узайр — Езра тарзида зикр этилган. Лукмони ҳаким ва ҳазрат Хизр алайҳиссалом номлари Таврот китобида учрамайди.

Барча пайғамбарлар сони 124 минг, ёки ундан камроқ, ёхуд кўпроқ, расуллар эса 313 нафар бўлган дейилади манбаларда (Масалан: Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. Ахли сунна вал-жамоа ақоиди. II китоб. Т.: «Мовароуннаҳр», 1999, 88-бет). Аҳмад Яссавий эса уларнинг 444 нафар эканлигини айтиб ўтган:

*Тўрт юз қирқ тўрт пайғамбари мурсал набий,
Қолмадилар бу дунёдин ўтди бари.*

Аллоҳнинг Ўзи билгувчироқдир!

Шундай қилиб, *Қуръон*да номлари келтирилган 25 нафар пайғамбарлар, номларига ишорат этилган икки пайғамбар (Ювшаъ, Шамъун), номлари келтирилмаган икки пайғамбар (Шис, Ишаъё) ва Аллоҳнинг тўрт азиз, сиддиқ бандалари — авлиёлари (Хизр, Лукмон, Узайр ва Зул-Қарнайн, жами 33 нафар) билан таништириб ўтамизки, улар ҳақида муҳтасар бўлса-да, маълумотга эга бўлиш ҳар бир мўмин-мусулмонларга фазилат бахш этгусидир.

Пайғамбарлар ҳақида муфассал маълумотлар беришдан аввал, ўзига хос дебоचा ўрнида уларнинг яшаб ўтган даврлари, аниқроғи йиллари тартибига кўра қисқача таништириб ўтамиз (қавс ичида кўрсатилган номлар Таврот матни бўйича берилди):

1. Одам алайҳиссалом (Адам) — Ер юзидаги бутун инсониятнинг отаси, яъни Абулбашар; биринчи одам ва биринчи пайғамбар; ун саҳифадан иборат илоҳий оятлар нозил қилинган; ўз фарзандларига пайғамбарлик қилган; Тавротда ёзилишича, 930 йил яшаган.

Момо Ҳавво (Ева) — Одам Атонинг хотини; бутун инсониятнинг онаси; Одам Атодан кейин яна 7 йил яшаган.

2. Шис алайҳиссалом (Сиф) — ҳазрати Одам Атонинг Қобил ва Ҳобилдан кейинги учинчи ўғли; **Ҳақ таоло** унга 50 саҳифалик илоҳий оятлар нозил қилган; Одам алайҳиссаломдан кейинги иккинчи пайғамбар; Таврот ва Инжилда ёзилишича, 912 йил яшаган; у ҳақида *Қуръон*да оят келмаган.

3. Идрис алайҳиссалом (Енох) — Ер юзига юборилган пайғамбарларнинг учинчиси; Шис алайҳиссалом авлодларидан; **Ҳақ таоло** унга 30 саҳифадан иборат бўлган илоҳий ҳукмлар нозил қилган; тахминан 365 ёшида тириклайин осмонга кўтарилган; ҳозиргача абадият жаннатида яшайди.

4. Нух алайҳиссалом (Ной) — Идрис алайҳиссалом чеварасининг ўғли, яъни чеварасидан кейинги кавараси (панневара); милоддан аввалги 4000-йилликдан олдин бўлиб

утган Буюк тўфондан кейин барча инсон қирилиб кетиб, унинг уч ўғлидан — Сом, Хом ва Ёфасдан бутун Ер юзи аҳолиси пайдо бўлган; шунинг учун ҳам уни иккинчи Одам Ато деб атайдилар; 950 йил яшаган.

5. Худ алайҳиссалом (Хул) — беш араб пайғамбарларининг биринчиси (Худ, Солих, Исмоил, Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлар); Тавротдаги номи Хул. У, Нух ўғли Сомнинг кенжа ўғли Эрамнинг иккинчи ўғли бўлиб, Нух а.с.га эвара бўлади (Нух — Сом — Эрам — Худ). Худ а.с.нинг қайси йилларда яшаб ўтганлиги аниқ эмас.

6. Солих алайҳиссалом — беш араб пайғамбарларидан иккинчиси; 433 йил умр кўрган. Қайси йилларда яшаб ўтганлиги номаълум. Аммо у Худ пайғамбардан кейинги пайғамбар эканлиги маълум. У ҳам Нух а.с.нинг эвараси, (Нух — Сом — Арпахшод — Шалоҳ (Солих) дегувчилар ҳам бор, аммо бу ихтилофли.

7. Иброҳим алайҳиссалом (Авраам) — милоддан аввалги 2180- йили туғилиб, 2005- йили 175 ёшида вафот этган; ўзидан кейинги барча пайғамбарларнинг отаси ва бобокалони; учала дин аҳли — яхудийлар Абром, насронийлар Авраам, мусулмонлар Иброҳим ҳалилуллоҳ деб ҳурмат билан тилга оладилар; тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссалом авлодларидан икки араб пайғамбари — Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлар туғилган; иккинчи ўғли Исҳоқ алайҳиссаломдан кейинги барча пайғамбарлар, шу жумладан, Ийсо алайҳиссалом туғилган; **Ҳақ таоло** унга 10 саҳифалик илоҳий оятлар нозил қилган.

8. Лут алайҳиссалом (Лот) — Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳороннинг (Аарон) ўғли, яъни Иброҳим алайҳиссаломнинг жияни.

9. Исмоил алайҳиссалом (Измаил) — Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли; ўзи ва тили иброний бўлса-да, кейинчалик у арабдан хотин олиб, арабчани тўлиқ ўзлаштиргани учун, унинг авлодлари «мустаъриба» дейиладиган бўлди (мустаъриба — асли араб бўлмай, арабликни қабул қилган киши дегани); учинчи араб пайғамбари; милоддан аввалги 2094- йили туғилиб, 1957- йили 137 ёшида вафот этган.

10. Исҳоқ алайҳиссалом (Исаак) — Иброҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли; авлодларидан Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлардан бошқа барча пайғамбарлар, шу жумладан, Ийсо алайҳиссалом ҳам туғилганлар; Эсов ва Яъқуб деган икки ўғли бўлган; Милоддан аввалги 2080- йил туғилиб, 1900- йил 180 ёшида вафот этган.

11. Яъқуб алайҳиссалом (Иаков) — лақаби Исроил; яхудийларнинг тарихий отаси; ундан 12 ўғил, шу жумладан, Юсуф алайҳиссалом туғилди; 12 ўғли 12 қабилага бош бўлиб, тарқалиб кетдилар; милоддан аввалги 2020- йил туғилиб, 1873- йили 147 ёшида вафот этган.

12. Юсуф алайҳиссалом (Иосиф) — Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғлининг ўн биринчиси (ўн иккинчисининг исми Бенямин); тахминан милоддан аввалги 1934- йилда Фаластинда туғилиб, 1824- йилда 110 ёшда Мисрда вафот этган.

13. Айюб алайҳиссалом (Иов) — Исҳоқ алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Эсовнинг уруғидан; Юсуф алайҳиссаломнинг чевараси Раҳимага уйланган; 93 йил умр кўрган.

14. Зул-Кифл алайҳиссалом (Иезекиил) — асл номи Бишр; Айюб алайҳиссаломнинг ўғлидир.

15. Шуайб алайҳиссалом (Иофор) — Лут алайҳиссалом авлодларидан; беш араб пайғамбарларининг тўртинчиси; Мусо алайҳиссаломнинг қайнотаси; 200 йил яшаган.

16. Ҳорун алайҳиссалом (Аарон) — Мусо алайҳиссаломнинг акаси ва ёрдамчиси, нотик; милоддан аввалги 1669- йилда туғилиб, 1546- йилда вафот этган, яъни 123 йил умргузаронлик қилган.

17. Мусо алайҳиссалом (Моисей) — яхудийлик динининг асосчиси; унга биринчи илоҳий китоб — Таврот нозил қилинган; Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб алайҳиссаломларнинг авлодидан; Ҳорун алайҳиссаломнинг укаси; милоддан аввалги 1666- йилда туғилиб, 1546- йилда вафот этган, яъни 120 йил яшаган.

18. Ювшаъ (ибн Нун) алайҳиссалом (Иисус Навин) — Мусо алайҳиссаломнинг ёрдамчиси, ноиб; Мусо алайҳиссалом вафотидан кейин унинг ўрнига бўлган пайғамбар; буюк саркарда; милоддан аввалги 1628- йил туғилиб 1518- йил 110 ёшида вафот этган.

19. Шамъун алайҳиссалом (Самуил) — яхудийлар пайғамбари; **Аллоҳ**нинг амри билан Довуд алайҳиссаломни пайғамбарликка тайёрлаган. *Қуръон*да Шамъун алайҳисса-

лом аниқ тилга олинмаган бўлса-да, аммо Алоуддин Мансур таржимасидаги *Қуръони карим*нинг 2-«Бақара» сураси 246-оятда унинг номига ишорат этиб ўтилган.

20. Довуд алайҳиссалом (Давид) — Мусо алайҳиссалом вафотидан 463 йил кейин, яъни милоддан аввалги 1083- йилда туғилиб, 1013- йили 70 ёшида вафот этган; ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ; 1053- йили 30 ёшида пайғамбарлик келган; унга Забур илоҳий китоби нозил қилинган. 40 йил подшоҳлик қилган: Хевронда 7 йил Яҳудия подшоҳи, Иерусалимда 33 йил Исроил ва Яҳудия подшоҳи бўлган.

21. Сулаймон алайҳиссалом (Соломон) — Довуд алайҳиссаломнинг ўн икки ўғлидан кенжаси; милоддан аввалги 1033- йилда туғилиб, 973- йилда вафот этган; отаси каби ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ бўлган; 20 ёшида тахтга ўтирган; унга девлар, парилар, инс-жинслар, ҳайвонот дунёси, қуш, кумурсқалар, даррандалар ва шамол устидан хукмронлик ҳам берилган; 700 хотини, 300 чўриси бўлган; 40 йил подшоҳлик қилиб, 60 ёшида оламдан ўтган.

22. Илёс алайҳиссалом (Илия) — милоддан аввалги IX асрда яшаган пайғамбар; Хизр алайҳиссалом билан бирга мангулик суви — «обихаёт»ни ичган; **Тангри таолонинг** амри билан тириклайин осмонга кўтарилган; қиёматгача тирик пайғамбар.

23. Ал-Ясаъ алайҳиссалом (Елисей) — Илёс алайҳиссалом амакисининг ўғли, ёрдамчиси, ноиби; Илёс алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетгандан кейин, унинг урнига ўтган пайғамбар.

24. Юнус (Зуннун) алайҳиссалом (Иона) — **Аллоҳ** пайғамбари; **Аллоҳнинг** амри билан денгизда уни наҳанг ютиб юборган; наҳанг қорнида уч кеча-кундуз қолиб кетган; тинмай тавба-тазарру, ибодат этиб нола қилаверганидан кейин **Аллоҳнинг** амри билан наҳангнинг қорнидан чиққан; кейин қавми унга иймон келтирган; 750 йил яшаган.

25. Ишаъё алайҳиссалом (Исаия) — Юнус алайҳиссаломдан кейин милоддан аввалги VIII асрда яшаган пайғамбар бўлиб, *Қуръон*да номи келмаган, аммо Тавротда унинг номи тилга олинган.

26-27. Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар (Захария, Иоанн) — ота-боладирлар; Закариё милоддан аввалги 330-йилларда туғилган бўлиб, милодий йил бошларида, 300 ёшида Яҳё исмли фарзанд кўради; ота-бола ўз қавмларини Мусо алайҳиссаломнинг шариатлари узра иймонга чақириб юрганлар; Ийсо алайҳиссаломга янги шариат келганидан кейин, Яҳё алайҳиссалом қавмларини бу янги шариат узра иймонга чақира бошлаган; Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар ўз қавмлари — яҳудийлар томонидан шафқатсизларча шаҳид қилинганлар.

28. Ийсо алайҳиссалом (Иисус Христос) — милоднинг биринчи йилида туғилган; 30 ёшида пайғамбарлик келган ва унга учинчи илоҳий китоб — Инжил нозил бўлган; Ийсо алайҳиссалом 33 ёшида осмонга кўтарилганидан сўнг, ҳаворийлари ҳар тарафга тарқалишиб, Инжил китобини ёзиб тарқатганлар ва христиан динини барпо қилганлар. (Ҳозир амалда бўлган милодий йил ҳисоби — янги эра, унинг туғилган кунидан бошлаб ҳисобланади).

29. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам — араблардан чиққан бешинчи ва бутун башариятга юборилган охириги пайғамбар. Милодий 571- йил 21- апрелда туғилиб, 632- йил 8-июнда 61 ёшида вафот этганлар; 610- йил рамазон ойида 40 ёшида биринчи ваҳй келиб, пайғамбарлик неъматини берилган ва у зотга тўртинчи, охириги илоҳий китоб — *Қуръони карим* нозил қилинган; Муҳаммад алайҳиссалом охириги умумбашарий дин — Исломи динининг асосчисидирлар.

Булардан ташқари яна Қуръонда пайғамбар мақомида бўлмасалар-да, халқ орасида Аллоҳнинг азиз-авлиёлари сифатида эъзозланган ва эъзозланиб келинаётган шахсларнинг номлари ҳам тилга олинганки, булар:

1. Ҳазрат Хизр — эрамиздан 2300 йиллар аввал яшаган, келиб чиқиши ва миллати номаълум; *Қуръон*да Мусо алайҳиссалом билан боғлиқ қиссаларда «**Аллоҳнинг** бандаси» деб унинг номига ишора қилинган.

2. Луқмони ҳаким — милоддан аввалги минг йилликдан олдинги даврларда туғилган, минг йил умр кўрган. Довуд алайҳиссалом салтанати даврларида ҳам ҳаёт бўлган.

Буюк ҳаким, донишманд, авлиё, одамларни якка худоликка тарғиб қилган.

3. Ҳазрат Узайр (Ездра) — Милоддан аввалги VI асрларда яшаб ўтган авлиё. Унинг даъватларига қулоқ солмаган, залолатга ботган қавмга **Аллоҳ** жазо тариқасида Бобил подшоҳи Бухтуннаsrни юборган; Бухтуннаsr Яҳудия ва Исроил подшоҳликларини босиб олиб, аҳолини қирғин қилган; яшаб турган ерларидан ҳайдаб юборган; кўпчилигини қул қилиб ишлатган ва ҳар томонга сотиб юборган.

4. Зул-Қарнайн — Шарқда Искандар Зул-Қарнайн номи билан машҳур бўлган улус саркарда, подшоҳ; **Аллоҳ таоло** унга бекиёс салтанат, ҳукмдорлик берган, у Мағрибдан то Машриққача ястанган улкан худудларни фатҳ этган буюк ҳукмдор, фотиҳ, донишманд ва авлиё бўлган; инсонларни яккаю ягона **Аллоҳ таоло**га ибодат қилишга тарғиб қилган.

Энди қуйида пайғамбарларнинг ҳаётлари ҳақида бирма-бир ҳикоя қилишни бошлаймиз.

1. Одам Ато

Аллоҳнинг биринчи пайғамбари Одам Ато ҳақида китобимизнинг 3—5-фаслларида тегишли маълумотлар бериб ўтилганлиги учун, бу ўринда ортиқча тўхталиб ўтирмай, кейинги пайғамбар ҳақидаги қиссага ўтамиз.

2. Шис алайҳиссалом

Аллоҳнинг Одам алайҳиссаломдан кейинги иккинчи пайғамбари. Одам алайҳиссаломнинг ўғли. **Қуръон**да пайғамбар сифатида номи келмаган.

Аввал келтирилганидек, Момо Ҳавво ҳамма болаларини эгизак туққан бўлиб, фақат шу Шисни ёлғиз туққан. Яъни, Носириддин Рабғузийнинг ёзишича, Момо Ҳавво етмиш марта бир ўғил бир қиз эгизак туққан. Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг ўғли Қобил укаси Ҳобилни ҳасад ўтида ёниб ўлдириб қўйганидан кейин, **Парвардигор**нинг фаришталари Қобилни ҳалок қилганлар. Шундан 105 йил ўтгандан кейин Момо Ҳавво шу Шисни туққан.

Одам: «Қобил ўлдирган Ҳобил эвазига **Худо** менга бошқа зурриёт берди», деб унинг отини Шис қўйган. (Тавротдаги номи — Сиф). Шиснинг маъноси «эваз», «унинг ўрнига» деганидир.

Одам алайҳиссалом Шисни гоят яхши кўрганидан ҳамда у бошқа ака-укаларидан ақллироқ ва иқтидорлироқ бўлганлигидан, уни барча фарзандларига бош қилиб қўйган.

Тавротда ёзилишича, Одам алайҳиссалом 130 ёшида ўзига ўхшаган, ўзининг суврати-дек ўғил кўрган ва шундан кейин яна 800 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб, 930 ёшида вафот этган. Шис 105 ёшида Энуш (Енос)ни дунёга келтирган. Энуш туғилганидан кейин Шис яна 807 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрган ва жами 912 йил умр кўриб вафот этган.

Шис алайҳиссалом бўзчи эди. **Аллоҳ таоло**дан хитоб келди: «Ё Шис, васият қил ўғилларингга, жуфтларини никоҳ қилсинлар, севмакликнинг ўзи билан қовушмасинлар».

Одам сафийуллоҳ оламдан ўтгандан кейин, **Жаброил** алайҳиссалом жаннатдан кафан келтирган ва Шисга: «Отангни ювгин»,— деган. Шис отасини ювган, кафанга ўраган ва **Жаброил** алайҳиссаломга: «Жаноза намозини сен ўқигин»,— деганида, кудратли фаришта: «Сен ўқигин, **Аллоҳ**нинг ердаги халифаси сенсан»,— деган. Кейин Шис уч такбирнинг ўрнига савоб бўлсин деб, тўрт такбир билан жаноза намозини ўқиган. Шундан бери то қиёматгача ўликка кафан кийгизмоқлик, жаноза намози ўқимоқ, гўрга кўймоқ, одамзодга суннат бўлиб қолди (Қисаси Рабғузий. 1-жилд, 35-бет).

Отаси вафот этгандан 45 йил ўтгандан кейин, **Ҳақ таоло** Шис алайҳиссаломга пайғамбарлик ато этиб, *50 саҳифа* оятлар нозил қилган. У фарзандлари, авлодлари ва қариндош уруғларига пайғамбарлик қилган ва уларни ҳақ динга, яккахудоликка даъват қилиб юрган.

Шис алайҳиссалом Маккада яшаган. Отаси бошлаган «Байт ул-Маъмур» биноси қурилишини давом эттирган. Ҳаж расм-русумларини мунтазам адо этган. **Аллоҳ**га осий бўлган акаси Қобилнинг авлодлари билан уруш олиб борган. Одамзод ичида биринчи қилич билан урушган ҳазрат Шис алайҳиссалом бўлган.

Шис алайҳиссалом бир неча аср халқни ҳидоятга — яккаю ягона **Аллоҳ таолога** ибодат қилиб яшашга даъват қилиб юрган ва отаси Одам алайҳиссалом ва онаси Момо Ҳавво ёнига Макка яқинидаги Абу Қубайс тоғининг горига дафн қилинган.

Шис алайҳиссалом тўғрисида **Қуръони карим**да бирон-бир оят келмаган бўлса-да, у отасидан кейинги **Аллоҳнинг** иккинчи пайғамбари ҳисобланади.

3. Идрис алайҳиссалом

Шис алайҳиссаломдан кейин бирмунча вақт ўтгач, **Аллоҳ** таолога ибодат қилувчилар қолмади. Одамлар жоҳиллашиб, залолат ботқоғига ботдилар. Бирлари одам суврати, бошқа бирлари ёғочдан, тошдан, олтиндан, кумушдан бут-санамлар ясаб олиб, уларга топина бошладилар. Бир қанча асрлар давомида шу тариқа ҳаёт кечириб юрдилар. Шундан кейин **Парвардигор** уларни тўғри йўлга солмоқ учун, улар орасидан Идрис алайҳиссаломни танлаб, пайғамбарлик мақомини берди. Тавротда у Ханўх (Енох) номи билан зикр этилган. («Ибтидо», 5:18-24)

Идрис алайҳиссалом қиссаси пайғамбарлар қиссасининг энг ажойибидир.

Идрис алайҳиссалом Бобилда туғилиб ўсган, Мисрда ҳам яшаган. Мисрдан чиқиб Ер юзини айланган, саёҳат қилган. Асл исми Ханўх. Уни Ҳурмус, Алҳаромиса деб ҳам номлашган. Унинг юнонча номи Армис бўлиб, араблашганда Ҳурмус бўлган. **Қуръони карим**да Идрис деб номланган. «Идрис» сўзининг арабча маъноси «ўқимок, мутолаа қилмоқ»дир. Идрис алайҳиссалом Одам ва Шис алайҳиссаломларнинг илмларини ўрганган.

Идрис вояга етгач, **Аллоҳ** унга олий мақом — пайғамбарлик неъматини берди. Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломдан кейин, учинчи бўлиб Идрис пайғамбарга ваҳй келтирган.

«Қисаси Рабғузий»га кўра, Идрис алайҳиссалом ниҳоятда пок, тақводор, ибодатда бе-ниҳоя, бағоят илмли, юмушда ўта ғайратли, шижоатли, зийрак, фаросатли, кийим тикиш, хат ва ёзув, илми нужум (астрология) ва ҳисобни дастлаб бошлаб берган, қисқаси, мисли кўрилмаган иқтидорли ажойиб пайғамбар бўлиб, унга *30 саҳифалик* оятлар нозил қилинган.

Ер юзида энг биринчи бўлиб кийим тиккан, қалам билан хат ёзган Идрис алайҳиссаломдир. Бундан олдин Одам болалари ҳайвон терисига ўралиб юрар эдилар.

Ҳазрат Идрис алайҳиссаломни кўришга ҳатто фаришталар ҳам орзуманд бўлганлар.

Бир фаришта **Мавло азза ва жалладан** изн сўраб, ул ҳазратнинг олдиларига кўргани келди ва узоқ суҳбатда бўлди. Ниҳоят фаришта унга лол қолиб айтди: «Одаммисан, ё фаришта?» Идрис алайҳиссалом айтди: «Мени ўзинг билан кўкка олиб чиққин, у ердаги ажойиботларни кўрай, токи тоат ибодатим янада ортсин».

Фаришта **Тангри таолодан** изн сўраб Идрис алайҳиссалом билан бирга тўртинчи осмонга кўтарилди. У ерда Идрис алайҳиссалом ҳазрати Азроил алайҳиссаломни кўрди ва унга жонимни олгин, жон бериш аччиғини эшитганман-у, аммо кўрмаганман ва билмайман, деди. Азроил алайҳиссалом **Тангри таолодан** бунга изн сўради, изн берилгач, ҳазрати Азроил алайҳиссалом кўкда Идрис алайҳиссаломнинг жонини олди.

Шундан кейин Азроил алайҳиссалом **Аллоҳга** ёлворди: «Менинг сенга муҳаббатим ҳаққи, Идрис алайҳиссаломни тирилтиргил». **Мавло азза ва жалла Ўз** қудрати илоҳийси билан Идрис алайҳиссаломни тирилтирди.

Кейин Идрис алайҳиссалом ҳазрати Азроил алайҳиссаломдан дўзах даҳшатларини, азобларини кўриш учун дўзахга киритишни сўради. **Тангри таолодан** руҳсат бўлгач, дўзахга кирди, дўзах азобларини кўрди. Кейин, энди жаннатга киритсанг, у ердаги неъматларни, роҳат-фароғатларни кўрсам, деди. Азроил алайҳиссалом яна **Тангридан** изн олиб Идрис алайҳиссаломни жаннатга киритиб, шарт қўйиб айтди: «Киргин-у, яна чиққин». Идрис алайҳиссалом жаннатга кириб, у ердаги неъматларни, роҳату фароғатларни ўз кўзи билан кўриб, қайтиб чиққиси келмади. Шартни бузмаслик учун ҳийла ишлатди. Оёғидаги кавушини жаннатдаги бир дарахтнинг тагига қўйди, кейин жаннатдан чиқди ва яна кавушини олгани қайтиб кириб, кейин чиқмади, аммо ваъдага вафо қилди, сўзининг устидан чиқди-да, ақл-заковат билан жаннатга яна кирди.

Сўнгра Азроил алайҳиссалом билан сўз талашди. Азроил айтди: «Нега чиқмайсан?»

Идрис айтди: «Чикдим, сўзимда турдим, иккинчи чикмасман».

Бошқа фаришта келди: «Эй Идрис, жаннатга киришга ҳали вақт бўлгани йўқ». Идрис алайҳиссалом айтди: «Менга эса бўлди, шунинг учунки, мен бир марта улим топдим, кейин тирилдим ва жаннатга кирдим, энди чикмасман». Шунда жаннат ичкарисидан хитоб эшитилди: «Менинг кулим тўғри сўзлади. Аралашманг, жаннатда қолсин, жаннатга Менинг ёрлигим билан кирди» (Қисаси Рабғузий. 1-жилд, 35—39- бетлар).

Абдулла Авлониининг ёзишича, Идрис алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетганда, 360 ёшда, Тавротда келтирилишича («Борлиқ» бўлими, 5:23), 365 ёшда бўлган. Хуллас, бугунги кунда ҳам Идрис алайҳиссалом тўртинчи осмонда — жаннатдадир.

Хабарда келишича, тўрт пайғамбар ҳозиргача тирик. Иккиси кўкда — булар ҳазрати Идрис ва Ийсо алайҳиссаломлар. Иккиси ерда — ҳазрати Хизр ва ҳазрати Илёс алайҳиссаломлар. Аммо бу тўртдан учтаси қиёматда ўлгай, Идрис ўлмагай, шунинг учунки, у бир маротаба ўлди, тирилтирилди ва жаннатда қолди, у ердагиларга эса ўлим йўқ.

Идрис алайҳиссалом 19- «Марям» сурасининг 56—57-оятларида тилган олинган: «**Яна** (ушбу) **китобда Идрис** (қиссасини) **ёд этинг! Дарҳақиқат, у садоқатли пайғамбар эди. Биз уни юксак мақомга кўтардик**».

4. Нух алайҳиссалом

Милоддан 4000 йиллар олдин, Нух алайҳиссалом яшаган даврдаги қавм ҳам бутларга, санамларга, турли илоҳларга сиғинишга берилиб, куфру залолат ботқоғига ботгач, **Аллоҳ таоло** Нух алайҳиссаломни ўз қавмига пайғамбар қилиб юборди.

«**Дарвоқе, Нухни ўз қавмига** (элчи қилиб) **юбордик. Шунда у деди: «Эй қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Мен сизларга буюк Кун** (қиёмат) **азоби** (булиши)дан **қўрқаман**». (7- «Аъроф» сураси, 59-оят)

Тавротда ёзилишича, Нух алайҳиссалом туғилганда, унинг отаси Ламех 182 ёшда бўлган ва у Нух алайҳиссалом даврида 595 йил яшаб, 777 ёшида вафот этган («Ибтидо» бўлими, 5:25-31). Одам Атодан Нухгача унта ота эдилар, ҳаммалари мусулмон эдилар.

Асли оти Яшқир эди, қавмлари **Аллоҳни** тан олмаганликлари учун нола билан йиғлаган, шунинг учун унга «Нух» деб ном берганлар. Нух ибронийча «нун» сўзидан олинган бўлиб, «юпатиш» маъносида тушунилади. Тавротдаги номи Ной.

Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом **Тангри таолодан** фармон келтирди: «Эй Нух, бор, кофирларга айт, «Ла илаҳа иллаллоҳу, Нухун расулулаҳи» десинлар, деди. Нух алайҳиссаломга пайғамбарлик мақоми келганида у 100 ёшда эди. 850 йил қавмларини ёлғиз **Тангри таолога** ибодат қилишга, **Аллоҳга** ширк келтирмасликка — мусулмонликка даъват қилиб яшади. 600 ёшга етганида тўфон бўлди. Тўфондан кейин яна 350 йил, жами 950 йил умр кўриб ўлди.

Нух алайҳиссаломнинг даъватидан кейин 80 киши мусулмон бўлдилар, **Аллоҳнинг** бирлигига иймон келтирдилар.

Нух алайҳиссаломнинг тўрт ўғли бор эди: каттасининг номи Сом, уртанчасиники — Ҳом, кейингисиники — Ёфас, кичигиники Канъон эди (Тавротда Сим, Хам, Иафет, Ханан). Улар Нух алайҳиссалом 500 ёшларга етганда туғилганлар.

Нух алайҳиссаломнинг хотини Воила билан кенжа ўғли Канъон кофир эдилар, иймон келтирмай, мусулмон бўлмай кофирлигича қолдилар. Қолган қавмлар ҳам иймон келтирмадилар, Нух алайҳиссаломга кўп зулм қилиб, азоб-уқубатлар етказиб қаттиқ жабр-ситам қилдилар. Нух алайҳиссалом ўз қавмини ҳидоятга даъват қилиш йўлида бор куч-райратини сарфлади, кўп қийналиб азиятлар чекди. Ўз қавмининг қилмишларидан сиқилган Нух алайҳиссалом бу саркаш кишиларни дуоибад қилиб, уларни ҳалок қилишни **Аллоҳдан** сўради.

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломнинг дуосини қабул қилди. Кофирларнинг етказган азиятлари ва ўзини ёлғончига чиқарганликлари учун унга хафа бўлмасликни буюриб, уларнинг барчасини сувга фарқ қилажаги хабарини етказди. **Аллоҳ таоло** Нух алайҳиссаломга нажот кемасини ясашликни буюрди ва уни **Ўз** инояти билан ҳимоя қилажагини билдирди.

Нух алайҳиссалом уч қаватли жуда катта бир кема ясади. Унинг ҳамма ёғи берк бўлиб, мумланган, олдидан кўриниши хўрознинг бошига, қуйруғи эса унинг думига ўхшар эди. Тавротда ёзилишича, кеманинг узунлиги 300, кенглиги 50, баландлиги 30 тирсак бўлган. («Ибтидо» бўлими, 6:15).

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломга ҳамма ҳайвонот ва жонзотлардан бир эркак, бир урғочи қилиб бир жуфтдан кемага олишга амр этди. Чунки барча жониворлар фарқ бўлгач, булар Ер юзида насл қолдиришлари керак эди.

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломга ўзи билан бирга барча аҳлу қариндошларини ҳамда жонзотларни кемага чиқаришни буюрди. Фақатгина хотини Воила ва ўғли Канъонни қолдиришни амр этди. Улар тўфонда ҳалок бўлдилар.

Нух алайҳиссалом кемани ҳозирлаб, Воиладан бошқа хотини, уч ўғли, уч келини ва иймон келтирган 80 кишини (40 эр, 40 хотин) ва ҳар бир жонзотдан бир жуфтдан олиб кемага киргизди. Қирқ кеча-кундуз каттиқ сел ёғди, ердан сувлар фаввора бўлиб отилди. Осмон суви билан ер суви тўпланиб, ҳаммаёқни сув босиб, тўфон бошланди ва юз эллик кун давом этди, Ер юзида бирор тирик жонзот қолмади.

Кофирлар ва Ер юзидаги барча жонзотлар ҳалок бўлгач, **Тангри таоло**: «Эй Ер, сувингни ютгин, эй само, ўзингни тутгин», деди. Сув қуриди, фармон бажарилди ва кема Мессопотамиянинг шимолидаги Кордеан худуди чегарасидаги Жудий тоғи олдида тўхтади. Бу замин Мусил деган юрт эди. Олимларнинг аниқлашларича, Буюк тўфон Ирок томонларда бўлиб, кема қолдиқлари ҳозирги Нахчеванда топилган.

Кемадан 80 нафар киши, Нух алайҳиссалом, хотини, уч ўғли ва уч келини — жами 88 киши ва бутун жонзотдан бир жуфтдан ерга тушдилар. Улар Шом вилоятига келиб, денгиз қирғоғи яқинида бир шаҳар барпо қилдилар. Сўнг каттиқ шамол бўлиб, одамлар касал бўлиб ўлдилар. Фақат саккиз киши — Нух алайҳиссалом, хотини, уч ўғли ва уч келини тирик қолдилар. Шундан кейин пайдо бўлган ҳамма халойиқ (авлодлар) — ёвузлар, яхшилар, мўминлар, кофирлар Нух алайҳиссаломнинг ўғилларидан туғилдилар. Шунинг учун Нух алайҳиссаломни иккинчи Одам Ато дейдилар.

Нух алайҳиссалом катта ўғли Сомни Араб ва Ажам томонларга, Ҳомни Ҳиндистон томонга, Ёфасни Туркистон томонга юборди. Ҳаммалари ўша мамлакатларда илдиз отиб кўпайдилар.

Нух алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Сомдан — қадимги сомиёлар, Арабистон, Фаластин, Миср, Ирок, Сурия каби давлатларда яшовчи араблар, сурёнийлар, ибронийлар (яхудийлар), шумерлар, халдейлар, форсийлар (эронийлар), афғонийлар, юнонлар, лотинлар ва ҳоказолар вужудга келдилар.

Ўртанча ўғли Ҳомдан — Африка, Ҳиндистон, Покистон давлатларида ва Америка, Австралия қитъаларида яшайдиган халқлар — қоратанлилар, ҳабашлар, занжилар дунёга келдилар.

Кенжа ўғли Ёфасдан эса туркийлар, мўғуллар, японлар, тоторлар ва ҳоказолар, ҳамда Европа халқлари тарқалдилар. Ёфас авлодлари янгидан-янги ерларни ўзлаштира бориб, Ўрта, Марказий Осиё, Шарқ ва Европа томонларга силжиб боравердилар ҳамда ўша борган ерларида илдиз отиб кўпайиб, турли тилларда сўзлашувчи элатларни, халқларни ташкил қилдилар. Улар азиз ва мукаррам бўлдилар.

Ёфас авлодлари икки ирққа — оқ танлилар, яъни — немислар, французлар, инглизлар, славянларга, ҳамда сариқ танлилар — туронийлар (туркийлар), мўғуллар, тоторлар, японлар, хитойлар, корейслар ва бошқа шу каби халқларга ажралганлар.

Бу халқлар кўпайганидан кўпайиб кетиб, бир-бирлари билан уришиб, истиқомат, яъни ватан қилиш учун янгидан-янги ерлар ахтариб бутун дунёга тарқалиб кетмишлар.

Шундай қилиб, ҳозирги Ер юзидаги барча халқ уч ака-ука — Сом, Ҳом ва Ёфас авлодларидан бўлиб, улар Нух алайҳиссалом ўғиллари, Нух алайҳиссалом эса ҳазрат Одам алайҳиссалом зурриётидир.

Бу масалада гапирсанг, гап кўп, бунга қизиқувчилар Ҳасан Ато Абушийнинг «Туркий қавмлар тарихи» («Чулпон», Тошкент, 1995), Абулғозийнинг «Шажараи турк», («Чулпон», Тошкент, 1992) ва бошқа тарихий адабиётларга кўз ташлаб олсалар бўлади.

Ҳомнинг ўғлонлари ва унинг уруғлари қора танлилар — ҳиндлар, ҳабашлар, зангилар

булганлигининг сабаби: бир куни Нух алайҳиссалом ухлаб ётган эди. Шамол булиб, пайғамбарнинг этаги очилиб, уят андоми кўришиб қолди. Ҳом буни кўриб, акаси ва укасига кўрсатиб кулди. Сом Ҳомни маломат қилди, уялтирди, Ёфас туни билан отасининг устини ёпиб қўйди. Уйғонгач, Нухнинг ўғли Ҳомдан дили ранжиди. **Тангри таоло** Ҳомнинг шумлиги учун унинг пуштини қора қилиб қўйди. Шундан кейин унинг авлодлари — хиндилар, ҳабашлар, зангилар ҳаммаси кўп йиллар Сом ва Ёфас уруғларига муте бўлиб яшадилар.

Қуръони карим, ҳадиси шарифдаги ва бошқа илмий далиллар, Буюк тўфоннинг бутун Ер юзиде булмаёт фақат Нух қавми яшаган ҳудудларда булганлигини билдиради. Чунки ўша пайтда Ер юзининг ҳамма жойида одамзод яшаганлигини исботловчи далиллар йўқ. Балки одамлар фақат ўша минтақадагина яшагандир ва ўша ерларнигина тўфон босгандир... Манбаларда айтилишича, тўфон милоддан бир неча минг йиллар аввал Мессопотамияда — Дажла ва Фурот водийсида булган.

1920-йилларда инглиз олими Леонарднинг қилган тадқиқотларига кўра, тошқинда сувнинг кўтарилиши 25 метрдан ортиқ булган. Тавротда ҳам тўфоннинг баландлиги 26 қадам булган дейилган. Леонард тўфон дунёнинг ҳамма ерини қопламаган, қаттиқ сел бўлиб, Дажла ва Фурот дарёлари тошиб, шу атрофдаги водий ва тоғу саҳроларни ўз қаърига олган, у вақтда Ер юзининг бор аҳолиси шу ерлардагина яшаган деган хулосага келган.

Шундай қилиб, Буюк тўфондан кейин, Тавротда кўрсатилишича, Нух алайҳиссаломдан қуйидаги авлодлар ер юзига тарқалди:

Ўғиллари: Сом, Ҳом, Ёфас ва Канъон. Канъон тўфон вақтида ҳалок булган эди. Ундан авлодлар йўқ. Нух алайҳиссалом вафотларидан олдин ўғилларига васият қилиб жаҳоннинг ўртасини Сомга, мағрибни Ҳомга, машриқни Ёфасга берди.

Ёфаснинг ўғиллари: Гўмер, Маъжуж, Модай, Ёвон, Тувол, Машак ва Тирос (Тавротдаги номлари - Гомер, Магог, Мадай, Иаван, Фувал, Машех, Фирас).

Гўмернинг ўғиллари: Ашканоз, Рифат ва Тўгарма (Аскеназ, Рифат ва Фогарма).

Ёвоннинг ўғиллари: Элиша ва Таршиш, Киттим ва Дудоним (Елиса, Фарсис, Киттим ва Доданим). Гўмер авлодларидан Қрим аҳолиси булган киммерлар, Маъжуж авлодларидан Яъжуж-Маъжуж ҳукм сурадиган шимоли-шарқ томонда яшайдиган халқлар, Ёвон авлодларидан Юнонистон аҳолиси, Тувол ва Машак авлодларидан Қора денгиз билан Каспий денгизи орасида жойлашган Тиварин ва Мосхи элатлари пайдо бўлдилар.

Тирос авлодларидан этрусқлар, фраклар пайдо бўлдилар. Ашканоздан скифлар, Тўгармадан Мессопотамия халқи, Элиша ва Таршишдан Ўрта Ер денгизи соҳилидаги халқлар, Киттим ва Дудонимдан Кипр ва Родос ороллари халқлари пайдо бўлдилар.

Ҳомнинг ўғиллари: Куш, Миср, Пут ва Канъон (Хуш, Мицраим, Фут ва Ханаан, у амакиси билан ҳамном, оддош).

Кушнинг ўғиллари: Сабо, Ҳавила, Раъма, Савтаха ва Нимрўд (Сева, Хавила, Раама, Савтеха ва Нимрод).

Мисрнинг ўғиллари: Лудим, Анамим, Легавим, Нафтухим, Патрусим, Каслухим, Кафторим. Булардан лудий, анамий, легавий, нафтухий, патрусий, шунингдек филистий (филистимликлар) халқига асос булган каслухий ва кафтурий халқлари ва элатлари келиб чиққан.

Ҳомнинг ўғли Канъон (Ханаан)дан тарқалган ўғиллар: Сидон, Хет, Ябусий, Амурий, Гиргоший, Ҳиввий, Аркий, Синий, Арводий, Саморий, Ҳамотий (Библиядаги номлари: Сидон, Хет, Иевусей, Аморрей, Гергесей, Евей, Аркей, Синей, Арвадей, Цемарей ва Химафей). Ана шу Канъон ўғиллари номлари билан аталадиган қабилалар катталашиб Садум, Фамўра, Адма, Сабўйим, Леша (Содом, Гоморра, Адме, Цевоним, Лаший) маконлари (шаҳарлари) бўйлаб тарқалиб кетдилар.

Ёфас (Иафет)нинг акаси Сом (Сим) ҳам кўп фарзандлар кўрди ва у барча Ибр фарзандларининг отаси булди. Сомдан Элам, Ассур, Арпахшод, Луд ва Арам (Елам, Ассур, Арфаксад, Луд, Арам) исмли ўғиллар туғилдилар.

Арамнинг ўғиллари: Ус, Хул, Гатар ва Маш (Уц, Хул, Гефер, Маш).

Арпахшод эса Шалоҳ (Сал), Шалоҳ эса Ибр (Евер) деган ўғил кўрди.

Ибр икки — Фалаж (Фалек) ва Йўқтон (Иоктан) деган ўғил кўрди.

Йуктонинг ўғиллари: Алмўдод, Шалаф, Ҳосармавт, Ёрах, Ҳадуром, Узол, Дикло, Ўвол, Абумоил, Шабо, Ўфир, Ҳавила ва Йубоб (Алмодад, Шалеф, Ҳацармавеф, Иерах, Гадорама, Узала, Дикл, Овал, Авимаил, Шева, Офир, Ҳавила ва Иовав).

Уларнинг ҳар бири ўз элати, ўз халқи ва тили бўйича ўз ўлкасига эга бўлган Сом фарзандларидир. Тўфондан сўнг булардан бир қанча халқлар пайдо бўлиб, бутун ер юзига тарқаб кетган. Сом авлодларидан тарқалган халқлар кейинчалик тарихда умуман «сомийлар», «қадимги сомий халқлари» деб аталадиган бўлди. Сомнинг эвараси Ибр (Евер)дан тарқалган авлодлар эса «ибронийлар» («еврейлар») деб атала бошланди.

Нух алайҳиссаломнинг ана шу авлодлари ўз элати, ўз қабиласини ташкил этган. Тўфондан сўнг улар бутун Ер юзига тарқалиб кетганлар. Демак, биз туркийлар Нухнинг кенжа ўғли Ёфас уруғиданмиз.

29- «Анкабут» сурасининг 14-оятда Нух алайҳиссалом ҳақида: **«Биз Нухни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди. Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди»**, дейилган.

Сомдан Иброҳим алайҳиссаломгача бўлган авлодлар

Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сомдан Иброҳим алайҳиссаломгача бўлган кўп авлодлар ўтди, бинобарин, Тавротда келтирилишича, тўфондан икки йил ўтганидан кейин, Сом 100 ёшга кирди ва Арпахшод (Арфаксад) исмли ўғил кўрди. Ундан кейин Сом яна 500 йил, жами 600 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб вафот этди.

Арпахшод 35 ёшида Шалоҳ (Тавротдаги номи Сал) исмли ўғил кўрди. Шалоҳ туғилганидан кейин Арпахшод яна 403 йил, жами 438 йил яшаб, яна кўп ўғил-қизлар кўриб қазо қилди.

Шалоҳ 30 ёшида Ибр (Евер) исмли ўғил кўрди. Ундан кейин у яна 403 йил, жами 433 йил яшаб, яна кўп ўғил-қизлар кўриб, дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилди.

Ибр-Евер («еврей» сўзи ана шу «Ибр» номидан келиб чиққан) иброний халқининг, кейинчалик яҳудий халқининг ҳам отаси бўлди. У 34 ёшида Фалаж (Фалек) исмли ўғил кўрди. Ундан сўнг Ибр яна 430 йил, жами 464 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб дунёдан ўтди.

Фалаж 30 ёшида Рағу (Рагав) исмли ўғил кўрди. У туғилганидан кейин, Фалаж яна 209 йил, ҳаммаси бўлиб 239 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўриб вафот этди.

Рағу 32 ёшида Саруғ (Серух) исмли ўғил кўрди. Ундан кейин Рағу яна 207 йил, жами 239 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрганидан кейин ўлди.

Саруғ ҳам 30 ёшида Нахур (Нахор) номли ўғил кўрди. Ундан кейин Саруғ яна 200 йил, жами 230 йил умр кўриб, кўп ўғил-қизлар кўриб вафот этди.

Нахур 29 ёшида Торих (Фарра) исмли ўғил кўрди. Торих туғилганидан кейин Нахур яна 119 йил, жами 148 йил яшаб, кўп ўғил-қизлар кўрганидан кейин қазо қилди.

Торих 70 йил яшаб, Иброҳим (Авраам), Нахур (Нахор) ва Ҳорон (Ааран) исмли ўғиллар кўрди. Торих ҳаммаси бўлиб 205 йил умр кўриб, Ҳорон (Харран) шаҳрида қазо қилди ва ота-боболарининг ҳузурига жўнади.

Торих бут-санамларга қаттиқ топингани ва уларни ясаб сотиш билан шуғулланганидан Озар деган ном олган. Озарнинг ўғли Ҳорон отаси тириклигидаёқ туғилган ери — халдейларнинг Ур деган шаҳрида қазо қилди.

Шундай қилиб, Нух а.с.нинг Иброҳим а.с.гача бўлган авлодлари (Тавротдаги номлари қавс ичида):

Нух (*Ной*)нинг ўғли Сом (*Сим*), унинг ўғли Арпахшод (*Арфаксад*), унинг ўғли Шалоҳ (*Сал*), унинг ўғли Ибр (*Евер*), унинг ўғли Фалаж (*Фалек*), унинг ўғли Рағу (*Рагав*), унинг ўғли Саруғ (*Серух*), унинг ўғли Нахур (*Нахор*), унинг ўғли Торих—Терах (*Фарра*), унинг ўғли Иброҳим (*Авраам*) а.с.

Иброҳим Сора (Сара) деган қизга, Нахур эса Ҳороннинг қизи Милкага уйландилар.

Озар ўғли Иброҳимни, ўғли Ҳорондан бўлган набираси, яъни Иброҳим алайҳиссаломнинг жияни — Лут алайҳиссаломни, келини Сорани олиб, Ур шаҳридан чиқиб, Канъон

мамлакатига қараб жўнади. Канъон (Ханаан) — Исроил пайдо бўлишидан олдинги Қадимги Фаластин. Улар Ҳорон шахрига етиб келиб, ўша ерда урнашдилар.

Нух алайҳиссалом тўфондан кейин яна 350 йил яшаб 950 ёшида вафот этди.

Баъзилар, зардуштийларнинг оламини яратилиши ҳақидаги афсоналарида кўрсатилган Каюмарсни ана шу Нух алайҳиссалом билан тенглаштирмақчи бўладилар. Аммо бу жуда заиф фикр. Ахир, афсона — афсона-ку. (Абулқосим Фирдавсий (934-1025)нинг «Шоҳнома» дostonига қаранг).

Нух алайҳиссаломдан кейин халойиқ бир неча асрлар давомида Нух шариятида турдилар. Шундан кейин уларнинг кўплари яна кофир бўлдилар. Шарият тарғиботчиси, баён қилувчиси қолмади. Шундан кейин **Тангри таоло** халойиққа Ҳуд алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди.

5. Ҳуд алайҳиссалом

Ҳуд алайҳиссалом Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сомнинг кенжа ўғли Эрам (Арам)нинг иккинчи ўғли бўлиб, Нух а.с.га эвара бўлади (Нух — Сом — Эрам — Ҳуд). Тавротда у Ҳул деб номланган. Қайси йилларда яшаб, фаолият кўрсатганлиги номаълум.

Аллоҳ субҳонаху ва таоло Нух алайҳиссалом вафотидан 300 йил ўтгач, залолат сари юз тутаётган Од қавмини ҳидоятга бошлаш учун Ҳуд алайҳиссаломни улар ичидан танлаб, ўз қавмига пайғамбар бўлишини ихтиёр этди.

Ҳуд алайҳиссалом ўтган беш араб пайғамбарларидан биринчисидир (Ҳуд, Солих, Исмоил, Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлар).

Од қавми гавдали ва жисмонан бақувват кишилар бўлиб, Аҳқоф деган жойда, ҳозирги Яман билан Уммон оралиғида тукин-сочинликда яшаганлар. Бу қавм Садо, Самуд, Ҳабо номли бутларга сифинишар эди.

Нақл қилишларича, Од қабиласи ҳою-ҳавасга ниҳоятда берилган бўлиб, ҳозирги баъзи бир одамлар каби баланд-баланд қимматбаҳо иморатлар, кошоналар қуришар, гўё нариги дунёга ҳам олиб кетадигандек ҳаддан ташқари мустаҳкам, нақшу нигорлик қилиб қуриб, бутун умрларини мана шундай беҳуда ишларга сарфлашар ва бу билан фахрланиб мақтаниб юришар эканлар.

Бу ҳақда нозил этилган қуйидаги оятлар бизга ҳам тегишлидир:

«Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулги учун бир белги (баланд бинолар) қураверасизларми?! Ва гўё мангу яшаб қоладигандек, қаср-саройлар соласизлар?! Қачон (бирон кишини жазолаш учун) ушласангизлар, бераҳмларча ушлайсизлар?! Бас, Аллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! (яъни Ҳуд алайҳиссаломга)».
(26- «Шуаро» сураси, 128—131-оятлар)

Ҳуд алайҳиссалом ўз қавмини фақат **Аллоҳ**гагина сифинишга даъват эта бошлади. Улар ўз ботил эътиқодларида давом этавердилар. Ҳуд алайҳиссаломни камситдилар, таҳқирладилар, ёлғончи, заиф деб хорладилар, ўзларининг бақувват, соғлом, жуссалик бўлганликлари ва бой-бадавлат яшаганликларидан кибрга берилиб кетдилар. Кибр ва ширк **Аллоҳ** наздида оғир, кечирилмас гуноҳлардандир.

Шундан кейин **Аллоҳ** уч йил мобайнида ёмғир ёғдирмади, қурғоқчилик ва қаҳатчилик бўлди. Хотинлари етти йил фарзанд туғмадилар. Барча хайвонлар қирилиб кетди.

Бу огоҳлантиришлардан кейин ҳам улар Ҳуд алайҳиссаломнинг даъватига қулоқ солмай, саркашлиklarини давом эттиравердилар. Ҳуд алайҳиссалом қавмини 47 йил ҳақ динга даъват қилиб юрди ва уларнинг иймон келтиришларидан умид узгач, уларни дуоибад қилиб, ўзига иймон келтирган мўминлар билан бирга қавмларини тарк этиб, Макка сари кетди. Ҳуд алайҳиссалом бепуштлиқ дардига мубтало бўлган. У Маккада маълум вақт яшаб вафот этган.

Аллоҳ таоло Од қавмига етти кеча-кундуз совук, қутурган довул — сарсарни юборди. Мушрикларнинг барчаси ҳалок бўлдилар. Қумлар остида қолиб йўқ бўлдилар, қолганлари-

нинг жасадлари ер юзининг турли жойларига сочилиб кетди. Яман шарҳчилари одийлар яшаган маконни Шаркий Хадрамаутдаги ал-Ахқоф деган жой билан айнийлаштирганлар.

Ҳақиқатан ҳам Од қавми Яман диёрида (Хадрамаут атрофларида), қум тепаликлар яқинида Вурхут водийсининг Шиҳр дейиладиган бир ерида денгиз олди қумликларида яшаган. Одийлар у ерларни ўзлаштириб, гўзал бинолар қурганлар. Од қавми яшаган жой катта-катта тижорат карвонлари ўтадиган йўл устида эди. Шу сабабли бу ерда тижорат, савдо-сотик жуда ривожланди. Бутун халқ бойиб кетди. Бундай мул-қўлчилик Од қавмининг бузилишига, кибру ғурурга кетишларига ва Худ алайҳиссаломнинг насихатларидан юз ўгиришларига олиб келди. Одийлар ҳақ динларидан юз ўгириб бутларга топиниб залолатга кетдилар. Кибрга кетиб: «Куч-қувватда бизлардан зўрроқ ким бор?» дейишгача бориб етдилар.

Аллоҳ таоло бундай ширк ва кибрга кетганлари учун, уларнинг барчаларини ҳалок қилди. Бу воқеа 41- «Фуссилат» сурасининг 15-оятда, 51- «Ваз-зориёт» сурасининг 41—42-оятларида, 54- «Қамар» сурасининг 18—20-оятларида ва 69- «Ал-ҳоққа» сурасининг 6—8- оятларида келтирилган.

Баъзи аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда, бўрон натижасида бу қавм ун икки метр қум остига қумилиб кетган. Бу воқеа 69-нчи «Ал-ҳоққа» сурасининг 6—8- оятларида қуйидагича келтирилган:

«Од (қабиласи) эса даҳшатли, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳ) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳукмрон қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавмни (чириб) ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек қулаб ҳалок бўлиб ётганларини кўрасиз. Бас, улардан (бирор) асоратни кўряпсизми?! (Асло, уларнинг барчалар ҳалок бўлиб битдилар).

Худ алайҳиссалом ҳақида *Қуръони карим*да яна қуйидаги оятлар келган:

«Од (қабиласи)га биродарлари Худни (пайғамбар этиб юбордик). У айтди: «Эй қавмим! Аллоҳга сизинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир! Сизлар (сохта илоҳларни) фақат ўзларингиз тўқиб олувчиларсиз». (11- «Худ» сураси, 50-оят).

«Уни (Худни) ва у билан бирга бўлган (мўмин)ларни Биздан бўлмиш раҳмат билан (азобдан) халос этдик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса қириб ташладик. (Улар) мўмин бўлмадилар». (7- «Аъроф» сураси, 72-оят).

Кейинги даврларда Худ а.с. ва одийлар қабиласи ҳақидаги бу қиссага қахтонийларнинг золим шоҳи Шаддот ва у қурдирган осмонўпар бинолар, жаннатнамо «Боғи эрам» ҳақидаги тарихий дostonлари ҳам қўшилди. Шундай ривоятларнинг бирида айтилишича, мушриклар таъқибидан қочиб кетаётган Худни **Аллоҳ Ўз** марҳамати ва қудрати илоҳийси ила қутқаради: тоғ ёнбағрида турган катта бир қоя ёрилиб ғор ҳосил бўлади ва Худ унга кириб кетади, қоя ёпилади. Туяси эса, қоя олдида катта палахса тошга айланиб қолади. У кириб кетган ўша қоя-қабр, ҳозиргача бутун Жанубий Арабистон аҳолисининг муҳташам зиёратгоҳи ҳисобланади.

6. Солиҳ алайҳиссалом

«Солиҳ» арабча сўз бўлиб, «яхши ишлар қилувчи», «Аллоҳнинг яқини» деган маъноларни беради. У беш араб пайғамбарларининг иккинчисидир; 433 йил умр кўрган.

Солиҳ а.с.ни Тавротда кўрсатилган Нух пайғамбарнинг эвараси Шалоҳ (Сал) деювчилар ҳам бор. Агар шундай бўлса, унинг насаби: Нух — Сом — Арпахшод — Шалоҳ бўлади. Аммо бу ихтилофли бўлганлиги учун бу ҳақда қатъий бир тўхтамга келиш қийин.

Солиҳ алайҳиссалом Ҳижоз билан Шом орасидаги Ҳижр (Ҳажр) деган жойда яшаган. Самуд қавмини ҳидоятга бошлаш учун шу қавмдан танлаб олиниб, унга пайғамбарлик мақоми берилди.

Сом ибн Нухнинг авлодлари— Самуд ва Оддан кўп ўғлонлар дунёга келиб, улар алоҳида қабилла бўлиб яшадилар. Қабилаларининг номи ҳам улар номи билан аталди. Солиҳ алайҳиссалом ўз қавмларини бут-санамларга сизғинишни тарк этиб, ёлғиз **Аллоҳга**

ибодат қилишга чақирди.

Солиҳ алайҳиссалом иймонга чақирган Самуд қавми уни камситиб масхара қилдилар, улар унга агар пайғамбар бўлсанг бизга муъжиза кўрсат, дедилар.

Солиҳ алайҳиссалом **Аллоҳ таолонинг** амри билан катта бир харсанг тош ичидан бир бутали туя чиқариб, Самуд қавми талаб қилган муъжизани кўрсатди ва уларга **Парвардигорнинг** амри билан чиқарилган туяга озор бермасликка, уни сўймасликка буюрди. «Мабодо унга тажовуз қилсанглар, қаттиқ азобга дучор бўласизлар», — деб огоҳлантирди.

Самуд қавмининг бир қисми Солиҳ алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини тан олиб унга эргаша бошладилар. Бу ҳолат қавм сардорларини қаттиқ ташвишга солди, улар ўз амалларию давлатларидан ажраб қолишдан кўрқар эдилар.

Орадан кўп ўтмай, улар туяни сўйдилар, бўтаси яна шу тошнинг ичига кириб кетди. Улар, қани, пайғамбар бўлсанг ваъда қилаётган азобингни келтиравер, дедилар. Амалдорлар бу билан кифояланмай, уни ўз оиласи билан бирга ўлдириш режасини туздилар. Шунда **Тангри таоло** мушрикларнинг барчасини, улар ўз бад ниятларини амалга оширмасларидан олдин, осмондан кучли зилзила ва даҳшатли қичқирик овози юбориб ҳалок этди. Улар ўз уйларида ўлим топишди (Маҳсус ультра товушдан барча жонзотларнинг ўлиши фанда исботланган).

Солиҳ алайҳиссалом, қавми ҳалок бўлгач, ўзига иймон келтирган кишилар билан бирга Фаластиндаги Рамла деган жойга борган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, Тавротда ёзилишича, 433 ёшида вафот этган.

Солиҳ алайҳиссалом ҳақида *Қуръони карим*да қуйидагича хабар берилади:

«Самуд (қабиласига) биродарлари Солиҳни (пайғамбар этиб юбордик). (У) айтди: «Эй қавмим! Аллоҳга сизнингизлар! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди. Бас, Ундан кечирим сўрангизлар, сўнгра Унга тавба қилингизлар! Албатта, Раббим яқин ва (дуоларни) ижобат этувчидир». (11- «Худ» сураси, 61-оят).

Зулм қилганларни қичқирик тутди. Бас, (улар ўз) уйларида мурдага айландилар.

Гўё у ерда (олдин) яшамагандек (излари учиб кетди). Огоҳ бўлингизки, Самуд (қабиласи) Парвардигорини инкор этган эдилар. Огоҳланингки, Самуд (қавми)га ҳалокат етсин! (Ўша сура, 67—68- оятлар).

«Кибрга берилганлар эса: «Биз сизлар иймон келтирган нарса (дин)га куфр келтирамиз», — дедилар.

(Шундай деб) туяни сўйиб юбордилар ва Парвардигорларининг амридан бош тортдилар ҳамда айтдилар: «Эй Солиҳ! Агар юборилган элчилардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсанг (азоб)ни келтир!»

Бас, уларни мудҳиш зилзила тутди ва ўз юртларида (ўтирганларича) гум бўлдилар. (7- «Аъроф» сураси, 76—78- оятлар).

Солиҳ алайҳиссаломдан то Иброҳим алайҳиссаломгача бошқа пайғамбар ўтмади.

7. Иброҳим алайҳиссалом

Иброҳим Халилуллоҳ, яъни **Аллоҳнинг** дўсти, ҳабиби деган ном олган бу улуғ пайғамбар, Нух алайҳиссалом авлодидандир. Тавротда «Авраам» тарзида келтирилган. Яҳудийлар «Абрам» дейишади. У милоддан аввалги 2180- йил туғилиб, 2005- йил 175 ёшда вафот этган. (Ю. В. Мизун, Ю. Г. Мизун. Тайны Бога и религий. Москва. «Вече» 1999, 326-бет) Иброҳим ибн Торих ибн Нахўр ибн Саруғ ибн Рағу ибн Фалаж ибн Ибр ибн Шалоҳ ибн Арпахшод ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом. Иброҳим яҳудийча Ибром, сўзининг арабча шаклидир. Аммо кўпгина манбаларда Иброҳим ёки Абраҳом шаклида берилган. Иброҳим алайҳиссаломнинг эски оти Ибром, яҳудийча Обром эди, маъноси «олий меҳрибон ота» демакдир. Иброҳим алайҳиссалом 99 ёшга кирганда, **Худованди карим** унга зоҳир бўлиб деди: «Мен сен билан

аҳд қилиб, сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қиламан. Сенинг исминг энди Ибром эмас, балки Абраҳом — Иброҳим бўлади, зеро, сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қилиб тайинладим» (Иброҳимнинг маъноси — «халқлар отаси»).

Иброҳим Халиллуллоҳ ўзидан кейин ўтган барча пайғамбарларнинг отаси бўлганлигидан «Абул-анбиё», яъни «Пайғамбарлар отаси» деган ном билан шарафланган.

Иброҳим алайҳиссаломни учала дин аҳли — яҳудийлар ўз тилида «Абром», христианлар «Авраам» ва мусулмонлар «Иброҳим Халилуллоҳ» деб хурмат билан тилга оладилар.

Иброҳим алайҳиссаломнинг дини-миллати яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, балки ҳаниф, яъни яккахудоликни тарғиб қилган муслим эди. Тавротда у яҳудийларнинг аждоди, **Қуръони карим**да эса арабларнинг аждоди дейилган.

Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссалом пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобокалонлари бўлган. Кейинги ўғли Исҳоқ алайҳиссалом эса Ийсо алайҳиссалом ва ундан аввал ўтган пайғамбарларнинг бобокалонидир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати ҳақида 3- «Оли Имрон» сурасининг 67-оятда: **«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган, балки тўғри йўлдан тоймаган (ҳаниф) мусулмон бўлган ва мушриклардан бўлмаган»**, дейилган.

Иброҳим алайҳиссаломнинг аждодларига келсак, Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сомдан Арпахшод номли ўғил туғилган, ундан Шалоҳ, ундан Ибр, ундан Фалаж, ундан Рағу, ундан Саруғ, ундан Нахур, ундан Торих номли ўғил туғилган. Торих эса Ибром (Иброҳим), Нахур ва Ҳорон исми ўғиллар кўрган.

Торих, кофир подшоҳ Намруднинг бут ясаб сотувчиси бўлган. У бутга қаттиқ топингани учун уни Озар деб атаганлар. Иброҳим алайҳиссалом ана шу Озарнинг ўғли бўлган.

Торихнинг ўғли Ҳорон Лут (Лот) исми ўғил кўрган. Ҳорон отаси Торих тириклигидаёқ туғилган ери — Ур шаҳрида вафот этиб кетган. Шундай қилиб, Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳороннинг ўғли бўлиб, Иброҳим алайҳиссаломга жиян бўлган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тарихшунос олим Бадр Рашод Дувбий ўзининг «Замзам қудуғи тарихи» рисоласида ёзишича, яҳуд ва насроларнинг муқаддас китоблари устида илмий тадқиқот олиб борувчи олимларнинг ҳамда араб тарихчи олими Масъудийнинг хулосаларига кўра ҳам Исмоил алайҳиссалом милоддан аввалги 2094- йилда туғилган экан. (Тошкент, «Мовароуннаҳр», 1996. 9-бет).

Тавротда ёзилишича, Исмоил алайҳиссалом туғилганида, Иброҳим алайҳиссалом 86 ёшда бўлган. Шуни инобатга оладиган бўлсак, Исмоил алайҳиссалом ҳақиқатан ҳам милоддан аввалги 2094- йилда туғилган бўлиб чиқади.

Яна шу манбада ёзилишича, Исмоил алайҳиссалом укаси Исҳоқ алайҳиссаломдан 14 ёш катта бўлган. Шунга кўра, Исҳоқ алайҳиссалом милоддан аввалги 2080- йилда туғилганлиги маълум бўлади.

Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли Яъқуб алайҳиссалом туғилганида Исҳоқ алайҳиссалом 60 ёшда бўлганлигини эътиборга олсак, Яъқуб алайҳиссалом милоддан аввалги 2020- йилда туғилганлиги аниқ бўлади.

Шундай қилиб, Иброҳим алайҳиссалом, милоддан аввалги 2180-йилда Дажла ва Фурот дарёлари оралиғидаги Бобил давлатига қарашли Ироқда Сумар (Савод) шаҳрининг Ур деган жойида туғилган. Иброҳим алайҳиссалом подшоҳ Намруд (ибн Қавс ибн Канъон ибн Ҳом ибн Нух) ҳукмронлик қилган даврларда яшаган. Подшоҳ Намруд Нух алайҳиссаломнинг ўғли Ҳомнинг Канъон деган ўғлининг чевараси бўлган.

Айтишларича, ўша даврларда дунёни тўрт киши ўз қўлларида тутиб турган: иккиси мусулмон, иккиси кофир. Мусулмонлардан: подшоҳ ва пайғамбар Сулаймон ва буюк салтанат эгаси, **Аллоҳ**нинг азиз бандаси, авлиё Искандар Зул-Қарнайн, кофирлардан Намруд ва Бухтуннаср бўлган.

Иброҳим алайҳиссаломга пайғамбарлик келиб 10 саҳифалик оятлар юборилгандан кейин, у Бобил халқини **Аллоҳ**нинг ягоналиги эътиқодига даъват этган. Бут-санамларга сифиниб юрган отаси ва бошқаларни якка **Аллоҳ таоло**га ибодат қилишга тинмай даъват

этди. Лекин улар, шу жумладан, отаси саркашлик қилиб, ўз эътиқодларидан қайтмадилар.

Кунларнинг бирида, кишилар байрамни нишонлаш учун шаҳар ташқарисига чиқиб кетганларида, Иброҳим алайҳиссалом бутхонадаги санамларни парчалаб ташлади. Тезда улар бу Иброҳим алайҳиссаломнинг иши эканлигини англашди. Иброҳим алайҳиссалом уларга: «Бу бутчаларни анави катта бут чопиб ташлади. Ишонмасанглар, бутчаларнинг узидан суранглар», деди. Улар бундан қаттиқ ғазабланишиб, ўзаро маслаҳатлашиб, Иброҳим алайҳиссаломни ўтда куйдиришга қарор қилдилар.

Подшоҳ Намруд фуқароларни ўтин тўплашга буюрди. Одамлар бир ой ўтин тўплادилар. Сўнгра ўт ёқилиб, подшоҳ Иброҳим алайҳиссаломнинг қўл-оёқларини боғлаб ўтга иргитишга буюрди. Гулхан шу даражада баланд эдики, ҳатто кўкда учиб кетаётган қушлар ҳам унга куйиб тушарди.

Иброҳим алайҳиссаломни ўтга отишга ҳозирлик кўриляётган пайтда сувларга муаккил бўлган фаришта келиб: «Эй Иброҳим, барча сувлар ихтиёри менинг қўлимда. Хоҳласанг буюраман, сувлар ўтни ўчирадилар», деди. Шамолга муаккил бўлган фаришта: «Эй Иброҳим, агар хоҳласанг шамолга амр этаман, барча ўтни совуриб йўқотади», деди.

Иброҳим алайҳиссалом уларга «Сизларнинг ёрдамингизга муҳтож эмасман», деди ва бошини юқори кўтариб: «Эй **Парвардигоро!** Сен яғонасан. **Аҳадсан.** Мени сендан бошқа ибодат қиладиган кимсам йўқлигини **Ўзинг** биласан», деди.

Бошқа бир ривоятда келтирилишича, Намруднинг амри билан бир ой давомида тўпланган ўтин ёқилгач, оловнинг тафти баландлигидан Иброҳим алайҳиссаломни ўтга улоқтиришнинг сира иложи бўлмаган, шунинг учун уни палаҳмонга солиб улоқтиришни лозим топдилар. Унинг қўл-оёқларини боғлаб, палаҳмонга солиб улоқтирмоқчи бўлиб турганларида, ҳазрати Жаброил алайҳиссалом ҳозир бўлиб: «Ё Иброҳим, менга бирор ҳожатинг борми?» деди. Иброҳим алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломга: «Сенга ҳожатим йўқ», деди. Жаброил алайҳиссалом: «Унда ҳожатингни Раббингдан сўра», деди. Иброҳим бунга жавобан: «**Парвардигорим** ҳолимни билиб турибди. Унга билдирмоқнинг ҳожати йўқ», деб ушбу дуони ўқиди: «Ҳасбияллоху ва неъмал вакил» (**Аллоҳнинг Ўзи** менга кифоя қилур ва у энг яхши вакилдир). Шунда **Ҳақ субҳонаху ва таоло** оловга: «**Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!**» деб хитоб қилди (21-«Анбиё» сураси, 69-оятдан).

Фармони илоҳийдан сўнг ўт фақат Иброҳимнинг қўл-оёқлари боғланган ипларнигина куйдириб, ўзига заррача ҳам таъсир этмади ва ўтдан эсон-омон чиқди.

Аллоҳ таоло Ўзининг севган бандаларига лутф, марҳамат кўрсатишининг чегараси йўқлигига куйидаги тарихий малумотлар ҳам далилдир:

— *Француз адиби Оливье Леруа ўзининг «Саламандра — одамлар» номли китобида ёзишича, милодий 155- йилда ўлим жазосига ҳукм қилинган Смирналик авлиё Поликарпни гулханда ёндириш учун устунга боғлаб қўйиб ўт ёқадилар. Шунда авлиёнинг атрофини чулғаб олган олов бирдан ҳамманинг кўз ўнгида эгилади-ю, ҳатто унинг кийимларига ҳам бирор учқун сачрамайди, у омон қолади.*

— *Яна бошқа бир француз олими ва ёзувчиси Гаддис ҳам ўзининг «Сирли аланга ва нур» китобида ёзишича, милодий XVIII асрнинг бошларида Франциянинг жанубида бўлиб ўтган комазарлар қўзғолонининг йўлбошчиси Кларини ўтда куйдириб ўлдиришга ҳукм қиладилар. Бироқ гуруллаб ёнаётган аланга ичидаги Клари омон қолади. Гулхан ўчганда, одамлар Кларининг танасидагина эмас, ҳатто кийимларида ҳам заррача куйиш аломатларини топа олмайдилар.*

Аллоҳнинг карами ниҳоятда кенг, меҳрибон, раҳмлидир, У Ўзи хоҳлаган кишисини ярлақайди ва ҳифзу ҳимоясига олади!

Тавротда келтирилишича, **Тангри таоло** Иброҳим алайҳиссаломга хитоб қилиб: «Ўз ерингдан, она юртингдан, отанг уйдан чиқиб, Мен кўрсатган ерга кет. Сендан буюк халқ вужудга келтираман. Сенинг табаррук номингни улуғлайман. Сен баракали бўлгайсан. Канъон ерларини, Миср водийсидан тортиб, то улкан Фурот дарёсига қадар барча ерларни сенга, сенинг зурриётларингга бераман», — деган.

Иброҳим алайҳиссалом Ҳозарнинг қизи Сорага уйланди. Сора ниҳоятда кўхлик, гўзал бўлиб, айби туғмас эди. Сора саксон ёшларга бориб қолди, лекин туғмади.

Соранинг Ҳожар деган мисрлик чўриси бор эди, у пайғамбар Солиҳ алайҳиссалом авлодларидан эди. Сора, балки ундан болалик бўлармиз деб, Канъон юртида ўрнашганларнинг унинг йилида ўзининг чўриси Ҳожарни эри Иброҳимга хотинликка берди. Ҳожар ҳомилдор бўлганидан кейин Сора унга кун бермай қўйди. Кундошлар кўп жанжаллашиб юрдилар. Ҳожарнинг ой-куни яқинлашиб қолганида, Сора уни ҳайдаб юборишни эри Иброҳимдан талаб қилди.

Сора эрига уч шарт қўйди: биринчиси, уни ҳеч кимса йўқ ерга қўйиб келасан, иккинчиси, туядан тушмайсан, учинчиси, ҳеч ерга қўнмай қайтасан деб онт ичтирди. Иброҳим алайҳиссалом Ҳожарни бир ерга олиб бориб туширди, кўпгина озиқ-овқат ва сув қўйиб кетди. Бир неча кундан кейин Ҳожар ўша ерда бир ўғил туғди. Сувлари тамом бўлганидан кейин Ҳожар сув қидириб Сафо тоғи билан Марва тоғи ўртасида бир неча маротаба югурди. Бу югуриш ҳозиргача ҳожиларга суннат бўлиб қолди.

Ҳожар **Аллоҳ таоло**дан сув сўраб қаттиқ нола қилди. Ўғлининг йиғлаганини эшитиб етиб келди. Ўғли йиғлаб оёқлари билан ер тепиниб ётган эди. Тепган ерини Жаброил алайҳиссалом қанотлари билан уриб тешди ва сув чиқарди. Муқаддас Замзам булоғи ўша булоқдир, яъни ҳозиргача мавжуддир.

Ҳожар **Парвардигор**га: «Исмаъ, йа Илу» деб нола қилганини **Тангри** эшитиб сув чиқаргани учун, фарзандининг исмини Исмоил қўйди. Ибронийча маъноси: «Эй Ил, эшит-гил» («Ил» — сурёний тилда **Тангрининг** номи).

Ҳожар Иброҳим алайҳиссаломга Исмоил алайҳиссаломни туғиб берганида Иброҳим алайҳиссалом 86 ёшда эди.

Яна Тавротда хабар берилишича, Иброҳим 99 ёшга етганида **Аллоҳ таоло** унга зоҳир бўлиб деди: «Мен **Қодир Тангриман**. Мен сен билан аҳду паймон қиламан. Сени кўпдан кўп халқларнинг отаси қиламан. Сенинг исминг энди Ибром (Обром), яъни «олий ота» эмас, балки Иброҳим (Абраҳом — Авраам), яъни «халқлар отаси» бўлади, зеро сени кўпдан-кўп халқларнинг отаси қилиб тайинладим. Сендан жуда кўп эл-халқлар вужудга келтираман. Сен ҳозир мусофирларча яшаётган мамлакатни — бутун Канъон ерларини сенга ва сендан кейинги авлодларингга абадий мулк қилиб бераман. Шундай қилиб, сенга ва сендан кейинги авлодларингга қўйидаги аҳдга риоя қилишларингизни буюраман: «Орангиздаги ҳар бир эркак хатна қилинсин. Жинсий аъзоларингиз учидаги терини кестириб, суннат бўлинглар. Ана шу Мен билан сизларнинг орангиздаги аҳднинг белгиси бўлади. Бундан буён наслингиздан туғилган ҳар бир ўғил болангиз, шу жумладан, уйда туғилган ва бегона уруғдан бўлиб, сотиб олинган барча ўғил болалар ҳам саккиз кунлигида хатна қилинсинлар. Аъзосини кестирмай, суннатсиз тураверган эркак қавм эса ўз қавми орасидан йўқ қилинсин. Бундай киши Менинг аҳдимни бузган ҳисобланади».

Аллоҳ таоло Иброҳимга яна: «Хотининг Сорайни энди Сорай деб чақирма; унинг исми энди Сора (Сарра), яъни «бека» бўлсин. Мен уни баракали қилиб, ундан сенга ўғил ҳам бераман», деди.

Иброҳим алайҳиссалом буни эшитиб, юзтубан ерга йиқилди. «Наҳотки юз ёшга кирган эркакдан бола бўлса? Наҳотки тўқсон яшар Сора бола туғса?» деб кўнглидан ўтказди ва кулиб юборди. **Тангри таоло** деди: «Хотининг сенга ўғил туғиб бериши муқаррар. Унга Исҳоқ («кулган») деб исм қўясан.

Иброҳим алайҳиссалом **Тангри таоло** буюрганидек, ўша кўннинг ўзида ўзини, ўғли Исмоилни ва хонадонида туғилган ҳамда сотиб олинган барча эркакларни хатна қилди. Иброҳим алайҳиссалом ўзини хатна қилдирганида 99 ёшда эди. Ўғли Исмоил алайҳиссалом эса 13 ёшда эди.

Шундан кейин, **Парвардигор**нинг сўзи амалга ошиб, бир йилдан кейин Сора ўғил туғди. Иброҳим ўғлининг отини Исҳоқ қўйди ва уни буюрилганидек саккиз кунлигида хатна қилди. Исҳоқ алайҳиссалом туғилганида Иброҳим алайҳиссалом 100 ёшда эди (Библия. «Ибтидо» бўлими, 17 ва 21-боблар).

Тавротда таъкидланишича, бу ҳодисалардан сўнг **Тангри таоло** Иброҳим алайҳиссаломни синаб кўриш учун унга ўғли Исҳоқ алайҳиссаломни қурбон қилишни буюрди.

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исҳоқ алайҳиссаломни **Аллоҳ** йўлида қурбон қилиш учун энди бўғизламоқчи бўлганида, осмондан **Тангри таолонинг** фариштаси пайдо бўлиб хитоб қилди: «Биз билдикки, сен **Тангридан** қўрқасан, яккаю ягона ўғлингни аямадинг, ўсмирга қарши қўл кутарма, унинг ўрнига **Тангри** юборган кўчқорни қурбон қил», деди. Иброҳим орқасига бурилиб қараса, чакалакда шохларга ўралашиб қолган бир кўчқор турибди. Иброҳим алайҳиссалом бориб, кўчқорни олиб келди ва уни ўғлингнинг ўрнига сўйиб қурбон қилди.

Ана шу воқеа хусусида уламолар ўртасида ихтилоф бор: қурбонлик Исҳоқми ё Исмоилми? Араблар қурбонлик Исмоил, яҳудийлар эса қурбонлик Исҳоқ эди дейдилар. Бу ихтилофнинг келиб чиқиш сабаби шундаки, яҳудийлар ва христианлар Исҳоқ алайҳиссалом уруғидан бўлганликлари ва диний мартабаларини кўтариш учун шундай дейдилар. Баъзилар эса қурбонлик иккалови, деб шаҳодат берадилар. Бизга маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳазрати Исмоил алайҳиссалом уруғидандирлар. Бир ҳадисда Расули акрам айтадилар: «**Ана ибну забиҳайни**» (яъни «Икки бўғизланувчининг ўғлиман»). Икки бўғизланувчи қурбонлик — ҳазрати Исмоил алайҳиссалом ва пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ бўлганликлари учун, юқорида айтилган ҳадис келтирилгандир.

Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг отаси Абдуллоҳни қурбон қилиш воқеаси қуйидагича бўлган экан.

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг отаси Абдуллоҳ, унинг отаси Абдулмутталиб, унинг отаси Ҳошим, унинг отаси Абдуманофдир.

Хабар берилишича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобоси Абдулмутталиб вақтида Замзам кудуғи қуриб қолди. Шунда **Тангри таолонинг** хоҳиши билан Абдулмутталиб: «Агар **Тангри азза ва жалла** кудуққа сув берса, бир ўғлимни қурбон қиламан», деди.

Баъзи уламоларнинг айтишларича, Абдулмутталиб айтди: «Агар **Тангри азза ва жалла** менга ун ўғил берса, ҳаммаси соғ ва саломат бўлсалар, жанг куни ҳаммалари олдимда мардона турганларини кўрсам, уларнинг бирини **Тангри таоло** учун қурбон қиламан», деган. Ўша пайтда Абдулмутталибнинг ун ўғли бор эди: Ҳорис, Абу Лаҳаб, Аббос, Ҳизор, Ҳамза, Муқаддам, Жаҳл, Зубайр — ҳаммалари бир онадан. Абу Толиб билан Абдуллоҳ бошқа бир онадан. Абдулмутталиб Абдуллоҳни ҳамма ўғилларидан ортиқ севар эди. «Қуръа ташлайман, қуръа кимнинг отига чиқса ўшани қурбон қиламан», — деди. Қуръа Абдуллоҳнинг отига чиқди.

Абдулмутталиб Абдуллоҳни қурбонликка сўймоқчи бўлиб турганида, Абдуллоҳнинг она томонидан қариндоши Таймур деган киши Абдулмутталибга айтди: «Шом вилоятида бир фол очувчи бор, унга киши юборинг, у нима ҳукм қилса, ўшанинг айтганини қилинг», деди. Таймур Маккада жуда бообру, ҳурматли киши бўлиб, унинг айтган сўзларини ҳеч ким икки қилмас эди.

Бориб ундан сўрадилар. У киши айтди: «Абдуллоҳни турғизинг, унинг ёнига ўнта туя қўйиб қуръа солинг. Қуръа туяга чиқса, туяларни қурбон қилинг, Абдуллоҳ қолсин. Агар қуръа Абдуллоҳ отига чиқса, яна ун туя келтириб, қуръа солинг. Шу тариқа, туялар сонини ҳар гал ўнта-ўнтага орттириб бориб қуръа солаверинглар, то қуръа туя отига чиққунича». Шундай қилдилар. Туяларнинг сони юзтага етганида қуръа туя номига чиқди, юз туяни қурбон қилдилар, Абдуллоҳ қолди. Шундан бери шариат бўйича эр баҳоси юз туя баҳосига тенг бўлиб қолди. Расули акрамнинг «Ана ибну забиҳайни» деган ҳадисининг маъноси шудир.

Яна бошқа ривоятда келтирилишича, Иброҳим алайҳиссалом туш кўрсалар, тушларида бир овоз келди: «Тур, қурбонлик қил». Иброҳим алайҳиссалом тонгда туриб, юз қўйни қурбон қилди. Иккинчи кеча тушида яна шу сўзни эшитди, тонгда туриб юз туяни қурбон қилди. Учинчи куни яна шундай туш кўрдилар, Иброҳим алайҳиссалом (тушида): «Менинг қурбоним нима?», — дедилар. Нидо келди: «Биздан бошқа кимни кўпроқ севсанг, шуни менга қурбон қил». Иброҳим алайҳиссалом билдики, биттаю-битта ўғли Исмоилни қурбон қилиши керак. Иброҳим алайҳиссалом бу тушнинг илоҳий ваҳй эканлигини билар эди.

Иброҳим алайҳиссалом туриб, хотини Ҳожарнинг олдига келди ва деди: «Исмоилни

ювинтир, кийинтир, дўстнинг олдига олиб бораман». Биби Хожар Исмоил алайҳиссаломни ювинтирди, янги либосларини кийдирди ва кўнгли гашланиб деди: «Эй **Парвардигоро**, ўғлимни сенга омонат топширдим. Омонатга хиёнат қилма, ўзинг уни ўз даргоҳингда асра, ўз қудрати илоҳинг билан менга яна соғ-саломат қайтар». Бу муножот Исмоил алайҳиссаломни тўғдан (пичоқдан) халос қилди. **Аллоҳ** омонатга хиёнат қилмади.

Нима учун пайғамбаримизнинг неваралари Имом Хусайнни ўлдирдилар? Чунки Исмоил алайҳиссаломнинг ота-онаси ҳаёт эди, ота-онасининг дуоси билан қутулди. Имом Хусайннинг эса ота-онаси оламдан ўтишган эдилар, тўғ остида ҳалок бўлди.

Ота-онанинг фарзандга қилган дуоси ана шунақа доим мустажобдир, фарзанд эса киши учун буюк неъматдир.

Сўзимиз давомига келсак, ота-бола **Тангри таолонинг** амрини бажариш учун маълум бир жойга келдилар.

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссаломнинг бўғзига тўғ тортди. Лекин пичоқ амри илоҳийга итоат этиб, Исмоил алайҳиссаломнинг бўғзини кесмади.

Шунда нидо келди: «Эй Иброҳим! Фарзандингни сўйишдан тўхта. Сен синовдан ўтдинг, ихлосли ва итоатли эканлигинг синалди. Фарзандинг эвазига ана у қўчқорни қурбон қилгин». Яна осмондан овоз келди: «**Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбару**». Иброҳим алайҳиссалом тепага қараган эди, ҳазрати Жаброил жаннатдан бир семиз қўчқор олиб келаётганини кўрди. Севинчидан: «**Ла илаҳа иллаллоҳу Аллоҳу акбару**», деди. Исмоил алайҳиссалом ҳам қўчқорни кўриб айтди: «**Аллоҳу акбару ва лиллаҳи ал-ҳамду**». Иброҳим алайҳиссалом қўчқорни қурбон қилди.

Хабарда келишича, ким ҳайит куни бу такбирни айтса, Жаброил аминнинг, Иброҳим Халилуллоҳнинг, Исмоил Забиҳуллоҳнинг шафоатини топади.

Айтишларича, у қўчқор Одам Атонинг ўғли Хобилнинг қурбони эди.

Айтадиларки: «Ота жувонмардми, ўғилми?» Баъзилар айтадилар: «Ота жувонмард, шунинг учунки, ўғилнинг аччиғи қаттиқдур». Баъзилар айтадилар: «Ўғил жувонмард, чунки ота ўғилдан кечди, ўғил жонидан кечди». Яна айтадиларки: «Исмоил қурбон қилинса **Мавло (Аллоҳ)** га уланур эди, аммо Иброҳим ўлгунича уни доғи-фироқида бўлур эди», деб. Яна бошқалари айтадилар: «Исмоил қурбон қилинса, қиёматгача бу суннат мўминларга вожиб бўлиб қолар эди, Исмоил бўғизланмади, мўминларга раҳмат бўлди».

Мусулмон, яҳудий ва насроний уламо-руҳонийлари, Иброҳим алайҳиссалом **Аллоҳ** йўлида қайси ўғилларини қурбон қилмоқчи бўлганлар — катта ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни ёки кенжа ўғиллари Исҳоқ алайҳиссаломни, деган масала юзасидан ҳанузгача ихтилофдадилар. Хуллас, Тавротда қурбон бўлгувчи Исҳоқ алайҳиссалом дейилса, мусулмон уламолари қурбон қилинувчи Исмоил алайҳиссалом эди, дейдилар.

Мана шу ихтилофни ечиш юзасидан баъзи мулоҳазаларимизни билдирадиган бўлсак, диққатингизни қуйидаги ҳақиқатларга тортиш керак бўлади.

Аввало, яна қайтариб ўтамиз, шуни эсдан чиқармаслик керакки, Таврот ва Инжил илоҳий китоблари ўтган катта давр мобайнида ўзгартиришлар кириталавериб, ҳозирги китоблардаги қайси каломлар Аллоҳники-ю, қайсилари кўшилган ёхуд ўзгартирилган эканлигини аниқлашнинг имкони йўқ (*қаранг*: 3- «Оли Имрон» сураси, 78-оят). Чунки Мусо ва Йўсо алайҳиссаломларга илк нозил қилинган **ҳақиқий Таврот ва Инжил китоблари хиёнаткор қўллар томонидан яширилган ёки йўқ қилинган ёхуд йўқ бўлиб кетган. Қуръони карим** эса уни дастлабки халифалар (пайғамбаримизнинг уринбосарлари) — чорёрлар томонидан бир бутун китоб ҳолида жамланган тўрт асл **Қуръони карим** билан ҳозирги мусулмон авлодлари қўлидаги азимушшаън **Қуръон** китоби ўртасида ҳеч қандай тафовут, ўзгариш йўқ. Уни бус-бутун сақланишини **Аллоҳ таоло Ўз** ҳифзу ҳимоясига олган (*қаранг*: 15- «Ҳижр» сураси, 9-оят). Шунинг учун **Аллоҳнинг** амр, фармонларига амал қилишда охирги илоҳий китоб — **Қуръони карим** ҳукмларига риоя қилишимиз мантиқан тўғри бўлади.

Аллоҳ таолонинг бандаларига нозил қилган охирги аниқ хужжати **Қуръони карим**нинг 37- «Вас-соффот» сурасининг 100—113-оятларини диққат қилиб ўрганиб чиқилса, масала равшан бўлади-қўяди.

Ана шу оятларга кўра, Иброҳим алайҳиссалом **Аллоҳ таоло**га: «Менга солиҳ фарзандлар ҳада этгин», — деб илтижолар қилган. Бунга жавобан **Аллоҳ таоло** унга бир ҳалим ўғил ато этажаги хабарини берган. Иброҳим алайҳиссалом тўнғич фарзанди туғилгандан кейин, унга Исмоил деб ном қўйганлар. Тавротда ҳам унинг тўнғич ўғли Исмоил эканлиги ва у укаси Исҳоқ алайҳиссаломдан 14 ёш катта бўлганлиги ёзилган, бу хусусда ихтилоф йўқ.

Исмоил алайҳиссалом 13 ёшга етганида (ҳали Исҳоқ алайҳиссалом туғилмаган пайтда), Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссаломга тушида уни **Аллоҳ** учун қурбон қилиб сўяётганлигини айтиб, ундан бу ҳақда фикрини сўраган. У отасининг туши бошқа пайғамбарлардаги каби илоҳий ваҳй эканлигини англаган ва отасига: «Эй отажон, сенга тушингда **Парвардигор** томонидан буюрилган ишни бажаргин. Иншоаллоҳ, мен тақдири азал ҳукмига кўнаман», — деган.

Бу ҳақда юқорида кўрсатганимиз 37- «Вас-софот» сурасининг 100—102, 112-оятларида шундай дейилган:

«Эй, Раббим, Ўзинг менга солиҳ (фарзанд)лардан ато этгин! Бас, Биз унга бир ҳалим ўғил хушxabарини бердик. Бас, қачонки у (отаси) билан бирга юра-диган бўлгач, (Иброҳим): «Эй ўғилчам, мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин», — деган эди, у айтди: «Эй отажон, сенга (тушингда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилгин. Иншоаллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсиз».

Яна, Биз унга солиҳлардан (булғуси) пайғамбар Исҳоқнинг хушxabарини бердик».

Қурбонлик тафсилотлари бизга маълум бўлганлиги учун уларни қайтариб ўтирмаймиз.

Юқоридаги оятларга эътибор беринг-а, бу воқеа бўлиб ўтганидан кейин нозил бўлган оятда **Аллоҳ таоло** Иброҳим алайҳиссаломга яна бир фарзанд — Исҳоқ алайҳиссаломни ҳам ато этишлигини билдирмоқда: **«Яна Биз унга пайғамбар (ва) яхшилардан (булғуси) Исҳоқнинг хушxabарини бердик»** (ўша сура, 112-оят). Демак, бундан қурбонлик воқеаси Исҳоқ алайҳиссалом туғилмасларидан бир йил олдин бўлиб ўтган бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, Иброҳим алайҳиссалом тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссаломни **Аллоҳ** йўлида қурбон қилмоқчи бўлган, деган мантиқий хулоса келиб чиқади.

Бундан ташқари, юқорида келтирилганидек, яна пайғамбаримиз бобокалонлари Исмоил алайҳиссалом билан оталари Абдуллоҳни назарда тутиб: **«Икки бўғизламаччининг ўғлиман»** деган ҳадислари ҳам буни тасдиқлайди.

Ана шу мулоҳазаларга кўра, Иброҳим алайҳиссаломнинг **Аллоҳ йўлида қурбон қилмоқчи бўлган ўғиллари** Исмоил алайҳиссалом бўлганлиги тасдиқланади.

Бундан яҳудийлар, Тавротда пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам Исмоил алайҳиссалом зурриётидан бўлганликлари туфайли, уларнинг мавқеларини пасайтириб, ўзлариникини эса ошириш мақсадида, Иброҳим алайҳиссаломнинг қурбон қилмоқчи бўлган ўғиллари Исмоилни атайин **Исҳоққа** алмаштириб ёзиб олганлар деган хулоса келиб чиқади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Хорон вафот этган ва ундан икки қиз — Иска ва Милка қолган эди. Иккинчи укаси Нахур вафот этиб кетган укаси Хороннинг қизи Милкани олди.

Торих ўғли Иброҳимни, иккинчи ўғли Хорондан бўлган набираси Лутни, Иброҳимнинг хотини — келини Сорани олиб, улар билан бирга Ур шаҳридан чиқиб, Канъон мамлакатининг Хорон шаҳрига кетди ва ўша ерда ўрнашиб қолди. Торих 305 йил умр кўриб, шу шаҳарда қазо қилди. У Исломни қабул қилмай оламдан ўтиб кетди.

Иброҳим алайҳиссалом **Тангри таолонинг** амри билан Хорондан чиқиб кетди. Жияни Лут, хотини Сора ва бошқа барча одамларини ва мол-мулкини олиб Канъоннинг Байтил шаҳри яқинидаги тоғлик жойга кўчиб келди. Кейин ўз йўлида давом этиб, **Жанубистон** (Исроилнинг чўлга яқин жанубий қисми)га кетди.

Шу орада мамлакатда ҳаддан ташқари қаҳатчилик юз берди, шунинг учун улар вақтинча Мисрга кетдилар ва у ерда бироз яшаб, яна Байтил шаҳри яқинидаги тоғлик жойга қайтиб келдилар. У ерда улар бирмунча бирга яшадилар. Кейин Лут **алайҳиссалом** — шарқ томонга, Йордан водийсининг Садум ўлкасига кетди. Садум одамлари ўта ёвуз, жуда гуноҳкор одамлар эди.

Иброҳим алайҳиссалом эса Канъон юртида қолди. Шундан кейин Лут алайҳиссалом кетган ер — Садум ва Ғамура улкаларининг шоҳлари Бобил подшоҳлари билан бўлган жангда енгилдилар. Ғолиб томон бошқалар билан бирга Лут алайҳиссалом ва унинг оила-сини асир қилиб олиб кетдилар. Бу хабар Иброҳим алайҳиссаломга етиб келди ва у 318 нафар қуролланган одамлари билан душманни қувиб, Дамашқ шаҳрининг Ҳува деган ерида етиб олиб уларни тор-мор қилди ҳамда жияни Лутни оиласи ва бутун қариндош-уруғлари, мол-мулки билан қутқариб олди.

«Қисаси Рабғузий»да бир ажиб воқеа тасвирланган: Иброҳим алайҳиссаломнинг хотини Сора 80 ёшда эди, фарзанди йўқ эди. Иброҳим алайҳиссаломнинг пешонасида Муҳаммад Мустафонинг нури бор эди. Бу нур сандан бўладиган ўғилга тегишли (яъни бу нур сенга ўтади) деган ваъда бор эди.

Иброҳим алайҳиссалом хотини Соранинг мисрлик чўриси Ҳожарга уйланганидан кейин, у нур Ҳожарга ўтди. Бунй кўриб Соранинг хўрлиги келди. У 80 йил кутган нурдан умидсиз қолганига чидаёлмай, Иброҳим алайҳиссаломнинг ёқасидан олди. Баъзи хотинларнинг эрларини ёқасидан тутиб олиб уришишлари шундан мерос бўлиб қолди.

Сора Ҳожарнинг уч ерини кесиб майиб қиламан деб онт ичди. Бир куни Ҳожар сигир соғаётганида, Сора келиб унинг бурни ва қулоғини кесмоқчи бўлди. Ҳожар фарёд қилди. Шунда Жаброил алайҳиссалом келиб Иброҳимга деди: «Айт, Сора Ҳожарга куч ишлатмасин, **Тангри** куч ишлатганларни севмайди». Сора айтди: «Агар шунга онт ичиб қўйган бўлсам нима қилай». Жаброил алайҳиссалом: «Агар шундай бўлса, Сорага айт, унинг икки қулоғини тилсин ва уят андомини хатна қилсин ва онтини шундай қилиб бажарсин», деди.

Сора Ҳожар майиб бўлсин деб икки қулоғини тилимлади, эрига ярамасин деб хатна қилди. Жаброилга ёрлиқ бўлди ва жаннатдан икки олтин исирға келтириб Ҳожарга тақиб қўйди, кўрки ортиқроқ бўлди. Хатна қилинганидан кейин эрига янада суюклироқ бўлди. Ўшандан бери хотин кишининг авратини хатна қилмоқ Ҳожардан қолди. Африкалик бир қабила ҳанузгача қизларни эрга беришдан олдин хатна қиладилар, яъни аёлларнинг ўзларидан бўлган мутахассис хатначи «усталар» қизларнинг бокиралик пардасини кесиб, кейин эрга берадилар.

Каъба ерида Одам сафийуллоҳ Байт ул-Маъмурни бино қилган эди. Нуҳ алайҳиссалом туфонигача унда ибодат қилиб турилар эди. Туфон вақтида унга азоб суви тегмасин деб **Тангри** ёрлиғи билан ҳазрати Жаброил алайҳиссалом Байт ул-Маъмурни тўртинчи қават осмонга кўтариб қўйган.

Иброҳим алайҳиссаломга ўша Байт ул-Маъмур ўрнида Каъба биносини қуришга Тангридан ёрлиқ бўлди. Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломлар беш тоғдан — Тур, Сино, Ҳиро, Лубнон, Жудий тоғларидан тош келтириб, тарошлаб Каъба биносини қурдилар. Жаброил алайҳиссалом тош кесди, фаришталар ташидилар, йўндилар. Жаброил алайҳиссалом Иброҳим ва Исмоил алайҳиссаломларнинг кўрсатмаси бўйича бино тошларини ўрнатди.

Ҳар бир тошни қўйиш учун энгашаётганларида «**Субҳоналлоҳи**», иккинчи мартасида «**Вал-ҳамдулиллаҳи**», учинчисида «**Ва ла илаҳа иллаллоҳу**», тўртинчисида «**Аллоҳу акбар**», деб қўяр эдилар.

Тавротда келтирилишича, Иброҳим алайҳиссаломнинг хотини Сора 127 йил умр кўриб, Канъон мамлакатадаги Қарят-Арбаа, яъни Хеврон шаҳрида қазо қилди. Иброҳим алайҳиссалом уни ҳетийлар яшайдиган Хеврон қаршисида ўзи 400 кумуш ёмбига сотиб олган Махпела даласидаги ғорга дафн қилди.

Сора ва Ҳожардан ташқари Иброҳим алайҳиссалом Юфтуронинг Футур (Хеттура) номли қизини олиб ундан олти ўғил кўрди — Явшан, Вошиқ, Замз, Мадян, Мудун, Шух. Тавротда уларнинг номлари — Зимран, Иокшан, Медан, Мадан, Ишбак, Шуах.

Иброҳим алайҳиссаломнинг жами саккиз ўғлидан дунёга кўпдан-кўп уруғлар — мусулмонлар, мажусийлар, кофирлар тарқалиб кетди.

Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исҳоқ алайҳиссаломни Шом (ҳозирги Сурия) вилоятига, Исмоил алайҳиссаломни эса Ҳижоз вилоятига жўнатди (ҳозирги Саудия Арабистони ҳудуди).

Иброҳим алайҳиссалом кўнгли тўқ, қари, нуроний, мўйсафид бўлиб, Сорадан кейин икки ярим йил, Исҳоқ алайҳиссалом туғилганидан сўнг 75 йил яшаб, милоддан аввалги

2005- йилда 175 ёшда, муҳаррам ойининг пайшанба куни пешин намози вақтида оламдан ўтди, ота-боболари хузурига жунади.

Ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ алайҳиссаломлар уни ўша Махпела даласидаги ворта — Соранинг ёнига кўмдилар.

Бир ривоятда айтилишича, Фиръавн Намруд Аллоҳга иймон келтирмагач, Аллоҳ таоло унга даҳшатли бош оғриғи дардини бериб жонини олгани, ҳамда уни еттинчи дўзахга ташлагани ва қиёматгача сўралмаслиги айтиб ўтилган.

Яъни кунлардан бир куни унинг бурнига бир чивин кириб, миясида қуртлабди. Аввал унинг мияси қичийдиган бўлибди, кейин у даҳшатли оғриққа айланибди. Мияси қичиб, оғриқнинг зўридан ҳар куни у дод солар, табиблар эса уни даволашдан ожиз эканлар.

Шунинг учун унинг олдига ким кирса ўзининг бошига урдирар экан. Бориб-бориб унга мушт ҳам қор қилмай қолибди. Кейин Намруд бошига махсус ясаттирилган тўқмоқ билан урдирадиган бўлибди. Қичима ва оғриқ кечасию кундузи бирдек бўлиб асло пасаймас, қичима ва оғриқнинг зўридан у тинмай дод солиб фарёд этар, хизматкорлар эса тўқмоқ билан унинг бошига тинмай уриб туришар экан.

Шундай қилиб, шаккок Намруд уйқусизлик, даҳшатли оғриқ, қичима ва муттасил бошига тушиб турган тўқмоқ зарбларидан қийнала-қийнала жон таслим қилибди.

Тангри таоло, ўзини худо деб эълон қилган шаккок Намрудни шу тариқа даҳшатли тарзда азоблаб жонини олган экан.

Хатна қилмоқ, тирноқ олмоқ, мўйлаб қўймоқ, соқол олмоқ, мусофирларни ва меҳмонларни иззат қилмоқ, тиш тозаламоқ ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломдан суннат бўлиб қолди.

Иброҳим а.с.нинг Нух а.с.гача бўлган аждодлари (Асл номлари Таврот китоби бўйича, арабчалаштирилган шакли қавс ичида берилмоқда):

Авраам (*Иброҳим а.с.*), унинг отаси Фарра (*Ториҳ ёки Тераҳ*), унинг отаси Наҳор (*Наҳур*), унинг отаси Серух (*Саруе*), унинг отаси Рагав (*Рагу*), унинг отаси Фалек (*Фалаж*), унинг отаси Евер (*Ибр*), унинг отаси Сал (*Шалоҳ*), унинг отаси Арфаксад (*Арпахшод*), унинг отаси Сим (*Сом*), унинг отаси Ной (*Нух а.с.*).

Иброҳим алайҳиссалом *Қуръони карим*нинг қуйидаги сура ва оятларида ҳурмат билан тилга олинган:

«**Ёки сизлар** (Исроил авлоди): **«Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлоди** (ҳаммаси) **яхудий ёки насроний бўлган» дейсизми? Айтинг** (эй, Муҳаммад): (Уларнинг динларини) **сизлар билгувчироқми ёки Аллоҳми? Гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ким ҳам золимоқ?!» Аллоҳ қилаётган ишларингиздан гофил эмасдир.**

Улар ўтиб кетган умматдир. Уларнинг қилган аъмоллари (ишлари) **ўзларига, сизларнинг қилган аъмолларингиз ўзингизгадир. Сизлар уларнинг қилмишлари учун жавоб бермайсизлар».** (2- «Бақара» сураси, 140—141-оятлар).

И з о ҳ: *Таврот ва Инжилда юқорида кўрсатилган пайғамбарлар яҳудий ҳам, христиан ҳам бўлмаганликлари очиқ-равшан ёзилган экан. Аммо яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам мана шу ҳақиқатни била туриб яширганлари учун ана шу оят нозил бўлган.*

«**Эй, аҳли китоблар, нима учун Иброҳим ҳақида** (у бизнинг динимизда бўлган деб) **баҳслашасизлар? Ахир, Таврот билан Инжил ундан кейин нозил бўлган-ку! Ақлни ишлатмайсизми?!**

Эй, сиз (аҳли китоблар) — **ўзингиз биладиган нарсалар** (Мусо ва Ийсо) **ҳақида** (билиб-билмай) **баҳслашдингиз. Нега энди билмаган нарсангиз** (Иброҳим дини) **ҳақида баҳслашасиз? Аллоҳ билур, сизлар эса билмайсизлар».** (3- «Оли Имрон» сураси, 65—66- оятлар).

«**Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоат қилгувчи, ҳақ йўлдан чалғимаган бир уммат** (имом) **эди. Мушриклардан эмас эди.**

(Аллоҳнинг) **неъматларига шукр қилгувчи эди. (Аллоҳ) уни** (пайғамбарликка) **танлаб, Тўғри йўлга ҳидоят этди.**

Унга бу дунёда эзгулик ато этдик. Албатта, у охиратда ҳам солиҳлардандир. Сўнгра, (эй Мухаммад), Сизга ҳақ йўлдан чалғимаган Иброҳимнинг динига эргашнинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳй юбордик». (16- «Наҳл» сураси, 120—123- оятлар).

«Эсланг: Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргаликда Уй (Байтуллоҳ)нинг пойдеворини кутарар эканлар, (шундай дуо қилдилар): «Эй Раббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи ва доно зотдирсан!

Эй Раббимиз, бизни ўзингга бўйин сунувчи қилгин ва зурриётимиздан ҳам Сенга итоат қиладиган уммат (чиқаргин)! Шунингдек, бизга (ҳажга доир) ибодатларимизни кўрсатиб бер ва тавбаларимизни қабул эт! Албатта, Сен тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдирсан.

Эй Раббимиз, уларга (келажак умматларга) ўзларидан (чиққан), уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикмат (Қуръон ва Ҳадис)ни ургатадиган ва уларни (куфр ва гуноҳлардан) поклайдиган бир пайғамбарни юборгин! Албатта, Сен қудрат ва ҳикмат эгасидирсан».

Иброҳимнинг динидан фақат ўзини қадрламайдиган (пасткаш) кишиларгина юз ўгирадилар. Дунёда Биз уни (пайғамбарликка) танлаб олдик ва у охиратда (ҳам), албатта, солиҳ (банда)лардан бўлур. (2- «Бақара» сураси, 127-130-оятлар).

Айтингиз (эй мўминлар): «Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарса (Китоб)га, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг авлодларига нозил қилинган нарсаларга, Мусога, Ийсога ва (барча) пайғамбарларга Парвардигорларидан берилган нарсаларга иймон келтирдик (ишондик). Биз улар ўртасидан бирортасини (пайғамбар эмас, деб) ажратиб қўймаймиз. Ва Унга (Аллоҳга) бўйин сунувчилармиз». (2- «Бақара» сураси, 136-оят).

«(Эй Мухаммад), Китобда Иброҳим (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у жуда садоқатли пайғамбар эди».

«Бас, (Иброҳим) улардан ва Аллоҳни қўйиб сифинаётган бутларидан четлангач, (Биз) унга (фарзанд ва набира) Исҳоқ ва Яъқубни бердик ва барчаларини пайғамбар қилдик». (19- «Марям» сураси, 41- ва 49- оят).

Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги қиссани яқунлар эканмиз, Аллоҳнинг бу буюк пайғамбари ва элчисини нима учун учала дин аҳллари — яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар бирдек ҳурмат билан тилга олишлари хусусида гапириб ўтмасак бўлмайди.

Бунинг учун яна бир оз тарихга назар ташлаб олишга тўғри келади.

Нух алайҳиссаломнинг ўғли — Сомнинг эвараси бўлган Ибр (Евер) дан иброний халқлари — ибронийлар, яъни еврейлар вужудга келдилар.

Сомнинг бошқа зурриётларидан эса энг қадимги халқлардан ҳисобланмиш оромийлар (арамейлар), сурёнийлар, шумерлар, аккадлар, халдейлар, филистийлар (фаластинликлар) ва ҳоказо сомий халқлари тарқалдилар.

Ибр (Евер) Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сомнинг эвараси бўлганлиги учун, ибронийлар — еврейлар ҳам қадимги сомий (семит) халқлари таркибига киради.

Иброҳим алайҳиссалом, Ибрнинг еттинчи авлоди бўлиб, араблар ўзларини Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссалом авлоди деб, еврейлар — яҳудийлар эса ўзларини Исмоил алайҳиссаломнинг ота бир, она бошқа укаси — Исҳоқ алайҳиссаломнинг авлодлари деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, тўрт илоҳий китоб нозил қилинган тўрт буюк пайғамбар — Мусо, Довуд, Ийсо ва Мухаммад алайҳиссаломларнинг шажаралари Иброҳим алайҳиссаломга келиб туташади. Шунинг учун ҳам бу улуғ зот номини учала дин аҳллари бирдек чуқур ҳурмат билан тилга оладилар ва унга эргашадилар.

Ҳозирги яҳудийларга келсак, уларнинг барчаси дастлаб, Иброҳим алайҳиссаломнинг невараси Яъқуб — Исроил (лақаби) номи билан «Бани Исроил», яъни Исроил авлодлари деб аталганлар.

Уларнинг бир қисми кейинчалик Исроилнинг ўғли Яхудо (Иуда) номи билан «яхудийлар» деб, ундан кейин эса, (ҳозиргача) Бани Исроил ва Яхудо авлодларининг барчаси — «еврейлар» (ибронийлар), «яхудийлар» (Иудейлар) деб аталдилар.

Демак, «еврей» атамаси «яхудий» атамасидан қадимийроқдир. Бугунги кунда бу икки атама уларга нисбатан бирдек қўлланилаберади.

8. Лут алайҳиссалом

Лут алайҳиссалом (Тавротдаги номи — Лот) Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси — Ҳорон (Ааран)нинг ўғли бўлади. У милоддан аввалги 2000- йилларнинг бошларида яшаб ўтган.

Лут алайҳиссалом вояга етгач, амакиси Иброҳим алайҳиссалом билан бирга ўз оилаларини олиб, яшаш учун Канъон ерига келиб ўрнашдилар. Лутнинг оиласи: икки хотини — Воила, Роҳила, уч қизи — Зуъула, Ирсама, Бақтолардан иборат эди.

Улар Иброҳим алайҳиссалом билан бирга бироз яшашгач, Лут алайҳиссалом ўз оиласи билан Иордан диёрига — Садум ва Ғамура шаҳарлари ёнига кучиб кетди. Иброҳим алайҳиссалом эса Канъон юртида қолди.

Садум ва Ғамура халқи ўта ёвуз, жоҳил, аблах, қабих, разил одамлар эди. Энг ёмон гуноҳ ишлар ҳамда қароқчилик, бузуқчилик — ливотат (баччабозлик) билан шуғулланишар эди.

Тангри таоло ўз иродаси билан Лут алайҳиссаломни бу ахлоқсиз халқни ҳидоятга чақириш учун пайғамбар қилиб танлади. Лут алайҳиссалом пайғамбарлик даражасига эришгач, уларни турли йўллар билан, панд-насихатлар қилиб, **Аллоҳ**нинг бирлигига иймон келтиришга, ўзлари мубтало бўлган ярамас одатларини ва ишларни тарк этишга буюрди. Лекин улар пайғамбарга қулоқ солиш ўрнига, уни бу юртдан ҳайдаб чиқаришларини айтиб дўқ-тахдид қилишди.

Залолатга ботган бу қавмнинг ҳидоят йўлига юрмаслиги аниқ бўлгач, **Тангри таоло** ўз фаришталари орқали уларга муносиб жазо юборди. Фаришталар **Тангри таолонинг** амри билан Лут алайҳиссалом хонадонига меҳмон бўлиб келишди. Лут алайҳиссаломнинг хотини Воила туз олиб келиш баҳонаси билан қўшнилариликка чиқиб, уйларига янги меҳмонлар келганлигини айтди. Бу хабарни эшитган садумликлар Лут алайҳиссаломнинг уйига бостириб келишди. Чунки бу шаҳар халқи азалий қабих одат — баччабозлик касалига мубтало бўлганликлари учун, шаҳарда кимнинг уйига хушсурат йигитлар келса, ўз мақсадларини амалга оширмақ қасдида, ўша хонадонга бостириб кирардилар. Ҳар гал Лут алайҳиссалом уларни бу ишдан қайтарар, мусофирларга озор бермасликка чақирар эди. Энди улар Лут алайҳиссалом хонадонига ҳам ўз мақсадларини амалга оширмақчи бўлдилар. Шунда Лут алайҳиссалом улар йўлини тўсиб: «Агар шу ишни қилмоқчи бўлсаларинг, ана қизларим, уларни никоҳларингизга олаверинглар. Лекин меҳмонларга тегманглар, мени шарманда қилманглар», — деди. Улар бу гапга қулоқ солмай, уни масхаралаб ичкари кирмоқчи бўлдилар. Лут алайҳиссаломнинг уйда ўтирган фаришталар **Аллоҳ**нинг амри билан уларнинг бад ниятларини даф этдилар.

Улар эшикни синдириб ташлаш учун ҳамла қилганларида, ичкаридан фаришталар қўл узатиб Лут алайҳиссаломни ёнларига тортиб олдилар ва фаришталардан Жаброил алайҳиссалом бир сиқим тупроқ олиб, уларнинг бетларига сочиб юборди, шунда улар **Тангри таолонинг** хоҳиши билан кўр бўлиб қолдилар.

Жаброил алайҳиссалом айтди: «Биз **Тангри таолонинг** амри билан буларни ҳалок қилиб, сени қутқаргани келдик. Тонготарда барчалари ҳалок бўладилар, шаҳарда кимнинг бўлса, ҳаммасини бу ердан олиб чиқиб кетгин».

Лут алайҳиссалом оила аъзолари билан шаҳардан чиқиб кетди. Лут Сўъар (Сигор) шаҳрига етиб борган заҳотиёк, **Тангри таоло** Садум билан Ғамура устига осмондан даҳшатли гулдурос-кичқирик билан олтингугурт ёмғири ва оловли тош ёғдирди. Бу иккала шаҳар ва у ерда яшовчиларнинг барчасини ер билан яксон қилиб ташлади. Бирон тирик жон қолмади. Лутнинг хотини Воила эса хоинлиги ва ёнаётган шаҳарга қараш мумкин эмаслиги ҳақидаги тақикни бузганлиги ва қочаётганида орқасига қарагани учун, туз устунга айланиб қолди.

Ҳозир бу динсиз, шаккок, разил қавм яшаган шаҳар ўрнида денгиз пайдо бўлиб, у «Ўлик денгиз», ундаги орол «Лут ороли» деб номланган.

Қуръони каримда зикр қилинган қиссалар ва билдирилган воқеаларнинг кўпи Ўрта Шарқ, Арабистон яриморолли ва Миср атрофларида содир бўлган.

Лут қавми билан алоқадор **Қуръони карим**да келтирилган воқеа, олимларнинг тахминларига кўра, милoddан аввалги 2000—1900-йиллар оралиғида бўлган.

Немис археологи, тадқиқотчи олими Вернер Келлер ўзининг текширишлари натижасига кўра, Лут қавми яшаган Садум ва Ғамура шаҳарларининг ўрни «Сиддим водийси» деб аталувчи водий ва Лут кўлининг пастки учида бўлиб, бир вақтлар бу ерлар улкан ва кенг истиқомат жойлари бўлган, деган хулосага келган.

Ҳозирги олимлар бу минтақада портлашлар, яшинлар ва табиий газларнинг чиқиб кетиши натижасида пайдо бўлган ёнғинлар билан бирга, даҳшатли зилзила бўлган ва ер ёрилиб, Сиддим водийси ҳамда Лут қавмининг шаҳарлари — Садум ва Ғамура ернинг қаърига кўмилиб кетган ва Ўлик денгизнинг тошқин сувлари остида қолган бўлиши керак деб тахмин қиладилар.

Лут кўлида туз таркиби 30 фоиз атрофида бўлиб, бу кўлда балиқ ҳам яшай олмайди, сув ўтлари ҳам ўсмайди. Бу кўлни «Ўлик денгиз» дейилишининг сабаби ҳам шудир. Бу Лут кўли (Ўлик денгиз) Туркиянинг жануби-ғарбидаги худудларда жойлашган.

11- «Худ» сурасининг 82—83-оятларидаги «остин-устин қилиб юбордик» деган калима у жойларнинг кучли зилзила билан яқсон этилганига ишора қилади. Кучли портлашдан эса осмондан пайдар-пай қизиган, оловли «сопол тошлар» ёғилган.

Бу оятлардаги: **«Парвардигорингиз даргоҳида белгилаб қўйилган сопол тошларни пайдар-пай ёғдирдик»** ибораси билан Лут қавмининг бошига юборилган бало очик-равшан билдирилган.

Садум ва Ғамура шаҳарларининг бошига келган фалокат бундан 2000 йил илгари Италиянинг Помпея шаҳри аҳолисига ҳам келган. Рим империясида насл бузилишининг рамзи бўлмиш Помпея шаҳри аҳолиси ҳам, айнан Лут қавми каби, оммавий жинсий бузуқликларга ботгач, оқибати ҳам Лут қавмининг оқибатидек бўлган. Жанубий Италиянинг ҳозирги Неаполь шаҳри яқинидаги Везувий («Ибрат тоғи») вулконининг отилиши натижасида содир бўлган лава ва кул фалокати Помпея шаҳри аҳолисини бир лаҳзада «ушлаган». Фалокат шундай бир оний равишда бўлганки, ҳамма нарса икки минг йил аввалгидек, қандай бўлса, шундайлигича қотиб қолган. Гуё вақт тўхтаб қотиб қолгандек. Везувий лавалари бир онда бутун шаҳарни харитадан ўчириб юборган. Везувий вулконининг даҳшатли портлаши натижасида ҳеч кимса қоча олмаган, гуё сеҳрланиб, фалокатнинг фарқига ҳам бормаган. Овқатланиб ўтирган оилалар, жинсий алоқа қилиб турганлар қандай бўлсалар шундай ҳолларида тошга айланиб қотиб қолганлар. Ҳатто баъзилари юзларида кулги ифодалари билан қотиб қолганлар. Айниқса оммавий жинсий алоқа қилиб турган жинсдошлар, балоғатга етиб-етмаган ўғил ва қиз болалар қандай ҳолда бўлган бўлсалар, шундай ҳолда қотиб қолганликлари жуда даҳшатли манзара кўринишига эга бўлган.

Минглаб инсон ҳеч нарса кўрмасдан ва эшитмасдан рафлатда қолгани, ўлимнинг уларни дарҳол, бир оний лаҳзада ушлагани, дарҳақиқат, ғаройибдир. Бу жиҳат **Қуръони карим**даги қиссаларда келтирилган «бирдан, бир онда йўқ қилиш» ҳақидаги оятларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Помпеянинг **Аллоҳ таоло** томонидан ана шундай даҳшатли тарзда Ер юзидан йўқотилиши бесабаб бўлмаган. Тарихий далиллар шуни кўрсатадики, у ер айш-ишрат ва бузуқликларнинг қоқ маркази бўлган. Шаҳарда фоҳишабозлик, бетартиб жинсий алоқа оммавий тус олган. Фоҳишахона эшикларига ҳатто табиий катталиқдаги сунъий эркаклар зақари осиб қўйилган.

Уларнинг бу чиркин урф-одатлари «митраизм» эътиқоди (христианликнинг муҳолифи)-га бориб тақалади ва улар бу одатга кўра жинсий аъзолари ва жинсий алоқалар яширилмаслиги ва очик-ойдин намоиш этилиши лозим деб ҳисоблаганлар («Илохий муъжизалар». 3-сон, Тошкент, 1996, 48—49-бетлар).

Митраизм Куёш илоҳи Митрага топиниш билан боғлиқ бўлган дин бўлиб, милоддан аввалги (охирги) асрларда Қадимги Ҳиндистон ва Эронда вужудга келган. Милодий I—II асрларда эса Рим империяси ҳамда Олд Осиё худудларига тарқалган. Милодий II асрда Рим императорлари бу динга хомийлик ҳам қилганлар.

Христиан дини митраизмга қарши аёвсиз кураш олиб борган.

Қуръони каримда Лут алайҳиссалом ҳақида ҳам кўпдан-кўп оятлар келган бўлиб, улардан айримлари қуйидагилардир:

«**Лут ҳам, албатта, пайғамбарлардандир!**» (37- «Вас-соффот» сураси, 133-оят).

«**Лутни ҳам (эсланг). Қайсики у қавмига айтган эди: «Сизлар кўриб (билиб) туриб фахш ишларни қиласизларми?!**

Сизлар хотинларингизни қўйиб, шаҳватни эркакларга келтирасизларми?! Ҳа, сизлар жоҳил қавмдирсизлар!» (27- «Намл» сураси, 54—55-оятлар).

«**Лутни (ҳам элчи қилиб юбордик). Ўз қавмига айтди: «Шундай (ёмон) фахш ишни қиласизларми? Сизлардан олдин бутун оламда ҳеч ким уни қилмаган эди.**

Сизлар хотинлар қолиб, шаҳватни (қондириш учун) эркакларга «келасиз»? Ҳа, сизлар исрофгар қавмдирсизлар». (7- «Аъроф» сураси, 80—81- оятлар).

«(Лут) деди: «**Агар (шу ишни) қилувчи бўлсангизлар, ана қизларим! (Ўшаларни никоҳларингизга олаверинглар)**».

(Эй, Муҳаммад), **умрингизга қасамки, улар ўз «мастликларида» тентираб юрар эдилар.**

Тонг пайтида (тўсатдан) уларни даҳшатли кичқириқ тутди.

Бас, Биз у шаҳарни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан (ясалган) тош ёғдирдик». (15- «Ҳижр» сураси, 71—74-оятлар).

«**Сўнг Биз (Лутга) ва унинг аҳлига нажот бердик. Илло, унинг хотини (нажот топмади, чунки) ҳалок бўлувчилардан эканини тақдир қилиб — белгилаб қўйган эдик».** (27- «Намл» сураси, 57-оят).

«**Лутга эса ҳикмат ва илм ато этдик ва уни ифлос ишлар қилувчи қишлоқ (аҳли)дан қутқардик.**

Дарҳақиқат, улар ёмон, бузуқ қавм эдилар. Уни (Лутни) ўз раҳматимизга дохил қилдик. Ҳақиқатан, у солиҳлардандир». (21- «Анбиё» сураси, 74—75-оятлар).

9. Исмоил алайҳиссалом

Исмоил алайҳиссалом ҳақида, азиз суҳбатдошим, Иброҳим алайҳиссалом қиссасида ҳам қисман ҳикоя қилган эдик.

Энди айтиб ўтилмаган баъзи тафсилотларга қисқача тўхталамиз.

Исмоил алайҳиссалом (2094—1957) пайғамбаримиз Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг бобокалонидир. Бу қиссани ҳам билиб қўйиш ҳар бир мўминга фойдадан холи бўлмас.

Исмоил алайҳиссалом Тавротда Измаил тарзида зикр этилган.

Иброҳим алайҳиссаломнинг завжаси Сора 80 ёшларга етиб, фарзанд куришдан умид узгач, мисрлик чўриси, Мағриб шоҳининг қизи, Солиҳ пайғамбарнинг авлоди бўлмиш Ҳожарни эрига хотинликка берди ва: «Зора, ундан фарзанд кўрсангиз», — деди.

Ҳожар ҳомиладор бўлгач, димоғи бироз кутарилади. Кейин Сора: «Агар у фарзанд кўрса, эрим мендан кўра унга кўпроқ муҳаббат кўяди», — деган хаёлда Ҳожарни чиқиш-тирмай қолди. Кейин эри Иброҳимга: «Ҳожарни олиб бориб, бир жойга ташлаб кел», деб жанжал қила бошлади. Шунда **Аллоҳ таоло** Иброҳим алайҳиссаломга оғироёқ Ҳожарни Маккаи мукаррамага олиб боришни амр этди. Унда ҳали Каъбатуллоҳ бино қилинмаган, атроф қақраб ётган чўл эди.

Амри илоҳий билан Ҳожар кимсасиз чўлда сабр этиб, Яратганга шукроналар келтириб

яшай бошлади. Иброҳим алайҳиссалом ҳар замон-ҳар замон Ҳожарнинг аҳволидан хабар олиб турди. Ой-куни етиб Ҳожар фарзанд кўрди. Тавротда келтирилишича, Ҳожар Исмоилни тукқанида Иброҳим алайҳиссалом 86 ёшда бўлган.

Суви тамом бўлгач, Ҳожар боласини бир ерга қўйиб, сув қидириб Сафо билан Марва тепалигига етти марта чиқиб тушди. Куринаётган сув сароб бўлиб чиқаверди. Офтоб тивида қолган чақалоқ иссиқдан тинмай чинқириб йиғлар, икки оёғини қақраб ётган кумга тинимсиз урарди. Шунда Ҳожар **Аллоҳга**: «Исмаъ, йа Илу» (**Худоё**, эшитгил) деб муножот қилди ва шу сабабдан фарзандига ушбу номни берди. **Аллоҳнинг** амри билан Жаброил алайҳиссалом чақалоқнинг товони изидан қанотлари билан тешиб сув чиқарди. Она-бола чанқоқларини қондиришди, тинимсиз отилиб чиқаётган илоҳий сувдан анчагина жой қўлмак бўлиб қолган эди, Ҳожар сувни тўхтатиш учун «Замзам» деди. Арабларнинг қурайш лаҳжасида бу сўз «тўхта» деганидир. Сувнинг отилиб чиқиши секинлашди. Ушандан бери бу булоқ «Оби замзам» дейилади.

Иброҳим алайҳиссалом ўз аёли Ҳожар ва фарзанди Исмоилдан навбатдаги ҳол сўраш учун келганида, тушида **Аллоҳ таоло** 13 ёшга етиб қолган ўғли Исмоилни қурбон қилишга амр этди. Иброҳим алайҳиссалом кўрган тушининг илоҳий ваҳй эканлигини яхши биларди. Шу боисдан **Парвардигорнинг** амрига бўйсуниб, қариган чоғида кўрган фарзандини **Аллоҳ** йўлида қурбон қилишга азму қарор қилди.

Бу воқеанинг тафсилоти Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги қиссада баён қилинди.

Кунлардан бир куни Макка тарафдан Шом вилояти томон арабларнинг журҳум қабиласи катта қарвон билан ўтаётган эди. Барчаси келишиб, сувдан қониб ичишди, Ҳожардан шу ерда қолишларига ижозат сўрашди, бўлажак пайғамбарнинг волидаси ижозат берди. Журҳумийлар яшаб қолишди, ўзларига ватан қуриб олишди; уйлар, бозорлар вужудга келди.

Журҳумийлар ҳар йили йилқи ва подадан ҳамда барча мол-мулкларидан ўндан бирини бу ўғлонга беришларини айтишди. Йил тугаганда 2000 қўй, 3000 туя ва 7000 бош сигир беришди. Ҳожар ва Исмоил жуда бойиб кетишди.

Исмоил вояга етгач, 21 ёшида арабларнинг Журҳум қабиласидан Аммора бинти Саъд ибн Усома деган қизга уйланди ва янги қариндошлардан араб тилини ўрганди.

Исмоил улғайгач овчи бўлди, овга жуда ишқибоз эди. Бир куни Иброҳим алайҳиссалом уни кўргани келди ва Сора Иброҳимга туядан тушмайсан деб онт ичиргани учун, туядан тушмай келинидан Исмоилни сўради. Аммора Исмоилнинг овга кетганини айтди. Қачон келишини сўраганида, келини жуда кўп гапирар экансиз деб, уйга ҳам таклиф қилмай кўрс ва совуқ жавоб берди.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Унга айтиб қўй, бир мўсафид сени кўргани келди ва салом айтди, уйингнинг остонаси ярамас экан, уни бошқасига алмаштирсин», — деди-да қайтиб кетди.

Исмоил келганида хотини унга ҳамма гапни айтиб берди. Исмоил айтди: «У киши отамдир, унинг ҳурматини ўрнига қўймабсан. Уйингни остонасини ўзгартир деганида, сени назарда тутган. Энди сенинг менга ҳожатинг йўқ», — деб талоқ берди.

Бир йилдан кейин Исмоил бошқа бир журҳумий — Ҳарим қабиласи бошлиғининг қизи Шомма бинти Муҳалҳилга уйланди.

Исмоил тез-тез овга чиқиб турар эди. У овга кетганида, отаси уни яна кўргани келди ва келини Шоммадан уни сўради. Келини Иброҳимни танимаса-да: «Исмоил келгунича тушинг, уйга кириш, меҳмон бўлинг», — деди. Иброҳим алайҳиссалом: «Мени туядан тушмасликка онтим бор, туядан туша олмайман», — деди. Келини дарров уйдан айрон олиб чиқиб Иброҳимга ичирди, туядан тушмаган қайинотасининг икки оёғини ҳам ювди.

Иброҳим алайҳиссалом бу келинини кўп дуолар қилди ва айтди: «Исмоил келса айтгин, Иброҳим деган одам сенга кўп салом айтди, энди бу уй остонасини маҳкам тутсин деб айтди, дегин», — деди-да қайтиб кетди.

Исмоил келганида, хотини Шомма ҳамма гапни эрига айтиб берди. Исмоил: «У киши менинг отамдир, у эшик деб сени айтган», деб хотинига чандон меҳр қўйди. Улар биргалликда кўп йиллар роҳат-фароватда умр кўриб ўтишди.

Исмоил алайҳиссалом Ямандаги Амолика қавмига пайғамбар қилиб юборилди, қавми-

ни 50 йил иймонга чақириб юрди. Қаерга борса, толеи баланд, зўр булди. Амолика халқининг иймон келтирмаганларини турган ерларидан қувиб чиқарди.

Олдинги қиссада ҳикоя қилганимиздек, Иброҳим алайҳиссалом Маккаи муқаррамага келиб, Исмоил алайҳиссалом билан дийдор қуришгач, унга **Аллоҳ таоло** бир муҳим вазифа юклаганлигини, у ҳам бўлса, мўминлар **Аллоҳга** ибодат қилишлари учун бир уй қуриш буюрилганини, бу бўлажак уй Байтуллоҳ эканлигини, унинг ўрни шу ердалигини айтди.

Каъба ерида Одам сафийуллоҳ Байт ул-Маъмурни бино қилган эди. Нуҳ тўфони вақтигача одамлар уни зиёрат қилиб турдилар. Тўфон бўлгач, азоб суви тегмасин деб, **Мавло азза ва жалла** ёрлиғи билан ҳазрати Жаброил уни ҳозирги Каъба қаршисига, тўртинчи осмонга кутариб қўйган эди. Ўша уй андозасида Байт ул-Маъмур ўрнида Байтуллоҳ уйини қуриш ҳақида Иброҳим Халилуллоҳга ваҳй келди.

Ота-бола Байтуллоҳ пойдеворини қўйишга киришдилар ва одамлар учун нишона сифатида ҳазрати Жаброил амрига биноан, ўша ерда турган, осмондан тушган «Ҳажар ул-асвад» тошини Каъба бурчагига ўрнатдилар.

Каъба девори одам бўйидан юқори бўлгач, Иброҳим алайҳиссалом каттароқ бир тошни оёғи остига қўйиб, девор қурилишини давом эттирди. Бу тошда **Аллоҳнинг** амри билан Иброҳим алайҳиссаломнинг оёқларининг изи қолди. Бу тош Каъба ёнида турарди. Буюк халифа ҳазрати Умар ибн Абдулазиз даврида (740—743 йиллар) у Каъба деворидан сал берига суриб қўйилди. Ҳозирда бу тош «Мақоми Иброҳим» деб аталади.

Исмоил алайҳиссалом 137 йил умр кўрган (2094—1957) ва Фаластинда вафот этган.

Араб тарихчиларининг фикрича, у Маккаи муқаррамада вафот этган ва онаси Ҳожар ёнига дафн қилинган.

Исмоил алайҳиссалом хотинларидан 12 ўғил кўрди ва улар 12 катта қабилаларга бўлиниб тарқалиб кетдилар, чунончи: 1. Навойўт (Наваиф); 2. Кедор (Кедар); 3. Адбоил (Адбеел); 4. Мибсом (Мивсам); 5. Мишмо (Мишма); 6. Думо (Дума), 7. Массо (Масса); 8. Ҳадод (Ҳадад); 9. Темо (Фема); 10. Ятур (Иетур); 11. Нафиш (Нафиш); 12. Кедмо (Кедма).

Исмоил алайҳиссалом ўғилларининг номи исмоилийларнинг 12 қабиласи ва уларнинг йўлбошчилари, овуллари ва манзилларига ўтган.

Исмоилийлар Ҳавила (Шаркий Арабистондаги бир мамлакат) дегендан то Миср чегараси яқинидаги Оссурия йўлида жойлашган Шур (Сур) чўлигача тарқалиб ўрнашганлар.

Исмоил алайҳиссалом ҳақида 19- «Марям» сурасининг 54—55-оятларида шундай дейилган:

«(Эй Муҳаммад), **Китобда Исмоил** (қиссасини) **ёд этинг! Дарҳақиқат, у ваъдасида содиқ турувчи ва элчи — пайғамбар эди. У уз аҳли** (ва уммати) **ни намоз ва рўзага буюрар эди. У Парвардигори наздида рози бўлинган киши эди».**

10—11. Исҳоқ ва Яъқуб алайҳиссаломлар

Исҳоқ алайҳиссалом тўғрисида ҳам, ёдингизда бўлса, Иброҳим алайҳиссалом ҳақидаги қиссада бироз бўлса-да айтиб ўтган эдик.

Исҳоқ алайҳиссаломдан Бани Исроил халқининг тарихий отаси Яъқуб (Исроил) алайҳиссалом туғилган, бу пайғамбар ҳақида ҳам баъзи бир айтиб ўтилмаган тафсилотлар қуйидагичадир: Тавротда Исҳоқ алайҳиссалом — Исаак, Яъқуб алайҳиссалом эса Иаков, лақаби — Израил тарзида зикр этилган.

Исҳоқ алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг Сора исмли хотинидан милоддан аввалги 2080- йилда туғилган фарзанд бўлиб, Бани Исроил қавмининг барча пайғамбарлари, шу жумладан, Йисо алайҳиссалом ҳам ул муборак зотнинг авлодларидандир.

Сора 90 ёшларга етиб, фарзанд қуришдан умиди узилгач, Жаброил алайҳиссалом бир фаришта билан одам суратида, Лут қавмини ҳалок қилгани келаётиб, Иброҳим алайҳиссалом хонадонига ташриф буюрди ва унга бир хушxabар — хотини Сорадан бир ўғил кўражаги башоратини етказди. Бу сўзни Сора эшитиб қолиб: «Наҳотки, 90 ёшга етган хотиндан ва 100 ёшли эркекдан фарзанд туғилса?!» деб қўлига юборди.

Орадан кўп ўтмай Сора ҳомиладор бўлди ва вақт-соати етиб бир ўғил туғди. Сора эса: «**Худо** мени кулги қилди, энди эшитган барча мени устимдан кулади», деди. Иброҳим ўғлининг отини Исҳоқ, яъни яҳудийча «кулди» қўйди. Чунончи, айти кайфият Иброҳим алайҳиссаломда ҳам бўлган. Шундай қилиб, «Исҳоқ»нинг маъноси яҳудийча «кулги», «кулган»дир.

Исҳоқ алайҳиссалом туғилганда Иброҳим алайҳиссалом 100 ёшда эди ва **Аллоҳ** буюрганидек чақалоқни 8 кунлигида хатна қилди.

Исҳоқ туғилганида Иброҳим алайҳиссаломнинг уйи тепасида, осмонда жуда кўп юлдузлар тўпланди. Иброҳим Худога муножат қилди: «Эй Худовандо, бу қандай аломат?» Нидо келди: «Эй Иброҳим, ўғлинг Исҳоқ авлодларидан кўп пайғамбарлар туеилдилар». Иброҳим алайҳиссалом севиниб Аллоҳга шукроналар айтди ва: «Исҳоққа бу кароматни бердинг, Исмоилга нима берурсан?», деди. Аллоҳдан ёрлик келди: «Эй Иброҳим, Исмоилни менга топширгин, унинг авлодидан Муҳаммад исмли пайғамбари охирзамон вужудга келтираманки, агар у бўлмаса эди, бутун оламни ва юз йигирма тўрт минг пайғамбарларни яратмас эдим, ҳаммаларини унинг шарофатидан яратдим».

Исҳоқ улғайгач, қирқ ёшида Иброҳим алайҳиссаломнинг Бобилдаги Ҳорон шаҳри яқинида яшайдиган укаси Наҳурнинг ўғли бўлмиш Батвил (Вафуил)нинг қизи Рифқо (Ревекка)га уйланди.

Рифқо кўп йиллар фарзанд кўрмади ва ниҳоят, эрининг узлуксиз илтижолари натижасида Исҳоқ алайҳиссалом олтмиш ёшга етганида, яъни милоддан аввалги 2020- йилда у эгизак туғди. Биринчи туғилган боланинг бутун танаси қизғиш ва пўстиндек сержун эди. Шунинг учун унинг исмини Эсов (Исав, яъни «сержун») қўйдилар. Эсовнинг укаси қориндан чиқаётганида акасининг товонини қўли билан ушлаб чиқди, шунинг учун унга Яъқуб (Иаков, яъни «товон ушлаган») деган ном бердилар. Бу сўз айти маҳалда «лақиллатган, хийла билан устун чиққан» маъносини ҳам беради.

Болалар улғайди. Эсов моҳир овчи, дала-дашт одами бўлди. Исҳоқ алайҳиссалом Эсовни, Рифқо эса Яъқубни севарди.

Тавротда ёзилишича, бир кун Яъқуб ясмиқли шавла пиширган эди. Эсов даладан чарчаб келиб, Яъқубга: «Менга ейишга ана шу қизилидан бер. Мен жуда чарчаб ва очиқиб кетдим», деди. Шу сабабли у Эдўм (Едом), яъни «қизил» деган лақаб олди.

Кейин Яъқуб акасида сўраган таоми эвазига ўзининг тўнғичлигини беришини сўради. Эсов қасамёд қилиб, ўзининг тўнғичлигини укасига сотди. Яъқуб эса унга нон ва ясмиқли шавла берди. Эсов еди, ичди, туриб кетди. Шу тариқа, Эсов ўзининг тўнғичлигини хўрлаб ташлади.

Эсов қирқ ёшида ҳетий Беъернинг қизи Яҳудитни (Иегудиф) ва ҳетий Эйлон (Елон)нинг қизи Бўсмат (Васемаф)ни хотинликка олди. Бу келинлар Исҳоқ алайҳиссалом билан Рифқони безор қилиб ташлашди.

Исҳоқ алайҳиссалом қариб, кўзлари жуда хиралашиб қолган чоғда катта ўғли Эсовни ёнига чақириб, ўзининг қариб, ажали яқинлашиб қолганини, дашtdан ов қилиб, гўштидан бир таом тайёрлаб беришини, кейин уни дуо қилажагини айтди.

Исҳоқ алайҳиссалом Эсов билан гаплашаётганда, онаси Рифқо эшитиб турган эди. Эсов овга кетганидан кейин, Рифқо Яъқубга Эсовнинг кийимларини кийгизиб, кўллари ва бўйнининг силлиқ жойларини сўйилган улоқларнинг териси билан қолаб, лаззатли таом тайёрлаб, отасидан дуо олиш учун Исҳоқ алайҳиссаломнинг олдига киргизиб юборди. Пайғамбар уни силаб, кийимларини искаб туриб, дуо қилди. Хуллас, Яъқуб акасининг тўнғичлиги ва дуосини ўғирлади.

Яъқуб эндигина отаси ёнидан чиққанида, акаси Эсов овдан келиб лаззатли таом тайёрлаб отасининг олдига кирди ва дуо қилишини сўради.

Исҳоқ алайҳиссалом ўзини Яъқуб алдаб, макр ишлатиб, акасининг дуосини олиб кетганини тушунди ва Эсовга: «Уканг хийла ишлатиб, сени дуоингни олиб кетди-ку, ахир», деди. Эсов: «Унга Яъқуб деб от қўйишлари бекорга эмас экан-да, икки марта у мени алдади: аввал тўнғичлигимни олди, мана энди дуоимни ҳам олиб кетди!» деди. Сўнг у яна сўради: «Мен учун

бирон дуо қолдирмадингизми?» Исҳоқ алайҳиссалом: «Мен уқангни барчага ва сенга сарвар қилдим, ҳамма биродарларини ҳам унга қул қилиб бердим», деди. Эсов яна отасига: «Ота, наҳотки дуо сизда биттагина бўлса? Ота, мени ҳам дуо қилинг!» деб қаттиқ дод солиб хўнграб йиғлади. Отаси уни дуо қилди-ю, лекин пайғамбарлик дуосини қилмади. Рум халқининг ҳаммаси Эсов уруғидан тарқалгандирлар. (Таврот. «Ибтидо» бўлими, Стокгольм, 1992. 662—667-бетлар).

Из о х: Тавротда келтирилган бу ривоятлар ботилдир, чунки пайғамбарликни ҳеч ким ёлгон ишлатиб қўлга кирита олмайди. Пайғамбарликни Аллоҳ фақат Ўзи суйган, лойиқ кўрган бандасига беради. Бу ривоятларни яҳудийлар тўқиб, кейинчалик Тавротга киритганликлари эҳтимолдан холи эмас.

Шундай қилиб, Исҳоқ алайҳиссаломнинг дуоси билан Исмоил алайҳиссалом ва Муҳаммад алайҳиссаломдан бошқа бўлғуси барча пайғамбарлар Яъқуб алайҳиссалом уруғидан бўлдилар.

Кейин Яъқуб акаси Эсовнинг ўч олишидан кўрқиб, онаси Рифқонинг юрти — Бобилга, тоғаси Арамей (Арамея)нинг ўғли Лобон (Лаван)нинг олдига қочиб кетди.

Исҳоқ алайҳиссалом Эсовни дуо қилаётганида Канъон қизларидан олма, деб буюрган эди, шунинг учун Эсов амакиси Исмоилнинг олдига борди ва хотинлари устига унинг қизи Маҳолат (Махалаф)ни хотинликка олди. Яъқуб эса Беъер-Шева (Вирсавия) шаҳридан жўнаб, Бобилга борди, тоғаваччаси Лобоннинг қизлари опа-сингил Леа — (Лия) ва Роҳила (Рахилья)ни хотин қилиб олди.

Роҳила фарзанд кўрмаганидан кейин чўриси Билха (Валла)ни Яъқубга хотинликка берди. Ундан кейин Леа ҳам туғишдан қолганини билгач, ўз ўрнига чўриси Зилпа (Зелфа)ни Яъқубга хотинликка раво кўрди.

Роҳила **Парвардигорга** тинмай нола қилавергач, **Яратган** нолаларини эшитди, у ҳомиладор бўлди ва бир ўғил туғди. У: «**Худо** менинг шармандалигимни орадан кўтарди, менга яна бошқа ўғил ҳам қўшиб берсин» деб, ўғлининг отини Юсуф қўйди.

Тавротда келтирилишича, Яъқуб қайнотаси ҳузурда хотинлари, бола-чақалари билан кўп йиллар яшади. Кейин тўсатдан ўғиллари билан хотинларини туяларга миндириб, жами чорвасини олдига солиб, бутун орттирган мол-мулкани, Бобилда қўлга киритган бор-будини йиғиштириб Канъон мамлакатига, отаси Исҳоқ ҳузурига, қайнотаси Лобонга панд бериб, алдаб қочиб кетди.

Тавротда, «Ибтидо» бўлимининг 32-бобида, пайғамбар Яъқуб алайҳиссаломнинг **Худо** билан курашуви қиссаси келтирилган.

Бу қиссада келтирилишича, Яъқуб алайҳиссалом акаси Эсов билан учрашгани кета туриб, ҳар эҳтимолга қарши икки хотини билан икки чўрисини ҳамда ўн бир боласини Яббўк (Иавок) дарёсининг кечувидан олиб ўтган. Уларни ўтказиб юбориб, охирида дарё бўйида бир ўзи қолган. Қиссани Тавротда ёзилганидек айнан келтирамиз:

«Охирида якка ўзи қолди ва бир Зот тонг отгунча у билан курашди. У Яъқубни енга олмагач, унинг сон бўғинига урди ва сони бўғинидан чиқиб кетди.

У Зот:

— Мени қўйиб юбор, мана, тонг отди, — деди. Лекин Яъқуб Унга:

— Мени дуо қилмагунингча, Сени қўйиб юбормайман! — деди. Ўша Зот:

— Отинг нима? — деб сўради. У:

— Отим Яъқуб — деди. Ўша Зот:

— Бундан буён сени Яъқуб эмас, балки Исроил дейдилар. Чунки сен Худо ҳамда одамлар билан курашиб, голиб чиқдинг, — деди. Яъқуб:

— Ўтини сўрайман, исмингни айт-чи! — деб илтимос қилди. Лекин У:

— Нима учун Менинг исмингни сўраяпсан? — деди. Сўнг ўша ерда Яъқубни дуо қилди.

Яъқуб эса: «Худони юзма-юз туриб кўрдим, у жонимга аро кирди», деди. Шунинг учун ўша жойни Пануил (Пенуэл, яъни Худо юзи) деб атади. У Пануилдан узоқлашганда, кун ёриша бошлаган эди. Яъқуб сони оғриб, оқсаб юрарди. Шу сабабдан Исроил фарзандлари бугунгача сон бўғинидаги қўймуч пайини емайдилар. Чунки У Зот Яъқубни нақ шу жойига урган эди». («Исроил» сўзи Таврот бўйича «Худо билан курашган» деган маънони англатади.)

Хурматли ўқувчи! Қани, ўзингиз инсоф билан холисанлиллоҳ айтинг-чи, бу соғлом ақлга сиғадиган ишми? Одам **Худо** билан курашган эмиш! Эртак ҳам эви билан айтилса-да! Бу «эртак»ни ёш болалар ҳам ҳазм қилаолмайдилар-ку? Бутун оламларни яратгувчи қудратли **Парвардигор Ўзи** яратган бир бандаси билан курашар эмиш!

Қани бу ерда мантиқ! Қандай қилиб, биз энди **Аллоҳ таолонинг** илоҳий китоблари бўлмиш Таврот ва Инжил ўзгартирилмаган, деб айта оламиз?

«Мен Ўзимнинг юборган пайғамбарим билан тонг отгунча курашиб чиқдим», деган мазмунда оят нозил қилиниши ёки ваҳй юборилиши мумкинми ахир?! Бу қандай гап?! **Аллоҳ** шаънига бу тухмат-ку!

Яна бир ҳолат. Тавротда ёзилишича, Яъқуб, қайнотаси хузуридан қочиб отаси олдига кетаётиб, йўли акаси яшаётган Сеъир дашти дейиладиган Эдўмдан ўтиладиган бўлганлиги учун, акаси Эсовнинг олдига хабарчилар юборди. Хабарчилар бориб келишганидан кейин, Эсовни шу томонга 400 кишиси билан келаётганини эшитиб қўриқиб, юраги зирқираб кетади. У акасидан жуда қўрқар эди. Бўлиб ўтган ишлар учун ўч олиши мумкин, деб хавотирланди. Ўз одамлари билан чорваларини икки манзилга айириб қўяди. Агар Эсов бир манзилга келиб зарба берса, қолган манзилдагилар қутулиб қолар деб ўйлайди.

Қўрқувдан акасининг кўнглини юмшатиш учун олдиндан совғалар юборади: 220 бош эчки, 120 бош совлиқ қўй ва қўчқор, 40 бош сигир, 10 бош новвос, 30 та моча ва ҳанги эшак.

Ҳар бир подани алоҳида қўлларга топшириб, уларга у пода билан бу пода орасида маълум масофа қолдириб юришларини, акам кўришиб: «Булар кимники, қаерга кетяпсизлар?» деб сўраса, «Бандангиз Яъқубникидир, жанобим Эсовга Яъқубнинг юборган ҳадяси дир. Мана унинг ўзи ҳам бизнинг кетимиздан келаётир», деб айтишларини қаттиқ тайинлайди. Айниқса: «Бандангиз Яъқуб орқамиздан келаётир», деб алоҳида таъкидлаб айтинглар», дейди.

Эсов яқинлашиб қолганида, Яъқуб акаси билан бирга ҳақиқатан ҳам 400 киши келаётганини кўрди ва болаларини хотинлари ва чўрилари орасида тақсим қилди. Чўрилар ва уларнинг болаларини олдинга, хотини Леа ва унинг болаларини улардан кейин, Роҳила билан Юсуфни эса энг орқага қўйди. Яъқубнинг ўзи ҳамманинг олдида, акасига яқинлашгунча етти марта ергача эгилиб, эгилиб, таъзим қилиб борди.

Эсов олижаноб одам эди, эски гина-қудратларни унутиб, укасини қаттиқ соғинганидан уни қаршилагани югурди, уни кучоқлаб, бўйнига осилиб, юз-кўзидан ўпди. Улар севинчдан йиғлашдилар.

Хол-аҳвол сўрашганларидан кейин Эсов сўради:

— Мени хузуримга одамларингни олдиндан совға-салом, мол-ҳоллар билан юборишингдан мақсад нима эди?

— Жанобимнинг илтифотига сазовор бўлишим учун юбордим, — деди Яъқуб.

— Эй биродарим, менинг мол-мулким жуда кўп, ўзингники ўзингга бўлсин, — деди Эсов.

Яъқуб: «Йўқ, агар сиз мени илтифотингизга сазовор деб ҳисобласангиз, совғаларимни олинг, марҳамат қилиб уларни қабул қилинг», деди. Яъқуб унга кўп ёлворгач, Эсов совғаларни ноилож қабул қилди ва: «Қани, юрайлик, мен сени олдинда боравераман», деди. Лекин Яъқуб унга: «Жанобим биладиларки, болалар нозик, қўй ва сигирлар эса соғиладиган. Агар уларни бир кунгина қистаб ҳайдасалар бутун чорва ўлиб қолади. Илтимос, жанобим ўз бандасидан илгари бораверсинлар. Мен аста-секин юриб, жанобим ёнига, Сеъирга етиб бораман», деди. Эсов: «Одамларимдан бир нечтасини сенинг измингга топширайин», деди. Лекин Яъқуб: «Нима кераги бор, жанобим мени илтифотларига сазовор ҳисобласалар, бас», деди.

Шундай қилиб, Эсов ўша куни ўз йўлига, Сеъирга равона бўлди. Яъқуб эса яна уни алдаб Суккот (Сокхоф)га қараб бўрилиб кетди. Кейин Канъон мамлакатадаги Шакам шаҳрига келиб, шаҳарнинг рўпарасида манзил қурди ва ўрнашган ерини Ҳаммўр (Еммор) ўғилларидан сотиб олди.

Кунлардан бир куни ўша ернинг амири Ҳиввий (Евевя) Ҳаммўрнинг ўғли Шакам Яъқубнинг қизи Динани яхши кўриб қолиб, уни ушлаб, зўрлади. Кейин Ҳаммўр Яъқуб билан сўзлашиб, қизини ўғлига хотинликка сўради. «Бир-биримиз билан қуда-андачилик қилайлик, сиз қизларингизни бизларга берингизлар, бизнинг қизларимизни ўзингизга олинглар.

Бизлар билан яшайсизлар, бу ер сизларнинг ихтиёрингизда бўлади. Бу ерда яшаб, савдотик қиласизлар, ер-сув эгаси бўласизлар», деди. Бу ишдан ғазабланган Яъқубнинг ўғиллари айёрлик билан жавоб бердилар, уларга: «Биз синглизми хатна бўлмаган одамга бера олмаймиз, башарти, ҳар бир эркагингиз бизлардек хатна қилинса, биз бунга рози бўламиз», дейишди. Уларнинг бу гаплари Ҳаммўр билан ўғли Шакамга маъқул тушди ва шаҳардаги ҳамма эркаклар, йўлбошчиларининг сўзига қулоқ солиб, хатна бўлдилар.

Эртаси куни барча эркаклар оғриб ётганларида, Динанинг номуси топталганидан ғазабларидан тушмаган акалари Шимъун ва Ловий қуролланиб олишди-да, тинч шаҳарга ногаҳон ҳужум қилиб, барча эркакларни ўлдирдилар. Ҳаммўрни ва унинг ўғли Шакамни ҳам тифдан ўтказиб, шаҳарни талон-торож қилиб ташладилар. Шаҳарликларнинг бутун бойлигини талаб, аёлларни бола-чақалари билан асир айлаб, уйларидаги бор-йўғини ўлжа қилиб олиб кетдилар.

Шундай қилиб, Яъқуб ва унинг қавми Канъон еридаги Луз шаҳрига етиб келдилар.

Бобилдан қайтиб келганидан кейин, Тавротда ёзилишича, **Худованд** Яъқубга яна бир бор зоҳир бўлди. **Худованд** уни муборакбод қилиб: «Сенинг отинг Яъқуб бўлса-да, бундан кейин сени Яъқуб дейишмайди; сенинг исминг Исроил бўлади», деб илгари айтганидек, унга Исроил деб лақаб қўйди. **Худованд** унга яна: «Мен Иброҳимга ва Исҳоққа берган бу ерни сенга ва сендан кейинги зурриётингга бераман», деди. Шундан кейин унинг барча авлодлари Бани Исроил — Исроил авлодлари деб аталди.

Яъқуб хонадони Байтилдан жўнаб, йўл босар эдилар. Яъқубнинг хотини Роҳила йўлда келаётганларида туғаётган чоғида ўлди. Роҳила ўлаётиб, туғилган ўғлини Бен Ўни (Бенони, яъни «шумоёқ») деб атади. Аммо отаси унинг исмини Ибн Ямин (Бенямин, яъни «ўнг қўлим») деб қўйди.

Мархумани Эфрат (Ефраф), яъни Байтлахм (Вифлеем) йўлида дафн этишди. Кейин Адир Минора (Гадер) деган жойнинг нариги томонида чодир қурди. Исроил (Яъқуб) у юртда ўрнашганидан кейин, ўғли Рубен бориб, отасининг чўри хотини — Билха билан ётди. Исроил буни эшитиб, у ўғлидан кўнгли қолди. Ана шундай тайин-таъсирсиз беъмани гаплар Тавротга киритилган...

Исроил (Яъқуб)нинг 12 ўғли ва қизи бор эди:

Леа тукқан ўғиллар: Яъқубнинг тўнғичи Рубен, кейин Шимъун, Ловий, Яҳудо, Иссохор, Завулун ва қизи — Дина.

Роҳила тукқан ўғиллар: Юсуф ва Ибн Ямин.

Роҳиланинг чўриси Билха тукқан ўғиллар: Дан ва Нафтоли.

Леанинг чўриси Зилпа тукқан ўғиллар: Гад ва Ошер.

Ер юзидаги барча яҳудийлар — Бани Исроил (Исроил ўғиллари) Яъқуб алайҳиссаломнинг шу 12 фарзандидан тарқалгандирлар.

Исроил отаси Исҳоқнинг олдига — Исҳоқ ҳам, Иброҳим ҳам мусофир бўлиб яшаган Қарят-Арбаа, яъни Хебрўн шаҳри яқинидаги Мамре деган жойга борди.

Исҳоқ алайҳиссалом милоддан аввалги 2080- йилда туғилиб, 1900- йилда жами 180 йил умр кўриб, вафот этди. У тўкин-сочинликда яшади ва кексайиб оламдан ўтди. Уни ўғиллари Эсов ва Яъқуб кўмишди. Ривоят қилинишича, Исҳоқ алайҳиссалом Хеврон (Хабрун) шаҳрида дафн этилган.

Яъқуб алайҳиссалом эса, милоддан аввалги 2020- йилда туғилиб, отасидан кейин яна 27 йил яшаб, 1873- йилда 147 ёшида вафот этган.

Эдўм халқининг отаси Эсовнинг хотинлари ҳетий Ада, ҳиввий Аҳолибама (Оливем) ва Исмоил алайҳиссаломнинг қизи Бўсмаат эди. Ада ва Бўсмаат биттадан иккита, Аҳолибама уч ўғил туғишди ва Эсов Эдўмнинг Сеъир тоғлигида ўрнашиб қолди. Эдўм қабилаларининг ҳаммасига Эсов ўғиллари йўлбошчи бўлганлар.

Эдўмнинг туб аҳолиси Ҳўрий (Хорейнин) Сеъирнинг етти ўғлидан пайдо бўлиб, шу етти ўғил етти қабиллага йўлбошчилик қилганлар. Ҳўрий қабилаларининг номлари ўз йўлбошчиларининг номларидан олинган, чунончи: Лутон (Лотан), Шўвал (Шовал), Сивъун (Цивеон), Оно (Ана), Дишўн (Дишон), Эсар (Эцер) ва Дишан.

Эсовдан келиб чиққан Эдум қабилалари, жумладан: Тимна (Фимна), Алва, Ятет (Иетэф),* Аҳолибама (Оливема), Эло (Эла), Пинун (Пинон), Қаноз (Кеназ), Теман (Феман), Мибсор (Мивсар), Магдиэл ва Ирам бўлиб, бу қабилалар уз йўлбошчиларининг номларини олиб, ҳар бири ўзининг яшаш ерига эга бўлган. Ҳаммаси Эдум халқининг отаси Эсовдан келиб чиққанлар.

«Қисаси Рабғузий»да ёзилишича, Яъқуб пайғамбарнинг Исроил деб аталиши «иср» сўзи (маъноси «асир, тутқун»)га бориб тақалади, яъни у бир маҳаллари шайтонни асир қилиб олгани учун Исроил деб аталган экан. Яъқуб алайҳиссалом Байт ул-Муқаддасда хизмат қилиб юрган вақтларида, шайтон пайғамбар ёққан чироқларни ўчириб кетар экан. Бир куни тунда Яъқуб алайҳиссалом уни пойлаб ётган ва шайтон кечаси келиб чироқларни ўчираётган вақтида уни қўлга туширган ва бир тирговучга занжир билан боғлаб қўйган, яъни асир олган экан. Исроил сўзининг иккинчи маъноси **Тангри** қули демакдир, дейилган.

Қадимги иброний, яъни еврей сўзининг келиб чиқиши Нух алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Сомнинг авлоди бўлган Ибр (Евер) номи билан боғлиқ. У, яъни Ибр, Шалоҳ (Сала)-нинг ўғли, у эса Арпахшоднинг, у Сомнинг, Сом эса Нух алайҳиссаломнинг ўғлидир. Демак, Ибр Нух алайҳиссаломнинг чевараси бўлган экан. Тавротда келтирилган шажарада Иброҳим (Авраам) алайҳиссалом ҳам ана шу Ибрнинг авлоди эканлиги кўрсатилган.

Ҳозирги яҳудийлар — Бани Исроил қавми уша қадимги Ибр (Евер)нинг авлодларидир. Шунинг учун улар қадимдан ибронийлар — еврейлар, яъни Ибр, Евер авлодлари дейилган.

Яҳудий сўзи эса, Иброҳим алайҳиссаломнинг невараси — Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломнинг тўртинчи ўғли Яхудо (Иуда) номидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам бу халқ Бани Исроил, яъни Исроил авлодлари ёки Яхудо авлодлари — яҳудийлар (иудейлар) деб аталганлар.

Ҳа, Бани Исроил, яҳудийларнинг тарихий шажараси шундай бўлган экан.

12. Юсуф алайҳиссалом

Юсуф алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн биринчи ўғли, Исҳоқ алайҳиссаломнинг невараси, Иброҳим алайҳиссаломнинг эварасидир. Ҳазратнинг Тавротдаги номи — Иосиф. Унга 12 ёшида пайғамбарлик келган. Тахминан, милоддан аввалги 1934-йили Фаластинда туғилиб, 1824-йили 110 ёшида Мисрда вафот этган.

Юсуф алайҳиссаломнинг онаси Роҳила, бувиси Рифқонинг акаси бўлмиш Батуилнинг ўғли Лобоннинг қизи эди. Юсуф қадимий ибронийча сўз бўлиб, «оширилган, кўпайтирилган, қобилиятли, фазилатли» деган маъноларни билдиради.

Роҳила атиги икки ўғил туққан. Булар: Юсуф ва Ибн Ямин (Бенямин). Ибн Ямин Юсуфнинг туғишган укаси, Яъқубнинг ўн иккинчи, кенжа ўғли эди. Роҳила, юқорида айтганимиздек, Ибн Яминни йўлда, Байтилга кетаётган чоғларида туғаётиб қазо қилган ва Яъқуб алайҳиссалом марҳумани Эфрат (Ефраф), яъни Байтлахм йўлида дафн этган эди.

Яъқуб алайҳиссалом қариган чоғида кўрган ўғли Юсуфни бағоят севар, уни қаттиқ авайлаб, эъозлаб юрар эди. Юсуф ниҳоят даражада келишган, чиройли, гузал йигит бўлиб ўсди, унинг жамолидан ҳамма тонг қотиб қолар, қараган одам кўзини ундан узолмас эди. Ривоятда айтилишича, **Тангри таоло** кўркни барчага тақсим қилганида юздан тўқсон тўққизини Момо Ҳаввога, қолган бир улушини яна ўн улушга бўлиб, тўққизини Юсуфга, бир улушини эса қолган одамларга берган экан.

Жаноби пайғамбаримиз Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтганларки: *«Кимки ўн турли балоларга йўлиқса, қўйидаги ўн сурани ўқисин, яъниким, наҳс мендан кетсин деса, «Алҳамду» сурасини ўқисин, ким ўерилардан қутулай деса «Сурат ул-Бақара»ни ўқисин, ким қарздан қутулай деса, «Оли Имрон» сурасини ўқисин, ким қайеу, еам, ташвиш кўнглимдан кетсин деса, «Сурат ул-Анъом»ни ўқисин, ким нифоқ кўнглимдан чиқсин деса, «Сурат ул-Анфол»ни ўқисин, ким газабим кетсин деса, «Сурат вал-Аср»ни ўқисин, ким менга қайеу ҳаром бўлсин деса, «Аълам нашраҳ» («Шарҳ») сурасини ўқисин, ким куйфр ва*

Худога ширк келтириш мендан кетсин деса, «Сурат ул-Ихлос»ни ўқисин, ким сеҳр-жодудан омон бўлишни истаса, «Фалақ» ва «Ан-нос» сурасини ўқисин, ким бу ўн турли қайғу мендан кетсин деса, «Юсуф» сурасини ўқисин. Чунки ҳамма балоларга радди бало Юсуф қўссасида бор» («Қисаси Рабғузий», 1-жилд, 100-бет).

Яъқуб алайҳиссалом ҳамма ўғилларидан ҳам Юсуфни кўпроқ севгани учун унга алоҳида чиройли йўл-йўл беқасам тўн кийдириб қўйди. Юсуфнинг акалари эса оталари уни ўзларидан кўпроқ севганини билиб, Юсуфни ёмон кўриб қолдилар, ғайирликлари келди.

Юсуф ўн икки яшар бўлиб қолганида, бир туш кўриб, акаларига айтиб берди. «Тушимда бизлар экинзорда буғдойларни ғарам қилиб боғлаётган эканмиз. Қарасам, менинг боғлаган ғарамим ердан кутарилиб, тик турган экан, сизлар боғлаган ғарамларингиз эса давра олиб, мени ғарамларимга таъзим қилаётган эмиш». Юсуфнинг акалари унга: «Наҳотки, сен бизнинг устимиздан подшоҳ ёки ҳукмрон бўлмоқчисан?» дейишди. Қўрган туши ва айтганлари туфайли уни янада ёмон кўриб қолдилар.

Кейин Юсуф яна бошқа бир туш кўрди. Уни ҳам акаларига хикоя қилиб берди: «Мен яна туш кўрдим. Тушимда қуёш ва ой ҳамда ўн бир юлдуз менга таъзим қилаётган экан». Юсуф бу тушини отасига ҳам айтиб берганиди, отаси уни қойиб: «Бу қўрган тушинг қандай туш экан? Наҳотки мен, онанг ва акаларинг сенинг оёқларингга йиқилиб таъзим қилсак?» деди. Лекин Яъқуб алайҳиссаломни бу гаплар ўйлатиб қўйди ва Юсуфга бу тушини бошқа ҳеч кимга айтиб юрмасликни тайинлади.

Акаларининг Юсуфга ҳасади тобора ортиб борарди: «Кўрмайсизларми, Роҳиланинг ўғли борган сари ҳаддидан ошиб, отамизга яхши кўриниш учун ҳаракат қилаётир», дейишарди бир-бирларига. Ўғай акалари оталарининг Юсуф ва унинг туғишган укаси Ибн Яминни ўзларидан кўра кўпроқ яхши кўришига ҳасад қилар ва қандай қилиб бўлса-да Юсуфдан қутулиш йўлини излар эдилар. Улар Юсуфдан қутулсак, отамиз бизлардан бошқа ҳеч кимга муҳаббат қўймайди деган фикрда эдилар.

Кўнларнинг бирида Юсуфнинг акалари подаларини боқиш учун Шакамга кетишган эди. Яъқуб алайҳиссалом Юсуфни акаларидан хабар олиб келиш учун юборади. Юсуф Хебрўн водийсидан жўнаб, акаларини Дўтан (Дофан)дан топди.

Акалари ўзларининг машъум ниятларини амалга оширмоқчи бўлиб, Юсуфнинг кийимларини бутунлай ечиб олиб, ичида суви йўқ бир қудуққа ташлаб юбордилар ва у ердан жўнаб кетдилар. Кейин бир жойга бориб овқатланиб утиришганларида узоқдан бир қарвон кўринди, шунда улар Юсуфни шу қарвондагиларга сотиб юбора қолайлик, бекорга олиб кетмасин деб, яна у ерга қайтиб келишиб, Юсуфни қудуқдан чиқариб олишди.

Шундай қилиб, улар милоддан аввалги 1921- йилда 13 яшар Юсуфни Мадён (Мадиям) дан келаётган исмоилий савдогарлар қарвонбошиси Молик ибн Заъфарон (Молик Заър)га арзон баҳога, бор-йўғи 20 тангага қул қилиб сотиб юбордилар. **Қуръони карим**нинг «Юсуф» сураси 19—20- оятларида Юсуфни сув қидириб келган ўткинчи қарвон савдогарлари қудуқдан тортиб олган дейилган. Тавротнинг «Ибтидо» бўлими, 37-бобида айтилишича, Юсуфни акалари аввал қудуққа ташлашади, сўнгра келаётган қарвонни кўриб қолишиб, уни қудуқдан тортиб чиқарадилар ва исмоилийлар қарвонбошисига 20 кумуш тангага сотиб юборадилар. Қарвонбоши эса Мисрда Юсуфни Фиръавннинг сарой маъмури ва соқчилар бошлиғи Путифар (Потифар)га сотади. Бу шахс **Қуръон**нинг «Юсуф» сураси 21-оятида Миср шахрининг ҳокими Қитфийр деб аталган. Носириддин Рабғузий эса уни Азизи Миср (Миср азизи) деб тилга олган.

Кейин Юсуфнинг акалари унинг беқасам тўнини янги сўйилган қўй (ёки така) қонига ботириб олиб, Яъқуб алайҳиссаломга кўрсатадилар ва Юсуфни биронта йиртқич бўри еб кетган бўлса керак, деб айтадилар (**Қуръон**нинг «Юсуф» сураси 18-оятида Юсуфнинг тўнини қўй қонига, Тавротнинг «Ибтидо» бўлими 37-бобида така қонига ботириб олдилар деб айтилган).

Ривоятларда келтирилишича, Юсуф айлаҳиссаломнинг бундай арзимас баҳога сотилишида ҳам бир ҳикмат бўлганки, Юсуф алайҳиссалом бир қуни ойнага қараб ўзининг хусн-жамолини кўриб: «Мен агар қул бўлсам, ҳеч ким менинг баҳойимга ета олмас эди», деган экан.

Унинг бу ўзига бино қўйиши, ўзининг арзон гаровга сотилиб кетилишига сабабчи

бўлди ва у **Тангри таоло** томонидан ўзининг бу кибр-ҳавоси туфайли қуллик балосига гирифтор қилиниб огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, Юсуф алайҳиссалом болалигида тенгқурлари билан ўйнаб юрганида: «Агар болалар билан урушиб қолсам, менинг ўн бир паҳлавон акаларим ёнимга тушадилар», — деб акаларига ишониб эътимод қўйган. Натижада **Тангри таоло** акаларини ўзига душман қилиб, уни қул қилиб сотиб юборишлари орқали яккаю ягона **Парвардигордан** бошқага ишониб эътимод қўйиб бўлмаслигини билдириб огоҳлантирган.

Келтирилган бу икки ибрат ҳар бир киши ўзига бино қўйишини, кибр-ҳавога берилиб, **Аллоҳдан** бошқага ишониб, орқа қилиб паноҳ тутишини **Аллоҳ** ёқтирмаслигини эсда тутишга ундайди.

Сўзимизнинг давомига келсак, Яъқуб алайҳиссалом ўғилларини Юсуфга суиқасд қилишганини сезса-да, сабр қилишдан ўзга чора йўқлигини билиб, аламини ичига ютишга мажбур бўлди ва ўғли учун анча вақт мотам тутиб юрди.

Ўғил-қизлари пайғамбарга тасалли берсалар-да, аммо у овунишни рад этар ва: «Мен мотамли бўлиб ўғлимнинг ёнига, ўлиқлар диёрига бораман», — дерди. Яъқуб алайҳиссалом суюкли ўғлининг ҳасратида жуда кўп фарёд чекиб юрди.

Шундай қилиб, Юсуф шоҳнинг аъёни Қитфийр хонадонида яшаб юради. **Тангри таоло** доим Юсуфни ўз ҳимоясида тутди. Юсуф қул урган ҳар қандай ишга **Аллоҳ таоло** доим омад ва барака берар эди. Юсуф ўзининг ақли ва донолиги, поклиги ва ҳалоллиги, тадбиркоркорлиги, ишбилармонлиги, хушмуомаласи ва шафоатпешалиги билан, муҳими, **Тангри таоло**нинг хоҳиши билан хўжайини Қитфийрнинг яқин шахсий ходими бўлиб қолди. Қитфийр уни ўз хонадони устидан гумашта этиб тайинлаб, бор-будини Юсуфнинг ихтиёрига топширди. **Аллоҳнинг** инояти билан Қитфийрнинг хонадони борган сари қут-баракали бўлди.

Аллоҳ таоло Юсуфни шунчалик чиройли суратда яратган эдики, уни кўрган кимса, хусусан аёллар бир зумда мафтун бўлиб қолишарди. Хабарда айтилишича, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Меърож тунисида шундай ёрлиқ келган: «Эй Муҳаммад, жаннатдаги ҳурларнинг кўркини дунёда икки кишига бердим. Бири онанг Ҳавво, иккинчиси Юсуфи Сиддикдир». Юсуф уйдан чиқса, ой-куннинг нури қолмас эди. Шунда олам халқи Юсуф ташқарига чиқибди дейишар эди. Ким Юсуфга боқса, кўзгуда кўргандек ўзининг юзини кўрар эди. Қачон таом еса, таом бўғизидан ўтгунча кўриниб турар, қоронғу тун эса ёруғ бўлиб қолар эди. Унга кўзи тушган киши Юсуф алайҳиссалом одам фарзанди эмас, балки фариштадир деган гумонга борарди.

Юсуф пайғамбарнинг жисмидан таралган хушбўй исни отаси Яъқуб алайҳиссалом 3 кунлик йўлдан туриб ҳам билар эди.

Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусн-жамоли ниҳоятда беқиёс, бемисл бўлиб, у ҳозиргача инсониятнинг гўзаллик тимсоли, рамзи ҳисобланади.

Аллоҳ таоло ато этган улуғ неъмат — беназир чирой Юсуф алайҳиссаломнинг кўп азиятлар, машаққатлар чекишига сабаб бўлади.

Юсуфни сотиб олган Қитфийр уни хотини Зулайҳо (Зелека)га топшириб, яхши қарашни, парваришлаб тотли емишлар, чиройли кийимлар беришни тайинлайди. Зулайҳо уни ювиб-тараб парваришлаб вояга етказди. Зулайҳо туғмас хотин бўлиб, бениҳоя гўзал, келишган аёл эди. Уни ўз фарзандидек авайлаб, эъзозлаб ўстиради (Юсуф Қитфийрнинг уйига келганида 13 ёшда бўлган).

Юсуф вояга етгач, Зулайҳо уни қаттиқ севиб қолади. Ишқ алангасидан боши айланиб, кўзи тиниб ўзини йўқотаёзган, сабр-тоқати битган Зулайҳо кунлардан бир куни уни хиёнат кўчасига киришга ундайди. Лекин Юсуф **Аллоҳ таолодан** кўрқинини айтиб хожаси Қитфийрга хиёнат қилишдан қатъиян бош тортади.

Аллоҳ таоло келажакда улуғ мақом бўлмиш пайғамбарлик мартабасига лойиқ деб ирода этган бандаси Юсуфни бундай хиёнат йўлидан **Ўзи** сақлайди.

Хабарда келтирилишича, Зулайҳони ўзининг қули Юсуф билан зино қилмоқчи бўлгани Миср улуғларининг хотинлари қулоғига етиб боради ва улар Зулайҳони айблаб маломат қила бошлайдилар. Шу сабабли у, бу ғийбатнинг олдини олиш учун, ўз уйида катта

зиёфат уюштириб қирқ хотинни, шу жумладан, ўша олти Миср киборларининг хотинларини ҳам меҳмонга чақиради.

Зулайҳо олти кибор аёлларни ўзининг кули бўлмиш Юсуф ҳузурига, бир чодирга олиб кириб уларга уни таништиради. Хотинлардан бири: «Во ажабо, бу башар фарзанди эмас, фариштанинг ўзи-ку!» деб юборади. Кейин Зулайҳо уларнинг ҳар бирига биттадан уткир, кескир пичоқ бериб, олдиларидаги гўшт ва қовунларни кесиб, тўғраб беришларини илтимос қилади. Ким тез ҳаракат қилиб кўп гўшт ва қовун тўғраса, ўшанга катта мукофот беришини айтиб, улар ўртасида мусобақа уюштиради.

Шунда ажиб бир ходиса рўй беради. Кучли, эҳтиросли шахват ўз ишини қилади. Хотинлар Юсуфнинг жамолига термулган ва ундан кўзларини ололмаган ҳолда ўша тўғраётганлари билан бирга бармоқларини ҳам тўғраб юборадилар ва кийимлари, дастурхон қонга беланади. Юсуфнинг жамоли азбаройи уларни беҳуш қилиб юборганидан, кесилган бармоқларини оғриғи ҳам ўзларига сезилмайди ва уларнинг ҳар бири беихтиёр Юсуфни ўз ёнларига чорлай бошлайдилар.

Шунда Зулайҳо уларга кулиб: «Кўрдингизми, сизлар уни бир кўришда эс-хушларингдан айрилдинглар, мен эса уни ҳар куни кўриб туриб бунга қандай чидайин», деб бу иш унинг иродасидан ташқари, ўзига боғлиқ бўлмаган беихтиёр иш эканлигини айтади. Натижада хотинлар Зулайҳонинг ҳолини тушунадилар ва уни ғийбат қилишдан тўхтайдилар. («Қисаси Рабғузий», 1-жилд, 129—132-бетлар). Бу воқеага *Қуръон*нинг 12- «Юсуф» сураси 30—52-оятларида ҳам ишора қилинган.

Шундай қилиб, сўзимиз давомига келсак, Зулайҳо мақсадига эриша олмагач, Юсуфга тухмат қилиб, уни зиндонга ташлаттиришга муваффақ бўлади. Юсуфни зино қилишга ҳаракат қилишда айблаб, зиндонга ташлайдилар. Лекин Юсуф зиндонда ҳам **Тангри таолонинг** эътиборида бўлади. Юсуф зиндон бошлиғининг кўнглини топади. Зиндон бошлиғи қамоқдаги барча маҳбусларни Юсуфнинг қарамоғига беради, у ердаги ҳамма ишларни Юсуф идора қилар эди.

Зиндонда Юсуф билан бирга Миср подшоҳи Фиръавн Райён бинни-л-Валиднинг икки хизматчиси — соқийси ва новвойи бор эди. Улар Фиръавнга қарши хиёнатда айбланиб, зиндонга ташлангандилар.

Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломга туш таъбирини аниқ айта олиш қобилиятини ато этган эди. Бир куни Юсуфнинг бу икки шериги туш кўришиб, бу тушларининг таъбирини Юсуф алайҳиссаломдан сўрадилар.

Юсуф алайҳиссалом туш таъбирини баён қилиш ғайб ишлардан эканлигини, буни фақат **Аллоҳ**нинг инояти билангина хабар бериш қобилияти ўзида бор эканлигини тушунтириб, маҳбуслар кўрган тушларининг таъбирини айтиб беради.

Юсуф алайҳиссаломнинг таъбири бўйича, тез кунда **Аллоҳ**нинг иродаси билан бу икки йигит зиндондан чиқадилар ва соқий оқланиб ўз ўрнига тайинланади, новвой эса қатл қилинади. Хуллас, Юсуф алайҳиссаломнинг туш таъбири тўғри чиқади.

Орадан икки йил ўтади. Кунлардан бир куни Фиръавн бир туш кўради, унинг таъбирини барча аъёнлари ва таъбирчиларидан сўрайди. Йиғилганлардан бирортаси ҳам ҳукмдорнинг туши таъбирини айтиб бера олмайди. Шунда зиндонда ўтириб чиққан Фиръавннинг соқийси ҳукмдорнинг олдига келиб, зиндонда Юсуф исмли бир муаббир (туш таъбирчиси) ётганлигини, унинг таъбири жуда аниқ бўлишини сўзлайди.

Юсуф алайҳиссаломни Фиръавн ҳузурига келтирадилар. Ҳукмдор кўрган тушини сўзлайди: «Мен тушимда Нил дарёси бўйида турган эканман. Шунда дарёдан семиз ва келишган етти сигир чиқиб, ўтзорда ўтлаб юришар эди, уларнинг кетидан хунук, ориқ бадбашара бошқа етти сигир чиқди. Ёмон, ориқ сигирлар аввалги семиз сигирларни еб юборди. Семиз сигирлар уларнинг қорнига кирган бўлса-да, борлиги билинмас эди. Уларнинг кўриниши аввалгидек ёмон эди. Шундан сўнг мен уйғониб кетдим.

Кейинги тушимда, мен битта пояда ўсиб чиққан еттита тулик ва яхши бошоқни кўрдим. Уларнинг кетидан ингичка, қовжираган, қуруқ еттита бошоқ ўсиб чиқди. Ингичка бошоқлар эса еттита тулик бошоқни ютиб юборди. Бу кўрган икки тушимнинг таъбирини

ҳеч ким айтиб беролмади».

Юсуф алайҳиссалом Фиръавнга деди: «Тушларингизнинг иккалови ҳам бир хил. **Худо** қилмоқчи бўлган ишларини сизга билдирибди. Етти бош яхши сигир — етти йил, еттита яхши бошоқ ҳам — етти йил. Уларнинг маъноси бир. Улардан чиққан етти бош ёмон ва ориқ сигир эса — яна етти йил, шунингдек, ориқ ва қовжираган етти бошоқ ҳам ўша маънода, яъни етти қаҳатчилик йилини билдиради. Бутун Миср мамлакатида етти йил буюк фаровонлик бўлади. Ундан сўнг етти йил қаҳатчилик келади. Мисрни хароб қиладиган бу очарчилик оғирлигидан мамлакат кўрган аввалги фаровонлик даври бутунлай эсдан чиқиб кетади. Бўладиган қаҳатчилик шунчалик оғир кечадики, мамлакатда ҳеч фаровонлик бўлмагандай туюлади. Тушингизнинг икки марта бир хил такрор намоён бўлиши эса бу ишни **Худо** кечиктирмай амалга оширишидан далолат беради. Шунинг учун менинг Фиръавн жаноби олийларига маслаҳатим шуки, кечиктирмай бир ақлли ва доно одамни бутун Миср ўлкасига раҳбар қилиб қўйсинлар, токи у фаровонлик йилларида етиштирилган ҳосилнинг бешдан бир қисмини Фиръавн омборларида захира сифатида сақлаб қўйсин. Бу Миср бошига келадиган етти йиллик қаҳатчилик даврида бутун аҳоли қирилиб кетмаслиги учун озиқ-овқат бўлади ва бу иш учун мен хизматингизга тайёрман».

Бу таъбир Фиръавнни ўйлантириб қўйди ва Юсуф алайҳиссаломга буюрди: «**Худо** буларнинг ҳаммасини сенга аён қилган экан, сендан ақллироқ ва доно одам йўқ. Сени хонадоним ва бутун мамлакат устидан раис қилиб тайинлайман, бутун халқим сенинг амрингга қараб иш тутади. Мен фақат тахтим билангина сендан катта бўламан. Сени бутун Миср юрти устидан бошлиқ қилиб тайинладим», — деб узугини бармоғидан чиқариб, Юсуфнинг бармоғига тақиб қўйди. Бу вақтда шаҳар ҳокими Қитфийр ўлган эди. Фиръавн Юсуф алайҳиссаломни ўзига вазир этиб тайинлаб, Зулайҳони унга никоҳлаб берди. Маълум бўлишича, Зулайҳо ҳали-ҳануз бокира экан. **Аллоҳ** уларга икки фарзанд ато этди.

Юсуф алайҳиссалом ўз таъбирида баён қилганидек, мамлакатда етти йил кетма-кет серҳосил йил бўлади. Юсуфнинг фармойиши билан йиғилган барча ҳосилнинг бешдан бир қисми хазинага йиғиб қўйилади. Саккизинчи йилдан бошлаб кетма-кет етти йил қурғоқчилик юз беради. Очарчилик бошланди. Юсуф алайҳиссалом ортиқча буғдойни бошоғи билан сақлатиб қўйганлиги учун, Миср аҳолиси очарчиликдан омон қолади.

Юсуф алайҳиссаломнинг асл ватани Фаластинда ҳам очарчилик бошланиб, унинг ўғай акалари буғдой истаб Мисрга келадилар. Улар Юсуф алайҳиссаломга мурожаат этишади, аммо уни танимайдилар. Юсуф алайҳиссалом эса уларни бир кўрганидаёқ таниб, эҳтиром кўрсатади. Ўзини уларга танитмай улардан кейинги келишларида укалари Ибн Яминни ҳам олиб келишларини илтимос қилади.

Юсуф алайҳиссалом Фиръавн ҳузурида турганида 30 ёшда эди ва Фиръавн Ўн шаҳрининг (Юқори Мисрдаги коҳинлар шаҳри Гелиополнинг қибтча номи) коҳини Путиферонинг қизи Ўснат (Асенеф)ни ҳам унга хотинликка олиб беради. Қаҳатчилик бошланишидан аввал хотини унга икки ўғил туҳфа қилади. Юсуф алайҳиссалом тўнғичининг отини Манаше (Манассия), иккинчи ўғлининг отини Эфраим (Ефрем) қўйди.

Қаҳатчилик энди бутун Ер юзида давом этар эди. Юсуф алайҳиссалом барча омборларини очиб, халойиққа ғалла сотарди.

Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари ўзларига етарли ғаллани олишиб, оталари ҳузурига қайтиб келгач, Фиръавннинг вазири уларни эҳтиром билан қабул қилганини, кейинги сафар укалари Ибн Яминни ҳам олиб келишларини тайинлаб юборганини айтишади. Яъқуб алайҳиссалом ўғли Юсуф йўқ бўлиб кетгани боис, ўғилларига ишонмас, Ибн Яминни кўз қорачиғидек авайлаб-асрар эди. Ўғилларининг бу ғалги гаплари ҳам Яъқуб алайҳиссаломга навбатдаги ҳийла бўлиб туюлди. Ака-укалар оталарини ҳа деганда кўндираолмадилар. «Ўғлим Ибн Ямин сизлар билан бормайди. Чунки унинг акаси ўлди, у ёлғиз қолди. Яна мабодо у йўлда бирон балога йўлиқмасин, оқ сочимни алам билан гўрга олиб борманглар», — деди Яъқуб алайҳиссалом.

Мамлакатда қаҳатчилик кучайгандан кучайиб борар эди. Мисрдан келтирилган ғаллани еб тугатганларидан кейин, Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига яна бориб ғалла олиб

келишларини буюради. Шунда ўгли Яхудо: «Ўша зоти олий бизга қатъиян таъкидлаб: «Агар укангиз сизлар билан келмаса, менинг юзимни кўрмайсизлар», деб айтган. Ибн Яминни биз билан юбормасангиз бўлмайди, биз у ерга укамиз Ибн Яминсиз бора олмаймиз»,— дейди.

Яхудо отасига яна: «Ибн Яминни мен билан бирга юборинг, очликдан ўлмайлик, мен Ибн Ямин учун кафил бўламан, агар уни сизга соғ-саломат қайтариб келмасам, унда мен умрбод сизнинг лаънатингизга қолайин»,— деб қасам ичади. Шундан кейин Яъқуб алайҳиссалом Ибн Яминнинг боришига зўрға розилик беради.

Ака-укалар совға-саломларни уловларга ортиб, Мисрга етиб келишди ва Юсуф алайҳиссаломнинг ҳузурида ҳозир бўдилар. Юсуф алайҳиссалом уларга зўр иззат-икром кўрсатди.

Юсуф алайҳиссалом улардан ҳол-аҳвол сўраб: «Ўша сизлар айтган қари отангиз саломатми, ҳануз ҳаётми?» деб сўради. «Бандангиз отамиз саломат, ҳаётлар»,— деб бош эгиб таъзим қилишди. Юсуф алайҳиссалом укаси Ибн Яминга тикилиб қолди. «Менга айтган кенжа укангиз шуми?»— деди. Кейин: «Эй ўғлон, **Худо** сенга марҳамат айласин!»— деди-ю, шитоб билан чиқиб кетди. Чунки укасига нисбатан меҳри жўшиб, йиғлаб юбораёзган эди. У ўз ётоғига кириб, хўнграб йиғлаб юборди. Кейин юзини ювиб, ўзини қўлга олиб, қайтиб кирди ва ака-укаларини зиёфат қилишларини буюрди. Юсуф алайҳиссаломга алоҳида, акаларига алоҳида, ҳамда у билан овқатланаётган мисрликларга алоҳида таом қўйдилар. Чунки мисрликлар, ибронийлар билан бирга овқат ейишлари мумкин эмас, бу улар учун ўринсиз, номаъқул ҳисобланар эди.

Биродарлари кетар чоғларида Юсуф алайҳиссалом уларнинг ҳар бирининг озиқ-овқат, галла билан тўлдирилган хуржунларига пулларини ҳам билинтирмай солдириб қўяди. Ибн Яминнинг хуржунига эса бундан ташқари ўзининг шахсий кумуш жомини ҳам билинтирмай солдириб қўяди. Биродарлар йўлга чиқишиб шаҳардан нари кетганларидан кейин, Юсуф алайҳиссаломнинг одамлари уларни қувиб етиб, вазири аъзамнинг кумуш жоми ўғирланганлигини айтишади. Тинтув ўтказганларида, кумуш жом Ибн Яминнинг хуржунидан чиқади. Ака-укалар бу ишдан ғоят хайрон қолишиб, йиғлашиб, юклари билан яна шаҳарга — Юсуф алайҳиссаломнинг олдига қайтиб келадилар. Шунда Яхудо: «Биз нима ҳам дердик? Нима деб ўзимизни оқлаймиз? Мана **Худованд**нинг **Ўзи** гуноҳимизни фош қилиб турибди-ку. Майли, энди биз ҳаммамиз, хуржунидан жом топилган одам ҳам, бошқаларимиз ҳам сизга қўл бўламиз»,— деди. Юсуф алайҳиссалом: «Асло бундай қилмайман. Фақат кумуш жом кимдан топилган бўлса, ўша менга қўл бўлади, қолганларингиз эса, эсон-омон оталарингиз олдига кетаверинглар»,— деди.

Яхудо Юсуфга яқинроқ келиб, Ибн Яминнинг отасини зўрға кўндириб олиб келишганини, отаси Ибн Яминсиз ўлиб қолишини, ундан олдин Юсуф деган укаларининг доғида ҳасратда куйиб адои тамом бўлаёзганини, бундан кейин бу айриликка чидай олмаслигини, уни қайтариб олиб келаман, деб отасига онт ичганини бирма-бир гапириб берди. «Отамиз ёнига қайтиб борганимизда, у билан бир жон, бир тан бўлган шу бола бизлар билан бўлмаса, ўглининг йўқлигини кўриб ўлиб қолади, биз отамизнинг оқ сочини алам билан гўрға олиб борган бўламиз, ахир»,— деди.

Шунда Юсуф алайҳиссалом ҳузурида турганларнинг олдига ўзини ортиқ тутиб туролмади, у овози борича ўкириб йиғлаб юборди. Унинг овози Фиръавн саройигача етиб борди.

Юсуф алайҳиссалом биродарларига: «Мен Юсуфман! Ўзингизнинг Юсуфингизман! Отам ҳали ҳам тирикми? Сизлар ўлсин деб қудуққа ташлаган, кейин яна тортиб олиб, Мисрга сотган биродарингиз Юсуф ўзим бўламан! — деб ўкириб йиғлашда давом этди. — Энди ҳам чекманглар, мени бу ерга сотганингиздан пушаймон ҳам бўлманглар. **Худованд** катта нажот билан наслингиз ер юзидан йўқ бўлиб кетмаслиги учун, сизлар барҳаёт қолишингиз учун, сизлардан олдин мени бу ерга юборди. Демак мени бу ерга сизлар юборганингиз йўқ, балки **Парвардигор** юборди». Биродарлари унинг олдига ҳангу-манг бўлиб, гангиб қолишганича турардилар. Хойнлик қилган акалар хижолатдан лол қолган эдилар.

Юсуф алайҳиссалом уларнинг узрини қабул қилди. Отасининг аҳволи танглигини эшитиб, бориб дарҳол отасини олиб келишларини улардан илтимос қилди.

Биродарлар Фаластинга қайтиб, оталарини олиб, Миср чегарасига яқинлашганларида,

Юсуф алайҳиссалом ҳам Яъқуб алайҳиссаломнинг истиқболига пешвоз чикди. Улар кўриш-гач, бир-бирларининг бўйинларига осилиб кучоклашганларича, узок-узок хўнграб, бўзлаб йиғлашдилар. Юсуф алайҳиссалом отаси ва биродарлари билан яна кўришишга муяссар этгани учун Аллоҳ таолога беадад шукроналар айтди.

Яъқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломга дилбанди ёшлигида кўрган тушининг таъбири, яъни ун бир юлдуз ҳамда қуёш ва ой унга таъзим ила сажда қилганлиги ўз исботини топганини эслатди.

Шу ўринда **Қуръони карим**нинг 12- «Юсуф» сураси, 100-оятини эслаймиз:

«(Кейин, Мисрга кириб Юсуфнинг саройига келганларидан сўнг) у ота-онасини ўз тахтига чиқарди ва улар (яъни ота-она ва акалари Юсуфга) сажда қилган ҳолларида йиқилдилар. У деди: «Эй, отажон, мана шу (қирк йил) илгари кўрган тушининг таъбиридир. Раббим умирост қилди. Дарҳақиқат, у менга яхшилик қилди — мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан акаларим орасини бузиб иғво қилганидан кейин, мана сизларни саҳродан (Мисрга соғ-саломат ҳолингизда) келтирди. Албатта, Раббим ўш доҳлаган нарсани лутф билан амалга оширувчидир. Албатта, Унинг ўзигизга билим ва ҳикмат соҳибидир» (Қуръон, 12:100).

Юсуф алайҳиссалом Фиръан фармони билан отаси ва биродарларига, уларнинг оилаларига Мисрнинг энг яхши жойи бўлган Гўшен (Гесем) вилоятининг Раъмсес (Раамзес) музофотидаги ерни мулк қилиб берди. Мисрга кўчиб келган Яъқуб алайҳиссалом авлодлари 70 кишидан иборат эди.

Яъқуб алайҳиссалом Мисрга келганида 130 ёшда эди, шу мамлакатда яна 17 йил яшаб, милоддан аввалги 1873- йилда 147 ёшида вафот этди, ота-боболарининг даргоҳига кўчди. Яъқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломнинг кўлида жон берди. Юсуф алайҳиссалом отасининг васиятига мувофиқ уни ота-боболари ётган ерга, Канъон ерига, Мамре қарши-сида Махпела даштида жойлашган, ҳетий Афрондан сотиб олинган, бобоси Иброҳим алайҳиссаломнинг шажара мақбараси бўлган мазорга олиб бориб дафн этди. У ерга пайғамбар Иброҳим алайҳиссалом, унинг катта хотини Сора, ўгли Исҳоқ алайҳиссалом, унинг хотини Рифқо, Яъқубнинг хотини Леалар дафн этилгандилар.

Юсуф алайҳиссаломнинг ўзи, отаси ва биродарлари оилалари билан Мисрда яшаб юрдилар. Юсуф алайҳиссалом кенжа ўгли Эфраимнинг учинчи наслини ҳам кўрди.

Юсуф алайҳиссалом кунлардан бир куни ўғиллари ва биродарларига: «Менинг ажалим етди. Аммо Худованд албатта сизларни қўллайди. У сизларни бу ердан кўчиб, бобом Исҳоқ, отам Яъқубга ваъда қилган ерга кетишга амр қилади, ўшанда менинг суякларимни бу ердан олиб кетинглар», — деб васият қилади.

Шундай қилиб, Юсуф алайҳиссалом милоддан аввалги 1934- йил туғилиб, 13 ёшида — 1921- йил Мисрга келади ва бу ерда 97 йил яшаб, 1824- йилда 110 ёшида омонатини Яратганга топширади. Уни мўмиёлаб тобутга соладилар ва шу ерда, яъни Мисрда дафн этадилар.

Юсуф алайҳиссаломнинг васиятини Мусо алайҳиссаломнинг ёрдамчиси ва ноиби бўлган Ювшаъ алайҳиссалом бажарди. Яҳудийлар Мусо алайҳиссалом бошчилигида Мисрдан чиқиб Фаластинга қайтаётганларида, пайғамбарнинг суякларини олиб олган Ювшаъ алайҳиссалом унинг хокини — суякларини Канъон ерига, ота-боболари мазорига кўмди.

Бутун Ер юзида минг-минглаб шеърлар, дostonлар, қиссалар ва ҳатто эпопеяларда (машҳур немис адиби Томас Маннинг «Юсуф ва унинг биродарлари» тетралогиясини ва бошқа асарларни эсланг) гўзал Юсуф қиссаси тараннум этилган. Юсуф алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликлари ҳақида **Қуръони карим**да махсус сура ва кўпдан-кўп оятлар келган. Улардан бирини келтириб ўтиш билан кифояланамиз:

«Дарвоқе, илгари Юсуф сизларга (аждодаларингизга) ҳужжатларни келтирганида ҳам, сизларга келтирган нарсаларга шак (шубҳа)да қаттиқ туриб олган эдингизлар. То қачонки, у ҳалок бўлганида эса: «(Энди, Юсуфдан) сўнг Аллоҳ сира пайғамбар юбормас», — деддингизлар. Ҳаддан ошувчи ва шак келтирувчи кимсаларни Аллоҳ мана шундай йўлдан оздириб қўяр». (40- «Ғофир» сураси, 34-оят)

13. Айюб алайҳиссалом

Айюб алайҳиссалом Исхок алайҳиссаломнинг Эсов деган углини булиб, Юсуф алайҳиссаломнинг чевараси Раҳимага уйланган. Тавротда Иов алайҳиссаломнинг алайҳиссаломнинг чевараси Раҳимага уйланган. Тавротда Иов алайҳиссаломнинг алайҳиссаломнинг чевараси Раҳимага уйланган.

Айюб алайҳиссалом **Куръони карим**да сабр-тоқат тимсоли сифатида унга олинади. Бинобарин, Айюб яҳудий тилида «тавба килувчи» деганидир.

Айюб алайҳиссалом баланд бўли, қомати ниҳоятда келишган, бақувват, соғлом, бағоят бой, серфарзанд, обрули, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ бахтли инсон эди. Унинг етти угли ва етти қизи, етти минг қуйи, уч минг туяси, мингта буқа, сигири, беш юзта эшаги, кўпдан-кўп хизматкорлари бор эди. У зот хайр-аҳсонни, садақа қилишни хуш кўрар, доимо **Парвардигори оламга** ибодат қилиб юрар эди. Буни кўриб Иблис лаънининг гайрлиги келди, куюниб, хасад утида ёнди ва **Тангри таолога** мурожаат қилди: «Илоҳо, бу Айюб берган неъматларинг, мол-мулкинг, соғ-саломат, серфарзанд, пири бадавлат қилиб қўйганлигинг учунгина сенга ҳамду сано айтиб турибди. Агар сен уни бу неъматларингдан жудо қилиб синаб кўрсанг, кафиллик бераманки, у кўфрга кетиб, сени унутади», деди.

Шундан сўнг **Тангри таоло** Айюб алайҳиссаломни синаб, имтиҳон қилиб куриш мақсадида унга кетма-кет мусибат, бахтсизликларни юборди. Қушни маданияшмаган халқлар босқинчилик уюштириб чорваларидан купини олиб, чўпонларини эса улдириб кетишди. Қолган чорваларни осмондан ўт тушиб ҳалок қилди. Фарзандлари катта углини-кида меҳмонда утиришганларида қаттиқ довул бўлиб, уйни томи босиб қолиб, барчалари ҳалок бўлишди. Бахтли хонадонни қайғу-мусибат эгаллади. Бирон нарса қолмади. Айюб алайҳиссалом эса буларга парво қилмади: «Буларнинг ҳаммасини **Худованднинг Ўзи** берди, **Ўзи** олди, дунёга яланғоч келдим, яланғоч кетаман», деди.

Шундан кейин **Тангри таоло** унга даҳшатли, азоббахш мохов касаллигини берди. Айюб алайҳиссаломнинг ҳаммаёғи бетиним қичишарди, баданига яра тошиб, яриб кетди. Шунда ҳам Айюб алайҳиссалом тинмай **Худовандга** нола қилар, шифо сўрар, ибодатини қанда қилмас, сабр-тоқат билан **Яратганга** шукр қилиб, ҳамду санолар ўқир эди.

Бу балоларнинг келганига етти йил бўлди. Бир вақт: «Бошингни кутар. **Дуо** илтижоларинг қабул бўлди. Оёғингни ерга ур, сув чиқади ва бу сувда ювин!», деган хитоб бўлди. Айюб алайҳиссалом оёғи билан ерни тепган эди, бир чашма пайдо бўлди. Унинг сувида ювинган эди, барча касалликлари ариб, соғайиб, аввалги ҳолатидан ҳам куркамроқ тусга кирди. Айюб алайҳиссаломнинг ҳалок бўлган 7 нафар угли ва 7 нафар қизига **Аллоҳ** ҳаёт ато этади ва унга яна ушаларнинг мислича фарзанд ҳам қўшиб беради ҳамда тез орада аввалгидан ҳам бойиб кетади (қаранг: Куръон, «Анбиё» сураси, 21:84).

Айюб алайҳиссалом касаллик чоғларида боқиб парвариш қилган хотини бир куни унга бепарволик кўрсатганида, дили оғриб: «Тузалганимда албатта сени юз қамчи ураман», деб қасам ичган эканлар. Тузалганларидан кейин **Аллоҳдан** қуйидаги оят тушган экан:

«(Яна биз Айюбга айтдик): **«Қулингга бир боғ (новдани) олиб, у билан (хотинингни ургин — қасамингни бузмагин)»**. (38- «Сод сураси», 44-оят).

Айюб алайҳиссалом шифо топганларидан сўнг, ичган қасамларини устидан чиқиш учун юзта новдани бир боғлам қилиб, уни бир марта урган эканлар.

Шундай қилиб, Айюб алайҳиссалом чеккан азобу машаққатларининг ажрини ва муқофотини кўриб, қавминни ҳидоят йўлига бошлаб, қолган умрини роҳат-фароватда ўтказиб, 93 йил умр кўриб вафот этди. У инсоният тарихида сабр-қаноат рамзи ҳисобланади.

Бухорои шарифда Айюб алайҳиссалом билан боғлиқ «Чашмай Айюб» ҳазираси, яъни мақбара, қудук ва масжиддан иборат меъморий мажмуа бор.

Айюб пайғамбар ҳақидаги 38- «Сод» сурасининг 41—43-оятларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

«(Эй, Мухаммад), бандамиз **Айюб Парвардигорига нидо қилиб: «Мени шайтон машаққат ва азобга тутди», — деган пайтини эсланг!**

(Шунда унга айтилди): **«Оёғинг билан (ерни) тепгин (чашма отилиб чиқур)! Мана**

шу сөзүккнә чүмнә эйган ва ичимлик сувидир».

Биз **Аллах таоло** махкамат курсатиб хамда акл эгаларига эслатма бўлиши учун, (файласоф) ақл (файласофи)ни ва улар билан кўшиб, яна ўшаларнинг мислича (файласоф) ақл этдик.

14. Зул-Кифл алайҳиссалом

Зул-Кифл алайҳиссаломнинг асл исми Бишр бўлиб, Айюб алайҳиссаломнинг ўғлидир. У зот Ховар дарёси ёқасида жойлашган халдейлар юртида яшаган. Тавротда Иезекиил (Иехезкиэл) тарзида зикр этилган.

Айюб алайҳиссалом вафот этгач, **Аллох таоло** уни румликларга пайгамбар қилиб юборди. Зул-Кифл алайҳиссалом халдейлар, шомликлар ва румликларни иймонга даъват қилиб юрди. Румликларнинг куп иймон келтириб унга эргашдилар. Сунгра **Аллох таоло** иймонга келмаганлар устига жиход қилишга буюрди.

Румликлар жиход қилишдан бош тортишиб, Бишрга: «Бизлар шундай қавмизки, ҳаётни яхши куриб, улимни ёмон курамиз. Лекин **Аллохга** осий бўлишни хам истамаймиз. Агарда сен **Аллох таоло**дан сурасангки, бизларга истаганимизча умр кечириб юришни насиб этса, биз унга ибодат қилиб, умр кечириб юрар эдик», дейишди. Шунда Зул-Кифл алайҳиссалом **Парвардигорга** нола қилиб, уларнинг бу тилагини етказди. Шунда **Парвардигордан**: «Сенинг дуоларингни қабул этдим, уларга узун умр бердим, узларни хохламагунча улмаслар. Бунга сен хам кафил бўлгин», — деган ваҳй келди. **Пайгамбар** у қавмига бу башоратни етказди. Илохий ваҳйга ўзи кафил булди. Шу сабабдан уни Зул-Кифл деб атай бошладилар.

Бу қавм узок умр куриб яшаганлари сабабидан, болалари ва қаришларини уруғлари купайиб кетиб, яшашга ерлари торлик қилиб, ризқ-насиба хам етишмай қолди. одамларнинг кадр-қиммати йуқола бошлади. **Тартибсизликлар** авж олди. **Ҳаётнинг қисми** хам қолмади. Шунда улар яна Зул-Кифл алайҳиссаломга **Худованддан** уларнинг аввалгича қилиб қолдиришни сураб беришни илтижо қилдилар. **Аллох таоло** уларга иймон қилиб: «Мен ҳар бир нарсани ўз урнида ва керакли микдорда бўлишини тақдир этган эдим. Лекин улар менинг тақдиримга рози бўлмадилар. Энди яна аввалги умрларини уларга қайтардим», — деди.

Ўша пайтда румликлар Ер юзидаги энг куп сонли қавм эди. Улар Зул-Кифл вафот этгунига қадар Шомда яшаган эдилар.

Зул-Кифл алайҳиссаломнинг қабри Ироқнинг Хилла деган жойда, баъзи манбаларга қараганда, ҳозирги Термиз шаҳри атрофларида дейилади. Амударёда Зул-Кифл алайҳиссалом билан боғлиқ **Пайгамбар** ороли ва мақбара хам бор. Уйлайманки, манбалар тадқиқоти бу мавзуга аниқлик киритса керак.

Зул-Кифл пайгамбар номи 21- «Анбиё», 38- «Сод» ва бешқа куп сураларда тилга олинган.

15. Шуайб алайҳиссалом

Шуайб алайҳиссалом, ҳазрати Лут алайҳиссалом аёлларидан бўлиб, араб миллатига мансуб бўлган беш пайгамбарнинг биридир. Тавротдаги номи — Иофор. «Шуайб» сузининг маъноси ибронийча «тармоқ», «шажара» дегани.

Шуайб алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга қизи Сафуро (Селфора)ни бериб, у зотнинг қайинотаси булган. Милоддан аввалги XVIII асрларда яшаб ўтган.

Шуайб алайҳиссалом ва унинг қавми Мадян деган жойда яшаб ўтган. Қадимги Эроннинг пойтахти Ктесифон шаҳри арабларда Мадян деб аталган.

Бу қавм ёлғиз **Аллохга** ибодат қилиш урнига, турли илохларга сифинишар, бойлик орттиришга қирс қуйиб, ҳар қандай разолат, хиёнат, ноҳақликлардан қайтмас, хуллас, бузилган бир халқ эди. Савдо қилганларида хам тарезидан, хам улчовдан уриб қолишга, хиёнатга едатланишган эди.

Аллох таоло ҳидоят йулига даъват қилиш учун, улар орасидан Шуайбни пайгамбар

килиб танлади. Шуайб ўз қавмини савдодаги хиёнат ишлардан қайтариб, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват эта бошлади. Залолатда қолган бу қавм ширин сўзли нотик бўлган бу пайғамбарнинг сўзларига кулоқ солмадилар. Иймон келтирмадилар.

Шундан кейин бу осий халққа **Парвардигори олам** қаттиқ жазирама азобини юборди. Жазирама етти кун турди. Ҳамма жилға ва булоқлар қайнади. Улар бу иссиқдан қочиб, дам уйларига кирар, дам ташқарига чиқар, нафас олиб бўлмас, жонларини сақлашнинг ҳеч иложи қолмаган эди. Шунда осмонда бир булут пайдо бўлиб, ҳамма иссиқдан жон сақлаш учун қочиб ўша булут остига йиғилганларида, ерга соя солиб турган булутдан ўт чиқиб, зилзила юз берди. Осий қавмнинг барчаси битта қолмай ҳалок бўлди.

Парвардигорнинг амрига бўйсунмас қавм тақдири ана шундай фожиа билан тугади. **Аллоҳ**нинг марҳамати билан Шуайб ва иймон келтирганларгина бу азобдан омон қолдилар.

Бу воқеадан кейин **Аллоҳ таоло** Шуайб алайҳиссаломни ўз шаҳри **Мадян** яқинидаги **Айка** (Эка) деган жойда яшовчи одамларни хидоятга чақиришга буюрди. Бу қавм ҳам мадьянликларга ўхшаб залолатга юз тутган, тарози ва ўлчовларда одамларга хиёнат қилишга одатланган, турли-туман илоҳларга сиғинишар эди. Улар пайғамбарнинг даъватларига кулоқ солишмай, ўз залолат йўлларида қайтишмагач, **Аллоҳ** уларга ҳам ўзининг жазосини юборди: қаттиқ зилзила бўлиб, осмондан даҳшатли иқоб — ўт келиб барчаларини ҳалок қилди.

Шундан кейин Шуайб алайҳиссалом мўминлар билан **Маккага** бориб, қолган умрини **Тангри таолога** ибодат қилиш билан ўтказиб, 200 йилдан ортиқроқ яшаб вафот этди.

Шуайб пайғамбар 7- «Аъроф» сурасининг 85-оятда куйидагича тилга олинган:

«**Мадян** (қабиласи)га биродарлари Шуайбни (элчи қилиб юбордик). У айтди: «Эй қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизларга Раббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозини тула-тукис ўтчангизлар, одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва яроқли қилиб қўйилгандан сўнг Ер (юзи)да бузғунчилик қилмангиз! Агар (чин) мўмин бўлсангиз, ана шу сизлар учун яхшидир».

Воқеа шу суранинг 90—92-оятларида куйидагича яқунланади:

«**Қавмининг кофир бўлган зодагонлари: «Қасамки, агар Шуайбга эргашсангизлар, демак, сизлар зиён кўрувчи экансизлар»** — дедилар.

Бас, уларни мудҳиш зилзила тутди. Натижада ўз жойларида ўтирганларнча ер билан яксон бўлдилар.

Шуайбни ёлғончига чиқарганлар гўё у ерда (осмон) яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ана ўшалар эди кўрувчи бўлдилар».

16—17. Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар

Ҳазрати пайғамбар Мусо алайҳиссалом ва акаси Ҳорун алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исҳоқ, унинг ўғли Яъқуб, унинг ўғли **Левий** (Левий), унинг ўғли Кааф, унинг ўғли Имрон (Амрам)нинг ўғлидир. Яҳудийлик (Иуданизм) динининг асосчиси — Мусо алайҳиссалом милоддан аввалги 1666- йилда туғилиб, 1546- йилда 120 ёшида вафот этган. Ҳорун алайҳиссалом эса 1669- йил туғилиб, 1546- йилда 123 ёшида хаётдан куз юмган.

Мусо алайҳиссалом (яҳудийча Моше) Тавротда **Моисей**, унинг акаси Ҳорун а.с. эса Аарон деб аталган.

Китобимизнинг аввалги фаслида айтиб ўтганимиздек, Яъқуб алайҳиссалом тоғаваччасининг кизлари — опа-сингил **Леа** ва **Роҳилага** уйланган эди. Яъқуб - Леа авлодларидан Ҳорун ва Мусо алайҳиссаломлар дунёга келдилар. Яъқуб - Роҳила авлодларидан эса Юсуф алайҳиссалом дунёга келган.

Шундай қилиб, Ҳорун ва Мусо алайҳиссаломлар Яъқуб алайҳиссаломнинг учинчи ўғли **Левийга** эвара, Яъқуб алайҳиссаломга эса чевара бўладилар.

Муқаддам қисман бўлса-да айтиб ўтганимиз, яна бир бор эслатиб ўтамизки, очарчилик йилларида Яъқуб — Исроил а.с. Мисрда ҳокимлик қилиб турган ўғли Юсуф а.с. ҳузурига етмиш жондан иборат бўлган барча уруғ - аймоқлари билан бирга кўчиб келган эдилар.

Юсуф а.с. подшоҳ розилигини олиб, уларга яшаш учун Миср заминининг энг яхши ерларини ажратиб берган эди. Бир неча асрлардан кейин Бани Исроил қавми етмиш йилдан, 600 мингдан ортиб, кўпайиб кетишга улгурган эди (болалардан ташқари!).

Миср фиръавнлари Бани Исроил қавмининг ҳар томонлама тобора ўсиб, кўпайиб кетаётганидан, келажакда бу келгиндилар Мисрнинг туб халқини аста - секин сиқиб чиқариб, очиқ душманга, дардисарга айланиб қолишидан хавотирланиб, уларни оғир вазиятда ишларда қулларча ишлатадилар, қийнайдилар, хўрлайдилар ва ўзларининг қатъий назоратлари остига оладилар.

Мисрликлар Фиръавн Рамзес II ҳукмронлиги ва Мусо, Ҳорун а.с.лар туғилишлари даврида кофир - бутпараст бўлиб, бут - санамларга сиғиниб кетган эдилар.

Фиръавн Рамзес II ҳам ўзидан олдинги фиръавнлар каби, яхудий қабилалари кўпайиб кетса, мамлакат душманлари кучайиб кетишидан хавфсираб, улардан қутулиш учун ниҳоятда оғир ишларда фойдаланар, тинка мадори қуригунча қулдек ишлатар, гуруҳларга бўлиб тарқатиб юборишга ҳаракат қилар, аynи маҳалда ота-боболари юрти Канъон (Фаластин)га кетишларига ҳам руҳсат бермасдан, асорат занжирида тутар эди.

Доимий тазйиқ, таҳлика остида қулларча хор бўлиб яшаш Бани Исроилнинг жонига тегиб кетади ва улар Миср асоратидан қутулиш, яъни **Тангри Ўзи** Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб алайҳиссаломларга ваъда қилган Канъон (Ханаан — Фаластин) ерларига бош олиб чиқиб кетишда ёрдам беришни **Тангри таолодан** тинмай нола қилиб сўрай бошлайдилар.

Ана шундай машаққатли, оғир кунларда Мусо ва Ҳорун а.с.лар дунёга келадилар. Улар улғайгач, **Аллоҳ** таоло уларни **Ўзининг** пайғамбарлари этиб тайинлайди.

Ҳорун ва Мусо а.с.ларнинг ҳаётлари ва фаолиятлари туғрисида **Таврот**да қуйидагича ёзилган.

Кунлардан бир куни Миср фолбинлари Фиръавнга келажакда Бани Исроилдан бир ўғил туғилиши, кейин у Фиръавннинг тахтдан кетишига сабабчи бўлиши хабарини етказдилар. Буни эшитган Фиръавн, яхудийлардан туғилган барча ўғил болаларни қатл этишга ҳукм чиқарди. Лекин кўп ўтмай, Миср оқсоқоллари агар аҳвол шундай давом этаверса, яқин келажакда оғир ишларни бажарадиган одам қолмай, барча ишлар ўзларига қолиб кетишини айтиб, ҳукмдорни огоҳлантирадилар. Шундан сўнг Фиръавн туғилган яхудий болаларини бир йил ўлдириб, иккинчи йили туғилганларни омон қолдиришга амр этади.

Бани Исроил фарзандлари ўлдирилмайдиган йилда Мисрдаги ловийлар қабиласидан бўлган Имрон деган кишидан Мусонинг акаси Ҳорун туғилади ва у тирик қолади (Ҳорун «тоғ, тоғлиқ» деган маънони билдиради). Мусо эса ундан уч йил кейин яхудий фарзандлари ўлдириладиган йилда туғилади. Мусонинг онаси Йохавед болани уч ой яширинча сақлаганидан кейин, Фиръавн айғоқчиларидан кўрқиб, бир кичик сандиқчага солиб Нил дарёсига оқизиб юборади.

Азим дарёга чўмилишга келган Фиръавннинг хотини Осиёнинг хизматкор-чўрилари сандиқчани тутиб олиб, маликаларига олиб бориб берадилар. Бу ҳолни узоқдан кузатиб турган Мусонинг онаси Мариям маликаниннг олдига келиб, гўдакка энага топиб беришни таклиф қилади ва малика хузурига Мусонинг туққан онасини бошлаб келади. Малика гўдакни ўзига фарзанд қилиб олишга Фиръавнни кўндиради ва болага Моше (маъноси «сувдан чиққан чақалоқ», «болакай») деб ном беради. Мусонинг онаси ўзининг кимлигини билдирмай, Фиръавн саройида ўглини парваришлайди. Хуллас, Мусо алайҳиссалом Фиръавн қасрида улғайиб, вояга етади. У ўзининг хўрланган Бани Исроил қавмидан эканлигини яхши биларди.

Бир куни у мисрлик ва яхудий ўзаро жанжаллашиб турганларини кўрди ва мисрликни бир мушт уриб ўлдириб қўйди. Кейин қилмишига пушаймон бўлиб тавба-тазарру қилди ва жазодан кўрқиб Мисрни тарк этди, Мадян деган шаҳарга қочиб кетди. У ерда Шуайб (Иофор) алайҳиссаломнинг уйида яшаб, ул зотнинг қизи Сафуро (Сепфора)ни никоҳлаб олди (Шуайб исми яхудийча, маъноси: «тармоқ», «шажара»). Мадянда ўн йил яшаганидан кейин, у оиласи билан жанубга — Мисрга равона бўлади (*Қаранг: Таврот. «Чиқиш» бўлими, 18-60б.*)

Йўлда Туво тоғига яқинлашганларида, йироқдан бир шуъла кўринади. Мусо алайҳис-

салом шуъла таралган жойга якин келганида **Парвардигор** нидосини эшитади: «Эй Мусо, сен муқаддас Туво водийсида турибсан, сени пайғамбарликка танладим. Сен ёлғиз Менга ибодат қилиб, охират кунига ишониб, бунга бошқаларни ҳам даъват айлагил. Сенга бир асо бераманки, бу муъжиза туфайли у илонга айланади. Иккинчи муъжиза шулким, қўлингни чўнтагинга солиб қайтиб олсанг, бас, қўлинг нур каби ялтирайдиган бўлади. Шу икки муъжиза қуввати билан сен ҳаддидан ошиб, илоҳликни даъво қилаётган Фиръавнни иймонга даъват этасан».

Фиръавндек золим ҳукмдорга рўбарў бўлиб, уни иймонга, ҳидоятга даъват этиш кишидан шижоат ва кучли ирода талаб қилиши табиий. Шунинг учун Мусо алайҳиссалом бу масъулиятли ва хавфли оғир вазифани адо этишда ўзига акаси Ҳорунни ёрдамчи қилиб беришни **Яратгандан** тилади.

Ҳорун ниҳоятда фасоҳатли ва таъсирли сўзлаш қобилиятига эга бўлган нотик одам эди. Мусо эса тез ва дудукланиброқ гапирар эди.

Бу воқеа **Қуръони карим**да қуйидагича баён этилган:

«(Мусо) деди: «**Эй Раббим, бағримни кенг қилгин, ишимни осон қилгин, тилимдан тугунни (дудукликни) ечиб юборгин, (токи) улар (қавмим) гапимни англасинлар.**

Менга ўз аҳлимдан вазир қилгин. Яъни, акам Ҳорунни. У билан белимни бақувват қилгин. Ва уни ишимда (яъни пайғамбарлик ишида) шерик қилгин. Токи, биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтайлик ва Сени кўпроқ ёд этайлик. Албатта, Сен бизни кўрувчи зотсан».

«(Аллоҳ) айтди: «**Сўраган нарсанг сенга ато этилди, эй Мусо! Сени Ўзимга (пайғамбарлик учун) танладим».** (20- «Тоҳо» сураси, 25—36 ва 41-оятлар).

Бу хавфли ишда **Аллоҳ** уларга таскин бериб, биродарларни ўз ҳифзу ҳимояси остига олишини таъкидлади ва уларни иккаловига пайғамбарлик неъматини берди. Бу пайтда, яъни милоддан аввалги 1586-йилда Ҳорун алайҳиссалом 83, Мусо алайҳиссалом эса 80 ёшда эдилар. (Таврот. «Чикиш» бўлими, 7-боб).

Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар фармони илоҳийга «лаббай» деб итоат этиб, золим Фиръавнни ҳидоятга даъват қилиш учун унинг ҳузурига келдилар.

Биродарлар Фиръавн олдига келишиб, ўзларини оламларнинг **Парвардигори**, яккаю ягона **Аллоҳ таолонинг** пайғамбари эканликларини, бундан буён бут-санамларга эмас, ёлғиз **Яратгanning Ўзига** ибодат қилишга, охират кунига ишонишга ва яҳудийларнинг ўз юртларига қайтишига изн бериш хусусида **Ҳақ субҳонаҳу таолонинг** амрини етказишди.

Фиръавн уларнинг гапига ишонмади. **Аллоҳнинг** биру борлигига шак келтирди. У: «Агар сизлар оддий одам бўлмай, **Аллоҳнинг** пайғамбари бўлсаларинг, муъжиза кўрсатинглар», — деди. Шунда Мусо алайҳиссалом қўлидаги асони ерга ташлаган эди, у илонга айланди. Кейин чўнтагидан қўлини чиқарган эди, нур каби ялтираб кўзларни камаштирди. Буни кўрган Фиръавн ва аъёнлари бу шунчаки сеҳр дейишди ва мамлакатдаги барча сеҳргарларни чорлаб, одамлар кўп тўпланадиган байрам кунига Мусо, Ҳорун алайҳиссаломлар билан сеҳргарлар ўртасида баҳс уюштирдилар.

Сеҳргарлар қўлларидаги таёқча ва арқонларни ерга ташлашган эди, улар шу заҳотиёқ илонга айланиб, ҳаракатланиб, ҳаммани ҳайратга солди. Шу онда **Аллоҳ таоло** Мусо алайҳиссаломга қўлидаги асони ерга ташлашга амр қилиб ваҳй юборди. Мусо алайҳиссалом ташлаган асо сеҳргарларнинг таёқча ва арқонларидан яралган илонларнинг барчасини ютиб юборди. Бундан Фиръавн ва унинг аъёнлари даҳшатга туша бошладилар, сеҳргарлар эса Мусо алайҳиссалом кўрсатган муъжиза шунчаки сеҳр эмас, балки илоҳий муъжиза эканлигини тушундилар ва **Аллоҳ таолога** тавба қилиб, Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг бутун оламларнинг яратгувчиси бўлган **Парвардигорига** иймон келтирганликларини эълон қилдилар. Шунда ҳам Фиръавн иймон келтирмади, ўз сеҳргарларидан ғазабланиб: «Сизлар Мусо билан бирлашдинглар, ҳаммангизнинг қўл-оёқларингизни кесиб хурмо дарахтига осаман», — деди.

Ҳорун ва Мусо алайҳиссаломлар Фиръавнни иймонга, ҳидоятга даъват қилиб қанча-

лик далиллар келтирмасинлар, Фиръавн ўз саркашлигида давом этаверди. Мусо алайҳиссалом қавми бўлмиш Бани Исроилга нисбатан тазйиқ ва зулми чунонам кучайтирди.

Мусо алайҳиссалом ўз даъватлари, панду насихатлари Фиръавнга заррача таъсир этмагач, унинг ҳидоят сари қадам ташлашидан тамомила умидини узиб, ҳукмдорни дуоибад қилди: «Эй **Парвардигоро!** Буларни молу дунёсидан маҳрум қилиб, қаттиқ азобларга гирифтор қил». Мусо алайҳиссаломнинг ёнида турган акаси Ҳорун алайҳиссалом илтижо билан «омин» деб турди. Тавротда келтирилишича («Чиқиш» бўлими, 7—11-боблар), **Аллоҳ таоло** биродарларнинг дуосини қабул қилди ва мисрликларга навбатма-навбат ўн хил бало ва офатларни юборди, жумладан:

1. Ҳорун алайҳиссалом Фиръавн кўз олдида асосини дарёга урган эди, дарё ва мамлакатдаги жами сувлар қонга айланиб қолди, дарёдаги бутун жонивору балиқлар ҳалок бўлди, ичарга сув қолмади; сув етти кунгача қон бўлиб турди; халқ қудуқлар қазиб, сув чиқариб ичишга ўтди.

2. Ҳорун алайҳиссалом қўлини дарё сувига теккизган эди, сувдан беҳисоб бақалар чиқиб, ҳаммаёк, ҳатто уйларнинг ичи бақаларга тулиб кетди.

3. Ҳорун алайҳиссалом асосини ерга урган эди, чангидан чақадиган қонхўр чивинлар ҳамма ёқни босиб кетди. Улар барча одамларни ва мол-ҳолларни чақавериб азоблаб ташлади.

4. Мусо алайҳиссаломнинг илтижоси билан **Аллоҳ таоло** Фиръавн, унинг аъёнлари-ю хизматкорларига азоб бериш учун йирик пашшалар — сўналарни юборди. Сўналар Бани Исроил жойлашган ерга бормай, **Яратганнинг** амри билан фақат Фиръавн ва мисрликларнинг уйларига кириб барчаларини чақиб ғалвир қилиб ташлади.

5. Мисрликлар қалби юмшаб ҳидоятга келавермагач, **Аллоҳ таоло** уларнинг мол-ҳолларига тоун — ўлат касаллигини юбориб, бутун чорва молларини ҳалок қилди. Бани Исроилнинг чорваси эса омон қолди.

6. Галдаги офат юборилганда, яъни Мусо алайҳиссалом кўмир кукуни — куясини **Парвардигорнинг** амри билан осмонга отганида, мисрликларнинг қолган-қутган ҳайвонлари танасига чипқон тошиб, таналаридан йиринг оқди. Аммо бу офат ҳам Бани Исроилни четлаб ўтди.

7. Мусо алайҳиссалом **Аллоҳ таоло** амри билан қўлини осмонга бир ишора қилган эди, бутун Миср ерларида даҳшатли момақалдирок гулдираб, қаттиқ дўл ёғди ва экинзор, дарахтлар, даладаги одамларни яксон қилиб ташлади. Бани Исроил жойлашган ерга эса **Парвардигорнинг** амри билан дўл ёғмади.

8. **Худованднинг** амри билан Мусо алайҳиссалом асосини ерга бир урган эди, даҳшатли шарқий шамол туриб, мамлакатга беҳисоб чигиртка олиб келди. Миср мулкани чигиртка босди ва дўлдан омон қолган ўсимлиг-у дарахтларнинг барини еб битирди.

9. Кейинги офат юборилганда, яъни Мусо алайҳиссалом **Аллоҳ таолонинг** амри билан қўлини осмонга силкиганида, бутун Мисрни зимистон-қоронғулик қоплаб олди. Мамлакат уч кун зулмат ичида қолди.

10. Фиръавн шунда ҳам инсофга келмагач, **Тангри таоло** Мисрнинг туб халқи (Бани Исроилдан ташқари), шу жумладан, Фиръавннинг тўнғич фарзандининг ҳам жонини олди. Шу кун бутун Мисрда ўлик чиқмаган уй қолмади.

*Қуръони карим*да эса, Мусога 9 оят-мўъжиза ато этилгани ёзилган («Ал-Исро», 17:101)

Тангри таоло ҳар бало-офат юборганида Фиръавн ҳар гал тавба қилар, лекин тез орада тагин сўзидан қайтар, Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларни ҳар дафа алдар, иймон келтирмас ва Бани Исроилни ўз юртига кетишига руҳсат ҳам бермас эди. Бу каби илоҳий огоҳлантиришлар таъсир этавермагач, **Аллоҳ таоло** Мусо алайҳиссаломга ваҳй юбориб, уни Бани Исроил билан бирга Мисрни яширинча тарк этиб, Канъонга йўл олишни буюрди.

Бу воқеалардан кейин кўп ўтмай, Мисрда 430 йил куллиқда яшаган 600 мингдан ортиқ яҳудий халқи Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар бошчилигида зарур озик-овқатларни ғамлаб олиб, тунда яширинча йўлга чиқдилар. Дарвоқе, Яъқуб алайҳиссалом Мисрда бор-йўғи 70 нафар киши билан борган эди.

Мусо алайҳиссалом йўлга чиқишдан олдин, қариндоши ҳазрати Юсуф алайҳиссаломнинг гўрда ётган суякларини ота-боболари кўмилган табаррук тупроққа қайта дафн этиш

учун, ўзи билан олволди. (Таврот. «Чикиш» бўлими, 12—13-боблар).

Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиб кетганини билиб қолган Фиръавн шахсан ўзи бошчилигида сараланган беҳисоб лашкарлари билан асоратдан қочаётганларни таъқиб эта бошлади ва Қизил денгиз (Чермное море) соҳилларига яқин қолганда уларни қувиб етди. Яхудийлар олдиларида чексиз денгиз, орқаларида эса душман — Фиръавн турганлигини кўриб қаттиқ ваҳимага тушди. Шунда **Аллоҳ таоло** Мусо алайҳиссаломга ваҳй иноят айлаб, асосини сувга уришни буюрди. Мусо алайҳиссалом асосини денгиз сувига урган захоти кучли шарқий шамол кўзғалиб, денгиз суви иккига ажралди-да денгиз тубида йўл пайдо бўлди ва Бани Исроилнинг ўн икки қабиласи тезда шу йўлдан ўта бошлади. Буни кўриб турган Фиръавн ҳам ўз лашкарлари билан шу йўлдан ўта бошладилар. Аммо бу орада Бани Исроил денгиздан ўтиб бўлганди. Мусо алайҳиссалом **Ҳақ таолонинг** амри билан тагин асосини денгизга урган эди, денгизда ғарбий шамол туриб денгиз суви яна ўз жойига қайтди. Бани Исроилни қувиб келаётган саркаш, қайсар, кофир Фиръавн ва унинг бутун лашкарини денгиз ўз қаърига тортди, биттаси ҳам қолмай, ана шу Шоб денгизи (ҳозирги Қизил денгиз) остида қолиб ҳалок бўлдилар. (*Қаранг:* Таврот. «Чикиш» бўлими, 14—15-боблар).

Шундан кейин Мусо алайҳиссалом ва унинг қавми Фиръавн зулмидан халос бўлиб, Фаластин томон юрдилар ва уч ойдан кейин Синай чўлига етиб келдилар-да, Муқаддас Тур (Сион) тоғи олдига қўндилар.

Яхудийлар **Аллоҳ** олдида тўрт хизмати эвазига Миср асоратидан (қуллигидан) халос этилган эканлар:

1. Улар асоратда юрган бўлсалар-да, номларини сақлаб қолганлар, ўзгартирмаганлар.
2. Она тилларини сақлаб қолганлар.
3. Муқаддас сирларини очмаганлар.
4. Хатна қилиш одатларини тарк этмаганлар.

«Илоҳий мўъжизалар» (1-сон, 1995 йил 21—23-бетлар) рисоласида ёзилишича, инглиз олимлари тадқиқот ишларини олиб бораётганларида, Қизил денгиз соҳилидаги Жабалайн деган жойда қизиган кумлар тагидан исломий сажда қилган ҳолда қотиб қолган бир жасадни топиб оладилар ва уни тегишлича тадқиқот қилиб, Лондондаги «Британия» музейига топширадилар. Жасаднинг ёшини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, у энг камида 3500 йиллик тарихга эга эканлиги аниқланган. Шуниси ажабланарлики, жасад мўмиёланмаган, дориланмаган бўлса-да, унинг барча аъзолари тўлиқ сақланиб қолган. Ҳатто унинг сарғайган сўнгаклари ва соқоллари ҳам яхши сақланган. Барча ташқи аломатлари ва жасади тўлиқ сақланмиш бу одам ҳазрат Мусо алайҳиссалом даврида яшаб ўтганлигини кўрсатади.

Ҳазрат Мусо алайҳиссалом ўз қавмини Қизил денгиздан олиб ўтаётганида, уларни қувиб келаётган Фиръавнни лашкари билан бирга чўктириб юборганини ва ҳукмдор жасадини кейинги авлодларга оят-ибрат бўлиши учун сақлаяжagini **Аллоҳ таоло Қуръони карим**да бандаларига шу тарзда билдирган: «**Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятлариниздан ғофилдирлар**». (10- «Юнус» сураси, 92-оят). Бинобарин, жасаднинг юқорида тасвирланган воқеа бўлган жойдан топилганлиги, унинг ёши Мусо алайҳиссалом даврларига тўғри келиши ва, ниҳоят, унинг **Аллоҳга** сажда қилиб йиқилган ҳолда қотиб қолганлиги **Қуръони карим**да келтирилган Мусо ва Фиръавн воқеасидаги Фиръавн жасади эканлигини тасдиқлайди.

Мусо алайҳиссалом Тур тоғига чиқиб, қирқ кун тоат-ибодат қилиб руза тутди ва **Аллоҳ таоло** билан роз айтишди. Шунда **Ҳақ таоло** Мусо алайҳиссаломга муқаддас Таврот китобини нозил қилиб, унта диний васият (таълимот, насиҳатнома) ёзилган иккита тоштахта — лавҳа туширди. Чунончи:

Биринчи васият: Мен сенинг **Парвардигоринг** — **Тангринг** бўламан, Мендан бошқа худойинг бўлмасин.

Иккинчи васият: Ўзингга, топиниш учун бут-санам, ҳайкал, сурат ясаб олма, ихлос қилиб тепада — осмонда, пастда — ерда, ер остида, сувда кўриб турганларингни ҳеч

қандай суратини тасвирлаб чизиб олма. Бундай бут-санам, хайкал, суратларга топиниб қурбонлик қилишдан, уларга хизмат ва сажда қилишдан сақлан.

Учинчи васият: Менинг номимни бекорга тилга олаверма.

Тўртинчи васият: Байрам кунларига риоя қил, уларни муқаддас бил; олти кун ҳар қандай ишларингни қил. Еттинчи кунни эса **Парвардигорингга** бағишла.

Бешинчи васият: Ота-онангни қадрла, иззатларини қил, ўзингга яхши бўлади, яхши яшаб, узоқ умр кўрасан.

Олтинчи васият: Ўлдирма.

Еттинчи васият: Фаҳш-бузуклик қилма.

Сакқизинчи васият: Ўғирлик қилма.

Тўққизинчи васият: Яқин одамларингга нисбатан ёлғон гувоҳлик ва ёлғон кўрсатма беришдан сақлан ҳамда ўзинг ҳам бундай ишларни қабул қилма.

Ўнинчи васият: Яқинларинг хотинларини, уларга қарашли чўри хизматкорларини, чорва-ю мол-ҳолларини истама, орзу қилма ва уларга зинҳор кўз олайтирма.

Тангри таоло бу икки тоштахта — лавҳани авайлаб, муқаддас қилиб сақлашларини буюрди. Шундан кейин исроилликлар **Парвардигор** амри билан қимматбаҳо қаттиқ тахтадан олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган тўрт бурчакли «муқаддас сандиқ» ясаб, унга ана шу икки тоштахта — лавҳани, **Худованд** осмондан ёғдирган ун-овқат (манна) солинган идишни ва Ҳорун алайҳиссаломнинг салласини қўйдилар ва бу қутини «Васиятлар сандиғи» деб атадилар. Бу сандиқни улар доимо ўзлари билан бирга олиб юрдилар.

Мусо алайҳиссалом ўз урнига Ҳорун алайҳиссаломни қолдириб, **Тангри таоло** билан роз айтишгани Тури-Сино тоғига кетганида, холасининг ўғли Сомирий деган одам пайғамбарнинг йўқлигидан фойдаланиб, Бани Исроилни йўлдан урди. «Мен сизларга Мусонинг **Тангрисини** кўрсатаман»,— деб, улардан олтин кумуш, зебу зийнатларини йиғиб олиб, эритиб, бир бузоқ ясади ва унинг ичига Жаброил алайҳиссалом минган от туёғи теккан ердан олволган бир сиқим тупроқни солди. Шамол эсганда, бу бузоқ сигирга ўхшаб овоз чиқарар эди. Сомирий Бани Исроилга «Мусонинг илоҳи мана шу»,— деб, уларни шу бузоққа сиғинтирди.

Бани Исроилнинг ун икки авлодининг тўққиз ярим авлоди бузоққа сажда қилдилар, кофир бўлдилар. Юввош ва ҳалим Ҳорун алайҳиссаломнинг гапларига қулоқ солмадилар. Икки ярим авлод, яъни Ловийлар ва Юсуф алайҳиссалом авлодлари эса сажда қилмадилар, мусулмонликларича қолдилар.

Парвардигори олам шу заҳоти Мусо алайҳиссаломга қавмининг катта қисми бузоққа чуқингани хабарини етказди. Мусо алайҳиссалом келиб, улар сиғинган бузоқни парчалаб ёқиб, қулини денгизга сочиб юборди ва акаси Ҳорун алайҳиссаломни қаттиқ койиди.

Мусо алайҳиссаломга **Аллоҳ таолодан** амр келди: «Бузоққа топинганларни топинмаганлар қиличдан утказсин!» Сўнгра кофир бўлиб, бузоққа чуқинганларни мусулмонликларини сақлаб қолган Ловий ва Юсуф алайҳиссалом авлодлари бирма-бир қиличдан утказдилар. Шу кунни Бани Исроил авлодларидан 3000 кишининг боши кесиб ташланди. Қолганларнинг гуноҳини Мусо алайҳиссалом **Аллоҳ таолодан** тилаб олди, улар тавба қилдилар.

Қуръони карим билан Таврот уртасида шу масала хусусида ихтилоф бор.

Қуръон тафсирида ёзилишича, олтин бузоқни (маъбудани) яҳудийларга Сомирий деган шахс ясаб берган дейилади. Тавротда эса уни Ҳорун алайҳиссалом ясаб берган дейилган. (*Қаранг:* Таврот. «Чиқиш» бўлими, 32-боб.)

Бизнингча, бу маъбудни (олтин бузоқчани) **Аллоҳнинг** пайғамбари Ҳорун алайҳиссалом ясаб берган бўлишлиги мантиқан олганда умуман нотўғри, ақл доирасига сиғмайдиган нарсadır. Бутун умри давомида инсонларни ҳақ йўлга — тавҳидга даъват қилиб юрган пайғамбар, укаси Мусо алайҳиссалом кетиши биланок, дарров маслагидан қайтиб, қавмига чуқиниш учун маъбуд ясаб берган бўлиши асло мумкин бўлмаган ишдир. Агар шундай бўлган бўлса, шу воқеадан кейин унинг пайғамбар сифатида фаолияти тўхтаган бўлур эди, ваҳоланки Ҳорун алайҳиссалом шундан кейин яна 40 йилга яқин, то вафотига қадар пайғамбарликни давом эттирган. Маъбудни Ҳорун алайҳиссалом эмас, балки Сомирий деган

...ни ҳақида *Қуръони карим*да куйидаги оятлар ёзилган:

...ди: «Ҳақиқатан, Биз сенинг ортингдан қавмингни имтиҳон қил-
уларни йулдан оздирди».

(бузоққа сифинишларидан) олдин Ҳорун уларга: «Эй қавмим, сизлар
иҳон қилиндингиз. Шубҳа йўқки, сизларнинг Раббингиз Раҳмон-
га эргашишлар ва амримга итоат қилиндингиз!» — деган эди.

...бизга Мусо қайтмагунича, унга (маъбудага) сифинишдан сира тин-
ган эдилар».

...тиб келгач,) деди: «Эй Ҳорун, уларнинг адашганларини курганин-
хтатиб қолишдан) сенга нима тусқинлик қилди?!»

...имдан нега бормадинг? Амримга итоатсизлик қилдингми?!»

...еди: Эй онамнинг уғли, сен менинг соҳибдан ҳам, соқолимдан ҳам
...н (орқангдан борсам) «Мени сўзимни кутмай, Исроил авлодини булиб
...ийшингдан кўрқдим». (20-«Тоҳ» сураси, 35-ва 90-94-оятлар)

...уэ-қавми сари (Тур тоғидан) қайтар экан, қавмининг қилмишларидан)
...ан ва таассуфланган ҳолда: «Менинг ортимдан қандай ҳам ёмон ўрин-
...ингиз-а?! Раббингиз амри (келмай туриб) ...шадоклик қилдингиз-
...деб кўлларидаги лавҳаларни ташлаб, акасининг боши (сочи)дан тутиб
...тди. (Акаси Ҳорун) деди: «Эй, онамнинг уғли! Бу қавм мени заиф билиб,
...ларига сал қолди. Энди, сен (ҳам) мени душманларга кулги қилмагин
...волимлар (сафи)га қўшмагин!» (7-«Аъроф сураси, 140-оят).

...н Аллоҳнинг Таврот китеби кейинчалик, утрав узок даврлар мобайнида эгри
...монидан узгартирилган деган хулоса келиб чиқади.

...қнинг Ўзи туғриси билгүвчироқдир.

...алайҳиссаломга нозил қилинган Таврот минг етти минг буйрук-
...руф, нахий мункар ва диний насихатдан иборат бўлиб, жуда оғир, бир
...ртилиб юрилар эди. Мусо алайҳиссалом пайғамбарлик ҳаётларида Аллоҳ билан
...мингдан ортиқ роз айтишган.

...тда ёзилишича, Мусо алайҳиссалом Синай нулида қўйилган қўрғанида Аллоҳ
...ҳи иноят айлаб, барча биринчи — тунгич бўлиб, ҳайвонлар ва ҳайвонлар
...уларни менга бағишлашингиз доним деган. (Таврот, «Таврот» бундан кейин).

...тда Аллоҳ бандалари учун истеъмол қилинган бўлиб, ҳайвонлар қаром қилин-
...онлар ҳамда жониворлар маълум қилинган:

...сонларга истеъмол қилишга ҳалол қилинган ҳайвон ва жониворлар:

...ёғи айри ва чуқур, қавш қайтарадиган ҳайвонлар; қўн, эчки, мор, қол ва бошқалар;

...нгиз жониворларидан тангали балиқлар ва бошқа балиқсимонлар;

...шаротлардан: чигиртка ва унинг турлари, солам, харгол, хағоб ва уларнинг турлари.

...ром қилинган ҳайвон ва жониворлар:

...я, куён, қўшоёқлар қавш қайтарадилар, лекин туёқлари айри эмас, улар ҳаром;

...чқанинг туёғи айри, лекин у қавш қайтармайди, қанақ, харом.

...рт оёқли йиртқич ҳайвонлар: шер, йулбарс, қоплон, бўри, тўлки ва бошқалар;

...эшак;

...емирувчилар: сичқон, каламуш, юмронқозик, олмаҳон, хомяк;

...калтакесак, буқаламун ва ҳоказо судралиб юрувчилар;

...қушлардан: қарға, оккуш, лайлак, туякуш, бонғули, утки, сассикполишак, куршапа-

...лак, ибис, балиқчи қушлар, қутон, қарқара, соқақуш (бирқозон), бургут, лочин, қайғай,

...киргий, калхат, шунқор, денгиз бургути, қатта бургут — қорақуш ҳамда ўлимтик еидиган

...бошқа қушлар ва қанотли, турт оёқли жониворлар, судралиб юрувчилар.

...Ҳаром қилинган ҳайвонлар ва жониворларнинг мурдаси ҳам ҳаром. (Таврот. 1991. «Повий-

...бундан, 11—12-боблар).

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мусулмонларга фақат турт нарса қилган ва бу ҳақда қуйидаги ояти каримасини нозил қилган:

«**У** сизларга улимтик, қон, чўчка гушти ва Аллоҳдан узгага нарсаларни (қатъий) ҳаром қилди. Аммо, зулмкор ва тажовузкору заруратан (танглик юзасидан) истеъмол қилса, унинг гуноҳи йўқдир. Кат, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир». (2- «Бақара» сураси, 173-оят)

Бундан ташқари пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом эшак, олабалиқдан ташқари сув жониворлари гуштини, сувда шубҳали тарзда ўлдирилган ҳам ейишдан қайтарганлар.

Бизда қолган жонзотларнинг гуштлири ҳаром қилинмаган, масалан: қуён, қорақарға, зағча, ҳакка (зағизгон) ва ҳоказолар. Ҳашарот ва судралиб чигиртка, калтакесак каби жониворлар ҳам ҳаром қилинмаган.

Чигиртка ва балиқнинг суйилмасдан улган гушти (аммо, улар айниمه ҳалол ҳисобланади.

Имом ал-Бухорий жамлаган ҳадисларда айтилишича, пайғамбаримизнинг чигиртка ва калтакесак гуштини жирканиб емаганлар, лекин уларни ейиш ман ҳам қилмаганлар.

Тавротда яна шунга ухшаш купдан-куп диний курсатмалар, буйруқлар китобга кура, Бани Исроилга олти кун ишлаб, еттинчи кун — шанба кунини машғул бўлмаслик қоида қилинган тарзида куп марталаб қайтаришга қўйилган. Бу ишлаш азим гуноҳ саналган. Гуноҳкорлар улим жазоси билан жазолаш тошбўрон қилиб улдирилганлар. Жумладан, куллар, иш хайвонлари ҳам бир иш билан машғул бўлмаслиги, ишламаслиги қайта-қайта айтиб ўтилган. **Парвардигорнинг** шу хусусдаги амрини бузиб, шанба кунини чулда утин тоати одамни тутиб олганлар ва **Яратганнинг** Мусо алайҳиссаломга берган ақоиди тошбўрон қилиб улдирганлар (Таврот. «Сонлар» бўлими, 15-боб). Ҳозирга қадар катъий амал қиладилар. Дам олиш кунини христианларда — якшанба, бизда жума кунлари белгиланган. Бу кунларда ҳамма тоат-ибодат билан барча ишлардан тинчиши, дам олиши лозим, чунки **Худованд** оламни олти кун булиб, еттинчи кунини барча ишлардан тинган эди.

Тавротнинг «Иккинчи қонунлар туплами» қисмининг 5-бобида ва «Чикил» 20-бобида **Тангри таоло** Мусо алайҳиссаломга уз қавмига қуйидагиларни айтган: «Ўзларингга бут-санамлар ясаб, жонзотлар тасвирини чизиб олиб, уларга Парвардигорингиз рашкчидир. Менга ширк келтириб гуноҳкор бўлган бандини уларнинг учинчи, туртинчи авлодларигача жазоланади». Шунингдек, **Худованд** ни беҳуда булар-булмасга тайёрлайверишларини ҳам ман қилади. Бу амрлар тавротда ҳам қайд этилган.

Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Таврот китобида кишиларнинг турмуш тарзи, ахлоқ меъёрлари ҳамда барча ишлар ва нарсалар ҳақида муфассал тафсилот баён қилинган, диний курсатмалар, қонун-қоидалар, тартиботлар, яхшиликка ундаш маъруфлар, ёмонликлардан қайтарувчи нахий мункарлар, буйруқлар аниқ ёзилган.

Шундай қилиб, Бани Исроил Мусо ва Хорун а.с.ларнинг бошчилигида Қизилдан омон-эсон утиб олганларидан кейин, Фаластинга киргунларича, 40 йил Синадан сарсон-саргардон булиб юрадилар. Шу давр ичида **Аллоҳ таоло** уларни кулликланган, улдирмай, осмондан мазаси асал солиб етилган нон мазасини, хиди эса кашани каби хид берувчи «манна» деб аталувчи самовий егулик ва беданалар ёғдириб таъин қилган. Ҳақда **Қуръон**нинг 2-чи «Бақара» сурасининг 57-оятда ва 7- «Аъроф» сурасининг 160-оятда ҳам ёзилган.

Улар эса, бунинг эвазига **Ишшукурчилик** ва **курнамаклик** қилиб динга кириш, яна унга кириш каби субутсизлик билан жавоб бердилар. Сабр қилиш урни **Аллоҳнинг** пайғамбарлари Мусо ва Хорун алайҳиссаломлар билан ужарлик, кўнгли билан жанжаллашиб келдилар.

Бу итоатсиз, саркаш қавм бедана гўштини ҳар ким фақат бир кунга, шу бугунга етарлигини олиш лозимлиги ҳақидаги Мусо а.с. орқали етказилган Аллоҳ амрини бажармай, биринчи кунӣёқ **Аллоҳ** нозил қилган салво-бедана гўштини очкузлик қилиб ғамлаб олганлар ва эртаси кун уларга қурт тушиб сасиб кетиб, танавул қилиб бўлмайдиган ҳолга келган. Ҷша пайтдан то ҳанузгача гўшт сасийдиган бўлиб қолган экан. Унгача гўшт ҳеч бузулмас ва айнимас экан. Бу ҳақда Имом ал-Бухорий жамлаган «Ҳадис» китобининг 2-жилди, 425-бетда ҳам айтиб ўтилган.

Бани Исроил Синай чулларида сарсонликда юрганларида, **Аллоҳ** Мусо алайҳиссаломга Навин ўғли Осиёни ўзига ёрдамчи қилиб олишни буюради. Мусо алайҳиссалом уни ўзига ёрдамчи қилиб олганлигини ҳаммага эълон қилади ва унинг номини Ййсо, яъни Ййсо Навин (Иисус Навин) қўяди. Шарқ диний адабиётларида, жумладан, Ҳадиси шарифда у — Ювшаъ ибн Нун деб тилга элинади (кейинчалик у яҳудийларнинг буюк саркардаси бўлиб етишади ва унга пайғамбарлик мақоми берилади).

Тавротда ёзилишича («Сонлар» 20-боб), Бани Исроил чул кезиб юриб, Синай чулларининг Кадес деган жойига етиб келадилар. Бу ерда Ҳорун ва Мусо алайҳиссаломларнинг опаси Мариам вафот этади, уни шу ерга дафн этадилар.

Бу ерларда умуман ҳеч қандай сув йўқ эди. Бани Исроил сувсизликдан нола қилиб юборадилар ва оҳ-воҳ айлаб, туполон кутариб Мусо ва Ҳорун алайҳиссалом олдиларига келиб, уларни уртага олиб, букирганларича сув талаб қилиб туриб оладилар.

Мусо алайҳиссалом муножотига жавобан **Парвардигор**:

«Эй Мусо! Асоингни ол-да, ҳаммани тупла, кейин Ҳорун билан бирга барчани олдида рупарангларда турган қоя-тошни асоинг билан уриб, — «сув бер», — деб айт, сув чиқади ва бу сув билан ҳаммани ва мол-ҳолларни ҳам суғорасан!»

Ушбу оятни Мусо алайҳиссаломдан эшитган қавм ундан дарҳол қоядан сув чиқариб беришни қаттиқ талаб қилиб туриб оладилар.

Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар ҳаммани қоя олдига туплаганларидан кейин, Мусо уларга:

— «Қулок солларинг, эй итоатсиз, ўжар, қайсар, саркаш қавмлар! Ана шу қоя тошдан сизларга қандай қилиб сув чиқариб бериб бўлади, ахир?» дейди ва асоси билан қояни икки марта зарб билан урганидан кейин, **Аллоҳ**нинг амри ва қудрати билан қоя гумбирлаб ёрилиб, ундан жуда кўп сув отилиб чиқади.

Аллоҳнинг чексиз меҳрибонлиги ва қудратидан лол қолган Бани Исроил қавми қониб сувдан ичадилар, мешларини ҳам тўлдириб олиб, мол-ҳолларини ҳам суғорадилар.

Шунда **Парвардигори олам** Мусо ва Ҳорунга:

— Бани Исроил кўзи олдида **Менинг** қудратимга шубҳа қилганларинг ва Сузларимни муқаддас тутмаганларинг учун **Мен** халқингга берадиган ерларга уларни бошлаб олиб кирмагайсизлар, — деб амр қилади.

Тангри таоло ва Бани Исроил уртасида тортишувга сабаб бўлган бу «Мерив суви» воқеаси орқали **Парвардигор Ҷзининг** қудрати ва фазлу карами кенглигини яна бир бор намоён этди.

Шундай қилиб, Бани Исроил Кадесдан Ур (Ор) тоғига етиб келадилар ва **Парвардигор** эдомликлар ерининг чегараси яқинидаги Ур тоғида Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларга «Мерив суви» ёнида **Ҷзининг** қудратини улуглай олмаганликлари ва шубҳага борганликлари учун Бани Исроилга берадиган ерларига Ҳорун алайҳиссалом кирмаслигини, Ҳорун ва унинг ўғли Елеазарни Ур тоғига олиб чиқишни, ўша ерда Ҳоруннинг муқаддас кийимларини ўғли Елеазарга кийдиришни, Ҳорун ўзи эса ўша ерда четланиб, омонатини топшириши кераклигини Мусо алайҳиссаломга амр қилади.

Мусо алайҳиссалом **Парвардигор** амрини бажарди. Ур тоғида Ҳоруннинг муқаддас кийимларини ечиб, унинг ўғли Елеазарга кийгазди.

Ҳорун алайҳиссалом ўша ерда, Мисрдан чиқиб келганларидан 40 йил ўтганидан кейин, милoddан аввалги 1546- йилда 123 ёшида омонатини эгасига топширди.

Сунгра Мусо ва Ҳоруннинг ўғли Елеазар тоғдан бирга тушиб келадилар, Бани Исроил бу хабарни эшитиб, Мусо алайҳиссаломга «аканг Ҳорунни ўзинг ўлдиргансан», деб тухмат қилишади. Шунда **Аллоҳ** ўз пайғамбарини тухматдан халос қилиш учун Ҳоруннинг жа-

садини самодан уларга кўрсатади. Барча қавм унинг жасадида ҳеч қандай қотиллик аломатлари йўқлигини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч ҳосил қиладилар ва унга 30 кун мотам тутадилар.

Бу воқеадан кўп ўтмай, шу йилнинг ўзида Мусо алайҳиссалом **Аллоҳ**нинг амри билан Бани Исроилни Исус Навин (Ювшаъ ибн Нун)га топширади.

Мусо пайғамбар Бани Исроилни тўплаб, ўзи қариб қолганини, ўрнига Ийсо Навин бўлганини, **Тангри таоло** унга қавмни Иордан дарёсидан олиб ўтмайсан ва Фаластинга кирмайсан деганини, умри охирлаб қолганини айтади ва Ийсо Навинга кўп насихатлар қилади.

Парвардигори олам шу куни Мусога:

— Шерихон (Иерихон) рўпарасидаги Муовийлар ерида жойлашган Набу (Нево) тоғига чиқ ва **Мен** Иброҳим, Исҳоқ, Исроил ўғилларига ваъда қилган Канъон ерларига назар сол ва аканг Хорун сингари Синай саҳроси — Кадесдаги «Мерив суви» шарофати билан менинг муқаддаслигимни, қудратимни халқ олдида улуғлай олмаганинг, қудратимга шубҳа қилганинг сабабидан у ерларга кириш сенга ҳам насиб бўлмайди. Ўша ерда **Менга** омонатингни топшир ва аждодларингга қўшил, — деб амр этади.

Шундай қилиб, Мусо алайҳиссалом ҳам **Аллоҳ**нинг амри билан Муовийлар ерида шу йилнинг ўзида, яъни милоддан аввалги 1546- йилда 120 ёшида ҳали бардам, бақувват, кўзлари ўткир ҳолида вафот этади (Қаранг: Таврот. «Иккинчи қонунлар тўплами», 34-боб). Уни Виффегор қаршисидаги Муовийлар еридаги бир водий чеккасига дафн қилдилар. Бу иккала буюк пайғамбарнинг қабрлари аниқ қаердалигини ҳали-ҳанузгача ҳеч ким билмайди.

Бани Исроил Мусо алайҳиссаломга ҳам 30 кун мотам тутдилар.

Бани Исроилни Иордан дарёсидан олиб ўтиш ва Канъон ерларини эгаллаш **Аллоҳ**нинг мадади билан Ийсо Навин (Ювшаъ ибн Нун)га насиб этди.

Бу пайғамбар ва буюк саркарда бошчилигида Бани Исроил жангу жадаллар қилиб Канъон ерларига кириб келадилар. (Қаранг: Таврот. «Ибтидо» бўлими, 46, 47, 50-боблар, «Чиқиш» бўлими, 7, 12, 13, 15, 16, 18, 19, 24, 32-боблар, «Сонлар» («Чўлда») бўлими, 11, 20, 26, 27, 33-боблар, «Иккинчи қонунлар тўплами», 31, 32, 34-боблар ва «Исус Навин» бўлими 3, 4, 24-боблар)

Мисрдан олиб чиқилган Юсуф алайҳиссалом суякларини эса Ювшаъ алайҳиссалом бошчилигида Юсуф алайҳиссаломнинг отаси Яъқуб алайҳиссалом қабри ёнига дафн этадилар.

Ювшаъ алайҳиссалом 110 ёшида Канъон ерларида вафот этади ва шу заминга дафн қилинади.

Аллоҳга ширк ва шак келтириш, Унинг қудратига ишонмаслик, ҳатто шубҳага, гумонга бориш, киши ким бўлишидан, **Аллоҳ** йўлида қандай хизматлар қилганлигидан қатъий назар, унинг учун кечирилмас оғир гуноҳ ҳисобланади.

Биз бу борада ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. Ҳатто гап орасида ҳам бундай ботил сўзлар, фикрлар оғзимиздан чиқиб кетишига, дилимизда ҳам гумонга боришга зинҳор-базинҳор йўл қўйиб бўлмайди. Айтадилар-ку: «Гумон иймондан айиради», деб.

Бу тавҳид, ваҳдоният, иймон талабидир. Буни доим ёдда тутишимиз лозим.

Мусо алайҳиссалом тарихда яҳудийлик динининг асосчиси ҳамда Таврот «Бешкитоб»и нозил қилинган пайғамбар ҳисобланади. Бу беш китоб: 1) «Ибтидо» («Борлиқ»); 2) «Чиқиш»; 3) «Ловийлар»; 4) «Сонлар» («Чўлда»); 5) «Иккинчи қонунлар тўплами» китоблари Библиянинг «Қадимги аҳд» бўлимига кирган бўлиб, яҳудий динининг барча қонун-қоидалари, тартиботлари ёритилган. Мусо «Бешкитоби» — Тавротдан кейин 500 йил давомида «Исус Навин» (Ювшаъ пайғамбар) китоби яратилиб, у ҳам Библиянинг «Қадимги аҳд» қисмига киритилган. Уларнинг юзага келиш тарихи эса шундай бўлган эди.

Милоддан аввалги X—IX асрларда Яхудия подшоҳлигида «Яхвест» (ўша пайтларда Худо — Яхва номи билан юритилган) номли хужжат яратилган. Шундан бир неча ўн йиллар ўтгандан кейин эса Шимолий Исроил подшоҳлигида яҳудийларнинг диний қарашлари ва мафкураларини акс эттирувчи «Элоҳист» (Элоҳим — Худо дегани) номи билан машҳур бўлган бошқа иккинчи бир хужжат ёзилди. Шундан кейин, милоддан аввалги 621-

йилга келиб, юқорида кўрсатилган икки хужжатларни ҳам ҳисобга олинган ҳолда учинчи хужжат — «Иккинчи қонунлар тўплами» («Второзаконие») китоби ёзилиб, Тавротга бешинчи китоб сифатида киритилди. Шундан кейин то ҳозиргача Таврот «Мусо беш китоби» деб ҳам юритила бошланди. Яҳудийлар Бобил подшоҳларига асир бўлиб юрган даврларда қоҳинлар дарҳол тўртинчи хужжат — «Қоҳинлик кодекси»ни туздилар.

Милоддан аввалги 444-йилда Ездра (Узайр) ана шу тўрт хужжатга асосланиб, ўзининг «Мусо беш китоби»ни ёзиб тугатди ва халққа эълон қилди.

Шу тариқа, Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган Таврот китобидаги қайси каломлар **Тангри таолоники**, қайсилари қўшилган ёки ўзгартирилган эканлигини ажратиш мушкул бўлиб қолди.

И з о ҳ: *Узайр (Е з д р а) — Библиянинг «Қадимги аҳд» бўлимига киритилган «Ездра китоби»нинг муаллифи, Мусо алайҳиссаломнинг «Бешкитоб»ни тўплаб, тартибга солган шахс; милоддан аввалги 465 — 425- йилларда Эрон шаҳаншоҳи Кайхусрав I томонидан Яҳудия подшоҳлигига ноиб этиб тайинланган, 586- йили вайрон қилинган Иерусалим ибодатхонасини қайта тиклаган ноиб Неемия билан биргаликда, яҳудий халқидан бошқа барча халқларга нисбатан адоват билан сугорилган, Худо — Яҳвага сиғиниш гоёясини қайта тиклаш мақсадини кўзлаган «Ездра китоби»ни ёзган ва халқ йиғинида эълон қилган. Ездра ва Неемиянинг ёзган бу китоби ҳам Библия таркибига киритилган.*

Ислом динининг муаззам асоси муқаддас **Қуръони карим** эса асрлар давомида ҳамон мазмуни, ҳатто бирор ҳарфи, белгиси ҳам ўзгармай келмоқда. Чунки азимушшаън **Қуръон**ни тўла сақлашни ўз ҳифзу ҳимоясига олганлигини **Аллоҳ таборак ва таоло** махсус ояти карималарида эслатиб ўтади. Шу боисдан, яна таъкидлаб ўтамизки, бутун Ер юзидаги башариятга юборилган **Аллоҳ таолонинг** охирги китоби **Қуръони карим** нозил қилинганлиги муносабати билан аввал нозил қилинган уч муқаддас китобнинг айрим ҳукмлари бекор қилинди, бу ҳукмлар ўрнига **Қуръони карим**даги ҳукмлар амал қиладиган бўлди.

Аллоҳ таоло нозил қилган муқаддас Таврот китобининг соҳиби, мусавийлик динининг асосчиси ака-ука пайғамбарлар Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар ҳақида **Қуръони карим**да кўпдан-кўп оятлар келтирилган, улардан айримлари эътиборингизга ҳавола қилинади:

«Қасамки, Биз Мусо ва Ҳорунга (пайғамбарлик) инъом этдик.

Уларга мадад бердик, бас, улар (Фиръавн устидан) ғолиб бўлдилар.

Биз уларга аниқ Китоб (Таврот) ато этдик.

Мусо ва Ҳорунга салом!» (37- «Вас-софот» сураси, 114, 116, 117 ва 120-оятлар).

«(Эй, Муҳаммад), (ушбу) Китобда Мусо (қиссасини) ёд этинг! Дарҳақиқат, у танлаб олинган элчи — пайғамбар эди.

Биз унга Ўз фазлимиз билан биродари — Ҳорунни пайғамбар қилиб бердик». (19- «Марям» сураси, 51 ва 53-оятлар).

«Эй, Мусо! Мен сени одамлар узра рисолаларим (Таврот битиклари) ва гаплашганим билан мумтоз (танланган, хос) этдим. Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукр қилувчилардан бўлгин!» — деди (Аллоҳ). (7- «Аъроф» сураси, 144-оят).

«Тўғри йўлга тушарсизлар, деб, Мусога Китоб (Таврот)ни ва (ҳақ билан ноҳақни ажратувчи) Фурқонни берганимизни эсланг». (2- «Бақара» сураси, 53-оят).

«Дарҳақиқат, Биз Мусо ва Ҳорунга зиё ва тақводор кишилар учун эслатма бўлган Фурқон (Таврот)ни ато этдик». (21- «Анбиё» сураси, 48-оят).

«Сўнгра Биз Мусо ва унинг биродари Ҳорунни мўъжизаларимиз ва аниқ ҳужат билан юбордик.

Фиръавн ва унинг зодагонларига (юбордик). Улар эса кибр-ҳавога берилдилар. Улар мутақаббирлар қавми эдилар». (23- «Муъминун» сураси, 45—46-оятлар).

«Сўнгра улардан кейин Мусони мўъжизалар билан Фиръавн ва унинг зо-

дагонларига (элчи қилиб) юбордик. Уларга зулм қилдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг!

Мусо айтди: «Эй Фиръавн! Мен оламлар Раббидан (юборилган) элчидирман. Аллоҳ номидан фақатгина ҳақ (гап)ни гапиришга ҳақлиман. Сизларга Раббингиздан ҳужжат келтирдим. (Эй Фиръавн!) Исроил авлодини мен билан бирга (муқаддас юртлари — Шомга) **жунатгин!**» (7- «Аъроф» сураси, 103—105-оятлар).

Изоҳ: Юқорида айтиб ўтганимиздек, авлодлари аслида Муқаддас замин (Шом)-дан бўлган Бани Исроил қавмининг Мисрга келиб ўрнашиб қолишларига сабаб шу бўлганки, Юсуф алайҳиссалом замонларида Яъқуб алайҳиссаломнинг уруе-авлодлари бу мамлакатга келиб, уй-жой, бола-чақа қилиб қолиб кетган эдилар. Юсуф ва унинг даврида ҳукмронлик қилган Фиръавн вафотидан кейин давлат тепасига келган янги Фиръавн уларни қул қилиб, энг оғир ишларда ишлата бошлади. Шунда Мусо пайғамбар Бани Исроилни, яъни Яъқуб алайҳиссалом авлодларини бу асирликдан қутқариб, ота-боболарининг ватани Муқаддас замин (Шом)га олиб кетмоқчи бўлади.

«Сўнгра уларнинг ортидан Мусо билан Ҳорунни Фиръавн ва (унинг) зодагонлари ҳузурига мўъжизаларимиз билан бирга юбордик. Бас, (улар) кибрландилар ва жиноятчи қавм бўлдилар.

Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари улар ортидан зўравонлик ва зулм юзасидан эргашдилар. Унга (Фиръавнга) фарқ бўлиш (соати) етишганда айтди: «Иймон келтирдимки, Исроил авлоди иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонларданман».

(Аллоҳ деди): «Эндими?! Ахир, сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузғунчилардан эдинг-ку! Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятларимиздан ғофилдирлар». (10- «Юнус» сураси, 75- ва 90—92 оятлар).

Изоҳ: Аллоҳ унинг иймонини қабул қилмади, балки бошқа одамлар кўриб, ибрат олсинлар деб, унинг жасади денгиз соҳилига чиқариб ташланди. Бу ояти карималар Ислому таълимотидаги бутун ҳаётини кофирлик-даҳрийлик билан ўтказиб ниҳоят жони чиқар пайтида Аллоҳга иймон келтирган кимсаларнинг иймони мақбул эмас деган ақиданинг асоси бўлди. Дарвоқе, бундай иймон келтириш «яъс иймон» деб юритилади.

«Сизлар сабабли денгизни (иккига) бўлиб, сизларни қутқарганимиз, кўз ўнгингизда Фиръавн лашкарини фарқ қилганимизни ҳам эслангиз». (2- «Бақара» сураси, 50-оят).

«Қасамки, Биз Мусога Китоб (Таврот) ато этдик ва биродари Ҳорунни унга вазир этдик.

Сўнгра дедик: «Бизнинг оятларимизни ёлғонга йўйган қавм (Фиръавн ва унинг қавми) олдига борингиз!» Бас, (ўз куфрларидан қайтишмагач), Биз уларни (денгизга фарқ қилиш билан) қириб ташладик». (25- «Фурқон» сураси, 35—36-оятлар).

«Мусо билан қирқ кеча ваъдалашганимиз, ундан (ҳузуримизга кетганидан) кейин, сизлар (ўзларингизга) зулм қилган ҳолингизда бузоққа сифинганингизни эслангиз». (2- «Бақара» сураси, 51-оят).

(Аллоҳ) деди: «Ҳақиқатан, Биз сенинг ортингдан қавмингни имтиҳон қилдик. Сомирий уларни йўлдан оздирди.

Улар: «То бизга Мусо қайтмагунича, унга (маъбудага) сифинишдан сира тинмаймиз», — деган эдилар. (20- «Тоҳо» сураси, 85 ва 91-оятлар).

«Мусонинг ўз қавмига: «Эй қавмим, сизлар бузоққа сифиниш билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириш билан Яратгувчингизга тавба қилингиз. Яратгувчингиз наздида шу (қатл) сизлар учун яхшироқдир», — деган сўзини эсланг. Шундай қилиб, Аллоҳ тавбангизни қабул этди. Албатта, У кечиримли ва раҳмлидир». (2- «Бақара» сураси, 54-оят).

18. Ювшаъ алайҳиссалом

Ювшаъ алайҳиссалом *Қуръони карим*нинг Аловуддин Мансурга мансуб ўзбекча таржима-сида ал-Ясаъ алайҳиссалом билан бир шахс тарзида зикр этилган: «**Исмоил, ал-Ясаъ** (Ювшаъ пайғамбар), **Юнус ва Лутни** (ҳам ҳидоят қилдик) **ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик**» (6-нчи «Анъом» сураси, 86-оят). «**Яна Исмоил, ал-Ясаъ** (Ювшаъ пайғамбар) **ва Зул-Кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир**» (38- «Сод» сураси, 48-оят).

Шунинг учун бу пайғамбар ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Ювшаъ алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломнинг ёрдамчиси ва ноиби бўлиб, милоддан аввалги 1628- йил туғилиб, 1518- йили вафот этган. Тавротда у Иисус Навин деб аталган.

Бани Исроил ўзларининг одатий хиёнаткорона саркашликлари ва субутсизликлари туфайли Синай чулида сарсон-саргордон бўлиб эзилиб юрганларида, **Аллоҳ таоло** Мусо алайҳиссаломга Юсуф алайҳиссалом авлодидан бўлмиш Навин ўғли Осиёни ўзига ноиб — ўринбосар ва ёрдамчи қилиб олишни амр қилган ва унга пайғамбарлик мақомини берган. Шундан кейин Мусо алайҳиссалом унга Иисус Навин (Ийсо Навин) деб ном берган, мусулмон диний китобларида у Ювшаъ ибн Нун, баъзи манбаларда эса Наби Ясу деб аталган.

Мусо алайҳиссалом вафот этганларидан кейин у Бани Исроил халқига йўлбошчилик қилиб, **Тангрининг** амри билан уларни Шариа (Иордан) дарёсидан кўприк ва қайиқсиз мўъжиза билан олиб ўтган ҳамда боболарининг асл ватани бўлган Канъонни босиб олган. Ювшаъ алайҳиссалом яҳудийларнинг буюк саркардаси ҳам ҳисобланади.

Ҳазрат Мусо Мисрдан чиққанларида Юсуф алайҳиссаломнинг жасадларини ўзлари билан бирга олган, вафот этишидан олдин ноиби ҳазрат Ювшаъ алайҳиссаломга топширган эди.

Ювшаъ алайҳиссалом Арихон (Иерихон) шахрини олганларидан кейин Юсуф алайҳиссалом хокларини ўзлари васият қилган жойга — Канъон заминига, ота-боболари ётган мазорга олиб бориб кўмдилар.

Яҳудийлар бу саркарда бошчилигида Қуддусга киришларидан олдин **Аллоҳ таоло** уларни қуйидагича огоҳлантирган: «**Биз сизларга: «Ушбу қишлоққа (Қудсга) кинрингизлар ва унда хоҳлаган жойларингизда лаззатланиб, еб-ичингизлар. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда кириб, (Аллоҳга) «Афв эт» денглар, (шунда) Биз хатоларингизни кечирамиз ва эзгулик қилувчиларга (ажру савобни ҳам) зиёда қилурмиз», — деганимизни эслангиз!**» (2- «Бақара» сураси, 58-оят). Аммо улар **Аллоҳнинг** бу амрини ва пайғамбарнинг буйруғини бажармаган ҳолда Қуддусга кирдилар.

Абу Ҳурайра разийаллоху анху ривоят қиладилар. *Расулulloҳ: Бани Исроилга «Эшикдан сажда қилиб кинрингизлар ва бизнинг гуноҳларимизни афв эт, деб айтингизлар, биз сизларнинг гуноҳларингизни афв этурмиз», дейилганда, бу саркаш қавм Аллоҳ тайинлаган сўзларни ўзгартириб, эшикдан орқалари бирлан судралишиб киришди ва «ҳиттатун» — «гуноҳларимизни афв эт» дейиш ўрнига «ҳинтатун — арпа бер» деб кириб келдилар» дедилар.* (Имом ал-Бухорий. «Ҳадис». 3-жилд, 216-бет).

Ювшаъ алайҳиссалом Шом вилоятини ҳам олиб, Бани Исроил қавмини Мусо алайҳиссаломдан кейин яна 28 йил ҳақ динга даъват қилди ва 110 ёшида вафот этди.

Пайғамбарлар ҳақидаги 6-фаслни бошлашдан аввал айтиб ўтганимиздек, ал-Ясаъ алайҳиссалом ва Ювшаъ алайҳиссалом бошқа-бошқа пайғамбардирлар. Ал-Ясаъ пайғамбар Ювшаъ пайғамбардан қарийб 800 йил кейин ўтган.

Ювшаъ ва Мусо алайҳиссаломларнинг бирга фаолият кўрсатганликлари Имом ал-Бухорий жамлаган «Ҳадис» китобининг 1-жилди 47-бетида, 2-жилди 427-бетида, 3- жилди 263-бетида, Ювшаъ алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликлари ҳақида эса 2-жилднинг 331-бетида маълумот келтирилган.

19. Шамъун алайҳиссалом

*Қуръони карим*нинг фақат биргина «Бақара» сурасининг 246-оятида Шамъун алайҳиссаломнинг пайғамбар эканлигига ишора этиб ўтилган холос. Аммо Тавротда унинг

ҳақида бирмунча кенг маълумотлар берилган бўлиб, у **Тангри таолонинг** пайгамбари эканлиги ёзилган, номи эса Самуил тарзида келтирилган (қаранг: Таврот, «Биринчи подшоҳлик» бўлими, 1—3-боблар).

Шундай қилиб, Тавротда ёзилишича, Яхудия шаҳарларидан бўлмиш Силомда Елкан исмли художўй, тақводор киши яшаган. Унинг Анна исмли туғмас хотини бўлиб, у доим ибодатхонага бориб тоат-ибодат қилар, **Тангри таолодан** ўзларига бир фарзанд ато этишни сўраб илтижолар билан ёлворарди. Елкан **Тангри таолога** илтижо қилиб: «Эй **Парвардигоро**, агар бизга бир ўғил ҳадя этсанг, уни сенга назр қилар ва бир умр Сенинг хизматингга бағишлар эдим», — деб астойдил нолаю фиғонлар қиларди. **Худованд** унинг тинмай қилган нолаларини инобатга олиб, уларга бир солих ўғил ато этади ва унинг исмини Шамъун (Самуил) қўядилар.

Шамъун бироз ўсгач, Анна ваъдасига вафо қилиб уни ибодатхонага, Илёс (Илий) деган руҳонийга (Илёс пайгамбар эмас) олиб бориб беради ва уни бир умрга **Аллоҳга** назр қилганлигини айтади. Руҳоний ва ҳикматшунос Илёс мил. олдинги 1100- йиллардан ҳам олдинроқ яшаган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048)нинг ёзишича, зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт ёшлигида Ҳарронда худди ана шу ҳикматшунос руҳоний Илёсдан (у Илёс пайгамбар эмас) дастлабки таълимни олган. (қаранг: Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I-жилд. Таржимон А. Расулов. Тошкент. «Фан». 1968, 237-бет).

Шамъун Илёс билан бирга ибодатхонада доим ибодат билан машғул бўлар ва уйда унинг икки ўғли билан бирга яшар эди. Илёснинг бу икки ўғли жуда шум, бебош, ярамас болалар бўлиб, отасининг гапларига кирмас, барчани ранжитиб, хафа қилар, ибодатхонага хайр-эхсон тариқасида берилган озик-овқатларни ўғирлашар, баъзида эса одамларнинг нарсаларини куч билан тортиб ҳам олар эдилар. Илёс болаларининг қинғирликларини билса-да, уларни қаттиқ яхши кўрганлигидан тиймас ва қаттиқ ҳам гапирмас эди. Ака-укаларнинг ярамасликлари тобора ҳаддан ошаверди.

Кунлардан бир куни **Тангри таоло** ҳаддидан ошиб кетаётган бу бебош болаларни ва Илёсни жазоламоқчи бўлади. Иттифоқо, Шамъун ибодатхонада ухлаб ётар экан, «Шамъун!» «Шамъун!» деган овозни эшитиб, туриб дарров устози Илёснинг олдига боради ва: «Мени чақирдингизми?» — деб сўрайди. Илёс уни чақирмаганини, бориб ётиб ухлайвершини айтади. Шамъун энди уйқуга кетганида, бояги овоз яна ўша тарзда қайтарилади. У ўрнидан дарров туриб, яна Илёснинг олдига бориб, ундан чақирган-чақирмаганлигини яна сўрайди. Илёс тагин уни чақирмаганлигини айтади. Бу ҳолат учинчи маротаба такрорланганда, Илёс Шамъунни **Тангри** чақирганини фаҳмлаб қолади ва унга бориб ётишни, уни тагин чақирсалар, «Эй **Парвардигорим**, мен Сени эшитяпман», деб айтишини таъкидлайди. Шамъун пинакка кетиши билан яна ўша овоз уни чақиради ва у: «Эй **Парвардигорим**, қулоғим **Сенда**, қулинг эшитади», — деб жавоб беради. Шунда ҳалиги овоз Шамъунга Илёс катта гуноҳга йўл қўйгани, болаларининг ярамасликларини била туриб олдини олмагани, уларни жиловлаб қўймагани ва йўлга солмагани учун, Илёснинг ўзини ва болаларини жазолаяжagini айтади.

Илёс Шамъундан нима гап бўлганини қайта-қайта сўрайверганидан кейин, истаристамас, ҳамма гапни айтиб беради. Илёс **У Парвардигор** бўлганлигидан нимани хоҳласа, шунни қилишини айтади.

Шундан кейин, тез орада яхудийлар устига душман бостириб келади. Илёснинг иккала ўғли урушда ҳалок бўлади. Уларнинг ўлимини эшитган Илёс ҳам ўтирган жойида қийшайиб жон беради. Шундай қилиб, Илёс ва унинг шум ўғиллари **Аллоҳнинг** ғазабига учраб ҳалок бўладилар.

Илёснинг ўлимидан сўнг, Шамъун унинг ўрнига руҳоний ва юртни сўрайдиган қози этиб сайланади.

Такдирни қарангки, ундан ҳам икки ўғил туғилиб, худди Илёснинг болаларидек шум, бебош, ярамас бўлиб чиқадилар. Уларнинг қилмишларидан халқ безор бўлиб, Шамъуннинг олдига келишиб: «Сен энди қариб қолдинг, ўғилларинг жонимизга тегиб кетди,

бизни энди сен, яъни қози бошқаришини (ўша пайтларда қавмни қози бошқарар эди) истамаймиз ва бизга бошқалардаги каби бир подшоҳ бер, халқни у бошқарсин, биз унга бўйинсунайлик», — деб талаб қилиб туриб олдилар.

Тангри таоло ҳам Шамъунга қавмнинг талабларини қондиришни, уларга бир подшоҳ тайин қилишни буюради.

Ўша кезларда Шамъун яшайдиган Силом шаҳридан узоқда бир бой одам яшар, унинг Саул деган келишган, хушбичим, чиройли, ақлли, дароз бир ўғли бор эди. Бир куни ўша бойнинг икки эшаги йўқолиб қолади ва бой ўғли Саулни икки хизматкорига қўшиб, эшакларни топиб келишни буюради. Улар эшакларни қидира-қидира, Шамъун яшайдиган шаҳарга келиб қоладилар ва бу ерда бир пайғамбар яшаётганини эшитишиб, эшаклари қаердалигини айтиб берармикан деб, унинг олдига борадилар.

Аллоҳ таоло эса яқин орада бир нотаниш одам келишини ва уни подшоҳликка тайинлашни Шамъуннинг кўнглига солади. Улар эшакларининг дарагини сўраш учун унинг олдига келганларида, Шамъун уларга бундан муҳимроқ ва жиддийроқ бир иш борлигини ва шу кун уйида тунаб қолишларини сўрайди. Эшак ахтариб юрганлар тунаб қоладилар. Эртасига эрта билан Шамъун Саулнинг бошига хушбўй ёғ қуйиб, уни **Тангри таоло** исроилликлар устидан подшоҳ қилганлигини айтади ва табриқлайди.

Шундан кейин Шамъун барча исроилликларни йиғиб, **Тангри таоло** ана шу одамни подшоҳ қилиб танлаганини эълон қилади. Исроилликлар уни мамнунлик билан шодиёна қабул қилдилар. Шундай қилиб, Саул Бани Исроилнинг биринчи подшоҳи этиб сайланади.

Исроил подшоҳлигининг биринчи ҳукмдори Саул ва иккинчи, учинчи ҳукмдорлари бўлмиш ҳазрат Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломларнинг ҳар бирлари 40 йилдан подшоҳлик қилдилар.

Шундай қилиб, бирмунча вақт ўтгач, Саул ўзининг подшоҳлик даврида бир неча гуноҳ ишларни қилади, **Аллоҳ**нинг қаҳрини келтиради. Шундан кейин **Аллоҳ** Шамъунга Вифлеем (Байт-Лаҳм) шаҳрига боришни, у ерда Иеесей (Ишоъ) исмли бир подачининг саккиз ўғли борлигини ва у ўғилларидан бирини подшоҳликка тайинлашни, қайсиниси эканлигини борганидан кейин билдиришини айтади.

Шамъун Вифлеемга бориб **Аллоҳ**нинг амри билан ўша одамнинг саккизинчи кенжа ўғли Довуднинг бошига ёғ суртиб, Саулнинг ўрнига подшоҳликка тайинлайди.

Бирмунча вақт ўтгандан кейин, Саул вафот этади ва хокимиятни Довуд эгаллайди. Кейинроқ **Тангри таоло** унга пайғамбарлик неъматини ҳам беради.

Довуд алайҳиссалом ёшлигиданоқ жуда хушовоз бўлиб, ўзининг чолғу асбоби — арфа билан **Аллоҳ** ҳақида муқаддас қушиқ-саноларни шундай куйлар эдики, уни эшитган ҳар бир одам йиғлаб, мумдек эриб кетар, ҳатто осмондаги қушлар ҳам парвозларини тўхтатиб, унинг қушиқларини зўр бериб тинглаб қотиб қолар эканлар. Шундай қилиб, **Тангри таоло** ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг кўнглига муқаддас қушиқ-саноларни жо қилиб, унга **Ўзининг** муқаддас Забур китобини нозил қилди.

Хуллас, **Қуръони карим** ва Тавротда тилга олинган Шамъун алайҳиссалом милоддан аввалги 1100—1000- йилларда Довуд алайҳиссалом даврларида яшаб ўтган яхудийлар пайғамбари бўлган.

20. Довуд алайҳиссалом

Довуд алайҳиссалом (Довуд ибн Ишоъ) Мусо алайҳиссалом вафотларидан 463 йил кейин, милоддан аввалги 1083- йили туғилиб, 1013- йилда 70 ёшларида вафот этганлар. 40 йил подшоҳлик қилганлар. Тавротда бу пайғамбар Давид деб аталган.

Довуд алайҳиссалом ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ бўлган. Исроил ва Яхудияни бирлаштириб, ягона яхудий давлатини тузган илк подшоҳдир. Унга милоддан аввал 1053- йилда, 30 ёшида пайғамбар мақоми берилиб, подшоҳ бўлган ва шу йили Забур китоби нозил қилинган.

Шундай қилиб, Довуд алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломнинг 11-авлоди бўлиб, Яъқуб алайҳиссаломнинг 4-ўғли Яхудо (Иуда)нинг 10-авлодидир.

Ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг аждодлари (Таврот буйича):

Яъқуб алайҳиссалом, унинг ўгли Иуда, унинг ўгли Фарес, унинг ўгли Есром, унинг ўгли Арам, унинг ўгли Аминадав, унинг ўгли Наассон, унинг ўгли Салмон, унинг ўгли Вооз, унинг ўгли Овид, унинг ўгли Иеесей (Ишоъ), унинг саккизинчи кенжа ўгли Давид; яҳудий тилида «севиклиларнинг суюклиси» деганидир.

Ҳазрат Ҳорун ва Мусо алайҳиссаломлар эса Яъқуб алайҳиссаломнинг учинчи ўгли Левий (Ловий)нинг эвараларидир (Левий — Кааф — Амрам (Имрон) — Ҳорун ва Мусо а.с.лар).

Довуд алайҳиссаломга Мусо алайҳиссаломдан сўнг иккинчи илоҳий китоб Забур нозил қилинган. Забурда асосан диний шеърлар, қасидалар, **Аллоҳ**га ҳамду санолар, алқовлар, илтижо, арз-додлар, зорланиш, ёмонларни қарғаш кабилар битилган бўлиб, ундаги наътлар куйга солиб ижро этилган, қўшиқ каби куйланган.

Забурда бирорта амр, қонун-қоида, йўл-йўриқ ёзилмаган. Аввал айтиб ўтганимиздек, Мусо алайҳиссалом вафотларидан кейин, Бани Исроил халқига Ювшаъ алайҳиссалом пайғамбарлик ва раҳбарлик қилди. Қавм унинг раҳбарлигида муқаддас Фаластин ерларига кўчиб келди. Улар Иерихон ва Иерусалим шаҳарларини эгалладилар.

Ювшаъ алайҳиссалом вафотидан кейин уларга тайинли йўлбошчи бўлмаганидан, душманлари томонидан яна кўпдан-кўп ҳужумларга ва азобу уқубатларга дучор бўлдилар.

Бани Исроил қавми душманлар билан жанг қилмоқчи бўлсалар, мадад сўраб Таврот солинган сандиқ — васиятлар қутиси («ковчег завета»)ни ўзлари билан олиб чиқар эдилар. Шамъун пайғамбар даврида фаластинликлар билан бўлган бир урушда улар шармандаларча мағлуб бўлдилар. Урушда Бани Исроил қавмидан 30 минг киши ҳалок бўлди. Уларнинг кўплари асирга тушиб, қолганлари юртларидан яна қувғин қилинди. Таврот солинган сандиқ ҳам фаластинликлар қўлига ўтди. Шундан кейин бу қавм, бир кучлик подшоҳ чиқиб, уларни бирлаштиргунча тарқоқ ҳолда яшаб юрдилар, хорлик азобини тортдилар. Шунда уларнинг оқсоқоллари тўпланишиб, ўша даврда ҳукм юритиб турган Шамъун пайғамбарнинг олдига бориб, ўзларига бир кучли, ақлли, тадбирли кишини подшоҳликка кўрсатишни илтимос қилдилар. Бу қавмда ҳамон кўрқоқлик, бетайинлик, аҳдида турмаслик каби иллатлар ҳукм сурарди.

Бундан олдинги фаслда келтирилганидек, Шамъун алайҳиссалом таклифи билан подшоҳликка Саул сайланди (**Қуръони карим**да Толут деб номланган). Яҳудийлар тарихида Саул (Толут) Бани Исроилни бирлаштириб, ҳукмронликни ўз қўлига олган биринчи шахс ҳисобланади.

Саул Бани Исроилга подшоҳ бўлгач, фаластинликларга қарши курашга отланди. Фаластинликлар ўз шижоати, ҳайбати ва куч-қуввати билан машҳур бўлган Жолут (Голиаф) бошчилигида жангга шайландилар.

Жолут муҳолиф томон вакилини яккама-якка жангга чақирди. Унинг ҳайбатидан, доврғидан чўчиб, Бани Исроилдан бирор талабгор чиқмади. Жолут ниҳоятда йирик гавдали, баҳайбат саркарда эди.

Саул ўз аскарларига яккама-якка жангга чиқиб, голиб бўлганга қизимни ва мулкнинг ярмини бераман деса ҳам, бирорта мард топилмади.

Шунда жанг майдонини кузатиб турган Ишоънинг ўгли чўпон, нозикниҳол ўсмир Довуд Саул Жолутга қарши жангга чиқишга изн сўради. Саул Довуддан: «Илгари ўзингни ҳеч синаганмисан?»— деб сўради. Довуд подага ҳужум қилган бўрини сопқон отиб йиқитиб, буйинини узиб юборганини, арслоннинг эса оғзини йиртиб ташлаганини, сопқон отиб нақ мўлжалга ура олишини айтди.

Довуд Саулдан руҳсат олгач, оддий кийимда, совутсиз, қуролсиз майдонга чиқиб, Жолутга рўбарў бўлди. Қўлида фақатгина бир овчилар халтаси, ичида беш дона тош ва подага ҳужум қиладиган йиртқич ҳайвонларга отадиган чармдан ясалган сопқони бор эди, холос.

Жолут буни кўриб: «Қуролинг қани?»— деб сўради. Довуд қўлидаги тошни кўрсатди. Жолут: «Мен итмидимки, тош билан урасан?»— деб кулди. Довуд: «Ҳа, сен ҳам бир итсан!»— деб жавоб берди ва тошни сопқонга солиб, **Аллоҳ**нинг мадади билан чунонам улоқтирдик, тош Жолутнинг нақ пешонасига тегиб бошини тешиб юборди. Шундан

кейин дархол югуриб бориб, қулаган Жолутни ўзининг қиличи билан бир лаҳзада бошини танасидан жудо қилиб ташлади. Қолган тўрт тош билан тўрт аскарни ер тишлатди. Улуғ ва паҳлавон саркардалари қулаганини кўрган фаластинликлар ваҳима ичида тум-тарақай қочишга тушдилар. Душман устидан тўла зафар қозонилди.

Бутун халқ ва аскарлар ўз халоскорини роса олқишладилар. Довуднинг эътибори, шуҳрати, довуғи бағоят ортиб кетди.

И з о ҳ: «Қалб кўзи» рўзномасининг 1995- йил 4-сонида ёзилишича, 1993- йилда қадимшунос профессор Ричард Мартин Куддуси шарифдан 30 км. наридан, Яҳудия тоғлари тизмаси яқинида, яъни исроилликлар ва фаластинликлар ўртасида жанг бўлиб ўтган жойда оддий одамнинг бош чаноғидан анча йирик бўлган, пешонасининг қоқ ўртасида уни тешиб кирган юмалоқ тош бўлган бир бош чаноғини топган ва уни текширишга берганда, 3050 ёшда эканлиги аниқланган.

Антропологик тадқиқотлар бош чаноғи бўйи 2,5 метрча келадиган баҳайбат шахсга тегишли эканини ҳам тасдиқлаган.

Бу топилманинг ёши, баҳайбат кимса бўйининг 2,5 метрча келиши, қоқ пешонасидан тешиб кирган тош бу бош чаноғи ана шу фаластинликлар саркардаси Жолутга (Голиафга) тегишли эканини ва ана шу жанг Тавротда ёзилиши бўйича ўша ерда ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтганлигини тасдиқлагандек бўлади.

Бир неча йилдан кейин, Саул (Толут) вафотидан сўнг Довуд алайҳиссалом Бани Исроил қавмига подшоҳ этиб сайланди.

Бу воқеалардан сўнг кўп ўтмай, Довуд алайҳиссалом бир талай шаҳарларни олиб, Куддуси шарифни пойтахт қилиб, бутун Бани Исроил ва яҳудий қабилаларини бирлаштириб ягона подшоҳлик барпо этди.

Ҳазрат Довуд алайҳиссаломга **Аллоҳ таоло** берган мўъжизаларидан бири темирни қўлларида хамир каби эгиб-букиб, ундан турли нарсалар яшаш қувватига эга эканликлари эди. Шу боисдан Довуд алайҳиссалом ҳозиргача темирчиларнинг пири ҳисобланадилар.

«Биз Довудга (улуғ) фазл — (мартаба) ато этдик «Эй тоғлар ва қушлар, (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтинглар!» Ва унинг учун темирни (хамирдек) мулойим қилиб қўйдик. (Ва унга дедик): «Совутлар ясагин ва (уларни) яшашда аниқ меъёрни билгин! (Эй Довуд оиласи), яхши амал қилинглар! Зеро, Мен қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидирман». (34- «Сабаъ» сураси, 10—11-оятлар).

Дарҳақиқат, **Тангри таоло** Довуд алайҳиссаломга шундай хуш овоз берган эканки, юқорида айтганимиздек, у киши Забурни тиловат қилганларида, осмонда учиб кетаётган қушлар тек қотар ва чор атрофдаги тоғу тошлар билан бирга у зотга жўровоз бўлиб тиловат қилишиб куйлашар экан.

Ўша пайтларда темирчилик хунари ниҳоят даражада равнақ топган бўлиб, темирчилар темирдан исталган нарсани ясай олар эканлар. Асли касби даставвал чўпон, кейин эса темирчи — совутсоз бўлган Довуд пайғамбар эса шундай фазилатга эга эканларки, қўллари теккан темир хамирдек юмшоқ ва мулойим бўлиб қолар ҳамда у зот бирон асбоб-анжомсиз уни ўзлари хоҳлаган шаклга киритар эканлар, бу мўъжизанинг гувоҳи бўлган кишилар Довуднинг ҳақ пайғамбар эканига иймон келтиришар эканлар.

Шундай қилиб, Довуд алайҳиссалом Байт ул-Муқаддас биноти қурилишини бошлаб юбордилар ва Хевронда 7 йил Яҳудия устидан, Куддуси шарифда 33 йил Исроил — Яҳудия бирлашган давлатида ҳукмдорлик қилиб, жами 40 йил ҳукм суриб, милоддан аввалги 1013 йилда 70 ёшида, Ҳазрати Мусо алайҳиссалом вафотларидан 533 йил кейин дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилдилар.

Барча мулк, подшоҳлик ва пайғамбарлик Довуд алайҳиссаломнинг васияти бўйича ўғли Сулаймон алайҳиссаломга мерос бўлиб қолди.

Довуд алайҳиссалом ҳақида **Қуръон карим**да кўплаб оятлар келган. Улардан иккитасини келтириб утамир:

«Шундай қилиб, Аллоҳнинг изни билан улар устидан ғалаба қозондилар. Довуд Жолутни ўлдирди ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик ва пайғабарлик берди ҳамда Ўзи хоҳлаган нарсаларни ўргатди. Агар Аллоҳ одамларнинг бирини иккинчиси билан дафъ этиб турмас экан, шубҳасиз, Ер фасодга (бузғунчилик ва харобага) айланган бўлур эди, лекин Аллоҳ (барча) оламларга (нисбатан) буюк фазл эгасидир». (2- «Бақара» сураси, 251-оят).

«Раббингиз осмонлар ва Ердаги бор жонзотни яхши билгувчидир. Ҳақиқатан, (Биз) баъзи пайғамбарларни баъзиларидан афзал қилдик ва Довудга Забурни бердик». (17- «Ал-Исро» сураси, 55-оят).

21. Сулаймон алайҳиссалом

Сулаймон алайҳиссалом Довуд алайҳиссаломнинг кенжа ўғли бўлиб, милоддан аввалги 1033- йилда туғилиб, 973- йили 60 ёшида вафот этган. (Қаранг: Ю. В. Мизун, Ю. Г. Мизун. Тайны Бога и религий. Москва, «Вече», 1999, 348-бет).

Тавротда Соломон деб зикр этилган. «Соломон» сўзи (яхудийча) «мулоим», «тинчлик-севар» деган маъноларни англатади.

Сулаймон алайҳиссалом отаси каби қавмининг турли-туман мушкул низоларини, баҳсларини одиллик билан ҳал қилиб, ҳукм чиқарар эди. У ҳар бир ишда адолат ва моҳирлик билан донишмандларча ҳукм чиқаришда отаси Довуддан ҳам ўтиб кетди.

Довуд алайҳиссаломнинг ўн икки ўғли бор эди. Умр интиҳоси яқинлашиб қолганини сезган Довуд пайғамбар, «мендан кейин тахтимни қайси ўғлимга мерос қилиб қолдирсам экан», деб ўйлаб юрган кезларида, ҳазрати Жаброил алайҳиссалом Аллоҳдан ваҳй келтириб, қайси ўғли билимдонроқ, олимроқ бўлса ушани ўзига валиаҳд қилиб тайинлашга амр қилган экан.

Шундан кейин Довуд алайҳиссалом бутун Бани Исроилни жам қилиб, катта ўғли Беҳшуко (Адония) ва кенжа ўғли Сулаймоннинг билимларини имтиҳон қилмоқчи бўлиб улардан қуйидаги беш масалани ечиб беришни сўраган:

1. Оламда мусулмон кўпми, кофир кўпми?
2. Оламда эркак кўпми, хотин кўпми?
3. Оламда маишат учун ҳаммадан яхшироқ нарса нима ва ҳаммасидан ёмонроғи нима?
4. Дин учун ҳаммадан яхши нарса нима ва энг ёмон нарса нима?
5. Оламда икки нарса борки, унинг бири бўлмаса, бошқа биридан ҳеч фойда бўлмас, у икки нарса қайсидир?

Бу саволларни ҳеч бирига катта ўғил Беҳшуко жавоб беролмади.

Айтилганларга жавоб беришни Сулаймондан сўраганларида, улар саволларини тамом қилмасдан бурун кулиб юборади ва: «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотух», деб дуо қилади. Кейин саволларга қуйидагича жавоб беради:

Биринчи саволга жавоб: Оламда кофир кўп, чунки бир ҳисса мусулмонга бир ҳисса кофир ҳам бордир. Аммо яна мунофиқлар ҳам бордирки, улар кофирларга қўшилур.

Иккинчи саволга жавоб: Оламда эркакдан аёл кўпдир, чунки хотин сўзи билан иш қиладиганлар, ёлгон сўзни одат қилганлар ва газот учун ҳамият ва гайрат кўрсатмаганлар ҳам хотинлар қаторига қўшилиб оламда хотинлар сонини орттирадулар.

Учинчи саволга жавоб: Оламда маишат учун ҳаммадан яхшиси одобли гўзал хотиндир; ҳаммадан ёмонроғи беодоб, беандиша, бадхулқ, совуқ хотиндир.

Тўртинчи саволга жавоб: Дин учун ҳаммадан яхши нарса Аллоҳнинг яккаю ягоналигига эътиқод қилиш ва иқрор бўлишдир. Ҳаммадан ёмонроғи Аллоҳга ширк келтирмоқдир. Бир шаҳарда икки подшоҳнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, оламда ҳам икки ёки ундан ортиқ Худонинг бўлиши мумкин эмас.

Бешинчи саволга жавоб: Икки нарсанинг бири бўлмаса, биридан ҳеч фойда бўлмас, яъни кишининг ҳусну жамоли бўлса-ю, лекин одоби бўлмаса халойиқнинг кўзига ёмон, хунук, совуқ бўлиб кўринурки, бу ҳусндан ҳеч фойда бўлмас. Ҳар кимнинг моли бўлса-ю, лекин ҳиммату саховати бўлмаса, унинг молидан ҳеч фойда бўлмаски, гўё унинг моли тоғнинг тагида ётган кондек бефойдадир, деб жавоб берган экан.

Бани Исроил улуғлари унинг жавобларидан қоникдилар ва бу ҳақда Довуд алайҳиссаломга хабар бердилар. Аммо у савол бермасларидан аввал табассум қилганини, савол бераётганларида эса, ҳеч ким салом бермаса-да, бемаврид «Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракотух» деб юборганини, сўнгра «уф» тортганини, бу уларга, ўз сўзларини писанд қилмагандек ва уларни масхара қилгандек туюлганини ҳам гапириб бердилар.

Довуд алайҳиссалом Сулаймонни ўз ҳузурига чақирди ва уни аввал табриклаб, кейин нима сабабдан бундай қилганини сўради.

Сулаймон отаси Довуд алайҳиссаломга тавозе билан таъзим қилиб: «Эй ота! Буларни мен масхара айлаб табассум қилган эмасман, балки ўша вақтда олдимга бир чумоли келди-да, хурсанд бўлиб ўзига-ўзи айтдики, ҳозир беш нафар одам келиб Сулаймондан беш масала бўйича савол сўрайдилар, агар у тўғри жавоб берса, Ер юзидаги жамики маҳлуқотларга ҳам подшоҳ бўлур, деб хурсандлик билан қилган хатти-ҳаракати менга таажжуб кўринди ва унинг бу қутлуғ хабаридан менда хурсандлик пайдо бўлиб табассум қилган эдим.

Кейин Бани Исроил улуғлари менга саволларини бераётганларида, бир чумоли қўлимга ўрмалаб чиқиб менга қараб: «Ассалому алайкум, эй машриқу мағрибнинг подшоҳи!» — деди ва мен унга жавоб саломини қилган эдим.

Сўнгра у чумоли, лашкарларим билан кетаётганимда, уни кўриб қолиб назаримга илмай, ушбу бемажолу бефойда маҳлуқни **Худо** нима учун яратган экан-а, — деганимни эслатди ва **Аллоҳ** бундай заиф чумолини менга ёрдамчи қилганини, берилган саволларга жавобни ўргатмоқ учун **Аллоҳ**нинг амри билан келганлигини айтди. Сўнгра мен у чумолининг ҳақли таънасидан бетоқат бўлиб, «уф» тортиб юбордим», — деди.

Довуд алайҳиссалом ўғли Сулаймондан бу сўзларни эшитиб, дарҳол уни тахтга чиқариб мамлакатга подшоҳ қилдилар.

Шундан кейин Довуд алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Бехшукўнинг ғайрлиги келиб: «Мен ўғилларнинг ичида энг каттаси эдим, мендан кичик укам подшоҳ бўлиб, бекор бўлиб қолмоғим мен учун номуносибдир, агар мендан шу беш масаладан бошқа ҳар қанча масалалар бўйича савол қилсалар эди, уларнинг барисига жавоб бермоққа қодир эдим», деб армон қилади. Шунда Жаброил алайҳиссалом зоҳир бўлиб, Довуд алайҳиссаломга бир ёғочдан қилинган қопқоқлик заранг коса келтирди ва: «Эй Довуд алайҳиссалом! Катта ўғлингиз армонда қолди, унинг кўнгли сиздан буткул қолмаслиги учун, шу косанинг қопқоғини очмай туриб, ичида нима борлигини ундан сўранг! Агар у билиб жавоб берса, ҳали ҳам подшоҳликни унга берурмиз. Агар жавоб беролмаса, бу саволга жавобни Сулаймондан сўранг. Агар у бунга жавоб берса, ундан сўнг Сулаймонни подшоҳ бўлиб қолмоғига катта ўғлингиз рози бўлсин!» — деди.

Бехшукўдан шу коса ичида нима борлигини сўрадилар. Бехшукў: «Оғзи берк қопқоқлик коса ичида нима борлигини қандай қилиб билурман?» — деди.

Довуд алайҳиссалом: «Ушбу коса ичидагини агар уканг Сулаймон топса, сен унинг подшоҳлигига рози бўлурмисан!» — деб эдилар, у: «Рози бўлурман», — деди.

Шундан кейин Сулаймонга қараб: «Эй Сулаймон! Ушбу косада нима бор?» деб эдилар, Сулаймон: «Косада бир хат бордир ва у хатда бир неча масалалар ёзилган бўлиб, бу масалаларга ким билиб жавоб берса, подшоҳлик ўша одамнинг ҳаққидир деб, **Аллоҳ таоло** уни имтиҳон учун юборгандур», — деди.

Бас, Довуд алайҳиссалом косани очиб курсалар, Сулаймон айтганидек, ундан бир муҳрлик хат чиқди ва бу хатда қўйдаги саволлар ёзилган экан:

— Оламда нима қайси ва нима эмас қайси?

— Ярим нима қайси ва бутун нима қайси?

— Нималардек эмас нима қайси ва нималарнинг асли қайси?

Довуд алайҳиссалом бу саволларни Беҳшуқодан сўраган эдилар, у жавобга ожиз бўлиб, хайрон қолди.

Ундан кейин бу саволни Сулаймонга қилган эдилар, у дарҳол ўрнидан туриб:

— Эй ота! Оламда зарур ва керакли нарса мўмин бандадир. Нима керак эмас — кофирдирки, кофирлар **Худога** ҳам, пайғамбарларга ҳам, мўмин бандаларга ҳам керак эмас, ҳамма ундан безордир. Ҳеч кимнинг наздида қадри бўлмаганлиги сабабидан, кофирлар гуё ҳеч нарса эмасдир.

Ярим нарса мунофиқлардур ва бутун нарса **Аллоҳ**нинг мухлис, сиддик бандаларидир.

Нарсалардек эмас нарса **Худойи таоло**дир. У ҳеч нарсага ўшамас («Лайса камислиҳи шайъун»). Нарсаларнинг асли **Аллоҳ таоло**нинг қудратидирки, жамики нарсалар Унинг қудратидан пайдо бўлгандир, — деб жавоб берди.

Мамлакатнинг уламою фузалолари Сулаймоннинг ақлу заковат, комиллик ва донолик бобида ҳамма акаларидан устун эканлигини тасдиқлаб, уни подшоҳликда мамнунлик билан қолдирган эканлар. Тахтга биринчи даъвогар тўнғич ака Беҳшуқо ҳам бунга бажонидил рози бўлган экан. (*Қаранг: Жавоҳир-ул хикоят. Тошкент, «Ёзувчи», 1992. 142—147-бетлар*).

Шундай қилиб Довуд алайҳиссалом одиллик таомилига амал қилиб, тахт вориси этиб тўнғич ўғлини эмас, комилликда ва доноликда барча ўғилларидан устун бўлган, синовимтихонлардан муваффақиятли ўтган кенжа ўғли Сулаймонни тайинлади. Чунончи, Сулаймон алайҳиссалом милоддан аввалги 1013- йили тахтга ўтирганида, 20 ёшда эди.

Сулаймон алайҳиссалом, бу дунёси ва у дунёси обод, **Аллоҳ таоло** ярлақаган, бахтли, толейи баланд пайғамбарлардан бўлди.

Сулаймон алайҳиссалом **Аллоҳ таоло**га тоат ибодат қилар экан, доим ундан сўрарди: «Эй **Аллоҳ**, менга шундай неъматларни ато этгинки, бундай неъматлар ҳеч кимга берилмаган бўлсин».

Жаноб **Ҳақ таоло**, унинг дуо-илтижоларини ижобат қилиб, Сулаймон алайҳиссаломга **Аллоҳ** номи ёзилган сеҳрли зумрад кўзли бир узук ато этдики, бу узукнинг хосиятидан инсонлар, инсу жинс, деуу парилар, ҳайвонот олами, паррандаю даррандалар, қуш, қурт-қумурсқалар унинг фармонига итоат этгувчи бўлдилар. Жумладан, шамоллар ҳам унинг тасарруфига ўтди. Шамол унинг фармони билан, у зот қаерга хоҳиш билдирса, ўша ерда эсар эди. Бундан ташқари, тоғу тошлар, ердаги олтин, кумушлар ўзларининг турган жойларини маълум қилар эдилар. Девлар ва инс-жинслар денгиз тубидан қимматбаҳо тошлар, инжулар, ер остидан ва тоғу тошлардан олтин-кумушлар топиб келтиришиб, маҳобатли бинолар, саройлар, қасрлар бунёд этдилар.

Сулаймон алайҳиссалом ҳукмдорларнинг энг буюғи, қудратлиси бўлиб, хазинаси битмас-туганмас бойлик — олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, инжулар билан тўлиб тошган, учаргиламлар унинг хизматида эди. Ҳукмдор пайғамбар ўзи учун бағоят катта, қимматбаҳо тошлар, инжулар билан безатилган, тоза қизил олтиндан мисли қўрилмаган ажойиб тахт ясаптирди.

Довуд алайҳиссаломнинг васиятига кўра, Қуддуси шарифдаги қурила бошланган Байт ул-Муқаддас биносини 7 йилда қуриб битказди, шунингдек, қадимий шаҳарда қўлаб баланд, осмонупар қасрлар, иншоотлар қурдирди.

Машрик ва Мағрибдаги мамлакатларни қаламравига тобе қилди.

Кунлардан бир куни Худхуд (сассиқпопишак) Сабаъ (Яман) мамлакатига борганини, улқада барча ноз-неъматлар бисёр эканини, юртга Билқийс исмли ғоят бир гўзал аёл подшоҳлик қилаётганини, аммо диёр аҳли залолатда, шайтон уларни тўғри йўлдан адаштирганини, барча ризқ-насиба, меваю таомлар ато этган зот бўлмиш **Аллоҳ таоло**га ибодат қилиш ўрнига Қуёшга топинишларини билдирди.

Буни эшитган Сулаймон Сабаъ ҳукмдорини иймонга даъват этиб, бир мактуб ёзди ва уни Худхудга бериб, подшоҳ Билқийс саройига олиб бориб ташлашни ва у ҳақда тўла маълумот олиб келишни буюрди.

Худхуд мактубни Билқийс тахти пойига олиб бориб ташлади. Билқийс мактубни ўқиб,

кўпдан-кўп қимматбаҳо ҳадялар билан ўз элчиларини Сулаймон алайҳиссалом ҳузурига юборди. Элчилар Фаластин юртига, Қуддуси шарифга келганларида, Сулаймон алайҳиссалом мамлакатининг она юртлари Ямандан ҳам ниҳоятда катта, бой-бадавлат эканлигини, мрамрлардан ясалган осмонўпар иморатлар, қасрлар, саройларни, беҳисоб лашкарларни кўриб, тиллари калимага келмай лол қолдилар.

Сулаймон элчиларнинг ҳадясини қабул қилмай: «Сизлар, иймонга кириш ўрнига, менга, **Аллоҳ** шунча мол-дунё, подшоҳлик ва пайғамбарликни ато этган одамга, ҳадя олиб келдингизми?! Бу ҳадяларингизни подшоҳингиз Билқийсга қайтариб олиб боринглар ва унга айтингларки, агар «Ла илаҳа иллаллаҳу ва Сулаймону расулуллаҳи» деб **Аллоҳ**га иймон келтириб итоат этмасангизлар, саноксиз лашкарларимни юбориб, шахрингиз кулини кўкка совураман ва барчангизни асир қилиб, тутиб келтираман!» деди.

Элчилар қайтиб боришиб, Билқийсга воқеани сўзлаб бердилар. Буни эшитган Билқийс, Сулаймон ҳақиқатан ҳам пайғамбар эканини, унинг ҳузурига бормаса, оқибати ёмон бўлиши муқаррарлигини тушунди ва Сулаймон алайҳиссалом ҳузурига отланди.

Билқийс ўз одамлари билан келаётганини сезган Сулаймон, **Аллоҳ** ато этган мўжизалардан бирини намоеън қилди: девларга буюриб, Билқийснинг тахтини ўз саройига келтирди. Билқийс пайғамбар ҳузурига кирганида, унинг тахтида ўтириб қабул қилди. Сулаймон пайғамбар ўтирган тахт худди ўзининг тахтига ўхшашини кўрган Билқийс аввалига ҳайрон бўлди. Кейин унинг ўз тахти эканлигини аниқ билгач, бу Сулаймон алайҳиссалом ўзининг пайғамбарлигини исботлаш учун кўрсатган навбатдаги мўжизаси эканлигига амин бўлди. Бусиз ҳам унинг барҳақ пайғамбар эканлигига иқроор бўлганини айтиб, **Аллоҳ**га иймон келтирди: «**Парвардигоро**, мен сенга куфр келтириб, ўзимга зулм этдим. Энди Сулаймонга эргашиб, бутун оламлар Раббиси бўлган **Аллоҳ**га иймон келтириб, Исломни қабул этдим». Билқийс Исломга киргач, Сулаймон алайҳиссалом унга уйланган. **Аллоҳ** **Ўзининг** азиз бандалари Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломлар туғрисида **Қуръони карим**да шундай деган:

«**Қасамки, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва улар: «Бизларни кўп мўмин бандалардан афзал қилиб қўйган зот — Аллоҳга ҳамд бўлсин!» — дедилар.**

Сулаймон (пайғамбарлик ва подшоҳликда) Довудга ворис бўлди ва айтди: «Эй одамлар, бизга қушлар тили билдирилди. Албатта, бу аниқ фазлнинг ўзидир».

Сулаймон учун жин, инс ва қушлардан иборат лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар». (27- «Намл» сураси, 15—17- оятлар.)

Сулаймон алайҳиссаломга дев, инс-жинс, парилар бўйсунганликлари сабабли сеҳр-жоду, афсун, илму амал илмлари ҳам пайғамбарга маълум эди.

Сулаймон алайҳиссалом муҳрининг рамзи бўлмиш сеҳрли олтибурчакли юлдуз тасвири бинолар, идишлар, тангалар ва бошқа шу каби нарсаларга туширилар эди.

Сулаймон алайҳиссалом ўзига берилган беҳад қудрат **Аллоҳ**нинг неъматини эканлигини унутиб, мағрурланиб, кибр-ҳавога кетиб қолганида, **Ҳақ таоло** иродаси билан бир жин унинг сеҳрли узугини ўғирлаб олади ва Сулаймон тахтини эгаллаб ҳукмдорликни ўз қўлига киритади. Натижада у ночор, бечора-бенаво бўлиб, қирқ кеча-кундуз сарсон-саргардонликда юриб, **Тангри таоло**га бетиним тавба-тазарру қилиб, астойдил ялиниб ёлборади.

Ҳақ таоло пайғамбарнинг тавбаларини қабул қилиб, гуноҳларидан кечади. Кунлардан бир куни **Ҳақ субҳонаҳу ва таоло** иродаси билан жин сеҳрли узукни сувга тушириб қўяди ва уни бир улкан балиқ ютиб юборади. **Тангри** иродаси билан Сулаймон алайҳиссалом балиқни тутиб олади, сўйганида, қорнидан ўғирлатган узугини топиб олади. Натижада ҳукмдорликни яна ўз қўлига олади.

Сулаймон алайҳиссаломнинг мисли қўрилмаган, ғайриоддий беҳад эркаклик кучи бўлиб, «Менинг мингта хотиним бўлса, мингта ўғлим бўлади», — деб мақтангани учун, **Аллоҳ**нинг қаҳри келиб, пайғамбарга фақатгина битта, у ҳам бўлса қусурли, ногирон бўлган ўғил ато этади (Сулаймон алайҳиссаломнинг 700 хотини ва 300 жорияси бўлган).

Сулаймон алайҳиссалом умрининг сўнгги йилларида пайғамбар итоатидаги жинлар,

девлар, «Биз эртага нима бўлишини ва ғайб хабарларини билурмиз» дея кибрга кетишган эди. Улар ғайб сири фақат **Аллоҳнинг қўлида эканини унутишгача бориб етгандилар**. Уларнинг бу даъволари пуч эканлигини инсонлар билиб қўйишлари учун Сулаймон алайҳиссалом: «**Ё Парваридгоро, менинг вафот этганимни қўл остимдаги жинлар ва девлар сезмай қолсинлар**», деб **Аллоҳга дуо билан юзланади**. **Парвардигор** ўз пайғамбари дуосини қабул қилди ва қўйидаги ояти-карима нозил бўлди:

«Энди қачонки Биз (Сулаймонга) ўлимни ҳукм қилганимизда, унинг ўлимига фақат асосини (ҳассасини) еяётган кемирувчи қуртларгина далолат қилди. Бас, қачонки у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билгувчи бўлганларида бу хор қилгувчи азобда — (меҳнатда) қолмаган бўлур эдилар». (34-«Сабаъ» сураси, 14-оят).

Сулаймон алайҳиссалом қазоси етиб, 40 йил подшоҳлик қилиб, милоддан аввалги 973-йили 60 ёшида ҳассасига таяниб тахтда ўтирган ҳолда дорилфанодан дорилбақога рихлат қилди. Жинлар ва девлар ўз хожаларининг ҳамон тахтда ўтирганини кўриб, вафот этганини билмай юравердилар. Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳассаларини қуртлар кемираётганини кўрган жинлар ва девлар аввалига ҳайрон бўлишди, кейин унинг анча илгари вафот этганини кўриб, ўзларининг такаббуруна даъволари пуч эканлигига иқроор бўлдилар. «*Сулаймон ўлди, девлар қутулди*» деган ибора ҳам бизга ўша даврлардан қолган.

Ушбу оят айрим кишиларнинг жинлар ғайбни, яъни келажакни биладилар, деган тахминларини чиппакка чиқаради. Чунки улар то ўтирган ҳолларида жон берган Сулаймон алайҳиссаломнинг суяниб ўтирган ҳассаларини бир йил давомида ёғоч қурти еб, ерга қулаб тушмагунларига қадар, у зотнинг вафот қилганликларини билмаганлар ва тиним билмасдан пайғамбар уларга буюрган оғир меҳнатда — баланд қасрлар бино қилишда давом этаверган эканлар.

Шарқшуносларнинг илмий тадқиқотлари **Қуръони карим**да келтирилган Сабаъ мамлакати ҳукмдори, гўзалларнинг гўзали малика Билқийс ва Сулаймон алайҳиссалом қиссаси ҳақиқатан ҳам милоддан аввалги 1000-йилларда бўлиб ўтганлигини тасдиқлайди. Бинобарин, Сабаъ мамлакати, олимларнинг таъкидлашларича, Жанубий Арабистонда жойлашган. Халқи зироат ва тижорат билан шуғулланадиган жуда бой ўлка бўлиб, пойтахти ҳозирги Яманнинг маркази Санъдан 55 мил масофада бўлган Маъриб шаҳри эди. Сабаъ ўша атрофларда яшаган қабиланинг ҳамда Маъриб шаҳрининг эски номидир. Кейинчалик бу атама шу ҳудуд номи бўлиб қолди. Сабаъ қавмининг ҳукмдори малика Билқийс бинти Суроҳил Сулаймон алайҳиссалом билан мулоқотда бўлган ва кейинчалик мусулмонликни қабул қилиб унга турмушга чиққан. (Илоҳий муъжизалар. 3-сон, 1996, 55—58-бетлар).

Қуръони карим қиссаларидаги воқеалар ва улуғ пайғамбарлар ҳаёти тарихи олимларимиз томонидан ўрганилиб, илмий тадқиқотлар натижасида бирин-сирин исботланиб ўз тасдиғини топмоқда. Шу боис мухташам **Қуръон**да келтирилган қиссалар, воқеалар ва пайғамбарларни, даҳрийлар инкор қилганликлари каби, инкор қилишимиз ёки улар ҳақида гумон ва шубҳага боришимиз диний жиҳатдан катта гуноҳ — куфр бўлса, илмий жиҳатдан эса бутунлай нотўғри, мантиққа зиддир. Чунки бўлиб ўтган воқеалар, пайғамбарлар олий ҳужжат — **Қуръони карим**да келтирилиб тасдиқланган. Уларнинг тарихан бўлмаганлигига эса ҳеч қандай ҳужжат йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас: чунки «йўқ»қа ҳужжат бўлмайди, ҳужжат «бор»га бўлади. Хўш, даҳрийлар **Қуръони карим**да келтирилган воқеалар, пайғамбарлар бўлмаганлигини илмий тарзда исботлаб берсинлар-чи. Қатъий қилиб айтамыз: «Йўқ, бу имкондан ташқари нарсадир».

Бугунги кунгача **Қуръони карим**да келтирилган воқеаларнинг аксарияти ўз тасдиғини топган. Илм-фан тобора ривожланиб, юксалгани сайин, **Қуръони карим**да келтирилган қолган тарихий ҳақиқатлар ҳам аста-секин исботланиб, ўз тасдиғини топиб бораверади.

Қуръони карим «Сабаъ» сурасининг 15—19-оятларида кибр йўлини тутиб, **Аллоҳдан юз ўтирган Сабаъ халқини Парвардигори олам** сел балоси юбориб ҳалок қилганлиги айтилади.

Қуръони мажидда келтирилган бу фожиа Сулаймон алайҳиссаломдан 431-йил кейин, яъни милоддан аввалги 542-йили Араб яриморалининг жанубида, хали айтиб ўтилган

Маъриб деган жойда тарихан содир бўлган. «Маъриб тўсиғи» деб номланувчи жуда катта туғон (чамаси, сув омбори) **Аллоҳ таолонинг** дахшатли сел балосини юбориши сабабли йиқилиши оқибатида Сабаъ улкаси сув остида қолиб кетган.

Тарихдан маълумки, Сабаъ халқи яшайдиган бу диёр ғоят жозибадор, сермева ва сербарака боғ-роғларга бурканган унумдор ерлар бўлиб, мамлакат қадимий тижорат йўллари устида жойлашганлигидан фуқаролари фаровон эдилар. **Парвардигорнинг** ризки-рузларидан баҳраманд бўлиб, **У** зотга шукр қилиш ўрнига, гўё мўл-кўлчиликка ўзлари эришгандай, бундай ҳаётий муҳитни танҳо ўзлари яратиб олгандек, кибр йўлини тутдилар ва **Аллоҳдан** юз угирдилар. Оқибатда **Аллоҳ таоло** уларни шу тариха жазолади ва фаровон улка харобазорга айланди. Тирик қолганлар Маккаи мукаррама ва Сурия томонларга кучиб кетдилар.

*Қуръони карим*да келтирилган бу фожиа ҳақиқатан ҳам бўлганлигини немис археолог олими Вернер Келлер ҳам ўз тадқиқотлари натижалари асосида тасдиқлади.

*Қуръони карим*да Сулаймон алайҳиссалом ҳақида жуда кўп оятлар келган. Масалан:

«**Довуд ва Сулаймоннинг экинзор хусусида ҳукм қилган кезларини** (эсланг). **Ўшанда унга қавмининг қўйлари** (тунда) **кирган** (ва уни пайҳон қилган) **эди. Биз уларнинг** (чиқарган) **ҳукмига шохид эдик.**

Бас, Биз уни Сулаймонга англатдик. Биз ҳар иккисига ҳикмат (пайғамбарлик) **ва илм ато этдик. Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйин сундириб қўйдик. Биз шундай қила олгувчидирмиз.**

Сулаймонга эса бўронли шамолни (бўйин сундириб), **унинг амри билан Биз муборак қилган замин** (Шом) **сари эсадиган** (қилиб қўйдик). **Биз барча нарсани билгувчидирмиз.**

Яна шайтон (жин)лардан у (Сулаймон) **учун ғаввослик қиладиган ва бундан бошқа ишларни ҳам адо этадиганларини** (яратдик). **Яна Биз уларни кўриқлаб турувчи бўлдик».** (21- «Анбиё» сураси, 78—79 ва 81—82-оятлар).

И з о х: *Ривоят қилишларича, Довуд ва Сулаймон пайғамбарларнинг олдиларига икки киши бир можаро хусусида ҳукм сўраб келишади: улардан бирининг қўйлари иккинчисининг экинзорига кириб кетиб, бирон нарсани соғ қолдирмай пайҳон қилиб чиқиб кетган эди.*

Довуд алайҳиссалом қўйлар экинзор эгасига берилсин, деб ҳукм чиқарадилар.

Буни эшитган ўғиллари Сулаймон алайҳиссалом эса: «Ерни қўйларнинг эгасига, қўйларни эса экинзор соҳибига берилса-ю, қўйларнинг эгаси ерни ўнглаб, экин экиб, аввалги ҳолига келтиргач, қўйларини қайтиб олса. Шу муддат ичида экинзор соҳибига у қўйларнинг юнги, сутидан фойдаланиб, шу даврда туғилган қўзиларини ҳам ўзига олиб қолса».

Шунда Довуд Сулаймонга қараб: «Ўғилчам, сенинг ҳукминг меникадан тўғирроқдир», деб ўзи чиқарган ҳукмини бекор қилади.

22. Илёс алайҳиссалом

*Қуръони карим*да Илёс алайҳиссалом барҳақ пайғамбар эканлигидан бошқа маълумот берилмаган. Таврот ва тарих китобларида эса Илёс алайҳиссалом ҳақида анча-мунча маълумотлар бор. Тавротдаги номи Илия. Шуларга асосланиб ҳикоя қиламиз.

Сулаймон алайҳиссалом вафотларидан кейин тахтга пайғамбарнинг ўғли Ровоам ўтирди. У золим подшоҳлардан бўлди.

Аввалги бобларда келтирилган қиссалардан маълумки, яҳудий халқи Иброҳим ўғли Исҳоқ, унинг ўғли Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломнинг ўн икки ўғлидан тарқалган бўлиб, 12 қабила — қавмга бўлиниб кетган эди.

Эсингизда бўлса, шундан кейин Довуд алайҳиссалом ҳақидаги қиссамизда Довуд алайҳиссалом милоддан аввалги XI асрда, тахминан 1050 йилларда Бани Исроил ва барча

яхудий қабилаларини бирлаштириб, пойтахти Қуддус шаҳри бўлган ягона подшоҳлик барпо этгани ёритилган эди.

Сулаймон алайҳиссалом ҳаётлигида Иеровоам деган бир камбағал, аммо ақлли, тадбиркор, иқтидорли, жасур етим бола бўлган экан. Кунлардан бир куни, ҳали Сулаймон алайҳиссалом тириклигида, ана шу етим боланинг қошига **Аллоҳ**нинг бир пайғамбари (Ахия) келиб, ўзининг янги кўйлагини шартта йиртиб, ўн икки бўлакка бўлиб, ўн бўлагини унга узатади ва: «**Тангри таоло** Бани Исроил халқининг ўн икки қавмидан ўн қавмини Сулаймон ўғлидан олиб сенга беради ва сен уларга подшоҳ бўласан», дейди.

Шундан кейин яхудийларнинг ўн қабиласи Сулаймон алайҳиссаломнинг ўғли Ровоамдан норози бўлишиб, уни ташлаб кетдилар ва **Аллоҳ**нинг иродаси билан ана шу Иеровоамни ўзларига подшоҳ қилиб сайлаб олдилар.

Тангри таоло пайғамбари Довуд ва муқаддас шаҳар Қуддуси шарифнинг шарофати ва ҳурмати туфайли Бани Исроил халқидан фақат икки қабилани, яъни Яҳудо ва Бенямин қабилаларини Сулаймон ўғли Ровоамга қолдирди.

Сулаймон алайҳиссалом ўғли Ровоам қаламравида қолган Яҳудо ва Бенямин қабилалари Яҳудия подшоҳлиги, Иеровоамни подшоҳ қилиб сайлаб олган Яъқуб алайҳиссаломнинг қолган ўн қабиласидан тарқалган қавмлар эса Исроил подшоҳлиги деб атала бошланди. Хуллас, ягона Исроил халқи Сулаймон алайҳиссаломдан кейин икки мустақил — Яҳудия ва Исроил подшоҳлигига ажралиб кетди.

И з о х: Ягона Исроил подшоҳлиги (давлати) милоддан аввалги 928- йилда иккига ажралиб парчаланиб кетганда, Сулаймон алайҳиссаломнинг ўғли Ровоам қўлида қолган икки — Яҳудо ва Бенямин қабилаларидан тарқалган халқлардан иборат бўлган Жанубий Яҳудия подшоҳлигининг пойтахти Иерусалим (Қуддуси Шариф) бўлиб қолди.

Бу подшоҳликда яшовчи халқлар ана шу милоддан аввалги 928- йилдан бошлаб Иброҳим алайҳиссаломнинг эвараси, Исҳоқ алайҳиссаломнинг невараси, Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломнинг тўртинчи ўғли бўлган Яҳудо (Иуда) номи билан яхудийлар (иудейлар) деб, давлатнинг ўзи эса Яҳудия давлати деб атала бошланди.

Ана шу сабабдан ҳам Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломни яхудий халқининг тарихий отаси дейдилар.

Иеровоамни подшоҳ қилиб сайлаб олган қолган 10 қабиладан тарқалган халқлар Шимолий Исроил подшоҳлигини ташкил этдилар. Унинг пойтахти дастлаб Сихем (Наблус), кейин Фирца, милоддан аввалги 876- йилдан эса Самария бўлди. Бу давлатнинг халқлари аввалгидек Бани Исроил авлодлари деб атаб келинди.

Бу давлат милоддан аввалги 722- йилга қадар 206 йил мустақил давлат бўлиб турди. Шундан кейин уни Оссурия подшоҳи Салмоннаср (Саргон II) забт этган.

Милоддан аввалги 722- йилда Шимолий Исроил подшоҳлиги Оссурия подшоҳи Салмоннаср томонидан афдарилиб, жанубий вилоят — Яҳудияда марказлаштирилгандан сўнг, Бани Исроил халқининг ҳаммаси умуман «яхудий» («иудей»)лар, динлари эса, «яхудийлик» («иудаизм») деб ном олди.

Жанубий Яҳудия подшоҳлиги милоддан аввалги 586- йилгача, яъни 342 йил мустақил давлат бўлиб, Шимолий Исроил подшоҳлигига қараганда 125 йил узоқроқ турган. Шундан кейин уни милоддан аввалги 597- йилда Бобил (Вавилония) подшоҳи Бухтуннаср (Навуходоносор II) босиб олган.

Милоддан аввалги 586- йилда кўзғолон кутарган яхудийларни Бухтуннаср шафқатсизларча бостириб, пойтахт Иерусалимни вайрон қилиб юборган ва яхудийлар подшоҳлигини батамом тугатиб, ўзларини эса асир қилиб олиб кетган.

Бобил минораси ва дунёнинг 7 муъжизаларидан бири бўлмиш «Бобил осма боғлари»ни ана шу подшоҳ қурдирган.

Милоддан аввалги VII асрда Оссурия (Сурия, Шом) подшоҳи Санхариб даврида иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ниҳоятда юксалиб, қудратли давлатга айланган ва қўшни Бобил давлатини босиб олиб вайрон этган.

Йигирма йилдан сўнг отаси Санхарибнинг тахтига ўтирган ўгли Ассурхадан эса Бобилни қайта тиклаган, равнақ топишига имконият яратган.

Аммо у отасини ёмонламай, узининг аёнларига Бобилни вайрон этилиши маъбудлар иродаси ва амри билан бўлган деб тушунтирган.

Милоддан аввалги VI асрга келиб, Бобил давлати подшоҳ Бухтуннаср даврида яна аввалгидек кучли, қудратли давлатга айланган ва у бирин-кетин қўшни давлатларни босиб ола бошлаган. Дастлаб Мидия давлати кўмагида Оссурияни босиб олган. Кейин у Финикияни, ундан кейин Иудея давлатини босиб олган ва унинг пойтахти Иерусалим — Байтул Қуддусни вайрон этиб ташлаган.

Ҳали айтганимиздек, подшоҳ Бухтуннаср даврида тарихда дунёнинг етти мўъжизаларидан бири бўлган Бобил осма боғлари барпо қилинган. Бу боғни Бухтуннаср мидиялик севимли хотини гўзал ва дилрабо Семирамида (Омита) учун қурдирган.

Бу боғни қурилиш тарихи қуйидагича бўлган экан.

Милоддан аввалги 605-йилда Бобил подшоҳи Набопалосор Мидия (Озарбайжон) подшоҳи Қиёқсор билан бирлашиб, ўзларининг азалий душманлари Оссурия устидан ғалаба қозонганлар.

Ғалаба ва иттифоқни янада мустаҳкамлаш учун, Набопалосор Қиёқсорнинг қизи гўзал Семирамидани келин қилиб олган, яъни уни ўгли Бухтуннасрга олиб берган.

Отасидан кейин тахтга ўтирган Бухтуннаср севимли хотини, малика Семирамида ватанини соғиниш, қўмсаш дардига чалинмаслиги учун, унга атаб машҳур муаллақ турувчи Бобил осма боғини қурдирган.

Аслида бу боғ унчалик катта эмас, 3—4 қаватли зинапоялар шаклида бўлиб, сатҳи 200 кв. м.дан иборат бўлган. Ҳар бир қаватининг оралиғи 2 метр бўлиб, уларни айланаси 70 см. бўлган қалин устунлар кўтариб турган.

Шундай қилиб, сўзимизнинг давомига келсак, Яҳудия подшоҳлигидаги яҳудийлар узок вақт яккаю ягона **Аллоҳ**га ибодат қилиб юрдилар ва уларнинг давлати Исроил подшоҳлигига қараганда узок муддат тинч-омон турди. Исроил подшоҳлигидаги яҳудийлар эса **Аллоҳ**ни яна унута бошладилар.

Исроилнинг биринчи подшоҳи бўлган Иеровоам кейинчалик ўз халқининг Қуддусга бориб ибодат қилишини тақиқлади, Яҳудия подшоҳлигига қўшилиб кетишидан чўчиди ва ибодатни шу ерда қилишлари учун, олтидан икки бузоқ — маъбуд ясаттирди ҳамда уларни икки шаҳарга ўрнаттирди. Ҳукмдор ва унинг бутун халқи шу икки маъбудга топиниб, уларга қурбонликлар келтириб, ибодат қила бошладилар.

Кейинчалик Ваал (Баъал) деган бутга топиниб, залолат ботқоғига обдон ботишгач, уларни ҳидоят йўлига бошлаш учун милоддан аввалги IX асрда пайғамбар Илёс алайҳиссалом зухур этди.

«Илёс» сўзи «**Аллоҳ**нинг куч-қудрати» деган маънони англатади.

Ўша даврда Бани Исроилга пойтахти Самария шаҳрида бўлган Ажиб (Ахав) ва унинг хотини Арбил (Иезавел) ҳукмдорлик қилар эдилар.

Аллоҳнинг амрига кўра, Илёс алайҳиссалом уларни ҳидоятга чорлаб, бут-санамларга топинмасдан, Мусо алайҳиссалом шариати бўйича яшаб, яккаю ягона **Аллоҳ**га ибодат қилиб, «Ла илаҳа иллаллаҳу, Иляса расулуллаҳи» деб иймон келтиришларини тарғиб қилди. Бир неча мўъжизалар кўрсатди. Аммо улар бу даъватни қабул қилмай, пайғамбарни ўлдириш пайига тушдилар. Шунда Илёс алайҳиссалом подшоҳ Ажибдан қочиб, Иордан дарёси яқинидаги бир тоғнинг ғорида, оқиб турган жилға бўйида яшириниб яшай бошлади.

Тангри таоло амри билан қарғалар Илёс алайҳиссаломга кунда икки маротаба — эрта-лаб ва кечқурун нон ва гўшт олиб келиб турдилар. Илёс алайҳиссалом ғорда анча йил яшади.

Подшоҳ одамлари ва Бани Исроил қавми Илёс пайғамбарни ўлдириш учун муттасил қидириб юрдилар.

Подшоҳ Ажиб вафотидан сўнг, **Тангри таоло** Илёс алайҳиссаломга пайғамбарликни узидан кейин шогирди ва ёрдамчиси бўлган ал-Ясаъ (Елисей)га топширишини амр этди.

Тавротда ёзилишича, кунлардан бир куни улар Гаалгалдан чиқиб, Вифлеем ва Иери-

хон шаҳарларига кета туриб, **Тангри** амри билан Иордан дарёси бўйига келганларида Илёс алайҳиссалом кийимларини ечиб, тахлаб, дарёга урган эди, дарё иккига ажралди, унинг тубидан юриб ўтдилар. Дарёдан ўтиб бўлиб йўлда кетаётганларида, осмондан оловсимон икки от қўшилган арава тушиб келди ва Илёс алайҳиссалом бир зумда аравада пайдо бўлиб қолди-да, **Аллоҳ**нинг иродаси билан самога кўтарилди. Бу ҳодиса бир лаҳзада рўй бердики, ал-Ясаъ алайҳиссалом осмонга қараб: «Ота, ота! Отам! Бизни энди ким асрайди, ким ўз паноҳига олади, ким ҳимоя қилади?»— деб хитоб қилди. Бу вақтда оловли арава кўздан ғойиб бўлди ва хитобга жавобан осмондан ал-Ясаъ оёқлари остига Илёснинг кийимлари тушди. Бу аломат Илёснинг ўрнига пайғамбарлик қилиш ал-Ясаъ алайҳиссаломга топширилганлигини билдирар эди.

Залолатга кетган Исроил қавми тағин ўз гуноҳлари билан **Аллоҳ**нинг навбатдаги ғазабига учраб, кўпдан-кўп балоларга гирифтор бўлдилар. Бинобарин, адашганлар, залолатга кетганлар ҳақида *Қуръони мажид*да қуйидаги ояти карималар келтирилади:

«Парвардигорларига кофир бўлган кимсалар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу! (67- «Мулк» сураси, 6-оят).

«Бас, (эй Мухаммад), ушбу Сўзни (Қуръонни) ёлғонга чиқарадиган кимсаларни Менга қўйиб беринг! Яқинда Биз уларни ўзлари билмайдиган (сезмайдиган) томондан даражама-даража тутгаймиз (ҳалокатга дучор қилажакмиз)!» (68- «Қалам» сураси, 44- оят).

Илёс алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликлари ҳақида *Қуръони карим*нинг қуйидаги оятлари нозил бўлган:

Илёс ҳам, албатта, пайғамбарлардандир!

Илёсга салом! (37- «Вас-соффот» сураси, 123 ва 130-оятлар).

23. Ал-Ясаъ алайҳиссалом

Ал-Ясаъ алайҳиссалом Бани Исроил қабиласидан чиққан пайғамбарлардан бири, *Қуръони карим*да унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида алоҳида оят келмаган. Фақатгина иймон келтиришимиз зарур бўлган пайғамбарлардан бири эканлиги таъкидланган холос. «Ал-Ясаъ» сўзи «илми кенг» деган маънони англатади. Тавротда у Елисей деб номланган.

Ҳақ таоло жаноб ал-Ясаъ алайҳиссаломга пайғамбарликни буюриб, Бани Исроилни ҳазрат Мусо шариати бўйича иймонга чақиришини амр қилди.

Ал-Ясаъ алайҳиссалом Илёс алайҳиссаломдан кейин пайғамбарликни давом эттирди. Бани Исроилни ҳидоятга — фақатгина яккаю ягона **Тангри таоло**га ибодат қилиб юришга ва ўзи **Аллоҳ таоло**нинг расули эканлигига иймон келтиришларини тарғиб қилиб юрди. Ал-Ясаъ алайҳиссалом **Тангрининг** иродаси ва мадади билан Бани Исроилга кўпдан-кўп муъжизалар кўрсатди, ваъз-насихатлар билан халқни тўғри йўлга солиш ҳаракатида бўлди. Лекин қавмларига сўзлари таъсир қилмай, баъзилари мусулмон бўлсалар ҳам, яна ҳидоятдан қайтиб кофир бўлдилар. Натижада ал-Ясаъ алайҳиссалом уларни дуоибад қилдилар. Уларнинг қилган дуоибадлари қабул бўлиб, Бани Исроилга жазо сифатида милоддан аввалги IX асрда Осурия бостириб кирди. Бани Исроил кўп вақт бу давлат асорати занжирида эзилиб, зорланиб, кулфатда хор бўлиб яшадилар.

Баъзи ривоятларда ал-Ясаъ алайҳиссалом ва Илёс алайҳиссалом бир-бирларига амаки-вачча бўлган дейилади.

Ривоят қилинишича, ал-Ясаъ алайҳиссалом вафот этганларида, уни бир ғорга дафн қилишган. Бир неча йилдан кейин, бир исроилликни дафн қилиш учун шу ғорни яқинидан олиб ўтишаётганларида, уларга муовийлар қабиласи хужум қилиб қолади. Исроилликлар шоша-пиша майитни ал-Ясаъ алайҳиссалом гўрига қўядилар. Шунда мурда пайғамбар суяклари устига тушиши биланоқ тирилиб, бошқалар билан бирга уйига қочиб қолади.

Манбаларда ал-Ясаъ алайҳиссалом ҳақида жуда кўп қизиқ воқеалар, муъжизалар қайд этилган.

Юқорида, пайғамбарлар қиссалари дебوحасида айтиб ўтганимиздек, ал-Ясаъ ва Ювшаъ

пайғамбарлар бошқа-бошқа пайғамбарлар бўлиб, Ювшаъ алайҳиссалом Мусо алайҳиссалом вафотидан кейин унинг ўрнига бўлган пайғамбар бўлиб, у ал-Ясаъ алайҳиссаломдан 800 йил чамаси олдин ўтган. (Қаранг: 6- «Анъом» сураси, 86- оят ва 38- «Сод» сураси, 48-оят. Алоуддин Мансур таржимаси).

Ал-Ясаъ алайҳиссалом ҳақида *Қуръони карим*да кўйидаги оят келган:

«**Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам** (ҳидоятга йўлладик). **Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик**». (6- «Анъом» сураси, 86-оят).

24. Юнус алайҳиссалом

Ироқнинг Мўсул худудидаги Найново (Ниневия) шаҳри Амўрийлар давлатининг маркази, Шарқдаги энг бой масканлардан бири эди. Бу ерда аҳоли тинч, тўқ, фаровон турмуш кечиришар, аммо фиска-фужурга берилган, **Аллоҳ**нинг ягоналигига эътиқод қилмай, бутларга сифинишар эдилар.

Аллоҳ таоло бу қавмни залолатдан халос қилиш ва ҳидоятга бошлаш учун Юнус ибн Манони пайғамбар қилиб юборди. Юнус сўзи яҳудий тилида «каптар» деган маънони англатади. Лақаби Зуннун бўлган. Нун катта балиқ (наҳанг, кит) демакдир. Уни наҳанг балиқ ютиб юбориб, кейин қорнидан қайтариб чиқарган. Шунинг учун у Зун Нун, яъни «балиқ соҳиби» лақабини олган. Тавротда Иона тарзида зикр этилган.

Юнус алайҳиссалом бу қавмни иймонга даъват этганларида, икки кишидан бошқа одамлар иймон келтирмади. Қавмларига **Аллоҳ**дан муқаррар азоб келишини айтиб, улардан умидини узган Юнус алайҳиссалом, **Парвардигор** амрини охирига етказмай, сабр қилмай, Унинг изнисиз дарғазаб ҳолда шаҳардан чиқиб кетди ва Дажла дарёсига келиб, кетишга шайланиб турган кемага тушди. Кема денгизга чиққач, орадан кўп ўтмай, **Аллоҳ**нинг амри билан қаттиқ бўрон турди, кўрқинчли тўлқин кўзғалиб, кеманинг чўкиши аниқ бўлиб қолди. Шунда кемадагилар: «Бизнинг орамизда кимдир гуноҳкорга ўхшайди», дедилар ва ўзаро маслаҳатлашиб, қуръа ташлашга, қуръа кимнинг номига чиқса, ўша одамни сувга ташлаб, ўзларини сақлаб қолишга келишиб олишди. Қуръа Юнус алайҳиссаломга чиқди. Шунда Юнус алайҳиссалом ўзининг кимлигию нима ишлар қилганини сўзлаб берди. Кемадагилар унинг **Аллоҳ**га яқин бандалардан эканлигини билдилар, гуноҳкор бўлиши эҳтимолдан йироқ деб, иккинчи марта қуръа ташладилар. Аммо иккинчи, ҳатто учинчи бор қуръа ташлаганларида ҳам, **Аллоҳ**нинг иродаси билан қуръа Юнус алайҳиссаломга чиқаверди. Шунда Юнус алайҳиссалом кемадагиларга ўзини денгизга ташлашларини айтди. Пайғамбарни денгизга ташладилар. Сўнгра **Аллоҳ**нинг амри билан денгиз аста-секин тинчланди, бўрон тинди. Кемадагилар қутулдилар. Юнус алайҳиссаломни денгизга отганларида **Аллоҳ**нинг амри билан уни бир катта наҳанг ютиб юборди. Юнус алайҳиссалом наҳанг ичида уч кеча-кундуз қолиб кетди ва тинмай **Аллоҳ таоло**га ибодат, тавба-тазарру, гуноҳларини кечиришини сўраб дуолар қилди. **Аллоҳ таоло** унинг дуоларини қабул этиб, наҳангга пайғамбарни денгиз соҳилига чиқариб ташлашни амр этди.

Наҳанг қорнидан касал ҳолида чиққан Юнус алайҳиссаломга **Тангри таоло** яна бориб қавмини ҳидоятга бошлашни давом эттиришни буюрди. Юнус алайҳиссалом ўз қавмидан хафа бўлиб, дарғазаб ҳолда шаҳарни тарк этгач, қавм ваҳимага тушиб, «**Аллоҳ**нинг азоби энди муқаррар бўлади, шекилли», дея тавба қилишиб, ҳидоят йўлига ўтишга ҳозир тургандилар. Юнус алайҳиссаломнинг соф-саломат қайтганини кўрган қавм **Парвардигор**нинг амрига бўйсуниб, ҳидоят йўлидан чиқмасликларини айтиб, **Аллоҳ**га ва унинг пайғамбари Юнус алайҳиссаломга иймон келтирдилар. Юнус алайҳиссалом 750 йил яшаб оламдан ўтган.

Юнус алайҳиссаломнинг қабри Ироқда, Мўсул шаҳри яқинидаги қадимий Ниневея харобаларида.

Юнус алайҳиссалом номи *Қуръони карим*нинг кўп жойларида тилга олинган. Кўйида *Қуръони карим*нинг «Вас-соффот», «Анбиё» ва «Юнус» сураларидан оятлар келтирамиз:

«**Юнус ҳам, албатта пайғамбарлардандир!**

Қайсики (ўз қавмидан ғазабланиб), **одамлар билан тўла юкли кемага қараб қочган эди. Бас**, (кемадагилар билан) **қуръа ташлашди ва мағлуб бўлди.**

Бас, маломатга қолган ҳолида уни бир наҳанг балиқ ютиб юборди. **Бас**, агар у (Аллоҳга доимо) тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганда, албатта, у (балиқ) қорнида, то қайта тириладиган кунларигача (қиёматгача) қолиб кетган бўлур эди.

Бас, Биз уни хаста ҳолида қуруқликка улоқтирдик. Унинг устида (соя ташлаб туриши учун) **қовоқ дарахтини ундириб қўйдик.**

Биз уни юз минг, балки ундан ҳам кўпроқ (одам)га пайғамбар қилдик. Бас, улар (Юнусга) иймон келтирдилар.

Сўнг Биз уларни (маълум) бир муддатгача (ажаллари етгунча ҳаётдан) баҳраманд этдик». (37- «Вас-соффот» сураси, 139—148-оятлар).

«Зуннун (Юнус)нинг (ўз қавмидан) ғазабланган ҳолда (қишлоғидан чиқиб) кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғу зулматлар ичра: «Сендан ўзга илоҳ йўқдир, Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим», — деб нидо қилган (пайтини эсланг)!

Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз». (21- «Анбиё» сураси, 87—88- оятлар).

«Кошки бирор қишлоқ (аҳли) иймон келтирганда эди, иймони унга фойда берган (ва ҳалок бўлмаган) бўлур эди. Илло Юнус қавми (шундай қилди). Иймон келтиришгач, улардан дунё ҳаётидаги хорлик азобини кетказдик ва уларни (маълум) вақтгача (ҳаёт лаззатидан) баҳраманд қилдик». (10- «Юнус» сураси, 98-оят).

25. Ишаъё алайҳиссалом

Юнус алайҳиссаломдан кейин, милоддан аввалги VIII асрда Бани Исроил қавми яна бузилиб кетди. Яхудийлар ва уларнинг бошлиқлари ҳақ йўлдан тойиб, ичкиликбозликка берилдилар, халқни талаш, ўғрилик ва йўлтўсарлик авж олди, ҳар бир ишни ҳал қилишда адолатсизлик, тамағирлик, порахўрлик йўлига ўтдилар, алдаш ва фирибгарлик уларнинг одатига айланди. Етимлар, бева-бечораларни ҳимоя қилиш ўрнига уларга зулм қила бошладилар. Эзилган халқнинг ох-воҳларига қулоқ солмай қўйдилар. **Парвардигорни** унутиб, яна санам, бутларга топина бошладилар.

Пайғамбарлик неъматини берилган Ишаъё алайҳиссалом (Тавротдаги номи Исаия) қавмларини хидоят йўлига тарғиб қилиб, бундай ёмон ишларини давом эттираберсалар, ўзларига нажот йўқлигини айтиб, дунё ва охира азобларини баён қилиб огоҳлантириб келди. **Тангри таолога** ва ўтган пайғамбарларга ишонмаганлари учун, **Ҳақ таоло** қавмлар бошига балолар юбориб ҳалок қилганини, тез орада халқларни гуноҳлардан қайтариб ҳалос этгувчи пайғамбарлар Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссаломларнинг зухур этишларини айтиб огоҳлантирди. Аммо нодон, ўжар қавм ул зоти шарифни шахид қилдилар.

Муқаддам айтиб ўтганимиздек, **Тангри таоло** уларга жазо тариқасида Оссурия подшоҳи Салмоннасер (Саргон II)ни юборди. У Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломнинг ўн ўғлидан тарқалган халқ мамлакати — Исроил подшоҳлигини милоддан аввалги 722- йилда босиб олди. Исроил подшоҳини асирга олиб, аскарлари ва халқини қирғин қилди. Ўлканинг барча шаҳар ва қалъаларини вайрон қилиб юборди. Омон қолган халқни бутун болачақалари билан бирга Исроил заминидан бутунлай ҳайдаб чиқарди. Исроилликлар қадрдон ерларини аччиқ кўз ёшлари тўкиб тарк этдилар. Ўзларининг саркашлиқлари, ўжарликлари ва жохилликлари сабабли яна кўп йиллар бегона юртларда сарсон-саргардонликда, қулликда ҳаёт кечиришга маҳкум бўлдилар.

Ишаъё алайҳиссалом **Қуръони каримда** тилга олинмаган, аммо у Таврот китоби бўйича **Аллоҳнинг** пайғамбари ҳисобланади.

Абдулла Авлоний «Мухтасари тарихи анбиё ва таърихи Ислом» китобида Ишаъё алай-

ҳиссаломни Бани Исроилнинг улуғ пайғамбари деб тилга олган. Ана шу китобда ҳам Ишаъё алайҳиссалом милоддан аввалги VIII асрда яшаб ўтганлиги қайд этилган.

Ишаъё алайҳиссаломнинг 66 бобдан иборат бўлган китоби Библия таркибига кирган ва унинг кўп оятлари Инжилга айнан кўчирилган.

26—27. Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар

Яҳё алайҳиссаломнинг отаси Закариё алайҳиссалом (Закариё — «**Аллоҳ**ни ёд этувчи») ҳазрат Довуд алайҳиссалом уруғларидан бўлиб, Яҳудия ўлкасида Рим императорининг ноиби Ирод ҳукмдорлик қилган йилларда Ҳеврон шаҳрида руҳонийлик қилиб, халқни **Аллоҳ** бирлигига эътиқод қилишга даъват этиш билан машғул эди.

Закариё милоддан аввалги 330- йилда туғилган бўлиб, милодий йил бошларида, 300 ёшга етган пайтида, Яҳё исмли фарзанд кўрган. Шунгача у бефарзанд эди. Кунлардан бир куни Закариё алайҳиссаломга **Аллоҳ**нинг фариштаси Жаброил алайҳиссалом зоҳир бўлиб, унга хотини Айшу (Тавротда Елизавета) бир ўғил туғиб беришини ва унга Яҳё деб ном қўйиши ҳақида **Парвардигор** амрини етказди. Яҳё (ибронийча) «тирилтирувчи, жон киргизувчи» деганидир.

Шундан кейин, Ийсо алайҳиссалом туғилишидан олти ой аввал, Закариё алайҳиссаломнинг хотини Айшу унга бир ўғил туғиб берди ва уни саккиз кунлигида хатна қилишиб, отини Яҳё қўйишди.

Закариё алайҳиссаломнинг Тавротдаги номи Захария, Яҳё алайҳиссаломники эса Иоанн бўлган.

Яҳё алайҳиссаломга **Аллоҳ таоло** буюк иқтидор ато этди. У ниҳоятда заковатли, Тавротдаги ҳукмларга астойдил амал қиладиган киши бўлиб улғайди. У кўркам юзли, келишган, камтар, юмшоқ сўзли ҳамда сўзларни ўз ўрнида ишлатадиган воиз, ибодатга берилган, ҳалим киши бўлиб етишди. Умрида бирон маротаба ҳам гуноҳ ишга қўл урмади. Муҳаммад алайҳиссалом Яҳё алайҳиссаломни, «*Қиёмат бўлганда, гуноҳ қилмаган ёки гуноҳни ният ҳам қилмаган кимса топилмайди, Яҳё эса гуноҳ ҳам қилмаган ва гуноҳни ният ҳам қилмаган инсондир*», деб таърифлаганлар.

Унга ёшлигиданоқ пайғамбарлик инояти берилганди. Вояга етгач, Шом (Сурия)га бориб, у ердагиларни далилу исботлар асосида **Аллоҳ**нинг бирлигига иймон келтиришга ва ёлғиз **Аллоҳ**га ибодат қилишга даъват эта бошлади. Яҳё алайҳиссалом қавмларини Мусо алайҳиссалом шариатлари асосидаги иймонга чақирар экан, яқин орада Ийсо алайҳиссаломга янги шариат келишини айтиб огоҳлантирар эди.

Инжилда келтирилишича, Бани Исроил ҳукмдори Ирод вафот этиб кетган укаси Филиппнинг гўзал хотини Иродидага яъни (келини)га уйланмоқчи бўлади. Аммо Яҳё а.с., Мусо а.с. шариатига мувофиқ, бу ишга раво йўқ деб, никоҳ ўқишдан бош тортади. Бундан қаттиқ ғазабланган Иродида Яҳё а.с.ни ўлдирмоқчи бўлади, аммо уддасидан чиқа олмайди, Ирод бунга руҳсат бермайди. У Яҳё а.с.ни ҳурмат қилиш билан бирга, ундан ҳайиқар эди ҳам. Чунки унинг халқ орасида обрў-эътибори баланд эди, оқибатидан кўрқди. Шундай бўлса-да, Иродида Яҳё а.с.ни зиндонга ташлаттиришга муваффақ бўлади.

Ирод бошқа уламоларга бу никоҳга розилик бериш ҳақида савол қилган эди, улар кўрққанларидан бу ишга фатво берадилар. Шундай қилиб, Иродида қайноғасига тегиб олади.

Кунлардан бир куни Ирод ўзининг туғилган куни муносабати билан уюштирган зиёфатда Иродиаданинг бўйига етиб қолган гоаят гўзал қизи, яъни 14 ёшли жияни базмда қўшиқ айтиб, рақсга тушиб, ҳаммани ўзига қаратади. Уни севиб қолган Ирод базмдан кейин онасининг, яъни хотинининг розилиги ва раёбати билан у билан бирга ётади.

Сўнг Ирод қизга: «*Сўра сўрайдиганингни, мулкимни ярмини десанг ҳам бераман*»,

— дейди. Қиз онасининг олдига чиқиб, ундан нима сўрашини маслаҳат қилади. Иродиада қизига: «Яҳёнинг бошини сўра», деб айтади. Қиз дарров Ироднинг олдига кириб: «Товоқда Яҳёнинг бошини келтиришларини хоҳлайман», — дейди. Буни эшитиб, Ирод чуқур қайғуга ботади. Аммо сўз бериб, қасам ичиб қўйгани учун, ноилож зиндонда ётган Яҳё а.с.ни бошини келтиришларини буюради. Жаллод дарҳол бориб зиндонда ётган пайғамбарнинг бошини кесиб, товоқда қизга олиб келиб беради. Қиз эса уни онасига тақдим этади. У бошга бир қараб қўйиб, қайтариб беради. Машҳум ниятига этади. Сўнгра Яҳё а.с.ни шогирдлари дафн этадилар (Марк Инжили, 6:17-28).

Бу ҳақда яна бир ривоятда айтилишича, Ирод вафот этиб кетган укасининг хотини гўзал Иродиадага уйланиб олгач, онасига ўхшаб бағоят гўзал қиз бўлиб етилган унинг ёш қизига ҳам уйланмоқчи бўлади. Қиз ва онаси бунга жон деб рози бўладилар ва никоҳ ўқитмоқ учун Яҳё а.с.ни чақирадилар. Яҳё а.с., шарият бўйича бу ишга раво йўқ деб, никоҳ ўқишдан бош тортади. Бошқа уламолар эса қўрққанларидан бу ишга фатво берадилар. Аммо қиз ҳукмдорга: «Яҳё а.с. ўлдирилмагунча, сенга тегмайман», — деб онт ичади. Баднафс ва разил Ирод пайғамбар а.с.ни ўлдиришга буйруқ беради. Аммо уламолар: «Яҳёнинг қони томган жойда қиёматгача гиёҳ унмас», — дейдилар. Ҳукмдор Яҳё а.с.ни даштга олиб бориб бўғизлатади. Яҳё а.с.нинг кесилган боши дашт узра қаттиқ овоз билан: «Онасини олганга, қизи тегмас», — деб ҳайқиради. Яҳё а.с.ни қони оқиб, тинмайди, қайнаб чиқаверади, ҳаммаёқ қонга тўлиб кетади. Ҳукамолар шунда: «То бадкирдор у қиз ўлдирилмагунча, бу қон тинмас», — деб айтадилар. Барча ҳийлалару тадбирлар бекор кетади. Ирод ноилож қизни ўша даштга олиб бориб бўғизлатишга мажбур бўлади. Бадбахт қиз ўзининг бошига ўзи этади. Пайғамбар а.с.нинг қони шундан сўнг тинади.

Яҳё алайҳиссаломнинг шаҳид бўлиши ҳақида яна бошқа ривоятлар ҳам бор.

Улардан бирида айтилишича, Яҳё алайҳиссалом ниҳоятда келишган, хушрўй эди. Ҳукмдорнинг хотинларидан бири уни яхши кўриб қолиб, ўз муҳаббатини унга изҳор этади. Яҳё алайҳиссалом бундай гуноҳ ишдан қатъиян бош тортиб, унга эрига ҳеч қачон хиёнат қилмасликни насиҳат қилган. Подшоҳнинг хотини унинг кўнмаганидан қаттиқ ғазабланиб ва сиримни ошкор қилиб қўймасин деган ҳавотирда, ўз эридан Яҳё алайҳиссаломни ўлдиришни тинмай талаб қилади. Подшоҳ буйруғи билан Яҳё алайҳиссалом намоз ўқиб турган пайтида ўлдирилади. Яҳё алайҳиссалом шаҳид бўлгач, бу ишга **Парвардигори оламнинг қаҳри** келиб, подшоҳ хонадонини ер ютади.

Бошқа ривоятда келтирилган сабабга кўра, Рим ноиб Ирод Антипанинг Яҳё алайҳиссаломнинг халққа жуда катта таъсири ҳокимият учун хунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан чўчиши бўлган.

Яҳё алайҳиссалом Ийсо алайҳиссалом дунёга келгани ва унга янги шарият юборилгани ҳақида биринчи бўлиб хабар берган, ҳамда халқни ўз гуноҳларига иқрор бўлиб, тавба-газарру қилишга, маънавий покланишга даъват этган. Ийсо алайҳиссаломни ва кўплаб яҳудийларни Иордан дарёсида поклаб чўмилтириб иймонга — яккахудоликка тарғиб қилган пайғамбардир.

Яҳё алайҳиссаломнинг жасади Дамашкдаги Умавийлар масжидига дафн қилинган.

Закариё алайҳиссаломнинг шаҳид бўлиш сабаби ҳақида ҳам турли ривоятлар мавжуд.

Уларнинг бирида айтилишича, ўғли Яҳё алайҳиссаломнинг шаҳид бўлишига сабаб бўлган ҳукмдорнинг хотини **Аллоҳ ғазабига** учраб, ер ютган. Шунинг учун бу золим подшоҳ Закариё алайҳиссаломдан ўч олиш қасдида уни қидиртиради. Закариё алайҳиссалом душманлардан қочиб, бир катта дарахтнинг ёнига боради. **Аллоҳнинг амри** билан дарахт иккига ажралиб ёрилади, Закариё алайҳиссалом кирди, дарахт ёпилади, аммо салласининг бир учи чиқиб қолади. Уни қувлаб келганларга Иблис лаъин дарахтни кўрсатади. Яҳудийлар дарахтни Закариё билан бирга арралаб шаҳид қиладилар.

Иккинчи бир ривоятда келтирилишича, Биби Марям ибодатхонага назр қилин-

ганлиги ва у ерда қариндоши Закариё алайҳиссалом ҳомийлигида ҳамда тарбиясида бўлганлиги ва Биби Марям Ийсо алайҳиссаломни отасиз туққани боисидан яҳудийлар унга бўхтон қилиб, ўлдирмоқчи бўладилар, шунда бешикда ётган ўн беш кунлик Ийсо алайҳиссалом бирдан тилга кириб: «**Мен Аллоҳнинг бандасидурман. Ул зот менга Китоб — Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди**», дейди. Яҳудийлар буни эшитишиб ҳайрон қоладилар ва Биби Марямни қўйиб юбориб, Закариё алайҳиссаломни шахид қиладилар.

Закариё ва Яҳё пайғамбарлар ҳақида *Қуръони карим*да куп оятлар келган. Шулардан баъзи бирларини келтирамиз:

«Закариёнинг: «Эй Раббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, (меросхўр фарзанд ато эт), Сен, (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан», — деб нидо қилган пайтини (эсланг).

Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилдик ва унга Яҳёни ато этдик ҳамда жуфти (халоли)ни унглаб, (туғадиган қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга итоат этгувчи эдилар». (21- «Анбиё» сураси, 89—90-оятлар).

«(Эй Муҳаммад! Бу) Раббингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикри (қиссаси)дир.

(Аллоҳ айтди): **«Эй Закариё, Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмизки, унинг исми Яҳё бўлиб, илгари унга бирор (кимсани) ҳамном қилган эмасмиз».**

(Биз унга): **«Эй Яҳё! Китобни (яъни Тавротни) маҳкам тутгин!», (дедик) ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат (ва илм) ато этдик.**

Яна унга Ўз даргоҳимиздан меҳр ва поклик (ато этдик) ва у тақволи бўлди». (19- «Марям» сураси, 2; 7; 12—13-оятлар).

28. Ийсо алайҳиссалом

Ийсо алайҳиссалом (Иисус Христос) насронийлик, яъни христианлик динининг асосчиси бўлиб, *Қуръони карим*да Ийсо Масих тарзида тилга олинган. Мусулмонлар ул зотни оддийгина қилиб «Ийсо пайғамбар» деб атайдилар,

«Ийсо» калимаси қадимий яҳудий тили — ибронийчада «Ешуъа», яъни «**Худованд** бандаларига нажот беради», «**Аллоҳнинг** марҳамати, эҳсони» деган маъноларни беради. Масих юнончада «Христос», ибронийчада «Машиъах», арабча «Масих» дейилади. Асл маъноси «мой суртилган» демакдир. Қадимги даврларда ибронийларда муқаддас мақсадларга, **Тангри** хизматига бағишланадиган кишилар — пайғамбарлар, подшоҳлар бошига мой суртиш одат бўлган. Шунга кўра, Масих мартабаси — «**Худо** танлаган» деган маънони ҳам беради.

Масихчи (юнонча «христиан») Ийсо Масихнинг йўлидан юрувчи киши дегани бўлиб, христиан динининг номи ҳам ана шу — христиан, масихчи сўзидан олинган.

Ийсо алайҳиссалом яҳудий миллатига мансуб бўлиб, тахминан милодий 1—33- йилларда Фаластинда, ҳозирги Исроилда яшаб ўтган. Баъзи бир маълумотларда Ийсо алайҳиссалом милодий 1- йилда, бошқасида 4- йилда, яна бир бошқасида эса 7-йилда туғилган дейилади. Масалан, инглиз тарихчиси Веле Ийсо алайҳиссаломнинг ҳақиқий туғилган йилини милодий 4-нчи йил деб ҳисоблайди. («Сирли олам» жаридаси, 1999- йил, феврал сони, 10-бет). Аммо у милодий 1- йилда туғилгани купдан-куп диний ва дунёвий адабиётларда ёзилгани боис, бу сана ҳақиқатга яқиндир.

Ислом илоҳиётшунослигида Ийсо ибн Марям муҳаррам ойининг ўн бешида, якшанба куни онаси Биби Марямдан отасиз туғилган; бор-йўғи 33 йил умр кўрган; ражаб ойининг еттисида, пайшанба куни **Худованд** амри билан осмонга кўтарилиб кетган, то қиёматгача тирикдир, деб талқин қилинади.

Милодий йил ҳисобини ҳам Ийсо алайҳиссалом туғилган санадан бошлаб ҳисоблаш қабул қилинган. Демак, ўтган 2002- йили Ийсо алайҳиссалом туғилганига 2002 йил тўлди.

Ийсо алайҳиссаломга ўттиз ёшида Таврот ва Забурдан кейинги учинчи илоҳий китоб — Инжил нозил қилинган. У ўзининг диний фаолиятини ана шу ёшидан бошлаган, яъни пайғамбар бўлиб 3 йил фаолият кўрсатган. «Инжил» сўзи юнонча «эвангелеон» сўздан келиб чиққан бўлиб, насронийчада «евангелие» деб аталади. Маъноси «илоҳий хабар», «хушxabар», «эзгу хабар» бўлиб, бунда Ийсо Масихнинг дунёга келиши, ҳаёти, ўлиб-тирилиши ва таълимоти тўғрисида муқаддас пайғом — хушxabарлар баён қилинган.

Инжилда Ийсо алайҳиссаломнинг Ер юзидаги асосий мақсади гуноҳкор инсонларни кутқариш учун ўз жонини фидо — қурбон қилишдан иборат бўлган ва барҳақ пайғамбар бегуноҳ бўла туриб салибга михлаб ўлдирилган деб айтилади.

Ийсо алайҳиссаломнинг туғилиш тафсилоти, Инжилда ёзилишича, қуйидагича бўлган. Ийсо алайҳиссалом Фаластин ўлкаси, Жалила вилоятининг Насро (Назарет) қишлоғида яшовчи, ҳазрат Довуд алайҳиссалом авлодидан бўлган 80 ёшли бева Юсуф (Иосиф) деган нажжор (дурадгор)га унаштириб қўйилган Марямдан, Яҳудия ўлкасининг Байтлаҳм (Вифлеем) шаҳарчасида кудрати илоҳий билан отасиз туғилди. Ўша кезларда Насрода Закариё алайҳиссаломнинг хотини Айшунинг синглиси Ҳанна (Анна) ўз эри Имрон (Иоаким) билан бирга яшар, улар ҳам қариб қолган ва бефарзанд эдилар. Ҳанна **Аллоҳ таоло**га илтижо қилиб: «Эй **Парвардигор!** Агар сен менга фарзанд ато қилсанг, уни ёлғиз сенинг ибодатингга машғул бўлиши учун Байт ул-Муқаддас ибодатхонасига назр қиламан», дея ният қилди. **Аллоҳ таоло** унинг илтижоларини қабул қилиб, уларга бир қиз ато этди. Қизалокқа Марям (Мария) деб ном қўйдилар. Ҳанна ўз ваъдасига содиқ қолган ҳолда уч ёшга тўлган фарзанди Марямни Байт ул-Муқаддас ибодатхонасига назр қилиб олиб бориб берди. Ибодатхонада Марямни ҳоласи Айшунинг эри ҳазрати Закариё алайҳиссалом ўз тарбияси ва ҳомийлигига олди. Ўша пайтда Закариё алайҳиссалом ибодатхонада руҳоний вазифасини бажарар эди. Ибодатхонада Марямга **Аллоҳ**нинг фариштаси турли-туман таомлар, мева-чевалар келтириб бериб турди.

Марям ўн тўрт ёшга тўлганида, ота-онаси вафот этиб кетишди. Шундан кейин уни бева Юсуфга унаштириб қўйишди. Юсуфнинг катта ёшли фарзандлари ҳам бўлиб, ўзи камбағал, нажжорлик билан шуғулланар эди. Юсуф ва Марям иккаласи ҳам ҳазрат Довуд алайҳиссалом авлодидан эдилар. Марям Юсуфнинг уйида ибодат ва уй ишлари билан шуғулланар, бўш вақтларида пайғамбар Ишаъё алайҳиссалом китобини ўқиб, бир бокира қиздан буюк халоскор пайғамбар туғилиши башоратини билиб олган эди. Бундай неъматга ўзининг сазовор бўлишини хаёл қилиб чуқур ўй сурар эди.

Шундай масъуд кунларнинг бирида Жаброил алайҳиссалом пайдо бўлиб, Марямга **Аллоҳ**нинг илтифоти ва марҳаматига сазовор бўлганлигини, яқин орада ўғил кўришини ва унга Ийсо (Ешуъа, Иисус) деб ном қўйиши ҳақида **Парвардигор** амрини етказди. Туғилажак ўғли бобокалони ҳазрат Довуд тахтига ўтиришини ва Ер юзида абадий подшоҳлик ўрнатажagini айтди. Марям ҳайрон бўлиб: «Мендан қандай бола бўладики, менга бирор одам тегмаган ва яқинлашмаган бўлса», деди. Жаброил айтди: «Бу иш **Парвардигор** учун жуда осондир, **У** гўдакни **Ў**зининг руҳидан, раҳматидан пайдо қилгай»,— деб Марямни қўйлаги ёқасидан пуфлади. Нафас пастроққа тушиб, бачадонга кирди ва **Аллоҳ**нинг изни билан, Марям бокира қолгани ҳолда, болага ҳомиладор бўлди.

Бу ҳақда *Қуръони карим*нинг 21- «Анбиё» сураси, 91-оятда шундай дейилади:

«Яна ўз номусини сақлаган аёлни (Марямни эсланг). Бас, руҳимиздан унга пуфладик (у Ийсога ҳомиладор бўлди) ва уни ҳамда ўғлини барча оламлар учун аломат қилдик».

Унаштириб қўйилган Юсуф Марямнинг ҳомиласи борлигини кўриб, уни покдомон, серибодат, тақводор қиз эканлигини билса ҳам, таажжуб билан: «Эй Марям, бирор дарахт кўчатсиз, бирор экин уруғсиз ва бирор бола отасиз пайдо бўлиши мумкинми?»— деб сўраганда, Марям уни нима демоқчи бўлаётганини сезиб, дарҳол жавоб берган: «**Аллоҳ** Одам Атони ҳам отасиз, ҳам онасиз яратганини, дарахт ва экинни яратганида кўчат ҳам, уруғ ҳам бўлмаганини, уларнинг барчасини **Тангри таоло** яратганлигини эсла»,— деб жавоб берган ва илоҳий руҳдан ҳомиладор бўлганлигини айтган. Шунда Юсуф Марямни

тасдиқ қилган ва унинг ҳолини тушунган.

Ийсо алайҳиссалом отасиз туғилганидан кейин, қавм уртасида Марямга нисбатан бўхтон кучайиб кетган. Қавм уни зинокорликда айблаб сўроққа тутганларида, уларга Марямнинг ўрнига бешикда ётган ўғли — Ийсо алайҳиссалом тилга кириб жавоб берган. Унинг жавоблари *Қуръони карим*нинг 19- «Марям» сураси, 27—34- оятларида ўз ифодасини топган:

«Сўнг (Марям боласини) кутарган ҳолда қавмига келганида, улар: «Эй Марям! Сен қизиқ иш қилибсан-ку!»

Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!» — дедилар.

Шунда (Марям ўзи гапирмай, боласига) ишора қилди. Улар айтдилар: «Бешикдаги гўдак билан қандай сўзлашурмиз?!»

(Шу пайт чақалоқ тилга кириб) деди: **«Мен Аллоҳнинг бандасидирман. (У) менга Китоб (Инжил) ато этди ва мени пайғамбар қилди.**

Яна мени қаерда бўлсам баракотли қилди ва модомики ҳаёт эканман, намозни ва закотни (адо этишни) буюрди.

Шунингдек, (мени) онамга меҳрибон (қилди) ва мени такаббур, бадбахт қилмади.

Менга туғилган кунимда ҳам, вафот этадиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам салом (омонлик) бўлур».

Улар (яъни яхудий ва насронийлар) шубҳа қилаётган Ийсо ибн Марям — Ҳақ сўзи мана шудир!».

Келтирилган оятлардан Ийсо алайҳиссалом она қорнидалигидаёқ илоҳий китоб — Инжил аҳкомлари сингдирилган пайғамбар бўлганликлари аён бўлади. Шундай қилиб, Аллоҳнинг каломи ва руҳи Жаброил алайҳиссалом пуфлаши орқали Марямга киритилди, шунинг учун туғилган Ийсо ибн Марямга «Ийсо рухуллоҳ» деб сифатий таҳаллус, куня берилди.

Марям билан унаштириб қўйилган Юсуфнинг тушида Жаброил алайҳиссалом унга Марям муқаддас руҳдан ҳомиладор бўлганлигини, ундан бир ўғил туғилиб Аллоҳнинг пайғамбари бўлиши башоратини етказди ҳамда уни хотинликка олишини айтди. Юсуф уйғонгач, Худонинг фариштаси буюрганидек қилди ва Марямни хотинликка олди, аммо турмагунча унга яқинлашмади. Марямнинг туғишига яқин қолган вақтда Рим императори Октавиан Август аҳолини рўйхатга олиш ҳақида фармони олий чиқаради. Бу фармонга кўра, ҳар ким ўзининг шаҳридан рўйхатдан ўтиши шарт эди. Шунинг учун Юсуф ва Марям яшаб турган Жалиланинг Насро (Назарет) қишлоғидан Қуддуси шарифдан нарироқда бўлган Вифлеем (ҳозирги Байтлаҳм) шаҳарчасига кетишди. Марямнинг кўзи ана шу шаҳарда ёриди. Туғилган болага Жаброил алайҳиссалом айтганидек «Ешуъа» (Ийсо, Иисус) деб ном қўйдилар.

Ийсо алайҳиссалом, холаваччаси ҳазрат Яҳё алайҳиссаломдан олти ой кейин туғилди. Юсуф ва Биби Марям чақалоқ Ийсо алайҳиссаломни олиб, яхудийлар подшоҳининг тазйиқидан қўрқиб Мисрга қочдилар. Бу мамлакатда ўн икки йил туриб, яна аввалги ватанлари — Жалиланинг Насро (Назарет) қишлоғига қайтиб келдилар. Ийсо алайҳиссалом ана шу жойда ўсиб улғайди. Христианларнинг мусулмончасига «насронийлар», «насоро» деб аталиши ҳам ана шу қишлоқ номидан олинган.

Ҳозирги амал қилиб турган Инжилда бир-бирига зид ҳолатлар сон-саноксиз. Масалан, Матфей Инжилига кўра, Ийсонинг болалиги Мисрда ўтган, Лука Инжилига кўра, Насро (Назарет) қишлоғида ўтган дейилган.

Ийсо алайҳиссаломга 30 ёшида пайғамбарлик келгач, унга Инжил китоби нозил бўлди ва у иймонсиз қавм аҳлини иймонга — яккахудоликка даъват қилишни бошлаб юборди. Уларга ўздан кейин Аҳмад (яъни Муҳаммад алайҳиссалом) номли охирзамон пайғамбари келиши башоратини етказди.

Ийсо алайҳиссалом ўз таълимотини ёйишда ўша пайтда диндорларнинг «саддуқийлар» (Инжилда «саддукей») ва «фарзийлар» («фарисей») деб аталадиган мазҳаблари қаршиликка учради. Саддуқийлар Тавротдан фақатгина Мусо алайҳиссаломнинг Беш китобини

тан олган, охират, қиёмат, жаннат, дузах, жин, фаришталар каби тушунчаларни рад қилган қадимий яхудийлар мазҳаби, фарисей эса яхудийликнинг фарзу суннатларини ўта аниқлик ва синчковлик билан адо этадиган, уларга кўр-кўрона ишонадиган ўта мутаассиб диндорлар мазҳаби эди.

Ийсо алайҳиссаломга дастлаб 12 балиқчи шогирд — муридлар (апостоллар) эргашидилар. Улар **Қуръони карим**да «хаворийлар» деб мадҳ этилган. Ийсо алайҳиссалом уларни ўз дини ва шариатини тарқатиш учун ҳар тарафга жўнатди. Улар ўз вазифаларини адо этувчи «мубоширлар» (миссионерлар) деб аталдилар. Уларнинг номлари: Пётр деб юритилувчи Сиймон, Андрей, Яъқуб, Юҳанно, Филипп, Варфоломей, Матто, Фома, Яъқуб ибн Алфей, «ватанпарвар» лақабли Сиймон, Яҳудо ибн Яъқуб ва кейинчалик Ийсо алайҳиссаломга хиёнат қилган хоин искарриотлик Яҳудо. Ийсо алайҳиссаломга ҳали пайғамбарлик келмасидан бурун, унинг холасининг ўғли Яҳё алайҳиссалом Қуддусда, Яҳудия юрти бўйлаб ва Йордан дарёси атрофида аҳолига якка **Худо**га иймон келтириш лозимлиги, Ийсо алайҳиссаломнинг дунёга келгани, унга яқин орада пайғамбарлик келиши ва унга янги шариат юборилиши ҳақида воизлик қила бошлаган эди. Ўша ерлардаги аҳоли, ҳатто фарзий ва саддуқийлар мазҳабидаги бир талай кишилар ҳам гуноҳларини эътироф этиб, Яҳё алайҳиссалом бўйруғи билан Йордан сувига чўмилиб иймон келтирардилар.

Ўшанда Ийсо алайҳиссалом ҳам Яҳё алайҳиссалом хузурида чўмилиш учун Жалиладан Йордан дарёси бўйига келган ва бошқалар қатори сувда чўмилиб иймон келтирган.

Ийсо алайҳиссалом ўзининг тарғибот ишларини бошлаб юборганидан кейин, яхудий дин арбоблари ўзларига нисбатан катта хатарни сеза бошлаганлар. Чунки Ийсо алайҳиссалом ўзига янги шариат, яъни Мусо алайҳиссалом шариатига айрим ўзгартишлар келганини эълон қилган ва уларнинг кирдикорларини очиб, дунёвий лаззат ва ҳавасларга берилиб кетганликларини қоралаб, уларни шарманда қила бошлаган эди. Шунда улар, яъни фарисей ва саддуқийлар, Ийсо алайҳиссаломга қарши кураш режаларини тузиб, уни ёлғончиликда айблашга ўтишди. Ийсо алайҳиссаломдан ўз пайғамбарлигини исбот қилувчи муъжизалар кўрсатишни талаб қила бошлашди. Шунда **Аллоҳ таоло** ўз пайғамбари Ийсо алайҳиссаломни бир неча муъжизалар билан қувватлади.

Ийсо алайҳиссалом лойдан қуш шаклини ясаб, унга пуфласа, **Аллоҳ**нинг иродаси билан қушга жон кириб уча бошлади. Туғма кўр бўлиб туғилганларни қўли билан силаса, **Аллоҳ**нинг иродаси билан улар кўрадиган бўлдилар. Пес ва моховларга қўлини теккизса, **Аллоҳ**нинг марҳамати билан улар тузалдилар. Умуман юролмайдиган шолларни бир зумда даволади, дарёда сув юзида чукмай юрди, ўликларни тирилтириб, улар билан гаплашди. У, кишилар уйларида нима еяётганию нималарни саклаб қўйганини айтиб берар эди.

Булардан ташқари, яна бир муъжиза кўрсатди: дуо қилиб чўлда 5 та нон ва 2 та балиқ билан 5000 дан ортиқ кишини тўйдирди. Ортиб қолган бурда нонларни териб олганларида, тўла 12 сават чикди.

Ийсо алайҳиссалом ана шундай муъжизалар орқали инсонлардаги руҳни тарбиялаб, қиёматга иймон келтиришга ҳамда у ҳақиқий дунёда ҳар бир киши ўзининг қилган барча яхши-ёмон амаллари учун жавоб беражагига ишонишга даъват этган.

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссалом пайғамбарлигининг исботи сифатида унга муъжизалар кўрсатиш қобилиятини ато этганига қарамай, қалби кўр яхудийлар, айниқса фарзий ва саддуқий мазҳабидагилар қандай қилиб бўлмасин ундан кутулиш пайига тушдилар. Одамларни унга қарши қўйдилар. Барча хийла-найранглари иш бермагач, унга ўша пайтдаги хукмрон давлат — Рим империясини қарши қўйдилар. «Ийсо империя учун хатарли, у ўз даъвати билан Рим империясини йўқотишга интиляпти. Тез кунларда у империяга қарши курашни бошлаб юборади», деган иғво миш-мишлар тарқатдилар, бу билан Рим империяси подшоҳи ноибини Ийсо алайҳиссаломга қарши қўйишга муваффақ бўлдилар.

Инжилда ёзилишича, аскарлар Ийсо алайҳиссаломни қидира бошладилар. Ийсо алайҳиссалом улардан яширинган эди, лекин хаворийлардан бири Яҳудо Аскарриот (Иуда Искарриот) хоинлик қилиб, уни арзимаган 30 кумуш тангага сотиб қўйди, аскарларга Ийсонинг яширинган жойини кўрсатди.

Фарзий ва саддукийлар Ийсо алайҳиссаломни тутиб, ноибнинг олдига олиб келдилар ва унга ўлим жазоси беришни қаттиқ туриб талаб қилдилар. Ниҳоят, ноиб Понтий Пилат руҳонийларнинг норозилиги ва тўполонини бостириш учун, уларга ён бериб, унда ўлим жазосига лойиқ ҳеч бир айбни кўрмаса-да, ўзи истамаган ҳолда зўр-баъзўр уларнинг талабларига кўнди ва Ийсо алайҳиссаломни уларга топширди. Яҳудийлар суди — Синедрион уни ўлим жазосига ҳукм қилди, ноиб эса ҳукмни тасдиқлашга мажбур бўлди. Уни чорчўпга михлашганда, **Худо** марҳаматидан четда қолишидан кўрқиб, ўз она тили — яҳудий тилида: «**Элоҳи, Элоҳи, ламма савахфани?**», яъни: «**Тангрим, Тангрим, нега мени ташлаб қўйдинг?**», деб фарёд чекади. Ийсо алайҳиссалом жума куни 33 ёшида жуда даҳшатли тарзда — хочга парчинлаб ўлдирилади.

Инжилда айтилишича, шу куни Ийсо алайҳиссалом қоронғида икки шогирдига ҳамроҳ бўлиб сўзлашиб кетган. Кейин улардан бирининг уйига меҳмон бўлиб кирган. Ийсо алайҳиссалом дастурхондан нон олиб ушатаётганида, у ерда ҳозир бўлганлар уни таниб қолишган, бироқ Ийсо алайҳиссалом шу ондаёқ кўздан ғойиб бўлган.

Кейин у шу якшанба куни ўзи ҳақида ҳайратланиб сўзлашаётган шогирдларига яна бир бор зоҳир бўлиб, уларга панд-насихат берган, уларни шаҳардан ташқарига — Байтания яқинига олиб чиқиб, дуо қилган. Дуо қилаётиб, улардан аста узоқлашганича, осмонга кўтарилиб кетган (Инжил, 24 боб).

Инжилга кўра, Ийсо алайҳиссаломнинг ердаги мақсади гуноҳкор инсонларни қутқариш учун ўз жонини қурбон қилишдан иборат бўлган ва у мана шу эзгу мақсад туфайли, бегуноҳ бўлатуриб, хочга парчинлаб ўлдирилган.

Унинг ўлдирилгани динимиз Исломда қатъиян рад этилади. *Куръони карим*да унинг ўлдирилмаганлиги қўйидагича ёритиб берилган: «**Яна куфрлари ва Марям (шаънига) айтган улкан бўҳтонларни сабабли, шунингдек, Аллоҳнинг пайғамбари — Ийсо Маснх ибн Марямни биз ўлдирдик, деган гаплари туфайли (жазоладик). Холбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат** (бошқа бир киши Ийсога) **ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта, унинг тўғрисида баҳслашганлар у ҳақда шубҳададирлар. Уларда гумонга эргашшдан бошқа бирор (тўғри) маълумот йўқ. Аниқки, уни ўлдирмаганлар.**

Балки, уни Аллоҳ ўз ҳузурига кўтарди. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир». (4- «Нисо» сураси, 156—158-оятлар).

Буюк тафсирчилардан Ибн Касир ривоят қилишича, жумадан шанбага ўтар кечаси Ийсо алайҳиссалом 12 ҳаворийси билан турган уйни қуршаб олганлар. Шунда Ийсо алайҳиссалом шерикларига: «Кимингизга менинг тусим ўтса, ўша одам мен билан жаннатда бўлади», — деган. Бунга бир ёш йигит тайёрлигини билдирган. Ийсо алайҳиссалом сўзларини 3 марта қайтарганида, ҳар сафар ўша йигит бунга ўзининг тайёрлигини фидокорлик билан билдирган. Шундан кейин Ийсо алайҳиссалом унга: «Сен ўшасан!», деб хитоб қилган. **Аллоҳ таоло** у йигитни ўша заҳоти Ийсо алайҳиссалом тусига киритган.

Сўнгра уй шифтидан бир туйнук очилган. Туйнук тор бўлгани учун, Ийсо алайҳиссалом боши ва икки елкасини кўрсатиб: «Бошим сиғади-ю, аммо икки елкам сиғмайди», деган ишорани қилган. Туйнук кенгайган, Ийсо алайҳиссаломни мудроқ олган ва шу ҳолда оҳиста осмонга кўтарилиб кетган.

Бунга кўрган ҳаворийлар Ийсо алайҳиссаломнинг боши ва икки елкасини кўрсатиб қилган имо-ишорасини насронийлик рамзи, белгиси сифатида қабул қилганлар ва уни чўқиниш одатига айлантирганлар. Баъзилар бундай чўқиниш одати Ийсо алайҳиссалом парчинланган хочга нисбатан қабул қилинган деб ҳам айтадилар.

Ийсо алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетганидан кейин, ҳаворийлар ташқарига чиққанлар ва қиёфаси Ийсо пайғамбарга ўхшаб қолган йигитни қоронғида тутиб, хочга парчинлаб ўлдирганлар.

Бошқа бир манбада айтилишича, Ийсо алайҳиссаломнинг 12 ҳаворийларидан бири-хоин Искаротлик Яхудо 30 кумуш танга мукофот эвазига Ийсо алайҳиссалом яширинган

уйни яхудийларга кўрсатиб берганидан кейин, **Аллоҳ таоло** жазо тариқасида унинг ўзини Ийсо алайҳиссалом киёфасига киритиб, соқов қилиб қўйган. Ийсо алайҳиссаломни эса **Аллоҳ** ўз хузурига, аршга кўтарган. Уйга бостириб кирган яхудийлар Яхудони Ийсо деб тутиб, хочга парчинлаб ташлаганлар.

Тафсирчилардан Вахб ибн Мунаббахнинг ривоятча, **Аллоҳ** Ийсони 3 кун ўлдириб, кейин тирилтирган ва осмонга кўтарган. Хаворийлардан Марк, Лука ва Юҳанноларнинг хабарларида ҳам Ийсонинг жума куни хочга миҳлангани ва ўлгани, шу куни шогирди Юсуф (Иосиф) томонидан дафн қилингани, якшанба куни эса Ийсо қайта тирилтирилиб, аршга олиб чиқиб кетилгани айтилган.

Таврот ва Забур қадимги иброний ва оромий тилларида, Ийсо алайҳиссаломга нозил қилинган «Инжил» матни эса юнон ва суръёний тилларда Ийсо алайҳиссалом туғилганидан кейин, милодий I—II асрларда хаворийлар ва руҳонийлар томонидан ёзилган.

И з о ҳ: Ийсо алайҳиссалом асосан қадимги оромий тилида сўзлашган, аммо у қадимги иброний ва юнон тилларини ҳам яхши билган. Унинг латин тилини билиши ҳақида эса бирон-бир маълумот учратмадик.

Оромий («баланд мамлакат» дегани) тили Иордан ва Ефрат дарёлари оралиғида яшаган халқлар ва уларнинг қадимий тилидир.

Суръёний тил Олд Осиё оромий тилли христианларнинг адабий тили эди. Ҳозирда Эрон, Ироқ, Сурия ҳудудларида яшовчи насронийларнинг диний-маросим тили бўлиб қолди.

Иброний тил — сомий тиллар гуруҳига кирувчи қадимий ибр (еврей) тили.

«Инжил» 27 бўлимдан — китобчадан иборат бўлиб, дастлабки 4 китобчаси «Муқаддас хушхабар» деб аталади. У Ийсо Масиҳнинг ҳаёти, таълимотига бағишланган. Уларни Ийсо алайҳиссалом хаворийлари — Матто, Марк, Лука ва Юҳаннолар ёзиб қолдирган.

Иккинчи — «Хаворийлар фаолияти» номли китобчада хаворийларнинг диний мавзудаги ваъзалари келтирилган, қилган ишлари, нутқлари, қувғинга учраганлари, масиҳ (христиан) жамоаларининг вужудга келиши ҳақида ҳикоя қилинган.

Учинчи китобчадан хаворий пирлар Павел, Яъқуб, Пётр, Юҳанно, Яхудолар ёзган 21 мактуб ҳам ўрин олган. Улар бу мактубларни дунёнинг турли ерларидаги кишилар ва жамоаларга ёзиб юборганлар. Бу мактубларда христианликнинг асосий ақидалари, қоидалари ва йўл-йўриқлари баён қилинган.

Тўртинчи — «Ваҳй» китобида **Аллоҳ**нинг пир Юҳаннога йўллаган башорати ёзилган бўлиб, унда охирзамонда юз берадиган воқеалар, мусибатлар, Ийсо алайҳиссаломнинг қайта тирилиб оламга қайтиши, яъжуж-маъжуж, Дажжол, қиёмат-қоим, жаннат-дўзах тасвирланган.

Қуръони каримдаги Ийсо алайҳиссалом ҳақида келган оятларга назар солсак, унда Ийсонинг оддий инсон эканлиги, у қавмини ҳидоятга бошлаш учун **Аллоҳ** томонидан юборилган пайғамбар бўлгани, **Аллоҳ**нинг бирлигига, ёлғиз **Унга** ибодат қилишга, **Аллоҳ**да на шериг-у, на аҳли-фарзанд борлигига эътиқод қилишга даъват этганининг гувоҳи бўламыз.

Ийсо алайҳиссалом ҳеч қачон ўзини **Аллоҳ**нинг фарзандиман деб даъво қилмаган. **Қуръони карим**да Ийсо алайҳиссалом бошқа пайғамбарлар сингари **Аллоҳ**нинг бир пайғамбари дейилган.

Насронийлар кейинчалик Ийсони **Худо** даражасига кўтарганлар, **Аллоҳ**нинг ҳақ китоби Инжилни ўзларига маъқул тарзда асоссиз ўзгартириб олганлар.

Инжилнинг 22-бобида (Матто: «Энг буюк амр») ёзилишича, Ийсо алайҳиссалом ҳеч қачон ўзининг шогирдлари — хаворийлар ва насронийларга мен **Худоман** ёки **Худонинг** ўғлиман, менга топининг ва ибодат қилинг, демаган. Аксинча: «Менинг **Раббим** ва сизнинг **Раббингиз** бўлган яккаю ягона **Тангри**гагина ибодат қилинг», деган.

Бу ҳақда Инжилда яна шундай дейилган.

Уламоларнинг бири Ийсонинг олдига келиб:

— Бутун илоҳий амрларнинг энг муҳими қайси бири? — деб сўради. Ийсо унга жавоб бериб деди:

— Бутун амрларнинг энг муҳими шу: «Тингла, эй Исроил! **Раббимиз** булган **Худованд** — ягона **Худованддир**. **Раббинг** булган **Худовандни** бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан ва бутун қувватинг, борлигинг билан севгин». («Инжил», Библияни таржима қилиш институти, Стокгольм — 1992 йил, 12-боб, Марк, «Энг муҳим илоҳий хабар»).

Яҳудий, насроний ва араб мушрикларининг асоссиз гапларини **Аллоҳ таоло Ўзи** нозил қилган **Қуръони карим**да қатъий рад этади: «**Аллоҳ бу — Масиҳ ибн Марям**», — деганлар **кофир бўлдилар**. **Масиҳ** уларга деди: «**Эй Исроил авлоди! Раббим ва Раббингиз** (бўлмиш) **Аллоҳга ибодат қилингиз!**». Кимки **Аллоҳга ширк келтирса**, албатта унга **Аллоҳ жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзахдир**. **Золимларга (эса) ёрдамчилар бўлмас**».

«**Аллоҳ — Учтанинг** (Аллоҳ, Марям ва Ийсонинг ёки Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг) **биридир**», — деганлар (ҳам) **кофир бўлдилар**. Ягона **Илоҳдан бошқа илоҳ йўқдир**. Агар айтаётган (гап)ларидан қайтмасалар, улар орасидан **кофир бўлганларга аламли азоб етиши муқаррардир**.

Масиҳ ибн Марям фақат **расул** (Аллоҳ элчиси)дир. Ундан олдин (ҳам) **кўп расуллар ўтган бўлиб**, онаси **сиддиқа** (иймонда содиқ аёл)дир. **Иккиси ҳам** (бошқа инсонлар каби) **таом ер эдилар**. **Қаранг**, у (одам)ларга **хужжатларни қандай аниқ баён этаяпмиз**. **Сўнгра қарангки**, (улар) **ҳақиқатдан қаёққа қараб ораяптилар?!**».

Аллоҳ: «**Эй Ийсо ибн Марям! Одамларга, сен Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни икки илоҳ қилиб олинглар**», деб айтдингми?» — деганида, (Ийсо) деди: «**Эй пок Зот! Ҳаққим йўқ** нарсани айтишим жоиз эмасдир. Агар уни айтган бўлсам, **Сен уни билган бўлардинг**. **Сен дилимдагини билурсан**, мен «**дилимдагини**» билмасман. Албатта, **Сен Ўзинг ғайб нарсаларнинг билимдонидирсан**.

Мен уларга фақат Ўзинг буюрганларингни, яъни: «**Раббим ва Раббингиз — Аллоҳга ибодат қилингиз**», — деб айтдим. Улар орасида **бўлган онларимда уларга гувоҳ бўлиб турдим**. Мени «**вафот**» эттирганингда **эса Сенинг Ўзинг улар устидан кузатгувчи бўлдинг**. **Сен ҳар нарсага гувоҳдирсан**». (5- «Монда» сураси, 72, 73, 75, 116, 117-оятлар).

Эсланг, **Ийсо ибн Марям**: «**Эй Исроил авлоди, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман**. (Мен) **ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчиман**», — деган эди. **Бас, қачонки** (Ийсо) уларга (пайғамбар эканига) **хужжат (муъжиза)ларни келтиргач**, улар: «**бу аниқ сеҳр**», — дедилар». (61- «Саф» сураси, 6-оят).

И з о х: **А ҳ м а д — Пайғамбаримизнинг исмлари бўлиб, Муҳаммад сўзи билан бир ўзакдан чиққандир**. У ўзак «**Ҳамд — мақтамоқ**» калимаси бўлиб, **Аҳмад — «Парвардигорга кўп ва хўб ҳамд айтгувчи» маъносини ифодаласа**, **Муҳаммад — «дунё ва охирада мақтовга сазовор бўлгувчи»**, деган мазмунда келади.

Қуръони каримнинг Ийсо пайғамбарга муносабати Инжилдаги талқиндан тубдан фарқ қилади. Юқорида айтганимиздек, насронийлар черкови Ийсо — Иисусни «**Худонинг ўғли**» деб ҳисоблайди ва шу тариқа **Ислом рукнларига кўра ширкка йўл қўядилар**.

Шундай қилиб, **Ийсо алайҳиссалом доим динга қайтиб**, диндан чиқиб турадиган субутсиз, бетайин мушрикларни ҳидоят қилиш — тўғри йўлга солиш учун янги — христианлик (насронийлик) динига асос солди. Қизиғи шундаки, насронийлар ўз динларининг яҳудийлик динидан келиб чиққанига қарамай, ҳозиргача яҳудийларга қарши аёвсиз диний кураш олиб борадилар. Яҳудийлар ҳам насронийликни ҳозиргача тан олмайдилар.

29. Муҳаммад алайҳиссалом

«Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир. Аллоҳ барча нарсаларни билувчи зотдир.»

(33- «Аҳзоб» сураси, 40-оят).

Барча пайғамбарлар ва фотиҳлар ичида ҳаёти ва фаолияти ҳазрати Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам тарихидек энг кўп ва ҳар томонлама пухта ўрганилган шахс камдан-кам. Ислом дини тамали бўлмиш *Қуръони карим*ни тушунишимиз учун пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётларини, сийратларини диққат билан ўрганмоғимиз шарт. Расули акрамнинг ҳаётларини билмай туриб исломий илмлардан бирортасини — на тафсир, на ҳадис, на фикҳ (қонуншунослик), на ахлоқни рисоладагидек тушуниб, моҳиятига етиб бўлади.

*Қуръони карим*да номлари тилга олинган пайғамбарлардан бештаси — ҳазрати Нух, Иброҳим, Мусо, Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссаломлар буюк ва янгиланган шариат соҳиби эдилар. Бу жиҳатдан улар бошқа пайғамбарларга қараганда устун турадилар.

«Уша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик...» (2- «Бақара» сураси, 253-оят).

Аввалги пайғамбарлар бир қавм, бир улка ёки маълум бир давр учун келган бўлсалар, «Хотам-ул Анбиё» — пайғамбарликнинг хотимаси, муҳри яъни охиригиси Муҳаммад алайҳиссалом ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар, бутун башарият учун юборилган пайғамбардирлар. «Муҳаммад» арабча сўз бўлиб, «мақтовга сазовор, мадҳ этилувчи» маъноларига эгадир.

Аллоҳнинг расули (элчиси) ва пайғамбари, Ислом динининг асосчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, ибн Абдулмутталиб, ибн Ҳошим, ибн Абдуманоф обрўли қурайш қабиласидан бўлиб, милодий 571- йилнинг 21- апрелида фил воқеасидан 54 кун кейин Арабистон ярим оролининг Макка шаҳрида туғилдилар ва милодий 632- йил 8- июнда, шамсий йил ҳисоби (григориан календари) бўйича 61 ёшу, 1 ой, 18 кунда, қамарий йил ҳисоби бўйича 63 ёшу, 3 ой 3 кунда Мадина шаҳрида вафот этдилар. Қабрлари Мадинаи мунавварададир.

25 ёшларида бева Хадичага уйланганлар, 40 ёшларида пайғамбарлик келган, 23 йил пайғамбарлик, 19 марта жиҳод, 4 марта умра ва бир марта ҳаж қилганлар.

Шажараси (аждодлари): оталари — Абдуллоҳ, оналари — Омина.

Боболари (тартиб билан): Абдулмутталиб (Шайба), Ҳошим, Абдуманоф, Қусайй, Ҳаким (Килоб), Мурра, Каъб, Луай, Фолиб, Фихр (Қурайш), Малик, Надр, Кинона, Ҳузайма, Мудрика, Илёс, Музар, Низор, Маъд, Аднон.

Аднон Исмоил алайҳиссаломнинг авлоди бўлиб, Кайзар сулоласидан бўлган.

Оналари Оминанинг оталари — Ваҳб, боболари (тартиб билан): Навфал, Абдулузза, Зухра, Ҳаким. Ҳаким — ҳам Зухранинг, ҳам Қусаййнинг отаси бўлган, шунинг учун Пайғамбаримизнинг оталари ва оналарининг аждодлари Ҳакимда келиб туташади.

Расулуллоҳнинг оталари Абдуллоҳ қурайш қабиласининг Ҳошимий уруғидан, оналари Омина Зухра уруғидандир.

Юқорида айтганимиздек, Расулуллоҳ Исмоил а.с. авлодидандир, Исмоил а.с. эса пайғамбарларнинг энг буюкларидан бири, учала дин аҳли — яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар бирдек эъзозлаб ҳурмат қиладиган Иброҳим пайғамбарнинг Хожардан туғилган катта ўғли эди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг Сорадан туғилган кичик ўғли Исҳоқ ҳам пайғамбар мақомига сазовор бўлган.

Кейинги барча пайғамбарлар ҳазрат Исҳоқ алайҳиссалом авлодларидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эса Исҳоқ алайҳиссаломнинг акаси Исмоил алайҳиссалом

авлодидирлар. Бунинг тарихи қўйидагича.

Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли — Исмоил 21 ёшида журҳум қабиласидан миллати араб бўлган Аммора деган қизга уйланди ва ундан араб тилини ўрганди. Шундан кейин унинг авлоди араблашиб кетди. Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг тили иброний бўлса-да, кейинчалик у арабча сўзлашишга ниҳоятда уста бўлди ва авлодлари ҳам арабча сўзлашишни одат қилди. Шу сабабли бу зотнинг авлодлари «мустаъриба» (яъни асли араб бўлмай, арабликни қабул қилиб, араб бўлгучи) деб аталади. Хуллас, Ислом асосчиси пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ана шу Исмоил алайҳиссалом авлодларидандир.

Ҳазрати Исмоил ўғилларидан аднонийлар, улардан мударийлар, улардан қурайшийлар, улардан эса хошимийлар авлоди юзага келган. Демак, Сарвари Олам — Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам Исмоил ўғилларидан, аднонийлардан, қурайшийлардан ва хошимийлардан эдилар.

Араблар ўзларини икки пайғамбар — Нух ва Исмоил уруғидан деб аташади. Исмоил авлодлари ўзларини қурайшийлар деб аташади. Қурайшийлар араб қабилалари ичида катта обрў ва нуфузга эга бўлиб, одатда Макка ҳокими ва Каъба нозири улардан сайланарди. Муҳаммад алайҳиссалом туғилганларида боболари — Абдулмутталиб қурайш қабиласининг бошлиғи ва Макканинг нозири эди. Ҳазрати Исмоил яшаган даврларда Маккадаги Замзам булоғидан жуда мўл сув чиққан ва Исмоил онаси Ҳожар билан ўша ерда муқимлашгач, Ямандан Журҳум қабиласи келиб қўним топган. Бу қabila Макканинг илк аҳолиси бўлмиш Амолиқа қабиласидан кейин мазкур шаҳарга ҳокимлик қилганлар.

Ўша пайтларда Макка йирик тижорат маркази бўлган. Милоддан тахминан икки ярим минг йил аввал Яман ва Сурия орасида қатновчи карвонлар Маккада тўхтаб ўтар эди.

Макка шаҳридаги Каъба маъбади (ибодат жойи) шаҳар ўртасида қурилган. Аслида эса Каъба Маккадан анча қадимий: шаҳар унинг теварагида қад ростлаган.

Каъбани биринчи бор тошдан қурган ҳазрат Иброҳим ва араблар бобокалони Исмоил алайҳиссаломдир. Каъба атрофидаги Макка шаҳрини эса пайғамбаримизнинг бобокалонларидан Қусайй қурдирган.

Иброҳим алайҳиссалом халққа ханиф дини бўйича биринчи бор ҳаж (зиёрат) ибодатини ўргатдилар. Шундай қилиб, ер юзида **Аллоҳ**га ибодат қилиш учун илк бино Каъба бўлди.

Қуддусдаги маъбад — Масжиди Ақсо эса ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломдан анча кейин, ҳазрат Довуднинг ўғли Сулаймон алайҳиссалом замонларида қурилгани учун, Маккадаги Каъба ер юзида **Аллоҳ**нинг илк уйи — Байтуллоҳ сифатида энг табаррук қадамжо бўлиб қолган. Шу тариқа, Байтуллоҳ — Каъба ҳазрат Иброҳим даврларидан зиёратгоҳга айланган.

Яманда сел ҳалокати рўй бериб, кўп аҳоли, шу жумладан, Ҳузоъа қабиласи ҳам Ямандан Маккага келиб ўрнашди. Ҳузоъаликлар Исмоил ўғилларининг ёрдами билан журҳумийларни Маккадан чиқариб юбориб, шаҳар ҳукмронлигини ўз қўлларига олганлар. Уларнинг ҳукмронлиги қурайшийлар даврига қадар роппа-роса 3 аср давом этди.

Қурайш қабиласининг бошлиғи Қусайй, Ҳузоъа қабиласи бошлиғининг куёви эди. У Каъба муҳофизлигини — нозирлигини қайнисидан сотиб олди.

Шундай қилиб, Ҳақимнинг ўғли Қусайй милодий V асрда қурайшлар бошлиғи сифатида ҳузоъаликларни Маккадан чиқариб юбориб, Каъба нозирлигини ҳам, шаҳар ҳокимлигини ҳам ўз қўлига олди ҳамда уни қайта қурдирди.

Макка бунёдкори вафотидан кейин, ўғли Абдуманоф отасининг ўрнини эгаллади. Абдуманофнинг ўғилларидан Абдушамс билан Ҳошим эгизак эдилар. Абдушамс авлодларидан умавийлар, Ҳошимдан эса хошимийлар вужудга келди.

Абдуманоф ўлимидан олдин Каъба муҳофизлигини ўғли Ҳошимга топширди.

Ҳошимдан кейин Каъба муҳофизлиги унинг ўғли Абдулмутталибга ўтди.

Расулulloҳ боболари Абдулмутталиб Макка ҳокими ва Каъба муҳофизи бўлиб турган кезларда туғилганлар. Қурайшийлар бошқа қабилаларга қараганда имтиёзларини сақлаб қолган бўлиб, солиқ тўламас, қолган барча қабилаларга ҳам ҳоким эди.

Пайғамбаримизнинг туғилган ва вафот этган йиллари, ойи, куни хусусидаги масала

уламо ва тарихчилар ўртасида ҳозиргача мунозараларга сабаб бўлиб келади. Чунки қамарий йил, ҳижрий йил, милодий йил ҳисоблари бир-бирига ўгирилганда, албатта, фарқ бўлади. Шунинг учун бу саналар турли адабиётларда ҳар хил берилган. Чунончи, Шайх Зоҳидхон Қодир Отахон ўғлининг «Пайғамбарлар қиссаси» (Тошкент, 1993) китобида кўрсатилишича, пайғамбаримиз Фил воқеаси йилининг 9 ёки 12-сида рабиъ ул-аввал ойида, душанба куни, милодий йил ҳисоби бўйича 571- йил 20- апрелда туғилганлар. Вафотлари — ҳижрий 11- йил, рабиъ ул-аввал ойининг 12-си, душанба куни, милодий йил ҳисоби бўйича 632- йил 11- июл. Ризоуддин бин Фаҳриддиннинг «Муҳаммад пайғамбар тарихи» (Тошкент, 1993) китобида кўрсатилишича, Расулulloҳ Фил йили, рабиъ ул-аввал ойининг 9-ида, душанба куни тонгда, милодий йил ҳисоби бўйича 571- йил, фаранги ҳисоб билан 20, румий-русий ҳисоб бўйича 17- апрелда туғилганлар. Вафотлари — рабиъ ул-аввал ойининг 12-сида, душанба куни, милодий 632- йил, фаранги ҳисоб билан 7, румий-русий ҳисоб бўйича 5- июнда. Закои Кунрапанинг «Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара» (Тошкент, 1995) китоби бўйича, таваллудлари Фил йили рабиъ ул-аввал ойининг 1-душанбаси тонгида, милодий йил ҳисоби бўйича 571- йил 13- апрелда содир бўлган. Вафотлари — рабиъ ул-аввалнинг биринчи душанба куни, қуёш заволдан ўтиб, ботишидан аввал содир бўлган. Муҳаммад Хузарийнинг «Нур ул-яқин» китобида (Тошкент, «Чулпон-Камалак» нашриёти, 1992) эса, пайғамбаримиз Фил воқеасининг 1-йили, ҳижрий йилнинг 3-ойи — рабиъ ул-аввал ойининг 12-куни, душанба тонгида, милодий йил ҳисоби бўйича 571- йил 21- апрелда туғилганлар. Вафотлари — ҳижрий сананинг 11- йили, рабиъ ул-аввал ойининг 13-си, душанба куни, милодий йил бўйича 632- йил 8- июн.

Шундай мунозаралар, ихтилофларга яқун ясаган ҳолда, Ислом дунёси пайғамбаримиз туғилган кунлари сифатида рабиъ ул-аввал ойининг 12-сини қабул қилган, ҳамда туғилган кунлари — мавлуди шарифни шу ойда, рабиъ ул-аввал, яъни апрел ойида ўтказишга қарор қилган.

Исломда «муқаддас хотира», «муқаддас кун» каби тушунчалар йўқ. Муқаддаслик фақат **Аллоҳ таоло**гагина хос. Бирор кун, бирор одам ёки бирор хотирани муқаддаслаштириш бутга сифинишнинг бир кўринишидир. Ислом, мусулмонлик эса бутпарастликнинг азалий ва қатъий душманидир.

Мусулмонларга ҳар йили туғилган кунни нишонлаш одати бизга насронийлардан янги удум сифатида кириб келган.

Камина эса, пайғамбаримизнинг туғилган ва вафот этган йил, ой, кунларини милодий йил ҳисоби билан — 571- йил 21- апрел — 632- йил 8- июн деб Муҳаммад Хузарийнинг «Нур ул-яқин» китобидан олдим, чунки бу китоб Ислом олий билим юртларида махсус дарслик сифатида қўлланилади ҳамда Ислом дини тарихини ўрганишда энг мўътабар манбалардан бири сифатида эътироф этилади.

Пайғамбаримизнинг дунёга келишларини Йисо алайҳиссалом ўз даврларида башорат қилганлар. Йисо алайҳиссалом ўз қавмига Форқилит (Инжилда — «Параклит») деган исм зикр этилиши ҳақида хабар беради. Форқилитнинг маъноси Муҳаммад билан Аҳмадга яқин. Буни **Қуръони карим**нинг 61 «Саф» сураси, 6-оятини ҳам тасдиқлайди: **«Эсланг, Йисо ибн Марям: «Эй Исроил авлоди, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар бергувчиман», — деган эди».**

Йисо Масих Форқилитни пайғамбаримизга мос келадиган сифатлар билан таърифлаган: «Форқилит инсонларни фақат қилган хатолари учун айблайди, уларга бор ҳақиқатни ўргатади, чунки у ўз майлича эмас, **Аллоҳдан** эшитганларини баён этади». **Қуръон**да ҳам «Ваннажм» сурасининг 3—7-оятларида Муҳаммад ўз майлича эмас, балки **Аллоҳдан** келган ваҳйларни айтади, дейилади, яъни: **«(Қуръонни) ўз ҳавоси (хоҳиши) билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан) нозил қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳдир. Унга (тиловатни) шиддатли қувватга эга бўлмиш зот (Жаброил) таълим бермишдир».**

Инжилнинг узоқ вақт жаҳолат тўзонига кўмилиб, яқиндагина топилган Барнабо (арабчага таржима қилиниб, Мисрда нашр этилган) нусхасида Расулulloҳнинг исми очик зикр этилган. Уша пайтларда насороларнинг дили ҳасад ва адолатсизликка тўлган олий руҳонийлари Инжилнинг бу нусхасини беркитганлар.

Пайғамбаримизнинг туғилишлари

Пайғамбаримизнинг боболари — Макка ҳокими ва Каъба муҳофизи Абдулмутталибнинг 10 та ўғли бўлиб, улар: Ҳорис, Абу Толиб, Зубайр, Абдул Каъба, Ғайдоқ, Зиррор, Абу Лаҳаб, Абдуллоҳ, Ҳамза, Аббослардир. Булардан Пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ ва Абу Толиб, Зубайр, Абдул Каъба бир онадан, бошқалари бошқа онадан.

Абдулмутталибнинг энг суюкли фарзанди Абдуллоҳ 18 ёшга етганида, отаси унга 14 ёшли араб қизи Оминани завжаликка олиб бердилар.

Абдуллоҳ ҳазрат пайғамбар туғилмасларидан 2 ой бурун Шом (Сурия) сафаридан Маккага қайтаётганда, Ҳижоз шаҳарларидан бири бўлмиш Ясриб (Мадина)да касалланиб, ўша жойда вафот этдилар.

Пайғамбаримизга оталаридан 5 туя, бир сурув қўй, Умми Айман исмли ҳабаш жория ва туғилган уйлари мерос бўлиб қолди.

Пайғамбаримиз ота-онасининг ягона фарзанди бўлиб, уларнинг ака-ука, опа-сингиллари бўлмаган.

Пайғамбаримизнинг оналари дард тутмасдан, заҳмат чекмасдан, беозор туғдилар. Бола суннат қилинган, киндиклари кесилган ҳолда туғилди. Орқаларида, икки кифтларининг ўртасида, кабутарнинг тухумидек бир аломатлари — холлари бўлиб, бу муборак аломат «муҳри нубувват» (пайғамбарлик муҳри) деб аталади.

Боболари Абдулмутталиб пайғамбаримиз туғилганларидан 7 кун кейин халққа катта зиёфат — ақиқа қилиб бердилар ва невараларига Муҳаммад деб, оналари Омина эса — Аҳмад деб исм қўйдилар.

Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам ўзлари ҳақида: *«Дарҳақиқат, менинг бир неча исмим бор: мен — Муҳаммадман, мен — Аҳмадман, мен Моҳийман, яъни мен бирлан Аллоҳ таоло куфрни маҳв қилур. Мен — Ҳоширман, яъни маҳшар кунни юриб одамларни йиғурман. Мен — Оқибман, яъни ўзимдан олдин ўтганларнинг яхшилигини давом эттиргувчиман»*, деб айтганлар (Имом ал-Бухорий. «Ҳадис». 3-жилд, 334-бет).

Расулulloҳ туғилган вақтларида бир қанча ғайриоддий ишлар рўй берди. Каъбадаги бут-санамлар йиқилди, Эрон шоҳи Хусравнинг саройи тебраниб, бутлар йиқилиб ерга тушиб синди. Оташпарастларнинг минг йилдан бери ёниб турган ўтлари ўчди, Сова кўли тошиб, ўша мамлакатда сув тошқини бўлди. Пайғамбаримиз Эронда 48 йил ҳукмдорлик қилган, жаҳонда одиллик тимсолига айланган сосонийлар шоҳи Хусрав I, яъни Ануширвони одил замонида туғилганман, деб фахрланиб гапириб юрардилар.

Бу аломатлар Ислом динининг келишидан ер юзидаги гумроҳ халқларни огоҳ қилмоқ учун Ҳақ таоло юборган муждалар эди аслида.

Муҳаммад алайҳиссалом туғилишларидан 45 кун олдин Яманнинг ҳабаш ҳукмдори Абраҳа катта кўшин билан Маккага ҳужум қилади. Абраҳа Каъбани бузиб ташламоқчи бўлади. Кўшинида филлар ҳам бор эди. Ўшангача араблар филларни сира кўришмаганди. Шунинг учун улар филлардан кўркиб, жангга киришга ботинолмай, Каъба олдига келиб ғуж бўлиб олишди. Шунда ҳеч қутилмаган ҳодиса юз берди. Филлар Каъба тарафга юрмасдан тўхтаб қолдилар, уларни қистаб, ҳайдаб Каъба тарафга ҳеч юргизиб бўлмади. Орқага ёки бошқа тарафга ҳайдасалар югуриб кетардилар. Ана шу воқеа араблар тарихида «Фил воқеаси йили» деб аталади ва бир қанча вақт тарих боши ва йил ҳисобини арабларда шу воқеадан бошлаш қабул қилинган. *Қуръон*нинг «Фил» сурасида ҳам бу воқеа зикр этилган.

Жанг бошланиб, Абраҳа кўшини ҳужумга ўтганда, тўсатдан осмонда ғалати қушлар пайдо бўлиб, душман лашкари устига тумшуклари ва чангалларидан тош ёғдира бошлай-

ди. Тошлар кўшин устига тушаркан, ут олар, тупроқ ҳам, ҳаво ҳам даҳшатли аланга ичида қолган эди. Абраҳанинг ўзи ҳам, кўшини ҳам қирилиб, барчалари ҳалок бўладилар. Ана шу воқеадан 45 кун ўтгач, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келдилар.

Пайғамбаримиз туғилаётганларида кейинчалик сафдошлари бўлган Абдурахмон ибн Авфнинг онаси Шаффо доялик қилди.

Тангри таолонинг амри билан, барча буюк пайғамбарларнинг энг олий сифатлари, яъни — *Одам Атонинг яхши хулқ-атвори, Шиснинг илму дониши, Нуҳнинг жасорати, Иброҳимнинг шафқати, Исмоилнинг фасоҳати, Исҳоқнинг камтарлиги, Лутнинг фаросати, Яъқубнинг топқирлиги ва эпчиллиги, Юсуфнинг ҳусн-жамоли, Мусонинг салобати ва сабот-матонати, Юнуснинг ҳалимлиги, Ишаъйёнинг устуворлиги, Довуднинг хайрихоҳлиги, Дониёлнинг меҳри ва қалби, Илёснинг олижаноблиги, Яҳёнинг мусаффолиги, Ийсонинг тақводорлиги бу буюк зотда мужассам бўлган.*

Болани оналари Омина 7 кун эмиздилар. Сутлари етмаганидан бир қанча вақт Расулulloҳнинг амакилари Абу Лаҳабнинг озод этилган чўриси Сувайба эмизиб юрди. Сувайба Расули Акрамнинг бошқа бир амакилари Ҳамзани ҳам эмизгани учун, Ҳамза Расулulloҳ билан кукалдош биродар бўлди.

Сувайбадан кейин пайғамбаримизнинг боболари Абдулмутталибнинг хизматкори Марваҳа, ундан кейин оталарининг чўриси Умму Айман эмизди. Аммо у зотга энг кўп сут берган Ҳалима бўлди.

Арабларнинг ўша пайтдаги одатларига кўра, ўзига тўқ оилалар янги туғилган чақалоқнинг соғлом ўсиши, ақлли-заковатли бўлиши учун, уни шаҳар ташқарисида яшайдиган эмизадиган аёлларга — сут онага бериб, тарбия қилишарди.

Ана шу одатга кўра, пайғамбаримизни шаҳар чеккасидаги баҳаво водийда яшайдиган, Ҳорис номли кишининг хотини Саъд ибн Бакр қабиласидан бўлган Ҳалима деган аёл тарбиясига бердилар.

Муҳаммад алайҳиссалом бу аёл тарбиясида 4 йил, яъни 5 ёшга етгунча бўлдилар.

Пайғамбар алайҳиссалом Ҳалиманинг тарбиясида юрган кезларида, инсон ақлига сифмайидиган ғоят сирли ҳодиса юз берди. Кунлардан бир куни, пайғамбаримиз 4 яшарлик чоғларида, бадавий араб болалари билан яйловда қўй, эчки, қўзиларни боқиб юрганларида, икки фаришта келиб, Муҳаммадни ерга ётқизиб, кўкраklarини ёриб, юракларидаги қора нуқта — аммора — шайтон васвасасини олиб ташлаб, юракларини нурга тўлдириб кетишади. Шу кундан эътиборан пайғамбар алайҳиссалом инсонни йўлдан оздирувчи шайтоний ҳою ҳаваслардан халос бўладилар.

Ҳалима хотун Муҳаммад алайҳиссаломнинг оналари Оминага сўзлаб беришича, бу воқеа шундай содир бўлган. Бир куни Муҳаммад бошқа болалар билан қўй-қўзиларни боқиб юрганида, яйловдан Ҳалиманинг Муҳаммаддан сал каттароқ ўғли ҳовлиқиб, йиғлаган ҳолда югуриб келиб, эмикдош укаси Муҳаммадни оқ кийим кийган икки одам ушлаб олганларини ва уни ерга ётқизишиб, кўксини ёришаётганларини айтади.

Ҳалима эри Ҳорис билан дод-фарёд кутариб, чопиб яйловга борадилар. Борсалар, Муҳаммаднинг ранги ўчган, вужуди ўзгарган, титраган ҳолда турибди. Дарров кучоқларига олишиб, бағирларига босишиб, ундан нима бўлганини сўрайдилар. У оқ кийимли икки киши келганини, бири уни кўрсатиб, иккинчисидан: «Шуми?», деб сўраганини, у бош ирғаб тасдиқлаганини, кейин икковлашиб уни ерга ётқизганларини, кўкрагини ёриб, қора қонини оқизиб, титкилай-титкилай бир нимани олиб ташлаганларини, лекин нимани олиб ташлаганларини билмаслигини, кейин бир жом сув билан юрагини ювиб, чайқаганларини, кейин улар: «Мана, сендаги шайтон насибаси кетди, энди сенга шайтон ва жинлар йўл топаолмайдилар» деб, яна қайтадан кўксини тикиб қўйишиб, ғойиб бўлганларини сўзлаб беради.

Унинг кўксида ҳақиқатан ҳам ёрилган нишонаси яққол кўриниб турарди.

Бу воқеадан кейин Ҳалима кўрқиб кетиб, пайғамбаримизни оналари Оминага олиб келиб топширади. 4 ёшдан 6 ёшларигача пайғамбаримиз оналари тарбияларида бўладилар.

Шундан кейин Омина эрининг қабрини зиёрат қилиб, Абдуллоҳнинг тоғаларини йўқлаб

келиш учун, ўгли Муҳаммад ва хизматкори Умми Айман билан бирга Ясрибга (Мадинага) борадилар. Қайтишда Макка ва Мадина шаҳарлари орлигидаги Абво деган қишлоққа етиб келганларида, Омина бетоб бўлиб қолиб, шу жойда ажали етиб, эндигина 6 ёшга кирган фарзандини чўрилари Умми Айманга топшириб вафот этадилар. Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом хизматкорлари Умми Айман билан Маккага қайтиб келадилар. Энди пайғамбаримиз ҳам отадан, ҳам онадан ажралиб, ҳақиқий етим бўлиб қолган эдилар.

Шундан кейин Муҳаммад алайҳиссалом боболари Абдулмутталибнинг қўлларида ва тарбияларида ўсиб, 8 ёшга етдилар. Бу вақтда Абдулмутталиб 100 ёшдан ошиб, кейинги вақтларда кўр бўлиб қолган эди.

«*Ҳар бир туғилган киши — ғлимдир охирги иши*», деганларидек, Абдулмутталиб ҳам ёш набираси Муҳаммадни ўгли Абу Толибга топшириб, ёруғ дунё билан видолашдилар.

Абдулмутталибнинг бир неча хотинларидан 10 ўгли ва 6 нафар қизлари бўлган. Уларнинг ичида пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ билан Абу Толиб бир онадан, туғишган ака-ука эдилар. Абдулмутталиб ўзининг невараси Муҳаммадни Абу Толибга топширишига сабаб ҳам ана шу яқинликдир. Абдулмутталиб вафотидан кейин, унинг васияти бўйича, етимни Абу Толиб ўз бағрига олди ва тарбиялаб вояга етказди, кўп меҳрибонликлар қилиб, уни доим ўз химоясида тутди.

Муҳаммад алайҳиссалом ёшликларида икки марта Шомга ва бир марта Яманга карвон билан тижорат ишлари юзасидан сафарга чиққанлар. Яманга 17 ёшдалик пайтларида амакилари Зубайр ва Аббос ҳамроҳлигида сафар қилганлар. Сурия сафарининг биринчисида пайғамбар алайҳиссалом 12 ёшда, иккинчисида эса 25 ёшда эдилар.

Илк бор амакилари Абу Толиб билан 12 ёшларида тижорат мақсадида Сурияга сафар қилдилар. Карвон Сурияга етмасдан, Басра деган кичик шаҳарчада тўхтади. Басрада насоро динидаги Бухайро лақабли, Жиржис (Георгий) исмли бир роҳибга дуч келдилар. Бухайро кўрдикки, карвон билан бирга осмонда уларга соя ташлаб бир булут ҳам келяпти. Карвон бир дарахт остида дам олиш учун тўхтаганида, булут ҳам улар устида тўхтаб, соя ташлаб турибди. Узоқ вақт куриб ётган дарахт ўша захоти жонланиб, яшил тус ола бошлади.

Роҳиб Бухайро яҳудийларнинг муқаддас китоблари — Таврот, Инжилда зикр этилган араблар орасидан чиқадиган пайғамбарнинг яқин орада келишини билар эди. Шунинг учун содир бўлган бу аломатларни кўриб, карвондагилардан пайғамбар ҳақида сўраб-суриштирди. Муҳаммад алайҳиссалом билан савол-жавоб қилди. Бир баҳона билан ҳазратнинг орқаларини очиб, икки елкалари орасидаги кабутар тухумидек келадиган холни — пайғамбарлик белгисини кўрди, камоли одоб билан ўпди ва деди: «*Эй Абу Толиб! Бу бола пайғамбарларнинг охиргисидир. Шом яҳудийлари орасида унинг сифат ва аломатларини биладиган коҳинлар — сеҳр-жоду ишлари билан ҳам шуғуллана оладиган, инс-жинслар билан муомала қилиб, гаплаша оладиган руҳонийлар бор. Улар араблар орасидан чиқадиган пайғамбарни кутишяпти. Суиқасд уюштириб, болани нобуд қилишлари мумкин. Сен уни зинҳор Шомга олиб борма, бу ердан тезроқ кет*».

Абу Толиб молларини шу ерда сотиб катта даромад қилди ва дарҳол орқага қайтди.

Ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом бу ерга иккинчи марта 25 ёшларида дўстлари Абу Бакр Сиддиқ ва бўлғуси хотинлари Хадичаи Кубронинг (аслида арабча «Хадича», лекин асрлар давомида бу исм форс тилидан туркий тилга «Хадича» тарзида ўтган) хизматкори Майсара билан тижорат мақсадида келдилар. Бу гал ҳам олдинги хол рўй берди. Аммо энди роҳиб Бухайро (Жиржис) аллақачон оламдан ўтган, унинг ўрнига Настуро деган насоро роҳиби коҳин бўлган эди. У ҳам тарих, Таврот, Инжил китобларидан пайғамбаримиз сифатларини ўқиб билган ва охир замон пайғамбарининг жамолини кўриш насиб этармикан, деб умид қилиб юрган эди.

Карвон билан келган Муҳаммад алайҳиссаломни кўргач, у зот билан суҳбатлашди ва у ҳам, Шом шаҳрига кирмасликни, у ерда яҳудий душманлар у кишига зиён-захмат етказиб қўйишлари мумкинлиги ҳақида Майсарани огоҳлантирди.

Улар шу ернинг ўзида тижорат ишларини ниҳоясига етказиб, катта даромад кўришиб орқага қайтиб кетдилар.

Хадича Муҳаммад билан қилган бу шерикчилик тижорат ишларидан катта даромад кўрди, хизматкори Майсарадан бўлиб ўтган воқеаларни эшитди, Расули акрамнинг юксак комил ахлоқ соҳиби, муомалада ўта тўғри, ҳассослик фазилатларини билди. Уни одамлар бекорга Муҳаммад Амин (ишончли) дейишмаслигини, ҳалоллиги туфайли ҳамиша омади чопишини кўрган Хадича, инсонлар сарвари бўлган у зоти муборакни чин дилдан севиб қолди.

Орага Нафиса бинти Муния деган хотинни воситачиликка қўйди. Муҳаммад алайҳиссалом амакилари Абу Толиб билан маслаҳатлашиб, у кишининг қўллаб-қувватлашлари натижасида улар турмуш қуришди. Никоҳ маросими Хадичанинг уйида бўлиб ўтди. Никоҳни Абу Толиб шахсан ўзи ўқиди. Никоҳ ўқиладиган вақтда Хадичанинг амакиваччаси Барака ибн Навфал ва Қурайш қабиласининг бошқа муътабар зотлари ҳозир бўлдилар. Никоҳлик маҳри сифатида Хадичага 500 олтин, баъзи маълумотларга қараганда 20 та туя ҳам берилган.

Пайғамбаримиз биринчи кўз очиб кўрганлари — Хадичага уйланганларида 25 ёшда, Хадича эса 40 ёшда, бой, чиройли, одобли ва ифбатли бўлган маккалик бир бева аёл бўлган.

Расули Акрам ҳазрат Хадича билан 25 йил бахтиёр ҳаёт кечирдилар. Пайғамбаримиз ундан жуда мамнун эдилар, устига бошқа бир хотин олмадилар, 50 ёшгача бир хотин билан кифояландилар.

Пайғамбаримизнинг Фотимадан ташқари барча фарзандлари ўзларидан олдин вафот этиб кетишган. Фақатгина Фотима Пайғамбаримиздан кейин яна 6 ой яшаб вафот этган.

Расулуллоҳнинг сулолаларини давом эттирган ҳам ҳазрати Фотима бўлдилар. Фотимадан тарқалган барча авлод — зурриётлар саййидлар, саййидалар (биз - ўзбекларда тўралар) деб номландилар.

Фотима пайғамбаримизнинг амакилари Абу Толибнинг ўғли, яъни жиянлари — ҳазрат Али билан турмуш қуришган.

Хулафои рошидинларнинг бешинчиси, яъни — Абу Бакр, Умар, Усмон, Алидан кейингиси ҳазрат Алининг ўғли имом Хасан эдилар.

Ҳазрат Усмон пайғамбаримизнинг қизларидан аввал — Руқияга, у вафот этгач, унинг синглиси Умму Қулсумга уйланганлар, шунинг учун у «Зуннурайн» — «икки нур эгаси» деб ном олган.

Китобимизнинг олдинги қисмида таъкидлаб ўтилганидек, **Тангри таоло** томонидан илоҳий ваҳй юборилган пайғамбарга «набий», илоҳий ваҳй билан бирга, илоҳий ҳукмларни умматига билдирган, етказган пайғамбарларга «расул» дейилади.

Расул билан Набий ўртасида қуйидагича фарқ бор:

«Расул» — китоб соҳиби, янги шариат соҳиби. «Набий» эса бундай эмас. Набий ўздан олдин келган Расулнинг шариатига халқни даъват этишга вазифалантирилган бўлади. Ҳамма расулларни «набий» деса бўлади, аммо ҳамма набийлар «расул» бўла олмайди. **Муҳаммад** алайҳиссалом ҳам набий, ҳам расулдирлар. Ҳазрати пайғамбаримизга 40 ёшларида набийлик, бироздан сўнг эса расуллик келган.

Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан 3 мил — 1 соатлик йўл масофасида жойлашган **Хиро** — Нур тоғига борар, у ердаги ғорда бир неча ой муроқабага (қалбан **Худога йўналмоқ**) кетар ва Иброҳим алайҳиссалом мақомларида яқка **Тангри таолога** ибодат қилиб утирар эдилар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламга биринчи бўлиб нозил бўлган нарса бу ростчин тушлар эди. У зотнинг кўрган тушлари жуда тиник, аниқ эди, воқеалар гўё тушда эмас, балки ўнгда содир бўладигандек бўлар эди. Бу ҳол у зотнинг пайғамбарликка тайёрлаш эди.

Нихоят, Муҳаммад алайҳиссаломга ҳақиқат зоҳир бўлди — оламларни яратган **Парвардигордан** ваҳй келди.

Расулуллоҳ Ҳиро тоғининг ғорида эканларида қошларига бир фаришта келиб: «**Иқроъ!**» (**Ўқингиз!**) деди. Расулуллоҳ: «**Ма ана биқорийн**» (Мен ўқиёлмайман) дедилар. Шунда фаришта ул зотни ушлаб, қучоқлаб қаттиқ қисди, кейин бўшатиб, яна: «**Иқроъ!**» деди.

Муҳаммад алайҳиссалом яна: «Ма ана бикорийн», дедилар. У учинчи бор яна шундай қаттиқ қисдики, ҳатто ул зотнинг суяклари қисирлаб кетиб, ҳолсизланиб қолдилар. Сўнг у яна Муҳаммад алайҳиссаломни бўшатиб: «Эй Муҳаммад, бутун мавжудотни яратган **Парвардигор** номи билан ўқингиз, **У** инсонни лахта қондан яратди. Ўқингиз, **Парвардигорингиз** инсониятга қалам билан ёзишни ўргатган зотдир. **У** зот, инсонларга унинг билмаганини ўргатди», деган мазмундаги оятларни ўқиди. Бизга маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг саводи умуман бўлмаган, ўқишни, ёзишни билмаганлар, ҳеч қаерда таҳсил олмаганлар. Расулуллоҳ бу ҳодисадан жуда кўриб кетиб, дағ-дағ титраган ҳолда уйларига қайтиб келганлар.

Шундан сўнг Хадича онамиз Муҳаммад алайҳиссаломни амакиларининг ўгли Варақа ибн Навфал ҳузурига олиб бордилар. Варақа насроний динида бўлиб, хат-саводли, Инжилни арабчага ўгириб ёзар эди. Воқеани тушунтириб бердилар. Варақа ибн Навфал, у — ҳазрати Жаброил алайҳиссалом эканлигини, Мусо алайҳиссаломга ҳам ваҳй келтирганлигини, Муҳаммад алайҳиссаломнинг Тавротда ва Инжилда башорат этилган охирзамон пайғамбари эканлигини тушунтириб, уларга бир қанча маслаҳатлар берди. Орадан кўп ўтмай, Варақа вафот этди. Жаноби Расулуллоҳга бир қанча вақт ваҳй келмай қўйди.

Шундай қилиб, исломий ҳидоятнинг бутун инсониятга қарата айтган илк хитоби «Ўқи!» амри бўлиб, илк нозил бўлган оятлар «Алак» сурасининг дастлабки беш ояти эди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, исломий олимларнинг тушунтиришларича, илоҳий ваҳйнинг ҳақиқати, моҳияти, пайғамбарлардан бошқа ҳеч кимга маълум эмас, ҳеч ким билолмайди. Бошқа бировга ваҳйни тушунтиришга уриниш, туғма кўрга ранглар ҳақида тушунтириш билан баробар. Қанча тушунтирманг, туғма кўр қайси ранг қанақа бўлишини ҳеч қачон била олмайди, тушуна олмайди.

Пайғамбарликнинг биринчи йилида дастлаб Ислом дини — мусулмонликни қабул қилганларнинг биринчиси Хадичаи Кубро, эркаклардан биринчиси Абу Бакр Сиддик, болалардан ҳазрат Али, озод бўлган қуллардан Зайд ибн Ҳорис бўлдилар. Расулуллоҳнинг илк умматлари ва ёрдамчилари ана шулар эдилар. Яқин орада улар қаторига Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Абдураҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Талҳа ибн Убайдуллоҳ кўшилдилар.

Уч йил давомида мусулмонлар бор йўғи 30 нафарга етди. Пайғамбаримиз вафот этганларида эса, яъни 23 йил мобайнида мусулмонлар сони 124 мингдан ортиб кетган эди.

Муҳаммад алайҳиссалом ва Ислом шу қадар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, чатишиб кетганки, уларни қаерда, қандай ажратиб ўрганиш кераклиги масаласи анча мушкулдир. Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида «Ислом дини ҳақида» деган фаслда баҳоли қудрат кенгрок ёритиб берилади. Шунинг учун ҳам энди пайғамбаримиз билан боғлиқ бўлган айрим маълумотларни келтириш билан кифояланамиз.

Сарвари коинот

Пайғамбаримиз, сарвари коинот, пайғамбари охирзамон Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам жаноблари ўрта бўйдан бироз баландроқ, йирик суякли, гавдали, бақувват, чайир, хушбичим, кўркам, чиройли инсон бўлганлар. Сочлари қулоқ юмшоғигача тушар эди. Терилари юмшоқ, ранглари оқ, сарғимтил-қизғишга мойил, киприклари қора ва узун, кўзлари қора ва каттароқ, қошлари ҳам қора ва қуюқ, эгилган, ингичка, икки қошларининг ораси очик, лекин бир-бирига яқинроқ, соқоллари қора, қалин ва бир тутам, бошлари каттароқ, пешоналари баланд, бурунлари қиррали ва текис, кўкраклари кенг, қоринлари билан кўкраклари бир текис, семиз ҳам, ориқ ҳам эмасдилар. Тигиз этли эдилар. Қадамлари ясси эмас, чуқур эди.

Кўзлари узоқ-узоқларни ҳам кўрар, қулоқлари ниҳоятда динг, оғизлари ўртачадан сал каттароқ, тишлари зич жойлашган, инжу каби порлар, ниҳоятда оқ эди. Юзларининг бутун чизиқлари кўринарли, елкалари этли, елка суяклари энли, орқаларида икки елкалари ўртасида узун мўйли «муҳри нубувват» бор эди. Бу катта хол каптар тухумидек ғудда

(без) шаклида бўлиб, қора холлар бир жойга йиғилиб, узун тукли бўлиб қолган эди. Доим ўзларидан хушбўй ҳид анқиб турарди. Таналарига кир юқмас, эгни-бошлари кирламас эди.

Хуллас, гўзал юзли, гўзал вужудли эдилар. Пайғамбарларда ўттиз йигитнинг кучи бўлади деганларидек, у зот жисмонан ниҳоятда кучли, бақувват ва соғлом инсон эдилар.

Муборак юзларидан гўё нур таралиб турар эди. Вафотларида эндигина соч-соқоллари-га оқ тушабошлаган эди.

Олдиндаги нарсаларни қандай кўрсалар, орқадаги нарсани ҳам шундай кўрар эдилар. Кўришда олди-орқалари баробар эди. Йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврларида Жаброил алайҳиссалом билан 24 минг марта кўришганлар. Аммо ўз суратида икки маротаба кўринган. Илгариги пайғамбарларнинг ҳеч қайсиларига Жаброил алайҳиссалом 3 минг маротабадан ортиқ келмаган экан.

Пайғамбаримизнинг товушлари жуда ўткир, узоқ-узоқларга етар эди.

Жаноби Ҳақ пайғамбаримизни, жисмлари каби, ниҳоятда гўзал ахлоқли, фазилатли қилиб яратган эди.

Ўртоқлари, дўстлари, саҳобаларига чексиз ҳурмат-эҳтиромли бўлиб, уларни ўз исмлари билан ҳурмат билан чақирар ва мурожаат этардилар. Уларнинг даврасида ўтирарканлар, сира жой танламас, қаер бўш бўлса ўша ерга ўтириб олардилар. Ҳеч кимга оёқларини узатиб ўтирмас эдилар.

Шу қадар дона-дона, қатъий, кескин қилиб гапирардиларки, эшитаётганлар у кишининг сўзларини бемалол ёдлай оларди.

Фойдасиз сўзларни сўзламас, ўзлари ҳақида баландпарвоз сўзларни ишлатмас, бунга бошқаларга ҳам йўл қўймас, камтарин инсон эдилар. Аммо салобатли, виқорли бўлиб, айрим жиҳатлари айниқса ҳайбатликлари Мусо алайҳиссаломга ўхшаб кетар эди.

Кўпол эмасдилар, очиқ чехрали, кулар юзли, ширин сўзли бўлганлар. Бутун ҳаракатларида ва ишларида ўртачиликни танлаб олган эдилар.

Бирор жойга борар бўлсалар, ун-сўлга бурилмасдан доим тўғри йўлдан борганлар, юрганларида, у зот билан бирга юришга тўғри келганда, у кишига етиб юриш учун ҳатто югуришга тўғри келар эди.

Учраган ҳар кимга Расули акрам биринчи бўлиб салом берар, кўришганда доим қўлларини биринчи бўлиб узатар ва қўлларини биринчи бўлиб тортиб олмас, кулоқларига пичирлаганларнинг сўзи тамом бўлмасдан юзларини қайирмас эдилар.

Бир томонга бурилмоқчи бўлсалар вужудлари билан бурилар эдилар.

Керагидан ортиқча гапирмасдилар, ўзларига алоқадор бўлмаган ишларга аралашмасдилар, бошқаларнинг сирларини билишга ҳаракат ҳам қилмас эдилар, ғийбатни жуда ёмон кўрардилар.

Расулуллоҳнинг энг ёмон кўрганларидан бири ёлғон эди, ёлғончилардан ниҳоятда нафратланардилар. Гапирётган одамни диққат билан эшитар, ҳеч кимнинг гапини бўлмас эдилар. У кишининг сўзларини одамлар бошларини эгиб, жон-кулоқлари билан тинглар эдилар.

Шарақлатиб кулмас, бошқалар хандон ташлаб кулганларида, Расули акрам фақат табассум қилиб, жилмайиб қўяр эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳақида **Аллоҳ таоло** қуйидаги ояти карималарни нозил қилган:

«(Эй Муҳаммад), шундай қилиб, Сизни (кўпдан-кўп) умматлардан кейин келган бир умматга — улар Мехрибон (Аллоҳ)ни инкор қилиб турган ҳолларида — (Биз) Сизга ваҳй қилган нарсаларни тиловат қилиб беришингиз учун пайғамбар қилиб юбордик. Айтинг: «У менинг Раббимдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унгагина таваккул қилдим ва тавбам Унгагинадир.» (13- «Раъд» сураси, 30-оят).

«Оламлар (инсонлар ва жинлар)га огоҳлантиргувчи бўлиши учун Ўз бандаси (Муҳаммад)га Фурқон (Қуръон)ни нозил этган Зот баракотли (буюк)дир». (25- «Фурқон» сураси, 1-оят).

«Айтинг: «Раббим мени Тўғри йўлга, рост динга, (ҳақ йўлда) барқарор Ибро-

химнинг динига йўллади. У мушриклардан эмас эди». (6- «Анъом» сураси, 161-оят).

«Бас, (эй Муҳаммад), эслатинг! Зотан, Сиз фақат эслатгувчидирсиз. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз. Илло, кимки (бу эслатмадан) юз ўгириб, кофир бўлса, у ҳолда Аллоҳ уни энг оғир азоб билан азоблар. Зеро, қайтишлари ёлғиз Ўзимизгадир! Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш ҳам фақат Бизнинг зиммамиздадир!» (88- «Ғошия» сураси, 21—26-оятлар).

«Сизга ваҳй этилган нарсага эргашинг ва то Аллоҳ ҳукм қилгунича сабр қилинг! Албатта, У ҳукм қилгувчиларнинг яхшисидир». (10- «Юнус» сураси, 109-оят).

«(Бир қатор) пайғамбарлар ҳақида қиссаларни Сизга илгари айтдик. (Айрим) пайғамбарлар қиссаларини эса айтганимиз йўқ. Аллоҳ Мусо билан (бево-сита) гаплашди». (4- «Нисо» сураси, 164-оят).

«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фаришталари Пайғамбарга салавот айтурлар. Эй мўминлар, (сизлар ҳам) унга салавот ва салом айтингизлар!» (33- «Аҳзоб» сураси, 56-оят).

Видоъ хутбасидан

Пайғамбаримиз ҳижратнинг 10-йили зулҳижжа ойида (ҳаж мавсуми), яъни милодий 632- йил март ойида исломий ҳаж фарзини адо этганлар. Бу ҳаж Расули акрамнинг илк ва сўнги ҳажлари бўлди.

Жаноби пайғамбаримиз аввал Каъбани кўп зиёрат қилганлар, аммо у зиёратлари «исломий ҳаж» фарз бўлмасдан олдин, ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг ханиф динига (яккахудоликка) кўра бажарилганди. Исломий ҳаж, юқорида айтиб ўтганимиздек, 631-йили фарз қилинган.

Пайғамбаримиз 632- йил 8- март куни Маккада йиғилган 124 мингдан ортиқ хожи олдида Арофот водийсида, Қусво деган туялари устида Ислом зухурининг сўнги энг буюк хутбасини ўқидилар:

Аллоҳ таолога ҳамду сано айтамиз. Унга қайтамиз, нафсларимизнинг ёмонликларидан ва ёмон амалларимиздан Унинг паноҳига қочамиз.

Аллоҳ ҳидоятга бошлаган кишини ҳеч ким йўлдан чиқара олмайди. Аллоҳ адаштирган бандасини эса ҳеч кимса тўғри йўлга сола олмас.

Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа Тангри йўқдир. У Бирдир, тенги ва шериги йўқдир. Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг қули ва элчисидир. Эй Аллоҳнинг қуллари! Аллоҳдан қўрқинишнингизни, Унга итоат этишингизни васият қиламан.

Эй инсонлар! Сўзларимни диққат билан эшитингиз. Билмайман, балки бундан кейин сиз билан бу ерда яна бир бор бирга бўлолмасман.

Асҳобим! Эски жоҳилият давридан қолган ҳамма қон даъволари батамом бекор қилинди.

Асҳобим! Жоҳилият даврининг ҳар турли рибоси — фоиз, судхўрлик бекор қилинди. Аллоҳнинг ажри билан бундан кейин фоизхўрлик тақиқлангандир.

Асҳобим! Кимда бировнинг бир омонати бўлса, уни эгасига қайтариб берсин. Ҳадяларга ҳадя билан жавоб берилур. Бошқаларга кафил бўлганлар кафолатнинг масъулиятини устига олган ҳисобланади.

Эй инсонлар! Хотинларнинг ҳақларига риоят этингиз. Улар билан меҳр-шафқат билан муомалада бўлингиз. Уларнинг ҳақлари хусусида Аллоҳдан қўрқингиз. Хотинларингиз сизга Тангрининг омонатидир. Уларни Аллоҳ номига сўз бериб олдингиз, улар амри илоҳий ила сизга ҳалол бўлди.

Сизнинг хотинлар устида ҳақларингиз бўлгани каби, хотинларнинг ҳам сизда ҳақлари бордир.

Сизнинг хотинлардаги ҳақларингиз — хотинларнинг, оила шарафини сиз ёқтирмайдиган ҳеч бир кимсага оёқости қилдирмасликларида. Хотинларингизнинг ҳар турли ейиш ва кийим эҳтиёжларини таъминлашингиз эса уларнинг сизнинг устингиздаги ҳақларидир. Улар сизнинг ҳақларингизга риоят этмоқлари керак. Сиз ҳам уларга назокат билан муомала этишингиз лозим.

Бирор хотин эрининг рухсатисиз унинг молидан бирор нарсани бировга бериши ҳалол эмас.

Эй мўминлар! Раббингиз бирдир. Отангиз-онангиз бирдир. Барчангиз одамдансиз. Одам эса тупроқдандир.

Ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир. Шараф ва устунлик — фақат фазилат ва тақво биландир. Шунини яхши билинги, ҳар бир мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Бутун мусулмонлар бир-бирларининг биродаридирлар. Айни — тенг ҳақларга эгадирлар. Ҳақсизлик қилманг! Ҳақсизликка бўйин ҳам эгманг! Одамларнинг ҳақларини еманг!

Асҳобим! Нафсларингизга ҳам зулм қилманг! Нафсларингизнинг ҳам сизларда ҳақлари бор.

Эй инсонлар! Аллоҳ ҳар кимга тушган ҳақ соҳибининг мерос ҳаққини Қуръонда билдирган. Бинобарин, меросчилар учун васиятнинг кераги йўқ.

Эй инсонлар! Ҳар бир жиноятчи ўз айбига фақат ўзи жавобгардир. Ҳеч бир жиноятчининг гуноҳи учун авлоди жазо тортмайди. Ҳеч бир фарзанднинг гуноҳига отаси ҳам масъул бўлмас.

Эй инсонлар! Фақат Аллоҳгагина ибодат қилинг! Беш вақт намозингизни адо этинг, Раббингизнинг жаннатига кирасиз.

Эй инсонлар! Дин ишларида ҳаддан ошишликдан сақланинглар! Сиздан аввалги умматларнинг заволига дин ишларида ҳаддан ошганликлари сабаб бўлди.

Хутбаларининг охирларида хаяжонланган Расули акрам энг баланд овозда:

— Эй инсонлар! Эрта мен ҳақимда сиздан сўрашади. Нима дейсиз? Рисолатимни адо эта олдимми? Илоҳий вазифамни бажара олдимми?! — деб сўрадилар.

Бутун асҳоб бир овоздан:

— Ҳа, қасамки, Аллоҳнинг рисолатини адо этдингиз. Вазифангизни бажардингиз. Бизга васият ва насиҳат ҳам қилдингиз. Айнан гувоҳлик келтирамиз! — дедилар.

Ўшанда Расули акрам шаҳодат бармоқларини юқорига кўтардилар. Уч марта:

— Шоҳид бўл, ё Раббий! Шоҳид бўл, ё Раббий! Шоҳид бўл, ё Раббий! — дедилар ва сўзларини битирдилар.

Шундан кейин, туя устида турганларида, қуйидаги мазмунда 5-нчи «Моид» сурасининг 3-ояти нозил бўлди:

«...Бугунга келиб, энди кофирлар динингиз (мағлубияти)дан ноумид бўлдилар. Шунинг учун улардан кўркмангиз, Мендан кўркингиз!

Ана, энди бугун динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим...»

Бир кундан кейин, Қурбон ҳайитининг биринчи куни *Қуръони карим*нинг энг сўнги ояти келди:

«Ва барчангиз Аллоҳга қайтариладиган кундан кўркингиз».

Шу тарзда Ислом динининг асосий қонуни бўлган *Қуръон* оятлари тамомланди. Пайгамбаримиз, энг сўнг келган бу оятдан кейин атиги 18 кун яшадилар, холос.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотлари

Қуръони каримнинг охирги оятлари нозил бўлгач, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарликнинг ниҳоясига етганини, ҳамда шу сабабли умрлари ҳам охирлаб қолганини сездилар.

Пайғамбаримиз хижратнинг 11- йили, милодий 632- йил, сафар ойининг ун туққизинчисидан завжаи мухтарамаси Маймунанинг хонасида ҳумма (безгак) касалига чалинди. Беш кундан сўнг завжаи мухтарамаси ҳазрати Ойишанинг хонасига ўтдилар. Бу ерда яна саккиз кун хасталиклари давом этди, жами ун уч кундан сўнг, рабиъ ул-аввал ойининг биринчи куни, душанба, қуёш заволидан кейин, ботишидан олдин вафот этдилар. Бу кун милодий йил ҳисоби бўйича 8- июн кунига тўғри келади. Чоршанба куни эса яшаб турган жойларига яъни Ойиша онамизнинг ҳужрасига дафн қилинди.

Вафот этадиган кунлари, яъни 632- йил, 8- июн, душанба куни, қизлари Фотима ва хотинлари ҳазрати Ойиша Расулуллоҳнинг бош томонида турар, Фотима оталарининг изтиробларидан таъсирланиб ҳўнг-ҳўнг йиғлар эди. Расулуллоҳ унга қараб: *Қизим, қўзи-чоғим, отажонинг бугундан кейин ҳеч изтироб тортмайди,— деб қизларига тасалли бердилар. Тез-тез: Ла илаҳа иллаллоҳ! Ўлим шиддатларига Ўзинг сабр бер, ё Раббий! Ўлим қўрқувларига дош бермоғим учун ёрдам бер! — деб такрорлар ва яна: Аллоҳим мени афу эт! Мени рафиқи аълога (ўтган пайғамбарларга, солиҳ зотларга) етказгин! —* деб дуо қилар эдилар.

Бу дуоларни уч мартадан қайтарганларидан кейин, қўллари ерга тушди, кўзлари шифтга тикилганича қолди. Бу кун юқорида айтилганидек, хижрий 11- йил, рабиъ ул-аввал ойининг 1- куни, милодий **632- йилнинг 8- июн душанба куни** бўлган эди. Расули акрам бу кунда қамарий йил ҳисобида роппа-роса **63 ёшда**, шамсий йил ҳисобида **61 ёшда** эдилар.

Ҳазрати пайғамбаримизнинг вафотлари ҳақида бошқа манбаларда ёзилган яна баъзи бир тафсилотларни айтиб ўтамиз.

Расулуллоҳ ўлим тушагида ётганларида, саҳобаларига насихат қилдилар:

— *Менинг у дунёга кетишимни ўйлаб хавотирланаётган эмишсиз. Ҳеч бир пайғамбар уммати ичида абадул-абад қолганмидики, мен ҳам қолсам? Мен Ҳақ таолога етишаман ва бунга ҳаммангиздан зиёда лойиқман... Мен сизга шафқатли ва марҳаматлиман. Сизлар ҳам яна менга етишасиз. Учрашадиган жойимиз Ҳавзи Кавсар ёқасидир. Ҳар ким мен билан учрашишни истаса, қўлини ва тилини тийсин! Мен хабаримни олдим, Аллоҳ дийдорига етишяпман...*

Вафот этадиган кун, туш вақтига яқинлашганда: *«Ё Рабб! Ўлим шиддатига қарши менга энгиллик бер, жонимни ширинлик билан ол»*, — деб дуо қилганлар.

Бошлари ҳазрати Ойишанинг қучоғида бўлиб, ёнларидаги бир идишда сув бор эди. Ҳазрати Ойиша қўллари сувга ботирган ҳолда юзларига суртар ва бу билан оташ бўлиб ёнаётган иситмаларини тушираётгандек бўлар эдилар. Ёзнинг жазирама кунларидан бири, осмон беғубор, ҳар тараф сокин, яратиш кундаги сингари ҳар нарса, ҳаммаёқ жим-жит. Ҳазрати пайғамбар муборак бармоқлари билан юқорига ишора қилдилар ва ул зотнинг руҳлари абадий оламга кўчди.

Мамотинг ҳам, ҳаётинг каби тоза, тиниқ ва покдир, ё Расулуллоҳ!

Яна бир манбада акс эттирилишича, Расули акрам умрларининг уч куни қолганида, олдиларига ҳазрати Жаброил алайҳиссалом келиб:

— *Ё Муҳаммад, Аллоҳ таоло ҳурматингиз учун мени юборди. Ўзи кўриб, билиб турса-да: «Ҳоли қандай?» деб сўради. Ҳолингиз қандай? — деди.*

Пайғамбаримиз:

— *Қийинликда, ғам-андухдаман, — дедилар.*

Орадан уч кун ўтгач, душанба куни келиб:

— *Ё Муҳаммад, Азроил ҳам мен билан бирга келди. Киришга руҳсат сўраяпти. Илгари ҳеч кимдан сўраган эмас, бундан кейин ҳам сўрамайди, — дедилар.*

Расулуллоҳ киришга рухсат этдилар. Азроил Сарвари олам қошларига келиб:
— *Ё Муҳаммад, Аллоҳ таоло мени сизга юборди. Нима буюрсангиз шуни қилурмен.*
Агар жон олишга рухсат этсангиз олурмен, рухсат этмасангиз қайтурмен, — деди.
Расулуллоҳ дўстлари Жаброилга савол назари билан қарадилар. Жаброил алай-
ҳиссалом:

— *Ё Муҳаммад, Аллоҳ таоло сизга муштоқ, — деди.*

Аллоҳнинг ҳабиби, маҳбуби, Сарвари олам бу сўзни эшитиб:

— *Эй ҳазрати Азроил, ўз ишингизга киришинг, — дедилар ва аста пичирлаб: —*
Ла илаҳа иллаллоҳ! Ё қудратли Эгам, дийдорингга Ўзинг муяссар айла, Эгам!» —
деб жимиб қолдилар.

Пайғамбаримизнинг жони чиқиб бўлган эди. Одамлар чидаб туролмадилар, ўзларини ерга отиб, дод-фарёд кутардилар.

Учинчи — чоршанба куни, камтарин маросим ўтказилиб, Расулуллоҳ ўзлари севиб, севилган Мадина тупроғига дафн этилдилар.

Расулуллоҳни қаерга дафн қилиш масаласи мунозарага сабаб бўлган. Баъзилар Маккага, баъзилар эса пайғамбарлар мақоми бўлган Қуддусга дафн қилишни таклиф қилдилар. Шунда дўстлари ва сафдошлари ҳазрати Абу Бакр: «Пайғамбарлар вафот этган ерга дафн қилинадилар, буни мен Расулуллоҳнинг ўзларидан эшитганман», — деди.

Сўнгра ҳазрати Ойишанинг хонасига қабр қазилиб, чоршанба куни оқшомда дафн этилдилар. Жаноза намози якка-якка, гуруҳ-гуруҳ бўлган ҳолда ўқилди. Аввал эркаклар, сўнгра хотинлар, кейин болалар саф-саф бўлишиб, суюкли пайғамбарларига нисбатан диний вазифа ва бурчларини адо этдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламни ювиш ишларини ҳазрати Али бажарди, пайғамбаримизнинг амакилари Аббос ва унинг икки ўғли — Фазл ва Қусам, қулликдан озод қилиб, ўзларига ўғил қилиб олган Зайднинг ўғли Усома ва ансорий саҳобалардан Ҳавло ибн Авс ёрдам бериб турдилар (Қусам ибн Аббоснинг қабри Самарқанддаги Шохизинда мақбарасида).

Расулуллоҳни кафанлаб бўлганларидан сўнг, уй ичидаги сўрига ётқиздилар, одамлар кетма-кет кириб жаноза намозини ўқидилар, уларга ҳеч ким имом бўлгани йўқ, қабрни Абу Талха қазиди.

Расулуллоҳни лаҳадга Али, Аббос, Фазл ва Қусам қўйишди.

Шундай қилиб, ҳазрати пайғамбаримиз милодий 632- йил 10- июн чоршанба, яъни вафотларининг учинчи куни қабрга қўйилдилар.

*Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлгон Муҳаммад,
Ўттиз уч минг асҳобга раҳбар бўлгон Муҳаммад.*

*Аршу Курсидин ошқон, Ҳазратиға улашкон,
Тўқсон минг роз этушгон, ё Мустафо Муҳаммад.*

*Ё саййид-ал-мурсалин, ё хотам ан-набиййин,
Ё ҳодий-ал-музиллин, ё Мустафо Муҳаммад.*

*Сенсен ҳабиби Холиқ, Ҳақ даргоҳиға лойиқ,
Хулосаи халойиқ, ё Мустафо Муҳаммад.*

*Гарчи кўбтур гуноҳим, кечиргайсен, илоҳим,
Сенсен мени паноҳим, ё Мустафо Муҳаммад.*

(Аҳмад Яссавий)

Энди ҳаж учун Маккага келганлар унинг қабрини зиёрат қилиш учун Мадинага ҳам утишади.

Зиёратчилар яшил гумбаз остида, унинг қабрини ураган темир эшиклар олдида кўзларида нам, ҳурмат билан бош эгиб туришади.

Бу ерда ҳамиша ёқимли муаттар ҳидлар анқийди, дуою тиловатлар янграйди.

Зийратчилар ҳар гал: «Ассалому алайкум, ё Расулуллоҳ!», — дейишаркан, пайғамбаримизнинг руҳлари шодланиб:

— Ваалайкум ассалом! — деб жавоб қайтаради.

...насл-насаблари

Оталарининг исми — **Абдуллоҳ**, оналарининг исми — Омина. Абдуллоҳнинг отаси ва унинг аждодлари тартиб бўйича қуйидагилар:

Абдулмутталиб (онаси — Фотима ибн Умар ибн Ваҳб); **Ҳошим** (онаси — Салмо ибн Амр); **Абдуманоф** (онаси — Отика ибн Мурра); **Қусай** (онаси — Хубба ибн Хулайл); **Ҳаким-Килоб** (онаси — Фотима ибн Саъд); **Мурра** (онаси — Ҳинд ибн Сарир); **Каъб** (онаси — Ваҳшия ибн Шайбон); **Луай** (онаси — Мория ибн Каъб); **Ғолиб** (онаси — Салмо ибн Амр); **Фихр-Курайш** (онаси — Лайло ибн Саъд).

Ривоятларда Фихр Курайшнинг ўзи, курайшлар Фихрнинг авлоди дейилади. Курайш қабиласи 12 жамоадан иборат бўлган:

1) Абдуманоф жамоаси (Муҳаммад а.с. Курайиш қабиласининг ана шу Абдуманоф жамоасидан бўлганлар); 2) Абдуддор ибн **Қусай** жамоаси; 3) Асад ибн Абдулуззо ибн **Қусай** жамоаси; 4) Зухра ибн **Килоб** жамоаси; 5) Маҳзум ибн Яқиза ибн **Мурра** жамоаси; 6) Тайм ибн **Мурра** жамоаси; 7) Адий ибн **Каъб** жамоаси; 8) Саҳм ибн Ҳусайс ибн Амр ибн **Каъб** жамоаси; 9) Омир ибн **Луай** жамоаси; 10) Тайм ибн **Ғолиб** жамоаси; 11) Ҳорис ибн **Фихр** жамоаси; 12) Муҳариб ибн **Фихр** жамоаси.

Фихрдан юқоридагилари: **Молик** (онаси — Жандала ибн Ҳафс); **Надр** (онаси — Отика ибн Адвон); **Кинона** (онаси — Барра ибн Мурр ибн Од); **Ҳузайма** (онаси — Авона ибн Саъд); **Мудрика** (онаси — Салмо ибн Аслам); **Илёс** (онаси — Ҳиндаф); **Музар** (онаси — Рабоб Жунда ибн Маъд); **Низор** (онаси — Савдо Акна қизи); **Маъд** (онаси — Муона ибн Жавшам); **Аднон** ва ҳоказо.

Қисқаси, Расулуллоҳнинг насл-насаби Аднондан юқорилаб бориб, Иброҳим алайҳиссаломнинг араблашган ўғли Исмоил алайҳиссаломга бориб туташади. **Аллоҳ таоло** Расулуллоҳнинг аждодларини жоҳилият давридаги нопок ишлардан, бузуқликлардан, разолатдан ўз ҳифзу ҳимоясида асраган.

...завжалари

Диний китобларда қайд этилишича, пайғамбаримизнинг 12 нафар хотинлари бўлиб, улардан ҳазрат Ойишадан бошқалари бева аёллар бўлган. Ёлғиз ҳазрат Ойишанигина бокира, қиз ҳолида олганлар. Пайғамбаримиз ҳаётликларида улардан уч нафари — Хадичаи **Кубро**, Савда бинт Замъа ва Зайнаб бинт Ҳузайма вафот этиб кетишган, тўққиз нафари пайғамбаримиздан кейин қолганлар.

Хадичаи Кубро

Кўз очиб кўрган биринчи хотини Хадичаи Кубро (556—621), яъни Хадича бинти Ҳувайлид бўлган. Хадича онамиз аввал «Тоҳира», кейинчалик «Кубро» деган сифатий лақаб (тахаллус) билан аталганлар. Ҳазрат Пайғамбаримиз биринчи маротаба 25 ёшларида 40 ёшлик бева Хадича Ҳувайлид қизига уйланиб, 25 йил, яъни 50 ёшларигача бирга яшаганлар. Пайғамбарликларидан аввал 15 йил, пайғамбарликларидан кейин 10 йил, жами 25 йил бирга тотув ҳаёт кечирганлар.

Ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган, пайғамбаримизнинг орқаларида туриб биринчи намоз ўқиган ҳам ягона ана шу аёл эди.

Ҳазрат Хадича бой савдогар аёл бўлиб, пайғамбаримиздан аввал икки марта турмуш қурган эдилар. Биринчи эрлари Атийқ ибн Ҳинд Обид, иккинчи эрлари Абу Ҳола Ҳинд ибн Набаша бўлган. Улар вафот этиб кетишган бўлиб, Хадичанинг у эрларидан икки ўғил

ва бир қизлари бўлган. Пайғамбаримиз Хадичага уйланганларидан кейин унинг ўғли Холани ўзларига ўғил қилиб олганлар.

Ҳазрат Хадичаи Кубро 621- йилда, 65 ёшларида вафот этганлар. Макканинг Ҳажжун деган жойига дафн этилганлар.

Савда бинти Замъа

Пайғамбаримиз, хотини Хадича вафот этганларидан сўнг, Сакрон ибн Амр ал-Ансорийнинг беваси, 55 ёшли Савда бинт Замъага уйландилар.

Бу аёл Ислом йўлида ўз аҳли қариндошларини тарк этиб, турли қийинчилик ва машаққатларни бошидан кечириб, эри билан Ҳабашистонга хижрат қилган ва бу билан ўзини кучли, бообру қариндошларини дарғазаб қилган эди. Ҳижратдан қайтгач, эри Сакрон вафот этди. Савданинг ҳимоячиси, кўмакчиси, қарагувчиси қолмагач, пайғамбаримиз уни ўз ҳимояларига ва никоҳларига олиб унга уйландилар. Савда пайғамбаримиз билан 5 йилга яқин бирга турди ва 60 ёшларида вафот этди.

Ойишаи Сиддиқа

Савда бинт Замъа вафотларидан кейин ҳазрат пайғамбаримиз ёлғиз қолдилар. Шундан сўнг дўстлари ва ёрдамчилари Абу Бакр Сиддиқнинг қизи Ойишага уйланганлар (Имом ал-Бухорий. Ҳадис. Қомуслар Бош таҳририяти, 1997, 2-жилд, 573-бет). Ҳазрат пайғамбаримиз олган хотинларидан бирдан-бир бокира қиз шу Ойиша онамиздир. Ойиша ҳусну жамолда, ақлу камолда етук эдилар. Ҳазрати Ойиша онамизнинг «Сиддиқа» дейилишига сабаб ул зот бўхтон масаласида исмати — поклиги, номуси ва бароати, софлигини намоён этганлар. Бу ҳақда махсус оят ҳам нозил бўлган ва Расулуллоҳнинг хизматларидаги садоқатлари, дин ишларидаги билимдонликлари туфайли «сиддиқа» деб сифатий лақаб берилган ва Ойишаи Сиддиқа деб аталганлар. Пайғамбаримиз охириги нафасларини ана шу онамиз кучида олиб туриб дунёдан ўтдилар ва унинг хужрасига дафн этилдилар.

Ҳазрат Ойиша онамиз Маккада туғилиб, 65 ёшларида Мадинада вафот этдилар. Жанозаларини саҳобалардан Абу Ҳурайра ўқиди. Қабрлари Мадинанинг Бакиъ қабристонидадир.

Ҳафса бинт Умар

Пайғамбаримизнинг тўртинчи хотини — дўстлари ва ёрдамчилари, чорёрларнинг иккинчиси ҳазрат Умар ибн Ҳаттобнинг қизи Ҳафса бинт Умар эди. Унинг биринчи эри Ҳунайс ибн Ҳузофот ул-Ансорий Ислом йўлидаги жиҳодда вафот этганидан кейин, ҳазрат пайғамбаримиз унинг шаҳид бўлган эрини ҳурматлаб, ёрдам қилиб, дўстлари ҳазрат Умарнинг мусибатларини енгиллаштириш мақсадида Ҳафсани ўз қарамоғларига олиб, уйландилар. Шунда Ҳафса онамиз 35 ёшда эдилар.

Ҳазрати Ҳафса пайғамбаримиздан анча кейин — Муовия халифалиги даврида 63 ёшда вафот этган.

Зайнаб бинт Ҳузайма

Расули акрамнинг бешинчи хотини — Ҳузайма қизи Зайнаб эди. У Бани Халил қабиласидан бўлиб, биринчи эри билан ажрашган, иккинчи эри Абдуллоҳ ибн Жаҳш эса Уҳуд ғазотида шаҳид бўлган эди. Пайғамбаримиз хижратнинг учинчи йили ҳазрат Зайнаб бинти Ҳузаймани ўз ҳимояларига олиб, унга уйландилар. Зайнаб ўрта ёшли бўлиб, чиройли эмасди, лекин марҳаматли, ажойиб аёл эди. Улар бирга кўп яшамадилар, Зайнаб пайғамбаримизга турмушга чиққанларидан уч йил кейин, 625- йили вафот этди. Мозорлари Мадинанинг Бакиъ қабристонидадир.

Умму Салама

Сарвари коинотнинг олтинчи хотини Умму Салама бинт Абу Умайя. Унинг асл исми Хинд эди.

Умму Саламанинг аввалги эри Абдуллох Абу Салама Абуласад ўгли жуда жасур одам эди. У хотини билан биргаликда Ислом йўлида аввал Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага хижрат қилганди. Бадр ва Ухуд ғазотларида қатнашиб, қаттиқ яраланди, хижратнинг 4-йили вафот этди.

Эри ўлганидан кейин, идда муддатини ўтказиб, унга уйланиб ўз ҳимояларига олдилар. Расули акрам унга уйланганларида, Умму Саламанинг ёши ўтиб қолган, 5—6 нафар болалари ҳам бор эди.

Ҳазрат пайғамбаримизнинг ҳамма хотинлари ичида Умму Салама энг узоқ яшаб, ҳаммаларидан кейин вафот этган, яъни хижратнинг 59-йили 84 ёшда дунёдан ўтиб, Мадинада Бақиъ қабристониغا қўмилган.

Зайнаб бинт Жаҳш

Расулуллохнинг хотинларидан бири Жаҳш қизи Зайнабдир. Зайнаб бинт Жаҳш яқин қариндошлари, яъни аммалари Умайманинг қизи, боболари Абдулмутталибнинг невараси бўлиб, 589-йили туғилган.

Расули акрам Зайнабни озод қилган қуллари ва тутинган ўғиллари Зайд ибн Ҳорисга шахсан ўзлари никоҳлаб берган эдилар. Зайнабнинг ўзи ва акаси Абдуллох ибн Жаҳш бу никоҳга, пайғамбаримизнинг қистовлари туфайли, истар-истамас, зўрға рози бўлдилар. Аммо бу турмушдан икки томон ҳам хушнуд бўлмади. Зайнаб жуда диндор бўлса-да, олийнасаблиги, гўзаллиги билан фахрланиб юрарди. Озод қилинган қул билан ҳаёт кечиршни ҳеч ҳам ҳазм қила олмади. Муносабат тобора кескинлаша бориб, ниҳоят улар ажрашдилар.

Уша пайтдаги араб анъаналарига кўра, асл зотли бир аёл собиқ қулга турмушга чиқолмас эди. Ҳолбуки, мусулмонликда жамийки инсонлар яратилиши жиҳатидан тенг ҳисобланади. Шунинг учун бу араб анъанаси йўқотилиши керак эди. Расули акрам бу йўлдаги тадбирни дастлаб ўз яқинлари ичида татбиқ қилиб, айтиб ўтилган никоҳнинг ташаббускори бўлиб, бу билан мусулмонликдаги ҳақиқий тенгликни намойиш этмоқчи бўлдилар. Расулуллохнинг бу талабларини қайтара олмай, Зайнаб истар-истамас Зайдга турмушга чиқди. Бу билан арабларнинг эски анъанаси йиқилди ва ўртадан кўтарилди.

Жоҳилият даврида, яъни мусулмонликдан аввал арабларда бир одат, анъана бор эди — тутинган фарзанд ҳам туғишган авлоддай ҳисобланиб, авлоднинг барча ҳақларига эгалик қиларди. Мусулмонлик бу одатни ҳам бекор қилди. Авлодликни, тутинган фарзандликни фақат дин қардоши сифатида қабул қилди. **Қуръони карим** авлодликнинг, яъни тутинган фарзанднинг тул қолган хотинини никоҳлаб олишни маънавий оталарга ҳалол қилди. Эскидан қолган бу одат **Қуръони карим** ояти билан ўртадан олиб ташланди. Шу сабабли Расули акрам Зайнабни ва унинг хеш-ақраболари истакларини инобатга олиб, бу борада ўзларини виждоний жиҳатдан қарздор, бурчли, вазифали эканликларини ҳис этиб, аммаларининг қизи Зайнаб бинт Жаҳшга уйландилар.

Зайнаб бинт Жаҳш, пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин оламдан ўтган илк хотинлари бўлди. Ҳазрат Зайнаб кафанини ўзи ҳозирлаган, хижрий 21, милодий 642-йилда ҳазрати Умар замонида 53 ёшида вафот этди ва Мадинадаги Бақиъ қабристонига қўйилди.

Умму Ҳабиба

Пайғамбаримизнинг яна бир хотинлари ҳазрати Умму Ҳабиба эди. Унинг асл исми Рамла бўлиб, Ҳабиба исмли қизи бўлганлиги учун Умму Ҳабиба (Ҳабибанинг онаси) деган ном олган.

Умму Ҳабиба қурайшийларнинг бошлиғи, Ухуд ва Хандақ жангларида мушрикларга бош қўмондонлик қилган машҳур Абу Суфийннинг қизи, кейинчалик халифа бўлган Муовиянинг опаси эди. Абу Суфийн ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб Расулуллоҳнинг амакиваччаси эди.

Бурунги эри Убайдуллоҳ ибн Жаҳш билан иккинчи ҳижратда Ҳабашистонга кетган эди. Эри Убайдуллоҳ муртад бўлиб, у жойда христиан динига кирди. Умму Ҳабиба эса мусулмонликда собит қолиб, эридан ажралди. Умму Ҳабиба юксак мартабали аёл бўлганлиги учун, бошқа киши билан турмуш қура олмади, кимсасиз қолди, ҳимояга муҳтож бир аҳволга тушди. Отаси эса ҳануз Исломни қабул қилмаган, мусулмонларнинг ашаддий душмани эди. Бинобарин, у отаси ёнига ҳам қайта олмас эди. Расули акрам вазиятни тўғри баҳолаб, ҳижратнинг 7-йили уни ўз никоҳларига — ҳимояларига олдилар.

Умму Ҳабиба пайғамбаримизга турмушга чиққанларида 37 ёшда эди. Ҳижрий 44- йил, милодий 664- йилда 69 ёшида Мадинада вафот этган.

Жувайрия бинт Ҳорис

Сарвари оламнинг хотинларидан яна бири Жувайрия бинт Ҳорис ибн Зиродир. Жувайриянинг отаси Ҳорис, Бани Мусталиқ қабиласининг бошлиғи эди. Аввалги эри Бани Мусталиқ қабиласидан бўлмиш Мусафий ибн Сафвон эди. Расули акрам Бани Мусталиққа қарши олиб борган Мурайсий ғазотида унинг эри ўлган, ўзи эса асирлар орасида қолган эди. Асирга олинганлар 200 дан ошиқ оила бўлиб, улар ғозий аскарларга тақсим қилингандилар. Бу қабилла араблар орасида катта обрўга эга эди. Лекин Расулуллоҳ уларни озод қилишни истасалар ҳам, бу иш ўша даврдаги уруш қонунларига тўғри келмасди. Асирлар эгаларига бир миқдор пул бериб, озод бўлишлари мумкин эди. Бирок, Жувайрияни ёнида етарли миқдорда пули бўлмаганидан Расули акрамга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Пайғамбаримиз унинг фидясини туладилар. Асирликдан қутулганидан кейин, Жувайрия ўз хоҳиш-истаги билан Расулуллоҳга никоҳландилар. Шундан кейин пайғамбаримиз бу қабиллага куёв бўлиб қолдилар. Буни кўриб, аскарлар пайғамбаримизнинг хурматидан олган асирларининг барини озод қилиб юбордилар ва бу қабиланинг кўпчилиги иймон келтириб, мусулмон бўлдилар. Озод қилинган қул, жорияларнинг умумий сони 700 га яқин эди. Шунда Ойиша онамиз: «Жувайрия қандай бахтли хотин ўзи! Расулуллоҳнинг никоҳига кирди — бутун қавмини қулликдан қутқарди», дедилар.

Ҳазрати Жувайрия ҳижрий 66, милодий 686- йили 65 ёшида Мадинада вафот этди ва Бакиъ қабристонига кўмилди.

Сафия бинт Ҳўяй

Расулуллоҳнинг хотинларидан бири — ҳазрат Сафия бинт Ҳўяй ибн Ахтаб 605- йили туғилган. Сафия яҳудий эди. Отаси Бани Назир қабиласининг бошлиғи, онаси эса Бани Қурайза қабиласи бошлиғининг қизи эди. Сафиянинг эри ҳам, отаси ҳам, акаси ҳам Хайбар жангида ўлган эдилар. Хайбар қалъалари фатҳ қилинганда, асирлар орасида Сафия ҳам бор эди. Сафиянинг насаби Ҳорун алайҳиссаломга бориб туташганидан ва ўзи ақлли, фазилатли эканлигидан, Расулуллоҳ уни хурмат қилдилар ҳамда яҳудийлар ва мусулмонлар орасидаги душманликни юмшатмоқчи бўлиб, уни озод қилдилар ва ўзига уйландилар. Ҳазрат Сафия ҳижрий 50- йил, 670- милодий йилида 65 ёшида Мадинада вафот этди ва Бакиъ қабристонига кўмилди.

Мория Қибтия

Пайғамбаримизнинг хотинларидан бири ҳазрат Мориядир. Ҳижратнинг 7-йили Миср ҳукмдори Расули акрамга юборган ҳадялари орасида христиан динидаги икки мисрлик жория бўлиб, улардан бири Мория, иккинчиси Сирин эди. Улар Мадинага келаётиб, йўлда

мусулмонликни ўрганишди ва мусулмон бўлишди, жорияликдан чиқишди. Пайғамбаримиз ҳадяларни қабул қилиб, улардан Морияни ўз никоҳларига олдилар. Мориядан ўғиллари Иброҳим туғилгач, Миср халқи Иброҳимга тоға бўлиб қолишди. Бу иш кейинги Византия урушида мисрликларнинг бетараф бўлиб қолишларига сабаб бўлди. Мориядан туғилган Иброҳим, араб одати бўйича, бир сут берувчи онага берилди. Бу Морияни хур ва асл бир хотин эканини кўрсатди. Ҳазрат Мория ҳижратнинг 16-йили, милодий 637-йили вафот этди.

Маймуна бинт ал-Ҳорис

Расулуллоҳнинг охирги хотинларининг исми Маймуна бинт ал-Ҳорисдир.

Ҳижратнинг 7-йили охирларида, Умранинг қазосини қилиш учун Маккага борганларида, Маймуна Расулуллоҳга турмушга чиқиш истагини билдирди. Бу билан у ўзини Расули акрам хизматларига бағишламоқчи бўлди. Унинг орзуси рўёбга чиқарилди. Расули акрамнинг энг сўнгги никоҳланган хотини ҳазрати Маймуна бўлди.

Маймуна пайғамбаримизнинг амакилари ҳазрат Аббоснинг қайинсингиллари, яъни хотини Умму Фазлнинг синглиси эди. Унинг исми аслида Барра эди, сўнгра пайғамбар алайҳиссалом унга Маймуна деб ном бердилар.

Ҳазрати Маймуна пайғамбаримизга турмушга чиққанларида камбағал, ёши 50 дан ошган хотин эди. Ҳижратнинг 51, милодий 671-йили вафот этди. Аввалги эрининг номи Абу Раҳм ибн Абдулуззо эди.

* * *

Пайғамбаримизнинг бу ўн икки хотинларидан бошқа яна тўрт хотинлари бўлганки, улар Расули акрам билан озгина яшаган ёки никоҳ қилиниб, лекин қўшилмасдан олдин ажрашган аёллардир. Булардан ташқари, яна уч нафар жориялари ҳам бўлган. Улардан бирини хотинлари Зайнаб Расулуллоҳга ҳадя қилиб берган.

Пайғамбаримиз вафот этган чоғда туққиз нафар хотинлари тирик, никоҳларида бўлган. Қолган уч нафари — Хадичаи Кубро, Савда бинт Замъа ва Зайнаб бинт Ҳузаймалар вафот этиб кетишган эди.

Пайғамбаримизнинг кўп хотин олишларига диний, сиёсий, ижтимоӣ, иқтисодий ва ахлоқий сабаблар бўлган эди. Чунончи:

Биринчидан, ўша даврларда араблар йигирма ва ундан ортиқ хотин олишлари мумкин, умуман, хотинлар сони чегараланмаган эди. Расули акрам ўша давр одатига кўра бир неча бокира қизларга уйланишлари мумкин эди.

Иккинчидан, ўтган пайғамбарларнинг барчаси (фақат ҳазрат Ийсо алайҳиссаломдан ташқари) кўпхотинли бўлишган. Пайғамбарлардан фақат Ийсо алайҳиссаломгина умуман уйланмасдан ўтган. Уйланмаслик, таркидунёчилик Ислом қонун-қоидаларига зид, чунки роҳиблик дунё ҳаётининг чуқишига олиб келади.

Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадиси муборақларида: *«Уйланинглар, ўзларингдан кўпайинглар, қиёматда, Аллоҳнинг олдида мен умматларим кўплиги билан фаҳрланаман»*, — деб марҳамат қилганлар.

Учинчидан, ҳазрати пайғамбаримиз 50 ёшларигача бир хотинли бўлганлар. Ҳазрати Хадича вафотларидан кейин, фақат ҳазрат Савдага уйланганлар. Хотинлари Ойишадан бошқалари ҳаммалари тул, бева аёллар бўлган. Пайғамбаримизнинг бу никоҳлардан мақсади тул-бева хотинларни, етимларни ҳимоя қилиш эди. Хотинларидан кўпларининг собиқ эрлари Ислом йўлида жиҳодда шаҳид бўлган, ўзлари эса ҳимояга муҳтож кимсалар эди.

Тўртинчидан, Ислом йўлидаги жиҳодларда аёллар билан эркаклар ўртасидаги мувозанат бузила бошлаган, яъни эркаклар сони камайиб кетган эди. Ҳолбуки, мусулмон аёл бошқа диндагиларга турмушга чиқиши мутлақо мумкин эмасди. Расули акрам газотларда шаҳид бўлган сафдошлари хотинларига уйланишни ўз асҳобларига тарғиб қилдилар ва бу ишда уларга ўрнак кўрсатиб бердилар. Ҳимояга муҳтож бундай аёлларнинг жинсий эҳтиёжларини ҳам таъмин этмоқ лозим эди.

Бешинчидан, Расулуллоҳ кўп хотинларга уйланишларининг яна бир сабаби, у кишига боғланиб қолган асҳобларини қариндошлик риштаси билан боғлаб, янада мустаҳкам қил-

дилар, бу билан ўзларига содиқ одамларни кўпайтирдилар. Бу иш Ислом динини кенг ёйишда муҳим омиллардан бири бўлди.

Олтинчидан, Расули ақрам никоҳлаб олган хотинларидан бир қисми — ҳазрати Жувайрия, Сафия, Мория ўзлари душман қабилалардан бўлиб, сулҳни сақлаб қолишга ёрдам берган эди.

Еттинчидан, Пайғамбаримиз бир неча хотинларга уйланишларининг диний сабабларидан бири, Исломда фақатгина хотинларга тегишли ҳукмлар бор эдики, бу ҳукмларни пайғамбаримиз хотинларга очикдан-очик сўзлай олмас эдилар. Бу ишни, савол-жавобларни пайғамбаримиз хотинларига ҳавола қилардилар. Бундай муҳим диний вазифани бир хотин ёлғиз боши билан бажариши мумкин эмасди. Уларнинг вазифаси, пайғамбаримиздан эшитган, кўрган ҳар нарсани эса тутиш ва ҳамжинсларига ўргатиш эди. Расулуллоҳнинг ҳамма хотинлари дунё зийнати, орзу-ҳавасини эмас, балки у зот билан яшаб, дини Исломга равнақ беришни танладилар.

Пайғамбаримизнинг хотинлари барча мусулмонларнинг ҳам оналари ҳисобланганлар. Шунинг учун мусулмон ўз онасига уйлана олмаганидек, пайғамбаримиздан кейин у зотнинг хотинларига ҳеч ким уйланмади. Бу ишни *Қуръони карим* тақиқлаган: «...Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига озор бериш ва ундан кейин аёлларига уйланишингиз ҳеч мумкин эмасдир. Чунки, бу Аллоҳ наздида улкан (гуноҳ)дир». (33- «Аҳзоб» сураси, 53-оятнинг охири).

*Қуръони карим*нинг хотин-қизлар ҳақидаги қуйидаги оятлари эътиборга молик:

«Эй Пайғамбар, албатта, Биз Сизга маҳрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ Сизга ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини, яна (ҳар қандай) мўмина аёлни — агар у ўзини пайғамбарга тортиқ этса-ю, пайғамбар уни (маҳрсиз) ўз никоҳига олишни истаса, (мазкур аёлларни Сиз учун) ҳалол қилдик. (Маҳрсиз уйланиш барча) мўминлар учун эмас, холис сиз учундир. Биз (мўминларга) жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимизни эса аниқ билдик. Бу Сизга танглик бўлмаслиги учундир. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир». (33- «Аҳзоб» сураси, 50-оят).

Ана шу ояти каримадан маълум бўладики, пайғамбаримиз учун хотинларнинг сони чегараланмаган экан.

Қуйидаги оят орқали **Тангри таоло** эркакларга бир йўла тўртта хотинни ўз никоҳларида тутиб туришлари мумкинлигини маълум қилади:

«Агар етимларга (нисбатан) адолатли бўла олмасликдан қўрқсангиз, сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Бордию (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўрилар билан (кифояланинг). Шу (адолатдан) оғиб кетмаслигингизга яқинроқдир». (4- «Нисо» сураси, 3-оят).

Бу оятнинг аёлларга нисбатан ғоят адолатли, тўғри эканлиги ҳақидаги фикрлар, мисоллар жуда кўп бўлиб, уларнинг кўплари барчага маълум ва машҳур бўлганлигидан, бу ерда келтириб ўтирмадик.

Қуйида келтирилаётган оят эса аёлларнинг инсоний ғурури, қадр-қиммати, ҳуқуқлари, нозат-нафслари ўша кезларданок муҳофазага олинганини билдиради:

«Ифбатли аёлларни (зинокор деб) бадном қилиб, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон даррадан уринглар ва абадулабад уларнинг гувоҳликларини қабул қилманглар! Ана ўшалар фосиқлардир». (24- «Нур» сураси, 4-оят).

Ислом дини мусулмон эркакларга аҳли китобдан бўлган яҳудий ва насоро қизларга уйланишга руҳсат берган ва лекин уларнинг эътиқодларини буздириш ҳуқуқини бермаган. Фақат мусулмон қизларнинг мусулмон бўлмаган эркакларга турмушга чиқишларини

Ислом дини мутлақо ҳаром қилди. Чунки динимиз Ислом ўтган пайғамбарларнинг ҳаммасини, шу жумладан, аҳли китоб — яҳудийлар пайғамбари Мусо ва христианлар пайғамбари Ийсо алайҳиссаломларни тан олади. Аммо яҳудийлар ва христианлар пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламни тан олмайдилар. Бундан ташқари, христиан черкови ҳам христиан аёл билан христиан бўлмаган эркак ўртасидаги никоҳни ҳақиқий деб тан олмайди.

Агар мусулмон қиз мусулмон бўлмаган эркакка турмушга чиқса, уларнинг эътиқодлари ва қоидаларига кўра, эрининг динига кирган ҳисобланади ва ўзининг фамилиясини ташлаб эриникини олади. Мусулмонликда эса никоҳланган аёл истаса, ўзининг фамилияси, исми, ҳатто мазҳабини ҳам йўқотмайди.

Никоҳланган аёлнинг оиладаги исмини (фамилиясини) йўқотиш одати аёллар эрларига қарам, қулдек ҳисобланган эски замонлардан қолган бир сарқит одатдир. Ваҳоланки, хотиннинг эри билан бўлган алоқаси, никоҳи омонат бўлиши, узилиши ҳам мумкиндир. Ота-она билан боғланган боғ эса абадийдир, доимий, ҳеч узилмасдир. Шунинг учун, фикримизча, қиз бола турмушга чиққанда, яхшидир-ёмондир, ўзининг фамилиясида қолгани мантиқан тўғри бўлади!

...фарзандлари

Пайғамбаримиз уч ўғил, тўрт қиз, жами етти фарзанд кўрганлар. Буларнинг олти нафари биринчи хотини Хадичадан, еттинчи фарзандлари Иброҳим эса мисрлик хотинлари Мориядан туғилган. Ҳазрат Фотимадан бошқа фарзандлари Пайғамбаримиз ҳаётлигида вафот этиб кетишган. Фақат қизлари Фотимадан зурриётлар тарқаб, улар саййидлар ва саййидалар деб аталадилар.

Пайғамбаримиз фарзандларининг исмлари тартиб бўйича:

1. *Қосим* — бош фарзандлари бўлиб, у туфайли пайғамбаримизнинг кунялари Абул Қосим (яъни Қосимнинг отаси) бўлган. Икки йилгина яшаб, Маккада вафот этган.

2. *Зайнаб* — пайғамбаримизнинг 30 ёшларида, Қосимдан кейин туғилган энг катта қизларидир. Зайнаб холасининг ўғли Абул Осга турмушга чиққан. Мадинада 30 ёшида вафот этган. Абул Оснинг онаси эса Хадичанинг синглисидир.

3. *Руқия* — пайғамбаримизнинг 33 ёшларида туғилган иккинчи қизлари. Аввал Ислом душмани Абу Лаҳабнинг ўғли Утбага, кейинроқ ҳазрати Усмонга турмушга чиққан. Бадр ғазоти ғалабаси хабари келган куни вафот этган.

4. *Умму Қулсум* — пайғамбаримизнинг учинчи қизлари, у ҳам Ислом душмани Абу Лаҳабнинг бошқа бир — Утайба деган ўғлига унаштириб қўйилган эди. Абу Лаҳабнинг талаби билан бу никоҳ бекор қилинди. Шундан кейин Умму Қулсум вафот этган опаси — Руқия ўрнига ҳазрат Усмонга никоҳ қилинди. Ҳазрат Усмон Пайғамбаримизнинг икки қизларини олганлиги учун, Усмон Зуннурайн (икки нур соҳиби) деб номланди. Умму Қулсум ҳазрат Усмон билан олти йил бирга яшадилар ва ҳижрий 9-йилда вафот этди.

5. *Фотима* — пайғамбаримизнинг 35 ёшларида кўрган энг кичик, энг суюкли қизлари. Милодий 605- йили Маккада туғилган. Ҳижратнинг 3-йили, милодий 624- йилда пайғамбаримизнинг амакилари Абу Толибнинг ўғли, жиянлари ҳазрат Алига турмушга чиққан. Ҳазрат Али ва Фотимадан беш фарзанд туғилди: Ҳасан, Ҳусайн, Муҳсин, Умму Қулсум, Зайнаб.

Ҳазрати Фотима разийаллоҳу анҳо ҳеч маҳал ҳайз ва нифос кўрмаган, ҳеч қачон намоз ва рўзасини қолдирмаган, шу боисдан унга «захро» деб лақаб берилган ва уни Фотимаи Захро деб атаганлар. (Захро шунингдек рангларининг оқлиги ва гузалликларига ҳам ишорадир).

Ҳазрат Фотима оталаридан олти ойдан сўнг ҳижрий 11, милодий 633- йил 28 ёшида вафот этди.

6. *Абдуллоҳ* — ҳижратдан олдин, ҳазрат Хадича билан турмушларининг ўн биринчи йили Маккада туғилган ва уч ойгина яшаб вафот этган. Уни Тохир, Тойиб деб ҳам атаганлар. Аммо Ибн Исҳоқ бу икки бола Расулуллоҳнинг алоҳида эгизак ўғиллари эди деган фикрни билдирган.

7. *Иброҳим* — Расули акрамнинг энг кенжа фарзандлари. У мисрлик завжалари Мориядан туғилган бўлиб, 630- йил 18 ойлигида вафот этган.

...набиралари

Ҳазрат пайғамбаримизнинг саккиз набиралари бўлган: Али, Имома, Абдуллоҳ, Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб, Умму Қулсум, Муҳсин. Улардан Муҳсин ёшлигидаёқ вафот этиб кетган.

Набиралари — Али ва қиз набиралари Имоманинг онаси пайғамбаримизнинг қизлари — Зайнаб, отаси — Абул Ос. Али эндигина вояга етганида вафот этди. Имомани эса пайғамбаримизнинг қизлари ҳазрати Фотима вафотидан кейин, унинг эри ҳазрат Алига бердилар. Имома Яҳё деган ўғил курган.

Набиралари Абдуллоҳнинг онаси пайғамбаримизнинг қизлари ҳазрати Руқия, отаси ҳазрат Усмон ибн Аффон. Икки яшарлигида, уйнаб юрганида кўзини хўроз чуқиб, жароҳати кучайиб, вафот этган.

Набиралари — Ҳасан, Ҳусайн, Муҳсин, Зайнаб, Умму Қулсумларнинг онаси пайғамбаримизнинг қизлари ҳазрати Фотима ва отаси ҳазрат Алидир.

Имом Ҳасан милодий 625- йили рамазон ойида Мадинада дунёга келди. Куфа шаҳрида отаси Алининг ўрнига халифа бўлди. Етти ой халифалик қилиб, мусулмонларнинг қони тўкилмаслиги учун, Муовия билан жанг қилмасдан, халифаликни унга топширди. 669- йили 44 ёшида хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилган. Қабри Мадинадаги Бақъи қабристониди. Ундан Мусанно ва Зайд номли икки ўғил қолган.

Имом Ҳусайн Имом Ҳасандан 22 ойлик кичик бўлиб, милодий 627- йили туғилган. Куфа халқи уни халифаликка даъват этади. Милодий 681- йили Ироққа қайтаётганида, Муовиянинг ўғли Язид аскарлари билан унинг йўлини тўсади. Уруш бўлиб, 72 киши билан биргаликда 54 ёшида шаҳид бўлади. Жасадлари Карбало деган жойга дафн этилган.

Набиралари Зайнаб — Киндийнинг аммазодаси Абдуллоҳ ибн Жаъфарга никоҳланган. Булардан — Али, Акбар, Аббос, Муҳаммад, Умму Қулсум деган фарзандлар дунёга келган.

Кейинги набиралари Умму Қулсум халифа амирал мўминин Умар ибн Хаттоб билан, ундан кейин, унинг васияти билан аммазодаси Авн ибн Жаъфар билан никоҳланди. Ҳазрат Умар ва Умму Қулсумдан Зайд ва Руқия исмли болалар дунёга келдилар.

...амакилари

1. Ҳорис; 2. Абу Толиб; 3. Зубайр; 4. Абдул Каъба; 5. Файдоқ; 6. Зиррор; 7. Абу Лаҳаб (асл исми ул-Узза; Ислом ва пайғамбаримизнинг ашаддий душмани); 8. Ҳамза, пайғамбаримиздан 3—4 ойлик катта; араблар орасида номи чиққан баҳодир; расулуллоҳ унга «Асадуллоҳ» — **Аллоҳ**нинг шери деб лақаб қўйганлар; 9. Аббос.

Булардан Абу Толиб, Зубайр, Абдул Каъба ва пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ бир ота-онадан. Амакиларининг энг каттаеи — Ҳорис, энг кичиги Ҳамза ва Аббос эдилар. Пайғамбаримизнинг амакиларидан фақат ана шу Ҳамза ва Аббос Ислом динини қабул қилганлар. Аббосдан кейинчалик Аббосийлар халифалиги ҳукмдорлари деб аталмиш халифалар тарқалган.

...аммалари

1. Отика. Ўғиллари: Зухайр, Абдуллоҳ. Абдуллоҳ аввал пайғамбаримизга душман бўлиб, кейинчалик Исломни қабул қилган, Тоиф жангида шаҳид бўлган.

2. Умайма. Болалари: Абдуллоҳ (Уҳуд жангида шаҳид бўлган), Убайдуллоҳ (Умму Ҳабибанинг аввалги эри), Абу Аҳмад Абд (кўзи ожиз шоир, Исломга кирган), Зайнаб бинт Жаҳш (Расулуллоҳнинг хотини), Умму Ҳабиба (Абдурахмон ибн Авфнинг хотини) ва Ҳанзала.

3. Байзо. Ҳазрат Абдуллоҳ билан эгизак туғилишган бўлиб, унинг болалари: Урва (у халифа Усмон ибн Аффонни онасидир) ва Омир. Омир Макка фатҳ қилинган куни Исломга кирган.

4. Барра. Болалари: Абу Салама Абдуллоҳ ибн Абд ул-Асад (пайғамбаримизнинг хотини Умму Саламанинг аввалги эри) ва Абу Сабра бинт Абу Раҳм.

5. Сафия. Болалари: Зубайр ибн ал-Аввом, Сойиб, Абдул Каъба. Аммаларидан битта шу Сафия Исломни қабул қилган.

6. Арва. Болалари: Тулайб ибн Ҳошим, Фотима бинт Ҳошим.

Хулафои рошидин

Халифа (арабча «уринбосар», «ноиб») Муҳаммад пайғамбарнинг уринбосари бўлиб, у диний ҳамда давлат бошлиғидир. Дастанлабки халифалар — хулафои рошидинлар, яъни туғри йўлдан борувчи халифалар, чорёрлар — Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб ва Ҳасан ибн Алилардир. Кейинги — Умавийлар, Аббосийлар, Фотимийлар сулоласидан бўлган хукмдорлар ҳам халифа деб аталганлар. Халифалик Исломнинг суннийлик оқимига хос бўлган ҳокимиятни идора қилиш тартибидир. Бунда давлат, жамоатнинг дунёвий ва диний ҳаётига халифа — халифат ур-Расулуллоҳ, яъни пайғамбарнинг уринбосари бошчилик қилади.

Абу Бакр Сиддик (575 - 634)

Исломда «Хулафои ар-рошидин», яъни туғри йўлдан борган халифалар, чорёрлар деб аталган дастанлабки тўрт халифанинг биринчиси. Милодий 632- йилдан 634- йилга қадар, яъни 2 йилу 4 ой халифалик қилган. Тулиқ номлари — Абу Бакр Сиддик Абдуллоҳ ибн Қаххофа ибн Омир.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг болаликдан бирга ўсган сафдошларидан, пайғамбаримизнинг қайноталари (Ойишанинг отаси), йирик савдогар. Макканинг Қурайш қабиласининг Тамим уруғидан бўлиб, Исломдан олдин унинг номи Абдуллот (Лот худосининг бандаси) бўлган. Исломга кирганидан кейин, пайғамбаримиз унга Абдуллоҳ деб ном берганлар. Бироқ мусулмонлар орасида Абу Бакр (Бакрнинг отаси) лақаби билан танилгани учун, Абдуллоҳ исми унутулиб кетган. Пайғамбаримиздан 1 ёшу 4 ойлик кичик эди. Ислом динини ҳеч тараддудсиз қабул қилгани учун, пайғамбаримиз унга «Сиддик» унвонини бергандилар. Шунинг учун ҳам Ислом тарихида у Абу Бакр Сиддик деб танилган. Абу Бакр пайғамбаримизнинг вазири эди. Ислом динини ҳазрат Хадичадан кейин иккинчи бўлиб, эркаклардан биринчи бўлиб қабул қилган.

Абу Бакр пайғамбаримиз билан 622- йилда Маккадан Ясриб (Мадина)га ҳижрат қилган. Бадр, Ухуд, Хандақ ва бошқа барча жангларда иштирок этган. Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейин биринчи халифа этиб сайланган. Араб қабилалари, мушриклар, яҳудийларнинг Мадина ҳокимиятига қарши кўтарилган кўзғолонларини шафқатсизларча бостирган. Абу Бакр даврида Ироқ ва Сурия фатҳ этилган, 633- йили сосонийларга, 634- йили византияликларга, Фаластин ерларига қўшинлар юборган ва забт этган. Арабистонда Исломни мустаҳкамлаган. Унинг даврида **Қуръони карим**ни жамлаш ишлари бошланган. Илк маротаба қурилган Араб халифалигини исломий сиёсат асосида бошқарган. Абу Бакр озғин, юмшоқ кунгилли, юмшоқ табиатли, камтар, халққа жуда марҳаматли эди. Расули акрамдан 142 ҳадис ривоят қилган. Жасади пайғамбаримизнинг «Хужраи Саодат» дейиладиган мақбараларида дафн этилган. Жанозаларини ҳазрат Умар ўқиган.

*Кўрган замон инонган Абобакр Сиддиқдур,
Устун бўлуб таёнган Абобакр Сиддиқдир.*

(Аҳмад Яссавий)

Умар ибн Хаттоб (585 - 644)

Туғри йўлдан борган халифалар, чорёрлар деб аталган дастанлабки тўрт халифанинг иккинчиси, 634- йилдан 644- йилгача, яъни 10 йилу 6 ой халифалик қилган. Унинг тулиқ номи — Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абул Уззо ибн Риёх ибн Курт ибн Раззоқ ибн Адийй Кааб.

Пайғамбарликнинг 6- йили Исломга кирган ва маккалик мусулмонларнинг қирқинчиси бўлган (ўттиз тўққизинчи мусулмон пайғамбаримизнинг амакилари ва кўкалдошлари ҳазрати Ҳамза эди). Ҳамза ва Умарнинг Исломга киришлари билан Ислом динини кенг, ошкора ёйиш ишлари бошланиб кетди. Чунки улар ўз қавмлари олдида жуда ҳам обрўли мард ва жасур, кўркмас, шартаки, кескин табиатли инсонлар эди. Умар ўз қизи Ҳафсани пайғамбаримизга хотинликка бериб, Расулulloҳнинг қайноталари бўлган.

Тўғрини эGRIDAN ажратишда ута ҳассос ва одил бўлганлигидан пайғамбар алайҳиссалом унга «Форук» унвонини берганлар. Шажараси тўққизинчи отада — Каъба пайғамбаримиз шажарасига уланади. Расулulloҳдан 12 ёш кичик, 12 йил кейин вафот этди. Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик келганда, 27 ёшда, мусулмонликни қабул қилганида, 33 ёшда эди. Исломга кирмасидан олдин Қурайшийларнинг сиёсий ишларини юргизар эди. Барча газовотларда пайғамбаримиз билан бирга бўлди. Пайғамбаримизнинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири Абу Бакр, иккинчиси Умар бўлган. Ислом бирлигини сақлаб қолишда буюк хизматлар қилди. *Қуръони карим*ни тўплаш ишларини Абу Бакрга эслатган ва таклиф қилган ҳам Умар эди. Абу Бакр ҳаётлигида Умарни халифаликка васият қилган. Унинг халифалиги даврида Сурия, Фаластин, Миср ва Византия деб аталувчи Рум империяси ҳамда Эрондаги сосонийлар давлати фатҳ этилди. Эрондаги мажусийлик — оловга сифинишга айланиб кетган зардуштийлик дини бекор қилинди. Эрон худудлари бутунлай Ислом чегаралари ичига қўшилди.

Забардаст халифа Умар ибн Хаттоб забт этилган мамлакатларда давлат ишларини мустаҳкамлади, солиқ тизимини тартибга солди, давлат раҳбарлари, хизматчилари, аскарлар ҳарбий бошлиқларни аниқ белгилади. Фатҳ этилган мамлакатларда, шаҳарлар атрофида арабларнинг ҳарбий истехкомларини, бўлинмаларини вужудга келтирди. Унинг даври Исломнинг олтин асри деб улуғланади.

Умар ҳеч кимни халифаликка номзод қилиб кўрсатмай, Муғира ибн Шуъбанинг бир эронлик насроний қули — Луълуа томонидан ўлдирилди, ва 59 ёшида шаҳид кетди. Қотил бомдод намозида Умарни заҳарланган ханжар билан олти жойидан яралаган, ушлаганларида, ўзини-ўзи ўлдирган. Шундан кейин ҳазрат Умар уч кунгина яшай олди, холос.

Абу Бакр каби Умар ҳам Расули акрамнинг «Ҳужраи Саодат» деб аталувчи қабрлари ёнига — Ойиша онамизнинг ҳужраларига кўмилди. Умар қабр жойини ҳазрати Ойишадан сўраб олган эди. Ойиша: «У жойни ўзимга атаб қўйган эдим, мамнуният билан у жойни Умарга бераман», деган.

*Каъба эшигин очдурган, барча бутни синдурган
Расул кўнглин тиндурган адолатлиг Умардур.*

(Аҳмад Яссавий)

Усмон ибн Аффон (574 - 656)

Исломда чорёрлар деб аталган дастлабки тўрт халифанинг учинчиси. 644- йилдан 656- йилгача, яъни 12 йил халифалик қилган. Пайғамбаримиздан олти ёш кичик эди. Унинг тўлиқ номи — Усмон ибн Аффон ибн Абул Ос ибн Умайя ибн Абу Шамс ибн Абдуманофдир.

Пайғамбарликнинг биринчи йили, милодий 610- йили Исломни бешинчи бўлиб қабул қилган. Абу Бакрнинг далолати билан мусулмон бўлган беш кишидан биринчиси бўлган (Усмон, Зубайр, Абдурахмон, Саъд, Талха). Усмон Ислом динига кирганида, 36 ёшда эди.

Ҳазрати Усмон Қурайш қабиласининг умавий гуруҳидан бўлиб, отасининг исми Аффондир. Расули акрамнинг шажараси билан бешинчи отада — Абдуманофда бирлашади. Пайғамбаримизнинг куёви: аввал Руқия исмли қизларига, унинг вафотидан кейин Умму Қулсум деган қизларига уйлангани учун, унга «Зуннурайн» (икки нур эгаси) деб ном берилган. 70 ёшида халифа бўлган. У 82 ёшида шаҳид бўлди.

У жуда бой-бадавлат киши эди. Ислом йўлида деярли барча бойлигини сарфлаган. Бадр ғазотидан ташқари, барча жангларда иштирок этган (хотини Руқия оғир хасталиги туфайли, пайғамбаримизнинг изни билан Бадр ғазотида қатнаша олмаган).

Унинг халифалигининг илк 6 йили Ислом тарихидаги олтин даврнинг, яъни Абу Бакр ва Умар даврларининг давоми бўлди. Бироқ халифаликнинг иккинчи 6 йилида нохушликлар бош кутарди, катта фитна қўзғалди. Пировард натижада халифа Усмон фожиали тарзда ўлдирилди — шаҳид этилди. Ислом тарихида дастлабки фасод ана шу тариқа содир бўлди. У маккалик, айниқса умавий зодагонларга ҳомийлик қилган, қариндош ва яқинларига давлат мансабларини ва катта ерларни, хазина маблағларини бўлиб берган. Натижада саҳобалар ва қўшин бошлиқлари ўртасида унинг сиёсатига қарши норозиликлар кучайган.

Муҳолифлар ҳазрат Усмоннинг уйини роса 40 кун қамал қилиб туришди. Ниҳоят осийлар, қўшининг деворидан ошиб тушиб, халифанинг уйига бостириб кирдилар. Унга халифаликдан истеъфога чиқишини айтдилар. Усмон душманларнинг ана шу сўнгги талабини рад этди. Ичкарига бостириб кирган мисрликлардан Фафиқий деган киши Усмон **Қуръон** тиловат қилиб турганида бошига қилич солди. Шериклари ҳам урдилар. Халифа шаҳид этилди. Муборак қонлари **Қуръон карим** саҳифасига оқди, ҳозирда **Қуръон**нинг шу нусхаси Тошкентда авайланиб-эъозланиб сақланмоқда. Шаҳид халифанинг жанозаси 3 кун қолиб кетди. Ниҳоят учинчи куни Бақъи қабристонининг орқа томонига кўмилди. Жанозасини Зубайр ўқиди. Жанозада 17 кишигина қатнаша олган эди, холос.

Ҳазрати пайғамбар уни жуда яхши кўрардилар. Унинг фожиёна ҳаёти барча асҳобни чуқур изтиробга солди. Шу пайтгача мусулмонлар ҳамжиҳат бўлиб яшардилар. Бу даҳшатли жиноятдан кейин Ислом бирлиги бузилди. Кўп ўтмай, Ислом олами сунний ва шиъий йўналишларга бўлиниб кетди.

Расули акрамдан 146 ҳадис ривоят қилган.

*Ҳақ расулни домоди, динимизни ободи,
Бандаларни озоди Усмони боҳаёдур.*

(Аҳмад Яссавий)

Али ибн Абу Толиб (601 - 661)

Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф 656- йилдан 661- йилгача, яъни 4 йили 7 ой халифалик қилган.

Пайғамбарликнинг 1-йили, милодий 610- йили 9 ёшида Ислом динини ҳазрат Хадича ва Абу Бакрдан кейин учинчи бўлиб қабул қилган.

Али ҳам, пайғамбаримиз каби, Курайш қабиласининг Ҳошимий уруғидан бўлиб, пайғамбаримизни ҳимояга олган амакилари Абу Толибнинг ўғли эди.

Амакилари пайғамбаримизни 8 ёшидан ўз тарбияларига ва ҳимояларига олган бўлса, пайғамбаримиз ҳам, Хадичага уйланганларидан кейин, амакиларига ёрдам бўлсин деб, Алини 5 ёшидан ўз тарбияларига олган эдилар. Али Расулуллоҳнинг тарбияларида вояга етди.

Ҳазрат Алининг отаси Абу Толиб, онасининг исми эса Фотима бинти Асад эди. Бинобарин, Али ҳам ота, ҳам она томонидан ҳошимий бўлган. Расули акрамнинг суюкли қизлари Фотимаи Заҳрога уйлангунига қадар, Расулуллоҳнинг уйида бирга яшаган, куёв бўлгач, бошқа уйга чиқиб кетган эди. Бутларга асло сажда қилмаган биринчи мусулмон бўлганлиги учун, уни «карамаллоҳу ваҷҳаҳу», яъни **Аллоҳ** мукарам қилган зот дейишади.

Ҳазрат Али инсоният тарихидаги буюк сиймолардан эди. **Қуръон**ни унга Расули акрамнинг шахсан ўзлари ўргатганлар.

Алининг халифалиги ички исёнлар авж олган паллага тўғри келди. Унинг халифалиги даврида Ислом бирлиги сиёсий жиҳатдан парчаланди.

Али халифа этиб сайланган бўлса-да, Абу Суфённинг ўғли Шом волийси Муовия уни тан олишни истамади, Дамашқда ўзини халифа деб эълон қилди. Али тахт учун курашда ғалаба қозонолмади. Ҳазрат Али ва Муовия бир-бирларининг халифаликларини тан олдилар.

Шундай қилиб халифалик унинг даврида икки мустақил халифаликка — Куфа ва Шом халифалигига ажралиб кетди. Али тарафдорларидан бир қисми (кейинчалик улар ҳаворижлар — хорижийлар деб аталди) унинг бундай ҳаракатларидан норози бўлдилар ва унга

қарши суиқасд уюштирдилар. Куфада масжидда бомдод намозини ўқиётган чоғида, ўша хорижийлардан бўлган Абдурахмон ибн ал-Мулжам ас-Соримий томонидан ўлдирилди. Уни Куфада дафн этдилар, сўнграқ унинг хокини Нажафда қурилган мақбарага кўчирдилар. Али тарафдорлари кейинчалик Ислондаги икки асосий оқимдан бири бўлган шиъалик (арабча «шиъа» — гуруҳ, бу ўринда «Али тарафдорлари» мазмунида) оқимини ташкил этганлар. Али шиъаларнинг биринчи имоми ва шиъа имомлари шажарасини бошлаб берувчи ҳисобланади. Шиъаларда Али авлодларидан 12 имом, баъзи фирқаларда 7 имом эътироф этилган. Уларнинг номлари: 1. Али ибн Абу Толиб; 2. Имом Ҳасан; 3. Имом Ҳусайн; 4. Зайн ал-Обидин Али; 5. Муҳаммад ал-Боқир; 6. Жаъфар ас-Содиқ; 7. Мусо ал-Козим; 8. Али ар-Ризо; 9. Муҳаммад ат-Тақий; 10. Али ан-Нақий; 11. Ҳасан ал-Асқарий; 12. Муҳаммад ал-Маҳдий.

Охирда номи келтирилган имом (868—877- йиллар) 9 ёшида йўқолган. Бу имомлар ҳақида китобимизнинг тегишли ўрнида бирмунча кенг ёритиб ўтамиз.

Шундай қилиб, сўзимиз давомига келсак, шиъалар суннийларнинг халифаларидан ҳеч бирини эътироф этмайдилар, ўз имомларинигина диний раҳнамо деб танийдилар. Шиъаликка мансуб бўлган айрим кичик фирқаларда, масалан, исмоилийлар фирқасида, Алини худо даражасига кўтаришга ва уни илоҳийлаштиришга ҳаракат қилинган, бунга бағишланган кўп китоблар вужудга келган. Шиъалар ўртасида Алининг қаҳрамонликлари ва саргузаштларини тасвирловчи жуда кўп афсоналар, ривоятлар тўқилган. Уларнинг баъзи бирлари суннийлар орасида ҳам ёйилган. Али суннийларда фақат чорёрлардан биригина эмас, балки буюк саркарда ва қаҳрамон шахс деб ҳам танилади. Шундай қилиб, ҳазрат Али 661- йили 60 ёшида шаҳид этилди.

Ҳазрат Алининг ўрнига унинг Фотимадан туғилган тўнғич ўғли Имом Ҳасан бешинчи халифа этиб сайланди. Имом Ҳасан ибн Алининг халифалиги бор-ўғи 7 ой давом этган.

Милодий 661- йили Али ўлдирилганидан кейин, шу йили унинг тарафдорлари Ҳасанни Ироқда халифа деб эълон қилдилар ва Муовия хокимиятига қарши курашни янгитдан бошлашга даъват этдилар. Лекин Ҳасан Муовия билан музокаралар олиб бориб, у билан келишган, ҳокимият даъвосидан воз кечиб, Мадинага кўчиб кетган ва у ерда, юқорида айтганимиздек, хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилган. Ўзидан кейин икки ўғли — Мусанно ва Зайд деган ўғиллари ҳаёт қолган, холос. Имом Ҳасан милодий 625- йили туғилиб, 669- йили 44 ёшида оламдан ўтган.

Имом Ҳусайн ибн Али Фотимадан туғилган иккинчи ўғли, Муҳаммад алайҳиссаломнинг набираси, учинчи шиъа имоми, 669- йилда Имом Ҳасан ўлдирилгандан кейин, Али тарафдорлари уни ўзларига раҳбар деб эълон қилганлар.

680- йили халифа Муовия ўлгандан кейин, Ироқда умавийларга қарши ҳаракат фаоллашди. Куфа шаҳри шиъалари Ҳусайнни ўзларининг имоми деб тан олиб, халифаликка таклиф этганлар ва Муовиянинг ўрнига бўлган ўғли халифа Язидга қарши кўзғолонга бош бўлишни сўраганлар. Ҳусайн Маккадан Куфага жўнаган. 70 жангчиси билан Куфага яқин Карбало даштига етиб келганида, 4 минг кишилик халифа Язид кўшинлари унга қарши чиққан. Ҳижрий 61- йил 10- октябр куни Ҳусайн жангда ўлдирилган, жасади ўша ерга дафн этилган. Шу муносабат билан Карбало шиъаларнинг асосий муқаддас зиёратгоҳига айланган. Ҳусайн шаҳид бўлган ана шу сана (ашуро) шиъаларда мотам куни сифатида ҳар йили нишонланиб турилади. Имом Ҳусайн милодий 627- йили туғилиб, 681- йилда 54 ёшида шаҳид этилган.

Ашуро (арабча «ўн кунлик») — шиъаларда ўтказиладиган мотам маросим кунлари. Шиъа мусулмонлари ҳар йили муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида мотам тутиб диний юриш қиладилар. Шиъалар таъсирида суннийлар ҳам ашур оши ўтказадилар. Лекин суннийларда бу маросимни кўпроқ аёллар бажаради.

*Айтган сўзи раҳмоний, кўрсанг юзи нуруний,
Кофирларни қирони шери Худо Алидур.*

(Аҳмад Яссавий)

Ислом халифалиги

Карбало фожиаси бутун Ҳижоз водийсини ғалаёнга солди. Язид халифаликдан олиб ташланди. Маккада Абдуллоҳ ибн Зубайр уз амирлигини — халифа бўлганлигини эълон қилди. Бу халифалик 10 йилга яқин давом этди (683—692- йиллар).

Ўша пайтда Ислом дунёсида уч халифа ўртага чиқди:

1. Ироқда Сақафий сулоласидан бўлган қумондон Мухтор.
2. Ҳижозда Макка ва Мадина аҳолисининг халифаси Абдуллоҳ ибн Зубайр.
3. Сурия ва Мисрда умавийлар ҳукмдори Абдулмалик.

Шундай қилиб, халифаликни умумий тарзда қисқача таърифласак, ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳижратнинг 11-йили, милодий 632- йил 8 июнда вафот этган кунлариёқ Мадинада халифалик учун кескин кураш бошланиб кетди. Биринчи халифа бўлиб сайланган Абу Бакрдан бошлаб Ислом оламида халифалик бошланди ва Араб халифалиги ҳамда Турк халифалигидан иборат икки даврни бошдан ўтказди ва 13 аср давом этди. Ниҳоят, 1924- йили 3- мартда бекор қилинди. Охирги халифа Абдулмажид афанди бўлди.

Хулафои рошидин даврида (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ҳасан) халифалик ирсий эмас эди. Отадан ўғилга ўтмасди, халифа уммат томонидан сайланарди.

Ислом тарихида халифаликни салтанат шаклига киргизган, ирсий, яъни отадан ўғилга ўтадиган ҳолга келтирган Шом волийси Абу Суфённинг ўғли Муовия бўлди. Умавийларнинг бу мутлоқ монархия тузумини умавийлардан кейин аббосийлар ва усмонлилар (турклар) ҳам давлатчиликка тадбиқ этишди.

Жаноби пайғамбаримиз: *«Мендан кейин халифалик 30 йил давом этади»*, деб башорат қилган эдилар. Расулуллоҳнинг бу башорати тарихан уз тасдиғини топди.

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ — 2 йилу 4 ой, Умар ул-Форуқ — 10 йилу 6 ой, Усмон Зуннурайн — 12 йил, Али карамаллоҳу важҳаху — 4 йилу 7 ой, Имом Ҳасан — 7 ой, жами 30 йилу 4 ой халифалик қилишган.

Шундай қилиб, халифа Муовия халифаликни салтанат билан бирлаштириб подшоҳликка айлантирган.

Ислом халифалиги 13 аср давомида беш даврни бошидан кечирди:

1. Хулафои рошидин даври (632 — 661- йиллар);
2. Шом Умавийлар халифалиги (660 — 750- йиллар);
3. Ироқ (Бағдод) Аббосийлар халифалиги (750 — 1258- йиллар);
4. Миср Аббосийлар халифалиги (1261 — 1517- йиллар);
5. Усмонлилар (турк) халифалиги (1517 — 1924- йиллар).

Ислом тарихида илк халифа ҳазрати Абу Бакр бўлган бўлса, илк султон эса Муовия бўлди. Шу тариқа халифалик ва салтанат бирлаштирилди.

Умавийлар давлатининг маркази Дамашқ эди. Бу даврда Ислом худудлари жуда кенгайди: мағрибда Атлантика океанигача, машрикда Буюк Ҳитой деворларигача етди. Истанбул (Византия) бир неча бор муҳосара қилинди. Родос ва Крит ороллариغا, Ҳиндистон ва Туркистонга қўшин юборилди. Мағриб мамлакатлари — Тунис, Жазойир, Марокаш олинди. Испания фатҳ этилди.

Умавийлар давлатида 14 халифа ҳукм сурди. 150 миллионлик Ислом дунёси бошида Умавийлар салтанати 90 йил турди. Умавийларнинг биринчи халифаси пайғамбаримизнинг амакилари Абу Суфённинг ўғли Муовия бўлган бўлса, охиргиси халифа Марвон II бўлди. Ватандошимиз буюк жаҳонгир Амир Темур (1336—1405) Миср Аббосий халифалиги даврида ҳукмдорлик қилган.

Бағдод Аббосий халифалигида аббосийлардан 37 нафари 508 йил ҳукм сурдилар. Булардан 10 нафари тахтдан туширилган; 9 нафари ўлдирилган; 3 нафари кўр этилган; 4 нафари юрак касаллигидан ўлган, бири заҳарланган, бошқалари эса уз ажаллари билан вафот этган.

Аббосийлар халифалиги Ироқда эронлик Абу Муслимнинг халифаликни уз эгаларига олиб бериш мақсадида бошланган кураши натижасида қурилган ва 1258- йилда мўғул

истилоси зарбасидан йиқилган.

Биринчи аббосий халифа Абул Аббос Абдуллоҳ эди, Охиргиси эса халифа Мутаъсимбиллоҳ бўлди. Аббосийлар халифалиги Чингизхоннинг эвараси Ҳалокухоннинг (1256—1265) истилоси натижасида барҳам топди. Халифа Мутаъсимбиллоҳ ҳийла билан Ҳалокухоннинг ҳузурига алдаб олиб келинди ва қатл этилди.

Аббосийлар ҳам Ислом халифалигини умавий халифалар сингари салтанат шаклида идора этдилар.

Миср Аббосий халифалари 17 та эдилар. Халифалик 256 йил давом этди. Илк халифа — Чингизхоннинг эвараси Ҳалокухон қатл эттирган аббосий халифа — Мутаъсимбиллоҳнинг амакиси — Мустансирбиллоҳ (Аҳмад ибн Зоҳир) бўлди. Сўнгги халифа Мутаваккил ал-алаллоҳ (Муҳаммад ибн Мустамсиқ) бўлди.

Бироқ бу халифаликда салтанат йўқ эди, халифа фақат диний раҳбар бўлиб қолди. Миср халифаларининг вазифаси уларга мурожаат этган мусулмон ҳукмдорларининг салтанатини тасдиқламоқ бўлган, холос. Султонлик мамлукларда эди. Мамлуклар икки даврни ўтказдилар: турк мамлуклари даври (1259—1381 йиллар) ва черкас мамлуклари даври (1381—1517- йиллар).

Усмонли турклар подшоҳи Султон Салимхон 1517- йили Сурия ва Мисрни забт этиб, турк ва черкас мамлуклари томонидан бошқарилаётган Миср султонлигига барҳам берди.

Миср Аббосийларининг сўнгги халифаси Мутаваккил ал-алаллоҳ Миср фотиҳи Султон Салим билан бирга Истанбулга келди ва халифаликни ўз хоҳиши билан тарк этганлигини айтиб, устидаги халифалик кийимини Султон Салимхонга кийдирди. Уламолар мажлиси Султон Салимни халифа этиб сайлади. Шу пайтгача халифалар араблардан бўлар эди. Энди 1517- йилдан араб халифалиги тугаб, туркийлар, яъни Усмонлилар халифалиги бошланди.

Султон Салим биринчи халифа бўлиши билан салтанат ва халифалик бир шахсда, бир сулолада қайта бирлашди.

Усмонли подшоҳлар Туркия ичида подшоҳ, аммо Туркияда ҳам, унинг ташқарисида ҳам бутун мусулмонлар оламининг халифаси — диний раҳнамоси бўлди. 1517- йилдан то халифалик бекор қилингунига, яъни 1924- йил 3 мартга қадар — 407 йил Ислом халифалиги Усмонли турклар подшоҳлигида қолди.

Усмонлилар давлати дастлаб Онадўли (Анатолия) Салжук султонлиги устида қурилган турк-мусулмон бекликлардан бири эди. Бу бекликнинг истиқлолини таъмин этган Усмонбей ўғуз турклари Бўзўқ уруғининг Қайи тармоғидан бўлган эди.

Усмон I 1299-йилдан 1324-йилгача ҳукм сурган, Усмонли турк империясининг асосчиси. Дастлабки кичик бир беклик — Усмон беклиги 1556- йилга келиб, буюк Усмонли турк империясига айланди ва бу империя таркибига Кичик Осиё худуди, Фарбий Грузия, Фарбий Арманистон, Ливан, Сурия, Ироқ (Бағдод билан бирга), Фаластин, Ҳижоз, Яман, Миср, Триполи, Жазоир, Греция, Болгария, Венгрия, Сербия, Босния, Валахия, Трансильвания, Молдавия ва Қрим хонлиги кирган.

Охирги султон Муҳаммад VI Ваҳидуддин, 1922-йил 1-ноябрда Туркияда султонлик тугатилгач, чет элга кўчиб ўтди. Туркия Буюк Миллат мажлиси шахзода Абдулмажидни халифа қилиб сайлади. У то халифалик тугатилгунча, 1924- йил 3- мартгача шу лавозимда бўлди. Шу кун Туркия Жумҳуриятининг раиси Мустафо Камол бошчилигида миллий мажлис Усмонлилар халифалигини бекор қилди ва Усмонлилар сулоласи мамлакатдан бадарға этилди, шу тариқа Ислом халифалиги ҳам ниҳоясига етди.

Шу ўринда Ислом рамзи — ярим ой қачон қабул қилинганлигини айтиб ўтиш керак. Бунга усмонийлар империяси давридаги воқеалар сабаб бўлган. 1453-йили Султон Муҳаммад Фотиҳ Византия давлатининг пойтахти Константинопол (Истанбул) шаҳрини фатҳ этишда ҳал қилувчи жангни осмонда янги уч кунлик ҳилол - ой кўриниши билан бошлаш кераклигини белгилаган. Жанг музаффар турк кўшинларининг ғалабаси билан якунланган. Шундан кейин ярим ой тасвири турк байроғига рамз сифатида туширилган.

1517-йилдан эса Ислом халифалиги буюк Усмонли турк империяси султони Салим I

қўлига ўтгач, ярим ой Ислом рамзи сифатида расмийлаштирилган ва ҳамма мусулмон давлатларига тарқалган.

Тангри таолонинг қонунларига қўра, ибтидосиз ва интиҳосиз ҳеч нарса бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Абадият **Аллоҳнинг Ўзига** тегишлидир.

Бу борада пайғамбаримизнинг қўйидаги ҳадиси мубораклари айниқса ибратлидир: *«Аллоҳга одат шулдирки, дунёда нима нарса кўтарилиб ривож топса, бир кун уни тубан ҳам тушургай. Бу иш дунё қонунича бўлмишдир».*

Навбатдаги суҳбатимиз **Аллоҳнинг** азиз бандалари, авлиёлари — ҳазрати Хизр, Луқмони ҳаким, Узайр ва Зул-Қарнайн ҳақида бўлади ва шу билан пайғамбарлар ва азиз-авлиёлар ҳақидаги қиссамиз ҳам ниҳоясига етади.

Қуръонда номлари зикр этилган азиз-авлиёлар

1. Ҳазрат Хизр алайҳиссалом

Ислом оламида, хусусан, жонажон юртимизда, халқимиз орасида алоҳида эътибор ва ихлос билан тилга олинадиган, номи ўзбек мақоллари ва ибораларидан кенг ўрин олган ҳазрат Хизр қиссаси «Қаҳф» сурасининг 60—82-оятларида келтирилган. Уламолар **Қуръони карим**да «**Аллоҳнинг** бандаси» деб тилга олинган шахсни ҳазрат Хизр деб талқин қиладилар. Тавротда ҳазратнинг номи келтирилмаган, унга ишора ҳам йўқ.

Ҳазрат Хизрнинг пайғамбар эканликлари ихтилофли. Уламолардан айримлари у зотни пайғамбар, бошқалари эса пайғамбар эмас деганлар.

Ҳазрат Хизрнинг пайғамбар эканликлари, **Аллоҳ таоло** томонидан элчилик қилганликлари ҳақида **Қуръони карим** ва бошқа диний манбаларда бирон-бир маълумот учратмадик.

Имом ибн Ҳожар Асқалоний ўзининг «Фатҳи саморий» китобида ишончли далиллар билан Зул-Қарнайн Иброҳим алайҳиссаломга замондош қудратли ва тақводор подшоҳ эканлиги ва ҳазрат Хизр унга вазир бўлганлиги, шунинг учун ҳам Қуръонда Хизр воқеаларидан кейин Зул-Қарнайн қиссаси бошланиши баён қилинган, деб ёзади Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон тўра Қуръоннинг 18- «Қаҳф» сураси, 84-оятига берган изоҳида (Қаранг: Ал-Қуръон ул-карим. Тошкент. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 172-бет).

Ана шу далилга таянадиган бўлсак, ҳазрат Хизр ва Зул-Қарнайн эрамыздан 2300 йиллар олдин яшаб ўтганлар, деган хулосага келиш мумкин.

Адабиётларда ҳазрат Хизр **Аллоҳ** ёрлақаган одамларгагина йўлиқиши, у одамларнинг мушкулини осон этувчи, учрашган кишисини бахтли қилувчи тақводор чол сифатида тасвирланади. Халқ орасида у зот «Хизр бувам» деб тилга олинадилар. Ул зотнинг асл исми Балйо бўлган. «Хизр» деб аталишининг сабаби шундаки, у киши қаерда ўтирсалар уша ердан, ҳатто тошдан ҳам ям-яшил кўкатлар униб чиқар, атрофдаги барча қовжираб ётган ўт-ўланлар, дарахтлар кўкариб қолар экан. У зот яшиллик — барҳаётлик тимсолидир (Хизр сўзининг маъноси «яшил» дегани).

Бир ривоятда келтирилишича, ҳазрат Хизр Сайрамда туғилиб, Фаластинда улғайганлар.

У зот Илёс алайҳиссалом билан бирга мангулик сувини ичиб, то қиёматгача ўлмас бўлган.

Аллоҳ субҳонаху ва таоло ҳазрат Хизр ва Идрис, Илёс ва яна Ийсо алайҳиссаломларга абадий мангу умр берган, улардан учаласи қиёматда барча жонзотлар қатори ўладилар, аммо Идрис алайҳиссалом ўлмайди, ул зот бир марта ўлим топиб, тирилиб, дўзахни ҳам кўриб, жаннатга кириб, **Аллоҳнинг** иродаси билан у ерда қолиб кетганлар. Жаннатдагиларга эса ўлим йўқ.

Ҳазрат Хизр инсон кўзига кўринмаслик хислатига эгадирлар. Ул зот **Парвардигор**

ярлакаган одамгагина кўринадилар.

Айтишларича, ҳазрат Хизр, ҳар бир одамга ҳаётида уч марта: ҳаётининг бошларида, ўрталарида ва охирларида турли, яхши, ёмон инсон кўринишида кўринар эканлар. Кўришганларида, у кишини норози, хафа қилмай яхши муомала билан рози қилган одамни дуо қилар эканлар ва у одам то умрининг охиригача камлик, хорлик, зорлик кўрмай, **Аллоҳ азиз** қилган бандаларидек яшаб ўтар экан.

Яна айтишларича, **Ҳақ таоло** синаш учун инсонга умри давомида уч марта омад, бойлик, бахт ато қилар экан. Шунда инсон **Худованд** берган бу неъматларни йўқотмай, тўғри йўлдан адашмай, кибр-ҳавога берилмай, босиқлик билан, бойликларини бекорга совурмай, ақл билан маҳкам ушласа, то умрининг охиригача қоқилмай, бир хилда, бир маромда бахтли ҳаёт кечириб ўтар экан.

Ҳазрат Хизрнинг бош бармоқлари юмшоқ, суяксиз бўлиб, ул зот билан кўришган одам кўллари ушлаб туриб, **Парвардигордан** нимани сўраса дуолари қабул бўлиб, **Ҳақ таоло** сўралган нарсага албатта етиштирар экан.

Ҳазрат Хизр бувамиз ҳар бир кишининг ҳаётида албатта уч марта кўринар эканлар-у, лекин кўпчилик зийраклик неъматидан бебахра бўлиб, ғафлатда қолиб, ул зотни кўринганликларини билмай қолар экан.

Камина ўзимга ҳам кўринганликларини билмаганман. Лекин ул зот онамиз Хайринисо Қаюмбек кизига кўринган эканлар. Қаҳатчилик йилларида ҳовлимизга 14—15 ёшлардаги бир бола садақа сўраб кирган экан. Қутидан нон олиб чиқиб бермоқчи бўлиб уйга кириб чиққунларича, бола ғойиб бўлиб қолган. Орқасидан дарров югуриб кўчага чиққанларида, бола йўқ эди. Кўча эшигимиз олдида гаплашиб турган 2—3 хотиндан сўраганларида, улар ҳеч қандай болани кирганию чиққанини кўрмаганликларини айтишган. Шунда онам ўзларига Хизр бува кўринганликларини билиб қолганлар. Онамиз то умрларининг охирларигача камлик, хорлик, зорлик кўрмай, пири бадавлат бўлиб яшаб дунёдан ўтдилар. Эй, **Парвардигор!** онамни у дунёда ҳам ярлакагин!

Ривоят қилишларича, ул зот бир оролда яшайдилар, осмонда кўринмай учиб юрадилар, дунё кезадилар. Ҳар йили Маккада ҳаж қиладилар. Жума кунлари Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Қуддуси шарифда намоз ўқийдилар.

Ҳазрат Хизр катта қудрат эгаси бўлиб, денгизда сузувчи ва ҳавода учувчи инсонларнинг ҳомийси ҳисобланадилар. Ул зотни бирон-бир фожиа, бахтсизлик рўй берганда ёрдамга чақирадилар. Ёнғинни ўчириш, жинлар тажовузларидан сақланиш, илон чаққанда ёрдам бериш ва ҳоказоларда Аллоҳнинг хоҳиши билан инсонга қутилмаган пайтда ёрдам қўлини чўзадилар.

Юқорида айтганимиздек, Таврот нозили тугаллангунча, Мусо алайҳиссалом **Аллоҳ** билан юз минг роз айтишган. Мусо алайҳиссалом **Аллоҳга**: «Бундай илм ва кароматларни менга бердинг, мендан бошқага ҳам шундай илтифот кўрсатганмисан?»— деганида, **Аллоҳ таоло**: «Денгизлар ортида менинг бир бандам бор, сенинг илминг унинг илми олдида денгизнинг бир сув томчиси кабидир», деган. Мусо алайҳиссалом унинг жамолига мушарраф этишни **Аллоҳ таолодан** сўраган. **Аллоҳ таоло** пайғамбарига икки денгиз — Рум ва Форс денгизи қўшилган ерга боришини, уни ўша ердан топишини билдирган.

Мусо алайҳиссалом ёрдамчиси ва ўринбосари Юшъаъ алайҳиссалом билан бориб, ҳазрат Хизрни топдилар ва ундан илм ўрганиш учун келганликларини билдирдилар.

Ҳазрат Хизр Мусо алайҳиссаломга уларни ўзи билан дунё бўйлаб сафарга олиб кетишга рози эканлигини, аммо йўлда нимаки сир-синоат кўрсалар, сабр қилиб туриш лозимлигини айтади ҳамда унга бўлган ишлар сабабини сўрамасликни, савол бермасликни шарт қилади. Мусо алайҳиссалом бу шартни бажаролмайди, сабри етмайди, бўлган ишларга хайратда қолиб, эътироз билдириб, бир неча марта беихтиёр ғазабланиб савол бериб юборади. Бу воқеалар қуйидагича бўлган экан.

Улар дарё ёқалаб кетаётганларида, бир балиқчилар кемасини кўриб қоладилар, ҳазрат Хизр кеманинг тубини тешиб қўяди. Шундан кейин йўлда давом этиб кетаётганлари-

да, эски девор ёнида уйнаб утирган бир ёш боланинг устига деворни қулатиб юборади, бола девор тагида қолиб ўлади. Сўнгра бир қишлоққа борганларида, қишлоқ аҳли уларни ёмон кутиб оладилар, аммо ҳазрат Хизр ўша ердаги бир эски уйнинг бузилиб ётган деворларини қайта таъмирлаб, суваб қўяди.

Бўлган ишлардан Мусо алайҳиссаломнинг жаҳли чиқиб, норози бўлиб, сабабини сўраб, савол бераверганидан норози бўлган ҳазрат Хизр унинг бесабр эканлиги ва шартни бузганлиги сабабли айрилиш вақти етганини билдиради.

Мусо алайҳиссалом ҳазрат Хизрдан бўлган ишларни тушунтириб беришини ва ўзига бир насихат қилишини сўрайди.

Ҳазрат Хизр кеманинг тубини тешиб қўйганлигининг сабабини тушунтириб, кема ун ака-укага тегишли эканлигини, кема оталаридан мерос қолганлигини, бу кема уларни тирикчилик воситаси эканлигини, уларнинг баъзилари ногирон, қолганлари ночор аҳволда яшаётганликларини, тез орада золим ҳокимнинг одамлари келиб, кемани улардан тортиб олишини, натижада улар кемадан — тирикчилик воситасидан айрилиб қолишлари башоратини **Аллоҳ** кўнглига солганини, шунинг учун кемани олиб кетмасликлари учун айбли қилиб қўйганини айтади.

Йўлда болани ўлдиргани сабаби шундай: Бола улғайганида ўғри, муттаҳам, йўлтўсар қароқчи бўлиб етишишини, кўп одамларнинг бошини ейишини, ота-онасини қон қақшатишини билганлиги учун, уни гўдаклигидаёқ ўлдирганини, **Тангри таоло** ота-онасига унинг ўрнига-ўрин бир солих ўғил бериши хабарини олганлигини маълум қилади.

Ва, ниҳоят, қишлоқ аҳли уларни ёмон кутиб олсалар-да, бузилиб йиқилаётган уйнинг деворини тузатиб суваб қўйганининг сабаби: бу деворнинг тагида бир хазина сақланаётгани ва **Аллоҳ таоло** хазинани шу уй эгасининг авлодларидан бирига атаб қўйганидир, шунинг учун хазинани келгусида насиб қиладиган эгасига асраб қўйиш мақсадида унинг устидаги деворни тиклаб қўйганини айтади.

Шундан кейин ҳазрат Хизр Мусо алайҳиссаломга учта насихат қилади: «**Очиқ юзли бўлгин, тунд бўлмагин, ўжарликни ўзингдан кетгизгин, беҳожат бирон ерга бормагин**». Улар ун саккиз кун бирга юришиб, сўнг ажрალიшадилар. Шу воқеадан кейин Мусо алайҳиссалом уч йилу етти ой ўтгач, вафот этади.

Пайғамбарлар тарихидан маълумки, Мусо алайҳиссалом «калимуллоҳ» (**Аллоҳ** билан бевосита сўзлашгучи) деган номга сазовор бўлган зотдир. Таврот нозили тугалланганида, юқорида айтиб ўтганимиздек, у **Аллоҳ таоло** билан юз минг роз айтишган. Мусо алайҳиссалом **Парвардигор** билан савол-жавоб қилганида, ўрталарида ҳатто фаришта ҳам воситачилик қилмаган, бевосита гаплашган. Бор ҳақиқатни **Ҳақ таолонинг Ўзидан** олган.

Бинобарин, ҳазрат Хизр қиссаси **Қуръони карим**да қуйидагича ёритиб берилган: Мусо алайҳиссалом **Тангри таоло**га муножот қилиб: «**Бандаларинг орасида мендан илми зиёдароқ бўлган киши борми?**» деб сўраганида **Аллоҳ таоло**: «**Ҳа, Хизр сендан олимроқ. Бандаларим орасида унга келгусида бўладиган нарсаларнинг билимини — илми ладунийни ҳам ато этгандирман. Сен ўз илм-маърифатинг билан бутун дунёга устоз бўлишинг мумкин, аммо у бандамга шогирд бўлишга ҳам ожизлик қилурсан**», — деган. Бу билан **Аллоҳ таоло Ўзининг**: «**Ҳар бир билим соҳиби устида ундан-да билимдонроқ биров бордир**», деган ояти каримасини яна бир бор исбот этади. Бу қиссадан олинадиган ҳисса, ибрат бандаларга бериладиган илмнинг чегараланган эканлигидадир.

Мусо алайҳиссалом: «**У зотни қандоқ излаб топурман?**» деганида: «**Денгиз соҳилидаги қоя олдидан топурсан**», деган жавоб бўлди. «**У ерга қандай борилур?**» деб сўраганида, **Аллоҳ таоло** айтган экан: «**Бир балиқни саватга солиб, йўлга чиқарсан. Қаерда уни йўқотиб қўйсанг, Хизрни ўша ердан топурсан!**»

Шундан кейин Мусо алайҳиссалом Ювшаъ алайҳиссаломга балиқ солинган саватни бериб: «**Бу балиқни йўқотган жойингда менга айтасан**», деб тайинлаб, йўлга тушадилар. Энди бу ҳақда 18 «Қаҳф» сурасининг 60—82-оятларини айнан келтирамиз:

«**Мусо (ўзининг хизматкор) йигитига: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча**

ёки узоқ муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман», — деган пайтини эслангиз.

Қачонки, у иккиси (икки денгиз) қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар. Бас, у (балиқ) денгиз қаърига йўл олди.

Бас, қачонки (у ердан) ўтишгач, (Мусо) йигитига: «Нонуштамизни келтир, ҳақиқатан, бу сафаримиздан жуда чарчадик», — деди.

У (хизматкор) айтди: «Буни кўринг, биз (денгиз соҳилидаги) қояга бориб (ором олган) пайтимизда, мен балиқни унутибман. (Буни сизга) айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди. У (балиқ) денгизга ажиб (йўсинда) йўл олган эди».

(Мусо) деди: «Мана шу биз истаган нарсадир». Сўнг (Хизрни) қидириб изларига қайтдилар.

Бас, бандаларимиздан бир бандани (Хизрни) топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик.

Мусо унга: «Сенга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?» — деди.

У (Хизр) айтди: «Аниқки, сен мен билан бирга (илм муаммоларига) сабр қила олмайсан.

(Зотан) ўзинг эгаллаб хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қилурсан?!

(Мусо) деди: «Иншоаллоҳ, сен менинг сабри эканимни кўрурсан. Мен бирор ишда сенга итоатсизлик қилмасман».

У (Хизр) айтди: «Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча, бирор нарса ҳақида мендан сўрамагин!».

Бас, иккиси йўлга тушдилар. То бориб бир кемага минишлари билан (Хизр кемани) тешиб қўйди, (Мусо) айтди: «Одамларни фарқ қилиш учун уни тешдингми?! Жуда ножўя иш қилдинг-ку!»

У (Хизр) деди: «Мен билан бирга сабр қилишга сира тоқатинг етмайди, демаганмидим?!»

(Мусо) айтди: «Унутганим учун мени айбламагин ва бу ишим сабабли мени машаққатга дучор ҳам қилмагин».

Сўнгра яна йўлга тушдилар. То бориб бир болани учратганларида (Хизр) уни қатл этди. (Буни кўрган Мусо) деди: «Наҳот бировни ўлдирмаган бир бегуноҳ жонни ўлдирсанг?! Ҳақиқатан, (сен) хунук иш қилдинг!»

У (Хизр) деди: «Сенга мен билан бирга сабр қилишга сира тоқатинг етмас, демаганмидим?!»

(Мусо) деди: «Агар бундан кейин сендан бирор нарса ҳақида сўрасам, менга ҳамроҳ бўлмагин Мен томондан узр (меъёри)га етган бўлур».

Сўнгра (улар) яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб, улардан таом сўраган эдилар, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди. Кейин ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: «Агар хоҳласанг, бу (ишинг) учун ҳақ олишинг мумкин эди».

У (Хизр) айтди: «Мана шу сен билан менинг ажрашимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳи)дан огоҳ қилурман.

Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча (бутун) кемаларни тортиб олаётган бир подшоҳ бор эди.

Ҳалиги боланинг эса, ота-оналари мўмин кишилар эдилар. Бас, биз у (бола) тугён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан кўрқдик.

Шу сабабдан, уларга Парвардигорлари у (бола)дан кўра покизароқ ва ундан кўра меҳрибонроқ (бошқа бир болани) бадал (эваз) қилиб беришини истадик.

Энди девор эса шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг отаси солиҳ киши эди. Бас, Раббинг улар вояга етиб, Раббингнинг раҳмати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу (ишларни) ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилиш-

га тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир».

Ушбу оятларда келтирилган қиссада Мусо алайҳиссалом ўзининг хизматкор йигити Ювшаъ (Мусо алайҳиссаломдан кейин унга ҳам пайғамбарлик неъматини берилган) билан бирга Аллоҳнинг бир «бандаси» билан мулоқатда бўлган зотнинг ҳазрат Хизр эканлиги Имом Бухорийнинг «Ҳадис» китобида таъкидланган (2- жилд, 425 — 430- ва 4- жилд, 488-бетлар). Ҳадисда Хизрга нисбатан «алайҳиссалом» иборасининг кўп марта қўлланиши унинг соҳибқаромат, улуғ пайғамбарлардан бири бўлганлигидан далолат беради. Аммо *Қуръон*да у зотни пайғамбар деб аниқ айтилмаган. Шу боис пайғамбарлиги хусусида уламолар ўртасида ихтилоф бўлган. Масалан, ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд унинг авлиё эканлиги ҳақидаги фикр тарафдори бўлган.

Аллоҳнинг Ўзи билгувчирокдир!

Бир ривоятда ҳазрат Хизр Искандар Зул-Қарнайн билан бирга мангулик сувини топиш учун сафарда ҳамроҳлик қилгани, у сувни Хизр алайҳиссалом топгани ва ичгани айтиб утилади.

Турк асотирларида ёзилишича, буюк саркарда, Маърибу Машириқни эгаллаган улуг салтанат соҳиби Искандар Зул-Қарнайн ўлкасини кенгайтираётиб, лашкарлари билан ҳазрат Хизр ва Илёс алайҳиссаломларнинг доимий ҳамроҳлигида мангулик суви — «обиҳаёт»ни излаб, денгизлардан ўтиб, маъриб томонга — то қоронғиликлар диёригача борадилар. Бу диёрга етиб келишгач, Зул-Қарнайн ўзидаги қоронғиликни ёритувчи икки дона жавҳарнинг бирини ҳазрати Хизр алайҳиссаломга беради ва ўзи бир йўлни, Хизр ва Илёс алайҳиссаломлар бошқа бир йўлни мўлжал оладилар. Ким у суви топса, бир-бирларига хабар беришлари шартлашиб олинади.

Хизр ва Илёс алайҳиссаломлар анча ичкари илгарилаб кетадилар ва ниҳоят қоринлари очади. Бир сув бошига келиб ўтиришиб, қўлларини ювишиб, ўзлари олиб келган пишган балиқни емоқчи бўладилар. Шунда Хизр қўлидан бир томчи сув олдиларидаги балиққа томади. Шу асно, балиққа дарҳол жон кириб, сувга отилади. Бундан улар гоёат ажабланадилар ва ўзлари излаётган сув шу эканини англаб, бундан ичадилар ва то қиёматгача барҳаёт — ўлмас бўлиб қоладилар.

Аммо шу пайт гоёибдан бир овоз келиб, бу сув дарагини Зул-Қарнайнга айтмасликни буюради. Улар бу амрга бўйинсуниб, Зул-Қарнайнга «обиҳаёт»ни топганларини айтмайдилар.

*Қуръони карим*да ҳазрат Хизрнинг милоддан аввалги XVII—XVI асрларда яшаган Мусо алайҳиссалом ва унинг хизматкор йигити Ювшаъ алайҳиссалом билан мулоқотда бўлганлиги ёзилган. Юқоридаги ривоят-асотирларда, «Қисаси Рабғузий»да ҳазрат Хизрнинг Илёс алайҳиссалом ва буюк салтанат соҳиби, ҳукмдор Зул-Қарнайн билан бирга мангулик сувини қидиришлари эҳтимолдан йироқ бўлса керак.

Агар Мусо алайҳиссалом ва Ювшаъ алайҳиссалом милоддан аввалги XVII—XVI асрларда, Илёс алайҳиссалом милоддан аввалги IX асрда, Зул-Қарнайн эса милоддан аввалги IV асрда яшаб ўтганларини ҳисобга олсак, юқорида келтирилган воқеанинг тарихан бўлиб ўтганлигига асос етарли эмас, шунинг учун бу бир ривоят, холос, дейиш мумкин. Ҳазрат Хизрнинг қачон ва қай йўсинда барҳаётликка эришгани тафсилотларига тарихчи олимларимизнинг келажак тадқиқотлари аниқлик киритиши мумкин.

2. Лукмони Ҳаким

Тарихда икки Лукмон ўтган: бири Лукмон ибн Од пайғамбар Худ алайҳиссалом замонида, милоддан аввалги III мингйиллик охирилари — II мингйиллик бошларида яшаган; иккинчиси Лукмони ҳаким бўлиб, у ҳам тахминан шу даврлар орасида туғилган. У Довуд алайҳиссалом салтанати даврларида (1083—1013) ҳам ҳаёт бўлган.

«Қисаси Рабғузий»да айтилишича, Худ алайҳиссалом тукин-сочинликда кун кечираётган, аммо кибр-ҳавога берилиб, залолатга ботган, турли-туман бутларга топинаётган Од қавмини 47 йил давомида хидоятга, иймонга даъват қилганига қарамасдан, бу қавм Аллоҳ

пайғамбарига кулоқ солмаган, уни ёлғончиликда айблаб таҳқирлаган эди. Кибр-хаво ва ширк эса **Аллоҳ таоло** наздида кечирилмас азим гуноҳлардандир. Оқибатда қадимги Арабистонда яшаб ўтган Од қавми Худ алайҳиссалом дуоибадига ва **Аллоҳ** ғазабига учради: мамлакатда уч йил ёнғинчилик бўлмай, қурғоқчилик, табиийки, қаҳатчилик бошланди.

Од қавми бирон-бир ташвиш ва мусибатга мубтало бўлганида Маккага киши юбориб, қурбонликлар қилишар ва тилак тилар эдилар. Қурғоқчиликдан қаттиқ изтиробга тушган Од қавми хурматли, бообрў, номдор кишилар — Мозид ибн Саъд ва Қайл ибн Умарни Луқмон ибн Од бошчилигида Маккага, ёмғир тилаб қурбонликлар қилиш учун юборадилар. Улар Маккада ёмғир тилаб қурбонликлар қиладилар. Сўнгра Луқмон ибн Од Тангридан ўзига узоқ умр — етти бургут умрини тилади. Унинг илтижоси ижобат бўлиб, Луқмон ибн Од 1000 йилдан ортиқ яшайди ва охири бургут ўлиши билан у ҳам вафот этади («Қисаси Рабғузий». 1-китоб, 49-бет).

Қуръони каримнинг «Луқмон» сураси, 12—20-оятларида тилга олинган иккинчи Луқмони ҳакимни баъзилар юнон табиби Алкмеон деганлар, бу нотўғри.

Нақл қилинишича, бу Луқмон ҳам минг йилдан ортиқ умр кўрган. Носириддин Рабғузий уни 1500 йилдан ортиқ яшаган деб ёзади («Қисаси Рабғузий». 2-китоб, 74-бет).

Аллоҳ таоло Луқмони ҳакимга икки фариштасини юборади ва унга пайғамбарлик ёки ҳикмат — донишмандлик беражагини айтиб, улардан бирини танлашни буюради. Луқмони ҳаким пайғамбарлик юки залворли бўлишини айтиб, донишмандликни танлаган ва ўзига узоқ умр сўраган. **Ҳақ таоло Ўзининг** бу солиҳ, азиз бандасининг илтижо ва дуосини қабул қилиб, донишмандлик ва узоқ умр ато этади.

Тангри таоло Луқмони ҳакимга нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри англаш ва энг мақбул ҳукмни чиқара олиш иқтидорини, яъни ҳикматни ато этган бўлиб, ул зот буюк ҳаким, табиб, улуғ файласуф ва авлиё эди.

Аллоҳ таолодан Луқмони ҳакимга берилган табиблик маҳорати шундай бўлганки, Ер юзидаги барча гиёҳлар, ўсимликлар, жонли, жонсиз мавжудотлар унга ўзларининг қайси касалга даво бўлишларини билдирганлар.

Луқмони ҳаким башарият тарихида донолик, донишмандлик тимсоли сифатида танилди. Ҳозир ҳам билағон, топқир, фикри теран, оғир, вазмин одамни «Луқмоннинг ўзи-ку бу», деб таърифлайдилар.

Чунончи, **Тангри таоло** Луқмони ҳакимга шундай улуғ ҳикмат, билим ато этганки, барча пайғамбарлар, азиз-авлиёлар унга берилган бундай билим ва ҳикматга хавас қилганлар.

Луқмони ҳаким ҳабашлардан, касби чўпон эди. Аввалига кул бўлган, кейинроқ хожаси уни озод қилган.

Луқмони ҳаким бутун умри давомида инсонларни яккахудоликка тарғиб қилиб келган.

Машриқзаминда Луқмони ҳаким билан боғлиқ ибратли ҳикматлар кенг тарқалган. Баъзи намуналарни келтирамиз.

Луқмони ҳакимдан сўрадилар:

— Бундай мақомга қандай эришдинг?

Деди:

— Ҳар доим тўғри сўзладим, омонатга хиёнат қилмадим, ёмонни Ҳақ ҳукмига қолдирдим, инчунин, бу мақомга етишдим.

* * *

Бир кунни зикна, фосиқ хожаси Луқмони ҳакимга бугдой экишни буюради. Луқмони ҳаким бориб арпа экади. Хожаси:

— Бугдой, эк дегандим, нечун арпа экдинг?

Луқмони ҳаким айтди:

— Арпа экса бугдой унмасму?

Хожаси айтди:

— Унмас.

Луқмони ҳаким айтди:

— Шундай бўлса, сен ҳам ёмонлик қилиб яхшилик умид қилмагил.

* * *

Луқмони ҳаким бир куни нотаниш кишига гувоҳсиз, хат-ҳужжатсиз минг олтин қарз берди. Кимса қарзни қайтиб бермаслик ниятида олди, уловига ўтириб, олтинларни чирик бир қизил латтага ўраб қўйди. Осмондан бир баҳайбат қуш аравадаги латтага ўроғлиқ олтинни эт деб ўйлаб олиб учиб кетди. Луқмони ҳакимнинг уйи устидан учиб ўтаётганида тумшугидан тушириб юборди. Луқмон олтинни олиб жойига қўйди.

Кимса келиб ўша ниятда Луқмондан тағин минг олтин қарз олди. Отда кетаётиб, сувдан ўтаётганида ўралган олтинларни тушириб юборди. У сув Луқмоннинг уйи ёнидан оқиб ўтар эди. Луқмони ҳаким сувда оқиб келган ўроғлиқ олтинни кўриб қолиб, олиб уйига қўйди.

Ўша одам учинчи марта келиб Луқмондан қайтиб бермаслик ниятида яна минг олтин қарз олди. Бу гал ҳам уларни йўлда тушириб қўйди, бир сабаб билан олтинлар яна Луқмон қўлига кирди.

У тўртинчи марта келиб яна минг олтин қарз олди ва ният қилди: «Бу пулга савдо-сотик қилсам, Тангри таоло фойда ато этса, тўрт минг олтинни Луқмонга қайтариб берай».

Шундан кейин Тангри таоло унинг эзгу ниятларига қовуштирди, тижоратда кўп фойдалар қилди ва тўрт минг олтинни Луқмони ҳакимга келтириб берди. Луқмони ҳаким минг олтинни олди-да, қолганини қайтариб берди ва: «Ҳақиқат менга тегди», деди.

* * *

Хожаси Луқмони ҳакимга деди:

— Бор, бир қўй сўйиб, гўштнинг энг яхши ва ёмон жойини келтир.

Луқмон қўйни сўйди ва тили билан юрагини олиб келди.

Хожаси сўради:

— Буларни нега олиб келдинг?

Луқмони ҳаким айтди:

— Ҳар бир жонзотда тил ва юракдан яхшироқ нарса йўқ. Тил ва юрак ёмон бўлса, улардан ёмонроғи ҳам йўқдир.

* * *

Луқмони ҳаким ўғлига уч васият қилди:

— Бири шуки, хотинингга зинҳор сирингни айтма, иккинчиси — нокасдан қарз олма, учинчиси — сипоҳи билан дўст бўлма.

Луқмони ҳаким вафот этганидан кейин, у отасининг бу васиятларини синаб кўрмоқчи бўлди. Бозорга бориб бир қўй олди, уни сўйиб қопга солди ва уйига келтирди. Хотини ундан бу қопнинг ичида нима борлигини сўради. У айтди: «Бир одамни ўлдириб қўйдим, уни шу қопга жойладим, буни зинҳор бировга айта кўрма». Шундай деб, қопни ҳовлисининг бир ерига кўмиб қўйди.

Сўнгра бир нокас одамдан пул қарз олди. Миршаб қушниси билан яқин дўст тутинди.

Бир куни хотини билан гап таллашиб қолиб, хотинини урди. Хотини айюҳаннос солиб: «Эй мусулмонлар, эрим одам ўлдиришга ўрганиб қолган. Мени ҳам уриб ўлдирмоқчи, ёрдам беринглар!» деб қичқирди. Бу хабарни дарров амирга етказдилар. Амир: «У кишини қочмасидан бурун зудлик билан ушлаб келтиринглар», деди. Айтдилар: «Ким келтирур?» Луқмони ҳаким ўғлининг миршаб дўсти: «Мен унинг уйини биламан, бориб уни келтираман», деди ва бориб уни тутиб амирнинг олдига олиб келди.

Келаётганларида, Луқмон ўғли айтди: «Эй дўстим. мени қўйиб юбор, қочайин». Дўсти унамади. Йўлда нокас келиб унинг гирибонидан олди: «Ҳаққимни бер, сен ўларсан, ҳаққим куяр», деди.

Амир айтди: «Субҳоналлоҳ, эй ҳаким ўғли, бу иш сенга лойиқ эмас эди-ку?» У айтди: «Эй амир, умринг узун бўлсин, киши юбор уйимга, ўша мен ўлдирган ва

уйимга кўмиб қўйган одамни келтирсинлар».

Бориб ўша кўмилган қопни келтирдилар ва уни очдилар, ичидан бир сўйилган қўй чиқди. Амир айтди: «Бу не ҳол?» У айтди: «Отам менга уч насиҳат қилган эди, уни синаш учун шу ишни қилган эдим. Отам сўзи рост чиқди».

Қуръони каримнинг 31- «Луқмон» сураси, 12—13- ва 17—18- оятларида ул зот ҳиқида куйидагилар келтирилган:

«Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик (ва унга дедик): «Аллоҳга шукр қилгин! Кимки шукр қилса, фақат ўзи учун шукр қилур. Кимки ношукрлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва ҳамд эгасидир».

Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб, деган эди: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки, ширк улкан зулмдир.

Эй, ўғилчам, намозни мукамал адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балолар)га сабр қил! Албатта, мана шу ишларнинг пухтасидандир!

Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин. Чунки, Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас!»

3. Ҳазрат Узайр алайҳиссалом

Яҳудия подшоҳлигидаги яҳудийлар ҳам, Исроил подшоҳлигидаги Бани исроилликлар каби, гуноҳ, ёмон ишларни қилишлари, устларига юборилган пайғамбарларни хорлаб жафо қилганликлари, ҳатто баъзиларини ўлдирганликлари, **Ҳақ таоло**ни унутиб, яна бут-санамларга чўқина бошлаганликлари уларнинг бошларига бало бўлди.

Ҳақ таоло уларга жазо тариқасида халдейларни — Бобил (Вавилония) подшоҳи Бухтуннаср (Навуходоносор II)ни юборди. **Тангри таоло** иродаси билан милоддан аввалги 605-йилда Бухтуннаср катта қўшин билан келиб, Яҳудия давлатини босиб олди, уларни қирғин-барот қилди, тирик қолганларнинг кўпчилигини асир қилиб ҳайдаб олиб кетди. Аммо шунда ҳам улар тавба қилмай, саркашликларини давом эттирабердилар ва миллоддан аввалги 597-йилда қўзғолон кўтардилар. Бухтуннаср мамлакатни иккинчи марта келиб забт этди.

Тавбасига таянмаган бу саркаш қавм 586-йилда яна қўзғолон кўтарди. Бухтуннаср улар устига учинчи марта бостириб келди.

Бу гал у ҳамма шаҳарларни вайрон қилиб, кулини кўкка совурди. Шу жумладан, Куддуси шарифни ҳам вайрон қилиб ташлади.

Муқаддас китоб Тавротнинг ҳамма нусхаларини ўтда ёқиб юборди. Барча яҳудийларни асир қилиб ўзи билан бирга ҳайдаб олиб кетди. Фақат ерга ишлов бериш учун бирмунча деҳқонлар ва боғбонларни қолдирди, холос.

Яҳудийлар Бобил асирлигида қулликда хор-зор бўлиб яшадилар. Улар ишдан кейин бирор ерда, масалан, дарё бўйида тўпланишиб, олдинги ҳаётларини кўмсаб, эслашиб, ҳазин ва мунгли ашулаларини кўз ёши тўкиб айтишар, ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг Забур китобидаги саноларни куйлашиб, ўзларига таскин бериб кун ўтказишар эдилар.

Бани Исроил Бобил асирлигида 74 йил (586—512) шу тарзда кун кечирди.

Кунлардан бир куни Бухтуннаср ўз саройида яҳудийлардан хизматкор тутишни ихтиёр қилиб қолди ва донгдор, бадавлат таниқли яҳудийларнинг фарзандларидан ақлли, зийрак, иқтидорли, чаққон, келишган, соғлом болаларни танлаб олиб, тарбиялашни буюрди. Амалдорлар шундай болалардан бир қанчасини танлаб олиб келтирдилар ва тарбиялай бошладилар.

Уч йилдан сўнг подшоҳ уларни имтиҳон қилиб кўриб, тўрт нафарини, шу жумладан, Дониёл ва Узайр ибн Шарҳайёни саройда олиб қолди. Бу болалар соғлом, ақлли, иқтидорли, зийрак, келишган, чиройли эдилар. Дониёл ва Узайрни подшоҳ жуда қадрлар ва уларни ҳар доим ўзи билан бирга олиб юрар эди.

Кунлардан бир куни подшоҳ жуда қўрқинчли туш кўриб уйғонганида, уни эслолмади. Хукмдор мамлакатдаги барча донишманд ва таъбиргўйларни чақиртириб, нима туш кўрганини ва унинг таъбири қандай бўлишини сўради. Табиийки, улар бу саволга жавоб бера олмадилар. Подшоҳ уларни ўлимга ҳукм қилди. Шунда **Тангри таолонинг** мадади билан Дониёл хукмдор кўрган тушни ва унинг таъбирини аниқ айтиб берди. Подшоҳ кўрган тушини эслаб, таъбирини эшитиб хурсанд бўлди. Донишмандлар ва таъбиргўйлар омон қолдилар. Буни қандай билганини сўраган шоҳга Дониёл **Аллоҳ** билдирганини айтди. Бу гапдан кейин подшоҳ мамлакат аҳлининг Дониёл ва Узайр ибодат қилаётган яккаю ягона **Аллоҳга** ибодат қилишларини буюрди. Бир неча йиллардан кейин кибр-ҳавога муккасидан кетган Бухтуннаسر илоҳликни даъво қилиб, олтиндан ўз қиёфасида маъбуд ясаттирди, барчага унга ибодат қилишларини буюрди. Ибодат қилмаганларни махсус жой тайёрлатиб, тириклайин ўтга ташлаттирди. Бухтуннаسر асраб олган тўрт бола — Дониёл, Узайр ва икки шериги унга ибодат қилмадилар. Подшоҳ уларни ҳам ўтга ташлаттирди. **Тангри таоло** ўзининг қудрати илоҳийси билан фариштасини юбориб, уларни ўтда куйдирмай соғ-саломат чиқарди. (Узайр Библияда Ездра, Дониёл эса Даниил тарзида зикр этилган.)

Ҳали айтиб ўтганимиздек яҳудийлар бегона юртларда 74 йил қулликда, азобда, сарсон-саргардон бўлиб юрганларидан кейин, ниҳоят **Тангри таоло** уларнинг гуноҳларидан кечди ва милоддан олдинги 538- йили Эрон шоҳи Кайхусрав (яъни Кир II; 558—530- йилларда хукмронлик қилган) асир бўлиб турган Бани Исроилнинг икки қавми — Яҳудо ва Бениамин авлодларига она юртлари — Фаластинга кетишга рухсат берди. Бундан ташқари Кайхусрав, Бобил подшоҳи Бухтуннаسر улардан тортиб олган олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни ҳам Иерусалимдаги вайрон қилинган ибодатхоналарни тиклаш учун яҳудийларга қайтариб берди. Боз устига бу хайрли иш учун халқдан олинаётган солиқлар ҳисобидан маблағ ажратди.

Кайхусрав **Аллоҳ**нинг марҳамати ва меҳрибончилиги туфайли яҳудийларга шундай эзгу мурувват кўрсатса-да, уларни ўз тобелигида маҳкам сақлади. Узайрни ҳазрат Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломлар қурдирган муқаддас ибодатхонасини қайта тиклаш ишларига мутасадди этиб тайинлади.

Бухтуннаسر вафот этганидан кейин, унинг ўрнига милоддан аввалги 522- йили ўғли Доро I Бобилга, яъни халдейларга подшоҳ бўлди. Дониёл ва Узайр бу подшоҳга ҳам сидқидилдан хизмат қилиб юрдилар. Аммо подшоҳ теварагидагилар уларга ҳасад қилиб, фитна уюштирдилар. Отаси Бухтуннасрга ўхшаб ғоят кибрли бўлган Дорога ҳасадгўй ғаламислар, халқ Дорога ибодат қилмасдан, **Аллоҳга** ибодат қилишаётганини айтдилар. Подшоҳ бундай ғаламисларнинг маслаҳатига кириб, халқни ҳеч қандай илоҳга ибодат қилмасликларини, акс ҳолда, айбдорларни шерлар сақланадиган ғорга тириклайин ташлатишини эълон қилди. Буни кутиб турган фитначилар Дониёлни фармонни бажармай, **Аллоҳга** ибодат қилаётганини дарҳол хукмдорга етказишди. Подшоҳ Дониёлни қаттиқ севса-да, ўз фармонини буза олмай, ўзи истамагани ҳолда уни шерлар сақланадиган ғорга ташлашга амр қилишга мажбур бўлди. Фитначилар бунга олдинроқ ҳозирлик кўриб, бир неча кун шерларга овқат бермай, оч қолдирган эдилар.

Эртасига подшоҳ қилган ишидан кўп афсусланиб, ғорга бориб энгашиб қарасаки, ажабо, Дониёл тирик! У оч шерларни силаб ўтирган эди. Доро суюниб, дарҳол уни чоҳдан арқон ташлаттириб чиқариб олди. Чоҳга эса Дониёлнинг душманлари — фитначиларнинг ўзларини ташлаттирди. Оч шерлар уларни бир зумдаёқ суяқларигача еб битирдилар. Мақол: «Бировга чоҳ қазима, ўзинг тушасан».

И з о х: *Бухтуннаسر (Навуходоносор II) милоддан олдинги 605—562- йилларда Бобил подшоҳи бўлган. 605- йилда кўндан кўп давлатларни шу жумладан Сурия ва Фаластинни ҳам босиб олган. 597- ва 586- йилларда икки марта кўтарилган яҳудийлар қўзеолонини шафқатсизларча бостирган. Айниқса, 586- йилда кўтарилган қўзеолонни бостиришда Иерусалим (Қуддуси шариф)ни вайрон этиб, яҳудийлар подшоҳлигини батамом йўқ қилган, Яҳудия аҳолисининг кўп қисмини қул қилиб Бобилга олиб кетган.*

Унинг даврида машҳур Бобил минораси ва Бобил осма боғлари қад кўтарган.

Кайхусрав (Кир II) милоддан аввалги 558—530- йилларда ҳукмдорлик қилган Эрон шоҳи, ахамонийлар давлатининг асосчиси. Ҳиндистоннинг катта қисмини, Мидия, Канъон (Ханаан), Кичик Осиё ва 539- йилда Бобилни босиб олган. 530- йилда Ўрта Осиёга ҳужум қилган. Диёримиз ҳудудларида яшовчи массагет қабилалари малика Тумарис бошчилигида бирлашиб, Кайхусравга қарши ҳаёт-мамонт жангига киришадилар. Жангда Кайхусрав қўшини тор-мор этилади ва ўзи жанг майдонида ўлдирилади. Тумарис Кайхусравнинг бошини қон билан тўлғазилган мешга солиб, асир олинган душман қўшинига хитоб қилади:

—У умр бўйи қонсираб, қонга тўймаган эди, мен онтимни бажариб уни тўйғунича қон билан сугордим.

Доро I, ёки Дороявуш ахамонийлар сулоласининг милоддан аввалги 522—486- йилларда ҳукмдорлик қилган подшоҳи. Бобил, Эрон, Мидия, Марғеёна, Элам, Миср, Саттагидия, Ҳиндистоннинг катта қисми ва Ўрта Осиёдаги давлатларни босиб олган.

Хуллас, сўзимизнинг давомига келсак, кейинги даврларда яҳудийлар яна **Тангри таолони** унутдилар: қўшнилари — мажусий бутпарастлар каби яшай бошладилар, **Аллоҳ**нинг қаҳрига қайта-қайта учрайвердилар. Фаластинни аввалига юнонлар, сунгра мисрликлар, шундан кейин сурияликлар забт этдилар, халқни қийноққа солдилар, асир қилиб ҳайдаб кетдилар. Арзон-гаров қул қилиб турли мамлакатларга сотиб юбордилар, хуллас, Бани Исроил бутун жаҳонга тарикдай сочилди.

Саркашликлари, тутуриқсизликлари, жоҳилликлари, ғаламисликлари, хиёнаткорликлари, ёвузликлари, зараркунандаликлари, қайта-қайта динга кириб, диндан чиқаверганликлари учун, улар доим **Парвардигор** ва тарихдаги барча ҳукмдорларнинг қаҳрига учраб, ҳамиша азоб-уқубатда, хорлик-зорликда, таъқиб остида яшадилар. Шу боисдан бошқа барча халқлар ва миллатларни ўзларига душман кўрдилар.

Яъқуб (Исроил) ўғиллари авлодлари ҳатто Яҳудия ва Бани Исроил давлатлари бўлиб ажралишганларидан кейин ҳам, асрлар давомида тинч юрмадилар, ўзаро уришиб, бир-бирларининг қонини тўқдилар. Бу қавмнинг саркашликлари, доимо залолатда юрганлиги сабабли **Парвардигор** уларни тўғри йўлга солиш учун, кўп пайғамбарларни шу қавмнинг ўзидан танлаганининг туб сабаби ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлаб қоласан киши.

Айтиб ўтилган подшоҳлардан кейин, яҳудийлар заминига жасур, жанг қилавериб чиниққан, жангари, қарийб дунёнинг ярмини босиб олган римликлар икки марта (милодий 66—70- ҳамда 132—135- йилларда) бостириб кирдилар ва Яҳудия ҳамда Исроил давлатларини Рим империяси таркибига қўшиб олдилар. Римликлар Иерусалимни вайрон қилиб ташладилар ва Бани Исроилни Фаластиндан ҳайдаб чиқардилар. Улардан қутулиш учун кўпларини турли мамлакатларга арзон-гаров қул қилиб сотиб тарқатиб юбордилар.

Римликлар Яҳудия ва Исроил давлатларига Рим империясининг ноиби қилиб Ирод деган асилзодани юбордилар. Ирод I табиатан ўта золим, қаҳри қаттиқ, бағритош, ҳайвон сифат бир киши эди. У ғазаб отига минганда, ҳатто хотини ва қайнонасини ҳам қатл эттирган. Яҳудийлар энди ана шу золим қул остида азоб-уқубатда яшай бошладилар.

Яҳудий руҳонийлари: «Яҳудийлар бугунги кунда қаттиқ азоб-уқубат чекаётган эканлар, бунга уларнинг ўзлари айбдордирлар. Улар гуноҳ иш қилганликлари, **Парвардигор**га берган ваъдаларини қайта-қайта бузганликлари учун **Аллоҳ** уларни жазолади. Шундай бўлса-да, яҳудийлар мумтоз, алоҳида, ҳаммадан афзал халқ бўлиб қолаверади. Вақтисоати келиб Худо Яҳва уларни кечиради, афв этади, гуноҳларидан ўтади ва яҳудийларни дунёдаги барча халқлардан устун турувчи халққа айлантиради»,— деган ғояни асрлар давомида ўзларига далда тарикасида тарғиб этиб келадилар.

Шундай қилиб, Узайрнинг ўзига келсак, унинг хотира қуввати ниҳоятда ўткир бўлганлигини айтиб ўтмасак бўлмас. Чунончи, Бани Исроил Таврот ва муқаддас сандиқларини урушда бой бериб қўйганларидан кейин, Узайр Тавротни қайта ёзган. Сандиқ ва Тавротни қайта қўлга киритганларидан кейин, икки матнни бир бирига солиштирганларида, унинг ёзганлари билан асл Таврот матни айнан бир хил чиққан. Ана шундан бўлса керак, яҳудий-

лар кейинчалик куфрга кетиб, Узайрни гоят мадх этиб, хатто уни Худонинг ўгли дейишгача бориб етдилар. Уларнинг бу куфрона ботил гаплари *Қуръони Карим*да қатъиян рад этилади:

Яҳудийлар: «Узайр — Аллоҳнинг ўгли», — дедилар, **насронийлар:** «(Ийсо) Масих — Аллоҳнинг ўгли», — дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги (ботил) гапларидир. (Бу гаплари) худди аввалги кофир бўлганларнинг гапига ўхшайди. Аллоҳ урсин уларни! Қаёққа оғиб кетмоқдалар?!

(Улар) Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандлари ва роҳибларини ҳамда Масих ибн Марямни рабб (илоҳ) қилиб олдилар. Ваҳоланки, ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга буюрилган эдилар. Ундан ўзга илоҳ йўқ! (Уларнинг) келтирган ширкларидан У покдир. (9- «Тавба» сураси, 30—31-оятлар).

Уламоларнинг айримлари Узайрни пайғамбар, баъзилари пайғамбар эмас балки авлиё деганлар.

Унинг пайғамбар эканлиги ҳақида на Тавротда на *Қуръон*да ишора бор. Аксинча, *Қуръон*нинг юқорида кўрсатилган 9- «Тавба» сураси 31- оятини ўқиганингизда уни донишманд, роҳиб эканлиги англашилади.

Узайр, Аллоҳ таолонинг қудрати билан 100 йил ўлик ҳолда ётиб, сўнгра тирилтирилган бандасидир.

Бу воқеа *Қуръон*нинг 2- «Бақара» сураси, 259-оятда шундай келтирилади:

«Ёки бошқа бир киши (Узайр) кабики, (у) томлари йиқилиб, вайронага айланган қишлоқдан (Байтул-Макдисдан) ўтиб бораркан: «Аллоҳ бу харобага айланган қишлоқ (аҳли)ни қандай тирилтирар экан-а?» — деди. Шунда Аллоҳ уни (Узайрни) 100 йил (муддатга) ўлдирди. Сўнгра уни тирилтириб деди: «Қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг?». «Бир кун ёки ярим кун», — деди у. Аллоҳ: «Йўқ, юз йил турдинг. Таоминг ва ичимлигингга қара, бузилмаган. Энди эшагингни (чириб кетганини) кўр! (Бу мўъжизаларни) одамларга сени ибрат қилишимиз учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин». Қачонки, унга (бу ишлар) аниқлангач: «Мен (энди) биламанки, Аллоҳ ҳамма нарсага қодир экан», — деди».

4. Зул-Қарнайн

(356 - 323)

*Қуръони карим*да келтирилган барча пайғамбарлар ва авлиёлар тарихий шахслар бўлиб, уларнинг фаолият кўрсатган даврлари, маконлари, қилган ишлари Исломдан олдинги қадимий динларда ҳам эътироф этилган. **Тангри таолонинг** илоҳий китобларида бу хусусда ихтилофлар деярли йўқ.

Аммо *Қуръони карим*да номи Зул-Қарнайн деб зикр этилган шахснинг аслида ким бўлганлиги ҳақидаги ихтилофлар ханузгача узил-кесил ечилган эмас.

Айрим олим, уламолар *Қуръон*даги Зул-Қарнайнни милоддан аввалги 336-323- йилларда ҳукмдорлик қилган Искандар Зул-Қарнайн Макдуний (Александр Македонский) деб айтсалар, баъзилари *Қуръон*даги Зул-Қарнайн ва Искандар Зул-Қарнайн Макдуний бошқа-бошқа шахслардир, деганлар.

Бу ҳақда тарихий ва бошқа манбаларда қуйидаги фикрлар баён қилинган.

Биринчидан, айрим манбаларда *Қуръон*даги Зул-Қарнайн милоддан аввалги I асрда Жанубий Арабистонда ҳукм сурган химярийларнинг буюк подшоҳи бўлган дейилган. Фикримизча, бу ҳақиқатдан анча йирок. Чунки Ямандаги химярийлар подшоҳлиги милоддан аввалги I асрда Жанубий Арабистондаги бир мамлакат бўлган. Бу жуда кучли давлат бўлиб, милодий I асрдан IV асрга қадар Жанубий Арабистондаги Сабаъ подшоҳлиги билан тинимсиз урушлар олиб борган ва бутун Жанубий Арабистонни ўз тасарруфига киритган. Химярийлар ўз даврида ҳақиқатан ҳам жуда кучайиб, бутун Жанубий Арабистон худудларидаги

давлатларни босиб олиб қудратли давлат барпо этган бўлсалар-да, улар Жанубий Арабистон ва унинг ён атрофларидан ташқарига чиқа олмаганлар.

Милодий VI асрнинг бошларида ҳимярийлар давлатини ҳабашлар ва шу асрнинг 70-йилларида сосонийлар босиб олган. Бу воқеалар Искандар Зул-Қарнайн Макдунийдан қарийб тўрт аср кейин содир бўлган.

Иккинчидан, тарихдан бизга маълумки, милоддан аввалги даврларда Искандар Зул-Қарнайн Макдуний (Македониялик Александр)дан бошқа буюк салтанатга эга бўлган, бепоён ҳудудларни, давлатларни фатҳ этган улуғ хукмдор, жаҳонгир подшоҳ (Сулаймон алайҳиссаломдан ташқари) бўлган эмас. Чунончи, **Қуръони шариф**да ёзилишича, Зул-Қарнайнга **Парвардигор** иродаси билан буюк салтанат ато этилган, у Мағрибдан Машриққача бўлган улкан ҳудудни (дунёнинг ярмини) шу жумладан ўша пайтларда мажусийлик эътиқодида бўлган ўлкамизни ҳам эгаллаган буюк подшоҳ мартабасида **Ҳақ таоло**нинг амри билан мажусийликка қарши курашиб, халқларни ҳаниф динига-фақат яккаю ягона **Аллоҳ таоло**га эътиқод ва ибодат қилишларини даъват этиб келган.

Айтишларича, у баланд бўйли, келишган, қирғий бурун, жингалак сочли, йулбарс кўзли, шижоатли, кескин табиатли, адолатпеша, мард одам бўлган экан.

Учинчидан, Искандар Зул-Қарнайн (Макдуний) қайси динга эътиқод қилганига келсак, у яҳудийлик ва насронийлик динларига мансуб бўлмаган, чунки у милоддан аввалги 356—323-йилларда яшаган. Яҳудийлик дини жаҳон динига айлана олмаган, яҳудийларнинг миллий дини бўлиб келган ва бу дин ўша пайтларда Арабистон яримороли атрофларидан ташқарига тарқалмаган. Насронийлик дини эса Зул-Қарнайндан қарийб 350-400 йил кейин — милодий 30-йиллардан кейин барпо бўлган.

Инчунин, Искандар Зул-Қарнайн Макдуний (Александр Македонский)дек жаҳонгирни тарбиялаб ўстирган, бани башарнинг буюк файласуфи, қомусий олими, мутафаккири, мантиқ фанининг отаси, донолик тимсоли бўлган Арасту (Аристотель) бўлганлиги ҳам бизга тарихдан маълум. Арасту яккаю ягона **Тангри таолони** тан олган ва унга эътиқод қилган зот бўлганлиги ҳам бизга фалсафа фанидан маълум. Ана шундай буюк файласуфнинг шогирдига ўз маслагини-яккахудоликни сингдириб юборганлиги мантиқан исботланади, чунки, агар ҳар иккаласининг дунёқарашлари, эътиқодлари бошқа-бошқа бўлганида эди, улар ҳар доим бирга бўлмаган бўлардилар. Башарти якка **Ҳақ таоло**га эътиқоди бор кишининг худосиз, бутпараст, мажусий билан доим бирга бўлиши, юриши, мантиқан олганда, эҳтимолдан анча йироқдир.

Ана шу мантиққа асосланган ҳолда Искандар Зул-Қарнайн — Македониялик Александр, худди Иброҳим а.с. каби ҳаниф — мусулмон бўлган, кўпхудоликка қарши курашиб, яккахудоликни тарғиб қилган, мушриклардан бўлмаган, деб айтиш мумкин.

Тўртинчидан, Зул-Қарнайн **Қуръони карим** «Кахф» сурасининг 83—98-оятларида тилга олинган Зул-Қарнайн мусулмон оламида Искандар Зул-Қарнайн номи билан кенг тарқалган шахс экани ҳақидаги илк маълумотлар милодий X аср тарихчилари Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфажоний, ад-Диноварий, ат-Табарий ва Беруний асарларида ҳам эътироф этилган.

Бешинчидан, Суриянинг Малатья шаҳрида туғилган машҳур шоир, адиб ва қомусий олим, насроний динига мансуб бўлган Абул Фараж (асл исми Григорий Иоанн Бар Эбрей, 1226—1286) ҳам ўзининг асарларида Искандар Зул-Қарнайннинг Арасту билан мулоқоти ҳақида ҳикоялар келтирган. (*Қаранг*: Ҳикоят ва ривоятлар. Тошкент. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. 93, 97, 99, 118, 122-бетлар).

Ўзбек совет энциклопедияси биринчи жилдининг 234-бетида ва бешинчи жилдининг 89-бетида ҳам **Қуръони карим**да тилга олинган Зул-Қарнайн ва милоддан аввалги 356-йилда туғилиб, 336—323-йилларда хукмдорлик қилган македониялик юнон подшоҳи-Александр Македонский айнан бир шахс деб эътироф этилган («Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси». 1-жилд, 1971, 5-жилд, 1974).

Олтинчидан, Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома», Амир Хусрав Дехлавийнинг «Ойнаи Искандар», Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» ва Алишер На-

войининг «Садди Искандарий» дostonларида Зул-Қарнайн — Искандар Зул-Қарнайн деб аталган ва унинг тимсоли идеал подшоҳ, одил хукмдор, буюк фотих, олим, файласуф ва халкни яккахудоликка тарғиб қилган пайғамбар сифатида тараннум этилган.

Бу асарлар ана шу буюк аллома-шоирларнинг «Хамса» дostonларининг таркибига кирган бешинчи дostonларидир. Бундан ташқари, шу мавзуда яратилган куплаб алоҳида дostonлар, қисса ва ривоятларда ҳам Искандар Зул-Қарнайн Мақдуний тимсоли яратилганки унга Қуръондаги Зул-Қарнайн асос бўлгани эҳтимолдан узоқ эмас. Бундай асарларга мисол сифатида буюк файласуф ва шоир Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» дostonини келтириш мумкин. (Қаранг: Умар Хайём. Наврўзнама. Т.: «Мехнат», 1990, 17, 68-бетлар)

Юқорида келтирилган ва яна бошқа қатор манбаларга асосан, деярли барча илмий нашрларда **Қуръони карим**да тилга олинган Зул-Қарнайн ва милоддан аввалги 356-йилда туғилиб, 336-323 йилларда хукмдорлик қилган юнон подшоҳи — Александр Македонский айнан бир шаҳс деб эътироф этилган. (Қаранг: Абулкосим Фирдавсий. Шоҳнома. Таржимон ва сўзбоши муаллифи Шоислом Шомухамедов. Т.: Гофур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. М.И. Иванин. Икки буюк саркарда — Чингизхон ва Амир Темур. Т.: «Фан» 1994, 8, 20, 185, 217 -бетлар; Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т.: «Ўқитувчи». 1992, 21, 34, 35-бетлар ва бошқалар)

Абдурахмон Жомийнинг милодий 1450—1533- йиллар орасида яшаган жияни Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли машхур аллома Фахриддин Али Сафий ҳам узининг «Латоиф ут-Тавоиф» номли асарида Эрон шоҳи Дорога қарши зафарли урушлар олиб борган подшоҳни Искандар Зул-Қарнайн эканлигини ёзади.

Яна бошқа бир туркум манбалардан, Искандар Зул-Қарнайн Мақдуний ва ҳимярийлар подшоҳи Зул-Қарнайнлардан ташқари, улардан анча аввал ўтган яна бир Зул-Қарнайн ҳақида маълумотга эга бўламиз. Масалан, Бадр Рашод Дувбий ўзининг «Зам-Зам кудуғи» рисоласида Зул-Қарнайнга Иброҳим алайҳиссалом 7 та қўй ҳадя этганлигини, шунда Зул-Қарнайн: «Эй Иброҳим, бу қўйлар нима учун керак?» — деб сўраганлигини, Иброҳим алайҳиссалом эса: «Бу қўйлар қиёматда ушбу «Зам-Зам кудуғи» менинг кудуғим эканлигига гувоҳлик берадилар», деб айтганлиги ёзилган. (Қаранг: Зам-Зам кудуғи тарихи. Тошкент. «Мовароуннаҳр», 1999. 9- бет).

Имом ибн Хожар Асқалонийнинг «Фотҳи саморий» китобида ҳам Зул-Қарнайн Иброҳим алайҳиссаломга замондош бўлиб, ҳазрат Хизр унинг вазири бўлган, дейилган.

Шу далилга (манбага) асосланадиган бўлсак, Зул-Қарнайн эрамиздан 2300 йиллар олдин яшаб ўтган бўлиб чиқади (Яна шу фаслнинг ҳазрат Хизр қиссасига қаранг).

Бироқ, энг қадимий тарихий манба бўлмиш «Библия»дан ва бошқа тарихий китоблардан ҳам Иброҳим алайҳиссалом замонларида, **Қуръони карим**да таърифи келтирилган Зул-Қарнайндек қудратли, деярли бутун ер юзини забт этган буюк салтанат соҳиби ўтганлиги ҳақида бирон-бир маълумот йўқ.

Таврот ва **Қуръони карим**да тилга олинган, Иброҳим алайҳиссалом замонларидаги энг қудратли подшоҳ бўлган фиъравн Намруд ҳам Арабистон ярим ороли ва ўша атрофлардан ташқаридаги давлатларни забт этишга ботина олмаган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Танланган асарлар» китобининг биринчи жилди, 73-78-бетларида Зул-Қарнайн (икки шоҳли) лақабини олган подшоҳнинг кимлигини аниқлашда турли миллатларнинг ихтилофлари ҳақида сўз юритилган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қатор манбаларга асосан, **Қуръон**да номи зикр этилган Зул-Қарнайн ва Шарқда Искандар Зул-Қарнайн номи билан машхур бўлган Искандар Мақдуний (Александр Македонский) тарихан Мақдуния (Македония) подшоҳи Файлақус (Филипп II)нинг ўғли бўлиб чиқади. Файлақус (382-336) милоддан аввалги 359-йили бутун Македонияни бирлаштирган, 359—336- йилларда эса Фессалия, Иллирия, Эпир, Фракия ва бошқа давлатларни ўзига бўйсундирган эди. 338- йили, Херонея жангидан кейин бутун Грецияни ҳам ўзига тобе қилган.

Искандар Мақдуний, яъни Искандар Зул-Қарнайн милоддан аввалги 356- йилда туғилиб, 336- йили 20 ёшида отасининг тахтига ўтирган, 13 йил хукмдорлик қилиб, 323- йил 13-июнда 33 ёшида Хиндистондан қайтаётиб, Бобилда безгак касалидан вафот этган. У доим устози Арасту (Аристотель) билан бирга бўлган ва устозининг насиҳат, маслаҳатларидан

четга чикмаган, дейилади манбаларда.

Искандар забт этган бепоён хуудлар Дунай дарёсидан то Хинд дарёсигача чузилган бўлиб, *Қуръони карим*да ваҳй этилган қоронғу ўлкалар — яъжуж-маъжужлар ва Искандар девори эҳтимол ўша ярим йил кундузи, ярим йил тун бўладиган мамлакатлар, яъни Дунайдан шимолда бўлгани ҳақиқатга яқин.

Тарих китобларида ёзилган Доро-Александр Македонский урушлари милоддан аввалги 334—333- йилларда тарихан ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтганлиги ва буюк аллома Аристотель (Арасту) ҳам шу йиллар орасида, яъни 384—322- йилларда яшаганлиги барчамизга маълум ва машҳурдир. (Арасту шогирди Искандардан 28 ёш катта бўлиб, Искандардан бир йил кейин вафот этган).

*Қуръон*даги оятлар мазмунича, Зул-Қарнайн солих, мурувватли ва қувватли киши бўлган. **Худо** унга улуғ подшоҳлик ва қудрат бериб, уни кун чиқиш ва кун ботиш томонларидаги шаҳарларни фатҳ этиш, мамлакатларга эга бўлиш, халқларни бўйсундириш ва ер юзи подшоҳлигини бир қўлга йиғиш мақсадларига етказган.

Худо унга шимолда зулмат подшоҳлигига қадам қўйиш, халқлар яшайдиган жойларнинг энг узоқ ерларигача бориб кўриш, одамлар ва наснослар — ярим маймун ярим одам шаклидаги маҳлуқлар билан жанг қилиш, ернинг кун чиқиш ва шимол томонларида Яъжуж ва Маъжужларнинг ўз жойларига яқин мамлакатларга чиқишларига тўсқинлик қилиш ва уларнинг хужумларини қайтариш учун темир парчаларини эритилган мис билан бириктириб уларнинг чиқадиган ёрларига тўсиқ (девор) ясаш имконини берган дейилади.

Юнонлик Искандар ибн Филиф (Филипп) эса Рум подшоҳлигини қўлга олгач, Мағриб томондаги подшоҳларга қарши юриш қилиб, уларни забт этган, яна олдинга босиб Кук денгизгача (Атлантик Океани) етиб борган. Кейин Мисрга қайтиб, Искандария шаҳрини бино қилган ва уни ўз номи билан атаган. Искандар кўп давлатларни, шу жумладан, Эронни ҳам эгаллаган. Кейин Ҳиндистон ва Хитойга юриш қилган. Сўнгра Хуросонга қайтиб, у ерларни ҳам эгаллаган, шаҳарлар барпо қилган.

У барча ишларни амалга оширишда илм ва ҳикматга асосланиб, ўз муаллими Арасту маслаҳатига таянган. Шу сабабли у Зул-Қарнайн деганлар, деб ёзади Беруний.

Баъзилар Искандар қуёшнинг икки «шоҳига», яъни кун чиқиш ва кун ботиш томонларига боргани сабабли, бу лақабни олган деб изоҳлаганлар.

Бошқалар Искандар икки турли наслдан, яъни Рум ва Эронликдан туғилгани учун бу лақабни олган, деб тавсиф берадилар. Айтишларича, деб ёзади Беруний, Эрон шоҳи Доро III Макдуния подшоҳи Филифнинг қизига уйланган. Доро у кизда ёмон бир ҳид сезиб, уни отасига қайтарган, аммо киз Дородан хомиладор бўлиб қолган ва ундан Искандар туғилган. Искандарни бобоси Филиф тарбия қилган, шунинг учун у Искандар ибн Филиф деб насабланган.

Насаб билимдонларининг айтишларича, Филифнинг насаби Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исҳоқ алайҳиссаломга бориб туташади, яъни Филиф ва Искандар Зул-Қарнайн Исҳоқ алайҳиссаломнинг авлоди бўлган дейилади.

Баъзиларнинг айтишича, Зул-Қарнайн милоддан аввалги 465-424- йилларда ҳукмронлик қилган Атаракис (Артаксеркс) исмли бир подшоҳ бўлган. У Бобил подшоҳларидан бири Сомирусга қарши чиқиб, жангга ғалаба қозониб, уни ўлдирган ва калласининг терисини сочи ҳамда иккита кокили билан биргаликда шилдириб олган. Бу терини ошла-тиб, ўзига тож қилган, шу сабабдан у Зул-Қарнайн деб лақабланган.

Зул-Қарнайн — Мунзир ибн Моуссамодир, у эса — Мунзир ибн Имруулкайсдир деган фикрлар бор. Бу исм эгасининг онаси эса жинлардан эди деювчилар ҳам бўлган.

Халифа Умар ибн Хаттобдан шундай ҳикоя қилинади: у бир гуруҳ кишиларнинг Зул-Қарнайн ҳақида жуда гапга тушиб кетганларини кўриб: *«Инсонлар ҳақида гапиришувингиз кифоя қилмай, фаришталар ҳақида гапиришга ўтдингизми?»* — деган.

Баъзилар Зул-Қарнайн — Саъб ибн Ҳаммол Ҳимярийдир дейдилар.

Яна бирлари Зул-Қарнайн — Абу Қариб Шаммар Юрғиш ибн Ифриқис Ҳимярийдир, у икки елкасига тушиб турган иккита кокили сабабли шу исм билан аталган, у ернинг кун

чиқиш ва ботиш томонларига етиб борган, Шимол ва Жануб томонларни кезган, мамлакатлар фатҳ этиб, кўп халқларни ўзига бўйсундирган, деганлар.

Яман подшоҳларидан бири бўлган Асад ибн Амр ибн Раба ибн Молик ибн Субайх ибн Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Ёсир ибн Танъум ал-Ҳимярий Зул-Қарнайн ҳақида фахрланиб, шундай деган:

— Зул-Қарнайн мендан илгари ўтган мусулмон бўлиб, ер юзини эгаллаган, ҳеч кимга бўйсунмаган улўф подшоҳ бўлган. У карамли ва марҳаматли **Худодан** буюк салтанат — подшоҳлик сўраб, **Машрик** ва **Мағриб** томонларга етиб борган. Қуёшнинг ботар жойига — қора балчиқли булоққа борган ва қуёшни қора ботқоққа ботаётган вақтида кўрган. Зул-Қарнайдан олдин аммам Билқийс бор эди, ниҳоят унинг подшоҳлиги бир попишак (худ-худ) туфайли тугади (Бу ривоятга қараганда Зул-Қарнайн Сулаймон алайҳиссаломдан кейин ўтган подшоҳ бўлиб чиқади).

Юқорида келтирилганлардан шу охиригиси тўғрига ўхшайди, деб ёзади Беруний. Чунки, дейди у, «Зу» лақабли кишилар фақат Яманда бўлиб, бошқа жойларда учрамайди. (Зу — эга, бирор нарса эгаси, эгалик қилувчи дегани). Шу билан бирга Зул-Қарнайн ҳақидаги хабарлар **Қуръон**даги у ҳақда айтилган ҳикояга ўхшайди. Аммо икки тўғон ўртасига қурилган девор (тўсиққа) келсак, у ерни қайси жойда эканлиги **Қуръон**даги қиссада аниқ кўрсатилмаган.

Мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақидаги китобларга қараганда **Яъжуж** ва **Маъжуж** махлуқлари бешинчи ва олтинчи иқлимда яшовчи шарқ туркийларининг бир синфи бўлган деб ёзади Беруний. (Қаранг: Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар., биринчи жилд, 73-78 бетлар, таржимон А. Расулов. Тошкент. «Фан», 1968).

Лувайс Маълүфнинг 1986- йил Байрутда нашр этилган араб қомусий луғати «Ал-Мунжид» китобининг 257- бетида тарихда икки буюк подшоҳ ўтганлиги, иккаловининг номлари Искандар, лақаблари — Зул-Қарнайн эканлиги қайд этилган: «Зул-Қарнайн — катта Искандарнинг, яъни Искандар Мақдуний (Александр Македонский)нинг лақаби, иккинчи Зул-Қарнайн эса **Қуръон**да номи зикр этилган пайғамбар даражасига яқинлаштирилган адолатли подшоҳ — Искандарнинг лақаби» (Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси).

Аммо бу иккинчи Зул-Қарнайнни қаерда ва аниқ қайси йилларда ҳукмдорлик қилиб ўтганлиги тарихан ҳамон жумбоқлигича турибди.

Шахсан мен ўзим, юқорида келтирилган барча далилу таҳлилларни «тарозига солган» ҳолда, **Қуръони карим**да номи тилга олинган Зул-Қарнайн катта Искандар яъни Искандар Мақдуний (Александр Македонский) бўлиши керак, деган хулосага келдим.

Аллоҳнинг Ўзи тўғрисида билгувчирокдир!

Ана шу буюк ҳукмдор ва саркарданинг нима сабабдан Зул-Қарнайн, «Икки шоҳ соҳиби» деб аталиши хусусида яна 3 хил мулоҳаза бор.

Ривоятларда келтирилишича, унинг бошида икки кичик мугизли бўртма шоҳи бўлганлиги учун, унга Зул-Қарнайн деб ном берилган. («Қарн» арабча — мугизли шоҳ дегани). Шунингдек, қарн «аср» маъносида ҳам келади.

Бошқа бир ривоятда уни икки кокилли эди дейишган.

Яна бошқа муътабар манбада Искандар Зул-Қарнайн Ер юзининг шарқу ғарбига ҳукмронлик қилгани учун ҳам икки шоҳ эгаси деган ном олган дейилган.

Унинг бу икки шоҳи буюк қудрат соҳиби, ҳукмдорлик ва маъмурчилик тимсоли бўлган, ҳамда **Аллоҳ таоло** томонидан унга қудратли салтанат ва донишмандлик — авлиёлик ато этилган.

Зул-Қарнайн барча инсонларни яккаю ягона **Аллоҳ**га ибодат қилишликка тарғиб этган. Инсонларнинг қалбларини эгаллаб, кўп ерларни жангу жадалсиз қаламравига олган.

Ривоятларда айтилишича, Зул-Қарнайн Мағриб ерларини бирин-кетин эгаллар экан, Зулмат деган улқада ҳазрат Хизр алайҳиссалом билан бирга мангулик ҳаёт сувини қидирган.

Зул-Қарнайн кунчиқар ерларга — **Машрик**қа қўшин тортиб борганида, у ерларнинг халқлари жангсиз тобе бўлдилар ва мусулмон эканликларини изҳор қилдилар. Искандар мащриқликлардан хушнуд бўлиб, уларни иззат-икром қилади.

Машрикликлар Искандарга икки тоғнинг орқасида яъжуж ва маъжуж деган махлуқлар яшашини, ҳар йили бир маротаба келиб, улуғларини еб, яна бир қанчаларини ўзлари билан бирга олиб кетишларини, бунга қарши туришга кучлари етишмаслигини, улардан қутулиш учун улар билан ўзлари оралиғида бир баланд девор қуриб беришини ва бунинг эвазига абадий хирож тўлаб туришга рози эканликларини айтадилар.

Зул-Қарнайн **Тангри таоло** ўзига Мағрибдан то Машрикқача бўлган улкан ерларни, беҳисоб бойликларни бергани, бу уларнинг хирожидан ортиқ туришини ва бунинг учун **Парвардигор**га шукр қилишини, машрикликлар молига эса ҳожати йўқлигини, уларнинг илтимосини фақат **Аллоҳ** йўлида бажаражагини билдиради.

Бу воқеа *Қуръон*да қуйидагича тасвирланган:

«Улар: «Эй Зул-Қарнайн, ... Бизлар сенга бир (миқдор) ҳақ тўласак, биз билан уларнинг ўртасига бир тўғон қуриб берурмисан?» дедилар. У (Зул-Қарнайн) айтди: «Раббимнинг менга ато этгани (неъматлари) сизлар берадиган (мол-дунёдан) яхшироқдир. Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам беринглар, мен сизлар билан уларнинг ўртасига бир девор бино қилай». (18- «Каҳф» сураси, 94—95-оятлар).

Зул-Қарнайн **Тангри таолонинг** берган мол-дунёси, салтанатини улар бермоқчи бўлган мол-дунёларидан ортиқ ва аъло билди, шукр қилди ва мартабаси, кадр-қиммати, шаън-шавкати янада зиёда бўлди.

Зул-Қарнайннинг бу каломи барчага ибрат бўлмоғи керакки, баъзилар **Тангри таолонинг** берган неъматларига, ризқ-насибаларига шукр қилмай, нолиб, ўзларини ўққа-чўққа уриб азоб билан мол-дунёларини ҳар хил ҳаром-хариш йўллар билан янада кўпайтирмоқ пайида бўладилар, очкўзлик, юлғичлик қиладилар. Бундайлар шукр қилиш ўрнига доим нолиб юрадилар. Бундай ношукр кўрнамакларни **Аллоҳ** қандай қилиб ярлақасин, ахир?!

Шундай қилиб Зул-Қарнайн, яъжуж-маъжужлар бутун Ер юзига тарқалиб кетмаслиги учун, икки тоғ оралиғида тош ва ғиштлардан бу махлуқотлар ошиб ўтолмайдиган баланд девор қурдиради. Деворнинг ораларини мис ва темир эритиб қуйдириб мустаҳкамлатади. **Тангрининг** иродаси билан машрикликларни ва бутун башариятни бу балодан муҳофаза қилади. Бу машҳур буюк девор «Садди Искандарий» — Искандар девори деб аталди. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий шу номдаги асарига бу ҳақда батафсил манзума этган.

Бошқа бир ривоятда айтилишича, бу балолар тўрт турли: яъжуж, маъжуж, масмаъ, қимит эди. Улар ҳар куни келиб деворни тешиб ўтиш, йиқитиш учун ерни кавлашар, кемиришар, эртаси тонгда **Парвардигорнинг** қудрати билан девор яна бус-бутун бўлиб қолар экан. Улар қиёматгача шу иш билан машғул бўлишар, лекин **Аллоҳнинг** иродаси билан улар бунинг уддасидан чиқа олмас эканлар. Улар охират куни арафасида Садди Искандарийни тешиб ўтиб, Ер юзига ёпирилиб, Мобайнуннаҳр (Мессопотамия) водийсидаги Дажла ва Фурот дарёларининг бутун сувини ичиб тугатиб, учраган одамларни еб, янчиб, йўқ қилиб юборар, кейин эса осмонга қараб ўқ узар эканлар. Шундан сўнг **Аллоҳ** кўпчилигининг оғиз-бурун ва қулоқларини қурт-қумурсқалар билан тўлдириб яқсон қилиб ташлайди. Қиёмат қойим бўлишидан аввал ҳазрат Йўсо алайҳиссалом кўқдан тушиб, Имом Махдий билан биргаликда уларнинг қолганлари билан жанг қилиб, батамом қириб ташлайди.

Айтишларича, яъжуж-маъжужлар узун бўйли, кенг яғринли. қулоқлари бутун гавдасини қоплаб турадиган **Аллоҳ** яратган махлуқлар бўлиб, ухлаганида бир қулоғини тагига, бошқа қулоғини устига кўрпа сифатида ёпиб олар, шунингдек нима тўғри келса тап тортмай еяверар эканлар.

Искандар Зул-Қарнайн ҳақида маълумотлар *Қуръони каримнинг* 18- «Каҳф» сураси 83—98-оятларида тилга олинган бўлиб, улардан 83—87-оятларни келтирамиз:

«(Эй, Муҳаммад), яна сиздан Зул-Қарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтнинг: «Мен сизларга у ҳақдаги хабарни ҳозир ўқиб берурман».

Дарҳақиқат, Биз унга (Зул-Қарнайнга) Ерда мартаба бердик ва (истаган) барча нарсасига йўл (имконият) ато этдик.

Бас, у (аввал Ғарбга қараб) йўл олди.

То (кетаётиб) кун ботадиган жойга етгач, у (қуёшнинг) бир лойқа булоқ (орти)-

га ботаётганини кўрди ва (булок)нинг олдида бир қавмни учратди. Биз: «Эй Зул-Қарнайн, ё (уларни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муомалада бўлурсан», — дедик.

У айтди: «Зулм қилган кимсани, албатта, азоблагаймиз. Сўнгра Парвардигорига қайтарилгач, У зот уни янада хунук азоб билан азоблар».

Қадимги Юнон тарихчиси Плутарх ўзининг «Искандар ва Цезарь» асарида Искандарнинг бунёдкорлик ишларига жуда катта баҳо бериб, у ўзи забт этган ҳудудларда 70 дан ортиқ шаҳарлар бунёд қилганини ёзиб қолдирган. Абул Қосим Фирдавсий ҳам буни тасдиқлаб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда 10 дан ортиқ шаҳарлар қурдирганини қайд қилиб ўтган.

Тангри таолонинг иймон ва тақво соҳиби бўлган ҳабиб ва азиз бандаси Искандар Парвардигорнинг ризолиги йўлида Ер юзида ҳақни қарор топтириш учун бутун куч-ғайратини, саъй-ҳаракатини аямаганлиги боисидан уламоларнинг баъзилари уни пайғамбар, айримлари эса авлиё дедилар.

Ривоят қилишларича, Зул-Қарнайн ўлими олдидан васият қилиб, дафн маросимида тобутдан икки қўлини чиқариб қўйишларини буюрган. Бу билан у шундай улўф ҳукмдор бениҳоя бойликка эга бўлгани билан, у дунёга икки қўли очик, ҳеч нима олиб кета олмаётганига ишора қилган.

Иккинчи бир ривоятда айтилишича, у ўлими яқинлигини сезгач, онасига мактуб битган. Унда онасига насиҳат қилиб, **Тангри таолони** хоҳишига, иродасига тан бериб, фаръёд чекиб бўзламаслигини сўраган ва бу дунёда ҳеч ким абадий қололмаслигини таъкидлаган. Зул-Қарнайн мактубида онасига бир зиёфат уюштиришини ва бу зиёфатда таомларга ҳеч кими ўлмаган кишигина қўл урушини эълон қилишини сўраган.

Маълум бўлишича, бу зиёфатда бирон-бир киши таомга қўл узата олмаган. Зул-Қарнайннинг бу насиҳат — тадбири меҳрибон онасини тинчлантириш, **Аллоҳ**нинг қазои-қадарига кўниктириш эди холос.

Шундай қилиб, оламнинг яратилиши, пайғамбарлар ва азиз-авлиёлар ҳақидаги қиссача қиссамиз ҳам ниҳоясига етди.


Энди, азиз китобхон, дилкаш суҳбатдошим, пайғамбарларга нозил этилган, асосий динлар манбаи бўлган илоҳий ва муқаддас китоблар ҳамда динлар ҳақидаги суҳбатни бошлаймиз.

Биринчи қисм тугади.



И к к и н ч и қ и с м

**ИЛОҲИЙ,
МУҚАДДАС
КИТОБЛАР
ВА ДИН**



Илоҳий китоблар

«Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани (яъни ҳукмни) ўчирур ва (Ўзи хоҳлаган ҳукмни) барқарор қилур. Она Китоб (Лавҳ ул-Маҳфуз) Унинг ҳузуридадир»

(13- «Раъд» сураси, 39-оят).

Оламлар **Парвардигори Ҳақ субҳонаҳу ва таоло** ўзининг пайғамбарларига 100 саҳифа ва 4 илоҳий китоб нозил қилган. 100 саҳифадан 10 саҳифасини ҳазрат Одам алайҳиссаломга, 50 саҳифасини ҳазрат Шис алайҳиссаломга, 30 саҳифасини ҳазрат Идрис алайҳиссаломга, 10 саҳифасини эса ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломга раҳмат айлаган.

Тўрт китобнинг биринчиси — Таврот Мусо алайҳиссаломга, иккинчиси — Забур Довуд алайҳиссаломга, учинчиси — Инжил Ийсо алайҳиссаломга ва тўртинчиси — **Қуръони карим** пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга нозил бўлган.

Библия

Библия икки — «Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд» қисмлардан иборат бўлган Таврот, Забур ва Инжил китобларини ўз ичига олган яҳудий ва насроний динидагиларнинг илоҳий муқаддас китоблар тўпламидир. Шартли равишда икки қисмга ажратилган бу учала китоб умумий ном билан «Библия» (юнонча «китоблар») деб аталади.

Библиянинг биринчи қисми — «Қадимги Аҳд»га кирган Таврот ва Забур яҳудий ва насроний динидагилар учун бирдек муқаддас ҳисобланади ҳамда улар бунга эътиқод қиладилар. Библиянинг иккинчи қисми «Янги аҳд» — Инжилни яҳудийлар тан олмайдилар ва уни муқаддас ҳисобламайдилар.

Библия таркибига кирган бу уч китоб **Аллоҳ таоло** инсонларга ўзининг пайғамбарлари орқали нозил қилган илоҳий, диний кўрсатмалари, амрлари мажмуидир. **Аллоҳ таоло** бу китоблардан Тавротни — Мусо алайҳиссаломга, Забурни — Довуд алайҳиссаломга, Инжилни — Ийсо алайҳиссаломга нозил қилган.

«Қадимги аҳд» энг кўҳна — иброний ва оромий тилларида, «Янги аҳд» эса қадимги юнон ва сурёний тилларида ёзилган. «Қадимги аҳд» Ийсо алайҳиссалом туғилмасларидан — милоддан аввал, «Янги аҳд» эса Ийсо алайҳиссалом туғилганларидан кейин милодий I-II асрларда китобат қилинган. Бу китоблар дунё ва инсониятнинг пайдо бўлиш сирларини очиб беради; мавзуси ягона **Ҳақ таоло**нинг фазилатлари ва унинг одамзод билан алоқалари ҳақидадир. «Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд»даги «аҳд» сўзи **Худованд**нинг инсоният билан махсус алоқасини билдиради. **Худованд** кишиларга Библия ҳақиқатларини аста-секин тарихий тараққиёт давомида кишиларнинг маданий ва ахлоқий жиҳатдан етилиш даражасига қараб, уларнинг идроки ва тушунишларига қулай шаклда хабар қилган. Бу китоблар мазмуни оғиздан-оғизга кўчиб юрган; ёзма ҳолга келганидан кейин, бир неча бор ўзгартирилган.

Милодий 364- йили Лаодика собори христианликда илоҳий ва муқаддас деб топилган асарлардан иборат Библияни расман тасдиқлади. Унга киритилмаган ёки ундан фарқланадиган барча диний китобларни сохта деб эълон қилди ва ўқишни тақиқлади. Библиянинг ҳозирги матни XIII асрда кардинал Стефан Ленгтон унинг матнларини бобларга ажратгани ва уларга шартли ном берганидан кейин юзага келган. XVI асрда матбаачи Робер Стефан бу бобларни бандларга ажратиб, унга сўнгги тартиб рақамларини қўйган.

Библиянинг асосий кўрсатмаларидан бири кишиларни яккахудоликка тарғиб қилишдир.

Библия яҳудий ва насроний илоҳиётшунослари тафаккурининг маҳсулидир. **Қуръони карим**даги Таврот, Забур ва Инжилга ишоралар айни маҳалда Библияга қисман ва бавосита ишоралардир дейиш мумкин.

Шундай қилиб, Библия икки — «Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд» қисмидан иборат илоҳий китоблар йиғиндиси бўлиб, унинг биринчи қисми Таврот (Тора) ва Забур (Псалтир)дан ташкил топган. Иккинчи қисми эса Инжил деб аталади ҳамда Ийсо пайғамбар ва унинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Ўз навбатида, «Қадимги аҳд» 39 китобчадан иборатдир: Мусо пайғамбарнинг «Ибтидо» («Борлиқ»), «Чиқиш», «Ловийлар», «Сонлар» («Чулда») ва «Иккинчи қонунлар тўплами» китобларидан ҳамда «Ийсо Навин китоби», «Исроил ҳакамлари китоби», «Руфь китоби», «1—4-подшоҳлик» ҳақидаги тўрт китоб, «1—2-йилномалар» ҳақидаги икки китоб, Ездра, Неемия, Есфирь ва Иов пайғамбар ҳақидаги тўрт китоб, Забур, «Сулаймоннинг маталлари китоби», «Екклесиаст» ёки «Хатиб-ваъзгуй китоби», «Сулаймоннинг қушиқлар қушиги» ва 17 пайғамбар ҳақидаги 17 китоб.

Инжил — «Янги аҳд» эса 27 бўлимдан (китобчадан) иборат Ийсо пайғамбар ҳақидаги илоҳий китобдир.

Умуман айтиб утилган учала китобларга катта тарихий даврлар мобайнида ўзгартиришлар киритилавериши оқибатида, асл маъно-қиёфасини йўқотганлигидан, уларни энди илоҳий китобдан кўра, тарихий қийматга эга китоблардир, холос, дея тавсифлаш мумкин.

Таврот

Қадимги иброний тилидаги «тора» сўзидан олинган бўлиб, «қонун» деган маънони билдиради. Таврот иудаизм динининг, яъни яҳудийликнинг асосий илоҳий муқаддас китобидир. Таврот — **Худованднинг Мусо алайҳиссаломга Синай (Сион) тоғларида ваҳй қилиб юборган** илоҳий қонун китоби бўлиб, Мусо алайҳиссаломнинг илоҳий қонунларини ўз ичига оладиган беш китоби, яъни Библиянинг дастлабки китобларидир, жумладан: «Ибтидо» («Борлиқ»), «Чиқиш», «Ловийлар», «Сонлар» («Чулда») ва «Иккинчи қонунлар тўплами» китобларидан иборат, **Аллоҳ таоло** томонидан милоддан аввалги 1586-йилларда Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган. Баъзан «Қадимги аҳд»да учрайдиган китобларнинг барчасини, яъни Библиянинг биринчи 39 китобини ҳам Таврот деб атайдилар. Тавротда оламнинг яратилиши, яҳудийларнинг Мисрдан чиқиши, уларга Фаластиннинг муқаддас ер сифатида берилиши, **Худо Яҳва** томонидан уларнинг аъло халқ сифатида танлаб олиниши ва жуда кўп ерларни — Миср водийсидан тортиб то Фурот дарёсига қадар ерларни ва бутун Канъон — Фаластин ерларининг берилиши ҳақида баён қилинган.

Таврот Мусо алайҳиссаломга милоддан аввалги 1586-йилларда нозил қилинган бўлсада, у милоддан аввалги IX-VII асрларда «Мусо беш китоби» (Таврот) сифатида ёзиб олинган, милоддан олдинги V асрда китобат қилинган дейилади манбаларда.

Изоҳ: «Бытие» сўзи Библиядан ўзбекчага баъзи манбаларда «Ибтидо», баъзиларида эса «Борлиқ» деб, «Числа» сўзи «Сонлар» ёки «Чулда» деб таржима қилинган.

Тавротнинг **Тангри таоло** томонидан нозил қилинган илоҳий китоб эканлигини тасдиқловчи **Қуръони карим**да келтирилган оятлар:

«Дарҳақиқат, Мусога ҳидоят топишлари учун Китоб (Таврот)ни ато этдик». (23- «Муъминун» сураси, 49-оят).

«Сўнгра, чиройли (савобли) амал қилганларга (неъматларимизни) мукаммал бериш ва барча нарса тафсилоти учун ҳамда ҳидоят ва раҳмат бўлиши учун Мусога Китоб (Таврот)ни бердик, токи улар (Исроил авлоди) Парвардигорларига иймон келтирсинлар». (6- «Анъом» сураси, 154-оят).

«Улар (Аҳли китоблар)нинг яна бир гуруҳи сизлар Китобдан (Тавротдан) бўлмаган нарсани Китобдан деб ўйлашларингиз учун Китобни тилларини бураб (ўзгартириб) ўқийдилар ҳамда уни «Аллоҳ ҳузуридан», дейдилар. Аслида эса у — Аллоҳ ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб, Аллоҳ номидан ёлғон сўзлайдилар» (3- «Оли Имрон» сураси, 78-оят).

Абу Хурайра ривоят қиладилар: **«Китоб аҳли Тавротни ибронийча ўқиб уни**

Ислом аҳлига араб тилида тафсир қилур эрди. Жаноби Расуллоҳ (с.а.в.): «Китоб аҳлига ишонмангиз ҳам, уларни ёлгончига чиқармангиз ҳам! «Аллоҳ таолога ва ул нозил қилган барча нарсаларга иймон келтирганмиз» деб айтингизлар!», дедилар» (Имом ал-Бухорий. Ҳадис. 4-жилд, 507-бет)

Ушбу ҳадис яҳудийлар Тавротни кейинчалик ўзгартириб олганликлари сабабидан айтилгандир. Лекин шундай бўлса-да, ушбу ҳадисда пайғамбаримиз Тавротни бутунлай инкор этиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар.

Қуръони каримдан фарқли ўларок, инсонлар томонидан ўзгартирилган Таврот мусулмонлар учун ҳозир тарихий манба хусусиятига эгадир, холос.

Талмуд

Қадимги иброний тилида «ламейд», яъни «урганиш» деган маънони билдиради. Талмуд яҳудийлик (иудаизм) динининг диний кўрсатмалар тўпламидир. Талмуд (Тавротга шарҳлар) да охират, қиёмат, марҳумларнинг тирилиши ва у дунёдаги ажр ҳақида ёзилган, иудаизм диний маросимларининг меъёрлари акс эттирилган. Унда 248 та амри-маъруф (яхши ишларга ундаш) ва 365 та наҳий-мункар (ёмон ишлардан қайтариш; тақиқлаш), жами 613 та қонун-қоидалар, тарғиботлар, кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Талмудда диний қонунчилик меъёрлари — жиноий, фуқаролик ва оилавий ҳуқуқ меъёрлари ҳам ёзилган. Талмуд милoddан аввалги V—III асрларда оғзаки анъана тарзида вужудга келиб, ёзма равишда милoddий I—II асрлар давомида таркиб топди. Ўша пайтдаги дин арбоблари Тавротга тафсирлар, тушунтиришлар, изоҳлар ёза бошладилар ва бу тафсирлар милoddий 210-йилларда жамланиб, ягона Талмудни ташкил этди. Талмуднинг охирги таҳрири икки вариантда: Қуддус Талмуди милoddий III асрда, Бобил Талмуди V асрда эълон қилинди. Бобил Талмуди муътабаррок саналади.

Талмуд башарият илоҳиётшунослик илми ривожига катта ҳисса қўшган муҳим тарихий манба хоссасига эга.

Забур

Забур (Псалтир) ҳазрат Довуд алайҳиссаломга **Аллоҳ таоло** томонидан нозил этилган, милoddан аввалги 1050—900- йиллар орасида китобат қилинган. Забур «Қадимги аҳд» табаррук китоблар таркибига киради.

Забур қадимги диний-муסיқавий шеърият бўлиб, ундаги 73 сано (псалом) Исроилнинг улуғ подшоҳи ҳазрат Довуд алайҳиссалом томонидан муножот тариқасида ижро этилган. Баъзи маълумотларга қараганда, қолган санолар — алқов қўшиқларни ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг ўғли ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом ва бошқа мухлислар куйлаганлар.

Забур санолари асосан **Худовандга** бағишланган мадҳиялар, диний алқов қўшиқлар, дуолар, шукроналар, **Худовандга** илтижолар, нолаю фиғонлар, душманлар устидан шикоятлардан иборат.

Баъзи санолар Ийсо Масиҳнинг дунёга келиши, азоб чекиб ўлиши, кейин тирилиб келиб, абадий ҳукмронлик қилиши ҳақида ҳам каромат қилади.

Забурнинг бирмунча оятлари Инжилга айнан кўчирилган. Чунончи, Ийсо Масиҳ Забур оятлари асосида халққа кўп насихатлар қилган.

Забур қадимги иброний тилда «теҳеллим», яъни «санолар» дегани.

«Забур» китобининг **Тангри таоло** томонидан нозил қилинган илоҳий китоб эканлигини тасдиқловчи *Қуръони каримда* келтирилган оятлар:

«(Эй Муҳаммад), албатта Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳй юборганимиз каби Сизга ҳам ваҳй юбордик. Шунингдек, Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқуб ва унинг авлоди, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймонга ҳам ваҳй юборганмиз. Довудга эса Забур бердик». (4- «Нисо» сураси, 163-оят).

«Биз Зикрдан сўнг, Забурда: «Албатта (жаннатдек) ерга фақат Менинг солиҳ бандаларим ворис бўлурлар», — деб ёзиб қўйгандирмиз». (21- «Анбиё» сураси, 105-оят).

И н ж и л

Инжил насронийлик (христианлик) динининг асосий бош китоби бўлиб, милодий I асрнинг бошларида **Аллоҳ таоло** томонидан ҳазрат Ийсо алайҳиссаломга 30 ёшида нозил этилган. Бу китоб христиан динининг асоси бўлиб, ҳазрат Ийсо алайҳиссаломнинг (Иисус Христос) ҳаёти ва таълимоти ҳақида қадимги юнон ва сурёний тилларида битилган. Ийсо Масихнинг дунёга келиши, яшаши, ўлиб кейин тирилиши ва таълимоти тўғрисидаги «Хушхабар»дир. Инжил ана шу хушхабарни баён этувчи 27 рисоладан иборат муқаддас китоб бўлиб, Библиянинг «Янги аҳд» китоблари таркибига киради. «Янги аҳд», яъни Инжил Ийсо Масих туғилганидан кейин милодий I—II асрларда жамланиб китобат этилган.

Христианлик таълимоти дастлаб оғзаки тарқалган. Бу китобни Ийсо алайҳиссаломнинг сафдошлари — ҳаворийлар тўплаб ёзганлар. Инжилнинг бу муаллифлари Ийсо Масихни кўриб, яқиндан билганлар, унинг таълимотини синчиклаб ўрганганлар ва ўзлари тарқатганлар. Улар **Худованд**нинг Рухидан илҳомланиб, айнан **Худонинг** буюрганини Инжилда ёзиб қолдирганлар.

Инжилнинг охириги «Ваҳй» китоби — ҳаворий Юҳаннога **Худованд** йўллаган башоратдир. «Ваҳй»да охирзамонда юз берадиган мусибатлар, Ийсо Масихнинг оламга қайтиши, **Яъжуж-Маъжуж**, **Дажжол**, қиёмат, жаннат ва жаҳаннам тасвирланади.

Юнонча «Евангелион» (насронийча «Евангелие»), — «Илоҳий хабар», «Хушхабар», «Эзгу хабар» деган маъноларни билдиради.

Асл Инжил дастлаб қадимги иброний тилда ёзилган, кейинчалик юнон, латин ва сурёний тилларига бузиб таржима қилинган.

Ҳазрат Ийсо алайҳиссаломга 30 ёшида **Тангри таоло** томонидан Инжил илоҳий китоби нозил қилинди. Ийсо пайғамбар бу динни Фаластинда ёя бошлаган дастлабки йиллари яҳудийлар уни тан олмадилар. Пайғамбарга дастлаб 12 нафар балиқчи ишониб иймон келтириб эргашдилар. Улар «ҳаворийлар» (апостоллар) деб аталадилар.

Пайғамбар, **Аллоҳ таолонинг** амри билан осмонга тириклайин кутарилиб кетганидан кейин, ҳаворийлар милодий I—II асрлар давомида Инжил матнларини тўплаб, китоб холига келтирдилар. Кейинчалик эса Инжил «Библия» таркибига киритилди ва Библиянинг бу иккинчи қисмига «Янги аҳд» деб ном берилди.

Қуръонда Ийсо алайҳиссаломнинг ўлдирилганлиги рад этилган. Унда ёзилишича, бошқа биров (сотқин Иуданинг ўзи) Ийсога ўхшатиб қўйилади. Яҳудийлар уни қоронғуда Ийсо деб ўйлашиб, бақиртириб, чақиртириб хочга парчинлаб ташлашади. Ийсони эса **Аллоҳ Ўз** ҳузурига кўтаради.

Бу ҳақда **Қуръони карим**нинг 4- «Нисо» сураси, 156—158 оятларида: «**Яна куфрлари ва Марям (шаъни)га айтган улкан бўҳтонни гапирганлари сабабли, шунингдек, Аллоҳнинг пайғамбари — Ийсо Масих ибн Марямни биз ўлдирдик, деган гаплари туфайли (жазоладик). Ҳолбуки, уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат (бошқа бир киши Ийсога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта, унинг тўғрисида баҳслашганлар у ҳақда шубҳададирлар. Уларда гумонга эргашшишдан бошқа бирор (тўғри) маълумот йўқ. Аниқки, уни ўлдирмаганлар. Балки, уни Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтарди. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир**», — дейилган.

Ийсо алайҳиссалом, Идрис алайҳиссалом каби, **Аллоҳнинг** амри билан олий мақомга — осмонга кўтарилиб кетади. Ийсо пайғамбарнинг издошлари — ҳаворийлар таъқиб остига олиниб, икки томонлама: ҳам фарзий ҳам саддуқий мазҳабидаги яҳудийлар ва бутпарастлар зулми остида қолишади. Шу сабабдан улар ҳар томонга тарқалиб кетишади ва натижада Ийсо алайҳиссаломга ваҳй бўлган ҳақиқий Инжил тўпланмади, сақлаб қолинмади. Ўрнига Ийсонинг ҳаётига доир бир неча китоблар ёзилди; инсон тафаккури маҳсули бўлган бу китоблар Инжил дейилди. Ана шу китоблардаги маълумотлар бир-бирига тўғри келмас, бири бошқасини ёлғонга чиқарар эди.

Ана шундай хиёнаткор қўллар билан яратилган «Инжил»лар сони кўпайиб кетгач, насронийлар 30 та Инжилдан 4 тасини олиб қолиб, уларга ҳам маълум бир ўзгартиришлар

киритиб, қолганларни инкор этишиб, йўқ қилиб ташлашга мажбур бўлишган.

Асл Инжил **Аллоҳ таоло** тарафидан Ийсо алайҳиссаломга юборилган ҳақ бир китоб бўлган.

Шундай қилиб, милодий 313- йили Папа Буюк Константин буйруғига кўра 4 та Инжил китоби қабул қилиниб, қолганлари устидан «сохта» деган ҳукм чиқарилди.

Бу тўрт Инжил Ийсо динига оид муқаддас диний китоб бўлишидан ҳам кўра кўпроқ черковлар тарихи бўлиб қолди. Бу Инжиллар ҳаворийлардан **Матто**, **Юҳанно** ҳамда уларнинг талабалари **Лука** ва **Маркослар (Матфей, Иоанн, Лука, Марк)** томонидан ёзилган. **Матто** ўзининг Инжил китобини Ийсо алайҳиссалом вафотларидан саккиз йил кейин ёзиб қолдирган.

Юҳанно Инжили ёзилмасидан аввал, Ийсо алайҳиссалом дини **Мусо** алайҳиссалом динидан ажралмаган эди. Юҳанно Инжили уларни бир-биридан ажратадиган ўзгаришлар киритди. Демак Ийсо алайҳиссаломнинг насронийлик дини **Мусо** алайҳиссаломнинг яҳудийлик динидан ажралиб чиққан.

Ҳазрати Ийсодан кейин христианлик ўз қиёфасини тамомила ўзгартирди. Қадимги юнонларнинг ва қадимги римликларнинг бутпарастлик ғоялари унга сингдирилди. Ҳиндистонликлар ва қадимги мисрликларнинг «уч тангри» эътиқоди Инжилга ўзгаришсиз кўчирилди. Хуллас, асл илоҳий дин ботил эътиқодга айланиб қолди.

Христианликда «**Ота, Ўғил** ва **Рух ул-қудс**»дан иборат учлик «ягона **Худованд**»ни ташкил этади. Бу эътиқодга кўра, қодири мутлақ «**Ота**» самода — салтанат мақомида. «**Ўғил**» унинг ўнг томонида. «**Рух ул-қудс**» эса чап томонида. Лекин буларнинг учаласидан иборат бўлган **Худованд (Бог)** ягонадир. Яъни «**Ота**» ҳам **Худо**, «**Ўғил**» — Ийсо ҳам **Худо**, «**Рух ул-қудс**» — **Жаброил** ҳам **Худо**. (Баъзи ўринларда «**Рух ул-қудс**»нинг ўрнига Биби **Марям** киритилган).

Ваҳоланки, ҳазрати Ийсо пайғамбарлик даврида таълим берган динда бутун оламларнинг яратгувчиси яккаю ягона **Аллоҳ** ҳақида сўз юритган эди. Христианликда эса бу ғоя ана шундай учликка «айлантириб» юборилди.

Қуръони каримнинг 5- «**Моида**» сураси 72, 73 ва 75- оятларида «**Аллоҳ бу — Масих ибн Мариям**», деганлар ва «**Аллоҳ учтанинг — Аллоҳ, Марям ва Ийсонинг ёки Ота, Ўғил ва Муқаддас Рухнинг (Жаброил а.с.) биридир деганлар кофир бўлдилар. Ягона илоҳ — Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, Ийсо фақат Аллоҳнинг расули — элчисидир. Агар улар бу ботил гапларидан қайтмасалар уларга аламли азоб етиши муқаррардир**» дейилган.

Инжилнинг **Аллоҳ таоло** томонидан нозил қилинган илоҳий китоб эканлиги ҳақида **Қуръон**да қуйидаги оятлар нозил қилинган:

«**Уларнинг изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда издош қилиб юбордик ва унга Инжилни — ичида ҳидоят нури билан суғорилган, ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат (манбаи) қилиб бердик. Токи Инжил эгалари ундаги Аллоҳ нозил этган нарсалар (оятлар) билан ҳукм қилсинлар. Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар, ана ўшалар фосиқлардир**». (5- «**Моида**» сураси, 46 — 47-оятлар).

Қуръони каримнинг арабчадан русчага энг янги таржимасини бажарган, машҳур арабшунос олима, моҳир таржимон **Иймон Валерия Порохова** таржима изоҳида қуйидаги тарихий, диний маълумотларни келтириб ўтган:

«**Библия**» нинг биринчи «**Аҳд ул-Қадим**»қисмида, **Яъқуб-Исроил** авлодлари билан **Худо** таоло ўртасида гўё улар «танлаб олинган», «сийланган» халқ деб аҳднома тўзилган. Яҳудийларнинг милоддан аввалги III асрда Мисрнинг Искандария шаҳрида ана шу яҳудийлар Библияси — «**Септуа—гинта**» китоби юнончага ўгирилиб, юнонлаштирилди. Бу китоб кейинчалик илк христианларнинг ҳам муқаддас китоби бўлиб қолди.

Ана шу «**Септуа—гинта**» китобини насроний ва кумронлардан иборат яҳудий ва христианларнинг бирлашган сектаси, баъзи мунофиқ роҳиблар, мутаассиб фарисейлар, риекор

садуқийлар, диндан қайтган муртадлар томонидан ўзгартиришлар киритилгани натижасида, **Худои** таолонинг айрим амрлари маънолари бузилиб кетганлиги учун, «Ахд ул-Қадим» қисман ўз кучини йўқотган деб, ўзлари билан **Худои** таоло ўртасидаги ахдни янгиловчи (Ийсо Масих замонида) «Янги ахд» тузилди, деб эълон қилганлар. Дастлабки христианлар «насонийлар» («назореи») деб аталганлар. Улар яхудий христианлари бўлиб, «Христиан» (Масих) атамаси кейинроқ Сурия, Антиохияда пайдо бўлган. Тўртинчи асрда яшаб ўтган тарихчи Феодоритнинг ёзишича, ўша насронийлар авлиё Пётр инжилига эътиқод қилувчи, Ийсони **Худонинг** ўғли эмас, балки уни пайғамбар деб билувчи қавм бўлганлар.

Эрамизнинг етмишинчи йилларида Иерусалимнинг қулашидан кейин ёзилган бу Инжил ибронийлар ва насронийлар Инжилни бирлаштирувчи умумий Инжил бўлиб қолди ва у авлиё Пётр Инжили ҳамда унинг «Қиёматнома» (Апокалипсис) китобига асос бўлди. Бу Инжил эрамизнинг III асригача, яъни христианлик яхудийликдан мустақил дин сифатида ажралиб чиқиш давригача амал қилиб келди.

Христианларнинг биринчи Инжил китоби қадимдаги иброний (еврей) тили бўлмиш— оромий (арамей) тилида ёзилган эди. Мусулмонлар маъқуллайдиган, авлиё Барнабо (Варнава) томонидан арабча ёзилган «Барнабо Инжили»нинг манбаи ана шу Инжилга бориб тақалади (кейинчалик бу Инжил Черков кўрсатмаси билан йўқ қилинган). Кейинроқ эса бу Инжил азалдан «серхудо» бўлган юнонлар—қадимги греклар тилига ўтирилиб «юнонлаштирилди». Бу ҳол Инжилнинг софлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Аста-секин Ийсо пайғамбар илоҳийлаштирила бошланди ва уни **Худонинг** ўғли деб Инжилга учлик ғоялари—Ота Худо, ўғил Худо, Руҳ ул-Қудс, киритилди. 1966-йили Иерусалимда нашр этилган бир илмий рисолада ҳам христианларнинг биринчи Инжили қадимги ибронийлар тили— оромий ёзувида битилгани, сўнг уни греклар юнонлаштиргани айтилади. Инжилнинг кейинги таржималари ана шу юнонча таржимадан амалга оширилган»,— деб ёзади В. Порохова.

Библиянинг бу «Янги ахд» қисмига Ийсо пайғамбар шогирдлари (хаворийлар)—Матфей, Лука, Марк ва Иоанларнинг Ийсо Масих ҳақидаги хотиралари, унинг ҳаёти, қилган ваъзу насихатлари ва таълимоти акс эттирилган тўрт Инжил—Муқаддас хушхабарлар киритилди. Лекин, бир жихатдан олганда, агар улар Ийсо пайғамбар сўзларини ўзгартирмай ёзган бўлсалар, эътироф этиш керакки, пайғамбарнинг яхшилик, эзгулик, ҳалол ва пок яшаш кераклиги ҳақидаги сўзлари ваҳй орқали айтилгани учун муқаддас, илоҳий сўзлар деб ҳисобланади. Аммо Матфей, Лука, Марк, Иоанлар Ийсо Масихни пайғамбар демасдан «Господь»— «Эгам», ёки «Худонинг ўғли» деб аташлари Қуръони каримда **Аллоҳ** таоло томонидан қаттиқ қораланади (Каранг: 4- «Нисо» сураси, 17-оятга).

Бу куфр сўзларини улар ёзганми ёки улардан кейинги ўзбошимчаларми, бу ҳанузгача ноаниқ қолган.

Буюк олмон мутафаккири, олим, шоир, Германия императорининг яширин маслаҳатчиси, Масих қавмига мансуб бўлган машхур шоир Иоганн Вольфганг Гёте бу ҳақда Ийсо-Масихни сохталаштириб, уни Худога тенглаштирилиши, турли-туман Черков идораларининг ташкил қилиниши, Ийсо-Масихнинг асл ғояларига хиёнатдир, деган. У ўз фикрини қуйидаги мулоҳазаларга асослаган:

— «Емакхўрликни ҳаддан зиёд купайтирган, таъмагир роҳиблар йиғилиб олган Черков ташкилотининг тузилиши диндорларни Тангри таолодан узоқлаштиради. Бунинг устига Черков гуноҳ иш қилганларни мул-қўл хайр-эҳсонлар эвазига кечириб юборишни ўз зиммаларига олиб, кишиларни **Худо** йўлига эзгу ишлар қилишдан ҳам, яхшиликлар ҳисобига гуноҳлари кечирилишига ишончдан ҳам узоқлаштиради. Иймон-эътиқод иши фақат вақтида Черковга бориб, неча марта ибодат қилишга, руҳонийларга совға-салом, хайр-эҳсонлар беришга, васият ёзганда Черков манфаатларини ҳам қушиб кетишга боғлиқ қилиб қўйилди. Черков: «Мана шу совғалар, хайр-эҳсонлар билан гуноҳларингиз кечирилади, гуноҳларингизни **Худо** эмас, балки Унинг вакили бўлмиш мана биз кечирамиз, тавбаларингизни қабул қилиш, қилмасликни биз хал қиламиз», деб диндорларни ҳақ йўлдан адаштиради. Гуё жаннатдаги жойлар тақсимоти Черков руҳонийларига топширилгандек! Черков ва унинг хизматчилари **Худонинг** ишини ўз зиммаларига олиб, инсонларнинг гуноҳларини кечириш ёки кечирмаслик масаласини хал қилишлари мумкинлиги манти-

қан олганда ҳам кулгили туюлмайдими?

Черков ташкилоти, булар билан қаноатланиб қолмасдан, қўлларини янада узоқроққа чўздилар. Дин-амал қаттиқ талаб қилингани учун Яъқуб ва Пётр Инжиллари кейинчалик Библиядан чиқариб ташланди. Масихийлик дини ман этган гуноҳ ишларни ўз қавмлари ичида бемалол қилинишига йўл очиб берди. **Тангри** таоло ҳаром қилган нарсани ҳалол ва, аксинча, ҳалолни ҳаромга чиқардилар. Шунини ўзи уларни кофир бўлишларига етарли бўлди. Масалан, Библияда ҳам бут-санамларга, суратларга чуқинманг, сажда қилманг, ҳақ билан ноҳақни, ҳалол билан ҳаромни фарқига бормай қолмаслик учун, вино ва бошқа кайф қилдирувчи ичимликлар (хамр) ичмангиз, чўчка гўштини асло емангиз, ҳатто унинг жасадига ҳам қўл теккизмангиз, ўғил болалар хатна қилинсин, деб ёзилган бўлса-да, улар буни зиддини қиладилар. Ичкилик ичадилар, чўчка гўштини паққос туширадилар, ўғил болаларини хатна қилмайдилар, яъни Парвардигор амрига итоат этмай қўйдилар. **Худои** таоло қолиб, бут, санам, хоч ва Ййсо, Биби Марйам, ҳаворийлар, авлиёлар суратлари—иконаларга чуқинадилар, ушалардан ялиниб-ёлвориб, илтижо қилиб, мадад сўрайдилар, уларга тавбатазарру қиладилар. Ваҳоланки, бу ишни улуғ гуноҳ эканлиги ҳақида Библиянинг «Иккинчи қонунлар тўплами», 4-боб, 16-19 ва 23 оятлари ҳамда 5-боб 7-9 оятларда аниқ ва равшан қилиб ёзиб қўйилгандир. Шунингдек ичкилик ичмаслик ҳақида Библиянинг «Ловийлар» бўлими, 10-боб, 9-ояти, чўчка гўштини ҳаром этилгани Библиянинг «Ловийлар» бўлими 11-боб, 7-ояти ва «Иккинчи қонунлар тўплами» бўлими, 14-боб, 8- оятларида, **Парвардигори** оламнинг яккаюягонлиги ва фақат **Унга** эътиқод қилиш кераклиги «Иккинчи қонунлар тўплами» бўлими, 6-боб, 4-оятида аниқ-таниқ ёзилган бўлса-да, улар бунга амал қилмай қўйдилар.

Ана шундай гуноҳ ишларга чек қўйиш учун, ҳамда Қуръони карим нозил қилиниши арафасида инсоният ниҳоятда залолат ботқоғига ботиб кетганлигидан, Таврот, Забур ва Инжил илоҳий китобларини инкор этмаган ҳолда, фақат улардаги дастлабки, асл, бузилмаган шариатларни қайта тикловчи Қуръони карим нозил қилинди. Демак, бу сўнгги илоҳий китоб Ер юзида яшовчи барча халқлар учун дастуриламал бўлиб қолди, деб ёзади В.Порохова. (Қаранг: Коран. Перевод смыслов и комментарии В.Пороховой. Дамаск-Москва. «Просветительский Центр Аль Фуркан», 1995. 664-762 бетлар).

Шу ўринда мени безовта қилаётган бир фикрни мулоҳоза ва муҳокама учун уртага ташламоқчиман. Бугунги кунда Библия, яъни Таврот, Забур, Инжил китоблари ҳамда Қуръони карим дунёнинг деярли барча асосий тилларига таржима қилиб бўлинган. Уларни миллионлаб эмас, балки миллиардлаб одамлар ўқиганлар ва ҳозиргача ўқимоқдалар. Хўш, нима учун бизнинг халқ бундан бебаҳра ва беҳабар қолиши керак? Нима учун шунча одам билган нарсаларни бизнинг халқ билмаслиги керак? Шўролар даври тугаб кетганига мана ўн икки йилдан ошиб кетган бўлса-да, нима учун Библия ҳанузгача ўзбекчага тўлиқ таржима қилиниб, нашр этилмаган ва у тегишли ўқув юртлари, олийгоҳларда ўқитилмайди?

Ҳозирги интернет ва информатика алоқалари такомиллашган компьютерлар асрида, янги минг йилликнинг бошланиш даври бўлган бугунги кунларда, оқ билан қорани оқиллик билан ажрата оладиган бугунги зукко ёшларимиз нима учун бу борада бошқалардан бир қадам орқада юриши керак?

Энг қадимги тарихий манба бўлган Библияни тўлиқ ўзбекчага ўгириб диний, тарихий билим олаётган талабалар учун динлар ва муқаддас китоблар тарихи дарслиги сифатида тавсия этилиб ўқитилса, Қуръони карим билан муқояса қилиниб, шубҳали, ўзгартирилган бўлиши эҳтимоли бор бўлган жойларини биргаликда муҳокама этилса, талабаларнинг диний ва тарихий билимлари ортиб, иймон-эътиқодлари бундан ҳам мустаҳкамланмайди-ми? Улардан беҳабар бўлган, олийгоҳларни битирган ёшларимиз қандай қилиб ўзларини «олий маълумотли»ман дея олар экан? Ана шундай мавзуларда сўз кетганда, бошқа диндагилар билан ўзаро савол-жавоб бўлиб қолганда, ёшларимиз оғизларига толқон солиб олишлари керакми? деган саволлар мени безовта қилади.

Шаҳсан менинг ўзим бу китобларни ўқиб, бир-бирига таққослаб, таҳлил қилиб чиқиб, иймон-эътиқодим тушунган ҳолда минг карра ортиб кетди, десам ҳато қилмаган бўламан. Буни яқин кунларда Аллоҳ сизларга ҳам насиб этсин деган тилакни тилаб, бу мавзуга нуқта қўйдим.

Тавротдаги айрим атамаларнинг қисқача изоҳи

Библия (юнонча «китоблар» деган маънони англатади) — «Қадимги аҳд» — Таврот ва Забурни, «Янги аҳд» — Инжилни ўз ичига олган яҳудийлик ва насронийлик динининг муқаддас китоблар тўплами.

Қадимги Аҳд — Инжилда ёзилишича, Ийсо Масих келишидан олдин **Худованд** Исроил халқи билан тузган битим ва бу битимнинг шартномасини таърифловчи 39 рисоладан иборат муқаддас китоб; Таврот, Забур китобларини ўз ичига олади. Умуман, «Қадимги аҳд» Таврот деб ҳам юритилади.

Янги Аҳд — Инжилга кўра, **Худованд** барча одамзод билан тузган, Ийсо Масихнинг гўё гуноҳкорлар ўрнига қурбон бўлиб тўккан қони асосида кучга кирган абадий тинчлик битими ва бу битимнинг шартларини ўз ичига олган муқаддас китоб; Инжилнинг бир номи.

Таврот (Тора) — **Худованд** Мусо пайғамбарга нозил қилган илоҳий қонунлар китоби, яъни Библия таркибига киритилган дастлабки беш китоб: «Ибтидо» (Борлик), «Чиқиш», «Ловийлар», «Чўлда» (Сонлар) ва «Иккинчи қонунлар тўплами»дир.

Таврот таркибига кирган матнлар оғзаки тарзда милоддан аввалги XI—VI асрлар оралиғида шаклланган, V асрда эса ёзиб олинган.

Тавротга ёзилган шарҳлар, яҳудийлик дини қонун-қоидалари «Талмуд» ҳам деярли минг йиллар давомида шаклланган. «Талмуд»нинг охириги икки таҳрири — Қуддус Талмуди милодий III, Бобил Талмуди эса V асрда эълон қилинган.

Забур («Псалтир») — ибронийча «Техиллим», яъни санолар (псаломлар) деган маънони англатади; 150 «сано»дан иборат қадимий диний шеърят; Таврот китоби билан бирга «Қадимги аҳд»нинг табаррук битиклари таркибига кирган; Довуд алайҳиссаломга нозил қилинган.

Инжил (юнонча «эвангелион», яъни «хушхабар», «эзгу хабар») — Ийсо Масихнинг дунёга келиши, яшаши, ўлиб тирилиши ва унинг таълимоти тўғрисидаги муқаддас пайғом, хушхабар ва бу хушхабарни баён этувчи 27 рисоладан иборат тўпلام; Библиянинг «Янги аҳд» қисмига киритилган. Инжил Ийсо алайҳиссаломга нозил қилинган.

Аҳд сандиғи — олтин билан қопланган ёғоч сандик; қадимги ибронийларнинг «Шаҳодат чодир»да, кейинроқ маъбаднинг Муқаддаслар Муқаддаси деган жойида сақланган; **Худованд** Тавротнинг «Ўн амри»ни иккита тош лавҳага ўйиб, Мусо пайғамбарга туширган ва бу лавҳалар Аҳд сандиғида сақланган.

Шаҳодат чодир — Бани Исроилнинг (Исроил ўғилларининг) чўлда кўчманчилик қилиб юрган даврларидаги чодирсимон маъбади; Қуддусда маъбад қурилгунга қадар, жойдан-жойга кўчириб олиб юрилган.

Муқаддас — асосий маъноси «ажратилган», яъни ҳар қандай ғубор ва айб-гуноҳдан ҳоли демақдир. Халқ ўртасида истеъмолда ишлатиладиган маънолари: — азиз, табаррук, юксак, олий, шарафли, ардоқли ва ҳоказолар. Масалан: муқаддас жой, макон, муқаддас Ватан, муқаддас мақсад, муқаддас бурч, муқаддас иш, муқаддас орзу, муқаддас китоб (азиз ва табаррук маъносида). Қадимги халқларнинг асосий диний китоблари ўзлари учун муқаддас, азиз ва табаррук саналган.

Муқаддаслар — бошда «Шаҳодат чодир»да сақланган. Қуддусда маъбад қурилгандан кейин ундаги «муқаддас макон»нинг ички, энг муқаддас бўлмаси, хонаси; унда «Аҳд сандиғи» сақланган.

Маъбад — яҳудийларнинг Қуддусдаги ҳашаматли бош ибодатхонаси; «**Худованд**нинг уйи»; милоддан аввалги X асрларда ҳазрат Довуд алайҳиссаломнинг ўғли Сулаймон алайҳиссалом томонидан қурилган; милоддан аввалги 586- йилда Бобил кўшинлари хароб қилган, кейин яна қайта қурилган; милодий 70- йилда Рим кўшинлари уни яқсон қилган; ҳозиргача тикланмай қолган.

Сомийлар Нух пайғамбарнинг тўнғич ўғли Сом (Сим)дан тарқалган авлодлари, энг қадимги халқлар. Яъни Сомнинг ўғиллари Элам (Елам), Ассур, Арпахшод (Арфаксад), Луд, Арам ва ҳоказолардан тарқалган халқлар сомийлар деб аталган.

Ибронийлар (ибрийлар, еверлар, еврейлар) — Нух пайғамбарнинг чевараси, Сомнинг эвараси бўлган Ибр (Евер) авлодлари ва ундан тарқалган халқлар ибронийлар — ибрийлар, еврейлар деб аталганлар.

Бани Исроил — Исроил фарзандлари, Яъқуб (Исроил) алайҳиссалом авлодларидан вужудга келган халқ, қавм Бани Исроил — Исроил авлодлари дейилган. Бу қавм Иброҳим алайҳиссаломнинг невараси, яъни Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли, милоддан аввалги 2020 —1873- йилларда яшаб ўтган Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломдан тарқалган. Исроил давлати милоддан аввалги 928- йилда иккига ажралиб кетгунга қадар бу авлоднинг ҳаммаси Бани Исроил — Исроил авлодлари деб келинган.

Яҳудийлар, яҳудийлик — юқорида кўрсатилган ибрий, иброний халқи ва динининг кейинги янги номи. «Яҳудий» сўзи Иброҳим а.с.нинг эвараси, Исҳоқ а.с.нинг невараси, Яъқуб алайҳиссаломнинг тўртинчи ўғли бўлган Яҳудо (Иуда) номидан олинган. Бу халқ, юқорида кўрсатганимиздек, Бани Исроил, Исроил фарзандлари, Исроил авлодлари деб аталиб келинган. Ундан олдин эса ибрийлар, ибронийлар (евер, еврейлар) деб аталганлар, чунки улар Нух алайҳиссаломнинг чевараси, Сомнинг эса эвараси бўлмиш Ибр (Евер)нинг авлодлари бўлганлар.

Ибронийлар ва яҳудийлар подшоҳлигига асос солган унинг биринчи ҳукмдори Саулдан кейин бўлган ҳукмдор Довуд алайҳиссалом барча кўчманчи Исроил қабилаларини бирлаштириб ташкил қилган «Исроил подшоҳлиги» милоддан аввалги 928-йилда Сулаймон алайҳиссаломдан кейин тахтга ўтирган унинг ўғли Ровоам даврида иккига — «Жанубий Яҳудия» ва «Шимолий Исроил» подшоҳлигига бўлиниб кетгандан кейин, дастлаб Яҳудия давлатида яшовчи халқлар — яҳудийлар (иудейлар) деб, Шимолий Исроил подшоҳлигида яшовчилар илгаригидек «Бани Исроил» (Исроил фарзандлари) деб аталган эдилар.

Шундан кейин Шимолий Исроил давлати милоддан аввалги 722- йилда ағдарилиб, улар жанубий вилоят — Яҳудияда марказлаштирилганидан кейин, Бани Исроилнинг ҳаммаси умуман «яҳудийлар» (иудейлар), дини эса «яҳудийлик» (иудаизм) деб ном олган.

Яҳудо — Иброҳим алайҳиссаломнинг эвараси, яъни Исҳоқ алайҳиссаломнинг невараси, Яъқуб алайҳиссаломнинг тўртинчи ўғли Яҳудо (Иуда) милоддан аввалги 1900—1800-йиллар атрофида яшаган. У пайғамбар бўлмаган, балки У Юсуф алайҳиссаломнинг ота бир (Яъқуб—Исроил), она бошқа акаси, ўз қабиласининг бошлиғи бўлган.

Пасха — яҳудийларнинг Миср асоратидан қутулиш кунини нишонлашга бағишланган улўф байрами. Тавротда ёзилишича, Исроил ўғиллари Мисрда қул бўлиб яшаган вақтларида **Худованд Ўзининг** ўлим фариштаси Азроилни юбориб мамлакатдаги ҳар бир тўнғич фарзанднинг жонини олган, фақат уй бўсағасига қурбонлик қўзининг қонини суртиб қўйган Бани Исроилни аяб жонини олмаган, уларни озодликка чиқарган. Бу синоатни эслаш учун махсус зиёфат тайёрланади, сўйилган қурбон қўзиси ва хамиртурушсиз, тузсиз ёпилган нон ейилади.

Исроил — 1) Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли Яъқуб алайҳиссаломга гўё **Худованд** берган янги исм. Маъноси «**Худо** курашади» ёки «**Худо** билан курашган». 2) Яъқубнинг 12 ўғлидан келиб чиққан қабилалар иттифоқи ва шу қабилалардан ташкил топган халқ ва унинг ўлкаси. 3) Милоддан аввалги 928- йилда Исроил давлати иккига бўлингандан кейин Шимолий подшоҳлик — Исроил, Жанубий подшоҳлик — Яҳудия деб атала бошланган. 4) Ҳозирги Исроил Давлати.

Бобилдаги сургун — милоддан аввалги 586—512- йилларда, яъни 74 йил давом этган сургун даври. 586- йилда Бобил подшоҳи Навуходонсор яҳудийларнинг пой-

тахти Куддусни босиб олиб, шаҳарни вайрон қилган ва аҳолини Бобилга сургун қилган.

Канъон (Ханаан)— Фаластиннинг эски номи. **Худованд** Иброҳимга ваъда қилган мамлакат; илгари Нух алайҳиссаломнинг ўғли Хомнинг ўғли Канъон наслидан бўлган бутпараст халқларнинг ери бўлган.

Манна — чулда оч қолган Исроил халқини тўйдириш учун **Худованд** томонидан 40 йил давомида юбориб турилган самовий егулик.

Нажот — **Худованд**нинг қазабидан қутулиб, гуноҳкорнинг айбдан фориг бўлиб абадий ҳаётга эришиши.

Хатна — баъзан суннат ҳам дейилади. Библияда яҳудийлик белгиси. Тавротда **Худованд** Иброҳимга: «Янги туғилган ҳар бир ўғил болангиз саккиз кунлигида хатна қилинсин», деб буюриб исроилликлар билан аҳдлашган. Инжилга кўра, Ийсога ишонган ғайрияҳудийларнинг суннат бўлиши фарз эмас. Ҳозир айрим насронийлар буни диний буйруқ деб эмас, балки тиббий ва гигиеник сабаблардан қиладилар.

Хаворийлар (юнонча «апостол», яъни юборилган) — Ийсо алайҳиссаломнинг махсус сайлаб олган ва Инжил хушxabарини ёйишга юборилган 12 нафар элчилари, муридлари.

Саддуқийлар (саддукеи) — Тавротдан фақатгина Мусонинг беш китобини маъқуллаган, охират, қиёмат, жаннат, жаҳаннам, жин-фаришта каби тушунчаларни рад қилган қадимги яҳудийлар мазҳаби.

Фарзийлар (фарисеи) — яҳудийликнинг фарз ва суннатларини ўта синчковлик билан адо этган қадимги ўта мутаассиб мазҳаб вакиллари.

Сион (Синай) — Тур тоғи (Тури Сино) Куддус шаҳрига яқин жойлашган тепаликлардан бирининг номи, биринчи маъбад ўша ерда қурилган; рамзий маънода «**Худованд** макони», «**Худованд** даргоҳи». Синай деб ҳам юритилади. Бу ерда Мусо алайҳиссаломга Таврот нозил бўлган ва ундан кейин ўтган пайғамбар Довуд алайҳиссаломнинг қароргоҳи жойлашгани учун ҳам бу тоғ табаррук, муқаддас деб ҳисобланган. «Сионизм» сиёсий оқимининг номи ҳам ана шу тоғ номидан олинган.

Антисемитизм — яҳудийларни таъқиб этиш, уларга нисбатан душманлик муносабати.

Юдофоб — яҳудийларга қарши ва уларга адоват кўзи билан қаровчи шахс.

Юдофил — яҳудийларга хайрихоҳ, уларга яхши кўз билан қаровчи шахс. Юдофобнинг зидди.

Яҳва — Библиянинг «Қадимий аҳд» қисмида учрайдиган яҳудийлар **Худосининг** номи. Иудаизмда унинг номини тилга олиш ман этилган. Ўрнига «Адонай» (Менинг **Парвардигорим**) деб ўқийдилар ва гапирадилар.

Яҳва калимасининг маъноси ҳозиргача ноаниқ қолган. Бу сўз, эҳтимол, «мавжуд бўлмоқ» феъли билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Яҳва дастлаб милоддан аввалги 1900-йилларда яшаган Яъқуб (Исроил) алайҳиссаломнинг тўртинчи ўғли Яҳудо (Иуда) бошчилигидаги қабиланинг худоси бўлган.



Қуръони карим

«Мана бу Биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашигиниз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсизлар». (6- «Анъом» сураси, 155-оят).

Аллоҳ таолонинг пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламга ваҳй қилган, Ер юзидаги бутун башариятга юборган охирги диний кўрсатмалари тўпламидир.

Қуръони карим Ислом динининг асосий илоҳий, муқаддас китобидир. **Азимушшаън Қуръон Аллоҳнинг** каломи (каломуллоҳ) бўлиб, унинг ҳар бир каломи **Аллоҳ** тарафидан сўзма-сўз нозил этилган ва ҳазрати Жаброил алайҳиссалом орқали пайғамбаримизга етказилган. **Аллоҳ таоло** тарафидан охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган бу сўнгги китоб то қиёмат-қойим бўлгунга қадар, инсонлар орасида абадиян амал қилади.

Қуръони карим ва Ислом дини муайян қабила, халқ, элатларга юборилган бўлмай, балки бутун башариятга, Ер юзидаги барча халқларга нозил этилган.

Азимушшаън Қуръоннинг нозил қилиниши — ваҳй қилиб юборилиши муқаддас рамазон ойининг йигирма еттинчи куни кечаси бошланган. Шунинг учун ҳам бу ой муқаддас ҳисобланиб, руза тутилган куннинг йигирма еттинчи кечаси «Лайлат ул-Қадр», яъни қудрат кечаси, илоҳий қудрат намоён бўлган табаррук кеча деб улуғланади.

Қуръонда Ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрлари, инсон учун фойдали бўлган, ҳар бир замонга тўғри келадиган ва қиёматгача ўзгармайдиган ҳикматли ҳукмлар ёзилган. **Қуръони каримнинг** асосий мавзуси ва мақсади башарият тафаккурида кўпхудоликка барҳам бериш, яккахудоликка тарғиб қилиш ва Ислом динини ўрнатишдир.

Қуръони мажид 23 йил давомида нозил этилди. Арабистон яримороти ва унинг теварагидаги тарихий воқелик шароитида бу ҳолнинг ўзиёқ илоҳий мўъжизадир.

Расулulloҳнинг амрларига мувофиқ Қуръон ҳар хил ҳажмдаги 30 пора (булак, қисм), 114 сурага бўлинди ва 77439 калима, 325743 ҳарфдан иборат 6236 оят жойлаштирилиб, ҳар бир сурага ном берилди. Қуръоннинг охирги ояти пайғамбар вафотларидан 18 кун аввал нозил бўлди. Қуръоннинг биринчи сураси — «Фотиҳа», охирги бир юз ўн тўртинчиси «Ан-нос» сурасидир.

Қуръондаги суралар маккий ва мадиний сураларга бўлинади. Жумладан, 86 сура, 4780 оят Маккада 610 — 622 йилларда, 28 сура, 1456 оят Мадинада 622 — 632- йилларда нозил бўлган.

Қуръон Расулulloҳ томонидан ҳали жам қилиниб тўплам ҳолига келтирилмаган эди. Расулulloҳ вафот этган вақтларида **Қуръон** саҳобалар, қори-хофизлар томонидан тўлиқ ёд олиниб, хурмо пўстлоқларига, тоштахталарга, тери ва бошқа нарсаларга ёзиб қўйилган эди. Ўша даврларда **Қуръонни** тўлиқ ҳолда ёд олган саҳоба-хофизлардан 30 киши санаб ўтилган. Расулulloҳнинг 24 нафар ваҳй ёзувчи котиблари бўлган. Улар навбатма-навбат котиблик қилганлар. Расулulloҳ мирзаларидан энг машҳури Зайд ибн Собит разийаллоҳу анҳудир.

Пайғамбаримиз даврларида **Қуръонни** тўплам, муқоваланган қилиб жам қилинмаган-лигининг сабаби Расулulloҳ **Қуръоннинг** баъзи ҳукмларига, унинг тиловатига бекор қилувчи оятлар ёки яна янги оятлар келиб қолармикан деб кутганларидадир. Зотан, илк **Қуръон** муфассири ҳам ҳазрати пайғамбарнинг ўзларидир.

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом ўқиш-ёзишни билмаганлар. Ул зот **Қуръон** оятларини фаришта Жаброил алайҳиссаломдан эшитиб, ёд олганлар ва саҳобаларига айтиб, ўқитиб, уқтириб турганлар, улар эса ёдлаб олганлар. Пайғамбаримиз ҳар бир янги оятни қайси сурага тааллуқли эканлигини ва ўрнини котибларга тушунтириб турганлар. Қуръон суралари шу тариқа 23 йил давомида ёд олинган ва хатга битилган.

Қуръони карим тарихан уч маротаба жам қилинган. Биринчи маротаба пайғамбаримиз замонида, иккинчи маротаба халифа Абу Бакр Сиддиқ даврида ва учинчи маротаба халифа Усмон зуннурайн вақтида Бани Қурайш қироатида (лахжасида) жамланиб китоб ҳолатига келтирилган.

Қуръони карим халифа Усмон фармонига мувофиқ арабча куфий хатда олти нусха ёзилган. Уларнинг бештаси қурайш қироати билан ўқишни ўргатадиган қори-хофизлар билан бирга Макка, Шом, Басра, Куфа ва Мадинага юборилган. Охиргисини ҳазрати Усмон ўзлари учун олиб қолганлар. Ана шу олтинчи китоб устида ҳазрати Усмон шахид бўлдилар ва муборак қонлари **Қуръон** саҳифаларига тўкилди.

Халифа Усмон **Қуръон**ини Амир Темур Басрадан Самарқандга келтирган. 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори Константин фон Кауфман буйруғи билан подполковник Серов уни Петербургга олиб кетди.

Мазкур Қуръон иккала тарафига ёзилган 353 varaқ — 706 бетдан иборат бўлиб, varaқлар бўйи 68 сантиметр, эни эса 53 сантиметр.

1917- йилдаги давлат тўнтарилишидан кейин, Петербургда тузилган Ислom шўроси ташкилотининг талаби ва Лениннинг 1917- йил 9-декабрда чиқарган фармойиши билан бу **Қуръон** Россия мусулмонларига қайтариб берилди: Уфа диния нazorати қароргоҳида 1924- йилгача сақланди. Шундан кейин Туркистондаги тарихий музейлар ва қадимий осори атиқалар иши бўйича тузилган қўмитанинг талабномаси ва Россия ҳукуматининг қарорига асосан халифа Усмон **Қуръони** 1924- йил 18-августда зўр тантана билан Туркистон мухтор жумҳурияти пойтахти — Тошкентга олиб келинди: ҳозиргача азим Шошда авайланиб, эъзозланиб кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Ҳа, азимушшаън **Қуръон** асрлар давомида мусулмонларнинг азиз китоби бўлиб келди, бирор кимса унга тузатиш кирита олмади, зарар етказа билмади. Бу ҳақда **Аллоҳ таоло**нинг махсус ояти нозил қилинган: «**Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагаймиз**». (15- «Ҳижр» сураси, 9-оят).

Уламоларнинг таърифи бўйича **Қуръони карим**нинг:

жони — таҳорат;

боши — басмала (бисмиллоҳ);

онаси — «Фотиҳа» сураси;

қуръони — «Оят ал-Курсий»;

қалби — «Ёсин» сураси;

келини — «Ар-Раҳмон» сураси;

қулфи — «Ихлос» сураси;

тожи — «Мулк» («Таборақ») сурасидир ва ҳоказо.

Аллоҳ каломи, Ислomнинг асосий хужжати бўлган азимушшаън **Қуръон** мусулмонларнинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ягона қўлланма, доимий йўлбошчиси бўлиб хизмат қилиб келди. Бутун оламлар низоми сифатидан абадиян шундай қолгусидир, иншоаллоҳ.

Қуръони карим жумлаларига бирон-бир ўзгартириш киритиш, биронта ҳарфини, ҳатто ҳарфлар белгиси — зер-забарини ҳам ўзгартириш мумкин эмас, қатъиян тақиқланган; айни маҳалда бундай ўзбошимчаликлар беҳудадир.

Қуръон таълимотининг марказий ғояси яккаю ягона **Аллоҳ** тўғрисидаги таълимотдир. Шунингдек, унда иймон, **Аллоҳ**га ишонч, оламнинг яратилиши, фаришталар, пайғамбарлар, охират-қиёмат, қайта тирилиш, қазои қадар, Ислom динининг асослари ва бошқа диний кўрсатмалар белгилаб берилган. Ундаги ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий меъёрлар Ислom динининг қонунлар мажмуаси — шариатга асос қилиб олинган.

Қуръони карим махлуқ ёки махлуқ эмаслиги шарҳи

Қуръони карим, яъни **Каломуллоҳни** (**Аллоҳ**нинг сўзи, каломи) Ислom уламоларининг айримлари махлуқ (яратилган), баъзилари эса махлуқ эмас (яратилмаган) дея кўпдан

бери мунозара қилиб келадилар.

Ҳар бир мўмин, мусулмон яхши билиб, тушуниб олиши лозимки, бу масала Ислому эътиқодининг энг муҳим жиҳати бўлиб, *аҳл ас-сунна вал-жамоа* ақоиди бўйича қуйидагича талқин этилади:

Каломи шариф — **Каломуллоҳ Аллоҳ** таолонинг азалий сифати бўлиб, бу сифат унинг эгаси бўлмиш **Аллоҳ** зотидан ажралмасдир. Яъни у **Аллоҳ**нинг узидек азалий ва абадийдир. Демак, **Каломуллоҳ Аллоҳ**нинг сифати бўлгани боис у махлуқ эмас, яъни яратилмаган.

Агар сифатни махлуқ дейдиган бўлсак, сифат яратилмасдан аввал **Аллоҳ таоло** бу сифатдан холи бўлган бўлур эди. Ваҳоланки, бу ботил эътиқоддир ва бу сифат махлуқ эмас.

Пайғамбар алайҳиссалом **Каломуллоҳ**ни овоз ва ҳарф билан **Жаброил** алайҳиссаломдан эшитган бўлсалар, бу овоз ва ҳарфнинг ҳар иккиси ҳам махлуқдир. Агар пайғамбаримиз **Каломуллоҳ**ни беовоз ва беҳарф эшитган, билган десак, беовоз ва беҳарф эшитмоқ ва билмоқ ақлга ва мантиққа тўғри келмайди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга оят нозил қилмоқни ирода этиб, бизга мавҳум бўлган йўл, восита билан уни **Жаброил** алайҳиссаломга билдирган ва **Жаброил** алайҳиссалом **Аллоҳ**дан олган каломни маъносига эга бўлиб билиб олган. **Аллоҳ таоло** ўз амрларини **Жаброил** алайҳиссаломга овоз ва ҳарф билан баён қилган эмас, бизга мавҳум бўлган йўл, восита орқали билдирган, бинобарин, **Аллоҳ**нинг амрлари **Жаброил** алайҳиссаломга махлуқ бўлмаган.

Жаброил алайҳиссалом бу амрларни Муҳаммад алайҳиссаломга овоз ва ҳарф воситаси ила арабий тилда етказган. Шунда **Аллоҳ**нинг амрлари, сўзлари — **Каломуллоҳ** «махлуқ»дек, яъни яратилгандек бўлиб қолади. Демак, ҳозирги қоғозга ёзилган, муқовага ўралган **Каломуллоҳ** эмас, балки **Каломуллоҳ**нинг қолипидир. Унинг воситаси билан **Каломуллоҳ** англашилади ва фаҳмланади. Чунки ёзув сўзнинг қолипидир, сўз эса маънога қолипдир. Инчунин, ҳақиқий **Каломуллоҳ** маънодир, у азалий сифати туфайли махлуқ бўлмайди.

Аммо **Каломуллоҳ**ни тиловат қилишдаги сўзи, яъни ҳарфи ва овози қоғозга ёзилгани, китоби махлуқдир, яратилгандир, унинг маъноси махлуқ эмасдир (яратилмаган), азалий ва абадийдир.

Шундай қилиб, ҳозирги китоб ҳолига келтирилган **Қуръони карим** махлуқ бўлиб, унинг маъноси махлуқ эмас, азалийдир. (Қаранг: Жавоҳир ул-хикоёт. Тошкент, «Ёзувчи», 1992, 73—76-бетлар).

Қуръони мажидда инсониятнинг этник бўлиниши, ижтимоий табақаланиши, миллатчилик инкор этилади. **Аллоҳ** наздида барча тенгдир. Инсонлар **Аллоҳ таоло** томонидан миллати, бойлиги, мансаби, имтиёзи ва ҳоказоларга қараб эмас, балки уларнинг қилган яхши ёки ёмон амалларига қараб илоҳий ажрга ҳукм қилинадилар.

Муаззам **Қуръон**ни етти араб шеvasи билан етти хил қироат билан ўқиш мумкин. Ҳозирги вақтда **Қуръон** асосан икки хил қироат билан ўқилади: бири Имом Ҳафс ривояти билан Имом Осим қироати, иккинчиси Имом Варш ривояти билан Имом Нофеъ қироати. Бобо юртимиз Мовароуннаҳрда Имом Осим қироати билан ўқилади.

Қуръони карим тавсифи

Аллоҳ таолонинг бутун башариятга юборган охириги илоҳий китоби **Қуръони карим** — бир талай мўъжизалар ва сирларни ўзида мужассамлаштирган муқаддас ва дахлсиз битик бўлиб, унинг ҳарфларида ва калималарида раҳмоний тафаккур билан ҳисобга олинган ҳикматлар бор. Шунинг учун **Қуръон**ни том маънода таржима қилиш бениҳоя қийин. Рўёбга чиқарилган бир қанча таржима, угирмалар эса асл маънога яқинлашиш мақсадида қилинган бир ҳаракатдир, холос.

Яна шу нарсани билиш муҳимки, **Қуръони карим**даги араб тили мустақил, ҳозирги арабчадан фарқ қилувчи ўзига хос араб тилидир. Ҳам лирик, майин оқувчи услуби ва ўта илмийлиги бунга далилдир. Овоз чиқариб ўқилганда осон тушунилади ва қироат жараёнида янгидан-янги маънолари очилаверади.

Муҳташам **Қуръон Аллоҳ таоло** илмининг араб тилида берилишидир. Унинг калималари маълум бир оҳангга тушадиган бичимда танланган, айна маҳалда ҳар бир калима ва унинг маъносига кўп яширин сирлар юкландир. **Азимушшаън Қуръон**нинг оҳанги мустақил илоҳий муъжизадир. **Қуръони карим**нинг мазмунини билмаганлар ҳам жоиз қироат билан ўқилганда унинг оҳанг гузаллиги таъсирида асл маънога яқинлашиб қоладилар.

Жуда кўп инсонлар шу оҳанглар далдасида сўнгги нафасларини олиб мангуликка кўчганлар.

Қуръонни шартли равишда бамисоли Лавҳ ул-Маҳфуздек илоҳий компьютер десак, бу ҳарфлар ана шу компьютернинг арабча код рақамлари моҳиятидадир. Лавҳ ул-Маҳфуз гўё биздаги компьютерга ўхшаш, у коинот ҳақиқатлари ёзилган компьютер тизими десак унчалик янглишмаймиз.

Биз «Илоҳий илм компютери»ни билмаганимиз учун, табиийки, бу код рақамларида яширинган билим хазинасини очиб, ҳикматларнинг барисини тўлиқ ўрганишга ожизмиз, албатта.

Қуръонда ҳар оятнинг, ҳатто ҳар калима ва ҳарфнинг бир ҳикмати, сири бор. Бу ҳикматлар кўпинча бир ҳикоятнинг ичида яширингандир. Баъзан шу ҳикоятлар **Қуръон**нинг бошқа оятларида қайтарилади. **Қуръон** услубини билмаганлар буларни такрор деб ҳисоблайдилар.

Деярли барча сураларнинг номлари шу сура ичидаги тушунилиши қийин бўлган оятларга калит вазифасини бажаради.

Қуръондаги 114 суранинг 29 таси араб алифбосидаги «алиф», «лом», «мим», «сод», «ро», «қоф», «ҳо», «ё», «айн», «то», «ҳа», «син», «нун» ҳарфлари кўринишидаги шифрлар билан бошланади. Бу ҳарфлар оятлардир, яъни илмий шифрлардир. Уларнинг асл маъноси ёлғиз **Аллоҳ таолонинг Ўзига**гина аён.

Қуръондаги «**Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм**» калимаси ҳам бир оят ҳисобланади ва бу калима жами 114 сурадан 113 сура аввалида келади. «Тавба» сураси бундан мустасно.

Қуръон коинот ҳақиқатлари, қонун-қоидаларининг математик тизимида арабчада туширилиш ҳодисаси бўлиб, унда физик, математик, биологик ва квант механикасига оид муъжизалар ҳам яширин акс эттирилгандир. Бундан ташқари, **Қуръони карим**да парите (жуфтлик) назариялари ва квант (заррот) қонунларидан тортиб, то жисмларнинг тортишув кучига қадар бўлган барча муҳим қонун-қоидалар ҳам изоҳлаб берилган.

Маълумки, «парите» лотинча атама бўлиб, жуфт-азвож деганидир. Жамики борлиқлар зид жуфтлар ҳолида яхлит яратилишини ифода этган «парите қонуни» барча физик қонунларнинг негизида ётган бир ҳақиқатдир. Кундалик ҳаётимизда «парите»ни қўпол равишда фақат электрнинг мусбат-манфийсида (+ ва —) магнитнинг шимол — жануб қутбларида деб тушунаемиз. Парите — зид жуфтлар, яъни мусбат — манфий, шимол — жануб, ғарб — шарқ, кеча — кундуз (зулмат — зиё), яхшилик — ёмонлик (эзгулик — ёвузлик), сув — олов, ҳул — қуруқ, ёз — қиш, йиғи — қулгу, қаттиқ — юмшоқ, эркак — урғочи (эр — хотин), тараққиёт — таназзул (прогресс — регресс), жозиба (тортишув) — итариш, энергиянинг қуюлиши ва сўрилиши, ибтидо — интиҳо, жаннат — дўзах, иссиқ — совуқ, оғир — енгил, катта — кичик, узоқ — яқин, роҳат — азоб ва ҳоказолар кўринишида бўлади. Ҳатто сонлар ва арифметик амаллар ҳам бир-бирига зид жуфтларни ташкил қилади: тоқ — жуфт, 1 — 2, 3 — 4, 5 — 6.., қўшув — олув, кўпайтирув — бўлув.

Дарҳақиқат, тафаккур қилиб кўрилса, бу оламда ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилганлиги маълум бўлади: Қуёшнинг жуфти — Ой, Ернинг жуфти — осмон, кундузнинг жуфти — тун, бу дунёнинг жуфти — у дунё, яъни охират ва ҳоказолар.

Ана шу мантиққа кўра, у дунё — охират борлиги ҳам барҳақдир. Ёлғизлик, тоқлик фақат **Ўзига** — **Аллоҳ таоло**гагина хосдир.

Дунёнинг, ҳаётнинг, бутун Борлиқнинг ана шу қонун асосига қурилганлиги **Қуръони карим**нинг 36- «Ёсин» сураси, 36-оятда айтиб ўтилган:

«Ер ундирадиган нарсалардан, (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Аллоҳ)га тасбеҳ айтилув».

Қуйидаги икки оятда ҳам шу ҳақда уқдирилади:

«Сизлар эслатма олишлариингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик». (51- «Ваз-зориёт» сураси, 49-оят).

«У Ерни ёйиб қўйган ва унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотдир. У Ердаги ҳар бир мевани иккитадан — жуфт-жуфт (яъни эркак-урғочи) қилиб яратди. У кеча билан кундузни қоплайди. Албатта, бу (мисоллар)да фикр юритадиган қавм учун аломатлар бордир». (13- «Раъд» сураси, 3-оят).

Бинобарин, бу оятларда жуфт тушунчасига инсоннинг ўзи (эркак — аёл) ва инсон билмайдиган бошқа зид жуфтлар ҳам назарда тутилмоқда. Инсоннинг ўзи ҳам икки ёқлама бир-бирига зид тузилишга эга. Моддий тузилишга асосланган нафс доимо дунёга, беҳуда ишларга ва унинг натижаси бўлган дўзахга майл этаверади; илоҳий асосга таянган руҳ эса, аслига, яъни **Аллоҳга** қовушувни орзу қилади ва улар ўртасида кураш кетади. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, инсон ўзида икки зид қувват курашиб турган бир бутун борлиқдир.

«Парите» ҳақиқати биз билмаган, ерга хос бўлмаган бошқа ўлчамдаги коинотлар ичида ҳам ҳукм суришини билдиради. Мабодо **Аллоҳнинг** бу қонуни бўлмаганида эди, оламдаги жамийки моддалар, нарсалар бир-бирига ёпишиб, коинот тоқ бир жисм ҳолига келарди. Ёки, аксинча, тарқалиб, сочилиб кетарди.

Коинотнинг ва дунёдаги барча нарсаларнинг мувозанати ўзаро тортишув (жозиба) ва итариш кучи билан сақланади. **Аллоҳ Ўзининг** ана шу қонунига биноан инсониятни ҳам ҳар бир ишда мувозанатни сақлашни, ўртача йўл тутишни, ўртача ҳаёт кечиришни буюради.

Қуръони каримнинг қўйидаги оятлари орқали **Аллоҳ таоло** инсонларни ва оламларни нима учун ва қай йўсинда яратганлигини маълум қилмоқда:

«Биз осмон ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги нарсаларни ўйнаб (беҳуда) яратганмиз йўқ. (21- «Анбиё» сураси, 16-оят).

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим». (51- «Ваз-зориёт» сураси, 56-оят).

«Биз уларни фақат Ҳақ (жиддият) билан яратганмиз. Лекин уларнинг аксарияти билмаслар». (44- «Духон» сураси, 39-оят).

«Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик». (54- «Қамар» сураси, 49-оят).

«(У) осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратди. (Мушриклар) келтираётган ширкдан У юксакдир» (16- «Наҳл» сураси, 3-оят).

«(Биз) осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ (ҳикмат) билан яратдик. Қиёмат ҳам, шаксиз, келгувчидир. Бас, (шундай экан, сиз жоҳилларнинг азиятларига сабр қилинг ва уларни) чиройли юз ўгириш билан тарк этинг!» (15- «Ҳижр» сураси, 85-оят).

«Бизнинг фармонимиз фақат биргина («Бул», деган сўз)дир. (Муддати) кўз юмиб очгунчадир». (54- «Қамар» сураси, 50-оят).

Хуллас, **Қуръони карим** Аллоҳ таолонинг буюк мўъжизасидир. **Аллоҳ** аҳаддир; барча нарсаларни кузатиб тургувчи қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир.

Қуръон гулшани

Азиз суҳбатдошим! Энди **Қуръони азимушшаън**нинг ҳар бир муслим ва муслималар билиб қўйиши зарур бўлган турли мавзудаги қизиқарли ва фойдали бўлган ояти карималари билан сизни таништириб ўтишни лозим деб топдим. Оятлар одатдагидек **Қуръони карим** таржимасидан айнан келтирилмоқда:

«Ким Аллоҳга иймон келтирганидан кейин (яна қайтиб) кофир бўлса, (ҳолига вой!). Лекин кимнинг қалби иймон билан хотиржам ҳолда (куфр калимасини айтишга) мажбур қилинса, у бундан мустаснодир. Аммо кимки кўнглини куфрга

очса, бас, у (каби)ларга Аллоҳ (томони)дан ғазаб ва улкан азоб бордир!». (16- «Наҳл» сураси, 106-оят).

И з о ҳ: *Ислом шариатиға мувофиқ, фақат ўз ихтиёри билан куфр йўлини танлаб олган кимсаларғина кофир бўладилар.*

«Сизларга не бўлдим, мунофиқларга нисбатан икки гуруҳ (бўлиб олдингизлар)?! Ҳолбуки, Аллоҳ уларни қилмишлари туфайли (олдинги ҳолларига) қайтарди. Аллоҳ адаштирган кимсаларни ҳидоятга солмоқчимисизлар? Кимни Аллоҳ адаштирган бўлса, унга сира йўл (чора) топа олмассиз! (4- «Нисо» сураси, 88-оят).

«Ҳар бир жон (эғаси) Аллоҳнинг изни билангина муҳлати белгилаб қўйилган битик (ажал) етганда ўлади.

Ким дунё савоби (ўлжа)ни ирода қилса, унга ўшандан берурмиз. Ким охират савобини ирода қилса, унга (ҳам) ўшандан берурмиз. Шукр қилгувчиларни, албатта, мукофотлаймиз». (3- «Оли Имрон» сураси, 145-оят).

«Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотгувчидир! Сўнгра Бизга қайтарилурсизлар. Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур.

Албатта, Аллоҳ барча нарсани билгувчидир». (29- «Анкабут» сураси, 57; 62-оятлар).

«Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) йўқки, унинг ризқи (таъминоти) Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса! (У) унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб (Лавҳ ул-Маҳфуз)да (ёзилган)дир». (11- «Худ» сураси, 6-оят).

И з о ҳ: *Бу оятдаги аниқ Китобдан мурод Лавҳ ул-Маҳфуздир. Лавҳ ул-Маҳфуз коинотдаги ўтган, ҳозир мавжуд ва келажакда бўладиган барча воқеа, ҳодиса ва нарсалар битилган ўчмас Лавҳ, яъни Аллоҳ таолонинг билимидир.*

«Осмон ва заминдаги ҳар бир сир аниқ Китобда (Лавҳ ул-Маҳфузда) мавжуддир» (27- «Намл» сураси, 75-оят).

«Сизга қандай яхшилик етса, у Аллоҳдандир. Сизга қандай нохушлик етса, у ўзингиздандир. Сизни одамларга пайғамбар қилиб юборганмиз. Гувоҳликка (эса) Аллоҳ (Ўзи) етарлидир». (4- «Нисо» сураси, 79-оят).

«(Эй инсонлар), сизларга не мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир. Яна У кўп (гуноҳларни) афв этиб турур». (42- «Шўро» сураси, 30-оят).

«Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур). Кимки (бир) ёмон (гуноҳ) иш қилса, фақат ўша (гуноҳ) микдорида (бир гуноҳига яраша) жазоланур. Уларга зулм қилинмағай». (6- «Анъом» сураси, 160-оят).

«Ҳар бир жон эғаси устида (уни сақловчи ва амалларини) ёд олгувчи (фаришта) бордир. Бас, инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин! (У) отилиб чиқувчи бир сувдан яралган! (У «сув» эса) отанинг пушти камари ва онанинг кўкрак суягидан чиқур». (86- «Ториқ» сураси, 4—7— оятлар).

Унинг (инсоннинг) олдида ҳам, ортида ҳам таъқиб қилгувчи (фаришталар) бўлиб, улар Аллоҳнинг амри билан уни муҳофаза қилиб турурлар. Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (яхши ҳолатни ношукрлик билан ёмон ҳолатга) ўзгартирмагунларича, улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирилмас. Аллоҳ бирор қавмга ёмонликни раво кўрса, бас, уни қайтариб бўлмас ва улар учун Ундан ўзга ҳоким йўқдир». (13- «Раъд» сураси; 11-оят).

И з о ҳ: *Бирон қавмнинг аҳволи ёмон томонга ўзгарар экан, бунга сабаб устларидаги зolim ҳокимгина эмас, балки уларнинг ўзлари Ҳақ йўлидан озганларида ҳамдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ушбу ҳадислари юқоридаги оятга ҳамоҳангдир: «Ўзларингиз қандай бўлсангиз, устингизга шундай ҳоким келур».*

«Улар ўзларига тажовуз қилинганда (унга, қарши курашиб) голиб бўладиган зотлардир». (42- «Шўро» сураси, 39-оят).

И з о ҳ: Бошқа динларда «Ўнг юзинга урсалар, чап юзингни ҳам тутиб бер» қабилда золимларга мутелик тарғиб қилинса, Ислом дини бўйича ҳақиқий мўмин зулму зуравонликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиб, голиб бўладиган кишидир. Зотан, золимнинг зулмидан қўрқиб ҳақсизлик, адолатсизликка қарши тура олмаган одамнинг иймони комил, етук иймон эмасдир!

«Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) амр этдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди. Уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (битар). (Биз инсонга буюрдикки): «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин! Қайтишлик Менинг ҳузуримгадир!» (31- «Лукмон» сураси, 14-оят).

«Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу ҳукм) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир. Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир. Ҳеч кимга тоқатидан ортиқ (масъулият) юкланмайди. Болалари туфайли ота ҳам, она ҳам зарар кўрмасин!» (2- «Бақара» сураси, 233-оят).

И з о ҳ: Шариат ҳукмига кўра, она агар ўзи истамаса, боласини эмизишга мажбур қилинмайди. Балки эр бирор эмизувчи энагага ҳақ тўлаб эмиздириши лозим бўлади. Юқоридаги боласи сабабли она зарар тортмасин деган гапнинг маъноси — она, ўзи хоҳламаса, эмизишга мажбур қилинмайди деганидир. Энди бола сабабли ота зарар кўрмасин дегани — унга хотин томонидан тоқатдан ташқари талаблар қўйилмасин, деган маънони уқтиради.

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб тукқандир. Унга ҳомиладорлиги ва уни (сутдан) ажратиши (муддати) ўттиз ойдир. Бас, қачонки, у вояга етиб, қирқ ёшга тўлганида: «Эй Раббим, менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган солиҳ амални қилишга мени муваффақ этгин ва мен учун зурриётимни ислоҳ эт! Албатта, мен Сенга (гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта, мен мусулмонлардандирман», — дейди». (46- «Аҳкоф» сураси, 15-оят).

«Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари (Исломга) ошно қилинувчилар, (ҳақ тўлаб озод этилувчи) қуллар, қарздорларга ва Аллоҳ йўлида (жиход ёки ҳажга кетаётганларга) ҳамда йўловчи, мусофирларга бериш Аллоҳ (томони)дан фарз (этилди). Аллоҳ илмли ва ҳикматли (зот)дир». (9- «Тавба» сураси, 60-оят).

«Ўлимтик, қон, чўчка гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди, илло (шаръан) сўйганингиз (ҳалол)дир.

Яна бут-санамларга атаб сўйилган ҳайвонлар (гўшти) ва фол чўпларидан қисматингизни иташингиз (ҳам ҳаром қилинди). Бу ишингиз фосиқликдир... Кимки, гуноҳга мойиллигидан эмас, балки очарчиликда (мазкур ман этилган нарсалардан ейишга) мажбур бўлса, албатта, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир». (5- «Моида» сураси, 3-оят).

«У сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (қатъий) ҳаром қилди. Аммо, зулмкор ва тажовузкор бўлмасдан, заруратан (танглик юзасидан) истеъмол қилса, унинг гуноҳи йўқдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ кечиримли ва раҳмлидир». (2- «Бақара» сураси, 173-оят).

И з о ҳ: Биров буткул иложсиз қолганда ҳаром қилинган нарсалардан бирон нарсани саломат қолиш учун ўлмагудек миқдорда еса, гуноҳкор бўлмайди. Пайғамбаримиз бу тўрт нарсадан ташқари, эшак гўштини ейишдан ҳам қайтарганлар.

«Эй, иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан ўзга уйларга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз! Мана шу сизлар учун яхшидир. Зора, (бу гапдан) эслатма олсангизлар.

Бас, агар у (уй)ларда ҳеч кимни топмасангизлар, унда то сизларга изн берилмагунча уйларга кирмангиз! Агар сизларга «қайтинглар» дейилса, қайтиб кетаверинглар!

Шу сизлар учун энг тоза (йўлдир). Аллоҳ қилаётган ишларингизни билгувчидир» (24- «Нур» сураси, 27—28-оятлар).

Қуръони каримда ичкилик ҳақида тўртта оят келган:

1. «Хурмо ва узумларнинг меваларидан эса ароқ ва гўзал (ҳилол) ризқ олурсизлар. Албатта, бунда ҳам англайдиган қавм учун аломатлар бор» (16- «Наҳл» сураси, 67- оят).

И з о ҳ: Бу оят нозил қилинган пайтда ароқ ҳануз шаъран ман этилмаган эди. Шундан кейин ичкилик ҳақида яна уч оят келган бўлиб, улар қуйидагичадир:

2. «Сиздан май (маст қилувчи ичимлик) ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У иккисида катта гуноҳ ва одамлар учун (баъзи) фойдалар бор. Иккинчисининг гуноҳи фойдасидан каттароқдир»... (2- «Бақара сураси, 219-оят).

И з о ҳ: Ислом дастлаб ўша пайтларда одат тусига кириб қолган бу ҳаром нарсаларни мусулмонларнинг қўлларидан тортиб олишдан олдин уларни кўнгилларида тортиб олди.

3. «Эй, иймон келтирганлар! Токи гапираётган гапларингизни (ўзларингиз) биладиган бўлгунларингизча, маст ҳолларингизда намозга яқинлашманглар!...» (4- «Нисо» сураси, 43-оят).

И з о ҳ: Бу оятда намоз ўқиш пайтида маст ҳолда бўлмасликка буюриш билан Қуръон унинг ҳаром нарса эканлигига ишора қилиб, унга нисбатан мўминларда нафрат уйғотмоқда.

Навбатдаги, тўртинчи ва охириги оятда ичкилик узил-кесил ҳаром деб эълон қилинади. Шариятнинг барча ҳукмлари ана шу сўнгги оятга асосланади:

4. «Шайтон май ва қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди! Бас, энди (бундан) тийиларсизлар?!» (5- «Монда» сураси, 91-оят).

И з о ҳ: Қуръон одатдагидек бу нарсаларни қуруқдан-қуруқ ҳаром дейиш билан кифояланмай, нима сабабдан ҳаром қилинганини ҳам баён қилади. Бу ҳукм Қуръондаги арақ, қимор ҳақидаги охириги ҳукмдир, мусулмонлар мана шу ҳукмга амал қилишлари фарздир.

«Эй Пайғамбар, хотинларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг хотинларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ташлаб олсинлар!

Мана шу уларнинг (ким эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яхши (услубдир). Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир». (33- «Ахзоб» сураси, 59-оят).

И з о ҳ: Ушбу оят икки мақсадни кўзда тутди. Исломдан олдин оқсоч, чўри, хизматкор аёллар очиқ-сочиқ юраберар эдилар. Биринчидан, бу оят оилали, озод, ҳур аёлларни улардан фарқлашга ва, иккинчидан барча хотин-қизларни, эркакларни шаҳват тугеъидан фитна ҳисларини қўзғотмасликлари учун, шарият буюрган тартибда беркитиб юришлари керак бўлган авратларинигина тўсиб юришларига даъват этади. Баъзи бир аёллар фақат икки кўзинигина очиқ қолдириб, рўдапо бўлиб, ҳаммаёқларини буткул ўраб-чирмаб ташлашлари ёки паранжи остига бутунлай бурканиб, беркиниб юришлари ҳам ҳаддан ташқари ортиқча, кераксиз амаллардандир. Очиқ-сочиқ юрмасликда ҳам маълум бир ўртача меъёр бўлиши керак, албатта.

Ҳазрати пайғамбаримиз замонларида сеҳргарлик жуда ривожланган экан. Сеҳргарлар кўпайиб, уларнинг айримлари ҳатто ўзларини пайғамбар деб эълон қилишгача борганлар. Шунда **Тангри таоло** икки фариштасини юборади. Улар одамларга турли сеҳрларни ўргатишиб, сеҳргарлик ўрганиш мумкин бўлган нарса экани, пайғамбарлик эса ёлғиз **Тангри** тарафидан берилишини аниқлаганлар.

Ана шу хусусда 2- «Бақара» сурасининг 102-ояти нозил бўлган:

«(Улар), яна Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Сулаймон кофир эмас эди, лекин одамларга сеҳр (жоду)ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. (Икки фаришта): «Биз фақатгина синов (воситасимиз, бизга ишониб), кофир бўлиб қолма», — деб (огоҳлантирмагунча) ҳеч кимга (сеҳрни) ўргатмас эдилар. Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганар эдилар. Лекин, улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар. (Хуллас), ўзларига фойдасиз, балки зарарли нарсаларни таълим олардилар. (Аллоҳнинг китобини сеҳрга) алмашганларга охи-ратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз (насиба)ларини қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!»

Шу ўринда динимиздаги энг улуғ воқеа — қайта тирилиш ҳақида *Қуръони карим*да нақл этилган «Асҳоб ул-Каҳф», яъни «Ғор эгалари» қиссасини батафсил хикоя қиламиз.

*Муфассирларнинг ёзишлари*ча, «Асҳоб ул-Каҳф» қиссаси қуйидагича бўлган экан: *золим шоҳ, Рим императори Дақёнус (ёки Даққиюнус, грекча Диоклетиан. 243—316) одамларни бутларга ибодат қилишга мажбур қилар, амрига бўйинсунмаганларни эса ўлдирар экан.*

Кунлардан бир кун унга фуқароларидан бир неча йигитнинг бутларни қўйиб, яккаю ягона **Тангри таоло**га ибодат қилаётганликларини етказишади. *Дақёнус* уларни чақиртириб, бу ишлари учун уларни ўлдириб юборишга кўзи қиймаганини ва уларга эрталабгача ўйлаб кўришларига муҳлат берганини айтади. Йигитлар ўзаро маслаҳатлашишиб, тун қоронғусида шаҳарни тарк этишади. Йўлда уларга ўша ерлик бир чўпоннинг «Қитмир» лақабли ити ҳам эргашади. Тонга яқин улар бир тоққа етиб боришиб, катта горга кириб яширинадилар.

Эрталаб шоҳ ўз аскарлари билан уларнинг ортидан тушиб, ўша гора оғзига яқинлашади. Лекин аскарлар унга киргани қўрқадилар. Шунда *Дақёнус* уларга горадаги йигитлар очлик ва ташналикдан қирилиб кетишлари учун гора оғзини беркитиб ташлашни буюради. Лекин **Тангри таоло** Ўзининг садоқатли бандаларини ҳалок бўлишдан сақлайди — уларни узоқ уйқуга чўндиради. Уйғонганларида, орадан уч юз йил ўтган эди. Бундан беҳабар йигитлар бир кун, ярим кун ухладик деб ўйлайдилар ва ораларидан битталарини яширинча шаҳарга егулик харид қилиб келиш учун жўнатадилар. У йигит бозорга келиб таом сотиб олиб, ёнидаги тангани узатганида, сотувчи ҳайрон бўлиб: «Бу *Дақёнус*дан қолган танга-ку, бирон ердан хазина топиб олдингларми?» деб сўрайди. Йигит ҳам ҳайрон бўлиб: «Ҳеч қандай хазина топиб олганим йўқ, бу менинг қавмим ишлатадиган оддий танга», деб жавоб қилиб, *Дақёнус*га нима бўлганини сўрайди. Бу орада тўпланиб кетган одамлар унинг аллақачон ўлиб кетганини айтишиб, йигитни подшоҳ олдига олиб борадилар. Бу шоҳ мўмин, солиҳ киши эди. Шоҳ йигит ва ўртоқлари бошидан кечирган воқеаларни эшитгач, аскарлари ва шаҳар аҳли билан ўша гора оғзига борадилар.

Ичкаридаги йигитлар *Дақёнус* бизни олиб кетгани келди шекилли, деб ўйлашиб, ўлим олдидан сўнги бор ибодат қилиб олишга тутинадилар. Подшоҳ ва унинг одамлари горга киришиб, уларни ибодат устида кўрадилар ва намозларини тугатгунларича кутиб турадилар. Сўнг подшоҳ йигитларнинг ҳар бири билан қучоқлашиб, йиғлашиб кўришиб, уларнинг бошларидан кечган саргузашт **Аллоҳ таоло** бандаларини қиёмат кунинда ҳисоб-китоб қилиши учун қайта тирилтириши ҳақ эканига бир оят-аломат эканлигини айтади.

Тарихда ўтган Диоклетиан **Қуръонда Дақёнус тарзида зикр этилган.**

Носириддин Рабъузий еор соҳибларини беш нафар, олтинчилари итлари эканлигини айтади. Уларнинг исмлари: Тамлихо, Исиг Мино, Мартолус, Сарриниус, Зу Анас, итларининг лақаби Қитмир (Итнинг эгаси бўлмиш чўпоннинг исми Кафиттинус).

«Жавоҳир ул-ҳикоёт» китобида эса улар етти биродар — Ямлихо, Максалино, Маслина, Кашфутат, Табюнус, Кашофатюнус, Азарфатюнус, Юнусбус ва саккизинчилари итлари Қитмир бўлганлиги ёзилган. (Қаранг: Қисаси Рабъузий. 2-жилд. Тошкент, 1991, 96-бет; Жавоҳир ул-ҳикоёт. Тошкент, 1992, 200-бет).

«Аҳли сунна вал-жамоа ақоиди» китобида ҳам улар етти биродар: Ямлихо, Максалина, Маслина, Марнуш, Дабарнуш, Сазануш, Кафаштатаййуш ва саккизинчилари итлари Қитмир бўлганлиги кўрсатилган. (Қаранг: 2-китоб, 108-бет).

Бу қисса **Қуръони каримнинг 18- «Қаҳф» сураси, 9—26 оятларида** ёзилган бўлиб, улардан 22 ва 25-оятларини келтирамиз:

«**Ҳали улар** (Муҳаммадга замондош яҳудий, насоро ва мусулмонларнинг айримлари ўша Асҳоб ул-Қаҳф ададини): **«Учтадир, тўртинчилари итларидир», десалар, (бошқалари): «бешта бўлиб, олтинчилари итларидир», деб ғайбга тош отурлар, (тахминан гап сотурлар). Яна: «(Улар) еттитадирлар, саккизинчилари итларидир», ҳам дейдилар.**

(Эй Муҳаммад), **«Уларнинг саногини Раббим яхши билгувчидир. Уларни жуда оз киши билур», денг. Бас, улар хусусида фақат (вахй асосида) очиқ мунозара қилинг ва (Асҳоб ул-Қаҳф) ҳақида уларнинг биронтасидан савол сўраманг!**

(Улар) **ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз (йил)ни зиёда ҳам қилдилар».**

И з о х: *Шамсий ҳисобдаги юз йил қамарий ҳисобда 103 йилга тўғри келади.*

Бу воқеа тарихий ҳақиқат бўлиб, **Қуръонда** келтирилган «Асҳоб ул-Қаҳф» қиссасида келтирилган воқеаларнинг ҳақиқатан ҳам рўй берганлиги ҳақида насроний ва мусулмон олимларининг фикрлари яқдилдир. Ҳар иккала дин олимларининг таъкидлашларича, бу воқеа ҳақиқатан ҳам милодий 284—305 йилларда ҳукмдорлик қилган золим шоҳ — Рим императори Диоклетиан замонида 303—304 йиллар атрофида Адана вилоятига қарашли Тарсуснинг шимоли-ғарбида жойлашган ва Тарсусдан 2 соатлик масофа узоқлигида бўлган Энжилус тоғидаги бир ғорда бўлиб ўтган. Унинг оғзи шимолга қараган бўлиб, **Қуръони каримдаги** таърифларга мос келади.

Қуръон тафсирчиларининг энг машхурларидан бўлган ат-Табарий, таниқли олим Фаҳриддин Розий бу воқеани тарихан ана шу ерда бўлиб ўтганлигини таъкидлашган. (Илоҳий мўъжизалар. 3-сон, 1996, 60—66-бетлар).

303 — 304- йиллар ҳазрат Ийсо алайҳиссаломга эргашувчи христианларни Дақёнус каттиқ исканжага олган давр бўлган.

Ҳали бузилмаган христианликни (яккахудоликни) танлаб, бутпарастликни рад этган бу етти йигит Дақёнусдан қочиб ана шу ғорга кириб кетганлар. Баъзи насронийлар манбаларида эса йигитлар яширинган ғор Анатолиянинг (Онадўли) Эфес шаҳрида деб кўрсатилган.

Шунингдек, қайта тирилишнинг ҳақлиги ҳақида Узайр пайғамбар ҳақидаги қисса ҳам далилдир. Узайр **Аллоҳ таолонинг** қудрати билан 100 йил ўлик ҳолда ётиб сўнгра тирилтирилганлиги **Қуръони каримнинг 2- «Бақара» сураси, 259-оятида** ҳикоя қилинган.

«**Албатта, Биз ўликларни тирилтиурмиз ва уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб кўюрмиз. Барча нарсани (Биз) аниқлаб берувчи Имом (Лавҳ ул-Маҳфуз)да ҳисобга олганмиз».** (36- «Ёсин» сураси, 12-оят).

«**Биз улар (нинг мурдалари)ни ер камайтираётганини (чириб тупроққа айланаётганини) билганмиз. Бизнинг ҳузуримизда эса (қилмишларини) сақловчи Китоб (Лавҳ ул-Маҳфуз) бордир».** (50- «Қоф» сураси, 4-оят).

«**Мен юлдузларнинг ботиш жойлари билан қасамёд этурман — бу (қасам),**

агар билсангизлар, албатта, буюк қасамдир — албатта, у асралган Китобдаги (Лавҳ ул-Маҳфуздаги) Улуғ Қуръондир! Уни фақат таҳоратли—пок кишиларгина ушларлар». (56- «Воқеа» сураси, 75—79-оятлар).

«(У оятлар Аллоҳ наздида) мукаррам саҳифаларда, (яъни) қадри баланд, покиза (саҳифаларда) котиб (фаришта)лар қўлларидадир. (Улар) карамли ва итоатлидирлар. (80- «Абаса» сураси, 13—16-оятлар).

«**Йўқ! Балки, у Улуғ Қуръондирки, (унинг асл манбаи) Лавҳ ул-Маҳфуздадир»** (85- «Буруж» сураси, 21—22-оятлар).

Аллоҳ таоло ҳамма нарсадан огоҳ, дилларни эгаллаган сирларни билгувчи карами кенг, мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир.

Шу жумладан, оламлар **Парвардигори** пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга **Қуръони карим** тўғрисида қуйидаги оятларни нозил қилган:

«**Дарҳақиқат Биз Сизга етти такрорланувчи (етти оятли «Фотиҳа» сураси)ни ва Улуғ Қуръонни ато этдик».** (15- «Ҳижр» сураси, 87-оят).

«**Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа кимнингдир томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки, у (бутун) оламлар Парвардигори томонидан (келган), шубҳасиз, ўзидан олдинги нарса (илоҳий китоблар)ни тасдиқловчи ва батафсил (баён этилган) китобдир.**

Ёки: «Уни (Муҳаммад) тўқиган», — дейдиларми?! Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, унга тенг биргина сура келтириб, Аллоҳдан бошқа имконингиз борича кишиларни (ёрдамга) чорлангиз!» (10- «Юнус» сураси, 37—38-оятлар).

Ҳалок бўлгур инсон-а, бунчалар кофир бўлмаса! (80- «Абаса» сураси, 17-оят).

(Биз пайғамбарларни) ҳужжатлар ва китоблар билан (юборганмиз). Сизга эса одамларга нозил қилинган (аҳкомлар)ни баён қилиб беришингиз учун ва тафаккур қилсинлар, деб бу зикрни (Қуръонни) нозил қилдик.

(Эй Муҳаммад! Уларга) уни (яъни Қуръонни) **Рух ул-Қудус** (яъни Жаброил) **Раббингиз** (тарафи)дан иймон келтирганларни (динда) собитқадам қилиш учун мусулмонларга ҳидоят ва башорат бўлган ҳолида барҳақ нозил қилганини айтинг!

Аниқки, (Биз) уларнинг: «Унга (Муҳаммадга Қуръонни) бирор одам ўргатмоқда», — деяётганларини билурмиз. (Лекин) улар ишора қилаётган кимсанинг тили ажамийдир (арабий эмас), бу (Қуръон) эса аниқ арабийдир. (16- «Наҳл» сураси, 44; 102—103-оятлар).

И з о ҳ: Саҳобалардан Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу айтадилар: *Маккада Қурайш қабиласига мансуб кишилардан бирининг ажамий (хорижий) қули бор эди. Пайғамбаримиз у билан гаплашиб, унга Ислом аҳкомларидан таълим берар эдилар. Буни кўрган айрим қурайшликлар: «Муҳаммадга Қуръонни мана шу қул ўргатса керак», деб гап тарқатганларида юқоридаги оят нозил бўлган.*

«**Албатта, (бу Қуръон) барча оламлар Парвардигорининг нозил қилган (китоби)дир.**

Уни Рух ул-Амин (Жаброил) олиб тушди қалбингизга, огоҳлантирувчи (пайғамбар)лардан бўлишингиз учун, аниқ арабий тилда.

Албатта, (Қуръондаги айрим хабарлар) ўтганларнинг китобларида ҳам бордир.

Ахир, (Қуръон ҳақида) Исроил авлоди олимларининг билишлари улар учун далил эмасми?!» (26- «Шуаро» сураси, 192—197-оятлар).

«**Қуръон (оятларининг маънолари) ҳақида (чуқурроқ) фикр юритмайдиларми?! Агар (у) Аллоҳдан ўзганинг ҳузуридан (келган) бўлса эди, унда кўп ихтилофлар топган бўлур эдилар».** (4- «Нисо» сураси, 82-оят).

«(Эй Муҳаммад), **Биз Сизга (Жаброил воситасида Қуръонни) қироат қилдирур-**

миз. Бас, Сиз (уни) эсдаи чиқармассиз.

Илло, Аллоҳ (унуттиришни) хоҳлаган оятлар бундан мустаснодир. Албатта, У ошкора (суз ва ишлар)ни ҳам, яширин нарсаларни ҳам билур.

Биз Сизни осон (дин)га муваффақ қилурмиз». (87- «Аъло» сураси, 6—8-оятлар).

И з о х: Дарҳақиқат, шариати исломия динларнинг ичида энг осон ва енгилидир. У буюрган барча аҳкомларни ҳар бир ақли расо киши ҳеч қийналмасдан адо этиши мумкин. Фақат ёлғиз Аллоҳга ва У зот юборган Қуръонга сидқидилдан иймон келтирган бўлса, бас.

«Ҳаққоний Подшоҳ — Аллоҳ олий зотдир. (Эй Муҳаммад), Сизга (Қуръон) ваҳйси адосидан илгари қироат қилишга шошманг ва айтинг: «Эй Раббим, мена илмни зиёда эт!» (20- «Тоҳо» сураси, 114-оят).

(Эй Муҳаммад, Қуръонни) тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан қимирлатмай қўя қолинг.

Зеро, уни (Сизнинг дилингизда) жамлаш ҳам, (тилингиздаги) қироати ҳам Бизнинг зиммамиздадир.

Бас, қачон Биз (Жаброил тилида) уни ўқисак, Сиз ҳам уни ўқишга эргашинг!

Сўнгра уни (Қуръонни) баён қилиб бериш ҳам (тушунтириш ҳам), албатта, Бизнинг заммамиздадир» (75- «Киёмат» сураси, 16—19-оятлар).

И з о х: Ана шу оятлар орқали Аллоҳ таоло Ўз каломидаги тушуниб этиш мушкул бўлган айрим оятларни пайғамбар алайҳиссаломга англатиш кафолатини ҳам Ўз зиммасига олиб, пайғамбаримизни хотиржам қилмоқда. Мана шу оятлар келгач, Расулulloҳ ваҳй нозил бўлаётган вақтда, бошларини қуйи солиб, хомуш ўтирадиган ва қачонки ваҳй келтирган Жаброил алайҳиссалом кетганларидан сўнгина, нозил қилинган оятларни ўқийдиган бўлдилар.

«Айтинг (эй Муҳаммад): «Ким Жаброилга душман бўлса, ахир, у уни (Қуръонни) қалбингизга Аллоҳнинг изни билан ўзидан аввалги (илоҳий китоблар)ни тасдиқ этадиган, мўминларга ҳидоят ва хушxabар бўлган ҳолида нозил қилдику!» (2-«Бақара» сураси, 97-оят).

«Қуръонни одамларга бардош билан (аста) ўқиб беришингиз учун уни бўлақларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик.

Айтинг: «(Эй мушриклар), хоҳ (унга) ишонингиз, хоҳ ишонмангиз, (ҳечқиси йўқ). Зотан, илгари илм (Таврот) берилган кишилар (Қуръон) тиловат қилинган вақтида сажда қилган ҳолларида, юзлари билан йиқилурлар». (17- «Ал-Исро» сураси, 106—107-оятлар)

«Қуръон ўқилганда уни тинглангиз ва сукут сақлангиз! Шояд (шунда) раҳм қилингайсизлар!

Раббингизни ичингизда тазарру ва қўрқинч билан ҳамда гапирганда овозни кутармасдан эртаю кеч зикр (ёд) этинг! Ғофиллардан бўлманг!» (7- «Аъроф» сураси, 204—205-оятлар).

«Дарҳақиқат, сизларга Китоб (Қуръон) нозил қилдик. Унда сизларнинг зикрингиз бордир. (Буни) англамайсизларми?!» (21- «Анбиё» сураси, 10-оят).

«Сизларга, ўзларингиз сезмаган ҳолингизда тўсатдан азоб келиб қолишидан илгари Раббингиз (томони)дан сизларга нозил қилинган гўзал нарса (Қуръон)га эргашинглар!» (39- «Зумар» сураси, 55-оят).

«Аллоҳнинг оятлари ҳақида тортишадиган кимсаларни кўрмадингизми? Қаёққа бурилиб кетмоқдалар-а?!

Китоб (Қуръон)ни ва Биз пайғамбарларимиз билан юборган нарсаларни (китобларни) ёлғон деган кимсалар яқинда (қиёмат Кунида) билажаклар». (40- «Ғофир» сураси, 69—70-оятлар).

Айтинг: «Эй одамлар! Сизларга Раббингиздан ҳақиқат — (Қуръон ёки Пайғамбар) келди. Бас, кимки ҳидоят йўлига кирса, фақат ўзи учун ҳидоят йўлига кирган бўлади. Кимки янглишса, бас, ўзининг зарарига янглишган бўлади.

Мен сизларга вакил (муаккал) эмасман». (10- «Юнус» сураси, 108-оят).

«Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагаймиз». (15- «Ҳижр» сураси, 9-оят).

Изоҳ: Аввалги фасллар ва мақолаларда айтиб ўтганимиздек, бу илоҳий сўзлар шубҳасиз ўз тасдиғини топди. Ислом таълимотига кўра, Қуръон илоҳий Китобларнинг сўнггисидир. Мана шу оятда Тангри таоло уни то қиёматгача йўқотмай, бузмай сақлашни ўз зиммасига олгандир. Қуръондан аввал нозил қилинган илоҳий китобларга ўзгартиришлар киритилавериб, бузилгани ҳолда, Қуръон мана ўн тўрт асрдан буён пайғамбар алайҳиссаломга қандай нозил қилинган бўлса, худди ўшандай бирор ҳарфи ҳам ўзгармай сақланиб келмоқда. Масалан, буни аксича Инжилнинг етмишдан ортиқ таржималари бўлгани ҳолда, унинг асл, дастлабки, ҳақиқий нусхаси ҳеч қаерда мавжуд эмас.

Яна шуни айтиб ўтиш муҳимки, барча ҳолатларда ҳам фаришталардан, азиз-авлиёлардан, биби сешанба, биби чоршанба, Анбар она, чилтонлар ва ҳоказолардан эмас, балки фақат **Аллоҳ таолонинг Ўзидан** мағфират, паноҳ, ёрдам, мадад сўралади. Бу ҳақда маҳсус оят нозил бўлган:

«Аслида Аллоҳ ҳимоячингиздир ва у ёрдам берувчиларнинг афзалидир» (3- «Оли Имрон», 150-оят).

«Эй мўминлар, кўп гумон (лар)дан четланинглар! Чунки баъзи гумон (лар) гуноҳдир! (Ўзгарлар айбини қидириб) жосуслик қилманглар ва бирингиз бирингизни гийбат қилмасин! ...» (49- «Хужурот» сураси, 12-оят).

«Агар (чин) мўмин бўлсангиз, ўзингиз аъло (даражада) бўла туриб, (баъзи мағлубиятларингиз учун) сустлашмангиз ҳам, ғамгин ҳам бўлмангизлар» (3- «Оли Имрон» сураси, 139-оят).

«Эй иймон келтирганлар! Ўзларингиздан ўзгалар (мунофиқлар)ни яқин дўст (сирдош) тутмангиз! Улар сизларга нисбатан бузғунчилик қилишда кучларини аямайдилар ва ҳолларингиз забун бўлишини истайдилар. Сизларни ёмон кўришлари оғизлари (сўзлари)дан аён бўлди, дилларида яширган (адоват)лари эса янада катгароқдир. Агар ақлингизни ишлатсангизлар, сизларга оятларни баён қилиб бердик»

«Эй, сизлар! Уларни яхши кўрасиз, лекин улар сизларни яхши кўрмайдилар...»

«Сизларга етган яхшилик уларни хафа қилади. Сизларга етган ёмонликдан эса хурсанд бўладилар...» (3- «Оли Имрон» сураси, 118, 119 ва 120-оятлар).

«Кофир бўлганлар, уларга муҳлат бериб турганимизни яхшилик деб ўйла-масинлар! Муҳлатни уларга гуноҳлари янада кўпайиши учун берамиз. Уларга хор қилувчи азоб бордир».

«Кофир бўлганларнинг шаҳарма-шаҳар сайр этиб яйраб юришлари Сизни зинҳор алдаб қўямасин!» (3- «Оли Имрон» сураси, 178- ва 196-оят).

«Исроил авлодларининг аҳдларини олдик ва уларга пайғамбарлар юбордик. Ҳар гал бир пайғамбар уларга (ҳавойи) нафсларига хуш кўрмайдиган нарса (ҳукм)ни келтирганда, бир қисмини ёлғончига чиқардилар ва (бошқа) бир қисмини эса ўлдирдилар» (5- «Моида» сураси, 70-оят).

«Исроил авлодидан кофир бўлганлари Довуд ва Ийсо ибн Марям тили билан лаънатландилар. Бунга итоатсизликлари ва тажовузкор бўлишлари сабаб (бўлди).

Кофир бўлганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар — ана ушалар дўзах аҳлидирлар». (3- «Оли Имрон» сураси, 78- ва 86-оятлар).

Қуръон шифодир

Қуръони каримнинг баъзи оятлари руҳий, жисмоний хасталарга шифо, сеҳр-жоду, мусибат, азоб-укубат етган кишиларга қуръон эканлигини Расулуллоҳнинг ўзлари ва саҳобалар айтиб ўтганлар. Мужтаҳид уламолар эса бу ҳақда ўзларининг асарларида ёзиб кетганлар.

Масалан, машҳур имом Қуртубий: «**Аллоҳ таоло**нинг каломи ва исмлари билан дам солиш жоиз», деган. Бу ҳақда **Қуръони карим**да икки оят нозил бўлган:

«(Биз) **Қуръонда**(н) мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз. (Лекин бу оятлар) **золим**-(кофир) ларга фақат зиённи орттирур». (17- «Ал-Исро» сураси, 82-оят).

«...**Айтинг**: «(Ушбу Қуръон) **иймон келтирган зотлар учун ҳидоят ва шифодир**...». (41- «Фуссилат» сураси, 44-оят).

Ана шуларга асосланиб, **Қуръон**нинг баъзи бир шифобахш оятларини, пайғамбаримиз ҳадисларини, саҳоба ва уламоларимизнинг айтган сўзларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

1- «Фотиҳа» сурасининг ҳар бир дардга шифо бўлиши, ҳатто баъзи ривоятларда у ўлимдан бошқа ҳамма нарсага кифоя қилиши айтилади.

Имом Баззор Анас разийаллоҳу анҳу Расулуллоҳнинг: «**Касал бўлиб бошинг ёстиққа текканда, «Фотиҳа» ва «Ихлос»ни ўқисанг, ўлимдан бошқа ҳамма нарсадан омон бўласан**», деган ҳадисларини келтиради.

2. Пайғамбаримизнинг завжалари Ойиша разийаллоҳу анҳонинг айтишларича, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам уйкуга ётаётганларида ва тоблари қочиб қолганда, икки кафтларига «Ихлос», «Фалақ», «Нос» сураларини ўқиб ўзлари ўзларига дам солиб, суфлаб кафтлари билан юзларини, таналарини қўллари етган жойларини масҳ тортиб силаб чиқар эканлар.

Пайғамбаримизнинг айтишларига кўра, «Фалақ» ва «Нос» суралари кишига **Аллоҳ Ўзи** яратган нарсаларнинг — ҳасадгўйларнинг ҳасадларидан, жин ва шайтоннинг ёмонликларидан, сеҳр-жодудан, назар-нафасдан қуръон бўлиб, улардан ана шу икки сурани ўқиш орқали **Аллоҳдан** паноҳ тиланар экан.

Нақл қилишларича, пайғамбар алайҳиссалом 11 тугун билан сеҳрланганларида, ҳазрат Жаброил алайҳиссалом шу икки сурани олиб тушган экан.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Фотиҳа», «Ихлос», «Фалақ», «Нос» сураларини ўқиб, ўзига ёки бировга дам солинса, инсонга энг яхши руҳий ва жисмоний шифо булар экан.

3. Ҳадиси шарифга кўра, киши **Аллоҳ таоло** берган аҳлу аёл, мол-дунё, фарзандлардан иборат бўлган неъматларга шукрона билдириб, «**Машааллоҳу ла қуввата илла биллаҳ**», деб юрса ўлгунича ҳеч қандай офат кўрмас экан.

4. Бундан ташқари пағамбаримиз: «**Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ**», калимасини доим такрорлаб юринглар, чунки бу калима жаннат калитларидандир у,— деб айтган эканлар.

5. Бошга мусибат тушганда, танг ҳолда қолганда:

«**Ла илаҳа илла анта субҳанака, инни кунту миназ золимийн**», калимасини ўқиш, ёки иккинчи бир:

«**Инно лиллаҳи ва инно илайҳи рожиъун. Аллоҳумма, журни фи мусибати вахлиф ли хайран минҳо**» калимасини такрорлаб юриш тавсия қилинади.

6. Ривоят қилишларича, киши ғамга ботганда, «Оят ул-Курсий»ни ўқиса, **Аллоҳ** унга ёрдам берар экан.

7. Саҳоба Абу Ҳурайрининг келтирган ҳадиси шарифларига кўра, бошга ғам-ташвиш тушганда: «**Таваккалту ғалал ҳаййиллази ла ямут. Ва қулил ҳамду лиллаҳиллази лам яттаҳиз валадав ва лам яқуллаҳу. Шарикун фил мулки ва лам яқуллаҳу валиййум миназзулли ва каббирҳу такбиро**» оятини (17- «Ал-Исро» сураси, 111-оят), ўқиш тавсия қилинади.

8. Агар бирор кишини бирор балога йўлиққанини, мусибатга учраганини кўрса, ўзининг ана шу ишларини **Аллоҳ** бошига туширмагани шукронасига қуйидаги калимани айтиб қўйса катта савоб ва ўзига яхши бўлар экан:

«Алҳамду лиллаҳиллази ʔофони миммобталака биҳи ва фаззалани ʔало касирин мимман халақа тафзилан».

9. Кишининг бирор ери оғривса, ўша ерга қўлини қўйиб:

«Бисмиллоҳ (уч марта). Аʔузу биʔиззатилоҳи ва би қудратиҳ мин шарри мо ажду ва уҳозиру мин важʔй ҳозо», деб такрорлаб турса оғриқ енгиллашиши ва ҳатто кетиши ҳам мумкин экан.

10. Пайғамбаримиз қизлари Фотимаи Заҳронинг туғишлари яқинлашганда, завжалари Умму Салама ва Зайнаб бинти Жаҳшни қизларининг олдига юбориб, унга «Оят ул-Курсий», «Фалақ» ва «Нос» сураларини ўқиб **Аллоҳдан** паноҳ тиламоқликка буюрган эканлар.

11. Ривоят қилишларича, бир саҳоба хастанинг қулоғига **Қуръон** оятларини қироат қилиб тиловат қилганида, тузалиб кетганини пайғамбар алайҳиссалом эшитиб, ундан нима ўқиганлигини сўрабдилар. У 23- «Муъминун» сурасининг 115—118-оятларини ўқиганлигини айтган. Шунда Расулulloҳ:

«Агар шуни мўмин киши астойдил, чин қалбдан, ишонган ҳолда тоққа ўқиса, тоғ ҳатто ўрнидан қўзғолади», деган эканлар.

12. Имом Байҳақийнинг «Шуабул-иймон» китобида ҳазрат Али 6- «Анъом» сураси ўқилган беморга **Аллоҳнинг** шифо беришини айтганлиги ёзилган.

13. Бундан ташқари, саҳоба Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу:

«Қуръонда икки шифобаҳиш оят бор. У ҳам бўлса, 2- «Бақара» сурасининг охириги 285, 286-оятларидир», — деган экан.

14. Майитни қабрга қўйганларидан сўнг, жанозага келганлар қабрдан етти қадам узоқлашишлари билан бошланадиган марҳумнинг Мункар ва Накир фаришталари билан савол-жавобини енгиллаштириш учун, қабр ёнида «Мулк» («Таборақ») ва «Ёсин» суралари қироат қилиниб, **Раббим — Аллоҳ**, диним — Ислом, китобим — **Қуръон**, қиблам — Каъба, пайғамбарим — Муҳаммад алайҳиссалом, миллатим — Иброҳим алайҳиссалом миллатиданман, ал-мисокдан бери, яъни «Қолу бало» калимаси айтилганидан бери мусулмонман, деб ўргатиб туришни уламоларимиз тавсия қилганлар. (Қаранг: Мубашшир Аҳмад. Қуръон шифо. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 1999; Ботирбек Ҳасан. Расулulloҳ суюб ўқнган дуо ва тасбеҳларидан сайланма. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2000).

Жаннат насими

Нақл қилишларича, пайғамбар алайҳиссалом айтган эканларки, қиёмат куни бўлганда тўрт тоифа одам беҳисоб ва беазоб жаннатга кирар эканлар:

— **Биринчиси** — ҳалол касбдан мол топиб, **Худо** йўлида садақа берган сахийлар.

— **Иккинчиси** — илмига амал қилган олимлар;

— **Учинчиси** — **Худо** йўлида дини Ислом равнақи учун жонини фидо қилган шахидлар;

— **Тўртинчиси** — молини ҳалол ҳаражат қилиб ҳаж қилганлар;

Бу тўрт тоифа одамлар жаннатга аввал кирмоқни талашар эканлар. Шунда Худои таоло Жаброил алайҳиссаломга амр қилар экан: «Эй Жаброил, бу тўрт тоифа одамларнинг қайси бирлари жаннатга аввал кирмоқликка муносиб бўлсалар, уларга одиллик билан ҳукм қилгил», деб.

Шундан кейин Жаброил алайҳиссалом Худои таоло розилиги учун жон берган шахиддан сўрар экан: «Эй шахид, сен шахидликнинг савобини бундай мартабада эканлигини қандай билдинг?» Шаҳид айтар экан: «Олимлардан эшитдим». Жаброил алайҳиссалом: «Ундое бўлса, олимларнинг ҳурматини бажо келтиргинки, улардан илгари жаннатга кирмоғинг беодоблик бўлур».

Ундан кейин ҳожи ва сахийлар билан ҳам шу таҳлитда савол жавоб қилар эканки, улар ҳам ўзларининг бундай эзгу ишларини катта савоб эканлигини

олимлардан эшитиб ўрганганликларини айтар эканлар.

Жаброил алайҳиссалом уларга ҳам олимларнинг ҳурматини бажо келтиришларини ва улардан олдин жаннатга кирмоқликлари беодоблик бўлишини айтиб, жаннатга аввал кирмоқликни олимларга ҳукм қилар экан.

Аmmo олимлар айтар эканлар: «Ё Парвардигор, аввал бизнинг ҳеч илмимиз йўқ эди ва бу ишларни сахийларнинг саҳоватлари сабабидан таҳсил қилиб олган эдик. Энди уларнинг ажрларини зое кетказмай, жаннатга биздан илгари ана шу сахий бандаларингни киргизгин». (Олим олимлигини у дунёда ҳам кўрсатар экан).

Шундан сўнг Тангри таоло олимларнинг бу илтижоларини қабул қилиб, жаннатга аввал сахийлар, улардан кейин олимлар, улардан кейин Тангри таоло розилиги учун шаҳид бўлганлар ва ҳаж қилганларни киритишга Жаброил алайҳиссалом жаннат ризвонларига амр қилар экан.

Илмига амал қиладиган олимлар ҳақида Тангри таоло: «Менга тоат — ибодат қиладурган киши обиддир, инсонларга савоб-гуноҳни, оқ-қорани, яхши-ёмонни, танитган илми киши олимдир. Менинг наздимда обиддан олим аъло, шунинг учун қаерда обид бўлса, олимга хизмат қилсин» деб, илми кишиларни азиз тутиб, Ўзига яқин олишлигини билдирган экан.

Энди, ҳурматли ўқувчи, жаннат ҳақида баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни билдирсак.

Аввало Одам Ато ва Момо Ҳавво яшаган жаннат самода — абадият жаннатидамиди ёки Ердамиди, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бу ҳақда уламоларнинг фикрлари турлича бўлган. Уларнинг баъзилари жаннат самода, баъзилари Ерда бўлган дедилар.

Бу масалани ечиш учун *Қуръони карим*нинг жаннат ҳақидаги оятларини синчиклаб таҳлил қилиб чиқмоқ керак. *Қуръон*да жаннат ҳақида қуйидаги оятлар нозил бўлган:

«Бас, шайтон иккисини (васваса билан) йўлдан тойдириб, турган жойларидан (жаннатдан) чиқарди. Биз (уларга) айтдик: «Бир-бирингизга (келажак зурриётингиз билан ўзаро) душман бўлиб, (Ерга) тушингиз! Маълум вақтгача (ажал етгунча) сизлар учун Ерда барқарорлик ва (ундан) фойдаланиш (бордир)». (2- «Бақара» сураси, 36-оят).

«У ердан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинг», — дедик. «Бас, сизларга Мендан ҳидоят келганда, ҳидоятимга эргашганларга хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмайдилар». (2- «Бақара» сураси, 38-оят).

«Айтди: «Ундан (жаннатдан) чиқ! У ер (жаннат)да такаббурлик қилишинг сенга (жоиз) эмас. Бас, чиқ! Сен ҳақирлардандирсан!» (7- «Аъроф» сураси, 13-оят).

«(Аллоҳ) деди: «Бир-бирингизга нисбатан душман бўлган ҳолингизда (жаннатдан) тушингиз! Сизлар учун (маълум) вақт (ажалингиз етгун)гача Ерда қарор олиш ва фойдаланиш (бордир)».

(Яна) деди: «Унда яшайсизлар, унда улурсизлар ва ундан (охиратда) чиқарилурсизлар». (7- «Аъроф» сураси, 24—25-оятлар).

«(Аллоҳ) айтди: «Ундан (яъни жаннатдан) ҳар иккингиз тушингиз. Баъзингиз (зурриётингиз) баъзига душмандир. Бас, сизларга Мен (тараф)дан ҳидоят келганда, ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас». (20- «Тоҳо» сураси, 123-оят).

Эътибор беринг, юқорида келтирилган «Бақара» сурасининг 36-оятида: **«Жаннатдан Ерга тушингиз!»**, деб очик ва равшан айтилган. Қолган оятларда ҳам «Тушинг» дейилган. Агар жаннат Ер юзида бўлганида эди, **«Жаннатдан чиқингиз»** дейиларди, «тушингиз» эмас, албатта.

Ердаги макондан кимнидир чиқариш, ҳайдаш учун «чиқинг», ёки «бу ердан кетинг» дейилади, «тушинг» дейилмайди. Ердан ерга ҳеч қачон тушиб бўлмайди. Тушиш жараёни фақат тепадан, юқоридан пастга қараб бўлади.

Агар жаннат Ерда бўлганида эди, жаннатнинг Ерда маълум бир чегараси бўлиши, у

чегара нима биландир ураб, тўсиб, чегараланиб қўйилиши ва унда ана шу чегаралар билан ураб олинган макондан, яъни жаннатдан уларни икковларини ташқаридаги Ерга туширилиши эмас, балки чиқарилиши керак бўлар эди. Бунинг акси эса илмий жиҳатдан ҳам эҳтимоли йўқ, ҳам мантиксиздир.

Денгиздаги кема ҳам қирғоққа келганда, «кемадан чиқинг» дейилмайди, балки «кемадан тушинг» дейилади. Поезд тўхтаганда, поезддаги одамга «поезддан чиқинг», дейилмайди, «поезддан тушинг» дейилади (чунки кема, поезд ердан баланддир).

Пайғамбар Идрис алайҳиссалом ҳам Аллоҳ таолонинг амри билан фаришта билан бирга осмонга кўтарилиб, дўзахни кўрган ва уша маконда (самода) абадият жаннатига кириб, унда қолиб кетган.

Келтирилишича, дўзах устидаги қил кўприкдан (Пулсирот кўприги) ўтилиб, жаннатга кирилади. Шунга кўра, жаннат билан дўзах ёнма-ён жойлашган бўлиши шарт.

Ерда дўзахнинг бўлганлиги ҳақида *Қуръони карим*да ҳам, бошқа манбаларда ҳам ҳеч нарса айтилмаган. Шунинг учун жаннат ва дўзахнинг Ерда бўлган бўлиши мутлақо мумкин бўлмаган нарсадир. Демак, келтирилган ҳақиқатлардан хулоса чиқариб айтаоламизки, Одам Ато ва Момо Ҳавво яшаган жаннат самода — абадият жаннатида бўлган.

Кези келганда яна шуни ҳам айтиш керакки, 11- «Худ» сурасининг 108-оятда: **«Аммо бахтли бўлганлар эса, бас, жаннатда, то осмонлар ва Ер тургунча у ерда мангу турурлар, илло, Раббнинг хоҳлагани бундан мустаснодир. (Бу) битмас неъматдир»** деб, ҳазрат Жаброил алайҳиссалом пайғамбаримизга дунё, олам, бутун Борлик, шу жумладан, жаннат ҳам абадий эмаслиги, мангулик ва абадият фақат **Унинг Ўзига** хослигини ва жаннат ҳам осмонлар ва Ер тургунча туриши мумкинлиги, тагин у ёғини **Ўзи** билишлиги ҳақида хабар бермоқда. Демак, ёлғиз **Аллоҳ таолодан** бошқа ҳеч қандай зот абадий эмас, ўлиб тирилгувчидир, йўқ бўлиб пайдо бўлгувчидир, бордан йўқ, йўқдан бор бўлгувчидир.

Аллоҳ таоло *Қуръони карим*нинг қуйидаги оятларида тўғри, ҳақ йўлдан юриб яшаб ўтган севимли бандаларига жаннатда абадий роҳат-фароғатда яшашлари, у жойда май, шароб ва хурлар, бокира қизлар бўлишлиги ва уларнинг жаннат аҳли — тақводор мўминларга ато этилиши, уларга хизмат қилишлари ҳақида хабар беради:

«Албатта, яхшилар (жаннатда) мизожи кофур бўлмиш қадахдан (май) ичурлар. Аллоҳнинг бандалари ичадиган (бу) чашмани (ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб (оқизиб) олурурлар». (76- «Инсон» сураси, 5—6-оятлар).

«Тақволи зотлар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли (сифати будир): «Унда айнимас сувдан иборат дарёлар ҳам, таъми ўзгармас сутдан иборат дарёлар ҳам, ичувчилар учун лаззатли (ақлдан оздирмайдиган) майдан бўлмиш дарёлар ҳам ва мусаффо асалдан иборат дарёлар ҳам бордир. Улар учун у жойда барча мевалардан бордир ва (у жойда) Парвардигорлари (томони)дан мағфират бордир. (Ана шундай зотлар) дўзахда мангу қоладиган ва қайноқ сув билан суғорилганда ичакларини тилка-пора қилиб ташлайдиган (кофир)лар каби бўлурмилар?!» (47- «Муҳаммад» сураси 15-оят).

«Уларга кумуш идишлар (да таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, нафисликда) шиша бўлиб кетган қадахлар (да шароблар) айлантирилур».

Шиша бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар». (76 «Инсон» сураси, 15—16— оятлар).

«Албатта, тақводор зотлар учун (жаннатда) ютуқ бордир. Яъни боғлар ва узумлар, (ёш ва хуснда) тенгқур, бўлиқ сийнали (хур қиз)лар ва (шароб) тўла қадахлар бордир». (78- «Набаъ» сураси, 31—34-оятлар).

«Уларнинг олдиларида кўзлари (боқишда) чекланган (ёш ва хуснда) тенгқур (қиз)лар бўлур». (38- «Сод» сураси, 52-оят)

56- «Воқеа» сурасининг 15—24 ва 35—38-оятларида жаннатнинг тавсиф ва сифатлари баёни давом эттирилади:

«(Улар олтиндан) ясалган сўриларда, ястанган ҳолларида бир-бирларига рўбарў бўлиб (ўлтирурлар).

Устиларида эса мангу ёш болалар айланиб юрурлар оқар чашмадан олинмиш (майли) қадаҳлар, кўзалар ва косалар билан.

У (май)лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар.

Яна ўзлари танлаб оладиган мевалари билан, иштаҳалари тортган қуш гуштлари билан ҳам (айланиб турурлар).

Яна (улар учун) кўзлари кенг ва тиниқ ҳурлар ҳам бўлурки, улар худди ёпик марварид мисолидирлар.

(Бу) улар (дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир.

Биз уларни (ҳурларни) дафъатан пайдо қилдик (онадан туғилмадилар). Сўнг уларни бокира қизлар қилдик.

(Улар) жозибали ва тенгқурдирлар.

(Улар) ўнг томон эгалари учундир».

52- «Ват-Тур» сурасининг 22—23-оятларида: «Яна Биз уларни кўнгиллари истайдиган мева ва гушт билан қувватлантируرمىз.

Улар у жойда (шундай шароб) косаларини таллашиб (қўлма-қўл) қилиб ичурларки, унда на беҳуда гап ва на гуноҳ иш бўлур», дейилади.

55- «Ар-Раҳмон» сурасининг 56, 58, 70, 72, 76—77- оятларида эса жаннат қуйидагича тасвирланади:

«У (жаннат)ларда шундай кўзларини (бегона эркаклардан) тийгувчи (қиз)лар борки, уларга илгари на инс ва на жин теккандир.

Улар (нинг баданлари) гўёки ёқут ва маржондирлар.

У (жаннат)ларда хушхулқ ва ҳусндор (аёл)лар бордир.

(Улар) чодирларда асралувчи ҳурлардир.

(Жаннат аҳли) яшил ёстиклар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўлтирурлар).

«Бас (эй, инс ва жинлар), Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этурсизлар?!»

Жаннатда ҳам ҳуру майларнинг бўлишлигини Умар Хайём ҳам қуйидаги рубойиси орқали тасвирлаган:

*Жаннатда ҳам ҳуру май бўлармиш,
Ҳаммаси мўлу-кўлу нўмай бўлармиш,
Биз маю маъшуқни севсак арзийди,
Чунки оқибат ҳам шундай бўлармиш.*

Аммо биз булардан ўзимизни тиямиз ва бундай роҳат-фароғатни ҳақиқий ва абадий давом этадиган нариги дунёга қолдирамиз ва бу дунёда охиратга ҳозирлик ишлари билан машғул бўламиз.



Қуръон сураларининг номлари ва маънолари

	Арабча номи	Ўзбекча номи	Маъноси
1	Фотиҳа	Очувчи (сура)	Суранинг унга яқин номлари бўлиб, улардан энг машҳури «Фотиҳа», яъни «Очувчи»дир. Яна бу сура «Ал-Ҳамду» билан бошланганлиги учун, шу ном билан ҳам аталади. Қуръон нинг онаси, асли деб ҳисобланади. Русча номи — «Открывающая» (книгу Коран)
2.	Бақара	Сигир	Бақара — «сигир» демакдир. Қадимда бани Исроил қавмидан бўлган бир киши ўлдирилади. Аммо унинг қотилини топа олмайдилар. Шунда Аллоҳ таоло Мусо пайғамбарга: «Қавмингга айт, бир сигир сўйиб унинг бир бўлаги билан ўликни урсинлар», деб буюради. Буйруқни бажарадилар, шунда ҳалиги ўликка жон кириб, қотили кимлигини айтади. Шу сабабли бу сура «Сигир» номи билан аталган. Русча номи — «Корова»
3	Оли Имрон	Имрон хонадони	Бу сурада Биби Марйамнинг отаси Имрон ва унинг оиласи ҳақида қисса келтирилганлиги учун, сурага шу ном берилган. Русча номи — «Семейство Имрана».
4	Нисо	Аёллар	Бу сурада аёлларга оид ҳукмлар кўп ва батафсил баён этилганлиги сабабли, унга «Нисо» номи берилган. Русча номи — «Женщины».
5	Моида	Ясатилган дастурхон	Сурада Ийсо пайғамбарга берилган мўъжизалардан бири — осмондан моида (емишлари билан ясатилган дастурхон) тушгани воқеаси ҳам бор. Шунинг учун бу сура «Моида» деб аталади. Русча номи — «Трапеза».
6	Анъом	Чорва моллари	Бу сурада чорва ҳайвонлари ва улар ҳақидаги ҳукмлар ҳам баён этилгани учун у «Анъом» — «Чорва моллари» деб аталган. Русча номи — «Скот».
7	Аъроф	Тўсиқ	Аъроф — жаннат билан дўзах ўртасини ажратиб турадиган девор — тўсиқ бўлиб, учинчи тоифага мансуб одамлар унда Аллоҳ ўзларини жаннатгами ёки дўзахгами ҳукм қилишини кутиб турадилар. Бу сурада мана шу ҳолатнинг тасвири ўз ифодасини топгани учун, «Аъроф», яъни «Тўсиқ» деб аталган. Русча номлари — «Ограды», «Преграды».
8	Анфол	Ҳарбий ўлжалар	Сурада бошқа масалалар билан бир қаторда уруш, жангу-жадал ва ўлжа тақсимоти масалалари ҳақида илоҳий кўрсатмалар берилган. Шунинг учун сурага шу ном берилган. Русча номи — «Военные трофеи».
9	Тавба	Тавба	«Бисмиллоҳ» айтилмасдан бошланадиган ягона сура бўлиб, унинг ниҳоясида Аллоҳ мўминларнинг тавбаларини қабул этиши эълон қилингани ва бу гуноҳкор бандалар учун энг башоратли ҳодиса бўлгани учун ҳам сура «Тавба» номини олган. Бу сура «Бароат» сураси деб ҳам аталади. Русча номи — «Покаяние».

10	Йунус	Йунус	Сурада бошқа масалалар билан бир қаторда пайғамбарлар ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Суранинг номи ҳам улардан бири — Йунус пайғамбар исми билан аталган. Русча номи — «Иона».
11	Худ	Худ	Бу сура Аллоҳ таоло томонидан Од қавмига юборилган Худ пайғамбар номи билан аталган. Русча номи ҳам — «Худ».
12	Йусуф	Йусуф	Энг «ғузал қисса» деб таърифланувчи ушбу сурада асосан пайғамбар Йусуф ибн Йаъқуб қиссаси акс эттирилган. Шунинг учун ҳам сура шу пайғамбар номи билан аталган. Русча номи — «Иосиф».
13	Раъд	Момақалдиروق	Сурада ҳамма мавжудот, ҳатто момақалдиروق ҳам Аллоҳ нинг шаънини улуглаб, Унга тасбеҳ айтиб туриши ҳақида оят борлиги учун, сурага шу ном берилган. Русча номи — «Гром».
14	Иброҳим	Иброҳим	Сурада пайғамбарлар отаси Иброҳим а.с. ҳақида муфассал ҳикоя қилинганлиги учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Авраам».
15	Ҳижр	Ҳижр	Сурада пайғамбарлар ҳақидаги қисса ва бошқа масалалар билан бирга, Мадина ва Шом ўртасидаги Ҳижр водийсидаги Самуд қабиласи билан боғлиқ воқеалар тасвирланган. Русча номи — «Аль-Хиджр».
16	Наҳл	Асалари	Сурада асалариларнинг ибратли ҳаёт тарзи ҳақидаги оятлар мавжудлиги учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Пчёлы».
17	Ал-Исро	Тунги сайр	Исро — Муҳаммад а.с. нинг тунда Маккадан Қуддусга бир зумда сайр қилиб етиб боришлари. Меърож эса Қуддусдаги Масжиди Ақсодан осмонга кўтарилиб, самовий сайр қилиб қайтганликларидир. Сурада ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади. Русча номи — «Путешествие ночью».
18	Каҳф	Ғор	Сурада «Асҳоб ул-Каҳф» (ғор соҳиблари) воқеаси тасвирланган. Суранинг номи ҳам шундан олинган. Русча номи — «Пещера».
19	Марйам	Марйам	Ийсо пайғамбарнинг онаси Биби Марйам ҳақида оятлар кўп бўлганлиги учун, сурага шу ном қўйилган. Русча номи — «Мария».
20	То-Ҳо	То-Ҳо	Бу икки рамзий араб ҳарфларининг маъноси ёлғиз Аллоҳ гагина маълум. Баъзи муфассирлар у Муҳаммад пайғамбарнинг номларидан бири деб ҳам ёзганлар. Бу сура шифобахш хусусиятга эга жалила суралардан биридир. Қуръон дан минг йил олдин яратилганлиги ҳақида саҳиҳ ҳадис бор. Русча номи — «Та-Ха» (буквы).
21	Анбиё	Пайғамбарлар	Сурада кўп пайғамбарлар тилга олинганлиги учун, сурага шу ном берилган. Русча номи — «Пророки».
22	Ҳаж	Ҳаж	Сурада Ислом рукнларидан бешинчиси булган Ҳаж зиёрати ва ибодати ҳақидаги оятлар борлиги учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Паломничество».
23	Муъминун	Мўминлар	Сура Мўмин-мусулмонларга лойиқ сифатлар зикри билан бошлангани учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Верующие».

24	Нур	Нур	Аллоҳнинг сифатларидан бири нурдир. Бу сурада Парвардигор самовотлардаги кўринмас нур эканлиги айтилади; Томас Эдисоннинг электр токини кашф этишга ундаган оятлар шу сурада. Русча номи — «Свет».
25	Фурқон	Ажратиб берувчи	Қуръони каримда Аллоҳ таоло томонидан нозил қилинган барча илоҳий китоблар ҳақ билан ноҳақни, хидоят билан залолатни ажрим қилиб берувчи Китоб, деб аталади. Бу сурага ном бўлган Фурқондан мурод эса Қуръондир . Русча номи — «Различение».
26	Шуаро	Шоирлар	Бу сурада турли масалалар билан бир қаторда Тангри таолонинг шоирлар ҳақидаги сузлари ҳам урин олганлиги сабабли, у «Шуаро» сураси деб аталган. Русча номи — «Поэты».
27	Намл	Чумолилар	Сурада чумолилар тўғрисида ибратли қиссалар бўлганлиги учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Муравьи».
28	Қасас	Қиссалар	Сурада Мусо а.с. ҳақида муфассал қиссалар келтирилганлиги учун, сура шу ном билан аталган. Русча номлари — «Рассказы», «Повествование».
29	Анкабут	Ўргимчак	Сурада ўзлари ясаб олган бут-санамларга сиғиниб, улардан нажот кутадиган мушриклар худди ўзи тўқиган тўрига ишониб яшовчи ўргимчакка ўхшашлиги тўғрисидаги оят ҳам урин олган. Шунинг учун у «Анкабут» — «Ўргимчак» сураси деб аталган. Русча номи — «Паук».
30	Рум	Рум	Рум — Византия давлати. Икки катта давлат — Рум ва Форс (Эрон) ўртасидаги жангда Румнинг мағлубиятга учраши, лекин тез орада у ғалабага эришажаги тўғрисида хабар берилади. Дарҳақиқат, мағлуб румликлар 7 йилдан сўнг форслар устидан ғалаба қозонади ва илоҳий башорат ҳақ эканлиги маълум бўлади. Суранинг «Рум» деб аталишининг боиси шудир. Русча номлари — «Ромей», «Румы».
31	Лукмон	Лукмон	Лукмон — тарихда «Лукмони ҳаким» деб шуҳрат қозонган ҳабаший бир доно шахснинг номи. Сурада илм ва ҳикмат улуғланади; теран фикрли одам муқаррар Ислоннинг буюклигини инкишоф этишига ишоралар бор. Сурада унинг ўз фарзандига қилган ўғитлари урин олган. Шунинг учун у «Лукмон» сураси деб номланган. Русча номи — «Лукман мудрый».
32	Сажда	Сажда	Суранинг 15-оятида сажда ояти келтирилгани учун, унга шу ном берилган (сажда — ибодатда тиз чуқиб ва бош эгиб пешонани ерга тегизиш). Русча номи — «Челобитие».
33	Аҳзоб	Фирқалар	Ислон давлатини йўқ қилиб юбориш ғаразида турли қабила — фирқалар бирлашиб қилган хужумлари ҳақида оятлар урин олганлиги учун ҳам, бу сура шу номни олган. Русча номлари — «Соумышленники», «Сонмы».

34	Сабаъ	Сабаъ	Яман диёрининг Сабаъ шахрида яшовчи шу номдаги қабиланинг ношукурликдари сабабли нознеъматлардан маҳрум бўлганлари тўғрисида оятлар келгани учун, сурага шу ном берилган. Русча номи — «Сабаъ».
35	Фотир	Илк Яратгувчи	Фотир сўзи «илк бор яратгувчи» деган маънони беради. Сурада Аллоҳ нинг чексиз илми ва қудратига далолат қилувчи ақлий далиллар, фаришталар, дунё ва охират, куфр ва иймон, тажовуз, тугён ҳақида илоҳий ҳукмлар берилган. Шунинг учун ҳам бу сура Аллоҳ нинг гузал исмларидан бири бўлмиш «Фотир» — «Илк Яратгувчи» номи билан аталган. Суранинг иккинчи номи — «Малоика» («Фаришталар»)дир. Русча номлари — «Создатель», «Творец», «Ангелы».
36	Ёсин	Ёсин	Бу сўзнинг маъноси тафсирларга қараганда, «Эй, инсон!», «Эй, Муҳаммад!», «Эй, саййид!» бўлиши мумкин. Пайғамбаримиз: «Албатта ҳар бир нарсанинг қалби бор. Қуръон нинг қалби эса «Ёсин»дир. Мен бу сурани умматимдан ҳар бир кишининг қалбида бўлишини истар эдим», деган эканлар. Сура «Ё» ва «Син» харфлари билан бошлангани учун унга шу ном берилган. Шифобахш хусусиятларга эга бўлган жалила суралардан бири; Қуръон дан минг йил олдин яратилганлиги ҳақида саҳиҳ ҳадис бор. Русча номи — «Йаъсин».
37	Вас-сафот	Саф тортиб турувчилар	Суранинг биринчи ояти ана шу сўз билан бошланганлиги сабабидан унга шу ном берилган. Саф тортиб турувчилар — фаришталар ва мўминлардир. Русча номи — «Выстроенные в ряды».
38	Сод	Сод	Араб алифбосининг 14-ҳарфи. У ниманинг рамзи эканлиги фақат Аллоҳ гагина маълум. Русча номи — «Сад» (буква).
39	Зумар	Гуруҳлар	Зумар — «гуруҳлар» демакдир. Қиёмат куни одамлар жаннат ва дўзахга гуруҳ-гуруҳ бўлиб киришлари тасвирланган. Шунинг учун сурага шу ном берилган. Русча номи — «Толпы».
40	Ғофир	Мағфират қилувчи	Аллоҳ нинг улуғ сифатлари ва исмларидан бири Ғофирдир. Маъноси — «Кечирувчи, (гуноҳларни) мағфират қилувчи». Сура Аллоҳ нинг мана шу улуғ сифати билан номланган. Суранинг иккинчи номи — «Мўмин» (40-оят). Учинчиси — «Ҳо, мим» (шу харфлар билан бошлангани учун). Русча номи — «Прощающий».
41	Фуссилат	Муфассал баён қилинган	Бу сурада хушхабар элтувчи ва огоҳлантирувчи оятлар бўлганлиги ва улар онгли, ақлли кишилар учун муфассал баён қилиб берилганлиги учун, сура шундай аталган. Русча номи — «Разъяснены».
42	Шуро	Маслаҳат	Сурада ҳар бир ишда маслаҳат-кенгаш билан иш тутишга даъват этадиган оятлар бўлганлиги учун, у «Шуро» — «Маслаҳат» сураси деб номланган. Русча номи — «Совет».

43	Зухруф	Зеби-зийнат	Сурада бу дунё олтин, кумушлари, зеби-зийнатлари Аллоҳ наздида қандай мартабада эканлиги баён қилинган. Шунинг учун ҳам сурага шу ном берилган. Русча номи — «Украшения».
44	Духон	Тутун	Суранинг 10-оятда тутун ҳақида сўз юритилган. Мушриклар осмондан «тутун» — ғубор ёғиладиган кун билан, ҳамда уларнинг ёвуз қилмишлари эвазига қахатчилик ва қурғоқчилик бўлиб, ердан кутарилувчи чанг—тузон бамисоли тутун бўлиб кўриниши ҳақида огоҳлантирилади. Суранинг «Духон» («Тутун») деб номланиши шундан. Русча номи — «Дым».
45	Жосия	Тиз чўкувчилар	Суранинг 28-оятда қиёмат куни ҳар бир уммат ўз тақдирини нима бўлишини кутиб, тиз чўккан ҳолда ўтиришлари тасвирланган. Шу сабабли сурага мазкур сўз ном қилиб олинган. Русча номи — «Коленопреклонённые».
46	Аҳқоф	Қумтепалар	Сурада Худ а.с. ва Яман қумтепаларида яшовчи Од қабиласи ўрталарида бўлиб ўтган можаролар ёзилган. Сура номи шундан келиб чиққан. Русча номи — «Песчаные дюны».
47	Муҳаммад	Муҳаммад	Сурада жаноб Муҳаммад а.с.нинг исми шарифлари зикр этилгани учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Мухаммад».
48	Фатҳ	Ғалаба	Макка фатҳи ва улуғ исломий фатҳлар (ғалабалар) хушхабарини етказган сура. Русча номи — «Победа».
49	Ҳужурот	Ҳужралар	Сурада пайғамбаримизнинг жуфти ҳалоллари истиқомат қиладиган ҳужралар ҳақида зикр қилинган 4-оят қарима бўлганлиги сабабли у «Ҳужурот» деб номланган. Русча номлари — «Покои», «Комнаты».
50	Қоф	Қоф	Араб алифбосининг 21-ҳарфи. Сура ўзининг илк калимаси бўлмиш «Қоф» ҳарфи билан бошлангани учун, унга шу ҳарф ном қилиб қўйилган. Русча номи — «Каф» (буква).
51	Ваз-зориёт	Суриб, ҳайдаб кетувчи (шамол)лар	«Ваз-зориёт» — ҳайдовчилар, суриб кетувчилар демакдир. Яъни булутларни ҳайдаб юривчи, суриб кетувчи шамоллар. Бу сўз суранинг 1-оят мазмунидан келиб чиққан ҳолда «Суриб кетувчи шамолларга қасам» деган маънони англатади. Бу оятда Аллоҳ шундай қасамёд этгани туфайли, оятдаги «Ваз-зориёт» сўзи сурага ном қилиб олинган. Русча номи — «Рассеивающие».
52	Тур	Тур (тоғи)	Қуръон даги қасам билан бошланадиган суралардан бири. Тур — тоғ номи. Мусо а.с. Аллоҳ билан Миср Араб республикаси ҳудудидаги Синай ярим оролида жойлашган Тур тоғида сўзлашган. Суранинг 1-оят «Қасамёд этаман Тур (тоғи) билан» жумласи билан бошланади. Сура номи ана шундан келиб чиққан. Русча номи — «Гора».
53	Нажм	Юлдуз	Сура «Ботиб кетаётган юлдузга қасамки...» жумласи билан бошланганлиги учун, «Юлдуз» сўзи сурага ном қилиб олинган. Русча номи — «Звезда».

54	Камар	Ой	Сура Ой иккига бўлиниб мўъжиза юз бергани ҳақидаги ояти карима билан бошланганлиги учун оятдаги «ой» сўзи сурага ном қилиб олинган. Русча номи — «Луна».
55	Ар-Раҳмон	Меҳрибон (Аллоҳ)	Ар-Раҳмон (меҳрибон Аллоҳ) — Аллоҳ нинг гузал исмлари ва сифатларидан бири бўлиб, суранинг 1-ояти «Ар-Раҳмон» сўзи билан бошланганлиги учун, сурага шу ном берилган. Бу сура « Қуръон нинг келини» деб аталади. Русча номи — «Милостивый».
56	Воқеа	Воқеъ бўлувчи	Воқеа — қиёмат номларидан бири. Сурада Қиёмат қойимнинг муқаррар бўлиши ва уша пайтда рўй берадиган даҳшатли воқеа-ҳодисалар ҳамда у кунда кишиларнинг топажак оқибатлари баён қилинади. Шунинг учун ҳам у «Воқеъ бўлувчи» (Қиёмат) деб номланган. Русча номи — «Неотвратимое событие».
57	Ҳадид	Темир	Бу сурада кишилар ҳаётида ҳам, ҳарбу зарбларда ҳам бирдек зарур ва фойдали бўлган темир ҳақида зикр қилингани учун, унга «Ҳадид» — «Темир» сураси деб ном берилган. Русча номи — «Железо».
58	Мужодала	Мунозара	Сура бошида бир аёл ўз эрининг қилмиши тўғрисида шикоят қилиб келиб, пайғамбар Муҳаммад а.с. билан мунозара қилгани баён этилади. Суранинг «Мужодала» — «Мунозара» деб номланишининг боиси шудир. Русча номи — «Преппирательство».
59	Ҳашр	Тўплаб сургун қилиш	Сурада Мадинадаги Бани Назир яхудий қабила-сининг ёвуз кирдикорлари ва хиёнаткорликлари сабабли ўз диёрларидан сургун қилинишлари ва «Бани Назир ғазоти» номини олган ғазот тафсилотлари ҳикоя қилинади. Шунинг учун ҳам бу сура «тўплаб сургун қилиш» деган маънони ифодаловчи «Ҳашр» деб аталган. Русча номи — «Переселение».
60	Мумтаҳана	Имтиҳон қилинувчи аёл	Бу сурада, мушриклардан Мадинага қочиб келган ва ўзларини ҳақиқий мўмина эканликларини билдирган аёлларнинг иймонларини имтиҳон қилиб куриш лозимлиги буюрилади. Суранинг «Мумтаҳана» — «Имтиҳон қилинувчи аёл» деб номланишининг боиси шу. Русча номи — «Испытуемая».
61	Саф	Саф	Саф — саф тортиш, қатор туриш. Сурада Тангри таоло Ўзининг йўлида саф тортиб курашадиган кишиларни суйиши таъкидланади. Суранинг «Саф» деб аталиши шундан. Русча номи — «Боевой ряд».
62	Жумъа	Жумъа	Жам бўлиш. Сурада бошқа кўрсатмалар билан бир қаторда, мусулмонларнинг жам бўлиб жумъа намози ўқишларининг аҳамияти ва савоблари баён қилинган. Ана шунинг учун ҳам бу сура «Жумъа» сураси деб ном олган. Русча номи — «Собрание» (пятничная молитва).
63	Мунофиқун	Мунофиқун	Сурада тили бошқаю дили бошқа иккиюзламачи, мунофиқларнинг кирдикорлари фош қилинади. Шунинг учун бу сура шу номни олган. Русча номи — «Лицемеры».

64	Тағобун	Бир-бирини алдаш	Бир-бирини муомалада алдаб зиён етказиш. Сурада бошқа масалалар билан бир қаторда, мўминларни вас-васа қилиб алдаб ва уларга зиён етказиб юрган кофирлар қиёматда дўзахга гирифтор қилиниб, ўзларига ўзлари зиён келтиришлари ҳақида гап боради. Натижада ўзлари алданиб қолганликларини билиб қолишиб, афсусу надоматлар қиладилар. Кофирларнинг вас-васа ва алдовларига учмаган мўминлар эса у Кунда жаннат билан тақдирланадилар. Яъни мўминларни алдаб зиён етказган кофирлар пировардида ўзлари алданиб, зиён кўрувчилардан бўлиб қоладилар. Шунинг учун ҳам бу сура — «Тағобун» — «Бир-бирини алдаш» деб ном олган. Русча номи — «Взаимное обманывание».
65	Талоқ	Ажралиш	«Талоқ» сўзининг маъноси — «ажралиш», «қўйди-чиқди», «никоҳни бузиш», яъни эр-хотиннинг ажралиши. Сурада сўз асосан оилавий аҳвол ва эр-хотиннинг ажралиши — талоқ масаласи ҳақида сўз кетади. Шунинг учун бу сурага шу ном берилган. Русча номи — «Развод» (супруг).
66	Таҳрим	Ҳаром қилиб олиш	«Таҳрим»нинг маъноси — ҳаром қилиб олиш. Суранинг 1-оятда, бир сабаб билан асални ўзлари учун ҳаром қилиб олган Муҳаммад а.с.га танбех бериш билан бошланади: «Эй, пайғамбар, нега сиз хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қилиб олурсиз?! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир» (Қуръон , 66:1) Суранинг номи ана шу оятдан келиб чиққан. Русча номи — «Запрещение».
67	Мулк	Ҳукмронлик	«Мулк» — ҳукмронлик, подшоҳлик. Ўзбек тилида «Мулк» сўзи бу маънода кам ишлатилади. Купрок у бойлик, ашё, хусусий ёки давлат мулки каби мазмунларда ишлатилади. Суранинг 1-ояти Аллоҳ нинг «Мулки» — «ҳукмронлиги» ҳақида бўлганлиги учун, сурага шу ном қўйилган. «Таборақ» сураси деб ҳам юритилади. Русча номи — «Владычество».
68	Қалам	Қалам	Сура «Қалам ва у билан фаришталар битадиган битикларга қасамки,...» деган сўзлар билан бошланганлигидан, унга «Қалам» деб ном берилган. Русча номи — «Письменная трость».
69	Ал-Ҳоққа	Аниқ рўй берувчи	Сура ана шу билан бошланган. Сурада асосан Қиёмат Кунда содир бўладиган воқеа-ҳодисалар тафсилоти урин олган. Шунинг учун сурага «Аниқ рўй берувчи» (Қиёмат) — «Ал-Ҳоққа» деб ном берилган. Русча номи — «День судный», «Неизбежное».
70	Маориж	Поғоналар	«Маориж» асли «меърож», яъни «поғона» сўзининг куплиги бўлиб, бу сурада «осмон қаватлари» маъносида келган. Суранинг 4-оятда барча фаришталар Қиёмат кунда осмон қаватларини босиб ўтишиб, Аллоҳ ҳузурига тупланишлари зикр қилинган. Сура номи шундан олинган. Русча номи — «Ступени».

71	Нух	Нух	Сура Нух пайғамбар хақида. Русча номи — «Ной».
72	Жин	Жин	Сура, оловдан яратилган кўзга кўринмас махлуқлар — жинлар олами хақида ҳикоя билан бошланади. Шунинг учун бу сурага шу ном берилган. Русча номи — «Гении».
73	Муззаммил	Ўралиб олган	«Муззаммил»нинг маъноси — «уралиб олган». Муҳаммад а.с., Қурайш кофирлари тўпланишиб, узига ва динга қарши макр-ҳийла режаларини тузаётганларини эшитиб, ҳафа бўлиб, қаттиқ изтироб чекиб, кийимларига ўралиб эндигина уйкуга кетганларида: « <u>Эй (кийимларига) ўралиб олган зот. ...</u> » деган оят нозил қилина бошланган. Сура номи шундан олинган. Русча номи — «Закутавшиеся».
74	Муддассир	Бурканиб олган	Араблар одати бўйича, бирор нарсадан қаттиқ кўрққан киши кўрпа ичига кириб, бурканиб олар экан. «Муддассир» — «бурканиб олган» демакдир. Суранинг 1-ояти нозил бўлиши хақида пайғамбаримиз: «Мен бир куни йўлда кетаётиб осмондан бир овоз эшитдим. Бошимни кўтариб қарасам, Жаброил а.с. осмон билан ернинг ўртасида муаллақ турган бир курсида утирибди. Кўрққанимдан ерга йиқилдим ва қалтираб - титраган ҳолимда уйга етиб келиб, «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар», дедим. Энди кўрпа ичига кириб, бурканиб ётганимда менга: « <u>Эй. (кўрпага) бурканиб олган зот. ...</u> », деб бошланган оят нозил бўлди». Ана шу «Муддассир» — «Бурканиб олган» деган сўз сурага ном қилиб олинган. Русча номи — «Завернувшиеся».
75	Қиёмат	Қиёмат	Сурада сўз асосан Қиёмат куни ва қайта тирилиш хусусида боради. Суранинг 1-ояти: «Қиёмат кунига қасамёд этурман» бўлганлигидан сурага «Қиёмат» деб ном берилган. Русча номи — «Воскресение».
76	Инсон	Инсон	Сурада, Аллоҳ таоло инсон зотини қай тарзда йўқдан бор қилгани ва уни ҳаётга йўллагани, исломий инсонпарварлик муносабатлари қондалари ҳамда бошқа масалалар баён этилган. Русча номи — «Человек».
77	Мурсалот	Юборилган (шамолларга қасам)	Мурсалотнинг маъноси — юборилган, эстирилган (шамол). Сурада Қиёмат кунининг ҳақ эканлигини исботлаш учун, Аллоҳ таоло маълум мавжудотлар номига қасамёд этади. Оятларда инсоннинг яратилиб дунёга келиши, яшашдан асосий мақсад охират учун ҳозирлик куриш экани, аксинча, фоний дунё маишати йўлида охиратини бой бериб қўйганларнинг ҳолига вой бўлиши ажиб усуллар билан ифода этилган. Сура ўзининг илк ояти номи билан «Мурсалот» — «Юборилган (шамол)ларга қасам», деб аталади. Русча номи — «Посылаемые».
78	Набаъ	Улуғ хабар	Суранинг номи унинг 2—3-оятлари мазмунидан олинган. Русча номи — «Великая весть».

79	Нозиот	(Жонни) Сувириб олувчилар	Сура ўзининг илк ояти номи билан «Нозиот» — яъни «(жонни) Сувириб олувчи фаришталарга қасам» деб номланган. Русча номи — «Исторгающие», «Вырывающие».
80	Абаса	Қош чимирди	Абаса — қош чимирди, хумрайди, юзини буриш-тирди (энсаси қотди маъносида). Сурада, ногирон ва нотавонларга исломий муносабат қондалари баён қилинган. Бу ном 1—2-оятлар мазмунидан олинган. Русча номи — «Нахмурился».
81	Таквир	Ўралиш	Сура Қиёмат кунда бутун ер юзини ёритиб ва иситиб турадиган қуёш ҳам ўралиб, нурсизланиб қолиши хусусидаги оят билан бошланганлиги сабабли, «Таквир» — «Ўралиш» деб номланган. Русча номи — «Скручивание».
82	Инфитор	Ёрилиш (Осмон ёрилиб, юлдузларнинг сочилиб кетиши)	Сура «Осмон ёрилганда», «Юлдузлар ҳар томон сочилганда», «Дарё-денгиз, тусиқ, тўғонлар очилиб кетганда», «Қабрлар тункариб қўйилганда» каби сўзлар билан бошланганлиги учун сурага умумий қилиб «Инфитор» — «Ёрилиш» деб ном берилган. Русча номи — «Раскалывание».
83	Мутаффи-фун	Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчилар	Бу сурада тарози ва ўлчовдан уриб қолиб, хари дор ҳаққиға хиёнат қилишнинг оғир гуноҳ экани алоҳида ва батафсил таъкидланган. Суранинг номи бўлмиш «Мутаффифун» калимаси «Бировларнинг ҳақларидан — ўлчов ва тарозидан уриб қолувчилар» деган маънони англатади. Русча номи — «Обвешивающие и обмеривающие».
84	Иншиқоқ	Ёрилиш (Осмон ёрилиши ва Ернинг ёйилиб вайрон бўлиши)	Суранинг 1-5 оятларида ёзилишича, Қиёмат кунни осмон ёрилади, ер ёйилади, вайрон бўлиб тептекис бўлиб қолади ва ўзининг ичидаги жасадларни устига чиқариб ташлайди. Шунинг учун ҳам бу сура «Иншиқоқ» — «Ёрилиш» (Осмоннинг ёрилиши ва Ернинг ёйилиб вайрон бўлиши) деб ном олган. Юқоридаги 82- ва мазкур 84- суралар номи русча таржимасида бир хил — «Раскалывание» ёки «Разрушение» деб берилган.
85	Буруж	Буржлар	Буруж — осмон буржлари (зодиак белгилари) деган маънони англатади. Сура «Қасамёд этаман (ун икки) буржларга эга бўлган осмонга» деган оят билан бошланади. Сура номи шундан олинган. Илми нужумни эътироф этишга субҳоний ишора қилинган сура. Русча номи — «Созвездие зодиака».
86	Ториқ	Тунги йўлчи — юлдуз	Суранинг номи 1-3 оятлар мазмунидан олинган: 1) Осмонга қасам, тунги йўлчиға қасамки; 2) — (Эй, Муҳаммад), Сиз тунги йўлчи нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?! 3) (У) учар юлдуз-дир. Русча номи — «Ночной путник».
87	Аъло	Энг Олий Зот	Аъло — Аллоҳ таолонинг барча олийлар олийси эканини билдирувчи сифати. Сура бошидаги оятда барча нарсадан олий ва юксак бўлган зот — Аллоҳ таолонинг номини пок тутишга амр этилади. Русча номи — «Высочайший». «Всевышний».

88	Фошия	Ўраб олгувчи	Фошия — Қиёматнинг номга айланиб кетган сифатларидан бири. Бу сура халойикни ўз дахшати билан ўраб оладиган, Қиёмат куни рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни баён қилиш билан бошланади. Шунинг учун бу сура шу ном билан аталган. Русча номи — «Покрывающее».
89	Фажр	Тонгги шафақ	Фажр — эрта тонг, тонгги шафақ. Сура ўзининг биринчи оятидаги ана шу сўз билан бошлангани учун, у суранинг номига айланган. Русча номи — «Заря».
90	Балад	Шаҳар	Сура «(Эй, Мухаммад) мана шу шаҳар (Макка) билан қасамёд этурман» деб бошланади. Суранинг номи шу оятдан олинган. Русча номи — «Город».
91	Шамс	Қуёш	Сура «Қасамёд этаман Қуёш ва унинг зиёсига (ёрдусига)» деб бошланади. Сура номи ана шу оятдан олинган. Русча номи — «Солнце».
92	Лайл	Тун	Сура «Қасамёд этаман ўраб келаётган кечага (тунга)», деб бошланади. Сура номи шу оятдан олинган. Русча номи — «Ночь».
93	Зуҳо	Чошгоҳ	Сура «Қасамёд этаман чошгоҳ вақтига», деб бошланади. Сура номи шундан олинган. Русча номи — «Утро».
94	Шарҳ	Очиш	Шарҳ — очиш, кенг қилиш. Сура «(Эй, Мухаммад,) Қалбингизни (илму-ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?!», деган оят билан бошланади. Сура номи ана шу оятдан олинган. Суранинг иккинчи номи «Аълам нашрах». Русча номи — «Раскрытие».
95	Тийн	Анжир	Сура «Анжирга қасам» сўзи билан бошлангани учун, унга шу ном берилган. Русча номи — «Смоковница».
96	Алақ	Лахта қон	Бу ном суранинг иккинчи ояти мазмунидан олинган: «У инсонни лахта қондан яратди». Русча номи — «Сгусток».
97	Қадр	Қадр кечаси	Сура «Албатта, Биз у (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик», деб бошланади. Сура номи ана шу оят мазмунидан олинган. Русча номи — «Ночь величия».
98	Баййина	Аниқ ҳужжат	Қуръон сифатларидан бири. Сурада Аллоҳ таоло томонидан юборилган Қуръон — аниқ ҳужжат эканлиги ҳақидаги оятлар урин олганлигидан, бу сура шу номни олган. Суранинг иккинчи номи — «Лам Якун». Русча номи — «Ясное знамение».
99	Залзала	Зилзила	Ер қимирлаши. Бу сурада Қиёмат қойим бўлишида Ернинг жунбушга келиб қимирлаши, тилга кириб гапириши ва Номаи аъмол битиклари тасвирланган. Суранинг номи 1-оятда кўрсатилган «Залзала» — «Зилзила» сўзидан олинган. Бу сурага Имом ат-Термизий Қуръон нинг учдан бирига тенг, деб таъриф берган. Русча номлари — «Землетрясение», «Сотрясение».

100	Одиёт	Учқур отларга қасам	Одиёт — чопувчи, учқур (от)лар. Суранинг дастлабки оятларида жанглarda матонат кўрсатадиган елдек учқур отлар номига қасамёд этиш билан Аллоҳ таоло баъзи ношуқур инсонларнинг ўз Холиқиға итоатсиз, дунёпараст эканликлари таъкидланади. Суранинг номи ана шу оятлар мазмунидан олинган. Русча номи — «Мчщащиеся».
101	Қориа	Зарба берувчи Қиёмат	Сура «(У) зарба берувчи (қиёмат)дир» деган оят билан бошланади. Сура номи шундан келиб чиққан. Русча номлари — «Поражающее», «Бичевание».
102	Такосур	Тўплаб кўпайтиришга берилиш	Суранинг 1-2 оятларида мол-дунёни тўплаб кўпайтиришга берилиб кетиш ҳақида сўз кетади. Сура номи шундан олинган. Русча номи — «Страсть к приумножению».
103	Аср	Аср	Аср сўзи араб тилида тўрт хил маънога эга: 1) аср намози; 2) ҳар юз йиллик муддат; 3) пайғамбаримиз яшаган аср (асри саодат); 4) сиқиб сувини чиқариш. Сурада зикр этилган «аср» сўзидан мурод аср намози ёхуд асри саодат, яъни пайғамбаримиз яшаган аср мақсад қилинган бўлиши мумкин. Суранинг 1-2 ояти «Аср (вақти)га қасамки...», деб бошланади. Сура номи ана шу «Аср» сўзидан олинган. Русча номи — «Предвечернее время».
104	Хумаза	Бўхтончи, ғийбатчи	«Хумаза» (Бўхтончи, ғийбатчи) калимаси суранинг 1-оятда келган: «Барча (кишиларнинг дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган) бўхтончи, ғийбатчига ҳалокат бўлгай». Русча номи — «Хулитель».
105	Фил	Фил	Сура «Асҳоби фил» (фил соҳиблари, фил минган лашкарлар) қиссаси ҳақида. Суранинг 1-оятдаги «фил» сўзи сурага ном қилиб олинган: «(Эй Мухаммад), Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?» Русча номи — «Слон».
106	Қурайш	Қурайш	Қурайш — Маккадаги ўн икки қабиланинг бири. Мухаммад а.с. ҳам шу қабилага мансубдирлар. Суранинг 1-оят: «Қурайшга осон қилиб қўйилгани учун,...» деб бошланади. Ана шу қабила номи сурага ном қилиб олинган. Русча номи — «Курайшиты».
107	Моъун	Рўзғор буюмлари	Сурада иймонсиз бандаларнинг разил сифатлари санаб ўтилади. Жумладан рўзғор буюмларини қизғаниш каби нуқсонлар ибратли тарзда баён этилган. Сура номи 6-7 оятлар мазмунидан олинган. Русча номлари — «Подаяние», «Милостыня».
108	Кавсар	Кавсар	Жаннатдаги Кавсар ҳовузи, булоғи ёки дарёси. Иккинчи маъноси: Кавсар — касир сўзининг муболага сийғаси, яъни жуда кўп яхши нарсалар ва яхшиликларни ато этдик, дегани. Суранинг 1-оятда ана шу «Кавсар» сўзи ишлатилган. Русча номлари — «Обильный», «Изобилие».

109	Кофирун	Кофирлар	Сурада кофирларнинг найранглари ҳақида сўз кетади. Русча номи — «Неверные».
110	Наср	Ёрдам	Сурада Аллоҳ нинг ёрдами келиб, одамлар тўп-тўп бўлиб, Исломга кираётганини кўрганда, Аллоҳ га тасбеҳ айтиб, гуноҳларга тавба қилиб, У ндан мағфират сўраш кераклиги айтилади. Русча номи — «Помощь».
111	Масад	Пишиқ тола	Сурада пайғамбаримизнинг ашаддий душмани муттаҳам Абу Лаҳаб ва унинг бадбахт хотини лаънатланади. Суранинг номи 3-4-5-оятлар мазмунидан келиб чиққан: «Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан (эшилган) арқон бўлган, хотини ҳам (ловуллаб турган) алангали дўзаҳга киражак!» Суранинг иккинчи номи «Таббат». Русча номи — «Пальмовые волокна».
112	Ихлос	Ихлос	Бу сура, бир гуруҳ Макка мушриклари пайғамбар а.с. ҳузурларига келишиб, Аллоҳ нинг қандайлигини таъриф-тавсиф қилиб беришни сўраганларида, ушаларга жавобан нозил бўлган. Жавоб қисқа ва қатъий бўлган. Ҳадисларда бу сура Қуръон нинг камида учдан бирига тенглиги айтилган. Русча номлари — «Очищение» (веры), «Искренность».
113	Фалақ	Тонг	Сура, ўзининг илк оятидаги сўз билан «Фалақ» — «Тонг» деб номланган. Бу ва кейинги сура «Муавваттони», яъни «икки паноҳ сўралувчи сура» деб ҳам аталади. Русча номи — «Рассвет».
114	Нос	Инсонлар	Суранинг 6-оятида хабар берилишича, жинларнинг шайтони бўлганидек, одамларнинг ҳам шайтони бўлар экан. Уларнинг иши инсонларни вас-васа қилиб йўлдан оздириб, фожеаларга дучор қилиш экан. Бу сурада юқоридаги сура каби инс-жинслар (инсонлар-жинлар)нинг ёмонликларидан фақат Парвардигор дан паноҳ сўраш лозимлиги уқтирилади. Сура ўзининг илк оятидаги сўз билан «Ан-Нос» — «Инсонлар» деб номланган. Русча номи — «Люди».

Сураларнинг ўзбекча номлари Абдулазиз ва Алоуддин Мансурларнинг «**Қуръони карим**» китобларидан, русча номлари эса И.Ю.Крачковский, М.-Н.О.Османов, В.Порохова ва Т.А. Шумовскийларнинг «**Священный Коран**» китобларидан олинди.

Агар «Фотиҳа» сураи жалиласининг «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм»дан, яъни араб алифбосидаги «бо» ҳарфидан бошланиши ва «Нос» сураси эса «ван-нос» сўзи билан, яъни «син» ҳарфи билан тугалланишини эътиборга олсак ва **Қуръон**даги энг биринчи ва энг охириги ҳарфларни қўшиб ўқиш натижасида «бас» мустақил калимасини илҳом йўсинида чиқариш мумкин. Демак, **Қуръони карим** бутун инсониятга «бас» -кифоядир, етарлидир, рисолат тугади, китоб ҳам ниҳоясига етди мазмунидаги илоҳий даъват ва муъжизани кузатамиз.

Муқаддас диний китоблар

Китобимизнинг еттинчи ва саккизинчи фаслларида айтиб ўтилган илоҳий, муқаддас диний китоблардан ташқари зардуштийлик динининг «Авесто», буддизмнинг «Трипитака», Ҳиндистон халқларининг «Ведалар», «Упанишадлар», «Бхагавадгита», «Рамаяна», «Ригведа», «Махабхарата», «Шастра», конфуцийликда «Унзин» (Беш китоб) ва «Сишу» (Тўрт китоб), синтоизмда «Кодзики» (Ўтмиш ҳақида битиклар), даоизмда «Даоцзан» (Дао ҳақидаги таълимот) ва бошқа диний муқаддас китоблар ҳам борки, уларни турли даврларда, асрларда турли руҳонийлар, коҳинлар, авлиёлар ёзганлар.

Бу китоблар ҳам ваҳй қилинган деган қарашлар бор. Лекин улар **Аллоҳ таоло** томонидан нозил этилган илоҳий китобларда ўз тасдиғини топмагани, ақалли улар ҳақида бирон-бир ишора ҳам учрамаганлиги сабабидан, самовий китоблар сирасига қатъий киритилмаган. Шунинг учун бу масала, яъни уларнинг ҳаммаси, ёки баъзиларининг илоҳий ёки илоҳий эмаслиги масаласи ҳамон ихтилофли, жумбоқ бўлиб турибди. **Аллоҳнинг ўзи билгувчирокдир!**

Аммо ўша замонларда, ўша ҳудудларда яшаган халқлар бу китобларни ўзлари учун азиз, табаррук ва муқаддас санаганлар ва уларга ихлос билан эътиқод қилиб келганлар. Шундай муқаддас диний китобларнинг энг қадимийси «Авесто»дир.

А в е с т о

*«Эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал» та-
моийли комилликка интилиб келган аждогла-
римизнинг маънавияти ва яшаш тарзи бўлиб
келганлигидан фахрланамиз»*

«Авесто» (асли «Овасто») сўзи «огоҳнома», «донишнома» деган маъноларни ифодалайди. Зардуштия динининг муқаддас диний китоби «Авесто», юқорида қайд этилганидек, **Аллоҳ таоло** томонидан ваҳй қилинган самовий, илоҳий китоблар сирасига киритилмаган бўлса-да, у ўз даврларида, ўша пайтларда бу динга эътиқод қилувчилар учун муқаддас китоб саналган ва унга бир неча минг йиллар давомида ихлос билан амал қилиб келганлар.

Ҳозир эса бу китоб аждоларимиз маданияти ва маънавий қадриятларидан дарак берувчи, жаҳон тамаддунига (цивилизациясига) муҳим ҳисса қўшган, оламшумул аҳамиятга эга бўлган она юртимизнинг энг қадимги, энг муътабар, энг нодир маданий тарихий ёдгорлиги сифатида ўрганилади.

«Авесто» қадимги Ўрта ва Марказий Осиё, Хуросон, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Шимолий Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудудларида яшаган халқлар эътиқод қилган зардуштия (зороастризм) динининг муқаддас китобидир. Бу китоб ўтган асрларда Европада «Зенд-Авесто» (Тафсир қилинган матн) деб ҳам аталган.

«Авесто» даставвал халқ орасида унутилган қадимий тилда ёзилган. Уни кўпчилик руҳонийлар ҳам тушуна олмаганликлари сабабли, ўша даврнинг адабий тили бўлган паҳлавий тилига таржима қилинган, асосий матнларига шарҳлар ёзилган ва бу таржима шарҳлар — «Занд» деб аталган. Шу туфайли Европада бу китоб — «Зенд Авесто» талаффузи билан маълум бўлган.

«Авесто» бу улкан, бепоён ҳудудларда яшаган халқларнинг энг қадимги маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётини, олам ҳақидаги тасаввурларини ва диний қарашларини ўзида акс эттирган қомусий диний асардир. Бу китоб инсониятни комилликка, етукликка етакловчи улкан, ноёб қадрият бўлиб, чексиз тафаккур ва тараққиёт ғояси, умумбашарий

маданиятнинг юксак чўққисига айланди. Инчунин бу китоб, жаҳон тамаддунига алоқадор бўлган буюк умуминсоний асар ҳам бўлиб қолди.

«Авесто»да инсон ахлоқи асосан уч тамойил билан белгиланган: **эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал.**

«Авесто»га эътиқод қилувчилардан бутун ҳаётлари давомида ушбу учликни ўзида мужассам қилиб яшамоқлари талаб этилган. Ана шу тамойил комилликка интилиб келган аждодларимизнинг маънавияти ва яшаш тарзи бўлиб қолган.

Ушбу китобда Ҳурмузд ва Аҳриман тимсолида икки мурасасиз қарама-қарши кучлар — табиатда зиё ва зулмат, борликда ҳаёт ва мамот (ўлим), маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш тасвирланган. Бу китоб ана шу ўзаро курашларда яхшилик тантанаси ва эзгулик ғолиблигини таъминлашда инсонларга маънавий қудрат, маънавий рағбат, руҳий даъваткорлик вазифасини ўтаган. У нафақат зардуштийларни, балки бутун инсониятни яхшилик сари йўллашга, кишилик ҳаётига маънавият ва маданиятнинг кириб келишига сабаб бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «Авесто» сингари нодир ёдгорликлар ўз даврларидаяёқ умуминсоний қадриятларга айланган. Инсон ғоявий қарашлари, мафкураси, таълимоти ва эътиқодидан қатъий назар, ундан ўзи учун ҳамиша фойдали томонларини, тараққиётга хизмат қиладиган жиҳатларини ва омилларини ўрганади, унга ўзида эҳтиёж сезади, асраб-авайлайди ва эъзозлайди. Зотан, ҳар қандай тамаддун ғоялар, мафкуралар ва таълимотлар, фикрлар турли-туманлигидан, уларнинг тўқнашувидан, шулар орқали оламини, ҳақиқатни англаш, идрок этишдан бошланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда, мустақиллик эндигина илдиз отаётган шароитда, «Авесто» китобининг ижтимоий, маънавий, фалсафий ва мантиқий аҳамияти ғоят каттадир.

Ҳозиргача, ушбу улкан маданий ёдгорлик француз, немис, инглиз, форс ва бошқа тилларга аллақачон таржима қилиб бўлинган, бир неча мартадан нашр этилган. Чунки теран фикр юритувчи оқил инсонлар «Авесто»га инсоният тамаддуни нуқтаи назаридан қараганлар ва ана шу қадриятга хизмат қиладиган ҳар қандай олижаноб, эзгу ғояни тор диний ва миллий манфаатлардан устун қўйганлар.

Бугунги кунда ҳаёт, келажак биздан баркамолликни, етукликни талаб этмоқда. Янги давр — янги юз йиллик, янги минг йиллик бошланган ҳозирги пайтда тамаддуннинг муҳим омили сифатида ақл-идрок, бой тафаккур, теран фикр, маънавий, ахлоқий поклик ва руҳий покизалик катта аҳамият касб этмоқда. Зеро, инсоннинг ана шундай ижобий сифатларини, хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган «Авесто»ни ўрганиш замона талаби бўлиб қолмоқда.

Машҳур башоратчи Мишель Нострадамус ўзининг 1555-йилда ёзган «Центуриялар» китобида XXI асрда ер юзида одамларни яна «Авесто» китоби, зороастризм таълимоти қизиқтира бошлайди, бу таълимотни тез тарқалишида ва ҳукмрон мавқега эга бўлишида узоқ самодан келган ақлли мавжудотларнинг ёрдами беқиёс бўлади, деб таъкидлаган.

«Авесто» узоқ даврлар мобайнида — милоддан олдинги 3 минг йилликнинг охирларидан бошлаб оғзаки тарзда шаклланиб авлоддан-авлодга ўтиб келган. Муқаддас «Авесто»нинг ёзувлари турли даврларга оид бўлиб, ҳар хил ижтимоий муҳитнинг маҳсули бўлган. Уларни милоддан аввалги XII-VIII асрлар орасида Хоразмда туғилиб ўсган Заратуштра (Зардушт) бир тизимга солиб, ўзи ҳам «Авесто»ни «Ғоҳлар» («Готлар») қисмини ёзиб китобат қилган ва зардуштия динига асос солган.

И з о ҳ: «Зардуштия», «зардуштлик» атамаси бу диннинг расмий номи эмас, балки пайғамбар Заратуштра (Зардушт, Зороастр) номи билан шартли равишда аталишидир. Аслида у маздавийлик дини, яъни илоҳ, худо Маздага — Аҳура Маздага эътиқод қилувчилар дини демакдир.

«Мазда»нинг маъноси — бутун борлиқни, оламларни яратган мутлақ ақл, олий онг, ҳушёр, ҳар нарсадан огоҳ, доно, қудратли раҳнамо.

«Аҳура»нинг маъноси — жамийки борлиқни, оламларни яратган буюк ва қудратли илоҳ, худо. Аҳура энг қадимги паҳлавий тилида «худованд», «худо» сўзига айланиб

кетган. Аҳура Маздани, умумий қилиб олганда, *Худо Мазда* — яъни ҳушёр, огоҳ, доно, яратувчи, қудратли, буюк раҳнамо *Худо*, қисқача «*Доно Худо*» деб тушуниш мумкин.

Шундай қилиб, биз ҳам бундан кейинги ўринларда кўпчилик қабул қилган анъанани бузмай бу диннинг номини «зардуштийлик», «зардуштия» деб атайверамиз.

Ўтмишда «Авесто» ва Зардуштнинг ватани қаерда бўлганлиги тўғрисида олимлар ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтган. Пировардида ўттиздан ошиқ чет эллик машҳур авестошунос олимлар ва ўзимизнинг қадимшунос, тарихчи, авестошунос тадқиқотчи олимларимиз «Авесто» ва зардуштия динининг асосчиси пайғамбар Зардуштнинг ватани Ўзбекистон, Хоразм деб қатъий бир тўхтама келганлар. Олимларнинг бундай яқдиллик билан чиқарган хулосаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, маориф ва маданият бўлими — ЮНЕСКО ҳам тасдиқлаган.

И з о х: *Заратуштра, Зардушт ўзини пайғамбар деб эълон қилган ва уни пайғамбар эканлиги «Авесто»да ҳамда жуда кўп манбаларда қайд этиб ўтилган. Илоҳий муқаддас китобларда эса у умуман тилга олинмаган, унинг ҳақида бирор ишора ҳам йўқ. Аммо унинг пайғамбар эмаслигига ҳам бирон-бир далил йўқ. Шунинг учун ҳам биз уни бундан кейинги ўринларда пайғамбар деб кетамиз. Аллоҳнинг Ўзи билгувчироқдир!*

Зардуштия дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто»нинг ватани Ўзбекистон Республикасининг Хоразм воҳаси эканлигини машҳур олимлардан А. Абдуллаев, Б. И. Авдиев, А. Асқаров, В. В. Бартольд, Е. Березиков, Ф. Бойназаров, И. О. Брагинский, Э. Герцфельд, И. М. Дьяконов, В. И. Зоҳидов, Ж. Йўлдошев, Т. Каримов, В. М. Луконин, М. Е. Массон, З. Муқимов, Н. Норқулов, С. Ф. Ольденбург, Н. Прохоров, Г. А. Пугаченкова, Ю. А. Рапопорт, Б. Раҳимов, Э. В. Ртвеладзе, А. Саидов, А. Саъдуллаев, Т. Саъдуллаев, В. В. Струве, К. В. Тревер, Б. Эшонов, Я. Фуломов, Т. Қиличев ва бошқалар ҳам тасдиқлаганлар.

Уларнинг тасдиқлашларича, зардуштийлик дастлаб Хоразмда вужудга келиб, сўнгра Парфия, Бактрия, Сўғдиёна, Паркана (Фарғона), Озарбайжон, Эрон, Хуросон, Ирок, Мўғулистондан тортиб, то Сурия, Хитой, Шимолий Ҳиндистон, Рум, Ҳабашистон ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида кенг тарқалиб кетган. «Жуда кўп исботлар билан аниқланган бу ҳақиқатни, — деб ёзади европалик авестошунос олим Э. Бенвенист, — бошқа ҳар қандай фикр-мулоҳазалар билан йўқ қилиб бўлмайди» (Х. Бобоев ва И. Жабборов. *Авесто — маънавиятимиз сарчашмаси*, Тошкент, «Адолат», 2001. Яна қаранг: *Антик маданият ва маънавият хазинаси*, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999).

Зардуштийлик дини ҳақида 4 жилдлик фундаментал асар яратган машҳур инглиз олимаси Мэри Бойс ҳам зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто» қадимги Хоразмда пайдо бўлганлигини қайд этган.

Шунингдек: «Зардушт илк бор ўз динини олиб келганда даставвал Ийрон Виж («Аряна Ваижа», ҳозирги Хоразм вилояти Хива шаҳрининг қадимги номи) да алқов ва ибодатлар маросимини ўтказган», деб ёзилган «Авесто» китобининг ўзида ҳам. (Қаранг: *Авесто*. Тошкент. «Шарқ» НМАКБТ, 2001. 323-бет).

Абу Райҳон Беруний (973—1048) нинг ёзишича, Зардушт ўзининг «Туғилиш китоби»да болалик вақтларида Ҳарронда ҳикматшунос Илёсдан илм олган. Ибронийлар эса Зардушт Илёс пайғамбарнинг шогирдларидан эди, деб айтганлар.

И з о х: *Ҳикматшунос руҳоний Илёс (Библияда Илий), Илёс пайғамбардан (яъни Илья) тахминан 200—300 йиллар олдин ўтган. (А. Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Таржимон А. Расулов. Тошкент, «Фан», 1968, 237-бет).*

Агар ибронийларнинг даъвоси тўғри бўлса, Зардушт милоддан олдинги X—IX асрлар орасида яшаб ўтган, агар Зардуштнинг ўзининг гапини, яъни ҳикматшунос руҳоний Илёсдан таълим олганлигини инобатга оладиган бўлсак, унда Зардушт милоддан 1100 йиллар олдин яшаб ўтган бўлиб чиқади.

«Бизнинг фикримизча, Зардушт фаолиятини эрамиздан олдинги 2000- йилнинг

охирларида, деб билмоғимиз керак, чунки, агар «Авесто»нинг «Гохлар» («Готлар») қисми тарихий шахс Зардушт томонидан яратилганини ҳисобга олсак, «Авесто»нинг энг қадимги қисмларини ана шу давр билан изоҳламоқ ҳақиқатга яқин бўлади», — деб ёзади авестошунос олим Тилаб Маҳмудов (қаранг: Авесто. Тошкент, «Шарқ» НМАКБТ, 2001, 367-бет).

Олим М. Имомназаров эса ўзининг «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» номли китобида: «Авесто»нинг китоб ҳолида шаклланишининг охирги босқичлари эрамиздан аввалги XII—VIII асрларга тўғри келиши аниқ. Аммо Зардушт бу даврлардан ҳам анча, эрамиздан бир неча минг йил илгари ўтган бўлиши ҳам мумкин, ҳар ҳолда қадимги юнонларнинг бу ҳақдаги гувоҳлиги шундан далолат беради», — деб ёзган (Тошкент, 1996, 21-бет).

Машҳур археолог, этнограф академик С. П. Толстов (1907—1976) ҳам археологик қазишмалар давомида олинган далиллар зардуштийлик дини ва унинг пайғамбари Заратуштранинг Хоразм заминидан туғилганини исботлайди ва унинг яшаган даври эрамиздан олдинги биринчи минг йилликдан ҳам олдинги даврларга мансуб, деб айтган.

«Авесто» — «Ясна», «Гохлар» («Готлар»), «Виспарад», «Яштлар», «Вандидот» (Вадовдот) ва «Кичик Авесто» қисмларидан ташкил топган.

«Авесто»нинг «Ясна» қисми ҳали синфий жамият юзага келмаган, ҳаётда қабилчилик, кўпхудолик диний тасаввурлари ҳукм сурган қадимги даврларда яратилди.

«Ясна» (тоат ва саловотга лойик, муносиб маъноларини ифодалайди) — бугунги «Авесто»нинг энг қадимги муҳим қисми бўлиб, 72 ҳот (овоз, боб)дан иборат бўлган ҳамду сано, муножот ва қурбонлик дуоларидан ташкил топган.

Зардуштнинг бешлик «Гохлар»и (қўшиқ-гимн) ҳам ана шу «Ясна»нинг 72 ҳотлари таркибига киради. «Ясна»нинг 72 бобидан 55 бобида қадимги қабилавий кўпхудолик эътиқодлари акс этган. Қолган 17 боби Зардуштнинг яккахудолик таълимоти ёзилган «Гохлар» — бешлик қўшиқ — гимнларидан иборат.

«Гохлар», форсийча «Готлар» бўлиб, маъноси — қўшиқ-гимн. «Авесто»нинг энг қадимги қисмларидан бири бўлган Зардуштнинг бешлик қўшиқ-гимнларидир.

Зардушт кўпхудоликни бекор қилиб, ўзининг «Гохлар»ида яккахудолик таълимотини кенг ёйган, икки қарама-қарши кучлар — зиё ва зулмат, ҳаёт ва мамот, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги муросасиз курашда ҳар бир инсон яккаю ягона олий Тангри — Ахура Мазда амрига кўра эзгулик кучлари томонида бўлиши ва ҳаётда уч — «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал» тамойилига риоя қилиб яшаб юришлари кераклиги ҳақида куйлаган.

«Виспарад» — «Ясна»га қўшимча тарзда ёзилган 24 бобдан иборат ибодатга доир қўшиқлар, ҳукмдорларга қилинадиган муножотлар ва жамийки радлар мадҳи.

«Яштлар»да зардуштийларнинг ўқиб юрадиган дуолари ва алоҳида илоҳларни мадҳ этувчи қўшиқ-оятлар ёзилган. «Яшт» сўзи — мақтов, қутлов, алқов, эъзоз каби маъноларга эга. «Яштлар» ва «Ясна» ўртасидаги тафовут шундаки, «Ясна»да алқов ва ибодатлар умумий бўлиб, «Яштлар»даги олқишлар хос, яъни ҳар бир ҳодисага алоҳида-алоҳида бағишловлардан иборат.

«Вандидод» (Вадовдот) «Вийдайвадота» сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, «ёвуз кучларга қарши қонун» маъносини англатади. «Вандидод» 22 бобдан иборат бўлиб, унда ибодат қилиш тартиби, уни бузганларни жазолаш қонун-қоидалари ҳам акс этган. Шунингдек, «Вандидод»да ўликни ерга кўмиб ерни ҳаром қилган ёки ёлғон ваъда берган одамни жазолаш, ўликларни кўядиган даҳмалар қуриш, кўмиш маросими ва ўликдан ёвуз жинларни қувиш учун унинг ёнига ит обориб қўйиш, ит боқиш ва уни парвариш қилиш тўғрисида, табиблар хусусида, аёллар билан ойнанинг қайси кунлари жинсий алоқада бўлиш, соч ва тирноқларни қачон олиш ва уларни тоза сақлаш, ўз қичқирғи билан ёвуз руҳларни қочирувчи хўроз ҳақида, сувни ифлос қилмаслик, чақалоқни парваришлаш, Ахура Мазданинг одамларни турли бало-қазолардан асраши, меҳрибонлиги ва ҳоказолар баён этилган.

«Кичик Авесто» («Хурда Авесто»)ни «Авесто» китоби катта ҳажмда (бўйи 120, эни 70 см) бўлганлигидан, диндорлар кундалик ҳаётларида фойдаланиш осон бўлсин учун яратганлар. «Кичик Авесто» катта «Авесто»дан танлаб олинган дуолар, олқишлар, қўшиқлар, санолар тўпламидан иборат. «Кичик Авесто» қуёш, ой, юлдузлар, Ардвисура, Ашоҳ, Суруш, Озар ва ҳоказо илоҳлар шарафига айтилган дуолар, алқовлар, тоат ибодатлар каби матнларни

Ўз ичига олди.

Шундай қилиб, бу дин пайгамбар Зардуштдан кейин, яна аввалгидек кўп худолик эътиқодига айланиб кетди. Улар оловга ҳам сиғина бошлаганларидан кейин, «оташпарастлар», «мажусийлар» деган ном олдилар ва маздавийлик зардуштия дини мажусийлик, оташпарастлик дини бўлиб қолди.

Зардуштийлик аҳамонийлар даврида давлат мақомини олгач, «Кичик Авесто» ҳам ёзма тус ола бошлади.

«Авесто» китоби илоҳий, самовий китобми? — деган савол кўпчилик зукко ўқувчиларимизни қизиқтириши табиий, албатта. Бу ҳақда шуни айтиш мумкинки, бизнинг шахсий фикри ожизимизча, бу масалани китобнинг умумий руҳиятидан, мазмунидан келиб чиқиб, мантиқан мушоҳада этиб кўрадиган бўлсак, Зардуштгача бўлган «Авесто»нинг «Ясна» қисмида кўп худолик ғоялари тўлиб-тошиб ётган эди ва халқ ҳам амалда худоларга, санамларга, табиий ҳодисаларга, жонли, жонсиз нарсаларга эътиқод қилиб сиғиниб келар эдилар.

Шунинг учун халқни ҳидоятга, тўғри йўлга солиш ва кўпхудоликка барҳам бериш учун, **Тангри таоло** улар ичидан Зардуштни танлаб олиб, унга пайгамбарлик мақомини бериб илоҳий ваҳй нозил қилган, деб тахмин қилиш мумкин. Зардушт ана шу ваҳй асосида ўзининг яккахудолик ғоялари акс этган «Гоҳлар» китобини ёзиб уни «Авесто» таркибига киритган. **Аллоҳ тўғрисида билгувчирокдир!**

Аммо Зардуштдан кейин бир неча асрлар ўтгач, бу дин яна аввалгидек бутунлай ботиллашиб кўпхудоликка, оташпарастликка, мажусийликка айланиб кетиб, яккахудоликдан, ваҳдониятдан асар ҳам қолмаган, илоҳий китоб қиёфасини бутунлай йўқотган. (Яна китобимизнинг кейинги 10-чи «Зардуштийлик» фаслига қаранг).

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Искандар Зул-Қарнайн милоддан аввалги 330-йилда аҳамонийлар империясини мағлуб этгач, инсонларни ханифликка, яккахудоликка тарғиб қилиб, оташхоналарни вайрон этган. Олимларига «Авесто»даги тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга доир ўринларини таржима қилиб қолдириб, қолган кўпхудолик ғоялари ёзилган қисмини ёқиб юборишни буюрган. Шунинг учун ҳам ўша вақтдан бери «Авесто»нинг бешдан уч қисми — 18 наски (бўлак, қисм) йўқолиб кетган. «Авесто»нинг ҳаммаси 30 наск эди, ундан 12 наск чамаси омон қолган холос, — деб ёзади Беруний.

Ҳозирги олимлар «Авесто»нинг маълум бўлган нусхалари 21 наск — 348 бобдан ташкил топган ва 345700 сўзни ўз ичига олган демоқдалар.

Академик Е. Бертельснинг ёзишича, «Авесто»нинг илк қўлёзмаси 8.300.000 сўздан иборат бўлиб, унда 2.000.000 дан ортиқ мисра алқов қўшиқ-санолар бўлган.

Китобда **Тангри**ни мадҳ этиш, ҳамду-санолар, алқовлар, яхшилик ва нажот топишга бағишланган муножотлар, нолалар акс эттирилган. Улардан 7 китобда худолар, коинотнинг пайдо бўлиши ва инсоният тарихига доир масалалар; кейинги 7 тасида ибодат масалалари, дин дастурлари, халқларнинг яшаш тарзи акс эттирилган;

Қолган 7 тасида тиббиёт, астрономия, астрология, фалсафага доир маълумотлар, тавсиф, ривоятлар ва иловалар ўрин олган.

Тарихчи олим Маъсудий маълумотида кўра, «Авесто» матни 12 минг олтин тахтага ёзилган.

Тарихчи Балхийнинг «Форснома» китобида «Авесто» 12 минг ошланган новвос (буқа) терисига битилган ҳикматлар китоби эканлиги қайд этилган.

Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамийнинг «Тарихи Балъамий» китобида «Авесто» шоҳ Виштасп фармони билан 12 минг қорамол — новвос терисига тилло суви юргизилган олтин ҳарфлар билан битикларга айлантирилиб китобат қилингани ҳақида маълумот берилган. У Персеполда сақланган.

Француз тадқиқотчи олими Анкетиль Дюпперон Ҳиндистонга бориб, бу динга эътиқод қилувчилар орасида 3 йил яшаб, зардуштийликнинг диний маросимларини ўрганиб, 1771-йилда «Авесто»ни 1288-йилда кўчирилган нусхасини Парижда француз тилига таржима қилган ва бу китоб Фарбий Европа орқали бизгача етиб келган.

Ҳозирги «Авесто»нинг 1324-йили кўчирилган нусхаси Копенгаген шаҳрида сақланади.

«Авесто» Ўзбекистонда биринчи марта 2001-йил октябр ойида 5000 нусхада «Шарқ»

нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилди. Ҳажми 383 бетдан иборат бўлган бу ноёб асарни Асқар Маҳкам таржима қилган. Лойиҳа муаллифи ва ижодий гуруҳ раҳбари — Нарзулла Жўраев. Бунгача ватанимизда «Авесто» ҳақида бир нечта кичик рисоалар чоп этилган эди холос.

«Авесто» коинот ва замин, инсон ва ҳаёт, ўлим ва абадият сингари бутун инсониятга муштарак жумбоқлар, саволлар, савоб ишлар ҳақида ҳикоя қилади. Унда дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган. «Авесто» нафақат одам, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлигини уқтиради. У ернинг, дарёлару боғлар, тоғлар, булоқлар, кўлу саҳролар, уй ҳайвонларини ўсимлик, гиёҳларни покиза ҳолда сақлаш, авайлаб-асраш, парвариш қилиш, қисқаси, табиатга, ҳайвонот дунёсига, барча жонзотга меҳр-муҳаббат билан қарашни тарғиб қилувчи асардир.

«Авесто»да ўша давр ҳудудлари ҳақида, тоғлар, кўллар, этник қабилалар, ҳатто қадимги давлатчилик тизими тўғрисида диний насихатлар, йўл-йўриқлар, олам, само, осмон, ер, уммон (океан), ёруғлик, зулмат, жаннат ва дўзах, хурлар ва фаришталар хусусидаги фикрлар, таълимотлар ҳам ўз аксини топган.

«Авесто»да Ер юмалоқ шаклда, уни уч уммон ўраб туради, деб тасвирланган. Ер, сув, ҳаво, табиатни булғаш катта гуноҳ эканлиги таъкидланган.

Ватан ва халққа муҳаббат одамдаги энг олижаноб фазилат деб тараннум этилган. Наврўз — янги кун, янги йилнинг бошланиши, табиатнинг уйғониши, ҳаётнинг бошланиши деб таърифланган. Бу китобда яна коинотнинг дастлабки тўрт унсури — ер, сув, ҳаво, олов улуғланади. Айниқса, олов гуноҳлардан покловчи, ёвуз руҳларни даф этувчи сеҳрли куч, деб тасвирланади.

Турли ғоялар, ақидалар авж олган, улар таъсиридаги одамлар муносабатлари бир-бирига зид бўлган, кўпхудолик шаклидаги ғоявий курашлар таъсирида тараққиёт ва инсон ҳаёти чигал ҳолга келиб қолган бир пайтда «Авесто» яккахудолик ғояси остида мақсадлар муштараклиги, манфаатлар уйғунлиги бир бўлган яхлит бир жамият вужудга келтириш орқали одамлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга даъват этувчи инсонпарвар фалсафа сифатида дунёга келди.

«Авесто» одамлар қалбидаги эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик ҳис-туйғуларининг ўзаро курашида яхшилик тантанаси ва эзгулик голиблигини таъминлаш йўлида одамларга маънавий қудрат, маънавий рағбат, руҳий даъваткорлик вазифасини ўтайди. Бу нафақат зардуштийликка даҳлдор бўлган одамларни, балки бутун инсоният руҳиятини яхшилик сари буришга, кишилик ҳаётига юксак маънавият ва маданият кириб келишига сабаб бўлади.

«Авесто» китоби асос бўлган зардуштийлик динининг фалсафий моҳиятида дунё мураккабликлари, уларни тушуниш ва тушунтириш муаммолари ўз ифодасини топган. Дуализмга — руҳ ва моддийликнинг ҳаётий эканлигини тан олишга асосланган зардуштийлик динида кураш, яъни табиатда — ёруғлик ва қоронғулик, борликда — ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда — яхшилик ва ёмонлик, ижтимоий ҳаётда — адолат ва адолатсизлик, ахлоқий ишларда — чин ва ёлғон, нафосат оламида — гўзаллик ва хунуқлик, динда — Ахура Мазда ва Анҳра Майну (Ҳурмузд ва Аҳриман) ва ҳоказоларнинг азалий ва абадий келишмаслиги, чиқишмаслиги ва улар ўртасидаги муросасиз кураш тасвирланади.

Китобда ёзилишича, бу икки, бир-бирига қарама-қарши қудрат, уларнинг тарафдорлари ўртасидаги зиддият, мухолифат ва кураш бу дунёнинг — тириклик оламининг ибтидосидан интиҳосига қадар давом этади. Ҳаёт, яратилиш, мавжудият, умуман борлиқнинг асл мазмун-моҳияти шу. Шундай эди, шундай бўлиб қолади.

Оламнинг яралиш дақиқаларида Спинта Майну (Ахура Мазданинг сифатий номи) ва Анҳра Майну ўртасида кучли баҳс бўлиб ўтади. Спинта Майну Анҳра Майнуга дейди: «Бизнинг бутун борлигимиз вужудимиз, тириклигимиз аввал бошдан, азалдан буткул ва батамом қарама-қаршидир, бир-бирига мухолиф — душмандир».

«Авесто»да бу курашда инсон бир четда бетараф бўлиб турмай, эзгулик учун ёвуз

кучлар билан курашиши, эркинлик, ижодкорлик, бунёдкорлик йўлидан бормоғи кераклиги қайта-қайта таъкидланади.

Бу китобда кўрсатилишича, ўлимдан сўнг қиёматда марҳум руҳи устидан ҳисоб-китоб (суд) ўтказилади. Инсоннинг бу дунёда ўз ихтиёри билан қилган амаллари илоҳий тарозуларга қўйилади. Тарозунинг бир палласига унинг қилган эзгу, савоб ишлари, иккинчисига унинг акси бўлган гуноҳ ишлари қўйилади. Натижага қараб марҳум руҳи юқорига — жаннатга, Ахура Мазданинг ёруғ, нурафшон масканига парвоз қилади ёки тубанликка — дўзахга Анхра Майну маконига тушиб кетади.

«Авесто» китоби энг қадимги китоб бўлганлигидан, қадимий динлардан бўлмиш яҳудийлик (иудаизм), буддавийлик (буддизм), масиҳийлик (христианлик) ва бошқа динларнинг ҳам шаклланишига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатган. (Бу ҳақда қаранг: Х. Бобоев, С. Ҳасанов, «Авесто» — маънавиятимиз сарчашмаси. Тошкент, «Адолат» нашриёти, 2001, 13 ва 115-бетлар).

Машҳур инглиз авестошунос олими Лоуренц Миллзнинг қуйидаги сўзлари айниқса диққатга сазовордир: *«Авесто»нинг яҳудий ва масиҳий илоҳиётига кўрсатган бениҳоя улкан таъсирини назарга олсак, у ҳолда унинг дин яратишида ва инсонлар тақдирини белгилашда ўткир ва эътиборли нуфузга эга бўлганлигини кўрамиз. Ҳеч кимса, ҳеч бир тилда «Авесто»дан бизгача етиб келган парчаларнинг ҳайратда қоларли даражада юксак эканлигини ҳаргиз инкор этолмаган. Одамзод тафаккурида бунчалик юксаклик ва шуқуҳни ким, қаердан топа оларди?!»*

«Хуллас, «Авесто» насронийни ҳақиқий насроний, мусулмонни ҳақиқий мусулмон қилиб тарбиялайдиган китоб. У кўр кўзини, қар қулоғини очади, занглаган кўнгиллари иймон суви билан ювади, ҳаёт ва охират маъноларини инсониятга тушунтиради», — деб ёзади авестошунос олим Тилаб Маҳмудов ўзининг «Авесто» ҳақида»ги мақоласида.

«Авесто»ни ўрганишимизнинг қимматли томони шундаки, у Ватанимиз ҳудудида яшаган халқ тарихи, қадимги, қудратли буюк Хоразм давлатининг энг кўҳна урф-одатлари, маънавияти, яшаш тарзлари ҳақида бизга қимматли тарихий маълумотлар беради. Демак, тарихимизни «Авесто» даврларидан ҳам олдинроқ бошланганлигига шубҳа қолмайди.

Бизнинг Хоразм заминимизда туғилиб вояга етган Зардуштнинг «Авесто» китоби буюк маданий ўтмишимиздан дарак берувчи асардир. Шу маънода дунёнинг энг қадимги динларидан бири бўлган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрни ва мавқеи беқиёсдир. Буни бутун жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1999-йил ноябр ойида Парижда бўлиб ўтган 30-сессиясининг қарорига биноан, 2001-йил 3-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилоятининг маъмурий маркази Урганч шаҳрида «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллик юбилей тўйи дунё миқёсида кенг ва тантанали нишонланди ва шаҳарда «Авесто ёдгорлик мажмуаси» бунёд этилди.

Нафақат ўлкамизнинг, балки бутун башариятнинг ҳам беқиёс маънавий мулкига айланиб қолган «Авесто»ни ҳар бир ақлли инсон ўқиб ўрганса, халқимизнинг энг қадимги бой тарихи, давлатчилик асослари, урф-одатлари, кадриятлари билан танишади, бу маданиятнинг жаҳон тамаддунига қўшган залворли ҳиссасини англаб етади ва ўзига беқиёс руҳий қувват, маънавий озиқ олади.

Биз учун «Авесто» китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, балки миллатимизнинг ва унга хос бўлган кадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида ҳам кадрлидир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1998-йил 26-июнда мамлакатимиз тарихчилари билан бўлиб ўтган учрашувида айтган гаплари айниқса диққатга сазовордир:

— *«Энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти. Бу нодир китоб 30 аср муқаддам икки дарё оралиғи — Мовароуннаҳрда, мана шу заминимизда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг бизга қолдирган*

маънавий тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкамизда буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди».

Шундай қилиб, «Авесто» биз учун, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган, жаҳон тамаддунига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган энг қадимги тарихий, маданий, маънавий қадриятларимизнинг ноёб бир намунаси, ёдгорлиги бўлиб қолаверади.

«Авесто» ҳақидаги қолган гаплар китобимизнинг кейинги 10-нчи «Зардуштийлик» деб номланган фаслда айтиб ўтилади.

Ҳиндистонда яратилган муқаддас диний китоблар

*Кўрдинги танангда тескари кўйлак,
Лозимдур уни шу заҳоти ечмак.*

Абу Абдуллоҳ Рудакий
(Ш. Шомухамедов таржимаси)

1. «**Трипитака**» (санскритча) «уч сават» деган маънони англатади. Буддавийлик динининг уч қисмдан иборат бўлган муқаддас китоби. Биринчи қисми 5, иккинчи қисм ҳам 5, учинчи қисм эса 7 китобдан иборат.

2. «**Ведалар**» (санскритча) «муқаддас билим» деган маънони билдиради. Иккинчи мингйиллик охири ва биринчи мингйилликнинг бошларида яратилган тўрт тўпладан иборат бўлган муқаддас китоб, шу жумладан:

1. Ригведа — гимнлар ведаси;
2. Самаведа — кўшиқлар ведаси;
3. Яжурведа — қурбонлик ведаси;
4. Атҳарваведа — жодугарлик ведаси.

3. «**Упанишадлар**» (санскритча) «табаррук билим» дегани. Ведалар китобига шарҳ сифатида ёзилган диний-фалсафий изоҳлар китоби. Милоддан аввалги VII—III асрларда юзага келиб, то милодий XV асрларга қадар тўлдириб борилган. Унинг айрим ғоялари брахманизм ва буддавийлик динларига асос бўлган. Уларда айтилишича, инсон умрининг ўзи қурбонликдир, ҳаёт эса азоб-уқубатлардан иборат. Абадий роҳат-фароғатга эришиш учун инсон, қайта туғилавериш занжиридан халос бўлиб, **якка жоннинг илоҳий жонга қўшилиб кетиши мақсадида** ҳаракат қилиб яшаши керак. Бунинг учун у ҳеч кимга, ҳеч нарсага, ҳеч нимага ёмонликни раво кўрмасдан, аксинча, ҳаммага, ҳамма нарсага севги, муҳаббат билан қараш ва шу ақида билан яшаш орқали эришиш мумкин деган ғояси айниқса диққатга сазовордир. Бундай яшай олмайдиган инсон бошқа инсон, ҳайвон, жонивор, дарахт, ўсимлик ва ҳоказолар бўлиб дунёга қайта-қайта келаверар экан.

Булардан ташқари тагин «Маҳабҳорат», «Бҳагавадгита», «Рамаяна», «Адигрантх» ва ҳоказо муқаддас диний китоблар ҳам мавжуд.

Келтирилган муқаддас диний китоблар ва Ҳиндистонда ҳамда бошқа минтақаларда инсонлар томонидан яратилган китоблар ҳақида азимушшаън **Қуръон**да бирорта ҳам ишора йўқки, бу айрим даҳрийларнинг Муҳаммад пайғамбар уларни билмаган деган маккорона даъволарига илоҳий мўъжиза мақомидаги бир жавобдир. Чунки ишора этмаслик бундай китобларни илоҳий мақомида эътироф қилмасликнинг энг мақбул йўлидир; **Аллоҳ таоло** қаламравидан ташқари ҳодисалар унинг муқаддас китобларига кирмаслиги табиий эди.

Динлар ҳақида

(«Эй инсонлар), сизларнинг ушбу динингиз (аслида) бир дин (яъни Ислом)дир. Мен эса (барчангизнинг) Раббингиздирман. Бас, Менга ибодат қилингизлар!

(21- «Анбиё» сураси, 92-оят).

Дин — арабча сўз бўлиб, **Аллоҳ**га эътиқод, ишонч, итоат деган маъноларни билдиради.

Дин инсоннинг яккаю ягона муқаддас илоҳий куч — **Худо** борлигига асосланган онгли дунёқароши, ҳиссиёти, эътиқод қилиши, хатти-ҳаракатлари ва **Аллоҳ** томонидан пайғамбарлар орқали башарият оламига юборилган ва жорий этилиши керак бўлган илоҳий қонунлар ва ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган таълимотлар мажмуидир.

Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий динга, фалсафа билан бир қаторда, ҳақиқатга етишишнинг икки мустақил усулидан бири сифатида қараган. Яна бошқа айрим мутафаккирлар динни кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида бири деб билганлар. Умуман олганда дин— инсоннинг ишонмоқлик туйғуси бўлиб, унинг энг теран, энг гўзал маънавий-руҳий эҳтиёжларидан биридир.

Инсон қилиши мумкин бўлган ҳар қандай тажрибага «фан» номи берилган. Фан ҳеч қачон тажриба соҳасидан ташқарига чиқолмайди, чикса, фан бўлолмайди. Тажрибада кўрилмаган мавзулар фан қамровига кирмайди. Тажрибада исбот этилмаган бир нарса ёки ҳодисани инкор қилиш ҳам, қабул қилиш ҳам фанга зиддир.

Умумий фанлар бирор нарсанинг қандай бўлиши мумкинлигини ўрганади. Нима учун бўлганини эса фалсафа (фалсафий таҳлил)га қўйиб беради. Фан инсонни қай ҳолда дунёга келганини тушунтиради. Лекин нима учун бу дунёга келганини айтиб беролмайди. Бу дунёга келган одамнинг ўлиши муқаррарлигини айтади, бироқ аниқ қаёққа кетишини, боришини айтиб беролмайди. Фан воқеа, ҳодисаларнинг фақат шаклидан баҳс юритади, фалсафа эса сабабини тушунтиради. Ҳар бир нарсани қандай бўлишини бошқа умумий фанлар айтиб берса, фалсафа фани нима сабабдан бўлганини тушунтириб беради.

Фалсафа ақл билан чегараланган, унинг ҳар жиҳатдан чегараси — ақлдир. Ҳар кимнинг фалсафаси, тушунчаси, ўзининг ақл доирасига қараб бўлади.

Ёмонлик, разолат каби салбий феъл ва хулқ-атвор киши ақл доирасининг маълум даражада торлигидан, етарли эмаслигидан ва ниҳоят тушунчасининг нотўғрилигидан келиб чиқади. Натижада инсон экканини ўради, арпа экиб буғдой ололмайди, ёки буғдой экиб арпа ололмайди, қилмишига яраша натижани кўради, яхши ё ёмонга ажралади. Ҳеч ким ёмон бўлиб туғилмайди ёки ёмон бўлишни ўз олдига мақсад ҳам қилиб қўймайди. У ўзининг ақл доираси торлиги, тушунчасининг камлиги оқибатида ёмон бўлиб қолади, ёмон, гуноҳ ишлар қилаверади.

Ақл доираси тегишли фанлар билан шуғулланиш, ўқиш, ўрганиш билан, ҳар бир нарсдан тўғри хулоса чиқариш иқтидорига эга бўлиш асносида кенгайди, тажриба билан чарчланади, чуқурлашади, яхшиланади.

Фан — табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини очиб берувчи ҳамда атрофдаги муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизими бўлиб, аниқ фанлар, ижтимоий фанлар, гуманитар фанлар, табиий фанлар кўринишида бўлади.

Ақл ечолмаган мавзу ва масалалар фаннинг имкони ва вазифаларидан ташқари бўлиб, бу ишлар дин ёрдамида ҳал қилинади.

Фан, фалсафа, дунёвий илмлар ерда олдин олма (уруғ) пайдо бўлганми ёки дарахтми, деган оддий саволга ҳам жавоб бера олмайди. Униси ёки буниси олдин пайдо бўлганлигига аниқ исбот, далил келтира олмайдилар. Бу саволга китобимизнинг 2-фасли (26-бет) да жавоб берилган. Агар **Аллоҳ таоло** ўзининг пайғамбарларига буни билдирмаганида, бу савол ханузгача «буюк жумбок» бўлиб қолаверар эди.

Дунёвий олимлар кўрмаган, билмаган, тажрибадан ташқари бўлган нарсаларни қандай қилиб тушунтирсинлар ахир?! **Аллоҳ таоло Ўзининг** ғайб, ладуний илмларини **Ўзи** хоҳлаган, лозим топган қисмини, **Ўзи** хоҳлаган азиз бандалари — пайғамбарлар ва авлиёларга тегишли усуллар билан вақти вақти билан билдириб турган.

Бу ҳақда машҳур даниялик файласуф Кьеркегор (1813—1855): «Илоҳий дунё билан инсоний дунё ўлчовдош эмаслиги сабабли, дин — фандан, мантиқий тафаккурдан воз кечишни талаб қилиши тўғри», — деб таълим берган.

Рус файласуфи П.Д.Юркевич (1826—1874): «Жисм ташқи ҳис туйғу билан, руҳий ҳодисалар эса ички ҳис, эътиқод билан билиб олинади. Фан — руҳий ҳолатни тушунтиришга ара-лашмаслиги керак, чунки унда бунинг учун тегишли билиш воситалари йўқ», — деб айтган.

Машҳур нидерландиялик файласуф Б.Спиноза (1632—1677): «Бениҳоя хусусиятларга эга бўлган **Худо** — **Ҳаллоқнинг** моҳиятини — чин ҳақиқатни билиш учун бениҳоя даражадаги ақл керак бўлади. Афсуски, бундай даражадаги ақл ҳали мавжуд эмас», — деган.

Спиноза диннинг вазифасига таъриф бериб: «Диннинг мақсади нарсаларнинг табиати-ни билиш эмас, балки кишиларни фақат ахлоқий ҳаёт кечириш тарзида яшашга ундаш-дир», деб таъкидлаган.

Дин комил инсонни тарбиялашда улкан қудратга эга бўлган маънавий, ахлоқий куч-дир. Дин **Аллоҳ таолонинг** инсонларга буюк эҳсонидир, фан, фалсафа ҳал қилолмаган ишларни, масалаларни дин еча олади. Чунки **Аллоҳ таоло** инсонларга уларнинг ақллари етмаган, кўрмаган ва билмаган ҳақиқатларни **Ўзи** танланган пайғамбарлари, азиз-авлиёлари орқали билдиради.

Ҳақ таоло томонидан пайғамбарлар орқали билдирилган амр ва тақиқларининг ҳам-масига дин дейилади. Яъни дин пайғамбарлар илоҳий ваҳй орқали **Аллоҳдан** олган раҳмоний ҳукмлар, илоҳий қонунлар жамулжамидир. Барча динларнинг мақсади инсонни **Тангрига** яқинлаштириш бўлса, барча пайғамбарларнинг мақсади инсонларни ваҳдоният-га, тавҳидга — яккаю ягона **Тангрига** эътиқод қилиш, фақат унгагина ибодат қилишга, фақат ундан мадад ва нажот тилашга, яъни Исломга — мусулмонликка даъват этиш бўлган.

Дунёдаги энг йирик қадимий динлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, милоддан аввалги уч минг йиллик охирларида вужудга кела бошлаган зардуштийлик (зороастризм), ундан кейин, милоддан аввалги икки минг йиллик бошларида қад ростлай бошлаган яҳудийлик (иудаизм), милоддан аввалги X асрда яратилган ведалар дини (ведаизм), брахманлар дини (брахманлик), милоддан аввалги V асрда тизимлашган ҳиндавийлар дини (ҳиндуизм), милоддан аввалги VI асрда шаклланган буддавийлар дини (буддизм), милодий I—II аср-ларда вужудга келган, яҳудийлик динидан ажралиб чиққан насронийлик (христианлик) ва, ниҳоят, милодий 610- йили зуҳур этган бутун инсониятга юборилган охирги дин — Исломдир. Бугунги кунда 254 мамлакатнинг 2 миллиард аҳолиси христиан динига, 172 мамлакатнинг 1,3 миллиард аҳолиси Ислом динига, 86 мамлакатнинг 700 миллион аҳолиси буддавийлик динига эътиқод қилади.

Бу динлар пайдо бўлмасидан олдин, кишилик жамиятининг энг қадимги, дастлабки даврларида яъни **Тангри таолонинг** биринчи ва иккинчи пайғамбарлари Одам Ато ва унинг ўғли Шис алайҳиссаломлардан кейин бир неча асрлар ўтгач, одамлар аста-секин ўзларини яратган **Парвардигорларини** унутиб, турли маъбуд ва маъбудаларга, нарсалар-га, тош, дарахтларга, қуёш, ой, шамол, чақмоқларга ва бут санамларга, аждодлар руҳига ва ҳоказоларга сифиниб кета бошладилар.

Эндигина уруғчилик тузуми шаклланаётган ана шу даврларда: тотемизм, анимизм, фети-шизм, шомонизм, магия (сехргарлик) каби ботил диний тасаввурлар юзага кела бошлади.

Ибтидоий диний тасаввурлар

Тотемизм (америка ҳиндилари тилида: «О, тотем», яъни «унинг уруғи» деган иборадан олинган) диний тасаввурларнинг энг қадимги шакли бўлган. Бунда айрим ҳай-вонлар, ўсимликлар орасида ғайритабиий алоқа, яқинлик, қон-қариндошлик бор деб фа-раз қилинган. Ана шундай ҳайвон ёки ўсимликлардан бири уруғ ёки қабила учун **тотем**, яъни муқаддас ҳомия деб қабул қилинган. Тотемга кейинчалик ёмғир, қуёш, ой, шамол,

чақмоқ ва ҳоказолар ҳам киритилган.

Тотемлар эъзозланган, уларни ўлдириш, отиш, овлаш, беҳурмат қилиш тақиқланган. Масалан, хиндларда сигир, илон, маймун, фил ва бошқалар ҳозир ҳам муқаддас ҳайвонлар деб эъзозланади.

А н и м и з м (лотинча «анима», «жон, руҳ» дегани) — инсон руҳи ва жоннинг борлигига эътиқод. Анимизм қадимги диний тасаввурларнинг энг юксак шакли бўлиб, руҳлар табиий ҳодисаларни бошқарадилар деб тушунилган.

Анимизмда жон танадан чиқиб кетади, аммо ўлмайди, балки абадий яшайди деб ҳисобланиб, абадий руҳ тўғрисида илк тасаввур пайдо бўлган. Баъзилар аждодларининг руҳлари тириклар яшайдиган жойда яшашади, бироқ уларни фақат тушда кўриш, гаплашиш мумкин, деб ўйлаганлар. Айримлар марҳумларнинг руҳлари янги туғилган чақалоқ танасига ўтади, деб фараз қилганлар. Баъзилар эса аждодларнинг руҳлари махсус жойлар: «ўликлар диёри» — ер остида яшайдилар, деб ҳисоблаганлар.

Кейинчалик эса ўлганларнинг руҳлари осмонда яшайди, деган тасаввур пайдо бўлган.

Қадим Туркистонда марҳумнинг жонини, руҳини «арвоҳ» деб аташган. Анимизмда арвоҳ марҳумни ташлаб узоққа кетмайди, қабрдан ташқарига чиқади, деб ўйлашган. Шунинг учун қадимги замонларда арвоҳнинг ер юзига чиқиши учун гўрни тешиб қўйишган ёки мазор олдида арвоҳ уйи қурганлар.

Ф е т и ш и з м (португалча «фетишо», французча «фетиш» «сеҳрли нарса» дегани) нарсаларни ғайритабиий деб ишониш ҳамда уларга сиғинишни англатади.

Бундай фетиш тош, таёқ, дарахт, бирорта нарса, моддий буюмлар бўлиши мумкин. Яъни фетишизм жонсиз жисмларга сиғиниш демакдир. Бундай буюмлар кейинчалик тумор, санам, бут кабилар ҳам бўлган, улар ҳозир ҳам учраб туради.

Бизда ҳозир ҳам седана, тасбеҳ, мунчок, қалампирмунчок, исирик, кўзтикан, пиёз, саримсоқ, қора мурч, дарахтлардан ёнғоқ, чинор, анжир, жийда, арча ва бошқалар табар-руклаштирилган, тимсоллаштирилган, муқаддас саналган. Бу эса фетишизмнинг бизгача етиб келган қолдиғи, сарқити бўлиб, умуман олганда, ҳар бир диндагиларнинг эътиқодларида ҳозиргача яшаб келади.

А ж д о д л а р г а с и ғ и н и ш — энг қадимги оила-уруғларнинг дастлабки диний эътиқодларидан бири бўлиб, тотемизм, фетишизм, шахсий ҳомий руҳларга сиғиниш, оила-уруғ оқсоқол-ҳомийларига, қабилла бошлиқларига сиғиниш кабилар асосида таркиб топган.

Бу эътиқодга амал қилувчилар аждодларнинг руҳлари одамлардан кучли, шу сабабли уруғнинг фаровонлиги шу руҳларга боғлиқ, деб тасаввур қилганлар. Бунинг асосида Юнонистон ва қадимги Рим майда динларида қаҳрамонларга сиғиниш, кейинроқ эса христианлик ва Исломда авлиёларга сиғиниш пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда Ислом дини тарқалгач, маълум даврларгача Исломга хос урф-одатлар сифатида авроҳларни, авлиёларни эслаб, уларга сиғиниш, улардан мадад сўраш, улар учун худойи, жонзот сўйиб қурбонликлар қилиш, ис чиқариш, авлиёлар макбара ва мазорлари олдидаги дарахтларга латта-путталар боғлаб келиш, мазорлардаги қабр устига шам ёқиб қўйиш ва шу каби сарқит, бидъат одатлар ҳам бўлди.

И з о ҳ: Қабрлар тепасига чироқ, шам ёқиш, тўйда келин-куёвни гулхан атрофида етти марта айлантириш каби одатлар зардуштийлик динидан ўтган сарқитлардир.

Ислом динида бундай одатлар энг оғир гуноҳ — ширкка киради, шунинг учун бундай бидъат ишлар динимизда қатъиян ман (ҳаром) қилинган. Бу урф-одатлар ҳозир бизда маърифат ёғдулари таъсирида барҳам топган.

А з о б у қ у б а т л а р г а с и ғ и н и ш — одамлар азобларнинг зарур, фойдали ва ҳалоскор эканлигини тасдиқловчи диний ақидавий ғоялар мажмуаси.

Бу таълимотда азоб-уқубатларнинг сабаблари — одамлар ҳаётининг шарт-шароитларида бўлмай, балки одамнинг ўзида, унинг истак-хоҳишларида (буддизмда) ёки гуноҳкорлигида, дилидаги ниятларида (иудаизм, христианлик ва Ислом динларида) деб талқин эти-

лади. Азоб-уқубатлар гуноҳлардан халос бўлишнинг маънавий камолот ва нажот топишнинг воситаси, яъни хайрли, яхши ишлар деб уқтирилади.

Магия (сеҳргарлик) одамга, хайвонга, табиатга бир мақсадни амалга ошириш учун ғайритабиий йўл билан таъсир ўтказиш орқали қилинадиган хатти-ҳаракатлар, дуолар ва ишлардир. Бу амал қадимги замонлардан бери мавжуд бўлиб, барча динларда бор, ҳозиргача қўлланиб келинади.

Кишини бахтли, омадли қилиш, «иссиқ-совуқ» қилиш, ўзига ром қилиб олиш ва ҳоказолар сеҳргарлик орқали амалга оширилади. Уларнинг турлари: бировга зиён-заҳмат етказиш, ҳарбий сеҳргарлик, муҳаббат сеҳргарлиги, иситма-совутма, даволаш сеҳргарлиги, об-ҳаво сеҳргарлиги, хўжалик сеҳргарлиги, ирим-сирим ва ҳоказолардир.

Ана шундай энг қадимги диний тасаввурлар аста-секин шаклланиб бўлганидан кейин кишилик жамиятида шомонлик, зардуштийлик, яҳудийлик, христианлик, Ислом ва бошқа динлар вужудга келдики, навбатдаги мавзуимизни уларнинг энг асосийлари билан танишиб чиқишдан бошлаймиз.

Шомонлик (шаманизм) кишилик жамиятининг энг қадимги даврларидаги динларидан бири.

«Шомон» тунгусча сўз бўлиб, «жазавали киши» деган маънони англатади. Бу сўз кейинчалик бутун Сибирга, сўнгра Европага тарқалиб, халқаро атамага айланган.

Бу диннинг руҳонийси шомон ҳисобланади. Шомонлар ўз қавмларига, одам яхши ва ёвуз арвоҳлар паноҳида, ҳомийлигида яшайди, одамнинг соғлиғи, бахти ва тақдири шуларнинг қўлида, деб тушунтирадилар. Шомонлар одамлар ва руҳлар ўртасида воситачилик қила олиш қудратига эга бўлган кишилардир. Улар келажакни олдиндан айтиб бериш, узоқ жойлардаги воқеаларни билиш, касалликларни даф этиш, табиат ҳодисаларини ўзгартириш, марҳумларни нариги дунёга кузатиб бориш каби хислатларга эга бўлган руҳонийлардир. Улар ғайритабиий қобилиятга эга бўлиб, ашула айтиш, рақсга тушиш, ноғора, чилдирма чалиш йўли билан жазавага тушиб, ёвуз ва сахий руҳлар билан бевосита муносабатда бўла олганликлари учун, касалликларни даволаш, фол боқиш ва бошқа амалларни бажаришган.

Тажрибали шомонлар одатда истеъдодли гипнозчи, фолбин, кўзбойлоғич, қўшиқчи, шоир, бахшилар бўлишган. Улар бемалол руҳларни чақира олар, кўнғироқли чилдирмалари билан руҳлар маконига саёҳат айлар, уларга илтимослар, илтижолар қилар, ҳатто улар билан кураша олар эдилар. Шомонлар уруғ-қабиланинг обрўли ҳомийси, қўриқчиси, руҳи бўлганлар.

Шомонликка даъвогар бўлган одам «шомонлик касали»га йўлиқиши, хусусан руҳий касалга учраши керак. Руҳлар бундай одамни ўлдириб, сўнг бошқа қиёфада, бошқа сифатда тирилтириб, қайтадан яратадилар. Шомонлик иқтидори наслий ҳисобланган.

Турли халқларнинг шомонлари турфа расм-русмларга риоя қилишган, ҳар хил кийинишган, муқаддас буюмлар ва руҳлар тўғрисидаги тасаввурлари ҳам ранг-баранг бўлган. Масалан, Жанубий Сибир халқларида шомонларнинг махсус белгилари: кўнғироқли чилдирмалари, ноғоралари, сурнайлари, турли буюмлар осилган махсус кийимлари ва ўз маросимлари бўлган.

Шомонлик жаҳон динларининг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган. Ҳозирги вақтда ҳам инсон оёғи етиши қийин бўлган чет ўлкаларда қисман сақланиб қолган.

Зардуштийлик (Зороастризм)

Энг қадимги жаҳон дини бўлмиш зардуштийлик ёки зардуштия (юнонча зороастризм) диннинг қонун-қоида ва ақидалари ҳам, барча динларда бўлганидек, аввал оғзаки тарзда милоддан олдинги 3000—2000- йилларда шаклланиб ёд олинган, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб юрган ва кейинчалик ёзиб олинган.

Бу диний таълимот ўша қадимги замонлардаёқ улкан ҳудудларга — қадимги Парфия, Бактрия, Сўғдиёна, Паркана, Озарбайжон, Эрон, Хуросон, Ироқ, Мўғилистондан тортиб, то Сурия, Хитой, Шимолий Ҳиндистон, Рум, Ҳабашистон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.

Милоддан аввалги IX—IV асрларда Мидия ва Эронда ахамонийлар, аршакийлар ва сосонийлар империяси даврларида хукмрон дин бўлиб қолган.

Бу диннинг муқаддас китоби «Авесто»ни миллоддан аввалги тахминан XII—VIII асрлар орасида яшаб ўтган Заратуштра (туркийча — Зардушт, юнонча — Зороастр) бир тизимга келтириб, тартибга солган ва унинг энг қадимги — «Гохлар» («Готлар») қисмини ёзиб «Авесто» таркибига киритган ва ўзининг номи билан аталган «зардуштийлик», «зардуштия» динига асос солган. Тарихий, илмий, фалсафий адабиётларда бу динга нисбатан — «зороастризм», «заратуштризм» атамалари ҳам қўлланиб келинган.

Заратуштра ўзини пайғамбар деб эълон қилган. Кўпдан-кўп манбаларда ҳам уни илоҳиётчи, пайғамбар, буюк файласуф, нотик, шоир ва табиётшунос олим бўлган дейилади. Шу жумладан Беруний ҳам Заратуштрани инсониятни кўпхудолик (политеизм)дан яккахудолик (монотеизм)га тарғиб этган илк пайғамбарлардан бири бўлган деб таърифлаган. Олимлар томонидан «Авесто» китобига ёзилган шарҳларда ҳам ва бошқа кўп манбаларда ҳам уни яккахудоликни тарғиб қилган пайғамбар эканлиги таъкидланган.

Аммо *Қуръони карим*да ва бошқа илоҳий китобларда уни пайғамбар бўлганлигига бирон-бир ишора ҳам йўқ. *Қуръон*да ҳамма пайғамбарлар тилга олинмаган, албатта. Айтишларича, 124 минг ё ундан камроқ, ёки кўпроқ пайғамбарлар ўтган экан. Унинг пайғамбар эмаслигига ҳам далил йўқ. Заратуштра ана шу *Қуръон*да тилга олинмаган пайғамбарлардан бўлиши мумкин. Валлоху аълам бис-савоб.

Шуларни назарда тутиб, бундан кейинги ўринларда уни пайғамбар деб атайверамиз.

Манбаларга кўра, пайғамбар Заратуштранинг асл исми Магупта бўлиб, пайғамбарлик мақомига етишганидан кейин, у Заратуштра (Зардушт) номини олган. Заратуштра куйи Амударё худудлари, яъни ҳозирги Тўрткўл шаҳридан 22 км. шимоли-шарқ томонда бўлган Ходаркат шаҳрида (қишлоғида) туғилган. Ҳозир бу шаҳар кум барҳанлари остида қолиб йўқ бўлиб кетган. (Қадимги хоразмча Ходаркат — Ходар — олов, кат — марказ, ўрда дегани).

Баъзи авестошунослар фикрича, Сипийтмон (Спитома) унинг болаликдаги исми бўлиб, бу ном унинг тўққизинчи бобоси номидан олиб қўйилган экан. Заратуштра исми эса унга, юқорида айтганимиздек, пайғамбарликка эришганидан сўнг берилган.

«Заратуштра» («Авесто»да — Зарадуштара) сўзи бир таърифга кўра «Сарик, тилла ранг туя сохиби», бошқа таърифга мувофиқ «Заррин ёруғлик эгаси», яна бошқа бир таъриф бўйича эса «Оқ туялик, туя боқувчи», деган маъноларни беради. Оқ туя миниб юриш ўша замонларда Шарқда пайғамбарлик белгиси бўлган. Қадимги Хоразм, Сўғд тилларида ялтироқ нарсаларни «зар» деб атаганлар. (Кейинчалик зар — олтин ва кумушга нисбатан ҳам ишлатиладиган бўлган). Баъзи тарихий манбаларда бу номнинг маъноси — «юлдуз ўғлони» деб тавсифланган.

Заратуштра Сипийтмон (Спитома)нинг қачон ва қаерда туғилгани, ўзининг таълимотини қай тарихи тарқатганлиги ҳақида турли қарашлар мавжуд бўлиб, кўпчилик олим ва тадқиқотчиларнинг фикрича, у миллоддан аввалги VIII—VII асрлар орасида Хоразм заминида туғилган. Бошқа бир олимларнинг фикрига қараганда, у миллоддан аввалги 2000- йилларнинг охириларида яшаган дейилади.

Аммо олим М. Имомназаров ғарб авестошунос олимларининг фикрига асосланиб ўзининг «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» номли китобида:

«Авесто»нинг китоб ҳолида шаклланишининг охириги босқичлари миллоддан аввалги VIII—VII асрларга тўғри келиши аниқ. Аммо Зардушт бу даврлардан ҳам анча илгари, балки эраמידан бир неча минг йил илгари ўтган бўлиши ҳам мумкин, ҳар ҳолда қадимги юнонларнинг бу ҳақдаги гувоҳлиги шундан далолат беради», — деб ёзади. (Тошкент, 1996 йил, 21-бет).

Дарҳақиқат, қадимги машҳур юнон тарихчилари — миллоддан олдинги 490—425- йилларда яшаб ўтган Геродот, миллодий 23—79- йилларда яшаган Плиний, миллоддан олдинги 428—347- йилларда яшаган қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Платон ва миллоддан олдинги 408—355- йилларда яшаган қадимги юнонларнинг буюк математиги ва астрономи Книдлик Евдокс пайғамбар Зардушт миллоддан олдинги 6400- йилларда яшаган деб ёзиб кетганлар! (Қаранг: Л. Зданович. Тайны великих пророков. Москва, «Рипол Классик», 2001г, 83-84-бетлар).

Бунга олимларнинг келгуси илмий тадқиқотлари аниқлик киритиши керак. Лекин Заратуштранинг аниқ Хоразмда туғилганлиги китобимизнинг «Авесто» ҳақидаги бўлимида исботлаб берилган. Шунинг учун ҳам бу ҳақда ортиқча тўхталмаймиз.

Алқисса, Заратуштра тарихий шахс бўлиб, асли туркий миллатидан. У Хоразм воҳаларида чорвачилик билан шуғулланиб юрувчи орийлар қабиласининг Сипийтмон (Спитома) уруғидан чиққан Буршасп (Пурушосф) исмли кишининг ўғли, онаси эса ана шу уруққа мансуб бўлган Фароҳимнинг қизи Дағдувойх (Дуғдова) бўлган.

Одатда, ҳар бир чақалоқ туғилиши биланоқ чинқириб йиғлайди. Аммо Заратуштра туғилганидаёқ, ҳислатли бўлиб, яъни йиғлаш ўрнига кулиб туғилган экан. Ана шундан ҳозирги замон психопатология фанида «Заратуштра кулгиси» деган ибора қўлланилади.

Маълумки, бу динда очик чехра билан табассум қилиб юриш муқаддас фазилат ҳисобланади, чунки кулги ва шодонликни инсонлар учун Аҳура Мазда яратган, йиғи ва нолаю фигон эса Анҳра Майну ижодидир, дейилади «Авесто»да.

Заратуштранинг аура — ёғдуси ғоят бемисл кучли бўлганлигидан, бутун шаҳарга таралиб турар экан.

Зардушт Сипийтмон 7 ёшга етганида, отаси уни ўз даврининг етук, оқил ва донишманд вакили бўлган Барзин деган одамга шогирдликка беради. Зардушт унинг тарбиясида 15 ёшгача бўлади. Ундан кейин ҳикматшунос донишманд руҳоний — Илёс (Илий)дан (Илёс пайғамбар эмас) таълим олади.

Зардушт бу ёшида ўзининг мисли кўрилмаган қобилятини намоён қилади, устози унинг ақлу-заковатидан ҳангу-манг бўлиб қолади. 15 ёшида эса унинг билими, ақли, тафаккури, донишмандлиги, диёнат ва такводорлиги таққослаб бўлмайдиган олий даражага етади.

У «Авесто»нинг энг қадимги, кўпхудолик акс эттирилган «Ясна» қисмини ёд олади. Зардушт қабилалар ўртасидаги низолар, зиддиятлар ва ёвузликларнинг туб сабаби кўпхудоликда эканини англаб боради ва 23 ёшидан фақат бутун оламларнинг яккаю ягона яратгувчиси, қудратли Аҳура Маздагагина эътиқод ва ибодат қилиш керак, деган қатъий хулосага келади. Шундан кейин у ўз ғоясини халқ орасида тарғиб қила бошлайди.

Кўпхудолик ғоялари қон-қонларига сингиб кетган қабиладошлари, уни бадарға қилиб, ораларидан ҳайдаб юбордилар.

Ўн йиллардан ортиқроқ чамаси чўлу-биёбонлар, тоғу-тошлар, шаҳар-қишлоқлар кезиб юриб, яна ўз юртига қайтиб келади ва қабиладоши, лекин бошқа уруғдан чиққан Ҳавова деган қизга уйланади. Ундан уч ўғил, уч қиз дунёга келади. Ўғилларининг исми — Ист-Востра (Иставатра), Арвататнара (Уруватра), Хварочитра (Хурчитра); қизлари — Фрини, Трини, Пуручиста. Баъзи манбаларга қараганда, Зардушт подшоҳ Гуштасп (Виштасп) вазирининг қизига уйланган дейилади. Зардушт ҳақидаги биографик маълумотлар «Авесто»нинг 13-китобида озми-кўпми ёзилган.

«Авесто»да воқеаларнинг тасвирланишича, Зардушт Амударё соҳилидаги чорвадор қавмлар орасида кезиб юриб, уларнинг урф-одатлари ва диний удумларини диққат билан ўрганади. У қабилаларни парокандаликка элтаётган қабилалараро низолар, босқинчилик, зўравонлик, беҳуда қон тўкишлар, йўқсилларга нисбатан адолатсизлик, алдамчилик, кишиларни мол-мулкни, чорваларини ўғирлаш, гала-гала қўй, қорамол, йилқиларни, айниқса, болалар, қизлар ва ёш йигитларни қуёш худоси Молох шарафига қурбонликка сўйиб юбориш каби ёвуз урф-одатлар одамларнинг турли маъбуд ва маъбудаларга, нарсаларга, бут-санамларга сифиниши — кўпхудолик оқибатида юзага келганлигидан азият чекади, қайғуради, ғам-ғуссага ботади ва узоқ хаёлларга чўмадиган бўлиб қолади.

Кўпхудолик билан боғлиқ бўлган даҳшатли одатлардан бири — инсонларни қурбонликка сўйиш одати ҳақида қадимги юнон тарихчиси Геродот (мил. авв. 490-424- й) шундай маълумотларни келтирган. Подшоҳ Артаксеркс I нинг хотини малика Аместрицца, ўзининг узоқ умр кечираётганлигига шукрона сифатида, етти нафар олий насаб ёш ўспиринларни тириклайин тупроққа кўмдириб, «ер ости худоси» шарафига қурбонлик қилган. Унинг акаси Стримон эса, ўлкаларни муваффақиятли кесиб ўтгач, бу ерларни «тўққиз йил» деб номланишидан хабар топиб, маҳаллий аҳолидан тўққиз нафар ёш гўзал қизларни қурбонлик қилиб, тириклайин ерга кўмдирган.

Бу хил шафқатсизлик, ёвузлик билан ўтказиладиган кўпхудолик диний маросимларини тўлиқ тасвирлаб берилса, бунга одам боласи чидаши қийин. Айниқса, тирик одамларни худо Молохга қурбон қилиш маросими ниҳоятда даҳшатли тарзда, шафқатсизларча ўтказилган. Катта ёшдаги қурбонлар, кўпинча ёш болалар, қизлар мисдан қуйилган, бениҳоя улкан худо — Молох ҳайкалининг қонли, қип-қизил катта кафтларига тириклайин ётқизилганлар. Ҳайкалнинг қўллари елка оша яширин ишланган занжирлар орқали ҳаракатга келиб, кўтарилган. Теп-текис кафтда устма-уст ётган қурбонлар бир-бирининг устидан умбалоқ ошганларича ҳайкалнинг оғзига, ундан тўппа-тўғри ҳайкал ичида ёниб турган оловга учиб тушганлар ва бир неча дақиқаларда ҳайкал пойига кул бўлиб тўкилганлар. Ажалкаш узун қўл яна олдинга чўзилиб, унинг кафтига янгидан-янги қурбонларни ётқи-заверганлар...

Бу маросимда иштирок этаётган қурбон бўлувчининг ота-она ва қариндошларига йиғлаш, изтироб чекиш, ҳатто қайғусини ошкор этиш, мотам тутиш мутлақо ман этилган. Бу ёвуз маросимга тайёрланаётган болалар додлаганларида, уларни овутиш учун алдаб ширинликлар бериб, мунофиқона эркалатганлар. Мабодо бахтиқаро онанинг бунга сабр-бардоши етмай, жигарпораси билан йиғлаб видолаша бошласа, фарёд чекса, бу аёл шармандаларча сазойи қилиниб жазоланган. Она ва қурбон қилинаётган боланинг нолаю фарёдлари эшитилмаслиги учун, маросим пайтида бераҳм, шафқатсиз коҳинлар ногора, сур чалиб шовқин-сурон кўтариб турганлар... Жоҳил, мутаассиб, қонхўр коҳинлар бу расм-русумларни жазавага тушиб, экстаз ҳолатда бажарганлар.

Қурбонлик маросимлари фаровон кунларнинг шукронаси учун ҳам, уруш пайтида ғалаба қозонмоқ учун ҳам ёки мағлубият учун ҳам, табиий офатлар бўлганда ҳам, вабо каби касалликлар тарқалганда ҳам бирдек бажарилаверган. Бирон-бир сабаб бўлса бас.

Кишиларнинг аҳволи баттар бўлган сайин, Молохнинг «ғазабини юмшатиш» учун, қурбонлик сонини тобора ошириб бораверганлар, янгидан-янги қурбонларни бўғизлайверганлар, ўтга ташлайверганлар.

Тарихнинг ана шундай чиркин, даҳшатли даврларида инсоният халоскори сифатида ватанимиз ва миллатимиз ифтихори бўлмиш Зардушт мардларча майдонга чикди. Зардушт инсоният тараққиёти учун ғоят зарарли бўлган кўпхудолик эътиқодларининг ғайриинсоний моҳиятини чуқур англаб етди ва ўз билимларини яккаю ягона Олий Тангри — Аҳура Мазда ваҳйлари билан бойитиб, инсоният онги ва мафқурасида инқилоб ясаб, ўтмишнинг бундай даҳшатли чиркин сарқитларига болта уриб, чил-парчин қилиб ташлади ва кишилик жамиятининг маънавий тараққиётини янги йўналишга солди.

«Авесто»нинг энг қадимги «Гохлар» қисмида нақл қилинишича, 30 ёшида донишмандликда камолотга етган Зардушт баҳор кунларининг бирида, сахар пайти сув олиб келиш ва покланиб олиш учун Амударё ёқасига келади ва дарёнинг анча жойигача сув кечиб боради. Сувда чўмилиб, ювиниб турганида у ўзида ажиб бир ғайритабиий рухий ва жисмоний ҳис — енгиллик сезиб, «қушдек» енгил бўлиб қолади. Сохилга қайтганида, қаршисида ёрқин нур сочиб турган зот, фаришта Воҳуманани кўради. У Зардуштни сирли ёғду, нур таратиб турган Аҳура Мазда ва яна бошқа беш нафар раббоний зотлар (фаришталар) олдига бошлаб боради.

Аҳура Мазда бу фаришталар воситасида Зардуштга янги дин ваҳй қилади ва унга пайғамбарлик рисолатини беради.

«Бундаҳишн»да ёзилишича, ўз юртидан қувғин қилинган Зардушт Сейистонга келиб, Ушийдарина (маъноси — «хушёрлик бахш этувчи») тоғининг чўққисига илоҳий пайғомни эшитиб, қабул қилиб олган.

У яна бир неча маротаба Аҳура Мазданинг дин ҳақидаги амрини эштади унга тўла бўйсунди ва унинг амрларини халқ орасида ёйишни ўз зиммасига олади.

Аҳура Маздадан амр, фармон олган Зардушт Саблон (Споблон) тоғининг ғорига келиб, у ерда узлатга чекиниб, бир неча йил яшайди ва «Авесто» китобининг «Гохлар» қисмини ёзиб тугаллайди.

Шундан сўнг Зардушт, Аҳура Мазда амрини ёйиш, инсонларни кўпхудоликдан, чиркин одатлар, расм-русумлардан, ботил эътиқодлардан халос қилиш учун хотини, уч ўғли, уч

қизи ва ўзининг ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, тилларанг, сариқ туясига минадди ва: «*Кучим ва имкониятим етганича, ҳақиқат ва адолатни юзага чиқараман, инсонларни чиркин кўпхудолик эътиқодларидан қайтараман, Аҳура Мазда ваҳйларини амалга ошираман. Ҳар бир инсонни Тангри таоло яратибдими, у яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, инсоний ҳуқуқлардан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундай разолат, расвогарчиликлар кўпхудоликдек ботил эътиқодларнинг оқибатидир*»,— дея даъват кетидан даъват қилиб, ўзининг янги қайта ишланган маздавийлик ғояларини, халқ орасида кенг тарғиб қила бошлайди. Зардушт улуғ пайғамбар мақомини олгач, барча қадимги худоларни кескин равишда рад қилади.

У инсонларни яккаю ягона илоҳ — Аҳура Маздани тан олишга, уни бир, якка, ягона илоҳ деб билишга, фақат унгагина иймон келтиришга, ибодат қилишга даъват қилади, ўзининг элчиси эканлигини, тартиб, инсоф, эзгулик, адолат, ҳақиқат, поклик, ростгўйлик ақидалари асосида яшашни тарғиб қилади.

Бинобарин, шундан бери тартиб, инсоф ва адолат ақидалари асосида яшаш Шарқ халқлари, жумладан Ўрта ва Марказий Осиё халқларига мерос бўлиб қолди.

Барча пайғамбарлар сингари, у туғилиб ўсган юртида кадр-қиймат топмайди. Узлуксиз давом этаётган таъқиб, тазйиқ, таҳдидлардан безиб, ўз мухлислари ва тарафдорлари билан Бақти — Бактрияга (Тоҳаристон) — аҳамонийлар шоҳи Гуштасп (Виштасп) хузурига кетади. Шоҳ ва малика Хутаоса бутун сарой аъёнлари билан биргаликда Зардуштнинг янги маздавийлик динини қабул қиладилар ва унинг кенг ёйилишига ёрдам берадилар. Натижада зардуштийлик таълимоти узил-кесил қарор топади.

Зардуштийлик иймони ва ахлоқи 3 таянчга асосланади: фикрлар софлиги — «*эзгу фикрат*» (ният), сўзнинг собитлиги — «*эзгу калом*» ва амалларнинг инсонийлиги — «*эзгу амал*». Таналарингизга нисбатан, қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, чунки аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейди Заратуштра.

Унинг асосий ғояси кўпхудоликка қарши кескин кураш бўлди. У инсонларни ягона Олий Тангри — Аҳура Маздага эътиқод ва ибодат қилишга чорлади ва у яратган янги маздавийлик дини минг йиллар давомида яшаб келди. (Қаранг: Х. Бобоев, С. Ҳасанов. Авесто — маънавиятимиз сарчашмаси. Тошкент, «Адолат», 2001. 20-25-бетлар).

Зардушт 77 ёшида Турон шоҳи Афросиёбнинг невараси Аржасп буйруғи билан Балх шаҳрида ибодат қилаётган човида жодугар Братар Вахш томонидан орқасидан захарли ханжар билан уриб ўлдирилган. Баъзи олимлар, масалан, Мэри Бойс, Зардушт ўз ажали билан ўлган, деб ҳисоблайдилар.

Унинг таълимоти, сиймоси, унинг номи билан аталадиган зардуштийлик дини, инсонларга асрлар бўйи маънавий мадад, руҳий озиқ бўлиб хизмат қилди. «Авесто»даги алқов кўшиқлар, санолар башарият томонидан узоқ-узоқ йиллар мобайнида қироат билан куйлаб келинди ва инсонларда келажакка умид, яхшилик, эзгулик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, покизалик, ростгўйлик туйғуларини тарбиялади, ёвузликка нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилди ва мамлакатлар бўйи кенг тарқалди.

Зардушт таълимотининг инсоният тараққиётидаги муҳим жиҳатларидан бири шуки, агар масиҳийлик динида «ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик» ғояси тарғиб қилинган бўлса, зардуштийлик дини ёвуз кучлар билан муроса қилишни эмас, балки ёвузликка қарши нафрат билан, бор кучини ишга солиб кескин курашмоқни буюради.

Унинг таълимоти минг-минг йиллар давомида инсониятнинг орзу-умидлари ва ғоятда олижаноб ҳис-туйғуларини уйғотиб, бепоён ҳудудларда порлоқ маънавият машъали бўлиб, инсонлар қалбини эзгулик нури билан ёритиб турди.

Ҳар бир соҳада биринчи иш, биринчи қадам, биринчи кашфиёт ғоят кадрланиб, инсоният бу илк қадамни бошлаб берган кишиларни миннатдорчилик туйғулари билан доимо эслаб туришни ўз бурчи деб ҳисоблаган. Шу маънода жаҳон динлари кейинги 3 минг йиллар давомида қанчалик такомиллашган бўлмасин, маросимлари, урф-одатлари, расм-русмлари нечоғлиқ хилма-хил тус олмасин, улар барибир Зардушт асос солган яккахудолик эътиқодларининг ворислари саналиши керак, дейди Иброҳим Каримов ўзининг «Маънавият,

фалсафа ва ҳаёт» китобида.

Башарият кишилиқ жамияти маънавияти ва тафаккурида буюқ инқилоб қилган пайғамбар Зардуштни қадрлаб, унга ўзининг муносиб баҳосини билдирган. Масалан, XVIII асрда европаликлар Зардуштни астрология фанининг сарвари, етакчиси деб баҳолаганлар.

Немис классик шоири Гётенинг машҳур «Фауст» шеърӣ драмасидаги образлар талқинида бевосита Зардушт руҳи уфуриб туради.

Машҳур файласуф Фридрих Ницше ўзининг асарларида Зардуштга «Олий қудратга эга одам» («Сверхчеловек») деб юксак баҳо берган.

Антропософия (юнонча — одам ва донишмандлик) мистик таълимоти вакиллари Зардушт, Будда, Ийсо ва Афлотунни «инсониятнинг буюқ устозлари», «инсонийлашган олий руҳлар» деб, Зардушт шахсига жуда юксак баҳо бериб қадрлаганлар.

Юртимиз ўғлони, пайғамбар, буюқ файласуф, нотик, шоир ва табиатшунос олим Зардуштга жаҳоннинг бошқа алломалари, тарихнинг буюқ шахслари ҳам ана шундай юксак баҳо бериб қадрлаганлар.

Ахура Мазда ва Анҳра Майну (Хурмузд ва Аҳриман)

Ахура Мазда — «маздавийлик», «зардуштия» динида олий ягона худо, ҳақиқат, эзгулик, поклик оламини яратган буюқ қудрат. Маъноси — оламларни яратган илоҳ. Ахура — паҳлавий тилда «худоӣ» шаклини олган ва бора-бора «худованд», «худо» сўзига айланиб кетган.

Асл авесточа шакли — «Ахура Маздох». Қадимги Шарқ тарихий манбаларида бу ном — «Ахура Мазд», «Ахуроӣ Мазд», «Уҳра Мазд», «Урамазд», «Хурмузд» шаклида берилган. Уни туркийлар «Хурмузд», форсийлар «Ормузд», греклар «Армузд» дея атаганлар.

Ахура Мазда икки — «Ахура» ва «Мазда» бўлақларидан иборат бўлиб, «Ахура» — бутун борлиқни, оламларни яратгувчи эга, буюқ ва қудратли илоҳ, худо, «Мазда» эса — бутун борлиқни, оламларни яратган мутлақ ақл, олий онг, хушёр, ҳар нарсадан огоҳ, доно, қудратли раҳнамо деган маъноларни беради. Ахура Маздани умумий қилиб олганда «Оламларни оқил яратгувчиси ва доно раҳнамоси», ёки қисқача «Доно Худо» деб тушуниш мумкин.

«Авесто» матнларида бу ном асосан 3 хил — «Ахура», «Мазда» ва «Ахура Мазда» кўринишида ишлатилган. Баъзан эса «Спинта Майну» тарзида ҳам берилган. «Спинта Майну» Ахура Мазда зотининг сифати, унвони, мақоми бўлиб, гоҳ унинг номи ўрнида, гоҳ номи баробарида келтирилган. Маъноси — тафаккур олами, Ахура Мазданинг руҳий қудрати, нури.

Манбаларда зардуштийлик дини илоҳи — Ахура Мазданинг жами бўлиб 72 сифатий номи бор (Ислом динида эса **Аллоҳ**нинг 99 исми — ал-Асмаъ ал-Хусна бор) дейилади.

Анҳра Майну — маздавийлик, зардуштия динида ёвузлик, ёмонлик тимсоли.

«Авесто»да Ангар Майну, паҳлавий, форс ва турк тилларида Аҳриёман, Аҳирман, Аҳриман дейилади. Маъноси — ёвузлик, ёмонлик олами.

Анҳра Майну (Аҳриман) икки асл хилқатнинг бири бўлиб, Спинта Майну (Ахура Мазда, Хурмузд)га муҳолиф қудрат, ёвузлик тимсоли. Барча шайтоний кучлар — ёвузлик, зулмат ва ўлим ҳомийси, иблис, ёвуз девлар, жодулар, алвасти, парилар ва ҳоказолар сардори, раҳнамоси, Ахура Мазданинг муросасиз душмани. У дунёдаги жамики нопокликлар разилликлар, тубанликлар ва жабр, зулм-ситам намояндаси. Унинг у дунёдаги макони дўзахдир.

Асотирларда ёзилишича, Спинта Майну ва Анҳра Майну ўртасидаги муросасиз кураш 12 минг йил давом этади. Сўнг бу курашда Аҳриман буткул мағлуб бўлади ва ҳақиқат замони бошланади.

Кўзга кўринган олимларнинг фикрича ҳам, бутун дунёда ақл-идрок ва ҳақиқат тўлиқ тантана қиладиган давр келади, бу давр ХХІ асрнинг ўрталаридан бошланади, дейилади.

Зардуштия дини пешволаридан бирининг айтганлари ёзилган муаллифи номаълум бир

рисолада дунёнинг ҳамда Хурмузд ва Аҳриманнинг яратилиши ҳақида қуйидагича ҳикоя қилинган:

Худо Замондан бошқа барча нарсаларни яратган. Замон Бош Яратгувчидир, Замон чексиздир. Унинг на боши, на охири бор. У ҳамиша бор эди ва ҳамиша бўлади.

Агар заррача ақлинг бўлса, Замон қаердан пайдо бўлди, дема. Зеро, ҳали шу қадар улуғворлиги билан, дастлаб Замон ҳам Яратгувчи эмасди.

Шундан сўнг, Замон олов ва сувни яратди. Улар бир-бирига қўшилгач, улардан Хурмузд пайдо бўлди. Шундай қилиб, Замон Яратувчи ва яратишга киришган Худованд бўлди.

Хурмузд ёруғ, пок, хушбўй, эзгу амалли ва барча яхшиликларга қодир илоҳ бўлди.

Хурмузд 96 минг фарсанг узунликка — масофага боқди ва Аҳриманни кўриб қолди. Қора, палид, жирканч, бадкирдор... Уни кўриб Хурмузд ҳайратланди. Аҳриман ўзининг табиатига кўра эзгуликка душман эди. Хурмузд ва Аҳриман ўртасида қонли, ҳаёт-мамот жанги бошланди. Замоннинг ўзи Хурмуздга мадад берди ва Хурмузд ғалаба қозонди.

«Авесто»нинг кўпхудолик қисмларининг бирида барча ахуравий илоҳлар қаторида алқов ва ибодатга лойиқ «Зарвон» номли илоҳ ҳам тасвирланади.

«Зарвон» паҳлавий ва форсий тилда «замон», «замона» деган маъноларни ифода этади. Унинг номига «поёнсиз» сифати қўшиб ишлатилади.

Сосонийлар ҳукмронлиги даврида зардуштийлар орасида «зарвонийа» деган фирқа бўлган. Бу фирқа эътиқодига кўра, ака-ука эгизаклар — Аҳура Мазда ва Анҳра Майну ҳар иккиси Зарвон томонидан яратилган. Зарвоннинг ўзи эса ҳамма нарсадан бурун мавжуд бўлган.

Бир ривоятда, Зарвон ўғил кўриш умидида 999 йил ҳамду-сано, дуолар айтади. Бирок унинг бу орзуси рўёбга чикмайди. Шунда у, эҳтимол, бу дунё ҳеч нарса эмасдир, деган хаёлотга боради. Ана шу «шак»ли, «шубҳа»ли хаёл Анҳра Майнуни пайдо қилади. Зарвоннинг чин, эзгу хаёлларидан Аҳура Мазда пайдо бўлади. Буларнинг ҳар иккиси она қорнида эдилар. Хурмузд биринчи бўлиб туғилиши лозим эди. Аммо Аҳриман найранг билан онаси қорнини ёриб чиқди ва оламни забт этди, дейилади. Бу воқеанинг тафсилотлари ривоятда қуйидагича ҳикоя қилинади:

Шундай қилиб Зарвон, юқорида айтганимиздек, ўғил кўриш умидида сал кам минг йил ҳамду сано ва дуолардан тўхтамади. Бу ўғил осмон ва Ерни шунингдек, бутун махлуқоту хилқатни яратиши керак эди. Аммо умиди рўёбга чикмагач, унда умид билан бирга шубҳа ҳам пайдо бўлди:

— *Наҳотки шунча йил беҳуда ҳаракат қилдим, деди у.*

Худди шу пайтда унинг вужудида икки бир-бирига қарама-қарши сифатли уруғ пайдо бўлди. Бу уруғлардан Хурмузд — унинг фарзанд кўриш орзуларидан, умидидан, эзгуликдан, Аҳриман эса унинг шак-шубҳаларидан яралдилар.

Зарвон ўзининг фарзандлари пайдо бўлганини ва улардан Хурмузд она заҳдонининг чиқиш туйнугига яқин жойида эканини билгач, шундай деди: «Ким биринчи бўлиб туғилиб ҳузуримга келса жаҳон ҳукмдорлиги унга насиб этажак».

Аммо Хурмузд заҳдондан чиқай деб турганда, Аҳриман ундан олдинроқ ҳаракат қилиб, тешикни йиртиб, ташқарига отилди ва отаси ҳузурига келиб, деди:

— *Мана мен сенинг биринчи дунёга келган ўғлингман...*

Зарвон зулмат, ёмонлик, мараз ва бад бўйдан иборат бўлган бу қора вужудли фарзандини суймади. Ундан кейин бутун борлиғи ёруғлик, гўзаллик, эзгулик ва хуш-бўйликдан иборат бўлган Хурмузд дунёга келди. Зарвон қасамёд қилиб қўйгани учун, сўзидан қайта олмай, жаҳонга ҳукмдорликни Аҳриманга топширди ва деди:

— *Эй Аҳриман! Сени шахриёр (ҳукмдор) қиламан. Сен 9 минг йил ҳукмдорлик қиласан. Аммо мен Хурмуздни шундай яратганманки, кейинчалик у сендан голиб бўлади. 9 минг йилдан кейин жаҳон шахриёрлиги унинг қўлига ўтади.*

Унга шундай деб, Хурмуздга деди:

— *То шу дамгача мен сенинг ҳаққингга дуолар қилдим. Энди сен мен учун дуолар қил... Алқисса, Аҳриман жаҳонга ҳукмронлик қилди. Хурмузд эса ўзининг олқиш ва дуолари, ибодат ва намозлари билан охир-оқибат Аҳриман устидан ғалаба қозонди.*

Ана шундай қилиб, ўша қадимги сосонийлар давридаги зарвонийа фирқасининг эътиқодига кўра Зарвон — Замон худоси. Унинг «Авесто»да деярли аҳамияти йўқ. Аммо ўша даврлардаги манбалар шундан далолат берадики, ўша даврда Зарвонга нисбатан халқнинг эътибор таважжухи ғоят баланд бўлган. Зарвоннинг борлиги — мангулик ва чексизлик, бутун хилқат ундандир. Борлиқ, модда асоси, замон ва макон — кулли борлиқ удир. Унинг ақл ва қудрати ҳам чексиздир. Унинг ибтидоси йўқ. Ибтидо — у. Унинг асоси йўқ. Асос — ўзи. Ҳеч ким унинг устидан ҳукмронлик қила олмайди. У поёнсиздир. Шу боисдан у яратган махлуклар, ҳатто илоҳларнинг ўзи ҳам унинг нима эканлигини билмайди.

Баъзи авестошунослар зарвонийа таълимоти зардуштиядан ҳам олдин пайдо бўлган ва унинг сосонийлар даврига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб ҳисоблайдилар. Зарвон ва унинг тарихи хусусида бир-бирига яқин, бир-бирини тўлдирувчи ривоятлар билан бирга, бир-бирини инкор этувчи афсоналар ҳам бир талай.

Авестошунос Меҳррод Баҳор оламнинг яратилиши ҳақида шундай ёзади:

«Аввалда — дастлаб Замон чегара билмасди, бепоён яъни азалий ва абадий эди. Жаҳон икки — ёруғлик ва қоронғуликдан иборат бўлиб, ёруғлик, нур оламига Аҳура Мазда, қоронғулик, зулмат оламига Анҳра Майну ҳоким — ҳукмдор эдилар.

Хурмузд, Аҳриманнинг яъни зулматнинг тажовузидан ўзини ҳимоя қилиш учун, чексизлик замонидан чегараланган замонга юз ўгириб, 12 минг йиллик замонни яратди. У пайтда Замоннинг ўзидан бошқа ҳеч бир хилқат мавжуд эмас эди. Хурмузд чегараланган вақт — Замонни яратганини кўрган Аҳриман ҳам шундай қилди. Бу 12 минг йилнинг 3 мингги яратилажак моддиятнинг дастлабки жавҳари, руҳи — «мийну» сени яратмоққа кетди: илоҳлар, фаришталар ва моддий олам — осмон, ер, сув, ўсимликлар, ҳайвонлар, одамлар ва ҳоказоларнинг «мийну»лари яратилди.

Шу 3 минг йилликнинг охирида Аҳриман ёруғлик олами — Хурмуздга ҳужум қилди ва муқаддас «Аҳунавар» қўшигини эшитгач, таққа тўхтади-да, зулмат қаърига чўкди. Шундан кейин Хурмузд иккинчи 3 минг йиллик бошида юқорида айтилган моддият «мийну»лари — руҳларига тан-вужуд, шакл-шамойил, ҳаракат, фаолият бахш этди...» («Авесто» — 309-бет).

«Мийну» — Ўзга олам ёхуд моддий олам яратилишидан бурунги олам. Ҳар бир жонли, жонсиз нарса ҳали бу моддий оламга келмасидан бурун, «мийну» оламида мавжуд бўлган. Мийну моддий олам тугагандан сўнг яна пайдо бўлади. Шарқ адабиётида бу тушунча рух, жавҳар ҳодисаларини ифодалаган.

Ерда биринчи одамнинг яратилиши ҳақида «Авесто»да айтилишича, Каюмарс Аҳура Мазда яратган илк одамдир. У Яратгувчи бунёд этган моддий оламнинг олтинчиси бўлиб, унинг яратилиш муддати 70 кун бўлган. Каюмарс — нутқ соҳиби ва фикрловчи илк одам эди. Шу сабабли у Аҳура Мазданинг ният ва таълимотини англаб етди. Шундан у «Илк фикрловчи одам» — Каюмарс деб аталди.

Каюмарснинг ўлими олдидан унинг сулбидан — (жинсий аъзосидан) маний оқиб чикди. Маний куёш нурлари таъсирида соф бўлди ва тупроққа сингди. Қирқ йилдан кейин, ўша нутф — манийдан икки шоҳли ребос шаклидаги гиёҳ униб чикди. Гиёҳнинг икки шоҳи бир-бирига чирмалиб ўсди ва кейин бу гиёҳ икки одам шаклига кирди. Бу икки одам бир-бирига жуда монанд ва мос бўлиб, бири эр, иккинчиси аёл эди. Орадан 50 йил ўтгач, бу икки одам бир-бири билан қўшилди. 9 ойдан кейин улардан бир жуфт ўғил-қиз дунёга келди. Бу жуфтдан, жуфт-жуфт ўғил-қизлар туғилдилар. Етти иқлимдаги жамийки одамлар ана шу жуфтлардан тарқалдилар, дейилади «Бундаҳишн» китобида. (3-бўлим, 19-23 бандлар ва 15-бўлим).

Изоҳ: «Бундаҳишн» («Бундагеш») сўзининг маъноси — «борлиқнинг яратилиши». Қадимги динлар, диний эътиқодлар ҳамда Зардушт ҳақидаги асотир ва ривоятлардан иборат бу буюк китобнинг муаллифи маълум эмас. Бу китоб 46 бўлимдан иборат. Унинг икки қўлёзмаси — «Ҳиндий Бундаҳишн» ва «Буюк Бундаҳишн» мавжуд.

Китоб инглиз тилига «Висп» номи билан таржима қилиниб, «Мащриқ заминнинг муқаддас китоблари» мажмуига киритилган. Форс олими Меҳррод Баҳор «Бундаҳишн» таржимасини тугаллаш арафасида. Ҳозир унинг айрим бўлаклари форс тилида чоп этилган. Аждодларимизнинг энг қадимги бу буюк китоби яқин йилларда бизга ҳам етиб келса, маънавий бойлигимизга яна бир бойлик қўшилган бўлур эди.

Шуни ёдда тутиш керакки, халқ фантазияси билан бойиган ривоятлар, асотирлар қачон ва қайси эътиқодда пайдо бўлмасин, уларда яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гўзаллик ва хунуклик, адолат ва адолатсизлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш етакчи ўринни эгаллайди ва ўша даврлардаги одамларни яшаш тарзи, орзу-умидлари, муҳит хусусиятларини акс эттиради ва бу ривоятлар орқали аждодларимизнинг фалсафий, бадиий эстетик ғоялари ўз ифодасини топади. Ахир тарих фалсафа, асотир ва ривоятларда ҳам акс этади-ку!

Зардуштийлик динининг моҳияти

Зардуштийликнинг дуалистик моҳияти унинг руҳ ва моддият масаласи ва дунёдаги икки қарама-қарши ибтидо, зид жуфтлар — жон ва тана, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва мамот каби зиддиятлар муносабатида намоён бўлади.

«Эзгу фикр (ният), эзгу калом, эзгу амал» тамойиллари бу диннинг иймони ва ахлоқи асосларини ташкил этади.

Зардушт бутун борлик, олам, ҳамма нарса ибтидоий ва абадий илоҳ Ахура Маздадан келиб чиққан деб уқтиради. Шунинг билан бирга, Зардушт ёвуз руҳ, яъни ўз табиатига кўра ҳаром ва бузуқлик, бағритошлик, разиллик рамзи бўлган Аҳриманни инсонларга таърифлаб беради.

Ёмонликни ифодаловчи шафқатсиз, қабих Аҳриман ёвузлик, иблис, ҳамма яхши нарсаларни инкор этувчи руҳ, ёлғонлик, адолатсизлик, ўзбошимчалик ва ўлим ҳомийси бўлиб, доим бузғунчилик билан шуғулланади, одамларни йўлдан уради ва Ахура Маздага қарши иш олиб боради. Улар ўртасидаги кураш абадий, дунё тургунча давом этади. Пировардида Ахура Мазда уни йўқ қилади.

Туширилган ваҳйларнинг бош унсури шундан иборатки, Ахура Мазда ва Анҳра Майну фаолиятларини ўз хоҳишлари билан танлаганлар, бири яхшиликка, бири ёмонликка бошлайди. Шунинг каби одамлар ҳам ўз ихтиёрлари билан яхшилик ва ёмонликни танлаб оладилар. Худди ана шу икки руҳ ўртасидаги зиддият туфайли, улар ўртасида абадий мурасасиз кураш кетади. Бу курашда Ахура Мазда яратувчилик, Анҳра Майну эса бузғунчилик билан шуғулланади.

Ҳаётдаги турли ўзгаришлар қайси кучларнинг ғалаба қилишига боғлиқ. Шунга кўра инсон ҳам тана, ҳам руҳнинг қарама-қаршиликидан, инсон ахлоқи эса яхши ва ёмон хулқ-одатларнинг курашувидан иборат деб тушунтирилади.

Чексиз абадий фазо ва вақт ҳам икки қарама-қарши қисмдан — яхшилик ва Ахура Мазда ҳукмрон бўлган абадий ёруғлик, ҳамда ёмонлик ва Анҳра Майну ҳомийсида бўлган абадий қоронғулик, зулматдан ташкил топади дейилади.

Шундай қилиб, Зардуштийликнинг асосий ғояларида — дунёдаги ҳамма тартиботлар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва мамот ўртасидаги курашга боғлиқ деб қаралади.

Инсон бу курашда ана шундай кучлар қўлида бетараф, ихтиёрсиз ўйинчоқ эмас, балки танлаш, ирода ва фаолият эркинлигига эга бўлган, ўзининг фаолияти ва фаоллиги билан дунёда адолат, яхшилик тантанасига таъсир эта оладиган куч деб таълим берилади.

Зардуштнинг таъкидлашича, Ахура Мазда ҳаётни яратганда, ўлимни ҳам муқаррар

қилган, ёвуз рух унга ҳужум қилишини билган. Аҳура Мазда бу буюк жангда ўзининг ғолиб келишини, абадий эзгулик қарор топишини тинчлик ва тотувлик ўрната олишини азалдан билган.

Бу динда таъқидланишича, Аҳура Мазда тарафдорларига ўлгандан сўнг жаннат, абадий роҳат-фароғат ато этилади. Анҳра Майну тарафдорлари эса дўзахга маҳкум қилиниб, хар хил азобларга дучор бўлади. Охират куни **Тангри Ўзининг** қайта тирилтирган бандаларини сўроқ қилиб, уларга бу дунёда қилган яхши ёки ёмон амаллари учун тегишли ажрини беради.

Зардуштийликда табиатга, ерга, сувга, бутун жонзотларга, дарахту ўсимликларга меҳр билан қараш тарғиб қилинади. Оламнинг дастлабки бош унсурлари — ер, сув, ҳаво, олов улуғланади. Айниқса, оловга гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч деб қаралади. Ибодатхоналарида мангу олов ёниб турган. Шунинг учун ҳам бу динни «оташпаратслик дини», мухлисларини эса «оташпарастлар», «мажусийлар» деб ҳам атайдилар.

Зардуштийликни буткул оташпарастлик деб аташ, бизнингча, нотўғри. Бундай қараш зардуштийликдек қадимий, мураккаб диннинг яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ҳақидаги бош фалсафий мазмуни қолиб, уни фақат ўтга сиғиниш маросимларидангина иборатдек қилиб қўяди ва шу жиҳатлари эътиборни жалб қилиб, асосий мақсаддан чалғитади. Чунончи, оташпарастлик, яъни ўтга сиғиниш бошқа даврларда, бошқа халқларнинг ҳам эътиқодларида бўлган. Оловни муқаддас деб билиш ҳозирда ҳам яҳудийлик, насронийликнинг баъзи урф-одатларида сақланиб қолган.

Бу динда мурдани ерга кўмиш ёки куйдириш таъқиқланади. Мурда махсус жойга қўйилгандан кейин, этини қушлар еб кетади, тозаланган суяклар эса махсус қудуққа сочиб юборилади.

Зардуштийлик жоннинг ўлмаслигини, абадийлигини, жаннат, дўзахни эътироф этади.

Зардушт диний маросим ва байрамларни ҳам жорий қилди. Қадимги Эрон ва унга қўшни бўлган халқларнинг маросимларини ўша давр эҳтиёжларига, янги дин қоидаларига мослаштирди. Ушанда **Парвардигори олам** — Аҳура Мазда учун бир кунда 3 марта намоз ўқиш одати бўлиб, куннинг сахар, пешин, номозшом вақтларида амалга оширилар эди. Зардушт ўзининг динига эътиқод қўйганлардан бир кунда 5 маҳал намоз ўқишни талаб қилди. Намоз ўқишдан олдин юз, қўл, оёқлардаги чанглар ювилиб, покланиш шарт эди.

Зардуштийлик динида етти байрам нишонланган, улар Аҳура Маздага бағишланар эди. Шундай байрамлардан энг каттаси Наврўз эди.

Зардуштийларга хос 5 вақт намоз ва етти байрам, умуман, унинг таълимоти, тариқати, маърифати, ақидалари катта куч бўлиб, минг йиллар давомида, яшаш ва одамларга илоҳий таъсир ўтказиш воситаси бўлиб келди.

Баъзи олимлар ҳозиргача зардуштийликни кўпхудолик ёки икки худолик дини деб келадилар. Бу масалага тадқиқотчи олим, фалсафа фанлари доктори, профессор Иброҳим Каримов ўзининг «Маънавият, фалсафа ва ҳаёт» (Тошкент, «Фан», 2001) китобида билдирган фикрлари аниқлик киритади. *«Ҳозирги ва келажак авлод мустақил, теран фикрлай оладиган ижодкор, зукко одамлар қадимдан шу диёрларимизда ҳам бўлганини, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жаҳон маданий тараққиёти ривожланганини аниқ ва равшан билишлари лозим. Бу ўринда гапни жаҳон халқларига яккахудоликка асосланган биринчи китобий дин берган улуғ ватандошимиз Зардушт Спитома фаолиятига, у асос солган зардуштийлик динига ва унинг тарихий тақдирига бурмоқчиман»*, — деб ёзади И. Каримов.

«Зардушт милоддан анча аввалги даврларда яшаб ўтган, шу ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида фаолият кўрсатган илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табиётшунос олим бўлиб, илгариги кўпхудолик диний тасаввурларига, табиат ҳодисаларига, жумладан, оловга сиғиниш эътиқодларига қарши чиқиб, яккахудоликка асосланган биринчи китобий дин — «Авесто»ни яратган ва зардуштийлик динининг пайғамбари сифатида эътироф этилган тарихий шахсдир», — деб таъкидлайди И. Каримов.

Э. Берзин каби баъзи олимлар эса ўз мақолаларида зардуштийликни форсийлик билан,

Зардушт асос солган яккахудоликни оташпарастлик билан чалкаштириб, аралаштириб юборганлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Зардуштийлик номи билан аталган бу дин уч асосий оқим, йўналишдан — кўпхудолик, иккихудолик ва яккахудоликдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, улар бу динни кўпхудолик, иккихудолик ва яккахудолик қоришмаларидан иборат, деб ҳисоблайдилар.

Аммо тарихий ҳақиқатни билиб ёки билмай сийқалаштириш ёки уни тескари қилиб кўрсатиш нуқтаи назаридан йироқ турган В. В. Струве, В. В. Тревер, С. Т. Толстов, Н. Прохоров, А. О. Маковельский каби кўпчилик олимлар, билдирган ҳолис фикрлари, илмий далиллари унинг акси — яъни зардуштийликнинг ватани Марказий Осиё, хусусан Хоразм ўлкаси ва бу дин дастлаб Зардушт томонидан яккахудолик асосига қурилганлигини исботлайди. Улар Ахура Мазда эзгулик қонунларини пайғамбар Зардушт орқали ваҳй қилган, деган қатъий фикрни билдирганлар.

Зардуштийлик иймони юқорида айтганимиздек, уч рукн — таянчга асосланади:

1) фикрлар софлиги; 2) сўзнинг собитлиги; 3) амалларнинг инсонийлиги. Яъни — эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал.

Олам қарама-қаршиликлар, зиддиятлар кураши асосига қурилган:

— жисмоний нарсаларда ёруғлик ва қоронғулик (нур ва зулмат);

— тирик табиатда ҳаёт ва ўлим (ҳаёт ва мамот);

— маънавий оламда яхшилик ва ёмонлик (эзгулик ва ёвузлик).

Ана шу муттасил давом этувчи зиддиятлар кураши ака-ука эгизак — Ахура Мазда ва Анхра Майну (Хурмузд ва Ахриман) курашларида ўз ифодасини топган.

Хурмузд ўз табиатига кўра яхшилик, ҳаёт, ёруғлик йўлини, Ахриман эса уларнинг акси — зулмат, ўлим, ёвузлик йўлини танлаган.

Хурмузд бу курашда эзгу фикрат, эзгу сўз ва эзгу амал тамойилини ўзига шиор қилиб олган ва инсонларни ана шу тамойиллар асосида яшашга буюрган.

Бу икки қарама-қарши кучлар курашида инсон ўзининг яратилган табиатига, тарбиясига кўра улардан бирини танлайди. Агар инсон бу курашда яхшилик, яъни Хурмузд томон бўлиб, ёмонлик — Ахриманга қарши курашса, оқибат охиратда у жаннат билан тақдирланади. Бунинг акси бўлса, у дўзахга маҳкум этилади.

Улар ўртасидаги бу узлуксиз, муттасил кураш 12 минг йил давом этади. Пировард — оқибатда Ахриман буткул яқсон этилади ва яхшилик, эзгулик замони бошланади, дейилади «Авесто»да.

Шундай қилиб, зардуштия динининг асосий ғоялари эзгулик ва ёвузлик, зиё ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги курашга боғлаб талқин этилган.

«Авесто»ни диққат билан ўқиб чиққанимизда унинг қисмлари 3 қатламдан иборат бўлганини кўрамиз:

Биринчи қатлам — халқ эпосларининг Зардуштгача бўлган кўшиқлари (шеърый қасидалари).

Иккинчи қатлам — Зардуштнинг ўзига мансуб «Гоҳ»лари.

Учинчи қатлам — Зардушт ҳалок бўлганидан деярли бир аср ўтгач китоб ҳолига келтирилган «Кичик Авесто» («Хурда Авесто»).

«Авесто»нинг ана шу дастлабки ва кейинги қисмларидан унинг асосий қисми — Зардушт «Гоҳ»ларини фарқ қилиш лозим.

Зардушт «Гоҳ»лари кўпхудоликни, ўтга ва табиатнинг стихияли кучларига сифинишни қоралаб, яккахудоликка эътиқод қилишни талаб этади. Ҳозиргача бўлган илмий адабиётлардаги фикрлар кўпроқ ана шу «Кичик Авесто»га асосланиб билдирилган. «Кичик Авесто»да яккахудолик ғоялари кўпхудолик эътиқодлари билан қоришиб кетгани учун, айрим тадқиқотчилар зардуштийликни кўпхудолик ёки иккихудолик дини сифатида талқин этадилар. Бундай кишилар яккахудоликка асосланган зардуштийликни, унинг йўналишларидан бири бўлган кўпхудолик билан аралаштириб юбориб жиддий хатога йўл қўядилар.

Зардушт талқинида Ахура Мазда Олий Бош ибтидо бўлиб, унинг на илохликда шериги, на ота-онаси, на хотини ва на болалари бор. У ҳамма мавжудотларни яратувчи ва бошқарувчиси сифатида эзгуликни барқарор қилувчи, одамлар қалбини мунаввар этувчи Олий руҳ сифатида тасвирланади.

Кейинчалик Эрон шоҳлари аҳамонийлар Ўрта Осиё ерларини забт этгач, Зардушт асос солган яккахудолик динини аста-секин ўзларининг сиёсий, ижтимоий манфаатларидан келиб чиқиб, Зардуштгача бўлган ва Яқин Шарқда ҳам кенг тарқалган кўпхудолик ғоялари билан аралаштирдилар. Оловга сифинишни жорий этдилар. Ўзларини эса **Худо** ваҳйларини одамларга етказиб турувчи пайғамбар сифатида қўйдилар. Натижада «Кичик Авесто»да Ахура Мазда оламни яратувчи якка илохдан кўра, кўпроқ худоларни бошқариб турувчи бош худога айланиб қолди.

Яккахудолик эътиқодида бўлган Искандар Зул-Қарнайн (мил. аввалги 356—323- йиллар) даврига келиб зардуштийлик ана шундай ботил — кўпхудолик, мажусийлик дини бўлиб қолган эди. Ўз эътиқодида қаттиқ турган Зул-Қарнайн, аҳамонийлар империясини тор-мор этгач, империя худудларида амал қилиб турган бу динни бутунлай йўқ қилиб юбориш учун, оловга сифиниш воситаси бўлган оташкадаларни вайрон этиб, «Авесто» китобини тиббиёт, фалсафа ва илми нужумга оид ўринларини таржима қилдириб, қолган қисмларини ёкиб юборишни буюрган.

Эрон ва Ўрта Осиёни VII—VIII асрларда араблар фатҳ этганларидан кейин, Ислом дини кириб келгач, бу дин бекор қилинди. Натижада зардуштийларнинг кўпи Ислом динини қабул қилдилар. Қабул қилмаганларнинг кўпи бошқа мамлакатларга кўчиб кетдилар.

Бугунги кунда кўпхудолик, мажусийлик эътиқодига айланиб қолган «Авесто» китобини ўқир эканмиз, унда бир талай илохлар, маъбуд ва маъбудалар номлари келтирилганлигини, боз устига «бош Худо» Ахура Мазданинг фарзандлари «бўлган»лигининг гувоҳи бўламиз. Масалан:

- Зарвон — замон, замона илоҳи;
- Ашаҳ — олам шаҳриёри (хукмдори); ҳақиқат, эзгу ният илоҳи;
- Аша — эзгу қисмат, эътиқод илоҳаси, Ахура Мазданинг қизи;
- Сипандормаз ва Ормаитий — Ахура Мазданинг қизлари;
- Озар (Оташ) — муқаддас олов илоҳи, Ахура Мазданинг ўғли;
- Баҳман — эзгу ният илоҳи, Ахура Мазданинг ўғли;
- Суруш — охиратда савоб-гуноҳ амалларни ўлчовчи, ҳакамлик қилувчи илоҳ;
- Митра — қуёш илоҳи;
- Фрадот — Виспам — тириклик илоҳи;
- Ама — куч-қудрат ва баҳодирлик илоҳи;
- Баҳром — урушлар ва ғолиблик илоҳи;
- Мехр — фароғат ва ёруғлик илоҳи;
- Ардвисура Анаҳита — сувлар илоҳи (Амударё худоси);
- Ром, Андарвай — ҳаво илоҳлари;
- Бод — шамол илоҳи;
- Пшитар — ёмғир илоҳи;
- Чиста — илму-дониш илоҳаси;
- Авпаратот — афзаллик ва забардастлик илоҳи;
- Фрадот Вийра — эркакларга ҳомийлик қилувчи, эркакларни асровчи илоҳ;
- Аряман — дўстлик, қардошлик ва осудалик илоҳи;
- Гўшварван, Хований — ҳайвонлар илоҳлари;
- Даҳйум — элат ва ўлкаларни ўз паноҳида асровчи илоҳ;
- Зантум — ноҳия ва худудларни ўз паноҳига олган илоҳ;
- Вася — қишлоқлар илоҳи;
- Нора-санҳа — Ахура Мазданинг элчиси, гўзал қиёфалар (чехралар) илоҳи ва шулар каби яна ўнлаб илоҳлар...

Шундай қилиб, зардуштия дини Зардуштдан кейин яна ваҳдониятга зид бўлган

кўпхудоликка айланиб кетди. Ахура Мазданинг болалари бор дедилар, боз устига одамлар оловни муқаддас, олов илоҳи — Ахура Мазданинг ўғли деб ва у покловчи, ҳақиқатни ёлғондан айирувчи энг ишончли восита дея, оловга ҳам сифина бошладилар. Натижада бу дин «мажусийлик», «оташпарастлик» дини деб, унга эътиқод қилувчилар эса «мажусийлар», «оташпарастлар» деб ном олди.

Шунинг учун ҳам бу дин ва унинг муқаддас китоби «Авесто» Исломнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди, чунки **Аллоҳ таоло Ўзининг** илоҳий китоби **Қуръони карим**да ширкни, мушрикликни, кофирликни ғоят оғир кечирилмас гуноҳи кабиралардан эканлиги ҳақида бир қанча оятлари орқали башариятга хабар берган.

Аллоҳ таоло Ўзининг туғилмагани, туғмагани, ҳеч қандай ота-онаси, ёри, фарзанди ва илоҳликда бирон-бир шериги йўқлиги, яккаю-ягона, танҳолиги, аҳадлиги ҳақида **Қуръони карим**да бандаларини бир неча бор огоҳлантирган:

«**Аллоҳга жинларни шерик қилдилар. Ваҳоланки, уларни (Ўзи) яратган. Билмаган ҳолда Унга ўғил-қизларни тўқиб чиқардилар. У (Аллоҳ) булар тавсиф этаётган (сифат)лардан пок ва аълодир**».

«(У) осмонлар ва Ернинг ихтирочисидир. Унинг ёри (жуфти) бўлмаган бўлса, қайқдан Унда фарзанд бўлсин?! Аллоҳ ҳамма нарсани яратди. У ҳамма нарсанинг билимдонидир». (6-«Анъом» сураси, 100—101-оятлар).

«Улар (яъни мушриклар): «**Раҳмоннинг (фаришталардан) боласи бор**», — дейдилар. У, эса бундан мутлақо покдир! Йўқ, (фаришталар) ҳам Аллоҳнинг азизу мукаррам бандаларидир». (21-«Анбиё» сураси, 26-оят).

«**Аллоҳ фарзанд тутди**», — дедилар. У (бу тухматдан) мутлақо покдир. У беҳожатдир. Осмонлар ва Ердаги нарсалар Униқидир. Сизларнинг ҳузурингизда бу тўғрида (Аллоҳнинг фарзанди бор эканини исботлайдиган) ҳеч қандай ҳужжат йўқдир. Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларингизни гапираверасизларми?! (10-«Юнус» сураси, 68-оят).

«**Китоб (Таврот)дан насибадор бўлганларнинг «Жибт ва Тоғут»га сифинишларини ва кофирларга «Шулар мўминлардан кўра тўғрироқ йўлдадирлар» дейишларини кўрмадингизми?!**»

«**Ана ўшалар Аллоҳ лаънатлаган кимсалардир. Кимни Аллоҳ лаънатлаган бўлса, унга (ҳеч қандай) ёрдамчи топа олмассиз**». (4-«Нисо» сураси, 51-52-оятлар).

«Улардан қайси бирлари: «**Мен ҳам (Аллоҳдан) ўзга бир илоҳман**», деса, бас, Биз ўшани жаҳаннам қаърига улоқтиргаймиз. Барча золимларни ана шундай жазолаяжакмиз». (21-«Анбиё» сураси, 29-оят).

«**Од (қабиласи)га биродарлари Худни пайғамбар этиб юбордик. У айтди: «Эй, қавмим! Аллоҳга сифинингиз! Сизларга Ундан ўзга Илоҳ йўқдир! Сизлар (сохта илоҳларни) фақат ўзларингиз тўқиб олувчисизлар**». (11-«Худ» сураси, 50-оят).

«(Мушриклар): «**Раҳмон фарзанд тутди**», — дедилар. (Эй, мушриклар,) сизлар шундай оғир гап айтдингизки, унинг оғирлигидан осмонлар ёрилиб, Ер бўлиниб, тоғлар қулаб, парчаланиб кетгудек бўлур».

«**Аллоҳ фарзанд тутган эмас ва У билан бирга бирор илоҳ бўлган эмасдир. Акс ҳолда, албатта, ҳар бир илоҳ ўзи яратган нарсаси билан кетиб, бир-биридан устун бўлиб олур эдилар. Натижада Еру-осмон бузилиб кетган бўлур эди. Аллоҳ улар айтаётган сифатлардан покдир**». (19-«Марям» сураси, 88-90-оятлар ва 23 — «Муъминун» сураси, 91-оят).

«**Агар иккиси (Ер ва осмон)да Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетган бўлур эди. Бас, Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (ширклардан) покдир**». (21-«Анбиё» сураси, 22-оят).

«**Раббингиздан сизга ваҳй этилган нарса (оят)ларга эргашинг. Ундан ўзга илоҳ йўқ! Мушриклардан (эса) четланинг!**».

«Ана ўша Аллоҳ Раббингиздир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У ҳамма нарсанинг яратгувчисидир. Бас, фақат Унга ибодат қилингизлар! У ҳар нарса узра вакил (кузатгувчи)дир». (6-«Анъом» сураси, 106 ва 102-оятлар).

«Аллоҳга қўшиб бошқа «илоҳ»га илтижо қилманг! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг «юзи»дан бошқа барча нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм Уникидир ва Унгагина қайтарилурсизлар!». (28-«Қасас» сураси, 88-оят).

«(Эй, Муҳаммад), айтинг: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ беҳожат, (лекин) ҳожатбарордир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Шунингдек, Унга бирор тенгқур ҳам йўқдир». (112-«Ихлос» сураси, 1-4-оятлар).

«(Эй, инсонлар), сизларнинг ушбу динингиз (аслида) бир дин (яъни Ислому)дир. Мен эса (барчангизнинг) Раббингиздирман. Бас, Менга ибодат қилингизлар!». (21-«Анбиё» сураси, 92-оят).

* * *

Мовароуннаҳрда шаклланиб камол топган, биринчи жаҳон дини бўлмиш зардуштийлик, ўзининг босиб ўтган тарихий йўлида буддизмнинг махаяна оқими, иудаизм, христианлик, митраизм, монийлик каби динларнинг қонун-қоидаларига ҳам ғоявий асос бўлиб хизмат қилган, — деб ёзади тадқиқотчи олим И. Каримов ўзининг асарига.

Зардуштийлик таълимоти Европада ва Шарқда дуалистик таълимотлар ва диний эътиқодларнинг вужудга келишига асос бўлди. Масалан, христиан ва шарқ динлари ҳамда юнон идеалистик фалсафасига асосланган диний фалсафий оқим — гностицизм, III асрда пайдо бўлиб, X асрларда тарқаб кетган манихейлик (манихейство) диний оқими, XI—XIV асрларда Ғарбий Европада христиан динининг катарлар (катарианство) сектаси бевосита зардуштийлик таълимоти асосида вужудга келган.

Милодий V—VI асрларда юзага келган маздавийлик диний-фалсафий таълимоти ҳам зардуштийлик заминида шаклланган.

Ҳозирги вақтда зардуштийлик форсийлик (персизм) шаклида мавжуд бўлиб, унда дуалистик ғоялар сақланган ҳолда ягона қудратли **Тангри таолонинг** борлиги, бирлиги эътироф этилиб, Аҳура Мазда ягона олий **Тангри** деб, Анҳра Майну эса биздаги шайтони лаъинга ўхшаб яхшиликка, эзгуликка қарши курашувчи ёвуз куч деб қаралади.

Зардуштийликнинг дуалистик моҳияти унинг руҳ ва моддият, жон ва тана, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва мамот, ёруғлик ва қоронғулик каби зиддиятлар муносабатида намоён бўлади.

Бугунги кунда зардуштийлик дини ва таълимотига эътиқод қилувчилар жуда камайиб кетган.

1976- йилги статистик маълумотларга қараганда, уларнинг сони дунё бўйича атиги 129 минг киши бўлиб, улардан 82 мингги Ҳиндистонда, 25 мингги Эронда, 5 мингги Покистонда, 3 мингги Англия, Канада, АҚШда, 500 киши Шри-Ланка (Цейлон)да, 200 киши Австралияда, қолган 13 300 киши бошқа давлатларда яшайдилар.

Неча-неча замонлар, мамлакатлар ва халқлар тасаввурида ардоқланган зардуштийлик динининг муқаддас «Авесто» китоби парчалари бизга аниқ тарихий маълумотлар беролмасда, ўтган бобокалонларимиз дунёқараши, онгги, маданияти, маънавияти ва ҳаёт тарзидан хабар бериши билан қадрли ва қимматлидир.

Шундай қилиб, зардуштийлик дини ҳақидаги баёнимизни ниҳоясига етказар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, эзгулик ва ёвузлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва мамот ўртасидаги кураш ғоялари ҳамда «Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал» тамойилига асосланган бу динда тинчлик, бунёдкорлик, инспонпарварлик, покизалик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, инсоф, адолат, ҳалоллик, қисқаси яхшилик — эзгуликни асосий ўринга қўйиб тараннум этилиши, аждодларимизнинг буюк маънавий мероси ва қадриятлари инсоният тарихида беназир, оламшумул аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради.

Динлар тарихи билан танишар эканмиз, шуни яна алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки,

ўтмишдаги илоҳий ҳамда бошқа муқаддас диний китоблар, динлар ва уларнинг қонун-қоидалари ўз замоналарида инсоният учун кейингилари аввалгиларига қараганда прогрессивроқ аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, улар минг йиллар давомида катта, жиддий ўзгаришларга учраб, асл қиёфалари, асл маъно ва мазмунлари у ёки бу даражада йўқолиб кетганлиги натижасида ва уларнинг баъзилари бошданок ботил эътиқод бўлганлигидан, бутун башарият эндиликда **Аллоҳ таолонинг** охириги илоҳий китоби — **Қуръони каримга** ва охириги мукаммал дин бўлган Ислом динига амал қилишлари керак.

«**Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ**», деб бу ҳақдаги сўзни шу ерда мухтасар қиламиз.

Яҳудийлик (Иудаизм)

Жаҳон динлари қаторига кўтарила олмаган, аммо энг қадимги динлардан бири бўлган яҳудийларнинг бу мураккаб, ўзига хос миллий дини ва унинг мухлислари ҳақида кифоя қилгулик маълумотлар жуда оз бўлиб, борлари ҳам унчалик оммабоп, тушунарли қилиб берилмаган. Ҳатто «Умумжаҳон тарихи» ва бошқа китобларда ҳам бу дин ҳақида маълумотлар жуда кам бўлганидан, кўпчилик бу дин ва унга эътиқод қилувчилар ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигини ҳисобга олиб, мазкур дин ҳақида бошқа динларга нисбатан кўпроқ тўхтаб ўтишга тўғри келади. Бу масалани ойдинлаштиришда қимматли тарихий аҳамиятга эга бўлган Библиядан ҳам фойдаланилди.

Шундай қилиб, яҳудийлик (иудаизм) динининг асосчиси **Аллоҳнинг** пайғамбари ҳазрат Мусо алайҳиссаломдир (милоддан аввалги 1666—1546- йиллар).

Мусо алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг олтинчи авлоди ҳисобланади, яъни — Иброҳим — Исҳоқ — Яъқуб — Ловий — Кааф — Имрон — Мусо. Ҳорун алайҳиссалом эса Мусо алайҳиссаломнинг акаси ҳамда ёрдамчиси бўлган.

Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғлидан тўрттинчиси Яҳудо (Иуда) бошчилигидаги қабила ота-боболари — ибронийлар (еврейлар) эътиқод қилиб келган яккаю ягона худо — Яҳвага сифинишган.

Иуда «шукур» деган маънони беради. Турли томонларга тарқалиб кетган Яъқуб алайҳиссалом ўғиллари бош бўлган қабила аҳллари дастлаб «яъқубийлар» деб атала бошланган. Яҳудийлик (иудаизм) динининг номи эса қабиланинг илк бошлиғи бўлган Яҳудо (Иуда) номидан келиб чиққан. Кейинчалик бу халқ «яҳудийлар» («иудейлар») деб юритила бошланган. Яҳудийлик миллий диннинг номи ана шу «Иуда», «Яҳудо» номидан олинган.

Яҳудийликда Яҳва номини тилга олиш ман этилади. Ўрнига «Адонай» (менинг **Парвардигорим**) деб ўқийдилар ва гапирадилар. «Яҳва» сўзининг маъноси ҳозиргача ноаниқ. Яҳва қадимги ибронийлар худоларидан бирининг номи бўлган, у аввал бош худо, кейинчалик уни яккаю ягона **Худо** деб эътиқод қила бошлаганлар. Бинобарин, рус православ черкови синоди Тавротни таржима қилганида Яҳва (Иегова) сўзини «**Господь**», яъни **Парвардигор** деб таржима қилган.

Яҳудийликнинг таълим беришича, худо Яҳва Исроил халқи билан икки томонлама шартнома — «аҳд» орқали боғланган бўлиб, шунга кўра яҳудийлар ўзларини «**Худо** томонидан танлаб олинган мумтоз халқмиз, бу аҳд бўйича **Худо** Фаластин ва унинг атрофидаги барча ерларни бизга беришга ваъда қилган, бу ерлар бизга «ваъда қилинган ердир» деган эътиқодда яшаб келганлар ва ҳозир ҳам ана шу ақидани маҳкам тутиб, тинмай кураш олиб борадилар. Бу ҳақда 5- «Моида» сурасининг 18-оятда **Аллоҳ таоло** шундай дейди: «**Яҳудий ва исронийлар: «Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва ҳабибларимиз», — дейдилар. Айттинг: (Ундай бўлса), нега гуноҳларингиз туфайли сизларни азоблайди? Йўқ! Сизлар ҳам У яратган одамлардансиз. Хоҳлаган (банда)сини кечиради, хоҳлаганини азоблайди. Осмонлар, Ер ва улар ўртасидаги борлиқ устидан ҳукмронлик Аллоҳгагина тегишлидир ва қайтиш ҳам фақат Унинг ҳузуригадир».**

Яҳудийлик дини Мусо алайҳиссалом 80 ёш пайтларида, яъни милоддан аввалги 1586-йилда **Аллоҳ таоло** томонидан ваҳй этилган бўлса-да, бу диннинг илоҳий муқаддас «Бешкитоби» (Таврот) милоддан аввалги IX—VII асрларда тартибга солиниб ёзилган ва у

милоддан аввалги V асрга келиб, Фаластинда узил-кесил батомом ёзилиб тугаллангандан кейин, тарқала бошлаган деб тахмин қилинади.

Ўтган узоқ даврлар мобайнида бу китобларга оз-оздан бўлса-да, ўзгартиришлар кириб борилган. Шу сабабли, уларнинг асл қиёфаси, мазмуни ўзгариб, илоҳий китоб сифатида қиймати, аҳамияти пасайиб кетди. Ҳозирги кунда бу китоблардаги каломларнинг қайсилари **Аллоҳ**ники, қайсилари қўшилган ёки ўзгартирилган эканлигини ажратиш қийин бўлиб қолди.

Бу китоблардаги ширк, кувфрдан иборат бўлган, **Аллоҳ**нинг фарзандлари бор, фаришталардан жуфти бор, **Аллоҳ** учтадан биттаси — Ота **Худо** дейилиши, **Аллоҳ** ўзининг яратган бандаси Яъқуб алайҳиссалом билан тонг отгунча курашиб чиққанлиги ва ҳоказолар каби мантиқсиз, ноўрин гаплар шундан далолат беради.

Бунинг акси бўлган **Қуръони карим** бундай нуқсонлардан холидир. **Қуръони карим**: «**Худо бир, пайғамбарлар барҳақдир**», — деб таълим беради бизга.

Яна яҳудийлар ҳақида **Қуръони карим**да шундай дейилади:

«**Исроил авлодининг аҳдларини олдик ва уларга пайғамбарлар юбордик. Ҳар гал бир пайғамбар уларга (ҳавойи) нафслари хуш кўрмайдиган нарса (ҳукм)ни келтирганда, бир қисмини ёлғончига чиқардилар ва (бошқа) бир қисмини эса ўлдирдилар**» (5- «Моид» сураси, 70-оят).

«**Айтинг: «Эй аҳли китоблар! Аллоҳга, бизга нозил қилинган (Қуръон)га ва олдин нозил қилинган (Китоблар)га иймон келтирганимиз, сизларнинг аксариятингиз эса фосиқ (итоатсиз) бўлганингиз туфайли биздан ўч оляпсизларми?»**». (Шу сура, 59-оят).

«**Яҳудийлар: «Аллоҳнинг «қўли» боғлиқ (баҳил)», — дедилар. Ўзларининг қўллари боғланур ва (бу) гаплари сабабли лаънатланурлар. Аслида (Унинг) «икки қўли» очик. Қандай хоҳласа, (шундай) эҳсон қилаверади. Сизга Раббингиздан нозил этилган (Қуръон) улардан кўпларининг адашуви ва кувфрини орттирди, холос. Уларнинг ораларига, то қиёмат кунигача (давом этадиган) адоват ва нафрат солиб қўйдик. Уруш оловининг ёқишлари билан, уни дарҳол Аллоҳ ўчириб туради. Яна (улар) Ер юзида фасод (ишларни қилиш)га ҳаракат қиладилар. Аллоҳ (эса) бузғунчиларни яхши кўрмайди**» (Шу сура, 64-оят).

«**Иймон келтирганларга (нисбатан) энг ашаддий адоватда бўлувчилар яҳудийлар ва ширк келтирганлар эканини кўрасиз. Иймон келтирганларга нисбатан яқинроқ дўст — «Биз насронийлармиз» деганларини (ҳам) кўрасиз. Бунинг сабаби — улар ичида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ва уларнинг кибрга берилмаслигидир**». (Шу сура, 82-оят).

Юқорида айтганимиздек, яҳудийликнинг барча қонун-қоидалари пайғамбар Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган муқаддас Тавротда муфассал баён қилинган. Бундан ташқари, Тавротнинг тафсири ва яҳудийлик динининг ақида ва маросимлари ёзилган Талмуд китоби ва муқаддас Забур (Псалтир) китоби ҳам бу диннинг муқаддас китоблари ҳисобланади.

Яҳудийлик сон-саноксиз маросимларга, тақиқларга, буйруқларга, байрамларга эга бўлган дин. Бу диннинг талабига кўра ҳар бир диндор 365 тақиқни ва 248 буйруқни, жами 613 амри маъруф ва наҳий мункарни билиши шарт.

Яҳудийлик динида диндорнинг киядиган кийими, ейдиган овқати, хожати, кун тартиби, ибодат қилиши, байрамларга амал қилиш қоидалари қатъий тартибга солинган. Янги туғилган чақалоқ саккиз кунлигидаёқ хатна қилиниши шарт бўлган.

Яҳудийнинг бирор-бир қадами дуосиз босилмайди.

Яҳудийлар туя, чўчқа, куён, от, эшак гўштарини емайдилар. Улар ейдиган ҳайвон гўштида қон доғи бўлиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яҳудийларда моллар фақат ўз ишига уста бўлган қассоблар томонидангина сўйилади.

Яҳудий эркакларнинг кийимлари узун, бир хил матодан тикилган бўлиши, боши ҳатто уйқуда ҳам бирор нарса билан беркитилган бўлмоғи лозим. Диний маросим бажарилаёт-

ганда, кийимининг устидан албатта ёпинчиғ ташланиши шарт.

Ҳафтанинг шанба куни дам олиш қатъий талаб этилади. Бу кунда ҳеч қандай юмуш, иш билан шуғулланилмайди, овқат пиширилмайди олов ёқилмайди, кўлда бирор нарса кўтариб юрилмайди, пулга кўл теккизилмайди.

Байрамлардан Пасха, ўрим-йиғим байрами, янги йил, гуноҳларни кечиришни сўраш куни, алоҳида чайлаларда яшаш керак бўлган етти кунлик куз байрами, Библия тарихига бағишланган баҳор байрами каби байрамлар беҳато нишонланади.

Болаларга диний таълим 5—6 ёшиданоқ берилади. Таврот ва Талмуднинг асосий ақидалари мажбурий тарзда ёдлаттирилади.

Яҳудийликда аёл кишига эрининг итоаткор қулидек қаралади. Ҳар бир яҳудий эркак хар куни **Худовандга** уни аёл қилиб яратмаганига шукроналар айтиб, дуо қилади. Аёл киши эса ўз дуосида ўзини эрига итоат этувчи қилиб яратганлиги учун **Парвардигорга** миннатдорчилик билдириб юради.

Яҳудийларнинг шунга ўхшаш қизиқ, ажабтовур одат ва қилиқларидан кўпи ҳозиргача сақланиб қолган.

Яҳудийликнинг талаблари, маросимлари жуда кўп ва оғир бўлганлиги, яҳудийларнинг бошқа миллат вакиллари билан никоҳга кириши ман этилганлиги, ўзларини барча халқлардан афзал — мумтоз билиб, ўжар, миллатчи, ирқчи ва худбин бўлганликлари учун шундай қадимий тарихга эга бўлган бу дин жаҳон динига айлана олмаган. Шунингдек, ўтган катта тарихий давр мобайнида **Тангри таоло** нозил қилган Таврот илоҳий китобига ўзгартиришлар киритилганлиги натижасида бу дин ўзининг асл қиёфасини йўқотган дин ёнат йўли бўлиб қолган.

Шундай қилиб, яҳудийларнинг муқаддас Таврот ва Забур (Тора ва Псалтир)дан кейинги учинчи китоби Талмуд, Таврот асосида минг йиллар давомида шаклланган, охири таҳрири «Қуддус Талмуди» милодий III асрда, «Бобил Талмуди» V асрда расман эълон қилинган. Унда Тавротга кенг изоҳлар, тушунтиришлар, яҳудийларнинг диний маросимлари, диний қонун-қоидалари, тарғиботлар, кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Юқорида айтганимиздек, яҳудийлар Библиянинг «Янги аҳд» қисми — Ийсо алайҳиссаломга нозил қилинган Инжилни тан олмайдилар. Тан олган яҳудийларни ҳатто диндан чиққан деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, **Тангри таоло** томонидан Инжил нозил қилинган пайғамбар Ийсо Масих ҳам, ўзлари каби, яҳудий бўлган ва бу китобдаги каломлар ҳам оламларнинг яккаю ягона **Парвардигори Аллоҳ таолонинг** каломлари бўлган.

Яҳудийлар **Аллоҳ**нинг бошқа пайғамбарларига ҳам куфр келтиришади. Баъзи пайғамбарларни ўлдиришган. Яҳудийлик дини, уларнинг фикрича, фақат ўзларига хос миллий дин.

Ислом дини эса, бу диндан фарқли ўлароқ, жаҳон динига айланган. Чунки Ислом **Аллоҳ таоло** томонидан Ер юзидаги бутун башариятга юборилган охириги дин бўлиб, инсонларнинг миллати, ирқи, тили, насаби, амали, лавозими, яшаш тарзи ва жойи эътиборга олинмайди. Инсонлар фақат ўзларининг қилган яхши ёки ёмон амаллари билан бир-бирларидан фарқланадилар.

Яна таъкидлаб айтамикки, иймоннинг етти талабига, шу жумладан Аллоҳнинг ҳамма пайғамбарлари ва илоҳий китобларига ёки улардан бирига ишонмаган одам куфрга кетган, яъни кофир дейилади. Яҳудийлар эса иймон талабларини ана шу иккитасига рия қилмаганликлари, бузганлари учун, яъни Қуръон ва Аллоҳнинг сўнги пайғамбари Мухаммад алайҳиссаломни инкор этганликлари учун кофир бўлдилар:

«Қачонки, уларга Аллоҳ ҳузуридан ўзларидаги нарса (Таврот)ни тасдиқ этувчи Китоб (Қуръон) келганида, илгари кофирларга қарши (худди) шу китоб (воситаси) билан ёрдам сўраб юрар эдилар — ўзларига таниш зот (Мухаммад) келганда, (уни инкор этиб) кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» (2- «Бақара» сураси, 89-оят).

Яҳудийларнинг ношукр бўлганликлари, Аллоҳнинг айрим оятларини инкор этганлари, итоатсиз, саркаш, тажоввузкор бўлганликлари, Аллоҳга берган аҳдларини субутсизлик билан доим бузиб келганликлари, ўз вақтида ҳатто бузоққа сиғинишгача бориб етганлик-

лари, ўзларига «ёқмаган» пайғамбарларни ўлдирганлари, Тавротдаги Аллоҳнинг каломларини ўзгартириб олганликлари Қуръони каримнинг 2- «Бақара» сураси, 51, 61, 63, 75, 77, 79, 83, 85, 87, 91, 92-оятларида аниқ ва равшан қилиб ёритиб берилган.

ЯХУДИЙЛАР ТАРИХИ

Яхудийлар тарихи «Бутунжаҳон тарихи» («Всемирная история») китобида бироз бўлса-да ёритиб берилган ва қуйида биз ушбу масалани ёритишда, бошқа манбалар қаторида бу китобдан ҳам фойдаланамиз.

Фаластинда (Канъон) Миср ҳукмронлигининг таъсири сусайган милоддан аввалги XIII—XII асрларда бу мамлакатда бир қанча канъоний (ханаан)лардан ташкил топган майда шаҳар-давлатлар бўлган.

Изоҳ: Канъон (Ханаан) Фаластиннинг эски номи. Тавротда ёзилишича, Худо ҳазрати Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб пайғамбарларга ваъда қилган мамлакат бўлиб, Нуҳ пайғамбар ўғли Хом, унинг ўғли Канъон наслидан тарқалган бутпараст халқларнинг ери бўлган.

Миср асоратидан зўрға кутилиб келган Бани Исроил қабилалари иттифоқи Мусо алайҳиссаломнинг шогирди, ундан кейин бўлган пайғамбар ва буюк саркарда Ювшаъ (Иисус Навин) алайҳиссалом бошчилигида милоддан аввалги XIII асрнинг биринчи ярми-ларида **Тангри таоло** Исроил авлодларига ваъда қилган Фаластин ерларига кириб келдилар ва бу ердаги майда шаҳар-давлатларда яшовчи Фаластиннинг туб аҳолиси бўлмиш канъонийларни бирин-кетин забт этиб, сиқиб чиқара бошладилар.

Бу шаҳарларни эгаллаш жуда мушкуллик билан кечди, улар келгиндиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатдилар, шунинг учун ҳам канъонийларнинг бир қанча шаҳарлари, теварак атрофларида Бани Исроил қабилалари қуршовида бўлгани ҳолда, анча вақтгача мустақил бўлиб турди.

Келгинди кўчманчи Бани Исроил қабилалари бу ерларда ўтроқ бўлиб, ер эгалари — заминдорларга айландилар ва аста-секинлик билан водийларни ҳамда канъонийларнинг шаҳарларини бирин-сирин эгаллаб ола бошладилар.

Янги ерларни эгаллаб ва ўзлаштириб олишда Канъоннинг туб халқи билан олиб борилган курашларда Исроил қабилаларининг вақтинчалик бирлашуви ва ўзаро бир-бирлари билан ҳамкорлиги бир томондан мустақамланиб борса-да, иккинчи томондан, Исроил қабилаларининг кейинчалик бепоён Канъон ерларининг турли томонларига сочилиб кетиб жойлашиб олишлари уларнинг бир-бирларидан ажралиб тарқалиб кетишларига ҳам замин яратди.

Жанубга, яъни Ўлик денгизнинг ғарбидаги кейинчалик Яҳудия деб аталган тоғлик вилоятларга жойлашиб олган яхудийлар қабиласи, Фаластиннинг шимолидаги унумдор ерларни эгаллаб олган Исроил қабилаларининг асосий ўзаги бўлган бу қабиладошларига қараганда эрта муқим (ўтроқ) бўлиб ўрнашиб, улардан ажралиб чиқди.

Узлуксиз ўзаро урушлардан, «денгиз орти халқлари», яъни Фаластиннинг Ўрта ер денгизи соҳилларида яшайдиган бутпараст филистийлар ва бошқа чет эл босқинчиларининг пайдар-пай ҳужумларидан ҳолсизланган Фаластинни Мисрдан келган Исроил қабилалари томонидан босиб олиниши анча осон ва тез кечди. («Фаластин» сўзи ана шу халқ номидан олинган бўлиб, «филистийлар мамлакати» деган маънога эга бўлган).

«Денгиз орти халқлари» деб ном олган бу халқлар милоддан аввалги XIII—XII асрларда ана шу Ўрта ер денгизи соҳилларига келиб ўрнашиб қолган эдилар.

Фаластинга исроилликлар кириб келганларидан сўнг, жанговар филистийлар уларга ҳам қарши кураш бошлаб юбордилар ва бетиним кетма-кет ҳужум қилиб турдилар.

Милоддан аввалги XI асрнинг иккинчи ярмида филистийлар яхудий қабилаларининг чегара олди вилоятларига бостириб кириб, уларнинг бир неча қалъаларини қўлга киритдилар.

Улар исроилликларга яна бир неча оғир зарбалар бериб, Исроилнинг асосий шахри Силомни қўлга киритдилар.

Ички ва ташқи вазият бани исроил қабилаларига ўзларининг ягона бирлашган давлатларини вужудга келтиришни тақозо этди. Милоддан аввалги XI аср ўрталарида (аниқроғи 1049- йилда) Умумхалқ мажлисида бутун Исроилнинг ягона биринчи подшоҳи этиб пайғамбар Шамъун (Самуил) тавсиясига биноан Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғли, Юсуф алайҳиссаломнинг укаси Бенямин уруғидан бўлган Саул (Толут) деган одам сайланди.

Саул барча Бани Исроил ва яхудий қабилаларини ўзига бўйсундирди. Шундан кейин у янада кучайиб, филистийлар устига бир неча бор ғолибона юришлар ҳам қилди.

Аммо бирмунча вақтдан кейин омад ундан юз ўгирди. Саулнинг ўзи ва унинг икки ўғли филистийлар билан бўлган жангда ўлдирилди. Исроил подшоҳининг кесилган бошини найзага санчиб бутун филистийлар ери бўйлаб кўтариб намойиш қилиб юрдилар. Унинг бошсиз танасини илгари Мисрнинг, эндиликда филистийларники бўлган Бет-Шеана шаҳар-қалъаси даворига осиб қўйдилар.

Саулнинг ўлимида унинг ҳарбий қўмондонларидан бири Довуд (у кейинчалик пайғамбар бўлган) ўртасидаги хусумат ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади. Филистийларнинг баҳайбат, енгилмас паҳлавони, қўшин бошлиғи Голиафни яккама-якка жангда чарм сопқонидан тош отиб ўлдириб, жанг тақдирини исроилликлар фойдасига ҳал қилиб, ғалабани таъминлаб бергани учун, Довуднинг обрў-эътибори халқ ўртасида тобора ортиб бораётганидан хавфсираган Саул, уни зимдан ўлдириш пайига тушади. Бундан хабар топган Довуд филистийлар томонига ўтиб кетади. Натижада Исроил қўшини бутунлай тушкунликка тушади. Шундан сўнг, сезиларли даражада руҳан заифлашиб қолган Исроил қўшинларини филистийлар тезда тор-мор қилиб ташлайдилар ва юқорида айтганимиздек, Саулнинг ўзи ва унинг икки ўғли бу жангда ўлдирилади (Ана ичи қораликнинг оқибати).

Саулнинг ўлимидан кейин юз берган тартибсизликлардан фойдаланган ундан норози бўлган киборлар ва оддий яхудий халқи, айниқса, яхудий қоҳинлари Довудни (1079—1009) унинг ўрнига подшоҳ қилиб сайлайдилар.

Довуд яқинда забт этилган, яхудий қабилалари яшайдиган ҳудудларда жойлашган қадимги Иерусалим шаҳрини ўзига пойтахт қилиб белгилайди. Унинг қароргоҳи шаҳар яқинидаги баланд Сион (Синай) тепалигида жойлашган бўлиб, бу тепалик табиий ҳарбий қалъа вазифасини ҳам ўтар эди.

Бирлашган Исроил ва яхудий қабилаларидан ташкил топган бу давлат тахтига пайғамбар ҳазрат Довуд алайҳиссаломдан сўнг милоддан аввалги 1009- йилда тахтга унинг 20 ёшлик ўғли Сулаймон (Соломон, 1029—969) ўтирди. Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломлар ҳақида олдинги фаслларда тўхталиб ўтган эдик, шунинг учун ҳам улар ҳақида айтилган гапларни қайтариб ўтирмаймиз.

Сулаймон алахиссалом подшоҳлигининг охириги, яъни милоддан аввалги 960- йилларида, халқ ўртасида норозиликлар яна кучайиб кетди. Айниқса, шимол томонда — пойтахт Иерусалим жойлашган қисмида Сулаймон алахиссалом хизматида юрган, келиб чиқиши номаълум бўлган, Иеровоам номли шахс бошчилигида бу норозилик очиқдан-очиқ исёнга айланиб кетди.

Иеровоамни Силом шаҳрининг маҳаллий қоҳинлари қўллаб-қўлтиқладилар. Қўзғолон катта миқёсда бўлишига қарамасдан, Сулаймон алайҳиссалом бу қўзғолонни бостирди. Иеровоам эса Исроилни Яхудиядан ажратиб олишда мисрликларнинг ёрдамига умид боғлаган ҳолда Мисрга қочишга мажбур бўлди.

Мисрга эса ёнида Фаластиндек кучли, яхлит ягона давлат қўшни бўлишдан кўра, бири-бирдан мустақил бўлган икки кучсиз давлат қўшни бўлиши маъқулроқ эди.

Подшоҳ Сулаймон алахиссаломнинг вафотидан кейин, милоддан аввалги 969- йилда қадимги одатга кўра, халқ мажлиси томонидан унинг ўғли Ровоам мамлакатга подшоҳ этиб сайланди. Аммо мамлакатда тез орада яна қўзғолон кўтарилди. Бу гал Иеровоам Миср фиръавни Шешенк ёрдамига таяниб, ўз ишини охирига етказди. Шешенк Иеровоам билан биргаликда милоддан аввалги 928- йилда бирлашган Исроил-Яхудо давлатининг

янги бўлган подшоҳи Ровоамга қарши юриш қилиб, Иерусалимни босиб олди ва ундаги бош ибодатхона — Маъбаддаги хазинани талон-торож қилиб, ўз юртига олиб кетди.

Шундай қилиб, 80 йилга яқин (1005 — 928) ягона бир қудратли мамлакат бўлган Исроил ва Яхудия милоддан аввалги 928- йилдан бошлаб икки алоҳида давлатга ажралиб кетди.

Доимо Довуд алайҳиссалом авлодлари ҳукмронлик қилган Яхудияга нисбатан Исроилда давлатга ҳукмронлик қилувчи сулолалар тез-тез алмашилиб турди. Бу сулолалардан энг каттаси Исроилнинг Умри деган қўшин бошлиғи сулоласи бўлди. У сулолага милоддан аввалги 875- йили асос солди ва бу сулола ҳукмронлиги қарийб 50 йил — 825- йилгача давом этди. Унинг даврида Исроил гуллаб яшнади. Оссурия (Шом, Сурия) солномаларида бу даврни «Умри уйи» даври деб аталган. Бу сулоланинг асосчиси ўзига пойтахт қилиб Самария шаҳрини белгилади. Бу шаҳар мамлакатнинг ўртасида, ҳосилдор водийда бўлиб, стратегик томондан баландликда жойлашган эди. Уни қудратли қалъага айлантириш осон бўлганлигидан, ҳукмдор бу шаҳарни ўзига пойтахт қилиб танлаган эди.

Исроилнинг ҳукмрон доиралари аҳолини тобора камбағаллашиб бораётган қисмини кулликка, асоратга тушириш ва уларни кунбай ишлайдиган мардикорлар, қарздор-қулларга айлантириш сиёсатини юргиздилар. Натижада Исроилда қўшимча кўнгиллилардан иборат бўлган халқ лашкарлари етказиб берадиган аҳоли қисмининг сони кескин камайиб кетди. Бу орада Оссуриянинг сиқиб келиши жуда кучайиб кетди, натижада милоддан аввалги 722- йилда Самария қулади. Оссурия томонидан узил-кесил забт этилди. Исроил давлати йўқ қилинди.

Оссурияликлар юз минглаб одамларни асир қилиб ҳайдаб олиб кетдилар ва уларнинг ўрнига ўзларининг бепоён мамлакатларида яшаб турган аҳолини олиб келиб жойлаштирдилар. Исроилнинг қисмати Яхудияга ҳам хавф солиб турарди. Милоддан аввалги VIII аср охириларида Яхудия подшоҳи Хизқия (Езекия) Иерусалимда оссурияликлар қамалида қолди.

Милоддан олдинги VII асрнинг охириларида, Оссуриянинг ҳалокатидан сўнг, Бобил (Вавилония) Миср билан рақобатлашиб, Оссурияга қарашли Олд Осиё давлатларини бирин-кетин босиб ола бошлади.

Милоддан аввалги 597- йилда Бобил Яхудияни ўзига бутунлай бўйсундирди. Мисрнинг Яхудияга ёрдам бериши ҳам фойда бермади. Яхудий зодагон аслзодаларнинг бир қисми Бобилга олиб кетилди.

Шундай қилиб, Исроил давлатини милоддан аввал 722- йилда Оссурия, Яхудия давлатини эса қарийб 136 йилдан кейин, яъни 586- йилда Бобил босиб олди.

Яхудия ўзининг енгилишига тоқат қилолмади. Мисрнинг ҳомийлигига умид боғлаб, зимдан янги урушга тайёрлана бошлади ва пировардида милоддан аввалги 582- йилда Бобил билан яна урушни бошлаб юборди. Бобил армияси яхудийларнинг Иерусалимдан ташқаридаги барча ҳарбий кучларини тор-мор келтириб, Иерусалимни қамал қилди. Яхудия зодагонлари қўшин сафини тўлдириш мақсадида, қарзлари эвазига қул қилинганларни озод қилдилар, аммо бу тадбир ҳам яхудийлар қисматида қарши ёрдам бера олмади ва натижада милоддан аввалги 586- йилда Яхудия қулади, яъни Исроил давлат сифатида батамом йўқ қилинди. Яхудий халқининг деярли барча мулкдор қатламлари, ҳунармандлар, ҳатто камбағал аҳолининг бир қисми ҳам Бобилга ҳайдаб олиб кетилди. Аҳолининг бир қисми эса Мисрга қочди.

Мидия ва Лидияни бутунлай, ҳамда Кичик ва Ўрта Осиёдаги кўп давлатларни босиб олган Ахамонийлар (Эрон) сулоласининг биринчи подшоҳи Кайхусрав (Кир II), милоддан аввалги 538- йилда Месопотамия ва Бобилни ўзига бўйсундиргач, яхудийларга Иерусалимни қайта тиклашга рухсат берди (Кайхусрав Мисрга қарши курашида Иерусалим ўзига таянч нуқта бўлишини ўйлаган бўлса керак).

Бобилга олиб кетилган бир неча минг яхудий оилаларни милоддан аввалги VI—V асрларда яна Иерусалимга қайтарди. Ҳатто Иерусалим шаҳри ва ундаги бош ибодатхона — Маъбадни тиклаш учун сурия-фаластин провинцияларидан тушаётган даромад ҳисоби-га бирмунча маблағ ҳам ажратди.

Кайхусрав яхудийларга шундай яхшиликлар қилса-да, аммо уларнинг янада кучайиб кетиб, келгусида ўзининг давлатига ҳавф солиши мумкинлигини ўйлаб, уларни ўз қўлида маҳкам тутиб турди. Шу боис ҳам шаҳар ва ибодатхонанинг қайта тикланиши узоқ давом этди ва у милоддан аввалги V аср охирлари ва IV аср бошларида қуриб битказилди.

Юқорида айтганимиздек, милоддан аввалги 722- йилда Исроилни Оссурия (Шом, Суррия) подшоҳлиги ва милоддан аввалги 586- йилда пойтахти Қуддус бўлган Яхудияни Бобил подшоҳлиги босиб олди ва яхудийларнинг кўп қисмини асир қилиб ҳайдаб олиб кетдилар. Яхудийлар асирликда 50 йил қаттиқ азоб чекиб, нола-фигон қилиб юрдилар.

Бу ҳам этмагандек, кулфат устига кулфат бўлиб, милоддан аввалги 538- йилда уларни Эрон, 330- йилда Македония подшоҳи Искандар Зул-Қарнайн, милоддан аввалги 63- йили Рим империяси босиб олиб, мисли кўрилмаган қайноққа солдилар.

Мутахассисларнинг кузатишича, тарихда яхудийлар ўзларининг саркашликлари, жоҳилликлари ва тутуриқсизликлари туфайли, ғоят азоб-укубатда яшаган ягона халқ ҳисобланади. Бошқа бирон-бир халқ **Аллоҳ таоло** томонидан бу қадар муттасил балоларга гирифтор қилинган эмас. Одатда қаерда, қайси халқнинг ножўя ишлари ҳаддан ошиб кетса, **Ҳақ таоло** ўша ердан, ўша халқнинг ўзидан пайғамбар чиқариб, хидоятга даъват этади. Шунинг учун ҳам пайғамбарларнинг аксарият кўпчилиги иброний — яхудийлардан бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, милоддан аввалги 538-йилда Бобилни босиб олган Эрон шоҳи Кайхусрав (Кир II) яхудийларни Фаластинга қайтарган ва Иерусалим ибодатхонасини қайта тиклаттириб берган бўлса-да, яхудийлар Бобил асирлигидан қайтиб келгач, мустақил давлатга эга бўлолмадилар. Кайхусрав уларни озод этиш билан бирга, Фаластинни ўз ҳукми остида қаттиқ назоратда тутиб турди. Мустақил давлат йўқлиги боис, Иерусалим ибодатхонасининг мавқеи, роли ортиб у ягона диний марказга айланди. Ана шу даврдан бошлаб, яхудийлар бошқа халқлардан ажрала бошлади. 446- йилда Иерусалим деворини қуришга киришилди. Яхудийларнинг бошқа халқлар билан никоҳга кириши ман этилди. Яхудий бўлмаганларга, хатна қилинмаганларга мажусий, динсиз деб қарала бошланди.

Милоддан аввалги 63- йилда Фаластин Рим империяси томонидан забт этилганидан сўнг, милодий 66 — 73- йилларда ва 132 — 135- йилларда яхудийлар Рим империясига қарши икки марта кўзғолон кўтардилар. Римликлар бу иккала кўзғолонни ҳам ўта шафқатсизлик билан бостирдилар, қанчадан-қанча яхудийлар қириб ташланди. Милодий 70- йилда Иерусалим ибодатхонаси, 133-йилда Иерусалим шаҳрининг ўзи ҳам римликлар томонидан вайрон этилди. Яхудийлар энди диний марказларидан ҳам маҳрум бўлдилар ва Фаластиндан ҳайдаб чиқарилдилар. Турли мамлакатларга тарқалиб кетдилар, кўпларини Рим кулдорлари бошқа мамлакатларга арзон-гаровга кул қилиб сотиб юбордилар.

Машҳур француз башоратчиси Нострадамус (1503 — 1560)нинг қуйидаги катренига (рубойисига) эътибор беринг:

— *Синагога самарасиз, унумсиз беҳуда
Файридинлар орасинда
(Қиз) шаҳар Вавилонияда
Топганлари азоб ва таъқибда:
Кўнгли ўксик мазлумлар
Бир кун қанотин қирқиб ташларлар.*

(8 - Центурия, 96- катрен; муаллиф таржимаси).

Бу сатрларда яхудий миллатига мансуб бўлган Нострадамус ўзининг миллатдошларига ачиниш ҳис-туйғуларини мужассамлаштирган, деб ёзадилар Дмитрий ва Надежда Зималар ўзларининг «Нострадамус башоратларининг шарҳи» деган китобида. (Москва. «Рипол Классик», 2001. 124—125- бетлар).

«*Наҳотки асрлар бўйи бошқаларнинг таъқиб, тазйиқларидан базўр қутулган биз еврейлар, эндиликда бошқаларни хўрлаб таъқиб остига олсак*», деб айтадилар Надежда ва Дмитрий Зималар (Муаллифлар ҳам ўзларининг шу миллатдан эканликларини таъкидлаганлар).

«*Азалдан урушқоқ ва ношукр бўлиб келган Исроил халқи илгаритдан пайғамбар-*

лар амрига, панд-насиҳатларига амал қилмай келганликлари туфайли хўрликка, азоб-уқубатларга, инсонлар томонидан доимий таъқибга, қувғинга маҳкум этилганликлари етмасмиди. Нега энди биз бошқаларга ҳам шундай азоб беришимиз керак?»

«Носдрадамуснинг юқорида таассуф ила келтирган катренидаги «Вавилония қизи», — шубҳасиз ҳозир жанговор ва дарғазаб кайфиятда турган Ироқдир, — нега энди биз яна бир куни «қанотимизни қирқиб» ташлашларини кутишимиз керак?» — деб таъкидлайдилар Дмитрий ва Надежда Зималар.

Масалан, агар ҳозирги давлатлар тарихни тафтиш қилиб: «У ерлар илгари бизники эди», бошқалари: «Йўқ, ундан аввал бизга қарашли эди», яна бошқа бирлари: «Эраимиздан фалон йил олдин эса бизники бўлган», деб чиқсалар унда биласизми нималар бўлишини?

Унда давлатлараро ҳудудларни қайта тақсимлаш учун жаҳон уруши бошланиб, бутун ер юзи қонли жанггоҳга айланиб кетар эди-ку!... Шундай ақлли халқнинг соғлом фикр юрита олмаслигига ҳайрон қоласан киши..., деб ёзадилар улар.

Яҳудийлар қайси давлатга бориб яшаган бўлсалар, ўша ерда ўз жамоаларини туздилар, динларини сақлаб қолиш мақсадида ўзлари тўпланиб турадиган жой — синагогаларини вужудга келтирдилар. Синагогалар яҳудийларнинг диний марказига айланди. Уларда мустақил Яҳудия подшоҳлигини қайта тиклаш гоёси пайдо бўлди.

Худди шу даврларда Тавротга тафсир — шарҳлар ёзила бошланди. Бу тафсир китоби «Талмуд» деб аталди. Талмудда яҳудийларнинг гоёвий, диний, ҳуқуқий, ахлоқий қонун-қоидалари, урф-одатлари, яҳудийлик анъаналари ёзилди.

1968- йилда Қуддусда жорий этилган жаҳон сионизм ташкилоти ўта реакцион миллатчилик ҳаракати бўлиб, яҳудий миллатининг асосий мафкурасини ташкил этди. «Худо томонидан танлаб олинган халқ», «олий ирқ» бўлган, бутун дунёга тарқаб кетган яҳудийларни Фаластинга йиғиш ва унда ягона яҳудийлар давлатини ташкил этиш бу ташкилотнинг асосий мақсади ва вазифаси деб белгиланди. Сионизм Исроил давлатининг идеологияси сифатида қабул қилиниб, унинг маркази АҚШда жойлаштирилди. Ташкилот аъзолари қудратли давлатлар ҳомийлигида ўз мақсадларини амалга ошириш учун араб давлатларига, мусулмонларга қарши ҳарбий тажовузни бошлаб юбордилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, яҳудийлар ва насронийлар, ҳар икки томон бир-бирларининг динларини тан олмайдилар, инкор қиладилар. (2- «Бақара» сураси, 113-оят).

Улар, қалбларидаги ҳасадлари туфайли бизнинг Ислом динимизни, *Қуръони карим*-ни, Муҳаммад алайҳиссаломни ҳам тан олмайдилар. (шу сура, 105-оят).

Улар **Аллоҳ**нинг фарзандлари бор деганлар. Яҳудийлар Узаирни, насронийлар Ийсо ибн Марямни Аллоҳнинг ўғли дедилар. (9- «Тавба» сураси, 30—31-оятлар).

Шундай дейишлари ва **Аллоҳ**нинг китоби *Қуръон*ни, пайғамбарларнинг сўнггиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломни инкор этганликлари сабабидан, улар куфрга кетиб кофир бўлдилар.

Биз мусулмонлар эса, улардан фарқли ўлароқ, **Аллоҳ**нинг ҳамма пайғамбарларини тан оламиз, улардан бирини биридан ортиқ ёки кам кўрмаймиз. Таврот, Забур ва Инжилни **Аллоҳ**нинг илоҳий китоблари деб биламиз.

Ушбу муқаддам нозил этилган илоҳий китобларни (Таврот, Забур, Инжил) ҳамда Нух, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Мусо, Ҳорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Закариё, Яҳё, Ийсо ва бошқа пайғамбарларни тасдиқловчи азимушаън *Қуръони карим* бизга шундай таълим беради.

1983- йилги маълумотга қараганда жаҳонда 14 миллиондан ортиқ яҳудийлар яшайди.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, 1955-йилда Москвада нашр этилган 4 жилдлик «Бутун-жаҳон тарихи» («Всемирная история») китобига қадимги дунёнинг айрим тарихий воқеалари «Библия» китобидан олинган. Мазкур китобнинг 1-жилдида ёзилишича, «Библия» ва Исроил-Яҳудия подшоҳлиги тарихи ўша миллоддан аввалги даврларни ўзидаёқ бирмунча ўзгартирилиб қайта ишланган. (Қаранг: Всемирная история. Москва, 1955. 1-жилд, 485—496-бетлар).

Шунга қарамасдан, миллоддан аввалги энг кўҳна тарихий воқеаларни ўзида мужассамлаштирган Библия китоби биз учун энг қадимги қимматли тарихий манба сифатида катта

аҳамиятга эга.

Ҳурматли суҳбатдош, яҳудийлик дини ва тарихи билан қисқача бўлса-да танишиб чиқдик, энди бу дин билан боғлиқ бўлган «сионизм» масаласи билан бироз бўлса-да танишиб қўйсак, фойдадан холи бўлмас деган мулоҳазага бордик.

СИОНИЗМ

«Сионизм» атамаси Иерусалим (Қуддус) яқинидаги Сион (Синай) тоғ-тепалиги нбми-дан олинган. Бу тоғ-тепаликда Мусо а.с.га Таврот илоҳий китоби нозил бўлган ва унда Довуд пайғамбарнинг қароргоҳи жойлашган. Шунинг учун бу тоғ муқаддас саналган. Инжилда ёзилишича, биринчи маъбад ҳам ўша ерда қурилган ва у ер «**Худо макони**», «**Худо даргоҳи**» деб аталган.

Сионизм дастлаб яҳудийларнинг антисемитизм, яъни уларни жаҳон миқёсида таъқиб этилишларига қарши тузилган ҳаракат бўлиб, 1897- йилда Швейцариянинг Базель шаҳри-да яҳудийларнинг биринчи жаҳон конгрессида сиёсий оқим — таълимот сифатида ташкил топган.

Тарихдан бизга маълумки, милоддан аввалги 63- йилда Рим империяси яҳудий давлатла-рини босиб олганидан кейин, яҳудийларнинг дунё мамлакатларига тарқалишлари фаол давом этди. Улар Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Оврупо мамлакатларига, ўрта асрларга келиб, Оврупо ва Осиёнинг кўпгина мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетдилар. Улар борган жойларида маҳаллий аҳолининг тили ва маданиятини ўзлаштириб олдилар, аммо ўзларининг дини, маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолдилар. Яҳудийлар борган мамлакатларнинг кўплари яҳудийлар ҳуқуқларини чегараловчи қонунлар қабул қилдилар.

Бу сиёсий оқимнинг мақсади дастлаб бутун дунёдаги яҳудийларни бир ерга тўплаб, қадимги ягона яҳудийлар давлатини қайта тиклаш бўлган. Кейинчалик у яҳудийларнинг реакцион — миллатчилик, шовинистик мафқурасига айлантириб юборилган.

Яҳудийлар ўзларини «олий миллат», **Парвардигор** томонидан танлаб олинган мумтоз халқ, иудаизм (яҳудийлик) динидан бошқа дин вакиллари ва яҳудийлар яшайдиган ерлар-даги ҳамма халқлар, миллатлар яҳудийларга душмандирлар деган ирқчилик ғояларини эълон қилганлар.

Сионизм мафқурачилари «яҳудийлар масаласи» абадий, алоҳида, синфлардан юқори турувчи масаладир, деб даъво қиладилар. Яҳудийлар ўртасидаги синфий курашнинг ҳар қандай кўринишини «миллий хоинлик» деб эълон қилганлар. Улар сионизмни жаҳон яҳудий халқининг миллий озодлик ҳаракати деб, унинг реакцион моҳиятини яширишга уринганлар.

Ниҳоят, асрлар бўйи жабрланган халққа иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг мурув-ват кўрсатилиб, БМТ Бош Ассамблеясининг 1947- йил қарорига биноан Фаластинда Исро-ил давлатини тузишларига руҳсат этилди. Шундай қилиб, 1948- йил 14-майдан бошлаб Буюк Британия мандатидаги Фаластин мустақил деб эълон қилиниб, Исроил давлати ташкил топди ва иудаизм, яъни яҳудийлик бу давлатнинг расмий дини деб эълон қилин-ди. Сионизм эса давлат мафқурасига айланди.

Сионизмнинг кейинги асосий мақсади бутун дунё яҳудийларини Исроилга тўплаб, уларни сионистик руҳда қайта тарбиялаш, бу давлат худудини янада кенгайтириб қадим-ги давлатларини қайта тиклаш бўлди.

Сионизм ўзининг «Қадимий аҳд» (Таврот)да баён этилган «аҳд» ғоясига асосланган ижтимоий адолат дастурини эълон қилди. Унинг бош ўзагини Фаластин ва унинг атрофи-даги ерларни қайтариб олиш ҳақидаги масала ташкил этди, ҳамда сионизм бу мақсадлар-ни амалга ошириш йўлидаги миллий озодлик ҳаракати деб эълон қилинди. «Яҳудий», «Сионист» ва «Яҳудийлик динидаги кишилар» тушунчаларини тенглаштиришга уриндилар.

Сионистлар ўз мақсадларини амалга оширишда яҳудийлик динидан фойдаланишлари натижасида, сионизм билан иудаизм иттифоқи ташкил топди.

Сионизмнинг энг кўзга кўринган йўлбошчиси Австрия журналисти Т. Герцль бўлган.

1968- йилда Қуддусда сионизмнинг 27-конгрессида сионизм ташкилот сифатида расман жорий этилди ва, боя айтганимиздек, дунёдаги ҳамма яҳудийларни Фаластинга кўчириб, у ерда буюк яҳудийлар давлатини тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Яҳудийлик динининг Фарбдаги раҳбарлари, оддий диндорлар хоҳишига зид равишда, сионизмни қўллаб чиқдилар ва 1976-йилда Жаҳон сионистлар ташкилоти билан бирлашдилар.

Собиқ СССР ҳудудидаги яҳудийлар 1928- йилдан бошлаб РСФСРнинг Хабаровск вилоятидаги Биробижан шаҳри атрофларига кўчириб келтирила бошланди ва 1930- йилда Биробижон миллий тумани, кейинроқ — 1934- йилда эса Хабаровск вилояти таркибига кирувчи, маркази Биробижон шаҳри бўлган махсус ҳудуд яҳудийларга автоном вилояти қилиб ажратиб берилган эди. Ҳозирги вақтда у ерларда яҳудийлар деярли қолмаганлар, барилари турли давлатларга кўчиб кетганлар.

Сионизм ташкилотининг маркази АҚШда бўлиб, у Исроил давлатининг миллий мафкураси қилиб белгиланган. (Қаранг: Х.Ю.Бекмухамедов. Тарих терминлари изоҳли луғати. Тошкент, 1978, 145—146-бетлар; Энциклопедик луғат. Тошкент, 1988, 197, 351-бетлар; Библия, Стокгольм, 1992; Библия луғати).

* * *

Каббала (қадимги ибронийча — «Ривоят») — Моддий олам биринчи рухий ибтидодан эманация (нурланиб оқиб чиқиш) натижасида пайдо бўлган деб қаровчи неоплатонизм таълимоти ҳамда **Худо** ва олам, табиат бир деб ҳисобловчи пантеизм таълимотлари ва яна юнон фалсафаси ҳамда шарқ динларига асосланган гностицизм ғояларини бирлаштирувчи, Библияни мажозий талқин этиш анъанасига амал қилувчи иудаизм динидагиларнинг диний мистик таълимотидир.

Каббалистика — Ўрта асрларда яҳудийлар ўртасида тарқалган ва Тавротнинг энг қадимги қисмига асосланган, сеҳр-жоду, олдиндан башорат қилиш каби ишлар ва анъаналарни ўз ичига олган сирли мистик диний оқим.

Каббалистика махсус сирли маросим ва сеҳрли дуолар ўқиш орқали инсон, илоҳий коинот жараёнлари ва тартиботларига фаол таъсир этиши мумкин, деган эътиқодга асосланган.

Каббала таълимоти VIII асрда ёзилган 1- китоб «Сефир Иецира» («Яратилиш китоби») да баён этилган. Бу китобда ёзилишича, ҳаётнинг асоси ягона **Худо**, бутун олам 10 рақам ва яҳудий алифбосининг 22 ҳарфига таянади.

Каббалистик мистика кейинчалик XIII асрда муаллифи номалум «Зоҳар» («Ёғду») китобида янада ривожлантирилди ва шу асрда Андалус (Испания) да узил-кесил расмийлашди.

«Зоҳар» китобида айтилишича, «**Худонинг** сифати йўқ, у чексиз ҳудудсизликдир», нарсалар олами эса, илоҳий кучлар оқибати — эманациясидир. Китобда **Худонинг** 10 сефироти — сифати баён этилган, яъни **Худо** шу сифатларнинг очилиши орқали билинади.

Бу таълимотда жоннинг кўчиб юриши тан олинади. Каббалистик суратларга қараб фол очилган, сеҳргарликда кенг қўлланилган.

Машҳур болгариялик башоратчи Вангелия (Ванга) Пандева Гушчорова (1911—1996)нинг таъкидлашича, кишининг нияти, тафаккури, ҳиссиёти ўзининг бу дунёда қилган савоб, гуноҳ ишлари унинг келгуси авлодларининг тақдирига таъсир қилмай қолмайди.

Ведалар дини (Ведаизм)

Ведалар дини милоддан аввалги I мингйилликда Ҳиндистон аҳолисининг кўпчилиги эътиқод қилган дин бўлиб, унда дастлаб табиат ҳодисалари илоҳийлаштирилган. Ведалар динида уларнинг худолари илк бор табиат кучлари ва ҳодисалари инсон қиёфасига ўхшатиб тасаввур этилган: Агни — олов худоси, Индра — атмосфера, ёмғир ва момақалдиروқ худоси, Сурья — қуёш, Варуна (Дъяус) — осмон, Сома — ой ҳамда кайф қилдирадиган ичимликлар худоси, Вритра — қурғоқчилик худоси ва ҳ.к.

Ижтимоий тенгсизликлар кучайганидан кейин, худоларнинг вазифаси ва аҳамиятлари ҳам ўзгарди, чунончи: Индра уруш худосига, Варуна олий ҳакам ва адолат посбонига

айланди. Кейинчалик Индра худолар подшоҳига ва Ердаги худолар хомийсига айланган.

Бу динда худоларга қурбонлик қилиш, сифиниш асосий ибодат ҳисобланиб, худоларга овқат, ҳайвонлар, махсус ичимликлар (сома) эҳсон қилиш ва бошқа расм-русумларни бажаришдан иборат бўлган.

Дастлаб алоҳида руҳонийлар ва ибодатхоналар бўлмаган. Кейинчалик коҳинлар, уларнинг юқори табақалари — брахманлар келиб чикди. Рух, нариги дунё руҳлари, худолари орасидан жой олди ва улар билан бирга Ердаги инсонлардан қурбонликлар қабул қиладиган бўлди. Гуноҳкорларнинг руҳи эса дўзахга (нарака)га тушади, уларга Яма худоси жазо белгилайди.

Бу динда ижтимоий адолатсизлик **Худо** томонидан абадий ўрнатилган тартибдир деб эътироф этилади.

Ведалар динидан кейинчалик брахманлик дини келиб чикди.

«**Ведалар**» (санскритча) «муқаддас билим» деган маънони билдиради. Ведалар қадимги ҳиндларнинг тўрт асосий муқаддаслаштирилган китоби: «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа» ва «Атхарваведа»лардан иборат бўлиб, милoddан аввалги иккинчи минг йилликнинг охири ва биринчи мингйилликнинг биринчи ярми давомида яратилган. «Веда» сўзи айни маҳалда «муқаддас китоб», «олий донишмандлик» маъноларида ҳам ишлатилади.

1. «Ригведа» (гимнлар ведаси)да 1028 гимн шеърий услубда ёзилган, уларда Агни, Индра, Митра, Варуна, Сом, Ушас, Ашвина, Марута каби худоларга мурожаат қилинади. Гимнларда диний маросимлар, осмон жисмлари, табиат ва жамиятда рўй берадиган воқеалар тасвирланади, дастлабки одамлар қудрати мадҳ этилади.

2. «Самаведа» (қўшиқлар ведаси) 1549 қўшиқдан иборат бўлиб, «Ригведа»ни тўлдиради.

3. «Яжурведа» (қурбонлик ведаси) иккига бўлинган: «Қора Яжурведа» ва «Оқ Яжурведа». Бу гимн (қўшиқ)ларда қурбонлик қилиш, оловга сифиниш маросимлари куйланади.

4. «Атхарваведа» (жодугарлик ведаси) 20 китобга жамланган 731 қўшиқ-гимндан иборат бўлиб, бунда душманлар, илонлар ва касалликлар каби инсонга зарар келтирувчи кучларни лаънатлаш, сиҳат-саломатлик тилаш билан боғлиқ дуо-афсунларни ўз ичига олади.

Қадим замонларда ёзилган бу адабиётларни кишилар тушуниши қийин бўлганлиги сабабли, брахман адабиёти пайдо бўлиб, Ведалардаги фикрлар брахман асарларида содда-роқ услубда мажозий маъноларда тушунтириб берилган. Кейинги даврларда Ведалар матнларининг мистик шарҳлари ва «Упанишад»лар — фалсафий рисоалар пайдо бўлган.

Замонлар ўтиши билан Ведалар билан боғлиқ сутралар — «Шраутасутра», «Грихьясутра», «Дхармасутра» кабилар пайдо бўлган. Бу китобларда фонетика, грамматика, этимология, астрология, астрономия ва бошқа фанларга оид масалалар ҳам ёритилган. Ведалар таълимоти, анъанаси ва фалсафаси кейинчалик брахманлик, ҳундавийлик, жайнийлик, буддавийлик каби диний-фалсафий таълимотларга ҳам қисман кирган.

«**Упанишад**» (санскритча) устознинг ёнида ҳақиқатни билиш учун ўтирмак деган маънога эга бўлиб, Ведаларга ёзилган диний-фалсафий изоҳлардир. Упанишадлар милoddан аввалги VII—III асрлардан бошлаб, милодий XIV—XV асрларгача тузиб борилган, 250 га яқин асарлар киритилган. Упанишадлар насрий ва шеърий услубда ёзилган дастлабки ва сўнгги изоҳларга бўлинади.

Упанишадларнинг асосий вазифаси брахманлик ва буддавийликка асос бўлган бир қанча ғоялар, хусусан, инсонларга ёмонликни раво кўрмаслик, чунки ҳаётнинг ўзи азоблардан иборат эканлиги ҳақидаги таълимотни асослаб беришдир. Бунда инсон умрининг ўзи қурбонликдир деган тасаввур олға сурилади. Якка жон ва кайҳоний жоннинг қўшилиши тўғрисидаги таълимот, якка туғилишлар занжиридан халос бўлиш ақидасини вужудга келтиради.

Упанишадларда Брахма олий ибтидо, жисм ва ҳодисалар асоси ва сабаби, барча борликнинг боши ва охири деб талқин қилинади (Брахма — киёфасиз худо, мутлақ куч). Барча нарсалар ўшандан пайдо бўлган, ўша билан яшайди ва ўлгач, яна ўшанга қайтади. Барча нарсалар брахмадир, брахма эса атмандир дейилади (Атман — нафас, рух, жон, умумий — кайҳоний жон). Шундай экан, айтишимиз мумкинки, барча нарсалар худодир, худо эса нафас, рух, жон, умумий жондир.

Бу таълимотга кўра, моддий дунё, жумладан, инсон ҳам, атман-брахмадан пайдо бўлган

ва яна ўшанга айланади, инсоннинг жони аввалги моҳиятига бутунлай қайтиб, у билан яна қўшилиб кетади.

Ҳар бир инсон илохий куч томонидан белгиланган ҳаёт кечириш тарзи — қонунига мувофиқ яшаши керак, кимки бу қонунни бузса, унинг жони келгусида бирон ҳайвон ёки ҳашарот танасида қайта дунёга келади, бу қонунни бузмаган одамнинг жони эса келгусида юқори табақа вакилларига мансуб инсон танасида қайта пайдо бўлади, деб таълим берилади. Инсоннинг яшашдан мақсади ҳам ана шунда деб тушунтирилади.

Упанишадлар кейинги даврларда шаклланган барча ҳинд фалсафий тизимлар, мактаблари ва уларнинг вакиллари дунёқарашларига ўз таъсирини кўрсатган.

«**Веданта**» (санскритча) — «Ведаларнинг охири» деган маънони англатади, Ҳиндистонда кенг тарқалган диний-сиёсий оқим номи.

Ведантага Ведантанинг ўзи, Пурвамиманса, вишнуизм ҳамда шиваизмнинг баъзи таълимотлари, шунингдек, неохиндуизм киради. Веданта Ведалардан олтитасини тан олади.

Веданта милоддан аввалги IV асрда Бадараяна томонидан яратилган.

Бу таълимотда кўп худолар аста-секин ягона худога айланади. Бу ягона худо — ҳаёт нафаси, бутун оламнинг «мен»и, яъни «мутлақ борлик» — Брахмадир. Брахма ҳамма нарсани билади, ҳамма нарсалар ундан яралади, ҳатто инсон ҳам онг ва руҳ сифатида унга қўшилиб кетади.

Веданта брахманликка, кейинроқ ҳиндавийликка фалсафий асос бўлди.

Веданта йўналишларининг мазмуни шундан иборатки, оламда ягона олий руҳий моҳият — **Худодан** бошқа ҳеч қандай бошқача реаллик йўқ, худо эса ҳеч нима билан шуғулланмайди, ҳеч нимага боғлиқ эмас ва бесифатдир. Коинот жисмлари ва ҳодисаларининг хилма-хиллиги ҳақидаги тасаввур бəхабарлик натижасидир, ҳақиқатда эса, **Худодан** бошқа ҳамма нарса хомхаёлдир. Бу таълимот бўйича уч реаллик — материя, жон, худо мавжуддир. Улар ўзаро бир-бири билан боғлиқ: жон моддий жисмни ўзига бўйсундиради, худо эса ҳар иккаласи устидан ҳукмронлик қилади. **Худосиз** жон ҳам, материя ҳам мавжудот сифатида эмас, фақат соф тушунчалар сифатида мавжуддир. Инсоннинг зўр бериб ҳаракат қилишидан мақсади моддий мавжудликдан қутулишдир, бунга эса руҳий фаоллик, билим ва худога муҳаббат боғлаш йўли билан эришилади.

Брахманлик (Брахманизм)

Брахманлик — қадимги ҳинд дини, унинг номи Ведалар китобида зикр этилган ҳинд олий табақа вакиллари — брахманлар номидан олинган. Брахманлар қадимдан қоҳинлик (руҳонийлик) вазифасини ўтаб, қурбонлик ишларига раҳбарлик қилиш, халқ орасида Ведаларни тарғиб этиш билан шуғулланишган, улар ҳукмрон синф вакиллари саналган.

Брахманлик Ведалар дини асосида милоддан аввалги I мингйиллик бошларида вужудга келган. У моҳиятан ведалар динининг ривожланган шаклидир.

Брахманликнинг муқаддас китобларига Ведалар, уларга ёзилган шарҳлар, Брахманлар, Арнъяклар, Упанишадлар киради.

Брахманликда Ведалар динидаги кўпгина худоларнинг ўрнига асосан уч худо — Брахма, Шива, Вишну қабул қилинган. Булардан Брахма коинотнинг яратувчиси, унга жон ато этувчи, Вишну (мурувватли дегани) табиатни сақловчи, Шива (ёвуз дегани) эса табиатни вайрон этувчи худолардир.

Брахманликда ҳайвонлар: сигир, маймун, айрим ўсимликлар ва ҳоказолар муқаддаслаштирилади.

Бу динда бутун борлик ҳаёлий бўлиб, жонли нарсалар, шу жумладан, инсон ҳам қайта тирилиш хусусиятига эга деб қаралган. Брахма худоси белгилаган ҳаёт меъёрлари, қонунларининг бажарилиши ёки бажарилмаслигига қараб, инсон ахлоқига баҳо берилган. Камбағал меҳнаткашлар, мазлумларнинг қийналиб яшаши ҳаёт меъёри ҳисобланган. Уларнинг аҳволи оғирлигига ўзлари, ўзларининг ниятлари, ҳислатлари, ёмон ҳатти-ҳаракатлари, ахлоқи сабабчидир деб уқтирилади.

Жонни халос қилиш, уни бундан кейин пайдо бўлишдан, яна бу дунёга қайта келиш машаққатидан сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли жоннинг Брахма билан қўшилиб кетишидир. Бунга эришмоқ учун Брахманинг илоҳий моҳиятини тўла билиб олиш, бутун ўй-хаёлни худога қаратиш ва ташқи оламдан бутунлай воз кечиш талаб этилган. Брахманлик жоннинг кўчиб юриши тўғрисидаги таълимотни диний жиҳатдан асослаб берган.

Брахманлик брахманларга сўзсиз итоат этишни, шоҳ ҳокимиятини илоҳийлаштиришни, ўз ҳаёт меъёрлари қонун-қоидаларини бажаришни, диний маросимларга қатъий амал қилишни талаб қилади, бу эса инсонга қулай карма яратиб, янада яхшироқ бўлиб қайтадан туғилишга, пировард натижада олий, мутлақ яратувчи худо Брахма билан қўшилиб кетишга олиб келади деб таълим беради. Бу талабларни бузиш қайта туғилганда бахтсиз бўлиб туғилишга сабаб бўлади деб уқтирилади. Кейинчалик, милоддан аввалги VI—V асрларда, буддавийлик брахманликка қарши кураш олиб борди. Бу курашда брахманлик дини бевосита буддавийлик таъсири остида аста-секин ҳиндавийлик динига айланиб кетди.

Ҳиндавийлик (Индуизм)

Ҳиндавийлик ҳозирги Ҳиндистонда кенг тарқалган диндир. Бу динга эътиқод қилувчиларнинг 95 фоизи Ҳиндистонда, қолган 5 фоизи Покистон, Бангладеш, Непал, Шри Ланкада, шунингдек, Жанубий Африкада, Жануби-шарқий Осиёда яшайди.

Ҳиндавийлик қадимги ведалар ва брахманлик динлари заминиди шаклланган. Алоҳида диний эътиқод сифатида асосан ўрта асрларда ҳукмрон мафкурага, динга айланди. Ҳиндистонда ҳеч бўлмаса отаси ёки онаси ҳинд бўлган ва бошқа динга топинмайдиган ҳар бир кимса ҳиндавий ҳисобланади.

Ҳиндавийлик ўз диний тасаввурлари, урф-одатлари, диний маросимлари ва ҳаётий тартиботлари йиғиндисида эга.

Бу динда аждодлар руҳига, тоғлар, дарёлар (хусусан Ганг), нилуфар ўсимлиги, ҳайвонлардан сугир, фил, маймун, илон ва бошқаларга сифинишади, уларни муқаддас ҳисоблашади. Бундан ташқари, ғайритабиий ҳодисаларга ҳам топинишади.

Рух (жон)нинг кўчиб юриши ҳақидаги таълимот ҳиндавийликдаги барча диндорлар учун умумий таълимотдир. Унга кўра, киши ўлгандан сўнг унинг жони ўсимлик, ҳайвон ёки инсон танасига кириб олиш йўли билан қайта туғилади. Янги руҳнинг қандай бўлиши карма қонунига, яъни кишининг ҳаёти давридаги хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига боғлиқ. Ҳиндуизмнинг асосий мақсади инсонни мана шу қайта туғилишдан, азоб-укубатдан халос қилишдир. Ҳаётнинг асл мақсади руҳий мутлаққа — Брахмага эришиш, унга қўшилиб кетишдир. Бунга **Худога** меҳр қўйиш, содиқ бўлиш, борлиқ ҳақида, унинг қонун-қоидалари ҳақида фикр юритиш, йога тажрибаси ёрдамида руҳий хаёлга чўмиш орқали эришилади.

Ҳиндавийликда Ведалар, Упанишадлар, Маҳабҳорат, Бҳагавадгита, Рамайна китоблари муқаддас саналади.

Бу динда асосий худолар — Брахма, Шива, Вишнуларнинг кўриниши сифатида кўплаб маҳаллий худолар эътироф этилади. Одатда ҳар бир қишлоқ ёки жамоа ўз худосига эга. Ҳиндистонда турли-туман кундалик урф-одатлар, маросимларни бажариш учун кўплаб махсус ибодатхоналар, муқаддас жойлар мавжуд, тоат-ибодатлар ва маросимларни руҳоний — қишлоқ брахманлари, пир — гурулар бошқарадилар, уларда эса бу вазифани оила бошлиғи бажаради.

Ҳиндавийликнинг ҳамма оқимларида ҳам Ведаларнинг абадийлиги ва худо томонидан юборилганлигига, Коинотнинг даврли мавжудлигига, бунда ҳаракат пастлашиб борувчи йўлдан кетишига, жоннинг абадийлиги ва ўлмаслиги, кўчиб юришига ишонилади.

Ҳиндавийлик таълимоти, ведаизм ва брахманлик ғоялари заминиди аста-секин шакллана бориб, милодий I-минг йиллик ўрталарида вужудга келган. VIII асрда Ҳиндистонда Ислом тарқалиши билан, уни қабул қилмаганларни «хинду»лар деб атай бошладилар.

Ҳиндавийлик ягона черков ёки черковга ўхшаган ташкилотга эга эмас ҳамда бу динни муайян бир киши яратмаган.

Бхакти (санскритча — содиклик, Худога муҳаббат) — Ҳиндавийликдаги диний оқим. Бу оқим вакиллари кишиларнинг Худо олдида тенг деб биладилар. Кишиларнинг турли диний касталарга бўлинишларини рад этадилар. Бхактидан кейин сикҳизм шаклланди.

Кабир (1440 — 1518) — ҳинд диний ислохотчиси, Раманужанинг издоши, бхакти мафкурачиларидан бири. Кабир, Худо ҳамма жойда мавжуд, У ҳар бир киши билан бирга, шунинг учун ҳам алоҳида маросимлар ва сиғинадиган жойларга ҳожат йўқ, деб таълим берган. Худо олдида ҳамма кишилар тенг деб тарғиб қилган, диннинг касталарга, фирқаларга бўлинишига қарши чиққан. Кабирнинг ғоялари ва талимоти сикҳизмнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган.

Жайнийлик (Жайнизм)

Жайнийлик — милоддан аввалги VI асрда Ҳиндистонда пайдо бўлган дин. «Жайнийлик» атамаси Жинна исмидан олинган. Бу таълимот асрлар оша 24 устоз — «пайғамбар» орқали етиб келган ва буларнинг энг сўнггиси — Жинна тахаллусини олган Вардхамана Махавира («Жинна»нинг маъноси «ғолиб») номидан олинган. Жинна кармани енгган ғолиб ҳамда диний нажот йўлидаги тўсиқларни бартараф этган шахс сифатида танилган. Жайнийлик муҳиблари ўзларининг ярим афсонавий «пайғамбар»ига **Худога** сиғингандек сиғинадилар.

Фалсафий тизим сифатида жайнийлик милоддан аввалги II—I асрларда шаклланди. Бу фалсафанинг асосий манбаи «Жайнасутра» (Жайна афоризмлари) ҳисобланади.

Жайнийлик тарафдорлари оламни илоҳий куч яратган деган фикрни рад этиб, олам абадий, ўз-ўзидан мавжуддир деб ҳисоблайдилар. Улар олам икки хил — жонли ва жонсиз моддиятдан иборат дейдилар. Ягона жон ёки олий худо йўқ дейдилар.

Жайнийликда марказий ўринни турли моддий жисмларга мунтазам жойлаша оладиган абадий жон тўғрисидаги таълимот эгаллайди. Инсон жони унинг барча қилмишлари учун жавобгар, чунки бу қилмишлар карма қонуни асосида рўй беради, карма қонуни танни жон билан боғлайди, инсонни ердаги ишларга маҳкам боғлаб қўяди ва унинг кейинги қайта туғилишларини белгилаб беради. Нажотга ҳамда абадий роҳат-фароҳатга фақат тақводорлик билан ҳаёт кечирган одамгина эриша олади. Бу диндаги ҳар бир кишидан жайнийлик таълимотининг ҳаққонийлигига ишониш, шу эътиқодга асосланган мукамал билимга эга бўлиш ҳамда дин дастурларига, талабларига оғишмай амал қилиб яшаш талаб этилади. Бу дин ҳаётга унчалик эътибор бермасликни тарғиб қилади.

Жайнийлик этикаси жонли нарсаларга: инсон, ҳайвон, дарахт, ўсимлик ва шу кабиларга зиён, озор етказмаслик ҳақидаги таълимотга таянади.

Сикҳалик (Сикҳизм)

Сикҳалик (санскритча «шогирд») — XVI асрда Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда сикҳлар қабиласи орасида вужудга келган дин. Асосчиси — гуру (устоз) Нанак (1469—1539)дир.

Бу динда ягона, қиёфасиз Худога эътиқод қилинади. Улар Борлиқ ва оламдаги барча ҳодисалар яратувчининг олий қудратининг натижасидир, барча одамлар эса Худо олдида тенгдирлар деб билиб, ҳиндавийликдан юз ўгирганлар.

Сикҳалик таълимоти, ибодат қоидалари, гуру Нанакнинг панд-насиҳатлари ва ҳаёти «Грантх Соҳиб» («Жаноб Китоб»)да ёзилган.

Бу диннинг асосий муқаддас китоби «Адигрантх» (Панжобча «бошланғич китоб») сикҳлар орасида 5-гуру мураббий деб танилган Аржуна (1584—1606) томонидан ёзилган. Китобда Нанак, ундан кейинги 3-гуру маталлари, Аржунанинг ўз асарлари, Кабир ва бхакти секталарининг бошқа айрим раҳнаmolари асарлари ёзилган. 10- охири гуру Говинд (1675—1708) «Адигрантх»га ўзининг қўшимчаларини киритган. Бу китобнинг асл нусҳаси сикҳларнинг Амритсар шаҳридаги асосий «Олтин ибодатхона»сида сақланади.

Б р а х м а — ҳиндавийликда Шива ва Вишну билан биргаликда тримурт — «илоҳий» учликни ташкил қилувчи худолардан бири. Брахма дастлаб дунёни яратувчи ва бошқарувчи олий Худо сифатида намоён бўлган. Сўнги даврларда ҳиндавийликда учликнинг бошқа икки аъзоси олдинга ўтиб, Брахма охириги ўринни эгаллаган.

Ш и в а — ҳиндавийликдаги уч олий Худодан бири. Шиваизм тарафдорлари уни олий худо, коинотда ҳамма мавжудотни йўқ қилиб, қайта яратувчи Шивадан бошқа доимий ҳеч нарса йўқ, деб тушунадилар. Шива аввал бошида коинотни яратган, сўнг эса уни яксон қилади, деб тушунилган.

В и ш н у — ҳиндавийликдаги олий худолардан бири. Брахма ва Шива билан бирга «илоҳий» учликни ташкил этган. У ведалар динида қуёш худоси, брахманлик ва ҳиндавийликда оламларни сақлаб турувчи ва муҳофаза қилувчи Худо, коинотнинг ички куч-қудратини ифодалаган абадий, барҳаёт табиатнинг тимсолидир. Вишну одатда ҳаво ранг, чиройли, баъзан тўрт қўлли йигит қиёфасида тасвирланади. Унинг хотини Лакшми бахт-саодат, соғ-саломатлик ва хотиржамлик маъбудаси деб қабул қилинган.

Б р а х м а н — Ҳиндистонда олий табақа (каста) вакили, дин руҳонийси, коҳин. Ведантадаги иккинчи маъноси — ягона борлиқдан иборат бўлган, қиёфасиз «Худо», мутлақ куч.

Буддавийлик (Буддизм)

Буддавийлик жаҳонда кенг тарқалган тўрт асосий динларнинг бири (зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва Ислом) бўлиб, бу жаҳон динининг аталиши унинг асосчиси Будда номидан олинган.

Буддавийлик динининг асосчиси бўлган Будда (санскритча «Буддха») номининг маъноси «зиёланган», «олий ҳақиқатга эришган» бўлиб, унинг асл исми Сиддхаса Гаутама бўлган («некқадам — хушқадам» деган маънони беради). Лақаби Сиддхартха «дили равшан» деган маънони англатади. Адабиётларда у Сиддхартха Гаутама деб тилга олинади.

Будда Шимолий Ҳиндистондаги Ганг дарёсининг ўрта оқими (Непал яқинида) жойлашган Капилавасти мамлакатининг ҳукмдори Шакъя қабиласидан келиб чиққан Гаутамалар сулоласининг давомчиси Шудходананинг валиаҳди бўлган.

Онаси Майя у ҳали гўдаклигидаёқ вафот этиб кетган.

Будда милоддан олдинги 623-йилда Капилавасти мамлакатининг Лумбини шаҳрида (Шимолий Бенгалия) туғилиб, 543-йилда 80 ёшида вафот этган.

Шахзода Сиддхаса (Сиддхартха) вояга етгач, ҳар қандай мавжудлик, ҳаёт азоб-уқубатдан иборат экан, деган хулосага келган. Отаси уни 16 ёшида шу ёшдаги холасининг қизи Яшодхарага уйлантирган. Сиддхартха Гаутама кишилар бошига тушадиган кулфатлар сабабини ўрганиш ва уларни бундан қутқариш мақсадида, 29 ёшида оиласини — хотини ва ўғлини қолдириб саройни тарк этади. Олти йил узлатга чекиниб тарки дунё қилиб, ўрмонга бориб яшайди ва диний, фалсафий китобларни ўқийди, брахманликдан юз ўгириб, янги таълимот яратишга уринади.

Ниҳоят, 35 ёшида унга ҳақиқат аён бўлади ва у билим нуридан зиёланади. Шундан кейин у халққа «Ҳақиқий билим» топганини эълон қилади ва Шакъя-Муни Будда (уйғонган, нурланган, ҳақиқатга — олий мақомга эришган) деган ном олади.

Шакъя-Муни Будда (Сиддхартха Гаутама) ўзининг таълимотини дастлаб Банорасда, кейинчалик умрининг охиригача — 45 йил бутун Ҳиндистонда тарғиб қилиб юради.

Буддавийлик тарихи 2500 йилдан ортиқ даврни ўз ичига олади. Унга дастлаб брахманлик ва жайнийликнинг таъсири кучли бўлган.

Буддавийлар 1956-йили ўз динларининг 2500 йиллигини тантанали нишонлаганлар.

Буддавийлик милоддан аввалги 268—231-йилларда подшоҳ Ашока даврида Ҳиндистон-

нинг расмий динига айланди ва Шри-Ланка, Индонезия, Тибет, Хитой, Корея, Вьетнам, Япония, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Бирма, Непал, Бурятия, Қалмоқ, Тува ва бошқа Шарқ мамлакатларига тарқалди. Ҳозирги кунда бу динга 86 мамлакатнинг 700 миллион кишиси эътиқод қилади.

Из ох: Ашока Маурийлар сулоласидан бўлган ҳинд подшоҳи. Деярли бутун Ҳиндистонни ягона давлатга бўйсундирган. Умрининг охирида монахликни қабул қилган.

Будда ўз таълимотининг асосий қоидаларини «Тўрт олий ҳақиқат» шаклида баён этган. Улар қуйидагилардир:

- 1) азоб-уқубат мавжуд, яъни турмуш азоб уқубатлардан иборат;
- 2) азоб-уқубатларнинг сабаби бўлган истак нафс мавжуд;
- 3) азоб-уқубатларнинг тугаши, яъни нирвана мавжуд, шунинг учун кишилар азоб-уқубатлардан халос бўлишни истасалар, ўзларининг истак, орзу ва нафсларини жиловлаб олишлари керак;

- 4) азоб-уқубатларнинг тугашига олиб келадиган 8 босқичли йўлга амал қилмоқ керак.

Будданинг издошлари ер юзида биринчи роҳиблик жамоаси бўлмиш «Сангха»ни ташкил этганлар. Ўтган асрларда Сангха «Олий ҳақиқатга» эришган кўплаб авлиёлар жамоаси бўлган.

Сангха жамоасига қабул қилинган шахс қуйидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қилади:

- 1) ҳеч кимни, ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик;
- 2) ёлғон сўзламаслик, вайсақилик қилмаслик;
- 3) ўғрилиқ ва бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик;
- 4) жинсий алоқа қилмаслик, уйланмаслик;
- 5) маст қилувчи ичимликлар ичмаслик;
- 6) куннинг иккинчи ярмидан то эртанги саҳаргача овқатланмаслик;
- 7) уч кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан безанмаслик;
- 8) оммавий кўнгилхушликларда иштирок этмаслик ва томошабин сифатида ҳам қатнашмаслик;
- 9) баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик;
- 10) пул ишлатмаслик.

Буддавийлик таълимоти моҳиятан барча жонли нарсаларга муҳаббат билан қарашни, ақл фармониға бўйсуннишни тарғиб қилади. Ҳозирги буддавийлар ҳам, уларнинг кўз олдида бирон-бир киши бирон-бир жониворни ўлдирса ёки биронта катта дарахтни кесиб ташласа, қаттиқ ғазабланишади.

Будда **Худо** — **Халлоқ**нинг мавжудлигини ҳамда ведалар динини инкор этади. У кўпхудоликка, уларға ҳар хил қурбонликлар қилиш каби ортиқча кераксиз сердахмаза маросимларға ҳам қарши бўлган.

Будда азоб-уқубатлар мутлақо тугамайдиган нарса, Борлиқнинг барча кўринишларини, моҳиятини, ҳар қандай ҳаётни турган битгани азоб-уқубат деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жонли мавжудотнинг ўлиши уни ташкил этган моддий заррачаларнинг ажралиб кетишидир. Бу жисмларни ташкил этган тананинг янгидан бирикиши илгари қилинган «савоб ва гуноҳлар»ға боғлиқ. Бу моддий жисм тана, руҳ даражасига етганда қайта туғилиш тўхтайдди, азоб-уқубатдан бутунлай халос бўлади. Бунинг энг маъқул йўли доим савоб, эзгу ишларни қилиш, ундан ҳам қулайроғи роҳиблик жамияти — сангхаға ўтишидир.

Будданинг таълимотича, ҳар бир кишини хулқ-атвор қонуни — карма қонуни таъқиб этади. Яъни киши ўзининг қилган савоб ва гуноҳ, яхши ва ёмон ишларининг ажрини албатта олади. Агар ажрни бу дунёда ололмай қолса, кейинги дунёға келишида олади ёки бу ажр унинг келгуси тўрт авлодидан бирининг зиммасига юкланади. (Бу таълимот Тавротда ҳам кўрсатилган). Исломда эса киши фақат ўзининг қилган гуноҳ ишларигагина маъсулдир дейилади.

Жамиятнинг табақаларға бўлиниши ҳақидаги брахманлик таълимотига қарши ўларок, Будда барча кишилар тенгхуқуқли, баробар деб эътироф этади. Бироқ кишилар «азоб-

укубат чекиш»да ва бундан «халос бўлиш»да ҳам баробардирлар дейди. Ҳамма нарсанинг асоси, ибтидосида билиб бўлмайдиган руҳ — нирвана ётади, дунё реал мавжуд эмас, у фақат кишиларнинг хаёли билиб бўлмайдиган руҳнинг кўриниши, деб таълим беради.

Будданинг фикрича, бизни қуршаб олган дунёдан бошқа, кўринмайдиган тагин икки дунё бор. Бундай дунёларнинг энг ёмони — Ердаги дунёдир.

Руҳ доимо қайта туғилади, одам, ҳайвон, парранда, ўсимлик ва бошқа жонзотлар шаклига киради. Бу дунёда руҳни унинг моддий қобиғидан озод қилиш учун доимо кураш боради.

Ёмонлик ва азоб-укубатларнинг сабаби инсоннинг ва барча тирик мажудотларнинг бу дунёга — қайта туғилиш дунёси — Сансарага боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Бу дунё сезгилар орқали ҳис қилинса-да, аслида хаёлий дунёдир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-укубатни чуқурлаштиради, янада даҳшатлироқ тарзда қайта туғилишга олиб келади. «Борлиқ гирдоби»дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан, турмуш кўнгилхушликларига, лаззатларига, ҳокимиятга, катта-катта мансабу лавозимларга, бқйликка интилишдан воз кечиш лозим. Ердаги барча ҳодисаларнинг беқарор ва ўткинчи эканлигини фаҳхламоқ даркор. Фақат шундагина «нажот топиш йўли»га кириш мумкин. Бу нажотнинг моҳияти шундан иборатки, киши ўзидаги ҳар қандай ҳаётий интилишда ҳар нарсага қаттиқ кўнгил қўймасдан, батамом зоҳидлик йўлига ўтиши, ҳатто яқинлашиб қолган нажотдан ҳам қувонмаслиги лозим. Нажотнинг ўзи эса «сансара»дан, яъни бу дунёда қайта туғилиш дунёсидан — «нирвана»га — йўқликка, руҳлар оламига ўтишдан иборат. Оддий одамлар фақат яхшироқ бўлиб қайта туғилишга умид қилишлари мумкин. Бунинг учун беш ахлоқий талабларга амал қилишлари керак: ичкиликдан ўзини тийиши, ёмонлик қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ёлғон гапиришдан; ўғрилиқ қилишдан сақланиши керак.

Азоб-укубатдаги ҳар бир киши илгари туғилган хешлари, ота-оналарининг гуноҳлари учун шундай кармага дучор бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Будда таълимотининг асослари муқаддас битик бўлмиш «Трипитака»да берилган. Чунончи, у олам ҳамма вақт ўзгаришда, ўзгармайдиган, доимий нарса йўқ, воқеа-ҳодисалар доимо бир-бири билан сабабий алоқададир, деб таълим беради.

Будданинг таълимотига кўра, бир умр тугаганда иккинчи умр бошланади. Инсон ўларкан, ёлғиз танаси, вужуди ўлади, лекин ҳаёти янги-янги вужудларда давом этаверади. Киши бир умри давомида бировларга ёмонлик қилса, зиён етказса, келажак умрида албатта жазосини олади.

Будда 80 ёшида шогирдлари билан ота шаҳри Капилавастига келатуриб, шаҳарга яқин Кушинагар қишлоғидан ўтишаётганида, бу дунёни тарк этди. Унинг жасадини шогирдлари ўша замоннинг урф-одатига кўра гулханда ёқиб юборишди. Будданинг кули ва суяқларини Ҳиндистоннинг шимолида яшовчи подшоҳлар бўлишиб олдилар. Донишмандлик йўлини кўрсатган, янги дин асосчиси азиз сиймога атаб ҳайкаллар қуришди.

Будда шогирдларига айтган сўнгги сўзи — васияти: «Ҳирсу ҳавас жамийки бахтсизликларнинг сабабчисидир. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради, шунинг учун ҳеч нарсага ортиқча кўнгил боғламанглар. Бунинг ўрнига кўнгилни тоза тутинглар, ҳақиқат ва абадий бахт изланглар!» бўлди.

Милодий асрларда бу дин бошқача тус олди. Бунда Будда илоҳийлаштирилиб, унга сифиниш тарғиб этилди, инсонни халос бўлиши учун муқаддас сутраларни жуда кўп маротаба такрорлаш орқали эришилади деб уқтирилди.

Будданинг ажойиб ўғитларини ўрганиш фалсафий фикрлаш, чуқур ўйлаш, ҳаёт фалсафасини яратишда катта аҳамиятга эга.

Конфуцийлик (Конфуцизм)

Конфуцийлик милоддан аввалги 551—479- йилларда яшаган Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (Кун-Цзи) асос солган фалсафий, ахлоқий, диний таълимот. Таълимотнинг манбаи — Конфуцийнинг издошлари ёзган «Лун-юй» (Сухбатлар ва мулоҳазалар) китобидир.

Конфуций таълимоти милод бошларида динга айланган ва Конфуций илоҳийлаштирилган. Бу таълимотга кўра, жамиятда осмондан юборилган «жень» — инсонпарварлик қонуни амал қилади. Инсон тақдирини «осмон» белгилайди ва одамларнинг олий ва паст кишиларга бўлинишини ўзгартириб бўлмайди. Кичик каттага, пастда турувчи юқорида турувчига сўзсиз итоат қилмоғи лозим. Бу тенгсизлик «осмон иродаси»га боғлиқ, инсон нарсаларнинг қонунлари — «дао»ни билиб олгач, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши лозим, деб тушунтирилади.

Бошқа динларда бўлган коҳинлик, ғайритабiiй кучларга ишониш бу таълимотда йўқ. Конфуций фақат белгиланган маълум маросимларга қатъий амал қилишга ундайди. Диний маросимларнинг асосий мазмуни аждодлар руҳига сифинишдир. Ҳар бир оилани ўз ибодатхонаси бўлиб, унда аждодлар тимсоли бўлган лавҳалар жойлаштирилган, уларнинг ёнига қурбонликлар қўйилади ва тегишли маросимлар ижро этилади.

Мазкур таълимот асосида милодий XI—XII асрларда янги конфуцийчилик оқими вужудга келди. Бу оқим нарсаларда икки бош ибтидо: Ли — оқилна ижодий куч ва Ци — пассив материя бор, деб таълим беради. Биринчи ибтидо — ижобий фазилат — яхшиликка интилишни пайдо қилади, иккинчи ибтидо эса салбий сифат — ҳиссий васвасаларга ружу қилишни вужудга келтиради деб ишонилади.

Бу дин ақидаси бўйича Ернинг алоҳида худоси, осмоннинг алоҳида худоси бор; фаришталар муқаддас ҳисобланади; ота-боболарнинг руҳларига ибодат қилинади; охиратга, қайта тирилишга ишонилмайди. Энг қизиғи шундаки, бу динда махсус руҳонийлар тоифаси йўқ. Конфуцийлик дини — таълимоти Хитойда кенг тарқалган.

Шинтоизм (Синтоизм)

Синтоизм (японча «шинто» — худолар йўли) — японларнинг анъанавий миллий дини. Японияга буддавийлик кириб келганидан сўнг, улар шу иккала динга ҳам эътиқод қила бошлаганлар, ҳозир ҳам шундай. Ҳозирда японларнинг ярмидан кўпроғи шу икки динга эътиқод қилади. Ҳаётий маросимлар (чакалоқларга дуо ўқиш, никоҳ ўқиш синтоистлар ибодатхонасида, дафн маросимлари буддистлар ибодатхонасида ўтказилади). Синтоизм 1868—1945- йилларда давлат дини бўлган.

Ҳозирги пайтда японлар орасида бу диннинг таъсири унчалик кучли эмас. Кейинги пайтларда улар Ислом билан танишгач, бу диннинг охирги ҳақ дин эканлигини англаб, муборак динимизни қабул қилмоқдалар.

Монийлик (Манихеизм, Манихейство)

Монийлик милодий III асрда Эронда вужудга келган дин бўлиб, унинг асосчиси ва тарғиботчиси Монийдир (216—277).

Моний христиан ва зардуштийлик динларини кўшиб-чатиб янги бир дин яратди. У Ийсо пайғамбарга ишонар, Мусонинг пайғамбарлигига эса ишонмас, аслида мажусий эди.

Монийлик дунёнинг жуда кўп мамлакатларига, жумладан, Италиядан то Хитойга қадар тарқалган.

Моний ибн Фатак ҳаким ва файласуф бўлиб, 242- йилда Эрон шоҳи Шопур I — Шопур ибн Ардашернинг тахтга ўтириб, тож кийиш маросими пайтида, биринчи мартаба ўз таълимотини баён қилиб ваъз айтган.

Бу таълимотда урушмаслик ва мол-дунё йиғмаслик талаби муҳим ўрин тутди. Зардушт коҳинлари Монийнинг ваъзига кескин қарши чиқадилар. У 275- йилда янги шоҳ Баҳром I — Баҳром ибн Ҳурмузднинг фармони билан зиндонга ташланган ва 277- йилда қатл этилган. Унинг издошлари қийноқларга маҳкум этилган ва бадарға қилинганлар. 296- йилда Рим императори Дакёнус (Диоклетиан, милодий 245—313- йиллар) эса монийликка қарши махсус фармон эълон қилган.

Монийлик динида Моний само нури — элчиси ҳисобланган.

Монийликнинг фалсафий асосини Борлиқнинг асоси икки субстанция — ёруғлик, яхшилик, руҳ олами билан зулмат, ёвузлик, моддият оламининг ўзаро курашувидан иборат, деган ғоя ташкил этади.

• Биринчи оламда «**Худо**», иккинчисида — шайтон, иблис ҳукм суради. Икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада модда ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади. Моний таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Инсон икки унсурдан: руҳ — нур фарзанди ва жисм — зулмат фарзандидан иборат мавжудот бўлгани учун, у зулмат кучларига қарши курашда нур кучларига ёрдам бера олади.

Христиан руҳонийлари монийликни бидъат деб эълон қилган.

Монийлик кейинчалик маздакийликка ҳам таъсир кўрсатган.

Маздакийлик (Маздакизм)

Маздакийлик диний-фалсафий таълимотининг асосчиси Маздақдир. У милодий 470-йили туғилган ва 531-йили қатл этилган. Бу таълимот Эронда кенг тарқалган.

Маздакийлик таълимотига кўра, оламда бўладиган ишлар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи эзгулик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи қоронғилик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан албатта ғалабаси билан тугалланади. Шу тариқа, маздакийлик ижтимоий тенгсизликни йўқотиш учун курашга даъват этади. Бинобарин, Маздақ халқни Зардушт коҳинлари ва бойларига қарши курашга бошлаган. Бу ҳаракат таъсирини сусайтириш мақсадида Эрон шоҳи Кубод I (милодий 488—531 йиллар) Маздақни қўллаб-қувватлаган. Маздақ бутун Эрон бўйича бош коҳин қилиб тайинланган.

Маздақ таълимоти тарафдорлари кейинги асрлар давомида Эрон, Ўрта Осиё ва Озарбайжонда ҳукмрон доираларга қарши кураш олиб борганлар. Туркистонда Ислом дини тарқалгач, унинг тарафдорлари араб истилоси ҳамда ҳокимиятига қарши Муқанна, Бобак раҳбарлигида кураш олиб борганлар.

Отасидан кейин тахтга ўтирган **Исломдан** олдинги подшоҳ Хусрав I — адолат рамзи бўлмиш Ануширвони одил 531-йили маздакийлар ҳаракатини бостирди ва Маздақнинг сохта, ғайриинсоний ботил динини ман қилиб, ўзини эса қатл эттирди.

Маздақ, уруш жанжаллар мол-дунё ва хотин талашиб юзага чиқади, шу боисдан урушни йўқ қилиш учун мол-дунё ва хотин-қизлар худди сув, олов ва ем-хашак каби ўртада бўлиши керак деган. Айниқса, барча хотин-қизлар эркақлар ўртасида мол-мулк сингари шериклик матоҳи бўлишини тарғиб қилиб, аёл кишининг отаси, акаси, укаси, яқин қариндошлари билан жинсий алоқада бўлишига рухсат берган.

Шуни айтиб ўтмоқчиманки, монийлик, маздакийлик қадимги форсларга хос ботил дин — мазҳаблардан бири бўлиб, улар динимиз Исломга тамомила ётдир. **Ҳақ Субҳонаху ва таоло** Ислом динини юборганидан кейин, барча динларнинг шариатлари — ҳукмлари бекор бўлди, шундай экан, бундан буён Ислом ҳукмларига амал қилиш лозим, чунки масалага мантиқан қараганда, олдинги буйруқларнинг кейинги буйруқларга зид ҳукмлари ўз кучини йўқотади.

Ламавийлик (Ламаизм)

Ламавийлик Тибетда милодий VII—XIV асрларда тоғлиқ халқнинг қадимий дини бўлмиш шомонлик асосида вужудга келган, буддавийликнинг барча ақидаларини қабул қилган ва буддавийликнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолган. Чунончи, лама (тибетча) — «энг улуғ» деган маънони билдиради.

Ламавийлик ҳозиргача тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади. Бу дин XVI асрда мўғуллар, XVII асрда Россия худудидаги бурятлар, тувалар ва қалмоқлар орасида ҳам тарқалди.

Ламавийликнинг асослари 108 жилдли «Қанжур» ва 225 жилдли «Танжур» китоблари-

да баён қилинган.

Ламавийликда дабдабали ибодатлар, муқаддас томошалар, маиший расм-русмлар, худолар ғазабини ва ёвуз рухлар зиён-заҳматларини қайтариш учун қилинадиган хатти-ҳаракатлар, дуо ва қарғишлар кўп.

Бу динда ўн оғир гуноҳ алоҳида таъкидланади, жумладан: одам ўлдириш, ўғрилиқ, зино (ғайриқонуний қовушув), ёлғончилик, тухмат, ғийбат, вайсақилиқ, очкўзлик, кек сақлаш, «сохта дунёқараш».

Ламавийликда бош руҳонийга «лама» унвони берилади. Улар ғайритабиий фазилатларга эга ва «илоҳий олам» билан гаплашаоладиган шахслардир.

Собиқ шўролар давлатида буддавийлар Марказий диний бошқармасининг раиси «лама» унвонига эга бўлган.

Азиз китобхон!

Қисқача талқинлари юқорида келтирилган динлар қаторида жаҳонда яна бир қанча майда динлар ҳам мавжудки, уларни бу китобда ёзиб, Сизнинг қимматли вақтингизни олгим келмади, шу ёзилганларнинг ўзи динлар ҳақидаги дастлабки тасаввурларга эга бўлишимиз учун кифоядир деб ҳисобладим. Қизиқувчилар бўлса, тегишли адабиётлардан ўқиб олишлари мумкин.

Энди сўз насронийлик ва Ислом дини ҳақида боради.

Насронийлик (Христианлик)

Насронийлик (Масихийлик) — асосий жаҳон динлари бўлмиш зардуштийлик, буддавийлик ва Ислом динлари каби йирик динлардан бири бўлиб, яҳудийликдан мустақил дин сифатида ажралиб чиққан ва жаҳон динларидан бирига айланган. Ҳозирги кунда бу динга 254 мамлакатнинг 2 миллиард аҳолиси эътиқод қилади.

Христианлик номи унинг асосчиси Ийсо Масих (Иисус Христос) номидан олинган бўлиб, унинг ақидалари, диний таълимотлари **Парвардигори оламнинг** илоҳий ҳукмлари Библиянинг «Янги аҳд» қисмига кирувчи Инжил («Евангелие»)да акс эттирилгандир.

Ҳазрат Ийсо алайҳиссаломга 30 ёшида **Тангри таоло** томонидан Инжил ваҳй қилинган. Бу китобни Ийсо алайҳиссаломнинг 12 шогирдлари — хаворийлар пайғамбар вафотларидан кейин милодий I—II асрларда ёзиб китоб ҳолига келтирганлар. (Ийсо алайҳиссалом ҳақида мазкур китобнинг пайғамбарларга бағишланган фаслларида ва бошқа ўринларда кенг ёритиб берилган). Христианликнинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлари, чеклаш ва тақиқлари ана шу Инжил китобида ёзилган.

Христианлик милодий I асрнинг иккинчи ярмида Рим империясининг шарқий қисмида — Фаластинда яшовчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган ва биринчи ўн йилликдаёқ атрофдаги халқларга тарқала бошлаган.

Христианликнинг тез ёйилишига сабаб, барча аламдийдалар, жафокашларга мурожаат қилиб, уларнинг кўнглига самовий кучлар ёрдами билан тез вақт ичида золимлар устидан ғалаба қозониш ишончининг, яқин фурсатда Ер юзида «илоҳий салтанат» ўрнатилишидан умидвор бўлиш ҳиссининг жо этилганлигида ҳамдир. Христианлик шаклланишида яҳудийликнинг кўп ғоялари, қадимги Шарқ динларига хос тасаввурлари, хусусан, садақа бериб гуноҳдан халос бўлиш, илоҳий халоскорлар ҳақидаги тасаввурлар ҳам асос бўлган. Бу динда дастлаб юксак инсонпарварлик ғоялари билан тўлиб-тошган, ўта юксак инсонийлик билан суғорилган ахлоқий меъёрлар илгари сурилган ҳамда саховат, раҳмдиллик, ўз яқин кишиларини севиш, ҳамдардлик, ҳамма нарсани кечириш ва булар асосида жамиятнинг ахлоқий ва маданий камолоти христианлик қоидаларига асоеланиши лозимлиги талаб этилган.

Христианликнинг асосий ғояларидан бири муқаддас учликка эътиқод қилишдир, яъни моҳиятан **Худо** бир, ягона, аммо **У Худо** — ота, **Худо** — ўғил ва **Худо** — Муқаддас рух кўринишида намоён бўлади. Бу ақида милодий I асрда пайдо бўлиб, III асрда такомиллашди. Бу шубҳали, янглиш ақида христианларнинг ўзлари орасида ҳам ўткир мунозарага

сабаб бўлди. Ана шу янглиш, хато, ботил ақидалари туфайли улар мусулмонлар томонидан «кофир» (куфрга кетган) деб аталдилар.

Аллоҳ таоло Ўзига бундай ширк келтирган насронийларнинг даъволарини *Куръони карим*да келтирилган оятлар билан қатъиян рад қилади ва уларни охиратда қаттиқ жазога тортажаги ҳақида огоҳлантиради.

Бу ақида христианларнинг 325- йилдаги биринчи жаҳон Никея собори ва 381- йилдаги иккинчи жаҳон Константинополь соборида узил-кесил тасдиқланган бўлса-да, христианликнинг бошқа бир неча мазҳаблари бу фикрни рад этишган. Бу соборларда асосий христиан эътиқодий ақидалари ҳам тўла ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Христианлик шундан кейин Рим империясининг давлат динига айланди. Бадавлат христианлар дин назорати билан шуғулланувчи ташкилотлар — черковлар туздилар ва бу жамоаларда поп, дьякон, епископ, кардинал, папа каби қуйи ва олий мансабларни жорий этдилар. Улар бу диннинг сақланишини, унинг талабларини бекаму-кўст бажарилишини қаттиқ назоратларига олиб, кенг ёйилишида тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулланиб, катта имтиёзларга эга бўлдилар. Дин ишлари марказлаштирилиб, унга якка ҳоким: дастлаб епископ, кейинроқ эса папа лавозимлари таъсис этилди. Христианлик ҳукмрон мафкурага айланди, ҳар қандай фалсафа, таълим-тарбия руҳонийларнинг қаттиқ назоратига олинди. Епископ, папалар мавжуд христиан давлатлари устидан мутлақ диний ҳокимият-ни ўз қўлларига олиб, бу ишда чекланмаган ҳуқуққа эга бўлиб олдилар. Дин, диний мафкура, диний сиёсат ишлари бўйича ўз даврларида ҳатто монархлар ҳам уларга бўйсунганлар.

XIII асрда дин ва черков ҳокимияти душманлари ва дин талабларини бажармаётган христианлар билан курашувчи махсус тергов ва жазолаш органи — инквизиция ташкил қилинди. Инквизитор — католик черковининг махсус трибунали бўлиб, Олий Инквизитор — **Худо**, унинг ердаги ноиби эса Рим папаси ҳисобланган.

Христианликда зоҳидлик, таркидунёчилик кучайиб, монастирлар пайдо бўлди. Рим епископлари, V асрдан бошлаб эса, папалар христиан оламига танҳо ҳукмронлик қила бошладилар. Христианлик борган сари кенг ёйилди. XIII асрларга келиб бутун Оврупо христианлаштирилди. Бу дин Россияда X асрларда кенг тарқалган эди.

Христианликнинг асосий маросимлари: чўқинтириш, нон ва вино тоттиш маросимлари, пасха, рождество ва бошқа байрамлар, муҳим ақидалари эса, черков таркиб топган даврларда, яъни II—III асрларда шаклланди.

Христианлик таълимотининг асосини Ийсо пайғамбарнинг илоҳий руҳдан дунёга келгани, унинг халққа, **Худо** салтанатининг яқинлашиб қолганлигини эълон қилиши, унинг одамларни гуноҳдан ҳалос этиш учун қийноқларга солиниши ва даҳшатли тарзда ўлдирилиши, кейин яна тирилиб осмонга кўтарилиб кетганлиги, замона охирида яна қайтиб келиши ва адолатли подшоҳлик ўрнатишига ишонч ғоялари ташкил этади. Булар Инжилда кенг ёритиб берилган.

Шундай қилиб, христианлик тайёр ҳолда яҳудийлик дини заминида пайдо бўлди ва Фаластиндан чиқиб, ўзининг қарор топган ақидаси, мафкураси ва этикаси билан жаҳон динларидан бирига айланди.

Русияда чўқинтириш маросими расман 988- йилдан, яъни Киев князи Владимир давридан бошланган бўлса-да, аслида христианлик ундан сал олдинроқ кириб келган ва юз йиллар чамаси давом этган. Бу динни княз Владимир Византия черкови руҳонийларидан қабул қилган. Унинг вориси княз Ярослав Мудрий рус черковининг ҳақиқий асосчиси бўлди. Русияда 1037- йилда биринчи марта олий руҳонийлик — митрополит унвони таъсис этилиб, бу лавозимга Византиядан келган грек Феофемпт тайинланди. Бу билан Киев митрополитлиги Византия патриархлиги таркибига киритилди. Ана шу даврдан бошлаб, Русия кенг қўламда христианлаштирила бошланди.

Христианлик ўз тараққиёти даврларида католийлик, православие, протестантизм йўналишларига ва баптистлар, адвентистлар, иеговистлар каби оқимларга, ҳамда молоканлик, староверлик (эски удумчилик) духоборлар, мормонлар ва ҳаказо сингари мазҳаб ва фирқаларга бўлиниб кетган.

Католийлик (Католицизм)

Христианликнинг йўналишларидан биринчиси католийлик (юнонча: маъноси — «умум-жаҳон», «умумий», «асосий») христианликдаги православие ва протестантлик йўналишлари қаторида кенг тарқалган асосий йўналишлардан бири бўлди. У диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида асосан 1054- йилда христианликнинг икки асосий черковга — католик ва православие мазҳабларига бўлиниб кетганидан кейин вужудга келди.

Католик черкови қатъий марказлаштирилган, ягона жаҳон маркази Ватикан давлатида жойлашган. Унинг бош руҳонийси, епископи, бирдан-бир бошлиғи Рим папасидир.

Католик черковини амалда папа ва унинг жойлардаги кардиналлари бошқарадилар. Католик черковида кардинал Рим папасидан кейинги олий руҳоний бўлиб, кардиналлар мажлисининг розилиги билан папа томонидан тайинланади ва у папанинг энг яқин маслаҳатчиси ҳисобланади. Ўз навбатида кардиналлар йиғилиши Рим папасини сайлайди. Кардиналларнинг умумий сони асрлар давомида 70 нафардан ошмаган, уларнинг кўпчилиги италянлар бўлган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин уларнинг сони кўпайиб, ҳозирги вақтга келиб 140 нафардан ошиб кетди.

Католийлик Рим папасини Ийсонинг ердаги ноиби, у дин ва ахлоқ ишларида мутлақо гуноҳсиз, унинг ҳокимияти жаҳон соборлари ҳокимиятидан юқори туради деб эълон қилди. Католийлик христиан динининг асосий ақида ва маросимларини эътироф этади. Бундан ташқари, католийлик жаннат ва дўзах билан бирга охирзамондаги ҳисоб-китоб — маҳшарни бор деб билади, Муқаддас руҳ фақатгина Ота-худодан эмас, балки Ўғил-худодан ҳам келиб чиққан деб эътироф этади. Руҳонийларга уйланиш — никоҳни тақиқлайди. Биби Марямни бениҳоя ҳурматлаш, унинг илоҳий ҳомиладорлигини эътироф этиш, унга сивғиниш, Ийсонинг осмонга кўтарилиб кетиши ақидасини тан олиш, эътиқод тимсолига покланиш макони — аъроф ақидасини қўшиш бу йўналишнинг хусусиятларидан биридир.

Католийликда маросимларни тантанали тарзда ўтказиш, шунингдек, девоналарни кенг иззат-ҳурмат қилиш қабул қилинган.

Католийлик «сиёсатдан юқори» турувчи учинчи куч деб таърифланади.

Католийликнинг протестантликдан фарқи шундаки, у фақат муқаддас китоб — Библиянигина эмас, балки «Муқаддас ривоят»ни ҳам диний таълимотнинг манбаи деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, «Муқаддас ривоят»га католик черковлари, жаҳон соборларининг қарорлари ва Папанинг фикрлари ҳам қўшилган.

Католийликка ўрта аср файласуфи Фома Аквинский (1225—1274)нинг диний қарашлари асос қилиб олинган ва у ҳозирги замонга мослаштирилган.

Католийликда асрлар давомида ибодат лотин тилида олиб борилган. Иккинчи Ватикан собори 1962—1965- йилларда ибодат ва маросимларни миллий тилларда ўтказишга руҳсат берган эди.

Католик черкови бидъатга ва Папа ҳокимияти душманларига қарши курашиш учун XIII асрдан инквизиторлар ёрдамида маҳаллий епископлар билан келишиб иш олиб борди, епископнинг руҳсати ва иштирокида тергов ўтказилиб, ҳукм чиқарилди. Инквизиция католик мамлакатларининг деярли ҳаммасида юз йиллар давомида амал қилган. Инквизиторлар айбдорларни махфий тергов қилар, кези келганда айғоқчи ва ёлғон гувоҳлик берувчилардан ҳам фойдаланар, айбланганларни мол-мулкини мусодара қилар, уларнинг қавм-қариндошлари ва авлод-аждодларини айблар, суд қилинувчиларга нисбатан ўта шафқатсиз равишда қийноқ усулларини қўллар эдилар. Айбдорларга нисбатан жамоа олдида айтганларидан воз кечиш, жарима солиш, қамаш, ўтда куйдириш каби жазо чоралари қўлланилган. Юз минглаб одамлар инквизиция қурбони бўлганлар, миллион-миллион кишилар эса мудҳиш тергов азобларини тортганлар.

Инквизиция биринчи навбатда иудаизмга тарафдорликда айбланган чўқинган яҳудийларни, шунингдек, христианликни қабул қилган, лекин Ислом динига яширинча эътиқод қилишда шубҳа остига олинган мусулмонларни қаттиқ таъқиб остига олган. Бу таъқиблар фақат динийгина эмас, балки сиёсий ва иқтисодий характерга ҳам эга бўлган. Папа

инквизициясининг юз минглаб қурбонлари орасида жаҳоннинг таниқли олимлари Жордано Бруно, Галилео Галилей, французларнинг миллий қаҳрамони Жанна д'Арк ва бошқалар бор эди. Улар ўтда куйдириб ўлдирилдилар.

Черков статистикасига кўра, ҳозир Ер юзиде католиклар 900 миллиондан ортиқ. Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Австралия ва Лотин Америкаси мамлакатларида католийлик ҳукмрон диний таълимот ҳисобланади. Польша, Венгрия, Чехословакия ва Кубада католик йўналишига эътиқод қилувчилар аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Католийлик тарафдорлари Болтиқбўйи мамлакатлари, Белоруссия ва Украинада ҳам бор.

Православие

Православие Христианликнинг уч асосий мазҳабдан биридир. Аввал айтиб ўтилганидек, Ғарбий Рим империяси қулаганидан кейин, 1054-йилда христиан дини икки асосий черковга — католик (ғарбий) черковига ва православие (шарқий) черковига бўлиниб кетди. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлган. Константинополь патриархи, Рим папасидан ўрнак олиб, бутун православие черковининг раҳбари бўлиб олиш учун курашган. Православие черковидан бири бўлган Русь черкови дастлабки вақтларда Константинополь патриархига бўйсунган ва Русь черковининг бошлиғи — митрополит Константинополь патриархи томонидан тайинланган. Шундан кейин Русь митрополитлиги 1598-йилда Русь патриархлигига айлантирилган. Унинг раҳбарига эса Москва ва Бутун Русь патриархи деган унвон берилиб, Русь черкови Константинополь черкови билан тенглаштирилган. XVII асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон православие черкови ислохотини ўтказган ва черков ҳокимиятини подшоҳ ҳокимиятидан юқорироқ қўйишга уринган, лекин подшоҳ Алексей Михайлович Романов (1645—1676) уни патриархликдан четлатган. 1721-йилда подшоҳ Пётр I патриархлик бошқарувини тугатиб, православие черковини диний ҳайъат (коллегия) — Синод қўлига топширди, черковни эса давлатга итоат эттирди.

Православие мазҳабининг асосий муқаддас китоблари Таврот ва Инжилдир.

Православиенинг католийликдан фарқларидан бири шуки, православиеда ягона диний марказ, черковларнинг ягона бошлиғи йўқ. Православие тараққиёти давомида Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Русь, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехославак, Америка черковлари вужудга келди.

Бу черковлар ҳар хил ижтимоий шарт-шароитларда иш кўргани учун, турли сиёсий йўналишга эга бўлиб, даврнинг долзарб муаммоларига турлича муносабат билдирадилар. Асосий эътиқод қондалари милодий 325-йилда ўтказилган умумжаҳон Никея ва милодий 381-йилда ўтказилган умумжаҳон Константинополь соборларида қабул қилинган.

Таълимотларининг асосини муқаддас Библия китоби ва Муқаддас ривоят ташкил этади.

Православие оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси муқаддас учлик (троица)дан иборат ягона **Худованд** эканлиги, нариги дунё, ажр тўғрисидаги, дастлабки гуноҳ туфайли азоб-уқубатларга дучор қилинган инсоният нажот топишига имкон берувчи Йёсо Масихнинг халоскорлик фаолияти (миссияси) ҳақидаги ақидаларни тан олади. Бу мазҳабда христианларнинг 7 сирли маросими (таинства) асосий ўринни эгаллайди. Пасха ва постларга (насронийлар рўзаси) катта аҳамият берилади.

Православиенинг католийликдан яна фарқи шуки, бунда Муқаддас рухнинг фақат Ота-**Худодан** чиқиб келишини, черковнинг бошлиқларини эмас, черковнинг ўзи гуноҳдан поклигини, ақидаларининг ўзгармаслигини таъкидлайди, покланиш макони — аъроф (чистилище)ни инкор этади. Биби Марямнинг Аннадан илоҳий ҳомиладор ҳолда туғилганлиги эътироф қилинмайди. Айрим сирли маросимлар бошқачароқ ўтказилади.

Диний маросимлари — бутга сажда қилиш, руҳонийларнинг уйланишлари ва никоҳдан ўтишларининг мажбурийлиги, қўшиқ, қироатларни махсус византийчасига қўллаш ва ҳоказо расм-русмлари билан католийликдан фарқ қилади.

Православие ибодатлари тартиби тарихан Византияда расмийлашган.

Православиёга эътиқод қилиш асосан черковнинг маросимлар ҳақидаги фармойишларини бажаришдан иборат. Маросимлар ўтказиладиган ибодатхоналар, иконалар, бутлар ва бошқа ўзига хос тасвирлар билан безатилади. Ибодатхоналарда қилинадиган ибодатлар диний аҳамиятига кўра кундалик ва якшанба куни, байрам кунлари ўтказиладиган ибодатга, эрталабки, пешинги ва кечки ибодатга бўлинади. Асосий ибодат пешинги ибодат бўлиб, уни бажариш вақтида қавмлар нон ва вино тоттиш маросимларини бажо келтирадilar. Ибодат қилишнинг асосий кўриниши дуо ўқиш ҳисобланади, бунда кўпинча диний кўшиқлар ҳам куйланади. Ибодатхоналарда амалга ошириладиган асосий маросимлар 7 сирли маросимдир (таинства). Уларнинг мазмуни диний таълимотда белгилаб берилган. Православиёда азиз-авлиёларга ҳам сизиниб турилади. Православиё мазҳабининг ўзига хос хусусияти иконаларга сизинишдир. Ибодат қилиш вақтида хоч (крест), шамлар, ҳар хил идишлар, анжомлар ва бошқалар ишлатилади.

Ибодатхонада ҳам, ундан ташқарида ҳам, диндорларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи маросим қондалари ҳаддан ташқари кўп.

Ҳозирги даврда черков қавмларининг динга эътиқод қилишларини рағбатлантириш мақсадида, ибодат қилиш замон руҳига мослаб анча ихчамлаштирилган. Ибодат муддати анча қисқарган, айрим дуолар тушириб қолдирилган, постларга риоя қилиш талаблари камаймоқда, ҳамма жойда сиртдан жаноза ўқиш (отпевание) жорий этилган, умумий тавба-тазарруъ маросимлари қўлланилмоқда.

Православиё байрамлари, христианликкача бўлган маросимлар ва урф-одатлардан шакланган бўлиб, черков уларни христианлик руҳида қайта кўриб чиқиб, православиёга мослаб тўлдирган. Православиёдаги байрамлар сони бир йилдаги кунлар сонидан анча ортиқ бўлганлиги учун амалда ҳар бир кунга бир неча байрам тўғри келади. Улуғ байрамлар пасхадан бошланади, ундан кейин 12 байрам туради. Черков Ийсони хатна қилиш, ҳомийлик байрами (покров), Иоанн Крестителнинг (Яхё алайҳиссаломнинг) туғилиши, унинг бошининг кесилиши кунлари, ҳаворийлар Пётр ва Павел куни байрамларини ҳам улуғ байрамлар қаторига қўшган. Бу байрамлар ўтказиладиганда, тантанали ибодат вақтида нишонланаётган воқеа ёки улуғланаётган шахслар шарафланади, улар орқали **Худовандга** ҳамду санолар ўқилади.

Ҳозирги вақтда диндорлар байрамларнинг диний мазмунини мушоҳада қилмай, асосан турмуш анаънаси сифатида нишонлайдилар.

Ибодатхоналарда ўқиладиган китоблар жумласига «Ҳаворийларнинг фаолиятлари», собор мактублари ва ҳаворий Павелнинг мактублари, Забур (Псалтир)ни ўз ичига олган Инжил ва «Ҳаворийлар тарихи» киради. Булардан ташқари, яна кўп китоблар ва тўпламлар ибодат қилиш қонун-қондалари китоблари мажмуасига киради.

Староверлар, старообрядчество (Эски удумчилар, эски диний удум, маросим ва урф-одатларга амал қилувчилар) — Рус православ черковининг XVII асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон ўтказган черков ислохотини қабул қилишдан бош тортган диний оқимлар мажмуидир.

Бу ислохот асосан маросимларни ўтказиш тартибига тааллуқли эди, яъни:

- икки бармоқ ўрнига уч бармоқ билан чўқиниш;
- ергача эгилиб сажда қилиш ўрнига, фақат белни эгиб таъзим қилиш;
- ибодат пайтида руҳонийнинг ҳаракат йўналишини ўзгартириш (қуёшга тесқари) ва ҳар томондан «аллилуйя» сўзини уч марта такрорлаш;
- черков китобларига тузатишлар киритиш;
- хоч (салиб) шаклини ўзгартиш, яъни саккиз учли хоч билан бир қаторда олти учли хочни қўллашга ижозат бериш ва бошқалар.

Бундай диний маросимлардаги янгиликлар биринчи марта православ черкови соборларида эмас, балки патриархнинг якка ҳокимияти орқали жорий қилинган. Бу эса ихтиёрий жамоага, черков мустақиллигига зарба бўлиб, черковда якка ҳокимиятчилик ўрнатиб, уни монархистик давлатга бўйсундирган.

Черков ислохоти масаласидаги келишмовчиликда уч асосий куч ўзаро тўқнашди, булар:

- черковни давлатга бўйсундиришга интиланган дворянлар монархияси;
- феодал тарқоқликни ва ўзларининг табақавий имтиёзларини сақлаб қолишга уринган боярлар ва феодал руҳонийлар;
- Никон раҳбарлигида черковни марказлаштириш, дунёвий ҳокимиятни диний ҳокимиятга бўйсундириш мақсадларини кўзлаган руҳонийлар қатлами.

Староверлар икки асосий йўналишга: попчилик ва попчилик муҳолифларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири яна ўз навбатида кўпгина оқимлар, секталар ва уюшмалардан таркиб топади.

Староверлар тарафдорлари 1906-йилгача подшоҳ ҳукумати томонидан қаттиқ таъқиб остига олинганлар. Ҳозир улар бошқа оқимларга қўшилиб тарқалиб кетганлар.

Молоканлар — Россиядаги руҳга эътиқод қилувчи православ христианлари секталаридан бири бўлиб, у XVIII асрнинг иккинчи ярмида дехқонлар, мешчанлар ва савдогарлар орасида пайдо бўлган. Сектанинг асосчиси қишлоқ тикувчиси С. Уклеин бўлган.

Молоканлар ўз таълимотини «руҳий оппоқ сут» («чистое молоко духовное») деб атаганлар. Улар черков олий руҳонийларини, монахликни, иконаларни, муқаддас мурдаларни (черков уларни муқаддас ҳисоблайди), авлиёларни рад қилганлар. Библияга ҳақиқатнинг бирдан-бир манбаи деб қараганлар. Молоканлар Библияни «руҳий», яъни ахлоқий маънода талқин қилганлар, уни кундалик ҳаётда асосий қўлланма деб ҳисоблаганлар. Молоканлар черков қонун-қоида, маросимларини тан олмайдилар, уларни ортиқча, ҳеч кимга кераксиз даҳмаза деб биладилар. Насронийликнинг сирли маросимларини (таинства) «руҳан» талқин қиладилар.

Ҳаётнинг чинакам маъноси, инсоннинг нажот топиши ва самовий ҳузур-ҳаловатга эришиш инсонга **Худо** томонидан берилган яхши асоснинг намоён бўлишидан, одамларнинг ахлоқий жиҳатдан камолга етишидан иборат деб тушунадилар. Улар, протестантлар каби, «ўзининг эътиқоди билан нажот топиш»ни **Худо** билан инсон ўртасидаги черков ва руҳонийлар воситачилигини тан олмайдилар. **Худо** Ўзи ва **Ўзининг** яратган бандалари ўртасида ҳеч қандай воситачига муҳтож эмас. **Худо** ҳаммани бирдай эшитади, кўриб, билиб туради, деб ҳисоблайдилар. Уларда руҳонийлар қатлами йўқ. Улар черковда эмас, балки ҳар ким ўз уйида тоат-ибодат қилади. Руҳонийлар вазифасини сайлов йўли билан танлаб олинган ёши катта, кекса «пресвитер» лар бажаради. Диний маросимлари ибодат йиғилишлари, панд-насихатлар ва диний қўшиқларни куйлашдан иборат.

Чоризм даврида бу христианлик сектаси қаттиқ таъқиб остига олинди. Натижада улар XIX асрнинг биринчи ярмида Таврида губерниясига, Шимолий Кавказга, Сибирга, Закавказьега кўчиб-кетдилар. Ҳозирги вақтда молоканлар жамоаси Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Украина, Молдавия, Шимолий Кавказ, Ростов, Ставропол ва Краснодар ўлкасида сақланиб қолган.

Протестантлик (Протестантизм)

«Протестантизм» сўзининг ўзаги лотинча «протест» сўзидан ҳосил бўлиб, у «норозилик билдирувчи», «келишмаслик» деган маънони билдиради.

Протестантлик, христианликдаги уч асосий мазҳаблардан биридир (католийлик, православие, протестантлик).

1526-йилда Шпейер рейхстаги немис лютеранчи князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо 1529-йилда II Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари ва беш нафар князь «протест» — норозилик билдирдилар. «Протестантлик» атамаси шу сўздан келиб чиққан.

Протестантлик эътиқод ва ташкилий жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи, лекин келиб чиқиши ва ақидалари жиҳатидан умумий боғланган бир неча мустақил черков ва секталарни бирлаштиради.

Католийликдан муносабатини узган ҳамда янги черков оқимлари, йўналишлари тараф-

дорлари ҳам «протестант» деб атала бошланди.

Бу мазҳабнинг асосий ақидалари XVI асрнинг йирик протестант илоҳиётчилари — протестантликнинг асосчилари М.Лютер, Ж.Кальвин, У.Цвингли томонидан баён этилган.

Протестантлик пайдо бўлишининг дастлабки даврларида лютеранлик, кальвинизм цвинглианлик, англиканлик, анабаптизм ва бошқа шаклларда бўлган.

Протестантлик **Худованд**нинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши ҳақидаги умумхристиан тасаввурларни эътироф этади.

Протестантлик учта йўл — шахсий эътиқод билан нажот топиш, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги ва Библиянинг олий нуфузи ғояларини илгари сурди.

Протестантликнинг католийлик ва православиедан фарқ қилувчи асосий ақидаларидан бири инсоннинг **Худованд** билан бевосита «алоқаси» ҳақидаги таълимотидир. Унга кўра **Худованд** инсонларга ўз «иноятини» черков ва руҳонийларнинг аралашувисиз ато қилади, кимки **Худованд**нинг иродасига бўйсуниб сидқидилдан илтижо қилса, **Ўзи** уни гуноҳлардан халос қилади. Ҳар бир диндор Библияни ўзича изоҳлаши ва баён этиши мумкин. Шунга биноан протестантлар католик типдаги черков ташкилотларини, руҳонийлар ҳамда Рим папалари раҳнамолигини инкор этадилар.

Христианликнинг бу мазҳабида инсоннинг худога ва черковга муносабати соддалаштирилган. Умумхристиан байрам ва маросимларидан оз қисми сақланиб қолган, бут ва азиз-авлиёларга сиғиниш йўқ, ибодат кўпинча ваъз-насихат қилишдан, биргаликда ибодат қилиш ва диний каломларни куйлашдан иборат.

Протестантлар иконаларга, авлиё ва марҳумларга, Биби Марямга ва бошқаларга сиғинишни тан олмайдилар, католик мазҳаби қабул қилган Махшар (Апокалипсис)ни инкор қиладилар. Бу мазҳабда монахлик йўқ, руҳонийларнинг оила қуриши ман этилмайди. Монахлик, руҳонийлар уйланмаслиги қораланади — одам нажот йўлини ва худога хизмат қилиш йўлини «дунё ишларидан қочиш»дан эмас, балки ўзининг «дунёвий» фаолиятдан излаши керак, деб тушунтирилади.

Протестантлик таинства маросимларидан кўпчилигини бекор қилди, фақат чўқинтириш ҳамда нон ва вино тотиш маросимини қолдирди, самовий ҳузур-ҳаловат тўғрисидаги таълимотни рад этди. Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз-авлиёларга сиғиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас маййитларга ва иконаларга топиниш бекор қилинди. Ибодат уйлари ортиқча ҳашамлардан, меҳроблар, иконалар, ҳайкаллардан холи қилинди, қўнғироқлар олиб ташланди, монастирлар ва монахликдан воз кечилди, ибодатлар ниҳоятда соддалаштирилди, ваъз, дуо, Забур саноларини куйлаш она тилида ўтказиладиган бўлди, Библия диний таълимотнинг ягона манбаи деб эълон қилинди, муқаддас ривоятлар рад этилди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни ўрганиш ва шарҳлаш «гуноҳ» ҳисобланмади (католийликда гуноҳ ҳисобланади).

Протестантлик кейинчалик кенг тарқалиб, протестант черковлари аста-секин бошқа черковлар билан тенг ҳуқуқли черковга айланди.

Протестантлар сони ҳозирги даврда бутун дунёда 250 миллиондан ортиқ. Христианликнинг бу мазҳаби Скандинавия мамлакатларида, Германияда, Швейцария, Буюк Британия, Голландия, Австралия, Канада, Янги Зеландия ва АҚШда кенг тарқалган. Протестантликнинг жаҳон маркази АҚШда. Бу ерда баптистлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари ва бошқа оқимларнинг қароргоҳлари жойлашган.

Протестантизмнинг илк шакллари ва оқимлари — лютеранлик, англиканлик, кальвинчилик, цвинглианлик, унитаризм ва сочинчилик, анабаптистлик ва менночилик бўлган бўлса, кейинроқ баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари, староверлар, духоборлар, молоканлар, мормонлар ёки «охират авлиёлари», «нажот армияси», «христиан фани», пятидесятниклар ва бошқа диний оқимлар пайдо бўлди.

Баптистлик атамаси юнонча «сув билан чўқинтириш» деган маънони билдирувчи сўздан ҳосил бўлган. Баптистлик протестантликнинг муҳим оқимларидан бири бўлиб, дастлаб англикан черкови таъқибидан Голландияга қочиб борган инглиз муҳожирлари

орасида 1609-йилда Голландияда вужудга келган. Баптизм 1612-йилда Англияда, 1639-йилда Шимолий Америкада пайдо бўлди.

1611-йилда — «Амстердам ва Голландияда яшаб турган инглизларнинг диний баённомаси»да ана шу янги таълимот таърифлаб берилган.

Бу таълимот бўйича, болалар ёшлигида эмас, балки вояга етганда, динга нисбатан онгли бўлгандагина чўқинтирилади. Христианликнинг бошқа оқимларидан баптизмга кирувчилар қайтадан чўқинтирилади. Христианликда муқаддас ҳисобланадиган авлиёлар, монахлик, икона, бут, черков «сирлари», католийлик урф-одатлари рад этилади.

Баптистлик асосан Библияни диний таълимотнинг ягона манбаи деб ҳисоблайди. Ийсо Масихнинг халоскорлигига ишониш йўли билан ўзини-ўзи халос этадиганларни **Худонинг** ўзи танлаб олади, деб эълон қилди. Уларнинг бир қисми, **Худованд** дунёни яратгунга қадар, «азал»дан айрим кишиларни азобдан халос этишни, бошқаларини эса ҳалокатга маҳкум қилишни белгилаб қўйган, деб ҳисоблайди.

Баптистликда руҳонийларнинг диндорлар ва **Парвардигор** ўртасидаги воситачилиги ҳам рад этилади. Бу оқимда чўқинтириш маросими, нон ва вино тотиш маросими инсоннинг мустақкам эътиқоди, Ийсога садоқати рамзидир деб тушунтирилади. Фақат Ийсонинг номи билан боғлиқ бўлган байрамлар ҳамда айрим махсус байрамларгина нишонланади, кичик байрамлар тан олинмайди. Баптистлар жамоаси сайлаб қўйилган пресвитер ва кенгаш томонидан бошқарилади.

Баптистлар одамзоднинг яшашдан мақсади ўзини нариги дунёга тайёрлашдир, дейдилар. Бу дунёдаги ҳамма ишлар, ғам-ташвишлар ва кишиларнинг барча эҳтиёжларини жаннатда роҳат-фароғатга эришиш йўлидаги ғов деб биладилар. Диндорлар ҳар хил йиғилишларга, театрларга, хурсандчилик масканларининг барча турларига қатнашмайдилар, бегоналарга қарши қурол кўтармайдилар, тажовуз қилмайдилар. Ҳатто армия сафига борганларида ҳам, қўлларига қурол ушламай, ҳарбий хизматнинг бошқа турлари билан шуғулланиб юрадилар. Камдан-кам хурсанд, хушҳол бўладилар, кўпинча хомуш юрадилар. Ўз яқинларини ҳам, душманларини ҳам бирдек севишни, ҳамма нарсани, ҳаммани кечиритишни, ёмонликка қаршилиқ кўрсатмасликни муттасил ташвиқот қиладилар.

1905-йили Жаҳон баптистлари иттифоқи тузилган, унинг маркази АҚШда.

Жаҳондаги баптистлар сони 35 миллиондан ортиқ.

1944-йилда баптистлар, инжилчи христианлар билан бир иттифоққа бирлашдилар, 1945—1947-йилларда эса уларга адвентистлар, пятидесятниклар ва менночиларнинг бир қисми қўшилди. Ҳозир улар умумий бир марказга — Инжил христиан-баптистларининг кенгашига бирлашганлар, унинг маркази Россиянинг пойтахти Москва шаҳридадир.

«Инжил христиан-баптистлар черкови» Жаҳон баптистлар иттифоқига киради.

Ўзбекистонда баптистларнинг рўйхатга олинган 14 жамоаси мавжуд (1998).

Адвентистлар (лотинча воқе бўлиш) протестантизмдаги бир оқим бўлиб, XIX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Асосчиси Уильям Миллер (1782—1849).

Адвентистлар жоннинг ўлмаслигини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, жон тана билан бирга ўлади ва Ийсо қайта тирилиб келган кун яна тирилади. Бу дунё ана шунга тайёргарлик кўриш учун берилган дейдилар. Уларда шанба кунини дам олиш кунини сифатида қабул қилиш, ўз даромадларининг ўндан бир қисмини черковга бериш талаб этилади. Бу таълимотда Ийсо қайта тирилиб келиб охиратдан олдин минг йил ҳукмронлик қилади ва бу кун яқин қолган деб ишонилади.

Инсоният тарихи Ийсо ва шайтон ўртасидаги абадий курашдан иборат, бу кураш шайтоннинг ҳалокати билан тугайди, халос бўлишнинг бирдан-бир йўли ўзларининг таълимотларини, эътиқодларини қабул қилишдир, деб ҳисоблайдилар. Адвентистларнинг кўпчилиги Америка ва Африкада яшайди.

Иегова шоҳидлари — христианликнинг протестант йўналишидаги диний ташкилот аъзолари. 1931-йилдан унга «Иегова шоҳидлари ташкилоти» деган расмий ном берилган. Ташкилотга Бруклин маркази раҳбарлик қилади. Ташкилот қатъий марказлаштирилган. Бу марказнинг 95 бўлими, тармоғи бўлиб, унинг президенти чекланмаган ҳокимиятга эга,

юқоридан пастга кўрсатмалар ва адабиётлар, пастдан юқорига эса ҳисоботлар ва пул маблағлари юбориб турилади.

Диний таълимотларида Ийсо пайғамбар ва муқаддас руҳни — Рух ул-Қудсни **Худо** — Иегова (Яҳва, Ягве) дан тарқалган деган эътиқодга амал қиладилар. **Худонинг** уч қиёфаси (учлик, троица) ни инкор этадилар, айти вақтда Ийсони инсонлар гуноҳини ювиш учун туғилган, деган ақидани тан оладилар. «Дунёнинг биринчи сабаби» **Худо** деб биладилар. Дунё эса кейинчалик Иегова ўрнатган тараққиёт қонунлари асосида ривожланган деб даъво қиладилар. Жамият тарихи илоҳий кучлар билан шайтоний кучлар ўртасидаги курашдан иборат, ҳозирги дунё шайтоннинг намоён бўлишидир, унга қарши курашиш муқаддас ишдир дейдилар.

Ер юзида илоҳий салтанат ўрнатиладиган замонда фақат ўзларининг тарафдорларигина яшайдиган бўлади, қолган барча одамзот эса, Фаластиннинг шимолидаги Армагеддон (Меггидо) шаҳри яқинида раҳмоний ва шайтоний кучлар билан бўладиган сўнгги ҳал қилувчи жангда қирилиб битадилар, деб башорат қиладилар.

Ҳозирда улар бунинг реаллигини ерда экологик мутаносибликни, муҳитнинг бузилиши ва учинчи жаҳон уруши ҳавфи билан боғлайдилар.

Христианлар дастлаб, яҳудийлар каби, **Тангри талоло** оламини яратишини ниҳоясига етказган кун деб шаббат (шанба)ни дам олиш куни-байрам сифатида нишонлаганлар.

Кейинчалик, иудаизмдаги ажралиш жараёнида, ҳафтанинг биринчи куни сифатида Ийсо Масих тирилган кун — якшанба «воскресение» байрам ва дам олиш куни деб қабул қилганлар.

Ийсо алайҳиссаломнинг туғилиш байрами ҳозир 27- декабрда, Янгича йил ҳисоби (стиль) буйича 7-январда ўтказилади.

Кальвинизм — христианликдаги протестантлик йўналишларининг бири бўлиб, унинг асосчиси франциялик Жан Кальвин (1509-1564). Бу таълимотда Муқаддас ёзув тан олинди, қисматга ишонилади. Кишининг нажот топишида руҳонийлар ёрдами — воситачилиги инкор қилинади. Ибодатда хоч ва иконаларга чўқиниш, сажда қилиш, диний мусиқа чалиш, шам ёқиш ман этилади. Черков деворларида ҳар хил суратлар, тасвирларнинг бўлмаслиги талаб этилади. Черков маросимларини ортиқча даҳмазалардан тозалаш, соддалаштириш ва осонлаштириш тарғиб қилинади.

* * *

Духоборлар (духоборы, духоборцы) — руҳга эътиқод қилувчи христианлар, руҳ учун курашувчилар. Эски рус сектантчилиги йўналишларидан бири.

Бу секта дастлаб XVIII асрнинг ўрталарида Воронеж губерниясида вужудга келган. Асосчилари деҳқонлар С. Колесников ва Л. Побирохин бўлганлар.

Духоборлар руҳонийларни, монахликни, бутхоналарни, православ қоида ва маросимларини, черков сирли маросимларини (таинства), хоч (салиб) ва иконаларга топинишни рад этганлар. Улар ўзлари тузган ва авлоддан-авлодга оғзаки тарзда ўтадиган санолар (псалом) тўплами — «Тириклик китоби» («Ҳаёт китоби») ни мақаддас китоб деб ҳисоблаганлар. Улар Ийсо пайғамбарни оддий инсон (**Худонинг** ўғли эмас), аммо унда илоҳий ақл мужассам бўлган дейдилар. **Худони** «олабий муҳаббат», «донишмандлик», «абдий эзгулик» деб талқин қиладилар. Уларнинг таълимотича, **Худо** «тақводорларда намоён бўлади ва **Худо** танлаган кишиларда гавдаланади».

Духоборлар раҳбарлари ўз тарафдорлари устидан диний ва дунёвий ҳукмронлик қилишда чекланмаган ҳуқуққа эга бўлганлар ва ҳукмронликни авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирганлар.

Улар орзу қилган баркамол ижтимоий тузумни, мулкни умумлаштириш ва турмушни ҳам умумий жамоа асосида қуриш йўли билан юзага чиқаришга уринганлар. Духоборлар давлатга бўйсунмаганликлари ва ҳарбий хизматдан бўйин товлаганликлари учун подшоҳ ҳукумати уларни қаттиқ таъқиб қилган. XIX асрнинг биринчи ярмида улар Россиянинг марказий губернияларидан дастлаб Таврия губерниясига, кейинчалик эса Кавказ орти

ерларига мажбуран кўчирилдилар. Хукуматнинг қаттиқ таъқибидан қутилиш учун, 1848-йилда улардан 75 минг киши Канадага кўчиб кетди.

Ҳозирги вақтда духоборларнинг кичик гуруҳлари Грузия, Озарбайжон ва Ростов вилоятида сақланиб қолган. Улар ҳозирда ўзларининг урф-одатлари фольклори ва анъаналарига эга бўлган ўзига хос этник гуруҳга айланиб қолганлар.

Мормонлар — «Охир замон авлиёлари» деб аталмиш диний секта аъзолари бўлиб, бу сектага 1830-йили АҚШ да Жон Смит деган шахс асос солган. У «Мормон китоби» ни таржима қилиб нашр этдирди. Бу китобда Америкада яшаган «Қуддуслик яҳудийлар» колониясига гуё пайғамбар Мормон томонидан мис тахтага ёзилган Йисо таълимотини юбориш тарихи акс этган. Бу китоб Библиядан олинган 300 дан ортиқ иқтибосларни (цитата) ўз ичига олган. Натижада бу китоб Қадимий аҳд ва Янги аҳдга ўхшаган китоб бўлиб қолган.

Мормонларнинг диний таълимоти шу китобга ва Смит ваҳйномасига асосланади. Жон Смит 1843- йилда кўп хотинликни ва мормонлар жамоасининг ташкилий тамойилларини жорий этди. (Кўп хотинлик 1890- йилда бекор қилинган).

Мормонлар ўз таълимотлари инсонга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахт келтиради, деб ишонадилар. Дунё тараққиёт қонуниятларига бўйсунди ва ҳаёт тобора такомиллашувга интилади. Дастлабки гуноҳ **Худо** томонидан белгиланган. Ёмонлик, гуноҳ моҳияти — **Худого** бўйсунмасликда эмас, балки «тараққиёт қонуниятларига қарши исёндадир» дейдилар. Улар тезда охир замон келишини, шайтон билан сўнгги ҳал қилувчи жанг бўлишини кутадилар.

Улар ўзларини **Худо** томонидан танлаб олинган халқ деб ҳисоблайдилар. Мормонлар бошқа барча черковларга қарши ва душмандирлар. Мормонлар черковига олий руҳоний — пайғамбар деб тан олинган президент раҳбарлик қилади: у икки ёрдамчиси билан президентлик кенгашини ташкил этади.

Дастлабки пайтларда ҳукумат томонидан таъқиб қилинган мормонлар АҚШ ғарбига кўчиб ўтиб, Солт Лейк Сити шаҳрига асос солдилар. Бу шаҳар мормонларнинг сигинадиган муқаддас шаҳрига айланиб қолди. 1896-йилда улар жойлашган ер — Юта штати мустақил штат сифатида тан олинди. Шундан кейин мормонлар жамоаси равнақ топиб, иқтисодий жиҳатдан ўзини бирмунча тиклаб олди.

АҚШ, Англия, Скандинавия, Австрия, Швейцария, Германия, Янги Зеландия, Австралия мормонлар миссионерлик фаолиятининг асосий марказлари ҳисобланади.

Таажжубки, барча динлар, динлар ичидаги йўналишлар, оқимлар, мазҳаблар, фиркаларга эътиқод қилувчилар ўзлариникини тўғри, ҳақ деб билганлар ва бошқаларини нотўғри, ботил эътиқод деб ҳисоблаганлар. Буни фикрлар, тушунчалар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги натижаси деб баҳоламоқ мумкин бўлади.

Демак ҳар қандай ботил эътиқоднинг ҳам ўзининг маълум муҳлислари бўлар эканки, ана шу зиддиятларсиз кураш бўлмайди, кураш эса маълум маънода ҳаёт талабидир. Бир хилликни зидди ҳар хиллик бўлиб, бу балки ҳаёт талаби ёки қонунидир?

Шу жумладан, XVIII аср бошларида Англияда оқсуяқлар орасида христианлик таълимотидан илҳомланган **масонлик ёки франк-масонлик** (французча бу атама «эркин тош йўнувчилар» маъносини англатади) диний-фалсафий маҳфий ҳаракат вужудга келган.

Масонлар инсониятни бир бутун махсус маҳфий диний қардошлик уюшмасига (ташкилотига) бирлаштиришдек мураккаб ва серқирра фаолиятни мақсад қилиб қўйган эдилар.

XIX асрнинг бошларида масонлик уюшмаси билан турли прогрессив ва реакцион ҳаракат доиралари маҳфий алоқада бўлганлар. Бу жамият, уюшма ўта маҳфий бўлганлигидан уларнинг асл мақсади, иш режалари кенг жамоатчиликка айтарли маълум эмас.



И с л о м

«Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (дини)дир... Кимки Исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у) сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур»

(3- «Оли Имрон» сураси, 19; 85— оятлар).

Динимизнинг номи Исломдир. Бу номни **Аллоҳ Ўз** ваҳйси орқали маълум қилган, мазмуни — «итоат ва бўйсунуш», **«Аллоҳга ўзини бағишламоқ»** демакдир.

Исломгача ўтган барча динлар бир қавмга, бир миллатга ёки муайян худудга таллуқли бўлса, Ислом дини **Тангри таоло** томонидан Ер юзидаги бутун инсониятга юборилган охирги диндир. Бугунги кунда 172 мамлакатнинг 1,3 миллиарддан ортиқ аҳолиси Ислом динига эътиқод қилади.

Ислом дини ўзидан аввалги ҳақ динларга суянади. Ислом кейинчалик бу динларга инсонлар томонидан киритилган ўзгартиришлар ва хатоликларни тузатган дунёдаги энг аниқ, энг мукаммал, ҳеч бир ўзгаришсиз келаётган бирдан-бир диндир.

Бизга маълумки, барча пайғамбарлар **Аллоҳ таолонинг** амрини инсониятга етказувчи элчиларидир. Ислом дини ўзидан олдин ўтган пайғамбарларнинг барчасини, **Аллоҳ** томонидан нозил қилинган 4 китоб ва 100 саҳифаларни тан олади, сўзсиз эътироф этади. Бу китобларда ёзилган сўзлар яқкаю ягона **Аллоҳнинг** каломи бўлиб, инсонларни яқкахудодликка ва яхши эзгу амаллар қилишга даъват этади.

Аммо муқаддам зуҳур этган динлар минг йиллар ўтиши билан унутилиб, подшоҳлар, роҳиблар, коҳинлар, руҳонийлар томонидан ўз мақсад ва манфаатларини кўзлаб ўзгартиришлар киритилавергач, ўз аслини, илгариги моҳиятини, аҳамиятини йўқотган. Натижада инсонлар жохиллашиб, фисқ-фасод ва ёмонликлари кўпайган, яна кўпхудодликка, бут-санамларга топина бошлашган. Ана шундан кейин **Ҳақ субҳонаҳу ва таоло** вақти-вақти билан инсонлар ичидан элчи — пайғамбарлар танлаб олиб, ўз каломини одамларга етказиб турган.

Шунга кўра қадимги ҳақиқий илоҳий китоблар (Таврот, Инжил, Забур)га ҳам асрлар давомида ўзгартиришлар киритилавериб, уларнинг асл матни кўпол равишда ўзгартирилган. Бу китоблар кўпроқ черковлар тарихига айланиб қолган. Бу китобларга энди ҳақиқий, тўлиқ илоҳий китоб сифатини бериш анча мушкул. Инчунин, ҳазрати Довуд алайҳиссаломга ваҳй бўлган Забур шариат китоби эмас, дуолар, ҳамду санолар мажмуаси бўлиб, ичида илоҳий қонунлар йўқ. Забур, Тавротдан кейин туширилган бўлса ҳам, Мусо алайҳиссалом замонидаги шариат ҳукмларини тиклай олмади.

Таврот милоддан аввалги III асрда юнончага, Библия эса милодий IV асрда лотинчага таржима қилинган. Кейинчалик бу китоблар миллий тилларга ибронийча асл нусхадан эмас, лотинча таржимасидан ўгирилган ва аста секин ўзгартириб борилган.

Христиан дини яҳудий динини ўзидан олдин келган ҳақ дин деб тан олади. Лекин христианлик келгач, у дин ўз ҳукмини йўқотган дейди. Яҳудийлар эса христианликни умуман тан олмайдилар, ҳатто уни тан олганларни диндан чиққанга тенглаштирадилар.

Бора-бора икки дин ўртасида ихтилофлар кучая борди.

Шундай қилиб, **Қуръони карим** нозил этилгунга қадар, муқаддас ҳисобланган барча дин китоблари ё вазифасини ўтаб бўлган, ёки **«Аллоҳнинг сўзи»**, **«Илоҳий дин китоби»** сифатида ўз аҳамиятини батамом йўқотган, яъни самовий китоблардаги асл ҳукмлар ўзгартирилган эди.

Ислом динининг асоси, қонуни бўлган **Қуръони карим Аллоҳ** тарафидан юборилган илоҳий китобларнинг охиргиси бўлиб, бу муқаддас китоб Жаброил алайҳиссалом восита-

сида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳй йўли билан келди. Бирваракайига эмас, 23 йилда оятма-оят, сурама-сура нозил бўлди. Ваҳй келганида, **Қуръони карим**нинг ҳар бир ояти пайғамбаримиз томонидан эълон қилинар, саҳобалар (пайғамбаримизнинг сафдошлари) уларни ҳам ёдлар, ҳам ёзиб олар эдилар.

Қуръони карим 14 аср аввал қандай нозил бўлган бўлса, шундайлигича муҳофаза қилинган, заррача ўзгармасдан, наслардан-наслларга ўтиб, бизгача етиб келган. Чунончи, **Қуръони карим**нинг 15-нчи «Хижр» сураси, 9-оятида: «**Албатта, бу зикрни (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва уни Ўзимиз асрагаймиз!**» дейилган. **Аллоҳ таоло** бу ояти орқали **Ўзи** нозил қилган **Қуръонни Ўзи** ҳифзу-ҳимоясига олганлигини билдирган.

Аллоҳнинг бирлигига ишончдан иборат бўлган эътиқодни раббоний пайғамбарлар **Бани башарга** етказди, ўргатди. Ўтган барча пайғамбарлар билдирган динларининг асоси — яккаю ягона **Аллоҳ**нинг бирлигига ишонч, яъни тавҳид эътиқоди эди. Диннинг ҳақиқий эгаси **Аллоҳ таоло**дир. Турли даврларда, турли қавмларга келган пайғамбарлар ўргатган дин мазмун-моҳияти билан мусулмонликдан бошқа ҳодиса эмас. **Аллоҳ**нинг барча учун танлаган дини битта — фақат **Ўзи**гагина ишонч-эътиқоддан иборат бўлган **Ислом** динидир, мусулмонликдир. Ҳақиқатдан ҳам, **Қуръони карим** нуқтаи назари бўйича, динларнинг асли бир бўлиб, шариатлари турличадир. **Аллоҳ таоло** **Ислом** динининг охириги дин бўлишини ихтиёр этди, **Муҳаммад** алайҳиссалом шариати эса ўзидан олдинги барча шариатларни бекор қилди. Бу энг мукаммал шариат бўлиб, камолотга интилувчи инсонлар учун барча замон ва барча маконга мос келадиган шариатдир. **Қуръони карим**да шундай дейилади: «**Кимки Исломдан ўзга динни истаса (ихтиёр этса), ундан (у) сира қабул қилинмагай ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур**». (3- «Оли Имрон сураси, 85-оят). Шундай экан, **Муҳаммад** алайҳиссаломдан олдин ўтган пайғамбарлар ҳам мусулмон ҳисобланадилар.

Христианлик эътиқодига кўра, **Ийсо** дини энг сўнгги ва умумий дин бўлиб, ҳазрати **Ийсо** бутун инсониятни қутқариш учун келган, одамларнинг гуноҳлари учун ўзини қурбон қилган **Худованд**нинг ўғли ҳамда одам шаклига кирган **Тангри**дир.

Аллоҳ таоло **Қуръони карим**да шундай билдиради: «**Эсланг, Ийсо ибн Марям: «Эй Исроил авлоди, мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайғамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушxabар бергувчиман**», — деган эди. **Бас, қачонки (Ийсо) уларга (пайғамбар эканига) ҳужжат (муъжиза)ларни келтиргач, улар: «бу аниқ сеҳр», — дедилар**». (61-«Саф» сураси, 6-оят).

И з о х: «**Муҳаммад**» ва «**Аҳмад**» исми араб тилида «мақтовга сазовор, мадҳ этилувчи» маъносини англатиб, ибронийча «**Параклид**» сўзининг маъносига тўғри келади. Шунинг учун арабчага ўйрилган **Инжил**ларда «**Параклид**» сўзи ўрнига «**Аҳмад**» сўзи ишлатилгандир. «**Аҳмад**» пайғамбаримизнинг иккинчи исмлари бўлиб, «**Муҳаммад**» сўзи билан ўзакдошдир. У ўзак «**ҳамд**», яъни «мақталмоқ» калимаси бўлиб, «**Аҳмад**» **Парвардигорга кўп ва хўб ҳамд айтгувчи маъносини** ифодаласа, «**Муҳаммад**» дунё ва охиратда мақтовга сазовор бўлгувчи деган маънони билдиради.

Ийсо алайҳиссаломнинг ўзи ҳеч қачон **Худонинг** ўғлиман демаган. **Ийсо** алайҳиссалом, инсонларга фақат ягона **Аллоҳ таоло**га сифиниш, ўзини **Унинг** расули эканлиги ва ҳамма **Аллоҳ таоло** буюрган ишларни қилиб юришлари кераклиги ҳақида ҳаммавақт айтиб келган бўлса-да, ундан кейинги роҳиблар, руҳонийлар, ҳукмдорлар **Ийсо** динини тавҳидга зид қилиб шу қадар ўзгартириб юбордилар. Бундай ақлга сифмайдиган ақидалардан айримларини келтирамиз:

1. **Христиан руҳонийлари орасида ҳам Инжилда кўрсатилган муқаддас учлик — уч тангри: Ота-Худо, Ўғил-Худо, Руҳ ул-қудс-Худо тўғрисида ўзаро ихтилофлар бўлиб, ҳанузгача бир-бирлари билан мунозара қилиб келадилар.**

2. **Насронийликка кираётган ёки чўқинтирилаётган кишига Ийсо ва Тангри**

билан бирлашмоқлик учун, поп Ийсонинг гўшти ва қони дея берган нон ва шаробни тановвул қилдириш одатини олайлик. Бу одат бутларга сиғинган ибтидоий одамлар одатидан ҳам ибтидоийроқ, жирканчроқ эканлигини, наҳот улар тушунмасалар?!

3. Тангри таолога илтижо ёки дуо қилишда, арз-додларини айтишда, гуноҳларини ёзгиришда бу амалларни фақат бирор поп ёки бошқа руҳоний орқали қилишлари мумкинлиги. Биламизки, Исломда Аллоҳ таоло билан бандаси орасига ҳеч ким кира олмайди. Ҳар бир мусулмон ўз ҳатти-ҳаракатига фақат ва фақат ўзи масъулдир.

4. Папанинг гуноҳсизлиги, ҳокими мутлақлиги, яъни унга илоҳий тус берилиши; у нимани буюрса, сўзсиз бажариш шартлиги.

5. Ибтидоий одамларга ўхшаб суврат, ҳайкал, салибга сиғиниш. Батъзи ибодатлардаги маъносиз хатти-ҳаракатлар ва ҳоказо.

6. Насронийларнинг «Инсонлар дунёга гуноҳкор бўлиб келадилар» деб даъво қилишлари ҳақидаги ақлга сиғмайдиган хурофотлари. Ваҳоланки, гуноҳ қилиш-қилмаслик ирода эркинлиги берилган инсонларнинг ўзларига боғлиқ-ку?!

Булардан ташқари, китобимизнинг олдинги фаслларида айтиб ўтганимиздек, ҳозирги «Библия («Таврот») да ёзилган, соғлом ақлга сира тўғри келмайдиган воқеалар: пайгамбар Яъқуб алайҳиссаломнинг гўё Худо билан курашуви, унинг акаси Эсовга аталган дуосини ҳамда тўғричилигини ҳийла билан «ўғирлаб» кетиши, қайнотаси ва акасини алдаб, гирромлик қилиб қочиб қолиши, Иброҳим алайҳиссалом қурбон қилмоқчи бўлган тўғрич ўғли Исмоилни атайлаб Исҳоқ, деб ўзгартириб олганликлари, Лут пайгамбарнинг қизлари билан бўлган қабиҳ мудҳиш воқеа, яҳудийлар Узайрни, насронийлар Ийсо Масихни «Аллоҳнинг ўғли» дейишгача бориб етишлари, Ҳорун алайҳиссаломнинг пайгамбар бўлатуриб, қавмларига сиғиниш учун олтиндан бузоқ ясаб берган дейилиши ва ҳоказолар каби пайгамбарлар шаънига айтилган бундай туҳматнамо ишларнинг содир бўлиши мумкинлиги мантиқан эҳтимолдан жуда узоқ бўлгани учун кишини ўйлантирмай қўймайди. (Қаранг: Таврот. «Ибтидо» бўлими, 32- боб ва «Чиқиш» бўлими, 32- боб; Қуръон, «Тавба» сураси, 30—31-оятлар).

Ислом дини эса бундай ширкдан — кўпхудоликдан, бидъатлар ва хурофотдан бутунлай озода — пок диндир.

Бугунги кунда ҳатто насроний дин арбоблари юқорида айтилган «учлик» ва бошқа ақидаларнинг пучлигини, ботиллигини англаб, бу ақидаларни ислоҳ қилиш ҳаракатига тушяптилар.

Ислом динининг ҳақлигини кўрсатувчи яна бир далил — исломиятдан аввал аянчли бир тарзда яшаган араблар бу дин туфайли жуда бир қисқа тарихий давр мобайнида жаҳоннинг энг маданий, энг қудратли давлат бўлиб бирлашишлари ҳамда инсоний севги ва марҳамат туйғуларини араб чўлларидан Европага қадар олиб борганликларидир. Мусулмон араблар Ислом динини ёйиш учун, илк бор Испанияга қадам қўйганларида, у ерни қароқ бир чўл ҳолида кўрдилар ва қисқа давр ичида мамлакатни гулистонга айлантирдилар.

Тарихчи Жон Драпер (1811—1882) «Европанинг маънавий такомили» номли асарига Исломнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни, муҳим таъсири ва хизматлари ҳақида тўхталиб шундай ёзади: «Насроний тарихчилар Исломга қарши хусуматлари туфайли, ҳақиқатни яширишга уринмоқдалар ва Европанинг мусулмонлардан маънавий қарздор эканини эътироф этишни истамаяптилар... Ўша даврлардаги Европада буткул ваҳшат ва қоронғулик ҳукм суради. Насронийлик Европани бу аҳволдан халос эта олмаган эди. Бошлари хурофот ва бидъат билан тўла, тафаккур қилиш қобилиятидан маҳрум европаликлар ибтидоий кулбаларда ёввойиларча ҳаёт кечирардилар. Агар кулбалари ичида қуруқ ўтлардан тўқилган бир матоҳ бўлса, бу ўша пайтда катта бойлик аломати саналарди. Овқатлари ёввойи ловия, сабзи, гиёҳлар ва да-

рахт пўстлоқларидан иборат бўлиб, кийимлари ошланмаган ҳайвон терисидан қилингани учун, қаерга борсалар, ўша жойни ёқимсиз қўлланса ҳид босиб кетарди.

Мусулмонлар келган кунлариданоқ уларга аввал тозаликни, поклик, озодаликни ўргатдилар. Зеро, мусулмонлар бир кунда беш маротаба таҳорат олиб покланар эдилар. Уларни, ҳеч бўлмаганда, кунда бир маротаба ювинишга одатлантирдилар. Кейин уларни эгниларидаги увада бўлиб кетган, бадбўй, битлаб кетган ҳайвон териларини ечтириб, ўрнига ўзларининг гўзал мато ва соф ипакдан тикилган тоза, озода либосларини кийдирдилар. Уларга овқат пишириш ва ейишни ўргатдилар. Испанияда уйлар, қўноқхоналар, саройлар барпо этдилар. Мактаб ва шифохоналар қурдилар. Дорилфунун ва мадрасалар бунёд этдилар. Бу дорилфунунлар бутун дунё учун бир нур манбаига айланди. Ҳар тарафда бог, экинзорлар, гулистонлар барпо қилдилар. Мамлакат гуллаб-яшнади. Ваҳший, ёввойи европаликлар бу воқеалар қаршисида лол қолиб, вақт ўтиши билан аста-секин маданиялаша бошладилар».

Араб мусулмонлари бу улуғ ишларни бажаришга фақат ва фақат Ислом туфайли эришдилар. Чунки Ислом дини энг тўғри, мукамал, ўзгаришсиз келаётган диндир. Ушанда араблар тўғри йўлда бўлганлиги учун, **Аллоҳ таоло** уларни қўллаган ва ҳар жабҳада қолиб этган эди.

Ҳақ субҳонаху ва таолонинг амри билан Муҳаммад алайҳиссалом воситасида тарқатилган Ислом ва **Аллоҳнинг** каломи бўлмиш азимушшаън **Қуръон** жаҳон тарихини тубдан ўзгартирди, бутун инсониятни қоронғуликдан нур оламига олиб чиқди. Агар Ислом дини бўлмаганида, инсоният бугунги илм ва маданият даражасига эриша олмаган бўларди. Мусулмонлар илмни ғоятда кадрлайдилар, юксак тутадилар. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом ўзларининг ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар: «**Илм, Чин мамлакатид** бўлса ҳам, уни олинглар». Ҳа, биз севиб, ихлос билан қабул қилган Ислом ана шундай юксак бир диндир.

Ислом дини таълим беради:

— барча динлар дастлабки кезларда моҳиятан ягона (муштарак) дин бўлиб келган бўлса ҳам, уларнинг шариатларида, яъни қонун-қоидаларида ва ибодат қилиш йўлларида тафовут бўлган. **Аллоҳ таоло** Исломни камолотга етказиб, уни бутун башариятга битта шариат қилиб туширди. Шу сабабли аввалги пайғамбарлар олиб келган шариатлар бекор қилинди;

— Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарликлари билан аввалги пайғамбарлар таълимотларининг кўпи бекор бўлди. Муҳаммад алайҳиссаломга эргашган одам барча пайғамбарларга эргашган бўлади;

— **Аллоҳнинг** баъзи пайғамбарларига ишониб, баъзиларига ишонмаган киши ҳақиқий кофирдир;

— турли диндаги кишилар бўйсунаетган пайғамбарларни мазаммат қилиш, ёмонлаш, мутлақо мумкин эмас. Зеро, улар ҳам ҳақиқатда **Аллоҳ** тарафидан юборилган бўлиб, одамларни яккахудоликка тарғиб қилганлар, тўғри йўлга бошлаганлар. Биз уларнинг ҳаммасига ишонишга буюрилганмиз;

— ўтган пайғамбарлар маълум бир халққа ва муайян бир замонга юборилган бўлса, Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган Ислом дини бутун оламга, башариятга юборилган бўлиб, то қиёмат кунигача амал қилади. Бундан кейин **Аллоҳ** томонидан бошқа дин, бошқа илоҳий китоб ва бошқа пайғамбар юборилмайди. Ислом дини охирги дин, **Қуръони карим** охирги илоҳий китобдир;

— Исломда барча инсонлар тутган мавқелари, лавозимлари, бойликлари, руҳонийликлари, ирқлари, ранглари, миллатлари билан фарқланмайдилар, балки қилган яхши-ёмон амаллари билан фарқланадилар;

— Ислом ва азимушшаън **Қуръон** барча замонларда **Аллоҳ таолонинг** тўғридан-тўғри муҳофазасидадир.

Исломда динга кириш учун зўрлаш мажбурлаш йўқ, даъват этилади, ҳолос. Ислом содда, осон, тушунарли, ҳаммабон, оммабон, адолатли, энг тўғри, энг пок диндир. Ислом ётга сифинишни ман қилиб, инсонларга инсонлик шарафини, таълимий ҳурриятини қайта-

риб берди. Инсонларни фақатгина **Аллоҳ** хузурида мутлақ бир қул, бошқалар олдида эса мутлақ хур бўлиб, **Аллоҳдан** бошқа ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмасликка, сиғинмасликка чақиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда минглаб насронийлар, яҳудийлар, буддавийлар ва бошқалар ўз динларидаги хато ва нуқсонларни ҳис қилиб турибдилар.

Жаҳон халқлари Ислом дини билан яқиндан танишгач, унинг туб моҳиятига етишгач, ягона маъбуд — **Аллоҳ таоло** атрофида бир тан, бир жон бўлиб бирлашадилар ва Ислом бутун дунёда ягона динга айланади. Чунки ҳозиргача японлар, инглизлар, немислар, французлар ва бошқа талай халқларнинг бир қанча вакиллари Исломни **Аллоҳ таолонинг** ҳақ дини эканлигига иймон келтириб мусулмон бўлмоқдалар.

Маълумки, денгиз қаъри ҳам, дарё туби ҳам сув бемалол сизиб ўта оладиган қумлоқ ёки тупроқдир. Айрим ҳолларда, шўр сувли денгиз билан чучук сувли кўл, денгиз ёки дарё шундоққина ёнма-ён жойлашиб ҳам қолади. Лекин **Аллоҳ таолонинг** қудрати билан улардан бирининг шўри иккинчисига уриб кетмайди, гўё ораларида бир тўсиқ бордек. Ушбу ҳолат **Қуръоннинг** 55- «Ар-Раҳмон сурасининг 19—20- оятларида ўз ифодасини топган:

«У икки денгиз (дарё) ни бир-бирлари билан учрашадиган қилиб (ёнма-ён) оқизиб қўйди.

(Аммо) у иккисининг ўртасида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) **ошиб ўтмаслар».**

Машҳур тадқиқотчи олим, капитан Кусто, бу табиат ҳодисасини мен кашф қилдим деганида, Ислом уламолари: «Йўқ, буни **Аллоҳ Қуръонда** 14 аср олдин маълум қилган, бу қудрат **Аллоҳнинг** қудрати», — деб, **Қуръоннинг** юқоридаги оятини кўрсатганлар. Натижада, табиатнинг ана шу нозик, сирли жиҳатларини ҳам четда қолдирмаган **Қуръонни** ҳақиқатан ҳам илоҳий китоб экани ва Исломнинг ҳақ дин эканини тушуниб етган Кусто, дарҳол Ислом динини қабул қилганлигини эълон қилган экан.

Яккаю ягона **Илоҳга** эътиқод қилиш бўлган ҳанифлик Иброҳим алайҳиссалом замонларидан илгари ҳам мавжуд эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг улуғ бобокалонлари Иброҳим алайҳиссалом ҳаниф эдилар. «Ҳаниф» — ҳақиқат изловчи, яккаю ягона илоҳга эътиқод қилувчи демакдир.

Муҳаммад алайҳиссалом, ваҳй онлари яқинлашган сари, кўпроқ хилватда бўлишликни ўзларига одат айлаган, вақтларини кўпинча Макка яқинидаги Ҳиро (Нур) тоғининг ғорида ўтказар, ҳатто тунлари билан у ерда қолиб, Иброҳим алайҳиссалом дини бўлмиш ханифликка мувофиқ тарзда ибодат қилар эдилар.

Нихоят, ана шундай тунларнинг бирида Муҳаммад алайҳиссаломга ҳақиқат зоҳир бўлди — илоҳий ваҳй келди. Ана шундан кейин ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломга Ислом динининг асоси бўлмиш мусулмонларнинг бош муқаддас китоби — **Қуръони карим** бўлак-бўлак, оятма-оят нозил қилина бошланди.

Ҳақ таоло томонидан биринчи маротаба 610- йил рамазон ойида, Макка яқинидаги ана шу Ҳиро ғорида, **Аллоҳнинг** бош фариштаси ҳазрат Жаброил алайҳиссалом воситаси билан «Алақ» сурасининг илк беш ояти каримаси нозил бўлди: «(Эй Муҳаммад, бутун борликни) **яратган зот бўлмиш Раббингиз номи билан ўқинг! У инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса карамли зотдир. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатган зотдир. У инсонга билмаган нарсаларини ўргатди».** (96- «Алақ» сураси, 1—5-оятлар).

Шу боисдан мусулмонликнинг илк хитоби «ўқи» амридир. Бу оятларнинг шарҳи эса қуйидагичадир: **Ўқи! Ҳамма нарсани ўқи! Аллоҳнинг** китобини ўқи! **Аллоҳнинг** оятларини ўқи! Табиат китобини ўқи! Башарнинг бутун тарихини ўқи! Илмнинг ҳар саҳифасини ўқи! Ҳар бир ҳақиқатни ўқи! Ҳар доим ўқи! Ҳидоятга эришмоқ учун ўқи! Залолатдан йироқлашмоқ учун ўқи! Иймонингни мукаммаллаштирмоқ учун ўқи! Ва бунинг учун **Аллоҳ** номи билан ўқи! **Яратганнинг** номи билан ўқи! **Ўрганмоқ** учун ўқи! Қудрат қалами бу оламга ёзган ҳар сатрни ўқи! Инсонга билмаганини ўргатган **Тангрининг** номи билан ўқи!

Исломий ҳидоятнинг бутун инсониятга қарата айтган илк хитоби ана шу «ўқи» сўзи эди.

Пайғамбаримиз маккаликларни бутга сифинишдан қайтариш ва яккахудолик этиқоди-га бошлаш учун, уч йил давомида яширин ҳаракат қилдилар, ўзлари ишонган одамларни Исломга даъват қилдилар.

Ҳазрат пайғамбаримизнинг завжаи мухтарамалари Хадичаи Кубро (арабчада Хадича) 54 ёшларида — биринчи, дўстлари Абу Бакр Сиддиқ 38 ёшларида — иккинчи, амакиларининг ўғли, яъни жиянлари Али ибн Абу Толиб карамаллоху важҳаху 9 ёшларида — учинчи, озод қилган қуллари ва тутинган ўғиллари Зайд ибн Ҳорис — тўртинчи бўлиб Исломга киришди. Улардан кейин тагин беш киши: Усмон ибн Аффон — бешинчи, Зубайир ибн ал-Аввом — олтинчи, Абдурахмон ибн Авф — еттинчи, Саъд ибн Абу Ваққос — саккизинчи, Талха ибн Убайдуллоҳ — тўққизинчи мусулмон бўлишди. Шу тариқа, маккалик илк мусулмонлар тўққиз нафарга етди. Жумладан, аёллардан илк мусулмон — Хадичаи Кубро, эркаклардан — Абу Бакр Сиддиқ, болалардан — Али ибн Абу Толиб карамаллоху важҳаху, озод қилинган қуллардан — Зайд ибн Ҳорис эдилар.

Уч йил ичида мусулмонлар атиги 30 нафарга етди. Булар намозларини масжидда очикча ўқий олишмас, уйларида ибодат қилишар, мусулмонликни яширин тарзда ёяр эдилар.

Маккада Ислом дини тарқала бошланганидан кейин, шаҳар аҳли икки қутбга ажралди: **Аллоҳнинг бирлигига ва Муҳаммаднинг пайғамбар эканлигига** ишонган, яъни иймон келтирганларга мўмин, мусулмонлар ва, ишонмаганларга мушрик ва кофирлар дейилди.

Аллоҳ таоло азим рисолатнинг тўртинчи йилида ўз расулига Ислом динини ошкора тарғиб этишга амр қилиб, **Қуръони каримнинг 15- «Ҳижр» сурасининг 94-оятини** нозил қилди: **«Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни Ҳақ динга даъватни) ошкора қилинг ва мушриклардан юз ўгиринг!»**

Шундан кейин Исломга тарғибот ошкора олиб борилди. Бунга жавобан мушрик ва кофирлар мусулмонларга ғоят катта жабр-зулм ўтказа бошладилар. Уларнинг ёмонликлари беш хил эди. Дастлабки ёмонликлари «истехзо» тарзида эди: мусулмонлар устидан кулиб, масхаралаб юришди, чунки бошида қурайшийлар Расули акрамнинг пайғамбарликларини жуда ҳам бепарволик ва беқайдлик билан кутиб олишган эди. Мушриклар Ислом динини Арабистонда анча йиллардан буён мавжуд бўлган турли динлар орасига тагин бир янги дин қўшилди деб қарашган ва индамай юришган эди. Кейинчалик бу ёмонликлар ошкора тазйик тусини олди, мусулмонларни исканжага ола бошладилар. Булар фойда бермагач, бирмунча вақтдан кейин, улар билан ҳар қандай иқтисодий, тижорий ва маданий муносабатларни кескин уздилар. Оқибатда бу ёмонликнинг охирги босқичи — «шиддат» сиёсати бошланиб, Расули акрам ва бутун мусулмонларни Маккадан чиқариб юборишларигача етди.

Мушрик ва кофирларнинг зулми ҳаддан ташқари кучайиб кетгач, рисолатнинг бешинчи санасида, яъни милодий 615- йилда 16 нафар мусулмонлар Ҳабашистонга (Эфиопия) кўчиб кетишди. Иккинчи маротаба 617- йилда яна Ҳабашистонга хижрат қилинди. Рисолатнинг олтинчи йилида Расули акрамнинг амакилари жасур саркарда Ҳамза билан мард ва қўрқмас қурайший Умар ибн Хаттоб разийаллоху анҳумолар Исломга кирдилар. Ҳазрат Ҳамза иймонга келишидан олдин, мусулмонлар 38 нафар эдилар. Ўттиз тўққизинчи мусулмон Ҳамза разийаллоху анҳу бўлган бўлса, уч кундан кейин Умар ибн Хаттоб ҳам иймон келтириб мусулмонларнинг қирқинчиси бўлди.

Шунгача мусулмонлар ибодатларини очикчасига адо этолмас эдилар. Ҳазрат Ҳамза ва Умарнинг мусулмонликни қабул қилишлари ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. Мусулмонлар намозларини масжидда очикдан-очик ўқийдиган бўлишди. Иккинчи Ҳабашистон хижратида мусулмонлар 90 нафарга, хижратнинг еттинчи йили эса 300 нафарга етганди.

Милодий 620- йил апрел ойида Расули акрам Макка билан Мино орасидаги йўлда, Макка шимолидаги Ақоба тепалигида мадиналик олти киши билан учрашиб қолдилар. Улар пайғамбаримизнинг Исломга даъватларини эшитиб, дарҳол мусулмонликни қабул қилдилар. Ислом тарихида бу воқеа «Илк Ақоба учрашуви» дейилади.

Мадинада яшаётган авс, ҳазраж қабиалари билан яхудий қабиалари ўртасида азалдан адоват, душманлик бор эди. Баҳс-мунозараларда яхудийлар: «Яқинда бир пайғамбар келади, биз унга эргашиб қувватланамиз. Ўшанда сизларни бошлаб адабларингизни бериб

кўямиз, ўч оламиз!» дейишарди. Мадиналиклар бир пайғамбар келишини анча олдин кексалардан ҳам эшитишган эди. Расули акрамнинг даъватларига жавобан мадиналиклар дарҳол Исломни қабул қилишларининг боиси ҳам шунда бўлди.

Маккалик илк мусулмонлар тўққиз нафар бўлган бўлса, мадиналик илк мусулмонлар — «ансорийлар» олти кишидан иборат эди: Асъад ибн Зарора, Рофиъ ибн Молик, Авф ибн Ҳорис, Қатода ибн Омир, Утба ибн Омир, Жобир ибн Абдуллоҳ. Бу олти мусулмон ўз юртларига қайтиб, охириги пайғамбарнинг Маккадан чиққанини айтган эдилар. Натижада, улар Мадинада мусулмонликнинг ёйилишига сабабчи бўлдилар.

Шундан кейин **Аллоҳ**нинг пайғамбари Маккада иккинчи ва учинчи маротаба мадиналиклар билан учрашганларида, мадиналик мусулмонлар 75 нафарга етди. Шундан кейин мадиналик икки қабила бошлиқлари Ҳузайр ибн Усайид ва Муоз ибн Саъд ҳам ўз қабилалари билан биргаликда Ислом динидан зийнатландилар. Шундай қилиб, мусулмонлик қисқа фурсатда Мадинага кенг ёйилди.

Расули акрам Маккадалик вақтларида, хижратдан 19 ой аввал ражаб ойининг 27-жума кунда (милодий 621- йил) **Аллоҳ**нинг амри билан Меърожга кўтарилдилар. Меърож — «уруж» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «юксалиш, кўтарилиш» (самога) деган маънони билдиради. Расулуллоҳ коинотнинг ташқарисига чиқарилдилар, ул зотга олдин илоҳий ҳақиқатлар кўрсатилди. **Ҳақ таолонинг** каломини эшитдилар, жамолини мушоҳада этдилар. Ўша кечанинг ўзидаёқ уйларига қайтдилар. Меърожда берилган ҳукмлар, илоҳий хабарлар Ислом динининг асосини ташкил этади (17- «Ал-Исро» сурасига қаранг; «исро» тунда сайр қилдирмоқ деганидир).

Меърождан аввал кунига икки марта — тонгда ва оқшомда икки ракаатдан намоз ўқиларди. Меърождан кейин, кунда беш маҳал намоз ўқиш буюрилди.

Милодий 621-йили Пайғамбаримизнинг амакилари Абу Толиб 80, уч кундан кейин эса завжалари Хадичаи Кубро 65 ёшларида вафот этишди. Абу Толиб Ислом динини қабул қилмай ўтиб кетган бўлса-да, жиянлари бўлмиш Расули акрамга кўпдан-кўп меҳрибончиликлар кўрсатди, мушрикларнинг турли-туман ёмонликларидан асради, ҳимоя қилди, ул муборак зотга узоқ вақт оталик қилди, ўз фарзандини севгандек севди, тарбиялади.

Расули акрам мушрикларнинг тазйиқлари, зулмлари ҳаддан ташқари бўла бошлаганидан кейин, рисолатнинг ўн учинчи йили, яъни милодий 622- йил 16-июлда ўз умматлари билан Маккадан Ясрибга хижрат қилдилар. (Баъзи манбаларда бу сана 23 ёки 30- сентябр деб кўрсатилган). Макка билан Мадина ораси 400 чақиримдан зиёдроқ бўлиб, туяда икки ҳафталик йўл эди. Мадинага кўчган маккалик мусулмонларга «муҳожирлар», уларга ёрдам берган мадиналик мусулмонларга, ҳали айтганимиздек, «ансорийлар» номи берилди.

Пайғамбарлик келганидан сўнг, Расули акрам Маккада 13 йил умр кечирдилар. Хижрат вақтида уларнинг ёши эллик бирда эди. Расули акрамнинг Макка даври мушрикларга қарата ваъзу насихат, тарғибот даври бўлди. Бироқ мушриклар Исломни масҳара қилдилар, тўғри келган жойда мусулмонларни таҳқирладилар, уларга турли-туман тазйиқ ўтказдилар, хуллас, қаттиқ азоб бердилар. Муслимларни қамал қилиб, яккалаб қўйиб, оч қолдирдилар. Ватанларини ташлаб чиқишга, аввал ҳабаш элига икки маротаба, сўнгра Мадинага хижрат қилишга мажбур этдилар.

Пайғамбари **Худонинг** Мадинага кириб келаётганларини эшитган бутун халқ шукуҳ билан кўзғолди: эркаклар, болалар, хотинлар, канизаклар, қуллар ул зотнинг истиқболига ошиқдилар. Эрлар, йигитлар қурол-аслаҳаларини кийиб, қарши олгани чиқдилар. Бутун халқ пайғамбари замонани ўраб олдилар. Хотинлар, болалар шеърлар айтдилар, эркаклар такбирлар айтиб турдилар, ҳаммаёқ шодиёна, катта тантана, чинакам байрамга айланиб кетди.

Ислом дини шуҳрат топди, араб қабилалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб Ислом динига ўта бошладилар. Ясрибнинг номи Расули акрамга нисбат берилиб, «Мадинат ур-Расулуллоҳ», оддийгина қилиб Мадина деб атала бошланди.

Ҳижрий 1 (милодий 622)- йилда намоз вақтини билдирмоқ учун, азон айтиш ва жума намози расм бўлди. Исломда биринчи муаззин — азон айтувчи этиб ҳабаш Билол ибн

Рабоҳ тайинланди.

Шу давргача 70 га яқин оят билан жанг тақиқланган эди, сўнгра ҳарбий тажовузларнинг олдини олиш учун, душман ҳисобланган халқлар билан жанг қилмоққа **Тангри таолодан амр келди: «Хужумга учраётган (мусулмон)ларга мазлум бўлганликлари сабабли (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодир-дир».** (22- «Ҳаж» сураси, 39-оят). Бу ҳақда тағин ана шу суранинг 60 - «Анфол» сурасининг 57—60-оятлари ҳам нозил қилинган.

Пайғамбаримиз Мадинага келганларидан кейин, қарийб ўн икки ой намоз Байт ул-Муқаддасга — Қуддусга қараб ўқилди. Ҳижрий 2 (милодий 623)- йили қибла ўзгартирилиб, жамийки мусулмонларга намозни Маккадаги Каъбага қараб ўқиш фарз қилинди. Худди шу йили рамазон ойида рўза тутиш, фитр — рўза садақаси, закот бериш, ҳайит намози фарз қилинди.

Мадинада ҳам, Маккадаги бўлгани сингари, яҳудийлар ва араблардан чиққан мунофиқлар гоҳида яширин, гоҳида очикдан-очик мусулмонларга кўпдан-кўп ёмонликлар қилиб, душманлик йўлига ўтдилар. Бундан ташқари, маккалик мушрикларнинг ҳарбий таҳдиди бошланди.

Натижада Мадинадан 80 мил (148 километр) нарида жойлашган Бадр деган қишлоқ яқинида милодий 624- йил 13- мартда Ислом душманлари билан мусулмонларнинг биринчи жанговар тўқнашуви юз берди. Бадр жангида Расулulloҳнинг ўзлари бошчилигида 313 нафар мусулмон, мушриклардан эса 950 киши қатнашди. Бу жанг мусулмонларнинг тўла галабаси билан яқунланиб, мушриклардан 70 киши ўлди, 70 киши асир олинди; мусулмонлардан 14 киши шаҳид бўлди; мушрикларнинг қолганлари эса шармандаларча тум-тарақай қочиб қолдилар.

Бу ғазотдан кейин ички душман — Мадина яҳудийлари бош кўтардилар, мусулмонлар улар устига юриш қилиб, галаба қозондилар. Бани Исроил қавмлари Мадинадан ҳайдаб чиқарилиб, Шом тарафга сургун қилинди.

Ҳижрий 3- (милодий 624)- йил 27- мартда Макка қурайшийлари Бадр жанги мағлубияти учини олиш қасдида, Абу Сўфён бошлиқ 3000 кишилик кўшин билан Мадина томонга бостириб келдилар. Мушриклар Мадина яқинидаги Уҳуд тоғи олдида қароргоҳ қурдилар. Расулulloҳ бошчилигида мусулмонлар 1000 жангчи билан уларга рўбарў бўлдилар. Мусулмонлар орасидан чиққан мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ 300 одами билан орқага қайтиб кетди; муслимлар 700 кишилик лашкар билан қолдилар. Дарвоқе, Абу Сўфён пайғамбаримизнинг катта амакилари Ҳориснинг ўғли бўлиб, пайғамбаримизнинг хотини Умму Ҳабиба ва унинг укаси, кейинчалик халифа бўлган Муовия ана шу Абу Сўфиён фарзандлари эди.

Жанг шиддатли тус олди, мусулмонлар оз бўлишларига қарамай, душман сафлари бузилиб, тоғ томонга қоча бошладилар. Лекин мусулмонлар Расулulloҳ буйруқларини эсда тутмай, баъзи бирлари белгиланган маррани ташлаб мушрикларни тартибсиз қувишга ва ғанимат, яъни ўлжа тўплашга киришиб кетиб ғафлатда қолдилар. Оқибатда Уҳуд жанги мусулмонлар мағлубияти билан яқунланди. Бу урушда ҳазрат Ҳамза разийаллоҳу анху шаҳид қилинди, пайғамбаримизнинг муборак тишларидан бири синди. Мусулмонлардан ҳаммаси бўлиб 80 киши шаҳид бўлди.

Мушриклар Мадинага ҳужум қилишни хаёлларига ҳам келтирмай, мусулмонларнинг қайта ҳужумидан қўрқиб, шитоб билан изларига қайтиб кетдилар. Ҳазрат пайғамбаримиз ҳазрат Али карамаллоҳу ваҷҳахуни душманни таъқиб этишга йўлладилар. Абу Сўфён такрор жангга киришга ботинмади. Мусулмонлар Уҳудда мағлуб бўлган бўлсалар ҳам, шу тариқа ғолибга айландилар.

Шу йили пайғамбаримизнинг қизлари ҳазрат Фотима билан жиянлари ҳазрат Али оила қуришди.

Ҳижрий 4 (милодий 625)- йилда арабларнинг лиҳён қабиласидан бир неча киши ҳазрат пайғамбаримиз даргоҳига келиб, ўзларига дин ўргатувчи кишилар юборилишини сўрадилар. Олти киши юборилди. Уларга ҳамроҳлик қилиб кетаётган хиёнаткорлар бу мусулмонлардан тўрт нафарини лиҳёнлик мушрикларга, икки нафарини эса Маккага олиб бориб, Бани Қурайш мушрикларига топширдилар. Мушриклар олти мусулмонни шаҳид қилдилар.

Шу йили арабларнинг килоб қабиласидан Абу Барро ҳазрат пайғамбаримиз ҳузурларига келиб, қабиласи учун бир неча дин муаллимларини юборишларини сўради. Пайғамбаримиз унга ишонмай, қирқ нафар дин ўргатувчиларни юбордилар. Йўлда булар қуролланган катта гуруҳ томонидан қуршаб олиниб, шаҳид қилиндилар, фақат бир кишигина қутулиб қолиб Мадинага етиб келди.

Айни маҳалда яҳудийлар ҳам турли йўллар билан мусулмонларга зимдан, хиёнаткорона, баъзида эса очикчасига иш тутиб ўзлари ҳамда атрофдаги қабилаларни мусулмонларга гижгижлар, арабларнинг қўли билан юқоридаги каби қатлиомлар уюштириб турар ва шу тариқа янги Ислом динига зарба беришга тинмай ҳаракат қилишар эди. Шу сабабдан ҳазрат Расулуллоҳ Кубо яқинидаги Бани Исроил ўғилларининг 10 кун ичида мамлакатни тарк этиб, бошқа ерга кўчиб кетишларига амр бердилар. Улар аввалига бунга рози бўлдилар, лекин хоин мунофиқлар бошлиғи Ибн Убай уларга ёрдам этажagini билганларидан кейин бу фикрдан қайтдилар. Шундан кейин мусулмонлар уларнинг қалъаларини қуршаб олдилар ва бу ерлардан умрбод бадарға қилиб юбордилар, ерлари эса муҳтож камбағалларга бўлиб берилди. Бундан ташқари, Мадинадан анча нарида яшайдиган арабларнинг Бани Мусталақ қабиласининг Мадинага ҳужум қилишлари хабари етиб келди. Расулуллоҳ бу ҳаракатни ўз вақтида, ўз жойида бостирдилар. Жами 600 киши асир олинди.

Шу йили ҳазрат пайғамбаримиз котиблари Зайд ибн Собитга иброний тилини ўрганишни амр этдилар, чунки яҳудий тилмочларга энди бутунлай ишонч қолмаган эди. Ана шу санада пайғамбаримизнинг тўнғич набиралари ва жаҳон ҳасаний саййидларининг отаси — ҳазрат Али карамаллоҳу важҳахунинг ўғли Имом Ҳасан дунёга келдилар.

Ҳижратнинг бешинчи йили, яъни милодий 626- йил 23- февралда Макка қурайшийлари атроф қабилаларидан катта ҳарбий куч тўплаб, Абу Сўфён қўмондонлигида 10000 дан ортиқ кўшин билан Мадинага ҳужум қилдилар. Бу урушда Мадинани ичкаридан мудофаа қилишга қарор қилиниб, саҳоба Салмон Форсийнинг таклифига биноан шаҳар атрофида хандақ қазилди, мусулмонлар 3000 кишилиқ кўшин билан шаҳарни мудофаа қиладиган бўлдилар. Шу боисдан бу уруш тарихда «Хандақ ғазоти» номини олди.

Мушриклар ва уларнинг иттифоқчилари Мадинани йигирма кун камал қилиб турдилар. Узоқ муддатли камалга ўрганмаган қурайш кўшинлари орасида ҳар хил низолар чиқа бошлади. Бундан ташқари тунларнинг бирида даҳшатли бўрон бошланди: дарахтларни илдизлари билан кўпориб, душман юз-кўзини туз-тупроқ билан тўлдириб, чодирларини тилкалаб ташлади. Даҳшат устига даҳшат бўлиб, челақлаб қуйгандек даҳшатли сел ёғди, мушриклар назарида ҳамма нарса уларга қарши ҳужум қилаётгандек бўлиб туюлди. **Аллоҳ таоло** томонидан ўз вақтида юборилган бу офат душманнинг ўтакасини ёрди. Даҳшатдан шу кечанинг ўзидаёқ ваҳима билан орқаларига қарамай тум-тарақай қочиб қолдилар.

Ҳазрат пайғамбаримиз мўминларга шундай хушхабар бердилар: **«Энди навбат бизникидир. Бундан сўнг қурайшийлар бизга ҳеч қачон ҳужум қила олмайдилар».**

Макка мушриклари қамалида яҳудийларнинг Бани Қурайза қабиласи кўшинлари ҳам бор эди. Бу қабила мусулмонлар билан қилган аҳдларини бузиб, мушриклар томонига ўтган эдилар. Мабодо **Аллоҳ**нинг ёрдами бўлмаганида, мушриклар Мадина кўшинини кириб ташлар эди. Энди улар билан ҳисоблашиш навбати келганди. Пайғамбаримиз ҳазрат Али карамаллоҳу важҳаҳуга байроқни бердилар, муслимларнинг Бани Қурайза яҳудийлари устига юриши бошланди. Яҳудийлар ўз қалъаларида 25 кун қуршовда қолдилар. Ниҳоят таслим бўлдилар. Ҳакам сифатида Саъд ибн Муоз жангда қатнашганларнинг қатл қилиниши, қолганлар асирга олиниши, молларини ҳарбий ўлжа қилиниши ҳақида ҳукм чиқарди. Яҳудийлар бу ҳукм Тавротга ҳам тўғри келиши туфайли уни қабул қилдилар.

Милодий 627- йилда Расулуллоҳ 1500 га яқин саҳобалари билан умра (кичик ҳаж) қилмоқ мақсадида Макка сафарига чикдилар. Улар Ҳудайбийя қудуғи номи билан аталадиган қишлоққа келиб тўхтадилар ва Каъбани зиёрат қилиш учун руҳсат сўраб қурайшийларга элчи юбордилар. Лекин қурайший мушриклар бунга рози бўлмадилар. Шундан кейин мусулмонлар яна қон тўкилишини истамай, Макка қурайшийлари билан шу йил 13- март кунини Ҳудайбийя сулҳини тузишга мажбур бўлдилар. Сулҳ шартлари қуйидагича бўлган:

1. Мусулмонлар бу йилги зиёратдан воз кечиб, Мадинага қайтадилар.
2. Келаси йил Маккага келадилар, аммо уч кундан ортиқ қолмайдилар.
3. Мусулмонлар қуролсиз келадилар.
4. Мусулмонлар Маккадаги мусулмонлардан ҳеч бирини ўзлари билан олиб кетмайдилар. Мадиналиклардан қолишни истаганлар бўлса, улар Маккада қоладилар.
5. Маккалик мусулмонлардан ёки мушриклардан биронтаси Мадинага борадиган бўлса, у орқасига қайтарилади. Мусулмонлардан биронтаси Бани Қурайшга келса, у таслим этилмайди. Сулх 10 йил муддатга тузилди.

Шундан кейин мусулмонлар, ҳажни кейинги йилга қолдириб, қайтиб кетдилар. Қайтишда, муборак 48- «Фатҳ» сураси нозил бўлди, мусулмонларга буюк фатхлар хушхабари берилди.

Ҳазрат пайғамбаримиз бу орада Византия, Эрон, Миср, Ҳабашистонга ва олис юртлардаги араб қабилалари бошлиқларига мактублар юбориб, уларни Исломга даъват қилдилар. Тавҳид дини бўлмиш Исломни ҳар тарафга маълум қилдилар. Қумушдан бир муҳр ясашиб, унга «Муҳаммадун Расулуллоҳ» деган ёзувни чектирдилар. Шу йили пайғамбаримизнинг суюкли неваралари ва жаҳон ҳусайний саййидларининг отаси, ҳазрат Али ва ҳазрат Фотиманинг ўғли Имом Ҳусайн дунёга келдилар.

Ҳижратнинг еттинчи йилида, яъни милодий 628- йилда Хайбар яҳудийлари Фатфон араблари билан аҳдлашиб, Мадинага ҳужум қилиш режасини туздилар. Расулуллоҳнинг сулх тузиш ҳақидаги таклифларини қабул қилмадилар. Шундан кейин Расулуллоҳ ўз қўшинларини олиб, зудлик билан Хайбарга етиб келдилар. Хайбар Мадина билан Сурия оралиғидаги йўл устида, боғ-роғлардан ва етти қалъадан иборат маскан бўлиб, унда асосан яҳудийлар яшар эдилар. Чунончи, Мадинадан қувилган яҳудийларнинг бир қисми бу ерларга кўчиб келган эдилар. Мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида «Хайбар жанги» бўлди ва Хайбар фатҳ қилиниб Ислом қаламравига ўтди. Хайбардаги бир зиёфат пайтида ҳазрат пайғамбаримизни заҳарламоқчи ҳам бўлдилар.

Худди шу йили зулқаъда ойида, олдин тузилган сулҳга биноан пайғамбаримиз 2000 нафар саҳобалари билан Маккага бориб, умрани адо этдилар. Қурайшларнинг буюк саркардаси Холид ибн Валид разийаллоҳу анҳу Исломга кирди. Мадинага кела туриб, йўлда Амр ибн Ос разийаллоҳу анҳу билан учрашди ва у ҳам Исломга ўтганидан кейин, иккалови биргаликда Мадинага кириб келишди. Холид ибн Валид, худди Амр ибн Ос каби, Ислом тарихидаги буюк саркардалардан бўлиб, кейинчалик унинг қўмондонлигида жангга кирган мусулмонлар бирор марта ҳам мағлуб бўлмадилар. У тарқоқ ва мазлум араб қабилаларини Эрон ва Византия империялари истибдодидан озод қилди, Ислом далдасида араб халқини ҳарбий жиҳатдан яққалам қилди. Ҳазрат пайғамбаримиз унга «сайфуллоҳ», яъни «Аллоҳнинг қиличи» унвонини бердилар.

Тагин шу йили маълум муддатга уйланиш — «никоҳи мутъа» бекор ва эшак гўшти ейиш ҳаром қилинди.

Милодий 629- йилда Суриядаги христиан араблари ҳазрат пайғамбар юборган одамларга ёмон муомалада бўлдилар. Пайғамбаримиз 3000 кишилик қўшинни Зайд ибн Ҳорис разийаллоҳу анҳу қўмондонлигида Шомга юбордилар. Эътиборли саҳобалар бўлган бу қўшинга озод қилинган қулнинг саркарда этиб тайинланиши Ислом йўл очган тенг ҳуқуқликнинг бир намунаси эди.

Ҳазрат пайғамбаримиз аскарларга қуйидаги таълимотни бердилар: «Хотинларни, болаларни, қарияларни ва кўрларни ўлдирманг, уйларни ёқиб хароба қилманг, дарахтларни кесиб вайронага айланторманг».

Мусулмонларга қарши Византия императорининг Суриядаги ҳокими 100 минг кишилик кучли қўшин тўплади. Бу лашкар бошида Рум қайсарининг укаси Теодорнинг ўзи турарди. Жанг Шомнинг Муъта деган жойида бўлиб ўтди.

Бу жангда қўмондон Зайд ва ундан кейин қўмондонликни ўз қўлига олган Жаъфар Тайёр шаҳид бўлдилар. Ана шундай қийин бир вазиятда қўмондонликни Холид ибн Валид ўз қўлига олди. Холиднинг аскарӣ истеъдоди туфайли, 3 минг кишилик Ислом лашкари 100 минг кишилик душмандан қутулиб қолди. Жанг ғолиб ва мағлуб аниқланмасдан тугади,

чунки мусулмонларни таъқиб қилишга душман журъат қилолмади. Икки томон ўз юртларига қараб кетдилар. Бу жангда Ислom қўшинидан фақат ўн киши шаҳид бўлган эди.

Холиднинг Муъта жангидан Ислom қўшинини енгилмасдан қайтариб олиб келишга араб қабилалари орасида зафар муҳитини яратган эди. Шимолда исломият ёйила бошлади. Айни маҳалда маккалик мушриклар Ҳудайбийя сулҳини буза бошладилар. Бундан ташқари, мусулмонларнинг иттифоқчиси бўлмиш Бани Ҳузoа қабиласига кураийшийлар хужум қилдилар. Ҳузoаликлар Мадинага келиб ҳарбий ёрдам сўрадилар, пайғамбаримиз Маккага ўз эътирозномаларини юбордилар. Улар эса бу эътирозномани инобатсиз қолдирдилар. Хуллас, сулҳ бузилди. Расули акрам жангга тайёрланишга амр этдилар. Маккага юриш ғоят махфий суръатда ташкил этилди. Маккаликлар ўз хатоларини англаб қолиб, сулҳни янгилаш учун Абу Сўфённи юбордилар. Расули акрам уни қабул қилмадилар, Абу Сўфён натижасиз, ҳомуш бўлиб қайтиб кетди.

Ислom нур соча бошлаган илк кезлардан бери курайш мушрикларининг мусулмонларга қарши қилмаган ёмонликлари қолмаганди ҳисоб. Ниҳоят ёвузликни жазолаш, илдизларини кўпориб ташлаш вақти келди. Шу мақсадда Расулуллоҳ 629- йил 1-январда Мадинадан Макка фатҳи сафарига чиқдилар. Йўлда дўст қабилалар қўшилиши ҳисобига қўшин сонини 12 мингга етди.

Макка йўли устида Расули акрам амакилари Аббос разийаллоҳу анҳуни учратдилар. Ҳазрат Аббос разийаллоҳу анҳу анча олдин мусулмон бўлган эди, у ҳам Ислom лашкарларига қўшилди. Расули акрам Аббосга: *«Муҳожирларнинг охиригиси сиз бўлдингиз!»* дея илтифот кўрсатдилар.

Йўллар батамом ёпилганлиги сабабли Ислom қўшинларининг бу ҳаракатидан курайшийлар беҳабар қолди. Ислom қўшинлари Маккага яқинлашдилар. Уларни кўриб маккаликлар оёғи куйган товукдек бўлиб қолдилар ва дарҳол вазиятни тўла ўрганиш учун Абу Сўфённи юбордилар. Йўлда уни Ислom лашкарининг соқчилари тутиб олиб Расули акрам хузурларига келтирдилар. Ниҳоят, Ислomнинг ашаддий душмани қўлга олдинди. Абу Сўфён ўзининг бутун қилмишлари учун фақатгина ўлимга лойиқ эди. Бироқ зоти олий, буюк инсон Расули акрам уни кечирдилар. Абу Сўфён шу ернинг ўзидаёқ мусулмонликни қабул қилди.

Расулуллоҳ бошчилигидаги Ислom лашкари ҳеч бир қаршиликсиз рамазон ойининг йигирма биринчисида, жума кунини, яъни милодий 630- йил 9-январда эрта билан «Иннофатахно» сурасини ўқиган ҳолда Маккаи мукаррамага кириб келдилар. Каъбаи шарифани бут ва санамлардан тозаладилар. Расули акрам Каъба ичида икки ракаат намоз ўқидилар ва Замзам сувидан ичиб, Макка аҳолисига умумий афв эълон қилдилар. Шундан сўнг хутба ўқиб, шариат аҳкомларини баён қилиб, таъсирли ваъзу насихатлар қилдилар. Инсонлар ўртасида тенглик, мусулмонлар орасида қардошлиқ бўлишини эълон қилдилар ва 49- «Хужурот» сурасининг 13-ояти каримасини ўқидилар. Ислom динига кўра, ҳар бир инсон яратган **Парвардигор** — **Аллоҳ**нинг қулидир ва барча инсонлар тенглигини, арабнинг араб бўлмагандан, араб бўлмаганнинг арабдан устунлиги йўқлигини баён қилдилар. Ислomда ирк, ранг, авлод-ажод, насаб фарқлари йўқдир. Фақат инсонлик бордир. Инсонлар бир-биридан юқоридаги айтиб ўтилган жиҳатлар билан эмас, балки қилган аъмоллари, эзгу ишлари билангина фарқланадилар. Энг хайрли инсон инсонларга фойдали ишлар қилган кишидир. Ислomнинг негизи ана шулардир, деб таъкидладилар Расулуллоҳ. Чунончи, ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом умумий афв эълон қилиб кўрсатган олижанобликлари билан ҳам Маккани, ҳам инсонлар кўнглини фатҳ этдилар.

Мусулмонликни янги қабул қилган эркак ва аёллар Расулуллоҳга содиқ бўлишга байъат — қасамёд қилдилар. Байъат тамом бўлиши билан ҳазрат Билол разийаллоҳу анҳу — Ислomнинг биринчи муъззини Каъба тепасига чиқиб азон айтдилар. Бу Маккаи мукаррамада ҳеч кимдан кўркмасдан баланд овоз билан айтилган биринчи азон эди.

Макка фатҳ бўлиши билан Бани Курайш қабиласи Ислomга кирди, аввалги адоват ва низолар орадан кўтарилиб, улар бир жон ва бир тандай, бир-бирларига дўст ва биродар бўлиб кун кечира бошладилар. Ислom теварак атрофга тез ва кенг ёйила бошлади. Ҳазрат

пайғамбар Маккада ўн беш кун қолдилар.

Сўнгра ўн олтинчи куни мусулмонларга қарши катта куч тўплаган Макка яқинидаги бутпараст ҳавозин қабиласининг бошлиғи Молик ибн Авфнинг бирлашган кучларига қарши йўлга чиқдилар. Молик Арабистоннинг энг катта Бани Сақиф ҳамда Бани Саъд қабиласи билан бирлашган эди. Мушрикларнинг 20 минг кишилиқ қўшини устига Расули акрам 12 минг кишилиқ қўшин билан юрдилар. Қўшинлар Макка яқинидаги Хунайн водийсида учрашдилар. Бу уруш Ислом тарихида «Хунайн ғазоти» дейилади.

Мусулмонлар душманни Автос деган жойгача қувиб бордилар ва уларни бутунлай тор-мор келтирдилар.

Ҳавозин қабиласининг бошлиғи Молик ибн Авф ўзининг қолган-қутган аскарлари билан Тоифга қочиб бориб паноҳ топди. Расулulloҳ Тоиф қалъасини бир ой қамал қилиб, кейин орқага қайтдилар. Тоифликлар бир қанча вақтдан кейин мусулмонликни қабул қилдилар ва бутларини парчаладилар.

Тоиф қамалидан кейин Расули акрам яна Маккага қайтиб, умра ҳажини адо этдилар ва ансорийлар ҳамда муҳожирлар билан биргаликда Мадинага қайтиб келдилар.

Шундай қилиб, 2 ойу 16 кун давом этган Макка фатҳи, Хунайн ва Тоиф муҳорабалари яқунланди. Ҳижратнинг бу йилида илк мартаба Мадина масжидида хутба ўқимоқ учун минбар ясалди.

Кези келган экан, эътиборга молик бир воқеани айтиб ўтиш керак. Ҳижратнинг бу йилида арабларнинг Той қабиласи мусулмонларга қарши тайёрланаётган эди. Расули акрам ҳазрат Алини улар устига юбордилар. Ҳазрат Али карамаллоҳу важҳаҳу бу қабилани тор-мор келтириб Мадинага қайтди. Олинган асирлар орасида дунёга сахийлиги билан донғи кетган Ҳотам Тойнинг қизи Сафона ҳам бор эди. У пайғамбаримизнинг олдиларига келиб: «Ё Расулulloҳ! Отам вафот этган, етимман. Ягона қариндошларимдан ёлғиз укам Адийй қочди. Озодлигимни сотиб олай десам, пулим ҳам йўқ. Сизнинг мурувватингиздан нажот тилайман. Отам ўта сахий бир одам эдилар, асирларни қутқарар, аёлларни ҳимоя қилар, фақирларга таом берар, бахтсизлардан ҳеч ёрдамини аямас эди. Мен шундай одамнинг қизиман», деди. Пайғамбари Худо: *«Сенинг отанг мусулмон бўлмаган бўлса ҳам, Ислом фазилатидаги одам эди»*, дедилар ва атрофдагиларга: *«Ҳотамнинг қизи озоддир, отаси инсонлар севган бир одам эди. Аллоҳ марҳаматли бўлганларни ёқтиради ва раебатлантиради»*, дедилар ва Сафонага кўпдан-кўп мол-мулк бериб, уни биродари ёнига юбордилар. Сафона Сурияга кетди. Кейин унинг укаси Мадинага келди ва Исломни қабул қилди. Адийй ўз қабиласига бош бўлганидан, бутун Той қабиласи ҳам мусулмон бўлди.

Чунончи, сахийлик тимсоли бўлмиш машҳур Ҳотам Той асли яҳудий қавмидан бўлиб, Ямандаги Нажд вилояти, Той қабиласининг бошлиғи бўлган. У ниҳоятда келишган, чиройли, сўзамол ва нозиктаъб шоир бўлган. Исломгача бўлган даврларда, милодий 500- йиллар охирларида яшаб ўтган. Унинг тўлиқ исми — Ҳотам Той Абу Адийй. Насаби — Ҳотам ибн Той, ибн Қаҳлон, ибн Расан, ибн Наҳшаб, ибн Қахтон, ибн Худ, ибн Омоё.

Кейинги пайтларда шимолда Рум (Византия) империяси, Эрон устидан ғалаба қозонганидан кейин, шитоб суръатларда ёйилиб бораётган исломиятни тўхтатиб қўймоқчи бўлди. Христиан динига мансуб араблар ҳам уларга қўшилган эдилар.

Бу ҳақда хабар олиниши билан, Исломга таҳдид сола бошлаган бу катта кучни йўқотмоқ учун, мусулмонлар 30 минг кишилиқ лашкар билан Византия устига юрдилар. Ислом лашкарлари Мадинадан чиқиб, Ҳижоз воҳасининг шимолида, Мадина ва Шом йўли устида жойлашган Табук деган шаҳарга етиб келдилар. Пайғамбаримизнинг шахсан ўзлари штирок этган ғазотларнинг охиргиси ҳам Табук сафари бўлди.

Табук сафарида уруш бўлмади. Қон тўкилмади. Бу ерда на Византия қўшинидан ва на араб қабилаларидан бир збғ кўринди. Мусулмонлар Табукда Византия таҳликаси йўқлигини кўрдилар. Олинган хабар ғассоний арабларининг бир фитнаси эканлиги ошкор бўлди.

Расули акрам қўшинлари билан Табукда йигирма кун қолдилар. Бу ҳарбий тадбир билан Византия императорлигининг таъзири берилган, Исломнинг шон-шухрати теваарак

атрофга ёйилган, кўзланган мурод ҳосил бўлганди.

Табукда Шомни олиш ҳақида машварат бўлиб ўтди. Аммо бу вақтда Шомда тоун — вабо касаллиги тарқалган эди. Расули акрам: *«Бирор ерда вабо, ўлат каби юқумли касаллик тарқалганини эшитсангиз, ўша ерга кирманг. Касаллик сиз турган жойда зуҳур этса, у жойдан чиқманг»*, деб марҳамат қилдилар. Бу раҳмоний тадбир ҳозирги карантинни эслатади, албатта.

Ислом лашкари шундан кейин Мадинага қайтиб келди. Шу йили ҳазрат пайғамбаримизнинг 18 ойлик ўғиллари Иброҳим вафот этди. Расулуллоҳнинг бошқа фарзандлари ҳам гўдакликларидаёқ нобуд бўлган бўлиб, айримлари турмушга чиқиб она бўлишганидан кейин вафот этишган. Ёлғиз Фотима исмли қизлари тирик қолган, пайғамбаримиз авлодлари саййидлар ва саййидалар ана шу муборак аёлдан тарқалгандирлар.

Милодий 630- йил Ҳабашистон ҳукмдори Нажжоший вафот этди. У мусулмонликни қабул қилган, мамлакатига ҳижрат қилган мусулмонларга жуда яхши муомалада бўлган эди. Ҳазрат пайғамбаримиз жамоат билан ғойибона, сиртдан жаноза намози ўқидилар.

Ҳижратнинг ана шу тўққизинчи йили тинч ва осойишта бўлди. Ҳазрат пайғамбаримиз халққа Исломни ўргатиш учун теварак-атрофга муаллимлар, қорилар юбордилар. Ҳазрат пайғамбаримиз уларга таълим бериб: *«Эҳтиётлик билан муомала қилинг, Исломни осонлаштиринг, қийинлаштирманг, нафрат уйғотиб қўрқитманг. Уюшинг, англашинг, айрилманг. Халққа юмшоқ муомалада бўлинг, шиддат кўрсатманг»*, деб уқтирдилар.

Макка фатҳидан кейин араб қабилаларидан элчилар келиб, мусулмон бўлганликларини билдирдилар. Макка фатҳ бўлганлиги туфайли илк марта ҳаж қилинаётган эди. Ҳазрат пайғамбаримиз ҳазрат Абу Бакр Сиддикни ҳаж амири қилиб тайинлаб, 300 киши билан Маккага юбордилар. Исломда энг илк адо этилган «фарзи ҳаж» ҳам шу бўлди. Ҳажда ҳазрат Али тарафидан «Бароат» сураси ўқилиб, Ислом аҳкомлари эълон қилинди. Каъбани зиёрат қилиш ишларининг қай йўсинда амалга оширилишини ҳам ҳазрат Али карамаллоҳу важҳаҳу изохлади. Бутпарастларнинг ҳаж қилиши, Каъбанинг яланғоч тавоф қилиниши тақиқланди.

Ҳижратнинг ўнинчи йилида (милодий 631) исломият бутун Арабистон яримролига ёйилди: Макка фатҳ этилди, Каъба бутлардан тозаланди, хуллас, Ислом дини қарор топди. Мадина шаҳри ҳаж этмокқа яқин ва узоқ ерлардан келган одамлар билан тўлиб кетди. Уларнинг ҳар бири фаҳри коинот Расули акрам, Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам билан биргаликда ҳажга бориб, ул зотнинг ибодат қилишларини ўз кўзлари билан кўришни орзу қилар эдилар. Зулқаъда ойининг йигирма бешинчисида, шанба куни 90 минг халқ билан Расулуллоҳ Макка сафарига чиқдилар. Улар орасида пайғамбаримизнинг завжалари ҳам бор эди. Йўлда уларга ҳад-ҳисобсиз араб қабилалари ҳам қўшилиб борарди.

Расулуллоҳ зулҳижжа ойининг тўртинчи куни Маккага кириб келдилар ва барча ҳаж амалларини адо этдилар. Ойнинг тўққизинчисида, яъни милодий 632- йил 8 март куни Арофатда 124 мингдан ортиқ ҳожиларга ўқиган хутбаларида Ислом динининг асосларини тўлиқ баён этдилар. Бу хутбадан сўнг қуйидаги ояти карима нозил бўлди: *«...Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун Исломни дин бўлишига рози бўлдим...»* (5- «Монда» сураси, 3-оят).

Шу кун Абу Сўфённинг ўғли Муовия, Абу Бакр разийаллоҳу анҳунинг отаси Абу Қаҳофа ҳам Исломга кирдилар.

Сарвари Оламнинг ҳижратдан сўнг биринчи ва сўнги ҳажлари бўлганлигидан, бу воқеа «Ҳажж ул-видоъ», видолашув ҳажи номи билан машҳур бўлди.

Расулуллоҳ туғилиб ўсган она юртларида ўн кун турганларидан сўнг Мадинага қайтиб кетдилар.

Ҳижратнинг ўн биринчи йили, яъни милодий 632- йил Расули акрам Макка ҳажидан қайтиб келганларидан кейин кўп ўтмай касалликка чалиндилар. «Моида» сурасининг 3- ояти нозил бўлган вақтда саҳобалар ҳазрат пайғамбар ҳаётининг охирлашиб қолганини сездилар. Дарвоқе, бу вақтга келиб Ислом дини узил-кесил қарор топган эди.

Самодан келиб турган ваҳй неъматини кесилди. Дин ишларининг ниҳоясига етиши пайғамбар рисолатининг ҳам ниҳоясига етишидир. Ҳазрат пайғамбар бу фоний оламдан боқий дунёга кучиш вақти яқинлашганини англадилар. Охирги ваҳй келганидан кейин 80 кун давомида бошқа ваҳй нозил этилмади (пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида, китобнинг пайғамбарлар бўлимида муфассалроқ ёритиб берилган.)

Шундай қилиб, Расули акрам, Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳижрий санага кўра рабиъ ул-аввал ойининг тўққизинчи душанба куни эрталаб, яъни милодий 571- фил йилининг 21-апрел куни таваллуд топиб, ҳижрий 11- йил рабиъ ул-аввал ойининг ўн учинчи душанба куни шомда, яъни милодий 632- йил 8-июн куни бу дунё билан видолашиб **Аллоҳ** даргоҳига рихлат қилдилар ва муборак жисмлари 10- июн чоршанба куни тупроққа топширилди.

Пайғамбар алайҳиссалом қамария йил ҳисоби бўйича 63, шамсий йил ҳисоби бўйича 61 ёшда вафот этганларида, соч-соқолларига эндигина оқ туша бошлаган эди.

Пайғамбаримизнинг таваллудлари ва вафотларининг аниқ санаси ҳақида уламоларимизнинг фикрлари турличадир, чунки ҳижрий-қамарий, ҳижрий-шамсий, милодий йилларни бир-бирига ўғирганда албатта биров фарқ юзага келади. (Ҳижрий йилни 0,97 га кўпайтириб, натижага 622 ни қўшсак, милодий йил келиб чиқади. Қолдиқ сон ҳисобга олинмайди). Қўлингиздаги китобда Муҳаммад алайҳиссаломнинг таваллудлари ва вафотлари йиллари санаси XIX асрда Мисрда яшаб ўтган Ислом дини тадқиқотчиси Муҳаммад Ҳузарийнинг «Нур-ул яқин» номли китобидан олинди. Бу китоб, Ислом олий билим юртларида махсус дарслик сифатида қўлланилади ва у энг мўътабар манбалардан деб эътироф этилган. Шу боис барча замонларнинг табаррук кишиси бўлган Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилган ва вафот этган кунлари деб бундан буён ҳижрий — милодий йил ҳисоби бўйича юқорида кўрсатилган сана қабул қилинса ва бундан кейин ёзиладиган адабиётларда бир хил кўрсатилса энг мақбул иш бўлур эди.

Тангри таолонинг Ер юзидаги бутун башариятга юборган охирги элчиси Расули акрам, Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам ўз ҳаётлари давомида, муқаддам ўтган пайғамбарлар ичида жуда ҳам оғир, мураккаб, шиддатли, машаққатли, азоб-уқубатли йўлни босиб ўтдилар.

Ҳазрат пайғамбаримиз ҳам савдогар, ҳам ибратли оила бошлиғи, ҳам мушриклар таъқибига учраган муҳожир, ҳам ажойиб воиз, ҳам адолатли қози, ҳам қонунлар жорий этувчи аллома, ҳам оддий жангчи, ҳам буюк саркарда, ҳам истеъдодли қўмондон, ҳам машҳур давлат арбоби, ҳаттоки подшоҳ бўла олган ягона пайғамбар эдилар. Ислом динининг асосчиси ҳазрат пайғамбаримизнинг муборак ҳаёти инсон камолотининг зилол, ёрқин тимсоли бўлиб қолди.

Ислом дини ҳақида **Аллоҳ таоло Қуръони каримда** қуйидагича амр қилган:

«(Эй, Муҳаммад), **Сиздан илғари Биз юборган ҳар бир пайғамбарга ҳам: «Мендан ўзга илоҳ йўқ, бас, Менгагина ибодат қилинглар» — деб ваҳй юборгандирмиз».** (21- «Анбиё» сураси, 25-оят).

«Аллоҳ рост сўзлар. Бас, ҳақ йўлда собит бўлмиш Иброҳимнинг динига эргашинглар! У мушриклардан бўлмаган», — деб айтинг.

«Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Ислом (дини)дир. Аҳли китоблар (яхудий ва насронийлар)га маълумот (тавҳид ва Муҳаммад тўғрисидаги ваҳй) келгандан кейин ҳасад юзасидан ўзаро ихтилоф (инкор) қилишга ўтдилар. Ким Аллоҳнинг оятларини инкор этса, (билиб қўйсинки,) Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчи зотдир».

Айтинг (эй, Муҳаммад): «Эй, китоб аҳли (яхудийлар ва насронийлар), биз билан сизнинг ўртамизда (аҳамияти) баробар бўлган бир сўзга келингиз — ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб бир-бирларимизни илоҳ қилиб олмайлик!» «Агар (бу таклифдан) юз ўғирсалар, (сизлар уларга): «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз», — деб айтингиз!» (3- «Оли Имрон» сураси, 95, 19, 64-оятлар).

«(Эй, иймон келтирганлар, Аллох) сизлар учун дин бўйича Нуҳга буюрган нарсани ва Биз Сизга (Муҳаммадга) ваҳй қилган нарсани, (шунингдек), Биз Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрган нарсани — шариат қилди: «Динни барпо қилинлар ва унда фирқа-фирқага бўлинмангизлар!» (Эй, Муҳаммад), мушрикларга Сиз даъват қилаётган нарса (тавҳид) оғирлик қилди. Аллох унга (динга) Ўзи хоҳлаган кишиларни танлар ва Унга инобат қиладиган кишиларни ҳидоят қилур». (42- «Шуро» сураси, 13-оят).

«(Эй, мўминлар), сизлар Китоб аҳли билан фақат энг чиройли услубда мунозара қилинлар, илло уларнинг орасидаги зулм (тажовуз) қилганлар бундан мустаснодирлар. Шунингдек, айтинлар: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ва сизларнинг илоҳингиз бир (Илох)дир ва бизлар Унгагина бўйин сунувчимиз». (29- «Анкабут» сураси, 46-оят).

«Бас, (эй, Муҳаммад), юзингиз (ўзингиз)ни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Инсонларни ўша асосда яратган Аллоҳнинг яратувчилигини (англангиз!) Аллоҳнинг яратишига ўзгартириш йўқ. Энг тўғри дин шудир! Лекин кўп одамлар билмаслар». (30- «Рум» сураси, 30-оят).

И з о х: Ҳадиси шарифда айтилишича, «Ҳар бир бола табиий хилқатда — Исломда дунёга келур. Сўнг уни ота-онаси ё яҳудий қилурлар, ё насроний қилурлар ва ё мажусий қилурлар». Демак, инсон ҳар икки дунёда ҳам руҳан, ҳам жисмонан бахтли-саодатли бўлиши учун, ўзининг яралган табиий хилқати — Исломдан ажралмаслиги лозим.

Ислом дини Ўрта Осиёга VIII асрда музаффар араб қўшинларининг бу минтақадаги давлатларни фатҳ этиши билан кириб келди. Бунгача ана шу мамлакатларда аксарият халқлар зардуштийлик динига эътиқод қилар эдилар.

Араб қўшинлари дастлаб халифа Муовия буйруғи билан қўмондон этиб тайинланган Убайдуллох ибн Зиёд бошчилигида 674- йилдан то 705- йилгача Мовароуннахр ўлкаларини бирин-кетин забт эта бошладилар. Сўнгра унинг ўрнига Хуросон ва Сейстон амири қилиб тайинланган халифа ноиби Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий 704—715- йилларда Хуросон ва Мовароуннахрнинг Қашқаргача бўлган ерларини фатҳ этади ва бу ерларда Ислом динини ўрнатади.

VIII—IX асрларга келиб Араб халифалиги кучли ривожланган империяга айланди. Айниқса Аббосийлар халифалиги даврида (750—1258 йиллар) халифаликнинг гуллаб-яшнаган олтин даври бўлган. Жаъфар ал-Мансур (754—775), Ҳорун ар-Рашид (786—809), ал-Маъмун (813—833) каби ғоят қудратли халифалар араб илм-фанига катта эътибор берар ва ҳомийлик қилган эдилар.

Халифаликнинг марказий шаҳарлари, айниқса, Бағдод иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг ривожланган шаҳарга айланди. Илмий, диний мунозаралар, музокаралар уюштирилиб туриладиган бўлди, катта-катта илмгоҳлар вужудга келди. Бу даврда биринчи академия ташкил топди ва халифа «Маъмун академияси» номи билан машҳур бўлди. Бу академияда мунозараларда шахсан халифанинг ўзи иштирок этарди. Унда гуманитар фанлар билан бирга аниқ фанлар ҳам ўқитилар ва тадқиқ қилинарди.

Мусулмон дунёси олимлари қадимги юнон олимларининг асарларини кунт билан ўргандилар ва уларни араб тилига таржима қилдилар, Сократ, Платон, Аристотель, Гиппократ, Птолемей, Евклид ва бошқа мутафаккирларнинг илмий меросларини чуқур ўргандилар. Европаликлар бу алломалар асарлари билан арабчадан ўгирилган таржима нусхалари орқали танишдилар.

Шундай қилиб, араб, қадимги турк, форс, юнон маданий бойликлари вужудга келди ва бу янги Ислом маданияти Европага ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Араб халифалиги 632- йилдан то 1258- йилгача, яъни 627 йил давом этди.

Ундан кейин Миср Аббосий халифалиги 1261- йилдан 1517- йилгача, Усмонлилар

халифалиги 1517- йилдан 1924- йилга қадар ҳукм сурди.

Ислом халифалиги жамаати 1293 йил амал қилиб, 1924- йилда Туркия Жумҳуриятининг раҳбари Мустафо Камол бошчилигидаги Миллий мажлис Усмонлилар халифалигини бекор қилиниши билан ниҳоясига етди.

Исломда олий диний раҳбарлик

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин, Исломнинг дастлабки асрларида давлатнинг диний ва дунёвий ҳаёти ягона олий мансабдор ҳоким — халифа томонидан бошқарилган. «Халифа» арабча сўз бўлиб, маъноси «ўринбосар», «ноиб». Халифа — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ўринбосари ҳисобланган. Пайғамбаримиздан кейин беш халифа — ҳазрат Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Имом Ҳасанлар (632—661- йиллар) «хулафо ар-рошидин» — тўғри йўлдан борган халифалар номи билан машҳур бўлганлар. Ҳазрат Абу Бакр, Умар, Усмон, Алилар чорёрлар деб аталганлар. Улардан кейинги ҳукмдорлар — Умавийлар (661—750- йиллар), Аббосийлар (750—1258- йиллар), Фотимийлар (909—1171- йиллар) ҳам халифа номи билан аталганлар. Имом Ҳасандан кейин умавийлар ҳукмронлиги давридан бошлаб халифалик салтанатга — подшоҳликка айлантирилган.

Халифалик Исломнинг суннийлик оқимида хос ҳокимиятни идора этиш усули бўлиб, халифа бошқарадиган давлат халифалик деб аталган. «Халифалик» ёки «Араб халифалиги» деб Яқин ва Урта Шарқда XIII асрларда мўғуллар истилосига қадар, Испанияда XV асрга қадар мавжуд бўлган мусулмон давлатларига айтилади. Бошқа мусулмон давлатларининг ҳукмдорлари — шоҳлар, амирлар, хонларнинг номзодларини халифа тасдиқлагандан кейингина, улар қонуний ҳукмдор деб тан олинган.

Суннийликда олий диний ва давлат раҳбари — Халифа, шиъаликда — Имом деб юритилади. Халифа, Имом ўз даврларида ҳам диний раҳбар, ҳам салтанат эгаси бўлган.

Мусулмонлар яшайдиган давлатларда диний раҳбарлик лавозими ҳозиргача суннийларда — «муфтий», шиъаларда — «шайх-ул Ислом» деб юритилади. Барча диний ишларни муҳим диний масалалар бўйича фатво бериш қуқуқига эга бўлган ана шу лавозимдаги мансабдор шахслар бошқариб, тартибга солиб турадилар. Жоме-масжидларининг раҳбарлари — имом-хатиблар бевосита уларнинг раҳбарлигида фаолият юритадилар.

Ислом динининг асосий қонун-қоидалари

Энди Ислом динининг асосий қонун-қоидалари, ҳар бир мусулмон билиши зарур ва муҳим бўлган масалалар билан танишиб чиқамиз.

Ислом дини ҳақида 87- «Аъло» сурасининг 8-оятда шундай дейилган: **«Биз сизни осон (динга) муваффақ қилурмиз».**

Ислом дини — **Аллоҳга** иймон келтириш, яъни тушунган ҳолда, чин дилдан **Аллоҳни** яккаю ягона деб эътироф этиш, унга бўйсунуш, бутун қалб билан ихлос қилиш демакдир.

Аллоҳга иймон келтириб, унинг пайғамбарларига эргашган киши мусулмон, муслим ёки мўмин дейилади (бу сўзларнинг маъноси бир; **Қуръони карим**да кўпинча «эй мўминлар» ёки «Эй иймон келтирганлар» деб хитоб қилинади).

Ислом динига кириш, мусулмон бўлиш учун икки иймон калимасини: 1) Калимаи тавҳид ва 2) Калимаи шаҳодатни тили билан айтмоқ ва қалбдан, чин дилдан ишониб тасдиқламоқ кифоядир:

1. **«Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ»** (маъноси: Аллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ — йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули (элчиси)дир.

2. **«Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан аъбдуҳу ва расулуҳу»** (маъноси: Гувоҳлик берманки, бир Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва яна гувоҳлик берманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расулдир.

Мусулмон бўлишни истаган ҳар қандай ғайридин ёки динсиз киши юқоридаги икки

калимани айтиб, ўзининг Ислом динига кирганлигини кўпчилик олдида эълон қилса, чин дилдан иқрор бўлиб тасдиқласа, у Ислом динига кирган, мусулмон бўлган ҳисобланади.

Бу икки калимани келтириш иймоннинг илк босқичидир. Иймоннинг яна қолган олти босқичи — шарти бўлиб, мусулмон киши ана шуларга ишонмоғи ва уларга амал қилиб яшамоғи лозим.

Шундай қилиб, суннийликда иймон (ишонч, эътиқод) талаблари 7 та:

1. **Тавҳид (вахдоният)**ни тан олиш.
2. **Аллоҳ**нинг фаришталарига ишониш.
3. **Аллоҳ**нинг барча илоҳий китобларига ишониш.
4. **Аллоҳ**нинг ҳамма пайғамбарларига ишониш.
5. Такдирга, унинг илоҳийлигига ишониш.
6. Охиратга, қиёмат қойим бўлишига ишониш.
7. Қайта тирилишга ишониш.

Ана шу етти шарт, эътиқод талаблари — иймоннинг тўлиқ асоси, устуни, яъни иймони муфассал дейилади.

Исломга янги кирувчилар, умуман ҳар-бир мусулмон тили билан — «Иймон келтирдим **Аллоҳ**га, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, такдирга, қиёмат кунига ва ўлгандан кейин қайта тирилишга», деб айтмоғи ва бунга дили билан ишонмоғи лозим.

Шиаликда эса иймон талаблари 5 та:

1. Тавҳид (вахдоният).
2. Адл (одиллик, адолат) **Аллоҳ**нинг одиллиги, яъни такдир ақидаси.
3. Нубувват (пайғамбарлик). Яъни **Аллоҳ**нинг пайғамбарларига ишониш.
4. Қиёмат; маод. Охират кунининг келиши ва ўлганларнинг қайта тирилишига ишониш.
5. Имомат (бошқариш, раҳбарлик) Мусулмонлар жамоаси ёки давлатларига диний ва дунёвий раҳбарлик, ҳукмронлик қилиш фақат Муҳаммад алайҳиссалом авлодлари — хазрат Али ва биби Фотимадан тарқалган авлодларга тегишли бўлиши керак, деб билиш. Яъни имомлар ҳокимиятини эътироф этиш. (Иймон талаби шиаларнинг 12 тоифаси ўртасида бир-биридан бир оз фарқ қилиши мумкин).

Исломнинг бу икки йўналишида иймон талабларининг фарқи шуки, шиаларда фаришталарга ва **Қуръон**дан бошқа илоҳий китобларга ишониш уларда йўқ. Уларда суннийликда бўлмаган имоматни тан олиш ва унга ишониш бор. Қолган иймон талаблари суннийлик билан тўғри келади.

1. Тавҳид (Ваҳдоният)

Тавҳид — жамийки мавжудотни, оламларни, одамларни, табиатни, жонли жонсиз маҳлуқотларни яратувчиси, эгаси ҳукмронлиги абадий бўлган, тенги ва ўхшаши йўқ, олий, улуг ва қудратли илоҳи яккаю ягона **Худо** — **Аллоҳ таоло** деб билиш ва фақат **Унга**гина сифиниш, эътиқод ва ибодат қилиш.

2. Аллоҳ таолонинг фаришталарига ишониш

Иймоннинг етти асосининг биринчиси юқорида айтганимиз — Тавҳид, яъни **Аллоҳ**нинг борлиги ва бирлигига ишониш бўлса, иккинчиси **Аллоҳ**нинг фаришталарига ишонмоқдир.

Фаришталар **Аллоҳ**нинг бутун мулкани бошқариб турувчи руҳдан иборат бўлган, латиф, оддий кўзга кўринмовчи мавжудотлари — куллари бўлиб, **Аллоҳ таоло** уларни нурдан яратгандир (эсланг: жинларни, шайтонни — ўтдан, одамни лойдан яратган эди).

Фаришталар янглишиш ва гуноҳлардан пок, **Аллоҳ**нинг буйруқларини тўлиқ, бехато, аниқ, мукаммал адо этадилар, доимо тоат-ибодатда бўладилар, ўзларича ҳеч иш қила олмайдилар, уларда ихтиёр йўқ, ўз қувватлари билан **Аллоҳ**га қарши чиқишлари ёки бировга **Аллоҳ**дан шафоат олиб беришлари мутлақо мумкин эмас. Уларга ибодат қилиш, ёрдам сўраш инсон учун хорлик, шармандалиқдир. **Аллоҳ** уларни Одам алайҳиссаломга у яратил-

ган кунда сажда (ибодат саждаси эмас, ҳурмат саждаси) қилдирган. Уларга бермаган илми Одам алайҳиссаломга бағишлаган. Аввал бошида ўзига сажда этган фаришталарга сажда қилиш, сиғиниш ўтакетган бемаънилик ва гумроҳликдир.

Фаришталарнинг вазифалари нима бўлса, шуларни бекаму-кўст бажариб юрадилар. Улар учун масофанинг аҳамияти йўқ. Ҳар қандай масофани бир лаҳзада, нурдан яратилганлари учун, ёруғлик тезлигидан каттароқ — фикр тезлигида босиб ўтадилар.

Биз уларни борлигига ишонишимиз буюрилгандир. **Аллоҳ** пайғамбарлари орқали уларнинг борлиги ҳақида бизга хабар берган. Фаришталарда емоқ, ичмоқ, чарчамоқ, ухламоқ, зерикмоқ йўқ. Уларда жинсий айирма ҳам йўқ.

Агар уларнинг киши кўзига кўринмоқлари буюрилган бўлса, улар инсонга ҳар турли тусда кўринишлари мумкин. Фаришталарнинг сон-санови ёлғиз **Аллоҳ таоло**га аён, бу ҳақда бизга хабар берилмаган. Уларнинг энг машҳурлари:

Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом — **Аллоҳ** каломини, амрини пайғамбарларга етказувчи (вахй келтирувчи) фаришта; макони еттинчи осмонда.

Ҳазрат Азроил алайҳиссалом — жонзотларнинг жонини олувчи фаришта; макони тўрттинчи осмонда. (Қуръонда ўлим фариштаси — Малак-ул мавт деб тилга олинган)

Ҳазрат Микоил алайҳиссалом — бутун жонзотлар ва махлуқотларни ризклантирувчи, ёмғир, қорларга муаккаллик қилувчи фаришта; макони тўрттинчи осмонда.

Ҳазрат Исрофил алайҳиссалом — қиёмат куни сур чалувчи фаришта (қиёматгача оғзига сурни олиб шай бўлиб туради); макони тўрттинчи осмонда.

Дардойил — ой, кун, юлдузларга муаккаллик қилувчи фаришта.

Исмойил — Ер юзидаги ўсимликлар, гиёҳларга муаккаллик қилувчи фаришта.

Зуқойил — қиёмат куни халойиқнинг савоб-гуноҳларини тарозига қўйиб тортувчи фаришта.

Аҳройил — барча уммонлар, денгизлар, дарёлар, чашмаларга муаккаллик қилувчи фаришта.

Ризвон — саккиз жаннатга муаккаллик қилувчи фаришта.

Молик — етти дўзахга муаккаллик қилувчи фаришта.

Забония — дўзах посбони бўлган фаришта.

Мункар ва Накир — инсон ўлганидан кейин уни гўрда ётганида сўроқ қилувчи фаришталар.

Шунингдек, ҳар бир кишининг чап елкасида унинг гуноҳ ишларини, ўнг елкасида савоб ишларини ёзиб борувчи фаришталар бор. Савоб ишлар ўша заҳотиёқ ёзиб қўйилади, гуноҳ ишлар эса уч кундан кейингина ёзилади, чунки инсонга қилган гуноҳларига тавба қилиш имконияти берилган.

3. Аллоҳ таолонинг илоҳий китобларига ишониш

Иймоннинг учинчи талаби **Аллоҳ**нинг ҳамма илоҳий китобларига ишонмоқдир. Китобимизнинг 7-фаслида **Аллоҳ таоло** **Ўзининг** пайғамбарларига 100 саҳифа ва 4 илоҳий китоб нозил этганлигини, шу жумладан Одам а.с.га 10, Шис а.с.га 50, Идрис а.с.га 30, Иброҳим а.с.га 10 саҳифалар, ҳамда Мусо а.с.га «Таврот», Довуд а.с.га «Закур», Ийсо а.с.га «Инжил» ва Муҳаммад а.с.га «Қуръони карим» илоҳий китоблар нозил этганлигини айтиб ўтган эдик. Ҳар бир мусулмон ана шу 100 саҳифа ва 4 илоҳий китобларга ишонмоғи шарт. «Қуръони карим» охириги илоҳий китоб бўлиб, бундан кейин бошқа илоҳий китоб нозил этилмайди. Ким буни инкор этса, кофир бўлади.

Қуръони карим араб тилидаги илоҳий китоб — муъжиза бўлганлигидан уни ўзидек таржима қилиш зинҳор ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. **Қуръони карим**ни бошқа тилдаги таржимасини таржима эмас, балки унинг мазмунининг изоҳи деб тушунмоқ керак, чунки ҳар қандай бекаму-кўст қилинган таржима ҳам уни асл маъносини бера олмайди, у фақат маънони тушунишга бироз ёрдам беради, холос. Шунинг учун **Қуръони карим**

маънолари таржимасини намозда ёки бошқа ибодатларда, таъзияларда ўқиш мутлақо мумкин эмас. Шунингдек, таржимадан ҳукм чиқаришга, ҳужжат-далил келтиришга ҳам йўл қўйилмайди.

Ислом ақидаси бўйича илоҳий китоблар — Таврот, Забур, Инжил, **Қуръони каримни** инкор этган киши кофир бўлади, **Аллоҳни** бу тўртала китобига ва саҳифаларига ҳам бирдек иймон келтиришимиз керак. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, **Аллоҳ таоло** томонидан башариятга охирги дин — Исломнинг юборилиши ва **Қуръони каримнинг** нозил қилиниши муносабати билан уч илоҳий китоб — Таврот, Забур ва Инжилнинг амал қилиши тўхтади ҳамда Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариасти ўзидан олдинги барча шариатларни бекор қилди.

4. Аллоҳ таолонинг пайғамбарларига ишониш

Иймоннинг тўртинчи шarti **Аллоҳнинг** барча пайғамбарларига ишонишдир. Китобимизнинг 6-фаслида айтиб ўтганимиздек, **Аллоҳ** тарафидан юборилган барча пайғамбарлар инсонларга фақат Ислом динидан таълим берганлар. **Аллоҳнинг** каломини, амрини инсонларга етказганлар. Яъни одамларни яратгувчи **Парвардигори оламни** ягона билиб, ундан бошқасига ибодат қилмасликни, яъни тавҳидга, юборган пайғамбарларига, охират кунига ишониб, тўғри йўлдан боришга — хидоятга тарғиб қилганлар. Бу 20- «Тоҳо» сурасининг 14-оятда аниқ ва равшан айтилгандир: «**Дарҳақиқат, Мен Аллоҳдирман! Мендан ўзга илоҳ йўқ! Бас, Менгагина ибодат қил ва Мени эслаганингда намозни адо қил!**» Демак, ҳозирги Ислом дини ўша пайғамбарлар олиб келган диннинг ўзидир. Уларнинг ҳаммаси бир, лекин шариатлари турличадир, холос.

Дин замирида қад ростлаган шариатнинг вазифаси, ибодат йўллари, ҳаётий, ижтимоий қоидалар, инсонлар орасидаги алоқа, муомала, **Аллоҳ** ҳалол ва ҳаром қилган ишлар ва нарсаларни ажратиб беришдир.

Аллоҳ таоло ҳар бир халққа, ўз даври ва шароитига қараб пайғамбарлари орқали ҳар хил шариатлар юборган. Пировардида **Аллоҳ таоло** Муҳаммад алайҳиссалом воситалигида бутун дунёга, қиёмат кунигача етадиган охирги умумий Ислом динини юборди. Бу диннинг юборилиш сабабларидан бири ўтган катта тарихий даврлар мобайнида пайғамбарлар шариатларининг бирмунча қисмлари ўзгартирилганлиги, **Аллоҳнинг** аввалги илоҳий китобларига ҳукмдорлар, роҳиблар, руҳонийлар, коҳинлар томонидан жуда кўп ўзгартиришлар киритилганлиги туфайли бу китобларнинг илоҳий кучи, аҳамияти йўқола бошлаганлиги бўлди.

Иймоннинг етти асосидан тўрттаси, яъни: Тавҳид (**Аллоҳнинг** борлиги ва бирлиги), **Аллоҳнинг** фаришталарига, илоҳий китобларига ва пайғамбарларига ишониш билан танишиб чиқдик. Энди иймоннинг қолган уч асоси — тақдирга, охиратга ва қайта тирилишга ишонмоқ билан танишсак.

5. Тақдирга ишониш

Иймоннинг бешинчи асоси тақдирга иймон келтириш, яъни яхши-ёмон ҳар нарсани **Аллоҳдан** бўлишига ишонишдир.

«Тақдир» арабча сўз бўлиб, «ўлчовли», «ҳисобли» деган маънони билдиради. **Парвардигорнинг** барча бўлажак нарсаларнинг яратилишидан, бўлмасидан бурун уларни қачон бўлишини, қаерда бўлишини, қандай бўлишини азалдан билиб тайин этиши ва белгилаб қўйишига «тақдир» ёки «қисмат» дейилади. Ана шу белгилаб қўйилган бўлажак нарсаларнинг вақти-соати келгач, **Парвардигор таоло** белгилаган ва тайин этилган шаклда содир бўлишига «қазои қадар» дейилади.

Қазо — **Тангри** таоло томонидан **Унинг** иродаси билан сабабларнинг яратилиши демақдир. **Унинг** билими орқали барча нарсалар — олам, табиат, бутун борлик, жонсиз-жонли мавжудотлар ва ҳоказолар яратилган.

Қадар — **Тангри** таолонинг яратган нарсаларини айланиши, ҳаракати. Сабабларнинг ҳаракатга келтирилиши.

Қуръони каримда қазои қадарга иймон келтириш вожиблиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Шунинг учун Ислом дини ақидаси асосларидан деб ҳисобланмаган. Лекин бу масала, бошқа табиий қонунлар каби, бир қонун эканлигига ишора этилган холос.

Тақдирни азалдан пешонага ёзиб қўйилган илоҳий қудрат деб билиш ҳамма динларда мавжуддир. Чунончи, **Аллоҳ таоло** инсонларга ирода ва фаолият эркинлигини берган. Шунга кўра, инсон ўзининг қилган ишларига ўзи масъулдир ва ўзининг қилган яхши-ёмон, савоб-гуноҳ ишларига ўзи жавоб беради. Бу ишларнинг ажрининг маълум қисмини бу дунёда, қолганини охиратда олади. Аммо бошқа диний адабиётларда, Таврот ва Инжилда ёзилишича, киши қилган гуноҳ ишлари учун жазонинг бу дунёда олинмаган қисми келгуси тўрт авлодларидан бирининг зиммасига юклатилиши ҳам мумкин экан.

Инсоннинг бошига тушган мусибатлар — бевақт ўлим, касаллик, очлик, муҳтожлик, бахтсизлик, омадсизлик ва ҳоказоларнинг барчаси замирида биз билмаган ҳикматлар, сиру синоатлар яширинган. Бу дунёда, ҳаётда, тасодиф деган нарса бўлмайди.

Барча яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам **Аллоҳ таоло** маъқул топган ва белгилаб қўйган қонуният ва ўлчовдан ташқари эмас, деб ишониш иймоннинг ажралмас қисмидир. Тақдирга ишонган киши мусибатларда ўзини йўқотмайди, ютуқлар олдида эсанкираб қолмайди. Тақдирга ишонч кишига қўрқмаслик, сабот, олға интилиш ва қалбига бошқа йўл билан етиб бўлмайдиган лаззатли ором бағишлайди, руҳий хотиржамлик бахш этади.

Оламда ҳеч иш пала-партиш эмас экан, Доно бошқарувчи борлиқни тартибли қилиб бошқараётган экан, киши ифлос, разилона хатти-ҳаракатлари эвазига яхшилик кутиши, ёки аксинча, қилган яхши амалларининг бекорга зое кетади деб умидсизланиши тақдир эътиқодига бутунлай хилофдир.

Аллоҳ таоло инсонни бу дунёга синаш учун юборган, мақсад эса одамзодни у дунёга тайёрлашдир. **Аллоҳ** инсонга ақл ва ирода-ихтиёр эркинлигини бериб қўйган. Ёмонликни яхшилик билан қайтаришга, очликни овқатланиш билан, камбағалликни — ишлаш ва тадбиркорлик билан даф қилишга буюрган.

Инсон ўз иродаси ва фаолият эркинлиги билан қилган қилмиши, яхши-ёмон амаллари билан тақдирнинг маълум қисмини ўзгартира олади. Лекин қандай қисмини ўзгартира олади, қандай қисмини ўзгартира олмайди, бу **Парвардигор**нинг сиридир. Тақдир, қазои қадар, ҳаммадан, ҳатто фаришталардан ҳам сир тугилади.

Истаганимизни қила олишимиз учун, **Аллоҳ таоло** бизни эркин қўйган. Ҳар бир ишда маълум натижа олиш учун керакли ва қўлдан келадиган ҳамма ишни қилиб, бутун чораларни ишга солиш зарур. Бошқа қила олинмаган иш қолмагандан кейин, қолганини **Аллоҳ**га топшириб, ундан умид қилиш керак. Бу Исломда таваккул дейилади. Инсон қўлидан келган барча чораларни кўриб, ўзига боғлиқ бўлган ишларни қилиб бўлганидан кейин, у ёғи **Аллоҳ таоло**нинг тақдирига ҳавола қилинади.

Агар инсон бир ишни бўлдиришга бутун чораларни кўрган бўлса-ю, аммо у иш бўлмаса, демак шу ишнинг бўлмаслиги Лавҳ ул-Маҳфуз китобида, тақдир — қисматда (пешонасига) ёзиб қўйилгани учун бўлмаганидир.

Қуръони каримда тақдир ҳақида қуйидаги ояти-карималар келтирилган:

«Токи, сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмагайсизлар ва (Аллоҳ) ато этган нарса билан шодланиб (ҳаволаниб) кетмагайсизлар. Аллоҳ ҳар қандай кибрли ва мақтанчоқ кимсаларни суймас». (57- «Хадид» сураси, 23-оят)

Хуллас, ҳақиқий мусулмон тақдирга ишонмоғи шарт. Лекин **Аллоҳ таоло** инсонга ақл ва ирода-ихтиёр, фаолият эркинлиги берганлиги туфайли барча ишларни оқилона бажаришга амр қилган. Яна қайтариб айтамизки, фақат бизнинг ирода ва ихтиёримиздан ташқари содир бўлган ишларнигина тақдирдан деб билмоғимиз керак. Чунки **Парвардигор** инсонни **Ўзининг** шакл-шамойилида яратгани учун ҳам, инсон ирода эркинлигига эга.

И з о х: *Абдуллоҳ ибн Аббос разийаллоҳу анҳу (пайғамбаримизнинг амакиси Аббоснинг ўғли)нинг ёзишича, Аллоҳнинг биринчи яратган нарсаси оппоқ марварид-*

дан «Лавҳ ул-Маҳфуз» — мангу асралувчи китоби бўлди. Сўнг қимматбаҳо ноёб тошдан қаламни яратди. Қаламнинг учи ёриқ бўлиб, у ёриқдан қаламдан сиёҳ чиққанидек, ёруелик — нур чиқар ва Аллоҳнинг барча айтганларини, амрларини ёзар экан. Лавҳда қиёматгача бўладиган воқеалар, ишлар ёзилган экан. Демак, бизнинг ирода ва ихтиёримиздан ташқари содир бўлган ишларни тақдирдан деб билмоғимиз керак.

6-7. Охиратга ва қайта тирилишга ишониш

Иймоннинг олтинчи ва еттинчи асослари, охиратга — қиёмат кунига ва ўлгандан кейин қайта тирилмоққа ишонишдир. «Қиёмат» арабча сўз бўлиб, маъноси «тикка туриш», «ўрнидан туриш»дир.

Ҳар бир нарсанинг, ишнинг боши ва охири бўлганидек, оламий ҳаётнинг ҳам аввали, охири бор, унга охират — қиёмат дейилади. Қиёмат-қойим қачон бўлишини фақат **Аллоҳ таоло** билади. Бу ҳақда хабар берилмаган.

Қиёмат ёруғ дунёнинг тугаши билан охират кунининг бошланишидир.

Аллоҳ таоло қиёмат деб аталган кунда — охиратда, бутун оламини, еру осмонни ва барча жонзотларни йўқ қилади. Кейин инсонларнинг барчасини яна ўз қудрати илоҳийси билан тирилтириб, ҳаммани маҳшаргоҳ деган махсус жойга тўплайди. У ерда ҳар бир одамнинг қўлига ўз номаи аъмоли — қилган яхши-ёмон, савоб-гуноҳлари битилган китобат топширилади. Қилган савоб-гуноҳ ишларини Зуқойил деган фаришта ўзининг махсус тарозисида тартиб ўлчайди.

Сўнгра ҳамма маҳшар билан жаннат орасида дўзах устига қурилган қилдан ингичка, қиличдан кескир Пулсирот, яъни Сирот кўпригидан ўтадилар. Кўприк остида жойлашган дўзахга иймонсизлар, даҳрийлар, кофирлар, муртадлар, мунофиқлар ва бошқа гуноҳкорлар ўтаётганларида қулайдилар. Мўмин-мусулмон гуноҳкорлар эса, Аллоҳ гуноҳларини кечиб юборса, осонгина ўтиб кетадилар, кечмаса, дўзахга қулаб, маълум муддат азобда бўлиб, охири жаннатга киритиладилар. Иймонсизлар, кофирлар, даҳрийлар, муртадлар, мунофиқлар у ерда абадий қолиб кетадилар. Баъзи бирларининг гуноҳларини Аллоҳ кечирса, маълум вақт дўзахда жазоланганларидан кейин, жаннатга киритиладилар ва жаннатда абадий ҳаёт кечиришни давом эттирадилар.

Жаннат ва дўзахдан ташқари яна аросат деган жой бўлиб, инсонларнинг қилган аъмоллари даражасига қараб у ерга юбориладилар. У ердан жаннат ва дўзах кўриниб туради. У ерга тушган инсонлар маълум вақт пушаймонлик азобини тортишгач, жаннатга киритиладилар.

Жаннатда эркаклар 33 ёш, аёллар 16 ёш ҳолларида яшаб юрадилар. Беҳиштда ўлмоқ, туғмоқ, касал бўлмоқ, ухламоқ, ишламоқ, чарчамоқ, зерикмоқ йўқ. Доим шодлик ва роҳатда абадий яшайдилар.

Дўзах етти қаватдан иборат бўлиб, бу қаватларнинг номлари: *Ховия, Лазо, Сақар, Саъир, Жаҳаннам, Сижжин, Хутама*дир. Уларга гуноҳкорлар қилган гуноҳлари даражаларига қараб тушадилар.

Жаннат саккизтадир, уларнинг номлари қуйидагича:

Дор ус-салом қизил ёқутдан;

Дор ул-хулд кумушдан;

Жаннат ун-наъим зумраддан;

Жаннат ул-аъдин лаълдан;

Жаннат ул-маъво нурдан;

Жаннат дор ул-жалол забаржаддан;

Жаннат ул-фирдавс гавҳардан;

Жаннат ул-физзо олтиндан бино қилинган.

Бу абадият жаннатлари пайдо қилинганидан бери то қиёматгача самода — еттинчи

қават осмонда муаллақ туради деб ривоят қилинади.

Жаннатга кирган кишилар бу дунёда ҳеч ким кўрмаган, эшитмаган, лаззатли ҳар хил ноз-неъматлар, Ҳавзи Кавсар сувлари, ариқларда айнамайдиган сут, асал, шарбат, шароблар оқиб туради. Жаннатда бокира хурлар билан суҳбат қурилади, улар эртасига яна бокира ҳолига қайтаверадилар.

Инсон қайта тирилиши мумкинлигини исботлаш бобида Англия микробиология олимларининг оламшумул кашфиёти улкан ҳисса бўлди. Инглиз олимлари инсоннинг охириги умуртқа поғонасининг ичида жуда ҳам кичик, тарик донасидек келадиган гавҳари — уруғи борлигини аниқлашди. Бу гавҳар шундай қобик билан ўралган эканки, у ҳеч қачон чиримас, йўқ бўлмас, ҳатто ўта юқори ҳароратга ҳам дош бера олар экан. Шуниси ажабланарлики, бу гавҳарнинг қобиғига турли кимёвий моддалар таъсир эттирилганида ҳам, у ўз хусусиятини асло ўзгартирмаган.

Бу тажрибадан, инсон жасади ёниб ёки тупроқ остида чириб йўқ бўлиб кетса ҳам, унинг гавҳари асло чиримаслиги маълум бўлди. Инглиз микробиологлари: «*Махсус бир шароитда бу гавҳардан инсоннинг янги жасади шаклланиб, сўнгра у қобикни ёриб чиқиши мумкин*» деган илмий фаразни айтмоқдалар. Гўё ўсимлик уруғидан гиёҳ униб чиқиши ёхуд тухумдан жўжа чиқиши каби.

Бу ҳақда пайғамбаримиз: «*Инсоннинг ҳамма аъзоси чириб, думгазасигина сақланиб қолур, инсоннинг қайта таркиб топтирилмоғига шу думгаза асос бўлур*», деганлар. (Имом ал-Бухорий. «Ҳадис». 3-жилд, 307-бет).

Инсон вужуди уч нарсадан: жасад, жон ва руҳдан иборат. Жасад Ер юзида вақтинча, **Аллоҳ** тақдир қилган муддатгача яшайди, сўнг ўлади, руҳ эса абадий барҳаётдир. Руҳ кўзга кўринмас нур ва қувватга ўхшайди. Масалан, электр қуввати кўзга кўринмайди, лекин электр қуввати билан ишлаб турган бирор механизмдан электр қуввати — токни узиб қўйсақ, механизм ишлашдан тўхтагани каби, инсон жасадини руҳ тарк этган ҳамано жасад ўз фаолиятини тўхтатади, яъни ўлади. Лекин руҳ охират кунигача яшайди ва **Аллоҳ таоло** қиёматда инсон умуртқасидаги гавҳар — уруғни жонлантириб, жасадни шакллантиргач, унга ўша инсоннинг ўз руҳини киргизади ва қайта тирилтиради. Бутун оламларни яратган **Парвардигор**га бу жуда осон (жасад, жон, руҳ ҳақида китобимиздаги тегишли фаслларга қаранг).

Охиратга ишонмаган одамнинг охиратга ишониб, ҳаётнинг ҳамма неъматларидан, имкониятларидан яхшироқ фойдаланиб яшаётган одамдан бахтлироқ эмаслиги оддий ҳақиқатдир. Ислом файласуф шоири Абул Аъло ал-Маъаррий (973—1057) охиратга ишонмаган фикрсиз кишиларга қарата бундай дейди:

*Табиб бирла мунажжим аҳли кўтоҳ,
Тирилмайди бадан, деб қилади даъво.
Дедим: Менга зиёнсиз, бўлса шундай,
Мен айтган бўлса, не қилгайсиз аммо?*

(А. Баишев таржимаси)

Охират, қайта тирилиш, жаннат ва дўзах тўғрисида динимиз Исломнинг таълими ана шундай. Бу ҳақда диний адабиётларда, кўпдан-кўп ажойиб, гаройиб қизиқарли ривоятлар, ҳикоялар, воқеалар ёзилган. Биз эса ана шу келтирилган ҳақиқатлар билан кифояланиб кўя қоламиз.

* * *

Давом этамиз.

Ислом дини куйидаги беш асосдан, устундан иборат:

1. Иймон — юқорида айтилган иймони муфассалга ишонмоқ ва эътиқод қилмоқ.

2. Намоз — **Аллоҳ**га кунига 5 маҳал ибодат қилмоқ.

3. Закот — мол-мулки шариат белгилаган миқдорга етганда, йилда бир маротаба улардан қирқдан бирини, яъни 2,5 фоизини бева-бечораларга, мискинларга, илм толибларига ва бошқа муҳтожларга бермоқ.

4. Рўза — ҳар йили рамазон ойида 30 кун рўза тутмоқ.

5. Ҳаж — имконияти бўлганда Маккага бориб Байтуллоҳга ҳаж (зиёрат) қилмоқ.

Ислонинг ана шу беш амали ҳар бир мусулмонга бажариш учун фарз (шарт) қилинган. Бу диний қоидалар тегишли адабиётларда кенг ва жуда яхши ёритиб берилганлиги учун, тафсилотлари ва қоидаларини қайтариб ўтирмаймиз, бу нарса китобимизнинг мақсадига ҳам кирмайди. Биз фақат Ислон динининг кишилар кўпинча бир-бириларидан сўраб-суриштириб юрадиган муҳим, нозик, қизиқарли томонларинигина қисқа ва лўнда қилиб ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Пайғамбаримиз Расули акрам Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам ўзларининг ҳадиси муборақларида Ислон динини осонлаштиринг, қийинлаштирманг, инсонларга малол келадиган қилманг, Ислонни тарғиб қилишда шиддат кўрсатманг, намуна кўрсатинг, ҳеч кимнинг дилига озор берманг деб қайта-қайта тайинлаганлар. Мана улардан баъзи бирлари:

«Бу дин жуда мустаҳкам диндир. Унда ўртачалик ва юмшоқлик билан бора-веринглар».

«Дин насиҳатдан иборатдир».

«Ибодатнинг яхшиси — енгилроғидир».

Бўндан ташқари, пайғамбаримиз яна: *«Эй инсонлар! Дин ишларида ҳаддан ошиш-ликдан сақланинглар! Сиздан аввалги умматларнинг ўлимига дин ишларида ҳаддан ошганликлари сабаб бўлди»*, дея марҳамат қилганлар.

Пайғамбаримиз ҳар бир ишда ўртачаликни тарғиб қилганлар. Яъни ҳаётда бу дунё деб у дунёдан кечманглар, у дунё деб бу дунёдан кечманглар. Бу дунёда **Аллоҳ** буюрган ишларини қилиб, яшаш учун яратилгансизлар, деганлар.

Ибодат — намоз ўқиш, рўза тутиш, зикр, **Куръон** қироати ва бошқалардир. Айни маҳалда **Аллоҳ**га манзур бўлган ҳар бир иш ибодатдир. Инсон ҳаётида **Аллоҳ**нинг айтганини қилиб юрса, ибодатда юрган бўлади.

Пайғамбаримиз саҳобаларидан Онас ибн Моликнинг ривоят қилишларича, уч киши маслаҳатлашиб: *«Аллоҳ таоло жаноби пайғамбаримизнинг собиқ ва келгуси гуноҳларини маъэфират қилган, уларни у дунёлари обод, кафолатланган. Биз ҳам ана шундай даражага яқинлашиш учун Аллоҳ таоло йўлида қўшимча ибодат тарзида ўзимизга бир машаққатни олайлик»* деб, бири — тунни доимо намоз ўқиб ўтказишга, иккинчиси — доимо рўза тутиб юришга, учинчиси аёллардан доим нари юришга ва умрбод уйланмай ўтишга қарор қилишиб, бу қарорларини жаноб Расулуллоҳга айтишди.

Расули акрам уларнинг бу гапларига жавобан: *«Аллоҳ таоло ҳақи, мен Аллоҳ таолодан сизлардан кўра кўпроқ қўрқиб тақво қилурмен, лекин мен ўз вақтида намозимни ҳам ўқийман, ўз вақтида рўзамни ҳам тутаман, ўз вақтида дам ҳам оламан, ўз вақтида ухлайман ва аёлларим билан бўламан ҳам. Кимки мени суннатларимдан юз ўгирса, у мендан эмасдур. Ҳамма нарсени ўз жойида, ўз вақтида қилинглар»*, деб жавоб қилдилар.

Энди Сизга синалган, тажрибадан ўтган ҳақиқатни айтмоқчиман.

Эй иймон келтирган дўстлар! Илгари ўтган барча пайғамбарлар буюрганларидек, дунёга келиб яшаб турганингиз шукронасига намозни адо этинг, судхўрлик балосидан ўзни халос айланг, закотни ўз вақтида улашинг, акс ҳолда **Аллоҳ** тўплаган мол-дунёнғиздан беришингиз керак бўлган закот ҳаққини турли йўллар билан бир неча баробар қилиб созуриб юборур ва келиб турган омадингизни ва давлатингизни тўсиб қўюр!

Шариат

Энди икки оғиз сўз Ислон динининг қонун-қоидалар мажмуаси — шариат ҳақида. Ислоний диний турмуш тарзи шариат қонун-қоидалари билан бошқарилади.

«Шариат» арабча сўз бўлиб, маъноси «тўғри йўл», «илоҳий йўл», «қонунчилик». Луғавий маъноси «изҳор қилмоқ», «баён этмоқ» ҳамда «йўл»дир. Шариат Ислон динининг

диний, ҳуқуқий қонунчилик тизимидир. Унда ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий меъёрлар ва диний талабларга қонун туси берилган.

Исломда давлатни ва жамиятни ҳуқуқий бошқариш **Қуръони карим** ва шариат қонунлари асосида олиб борилади. Шариат қонунлари мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланиб, **Қуръони карим** ва пайғамбаримиз суннатлари, ҳадислари — Сунна асосига қурилган. Ислом динининг кенг ёйилиши ва ривожланиши билан мусулмонларнинг барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний фаолиятини акс эттирувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилиб, Ислом илоҳиётчилари, уламолари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариатга асос қилиб **Қуръони карим**, иккинчи **Сунна**, учинчи — **ижмоъ** ва тўртинчи — **қиёс** олинган. Сунна пайғамбаримизнинг суннатлари, ҳадисларидир. Ижмоъ — яқдиллик билан қабул қилинган қарор, яъни диний жамоанинг ягона фикри, **Қуръони карим** ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда диний ҳуқуқшунослар тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқаришларидир. Қиёс (арабча; маъноси «таққослаш») — **Қуръон** ва Суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала, шунга ўхшаш масала бўйича кўрсатмага таққослаш, қиёслаш йўли билан шарҳ этилади, тушунтирилади. Булар диний қонуншуносликда — фикҳда шариат манбалари деб эътироф этилган. Шариат XI—XII асрларда тугал шаклланиб бўлган.

Шариат диндорлар ҳаётининг барча соҳаларини, ҳатто оилавий ҳаёт ва турмушнинг майда икир-чикирлари, урф-одатларини ҳам ўз ичига олган. Шариатда давлат ҳуқуқи меъёрлари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқлари, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Шариат хусусий мулкни **Аллоҳ таоло** томонидан белгиланган, доимий, ўзгармас ва муқаддас деб ҳисоблайди.

Шариат қонунлари бўйича иймонли бўла туриб, яъни иймоннинг етти асосини сақлаб, ўз эътиқодида турган киши диннинг қолган тўрт талабидан (намоз, рўза, закот, ҳаж) ҳаммасини ёки улардан бирортасини бажармаса, гуноҳ ишларни қилса, мўмин-мусулмонлигича қолади, кофир бўлмайди-ю, лекин гуноҳкор фосиқлар сафига қўшилади ва **Аллоҳ таоло**га гуноҳлари ҳисобини беради, бу дунёда ва у дунёда ажрини олади.

Аллоҳга иймони бўлиб, **Уни** инкор этмаган ҳолда, нафсу шаҳватга берилиб ёки шайтон васвасаси билан баъзи гуноҳларни қилган, фарз, вожиб, суннат каби амалларни мукамал адо этмайдиган мусулмонларни асло кофир деб бўлмайди. Бундайлар осий, яъни гуноҳкорлардир. Дилларидаги иймон-ишончлари ҳурматида улар мусулмонлар сафидан чиқарилмайдилар. Барча исломий ҳукмлар улар учун ҳам амал қилаверади. Масалан, шундай фосиқ мусулмонга жаноза, никоҳ, талоқ ва бошқа шариат аҳкомлари жорий этилаверади. Мўмин-мусулмон одам шариатда ҳаром дейилган нарсани ҳалол деса, ёки ҳалол нарсани ҳаром деса, ёхуд гуноҳ ишни бу гуноҳ эмас деса, ёинки намоз фарз эмас деса, албатта, иймондан ажралиб кофирлар қаторига қўшилади.

Ислом йўналишлари ва мазҳабларида шундай қарама-қарши фикрлар борки, биз фақат ўз ақидавий мазҳабимиз — Ҳанафий мазҳабларида қаттиқ туришимиз ва аҳли сунна уламоларининг сўзларини маҳкам тутишимиз зарур. Масалан, бизнинг ақидамиз бўйича мусулмон киши хоҳ катта, хоҳ кичик гуноҳ иш қилиб қўйса, гуноҳкор бўлади, лекин кофир бўлиб қолмайди. Аммо муътазила ва хаворижия мазҳабларининг уламолари, бунинг акси ўларок, мусулмон одам гуноҳ иш қилса, иймондан чиқиб, кофир бўлади, дейдилар.

Уламоларнинг тушунтиришларича, мусулмон одамга таҳдид қилиб: «Агар динингдан кечиб куфр сўзни айтмасанг, ўлдираман, ёки танангдан бирор аъзоингни кесиб ташлайман» деса, бу хавф аниқ бўлса, дилини иймонга мустаҳкам қилган ҳолда, тили билан буюрилган ибораларни айтишга руҳсат этилади. Бундай ночор ҳолда айтилган куфр сўзи билан кофир бўлиб қолмайди. Бу ҳақда 16- «Наҳл» сурасининг 106-оятида айтилган. Қалбида иймони бўлган инсон, гарчи гуноҳлари туфайли дўзахга маҳкум бўлган тақдирда ҳам, абадий азобда қолмайди, маълум муддатдан сўнг, иймони шарофатидан дўзахдан чиқарилиб, жаннатга киритилади. Демак биз мусулмонлар учун энг муҳими —

дилимизда ва тилимизда иймонни маҳкам сақлашимиз керак экан.

Шариатда намоз ўқиш, рўза тутиш, закот, ҳаж ва шу кабилар ҳақида батафсил кўрсатмалар берилган. Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки тур — ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик шариат шаклланиб тугалланган даврда мусулмонлар хатти-ҳаракатларини баҳоловчи беш хил меъёр белгиланди. Булар: фарз — бажарилиши қатъий, мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар; суннат (мандуб) — мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган меъёрлар; мубоҳ — ихтиёрий меъёрлар; макруҳ — номаъқул меъёрлар; ҳаром — қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар.

Ҳалол ва ҳаром масаласига келсак, шариат қонунлари бўйича **Аллоҳ таоло** тарафидан рухсат этилган емишлар, нарсалар ва ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса унинг акси — истеъмолга рухсат этилмаган нарсалар ва қилинмайдиган ҳамда таъқиқланган ишлардир. Одатда биз ҳалолни ейладиган нарсаларга ишлатиб, ейилмайдиган, зарарли нопок нарсаларга ҳаромни ишлатамиз. Аслида шариатимизда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейладиган ёки қилинадиган ишлар ҳалол. Аксинча, ижозат этилмаган нарсалар, емишлар ва ишлар ҳаромдир.

Ҳалолдан узокроқ, ҳаромга яқинроқ нарсаларни, овқатларни ва ишларни макруҳ дейилади. Ҳалол нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум. Шунинг учун бу ерда баъзи ҳаром этилган нарсаларни ва ишларни мисол келтираамиз. Ҳаром нарсалар ва ишлар — чўчка (тўнғиз), қон, ўлакса, **Аллоҳдан** ўзгага атаб қурбонлик учун сўйилган ҳайвон гўштлари, ит, ваҳший ҳайвонлар, қарға, ўлаксахўр ҳамда йиртқич қушларнинг гўштлари, маст қилувчи ичимликлар ва гиёҳлар, зинокорлик, аврат жойларини очиб юриш, ота-онага оқ бўлиш, судхўрлик, ўғрилиқ, қароқчилик, қотиллик, порахўрлик, ғийбат, тухмат, бўхтон, бадгумонлик, жосуслик, чақимчилик, ёлғончилик, бировнинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, савдо-сотикда фирромлик қилмоқ, тарозидан, ўлчовдан уриб қолмоқ, сеҳр-жоду билан шуғулланмоқ, ишга лаёқатли бўла туриб ишсиз юрмоқ ва шу кабилар шаръан ҳаром ҳисобланади.

Бизнинг «Аҳли сунна вал-жамоа» эътиқодининг ғоявий, мафкуравий асосчиси Имом ал-Мотурудийнинг таълим беришича, **Қуръонда** кўрсатилган — чўчка, тўнғиз, ўлакса, қон, **Аллоҳдан** ўзгага атаб қурбонлик учун сўйилган ҳайвон гўштидан ташқари яна қуйидаги жонзотларнинг гўштини ейиш ҳаром қилинган:

— бўри, айик, арслон, шер, йўлбарс, сиртлон, силовсин, қундуз, сувсар, маймун, тулки, ит, мушук, тимсоҳ ва тимсоҳ каби судралиб юрувчилар, кенгуру;

— қушлардан: каракас, калхат, бургут, қузғун, қорақуш, ғажир, олақарға, кўршапалак, лочин, қирғий;

— жирканч бўлган ҳайвон ва ҳашоротлардан: сичқон, чўл сичқони, кўр сичқон, каламуш, кирпи, чаён, илон, қурбақа, тошбақа, кана, суварак, ари, пашша, чивин, бит, бурга (чигиртка ва калтакесак ҳақида ҳеч нима дейилмаган);

— сув жониворларидан балиқдан бошқалари ва сувда ўлиб, сув юзига қалқиб чиққан балиқлар.

Пайғамбаримиз эшак гўштини ҳам ҳаром деганлар.

Бир киши келгани учун унинг пойқадамига сўйилган жонлиқ «Бисмиллоҳ» билан сўйилган бўлса ҳам ҳаром. Қурбонлик фақат **Аллоҳ** учун — **Аллоҳ** ризоси учун сўйилади. Савобини хоҳлаган мусулмонга бағишлашингиз мумкин. (Қаранг: Имом ал-Мотурудий. Жомъи ул-мутун. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2000, 297-298-бетлар).

Ҳаромнинг тури жуда кўп. Баъзи зарур ҳолларда ҳаром нарса ҳалол бўлиб қолади. Масалан, ҳаётни сақлаб қолиш учун егулик бошқа нарса бўлмаса ва беморга дорилик учун ҳаром қилинган нарсалардан истеъмол қилишга рухсат этилади. Чунки танамиз, жисмимиз **Аллоҳ**ниқидир, **Унинг** омонатини сақлашга мажбурмиз. Бу ҳақда, яъни буткул иложсиз қолганда ҳаром қилинган нарсалардан бирон нарсани саломат қолиш учун ўлмагудек миқдорда еса, гуноҳкор бўлмаслиги ҳақида «Бақара» сурасининг 173-оятини ва «Моид» сурасининг 3-оятини айтиб ўтилгандир.

Ширк, кофирлик, муртадлик, мунофиқлик ва осийлик

Ширк («шерик» сўзи билан ўзакдош) — яккаю ягона **Аллоҳ**ни шериги бор деб билган, бирлигини тан олмаган, яъни **Парвардигори оламни** бир нечта деб билган, жонли-жонсиз нарсаларга баробар қилган киши **Унга** ширк келтирган бўлади. **Аллоҳ**га шерик қилиш, яъни ширк келтириш **Аллоҳ таоло** асло кечирмайдиган энг оғир гуноҳ саналади. **Аллоҳ**га ширк келтирган бундай одамларни мушриклар дейилади. Бутпарастлар, санампарастлар, оташпарастлар, **Аллоҳ**нинг хотини, боласи, отаси, онаси бор деб билувчилар, **Аллоҳ**дан бошқага топинувчи ва сифинувчиларнинг барчаси мушриклардир.

Аллоҳни умуман йўқ дейдиганлар эса даҳрийлар (атеистлар) дейилади.

Амалда кўпинча кофирни — мушрик, мушрикни — кофир деб атаб келинади. Бу сўзларни асл маъноларига қараб, ўз ўрнида қўллаш лозим. Кофир сўзи куфр сўзидан олинган.

Куфр сўзи инкор этиш, рад этиш маъносини англатади. Иймоннинг етти асосидан ҳаммасини ёки биттасини, яъни **Аллоҳ**нинг бору бирлигини инкор этган, **Аллоҳ** юборган китоблари ва пайғамбарларининг ҳаммаси, ёки биттасига ишонмаган, тан олмаган, фаришталарига, охират кунига, тақдирга, қайта тирилиш, у дунё, жаннат-дўзахга ишонмаган киши куфрга кетган — кофир дейилади. Бундан ташқари, шариат ҳалол қилган нарсалар ва ишларни ҳаром деб, ёки аксинча, ҳаром қилинган нарсалар ва ишларни ҳалол деювчилар ҳам кофир дейилади. Куфр уч хил бўлади.

1. Дилида ҳам, тилида ҳам ўзининг кофирлигини аниқ айтувчи, етти иймон асосларини тан олмовчи иймонсизлар — кофирлар куфри. Бундай одамлар ҳақиқий кофирдирлар.

2. **Аллоҳ**нинг борлигини, бирлигини, **Мухаммад** алайҳиссалом унинг пайғамбари эканлигини яхши била туриб, арзимаган сабабларни кўрсатиб, қайсарлик қилиб иймон келтирмаганлар куфри. Бунга шайтони алайҳиллаъна ва **Мухаммад** алайҳиссаломнинг амакилари **Абу Толиб**нинг куфрлари мисол бўлади. Шайтон **Аллоҳ**нинг зоти сифатини била туриб унинг фармонини бажармади. Одам алайҳиссаломга сажда қилмай, тавки лаънат ва куфрга юз тутди. **Абу Толиб** эса ўз қўлида ўсиб вояга етган **Мухаммад** алайҳиссаломнинг ростгўйлигини, пайғамбарлигини яхши билар эди. Лекин ўзининг сафдошлари, бадавлат, нуфузли мушриклар олдида хижолат бўлиб қолмайин деб, ўшалар иймон келтирмагунча, мен ҳам иймон калимасини айтмайман, дея оламдан ўтиб кетди.

3. Ҳукмий куфр, яъни ҳақиқий бўлмаган куфр. Баъзи бир шариатга хилоф ишларни қилиб қўйиш ёки куфр сўзларни билиб-билмай гапириб қўйиш сабабли куфрга кетиш. Бундай одам ҳам кофир деб ҳукм қилинади. Шундай ҳолатга тушиб қолган одам учраб қолса, унга яхши насиҳатлар қилиб, тавба қилишга ва никоҳини янгидан ўқитиб олишга даъват этиш зарур.

Муртад деб, ўз динидан воз кечувчи кишига айтилади. Агар мусулмон Ислом динидан бутунлай воз кечганини ёки бошқа динга ўтганини билдирса, у муртад бўлади. Исломда қилган барча амаллари барбод бўлиб кетади. Ислом давлатларида бундай муртад кишига динга қайтишни таклиф этиб кўрилади. Қайтмаса, шариатга кўра қатлга ҳукм қилинади.

Мунофиқ деб, дилида иймони йўқ, лекин жонини ва молини сақлаб қолиш учун ёки сотқинлик, хиёнати учун ёки бирон-бир ўзига маълум мақсади учун мусулмонлар сафига қўшилган, тилида иймон калимасини айтиб, дилидаги куфрини яшириб юривчи иккиюзламачи кимсага айтилади. Бундай кишилар то тили билан куфрини очиқ баён этмагунча ёки хиёнат ишлари фош бўлмагунча, мусулмонлар қаторида юраверадилар. Исломда шубҳа асосида ёки ноаниқ далил билан қатъий ҳукм чиқарилмайди. Зоҳирига қараб ҳукм чиқарилади, ботинини эса ёлғиз **Аллоҳ** билади. Ҳамма ишлар ҳақиқатини фақат **Аллоҳ**нинг **Ўзи** билади, хоҳ бу дунёда, хоҳ охиратда ҳар кимнинг дилига ва тилига мувофиқ ҳаққоний ҳукмни **Ўзи** чиқаради.

Осий (арабча; гуноҳкор дегани) — дилида ва тилида иймони бор, аммо дин ва шари-

атга зид ҳаракат қилган кимса. Масалан, Ислом асослари, талабларининг баъзиларини бажариб, баъзиларини бажармай юрганлар кофир ёки мушрик эмас, осий, яъни гуноҳкор дейилади. Бундай осий бандалар бу дунё ва у дунёда **Аллоҳ**нинг тегишли жазолари билан жазоланадилар. **Аллоҳ** бундай осий бандаларининг гуноҳини ё кечиши, ёки кечмаслиги мумкин. **Аллоҳ** меҳрибон ва марҳаматли зотдир.

Ислом мазҳабларининг асосчилари

Муборак Ислом шариати беш диний-ҳуқуқий мазҳабдан иборат. Суннийликда: ҳанафия, моликия, шофиъия, ҳанбалия мазҳаблари, шиъаликда эса жаъфария мазҳаби бор.

Ер юзидаги жами 1,3 млрд. мусулмонларнинг 47 % ҳанафий, 27 % шофиий, 17 % моликий, 7,5 % жаъфарий (шиалар), 1,5 % ҳанбалий мазҳабидадирлар. Умумий қилиб олганда суннийлар 92,5 %, шиалар эса 7,5 % ни ташкил этади.

Имом Аъзам

«Ҳанафия» мазҳабининг асосчиси — Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699—767)нинг келиб чиқиши форслардан. Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилган. Шариат ҳуқуқларини тизимга солган. Масалаларни ҳал этишда қиёсни тадбиқ этган. Шариат қонунларини қўллашда, ҳукм чиқаришда, ҳулосага келишда аввало **Қуръони карим**, сўнгра пайғамбаримиз суннатлари — ҳадислари, ундан кейин ижмони, охирида эса қиёсни қўллаган.

Ижмоъ (арабча; маъноси «яқдиллик») — яқдиллик билан қабул қилинган қарор, диний жамоанинг ягона фикри; **Қуръони карим** ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал этишда диний ҳуқуқшуносларнинг ягона фикри асосидаги ҳукми фатвосига айтилади. Ана шундай йўл билан ҳулоса ва ҳукмларни мусулмонлар жамоаси учун маъқулроқ ва фойдалироқларини қабул қилиш қонун-қоидаларини ишлаб чиққан. Маҳаллий ҳуқуқ, меъёр ва одатларни шариат билан келиштириб қўллашни жорий этган. Ҳуқуқшуносликка ақл-идроқ, мулоҳазақорлик билан иш кўриш тадбирларини киритган.

Халифаликнинг бош қозиси вазифасини зиммасига олишдан бош тортгани учун, халифа ал-Мансур (754—775 йилларда ҳукмдорлик қилган) томонидан зиндонга ташланган ва калтаклаб ўлдирилган. «Ал-Фикҳ ал-акбар» (Буюк ҳуқуқшунослик) номли машҳур китоб ёзиб қолдирган. Қабри Бағдод шаҳрининг Аъзамия маҳалласида.

Ҳанафия мазҳаби Сурия, Туркия, Мовароуннаҳр (Туркистон), Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

Имом Молик

«Моликия» мазҳабининг асосчиси — Абу Абдуллоҳ Молик ибн Онас (713—795) Мадинаи мунавварада туғилган.

Ҳуқуқий масалаларда **Қуръони карим** ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга, тушунтиришга қарши чиққан. Муҳаммад алайҳиссалом даврларидаги анъаналарни, ҳадис тарафдорларини ёқлаган. Умрининг охирида зоҳидликка берилган ва тарки дунё қилиб узлатда яшаган. Ягона асари — «Ал-Муваттаъ» (оммабоп, барчага тушунарли). Бу асар илк ҳадис тўпламларидан ҳисобланади.

Қабри Мадинаи мунаввара шаҳридадир. Моликия мазҳаби Ҳижоз, Ливия, Жазоир, Мағриб, Мавритания, Нигерия, Судан ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган.

Имом Шофиъий

«Шофиъия» мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767—820) Фаластиннинг Ғазза шаҳрида дунёга келган. Маккада яшаган, ҳадислар ва фикҳни ўрганган. Яманда қозилик лавозимини эгаллаган.

Ҳазрат Али авлодлари бўлмиш саййидлар билан яқинлашганлиги учун, қамокқа олинган. Афв этилгандан сўнг, Мисрга кетиб, Молик ибн Онаснинг шогирди сифатида фаолият бошлаган. 810-йиллардан бошлаб Бағдодда ўз таълимотини тарғиб қилган.

Асарларида Ислом ҳуқуқини анъанавий меъёрлар билан боғлашга интилган. Фикҳ асосларига тўла таъриф берган, ижмоъдан фойдаланишга катта эътибор берган.

Имом Шофиъий асарларини шогирдлари «Китоб ал-умм» тўплами шаклига келтирганлар. Имом Шофиъий таълимоти Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларга келиб, Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда Миср, Индонезия мусулмонлари орасида, Малайзия, Филиппин, Тайланд, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман, Сурияда ва Арабистон яримороли жанубидаги мамлакатларда «шофиъи» мазҳабига амал қилувчилар бор.

Туркистонда ҳам IX—XII асрларда тарқалган, кейинчалик ривожланишдан тўхтаган, ханафийлик устун мазҳабга айланган. Ҳазрат Имом Қафғол аш-Шошиъ шофиъий уламо-ларнинг буюги саналади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал

Ҳанбалия мазҳабининг асосчиси Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал аш-Шайбоний (780—855) Бағдодда туғилди. Суннийликдаги тўрт диний-ҳуқуқий мазҳаблардан охиргиси — «ханбалия» мазҳабининг асосчиси ва имоми. Мўътазилийларга қарши курашган.

«Ҳанбалия» ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат меъёрларига қатъий, ҳеч бир ўзгаришсиз риоя қилиши билан ажралиб туради. Бу мазҳабда Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этишдаги ҳар қандай уринишлар қораланади. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Мазҳаб вакиллари мўътазилийларга қарши курашган Имом Аҳмаднинг ўзи Халифа ал-Маъмун (Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли) ва унинг ворислари ҳукмронлигида мўътазилийлар таълимоти амал қилиб турганда бир неча марта қамалган ва жазоланган.

Диний ҳуқуқ ва ҳадисшунослик соҳасида олти жилдлик «Муснад» (суянчик; тиргак) асари бизгача етиб келган.

Ҳанбалия XII асрда мустақил мазҳабга айланган. X асрда Эронда, XI—XV асрларда Сурия ва Фаластинда Имом Аҳмад издошлари кўп бўлган. Кейинги асрларда бу мазҳаб тарафдорлари яна камайиб кетган. XVIII асрда ваҳҳобийлар Ибн Ҳанбал тарафдори бўлиб чиққанлар ва подшоҳ Абдулазиз ибн Сауд, Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олгач, 1932-йилда Имом Ҳанбал қонунларини амалга киритганлар. Бу мазҳаб қонунлари Саудияда ҳозир ҳам амалда. Ҳанбалия Саудия Арабистонидан бошқа мамлакатларда жуда кам учрайди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Араб Халифалиги пойтахти Бағдодда вафот этган.

Шиъалар имоми Жаъфар ас-Содиқ

Шиъаликдаги жаъфария Исломдаги бешинчи диний-ҳуқуқий мазҳаб бўлиб, унинг асосчиси шиъаларнинг олтинчи имоми Жаъфар ас-Содиқ (700—765)дир

Имом Жаъфар пайғамбаримизнинг жиянлари ва куёвлари ҳазрат Али ва қизлари Фотиманинг иккинчи ўғли Имом Ҳусайннинг кабира (панневара)ларидир.

Аслида бу тизим бир қатор илоҳиётчилар томонидан IX—X асрларда ишлаб чиқилган. Бунда Имом Жаъфарнинг хизмати бўлмаган, ундан фикҳ ва илоҳиётга оид ҳеч қандай асар ҳам қолмаган бўлса-да, бу шиъалик диний-ҳуқуқ тизимига унинг номи берилган ва у суннийлардаги тўрт мазҳаб қатори Исломдаги бешинчи диний-ҳуқуқий мазҳаб ҳисобланади.

Жаъфария XVI аср бошларидан Эронда ҳукмрон диний-ҳуқуқий тизимга айланган, кейинчалик Ироқ, Судан ва бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Эрон ва Ироқдаги шиъалар орасида бу мазҳаб ҳозирда ҳам амал қилиб келади.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа кўп мамлакатларидаги халқлар Имом Аъзам

Абу Ханифа мазҳабига амал қиладилар.

Ҳар бир мусулмон ўзи амал қилаётган мазҳабини тўғри дейиши билан бирга, бошқа мазҳабдагиларга нисбатан чуқур ҳурмат ва иззат-икромда бўлиши лозим. Чунки мазҳабларнинг қанчалик тўғри ёки хато эканлиги фақат қиёмат кунини маълум бўлади.

Сидқидилдан ибодат қиладиган ҳар бир киши учун савоб ёзилмай қолмайди.

Аллоҳ Ўзининг яратган бандаларига ниҳоятда меҳрибон ва қарами кенг бир зотдир!

Ислом динидаги йўналишлар, оқимлар ва фирқалар

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан анча ўтиб вафот этган тўртинчи халифа ҳазрат Алидан кейин юз берган дастлабки ихтилофлар оқибатида, Исломда турли йўналишлар, оқимлар, фирқалар (шаҳобчалар), фикҳ-ҳуқуқ илмидаги мазҳаблар, сўфийлик тариқатлари (сулуклари) вужудга келди.

Биз бу ҳақда қисқача маълумотга эга бўлишимиз кифоядир. Чунки батафсил маълумотга эга бўлишимиз учун, бу ҳақда бир неча китоб ёзишга тўғри келади. Шундан бизнинг мақсадимизга кирмайдиган мавзуга қизиқувчилар тегишли адабиётларни топиб ўқийдилар деб умид қиламиз.

Шундай қилиб, Исломда дастлаб VII асрнинг иккинчи ярмида, диний, мафкуравий жиҳатдан уч асосий йўналиш — хорижийлик, суннийлик, шиъалик пайдо бўлди. Булар орасида суннийлик энг катта бўлиб, жаҳондаги барча мусулмонларнинг 92,5 фоизи суннийлар, қолган 7,5 фоизи шиалар ҳисобланади. Суннийлик йўналишида ихтилофлар анча кам бўлган, унда ҳеч қандай фирқалар ажралиб чиқмаган. Тўрт мазҳаб амалда бўлган. Фақат XVIII—XIX асрларда ваҳҳобийа ва XIX асрда аҳмадия оқимлари вужудга келган. Аҳмадия оқими кейинчалик Исломдан бутунлай четга чиққанлиги боис, Араб Давлатлари Лигаси ва бошқа мусулмон давлатлар аҳмадияни Исломга умуман алоқаси йўқ оқим, унинг тарафдорлари мусулмон эмас, деб эълон қилдилар.

Бошқа барча оқимлар ва фирқалар шиъаликда пайдо бўлди.

Суннийларда тўрт мазҳаб — ҳанафия, моликия, шофиъия, ҳанбалия бўлса, шиъаларда фақат жаъфария мазҳаби мавжуд. Бундан ташқари, суннийликда иймон, ишонч, эътиқод, тушунчаси бўйича ва тақдир, қисмат, қазои қадар ва ирода эркинлигини тушуниш юзасидан ҳамда шариат, ҳуқуқ — фикҳ илмлари борасида бир-биридан фарқ қиладиган диний-ҳуқуқий мазҳаблар, оқимлар, фирқалар, шаҳобчалар, сўфийлик-тасаввуф тариқатлари, жамоалари пайдо бўлган. Улардан барчасининг таълимотларига *Қуръони карим* асос қилиб олинган.

Исломдаги уч асосий йўналиш

Ислом динига амал қилувчилар маълум сабабларга кўра уч йўналишга ажралдилар. Улардан дастлабкиси хорижийлик бўлиб, кейингилари суннийлик ва шиъалик.

Хорижийлик ҳозирги даврда умуман йўқ бўлиб кетган. Суннийлик ва шиъалик ҳозирги кунгача амал қилиб келади. Бугунги кунда Ислом дини ана шу икки йўналишда кетмоқда.

Х о р и ж и й л и к (арабча: «четга чиққанлар», «ташқариликлар» маъносини билдиради) Исломдаги илк йўналиш бўлиб, халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида VII асрда вужудга келган. Халифалик учун курашда Али, Муовия тарафдорлари — умавийлар билан жангни охиригача олиб бормай, ғалабага яқин қолганда улар билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол ҳазрат Алини ҳақиқий халифа, яъни пайғамбар вориси деб ҳисоблаган мусулмонларнинг норозилигини тугдирган. Кўшиннинг бир қисми Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетганлар ва кейинчалик Алининг ўзига ҳам, умавийларга ҳам қарши баб-баравар кураш бошлаб юборганлар. Худди ана шу гуруҳ тарафдорлари «хорижийлар» деб ном олган.

Хорижийлар таълимоти бўйича халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунди. Ҳар қандай тақводор мусулмон, у қул ёки ҳабаш бўлса ҳам, халифа этиб сайланиши мумкин. Агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса, вазифасидан

бўшатилади ва ҳатто қатл этилиши ҳам мумкин. Уларнинг фикрича, мусулмоннинг эътиқоди қилган амалий ишига тўғри келмаса, гуноҳкор ким бўлишидан қатъи назар, дарҳол жазога тортилиши керак. Улар бу масалада муржийларга қарама-қарши турганлар.

Кейинроқ, VII—IX асрларда умавий ва аббосий халифалар хорижийларга қарши кескин кураш олиб бориб, уларни деярли қириб ташлаганлар. Хорижийларнинг омон қолган озгина қисми эса бир неча майда гуруҳларга бўлиниб йўқ бўлиб кетган.

Ҳозирги даврда хорижийларнинг ибодийлар фирқаси Мағриб мамлакатларида — Жазоир, Тунис, Уммон, Танзанияда жуда оз бўлса ҳам учрайди.

Суннийлик деб, диний қонун-қоида ва тартиботларга амал қилишда **Қуръони карим** ва пайғамбаримиз ҳадислари — «Сунна»га бирдек риоя қилувчиларга айтилади. Суннийлик йўналиши «Аҳли сунна вал жамоа» деб аталади ва бу йўналиш тўртта фикхий мазҳабдан — ханафия, шофиъия, моликия, ханбалия ва икки ғоявий, ақидавий, мафкуравий — ашъария ва мотуридия таълимотларидан иборат.

«Сунна» арабча сўз бўлиб, одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи маъноларини англатади. Ислолда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, қилган ишлари, хатти-ҳаракатлари, ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар ҳадис дейилади. Ҳадислар тўплами эса «Сунна» деб ном олган.

Сунна Ислолда **Қуръони карим**дан кейинги, уни тўлдирувчи манба, Ислол илоҳиёт-шунослиги ва шариатининг иккинчи муқаддас асоси сифатида эътироф этилган.

Ҳадислар VII аср ўрталаридан (умавий халифа Умар ибн Абдулазиз фармонидан сўнг) бошлаб жамлана бошланган, IX асрга келиб ягона тизимга солинган ҳамда дин, ахлоқ ва фикҳ — Ислол қонуншунослигининг муқаддас манбаига айланган.

Суннийлар барча халифаларни, жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Алиларни эътироф этадилар. Шиъалар эса фақатгина ҳазрат Алини ҳақиқий халифа сифатида тан оладилар.

Суннийлар учун Макка ва Мадина шаҳарлари зиёрат ва ҳажга борадиган муқаддас шаҳарлар ҳисобланади, ҳажга шиъалар ҳам қисман борадилар.

Ҳокимият масаласида суннийлар — халифалик, шиъалар эса имомат тарафдори. Шиъалар пайғамбаримиз вафотларидан кейин, диний ҳокимият фақат ҳазрат Али ва Фотима авлодларига тегишли деб биладилар, шу боисдан дастлабки уч халифани тан олмайдилар. Айрим диний маросимлар, урф-одатлар ва анъаналарда ҳам бирмунча фарқ бор.

Суннийликда тўрттала мазҳаб — ханафия, моликия, шофиъия, ханбалия тенг ҳисобланади. Бу мазҳаблар диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқариши билан бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир мусулмон қайси мазҳабда бўлса, ўша мазҳабда қолиши ва унга амал қилиши лозим. У мазҳабдан бу мазҳабга ўтиш маъқул кўрилмайди, одобга зид бўлади.

Бизнинг юртимизда азалдан фикҳда ханафийлик, ақидада эса мотуридийлик таълимотларига амал қилиниб келинади.

Шиъалик («шиъа» сўзи арабча бўлиб, маъноси «гуруҳ», «тарафдор»дир) аслида гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар диний таълимотдаги тафовут шаклида ҳам барқарорлашди.

Шиъалар, худди суннийлар сингари, **Қуръони карим**ни илоҳий деб эътироф этадилар. Шиъа илоҳиётчилари **Қуръони карим**нинг мазмунини мажозий — кўчма маънода талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Улар фақат ҳазрат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳадисларни тан олганлар ва шундай ҳадислардан иборат мустақил тўплам тузганлар. Бу тўпламлар умумий ном билан «Ахбор» деб аталган.

Шиъалар ҳазрат Али ва унинг авлодларидан иборат 12 имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан ҳазрат Алидан бошқа барча халифаларни, хусусан дастлабки халифалардан Абу Бакр, Умар, Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайдилар. Шиъаларнинг 12 имоми қуйидагилар:

1. Али ибн Абу Толиб (601—661)
2. Имом Ҳасан (625—669)
3. Имом Ҳусайн (627—681)
4. Зайнулобидин Али (вафоти 713)
5. Муҳаммад ал-Боқир (вафоти 732)
6. Жаъфар ас-Содиқ (700—765)
7. Мусо ал-Козим (вафоти 799)
8. Али ар-Ризо (вафоти 818)
9. Муҳаммад ат-Тақий (вафоти 835)
10. Али ан-Нақий (вафоти 868)
11. Ҳасан ал-Асқарий (846—873)
12. Муҳаммад ал-Маҳдий ал-Асқарий (868-йили туғилган, 877-йилда 9 ешида ғойиб бўлган)

Имомларнинг баъзиларигина ўлдирилган ёки заҳарланган, лекин шунга қарамай имомийлар уларнинг барчасини халифалар томонидан ўлдирилган деб ҳисоблайдилар, уларни жабрдийда ва дин йўлида шаҳид бўлганлар деб мотам тутадилар. Ўн иккинчи имом — Муҳаммад ал-Маҳдийни яширинган деб ҳисоблаб, унинг қайтиб келишини кутиш ҳозиргача шиъалар орасида анъана сифатида сақланган. Суннийлар орасида ҳам Имом ал-Маҳдийнинг келишига ишонилади. У охирзамонда келиб, Ийсо алайҳиссалом билан бирга Дажжол, яъжуж-маъжуж ва бошқа кофирлар билан урушиб, уларни енгадилар ҳамда Ерда қиёмат-қойим бўлишидан олдин адолат ўрнатадилар ва инсонлар улар даврида бахтли ҳаёт кечирадилар деб ишонилади.

Имомлар ва имомзодалар дафн этилган жойлар ҳозир ҳам шиъалар учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади, хатто улар учун ҳаж қилиш ўрнини босади. Бундай «муқаддас жойлар» Нажаф, Карбало, Козимайн (Ироқ), Мадонин, Машҳад, Қум, Шоҳ Абдулазим (Эрон) шаҳарларида жойлашган. Улар Макка ва Мадинани ҳам муқаддас ҳисоблайди.

Шиъалар Имом Ҳусайнга мотам тутадилар. Ҳар йили муҳаррам ойининг дастлабки ўн кунлигида мотам тутиб диний юриш қиладилар, «шаҳсей-вахсей» («Шоҳ Ҳусайн, воҳ Ҳусайн» сўзларининг тез айтилгани) деб қичқирадилар ва ўзларига азоб бериб, кўчаларга чиқадилар.

Шиъаларда, юқорида айтганимиздек, жаъфария мазҳаби амал қилади.

Ҳозирги вақтда шиъалар Эрон, Ироқ, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон ва Тожикистоннинг Помир тоғлари атрофида бор.

Ҳозирги вақтда шиъаликнинг асосий таянчи Эрон Ислом Республикасидир. Шиъалик у ерда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Бу мамлакатда давлатнинг олий диний раҳбари бутун жаҳон шиъаларининг раҳнамоси — имоми Оятуллоҳ Рухуллоҳ Мусавий Ҳумайний бўлган.

Оятуллоҳ Ҳумайний 1901- йил туғилиб, 1989- йил 3-июнда 88 ёшида ошқозон-ичак касаллигидан хасталаниб оламдан ўтди. 1979- йил Эрондаги инқилобдан кейин монархлик тузуми ағдарилгач, мамлакатга диний раҳбар — имом этиб сайланди. Оятуллоҳ Ҳумайний вафот этгач, Эрон президенти 40 кунлик умумхалқ мотами эълон қилди, 6-июнда унинг жасади мумиёланди. Унинг ўрнига 1939- йил 15- июлда туғилган, икки марта — 1981- ва 1985- йилларда Эрон Ислом Республикасининг президенти этиб сайланган — Саид Али Ҳумайний мамлакатга энг олий диний раҳбар — имом қилиб сайланди. Эрон Ислом Республикаси конституциясида имомнинг давлат устидан диний раҳбарлиги белгилаб қўйилган. Имом айни маҳалда давлат сиёсатини ҳам белгилаб беради.

«Оятуллоҳ» арабча сўз бўлиб, «Аллоҳ мўъжизаси» деган маънони беради. Шиъаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган «мухтаҳид» унвони бўлиб, Эрон ва Ироқда ҳар қандай сиёсат, иқтисодий тадбир унинг розилиги билан амалга оширилади. Оятуллоҳ унвони юзлаб уламоларда бор. Улардан бир нечасигина «оятуллоҳи узмо» (буюк оятуллоҳ), энг юксак обрўга эга бўлган биттаси эса, «маржаъи тақлид» (тақлид қилинадиган инсон) деб аталади ва у барча шиъаларнинг олий раҳномаси деб тан олинади.

«Имом», «имомат», «имомийлар» деган сўзларнинг маъносига ҳам тўхтайлик.

Имом (арабча «олдинда турувчи») — Ислом динида мусулмонларнинг раҳбари, бошлиғи. Имом атамасининг мазмуни: 1) суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари ёки буюк имом (ал-имом ал-кабир), яъни халифа; 2) суннийликдаги шариат мазҳабларининг асосчилари ҳам имом деб аталади (Имом Аъзам, Имом Молик ибн Онас, Имом Шофиъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал); 3) шиъаликдаги энг юксак раҳнамо ҳисобланган

ҳазрат Али ва унинг авлодлари ҳам имом деб аталади; 4) суннийликда ҳам, шиъаликда ҳам ҳар бир масжидда намозни бошқариб борувчи руҳоний ҳам имом деб, масжид раҳбари эса имом-хатиб (арабча «тарғиботчи», «нотик») деб аталади.

Имомат (арабча «бошқариш, раҳбарлик») — шиъаликда давлатни бошқариш ҳуқуқи. Бунда мусулмонлар жамоаси ёки давлатида фақат Муҳаммад алайҳиссалом авлоди — ҳазрат Али ва пайғамбаримизнинг қизи Фотимадан тарқалган авлодлар ҳукмрон бўлиш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

Имомийлар — шиъаликдаги асосий оқимлардан бири, Али авлодларига мансуб 12 имомни тан олувчи шиъалар. Имомийлар фикрича, имомат фақат пайғамбар авлодларига тегишли бўлиб, улар илоҳий моҳиятга ва ғайриинсоний билимга эгадирлар.

Имомийлар имомнинг сайлаб қўйилишини рад этадилар. Улар ўзларини, барча имомларни жабрдийдалар деб биладилар ҳамда уларни азиз тутадилар. Имомийлар таълимоти ҳозирги Эроннинг давлат дини ҳисобланади. Имомийлар Ироқда аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Имомийлар жамоалари Ливан, Кувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони, Иордания, Афғонистон ва бошқа мамлакатларда ҳам бор.

Исломдаги асосий йўналишлар, оқимлар ва мазҳаблар

Ислом уч асосий йўналишга эга:

1) Хорижийлик; 2) Суннийлик; 3) Шиъалик, деб юқорида айтиб ўтдик.

Исломдаги беш асосий диний-ҳуқуқий мазҳаблар:

Суннийликда Ҳанафия, Моликия, Шофиъия, Ҳанбалия ва шиъаликдаги Жаъфария. Бу мазҳаблар ҳам юқорида айтиб ўтилди.

Оқимлар:

1) Имомийлар; 2) Усулийлар; 3) Ахборийлар; 4) Муржийлар; 5) Рофизийлар; 6) Жабарийлар; 7) Қадарийлар; 8) Муътазилийлар; 9) Ботинийлар; 10) Зоҳирийлар; 11) Мутакаллимлар (ашъарийлар); 12) Ваҳҳобийлар; 13) Аҳмадия (қодиёнийлар) ва бошқалар.

Фирқалар (шаҳобчалар):

1) Зайдийлар; 2) Исмоилийлар; 3) Қарматийлар; 4) Мусталийлар (хашшошийлар); 5) Друзийлар; 6) Нусайрийлар (алавийлар); 7) Алиилоҳийлар; 8) Ҳуруфийлар; 9) Азракийлар; 10) Ибодийлар; 11) Бобийлик; 12) Баҳойлик; 13) Махдийлик; 14) Равшанийлар; 15) Кайсонийлар; 16) Мушаббаҳийлар (хашвийлар); 17) Жаҳмийлар; 18) Сифатийлар ва бошқалар.

Асосчиларига нисбат берилиб номланган сўфийлик-тасаввуф тариқатлари:

1) Муҳосибия; 2) Қассория ва маломатия; 3) Тайфурия; 4) Жунайдия; 5) Нурия; 6) Саҳлия; 7) Ҳакимия; 8) Харрозия; 9) Хафифия; 10) Сайёрия; 11) Ҳалложия; 12) Ҳулмония; 13) Қодирия; 14) Яссавия; 15) Нақшбандия; 16) Хилватия; 17) Рифоия; 18) Мавлавия; 19) Шозилия; 20) Саъдия; 21) Дасуқия (бурҳония); 22) Бадавия; 23) Акбария; 24) Сухравардия; 25) Кубравия; 26) Мадяния; 27) Чиштия; 28) Байрамия; 29) Ҳубайрия; 30) Зайния; 31) Сафавия; 32) Санусия; 33) Салафия; 34) Бектошия; 35) Неъматуллоҳия; 36) Шартария; 37) Ҳайдария; 38) Жалолия; 39) Раҳмония; 40) Рашидия; 41) Тоййибия; 42) Тининия; 43) Ҳалолия; 44) Барқия; 45) Идрисия; 46) Аммория; 47) Фуфрия; 48) Жалватия; 49) Воисовчилар; 50) Муридчилик ва бошқалар.

Ислом дини олти йўналиш ва динни талқин этиш бўйича беш асосий мафкуравий оқимга бўлинади:

Исломнинг асосий йўналишлари бўйича:

1) Хорижийлик (азракийлар, суфрийлар, ибодийлар таълимоти); 2) Суннийлик; 3) Шиъалик (исмоилийлар, имомийлар, зайдийлар таълимоти); 4) Сўфийлик; 5) Муътазилийлик; 6) Муржийлик.

Аллоҳнинг зоти ва сифатларини тушуниш бўйича беш оқим мавжуд:

1) Жаҳмийлар; 2) Муътазилийлар; 3) Мушаббихийлар (ундан ханбалия тарафдорлари ҳамда зоҳирийлар ва қарматийлар ажралиб чиққан); 4) Сифатийлик (ундан ашъарийлар ажралиб чиққан); 5) Сўфийлик.

Иймон талқини бўйича тўрт оқим мавжуд:

1) Хорижийлик; 2) Суннийлик (ундан ханбалия мазҳаби тарафдорлари ажралиб чиққан); 3) Муътазилийлик; 4) Муржийлик.

Қазои-қадар ва ирода эркинлиги талқини бўйича ҳам тўрт оқим мавжуд:

1) Қадарийлар (ундан муътазилийлар таълимоти ажралиб чиққан); 2) Жабарийлар (ундан жаҳмийлар таълимоти ажралиб чиққан); 3) Муржийлар; 4) Ашъарийлар.

Олий диний ҳокимият талқини бўйича уч хил оқим мавжуд:

1) Хорижийлик; 2) Суннийлик; 3) Шиъалик.

Фикҳ, шариат қонунлари талқини бўйича:

Суннийликда жами тўртта: ханафия, моликия, шофиъийя, ханбалия мазҳаблари, шиъаликда учта — зайдийлар, исмоилийлар ва жаъфарийлар оқимлари таълимоти ва мафкураси мавжуд.

Ислом динининг мафкуравий оқимларининг фарқланишидаги асослар:

1) Аллоҳнинг зоти ва сифатларининг талқини (тушуниш) бўйича; 2) Иймон талқини бўйича; 3) Қазои-қадар ва ирода эркинлиги талқини бўйича; 4) Олий диний ҳокимият талқини бўйича; 5) Фикҳ, шариат қонунлари талқини бўйича.

Исломда ўзларининг сиёсий, ижтимоий, ғоявий, мафкуравий қарашлари талқини бўйича жами 73 мазҳаб, оқим, гуруҳ, фирқалар мавжуд. Исломнинг асосий анъанавий йўли «аҳли сунна вал-жамоа» бўлиб, ўзларининг муайян қарашларига эга бўлган, қолган 72 таси ботил мазҳабдир. Бу 72 ботил мазҳаб қуйидаги 6 гуруҳга ажралади:

1) **Рофизия** — ўз қавмини, сафини тарк этганлар;
2) **Хорижия** — четга чиққанлар, ташқариликлар;
3) **Жабария** — тақдир азал ҳукмини қатъий деб билувчилар;
4) **Қадария** — инсоннинг эрки ўзида деб билувчилар;
5) **Жаҳмия** — Жаҳм ибн Саффон тарафдорлари, яъни барча масалаларни дўзах ва жаннатга боғлиқ деб тушунтирувчилар;

6) **Муржия** — Аллоҳ бандасини ноумид қилмайди дейувчилар.

Бу гуруҳларнинг ҳар бири яна 12 фирқага ажралади. Масала, рофизия оқими фирқалари:

Алавия — ҳазрат Али ҳам пайғамбар эди дейувчилар;

Абодия — ҳазрат Али пайғамбарликка шерик дейувчилар;

Шиъа — кимки Алини барча саҳобалардан афзал деб билмаса, кофирдир дейувчилар;

Исҳоқия — пайғамбарлик тамом бўлган эмас дейувчилар;

Зайдия — имомликка, Ислом дунёсига олий раҳбарликка фақат Али авлоди муносиб ва ҳақли дейувчилар;

Аббосия — Аббос ибн Абдулмутталибдан бошқа имомни тан олмайдиганлар;

Имомия — ғайбдан келувчи имом (Маҳдий) Ер юзида доим бор дейувчилар;

Норисия — кимки ўзини ўзгалардан афзал билса кофирдир деб билувчилар;

Мутаносиҳия — жон чиққандан кейин, инсон руҳи яна бошқа вужудга кўчиши мумкин деб ишонувчилар;

Лъония — саҳобалардан Талҳа, Зубайр ва ҳазрат Ойиша онамизни лаънатловчилар;

Рожиъия — ҳазрат Али яна дунёга келади дейувчилар;

Муртазия — мусулмон подшоси билан жанг қилиш раво дейувчилар.

Рофизия ва хорижия фирқалари шиъалик ақидаларига асосланади. яъни улар ҳазрат Али ва унинг авлодларини улуғлайдилар.

Қадария ва жабария фирқалари сунна оқимига, муржия, жаҳмия фирқалари эса ҳам шиъа, ҳам сунна йўналишларига мойилдир.

Барча оқим, мазҳаб, гуруҳ, фирқа жамоалари фикҳ масалаларида, намоз, ибодат тартиблари, иймоннинг моҳияти ва ҳоказолар борасида баҳслашишади. Улар орасида Ислом дини-

нинг аҳком ва ақидаларини инкор этадиганлари ҳам бор. Чунончи, муътазила оқимиға кўра:

- ёмонлик илоҳий тақдирдан эмас, балки инсоннинг ўзидан;
- фосиқ кишининг имомлиги ҳаром;
- иймон банданинг тажрибасидан, яъни нимани ўзлаштирганидан ҳосил бўлади, олдиндан белгиланмайди, **Қуръони карим** яратилган — яъни махлук;
- меърож Қуддус шаҳригачадир ва у фақат руҳга тегишлидир, жисмга эмас;
- қиёматда гуноҳ-садобнинг ҳисоб-китоби, тарозиси йўқ;
- авлиёларнинг кароматлари ёлгон;
- қиёматда **Ҳақ таоло**ни кўриш мумкин эмас;
- жаннат аҳли ҳам ухлайди, овқатланади ва вафот этади.

Сирожия оқими талқини бўйича, марҳумнинг сўзи ҳужжат бўла олмайди, уларни инкор этиш мумкин, жумладан, пайғамбар ҳадисларини ҳам.

Муҳкомия оқимининг таъкидлашича, **Аллоҳ таоло** бандаларига ҳеч бир ҳукм юбормаган. Яъни **Аллоҳ таоло** оламни ва одамзодни яратган, аммо инсон қандай фаолият юритса, ихтиёр ўзида.

Лафзия аҳли дейдики, **Қуръон** фаолият каломидир, сўз илоҳий эмас, унинг маъноси илоҳийдир.

Риёзия таълимотига кўра, иймон — суннат холос, яъни эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амалдир. (Бу ақида зардуштийликда ҳам бор).

Шундай қилиб, 72 оқим, 72 таълимот мавжуд. Бу оқимларнинг ҳар бири ўз таълимотини маъқуллаб, ўзларини «чин мусулмон» деб билган, бошқа оқим тарафдорларини эса йўлдан адашган, ҳатто кофир ёки душман деб ҳисоблаган.

Бу мазҳаблар ва оқимларнинг ўзаро баҳс-мунозаралари баркамолликка эришмаган одамларнинг дину диёнат, Ислом ва иймоннинг моҳиятини англамасдан, зоҳирий нарсалар, атамалар устида ўз тор мақсадларини кўзловчи тортишувларидир. Чунки бирор мазҳаб **Аллоҳ**ни, унинг Биру борлигини инкор этмайди. Мазҳаблар, **Яратгувчи — Холик** ҳақида эмас, балки махлуқот, яъни яратилган нарсалар, одамлар ўйлаб топган расм-русумлар, қонун-қоидалар, ақидалар ҳақида баҳс-мунозара қиладилар.

Тасаввуф аҳли эса **Ҳақ субҳонаҳу ва таоло**, **Унинг** зоти, жавҳари, яъни моҳиятлар моҳиятига етиш учун интилганликлари боис, бундай расм-русум, қоидаларга умуман эътибор қилмаганлар, уларни аҳамиятсиз деб ҳисоблаганлар. Сўфийлар етук, комил инсонлар бўлиб, бундай баҳсга мойил мазҳабпарастликдан билим ва эътиқод масалаларида анча юксак турганлар.

Тасаввуф аҳли шариятни астойдил ҳурмат қилганлар, бироқ шариятни ҳақиқатга етиш учун бир восита деб билганлар. Мутасаввуфларнинг мақсади ягона **Ҳаққа** — ҳақиқатга етишишдир. Ҳақиқатга етишиш йўллари эса турлича бўлиб, ҳар бир сўфий бу мақсадга эришиш учун ўзига ёққан, дили мойил бўлган бир тариқат танлаб олади ва ана шу йўлдан боради. Бу йўлнинг яқинроқ ёки олисроқ эканлигини ёлғиз **Ҳақ таоло** билади. **Аллоҳ таоло** эса, ўз бандаларига танлаш, ихтиёр, ирода, фаолият эркинлигини берган. Келишмовчиликлар маънода эмас, шаклда, сўздадир. Маънога етишганлар, яъни комил инсонлар орасида эса низо бўлмайди.

Шундай қилиб, динлар ва мазҳаблар шаклан турлича, мазмунан бир манзилга элтидиган турли йўллардир. Бу борада Мавлоно Жалолоддин Румий ҳазратлари келтирган бир ривоят айниқса ибратлидир. Тўрт миллат — турк, форс, араб ва юнон йўлда бирга ҳамроҳ бўлиб кетаётганларида бир дирҳам пул топиб оладилар. Бир-бирларининг тилларига тунмаганликлари сабабли топилдиқ пулга бирор нарса сотиб олиш устида ихтилоф чиқади. Бу пулга форс ангур оламиз деса, араб: «мен ангур емайман, инаб хоҳлайман», дейди; турк: «йўқ, узум сотиб оламиз» деб туриб олади; юнон эса: «мен истофил емоқчиман», деб, бир-бирлари билан аввал жанжаллашиб, кейин эса ёқалашиб кетадилар. Шу пайт етмиш икки тилни биладиган бир йўловчи — сирлар соҳиби ўтиб қолади ва баҳсга араллашиб, уларнинг низосига қулоқ солади ва бозорга бориб, ўша пулга узум сотиб олиб келтиради. Шунда жанжаллашаётганлар ўз истаклари амалга ошганидан мамнун бўлишиб, қувони-

шиб, илжайишиб-тиржайишиб, бир-бирлари билан ярашиб, узумни пакқос туширадилар, мақсадларига етадилар. Жанжалларига сабаб — бир-бирларининг тилларини билмасликлари бўлганини англайдилар, чунки форсча «ангур», арабча «инаб», юнонча «истофил», туркча «узум» сўзларининг маъноси бир эди, мақсадлари бир эди.

Шояд, турли диндагилар, турли мазҳаб, оқим, йўл, фирқа мухлислари турли йўллар орқали ягона мақсадга — ҳақиқатга, **Ҳақ таолога**, унинг моҳиятига етишганларидан кейин, ҳалиги узумхўрлар сингари мамнун ва хушҳол ҳолда, бир-бирларини бағирларига босиб, ярашиб кетсалар. Чунки улар пировардида турли йўллар орқали ўзлари кўзлаган мақсадга етиб келганликларини англайдилар.

Одам қанчалик билимсиз бўлса, хурофотга, сўзлар сеҳрига, атамаларга, шаклларга шу қадар маҳлиё бўлади. Чунки жоҳиллик, нодонлик, ҳақиқатга терслик, салбий ишлар билмасликдан, билимсизликдан келиб чиқади. Аксинча, кишининг маърифати, билими ошган сари у **Аллоҳ** илмига, ғайбга яқинлашиб бораверади; мазҳабпарастлик, ақидапарастликдан юксакликка кўтарилaveraди, ҳақиқат ошиғи бўлиб, **Ҳақ** сари талпинаверади. Бинобарин, хоразмлик сўфий, машҳур авлиё Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари дарс бераётганида муридларининг миллатига, динига, мазҳабига умуман эътибор бермаган эканлар. Дарҳақиқат, сўфийлар зоҳирга эмас, ботинга эътибор берганлар, руҳий камолотга интилганлар.

Ислом динининг асосий йўналишлари, мазҳаблари, фирқалари асосан шулардир. Эндана шу оқимлар, фирқалар ва тасаввуф тариқатларининг баъзи бирлари билан танишиб, уларнинг таълимоти ва бир-биридан фарқи ҳақида бироз тўхталиб ўтамиз.

Имомийлар — шиъа мазҳабининг асосий оқимларидан бири бўлиб, бу оқим тарафдорлари ҳазрат Али авлодига мансуб ўн икки имомни тан оладилар. Ўн биринчи Имом Ҳасан ал-Асқарий (вафоти 873 йил)дан кейин, унинг ёш ўғли Муҳаммадни охирги — ўн иккинчи имом деб ҳисоблайдилар. Имомийлар уни «яширинган имом», яъни Маҳдий деб эълон қилиб, у қиёматдан аввалроқ яна қайтиб келади ва Ер юзида адолат ўрнатади, деб тарғиб қиладилар. Имомийлар олий диний ҳокимият — имомат халифаларга эмас, балки ҳазрат Али авлодларига тааллуқли деган ғояни илгари сурадилар. Улар имомнинг сайлаб қўйилишини рад этадилар, барча имомларни «жабрланганлар» деб биладилар, жабрдийда имомларга эътиқод қиладилар. Олий диний ҳокимият — халифаликни зўравонлик билан эгаллаб олинган ҳокимият деб биладилар. Ҳозирги Эрон Ислом Республикасида айнан шу оқим таълимоти ҳукмрон мафкура ҳисобланади.

Усулийлар — имомийлар диний-ҳуқуқий тизимидаги бир оқим. Бунда шарият масалалари ижмоъ ва қиёс асосида нуфузли уламоларнинг фикрларига асосланилади. Бу оқим имомийлар орасида ахборийларга қараганда кенгроқ тарқалган.

Ахборийлар — имомийларнинг диний-ҳуқуқий тизимидаги бир оқим. Ҳ асрда шаклланган. Бу оқим тарафдорлари «Ахбор» ҳадислар тўпламини фикҳнинг асосий манбаи деб ҳисоблайдилар. «Ахбор» (арабча «хабарлар» дегани) шиъаларнинг муқаддас ривоятлари, Муҳаммад алайҳиссалом ва ҳазрат Алининг сўзлари ва фаолиятлари тўғрисидаги хабарлар тўпламидир. «Ахбор» суннийларда муқаддас ҳисобланган «Сунна» (ҳадислар тўплами) ўрнида эътироф қилинади ва **Қуръони карим**дан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. «Ахбор»да мусулмон мамлакатларида ҳокимиятни халифалик эмас, балки ҳазрат Али ва Фотима авлодлари — имомат шаклида ўрнатилиши тарғиб қилинади. Бу оқим имомийларнинг бошқа бир оқими — усулийларга қараганда камроқ тарқалган.

Муржийлар (арабча — «кечиктирмак», «муддатини чўзмак») оқими VII—VIII асрларда шаклланган, гуноҳкор ва унинг тақдири масаласида, катта гуноҳ қилган одамни дарҳол жазога тортмай, уни кечиктиришни тарғиб қилганлар. Муржийлар бу оқимнинг акси бўлган хорижий ва азракийларга қарши турганлар.

Рофизийлар (арабча «рофиз», яъни «тарк этиш», «рад этиш», баъзан «маслагидан қайтиш» маъноларида келади) шиъалар Абу Бакр, Умар ва Усмон разийаллоҳу анҳумо халифалигини ва ҳазрат Алидан ташқари барча халифалар халифалиғи ғайриқонуний деб

рад этганликлари учун, шундай аталганлар. Кейинчалик ҳазрат Алини илоҳийлаштириш тарафдорлари бўлган фирқа — исмоилийлар ҳам шу ном билан аталган. Сунний Ислом илоҳиётида рофизийлик Исломдан четга оған оқим деб ҳисобланади.

Жабарийлар (арабча «жабр», яъни мажбур қилиш) VII—VIII асрларда пайдо бўлган илк Ислом оқимларидан бўлиб, бунда инсон тақдирини **Аллоҳ** мутлоқ олдиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат **Аллоҳ**дагина мавжуд деган таълимотга асосланганлар ва ирода эркинлиги тарафдори бўлган қадарийларга қарши курашганлар.

Қадарийлар (арабча — «тақдир»): маълумки, Ислом дини шаклланишининг дастлабки даврларида тақдир ва ирода эркинлиги масаласи жиддий тортишувларга сабаб бўлган эди. Қадарийлар ўз таълимотларини инсон ирода эркинлигини ёқлаб, тақдир ўзгармаслиги назариясининг тарафдорлари — жабарийлар таълимотига қарши қўйганлар. Бу оқим тарафдорлари одиллик **Аллоҳ**нинг асосий сифатларидан биридир деган тушунчага асосланиб, адолатли **Парвардигор** олдиндан гуноҳни белгилаб қўйган бўлиши мумкин эмас, **Ундан** фақат адолатли ишларни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон ва шайтон фаолияти билан боғлиқ, демак, инсон ирода ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун инсон гуноҳ ишларни **Аллоҳ**нинг хоҳиши ёки амри билан эмас, балки ўзининг ихтиёри ва хоҳиши билан қилади деб таълим берадилар. Бу масалада улар **Аллоҳ** нозил қилган кўйидаги икки ояти каримага асосланадилар:

«(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса — (гуноҳ) сабаблидур. Яна У кўп (гуноҳлар)ни афв этиб турур». (42- «Шуро» сураси, 30-оят).

«Кимки яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнигадир. Раббингиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир». (41- «Фуссилат» сураси, 46-оят).

Муътазилийлар (арабча — «ажралиб чиққанлар», «узоқлашганлар») оқими VIII аср ўрталарида Араб халифалигида пайдо бўлган, унинг асосчиси Восил ибн Атодир (699—748). Бу оқим **Қуръони карим** ва Сунна таълимотларини ақл-идроққа мос равишда талқин этишни, **Аллоҳ**нинг ягоналигини, унинг одиллигини, **Қуръони карим Аллоҳ** томонидан яратилганини, ирода эркинлигини тарғиб қилганлар. Буларга зид қарашларни инкор қилганлар. Бу оқим доимий равишда таъқиб остига олинганлиги боис, XIII—XIV асрларга келиб, ўз фаолиятини тўхтатган. Бу оқимнинг энг йирик вакили буюк Имом Замахшарийдир (1074—1144).

Ботинийлар (арабча — «ботин», ички, яширин, сирли маъноларини англатади) — VIII асрда вужудга келган Ислом илоҳиётшунослик оқимларидан бири. Бу оқим тарафдорлари **Қуръони карим**нинг сўзма-сўз талқин этилишига қаршидир. **Қуръони карим** оятларининг ички, сирли мазмунини очиш лозим деган фикрни илгари суради. Ботинийлар ғоявий жиҳатдан исмоилийлар ва қарматийлар ҳаракатларига яқин, унда монийлик, маздакийлик таълимотлари, юнон фалсафаси ва буддавийлик динининг таъсири яққол сезилади.

Зоҳирийлар (арабча — «зоҳир» ташқи, ошкор маъноларини англатади) — Исломдаги оқимлардан бири; **Қуръони карим**ни айнан тушуниш ва талқин қилиш тарафдорлари; оқим асосчиси Довуд ибн Али ал-Исфажоний аз-Зоҳирий (883- йилда вафот этган); ўрта асрларда тарқалган ва кейинчилик барҳам топган; ботинийларга қарама-қарши ўлароқ барча оқимлар зоҳирийлар деган умумий ном билан юритилган.

Мутакаллимлар (ашъарийлар) — Ислом динини фалсафий асослаб берувчи оқим. Бу оқимнинг илк тарғиботчилари ал-Ашъарий (873—935) ва Имом Мотуридий (870—944) эди. Алломалар Арасту фалсафаси усулларидан фойдаланган ҳолда Исломнинг диний-

ақидавий, ғоявий ва мафкуравий таълимотларини асослаб беришган. Кейинчалик Жувайний, Имом Ғаззолийлар X — XII асрларда бу таълимотга асосланиб, Шарқ фалсафаси ва фани ривожига ҳисса қўшганлар.

Аҳмадия — XIX асрда Ҳиндистонда Ислоннинг суннийлик йўналиши замирида вужудга келган диний оқим. Бу оқимга Мирзо Фулом Аҳмад Қодиёний (1839—1908) асос солган. У 1889- йилда «Анжумани Аҳмадия» номли диний тўғарак-жамоа тузган. Издошлари 1891- йилда уни пайғамбар деб эълон қилганлар.

Мирзо Аҳмад Ислоннинг асосий ақидаларини тан олган ҳолда ўз таълимотига қадимги хинд илоҳи Кришна ҳақидаги, ҳамда инсон руҳи ўлмай, бир инсондан иккинчи инсонга ёки бошқа нарсаларга, жонзотларга кўчиб юриши тўғрисидаги ривоятларни ҳам қўшган. (машҳур файласуф Платон эса, буни аксини айтади, яъни руҳ танадан аввал пайдо бўла олмайди, шунингдек, у руҳ ҳеч қачон бир танадан иккинчисига кўчмайди ҳам деган). Ийсо Масих жазодан қочиб Ҳиндистонга келган, деган ғояни тарқатган. Ўз қиёфасида Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссаломларнинг қайта намоён бўлганлигини айтиб, бу ботил ғояни тарғиб қилган. Аҳмадийлар ҳаром нарсаларни ўзларига ҳалол қилиб олишган. Бу оқим 1900- йилда инглиз мустамлакачилари режаси ва ёрдами билан мусулмонларни диндан узоқлаштириш ва мустамлакачиларга қарши курашмасликлари учун жиҳод фарзлигини бекор этиш мақсадида ташкиллаштирилган фирқадир. Аҳмадийлар **Аллоҳ**ни нолойиқ сифатлар билан таърифлашади, Муҳаммад алайҳиссаломни эса охириги пайғамбар эмас дейишади. Қизиғи шундаки, бу ботил ғояни бир неча мамлакатлардаги кўплаб одамлар кўр-кўрона қабул қилганлар. Бу оқим асосан Ҳиндистон, Покистонда, қисман Эрон, Арабистон, Миср ва Жануби — шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатларда жуда оз бўлса-да тарқалган.

Панисломизм — XIX аср охирида Жамолиддин ал-Афғоний асос солган диний-сиёсий оқим. Бу оқим мусулмонлар бирлиги ва уларни халифа раҳбарлигида ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги ғоясини илгари суради. Мустамлакачиларга қарши фаол тарғибот ишларини олиб борган. Оқимга мансублар Ислон динини замон талабларига мувофиқлаштиришга уринганлар. Туркия султонлари бу мақсадни амалга ошириш ишлари билан шуғулланганлар. Панисломизм ва пантуркизм бир-бири билан маълум жиҳатларда бир-бирига чамбарчас боғлиқ эди.

Зайдийлар (тақийлар) VIII аср ўрталарида шиъаликда вужудга келган фирқа бўлиб, у шиъаларнинг бешинчи имоми Муҳаммад ал-Боқирнинг укаси Зайд ибн Али номи билан аталган. Зайдийлар тарафдорлари олий ҳокимиятни ҳазрат Али авлодларига берилишини талаб қилиб, халифалар ҳокимиятига қарши кўп марта исён ва қўзғолон кўтарганлар. 864- йилда зайдийлар қўзғолони Шимолий Эронда ғалаба қилгач, уларнинг мустақил давлати вужудга келган. Зайдий имомлари 901- йили Яманда ҳокимиятни қўлга киритиб, у ерда ҳам мустақил давлат тузганлар ва 300 йилча ҳукмронлик қилганлар. Бу ҳукмронлик 1962- йилгача давом этган.

Зайдийлар, Зайд ибн Алини сўнгги, бешинчи имом деб ҳисоблаб, ундан кейинги икки шиъа имомларини тан олмайдилар. Зайдийлар ўз ақидалари ва маросимлари жиҳатидан шиъалик ва суннийлик мазҳаблари ўртасида туриб, ҳар иккала мазҳабга нисбатан муросасозлик йўлини тутадилар. Зайдийлар яширинган Имом Маҳдийга ишонмайдилар, ҳазрат Алидан олдинги уч халифа — Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффонни лаънатламайдилар. Тақийлар (арабча «тақи» — «эҳтиёткорлик», «шароитга мос иш кўриш» маъноларини англатади) шиъаликдаги зарур бўлганда ўз эътиқодини яширин, сир тутиш тамойилини ҳамда мутъа (шиъаликдаги вақтинча никоҳ) никоҳини инкор этишлари билан бошқа шиъа фирқалардан фарқланадилар. Авлиёлар ва мазорларга сифинишни ҳамда дарвешлик ва зоҳидликни (таркидунёчиликни) инкор этадилар. Ўз ақидаларига мўътазиллийлардан ирода эркинлигини, **Қуръони каримни Аллоҳ** яратганлигини, хорижийлардан эса диний эътиқодни амалий фаолият билан мустаҳкамлаш тамойилларини қабул қилганлар. Ҳозир зайдийларнинг кўп қисми Шимолий Яманда, оқим тарафдорлари Сау-

дия Арабистони, Покистон ва бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд.

Исмоилийлар VIII аср ўрталарида шаклланган, IX аср охирида мустақил фирқа сифатида ташкил топган, X — XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. Улар асосан ботиний, яъни ичидагини ташига чиқармайдиган фирқа ҳисобланади. Аббосий халифаларига қарши кураш тарафдорлари бўлган бир гуруҳ шиъалар олтинчи имом — Жаъфар ас-Содиқнинг катта ўғли Исмоил атрофига жипслашганлар. Фирқа унинг номи билан аталди. Улар ўз уюшмаларини дастлаб махфий тутганлар.

Исмоилийларнинг таълимоти иккига: зоҳирий ва ботиний махфий таълимотларга бўлинган. Бу таълимотлар асосида мураккаб диний-фалсафий тизим шаклланди. Зоҳирий таълимот шиъаларнинг умумий таълимотидан кам фарқ қилиб, кенг оммага мўлжалланган. Ботиний таълимотда **Аллоҳ** ўзидан қуйидаги етти поғонани ажратади: 1) Аллоҳ; 2) Олабий ақл; 3) Олабий жон; 4) Бирламчи моддийлик (материя); 5) Фазо; 6) Вақт ва 7) Камолотга эришган инсон (яъни пайғамбар; валий). Бу комил инсон, яъни ал-инсон ал-комил ўзида «олабий ақл»ни акс эттирган сўзловчи бўлиб, **Аллоҳ** таълимотини, амрларини кишиларга етказиб беради, унинг ички мазмунини тушунтиради. Исмоилийлар орасидан қарматийлар, ҳашшошийлар, друзийлар, мустаълийлар ажралиб чиққан. Исмоилийлар фирқаси тарафдорларининг кўпчилиги Ҳиндистон ва Покистонда яшайдилар.

Қарматийлар (таълимийлар) — исмоилийлар фирқасининг асосий шахобчаси. Қарматийлар ҳаракати IX аср охирида Жанубий Ироқда вужудга келган, кейинчалик Сурия ва Яманга тарқалган. Улар Аббосий халифаларига қарши кураш олиб борганлар. Қарматийларда фирқага янги қўшилганларга таълим бериш қатъий қоида асосида олиб борилганлигидан, улар «таълимийлар» деб ҳам аталади.

Қарматийлар ер жамоаники бўлишини, умумий тенглик (қуллардан ташқари) ғояларини тарғиб қилишган. Улар Ислом маросимларини бажаришга риоя қилмаганлар, шариат қонун-қоидаларини тан олмаганлар, намоз ўқиш учун масжид бўлмаган, мусулмон зиёратгоҳларини, шу жумладан, Каъба ва у ердаги Ҳажар ул-асвад, яъни Қора тошни тавоф қилишни бидъат деб ҳисоблаганлар.

Қарматийлар 899- йили Баҳрайни босиб олиб, ўз давлатини тузганлар. Бу давлат XI аср охиригача мавжуд бўлган. Бу давлатда эркин деҳқонлар ва хунармандлар имтиёзга эга бўлиб, давлатга солиқ тўламаганлар.

930- йили ҳаж вақтида Маккага хужум қилиб шаҳарни, одамларни талон-торож қилганлар, ҳажга келганларнинг бир қисмини ўлдирганлар, қолганларини қул қилиб ҳайдаб олиб кетганлар. Қора тошни ҳам парчалаб, ўлжа қилиб олганлар (йигирма йилдан сўнг қайтариб берганлар). Ана шу кўнгилсиз воқеадан кейин, омма қарматийлардан юз ўгирди. XII аср бошларида Ироқ ва Эронда уларга қарши шиддатли кураш бошланиб, қарматийлар буткул тугатилди. Қолган-қутганлари исмоилийларнинг бошқа оқимларига сингиб кетди.

Ҳашшошийлар (арабча — «ҳашиш», яъни чекувчилар, гиёҳвандлар) — исмоилийлар ичидаги яширин иш олиб борувчи фирқа. Асосчиси Ҳасан ибн Саббоҳ (1124- йилда вафот этган).

Эроннинг шимоли-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъаси ҳашшошийлар жамоасининг маркази бўлган. Улар халифалик ва салжуқий ҳукмдорларга қарши курашганлар, ўз душманларини ўлдиришни сиёсий курашнинг асосий воситаси деб билганлар, шу тариқа ўта махфий иш кўрадиган, тармоқланган террорчилик ташкилотини вужудга келтирганлар. Ўз мақсадларини амалга оширишда махсус одамлар — фидойилар тайёрлаб, жаҳондаги ҳукмдорлар, подшоҳлар, қироллар, императорлар ва бошқаларни ўлдириш учун махфий суръатда юборганлар. Ҳашшошийлар бирмунча давр ҳукмдорларга даҳшат солиб турганлар. Ҳукмдорларнинг кўпчилиги, ҳатто Европа мамлакатларидаги императорлар, қироллар, герцоглар, графлар ҳам ўз жонларини сақлаш учун ҳашшошийларга тўлов тўлаб турганлар. Бу ҳаракат Сурия, Ливан, Ҳиндистонда кенг тарқалган бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги қарматийлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган.

1256- йилда мўғул истилочилари Аламутни босиб олиб, ҳашшошийларни шафқатсизлар-

ча кириб ташлаганлар. 1273- йилда мамлуклар қўшини Сурия ва Ливандаги Ҳашшошийларнинг қочиб қутилган охириги гуруҳларини ҳам буткул тугатган.

Друзийлар — исмоилийлардан ажралиб чиққан, Исломдан анча узоқлашган ботил фирқа. Бу фирқага XI аср бошларида Фотимийлар (пайғамбаримизнинг қизи Фотима авлодлари) сулоласидан бўлган халифа Ҳаким Биамриллоҳ асос солган. Халифа Ҳаким Биамриллоҳ умрининг охирида ўзини илоҳ деб эълон қилган ва ўзига эътиқод қилишларини талаб қилган. У тўнғиз кўпгур сирли равишда вафот этгач, Ливан ва Ливанга яқин тоғларда яшовчи айрим нодон жоҳил қавмлар, халқлар уни **Аллоҳ** деб эътиқод қила бошлаганлар. Друзийлар фирқасининг номи халифа Ҳакимнинг тарғиботчиси Дарозий номидан олинган.

Друзийлар ақидасига кўра, **Парвардигор** инсон қиёфасига кириб, одамлар орасида пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар Ҳакимнинг қайтишига ишонадилар. Улар **Қурбони карим** мазмунини мажозий талқин қиладилар. Жоннинг кўчиб юриши тўғрисидаги тасаввурлари туфайли, улар ўлимга бефарқ қарайдилар. Ислом дини маросимларини, фарзларини бажаришни шарт деб ҳисобламайдилар. Диний байрамлардан фақат Қурбон ҳайитини ва шиъаларда мотам маросими ҳисобланган ашурони нишонлайдилар.

Барча исмоилийлар каби, друзийлар ҳам шариатни тан олмайдилар. Уларда масжидга бориш, намоз ўқиш одати йўқ. Уларнинг ақидалари юнон фалсафаси, ҳинд ва форс ақидалари аралашмасидан ташкил топган.

Друзийларнинг ибодатхоналари «хулво» деб аталган. Бу ерда фақат саводхонлар, билимдонлар тўпланишган ва суҳбат қурганлар. Барча пайғамбарларни, Ислом аҳкомларини инкор этишган.

Ҳозир жуда оз қолган друзийлар асосан Ливанда, қисман Сурия ва Исроилда яшайдилар.

Нусайрийлар (алавийлар) — шиъаликдаги ботил фирқалардан бири. IX асрда яшган Муҳаммад ибн Нусайр Басрий асос солган ботиний фирқа бўлиб, у нобакор ўзини пайғамбар, ҳазрат Алини эса **Худо** деб айтган.

Нусайрийларнинг асосий ақидаси — шиъаларнинг биринчи имоми ҳазрат Алини илоҳийлаштириш (алавийлар номи шундан келиб чиққан), яъни ҳазрат Алида **Худонинг** ўзи мужассамланган деб ишонишдан иборат. Уларнинг диний таълимотлари ва маросимларига христианлик дини ҳамда айрим қадимий эътиқодлар таъсир этган. Насронийликдаги муқаддас учлик каби нусайрийларда ҳам Муҳаммад, Али ва пайғамбаримизнинг саҳобаларидан Салмон Форсийни **Худонинг** 3 қиёфада намоён бўлиши деб эътиқод қиладилар. Улар қуёш ва ойга ҳам сифнадилар, жоннинг кўчиб юришига ишонадилар.

Алавийлар доимий таъқиб остида бўлганликлари учун, ўз эътиқодларини сир тутадилар. Маросимларини кечалари махфий адо этадилар. Ислом ақидасининг зоҳири ва ботини бор деб, уни бузишга ҳаракат қиладилар. Барча ҳаром нарсаларни ҳалол санашади. Ўз таълимотларини юнон, форс ва насроний фалсафалардан жамлашган.

Алавийларда намоз, рўза ва бошқа Ислом фарзлари, маросимлари, масжидлари, ибодатхоналари йўқ. Нусайрийлар ҳозир Сурия ва Туркияда жуда оз сақланиб қолган.

Алилоҳийлар — шиъаликдаги ботил фирқалардан бири. Бу фирқа XV асрда Фарбий Эрон ва Шарқий Туркияда вужудга келган. Кейинроқ Афғонистон, Эрон, Туркия, Ирок, Сурия ва Озарбайжоннинг жанубий минтақаларида тарқалган.

Алилоҳийлар ўзларини «аҳли **Ҳақ**», яъни «ҳақиқат кишилари» деб атайдилар. Улар ҳазрат Алини азалдан илоҳий ва у Одам Атодан то Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган пайғамбарларда, шиъа имомлари ва келадиган Имом Махдийда мужассамлашган деб ишонадилар. Алилоҳийлар фирқаси жаннат ва дўзахни инкор этади, жон янгича шаклга киради деб ишонадилар. Улар дарвешларга ўхшаб зикр ўқиб, жазавага тушадилар.

Алилоҳийларнинг муқаддас китобларидан бири «Саранжом»дир. Ўз диний эътиқодларини ниҳоятда сир сақлайдилар.

Хуруфийлар XIV—XV асрларда вужудга келган шиъа фирқаларидан бири бўлиб, унга 1340- йили туғилган Фазлуллоҳ Астрободий асос солган. Ўз таълимотини 1386- йилдан бошлаб тарғиб қила бошлаган. Фазлуллоҳ араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган таълимотни илгари сургани учун, ал-Хуруфий (ҳарфпараст) тахаллусини олган. Фирқа номи ҳам шундан.

Хуруфийлар олам абадийдир, инсонда **Худо**нинг қиёфаси акс этади, олам тараққиётининг ҳар бир босқичида **Аллоҳ** қиёфаси инсонда мужассамланиб намоён бўлади, ана шундай инсоннинг ўзи **Худо** бўлади, охирги пайғамбар Мухаммад, авлиёларнинг биринчиси ҳазрат Али, ўн биринчи Имом Ҳасан ал-Асқарий эса имомларининг охиргиси, Фазлуллоҳ Астрободий **Яратгувчи** мужассамланган биринчи инсон деган таълимотни илгари сурадилар.

Хуруфийлар тез орада Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Темурийлар давлатида тарқалган. Машҳур озарбайжонлик шоир Насимий (1369- йилда туғилган, 1417- йилда Суриянинг Халлот шаҳрида тириклайин териси шилиниб ўлдирилган), турк шоирлари Таманной (бу ҳам қатл қилинган) ва Рофиъий, машҳур форс шоири Қосим Анварий ана шу фирқага мансуб бўлганлар.

Қосим Анварий Ҳирот шаҳридаги дарвешлар хонақосида мулки умумий бўлган ва барча бирга ўтириб овқатланадиган жамоа тузган.

Бобийлик 1844- йили рус ва инглиз мустамлакачилари хомийлигида ташкил этилган ва масонлардан мадад олган, Исломнинг шиъалик мазҳабида вужудга келган диний ҳаракатдир; асосчиси эронлик Мирзо Али Ризо Шерозий «Боб» деган лақаб олган.

Мирзо Али 1844- йилда ўзини «Боб» (араб тилида «эшик», «дарвоза»), яъни «Ҳақиқат ва адолат йўлига олиб борувчи эшик» деб атаб, «Имом Маҳдийнинг хоҳиши, иродаси, йўл-йўриқлари халққа мен орқали боради», деб эълон қилган. Бу фирқанинг асосий эришган мақсади Исломни емириш, мусулмонлар орасини бузиб, ўзларини ўзлари билан машғул, овора қилиб қўйиш бўлган.

Боб ҳалоскор Имом Маҳдийнинг келиши яқинлашганлиги ғоясини тарғиб этган. У 1847- йилда қамокқа олинган. У ўзининг «Баён» (арабча — «тушунтириш», «ёритиб бериш», «таърифлаш») асарини ёзган. Боб ўзининг бу китобида бобийлик фирқасининг асосларини, таълимотини ёритиб берган. У ўзини Мухаммад ўрнига келган пайғамбар, китобини эса **Қуръон** ва шариат ўрнини эгаллаши керак бўлган китоб деб эълон қилган.

Бобийлар, барча кишилар, шу жумладан, эркак ва аёллар бир-бирига тенглигини, барча мажбурият ва солиқлардан ҳалос этилишини таъминлашга, умумий ижтимоий мулкчиликни ўрнатишга уринганлар.

Кўплаб эски диёнат ва мазҳаблардан, жумладан, яҳудийлик ва насронийлик таълимотларининг айримларидан ўзларига ақида яратиб олганлар. **Қуръон**ни ўзларича тафсир қилиб бузишади ва Ислом ақидаларига куфр келтиришади. Ҳаром нарсаларни ҳалол дейишади.

Бобийлар таълимоти ҳамда бобийларнинг ўзлари шафқатсиз таъқиб этилди, қўзғолонлари шафқатсизларча бостирилди. 1850- йилда Боб Эрон шоҳи фармони билан Табризда қатл этилди. Кутулиб қолган бобийлар яширин фаолиятга ўтдилар, мамлакатни тарқатдилар. Кутулганлар орасида баҳойлик фирқаси вужудга келди.

Баҳойлик (баҳоия) — XIX аср ўрталарида Эронда бобийлик ҳаракатининг давоми тариқасида вужудга келган фирқа; кейинчалик диний оқимга айланган.

Асосчиси Мирзо Ҳусайн Али Нурий Баҳоуллоҳ (1817—1892) Бобнинг яқин сафдошларидан бири бўлган. Эронда Бобийлар тор-мор этилгач, у 1852- йилда Ироққа қочган. Бу ерда у ўзини Боб ишининг давомчиси ва **Худодан** ваҳй олган Маҳдий деб эълон қилган.

1872- йилда 472 наътдан иборат «Китоби Акдас» (арабча — «энг муқаддас китоб» деган маънони англатади) асарини ёзган. Бу китобни **Қуръони карим** ва Бобнинг «Баён» китоби ўрнига ваҳй қилинган муқаддас китоб деб эълон қилган.

Баҳоуллоҳ бутун инсоният учун ягона замонавий дин ва давлат вужудга келтириш

ғоясини илгари сурган. Унинг фикрича, мавжуд динларни йўқотишга ҳожат йўқ, уларни нуқсонсиз таълимот асосида бирлаштириш лозим. Аслида ҳамма динлар яхши, фақат уларни кераксиз ақида ва урф-одатлардан тозалаш керак, муҳими, **Худони** севиш зарур, чунки севги тараққиётнинг шарт ва коинот қонунидир.

Баҳоуллоҳ ҳар қандай курашлардан воз кечишни, хусусий мулкчиликни, бойлик тўплаш ва дабдабали ҳаёт кечиришни ёқлайди. Баҳоийлар эътиқодига кўра, охират Баҳоуллоҳнинг зоҳир бўлишидир. Баҳоийлик ҳам, бобийлик каби, Ислом ғанимлари мадади билан ташкиллаштирилган фирқадир.

Мусулмон илоҳиётчилари ҳам, ташкил қилишга мадад берганларнинг ўзлари ҳам бу фирқанинг Исломга алоқаси йўқ деб ҳисоблайдилар.

Баҳоийларнинг кўпчилиги Эронда, Фаластинда, Европа ва Америкада яшайди, асосий марказлари Германия, АҚШ, Панамада, марказий қароргоҳи эса Исроилдаги Ҳайфа шаҳридадир.

Маҳдийлик — замона охир бўлишида ҳазрат Алининг авлоди 877- йили 9 ёшида йўқолган Имом Маҳдий — Муҳаммад ибн ал-Асқарийнинг келиши ҳақидаги диний таълимот.

Бу «яширинган имом» охирзамонда Ер юзига қайтиб келиб, «адолатли тузум ўрнатади», деган эътиқод дастлаб шиъалар орасидан чиққан бўлиб, кейинчалик бу таълимот суннийларга ҳам ўтган.

Азрақийлар — хорижийлардан ажралиб чиққан фирқа. Асосчиси Нофиъ ибн ал-Азрак. У милодий 685- йилда вафот этган.

Азрақийлар қулларни озод этганлар, эзилганларни ҳимоя қилганлар, лекин улар мураси- сиз, ҳаддан ташқари қаттиққўл бўлганлар. Гуноҳкорларнинг барчаси, шу жумладан, гуноҳ қилган аёл ва болаларни ҳам ўлдирилишини ёқлаб чиққанлар. Ўз таълимотидан фарқ қилган ҳар қандай мусулмон фирқалари ва оқимлари тарафдорларини ўлдириш қатъий қилиб қўйилган. Аммо улар бошқа диндагилар — яҳудий ва насороларга ўлдириш тамойи- лини қўлламаганлар. Азрақийлар VIII асрдаёқ бутунлай йўқолиб кетган.

Ибодийлар (абодийлар) хорижийлар оқимининг шахобчаси бўлиб, унга VII аср охирида яшаган Абдуллоҳ ибн Ибод (Абод) асос солган.

Ибодийлар Умавийлар халифалигини ғайриқонуний деб ҳисоблайдилар. Хорижийлар ичидаги шахобчаларни, шу жумладан, азрақийларни ғоявий душман, хатто кофир деб ҳисоблайдилар. Азрақийлар маслагадаги, гуноҳкорларни дарҳол ўлдириш талабига қатъи- ян қарши бўлганлар.

Ибодийлар диний эътиқод ва маросимларни ўтказишда ўзига хос айрим хусусиятлари билан сунний ва шиъа йўналишларидан фарқ қиладилар. Бу фирқа тарафдорлари Шимо- лий Африкадаги бир-икки мамлакатда мавжуд.

* * *

Аҳмадия, нусайрия, друзия, исмоилия, бобийлик, баҳоийлик ва шунга ўхшаш диний фирқа ва оқимлар дастлаб Исломдан чиққан бўлсалар-да, кейинчалик улар ҳидоят йўли- дан офган, бузилган, Ислом динига алоқаси йўқ ботил, кофир фирқалар бўлиб қолган.

Маълумки, Мусо алайҳиссалом қавми 71 фирқага бўлинган, 70 таси залолатда, фақат биттаси омон қолган. Ийсо алайҳиссалом қавми 72 фирқага айрилди, 71 таси залолатда, фақат биттаси нажот топган. Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассал- ламнинг уммати эса 73 фирқага бўлинди, 72 фирқа залолатда, фақат биргина — «аҳли сунна вал-жамоа» мазҳаби саломатда қолиб, нажот топгандир. Биз Ўрта Осиё мусулмон- лари «аҳли сунна вал-жамоа» фирқасига ва Исломнинг машҳур тўрт мазҳаби — Имом Аъзам Абу Ҳанифа, Имом Шофийий, Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал мазҳаблари- дан бирига, ҳамда имом ал-Мотуридийнинг ғоявий, ақидавий, мафкуравий таълимотига амал қиламиз.

Исломдаги диний-ижтимоий оқимлар

Ҳозирги замонда Исломда диний, ижтимоий ва сиёсий масалаларга Исломнинг муносабатига кўра уч асосий оқим мавжуд бўлиб, улар ўз қарашларини қуйидагича ифодаляйдилар.

1. Ислом фундаментализми.

Бу оқимнинг номи «фундамент» (асос, негиз, пойдевор) сўзидан олинганлиги учун шундай номланган.

Ислом фундаментализмининг асосий фикрлар тизими, қарашлари (концепцияси) Исломнинг фундаментал тамойиллари ҳар қандай ижтимоий тузумдан фарқ қиладиган муस्ताқил «Ислом тараққиёти йўли»ни белгилаб беради, деб ҳисобляйдилар. Улар ана шу дастлабки фундаментал тамойилларни тиклаш ва уларга амал қилиш тарафдоридирлар.

Лекин, Ислом модернистларига қарши ўларок, улар ана шу тамойилларни ҳозирги давр тақозосига мослаб қайта талқин қилиш мумкин эмас деб ҳисобляйдилар.

Бу оқим тарафдорлари традиционалистлар (анъанавийчилар)га ўхшаб, дин ва сиёсатни бир деб эълон қиладилар, фақат улардан фарқли ўларок Ислом билан миллат манфаатларини бир ёки яқин деб тушунадилар.

Ислом фундаментализми тарафдорлари социал адолат учун курашни мақсад қиладилар, мазлумлар номидан иш кўриб, уларни ўз ҳимояларига оладилар. Бу оқим ўзини диний уйғониш тарафдорлари деб атайдилар.

2. Ислом традиционализми (анъанавийчилиги).

Бу оқимнинг номи «традиция» (анъана, урф-одат, удум, расм) сўзидан олинганлиги учун ҳам «Ислом традиционализми» деган ном олган.

Оқим тарафдорлари ўрта аср диний ақидаларига изчил амал қилиб, динни ҳар қандай ислоҳ қилинишига қарши чиққанлар. Уларнинг фикрича, динда «ижтиҳод эшиклари ёпиқдир». (Ижтиҳод — арабча интилиш, ғайрат қилиш, диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича муस्ताқил фикр юритиш тамойили).

Ислом традиционализми миллий онг соҳасида Исломни миллатчиликка қарши қўяди, яъни мусулмонлар миллатларидан қатъи назар жамиятда Ислом ақидаларига бирдек сўзсиз амал қилишлари керак, умматларнинг бариси тенг ҳуқуқли, уларни бир биридан ажратиш мумкин эмас деган концепцияни илгари сурадилар. Улар социализмга хос тенгликни «нотабий тенглик» деб ҳисоблаганлар. Шунингдек капитализмдаги тенгсизликни ҳам танқид қилиб, «Исломга хос тенглик»ни тарғиб қилганлар.

3. Ислом модернизми.

Оқимнинг номи «модернизм» — (замонавийлаштириш, ҳозирги замон шароитларига мослаштириш, янгилик киритиш) сўзидан олинган.

Бу оқим торроқ маънода Ислом диний ва ижтимоий таълимотини янгилаш, замон шароитларига мувофиқлаштириш, Ислом динининг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий масалаларида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларига тааллуқли ақидаларини янгилаш талқин этиш, хўжалик ҳаётини тартибга солиш ва Ислом тамойиллари асосида тараққиётнинг янги намуна, нусха, қолипларини (моделларини) ва йўллариини ишлаб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб олади.

Кенгроқ маънода ҳозирги ижтимоий ҳаёт ва илмий-техника тараққиёти талабларига Ислом таълимотларини мослаштириш ҳаракатидан иборат. Ислом модернизми динда «Ижтиҳод эшиклари очик» деган тамойилга амал қилади.

Модернистлар «ғайриислом» олами билан ҳам ҳамкорлик қилишни, ҳатто Ислом ва «ғайриислом» маданиятларини бириктиришни ҳам ёқлаб чиққанлар.

Ижтиҳод (арабча, интилиш, ғайрат қилиш) — диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича фикр юритиш тамойили.

Ўрта асрларда фақат йирик мусулмон фақиҳлари ва илоҳиётчилари — мужтаҳидлар ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлганлар. X асрларда Исломнинг суннийлик йўналишидаги шариат қонун-қоидалари шаклланиб, Ислом ақидалари ишлаб чиқилгач, «ижтиҳод эшиклари ёпиқ бўйилди», илоҳиёт, ҳуқуқ, ахлоқ ва ижтимоий таълимотда фақат илгариги илоҳиётчилар-

га тақлид қилиш мумкин, деб ҳисобланган. Тақлид концепцияси биринчи ўринга чиққан.

XIX аср охирларида Ислом диний ислоҳчилари ижтиҳод ҳуқуқини яна тиклаганлар. **Қуръон**ни ва Ислом таълимотини яхши билган ҳар бир билимдон мусулмон ижтиҳод қилиши мумкин деб ҳисоблаганлар.

Ижтиҳод масаласи Исломда муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Ислом модернизми тарафдорлари уни ёқлайдилар ва унга асосландилар. Ислом традиционализми ва фундаментализми эса ижтиҳодга қарши туради.

Ваҳҳобийа ва Ҳизб ут-Таҳрир

Ислом динидаги оқимлар ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, суннийлик йўналишида XVIII асрда вужудга келган, ҳозир биз учун катта мунозара ва ташвишга сабаб бўлаётган ваҳҳобийа оқими ва XX асрда ташкил этилган «Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий» фирқаси хусусида тўғри тасаввурга эга бўлишимиз лозимки, бу оқим ва фирқа тарафдорлари замон талабларини писанд этмасдан, кўр-кўрона, ўз маслақларига ёпишиб олган ҳолда қилаётган ишлари, тарғиботлари динимиз бутунлигига, бирлигига, мусулмонларнинг бошқа диндагиларга ибрат бўлиб тинч-тотув яшашларига раҳна солмоқда.

«Ваҳҳобийа» ва «Ҳизб ут-Таҳрир»чилар диний бирлигимиз ва тинч тотув яшашимизга зарба беришни мўлжаллаётган динимиз ва давлатимиз душманларининг тегирмонига сув қуйиб, уларнинг моддий ва маънавий қизиқтиришларига учиб ёки мажбурлашлари натижасида маҳсус топшириқларини бажараётган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Биз кишиларнинг фақат зоҳирига қараб ҳукм чиқаришга буюрилганмиз, ботинини эса **Аллоҳ**га ҳавола қиламиз. **Аллоҳ**ни **Ўзи** билгувчироқдир!

Ваҳҳобийа оқими

Хўш, ваҳҳобийлар кимлар ўзи?

Ваҳҳобийа Исломдаги диний сиёсий оқим бўлиб, суннийлик йўналишининг ҳанбалия мазҳабига мансубдир. Ваҳҳобийлар ўзларини «муваҳҳиддун»лар, яъни якка **Аллоҳ**ни тан олувчилар, ваҳдониятчи, тавҳидчилар деб атаганлар. «Ваҳҳобий» деган номни эса уларга бу оқимни тан олмаганлар беришган. Бу оқимга 1703- йили туғилиб, Арабистон яриморотидаги Нажд вилоятининг Уяйна шаҳрида 1792- йили вафот этган Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб ибн Сулаймон асос солган. Унинг асосий ақидаси ваҳдоният, яъни яккаҳудоликни қатъий талаб этиш бўлиб, «динни тозалаш»га, пайғамбаримиз давридаги асл ҳолига келтиришга, арабларни «чинакам Ислом» яшил байроғи остида бирлаштиришга ҳаракат қилишдир.

Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб мусиқа, кўшиқ, театр, тасвирий санъат ва умуман маънавий маданият тараққиётига қарши чиққан. Ваҳдониятни қаттиқ ҳимоя қилиб, муқаддас жойлар, авлиёлар мазорларини зиёрат қилишни уларга сифиниш деб тушуниб, қоралайди. Зоҳидликни — ҳаётдаги ноз-неъматлардан воз кечишни, ўзини табиий эҳтиёж ва хоҳишлардан тийишни, оддий кийинишни, камтарона ҳаёт кечиришни, айш-ишратга, кўп бойлик тўплашга берилмасликни тарғиб қилди ҳамда кишиларни тенглик ва биродарликка даъват этди.

Шундай қилиб, ҳозирда ватанимизда бир-бир «жавлон» уриб қолаётган ваҳҳобийлар жамиятда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар қилиб ҳаётга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом давридаги Исломнинг асосий принципларини тадбиқ қилиш ва ўша замондаги тартиб — тизимларга қайтиш (фундаментализм) ғояси йўлида курашиб келмоқдалар.

Ваҳҳобийлар ҳозирги пайтда Исломдаги барча бидъатларни йўқ қилиб, фақат **Қуръон** ва Суннага (Ҳадислар тўплами) қайтишни талаб қилиб чиқмоқдалар.

Бизга маълумки, ҳадисларда ўз аксини топмаган ва жамиятнинг тобора илгарилаб бораётган тараққиёти туфайли ҳаётга кириб келаётган янгиликлар «бидъат» деб аталган. Бидъат ўз маъноси билан жамият ҳаётида илгари маълум бўлмаган, амалда қўлланилмаган бирор янги фикр, янги нарса, янги урф-одатлар, анъаналар, янги хатти-ҳаракатларни англатади. Агар бидъат жамиятнинг ижтимоий ҳаётига, тараққиётига ёрдам қилса, бундай бидъатлар

яхши ва фойдали, аксинчаси эса ёмон салбий, зарарли бидъатлар деб қабул қилинган.

Исломнинг янги ўзгариб бораётган воқеликка мослашуви, янги анъаналарга диний фатво берилиши, уларнинг суннага тўғри келиши ёки тўғри келмаслиги масалалари Ислом ҳуқуқшунослигида уламоларнинг ягона фикрга келишлари (ижмоъ) орқали амалга оширилган. Тўрт мазҳабнинг бундай ҳолатларга энг хайрихоҳи — ҳанафия, энг муросасизи — ҳанбалия эди.

Ҳанбалия мазҳабининг имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан (780—855) кейинги йирик назариётчиларидан бири — Тақийуддин Аҳмад ибн Таймия (1263—1328) бўлиб, у мазҳаб ҳуқуқшунослиги масалаларини умумлаштирувчи «Шаръий сиёсат» китобини ёзган.

Ибн Таймия сўфийларга, авлиёларга ва Муҳаммад алайҳиссаломни кўкларга кўтариб мақташга қарши бўлган. Пайғамбаримизнинг Мадинадаги мақбараларини зиёрат этишни унга сифиниш деб тушуниб, уни Исломга зид бидъат деб эълон қилган. Ваҳоланки, илоҳиётшунос олимлар, ижмоъ воситасида бунга рухсат берган эдилар.

Ибн Таймиянинг Исломни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳамда Исломнинг асосий ғояси бўлмиш Тавҳид масаласида хизматлари жуда катта бўлган, бундан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Аммо у Исломни ўзгарувчан замон тараққиёт талабларига мослашуви (модернизм) йўлидаги барча ишларни, маросиму урф-одатларни бидъат деб эълон қилган ва ҳар бир мусулмон ўз ҳаётида фақат **Қуръон** ва Суннага амал қилиши керак, Ислом амалиёти пайғамбаримиз замонларида қандай бўлса, шундай бўлиши керак (традиционализм), деган талабни ўртага қўйган.

Исломнинг муфтий, шайхулислом каби етакчи уламоларининг ижмоъ воситасида янги амалиётларни тасдиқлаб фатво беришларига ва буни кундалик ҳаётга тадбиқ этишни ёқлаган илоҳиётшунос олимлар таълимотларига эътироз билдириб уларни инкор этган.

Унинг издошлари бўлмиш «Янги Ҳанбалийлар» Исломнинг йирик назариётчиларидан бўлмиш «Хужжат ул-Ислом» унвонига эга бўлган Имом Ғаззолийнинг баъзи таълимотларига ҳам қарши чиққанлар. Улар Ибн Таймиянинг 500 дан ортиқ қолдирган асарларини кунт билан ўрганганлар. Аммо улар баъзи масалаларни талқин қилишда ўша даврларда ҳатто ҳанбалийларнинг ўзларига ҳам қарши чиққанлар.

Янги даврга келиб, ваҳҳобийлар бу таълимотни Исломдаги бидъатларга қарши кураш ғояси ва шиори сифатида қабул қилдилар. Ваҳҳобийа аниқ сиёсий ва ҳарбий кучга айлана бошлаганидан кейин, дунёдаги сиёсий доиралар (айниқса Англия) улардан ўзларининг сиёсий ва ғаразли ўйинларида қурол сифатида фойдаланиш ҳаракатига тушдилар. Айниқса, ваҳҳобийларнинг Ислом принципларига асосланган ягона Ислом давлати тузиш ғояси бу сиёсий доираларга ўзларининг манфаатларини юзага чиқаришда жуда кўл келар эди.

Милодий 1740-йили қудратли Турк халифалигига қарашли Арабистоннинг Нажд ўлкасидаги ал-Дария шаҳрининг амири ва ҳарбий саркардаси Муҳаммад ибн Сауд, Абдул Ваҳҳоб ақидасини тан олиб, унга мурид бўлади. Узоқни кўзлаб иш қиладиган мулоҳазакор, синчков ва зийрак амир, турк ҳукмронлигидан озод бўлиш ва Арабистон ярим оролида мустақил подшоҳлик барпо этиш йўлида Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб билан ҳамкорлик қилиш учун, 1774-йили у билан шартнома тузади. Шартномага кўра амир Абдул Ваҳҳобга аскар ва маблағ билан ёрдам берадиган бўлди. Бу орада улар ўзаро қариндошлик риштасини ҳам вужудга келтирадилар, яъни амир унинг қизига уйланиб унга куёв бўлади. Бундан ташқари ўзининг рақиби, тобора юксалиб бораётган Туркияни заифлаштирмақчи бўлиб юрган Англия, юқорида айтиб ўтганимиздек, ваҳҳобийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Натижада ўша пайтларда ваҳҳобийа арабларнинг туркларга қарши миллий озодлик ҳаракатига ҳам айланиб кетади. Бу уч ёқлама мафкура ва қиличга таянган ҳамкорлик ўзининг илк натижаларини ҳам беради. 1920- йилда бошланган ғазовот уруши натижасида 1932- йили Саудия Арабистони давлати ташкил топди. Ҳозир ваҳҳобийа таълимоти бу мамлакатда ҳукмрон ғоя ҳисобланади. Подшоҳнинг ўзи ҳам ваҳҳобийа оқимига мансуб.

Юқорида келтирганимиздек, Абдул Ваҳҳоб таълимотига кўра, ёлғиз **Аллоҳ таолога** сифиниб фақат Ундан паноҳ тилаш лозим. Унинг айтишича, мусулмонларнинг муқаддас жой

ва қадамжойларига, азиз авлиёларга, ҳатто пайғамбарларга ҳам сифиниш мумкин эмас. Ҳеч бир шахс **Аллоҳ** билан унинг бандаси ўртасида воситачи бўла олмайди. Муҳаммад пайғамбар фақатгина охиратда **Аллоҳдан** бандаларининг гуноҳини кечиришни сўраши мумкин, холос. Муҳаммад пайғамбар мақбарисига Мадинага зиёрат учун бориш ҳам бидъат, суннат намозини эса ўқиш шарт эмас. Азиз — авлиёлар қабрига сифиниш ва сифиниш маъносига эга бўлган ўша ердаги дарахтларга латта-путталар осиб келиш катта гуноҳ, зеро у **Аллоҳга** ширк келтириш, кўпхудоликни тан олиш билан баробардир. Ваҳхобийлар тамаки, наша чекиш, кайф қилдирувчи ичимликлар ва гиёҳлар истеъмол қилиш, эркакларга ипак кийимлар кийиш, олтин тақинчоқлар тақиш, тасбеҳ ўгириш, мусиқа чалиш ва тинглаш, кўшиқ айтиш, рақсга тушиш, расм чизиш, суратга тушиш, катта байрамлар ўтказиш, тумор тақиш, сеҳргарлик, дуохонлик, мозорлар теппасига шам ёқиб қўйиш ва шу кабиларни таъқиқлайдилар.

Улар, инсоният маънавиятининг энг юқори чўққиларига — камолотга етакловчи восита — тасаввуфга қарши турадилар, авлиё-машойихларни ҳурмат қилиб, уларга ихлос қўйишни куфр ва гуноҳ деб биладилар. Мавлуд кунларини нишонлаш, марҳумларнинг руҳларига **Қуръон** тиловат қилишни, азиз-авлиёлар қабрларини, мақбараларини зиёрат қилишни инкор этиб, бу ишларни ширк деб тушунтирадилар. Шунингдек улар тасаввуфга, тариқат одобларига жаҳолат, ширк деб қарайдилар. Аёлларни уялмасдан «шайтон» деб ҳақорат қиладилар. Хуружлари тутиб қолганда, осори атиқа, тарихий обида ва қабрларни бузиб, текислаб ташлайдилар. **Аллоҳ** осмонда деб, **Аллоҳга** макон иснод этадилар ва бу ботил эътиқодни тарғиб ҳам қиладилар.

Ҳозирги замон ваҳхобийлари булардан ташқари яна кино, театр, концерт каби тамошагоҳларга ҳам қаршидирлар.

Дойим Абдул Ваҳхоб билан бирга бўлган инглиз разведкачиси Хемпернинг ёзишича, бу оқим таълимотига кўра Ислонда фақат **Қуръон** ва Суннага итоат этиш фарз, тўрт мазҳаб пешволари (Имом Аъзам, Имом Молик ибн Анас, Имом Шофиъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал) таълимотлари, йўл-йўриқларини бекор деб айтадилар. Яна Хемпернинг айтишича, Муҳаммад Абдул Ваҳхоб муҳаддислар, шу жумладан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-Саҳиҳ» ҳадислар тўпламида келтирилган ҳадисларнинг ярмиси сохта ва бефойдадир, марҳумларга **Қуръон** тиловат қилиш ҳам беҳуда, бу бидъат, деган.

Ваҳхобийлар ижмоъни, яъни шариятда мунозарали масалаларни ечишда мусулмон уламоларининг кўпчилики бир бўлиб, маслаҳатлашиб ўзаро яқдиллик билан бир қарорга келиб ҳукм чиқаришларини ҳам бекорга чиқарганлар.

Ваҳхобийа диний — сиёсий экстремистик оқимининг ташкилий тизими бўлмиш «Ўзбекистон Ислон ҳаракати» жаҳоннинг етакчи халқаро террористик («Толибон ҳаракати», «ал-Жиход», «Ҳаракат ул-Ансор», «ал-Қаида») билан тил бириктириб, уларнинг бевосита раҳнамолигида 1990—1992- йилларда ташкил этилган.

Бу оқим ҳозирги кунда асосан Фарғона водийси вилоятларида ва тошкентлик ёшлар орасида кенг тарқалиб, фаолиятлари жадаллашгани сезилмоқда. Оқим тарафдорлари ва уларнинг раҳнамолари, Ислон ниқоби остида кишига мафкуравий таъсир этиш мақсадини кўзлайдилар, керак бўлса, буни қонли йўллар билан ҳам амалга ошириб, бу йўлда жонини ҳам тикиб, шаҳид кетиш, ҳатто ўзларининг ота-она, яқинлари ҳаётини ҳам шу йўлда қурбон қилиш руҳида тарбия топганлар. Амалдаги тузумни ағдариб, Ислон давлати куриш мафқурасини илгари сурадилар.

«Ўзбекистон Ислон ҳаракати» пастқам, хилват жойларда, масалан Тожикистон ҳукумати томонидан назорат қилинмайдиган Жирғатол, Тавилдара, Гарм каби худудларда ўзларининг жангариларини махсус тайёргарликдан ўтказиб турганлар. Шундай лагерлар Афғонистоннинг Мозори Шариф, Қандаҳор ва Балх вилоятларида ҳам бўлган. Уларга покистонлик ва афғонистонлик тажрибали, моҳир ҳарбий йўриқчилар раҳбарлик қилганлар.

Энди ваҳхобийларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишларидан мақсадлари нима, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, уларда Ислоннинг софлиги учун кураш ҳам эмас, чунки бу масалада жиддий камчилик йўқ, азиз-авлиёларга сифинишни бартараф этиш ҳам

эмас, чунки бу иш оммавий тус олиб Исломга жиддий ҳавф солаётгани ҳам йўқ, мусулмон эркак ва аёлларни либослари масаласи ҳам эмас, чунки Исломда либоснинг аҳамияти йўқ, аёллар сал уёқ-буёқларини тартибга солиб авратларини беркитиб юрсалар бўлгани, соқол қўйиб, калта шим кийиб юришнинг ҳам Исломга алоқаси йўқ (*Қуръони карим*да энг яхши либос, бу тақво либосидир, дейилган), диний маросимлар, эътиқод бобида ҳам камчилигимиз йўқ, истаган масжидимизда, истаган маҳалда намозимизни ўқийверамиз, истаган вақтимизда нафл рўзаларини ҳам тутаверамиз, йилда бир марта Ҳаж зиёратига боришда ҳам илгариги даврлардаги каби муаммолар йўқ. Хайит, Наврўз ва бошқа байрамлар ҳам катта тантаналар билан ўтказилиб турибди, оммавий йиғилишларда тўй, маърака, байрамларда диний ваъз насихатлар, амри-маъруф, нахий-мункарлар аъло даражада олиб борилмоқда. Қисқаси, **Худога** беадад шукрки, Республикамиз мусулмонларининг диний ҳаётида бирон-бир жиддий камчилик, диний муаммо, мушкуллик йўқ.

Уларнинг мақсадлари Ислом дини ниқоби остида ҳокимият учун кураш бўлиб қолди. Динимиз ва давлатимиз ғанимлари (дўстсиз одам бўлиши мумкин, аммо душмансиз одам бўлмайди!) билан биргаликда Ўзбекистонда Ислом Республикаси ўрнатиб, давлатни пайғамбаримиз замонларидагидек мутлақ Ислом тартиботлари асосида идора этишга ўтишни ўз олдиларига мақсад қилиб олдилар.

Муҳтарам суҳбатдош!

Ҳозирги ваҳҳобийларнинг маслақ, таълимот ва даъватларини қабул қилиб, уларнинг йўлига юрсак, қуйидагиларга рози бўлишимизга тўғри келади:

1. Қимматли тарихий обидалар, осори-атиқалар, мозорларда эсдалик учун қўйилган қабр тошлари бузиб ташланади.

2. Пайғамбаримизнинг Мадинадаги қабрларини зиёрат қилишдан воз кечилади.

3. Инсон тафаккурининг хуррияти учун курашган, **Аллоҳ**ни чин дилдан севган, ҳаётларини **Аллоҳ** розилиги ҳамда Ислом динини кенг ёйиш учун баҳшида қилган, **Аллоҳ**нинг севган азиз-авлиёлари мақбаралари бузиб ташланади, тасаввуф таълимотлари йўқ қилинади.

4. Шариатдан «ижмоъ», «қиёс» аҳкомларининг кўплари олиб ташланади.

5. Имом Азъам мазҳабининг аксарият қоида, талаблари бекор қилинади.

6. Мусиқа чалиш, тинглаш, кўшиқ, ашула айтиш, эшитиш, рақсга тушиш, тасвирий санъат, расм олдириш, ҳайкалтарошлик санъати йўқ қилинади, катта байрамлар ўтказиш (икки хайит байрамидан ташқари) ман қилинади.

7. Кино, театр, концертларга рухсат этилмайди.

8. Барча эркаклардан соқол-мўйлаб қўйиб, калта шим кийиб юриш талаб этилади.

9. Хотин-қизларнинг кўчага чиқиб ишлаб келишларига рухсат этилмайди. Ҳижобга киргизилади.

10. Дунё мамлакатларининг кўпчилиги танлаган демократия тузуми йўқ қилинади.

11. Эътиқод, таълимот, маслақлар зўрлаб, мажбурлаб тикиштирилади. Уларга зид иш тутадиган барча кишилар, улар унинг хоҳ ота-онаси бўлсин, хоҳ ака-ука, опа-сингил, фарзандлари бўлсин, аяб ўтирилмайди. Зарур бўлиб қолганда улардан қонли ўч олинади. Ваҳҳобийлар дойим ана шу ғайриинсоний мақсадларни рўёбга чиқариш учун, ҳамда мавжуд конституцион тузумни куч билан ағдариб ташлаш учун пайт пойлаб юрадилар.

Қани, азиз суҳбатдош! Айтингчи, сиз буларга рози бўлармидингиз?

Энди биздаги ваҳҳобийларнинг кўринишига келсак, уларнинг аксарияти калта шим кийиб, соч-соқолларини ўстириб, хунук қиёфага кириб олган, кўринишлари худди тарки дунё қилган қаландарларга ўхшаб кетадиган, оммадан кескин ажралиб турадиган ахлоқсиз, саводсиз, беўхшов ёшлардир. Масжидларда ёши улуғ кекса диндорларга турли бўлмағур саволлар бериб, отаси, буваси тенги келадиган отахонларни беҳурмат қилиб, улар билан терс муомалада бўлиб, сурбетларча маҳмаданалик қилишлари билан аксарият халқнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганлар. Бундай жоҳиллик билан динимизни тафтиш қилишга ҳақлари борми уларнинг? Ахир, дин ишларини бошқариб, тартибга солиб турувчи диний мансабдор шахслар, фатволар берувчи Муфтий ҳазратлари бор-ку?! Мунозарали масалаларни улар билан муроса-мадора асосида ечмайдиларми? Қандай ҳақлари бор кишиларга

ўзларининг эскирган, қотиб қолган даққи ақидаларини, маслақларини зўрлик билан тикиштиришга? Ўша жаноби пайғамбаримиз даврини ҳозирги кунга — юксак тараққиёт даврига солиштириб бўладими? Ўзгарувчан замон талабларини нега инобатга олмайдилар? Ахир, масжидларда, тўй-ҳашам, маърака ва бошқа амри-маъруф, наҳий-мункар ўтказиладиган йиғинларда имомларимиз, нотикларимиз улар талаб қилаётган ваҳдониятни лозим топилган қоидалар асносида ҳар доим тарғиб қилиб турибдилар-ку! Ким ҳуқуқ берди уларга жанжал-тўполон кўтариб, баъзилардан эса ҳатто қонли ўч олиб, мазорлардаги тарихий обидаларни, эсдалик лавҳаларни, белгиларни, мақбараларни бузиб ташлашга? Бундай ўринли саволлар бир талай...

Аллоҳ таоло 2- «Бақара» сурасининг 256- оятида «**Динда зўрлаш йўқ...**» деган.

Кимда-ким: «Менинг йўлим, менинг мафкурам тўғри», деб ваҳҳобийлар ва хизбчилар каби бошқаларни зўрлаш ва алдаш йўли билан ўзининг мафкурасига, йўлига тортмоқчи бўлар экан, албатта, у **Аллоҳнинг** хурриятига, **Аллоҳнинг** иродасига қарши борган бўлади. Қайси инсон **Аллоҳнинг** хоҳишига қарши бориб қолиб бўла оларди?! Бундай нодонлар фақатгина халқ бошига ташвишу кулфатлар келтириб, оқибатда халқнинг нафратига ва **Аллоҳнинг** ғазабига учраши тайин.

Бу йўлда фарзандларимизни тўғри келган билими шубҳали, чаласавод, чаламулла одамларга диний таълим олишга топшириб қўйишимизда ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. Чунки ёшлиқда нотўғри таълим билан заҳарланиб қолган миядан бу нотўғри таълим асоратларини чиқариб ташлаш ниҳоятда мушкул кечади, аксарият ҳолларда бунга мутлақо эришиб бўлмайди ҳам. Биз ўзимизнинг ана шу лоқайдлигимиз билан азиз фарзандларимиздан ажраб қолишимиз мумкин-ку ахир?!

Ҳозирги ваҳҳобийлар ўзгарувчан замон талабларини, замона зайлини менсимайдиган, тараққиётнинг ашаддий душмани, ўтакетган мутаассиб, жаҳолатпараст, ақидапараст, ўз маслагига кўр-кўрона ёпишиб олиб, уни зўрлик билан инсонларга тикиштириш учун, кескин чора-тадбирлардан тап тортмайдиган жанжалкаш, жоҳил, уришқок, савияси паст, ислоҳотчи, догматик, экстремист жангарилардир. Улар ўзларининг бу хатти-харакатлари билан кимларнинг тегирмонига сув қуяётганларини таҳлил қилиб кўрганмикинлар? Билармикинлар? Улар моҳиятан тараққиётга ғов, жоҳил, ўзларида тўғри фикрлаш тарзи йўқ ёки умуман бой берилган бандалардир.

Ислом дини **Аллоҳнинг** инояти бўлиб, бу буюк иноятга шахсий тухфа билан жавоб берилади. Бу тухфа **Қуръони карим** матнларидаги муборак, муқаддас сўзлардир.

Муҳаммад алайҳиссалом ўз саҳобаларига: «**Нега сиз одамларга динни зўрлаб сингдиришга интиласиз? Ваҳоланки, дин Аллоҳга нисбатан ихтиёрий тухфа бўлиши керак**», деганлар. Исломни бошқаларга зўрлаб сингдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, Ислом — диндорнинг эркин жавоб сўзи. Сўз — башариятга инъом, сўз — одамларнинг тухфаси, ихтиёрий ва жавоб тариқасидаги қурбонлигидир.

Аллоҳ таоло динга мажбурлаб киритиш, маълум бир эътиқодни зўрлаб, мажбуран тикиштириш ҳуқуқини ҳеч кимга, ҳатто пайғамбарларга ҳам берган эмас. Бу ҳақда **Аллоҳ** 88- «Ғошия» сурасининг 21 — 22-оятларида шундай деган: «**Бас, (эй Муҳаммад), эслатинг! Зотан, Сиз фақат эслатгувчидирсиз. Уларнинг устидан зўравонлик билан ҳукм юргизувчи эмассиз**». Шунингдек, 2- «Бақара» сурасининг 141-оятида «**Улар ўтиб кетган умматдир. Уларнинг қилган аъмоллари (ишлари) ўзларига, сизларнинг қилган аъмолларингиз ўзингизгадир. Сизлар уларнинг қилмишлари учун жавоб бермайсизлар**», дейилган бўлса, шу суранинг 139-оятида: «**Айтинг (эй Муҳаммад): «Бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Раббингиз бўлмиш Аллоҳ ҳақида биз билан тортишасизми?! Бизнинг аъмолларимиз — бизга, сизнинг аъмолларингиз — сизга. Биз фақат Унгагина ихлос қилгувчиларимиз**», дейилган. 92- «Лайл» сурасининг 12-оятида эса: «**Албатта, ҳидоят (Тўғри йўлга йўллаш) фақат Бизнинг зиммамиздадир**», деб айтилган. Шунинг учун ҳам баъзи бир кимсалар доим эсларида тутишлари керакки, ҳар кимнинг яхшидир, ёмондир, савобдир, гуноҳдир қилган амали ўзи учундир ва фақат ўзига тегишлидир. Бинобарин, охиратда ҳар бир кишининг фақат ўзи қилган савоб-

гуноҳ ишлари тарозига қўйилади, бировники эмас.

Айниқса, динимиз бирлигига путур етказадиган ҳар замон-ҳар замонда «пайдо бўлиб» қоладиган «Ваҳҳобийа», «Ҳизб ут-таҳрир» каби ҳар хил диний экстремистик оқим ва фирқа вакилларининг гўё «ҳақиқат излаб» тентираб, жанжаллашиб юришлари мутлақо асоссиз, бемаънилик ва тушунмаслик оқибатидир. Етарли, ҳаққоний диний таълим ола билмаганликлари сабабидандир. Бундайлар диний-дунёвий билимларнинг дастлабки пой-девори бўлган мазкур китобни диққат қилиб ўқиб чиқсалар, ўйлаймизки, ўзларича тегишли хулосалар чиқариб оладилар ва кетаётган нотўғри, адашган йўлларида тўғри, ҳақ йўлга ўтиб оладилар, иншоаллоҳ!

Бундай диний экстремистик оқимлар, гуруҳлар фаолияти инсонлар учун хатарли бўлганлиги учун, кўпгина Ислому давлатларида ман қилинган.

Ҳозир айрим жоҳил кишилар ўтказадиган «исломий» никоҳ тўйларига бир назар ташланг. Тўйнинг кўрки бўлган жозибали, ёқимли, миллий карнай-сурнайларсиз, мусиқасиз, кўшиқ, ашулаларсиз, хурсандчиликсиз ўтказилаётган мотамсаро тўйларни кўринг. Икки кўзидан ташқари ҳаммаёғини латта-путталарга ўраб ташлаган хунук, рўдапо қиёфасига кирган ёшларимизга, хотин-қизларимизга кўз ташланг, дилингиз қувонармикан? Ислому диниданми бу бидъатлар? Муборак *Қуръони карим*данми ёхуд пайғамбаримиз ҳадислариданми? Хусусан, куёв жўраларни келинникига урушга, жангга кетаётгандек: «**Ё Аллоҳу, ё Аллоҳ, ё Аллоҳу, ё Аллоҳ!**» деб бақариб такбир айтиб кириб келаётганлари-чи! Ҳамма нарсанинг, ибодат, такбир айтишнинг ҳам ўз мавриди, ўз ўрни бор-ку?! Тўйда мотамсаро юриш, кўз ёши, рамгинлик, азада эса кулгу — булар аҳмоқлик белгиси эмасми? Мана нотўғри таълим-тарбия оқибати!

Муқаддам айтиб ўтганимиздек, жаноби пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаллам: «*Ибодатнинг яхшироғи унинг осонроғидир*», «*Динни қийинлаштирманглар, соддалаштиринглар, осонлаштиринглар, одамларга малол келадиган қилманглар*», «*Бу дунё деб, у дунёдан кечманглар, у дунё деб, бу дунёдан кечманглар*» ва яна: «*Динда жуда чуқур кетманглар, сизлардан аввалгилар динда чуқур кетганликлари учун ҳалок бўлганлар*», деб марҳамат қилганлар. Ҳар бир мусулмон **Аллоҳ таоло** буюрганларини бажариб, ҳеч кимни ранжитмай, озор бермай, яхшилик, савоб ишларни қилиб, ҳалол, пок, тўғри, ҳар бир ишда адолат қоидаларига риоя этиб яшаса, ибодатда юрган ҳисобланади. Исломининг беш асоси — талабларини (иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж) канда қилмай бажариб юрсалар-у, юқорида айтилганларга хилоф ишларни қилсалар, уларнинг тоат-ибодатлари ҳабата (бекор) бўлиб кетиши аниқ. Исломининг бу беш фарзи талабидан мақсад ҳам инсонларни ана шундай тарзда ҳаёт кечирिशга даъватдир.

Қаранг бу ҳақда Умар Ҳайём нима деган:

*Намоз, рўза дегин бўлди имконинг,
Кимсадан аяма бир бурда нонинг
Ҳеч кимни ранжитма, ейбатин қилма
Шунда обод бўлур икки жаҳонинг!*

Динимизнинг ҳар қандай оқим, йўл, мазҳаб ва бошқа шу каби тармоқларга бўлиниши бутунлай нотўғри, бундай ишлар кишиларни дунёвий ҳаётдан чалғитади, диний бирликка путур етказди, бекорчи сафсатабозликни келтириб чиқаради, тараққиётни орқага суради.

Байт:

*Ошиқлар миллати динлардан жудо,
Мазҳабу миллати биргина Худо.*

ёки:

*Каъбага боришдан мақсад бирдир,
Агар борувчилар миқдори юздир.*

Б. Нақшбанд (Илёсхон Ғозий таржимаси).

Энг муҳими, яккаю-ягона **Аллоҳ таоло** доим кўнглимизда, дилимизда, қалбимизда бўлмоғи ва ҳамма вақт эсимизда турмоғи лозим.

Биз учун зарури — иймоннинг етти талабига ишониб, Ислому динининг беш устунига таяниб

ва уларни бажариб, бу омонат дунёда тинчгина ишимизни, тирикчилигимизни қилиб, бу дунёни орзу-хавасларини ҳам ўз меъёрида қилиб, ҳаёт қувончларидан имкони борича баҳра олиб, хурсандлик ва хотиржамлик билан яшаб юрсак, бундан ортигининг нима кераги бор?

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан (1318 — 1389) мусиқа, ўйин-кулги, хурсандчилик ҳақида сўраганларида у зот:

*Мо ин кор намекунем,
Инкор ҳам намекунем.*

(Биз бундай қилмаймиз, аммо инкор ҳам қилмаймиз), деб ўзларига хос заковат билан сўз ўйини орқали жавоб берган эканлар.

Тўғри, яхши яшаш учун бойлик ҳам зарур, лекин бу бойлик меъёрида, ўртача бўлиши керак. Жаноби пайғамбаримиз ҳар бир ишда ўртача, ўрта маррани тутиш лозимлигини ўз панд-насихатларида, ҳадисларида қайта-қайта таъкидлаб ўтганлар.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, катта бойлик, давлат, ҳузур-ҳаловат ўрнига машаққат, азоб-уқубат келтиради, хотиржамлик кетади. Киши ўзининг арзимас қисқа умрини эҳтиёжидан, керагидан ортиқча бойлик тўплашга сарфлаб, машаққат тортиб дунёдан ўтиб кетиши соғлом ақлга сира тўғри келмайди. Баъзи бир одамлар катта бойлик тўплаб у дунёга ҳеч нарсани олиб кетаолмасликларига ақллари етган ҳолда, бу бойликларини ўғил-қиз, неварачеваралари, авлодларига мерос қилиб қолдириб кетишни инстинктив тарзда ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Аммо масаланинг иккинчи объектив томони ҳам борки, инсонларга ризқ улашадиган ёлғиз оламлар **Парвардигори — Аллоҳ таолонинг** ишидир. («**Парвардигор**» сўзининг ўзаги «парвариш»дир). Кимки **Аллоҳнинг** бу ишини, вазифасини ўз устига олса, **Парвардигори олам** ўша ризқ улашган одамларнинг авлодларини шу улашган ризқи, қолдириб кетган бойликлари ҳажми миқдоридан камайтириб қўяди. Демак ана шу катта бойлик тўплаган одам ўз ҳаётида ихтиёрий, аммо кераксиз аҳмоқона машаққат чеккан бўлади. Масалан, ҳайвонлар, паррандалар, сув жониворларини олиб кўрсак, улар ўз болаларини ниҳоятда парваришлаб, авайлаб-асраб, эъзозлаб, ўстирадилар. Кейин улар тирикчилик қилаолиш даражасига, вояга етишгач, уларни ўзларидан бутунлай четлатадилар, ёрдам бермай қўядилар. Ҳатто инларига, уяларига ҳам киритмайдилар. Тасаввур қилинг-а, агар бирон-бир ҳайвон ёки қуш, болаларини ўз ҳолига ташлаб қўймай, уларни бир умр боқиб, тирикчилик емишларини, сувларини бериб, ин-уялар ясаб берсалар ёки ўз инларига қўйсалар, улар қандай қилиб кейин ўзларига овқат топишни, ов қилишни, уя-ин қуришни ўрганадилар? Вақти-соати келиб, ота-оналари ўлиб кетганларидан кейин, улар турмуш, тирикчилик машаққатларини кўтараолмай ҳалок бўлиб кетадилар-ку?! Палопонликларида ов қилишга, овқат топишга ўрганмаганларидан кейин, катта бўлганларида тайёрига ўрганиб қолгач, қандай қилиб ҳаёт кечирадилар?

Ақл, донолик ва тадбиркорлик тимсоли бўлган машҳур америкалик миллиардер Джон Дэвисон Рокфеллер ҳали балоғатга етмаган неварасини амалий бизнес қонун-қоидалари билан таништириш мақсадида, унга кўчаларда газета сотиб тирикчилик қилишни буюрган. Рокфеллернинг ўзи ҳам 18 — 19 ёшларида отасидан 1000 доллар қарз кўтариб, кичик савдо дўкони сотиб олиб, ўз бизнесини бошлаган. Кейинчалик у ўз маблағларини нефть маҳсулотлари бизнесига сафарбар этган. Бундай ўйлаб қарасак, Рокфеллер топган, тўплаган миллиардлари бутун авлодларига ҳам етиб ортади-ку! Шундай бўлса-да, ҳамма ўз ризқини ўз меҳнати билан топгани маъқул. Бундан ташқари, тўпланган бойлигу давлати ўзига ёки фарзандларига буюрмаган, насиб этмаган ҳоллар ҳам кўп бўлган. Бу ишлар **Аллоҳ таоло** қонунларига кўра бўлади. Бу алоҳида ўрганиб чиқиладиган мавзу, албатта.

Биздан болаларимизга қоладигани озгина дастлабки хамиртуруш сифатида озроқ маблағ, камтарона уй-жой, ватан ва энг кераклиси билим, таълим-тарбия, уларни соғлом, бақувват қилиб ўстириб, бир неча хунарни эгаллаб олишларига кўмаклашсак бас, қолганларини **Аллоҳ таоло Ўзи** етказди! Ота-она азиз фарзандига тахт ато қилиши мумкин, лекин бахт ясаб бера олмайди, бахт ота-онанинг дуоси, ўзининг яхши аъмоллари, саъй-ҳаракатларига кўра **Аллоҳ таоло** томонидан ато қилинади.

Яна, қайта-қайта таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшларимизни тўғри келган одам қўлига топшириш ва уларнинг шубҳали, чаламулла, бетайин одамлардан сабоқ олишлари фойда ўрнига зиён келтиради, хатто бу жуда ҳавфли ҳамдир, чунки миялари захарланиб, жоҳил, гапукмас, қайсар, безбет бўлиб қоладилар. Ўз фарзандларини умид билан диний таълим олиш учун ана шундай илми шубҳали чаласавод, чаламулла, чалаотинлар қўлига топшириб, ғамгин бўлиб, қилган ишларидан кўп афсусланиб надомадлар чекиб юрганлар озми ахир! Биз фарзандларимизни фақат расмий диний мадрасаларда ўқитишимиз лозим, чунки фарзандларимиз истиқболга — келажагига масъулмиз. Айниқса ёшларнинг болалик ва ўсмирликда олган билим, тарбиялари мияларида қаттиқ ўрнашиб қолиб, келгусидаги ҳаётларида улардан халос бўлишлари ғоят мушкул кечади. Биз ўз лоқайдлигимиз туфайли қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишимиз мумкин. Ўқитувчи, ўргатувчи, муаллим сўзсиз ўзининг шахсий фикрини, ақидасини ўқувчига сингдириб юбориши аниқ.

Бу ўринда бир фойдали таклиф киритиш ўринли бўлар: мактабларда, бошланғич синфларда тасдиқланган дастур бўйича динлар ва уларнинг тарихи ҳақида, хусусан Ислом дини ҳақида қисқача, содда қилиб дастлабки маълумотлар берилса, ўқувчиларга энг зарур бўлган калимаи шаҳодат ва намоз ўқиш учун зарур бўлган 10 — 15 та сура ёд олдирилса, намоз ўқиш қоидалари ўргатилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу иш болаларга бошланғич диний тарбия бериш учун четдан бегона, чаламулла, билими ва дунёқараши шубҳали ва зарарли бўлган муаллимлар қидириб юриш машаққатидан бизни халос қилади ва келажагимиз бўлган ёшлар мафқурасини аввалбошиданоқ бузилишининг олдини олади ҳамда бу тадбир динимизнинг мафқуравий ғанимларига жавоб зарбаси ҳам бўлади.

Баъзи бир тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, ўзларидан бошқа барча динларга душманлик кўзи билан қарайдиган масонлар, ғайридинлар, асосан Ислом динига қарши диний-мафқуравий кураш учун йилига 2 миллиард АҚШ доллари ажратар экан. Ёшларимизга яширинча диний билим берадиган домла ёки отинларни улар ёлламаганлигига ким кафил бўла олади?

Ваҳҳобийа оқимининг келиб чиқиш тарихига бир назар ташлайдиган бўлсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз.

Маълумки, ҳар қандай таълимот халқ орасига сингиши учун дастлаб ижобий хислат ва сифатларга эга бўлиши ёки ўша муҳитдаги жамиятни бошқариб турган қатламнинг манфаатларига мос келиши керак. Акс ҳолда, бу таълимотнинг бешиклигидаёқ жанозаси ўқилади.

Ваҳҳобийанинг дастлабки таълимотида ҳаётдаги барча салбий иллатларга қарши кураш, мол-дунё, ортиқча ҳирс-ҳаваслардан воз кечиш, Исломга зид урф-одатлардан тийиши, поклик, адолат, ваҳдоният, тавҳид (яккахудолик)ни мустаҳкамлаш, **Аллоҳдан** бошқа ҳеч кимга, ҳеч нарсага сиғинмаслик, илтижо қилиб ёрдам сўрамаслик, жумладан, авлиёлардан, фаришталардан ҳам ёрдам сўрамаслик, муқаддас жойларга, қабрларга, мақбараларга сиғинмаслик, қабрлар устига мақбаралар қурмаслик, уларни сиғинадиган санамларга айлантириб олмаслик ва шунга ўхшаш ваҳдониятга зид ишларга чек қўйиш каби ғоялар бўлганлиги учун ҳам дастлаб бирмунча халқ бу оқимга эргашди.

Аммо улар кейинчалик қуюшқондан ташқари чиқиб айниб кетдилар (уларнинг кирдикорларини қуйида кўрсатиб ўтамиз). Улар пайғамбаримизнинг «динда чуқур кетманглар, динни осонлаштиринг, қийинлаштирманг, инсонларга малол келадиган қилманг, одамларни бездирманг, Исломни тарғиб қилишда шиддат кўрсатманг, ҳаддан ошишлиқдан сақланглар, зулмкор бўлманг, аксинча намуна бўлинг, ҳар бир ишда ўртачалик йўл тутинг, динда фирқа-фирқа бўлиб ажралиб кетманглар» каби насихатларини «ёддан чиқариб», диний экстремистларга айланиб қолдилар.

Энди Муҳаммад Абдул Ваҳҳобнинг ўзига келсак, у диндор, ўқимишли оилада туғилган. Отаси қози бўлиб ишлаган. Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб 10 ёшида **Қуръон** ва тафсирни тўлиқ эгаллайди, устози Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Сайфо уни ханбалий мазҳабида ваҳдоният ақидаси бўйича тарбиялаган.

Унинг дунёқарашида машҳур ваҳдониятчи Тақийуддин ибн Аҳмад Ибн Таймия (1263—1328) асарлари ҳам катта роль ўйнади. Натижада у Ислом оламида ваҳдониятнинг қаттиқ

ҳимоячиси, таълимотчиси, ташвиқотчиси сифатида майдонга чиқди.

Ваҳҳобийа оқимининг юзага келиб, чуқур илдиз отиб машхур бўлиб кетишига инглиз разведкаси катта роль ўйнаган. Инглизлар ўзларининг сиёсий манфаат ва мақсадларини кўзлаб, ваҳҳобийани ҳар томонлама, ҳам моддий, ҳам маънавий томондан зўр бериб қўллаб қувватладилар.

XVIII аср бошларида Буюк Британия қироллигининг Мустамлакалар вазирлиги Ислом динининг тараққий этишига қаршилик кўрсатиш, Ислом халифалигини эгаллаб олган Турк султонларининг мавқеини қирқиш мақсадида, Шарқ мусулмон мамлакатларига араб, форс, турк тилларини мукамал биладиган кўплаб жосусларини юбора бошлаган эди.

Турк исломшунос олими М.Сиддиқ Кумушнинг 1997- йили чоп этилган «Инглиз жосусининг айтганлари ёки Англиянинг Исломга қарши фаолияти» китобида ёзилишича, Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб таҳсил олаётган пайтларида, инглиз жосуси Хемпер билан учрашиб, унинг таъсирига тушиб қолади.

Бизга маълумки, Ислом халифалиги 1517- йилдан қудратли Турк султонлари қўлига ўтиб кетган эди. Инглизлар ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан тобора юксалиб бораётган буюк Турк империясининг пайини қирқиш учун, Ислом халифалигини Турк султонларига ўтиб кетганидан зимдан норизо бўлиб юрган араблар билан тил бириктириб, ўзларининг сиёсий мақсадларини рўёбга чиқариш учун уларга ана шундай Муҳаммад Абдул Ваҳҳобга ўхшаган, Ислом оламида кўзга кўринган мутаассиб одамлардан фойдаланиш режаларини туздилар ва Муҳаммад Абдул Ваҳҳобнинг ўзига сездирмай, ҳатто шубҳалантирмай ўзларининг жосуси Хемпер орқали аста-секин «қўлга олишга» муваффақ бўлдилар. Ундан ўз жосуслари орқали оҳисталик, жуда эҳтиёткорлик билан ўзларининг сиёсий мақсадларини амалга оширишда фойдалана бошладилар. Кейинчалик Хемпер ўзининг эсдаликларида Муҳаммад Абдул Ваҳҳобни қандай учратганини ва уни ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун қандай қилиб айёрлик билан қўлга олганини ёзади.

Хемпер дойим унинг ёнида мурид сифатида хизматларини қилиб юради. Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб уни ўзининг қули деб айтади ва у билан дойим бирга бўлади.

Хемпернинг ёзишича, Англия Мустамлакалар вазирлиги ваҳҳобийа ҳаракати кучайиб кетгандан кейин, Муҳаммадга қул ниқоби остидаги ўн нафар тажрибали, жанговар инглиз офицерларини юборади. Улар Хемпер сингари араб тилини, мусулмонлик эътиқодини, расм-русмларини, намоз ўқишни мукамал эгаллаб олган, саҳрода жанг қилиш тактикасидан яхши хабардор кишилар эдилар.

Шундай қилиб, дастлаб, «муваҳхидунлар» — ваҳҳониятчилар, тавҳидчилар сифатида фаолият бошлаган ва тобора кенг қулоч ёзиб кетаётган ваҳҳобийа оқимидан Англия ўзининг сиёсий рақиби бўлган Туркияни заифлаштириш мақсадида барча йўллар билан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган.

Араблар эса ваҳҳобийадан арабларни Ислом байроғи остида бирлаштириш ғояларини амалга ошириш учун фойдаландилар. Аслида бу ғоя ўша пайтларда араб ерларини босиб олиб ҳукмронлик қилаётган Туркияга қарши қаратилган эди. Англия ҳам ўзининг рақиби Туркияни заифлаштириш тарафдори эди.

Ана шунинг учун ҳам Англия ваҳҳобийлар ҳаракати учун ҳеч нарсани аямади.

Муҳаммад Абдул Ваҳҳобнинг фаолиятига келсак, дастлаб у «ҳақиқий яккахудолик» — ваҳҳониятни Басрада тарғиб қила бошлайди, лекин у ердан қувиб юборилади. Шундан кейин у Исфаҳон ва Кум шаҳарларига бориб, Ислом фалсафасини ўрганеди ва Ибн Ҳанбал ғояларига бутунлай берилиб кетади.

Исломни чуқур ўрганган жосус Хемпер, ўзи гўр, аммо ўзини шариат илмининг энг буюк билимдонларидан деб ҳисобловчи бу муллаваччани турли йўллар билан чалғитишга, ўзининг пинҳона ниятини аста-секин амалга оширишга киришади. Мавжуд Ислом ақидаларига шубҳа уйғота бошлайди. Масалан, рўза тутиш ва беш вақт намоз ўқишни доим шарт эмаслиги каби «фикри ғалат»ларни уқтира бошлайди.

Намоз ўқишдан қузатилган мақсад **Аллоҳни** доим ёд этиб юришдир, демак, намоз ўрнига фақат **Аллоҳнинг** номини доим такрорлаб, саловат айтиб юрса ҳам бўлаверади,

деб уктиради унга.

Хемпернинг ёзишича, у Муҳаммад Абдул Ваҳҳобни пул ва бошқа нарсалар билан ҳам тўла таъминлаб турган.

Ваҳҳобийлар ўзларининг тарафдорларини кўпайтириш учун, ким ўзларига қўшилса, барча мажбуриятлардан ва қарзлардан озод бўладилар, деб эълон қилдилар, натижада уларнинг тарафдорлари анча кўпайди. Улар тамаки, наша чекишни, мусиқа чалиш, эшитиш, қўшиқ айтиш, рақсга тушиш, расм чизиш, ипак кийимлар кийишни, байрамлар ўтказишни тақиқладилар. Улар қаерни ҳужум қилиб босиб олсалар, қабристонлардаги мақбара, ёдгорликларни бузиб ташладилар. Натижада тарих учун катта аҳамиятга эга бўлган кўплаб қимматли обидалар, ёдгорликлар йўқ бўлиб кетди. Бундан ташқари, ўзларининг ғояларига тўғри келмаган кўплаб илоҳиётчи олимларнинг китобларини ёқиб юбордилар. Байрамлар ва унга боғлиқ маросимларни, муқаддас зиёратгоҳларни, авлиёларни инкор қилдилар, қабрларини буздилар, ўзларига мос келмаган маҳаллий руҳонийларни қувғинга олдилар.

Ваҳҳобийларнинг энг даҳшатли қилмишлари 1802- йилнинг апрелида юз берди. Улар Карбалого ҳужум қилиб, Имом Ҳусайн масжидини вайрон қилдилар. Икки мингдан ортиқ одамни ўлдирдилар, ҳатто ҳомиладор аёллар ва болаларни ҳам аяб ўтирмадилар.

1806- йилда қарматлардан сўнг иккинчи бўлиб ваҳҳобийлар Макка шаҳрига бостириб кирдилар. Маълумингизки, исмоилийлар оқимининг асосий шахобчаларидан ҳисобланган қарматлар 930- йили Ҳаж мавсумида Маккага ҳужум қилишга журъат қилиб, уни талон-торож қилганлар, ҳажга борганларни ўлдирганлар, бир қисмини қул қилиб олиб кетганлар, Каъбатуллоҳдаги Ҳажар ул-Асвад, яъни қора тошни парчалаб, ўлжа қилиб олиб кетганлар. (20 йилдан кейин бу тош қайтариб олинган).

Ваҳҳобийлар бу муқаддас шаҳарни оёқости қилишда қарматлардан қолишмаганлар. Шаҳардаги ўнлаб масжид ва мадрасаларни бузиб ташлаганлар ва ўт қўйганлар. Улар фақат Каъбанигина бузишга журъат қилолмаганлар. Улар кўп ўтмай Мадинани ҳам босиб олдилар. Бу ерда ҳам хунрезликлар авж олди. Пайғамбаримиз қабрлари ҳам поймол қилинди ва у ердаги хазина талон-торож қилинди.

Мусулмон оламида мисли кўрилмаган бесаранжомлик бошланди. Чунки ваҳҳобийларнинг ҳаж учун ҳар бир кишига катта солиқлар солганлиги ва одат, анъана тусига кириб қолган баъзи бир исломий удумларни тан олмасликлари натижасида ҳаж йўллари бекилиб, минглаб мусулмонлар Исломнинг бешинчи рукни бўлган ҳаж қилиш имкониятидан маҳрум бўлган эдилар.

Ваҳҳобийа ғоясидаги мутаассиблик (фанатизм) ашаддий, чидаб бўлмайдиган даражага етди. Улар ваҳҳобий бўлмаганларга, ўзларининг йўлидан юрмаганларга қарши жиҳод (муқаддас уруш) эълон қилдилар. (Қаранг, мусулмон мусулмонга жиҳод эълон қилса-я!)

Мусулмон мусулмонни кириб юборавериши қайси ақлга, мантиққа тўғри келади?

Тўғри, жиҳод ҳам Исломда фарз амаллардан бири бўлган эди, аммо қандай ҳолатда, қандай шароит бўлганда жиҳод қилинади, бу ҳақда *Қуръон*нинг 2- «Бақара» сураси, 190- оятида шундай дейилади:

«Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин) ҳаддан ошмангиз! Зеро Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди».

Шу суранинг 194- оятида эса Аллоҳ қуйидагича амр қилган:

«... Ким сизларга тажовуз қилса, сизлар ҳам ўша меъёрда тажовуз қилинг! Аллоҳга тақво қилингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир».

Демак, юқоридаги икки ояти каримада айтилганидек, жиҳоднинг фарз бўлиши фақат душманнинг тажовуз қилиши билан боғлиқ бўлиши шарт экан. Бундан ташқари бу оятлар ўша пайғамбаримиз замонларидаги Исломга қарши доим жангу-жадал қилиб юрувчи мушрикларга нисбатан нозил қилинган эди.

Ваҳҳобийа байроғи остида Арабистондаги Нажд вилояти бирлаштирилди, 1773- йилларда Ар-Риёд шаҳри эгалланди, кўп ўтмай Марказий Арабистон бирлашди. Ваҳҳобийлар

нинг қуролли гуруҳлари ҳатто Сурия ва Ироққа ҳам тез-тез босқинлар уюштириб турди.

Ислом оламидаги бундай бесаранжомликлар Туркияни ташвишга солмай қўймади. Миср подшоҳи Муҳаммад Али Истанбулдан ваҳҳобийларни тугатиш, улар исёнини бостириш ҳақида буйруқ олади.

1811- йили Муҳаммад Алининг қўшинлари ваҳҳобийлар билан жангга киришади. Миср қўшинлари бутун Ҳижозни ваҳҳобийлардан озод этади, Макка ва Мадина шаҳарлари ҳам улар қўлидан тортиб олинади. Мусулмонлар яна Макка ва Мадинани зиёрат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Муҳаммад Али ваҳҳобийларни етти йилдан кейин — 1818- йили узил-кесил тор-мор этади. Лекин уни бутунлай, таг-туғи билан йўқотиб ташлай олмади.

Шундан кейин ваҳҳобийлик ҳаракати Туркия хумронлигидан қутулиш ҳаракатига айланди. Англия эса бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашда давом этди.

Ислом динининг бирлигига раҳна солувчи — «Ҳизб ут-Таҳрир», «Ҳизбуллоҳ», «Ихвон», «Акрамия», «Баҳоййа», «Қодиёния» каби диний оқим ва фирқалар (партиялар) ҳам «ваҳҳобийа» оқими сингари мусулмонлар тинчлиги ва бирлигини бузадиган, саросима ва бесаранжомликлар келтириб чиқарадиган, кундалик дин ишларидан чалғитадиган, Исломни заифлаштирадиган, халқ учун кераксиз ва ҳатто зарарли, бузғунчи мутаассиб тоифалар бўлиб, улар Ислом динини яхшилаш маъносида фаолият кўрсатсалар-да, уларнинг асл мақсадлари ҳокимиятни эгаллаб олиб ҳукмронлик қилиш бўлган.

Ҳозир деярли барча мусулмон давлатларида уларнинг фаолиятлари тақиқланган ва ўзлари қувғин қилинган.

Кейинчалик динимиз душманлари булардан устомонлик билан фойдаланиб бу фирқаларни Ислом мамлакатларига тарқата бошладилар. Чунки уларнинг мақсадлари Ислом динини заифлаштириб парчалаб ташлаш эди.

Улар: «Мусулмонлар устидан ҳукмронлик қиламан десанг, аввало улар орасига нифок, сол, кейин парчалаб ташла», деган шиорни амалда татбиқ этишга киришдилар.

Деярли барча Ислом давлатларидан ҳайдаб юборилган бу қора гуруҳ гумроҳ, шўринг қургур дарбадар дайдилар қайси давлатга тумшукларини суқиб кириб олсалар, ўзларининг Ислом динига путур етказувчи, динни обрўсизлантирувчи қабиҳона «хунарларини» дарҳол бошлаб юборадилар. Ҳар қандай бузғунчилик, хунрезликлардан ҳам қайтмайдилар ва бу ишда ҳеч кимга шафқат ҳам қилмайдилар. Буни улар Тошкентда 1999- йил 16-феврал куни амалда исботладилар.

Улар аввало илми саёз, қаёққа етакласанг кетаверадиган, иродаси ва кўнгли буш, содда, тез алданувчан, қолоқ кимсаларни, асосан ҳали дунёқарашлари шаклланиб улгурмаган ёш йигитча ва қизларни бу ишга жалб қилмоқдалар.

Ҳар бир мўмин, мусулмон киши бундай ишларга бефарқ, лоқайдлик билан қарамаслиги, тинчликнинг қадрига етиши керак, акс ҳолда «кўза сингандан» кейин афсус-надоматлар, кўз ёшлар фойда бермай қолади. Юрт тинчлигини сақлашга ўзининг ҳиссасини кўшиш ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир диёнатли мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

Мазҳабимиз «Аҳли сунна вал-жамоа», ханафия (Имом Аъзам Абу Ҳанифа), диний мафкуравий ғоявий таълимотимиз «мотуридия», тариқатимиз «нақшбандия». Вазифамиз Исломнинг 5 рукнига (иймон, намоз, рўза, закот ва ҳаж) амал қилиб, тинчгина тирикчилигимизни қилиб юрсак бас, бизга шуни ўзи етарлидир. Биз бошқа ҳеч қандай «Ваҳҳобийа», «Ҳизб ут-Таҳрир» каби асл ниятлари динни парчалаш ва ҳокимиятни босиб олиш бўлган «қора гуруҳчилар»нинг сафсаталарига учмаслигимиз, чалғимаслигимиз, алданиб қолмаслигимиз ва бу ишда хушёрлигимизни йўқотмаслигимиз керак.

Бирор саволни сўраш ёки ихтилофли, мунозарали масалани ҳал қилиш керак бўлса, фақат расмий уламоларга — имом-хатибларга, мударрисларга, қолаверса Муфтий ҳазратларига мурожаат қилишимиз лозим.

Барчамизни янглишишлардан, хатолардан ва гуноҳ ишлардан **Аллоҳнинг Ўзи** асра-син!

Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломиё фирқаси

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кенг кўламда фаолият олиб бораётганлиги учун ҳам бу фирқа ҳақида баъзибир маълумотларни келтириб ўтишни лозим деб топдик.

«Ҳизб ут-Таҳрир» (Озодлик) фирқаси Ислоннинг суннийлик йўналиши доирасида *Қуръон*, Сунна, шариат қонун-қоидаларига тўлиқ риоя этувчи «Исломиё адолат» тамойиллари ўрнатилган жамият қуриш учун 1928- йилда Миср Араб Республикасининг Ислония шаҳрида ташкил топган «ал-Иҳвон ал-Муслимун» (Муслмон биродарлар) диний-сиёсий ташкилотидан 1952- йилда ажралиб чиққан фирқадир.

И з о х: «Ҳизб» сўзининг луғовий маъноси — *гурӯҳ, фирқа, партия; тобе кишилар.*

«Ал-Иҳвон ал-Муслимун» ўз тарихи давомида бир неча босқичларни босиб ўтган. 1928—1936- йилларда бу ташкилот хайрия ва маърифатчилик ишлари билан шуғулланган. Ундан кейинги йиллардан бошлаб бу ташкилот мафкуравий кураш услуби сифатида террорни қўллаш даражасига етган диний-сиёсий ташкилот бўлиб майдонга чиқди. Натижада кўп давлатларда уларнинг фаолияти қонунлар йўли билан расман тақиқлаб қўйилди. Шундан кейинги даврларда «ал-Иҳвон ал-Муслимун» раҳбарлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиб, бу ташкилот уч асосий йўналишга бўлиниб кетди:

- «Муътадиллар»;
- «Ислон демократлари»;
- «Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломиё».

Бундан ташқари яна террор услубини қўлловчи «ат-Тақдир-вал-хижра», «ал-Жиход» каби бошқа турли экстремистик ташкилотлар ҳам юзага келди.

1952- йилда, Қуддус шаҳрида туғилган Тақийуддин Наббаҳоний (1909—1979) томонидан ер юзидаги бутун муслмон давлатларининг тузумини ўзгартириб, уларни бирлаштириб, ягона диний-дунёвий бошқарувидаги теократик «Халифалик» давлатини тузиш учун, Ислон дини ниқоби остида ана шу «Ҳизб ут-Таҳрир» диний-сиёсий фирқасига асос солинди. Бу диний-сиёсий фирқа Тақийуддин Наббаҳоний вафотидан кейин ҳозиргача фаластинлик Абдулқадим Заллум томонидан бошқарилмоқда.

Туркиянинг «Интерпол» миллий марказининг маълумотига кўра, бу ташкилот Буюк Британия махфий хизмати ёрдамида ташкил топган ва Америка Коммунистик партияси томонидан қўллаб қувватланиб турилган, деган тахминлар бор.

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг асосий мақсади муслмон давлатлари ўртасида «Халифалик» давлатини тузиш ғояларини тарғиб қилиб, келажакда амалдаги давлат бошқарувини ағдариб ташлаб, ер юзида ягона ислоний-теократик давлат тузиб, аста-секин унинг таркибига ҳамма муслмон давлатларини бирлаштириб, давлатни шариат қонунлари асосида бошқаришга ўтишдир.

Бунинг учун улар асосан онги ҳали тўла шаклланиб улгурмаган, тез таъсирга берилувчан, қизиққон, жўшқин табиатли ёшларни танлаб олиб, уларнинг онгини аста-секинлик билан ўзгартириб, ўз ғояларини сингдириб, уларда шундай давлат тузилишига интилиш уйғотишга ҳаракат қиладилар. Чунки алдаш учун катталардан кўра ёшлар қулай ва осонлигини биладилар. Аммо улар ўз тарбияларига ақли заиф ёшларни ҳам олаберадилар, чунки улардан хоҳланганларича осонлик билан фойдаланиш мумкинлигини ҳам биладилар.

Уларнинг ҳужумкор ғоялари асосан фикрий кураш орқали олиб борилади. Фикрий кураш эса, ўз навбатида, фикрий инқилобга олиб боради. Фикрий инқилобнинг ортида эса ўзларининг мақсадларини амалга оширувчи сиёсий инқилоб яъни турли йўллар билан амалдаги конституцион тузумни ағдариб ташлаш орқали ҳокимиятни эгаллаш ётади. (Абдул Мутал Закурлаев. Ғоялар кураши. Тошкент, «Мовароуннаҳр», 2000).

Бу ташкилотга қабул қилинган ҳар бир киши дарсларда қатнашиш учун алоҳида ўзи яширин келиши, имкон даражасида буни бировга билдирмаслиги, тарқалаётганда ҳам худди шу тартибда секин-аста бир кишидан тарқалиши шарт. Дарс бошланишидан аввал албатта намоз ўқилади. Бу уларнинг қиладиган сиёсий ишларига гўё диний тус беради.

Улар диний инқилоб учун кураш олиб борсалар-да, уларнинг аксарияти динлар тарихи, пайғамбарлар, авлиёлар, **Қуръон** сураларининг маънолари, Ислом динининг келиб чиқиш негизи, мақсади, вазифалари, шариат аҳкомлари, пайғамбаримизнинг ҳадислари ва ҳоқозолар ҳақида етарли тушунчага эга эмаслар. Улар бунга интилмайдилар ҳам. Уларнинг кўпчилиги Ислом ҳукмларига тўлиқ риоя қилмайдиган, қалб кўзи тўсилган, руҳан куруқ вужудга айланиб қолганлар.

Ҳозирги кунда «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг энг ашаддий даъватчилари орасида намоз ўқимайдиган ёки унга бепарво бўлган ёшларни кўплаб топиш мумкин. («Ўзингга энг бўлаолмаганингдан кейин, ўзгага қандай қилиб бўй бўласан?» деган матал гўё улар учун айтилгандек).

«Ваҳҳобийа» ва «Ҳизб ут-Таҳрир» орасида катта фарқ бор. Масалан: ақида масаласида ваҳҳобийлар «Халифалик» давлат бошқарувини ғоя қилиб олмайдилар. Ўзларини «Тавҳидчилар» деб атаган ваҳҳобийлар дин, эътиқод масаласида юқорида айтиб ўтганимиздек, жамиятни пайғамбаримиз замонларидаги тартиб-интизомга қайтаришни (фундаментализм) талаб қилиб чиқадилар ва уларнинг йўлига кирмаганларга шиддат кўрсатиб, ҳатто жиход эълон қилиб, қонли ўч олишгача бориб етадилар.

Ҳизбчилар эса, халифалик давлатини тиклашни ғоя қилиб олиб, демократияни буткул инкор этадилар.

Уларнинг фаолиятлари асосан уч босқичдан иборат:

1. Ҳизбга дин ниқоби остида даъват қилиб, ўз сиёсий мақсадларини амалга оширувчи шахсни шакллантириб етиштириш.

2. Ёшларни сиёсий фикрлантирган ҳолда, фикрий кураш, варақалар тарқатиш орқали давлатнинг бошқарув идоралари билан халқ ўртасида зиддиятлар келтириб чиқариш.

3. Пировардида ҳокимиятни қўлга олиб, (керак бўлса қуролли кураш йўли билан) халифалик давлатини тузиш.

«Ҳизб ут-Таҳрир»чиларнинг, ер юзидаги кўпчилик мусулмонлар яшайдиган барча мамлакатларни ягона Ислом халифалигига бирлаштириш ҳақидаги ғояси тамоман пуч ва хом ҳаёлдан бошқа нарса эмас. Бу ғояга эргашганларнинг кўпчилиги гўл, лақма, нодон, қайсар ва жохил одамлардир. Боз устига, улар тинчликка раҳна солувчи ва ҳатто ҳавфсизлигимизга таҳдид қилувчилардан бўлиб қолмоқдалар.

Бу ҳукмимизни қуйидагича исботлашга ҳаракат қиламиз:

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида айтиб ўтганимиздек, пайғамбаримиз ўз вақтларида мендан кейин халифалик 30 йил давом этади, ундан кейин у салтанатга — подшоҳликка айланади, деб башорат қилган эдилар. Пайғамбаримиз башоратлари рўёбга чиқиб, у зотдан кейин чорёрлар (Ҳазрат Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али) роппа роса 30 йил Ислом дунёсига халифалик (ҳукмронлик) қилдилар.

Ҳазрат Алидан кейин бўлган халифа Муовия халифаликни салтанатга — подшоҳликка айлантирган. У ва ундан кейинги ҳукмдорлар ўзларини халифа деб атаган бўлсалар-да, асли улар ҳам халифа, ҳам амир — подшоҳ эдилар. Кейинчалик уларнинг номларига «Амир ал-Муслимин» (Мўминлар амири) унвони қўшиб айтиладиган бўлган. (Масалан: Халифа Амир ал-Муслимин Ҳорун ар-Рашид каби).

Пайғамбаримиз, ўзларидан кейин зудлик билан халифа сайлашларини васият қилганликларининг сабаби, эндигина Исломни қабул қилганларнинг ичида иймони заиф, диндан қайтиб кетиш эҳтимоли бўлганлар ҳам бор эди. Пайғамбаримизнинг вафотлари уларда умидсизлик пайдо қилиши ва Исломдан воз кечишларига баҳона бўлиши мумкин эди. Пайғамбаримиз илоҳий илҳом билан билдиларки, ўринларига дарҳол халифа сайланса ва ўзлари башорат қилганларидек халифалик 30 йил давом этса, Ислом дини ривож топиб мустаҳкамланиб олади.

Шундай қилиб, 30 йиллик халифаликдан кейин Ислом дини барқарор бўлиб олди. Эътибор беринг-а, пайғамбаримиз, мендан кейин халифалик абадий давом этсин, ёки этади демаганлар.

Демак ҳизбчиларнинг орадан салкам 14 аср ўтган ҳозирги даврда халифаликни тиклаш ғояси Ислом дини таълимотига ҳам зиддир.

Масалани сиёсий томонини олиб кўрадиган бўлсак, Ислом ёки араб халифалигини тиклаш, бу ер юзидаги барча мусулмонларни ва мусулмон давлатларни ягона бир халифа қўл остига бирлаштириш демакдир. Бу пуч гоё ташқи томондан баъзи калтабин кишилар учун жозибатор бўлиб кўринса-да, лекин уни рўёбга чиқариш мутлақо амалга ошириб бўлмайдиган иш, ҳаёлпарастлик эканлигини ҳар бир ақли расо одам ҳис этади.

Шундай қилиб, «Ваҳҳобийа», «Ҳизб ут-Таҳрир» тарафдорлари дунёвий тараққиёт қонунларини, замона талабларини ҳисобга олмай, дунёвий илм-фандан юз ўгириб, умуминсоний маънавий-маданий тараққиётга қарши чиқадилар. Тинч ҳаётимизга таҳдид солиб, ҳеч кимга керак бўлмаган, инсоният тараққиётига фақат зарар келтирадиган ўзларининг дардисар ғояларини халқнинг бошини айлантириб, тикиштиришга ҳаракат қиладилар.

Бир тасаввур қилайлик, агар ҳар бир халқнинг маънавий маданиятини акс эттирувчи мусиқа, ракс, кино, театр, концерт, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва ҳоказолар ман этилса, тўю тамошолар мусиқа, раксиз мотамсаро кўринишда, мунгли тарзда ўтказилса, қани ўзингиз айтингчи, бунга рози бўлармидингиз? Бу келажак авлодни маънавий тушкунликка туширишга ва жамиятни ўрта асрлар жаҳолати батқоғига ботирмайдими?

Ҳозирги даврда илм-фан, техника, маданият, давлатчилик ва турли халқлар ўртасидаги ўзаро сиёсий ва маънавий муносабатлар юқори даражага кўтарилган бир пайтда, давлат тузумини пайғамбар алайҳиссалом даврларидаги ҳолатига қайтариш асло имкони бўлмаган ишдир. Агар шундай қилинадиган бўлса, илм-фан тараққиёти туфайли вужудга келган буюк янгиликлардан — электр, машина, самолёт, телефон, телеграф, компьютер ва шу кабилардан ҳам воз кечишга тўғри келади.

Бундан ташқари «Ваҳҳобийа» ва «Ҳизб ут-Таҳрир» назарда тутган давлат барпо қиладиган бўлсак, аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатдан, мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида иштирок этишдан ҳам маҳрум қиламиз.

Шуни ёдда тутиш керакки, боя айтганимиздек, бизнинг бошимизни айлантирмоқчи бўлаётган ваҳҳобийлар ва ҳизбчилар ҳозир деярли барча Ислом давлатларидан қувғин қилмиган, фаолиятлари тақиқлаб қўйилган. Ҳалигача яқин ўртада бирорта давлатда «Халифалик» давлати қурилмаган, қурилиши ҳам мумкин эмас.

Мана шундай шароитда биз халқимиз табиати, урф-одатлари, анъаналари ва келажакига зид таълимот ва ғояларни Ўзбекистонда тарқалишига қарши қандай бефарқ қараб тура оламиз?

Халифалик ёки Ислом Республикасини қурдик ҳам дейлик, унда нима бўладию, кимдан ўрнак оламиз?

Ҳозир ер юзида барчага ўрнак, намуна бўла оладиган, беками-кўст, тўла ижтимоий адолат ўрнатилган бирор Ислом давлати борми? Ҳойнаҳой, бор, улар Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Афғонистон ва бошқалар, деярсиз.

Саудия Арабистонида ҳар йили миллионлаб қўй-эчки, туя, сигирлар сўйилиб қурбонликлар қилинаётган бир пайтда, у ерда бир бурда гўштга, нонга зор одамлар, тиланчилар йўқми? Покистонда-чи?

Имом Бурхониддин Раббоний Афғонистонни Ислом Республикаси деб эълон қилган бўлса-да, у ерда ўн йиллардан бери ҳокимият, юқори лавозимлар учун курашиб, ҳаммалари мусулмон бўлгани ҳолда бир-бирларининг қонини тўкиб, биродаркушлик қилмаяптиларми? Халқи бир бурда нонга зор бўлиб турган ҳолда бутун дунёни афъюн, қорадори билан таъминлаб келмаяптими?

Эрон ўзини Ислом давлати деб эълон қилгандан пушаймон бўлиб, ҳозирги кунда орқага қайтиб давлатни яна дунёвий давлатга айлантириш пайида юрмаяптими?

Покистонда камбағал, тиламчилар йўқми?

Қани, биз учун ўрнак олса арзийдиган, бирор намунали Ислом давлатини кўрсатингчи, «муҳтарам» ваҳҳобий, ҳизбчи «биродарлар»?

Бундан ташқари, эслатиб ўтамиз, охирги халифалик яъни 1924- йилда тугатилган Турк халифалиги даврларида, ижтимоий адолат ҳукм суриб, барча моддий томондан тенг яшаганми эдилар? Нега ўша пайтларда мусулмон давлатларида халифалик ўрнатилмади ёки

барча мусулмон давлатлари ягона бир халифаликка бирлаштирилмади?

Нега энди ҳозир уларнинг калласига бирдан халифалик давлати тузиш ғояси келиб қолди? Косанинг тагида ним коса турганлиги яққол сезилиб турибди-ку! Нима учун айрим ёшларимизнинг ақли бу масалада оқсайди?

Айтайлик, буткул тутуриқсиз ушбу пуч «ғоя» амалга ошди ҳам дейлик. Хўш, ер юзидаги барча мусулмон ва Ислом давлатларини ўз қўлида тутиб турадиган ягона халифалик мансабига осмондан бир «фаришта»ни қўярмидилар? Қани бу ишга рози бўлиб осмондан тушадиган ўша фаришта?

Агар бир инсонни халифа қилиб қўйсалар, бу мансаб орзусида юрганлар бунга бепарк қараб турармиканлар? Бундай ҳолда халифалик учун давлатлару инсонлар ўртасида қонли жанглар бошланиб кетмайди, деб ким кафолат бера олади? Ахир, ўша дастлабки тўрт халифалардан (чорёрлар) учтасини жоҳиллар шахид қилган эдилар-ку. Ёки халифалик ўрнатилгандан кейин, жоҳил, нодон, мансабпараст одамларнинг бари бирдан ўзидан ғойиб бўлиб қолармиканлар?

Ҳозирги кунда қонли урушлар жаҳондаги барча инсонларни жонидан тўйдириб юборган. Бўлиб ўтган урушлар дунё халқларининг ҳали эсидан чиққанича йўқ.

Афғонистонда 20 йилдан бери мусулмонлар ҳокимият талашиб бир-бирига уруш очиб хунрезликлар, биродарқушликлар қилиб келганларидан нега сабоқ олмаслигимиз керак? Ёки Чеченистон ва Тожикистонда бўлиб ўтган қонли урушлар ва бесаранжомликлар керакми бизга?

Гапни пўст калласини айтиш керак. «Халифалик». «Ислом давлати», «Жиход» каби шиорларни кўтариб чиқаётган, халқни Исломнинг дастлабки даврларидаги Исломий тартиб интизомга қайтармоқчи бўлиб, тарих ғилдирагини тескари айлантarmoқчи бўлиб юрган ваҳжобийлар, ҳизбчилар, динни ниқоб қилиб олиб, ватанимиз мустақиллигини кўра олмаётганларнинг ҳамда динимиз душманларининг сиёсий мақсадларини амалга оширишларида «жонбозлик» кўрсатиб ватанимиз халқлари ўртасида диний ихтилофлар, низолар чиқариб, халқимизни Афғонистон, Чеченистон, Тожикистон давлатларидаги қонли фуқаролар уруши гирдобига тортмоқчи бўлиб, хомтамалик қилиб юрибдилар. Биз буни тўғри тушунишимиз, қалбан ҳис этишимиз ва унга қарши қатъий кураш олиб бормоғимиз керак.

Бундай ақидапарастлар, ҳокимиятпарастлар томонидан илгари суриладиган «Ислом давлати» ғояси пайғамбаримиз замонларидаги мутлақ шариат билан бошқариладиган давлат тузумига ХХI аср ядро энергетикаси, ёппасига компьютерлаштириш, ирсият генетикаси шароитида яшаётган шундай юксак ривожланган жамиятни халифаликка куч билан киритишдан иборатдир. Уларнинг айтишларича, фақат Ислом давлати шароитидагина ижтимоий адолатни таъминлаш мумкин бўлар эмиш.

Жаҳон тарихи ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тараққиётнинг янада равнақ топиши кўпмиллатли ва кўп динли мамлакат шароитида фақат демократик мамлакат тузумидагина бўлиши мумкин.

«Ҳизб ут-Таҳрир»чилар эса демократияга буткул қаршидирлар. Ҳозирги кунда деярли бутун дунё тан олган ва орзу қилган ҳақиқий демократияни бу куфр низоми дея, мусулмон халқлари уни мутлақо қабул қилмасликлари керак, деб даъво қиладилар.

Бундан ташқари, диний дунёқараш инсоннинг дунёга муносабати ва тафаккурининг ягона усули эмаслигини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Жаҳонда диний ва дунёвий дунёқараш, доимо ёнма-ён, тенг ҳолда ривожланиб яшаб келган. Башарият турмуши тарихи даврида шундай давр бўлмаганки, бутун дунёни фақат диний тузум бошқарган бўлса. Бу эса Аллоҳнинг ҳикмати ва хоҳиш-иродасидир.

Мазҳабпарастлик, диний гуруҳбозлик, у ундоқ бўлиши керак, бу бундоқ бўлиши керак деб, халқ орасида фитна, бесаранжомликлар чиқариш Ислом ақидаларига ҳам тўғри келмайди. Чунки ҳидоятга бошловчи ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи. Агар Аллоҳ хоҳламаса, ҳатто пайғамбарлар ҳам ҳеч кимни йўлга сола олмайдилар. Бу ҳақда Қуръонда алоҳида келган оятлар бор. Пайғамбаримиз ҳам динда фирқа-фирқаларга бўлиниб кетманглар, деганлар. Бундай фитна-фасодларга йўл қўйиб бериладиган бўлинса, оқибатда диёримизда маъри-

фат ўрнини жаҳолат, ибодат ўрнини адоват эгаллай бошлайди. Бундан дин ҳам, давлат ҳам, халқ ҳам бирдек зарар кўради, холос.

«Хизб ут-Тахрир» фирқаси ташкил топганига ярим аср бўлган бўлса-да, ханузгача дунёнинг бирор давлатида тан олиниб, рўйхатдан ўтган эмас. Ислом оламининг етук дин пешволари бу фирқанинг моҳияти ва ғояларини чуқур ўрганиб чиққач, у асл Ислом дини таълимотларига мутлақо зидлигини, охир-оқибатда у қонли фожиаларга олиб келиши муқаррар эканлиги англаб етганлар. Натижада у ҳеч қайси мамлакатда қарор топа олмаган.

Демак бу фирқанинг динга, халққа зарари — мусулмонларни чалғитиб, йўлидан адаштириб, халифаликни тиклаш даъвоси билан халқ бошига турли мусибат ва балолар келтириш, энг ёмони шу тариқа Ислом дини ривожига халал беришдан иборат.

Давлат учун зарарли жиҳати шундаки, бу фирқанинг очикдан-очик баёнотларига қараганда, уларнинг мақсади — мавжуд конституцион тузумни йўқ қилиш, давлат тўнтаришини амалга ошириш ва ниҳоят ўзлари режалаштирган утопик (хаёлий) тузумни барпо этишдан иборат. Бунга эса, табиийки дунёдаги ҳеч қайси давлат ва халқ йўл қўймайди, чунки жамиятдаги ҳамма ишларга унинг касри уради, тараққиёт суръати пасаяди, оқибатда давлат ва халқ бирдек катта моддий ва маънавий зарар кўради. Энг хавфлиси инсоният янгидан-янги қонли урушлар гирдобига тортилади. Бу эса давлатимиз, динимиз душманлари учун айни муддаодир.

Савол туғилади, нега ёшлар расмий ишлаб турган олиму, уламолар қолиб, бетайин, шубҳали кишиларга ишониб улар орқасидан эргашадилар?

Фикримизча, бунга сабаб ёшларнинг онги, дунёқарашлари ҳали шаклланиб улгурмаганлиги, содда, ишонувчанлиги, тайинли диний, маънавий маълумотларга эга эмасликлари, эшитаётган даъватлари уларга «сирли» бўлиб туюлиши, моддий томондан қийналганликлари ва шу каби омиллар сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Энди ваҳхобий, хизбчи даъватчиларга келсак, уларнинг аксарияти гапдон, сўзамол, инсонни авраб руҳиятларига таъсир қила оладиган, ўзларининг йўлларига юрганларга пулни аямайдиган ваъдабоз, айёр ва чапдаст кишилардир.

Улар ёшларнинг диний билимлари етарли эмаслиги ёки умуман йўқлигидан, содда, ҳар кимга ишонувчанлигидан усталик билан фойдалана оладиган муғомбир, устомон кишилардир. Улар **Қуръон** оятларини, пайғамбаримиз ҳадисларини, зарур бўлиб қолганда, ҳеч уялиб нетиб ўтирмай, гуноҳдан қўрқмай ўз фойдаларига ўзгартириб таржима қилиб тўшунтириб, ёшлар онгини бемалол захарлай оладилар.

Улар билан мунозарага киришиб, уларнинг фикрини нотўғрилигини исбот қилиб «мот» қилсангиз ҳам улар бунга тан бермайдилар. «Дўппи тор келиб қолганда» тўғридан-тўғри биз фақат фикр беришга, тарқатишга буюрилганмиз, бировларнинг фикрини олиш, бировларнинг фикрига қўшилиш бизга «юқоридан» ман қилинган, деб очикдан-очик бўйинларига оладилар ҳам.

Уларга гап уқтириш, тўғри йўлга солиш жуда мушкул, чунки уларнинг кўпчилиги манқуртга (зомби) айланиб бўлганлар. Дарвоқе, шу ўринда манқурт, манқуртлик ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтишга тўғри келади.

Манқуртлик

Ҳозирги илм-фан жадал суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда, олимлар томонидан қатор илмий кашфиётлар қаторида, инсонга руҳий таъсир ўтказадиган руҳий (психотрон) қурол яратилган. Бу қуролнинг турлари кўп, лекин уларнинг амал қилиш усули битта. У ҳам бўлса инсон онгига, тафаккурига бошқалар томонидан таъсир этувчи электрмагнит майдонидир.

Психотрон қуролни яратишда русиялик олим А.Михайловскийнинг 1980- йилда ўтказган бир тажрибаси жараёнида тасодифан очилган бир янгилик туртки бўлди. У электртўлқинларининг айрим чакнашлари (импульслари) таъсирида киши руҳиятини бутунлай ўзгартириб юбориш мумкинлигини аниқлади. Қадимшунос олим Генрих Кожемякнинг

фикрича, психотрон қурол аллақачон — 1950- йилларда деярли барча ривожланган мамлакатларда деярли бир вақтда яратилган экан.

Психотрон қуролнинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчиси одамда рухий босқинчилик кайфиятини туғдиради, яъни киши руҳиятига бевосита таъсир ўтказилганда, кишини тажовузкор қилиб қўяди. У атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ғазаб билан қарайдиган бўлади.

Иккинчиси эса киши руҳиятини назоратга олиб, унинг онгига буйруқлар юбориш орқали, исталган мақсадни амалга оширишда фойдаланилади.

Бу қурол таъсирига кирган инсон, уч босқични ўз бошидан кечиради. Биринчи босқичда киши томонидан фақат ахборот қабул қилинади-ю, буйруқларни беихтиёр, кўр-кўрона бажараверади. Қандай вазифаларни амалга ошириш кераклиги ҳатто тушда ҳам ўқтирилиши мумкин. Кўпинча биринчи босқичда бундай кишилар манқуртга (зомбига) айланиб қолганларини ўзлари сезмай юраверадилар. Улар узок масофадан ҳам бошқарилаверадилар.

Манқуртлашишнинг иккинчи босқичига келиб, инсон белгиланган дастур бўйича иш бажарадиган темиртан роботга айланиб қолади, фикрлаш қобилиятини йўқотади, ихтиёрни буткул ўзидан кетади ва у исталган буйруқни ўйлаб ўтирмай бажараверадиган бўлади. Унинг танасида аслига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар юз беради ва у тузатиб бўлмайдиган, бутунлай, тўла манқурт — темиртанга (зомби-робот) айланиб бўлади.

Учинчи, сўнгги босқичда, у ишга яроқсизлиги туфайли, ўзини-ўзи ўлдириш пайига тушади. Аниқроғи, у энди керак бўлмай қолганда, психотрон қурол ёрдамида унинг онгига бу ҳақда буйруқ берилади. Унинг вазифаси тугайди ва у ўзини-ўзи ўлдиради.

Айрим маълумотларга қараганда, психотрон оммалашиб кетишининг олдини олиш учун, собиқ Иттифоқ ҳудудида инсонлар онгига рухий таъсир ўтказиш, уларни манқуртларга айлантирилишига чек қўйишга доир махсус қонун ҳам ишлаб чиқилган экан.

«Қиссадан хисса» шуки, бу моддий оламга келган эканмиз, ҳар бир инсон **Аллоҳ берган** буюк неъмат — ақлу заковатни, тафаккуру фаросатни ишга солиб яшаши керак бўлади. Иродаси, иймон-этиқоди кучли, инсонлар ташқи таъсирларга осонликча берилмайдилар.

Заифлашдингизми, сизни бошқарадиганлар «топилиб» қолади. Бировлар таъсирига тушиб қолишдан **Худо** асрасин.

Ана шундай дориломон кунларда, мустақиллигимиз шарофати билан тарихий, маънавий, диний, қолаверса миллий қадриятларимиз эндигина тикланган бир замонда бурчак-бурчакларда юрган чаласавод муллаю отинларнинг нотўғри даъватлари туфайли баъзи бир кишилар тарки дунёчиликка берилиб кетиши, ёт унсурлар қўлида манқуртларга айланиб қолишдан **Худонинг** ўзи асрасин. «**Аллоҳ** асралганни асрагай», деган матал кўп халқларда бор.

Ҳурматли ота-оналар!

Фарзандларингизни ана шундай балолардан асранг. Уларнинг тарбиясига масъулсиз! Манқуртлашиб қолган фарзандингиз иккинчи, учинчи босқичга ўтиб қолган бўлса, унда кечиккан бўласиз, кўзни очинг!

Фарзандларингизни асранг, бефарқ, лоқайдлигингиз туфайли улардан ажраб қолишдан кўркинг!

Бизнинг вазифамиз динимизга, миллий қадриятларимизга ёт бўлган бундай роя ва мафқураларга қарши, халқимиз онгини заҳарлаб, жамият тараққиётини боши берк кўчага олиб кириб қўйилишига қарши оқилона кураш олиб бормоғимизни тақозо этади.

Халқ тинчлигини бузадиган, пировардида, даҳшатли ва давомли қонли урушлар келтириб чиқарадиган, халқимизга ёт бўлган бундай диний-экстремистик фирқа ва оқимларнинг барчасини ватанимиздан сиқиб чиқариш, тугатиш ҳар бир ватанпарвар, виждонли кишининг муқаддас бурчига айланмоғи лозим. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, ҳозир тинч, замонларда яшайпмиз, тинчликни қадрига етишимиз ва уни сақлаб туриш учун, ҳар бир ватанпарвар инсон қўлидан келганича курашмоғи лозим. Даҳшатли уруш балоларни, урушдан келган кулфату мусибатлар хали кўпчиликнинг эсидан чиққанича йўқ. Тинчликни сақлаб туриш ўз қўлимизда.

Ҳурматли ўқувчим!

Уларнинг кўзлаган машъум, ёвуз мақсадларини билиб қўймоқ керак. Улар ўз фаоли-

ятларида асосан икки мақсадни кўзда тутадилар:

1. Диний-мафкуравий. Ислом динини обрўсизлантириб, ҳар хил ихтилофлар чиқариб, динга путур етказиб парчалаб ташлаш орқали динимиз ғанимларининг четдан юбориб турган топшириқларини бажариш.

2. Сиёсий, яъни мавжуд тузумни ичдан бузиб, ағдариб ташлаш билан мустақиллигимизни кўраолмайдиган душманларимизнинг ирода-хоҳишларини бажариш ва ўзлари учун тегишли юқори мансаб поғоналарини эгаллаш.

Ҳизбчилар динни ниқоб қилиб олганларининг сабаби шуки, улар дин, мусулмонлик десалар халқни ўз ортларидан эргаштириш осон бўлишини биладилар.

Улар ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ҳозирги ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ мақсадларини (агар мақсадлари ҳақиқатдан ҳам шундай бўлса) ва диний мафкуравий, сиёсий нуқтаи назарларини расмий равишда, очикдан-очик Республикамизда мавжуд бўлган сиёсий партиялар ва Мусулмонлар идораси уламолари билан биргаликда демократик асосларда очикдан-очик муҳокама, мунозара қилишлари мумкин-ку, ахир!

Шундай қилсалар, улар ўзларининг асоссиз, пуч, хомҳаёлдан иборат бўлган ғоялари чиппака чиқишини ҳам биладилар. Ана шунинг учун ҳам улар ўғринча, яширин йўл тутишни афзал кўрадилар.

Назаримда, *Қуръони карим*нинг қуйидаги уч ояти карималари гўё улар ҳақида айтилгандек туюлади менга:

«Уларга: «Ер юзида фасод (бузғунчилик) қилманглар!», — дейилса, улар «Албатта, биз асл ислоҳчилармиз», — дейдилар.

Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўзлари бузғунчилардир, лекин (буни ўзлари сезмайдилар».

(Улар) **кар, соқов ва кўрдирлар. Бас, улар зинҳор (ҳидоятга) қайтмагайлар».** (2-«Бақара» сураси, 11—12- ва 18-оятлар).

Шу ўринда беихтиёр машҳур араб файласуфи, шоири Абул Аъло ал-Мааррий (973—1057)нинг сўзи ҳаёлингга келади:

«Сизни миянғиз ва эътиқодинғиз айниб қолган! Менга келиб ҳақиқат дарсини олинглар!»

Бузғунчи диний экстремистик оқим раҳбарлари кўпинча ёшларимизга қасам ичириб қўйиб, энди қасамингни бузолмайсан, деб сиқувга оладилар. Ёшларимиз шуни билиб қўйишлари лозимки, бу ҳақда **Қуръони карим**да:

«Дарвоқе, Аллоҳ сизлар учун (маълум миқдорда каффорат - жарима тўлаб) қасамларингиздан қутулиб чиқишни буюрган-ку. Аллоҳ ҳожаларингиздир. У билгувчи ва ҳикмат соҳибидир» дейилган. (66- «Таҳрим» сураси, 2-оят)

И з о х: *Бу оятда Аллоҳ таоло пайғамбаримизни ва у зотнинг барча умматларини ноўрин ичилган қасамларидан каффорат - эваз тўлаб қутулишга буюрмоқда. Қасамнинг каффорати 5 - «Моида» сурасининг 89-оятида батафсил баён қилиб берилган.*

Ҳа, динни сиёсатлаштириш ва сиёсатлаштириш орқали муқаддас динимизни обрўсизлантиришга уриниш ёвузликдир.

Динимиз ғанимларига айнан шу керак-ку! Наҳотки улар буни тушунмасалар?!

Кўпоровчилик қилиб, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкишдан ҳам қайтмайдиган, муқаддас динимиз обрўси ва бирлигини поймол қилувчи, мусулмонларни ҳақиқий исломий тарбиядан чалғитувчи, мусулмонлар бирлигини бўлиб, ёриб ташловчи, ҳамда жаҳон афкор оммаси назарида Муқаддас Ислом динига нисбатан нафрат уйғотувчи, бузғунчи, зарарли оқимга айланиб қолган бундай ашаддий экстремист, ақидапараст ҳизбчи ва ваҳхобийлар ҳозирги пайтда эл-юрт нафратига дучор бўлиб, нафақат динимиз ва давлатимиз, балки халқ душманига ҳам айланиб қолдилар.

Мухтарам илмга чанқок, қизиққон, эс-хушини йиғиб олган фидокор ёшлар!

Мана, келтириб ўтилган ҳақиқатларни билиб олдингиз, энди ана шу ҳизбчилар, ваҳ-

хобийлар каби ҳар хил диний экстремистик оқим, фирқалар ортидан эргашишдан қайтар-сизлар?!

Яқуний сўз

Шундай қилиб, биринчи китобимизни яқунлар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, **Аллоҳ** таоло Ер юзида **Ўзи** яратган бандаларига **Ўзининг** яккаю ягоналигини, оламлару бутун борлиқни, инсонлару маҳлуқотларни қай йўсинда яратганлигини, инсониятни тўғри, ҳақ йўлга йўллаш учун қатор пайғамбарлар юборгани, нима мумкину, нима мумкин эмаслиги, ҳалол-ҳаром, яхшилиқ-ёмонлик, савоб-гуноҳлар ҳақида қилган амрлари ҳамда бошқа тарихий, ибратли воқеалар, ваъз-насихатлару тегишли танбеҳлар ёзилган Таврот илоҳий китобига асрлар давомида оз-оздан бўлса ҳам узлуксиз ўзгартиришлар киритилаверилгани ва инсонларнинг эътиқодлари сустлашиб кетганлиги учун, уларни қайта тўғри йўлга солиш учун кўпдан-кўп пайғамбарлар юборди. Тавротни қувватлаш ва ундаги ҳукмларни бажариш учун аввал Забур, кейин Инжил ва, ниҳоят, уларнинг ҳам софлигига путур етказилганидан кейин сўнгги илоҳий китоб—Қуръони мажидни нозил этди.

Қуръонда кўп ўринларда: *«Биз (яъни Аллоҳ) бу ҳақда сизларга аввал юборилган китоб (Таврот, Забур, Инжил)ларда ҳам хабар берганмиз»* дейиладики, бу сўзлар барча ҳақ китоблар Аллоҳ таоло томонидан юборилганига равшан исботдир. Бу тўрттала китоб **Аллоҳ** таоло томонидан нозил қилинганлиги учун, биз уларга ишонишга буюрилганмиз: *«... Ва айтинглар: «Бизлар ўзимизга нозил қилинган (Қуръон)га ҳам, сизларга нозил қилинган (Таврот ва Инжил)га ҳам иймон келтирганмиз. Бизларнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам Бир (Аллоҳ)дир ва бизлар Унгагина бўйинсунувчилармиз»* (29- «Анкабут», сураси, 46-оят).

Аллоҳ таоло **Қуръонда Ўзининг** Одам Ато, Нух, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Довуд, Ийсо, Муҳаммад алайҳиссалом ва бошқа пайғамбаларини эслатиб ўтади ва уларга эргашишга буюради. Уларга юборилган дин бир—Ислом дини эканлигини, Таврот, Забур, Инжил ва **Қуръон Ўзи** нозил қилган илоҳий китоблар эканини, яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонларни «аҳли китоб» деб атаб, уларнинг эътиқодлари ваҳдоният эканини **Қуръон** оятларда қайта-қайта уқтиради:

— *«Эй мўминлар, айтингиз: «Биз Аллоҳга ва бизга нозил қилинган китоб—Қуръонга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга, Мусо, Ийсо ва барча пайғамбарларга Парвардигорлари тарафидан берилган нарсалар (китоблар)га ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз фақат У Зот—Аллоҳга бўйсунувчилармиз»* (2- «Бақара», сураси, 136-оят).

«Сизга эса (эй Муҳаммад), Биз ўзидан олдинги китобларни тасдиқлагувчи ва у Китоблар устида гувоҳ бўлган бу Китобни (Қуръонни) ҳаққирост нозил этдик...» (5- «Оли Имрон», 48-оят). **Тангри** таоло худди ана шу мазмундаги оятни Мусо ва Ийсо пайғамбарларига ҳам нозил этган. Бу ҳақда Таврот ва Инжилнинг тегишли оятларида равшан қилиб ёзиб қўйилган.

Ислом динининг бағри кенглигига барча уламолар ҳайратланиб, қойил қоладилар. Машхур рус тарихчи олими В.Соловьёв ўзининг «Муҳаммад ва унинг диний таълимоти» китобида: *«Муҳаммад пайғамбар барча динларнинг бирдамлигини ва Исломнинг қадимийлигини—Одам Сафийуллоҳдан бошланганини яхши билгани учун, Иброҳим, Мусо ва Ийсо-Масиҳ динларига ҳам ҳурмат билан қарашни талаб этган, диний айирмачилик заминида низолар чиқишига йўл бермаган»*, деб ёзади ва у барча ҳақ динларни ягона диннинг турли кўринишлари; деб ҳисоблайди.

Бошқа диндагилар билан тинч-тотув яшаш ва улар билан яхши муносабатда бўлиш ҳақида пайғамбаримиз кўп қайғурганлар. Бир одамнинг уйига пайғамбаримиз ташриф буюрган эканлар. У одамнинг қўй сўйиб қўни-қўшниларга улашганини эшитиб, унга: *«Яҳудий қўшнингга ҳам насиба беришни унутмадингми?»*, деган эканлар.

Ислом дини барқарор бўлганидан, то шу бугунги кунгача, Ислом дини кенг ёйилган мусулмон давлатларида бошқа ҳақ динларга ҳам бемалол йўл берилган. Улар черков,

синагогаларига кириб, ибодатларини бемалол қилаверганлар. Ҳатто уларнинг молу жонлари давлат ҳимоясига олинган.

Жалололидин Румий ҳазратлари шогирдларига сабоқ бераётган пайтда, у зотнинг дарсларини турли миллат ва динларга мансуб кишилар ҳам жон қулоқлари билан тинглаганлар. Ҳазрат эса бунга заррача ҳам аҳамият бермай, дарсларини ўтаверганлар. Вафот этганларида, барча дин вакиллари жанозада қатнашганлар ва чин кўнгилдан чуқур қайғуга ботиб, у кишининг яқинларига таъзия билдирганлар. Барча ҳақ динлар, миллат, ирқларнинг бўлиши **Аллоҳ** таолонинг иродаси ва Лавҳ ул-Маҳфузида кўзда тутилгандир: «...Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шарият ва йўл қилиб қўйди. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлар эди. Лекин У Зот Ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун (ҳар бир миллатга алоҳида шарият, йўл қилиб қўйди). Бас, яхши амалларга шошилингиз!...» (5- «Моид» сураси, 48-оятнинг давоми).

Қуръони каримни арабчадан русчага ўгирган машҳур олима, моҳир таржимон, кейинги пайтда Ислом динини қабул қилган Иймон Валерия Порохованинг ёзишича, Қуръони каримда ва мусулмонлар ҳаётида учрайдиган «жиҳод» сўзини кўпчилик овруполиклар нотўғри тушунадилар, ўзларича бу сўз Ислом динининг тажовузкорлигини билдиради, деб ҳисоблайдилар. Аслида «жиҳод» сўзи арабча «жаҳд» — ғайрат кўрсатиш, шижоат, тиришқоқлик, фаоллик маъносини билдиради. Ўзбекларда «*жон-жаҳди билан ҳаракат қилди*», деган ибора бор. Арабларда ҳам бу сўз илм, маърифат олишда, ишда турли хунарларни эгаллашда, тоат-ибодатда ва, ниҳоят, Ислом динини ҳимоя қилишда ғайрат кўрсатиш, яхшироқ ва фаол ҳаракат қилиш маъносини билдиради. Исломий «жиҳод» сўзининг талқини ва қўлланиши, ҳамда Фарбнинг Ислом динига муносабати ҳақида 1970-йилда Ватиканда Черков ишлари департаменти томонидан II Ватикан Собори йиғинида қабул қилинган «*Масихий (христиан)лар ва мусулмонлар диалог*» сарлавҳали қарор асосий ҳужжат бўлиб, турли халқларнинг тинч - тотувлигини сақлаш учун хизмат қилади. Дунёда тинчликни барқарор қилиш учун хизмат қилувчи жуда муҳим бўлган ушбу ҳужжатга таянган Ватикан раҳбарияти дунё халқларига қилган мурожаатномасида: «*Биз Ислом динига шу вақтгача бўлган мутаассибларча адолатсиз қарашларимизни танқидий кўз билан қайта кўриб чиқишимиз ва ўтмишдан мерос бўлиб қолган, мусулмонларга нисбатан нотўғри, туҳматона, адолатсиз қарашларимиздан воз кечишимиз керак. Бу адолатсизлик учун Фарб масихий маорифи жавобгарликни ҳис этиши керак*», дейилган. Бир юз эллик саҳифадан иборат бўлган бу ҳужжатда масихийларнинг Исломга шу вақтгача бўлган нотўғри муносабати танқид қилинади, деб ёзади В.Порохова.

Мазкур ҳужжатда, мусулмонлар ҳам, масихийлар ҳам, Иброҳим, Мусо ва Ийсо пайғамбарлар сиғинган бир **Худого** сиғинадилар, **Аллоҳ** эса, **Худонинг** арабча номидир, деб айтилган.

Бу ҳужжат қабул қилинишидан бир йил олдин—1964-йилда масихийлар кардинали Кёниг, Қоҳиранинг бош жоме масжиди минбаридан туриб, дунёнинг энг муътабар илм даргоҳи бўлган Ал-Азҳар Ислом университетининг мусулмон талабаларига:

—Биз христианлар айтадиган «**Бог**» ва сиз мусулмонлар айтадиган «**Аллоҳ**»—Оламлар Парвардигори, Қиёмат Кунининг Эгаси (Малики йавмуддин) яккаю ягона бўлган **Худои** таолодир, деб **Худонинг** бирлиги, Унинг наздида миллатнинг, ирқнинг аҳамияти йўқлиги, Ер юзидаги барча халқлар **Худонинг** бандалари, ҳамма инсонлар Одам Ато ва Момо Ҳавво авлодлари, яъни ҳамма бир-бирига қардош биродарлар эканлиги ҳақида ваъз айтган эди.

1974-йилда Ватиканнинг Черков ишлари департаменти бошлиғи Саудия Арабистонига расмий ташриф билан бориб, қирол Файсал ас-Саудга Рим Папаси Павел VI ҳазрати олийларининг номасини топшириб:

—Ислом ва масихийлар олами якка Худого ишонадилар ва бир динга эътиқод қилдилар, шу асосда мусулмонлар ва масихийлар бирлашадилар, деб умид билдираман, — деган эди.

Ўша, 1974-йилнинг октябр ойида Ватикан раҳбарияти Саудия Арабистонининг Бош

Муфтийсини жуда катта иззат-хурмат билан кутиб олган. Шундан сўнг, Бош Муфтий Женевада Черков Собори томонидан, сўнг Штрасбург архиепископи ҳазрат Элхингер томонидан қизғин кутиб олинган. Элхингер, музокаралар ва дўстона суҳбатдан сўнг, Бош Муфтийга пешин намозини ўзининг Собори (Черков)да ўқиб олишни таклиф этган.

Бу диний биродарлик таклифи катта тарихий диний аҳамиятга эга бўлиб, унинг илдизи Ислом лашкарлари Қуддуси шарифни фатҳ этганларида, бўлғуси халифа ҳазрат Умарнинг шу ердаги Бош жоме Черкови майдонида намоз ўқиб олганларига тақалади, деб ёзади В.Порохова. (Қаранг: «Коран». Перевод смыслов и комментарии Иман Валерии Пороховой. Дамаск-Москва. «Просветительский Центр Аль Фуркан», 1995. 664-762 бетлар).

Диний биродарлик ва бағрикенгликни христиан динига мансуб бўлган машхур мутафаккир ва файласуфлар ҳам тарғиб қилганлар.

Атоқли тасаввуфшунос олим, Мюнхендаги «Людвиг Максимилиан» университети профессори, доктор Роланд Пичнинг ёзишича, Фарб оламида Жорж Беркли (1685—1753), Жон Локк (1632—1704), Франсуа Волтер (1694—1778), Готфрид Лейбниц (1646—1716), Готхолд Лессинг (1729—1781) каби атоқли маърифатпарвар олимлар жаҳоний динларга эътиқод қилувчиларнинг биродарлигини кенг тарғиб қилган эдилар.

Роланд Пичнинг ёзишича, 1689-йилда Жон Локк «Бағри кенглик ҳақида мактуб» асарини латин ва инглиз тилларида эълон қилган. Унда айтилишича, ўзга динларнинг вакилларига ҳурмат билан қараш Ийсо Масихнинг «*Ақлан соғлом одамлар сифатида иш тутинглар, жаҳолатга берилманглар*», деган даъватига батамом мувофиқ келади. Жон Локк фикрича, дунёвий ҳокимият бошқа, диний эътиқод бошқа, буларни аралаштириб юбормаслик керак, дунёвий ҳокимият тартибни сақлайди, аммо халқнинг маънавий раҳнамоси бўлолмайди, чунки дунёвий ҳокимият ўткинчи, фонийдир, **Худонинг** амр-фармонлари эса абадий ва доимо адолатлидир. Дунёвий ҳокимият фуқароларнинг диний эътиқодига зўрлик қилмаслиги, эътиқод эркинлигини кафолатлаши зарур. Жон Локкнинг таъкидлашича, яхши дунёвий ҳокимият диний бағри кенгликни қувватлайди, аммо у инсоният тинчлигини, осойишталигини бузувчи бидъат мазҳаб ва секталарга нисбатан бағри кенглик тамойилини қўлламайди ва **Худои** таолони инкор қилувчи куфр аҳлига ҳурмат билан қарамайди. Чунки кўпинча **Худони** тан олмаган, **Худодан** кўркмайдиган одамлар инсоният зарарига ёвузлик қилишга мойил бўладилар. Бундай одамларни шайтон билан ошначилиги қалин бўлади. Умуман олганда динлар тарихи ва моҳиятини яхши билиш, кишининг дунёқарашини кенгайтиради, эзгуликка, яхшиликка етаклайди ва диний бағри кенгликка ундайди. (Роланд Пич. Диний бағрикенглик, сиёсат ва киёсий диншунослик. Тошкент, 2002).

Илоҳий ва муқаддас китобларнинг мазмун ва моҳиятини яхши билганларга равшанки, бу учала диний эътиқодда яхшилик, эзгулик, савоб ишлар, меҳр-шафқат, мискин ва муҳтожларга ёрдам бериш, инсонпарварлик мақталади. Текинхўрлик, бошқалар ҳисобига яшаш, порахўрлик, ишёкмаслик, жабр-зулм, ўғрилик, қотиллик, дилозорлик, кибру ҳаво қораланади. Барча халқлар бир ота-онанинг авлоди эканлиги эслатилади.

Шундай қилиб, динлараро муносабатларда ана шу бағрикенглик ва диний биродарлик тамойилларини қўллаш, ўзаро ички муносабатларда эса, меники тўғри, сеники нотўғри, у ундок, бу бундок, каби турли низоларга, дил хираликларга сабаб бўладиган бефойда тортишувлардан воз кечиш мусулмонларнинг ҳамда барча жаҳон халқларининг аҳилликда, тинч-тотув яшашларида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Биринчи китоб тугади.


Иккинчи китобда Исломда сўфийлик, тасаввуф тариқатлари, фалсафа, буюк файласуфларнинг дунёқарашлари, йўқлик (ўлим) фалсафаси, васият, оламнинг мўъжизаларидан бири бўлган вақт ҳақида, маърифат бўстонидан ибратли ҳикматлар, ҳикоялар, астрология, севги ва билим ҳамда умуминсоний маънавий иймон ва бахт ҳақида, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи, ҳамда ҳар бир киши билиб қўйиши зарур бўлган турли-туман ажойиб маълумотлар ўрин олган.

ИККИНЧИ
КИТОБ



У ч и н ч и қ и с м

**ИСЛОМДА
СЎФИЙЛИК ВА
ТАСАВВУФ**



Сўфийлик ва тасаввуф сулуклари

Энг улуғ бахт Ҳақ йўлини топиш,
ўзини ва бутун оламларни яратган
Раббисини таний бошлаш эмасми?

Ислондаги суннийлик — «Аҳли сунна вал-жамоа» йўналишида VIII асрларда «сўфийлик» диний-фалсафий оқими вужудга келди.

Муҳаммад с.а.в. ва сиддиқлар — хулафои рошидинлар, илк саҳобалар йўлидан оғишмай борган, парҳезкор, ўта тақводор, тарки дунё қилган, зоҳид (аскет)ликка юз бурган **Аллоҳ**нинг азиз бандалари — «сўфий», улар юрган йўлга эса «тасаввуф» дейила бошланди. Тасаввуф сўфийликнинг диний-фалсафий таълимоти бўлиб, унинг турли йўллари «тарикат», «сулук» деб аталди.

«Сўфий» атамаси арабча «суф» (жун) сўзидан олинган бўлиб, «жун кийимлилар», тарикат, сулук эса «уюшма», «жамоа» деган маъноларни беради ва уларнинг ҳаёт кечириш тарзини ифодалайди.

Бу диний фалсафий оқим шарофатидан Ислон дини Ер юзида жуда тез ривожланиб, кенг қулоч ёйиб кетди.

Сўфийлар моддий бойликни қоралаб, ҳақиқий бойлик маънавий, руҳий бойлик деб ҳисобладилар ва асосий эътиборни унга қаратдилар. Бу дунёни ўткинчи, бевафо, ундаги ҳаёт ҳақиқий эмас, қоронғу зулматдан иборат деб тушундилар.

Сўфийлик ва тасаввуф таълимотининг вужудга келиш сабабларидан бири шу эдики, пайғамбаримиздан кейин учинчи халифа Усмон Зуннурайн даврларидан (644—656- йиллар) бошлаб айрим мусулмон жамоалари орасида маҳаллийчилик, таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчилик, бир-бирини сийлаш, ҳокимият лавозимларига қариндош-уруғларни тайинлаш, бойлик йиғишга ружу қўйиш, айниқса, Араб халифалигининг Умавийлар даврида (661—750- йиллар) **Аллоҳ** йўлидаги тоат-ибодат ўрнини дунёвий ишларга, дунё молига ҳирс қўйиш, зеб-зийнатларга, ҳою-ҳавасларга берилиш каби салбий ҳислатлар эгаллай бошлади. Ҳашаматли уйлар, дабдабали саройлар қуриш, қимматбаҳо безаклар, олтин-кумуш, хазина, бойлик тўплаш авж олиб кетди.

Бундай ишлар эътиқоди мустаҳкам тақводор мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлди. Бу ишларнинг олдини олиш учун улар пайғамбаримиз ҳадисларини йиға бошладилар. Баъзи муслимлар бундай ҳолга қарши ўлароқ норозилик белгиси сифатида таркидунёчилик — зоҳидлик ғояларини тарғиб қилиб, сурункали тоат-ибодат билан шуғуллана бошладилар.

Улар жаннат тамасида ёки дўзах кўркуви билан **Аллоҳ таолога** қуруқ тоат-ибодат қилмай, балки **Аллоҳ**ни жон-дилдан севиш, кўнгилнинг барча нафс, орзу-истакларини чеклаш, ўзини руҳий поклаш орқали **Аллоҳ** розилигига, васлига етиш ва бундан лаззатланиш ғояларини, инсоннинг бу дунёдаги асосий мақсади илоҳий оламга бориб қўшилмоқ ҳаракатида бўлиши лозимлигини тарғиб қила бошладилар.

Натижада аста-секин дунё васвасаларидан кўнгил узган, аммо қуруқ зоҳидларга ўхшамаган оддий диндорлардан фарқланадиган, мутафаккир файласуфлардан ажралиб турадиган, ҳақ фаросатда, заковатда тенгсиз, шариат илмини тўла, мукаммал эгаллаб олган, тоат-ибодатлари мустаҳкам, ажойиб ҳислатли, хур фикрли пок инсонлар тоифаси вужудга келди.

Уларнинг дунё лаззатларидан воз кечишлари, ғайриоддий сўзлари, ишлари, кароматлари халқни лол қолдирар, шунинг учун ҳам халқ уларни ҳурматлаб, «авлиё», «аҳли ҳол», «аҳли ботин», «дарвеш», «қаландар», «фақир» деган ном билан тилга олар эдилар. Кейинроқ уларга нисбатан умумий қилиб «сўфий» деган номни қўллай бошладилар.

(Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. Муаллиф — тузувчи З. Жўраев, таржимон Н. Комилов. Тошкент. «Ўзбекистон». 1994. 15-17- бетлар).

«Сўфий» деган истилоҳнинг келиб чиқиши ҳақида 8 хил фикр мавжуд.

Биринчиси, баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан, чунки бундай мусулмонлар илоҳий йўлга кирганларнинг биринчи сафида турувчилардир деганлар.

Иккинчи бошқа бирлари эса «сўфий» сўзи «суффа» сўзидан ҳосил бўлган, чунки суффа аҳли пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларидаёқ таркидунё қилган такводор диндорлар бўлиб, сўфийлар шуларга тақлид қилганликлари учун шундай ном келиб чиққан, деб тушунтирганлар.

Учинчи гуруҳ кишилар «сўфий» сўзи «сафо» сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифа кишиларнинг қалби сидқу сафо қуёшидек порлаб туради деганлар.

Тўртинчиси, баъзилар сўфий «суфух» сўзидан ҳосил бўлган, чунки «суфух» бирон-бир нарсанинг хулосаси бўлганлиги сабабли, уларни сўфий деб айтганлар.

Бешинчиси, айрим уламолар сўфий сўзи «соф», яъни софлик, поклик, тоза, руҳий камолот мазмунига эга деб тушунтирганлар.

Олтинчиси, баъзилар бу сўз юнонча «софос» (донишмандлик) сўзидан олинган деганлар.

Еттинчиси, олимларнинг баъзилари эса юнонча «суф», файласуф сўзининг охириги қисмидан олинган деган мулоҳаза ҳам билдирганлар.

Саккизинчиси, аксарият олим ва уламолар сўфий сўзи арабча «суф» сўзидан ҳосил бўлган, чунки бу сўзнинг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато маъносини беради, деб айтганлар.

Сўфийлар кўпинча жун чакмон, жун матодан бўлган хирқа, жанда, кулоҳ ва қўй терисидан қилинган жунли пўстин кийиб юришни одат қилганлар. Шунинг учун халқ уларни жун кийимчилар, яъни сўфийлар деб аташ бошлаган.

Айримлар сўфийлик билан тасаввуфни иккаласи бир деб билдилар. Шунга эътибор бериш керакки, сўфийлар (сўфизм) ва тасаввуф бошқа-бошқа нарса бўлиб, бу сўзларнинг маъноси ҳам турличадир. Агар сўфийликнинг маълум бир тармоғи, йўналиши, яъни сўфийнинг танлаган йўли тариқат, сулук деб аталган бўлса, тасаввуф эса сўфийликнинг назарий, фалсафий дунёқараш тизимидир.

Тасаввуф аҳли мутасаввуфлар деб аталади. Тасаввуф таълимоти билимдони бўлган, таълими, фалсафий гоёлари, дунёқараш ва ахлоқий қоидаларини тан олиб, ўз ижодига татбиқ этган, аммо сўфийлик йўлини амалда ҳаётга татбиқ қилмаган мутафаккир олимлар, ёзувчи, шоирлар ва бошқалар сўфий эмас, балки тасаввуф аҳли ёки мутасаввуфлар деб аталганлар.

Афсуски, ҳозирги баъзи адабиётларда улар бир-биридан фарқланмай, иккаласи ҳам бирдек кўрсатилади. Ҳолбуки, мистик йўл — сулук, тариқатнинг турли қарашлар ва қоидалар тизими бўлмиш тасаввуф, сўфийларнинг амал қиладиган назарияси, таълимотидир.

Сўфий ёки дарвеш ўзи танлаган бирор тариқат, сулукка кириб, сулук йўлидаги ҳақиқатга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ҳамда махсус устоз — пир, муршид, шайх, эшон раҳнамолигида тасаввуф илмини, қонун-қоидаларини эгаллай бошлайди.

Тасаввуфни хурфиррилиқнинг бир кўриниши ёки оқими деб ҳам қараш мумкин, чунки у Ислом ақидаларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш орқали уларни ахлоқий-тарбиявий маънода ижобий томондан талқин қилади, бир қанча диний қоидалар ва ҳаётий масалалар устида зукколик билан теран фалсафий мулоҳазалар юритади.

«Тариқат» ҳам арабча сўз бўлиб, маъноси «йўл», «усул»дир. Бу атама уч хил: 1) сўфийлик йўли; 2) сўфийликнинг маълум бир тармоғи, йўналиши; 3) сўфийликнинг иккинчи босқичи бўлмиш тариқат маъноларида ишлатилади. Тариқатни сулук деб аташ бирмунча кенгроқ тарқалган.

Сўфийлик асосан VIII—IX асрларда пайдо бўлган ва Араб халифалиги таркибидаги давлатларда: Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистонда, шунингдек, Индонезия ва шимоли-ғарбий Хитойда тарқалган.

Сўфийлик сулукларида муршид ва мурид (пир ва шогирд) муносабатлари асосий ўринни эгаллайди. Сўфийликда руҳий камолотга эришишнинг асосий йўллари тўрт босқичдан иборат бўлган.

Биринчи босқич шариат деб аталади. Бунга кўра, тасаввуф аҳли аввало шариатнинг барча талабларига тўлиқ бўйсунуши ва уни тўла адо этиши керак. Фақат шундан кейингина иккинчи босқичга — **тариқат**га кўтарилиш мумкин.

Тариқат босқичида мурид ўзининг пирига бутунлай итоат этиши, ўз шахсий истакларидан ва тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиши ҳамда ихтиёрини пирига буткул топшириши шарт ҳисобланади. Бу босқичда мурид доим камбағалликда, фақир бўлиб, хайр-эҳсон ҳисобига яшаши, таркидунё қилиши, ҳар нарсани **Худо**га солиши, Унга таваккул қилиши, Уни севиши ва фақат Унга муҳаббат ва шавқ билан интилиши керак. Бу босқичдан ҳам ўтганлар учинчи босқичга — **маърифат**га кўтариладилар.

Маърифатда мурид фақат **Худонинг** борлигини мутлақ ҳақиқат деб, бутун Олам-қоинотни **Худонинг** ижоди деб, теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларга боғлиқликдан халос бўлиб, инсон руҳининг **Худо** билан қўшилишини олий мақсад деб, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англаши керак бўлган. Бунда улар қаттиқ жазава билан зикр-самоъга тушиб, **Худонинг** жамолини кўришга ҳаракат қилганлар.

Тўртинчи босқич эса **Ҳақиқат** дейилади. Ҳақиқатга эришув жараёнида сўфий шахс сифатида тугаб, **Худо**га етишади, **Унга** сингиб кетади ва натижада абадийликка эришилгандан сўнг бу охириги босқич ҳам тугалланади.

Тасаввуф таълимотича, бу йўлга кирган ҳар бир мўмин аввал муҳиблик, сўнгра муридлик, кейин дарвешлик, ундан кейин олимлик — орифлик, сўнг валийлик ва, ниҳоят, насиб қилса, набийлик мақомига етишади.

Тасаввуф илми қуйидагича гуруҳланади:

- 1) Илми шариат, илми тариқат, илми маърифат, илми ҳақиқат.
- 2) Илмнинг хусусиятига қараб — илми назар (экзотеризм), илми ботин (эзотеризм).
- 3) Илмни эгаллашга қараб: илми қол, илми ҳол.
- 4) Сўфийлар ҳаётидаги воқеалар бўйича: илми каромат, туш таъбири, қалб таълими.
- 5) Илмга етишиш усуллари бўйича: илми яқин, илми фаросат, илми ладуний.

Тасаввуф тарихи уч даврга бўлинади: зоҳидлик, орифлик ва ошиқлик даврлари.

Л а д у н и й и л м. «Ладун» арабча сўз бўлиб, «олдидан, ёнидан» деган маънони англатади. Ладуний илм деганда, **Аллоҳ**дагина бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, **У** истаган кишисига, истаган жойда ва вақтда берадиган илм тушунилади.

Ладуний илм — илоҳий таълимни **Аллоҳ** **Ўзининг** севган, яқин бандаларига ато этади. Бу иш ақлнинг далилисиз ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади.

Ладуний илм **Аллоҳ** берган билим бўлиб, пир таълимотисиз ва ўзининг ҳаракатисиз, ғайбдан ҳосил бўлади. Демак, ладуний илм илмларнинг энг юксаги бўлиб, уни қалби пок, амаллари холис кишиларга **Аллоҳ**нинг **Ўзи** беради.

Авлиёларнинг («авлиё» — «валий»нинг кўплиги) барчасига **Аллоҳ** бу неъматни насиб этган. «Валий» сўзининг таржимаси «дўст»дир. Яъни валий тоат-ибодатлари, чуқур ихлослари натижасида **Аллоҳ**нинг дўстига айланган кишидир. Валий **Аллоҳ** доим кузатиб, назорат қилиб турадиган, **Ўзининг** ҳафзу ҳимоясида сақлайдиган ва бир он бўлса-да, танҳо ташлаб қўймайдиган кишидир. Бу ҳақда «Юнус» сурасининг 62—64, «Жин» сурасининг 26—27-оятларида айтилган. Улар бундай илм орқали каромат кўрсата олиш қудратига ҳам эга бўлганлар. Уларнинг бу илмларига, кўрсатадиган кароматларига ҳатто пайғамбарларнинг ҳам ҳаваси келган ва бундай илмга етишишни орзу қилганлар.

Пайғамбарлар мўъжиза, валийлар эса каромат кўрсатганлар. **Аллоҳ**га астойдил ихлос билан ибодат қилиб, **Унга** яқин дўст бўлиш бахтига муяссар бўлган кишиларнинг кўнглига **Ҳақ** томонидан бундай билимлар илҳом йўсинида ато этилади.

Мўъжиза илоҳий куч ёрдамида содир этиладиган ғайритабiiй ҳодисадир. Мўъжизанинг кароматга қараганда қадри баланд, маъноси теранроқдир. Ўтмишда ҳар бир пайғамбар муайян мўъжиза кўрсатган. Масалан, Мусо алайҳиссалом қўлларини енгидан чиқарсалар, машъаладай ёниб, нур таратар ёки ҳассасини илонга айлантира оларди. Ийсо алайҳиссалом бўлса нафаслари билан ўликларни тирилтирган, шолларни ўша захотиёк тузатган ва ҳоказолар.

Валийлар каромати ҳам **Аллоҳ**нинг севган кишиларига ато этилган илму ҳикмат натижасидир. Каромат кўрсатиш, фавқулодда хислатлар намоён этиш тасаввуф шайхларининг муҳим фазилати ҳисобланган. Тасаввуфнинг сирлилиги, ғайб оламига яқинлиги, ошнолиги, алоқадорлиги шундандир. Авлиёларнинг ғайритабиий одатлари, кўрсатадиган кароматлари сон-саноксиз бўлиб, булар, ўз навбатида, улар олган, эришган илм натижасидир. Улардан баъзиларини келтирамиз.

1. Бор бўлиб туриб, йўқ бўлиб қолиш ва йўқ бўлиб туриб бор бўлиб қолиш, жиндай вақт ичида узоқ йўлни босиб ўтиш, кўринмайдиган, эшитилмайдиган, сезгидан ташқари бўлган ишлардан хабар топиш, бир вақтнинг ўзида бир неча жойларда ҳозир бўлиш, ўликни маълум муддатга тирилтириш ва тирикни ўлдириш, жисмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандалар тилини тушуниш, англаш.

2. Сув устида чўкмай юриш, ҳавода қушлардек учиш, одамлар емайдиган нарсаларни еб кун кўриш, ҳайвонлар билан дўстлашиш.

3. Баданида ҳаддан зиёд қувват пайдо қилиб, дарахтларни илдиз-пилдизи билан кўприб ташлаш, деворни бармоқ ишорати билан тешиш, муҳолифнинг бошини қўл ишорати билан учуриб юбориш, ғарқ бўлаётган кемаларни қутқариш.

4. Ёмғир, қор ёғдириш, шамол қўзғатиш, сел келтириш ёки уни даф қилиш, чигиртка офатини йўқ қилиш, турли қиёфаларда кўриниш, чўл-биёбонларда сарсон бўлганларга раҳнамолик қилиш, ёрдам бериш ва ҳоказолар.

Булардан ташқари, яна бўлажак воқеаларни олдиндан башорат қилиш, узоқ шаҳарда бўлган яқин одами билан алоқа боғлаб, сўзлашиш, ўзининг руҳини жисмидан ажратиб сайр эттириш ва яна қайта жисмига киритиш, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва уларга фикран таъсир ўтказиш, нафас қуввати, назар қуввати, дил қуввати, кўнгилдан ўтказиш, бир фикр ёки ҳодисанинг бир йўла икки-уч киши қалбида пайдо қилиш, маълум ҳолатга кириб, вужудидан нур таратиш ва ҳоказолар ҳам кароматга киради.

Валийлар каромат кўрсатсалар-да, лекин улар набийлик даъво қилмаганлар. Набийларда зоҳир бўлган бундай ғайритабиий одатлар, воқеалар каромат эмас, балки муъжиза деб номланган.

Азиз-авлиёлар, комиллар ҳамма кўрган ва билганларини халққа ошкор қилмайдилар. Улар ўзларига маълум сир-асрорларни ўзлари билан олиб юрадилар ёки ўзлари даражасида бўлганларгагина айтишлари мумкин. **Ҳақ** сир-асрорларини **Ҳақ**нинг севган бандаларигина англайдилар ва кўтара оладилар. Бу юкни кўтаришга ҳар ким ҳам қобил ва қодир эмас.

Ҳазрат Хизр айтган эканларки, «**Аллоҳ**нинг дунёдаги валийларининг барчасини билман», деб. У зот бир куни: «Валий Абу Бакр Каттоний мени билди, аммо мен уни билмадим...», — дедилар. **Аллоҳ**нинг шундоқ валий — авлиёлари бордирки, ҳазрат Хизрни билурлар, аммо Хизр уларни билмас. Ва яна кўп валийлар бордирки, уларни на Хизр билур, на бошқа валийлар билур, **Аллоҳ**дан бошқа бирор зот уларни билмас. Зеро улар **Аллоҳ**нинг хосидирлар. Улар ҳақида **Аллоҳ**дан бошқалар хабардор бўла олмаслар.

Баъзи валийлар ҳам бўлурки, валий эканликларини ўзлари ҳам билмаслар... Уларнинг ҳолини ёлғиз **Жаноби Ҳақ**нинг **Ўзи** билур.

Кунларнинг бирида Мусо пайғамбар денгиз бўйида яйловда намоз ўқиб турган чўпонга дуч келди. Чўпон намозини ўқиб бўлгач, Мусо ўзини таништирди, суҳбатлашди, намоз ўқиш қоидаларини ўргатди ва хайрлашиб ўз йўлига равона бўлди.

Денгизда сув юзида юриб кетаётган Мусо а.с. орқасидан чўпонни чақираётганини эшитиб орқасига қаради. Ўзи каби сув бетиде чопиб келаётган чўпон пайғамбардан намозни фалон жойида нима дейиш кераклигини яна бир бор қайтаришини сўради.

Мусо унга хитоб қилиб: «Билганингча ўқийвер! Билганингча ўқийвер!», — деб хайратланганича йўлида давом этди. Мусо а.с. уни ҳам ўзи каби **Аллоҳ** азиз қилган сиддиқ банда (валий) си эканлигини пайқаган эди...

Саҳобаларнинг айтишларича, Ҳасан Басрий (пайғамбаримизнинг қайнсингилларининг ўғли, валий) ёшлигида масжидда Ҳабиб исмли шайх ортида туриб намоз ўқиган. Ҳабиб: «Алҳамдулиллоҳ» ўрнига «Алҳемдулиллоҳ» деб юборган. Ҳасан эса Ҳабибнинг ортида

намоз ўқиш саҳийҳ эмас деб, Ҳабибга эргашмай ўзи мустақил ўқиган. Ҳасанга ўша кеча **Жаноби Ҳақ:**

— Эй Ҳасан! Ҳабибнинг ортида намоз ўқисанг эрди, менинг ризоимни топган бўлур эдинг. Ва умрингда ўқиган барча намозларинг Ҳабибнинг ортида ўқиган намозинг баракотидан қабул бўлгай эрди. Аммо сен лафз (нутқ) эгрилигини ният тўғрилигидан устун қўйдинг. Тил эгрилиги билан ният тўғрилиги ўртасида кўп фарқ бордир, — деб марҳамат этган экан.

Кунлардан бир куни Ҳасан Басрий Робийа (Адавийа)ни сув бўйида кўрди. Жойнамозини сув устига ёзди ва:

— Эй Робийа! Кел, икки ракаат намоз ўқиймиз, — деди. Робийа эса жойнамозини ҳавога ёзди, устига чиқиб:

— Эй Ҳасан! Сени қилган ишингни балиқ, менинг қилганимни пашша ҳам қила олади. Гап бу иккисида ҳам эмас. Ишга машғул бўлмоқ керак, — деди.

И з о х : Абу Бакр Каттоний, Ҳасан Басрий, шайх Ҳабиб, Робийа Адавийа Аллоҳнинг азиз авлиёлари бўлганлар.

Тариқат шариатни ҳам ўз ичига олади, аммо у шариатдан ўзиб кетади, шариат аҳли жаннат тамасида ибодатга машғул бўлсалар, тариқат аҳли эса **Аллоҳ** дийдори учун жондан кечганлар. Яъни тариқат аҳлининг мақсади **Парвардигор** томонига интилиш, инсонийлик ҳақиқатини топишдир.

*Шариат айтур: ўлтур илонни,
Тариқат айтур: қийнама жонни.*

Хожа Аҳмад Яссавий талқинига кўра, шариатсиз тариқат ва тариқатсиз ҳақиқат йўқ. Тариқатга қадам қўйган одам шариатга суюнмаса, шайтон келиб иймонига чанг солади. Хожа Аҳмад Яссавий бу ҳақда шундай ҳикмат айтган:

*Ҳар ким қилса тариқатни даъвосини,
Аввал қадам шариатга қўймоқ керак.
Шариатнинг ишларини адо қилиб,
Андин сўнгра бу даъвони қилмоқ керак.*

*Шариатдан мурод — йўлга кирмоқ,
Тариқатдан мурод — нафсдин кечмоқ,
Ҳақиқатдан мурод — жондин кечмоқ,
Жондин кечмай ишқ шаробин ичса бўлмас.*

Сўфийлик таълимотлари аввало **Қуръони карим**га, сўнгра пайғамбаримиз ҳадисларига суюнади. Ҳадисда ҳаддан ташқари дунёпарастлик ва нафсга берилишнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида огоҳлантирилади, аммо шу билан бирга **Каломуллоҳ**да насронийларнинг зоҳидона ҳаёти, монахлик, таркидунё қилиб калисоларда, монастирларда умр ўтказишлари танқид қилинади, Исломда роҳиблик йўқ деб ҳукму амр берилади. Ҳар бир мусулмон **Аллоҳ таоло** томонидан инъом этилган неъматлардан баҳраманд бўлмоғи керак, нафсимизнинг ҳам бизда ўзига яраша ҳаққи бор. Жаноби пайғамбаримиз зоҳидтабиат саҳобаларига: «**Ораларингизда афзалрогингиз менман, лекин мен масжидга ҳам бораман, тотли овқатларни ҳам ейман, ўз вақтида дам ҳам оламан, ухлайман, хотинларим билан бирга бўламан ҳам**», — деб танбеҳ берган эканлар.

Энди тасаввуфнинг ўзига қисқача тавсиф берсак, Хўш, тасаввуф ўзи нима? Бу саволга машойихлар қўйидагича жавоб беришга ҳаракат қилишган:

Тасаввуф ақлдан устун турувчи илмдир.

Тасаввуф илми **Аллоҳ**дан келадиган илм, илҳом, кашфу холдир.

Тасаввуф дунёдан юз ўгириб, қалбни **Аллоҳ**га йўналтиришдир.

Тасаввуф яратувчи **Парвардигор**ни ва дунёни чуқур, қалбдан ҳис этиш, таниш ва

билишдир.

Тасаввуф ботин ила ғайб олами билан ошноликдир.

Тасаввуф **Худо** йўлида нафсдан, нафс лаззатидан кечмоқдир.

Тасаввуф яхши, олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир.

Тасаввуф нафсни тарбияловчи илмдир.

Тасаввуф тоат-ибодат ва яхши ишларга маҳкам дил боғламоқ, **Аллоҳ**га муҳаббат қўймоқ ва унинг васлига етиш йўлида риёзат чекмоқдир.

Тасаввуф **Қуръони карим**га чин қалбдан амал қилиб, пайғамбар суннатларини маҳкам тутиб, нафс лаззатларидан, ўзлигидан буткул воз кечиб, машаққат чекиб, фақат **Ҳақ**қа етишиш учун яшамоқликдир.

Тасаввуф ҳақиқатларни қабул этмоқ ва инсонларнинг қўлларидаги нарсаларга кўнгил боғламасликдир (**Маъруф Кархий**, 816- йилда вафот этган).

Тасаввуф **Ҳақ**нинг сендаги «сен»ни ўлдириши ва сени **Ўзининг** наздида тирилтиришидир (**Жунайд Бағдодий**, 910- йилда вафот этган).

Тасаввуф ақлингдаги барча салбий, шайтоний ўй-хаёлларни тарк этишинг, қўлингдаги нарсаларни эҳсон қилишинг ва бошингга тушган кўнгилсиз воқеа-ҳодисалардан оҳ-воҳ чекмаслигингдир (**Абу Саъид ибн Абул Хайр**, 1049- йилда вафот этган).

Тасаввуф нафснинг барча истакларини ва завқларини тарк этмоқдир (**Абулхусайн Нурий**, 907- йилда вафот этган).

Тасаввуф нафсни **Аллоҳ**га етишиш учун тарк этмоқдир. Тасаввуф уч хислат узра қурилган: фақр ва ифтихорга ёпишмоқ, **Аллоҳ** йўлида мол-мулкнинг аямай сарфлаб, ўзгани ўзингдан устун тутмоқ, ўзингдан кўра кўпроқ ўзгани ўйламоқ, шиддат кўрсатиш ва ихтиёрни тарк этмоқдир (**Рувайм**, 915- йилда вафот этган).

Тасаввуф қалбни фақатгина **Аллоҳ**га йўналтириб, мосиво бўлмоқ, яъни **Аллоҳ**дан бошқа барча нарсалардан буткул кўнгилни узишдир (**Имом Ғаззолий**, 1111- йилда вафот этган).

Шундай қилиб, тасаввуф умумий қилиб олганда:

— дунёдан юз ўгириб, қалбни **Аллоҳ**га йўналтириш;

— **Қуръон** ва Сунна кўрсатган йўлда астойдил ибодат қилиб, руҳиятни софлаш;

— ибодат, зикр, тафаккур, риёзат ва мужоҳада орқали нафс орзуларини назорат остига олиш;

— ҳақиқат билимини қўлга киритиб, **Аллоҳ**га етишмоқ учун ғайрат кўрсатишдир.

(Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. Муаллиф — тузувчи З. Жўраев, таржимон Н. Комилов. Тошкент. «Ўзбекистон», 1994. 48-56 бетлар; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Таржимон Нодирхон Ҳасан. Тошкент, «Истиклол», 1999. 17-19- бетлар).

Тасаввуф, қисқача айтганда, нафсдан воз кечиб, **Аллоҳ** йўлида риёзат чекиб, қалбни поклаш ва уни фақат **Аллоҳ**га йўналтиришдир. Расулulloҳнинг бир неча ҳадислари ҳам моҳиятан сўфийларнинг тасаввуф ҳақидаги фикрларини қувватлайди. Масалан: **«Бошқалар қайси йўлда фатво берса бераверсин, сен фатвони қалбингдан сўра, виждонингга қулоқ сол!»**, **«Қалбингни шубҳага солган нарсадан воз кеч, шубҳасизига қара!»**, **«Гуноҳ қалбда доғ қолдириб, виждонни касал қиладиган иллатдир»** ва ҳоказо.

Машхур сўфий олим Шаҳобиддин Сухравардий (1191- йилда вафот этган)нинг «ишроқ фалсафаси»га кўра, ҳақиқатни тушуниб етишнинг ягона йўли қалбдаги нур ва сезги (интуиция)дир. Бу борада ақл ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Қалбга келаётган нурнинг асл манбаи эса **Аллоҳ**дир.

Сўфийларнинг таърифи бўйича, зоҳирий илм билан ботиний илм гўё бадан билан руҳ кабидир, бир-бирини тақозо қилади, тўлдиради. Зоҳирга асосланмаган ботин ботилдир, ботинга асосланмаган зоҳир ҳам ботилдир, деб ниҳоятда ҳақ гапни айтганлар.

Сўфийлар ботин илмига «маърифат», «ирфон», «илми ладун», «илми ваҳй», «илми асрор», «илми ғайб», «илми мавҳиба», «илми фаросат», «илми мукошафа», «илми зухурий», «илми ҳол», деб ном қўйганлар. Ботин илми ё ваҳй, ёки илҳом йўли орқали эгалланади. Бу илм хабар, ваҳй воситасида пайғамбарларга берилса, сўфийларга илҳом йўли орқали берилади.

Мутасаввуфлар фикрича, олам буюк инсон, инсон эса кичик оламдир. Инсоннинг

жисмоний тузилиши оламнинг моҳият-маъзидир. Оламда мавжуд нарсанинг ҳар бир намунаси инсонда ҳам мавжуд.

Ададсиз ва ҳолатсиз бўлган улуғ **Аллоҳ** сон-санокли ва ҳолатли ашёда макон тутмайди, маконсиз бўлган маконда жойлашмайди. Саноксизни санокли доиранинг ташқарисидан изламоқ керак. Офоқ (объектив) ва анфус (субъектив)да кўринган нарсалар **Аллоҳ**нинг алоҳида ишоратларидир.

Тасаввуф олимларидан Али ибн Муҳаммад Зоҳид (925- йилда вафот этган): «*Тасаввуф жисм, кўриниш билан ўлчанмайди. Аввало қалбингни покла, кейин нима хоҳласанг киявер!*» — дея эслатиб ўтган.

*Дарвешлик бўлсайди тож ила хирқа,
Бизлар ҳам олардик ўттизу қирққа.*

(Юнус Эмро)

Сўфийлар орасида «расти — расиди» (узилдинг — етдинг) деган ибора бўлиб, бунинг маъноси халқдан узилсанг **Ҳаққа** етасан демакдир. Аммо бу дастлабки ният бўлиб, бунга эришгандан кейин эса, сўфий халққа **Ҳақ** ҳақида, **Ҳақ** номидан гапира олиши мумкин бўлади. Шунинг учун сўфийларнинг халққа қайтиши яна дунё машғулотларига қайтиш эмас, балки дунёга **Аллоҳ** нурини таратишдир.

Тариқатлар либосларининг изоҳи

Хирқа (ар.: «ямоқ», «куроқ») — тариқат аҳли киядиган жунли матодан тикилган устки эски кийим, либос. Бу либос олди очик, ёқасиз, энги ва бўйи ҳам узун бўлган. Хирқа кийиш сўфийликда шайхга таслим бўлишни — муридликка ўтганликни билдирган. Узок вақт фойдаланилгани сабабли у эскирган, куроқ ва ямоқ бўлиб кетган. Пирнинг муридга ечиб берган хирқаси муридга сўфийлик йўлида рухсатнома вазифасини ўтаган. Яъни шайх билан мурид орасида алоқа ўрнатилганини, муриднинг нафс билан ўзи орасида шайхнинг ҳукмронлигини қабул қилганлигини билдирган.

Хирқа кийиш анъанаси ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломга бориб тақалади. Нақл қилинишича, ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни гулханга ташлаганларида, Жаброил алайҳиссалом жаннатдан кўйлак олиб келиб, унга кийдирган ва ҳазрат Халилуллоҳ бу кўйлакнинг баракотидан оловдан эсон-омон чиққан. Иброҳим алайҳиссалом ушбу кўйлакни сақлаб кўйиб, ҳазрат Исмоил алайҳиссаломга уни қурбон қилмоқчи бўлганида кийдирган. Бу кўйлак Исмоил алайҳиссаломдан Исҳоқ алайҳиссаломга, ундан Яъқуб алайҳиссаломга, ундан Юсуф алайҳиссаломга қадар келган ва унинг қудукдан қутулишига, ҳазрат Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилишига **Аллоҳ**нинг амри билан восита бўлган. Хирқани ўзбеклар «жанда» деб аташган.

Кулоҳ — жун ва мўйна аралаш тикилган бош кийим, телпак, каллапўш. Кулоҳ ҳам сўфийларнинг хос кийими ҳисобланган. Тариқат аҳлига маросим билан кийдирилган. Хирқа ва кулоҳни дарвешлар, қаландарлар ҳам кийишган.

Ҳайдарий (ҳайдария) — хирқа остидан кийиладиган тор, ёқасиз, энгсиз ва белгача келадиган либос.

Жанда (таннура) — белдан тепаси тор, пасти кенг, узунлиги тўпикқача, ёқасиз, энгсиз, олди белгача очик либос.

Кашкул - қаландар, дарвешларнинг садақа пули соладиган, олди белбоғларига боғлаб юрадиган идиши. Томошақовоқ ёки эски кокос ёнғоғининг палла қобиғидан қилинган.

Або—хирқага ўхшаш бир кийим, дарвешларда тавозе ва фақирлик мақомига ишора бўлган.

Асо—ҳасса, тасаввуфда шайхлик нишони. Рамзий маънода солиқнинг валий ва эранлар нафасига мухтожлигини ифодалайдиган бир тимсол: «Эранлар нафасин асо этган

сен» (Юнус Эмро).

Булардан ташқари, сўфийлар ишлатадиган буюмлар орасида тагига солиб ўтирадиган, кўрпача ўрнида ишлатиладиган кўй терисидан тайёрланган пўстак ва алам (байроқ, туғ) ҳам бор. Алам қубба ва минора тепасига илиб қўйилади. Сўфийлар ишлатадиган нарсаларидан яна бири «гул» деб аталувчи узунлиги икки қарич, ясси учли, ховуч қадар катталикидаги темир ҳассадири. Рифоъий тариқатидагилар бу ҳассанинг учини кўрада қиздириб, зикр вақтида уни ялаб-ялаб совутганлар.

Шундай қилиб, сўзимизни давом эттирсак, IX—X асрларда пирлар номи билан аталган дастлабки тасаввуф тариқатлари ва уларга тегишли хонақоҳлар вужудга келди. Моваруннахрда, хусусан, Ўзбекистон худудида XII асрда сўфийлик оқими Хожа Юсуф Ҳамадоний тариқатидан бошланган. Ундан кейин турли йўналишлар пайдо бўла борди.

Сўфийлик йўналишларининг йирик вакиллари орасида Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Зуннун ал-Мисрий, Юсуф Ҳамадоний, Абдулқодир Гилоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Хожа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Бобои Самосий, Саййид Амир Кулол, Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Махдуми Аъзам Косоний, Шамсиддин Кулол, Зайниддин Абу Бакр Тойбодий, Абу Бакр Калободий, Қосим Шайх Азизон ва бошқалар бўлган.

Тасаввуфнинг илмий асосларини илк бор барпо этган буюк сўфий олимлар:

- Кушайрий (783- йилда вафот этган);
- Ҳорис ал-Муҳосибий (857- йилда вафот этган);
- Зуннун ал-Мисрий (861- йилда вафот этган);
- Абул Ҳусайн Нурий (907- йилда вафот этган);
- Жунайд Бағдодий (910- йилда вафот этган);
- Ҳаким Термизий (869- йилда вафот этган);
- Абу Толиб Маккий (996- йилда вафот этган);
- Сулламий (1021- йилда вафот этган);
- Муҳийиддин ибн ал-Арабий (1240- йилда вафот этган).

Тасаввуф ҳақида илк марта илмий асар ёзган киши мисрлик сўфий Зуннун Мисрий (796—861) бўлган бўлса, бу борада энг кўп асар ёзган зот эса машҳур тасаввуф олими Муҳийиддин ибн ал-Арабий (1165—1240)дир.

Тасаввуфнинг бир бутун таълимот ҳолига келтирилишига ва унинг бошқа илмлар каби ўқитилишига сабаб бўлган биринчи зот Аҳмад ибн Атодир; у бу иш учун биринчи бўлиб махсус дарсхона қурдирган.

Шундай қилиб, тасаввуф тарихида IX—X асрларда дастлабки асосий тариқатлар юзага кела бошлади.

Асосчиларига нисбат берилиб номланган илк тариқатлар:

1. **М у ҳ о с и б и я** — асосчиси Ҳорис Муҳосибий (857- йилда вафот этган);
2. **Қ а с с о р и я** — асосчиси Ҳамдун Қассор (884- йилда вафот этган);
3. **Т а й ф у р и я** — асосчиси Абу Язид Тайфур ал-Боязид Бистомий (875- йилда вафот этган);
4. **Ж у н а й д и я** — асосчиси Жунайд ал-Бағдодий (910- йилда вафот этган);
5. **Н у р и я** — асосчиси Абул Ҳусайн ан-Нурий (907- йилда вафот этган);
6. **С а ҳ л и я** — асосчиси Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарий (896- йилда вафот этган);
7. **Ҳ а к и м и я** — асосчиси Ҳаким ат-Термизий (869- йилда вафот этган);
8. **Х а р р о з и я** — асосчиси Абу Саъид ал-Харроз (899- йилда вафот этган);
9. **Х а ф и ф и я** — асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Хафиф (940- йилда вафот этган);
10. **С а й ё р и я** — асосчиси Абулаббос ас-Сайёрий (XI аср бошларида вафот этган);
11. **Х у б а й р и я** — асосчиси Хубайра ал-Басрий (унинг ҳақида маълумотлар йўқ);

12. **Ҳалложия** — асосчиси Форис исмли шайх (маълумотлар йўқ);

13. **Ҳулмония** — асосчиси Абу Хулмон ад-Дамашкий (маълумотлар йўқ).

Абу Хулмон Дамашкий тавҳид эътиқодига амал қилган, лекин унинг йўлидан борганлар кейинчалик тўғри йўлдан адашганлар ҳамда ҳулул, имтизож ва руҳларнинг таносухини қабул қилганлар.

Кейинги даврларда юзага келган тариқатлар:

1. **Қодирия** — асосчиси ва пири Абдулқодир Жилоний (Гилоний 1077—1167). «Ғавс ул-аъзам», «Ғавс ус-сакалайн» каби сифатлар билан танилган шайх. Эроннинг Жилон (Гилон) шаҳрида дунёга келган.

Шайх Абдулқодир исломнинг ханбалия мазҳабига мансуб бўлган. У Жунайд Бағдодий таълимотининг давомчисидир.

Қодирияда зикри жаҳрия бўлиб, у ўтирган, тик турган, чарх уриб айланган ҳолда ижро этилган.

Абдулқодир Жилонийнинг силсиласи она томонидан 12-аждодда ҳазрат Алига бориб тақалади. Буюк шайх 42 нафар фарзанд кўрган, улардан 11 нафари отасининг тариқатига кирган.

Бу силсиланинг рамзи яшил рангдир.

Қодирия тариқати Ироқ, Сурия, Яман, Ливан, Фаластин, Ҳижоз, Миср, Жазоир, Марокаш, Судан, Сенегал, Гвинея, Нигер, Мавритания, Туркия, Индонезия, Эрон давлатларида тарқалган. Тариқатнинг марказий даргоҳи Бағдодда эди.

Асосий шохобчалари — ашрафия, холисия, ғарибия, румия, хилолия, ёфиъия, исавия, асадия, акбария.

2. **Ясавия** — асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий (1033—1166). Қозоғистон жанубидаги Чимкент вилояти, Сайрам қишлоғида дунёга келган. Гўдаклигида Яссига кўчишган. Бу ерда Арслонбоб исмли машҳур шайхнинг хайр дуосига эришган.

Хожа Аҳмад Яссавий дастлабки илми Бухорои шарифга бориб, машҳур шайх Юсуф Ҳамадонийдан олган ва унинг учинчи халифаси бўлишга эришган. Хожа Юсуф Ҳамадоний вафотидан кейин, бир муддат унинг мақомида ўтиргач, шайхнинг маънавий буйруғига кўра мақомини ва муридларини Абдулхолиқ Ғиждувонийга қолдириб Яссига қайтган.

Яссавия тариқатида ҳанафий мазҳабига амал қиладилар. Рухий осойишталикка, пирнинг раҳнамолигида рухий камолот сари боришга даъват қилинади. Инсон бутун ҳаётини **Ҳаққа**, илоҳий нурга бағишлаши, ҳаётнинг моҳияти **Худовандга**, яъни «ҳақиқат»га эришишдан иборат бўлиши керак, деб тарғиб қилинади.

Яссавия тариқати дастлаб Сирдарё бўйи ва Тошкент худудида, кейинроқ Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Озарбайжон, Онадўли диёрларида тарқалган, шимолда Қозонга, ғарбда Болкон яримролига қадар етиб борган.

Бу тариқат кейинчалик нақшбандия тариқати доирасида давом этган. Нақшбандияни яссавиянинг бир шохобчаси деб билувчилар ҳам бўлган.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур халифаси (ўринбосари) Ҳаким ота, яъни Сулаймон Боқирғоний (1106—1198)дир.

3. **Маломатия** — сўфийлик тариқатларидан бири, X—XI асрларда Хуросонда шакллланган.

Маломатия тариқатида сўфийнинг ғурури, ўзидан мамнунлиги тариқат йўлида катта хавфдир деб талқин этилади. Сўфийларда ўз муваффақиятларини ошқор қилмасдан, одамларнинг мақтови ва ғамхўрлигига эмас, балки уларнинг қаҳри ва маломатига сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар қилиш, ўзига нисбатан ғазаб ва нафрат уйғотадиган тарзда ҳаёт кечириш керак деган таълимот қабул қилинган.

Маломатия йўлидан борган сўфийлар одамлар орасида беодоблиги, хунук, совуқ қилиқлари, ўзини ёмон тутиши ва ўзини ҳаммага ёмон кўрсатиши билан маломат орттириб юрганлар. Таълимотнинг номи ҳам шундан олинган.

Маломатия таълимоти асосида инсон шахсининг **Аллоҳ** қаршисида заррачалик қадри

йўқ деган ғоя, шунингдек инсон ўз хатти-ҳаракатларида бениҳоя ихлос ва сидқ намоён этмоғи керак деган эътиқод ётади. Дейиш мумкинки, маломатия ҳаракати анъанавийчиларнинг ҳақиқий иймон намунаси деб талқин этган намойишкорона художўйлиги, барча диний маросимларга кўр-кўрона риоя этишга қарши эътироз сифатида вужудга келди. Шунинг учун ҳам бу ҳаракат намоёндалари риё тушунчасининг талқинига катта эътибор берганлар: риё деганда, аввало, ўз иймонини кўз-кўз қилиб, унга ўта мактал бўлишни тушунганлар ва бунга жавобан ўта зоҳидлик, таркидунёчилик ҳамда ўзининг бу йўлдаги ютуқларидан фахр ҳиссини қарши қўйганлар.

Инсон камолотга, яъники **Аллоҳга** яқин бўлишга интилар экан, бу йўлда дунёнинг ҳарқандай ҳою ҳавасларидан ҳоли бўлмоғи керак. Бунга эришиш учун эса Пайғамбаримиз суннатларига қатъий амал қилиш, зикру самолар, диний маросимларни адо этишдаги ҳаракатлари ва бу йўлда ютуқни ҳаммадан, хатто яқин дўстларидан ҳам яширин тутиш (бундан фақат пир мустасно), ўзининг ҳайрли ишлари билан ғурурланмаслик ва камчиликларини яширмаслик талаб қилинади.

Маломатия тарафдорлари, сўфийларнинг таваккул (Аллоҳ марҳаматига тўлиқ ишониш) ҳақидаги эътиқодини рад этиб, ҳаёт учун керакли неъматларга ўз меҳнати билан эришиш зарур деб ҳисоблайдилар. Бироқ бу ишлар билан машғул бўлиш пайтида ҳам бутун фикр **Аллоҳга** қаратилган бўлмоғи керак. Уларнинг фикрича, инсон ўзининг ва оиласининг ҳаёт кечириш учун зарур бўлган миқдордаги маблағга эга бўлгунчагина ишлаш, қолган барча вақтини ўз нафси, ўз «мен»и билан курашга сарфламоғи керак. Асосий мақсад — **Аллоҳга** яқинлашиш, бунга қандай йўл ва усуллар билан эришилаётгани, ҳамда бу йўлни одамлар қоралаётгани уларни мутлақо чўчитмайди. Ҳаракат номини ҳам худди шу маънода тушунмоқ керак: унинг намоёндаси жамиятда маломатга учраган. Аммо улар маломатга, масалан, қаландарлар каби, умум қабул қилган қоидаларни очиқдан-очиқ рад этгани, бузгани туфайли эмас, балки жамиятда қабул қилинган анъаналардан шовқин суронсиз, киши билмас чекиниши туфайли учраган.

4. Рифоъия — асосчиси шайх Аҳмад Рифоъий. У Басрада туғилган ва 1183-йилда Восит шаҳрида вафот этган.

Рифоъия тариқати Онадўли ва Румда кенг тарқалган. Кейинги пайтларда бу тариқат арбоблари баданларига найза санчиш, қиличнинг ўткир томонини босиш, оловда юриш каби одатларни ўйлаб топганлар. Мавлоно Жалолиддин Румий Кўнёдаги Қоратой мадрасида оловда юриб, чўғ темирни ялаган, илон еб, қайнаб турган ёғ билан таҳорат олган рифоъий дарвешни томоша қилганларни қаттиқ қойиган ва уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралаган.

Рифоъия тариқати қуйидаги шохобчаларга бўлинган: ҳаририя, каёлия, сайёдия, азизия, жандалия, ажлония, катнония, фазлия, восития, жабартия, зайния, нурия, маъруфия.

5. Мадяния — асосчиси Абу Мадян Шуайб ибн Ҳусайн Андалусда дунёга келган ва 1197-йилда Марокашга кетаётганида йўлда вафот этган.

Мадяния тариқатининг тармоқлари: жабартия, маймуния, дажжония, шайбония, мадавия, алавия ва омудия. Шозалия, ёфиъия ва акбария тариқатлари ҳам мадяниянинг тармоқлари деб қабул қилинган.

Абу Мадяннинг эътибори ва нуфузи кучли бўлишига қарамай, унинг тариқати кенг тарқалмаган.

6. Кубравия — асосчиси буюк шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221). Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилган, мазҳаби — ханафия. Силсиласи ҳазрат Алига бориб тақалади.

Мисрда Шайх Рўзбехон Ваззоҳ Мисрий билан танишиб, унга мурид бўлган. Кейин Табризда Абу Наср Ҳафзадан дарс олган. Бундан кейин у Аммор Ёсирга мурид бўлган. Кейин у Хоразмга кўчиб келиб, кубравия (заҳавия) тариқатига асос солган.

Кубравийларнинг тасаввуф назарияси **Қуръони карим**ни мажозий талқин қилишга асосланган, зоҳидлик, таркидунёчилик тарғиб қилинган.

Бу тариқатга мансуб сўфийлар овоз чиқармасдан хофий зикр қилишга риоя қилишган.

Кубравия тариқати Ўрта Осиё ва Эронда кенг тарқалган.

Шоҳобчалари: баҳоя, хилватия, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, нурбахшия, барзанжия, иргитошия.

7. С у х р а в а р д и я — асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас-Сухравардий (1145—1235). Суннийлик йўналишининг шофиъийлик мазҳабига амал қилган.

Шаҳобиддин Сухравардий Эрондаги Сухравард деган жойда туғилган. Кейинчалик Бағдодда яшаган. Унинг 13-аждоди биринчи халифа ҳазрати Абу Бакрга бориб тақалади. Бу тариқатдан айрим шоҳобчалар, жумладан: бадрия, зайния, баҳоя, камолия, аҳмадия, нажибия, пиржамилия, махдумия, шаттария, ишқия, мироншоҳия, ғавсия, жалолия, давлатшоҳия вужудга келган.

Сухравардия тариқати асосан Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Афғонистонда кенг тарқалган.

8. Ч и ш т и я — асосчиси Муинуддин Муҳаммад Чиштий. Асли хуросонлик, 1236-йилда Ажмирда вафот этган.

Чиштия тариқати айниқса Ҳиндистонда катта обрӯ-эътиборга эга бўлган. Бу тариқатга мусулмон бўлмаган ҳиндлар ҳам кирган.

Чиштия тариқатидагилар бойлик тўплашга, ҳокимиятга яқинлашишга қарши бўлишган. Фақат ўзларининг меҳнатлари орқасидан тирикчилик қилишлари, айрим ҳолларда оддий одамларнинг хайр-эҳсонларини қабул қилишлари мумкин бўлган. Тиланчилик, гадойлик ман қилинган. Муҳтож кишиларга ёрдам, очни тўйдириш уларнинг вазифаси саналган. Тамаки чекиш, гиёҳвандлик, маст қилувчи ичимликлар ичиш қаттиқ тақиқланган. Тўрт қават қилиб тикилган баланд наमत кулоҳ кийишган. Бу силсиланинг учи ҳазрат Али, Иброҳим Адҳам (782-йилда вафот этган) ва Ҳасан Басрийга (728-йилда вафот этган) тақалади.

Чиштия тариқати Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Исфаҳонда (Эрон) кенг тарқалган ва бу мамлакатларда Исломни ёйилишида жуда катта хизмат қилган.

9. А к б а р и я — асосчиси машҳур тасаввуф олими Муҳийиддин ибн ал-Арабий (1165—1240).

Шайх ул-акбар Ибн ал-Арабий «вахдати вужуд» фалсафасининг энг буюк намояндаси бўлган. Андалус (Испания)га қарашли Мурсия шаҳрида туғилган, отаси ва тоғаси тасаввуф арбоблари бўлишган. Шомда вафот этган.

Ибн ал-Арабий энг кўп асар ёзган тасаввуф олимларидан саналади. Ёзган асарларининг саногини ўзи ҳам билмаган экан. Исломий тасаввуфда янги йўналишлар очган, кучли нуфузга эга бўлган. Асарлари кенг тарқалиб, шарҳланиб, унга «Шайх ул-акбар» (энг улур шайх) унвонини берганлар.

Ибн ал-Арабий ўзининг фикрларини англаёлмаган уламолар, айниқса, таймия тариқати намоёндаларининг қаттиқ ҳужумларига дуч келди. Улар унга «Шайх ул-акфар» (энг кофир шайх) дея ном қўядилар. Бу тариқатни қодириянинг бир шоҳобчаси дейдиганлар ҳам бўлган. Эронда эса унинг тарафдорларини «фусусийлар» дея аташган.

10. Ш о з и л и я — асочиси шайх Абулҳасан аш-Шозилий (1196—1258) шимоли-ғарбий Африкадаги Шозила деган қишлоқда туғилган, Мисрда вафот этган. Мазҳаби ханбалиядир. Дастлабки таълимни шайх Ибн Хоразмийдан (1238-йилда вафот этган) олган. Шозилийнинг устози Абу Мадянинг шогирди марокашлик сўфий Абдуссалом ибн Мошиш (1238-йилда ўлдирилган) бўлган.

Дастлаб Тунисда шакллана бошлаган шозилия тариқати тез орада Ғарбий Миср ва Жазоирда ёйилди. Бу тариқат Жунайд Бағдодий ва Абу Мадян таълимотларига асосланган бўлиб, Судан, Мали, Тунис Жазоир, Марокаш, Комар оролларида кенг тарқалган. Африкада ва Францияда Исломнинг кенг тарқалишида бу тариқатнинг хизмати катта бўлган.

Абулҳасан аш-Шозилий муридларига дунё ва дин ишларини ҳар доим тенг олиб бориш кераклигини, ҳеч қачон тиланчилик қилмасликни васият қилган.

Шозилий ҳаждан келаётиб йўлда, Мисрнинг Ҳумайра мавзеида, Қизил денгиз қирғокларида вафот этган. Ун уч тармоққа бўлинган бу тариқатнинг энг машҳурлари шайхия, тайбия, даркавия бўлган.

11. **Бектошия** — XII—XIII асрларда Туркияда тарқалган сўфийлик тариқати. Асосчиси ярим афсонавий Хожа Бектош Валийдир (1208—1270).

Бектошийларнинг эътиқод ва маросимлари Ислоҳ, насронийлик, бутпарастлик унсурларидан ташкил топган. Улар, шиъалардек, ҳазрат Алига ва ўн икки имомга, айниқса олтинчи имом Жаъфар ас-Содиққа эътиқод қиладилар.

Бектошийлар насронийликдаги муқаддас учликка тақлид қилиб, мусулмонларнинг муқаддас учлиги сифатида Аллоҳ, Муҳаммад, Алини улуғлайдилар.

1925- йилда Туркияда барча сўфийлик ташкилотлари тугатилгач, бектошийлар ўз марказларини Албанияга кўчирганлар. Лекин улар ҳозир ҳам Туркия ва Ироқда қисман сақланиб қолган.

12. **Бадавия** — асосчиси машҳур сўфий Саййид Аҳмад ибн Али Бадавий Тантавийдир (1199—1276). У Мисрда энг машҳур ва ҳурмат қозонган киши бўлиб, насаби ҳазрат Алига бориб тақалади. Мароқашда туғилган, ёшлигида оиласи билан Маккага кўчиб кетган, кейин Мисрнинг Тантав қишлоғига келиб жойлашган ва шу ерда вафот этган. Шу боис уни Тантавий деб ҳам аташган.

Африка бадавийлари каби юзига парда тортиб юргани учун ҳам уни «бадавий» деб аташган.

Иккинчи қисми «аҳмадия» бўлган бу тариқат Африкадан ташқарида тарқалмаган. Улар бошларига қизил салла ўраш билан бошқа тариқатлардан ажралиб турганлар. Шохобчалари: байумия, халабия, марзуқия, сутухия, улвания.

13. **Мавлавия** — асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румий (1207—1273) Балхда туғилган.

Мавлавия тариқати дунё миқёсида ягона марказдан туриб бошқарилади. Марказий даргоҳ 1925- йилгача Кўнёда бўлиб, таъя ва тариқатлар тугатилгач, Ҳалабга кўчган. Бу тариқатнинг шохобча ва шўъбалари йўқ.

14. **Дасуқия (бурҳония)** — асосчиси шайх Саййид Иброҳим Бурҳониддин Дасуқий (1238—1277), Мисрнинг жанубидаги Дасуқ қишлоғида туғилган. Шохобчалари: шарнубия — асосчиси Саййид Аҳмад Шарнубий; суйутия — асосчиси Жалолиддин Суйутий; тозия — асосчиси шайх Иброҳим Тозий; ашурия — асосчиси Саййид Солиҳ Ашур Мағрибий.

Иккинчи номи «бурҳония» бўлган дасуқия тариқати Шимолий Африка ва Мисрда кенг тарқалган. Бу тариқатни бадавия тариқатининг бир тармоғи дейдиганлар ҳам бор.

15. **Саъдия** — асосчиси Саъиддин ибн Мусо ал-Жибавий Шайбоний Ҳавранда туғилган, 1301- йилда вафот этган. Ёшлигида йўлтўсар қароқчи бўлган. Дастлаб Сурияда тарқалган, кейинчалик Миср ва Туркияда ҳам тарқала бошлаган. Бу тариқат ҳам рифоъия каби бектошийлик ва футувват билан аралашиб кетган. Саъдия тариқати вакиллари орасида илонлар билан ўйнаш каби хатти-ҳаракатлар ҳам учраб туради. Зикри жаҳрияга амал қиладилар.

Айтарли кенг тарқалмаган бу тариқатнинг асосий тармоқлари: тағлабия, вафоия, ожизия, саломиядир.

16. **Сафавия** — асосчиси шиъа мазҳабидаги озарбайжонлик шайх Сафийуддин Исҳоқ (1252—1334). Дастлаб Эрон Озарбайжонида юзага келган, кейин Арманистоннинг бир қисми, Эрон, Афғонистон (Балхдан ташқари) худудига тарқалган.

1499-йили Исмоил I (1487—1524) бошчилигида сафавия тариқати тарафдорлари Ок Кўюнли давлати устидан ғалаба қозонгач, Сафавийлар давлати (1502—1736) ташкил топди. Шиъалик мазҳаби бу давлатнинг расмий дини деб эълон қилинди. Бу давлат таркибига Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Эрон, Афғонистон (Балхдан ташқари), Ироқ Арабистони ва бошқа худудлар кирган. Бу давлат Усмонлилар империяси ва ўзбек хонлари билан узлуксиз урушлар олиб борган.

17. **Нақшбандия** — асосчиси Баҳоуддин Муҳаммад ибн Бурҳониддин Муҳаммад ал-Бухорий Нақшбанд (1318—1389). «Ҳожаи бузург» ва «Шоҳи нақшбанд» номлари билан кенг шухрат қозонган. XIV аср Марказий Осиё тасаввуфининг йирик намоёндаларидан

бири. У Бухоро яқинидаги «Қасри Ҳиндувон» қишлоғида қосиб оиласида дунёга келган. Кейинчалик бу қишлоқ Баҳоуддин Муҳаммад шарафига «Қасри Орифон» деб ном олди. Ёш Баҳоуддинда тасаввуфга қизиқишни тасаввуф доиралари билан яқин алоқада бўлган бобоси уйғотди. Бу унинг келгуси тақдирини белгилаб берди. Баҳоуддин Муҳаммадни ёшлигида хожагон тариқати шайхларидан Муҳаммад Бобои Самосий (1259—1354) маънавий фарзандликка қабул қилиб, ўлими олдидан унинг тарбиясини ўзининг шоғирди Саййид Амир Кулолга топширган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳақиқий шайхи — «увайсийлик» тариқасида тарбиялаган Абдулхолиқ Гиждувоний (1103—1179) ҳисобланади.

Саййид Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби яссавий шайхларнинг ҳузурини кўриб, улардан илму файз олишга муяссар бўлди. Баҳоуддин Нақшбанднинг силсиласи бошқа-бошқа шохобчалар орқали ҳазрат Али ва Абу Бакр Сиддиққа бориб етади.

Нақшбандий сўфийлар дастлаб таркидунёчилик ва фақирликни, барча мавжудотларга муҳаббат билан қараш ғояларини тарғиб қилганлар. Ўзлари ҳам зоҳидлик ва фақирликда яшаганлар. Кейинчалик мафкураларида ўзгариш рўй берган: **Ҳақ**қа етиш учун таркидунёчилик ёки дунё ишларидан қочиш билан эмас, балки ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиб ҳаракат қилиш зарур деб тарғиб қилганлар.

Бу тариқатда: «*Хилватда шуҳрат бор, шуҳратда эса офат бор*», дея хилватга кўпам рағбат кўрсатилмайди. Шу боис бу тариқатда суҳбат ва халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, **Ҳақ** розилиғи йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тутади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг: «*Зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан*» ва «*Дил ба ёру, даст ба кор*» деган шиори бу тариқат тутган асосий йўлни билдиради. Нақшбандия таълимотини машҳур Хожа Аҳрор Валий (1404—1490) ва бошқа сўфийлар изчил давом эттирганлар (Яна қаранг 353-бетга).

18. Х и л в а т и я — асосчиси шайх Сирожиддин Умар ибн Акмалуддин Лаҳжий Хилватийнинг силсиласи ҳазрат Алига бориб тақалади (1397- йили вафот этган).

Хилватия тариқати тўрт бош шохобчага бўлинган, кейин эса улардан бир қанча тариқат шўъбалари ташкил топган:

а) **Равшания** — асосчиси шайх Дада Умар Равшаний. Туркиянинг Ойдин шаҳри ва унинг атрофларида фаолият кўрсатган ва у яна темиртошия, гулшания, сазоия, ҳолатия каби шўъбаларга бўлинган.

б) **Жамолия** — асосчиси шайх Жамол Хилватий (1493- йилда вафот этган). Унинг шўъба шохобчалари: сунбулия, шаъбония, қорабошия, носухия, суммония, хилватия (фавзия), дирдирия, савия, асалия ва бахшия.

в) **Аҳмадия** — асосчиси шайх Аҳмад Шамсиддин Мармараварий (1504- йилда вафот этган). Халаб (Сурия) ҳудудида фаолият кўрсатган. Шўъбалари: рамазония, жаҳонгирия, рауфия, жарроҳия, ҳаётия, синония, муслиҳия, заҳрия, ушшоқия, жамолия, салоҳия, мисрия.

г) **Шамсия** — асосчиси Шамсиддин Аҳмад Сивосий (1597- йилда вафот этган) Сивос ҳудудида фаолият кўрсатган бу шўъба Абдулаҳад Нурий Сивосий (1650- йилда вафот этган) томонидан Истанбулда кенг тарқалгани учун «сивосия» деб аталган. Бу тариқатда жаҳрий, яъни баланд овоз билан ижро этиладиган зикрга амал қилинган.

19. Б а й р а м и я — асосчиси Хожа Нуъмон Байрам Валий Анқаранинг Зулфазл қишлоғида дунёга келган. 1430- йилда, 80 ёшида Анқарада вафот этган. Қайсариядаги яссавий шайх Сўлунжи бобо — Ҳамидуддин Оқсаройига мурид бўлади. Хожа Нуъмон Оқсарой билан биринчи марта Қурбон ҳайити байрамида танишгани учун, шайх унга «Байрам» деб янги исм қўяди.

Байрамий кулоҳи олти йўлли оқ жун матодан бўлиб, унга яшил салла ўралган.

Байрамия тариқати уч шохобчага бўлинган:

а) шамсия — бу шохобчадан таннурия, ҳимматия, исавия, тармоқлари тарқалган;

б) маломия;

в) хилватия.

20. С а н у с и я — XIX аср бошларида Ливияда вужудга келган сўфийлик тариқати;

асосчиси — Муҳаммад ибн ас-Санусий (1787—1859).

Санусийнинг таълимоти замирида илк Ислому йўлига қайтиш, зоҳидликка — таркиду-нечиликка қарши чиқиш, ҳаётдаги ортиқча ҳашамат ва зебу зийнатлардан ҳам воз кечиш ғоялари ётади. Улар Оврупо таъсирини тарқалишига ҳам қарши бўлганлар.

Бу тариқат Ливия, Миср, Судан, Тунис, Чад, Мали, Нигер мамлакатларида тарқалган.

* * *

Тариқатларнинг деярли барчасининг силсиласи (занжири) Жунайд Боғдодийда бирлашади ва кейин у орқали Муҳаммад алайҳиссаломга етиб боради. Кубравия силсиласи эса ҳазрати Умар орқали Муҳаммад алайҳиссаломга бориб тақалади. Машойихлар, авлиёлар сони 664 нафар деб тахмин қиладилар.

Француз шарқшуноси ва исломшуноси Массиньоннинг (1883-1962) ёзишича, Ислому тариқатларининг сони 394 та, Ҳаририйзоданинг «Тибён ул-васойил» асарида эса 174 та эканлиги ёзилган.

Сўфийлик тариқатларини баъзан ғарбча «орден»лар деб ҳам атайдилар.

Тасаввуф тарихи жараёнида ҳақ тариқатлардан ташқари ботил, ғайришаръий тариқатлар ҳам вужудга келди. Жумладан, дастлаб тариқат асосчисининг фикрлари ҳақ бўлган-у, бироқ кейинчалик аста-секин турли фикр ва анъаналар таъсирида ботиллашиб кетган. Бунга мисол қилиб бектошия тариқатини келтириш мумкин.

Ёки бўлмаса, дастлаб пайдо бўлишиданок Ислому мувофиқ келмаган тариқатлар ҳам бўлган. Масалан, ҳуруфийлик, қаландарийлик, нуқтавийлик, риндлик шулар жумласидандир.

Машхур тасаввуф олими Нажмиддин Умар Насафий (1142- йилда вафот этган) «Китоби фи мазоҳибул-мутасаввифа» номли асарида тасаввуф фирқаларини ўн икки гуруҳга бўлган ва булардан баъзисини ҳақ, бошқасини ботил дея ажратган, жумладан:

Сунния: аҳли сунна вал-жамоа йўлидан юрган, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг суннатларига амал қилувчи сўфийлар. Бундан кейинги ўн бир гуруҳнинг тутган йўллари ботилдир, чунончи:

1. **Ҳулулия:** чиройли аёл ва эркакларга тикилиш ва рақс пайтида аралашиб кучоқлашишни ҳалол ҳисоблашади, кўркам юзга **Ҳақ** тажаллиси тушган деб эътиқод қилишади.

2. **Ҳолия:** самоъ ва рақс ҳалол, рақс вақтида пайдо бўлган даҳшат (ўзини йўқотиш) пайтида шариатга эътибор бермасликни ҳалол, дейдилар.

3. **Авлиёия:** валийлик даражасига етган инсонлар шаръий масъулиятлардан соқит бўлади, дейдилар.

4. **Сумраҳия:** банда унс ва ҳузурга эришиб, **Аллоҳ**нинг дўстига айлангач, ундан рўза, намоз каби амрлар ва шаръий буйруқлар масъулияти соқит бўлади, доира ва най куйлари остида самоъга тушиш, хушбўй ҳидли атир сепган аёлларни ҳидлаш ва улардан фойдаланиш жоиз (мумкин), дейдилар.

5. **Ҳуббия (хабибия):** буларнинг фикрича, **Аллоҳ** севгисини топиш мартабасига эришиб, бошқа севгилардан алоқасини узган киши намоз, рўза каби шаръий амр ва тақиқлардан соқит бўлади, чунки у киши маънан юксалган, илоҳий такаллуфларга эришиш даражасига етган бўлиб, унинг учун ибодатлар соқит бўлади ва ҳаромлар (тақиқлар) ҳалолга айланади.

6. **Ҳурия:** улар зикр пайтида ҳушимиздан кетсак, бизга жаннатдан ҳурлар келади, улар билан яқинлашамиз, шунинг учун ҳушимизга келгач, ғусл вожиб бўлади, дейдилар.

7. **Ибоҳия:** булар ўзларини гуноҳдан қайтаришга қодир эмасмиз, дейдилар ва яхшиликка чақирмайдилар, ёмонликдан қайтармайдилар, диннинг амр ва тақиқларига риоя қилмайдилар, мусулмонларнинг мол-мулки ва номусини мубоҳ ҳисоблайдилар.

8. **Мутақосилия:** ризқни топиш учун меҳнат қилмасдан, ёлғончилик қилиб, уйма-уй кезиб ўзларига озиқ-овқат йиғадилар.

9. **Мутажоҳилия:** булар, мақсадимиз риёдан ва ўзни кўз-кўз қилишдан узоқ бўлиш десалар-да, қалбларида тақво ва гўзал ахлоқ бўлмагани ҳолда фосиқлар каби кийинадилар.

10. **Воқифия:** инсон **Аллоҳ** ҳақида билим ва маърифат эгаллашга ожиз, **Ҳақ**ни фақат

Ҳақ биледи деб, Аллоҳни таниш учун ғайрат қилмайдилар.

11. **Илҳомия:** *Қуръон* ўқиш ва *Қуръон* илмларини ўрганишдан юз ўтириб, файласуфларнинг асарлари ва шеърӣ китобларни ўқиб, ҳақиқат топишларини ва Қуръоннинг эса парда эканлигини иддао қиладилар.

Тасаввуфнинг ривожланиш жараёнида X асрларда Хуросонда вужудга келган «маломатия» (маломийлик) сўфийлик оқими ўзининг ажойиб мазмун ва моҳияти билан бошқа сўфийлик оқимларидан ажралиб турган ва сўфийликнинг бошқа оқимларига ҳам маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган.

Бу оқимга, юқорида айтганимиздек, IX асрда яшаган хуросонлик машҳур сўфий Ҳамдун ал-Қассор (884- йилда вафот этган) томонидан асос солинган. Маломийликни ўша пайтларда *маломатия* дер эдилар.

Бу оқимнинг тамал асослари бўйича сўфийларда учрайдиган шакл, қиёфа, кўринишлар, урф-одат, анъана ва зикр мажлислари орқали **Ҳаққа** эришиб бўлмади, чунки булар риё аломатидир. (Риё — «хўжақўрсин»чилик, иккиюзламачилик, қалбакилик, мунофиқлик, манманлик билан ўзини кўрсатишлик ва ҳоказолардир).

Риёдан кутулиш ва ихлосни кучайтириш учун, халққа кўрсатиб қилинадиган хатти-ҳаракатлардан сакланиш, яъни нафл намозларини ва бошқа яхшилик, эзгу ишларни иложи борича бошқалардан яшириб, ёлғиз **Аллоҳ** йўлида бажариш, қалбида **Аллоҳни** унутмаслик, ўзини йўқдек ҳис қилиш, нафсни ерга уриб, чил-парчин қилиб, нафс талабларидан бутунлай воз кечмоқ керак.

«Маломат» сўзи арабчада «қоралаш, таҳқирлаш» маъноларини билдирувчи «лавм» ўзгидан келиб чиққан. Маломийликни Ибн ал-Арабий энг баланд мартаба деб билган.

Маломатиянинг дастлабки қарашлари кейинчалик аста-секин асл ғоясидан узоқлашиб, бошқаларнинг таҳқирлашларига сабаб бўладиган кўпол, хунук хатти-ҳаракатлар қилмоқ, яхши амалларини яшириб, фақат ёмон амалларини ошкор қилмоқ лозимлиги ҳақидаги тушунчалар тариқатнинг асосий ғоясига айланиб кетган. Кейинчалик уларда «маломат» номи остида ҳар қандай гуноҳ, одоб-ахлоқ меъёрларига хилоф амалларни бажариш ва шарият қонун-қоидаларини менсимаслик кайфияти намоён бўлди.

Маломатия тасаввуфда асосан бир маслак сифатида қабул қилинган. Аммо баъзилар уни тариқат ҳам деганлар.

Уларнинг баъзи бир фикрлари, хатти-ҳаракатлари сунний ақидаларга тўғри келмаганлиги учун, улар уламолар ва давлат арбоблари томонидан қаршиликка учраганлар, ҳатто айрим маломий шайхлар қатл этилган. Натижада улар ошқора фаолият кўрсата олмайдиган ҳолга келганлар.

Машҳур сўфий Мансур Ҳаллож (858 — 922) тасаввуф илмини Абу Амр ибн Усмон ал-Маккий, Жунайд Бағдодий ва Тустарийлардан ўрганган. Ирок, Хуросон, Сижжистон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонни бир неча бор кезиб чиққан. Унинг табиати жуда кескин ва жўшқин бўлиб, ўз фикрларини ҳаммага ошқора айтаверарди. Барча динларнинг ягона манбага таяниши ҳақидаги фикрларни олға сурарди. Ошқора айтаверадиган фикрлари туфайли уламоларнинг кескин хужумларига учрабгина қолмай, баъзи тасаввуф аҳлининг ҳам танқидига сабаб бўлди. Уни танқид қилган сўфийлар «*илоҳий сирларни ошкор этиш*»да айблаганлар. Шундай бўлса-да, сўфийларнинг аксарият қисми унга тарафдор бўлганлар.

Баъзи сўфийларнинг фикрича, тавҳид дарахтини Боязид Бистомий эккан бўлса, Ҳаллож уни ўз қони билан суворган. Ҳалложнинг «Анал ҳақ» сўзи уни фожиавий равишда даҳшатли тарзда қатл қилинишига сабаб бўлди.

Шу боис дастлаб, ўша пайтларда кўпчилик тасаввуфдан қочар, сўфийлардан нафратланар, уларни қоралар ва тасаввуфга шубҳа билан қарар эдилар. Қисқаси, тасаввуфга **Қуръон** ва Суннадан узоқлашган динсизлик сифатида ёндашар эдилар.

X — XI асрларда зохирий диний уламолар тасаввуф аҳлига хужум қила бошлаган давр бўлди. Хусусан, ханбалия мазҳабидаги уламолар қуйидаги сабабларни баҳона қилиб тариқат аҳлини қоралар эдилар:

1. Сўфийлар ботин илмини зоҳир илмидан устун қўйишар, билим манбаи сифатида қалбга, завқ ва илҳом йўли орали эгалланган маърифатга ишонар эдилар. Бунинг акси ўларок, фикҳ ва калом олимлари **Қуръон** ва ҳадисларнинг фақатгина зоҳирий маъносига аҳамият беришар, уларнинг ботиний маъноси деган жиҳатларни эса қабул қилмас эдилар.

2. Сўфийлар руҳ, нафс ва қалбга, диний уламолар эса зоҳирий (ташқи) амалларга кўпроқ эътибор беришар эдилар. Яъни сўфий — руҳоний, фақиҳ — қонуний эди.

3. Ислонинг бошланғич даврлариданоқ эътиқод, ибодат муаммолари, шаръий ҳукмлар тартиб-интизомга солиниб, фикҳ илми вужудга келди ва мусулмонлар ўртасида кенг тарқала бошлади. Фикҳ Ислонинг ғоясидир, деган тушунча пайдо бўлди.

Сўфийларнинг эса диний масалалар ва шарият аҳкомлари ҳақида ўзларига хос қарашлари мавжуд эди. Уларнинг фикрича, дин тамоман бир маросим, ҳаётийлиги ва руҳонийлиги бўлмаган қоидалар йиғиндисидир. Холбуки, диннинг камолотини зоҳирий маънолардан эмас, ботиний маънолардан изламоқ керак. Сўфийларнинг ана шу хур фикрлари натижасида тасаввуф илми пайдо бўлди.

Шундай қилиб, шаръий илм икки қисмга — зоҳирий ва ботиний қисмларга ажралди. Ислон қонуншунослари, яъни фақиҳлар — зоҳирий, сўфийлар эса ботиний илм тарафдорлари эдилар.

Кўп ўтмасдан, фикрлардаги фарқлар туфайли фақиҳлар ва сўфийлар орасида келишмовчиликлар юзага келиб, фақиҳлар сўфийларга душманона муомала қила бошладилар. Уларни таъқиб этиб жазолаш пайига тушдилар. Кўп сўфийлар Ислон қозилари томонидан сўроқ қилинганлар ва баъзи бир сўфийларни динсизликда, шаккокликда айблаб жазога тортганлар, баъзиларини қатлга ҳам ҳукм қилганлар.

Бундай ботил гуруҳларнинг юзага келишида тасаввуфнинг кенг бағирлик хусусиятини суистеъмол қилган нияти бузуқ кишиларнинг ҳам таъсири катта бўлган.

Уламоларнинг бундай тушунмовчиликлари натижасида сўфийларни тазйиқ остига олишларига қарши мутасаввуф олимлар тасаввуфнинг Ислонга зид эмаслигини акс эттирган, фақатгина сўфийлар эмас, балки бошқа мусулмонлар ҳам тушунадиган қилиб илмий асарлар ёза бошладилар.

Табиати ниҳоятда нозик, айни пайтда турли ўзгаришларга мойил бўлган тасаввуфнинг бошланғич даврларида баъзан йўлдан адашишлар, янглишишлар ҳам рўй берган, албатта. Тасаввуф кўринишида баъзи бир ботил доиралар ҳам юзага келган. Аммо улар тасаввуфнинг забардаст олимлари саъй-ҳаракатлари орқали бартараф этилиб, сўфийликни ўз аслий ўзанидан чиқиб кетишига имкон бермаганлар.

Тасаввуф олимларининг асарлари орқали сўфийликнинг шаръийлиги исботланди, диллардаги шак-шубҳа бартараф этилди ва кенг омма томонидан маъқул кўрилди.

Бундай асарларни ёзган сўфий олимлар: Абу Наср Саррож (988- йилда вафот этган) Абу Толиб Маккий (996- йилда вафот этган), Абу Бакр Калободий (995- йилда вафот этган), Абулҳасан Хужвирий (1076- йилда вафот этган) ва, ниҳоят, Имом Ғаззолий (1111- йилда вафот этган) айниқса машҳур бўлганлар.

Шундан кейин XI—XII асрларда тасаввуф ҳаракати жуда тез тарқала бошлади.

Бунга сабаб, ўша пайтларда Ислон оламида турли сиёсий можаролар авжига чиққан эди яъни бир томондан, Аббосий халифалари билан расман уларга тобе бўлган султонликлар ўртасидаги ихтилофлар, иккинчи томондан, Ислон мазҳаблари орасидаги тортишувлар ва фақиҳлар билан файласуфлар ўртасидаги келишмовчиликлар давом этаётган эди.

Ана шундай бесаранжомлик ва тўполонлар даврида фақиҳлар, олимлар ва файласуфлар ўз маслақларининг ҳақлигини исботлаш учун асарлар ёза бошладилар. Бундай жанжал ва тўполонлардан безовта — беҳузур бўлган мусулмонлар ҳар хил ихтилофларга аралашмаётган ва охират саодатини мақсад қилган тасаввуф таълимотларига эргашишни афзал кўрдилар. Сўфийлар эса, ана шундай қулай фурсатдан фойдаланиб, ўз фикрларини, таълимотларини янада кенгроқ ёя бошладилар. Мазҳаб тортишувларидан узоқда турган сўфийлар айни пайтда ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг ҳурмат-эътиборини қозондилар. Тасаввуфнинг

ривожи учун ана шундай қулай фурсатда Хужвирий, Қушайрий, Сулламий, Абу Саъид ибн Абул Хайр, Харақоний, Абулқосим Журжоний ва бошқа кўплаб тасаввуф олимлари етишиб чикдилар.

Шунингдек, бу даврларда сохта сўфийлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бундай кишилар сўфийлар орасида бидъат ва хурофот амалларини кенг ёйишга ҳаракат қилар, шаръий амалларни адо этмасликни ташвиқ қилардилар. Уларга қарши етишиб чикқан тасаввуф олимлари асарлар ёзиб, уларнинг ботил қарашларини фош этдилар.

Дастлабки даврлардан то шу бугунга қадар тасаввуф олимлари Ислоннинг ботиний, сиррий жиҳатларини очиб бериб, соф Ислон моҳиятларини сақлаб, ботиний ва шиъа ҳаракатларининг аҳли сунна вал-жамоа муҳитларига даҳл этилишига тўсқин бўлишдек муҳим вазифани бажариб келмоқда.

Машҳур зоҳидалардан бири бўлган Робийа Адавийа (714—801) Басра тасаввуф мактабига мансуб бўлган. Ҳасан Басрий билан мулоқотда бўлган бу авлиё аёлнинг туйғу ва тушунчалари уникадан ўзгача хусусиятга эга бўлиб, унинг нуқтаи назари бошқалар каби дўзах қўрқуви ва жаннат орзуси эмас, балки бевосита **Аллоҳ** ишқига талабгор бўлган ва **Аллоҳ**нинг жамолига эришиш ғояларини илгари сурган. Бу билан у тасаввуф тарихига «илоҳий ишқ» тушунчасини биринчи бўлиб олиб кирган сўфий бўлди.

Робийанинг ушбу сўзлари машҳурдир: *«Илоҳо! Сенга жаҳаннамдан қўрққаним учун ибодат қилаётган бўлсам, мени дўзах оловида ёқ! Агар жаннатингни орзу қилиб ибодат қилаётган бўлсам, жаннатингни менга ҳаром қил! Агар ёлеиз сени севганим учун сенга ибодат қилаётган бўлсам, мени азалий жамолингдан маҳрум қилма, ё Парвардигор!»*

Робийа ботиндаги бундай изтиробнинг қаердан келаётганини эса бундай ифодалайди: *«Аллоҳни севган киши севгилисига қовушмагунича унинг фарёду ғиёни асло битмайди».*

Ханбалий фикҳ олимларидан бўлган Ғулом ул-Халил 875- йили сўфийларни динсизликда айблаб, инсон билан **Аллоҳ** ўртасида ишқ бўлмайди деб мусулмонларни уларга қарши қилиб қўйган ва халифага сўфийларни қоралаб шикоят қилган. Шунда халифа етмиш нафар сўфийни туттириб, сўроқ қилиб ҳукм чиқариш учун Бағдод қозисига топширган. Сўроқдан кейин қози халифага бундай жавоб берган: *«Мабодо бу одамлар муваҳҳид бўлмаса, у ҳолда Ер юзида ҳеч бир муваҳҳид йўқдир»* (муваҳҳид — **Худони** битта деб билувчи). Бу жавобдан кейин сўфийлар дарҳол озод қилинганлар. Ислон тарихида бу воқеага «Ғулом ул-Халил иши» дейилади.

Тасаввуф илми шаклланиб ўсиши натижасида, тасаввуф фалсафаси ҳам вужудга келди ва Ислон тафаккури уфқини кенгайттирди, Ислонни қатъий қоида-қолиплар дини бўлиб қолишдан қутқарди ва Ислоннинг бегона эътиқодлар ҳамда анъаналардан устун бўлишига катта ҳисса қўшди.

Тасаввуф фалсафасининг энг буюк намояндаси, шубҳасиз, Муҳийиддин ибн ал-Арабий (1165—1240) бўлган. Унинг тасаввуф таълимоти бугунга қадар ҳурмат билан тилга олинмоқда.

Шундай қилиб, тасаввуф сунний Ислон оламида бир илм, тушунча, таълимот ва ҳаёт тарзи деб тан олинди.

Тасаввуфнинг ғояси — Жаноби **Ҳақ**нинг розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилом, яъни **Аллоҳ** ва Унинг Расулининг хулқи билан ахлоқланишдир. Инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали бўлиши мумкин, бу эса руҳнинг тана устидан ғалаба қозониши учун чора-тадбирлар кўришга боғлиқ бўлади.

Ислон тасаввуфи ҳеч қандай ташқи таъсирга асосланмаган ҳолда бевосита исломий тамойиллар заминида қурилган бир йўлдир.

Кўпдан-кўп тасаввуф намоёндалари инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилонга ўтказиш ғояларини тарғиб этганлар. Шу жумладан, нақшбандия таълимотига амал қилувчи сўфийлар, қаноат ва тийилишни талаб этсалар-да, бироқ дунё гўзаллигидан

хузурланишни инкор этмаганлар.

«Зоҳирда халқ билан, ботинда **Ҳақ** билан», «Руҳан **Ҳақ** бирлан, жисман халқ бирлан», «*Дил ба ёру, даст ба кор*» (яъни «дилинг **Аллоҳ**да, кўлинг ишда бўлсин») шиорлари машҳур сўфий авлиёлардан бўлган Баҳоуддин Нақшбандга тегишлидир. Баҳоуддин Нақшбанднинг мусиқа, куй садоларини, ўйин кулгиларни тинглаб тамоша қилаётганини кўрган мухлислари ундан бунга қандай қарашларини сўраганларида, ҳазрат дарҳол: «*Мо ин кор намекунем, инкор ҳам намекунем*» (Биз бу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз) деб, сўз ўйини билан жавоб берган экан.

Сўфийлар руҳлар билан суҳбат қурадиган, табиий ахлоқни тарк эта бориб, илоҳий ахлоқни касб қилиб олувчилардир.

Сўфийларнинг баъзилари таркидунёчиликни тарғиб қилган бўлсалар, баъзилари бировларга қарам бўлмасликни, бировлар ҳисобига текинхўр бўлиб яшамасликни, ўз ҳалол меҳнатлари ҳисобига ҳаёт кечирини тарғиб қилганлар.

Шайх Зуннун Мисрий — кимёгар, Абу Саъид Харроз — этикдўз, Хожа Али Ромитаний — тўқувчи, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий — пахса девор урувчи, Шайх Муҳийдин Саккокий — пичокчи, Шайх Абу Хафиз Ҳаддод — темирчи, Шайх Абулаббос — қассоб, Шайх Абулҳасан — дурадгор, Шайх Ғаннон — ҳаммол, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — кимхоб матога нақш босувчи, унинг пири Саййид Амир Кулол — кулол ва пахса урувчи, Хожа Аҳрор Валий ходимгар (массажчи) бўлган, Салмон Форсий Ироқда ҳоким бўлиб турганида сават ва бўйра тўкиб сотиб, тирикчилик қилган.

Авлиёлар жаҳоннинг нури, инсонлар кўзининг гавҳаридирлар. Сўфийларни халқ «аҳли-уллоҳ», «авлиё», «аҳли ҳол», «аҳли ботин», «арбоби тариқат», «азиз-авлиё», «анбиёлар», «шайх ул-машойихлар», «валий», «дарвеш», «қаландар», «фақир» деган номлар билан тилга олганлар. Халқ улардан ташқари, шайхлар, эшонлар, саййидлар, девоналар, дарвешлар ва қаландарларни ҳам ҳурмат қилган.

Энг машҳур авлиёи машойихлар 664 нафар бўлиб, улардан юздан ортиқроғи Туронзаминда етишиб чиққанлар. «*Самарқанд сайқали рўйи замин аст, Бухоро қуввати исломи дин аст*» иборасининг тасдиғига кўра кўхна Туронзаминнинг марказларидан бири бўлган Бухорои шариф саккиз буюк пирнинг ватанидир. Бу машҳур шайхлар, ҳақиқат пирлари қуйидагилар: **1. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний; 2. Хожа Ориф Ревгарий; 3. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий; 4. Хожа Али Ромитаний; 5. Хожа Муҳаммад Бобои Самосий; 6. Саййид Амир Кулол; 7. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд; 8. Хожа Алоуддин Аттор.**

Шу ерда яна бир ҳақиқатни эслатиб ўтмоқчимиз. Юқоридагилардан ташқари, **Хожа Шамсиддин Кулол** номли авлиё ҳам ўтган бўлиб, уни Саййид Амир Кулол билан адаштирмаслик керак. У Кеш шаҳрида яшаган ва ўша ерда Саййид Амир Кулол билан бир санада, яъни 1372-йилда вафот этган, туғилган йили номаълум. Ул зот Амир Темурнинг (1336—1405) ҳам, Соҳибқироннинг отаси — Амир Тарағайнинг ҳам устози, пири бўлган. Амир Темурнинг ана шу Хожа Шамсиддин Кулол, Саййид Амир Кулол, ҳамда шайх Зайниддин Тойбодий ва Саййид Барака номли жами тўрт пири бўлган.

Хожа Саййид Амир Кулол эса Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида туғилиб, ўша ерда вафот этган ва ўша ерга дафн этилган буюк авлиёдир.

Тасаввуф тарихида ундан кейин бошқа силсила келган эмас. Унинг тариқатини энг такомиллашган, мукамал тариқат деса бўлади. Нашқбандия силсиласи Салмон Форсий ва Абу Бакр Сиддиқ орқали Жаноби пайғамбаримизга бориб туташади. Сўфийлик нисбати Муҳаммад алайҳиссалом ва ҳазрат Абу Бакр Сиддиқдан Салмон Форсийга, ундан Имом Қосимга, ундан Имом Жаъфар ас-Содиққа, ундан Султон Боязид Бистомийга, ундан Абулҳасан Харақонийга, ундан Хожа Али Фармадийга, ундан Хожа Юсуф Ҳамадонийга, ундан Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийга, ундан Хожа Ориф Ревгарийга, ундан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга, ундан Хожа Али Ромитанийга, ундан Хожа Муҳаммад Бобои Самосийга, ундан Саййид Амир Кулолга, ундан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига ўтган.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг силсиласи яна қуйидагича давом этади:

Хожа Алоуддин Аттор, ундан Мавлоно Яъқуб Чархийга, ундан Хожа Аҳрор Валийга, ундан Хожа Муҳаммад Зоҳидга, ундан Хожа Дарвешга, ундан Хожа Амкангийга, ундан Хожа Муҳаммад Боқийбуллоҳга, ундан Хожа Аҳмад Форук (Имоми Раббонийга), ундан Хожа Муҳаммад Саййидга, ундан Хожа Абдулахадга, ундан Хожа Муҳаммад Обидга, ундан Хожа Муҳаммад Сиддиқга, ундан Мавлоно Хусайнга, ундан Мавлоно Мирмуҳаммад Иброҳимга, ундан Эшон Хожа Валихонга ўтиб келган. (Н. Комилов. Тасаввуф, I китоб. Тошкент. «Ёзувчи», 1996. 16-17-бетлар).

Тарихдан бизга маълумки, деярли барча буюк ҳукмдорларнинг доимо зафар топиб юксалишларида ва давлатни, халқни адашмай, янглишмай адолатли бошқаришда ўзларининг холисаниллило маслаҳатларини бериб турадиган норасмий, аммо бообру, доно, етук, комил инсонлардан етакчи, маънавий пирлари, устозлари, раҳнамолари бўлган.

Натижада бундай ҳукмдорлар улугликка эришиб, душманларига доим ғолиб, фуқароларига паноҳ бўлиб, халқни ўзидан рози қилиб, таҳсинларга сазовор бўлганлар ва номлари асрлар оша бизгача етиб келган.

Бундай ҳукмдорлардан Искандар Зул-Қарнайники — Аристотель, унинг устози Платон, унинг устози Сократ, Ануширвон одилники — Бузургмехр, Чингизхонники — Елу Чусой, бобомиз Амир Темурники дастлаб Шайх Шамсиддин Кулол, ундан кейин Саййид Амир Кулол, унинг вафотидан кейин Шайх Зайниддин Тойбодий, ундан кейин Саййид Барака, Хусайн Бойқароники — Алишер Навоий ва ҳоказолар бўлган. Чунки киши қанчалик кучли, забардаст паҳлавон бўлмасин, агар у уста кўрмаса, устози билан машқ қилиб ўз ишининг ҳавосини ололган бўлмаса, уни жангда нозик, кучсиз, аммо ўз ишининг устаси, устоз кўрган, ўз хунарини мукамал эгаллаб олган киши бирпасда мағлуб қилиб ташлаши турган гап. Ахир, машҳур спортчиларни, масалан, Майк Тайсон, Муҳаммад Али, Руфат Рисқиев, Артур Григорьян, Брюс Ли ва ҳоказоларнинг ҳам ўз раҳнамолари, устозлари, тренерлари бор-ку?! Улар куч жиҳатдан шогирдларидан заиф бўлсалар-да, аммо билим, тажриба, техника ва маҳорат бобида улардан анча устун бўлганлар, ғолиблик сирларини ўргатганлар.

Бундай ҳомийлар (раҳнамолар) ўз шогирдларини бундай даражага етказоолганликларини ўзларига катта шараф деб билганлар, гурурланиб юрганлар. Демак, сўфийлик, тасаввуф тариқатлари сирларини эгаллаб олмоқчи бўлганлар бу ишга ана шу алфозда тасаввуфнинг маълум бир пирларига мурид (шогирд) тушганлар. Ушбу масалада машҳур Хожа Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги сўзлари айниқса диққатга сазовордир:

*Ҳақиқатнинг йўлларида юз минг хатар,
Белин боғлаб, йўлга кирган охир етар,
Сир эшигин ёстанганлар мурод топар,
Топса бўлмас пир хизматин қилмаеунча.*

*Хуш давлатдур вилоятда подшоҳ бўлса,
Одил бўлуб, бир мўминни қози қилса,
Ўшал қози борча халқни рози қилса,
Розиликдин ужмоҳ уйин олур бўлғай.*

Биринчи сўфий Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг фарзандларидан бири пайғамбар Шис алайҳиссалом бўлган. У оқ пўстин кийиб юргани учун шу номни олган, дейилади. Яна бошқа бир манбада пайғамбаримизнинг замондошлари Увайс Қарайний (милодий 657- йилда вафот этган), яна бошқасида эса Абулҳошим Куфий (767- йилда вафот этган) биринчи сўфий дейилади. Рамла шаҳрида биринчи хонақоҳни ҳам ана шу Абулҳошим қурдирган.

Мансур Ҳаллож — тасаввуф ҳақида суҳбатлашар эканмиз, машҳур сўфий, тасаввуф намояндаси, олими бўлмиш Шайх Хусайн Мансур Ҳаллож ҳақида, боя айтганимиздек, бироз бўлса-да, тўхталиб ўтмасак бўлмайди.

Мансур Ҳаллож милодий 858-йилда Бағдодда туғилиб, 922-йилда шу ерда халифа Муқтадирбиллоҳ томонидан даҳшатли тарзда қатл этилган, жасади куйдирилиб кули Дажла дарёсига сочиб юборилган.

Мансур Ҳаллож ҳам тасаввуф олими, ҳам сўфий, соҳибкаромат, авлиё бўлиб, бир қанча диний-фалсафий рисолалар ёзган. Мансур 18 ёшида илм излаб Бовар шаҳрига, кейин Тустар шаҳрига келиб, машхур Шайх Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарийга, ундан кейин Басра шаҳрига келиб Шайх Абу Амр ибн Усмон Маккийга мурид тушади. Кейинроқ Бағдодга қайтиб келиб Жунайд Бағдодийга шогирд бўлади. Шарият, тариқат илмларини ўрганиб машхур сўфий бўлиб етишади. У табиатан жўшқин, тўғри сўз, шартаки бўлиб, ичидаги борини ҳаммага айтаверар, андиша қилиб ўтирмасди. У тасаввуф илмларини чуқур ўрганиб, билиб олгач, «Аналҳақ» — **Ҳақман** (Мен **Худоман**) деган даъвони илгари сурганлиги учун, шарият пешволарининг талаби билан қозикалон Абу Умар Ҳаммодий томонидан (у моликия мазҳабида бўлган) инсонни илоҳийлаштиришда айбланиб, қатл этишга фатво берилган.

Машойихларнинг Мансур тўғрисидаги фикрлари ҳар хил эди. Баъзилари унинг сўфийлигини рад этишган. Шайх Абул Аббос Ато, Шайх Абу Бакр Шиблий, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф, Шайх Абулқосим Насрободий ва Шайх Абдуллоҳ Саранж унинг қатл этилишига розилик бермаганлар. «*Биз унинг нима демоқчи бўлганини тушунмаймиз*», деб фатвога имзо чекмаганлар. Машойихларнинг кўпчилиги уни тан олганлар, улар Мансурнинг муомаласи **Аллоҳ**га шак келтириш эмас, аслида у чинакам мўмин дер эдилар. Тариқат султони, пешқадам шайхлардан бўлмиш Абу Саъид Абул Хайр: «*У юксак мақомдадир. Мансурнинг замонида Машриқдан Мағрибгача унга тенг келадигани йўқ*», — деб баҳо берган. Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф эса уни «*имоми раббоний*» деб атаган.

У яна шундай деган экан: «*У чиндан ҳам улуғ имом, аммо ўзини билган ва билмаганларга, англаган ва англамаганларнинг барчасига ҳам ўз фикрини андиша қилмасдан дадил айтаверар эди. Унинг ана шу кескин, очиқ фикрлари уни тушуниб етолмаган билими саёз, нодон, жоҳил одамлар кўнглига гумон солди. Мансурнинг бошига тушган мусибатга асосан ўзининг шартакилиги, тилини тиёлмаслиги сабабчи бўлди*».

Мансур Ҳаллож шунчалик даъво қилгани, яъни «Аналҳақ» дегани билан эрта-ю кеч тинмай намоз ўқирди, дейдилар уни билганлар.

Айтишларича, у қатл этиладиган кун кечаси икки юз ракаат намоз ўқиган экан.

Шайх Шиблий унинг ҳақида шундай деган экан: «*У нима деган бўлса, мен ҳам шундай деганман, аммо ўзимни телбаликка солганим мени қатлдан асраб қолди, унинг ақли ва бемаврид, ўринсиз сўзловчи тили бошини еди*».

Бир куни Мансур учинчи устози Жунайд Бағдодийнинг эшигини таққиллатибди. Жунайд сўрабди: «*Кимсан?*» Дебди: «**Ҳақман**». Жунайд: «**Ҳақ эмассан, аммо Ҳақни билурсан**», — деб жавоб қилган экан.

Айтишларича, Мансур Ҳалложнинг иккинчи устози Абу Амр ибн Усмон Маккий тавҳид масаласида бир китоб ёзган экан. Бу гоят нозик, барча ҳам тушунавермайдиган, маъносини фақат ўзлари каби валийлар тушунадиган китоб бўлиб, уни кишилардан яшириб юрар экан. Шогирди Мансур ўша китобни яширинча олиб, элга ошкора қилган. Табиийки, аксарият одамлар бундай мураккаб маъноли китобни тушуна олмадилар ва уни инкор қилдилар. Шунда Маккий ғазабланиб Мансурни: «*Илоҳим, бировни унга ёвлаштириб қўй, қўл-оёғини кессинлар, кўзини ўйиб, сўнгра дорга оссинлар*», деб дуоибад қилган экан. Устозининг дуоибоди билан Мансур Ҳаллож унинг айтганидек ўлим топди.

Мансурнинг устози Жунайд Бағдодий уни қатл этиш ҳақидаги уламолар ёзган фатвога: «*Бизлар зоҳир (ташқи) ҳолига боқиб ҳукм қилурмиз, ботинини (ички томонини) Худо билур, зоҳирдаги ҳоли бўйича у қатлга лойиқ*», деб имзо чеккан.

Мансур халойиққа доим ваъз айтар, аммо халойиқ унинг сўзини ҳаргиз фаҳм қилмас, шунинг учун уни эллик маротаба яшаб турган шаҳридан қувиб чиқарган эканлар. Нақл қилишларича, Мансурдан сўрабдилар: «*Аллоҳга етмоқнинг йўли недир?*» Дебди: «*Аллоҳга етмак икки қадам йўлдир: бир қадам дунёдан кўтарилгил, яна бир қадам охиратдан кўтарилгил, Аллоҳга етасан*».

Унинг жавобини шарҳлайдиган бўлсак, биринчидан, аввал мол-дунё, амал-мартаба машмашаларидан батамом қутулмоқ керак, кейин иккинчидан, охиратдан воз кечмоқ

даркор деганида, фақат жаннатга тушиш умидида яхши амаллар қиладиган, агар **Аллоҳ**-нинг жаннат ҳақидаги ваъдаси бўлмаганда, яхши амаллар қилишни ўзларига эп кўрмайдиган кишиларнинг феълани назарда тутиб, ҳар бир киши, **Аллоҳ** уни охиратда жазолайдими ёки раҳмат қиладими, бундан қатъий назар доим эзгу ишлар қилиб юриши керак, шунда кишининг охирати обод бўлганини ўзи ҳам сезмай қолади, деган маънони назарда тутган.

Яна Мансур Ҳаллож ҳақида нақл қилишларича, халойиқ ундан ажойиб ғаройиб амалларни кўрар, ақлга сиғмайдиган таажжуб сўзларини эшитар, аммо унинг гапига тушуниб етишдан ожиз эдилар.

Охири Мансур «Аналҳақ» (Мен Ҳақман, Худоман) демоқда, «Хувал Ҳақ» дегил деган сўзга унамаяпти, деб халифага хабар берганлар. Халифа бу ҳақда уламоларнинг фикрини сўраган. Ҳамма уламолар уни ўлдирмоқ керак деган тўхтамга келганлар. Энг кейин унинг устози Шайх Жунайд Бағдодийга келишиб ундан: «Ҳаллож айтаётган сўзнинг далили ва таъвили борми?» дея сўрабдилар. Жунайд деган экан: «Унинг сўзини қўйингизлар. Мансурни барибир ўлдирадилар. Унга далил ва таъвил топишнинг фурсати эмас».

Уламолар унинг сўзини ҳукм ўрнида қабул қилишган эканлар.

Айтишларича, халифа уни ўлдиришдан олдин, бир йилдан ортиқ зиндонда сақлаган экан. Оёғи кишанда туриб ҳар кеча-кундуз беш юз ракаат намоз ўқир экан. Ундан сўрабдилар:

— Эй Мансур, Мен — Худоман дерсан. Бу намозни ким учун ўқирсан?

Жавоб берибди:

— Ўз қадримни ўзим билурман.

Унинг ҳақида яна нақл қилишларича, Мансур ётган зиндонда яна 300 маҳбус бор экан. Бир куни кечаси Мансур уларга дебти:

— Сизларни озод қилдим, қайга кетсангиз кетаберинглар.

Маҳбуслар унга:

— Бизларни озод қилмоқчисан, ўзингни нега озод қилмайсан? У, деди:

— Мен Худовандимнинг бандида ўтирибман. Агар хоҳласам, ҳамма бандларни бўшатурман, — шундай деб маҳбусларнинг кишанларига бир ишорат қилган эди, ҳамма кишанлар бир-биридан ажралиб, ечилиб ерга тўкилди. Маҳбуслар:

— Эшиклар маҳкам қулфлоглиқдир, қўл-оёғимиз бўш бўлгани билан бу ердан қандай қилиб чиқамиз? — деб сўрадилар.

Мансур яна бир ишорат қилган эди, зиндон атрофидаги йўллар очилди. Улар яна сўрадилар:

— Сиз нима учун чиқиб кетмаяпсиз? Мансур деди:

— Менинг бир сир-асрорим борки, бу сирни дор остидан бўлак ерда айтиб бўлмас.

Тонгда кўрдиларки, зиндонда Мансурдан бошқа ҳеч ким қолмабди. Ундан маҳбуслар қаерга кетганини, ўзи нима учун улар билан кетмаганини сўрабдилар. Мансур зиндонбонларга, маҳбусларни ўзи озод қилганини, аммо ўзи Худонинг унда инояти борлиги ва уни сақлаб тургани учун кетмаганини айтибди.

Мансурни қатл этиб бўлганларидан кейин уламолар:

— Мансурни тиригидан кўра ўлиги кўпроқ фитнага сабаб бўлур, шунинг учун унинг кулини кўкка совурайлик, — деб маслаҳат қилдилар ва жасадини куйдириб, кўкка совурдилар, кулидан ҳам «Аналҳақ» овози эшитилиб турди.

Бағдод машойихларидан бири айтган экан:

— Уни бу ҳолда кўриб, намозга турдим. Шу дам гоийбдан овоз эшитилди: «Мен сир-асрорларимдан бирини унга айтган эдим. Мансур уни ошкор қилди. Ҳукмдорлар сирини фош қилганнинг жазоси шудир».

Шайх Шиблий эса Ҳаллож турбатада муножот қилиб:

— Бу мўъмин ва ориф эди. Нечун бу балони бунга қилдилар? — деди. Хотифдан бир овоз келди:

— Ё Шиблий! Шунинг учун қилдимки, у бизнинг сиримизни ўзгаларга сўйлади. Сир сақламаганнинг жазоси шудир.

Дорда тилини кесишларидан олдин Мансур деди:

— Илоҳи! Бу менга қилинган раҳматни Сенинг шариагинг ва амринг ўрнига тушсин деб қилмоқдалар. **Илоҳи!** Буларнинг гуноҳи йўқдир, барчаларини ёрлақагил ва умидларига етказгил! **Парвардигоро!** Менинг қўл ва оёқларимни кесган бўлсалар, Сенинг ризойинг учун ва Сенинг йўлингда кесгайлар. **Идоҳи!** Буларни Ўзингдан бенасіб ва маҳрум қилмагил!

Шиблий тушида Ҳалложни кўрди. Сўради:

— Сенга шунча азоб берган халқни Ҳақ не қилди?

— Икки тоифасини ҳам раҳмат айлади. Бир гуруҳи менинг ҳолимни билиб шафқат этар эди, шунинг учун раҳмат қилинди. Бошқа гуруҳ менинг ҳолимни билмас эрди, Ҳақнинг амри бажо бўлсин деб (яъни тавҳидни ҳимоя қилиб), азоб бердилар. Шунинг учун улар ҳам раҳмат қилинди.

Айтурларки, Шайх Абулҳасан Ҳарақоний Мансур айтган «Аналҳақ»ни шундай тушунтирган экан:

Инсон дунёга келган кунидан бошлаб, унинг хулқу жисмида махлуқлик ва раббонийликка хос жиҳатлар ўса бошлайди. У онасини эмади, ҳар турли емишлардан еб катта бўлади. Шу билан бирга унинг хулқи ҳам шакллана бошлайди. Уни ўраб олган муҳит кўпроқ махлуқликка етакловчи феълларга тўла бўлади ва бу феъл унга сингиб қолади. Шунинг билан бирга у **Худо** буюрган йўлдан бориб, ўз онгини маърифат билан бойитаверса, ундан нафсоний иллатлар аста-секин чиқа бошлайди. Бунинг устига у шарият, тариқат, маърифат, муҳаббат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтса, кейин ўзини шу даражага етган деб ҳисоблайдики, гўё унинг вужудида нафсга тегишли унсурлардан зарра ҳам қолмайди, ёлғиз **Худога** мансуб нарсаларгина қолади. Бундан лаззатланган онларида у «**Мен — Ҳақ**» (Аналҳақ) дейишгача бориб етади.

Аллоҳ ишқида девона бўлиш даражасига етган тасаввуф аҳлининг зоҳирда (ташки томондан) «куфр» бўлиб кўринган сўзлари, чунончи, Мансур Ҳалложнинг «Аналҳақ» дейиши, Боязиднинг ҳаяжон билан: «**Шарафланганман, шарафланганман, шон-шараф менга**» деган сўзлари, Машрабнинг «**Ёрсиз ҳам бодасиз, Маккага бормоқ на керак менга, бошимга урайинми Иброҳимдан қолган у эски дўконни**» дейиши, табиийки, ақидапараст жоҳил кишиларни ташвишга солар ва улар бу сўзларнинг теран маъноларига тушунмай, фақат зоҳирдаги маъноларни қабул қилиб, буни иймондан чиқиш деб баҳоладилар.

Тасаввуфнинг энг ёрқин ҳур фикрли азиз фарзандлари Мансур Ҳаллож, Айнулқуззот Ҳамадоний, Яхё Сухравардий, Саййид Имоиддин Насимий, Бадриддин Ҳилолий, Бобораҳим Машраб ва бошқалар даҳшатли тарзда қатл этилганлар. Улар инсон руҳияти, тафаккури, ҳуррияти учун курашган кишилар эдилар.

Бу ҳақда машҳур мутасаввуф уламолар — Фаридиддин Аттор, Ибн ал-Арабий, Абу Саъид Абул Хайр, Абу Абдуллоҳ Хафиф, Яссавий ва бошқалар таассуф ила ёзиб кетганлар.

Шунингдек, Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Абдуллоҳ Ансорий, Фаридиддин Аттор, Ибн ал-Арабий, Абулқосим Сулабий, Абу Сулаймон Дороний, Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий, Жалолиддин Румий каби машҳур шайхлар умр бўйи шарият аҳли билан келиша олмай, баъзан эса жоҳил ҳукмдорлар тазйиқи остида умр кечирганлар.

Фаридиддин Атторга кўра, Мансур Ҳаллож аҳадият бақосида абадийлик топган ва илоҳий сифатлар билан сифатланган. Ҳис ва ақл сарҳадларидан ошиб шарафланиш билан шарафланган бўлган ҳолда бандалик ибодатини қанда қилмаган комил инсондир.

У **Ҳақ**ни англаган ва унга сингиб, эриб кетиб ягона руҳ билан қоришиб кетган инсон руҳи ҳам ҳақиқатдир, деб таърифлаган. Мансур ўзини «**Ҳақман**» деганида ана шу хусу-

сиятларни назарда тутган.

Жоҳил дин арбоблари бунӣ тушунишни истамай, уни **Аллоҳ**га ширк келтиришда айблаганлар. Бу ҳақда машҳур сўфий шайх Аҳмад Яссавий шундай дейди:

Байт: *Шоҳ Мансурни «Аналҳақи» бежо эрмас,
Йўлни тобқан, бизга ўхшаш гумроҳ эрмас,
Ҳар ножинслар бу сўзлардин огоҳ эрмас,
Огоҳ бўлуб, бўйи Худо олдим мано.*

*Билмадилар муллолар «Аналҳақ»ни маъносин,
Кол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб!
Афсонадур шарият, фарзонадур ҳақиқат,
Дурдонадур тариқат, ошиқларга муносиб.*

(«Девони ҳикмат»дан)

Фаридиддин Аттор айтганидек, агар инсон камолоти олий даражага кўтарилиб, у **Ҳақ**қа восил бўлган бўлса, айнан мутлоқ фонийлик — илоҳий маърифат, ҳикмату донишга эришиб, моддий вужудни унутиб, руҳий — илоҳий вужудга айланиши мумкин. Шахсий «Мен»нинг кайҳоний «Мен» билан бирлашиши, кайҳоний Рух қиёфасини олиши камолотнинг олий даражаси ҳисобланади ва шу мартабада инсон бепоён абадият муҳитига кўшилиб боқийлик топади, дейди.

Тасаввуф оламининг ёрқин қуёши — Мансур Ҳаллож, диннинг зоҳирӣ томонига ёпишиб олган, ботинӣ илм моҳиятини англашни истамаган, ақл ва тафаккур кучидан кўрққан жоҳил, нодон муллолар фатвоси билан қатл этилган эди.

Шайх Ҳусайн Мансурнинг «Ҳаллож» лақаби, таҳаллусини олишига келсак, бу қуйидагича бўлган экан: Бир куни у ҳаллож дўстининг дўкони (ишхонаси)га келиб суҳбатлашиб ўтирган экан, дўсти унга бир иш буюрибди. Шунда Ҳусайн Мансур: «Устани ишдан қолдирдим-а», — деб кўнглидан ўтказибди ва бармоғи билан бир уюм пахтага ишора қилган экан, пахта бир зумда чигитдан ажралиб алоҳида-алоҳида бўлиб қолибди. Бу иш шаҳарда тезда овоза бўлиб кетиб, ҳамма уни «ҳаллож» (яъни чигирикчи, пахтани чигитдан ажратувчи) деб атай бошлаган эканлар.

Ў н у ч и н ч и ф а с л

Машҳур сўфийлар ва мутасаввуф уламолар

Сўфийлар нафсдан кечиб Ҳақ таоло йўлида риёзат чекувчи, ботин — ғайб олами билан ошно бўлган, дунёга ҳақиқат нуруни таратувчи Аллоҳнинг азиз бандалари — авлиёларидирлар.

Ал-Мотуридий (870—944) — ҳужжатулислом ва шайхулислом, илм ул-ҳуда ва имом ал-мутакаллимин (ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми) ва имоми аҳли сунна Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафӣ ал-Мотуридий ас-Самарқандӣ тахминан

870- йил Самарқанд тумани, Мотурид қишлоғида туғилиб, шу масканда 944- йил 74 ёшида вафот этган. Қабри Самарқанд шаҳри, Сиёб тумани, Жухудон гузари, Ғиждувон кўчаси, 4-ҳовли — Чокардиза қабристонида жойлашган.

Уша даврларда кўплаб фирқалар эътиқод борасида ўзларининг фикрлари ва турли-туман қарашлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлаган эдилар. Исломининг машҳур уламолари Абу Ҳасан ал-Ашъарий ва ал-Мотуридийлар биргаликда бу зиддиятларни батамом тугатиш ва Ислом дини мафқурасини тузишда катта хизмат қилганлар.

Ал-Мотуридий каби фикҳ ва калом илмида машҳур олимлардан бўлган Абу Ҳасан ал-Ашъарий (873-935) ҳам биринчилардан бўлиб калом билан Ислом ақидаларини бирдек уйғунлаштиришга ҳаракат қилган.

Абу Ҳасан ал-Ашъарий ўзининг фикҳ ва калом илмида суннийликнинг шофиъийя ва моликия мазҳабларига, ал-Мотуридий эса ҳанафия мазҳабиغا суянганлар.

Уларнинг бу борадаги таълимотлари кенг тарқалиб, суннийликда икки йирик — ашъарийя ва мотуридийя мактаби вужудга келди ва Ислом дини суннийлик йўналишининг ғоявий, ақидавий ва мафқуравий асоси бўлди.

Ал-Мотуридий илоҳиёт илмларини тўла шакллантириб, такомилга етказди, уларни қайта ишлаб чиқди ва тизимга солди. Бундан ташқари у Ислом фалсафасини ҳам ишлаб чиқди. У яратган таълимот Ислом динининг буюк ақидавий оқимларидан бири сифатида бутун Ислом оламига танилди. Унга Ислом уламолари нафақат «шайх», балки «раис аҳл ас-сунна вал-жамоа» деб таъриф берганлар.

Ал-Мотуридий Исломининг суннийлик йўналишидаги ҳанафия мазҳабиغا эътиқод қилган. Ислом илоҳиётшунослиги (теология) бўйича ўндан ортиқ йирик асарлар ёзган. Шулардан айниқса иккитаси — «Китоб ат-Тавҳид» ва «Таъвилот аҳл ас-Сунна» Ислом оламида тенги йўқ асарлар ҳисобланади.

Суннийликдаги тўрт — ҳанафия, шофиъийя, моликия, ҳанбалия мазҳабларининг асосий ғоялари, эътиқод қонун-қоидалари ана шу икки буюк мутафаккир аллома — ал-Мотуридий ва ал-Ашъарийлар таълимоти асосига қурилгандир.

Ашъарий Абул Ҳасан Али ибн Исмоил (873—935)— диний назариётчи, Ислом илоҳиёти—каломнинг асосчиларидан бири. Басрада туғилган, Машҳадда таҳсил кўрган, Бағдодда вафот этган. У, муътазилийларга хос бўлган жуда очик ифодаланган рационализмни ҳам, диний эътиқодда ўта кетган формализмни ҳам рад этган. Унинг асос солган таълимотини бошқа илоҳиётчилар, хусусан Абу Ҳомид Ал-Ғаззолий янада такомиллаштирган.

Ҳожа Аҳмад Яссавий (1033—1166) — яссавия тариқатининг асосчиси, машҳур шоир, файласуф суфий, Ислом тарғиботчиси бўлиб, Қозоғистоннинг Чимкент вилояти Сайрам қасабасида таваллуд топган. Унинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Уни аксарият олимлар 1033- йилда туғилиб, 1166- йилда вафот этган, деган фикрга келганлар. Аммо баъзи ривоятларда уни 130 йил яшаган, дейилади. Ҳисомуддин Сифноқийнинг рисоласида у 126 ёки 130 йил, айрим бошқа ривоятларда 133 йил умр кўрган деб айтилади. Аҳмад Яссавий ўз шеърларидан бирида 125 ёшга кирганлигини қайд этиб ўтган:

*Одамлардан файзу футуҳ ололмадим,
Ўз йигирма бешга кирдим, биллмадим.*

Ана шу маълумотга кўра, Аҳмад Яссавийнинг 125 йилдан ортиқ яшаганлиги ойдинлашади. Унинг 1166- йилда вафот этганлиги эса деярли барча манбаларда бир хил қайд этилган. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, унинг таваллуд топган йилини 1041- йиллардан олдинроқ, яъни 1033- йил, вафотини эса 1166- йил деб қабул қилганлар.

Аҳмад Яссавий отасининг исми Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Ифтихор бўлиб, унинг шажараси пайғамбаримизнинг ҳиянлари ва куёвлари бўлмиш ҳазрат Алига бориб тақалади.

Оналарининг исми Ойиша, уни Қорасоч ойим деб ҳам аташган. Ойиша Мусо шайхнинг қизи бўлган.

Хожа Аҳмад Яссавий 7 ёшга тўлганда отаси оламдан ўтади. У зотнинг ота-онаси ўз замонасида кўзга кўринган, ҳурмату нуфузи баланд буюк инсонлар бўлиб, ўзларининг халқпарварликлари билан шуҳрат қозонганлар. Шунинг учун ҳам халқ уларни эъзозлаб XI асрдаёқ Иброҳим ота мақбарасини, XII—XIII асрда эса Ойиша она (Қорасоч ойим) мақбарасини қурганлар. Бу жойлардан ҳали-ҳанузгача зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Аҳмад Яссавийни зиёрат қилмоқчи бўлганлар албатта аввал уларни зиёрат қиладилар.

Бир манбада Иброҳим шайхнинг Шаҳноз исмли бир қизи ва Аҳмад исмли бир ўғли бўлган дейилса, бошқа бир манбада Иброҳим отанинг Аҳмад ва Садр исмли икки ўғли бўлганлиги қайд этилган.

Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз саҳобалари билан хурмо еб суҳбатлашиб ўтирганларида уларга қараб: «Қай бирингиз мана бу омонатимни келгуси издошларимизга етказгайсиз?» деб сўраганлар. Бу вазифани бажаришни саҳобалардан бири бўлган Арслонбоб ўз зиммасига олишини билдирибди. Шунда пайғамбар алайҳиссалом унга бир хурмо берибдилар ва: «Мендан кейин Аҳмад исмли бир бола дунёга келади. Сиз албатта уни излаб топинг ва унга бу хурмони беринг, у умматимдан Ислом динининг қувватлантирувчи энг етук кишиси бўлади», деган эканлар.

Ҳазрат пайғамбарнинг дуои баракоти ила Арслонбоб узоқ умр кўрибди ва бу омонатни эгасига топшириш учун кўп юртларни кезиб чиқибди.

Арслонбоб охири Аҳмаднинг отаси вафот этган йили Туркистонга келиб, пайғамбаримиз тавсифлагандек 7 ёшли бир бола мактабга кетаётганини кўрибди ва унга салом берибди. Бола саломга алик олгач, Арслонбобга қараб: «Бобо, омонатимни беринг!» деб сўраган. Арслонбоб бу ногаҳоний саволдан шошиб қолиб, ундан: «Эй валий, сен буни қайдин билурсан?» деб сўрабди. «Аллоҳ билдирди», деб жавоб берибди бола. Арслонбоб ундан: «Отинг нима?» дея сўрабди ва боланинг: «Исмим Аҳмад» деган жавобини эшитиб, пайғамбаримиз омонатини эгасига топширган экан.

* * *

Ривоят қилишларича, ўша пайтда сайёҳ дарвеш Арслонбоб 300 ёшга кириб дунёдаги кўп динлар билан танишиб, шулар орасидан Ислом динини танлаган экан. Пайғамбар алайҳиссалом омонатларини Арслонбобга топшириб, кўнгиллари тинчигач, Аллоҳ ҳузурига риҳлат қилган эканлар. Орадан 500 йил ўтгач, Арслонбоб юқорида айтганимиздек, етти ёшли Аҳмад Яссавийни учратиб унга пайғамбаримиз омонатини топширган экан.

Яна бир ривоятда Аҳмаднинг нима учун Яссавий деб аталиши сабаби келтирилади. Эмишки, Аҳмад яшаган замонда Самарқандда Яссавий номли бир ҳукмдор ўтган экан. У доимо қишни Самарқандда, ёзни эса ўз аъёнлари билан Туркистон тоғлари ёнбағирларида ўтказар экан. У ов қилишга ниҳоятда ишқибоз бўлиб, бир куни Туркистондаги Қорачиқ тоғи атрофларида ов қилиб юрганида, ови ҳеч юришмабди. Бундан жаҳли чиққан подшоҳ: «Қорачиқ тоғи ер юзидан бутунлай йўқ қилиб юборилсин!», деб фармон берибди.

Подшоҳнинг фармони олийсини бажармоқ учун Туркистондаги жамийки муллалар, соҳибкароматлар Қорачиқ тоғи ёнига келиб бутун кароматларини ишга солиб тегишли дуои фотиҳаларини ўқий бошлабдилар. Улар етти кечаю етти кундуз дуои фотиҳа қилибдилар, лекин тоғ ўз ўрнида ҳамон тураверибди. Шунда подшоҳ йиғилганларга қараб ваҳшат билан: «Нега тоғни чўктира олмаяпсизлар!?» деб сўрабди. Оломон ичидан бир қари мўйсафид чиқиб: «Подшоҳи олам, биз қўлимиздан келган барча кароматларни ишга солдик, лекин кимдир ўзининг ўтқир нафаси билан дуоларимиз кучини қирқаяпти, унга кучимиз етмаяпти, акс ҳолда, тоғ аллақачон чўккан булур эди», дебди.

Подшоҳ: «Юртингизда кароматли кишилардан яна ким қолди?» деб сўрабди.

Ўша чол: «Сайрамлик Иброҳим шайхнинг ўғли Аҳмад яқинда отасидан жудо бўлиб, азадор ўтирибди, шунинг учун уни бу ерга олиб келмаган эдик», дебди.

Орадан кўп ўтмай, подшоҳ аъёнлари Аҳмадни шу ерга олиб келибдилар. Ёш Аҳмад дуои фотиҳага қўл очиши билан тоғ аста-секин чўка бошлабди. Дуо тугагач, Аҳмад каби қўлларини юзидан тушираётиб подшоҳ не кўз билан кўрсинки, Қорачиқ тоғи тамомила йўқ бўлиб кетибди. Тоғ ўрнида эса ясси текислик пайдо бўлибди. Ёш Аҳмаднинг кароматига қойил қолган подшоҳ ўз номини халқ орасида абадий қолишини ҳам ўйлаб, уни бундан кейин Аҳмад Яссавий деб аташларини буюрган экан.

* * *

Хожа Аҳмад Яссавийнинг устозларига келсак, у ўзининг илк таълимини отаси шайх Иброҳим отадан ва мадраса устози Шаҳобуддин Исфижобийдан олган. Биринчи маънавий устози, юқорида айтганимиздек, Арслонбоб бўлган. Баъзи бир манбаларда Шаҳобуддин Сухравардийнинг Аҳмад Яссавийга устозлик қилгани ҳамда унга Саъд ибн Абу Вакқос исмли кишининг раҳнамолик қилгани айтилади.

Аҳмад Яссавий ёши 20 га етгунча Туркистоннинг Сайрам қасабасида яшаб, дастлабки илмларни эгаллайди. Шундан сўнг Яссига кўчиб ўтади. Ҳам илм, ҳам пир излаб келган Аҳмад, кейинчалик Яссини ўзига ватан тутди ва шу ерда яшаб қолади.

Туркистон заминида мавжуд бўлган жамийки илмларни эгаллагач, Аҳмад Яссавий 27 ёшида ўша даврнинг энг йирик илм марказларидан бири бўлмиш Бухорои шарифга келади ва иккинчи маънавий устози — Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унга мурид бўлиб қўл беради:

*Мен йигирма етти ёшда пирни топдим,
Ҳарна кўрдум, парда бирла сирни ёпдим.
Остонасин ёстанибон изин ўпдим,
Ул сабабдин Ҳаққа сиғниб келдим мано.*

Манбаларда келтирилишича, Хожа Аҳмад Яссавий 40 йил пир хизматида бўлиб, ундан тасаввуф сир-асрорларини пухта ўрганади.

Камолот чўққисига чикқан Аҳмад халифалик (ўринбосарлик) хирқасини пири, машо-йихлар устози Юсуф Ҳамадонийдан кийиб, унинг вафотидан кейин маълум бир муддат Бухорода туради, кейин халифалик навбатини Абдулхолиқ Гиждувонийга топшириб ўз юрти — Яссига қайтади.

У Бухорода чексиз муридлари, шогирдлари орасида ҳурмат-иззатда яшаётганига қарамай, илоҳий даъват билан ёлғизликни ихтиёр қилиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг 63 ёшида вафот этганига мотам тутиб, у зотнинг ёшларидан ортиқ яшашни ўзига эп билмай, 63 ёшида Ясси шаҳридаги мозорда ер остига кириб яшайди:

*Олтмиш учда нидо келди, «қул, ерга кир»,
Ҳам жонинг мен, жононинг мен, жонингни бер,
«Ҳу» шамширин қўлга олиб нафсингни қир,
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?*

Хожа Аҳмаднинг 63 ёшида Яссида ер остига кирган вақтидан унинг ҳаётида сифат жиҳатидан янгича ҳаёти бошланади. Бу дунё ташвишларидан қутулиб, фақат илоҳий, руҳий оламда яшаш барчанинг қўлидан келавермайди. Бундай ҳолатни Аҳмад Яссавий «ўлмай туриб ўлиш» деб атайди. Бундай одам оддий моддий ҳаёт чегарасидан ўтиб, пайғамбар нурига яқинлашади. Бундай авлиё энди сўфий-дарвешлардек жарангли овоз зикри билан шуғулланмай, дилида тоат-ибодат қилади. Ўзининг жон пардаси **Аллоҳ** жамолини тўсиб турганини англайди.

Сўфийлик, тасаввуф бир-бирига зиддиятли фикрлар ранг-баранглигидан иборат бўлганлиги туфайли, у ўз тараққиёти даврларида кўп машаққатларга, қийинчиликлар ва қаршиликларга учраган.

Айниқса, уларнинг **Аллоҳ** жамолига муяссар бўлиб, унга қўшилиб кетиш, «**Ҳаққа** етишиш» ҳақидаги таълимоти, «**Аллоҳга** бўлган ишқ» ҳақидаги қарашлари ўша дастлабки пайтларда куфр, осийлик, шаккоклик саналган. Натижада кўпдан-кўп атоқли тасаввуф

намояндалари дин арбоблари ва халифалик томонидан қаттиқ таъқиб остига олинганлар. Баъзи бирлари эса ҳатто қатл ҳам этилганлар.

Натижада сўфийлар орасида бир қанча тасаввуф олимлари етишиб чиқиб тасаввуфнинг моҳияти, мақсади, қарашлари ҳақида кўплаб асарлар ёза бошладилар ва тасаввуф, сўфийлик таълимотлари мазмунини халққа етказдилар. Ана шундан кейин уларнинг обрў-эътибори халқ орасида кўтарилиб, ўз ўрнини топди.

Аҳмад Яссавий фақат йирик дин арбоби, сўфий бўлибгина қолмасдан, балки ажойиб шоир ва буюк мутафаккир файласуф ҳам бўлган:

*Ўн саккиз минг оламда, номи машҳур каломда,
Ўрни Доруссаломда шайхим Аҳмад Яссавий.*

Аҳмад Яссавий кўпдан-кўп шогирдлар етиштириб чиқарган. Улардан энг машҳурлари Мансур ота, Саййид ота, Сўфи Муҳаммад дониш, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний)лар бўлган.

Машҳур авлиё — Занги отанинг отаси Тошхожа Аҳмад Яссавийнинг ана шу биринчи шогирди Мансур отанинг набираси, яъни Абдулмалик хожанинг ўғли бўлган.

Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи шогирди Ҳаким ота Туркистон машойихларининг бузрукларидан бўлиб, асли хоразмлик, отлари Сулаймон, лақаблари Ҳаким эди.

Бугроҳоннинг гўзал қизи Анбар онага уйланган.

Ул зотнинг вафот этишларидан олдин қилган васиятларига биноан хотинлари Анбар она Занги отага турмушга чиққан. Ҳаким ота умрининг охирларида Хоразмга кетиб, ўша ерда вафот топганлар.

Сулаймон Боқирғоний халқни ҳурмат қилиш ва қадрлаш, ҳамда вақтни ганимат биши кераклиги ҳақида:

*Ҳар ким кўрсанг Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг Қадр бил,*

дегани, ҳамда нафси синдирмоқ тўғрисида:

*Барча яхши, биз ёмон,
Барча бугдой биз сомон,*

деб келтирган байтлари айниқса диққатга сазовордир.

Аҳмад Яссавий ҳақида Амир Темур шундай деб айтади:

«Рум мулкига (Туркия — Султон Йилдирим Боязидга) юриш этмоқ учун аввало ҳазрат Шайх Яссавий мақоматидан ўтдим, ўшал муқаддас жойни зиёрат қилдим. Шайх башорат этиб менга дедики, ҳар вақт бошингга бирор мушкулот тушса, мана бу рубойни ўқурсан:

*Ялдо кечани шаъи шабистон эткон,
Бир лаҳзада оламни гулистон эткон,
Бас, мушкул ишим тушибдур, осон этгил,
Эй барча мушкулларни осон эткон.*

Мен бу рубойни ёд олдим. Рум лашкарига рўбарў бўлишдан олдин мазкур рубойни 70 марта ўқидим. Зафар ҳосил бўлди». (Қаранг: Насафий (Евгений Березиков). Хожа Аҳмад Яссавий. Тошкент. «Ғафур Гулом», 1993; Неъмат Жабборов. Хожа Аҳмад Яссавий — тасаввуф оламининг порлок кўёши. Тошкент, 1994).

Хожа Аҳмад Яссавийнинг таълимотича, дунё ноз-неъматларини талаб қилган киши сўфий эмас, балки **Аллоҳ** йўлида машаққат чекиб, ғурбатни ихтиёр этиб, умрини зоҳидликда тоатибодат билан ёлғиз Ўзига нола қилиб яшаган киши сўфийдир. У оммани руҳий хотиржамликка чақирган. Бу дунё бевафо, ўткинчи, ҳаёт ҳақиқий эмас, шунинг учун зулм, жафоларга бардош бериб, сабр қилиб, **Худога** шукур қилиб юриш, таркидунё қилиш керак. Киши бутун ҳаётини ёлғиз **Худога**, илоҳий ишққа бағишлаши керак, ҳаёт моҳияти **Ҳаққа** яқинлашишдан иборат, деб таълим берган. Зикрда зикри алония — ошкора зикр тарафдори бўлган.

*Боқса Қазба кўрунган, босса ерлар турулган,
Ладун илми берилган, шайхим Аҳмад Яссавий.*

Хожа Аҳмад Яссавий тариқати Ўрта Осиё ва Эронда кенг тарқалган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048—1140) — Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилган.

Ҳамадон — Эроннинг ғарбий қисмидаги шаҳар, милoddан аввалги VII—VI асрларда Мидия давлатининг пойтахти, 550-йиллардан сўнг Аҳамоний шоҳларининг ёзги қароргоҳи бўлган.

Милодий VII асрда Ҳамадонни араблар исломлаштириб, Араб халифалигига қўшиб олганлар. XI асрда эса ўғузлар забт этган. 1118—1194- йилларда Ҳамадон Эрондаги Салжукий султонларига тобе бўлган Ироқ вилоятининг пойтахти бўлган. Хожа Юсуф Ҳамадоний ана шу даврда асосан Ўрта Осиёда фаолият кўрсатган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний асли эронлик бўлсалар-да, у зот умрлари ярмидан ошганда Туркистонни ёқтириб қолганлар ва Самарқанд, Бухоро, Марв, Хирот, Балхда яшаб асосан шу ерларда фаолият кўрсатиб, Мовароуннаҳрда Исломнинг суннийлик йўналишидаги сўфийлик, тасаввуф тариқатларига асос солганлар. Шунинг учун ҳам бу зотни Мовароуннаҳрлик машҳур сўфийлар сирасига киритдик.

Ҳасан Андоқий, Абдуллоҳ Барақий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий ва бошқалар унинг халифалари (ўринбосарлари) бўлганлар. Юсуф Ҳамадоний узун бўйли, хушрўй, истараси иссиқ, озғин киши бўлган. «Силсилаи шариф» бўйича тўққизинчи пир-муршид ҳисобланади. Қабрлари Марвда, рамзий қабрлари эса Хоразм вилояти Шовот тумани, «Соҳибкор» жамоа хўжалиги, Бешмерган қишлоғи ҳудудида.

Саййид Абдулқодир Жилоний (Гилоний; 1077—1167) — қодирия сулукининг асосчиси. Ул муборак зот 1077- йили Эроннинг Жилон (Гилон) деган вилоятида туғилиб, Мовароуннаҳрда фаолият кўрсатиб, 1167- йилда 90 ёшида Бухоро шаҳрида вафот этган. Ана шунинг учун ҳам бу зотни Мовароуннаҳрлик машҳур сўфийлар қаторида ёдга олдик. Бул зоти шариф «Ғавс ул-аъзам» (улуғ мадақкор), авлиёлар султони деган ном билан дунёга машҳур бўлиб, насл-насаби ўн авлод билан пайғамбаримизнинг кизи Фотиманинг ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнга бориб улашади. Саййид Абдулқодир Жилоний, Хожа Юсуф Ҳамадоний ва Саййид Ҳамадонийнинг рамзий қабрлари бир жойда — Хоразм вилояти, Шовот тумани, «Соҳибкор» жамоа хўжалиги, Бешмерган қишлоғи, ҳудудида жойлашган.

Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (Хожаи Жаҳон) 1103- йили Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилиб, 1179- йилда 76 ёшида шу жойда вафот этган. Қабри ҳам шу ерда, онасининг оёқ томонида. Хожагон тасаввуфий тариқатининг асосчиси ва назариётчиси.

Дунёга Хожаи Жаҳон — Абдулҳолик Ғиждувоний номи билан танилганлар. Ул зот Имом Садриддин, Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Ниёз Хоразмий (Бобои Лақлақий)лардан таълим олган. Хожанинг отаси Имом Абдулжамил асли румлик бўлиб, Имом Молик авлодидан, онаси эса подшоҳлар авлодидан. Хожа Сулаймон Кармангий ва Хожа Ориф Ревгарий ул зотнинг шогирдларидирлар. Баҳоуддин Нақшбанд Абдулҳолик Ғиждувонийдан руҳоний тарбият олган. Тўққиз ёшида Куръонни ёд билган. Ўн ёшидан дарвешларнинг зикрларида фаол иштирок этган. Бухоролик илк устози Имом Садриддиндан тафсир илмини ўрганган. Йигирма икки ёшида машҳур сўфий, авлиё Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унинг муридига айланган. У, Юсуф Ҳамадоний таълимотини ҳар томонлама бойитиб, амалиётга зикри хуфияни олиб кирган, ҳамда Хожагонлик тариқатининг саккизта рашҳа (қонун-қоида) ларини шакллантириб берган. «Силсилаи шариф» бўйича ўнинчи пир-муршид ҳисобланади.

Шайх Нажмиддин Кубро 1145- йили Хива шаҳрида туғилиб, 1221- йили 76 ёшида мўғул босқинчилари билан жангда шаҳид бўлган. Қабри Кўҳна Урганч шаҳри (Туркменистон)даги хонақоҳ яқинида. Асл исми Аҳмад ибн Умар Муҳаммад ал-Ҳевақий ал-Хоразмийдир.

«Нажмиддин», «Кубро», «Абулжаноб», «Валийтарош», «Пурёйвалий» сўзлари бу зотнинг лақаб, унвон ва куниятидир.

Ул зот сўфийликнинг машҳур назариётчиси ва амалиётчиси, кубравия тариқатининг

асосчисидир. Пирлари — Шайх Рӯзбеҳон Мисрий, Шайх Аммор Ёсир ва Шайх Исмоил Қасрий. Нажмиддин Кубронинг муридлари 400 дан ортиқ бўлиб, улар орасида машҳурлари: Мажидиддин Бағдодий, Шайх Саъдуддин Ҳамавий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Али Лоло, Шайх Рукниддин Алоуддавла ва бошқалар бўлган.

Кўхна Урганч томонларда жами 360 пир-муршид ўтган дейилади манбаларда.

Хожа Ориф ар-Ревгарий (Хожа Ориф Моҳитобон) 1156- йили Бухородан 36—38 километр масофада жойлашган ҳозирги Шофиркон туманининг Ревгар қишлоғида туғилиб, 1259- йилда 103 ёшида шу ерда вафот этган. Қабри ҳам шу ерда. Бул зот Хожа Ориф Моҳитобон номи билан машҳур. Ул зот Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тўртинчи халифаси бўлиб, «силсилаи шариф» бўйича ўн биринчи пир-муршид ҳисобланади.

Шайхлар шайхи Занги ота Ҳимматий (Ойхўжа ибн Тошхўжа) тахминан 1168- йилда Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза мавзесида туғилиб, 1258-йили Тошкент вилоятининг ҳозирги Зангиота туманида ҳаётдан кўз юмган, шу ерга дафн этилган. Занги отанинг отаси Тошхўжа Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридларидан бўлиб, 1218-йилда қазо қилган.

Занги отанинг пири, Аҳмад Яссавийнинг муриди Сулаймон Боқирғоний (1106—1198)дир. Тахаллуси Ҳаким ота бўлган.

Занги ота Ҳимматий асли зоти араб бўлиб, унинг аждоди пайғамбаримизнинг саҳобаларидан бири бўлмиш Арслонбобга бориб тақалади. Занги ота бақувват, барваста, гавдали ҳамда қоп-қора одам бўлганлигидан, «Занги» (қора) деган лақаб олган. Айни маҳалда «занги» сўзи ўғузларда «кучли, иродали» деган маъноларни ҳам англатади.

Занги ота Ҳаким отадан тасаввуфий илмлар билан бирга илми зоҳирий ва илми ботинийдан ҳам таълим олиб, етук донишманд ҳамда соҳибқаромат даражасига эришади. Занги ота фақир ва дарвешсифат одам бўлган, одамларнинг мол-қолларини боқиб подачилик қилиб, ғарибона ҳаёт кечирган. Маҳаллий аҳоли уни хурматлаб, эъзозлаб, Занги ота, Занги бува деб атай бошлаганлар.

Ҳаким ота 1198- йили Хоразмда вафот топгач, у кишининг васиятлари бўйича, Анбар она Занги бувага турмушга чиқади ва улардан бир неча фарзандлар дунёга келади. Анбар она кўни-қўшни аёлларга ҳар доим панд-насихатлар қилар экан. Жумладан: *«Хотин кишининг энг муқаддас бурчи эрининг кўнглини овлаши, унга шодлик ва куч-қувват бағишлаши»*, дер эканлар.

Назаримда, зукко ва доно аёл бўлган Анбар она бу сўз билан пайғамбаримизнинг: *«Эй, мўминлар, уйланинглар, ўзларингиздан кўпайинглар, мен охиратда Аллоҳ таоло ва бошқа пайғамбарлар олдида умматларимнинг кўплиги билан фахрланаман»*, қабилдаги ва *«Агар эр хотинини ўз тўшагига чорласа-ю, у бош тортиб келмаса, малоикалар уни тонгга қадар лаънатлаб чиқадилар!»* (Имом ал-Бухорий, «Ҳадис», III жилд, 426-бет) деган икки ҳадисларини ҳам назарда тутган бўлсалар керак. Бу ҳадислар пайғамбаримиз ўзларининг умматларини келажаги, зурриёти ва кўпайиши ҳақида ўз вақтида қайғурганликларини билдиради. (Яна қаранг китобимизнинг 551-бетига).

Илгариги ва ҳозирги замон тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашларича, эр хоҳлаган вақтда ёки мунтазам (бир режимда) жинсий алоқа қилиб турмаса бу ҳол кейинчалик жинсий ожизликни келтириб чиқаради. Бу эса, мусулмонларнинг зурриётига, кўпайишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган хулосага олиб келади. Ҳа, пайғамбаримизнинг ҳар бир ҳадисларида катта-катта маъно ва муҳим ҳикматлар ётади.

Шундай қилиб, давом этамиз.

Соҳибқирон Амир Темур тушларида аён бўлганидан сўнг, Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари мақбарасини қуришдан аввал, илоҳий амр билан ҳазрат Занги ота мақбарасини барпо этган эканлар. Бу иш Хожа Аҳмад Яссавийнинг Занги ота ҳақларига қилган: *«Ҳар бир яхшилик аввал сизга, сўнгра бизга бўлсин, Аллоҳу акбар!»* деган дуоларининг кучидан далолат эди.

Хожа Али Ромитаний (Хожаи Азизон) 1191-йили Бухорои шарифнинг Ромитан туманидаги Қўрғон қишлоғида туғилиб, 1321-йили 130 ёшида шу жойда вафот этган.

Қабри ҳам шу ерда. Ҳозир бу жой «Қўрғон» жамоа хўжалиги деб юритилади. Ул зот халк орасида Хожай Азизон номи билан машҳурдир. Баҳоуддин Нақшбанд уч ёшга кирганида вафот этган. Маҳмуд ва Иброҳим исмли ўғиллари ўртасига дафн қилинган, «силсилаи шариф» бўйича ўн учинчи пир-муршид ҳисобланади.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Бухорои шарифнинг ҳозирги Вобкент туманига қарашли Пирмаст мавзеси, Анжир Фағнав қишлоғида 1227-йили туғилиб, шу ерда 1317-йилда 90 ёшида вафот этган. Қабри ҳам ана шу қишлоқда. Ҳозир бу қишлоқ Анжирбоғ қишлоғи деб аталади. Ул зот Хожа Маҳмуд Ориф Ревгарийдан таълим олган. Хожа Али Ромитанийнинг пиридир. «Силсилаи шариф» бўйича ўн иккинчи пир-муршид ҳисобланади.

Хожа Муҳаммад Бобои Самосий 1259-йили Бухорои шарифнинг Ромитан тумани Самос (Симос) қишлоғида туғилиб, 1354-йили 95 ёшида она юртида вафот этган. Қабри ҳам ана шу қишлоқда. Ҳозир бу қишлоқ «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳудудига киради. Ул зот Хожа Али Ромитанийнинг шоғирдидирлар.

Бобои Самосий машҳур валий Саййид Амир Кулолга таълим берган. Уч кунлик чақалоқ бўлган Баҳоуддин Нақшбандни маънавий фарзандликка қабул қилиб, уни ўз муриди Саййид Амир Кулол тарбиясига топширган. Бобои Самосий ўз кулоҳини Баҳоуддинга берган. Аллоҳ шу кулоҳ шарофатидан Баҳоуддинга балогардонлик (балоларни қайтаргувчи) каромати ато этган. «Силсилаи шариф» бўйича ўн тўртинчи пир-муршид ҳисобланади.

Саййид Амир Кулол Бухоро яқинидаги Когон тумани Сухор (ҳозир «Янги ҳаёт») қишлоғида 1288-йили дунёга келиб, 1372-йили 84 ёшида вафот этган. Қабри Когон туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги ҳудудида.

Кулолчилик ва паҳса девор урувчилик билан шуғуллангани учун Кулол номи билан машҳур бўлган. Асл исми Саййид Амир Калон ас-Сухорийдир. «Силсилаи шариф» бўйича ўн бешинчи пир-муршид ҳисобланади.

Саййид Амир Кулол рубойлар ҳам ёзган машҳур сўфийдир:

Байт: *Нишоним шулки, мен покиза фарзанд,
Отам пок, онамдур афифа.
Дилим поку, йўлим пок, этагим пок,
Тариқатим эрур Абу Ҳанифа.*

* * *

Рубой: *Кўзни юм, токи кўзга айлансун кўнгил,
Бу кўз бирла энди бошқа жаҳонни кўргил.
Ҳақ зикрига ланг очгину қалб эшигин
Фалак томида не бўлса, сўнг тамошо қил.*

* * *

Байт: *Яратган ҳукмига бўйин эгсанг гар,
Сенинг раъй — ҳукмингдан бўйин товламас башар.
Хусрав чун Ҳақ йўлида сомғи фаромон эрди,
Суюкли бандасига Худо нигоҳбон эрди.*

* * *

Рубой: *Эй менинг юз минг гуноҳимни кўриб турган зот,
Кўрса ҳам ўз карами-ла яшириб турган зот.
Расвойи жаҳонликда-ку мендин ўтари йўқ,
Мендин ўтарини ҳам кечириб турган зот.*

* * *

Рубой: *Илм саҳросинда зор-зор югурмоққа не етсин,
Ва маъни оламидин дур қидирмоққа не етсин.
Нега айтдим бу юракка «ноаҳилдан узоқ юр»,
Анинг нопок суҳбатидин юз бурмоққа не етсин.*

Байт: *Ихтиёрим бор дегайсен, қайда қолди ихтиёр,
Ихтиёрни ихтиёр-ла қўлга олганда ёр !*

* * *

Рубоий: *Еб-ич, кийгил, баҳшида эт, еамлаб нетарсен,
Қанча йиёма, бошқаларга ташлаб кетарсен.*

* * *

(Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомлари. Садриддин Салим ва Исроил Субҳоний таржималари. Тошкент, «Шарк», Н.М.А.К.Б.Т., 1993).

Ул зотнинг 114 нафар шогирд — халифалари бўлган. Улардан энг етуқлари: Шайх Шамсиддин Кулол, Мавлоно Ориф Деггароний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқалардир.

Саййид Амир Кулол қабри Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қабридан 5 километр масофада жойлашган.

Насимий (1370 -1417) исми Али, лақаби - Имодиддин. Буюк озарбайжон шоири, файласуфи. Асли Ширвондан. Шамоҳи шаҳрида туғилган, Ҳалабда Миср султони Муайяддин томонидан даҳрийликда айбланиб, тириклайин териси шилиниб қатл этилган. Хуруфийлик тариқатида бўлган. Бу тариқат асосчиси Фазлуллоҳ Наимий билан танишгач, «Насимий» тахаллусини олган. Мовароуннаҳр ҳудудларида ҳам фаолият кўрсатган. Наимий Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ томонидан ўлдирилгандан сўнг, Насимий ватанини тарк этиб, Бағдод, Онатўли (Анатолия), Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшаган, охири Ҳалабда қарор топган ва шу ерда ўлдирилган.

Алоуддин Аттор (Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий) 1315-йили Бухорода туғилиб, 1400-йили 85 ёшида вафот этган. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси. Қабри Тожикистоннинг Чағониён тумани, Деҳинав қишлоғида. «Силсилаи шариф» бўйича ўн еттинчи пир-муршид ҳисобланади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд 1318-йили Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон (Когон тумани)да туғилган, 1389-йили 71 ёшида шу қишлоқда вафот этган. Кейинчалик ул зот шарофатидан бу жойнинг номи Қасри Орифонга айланган. Бул зот сўфийликнинг нақшбандия тариқати асосчиси бўлган. Кимхоб матоларга нақш бериш касби билан шуғулланганлиги учун унга «нақшбанд» тахаллуси берилган.

Бул зот «Хожаи Бузруг» (улуғ хожа), Шоҳи Нақшбанд Баҳоуддин каби номлар билан бутун Фарбу Шарқда машҳур бўлган. Болалигида Бобои Самосий уни маънавий фарзандликка олган. Тариқат одобини ва илмини Саййид Амир Кулолдан олган. Бундан ташқари, у увайсий авлиё бўлиб, бир неча йиллар олдин ўтиб кетган Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг руҳи уни тарбият қилган. Ғойибона руҳий тарбиятни ул зотдан олган, уни устозим, пирим деб билган. Баҳоуддин ҳазратлари Хожа Ориф, Қусам шайх, Халил отадан ҳам таълим олган. Ҳазрат Хизр алайҳиссалом билан бир неча маротаба суҳбатлашган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби ҳазрат Алининг ўғли имом Ҳусайнга бориб туташиди. Она томонидан эса ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб боғланади. «Силсилаи шариф» бўйича ўн олтинчи пир-муршид ҳисобланади.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчи халифаси — Алоуддин Аттор (1315—1400), иккинчиси — Хожа Муҳаммад Порсо (1345—1419), учинчиси эса Алоуддин Гиждувоний ҳисобланади.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатининг давомчиси этиб шогирди Муҳаммад Порсо ибн Маҳмуд Ҳофизи Бухорийни (1345—1419) тайинлади ва «омонати»ни унга васият қилиб қолдирди. Хожа Муҳаммад Порсо Мадинада вафот этганидан кейин, нақшбандийлик тариқатига раҳбарликни унинг фарзанди Хожа Ҳофизиддин Абу Наср ибн Муҳаммад давом эттирди (қабри Балхда).

Ундан кейин шайх Зайниддин Хавофий, сўнг Саъдиддин Қошғарий, сўнг Низомиддин Хомуш, ундан сўнг Хожа Аҳрори Валий, ундан сўнг ҳазрат Абдурахмон Жомий бу тариқатга раҳнамолик қилиб, келгуси авлодларга маънавий мерос қилиб қолдирдилар. Алишер Навоий ва султон Ҳусайн Бойқаролар ҳам Абдурахмон Жомийга мурид бўлганлар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг қабри Бухоро вилояти, Когон тумани, Бухоро шаҳри яқини-

даги Қасри Орифон қишлоғида.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг қарашлари Хожа Аҳмад Яссавий қарашларидан фарқ қилади. Баҳоуддин Нақшбанд Аҳмад Яссавий каби фақирликни, барча мавжудотларга муҳаббат билан қарашни тарғиб қилган. Лекин у таркидунёчилик қилиб, зоҳидликда хайр-эҳсон ҳисобига эмас, балки фақат ўзининг ҳалол меҳнати билан яшашни ёқлаган.

Қуйидаги байт, рубоийлар Баҳоуддин Нақшбанд қаламига мансубдир (Форсчадан Маҳкам Маҳмуд, Садриддин Салим, Исроил Субҳоний ва Илёсхон Ғозий таржималари).

*Бизга ҳою-ҳашам на ҳожат?
Фақирликдин ҳам ғам на ҳожат?
Жанда бирлан ўлсак мозорда —
Дабдабали мотам на ҳожат?*

* * *

*Ҳеч нарсамиз йўғу, вале ҳеч нарсадин кам эрмас,
Ҳеч нарсанинг бўлмаслиги биз учун ҳеч ғам эрмас.
Елкамизда жанда, елка эрса хос ғурбатдадур,
Ногоҳон дунёдин ўтсак ҳам, бу ҳеч мотам эрмас.*

* * *

*Қўлингни эт меҳнат бирла банд,
Дилинг бўлсин ёрингга пайванд.*

* * *

*Ошиқлар миллати динлардин жудо,
Мазҳабу миллати биргина Худо.
Қаъбага боришдин мақсад эрур бир,
Агар борувчилар миқдори юздир.*

Тасаввуф аҳли барча динлар ва мазҳаблардан юқори турганлар. Мазҳаблараро тортишувларни улар бемаъни ва беҳуда нарса деб билганлар.

Хожа Баҳоуддин сўфийликни тарғиб қилиб, Арабистон, Эрон ва Ўрта Осиёнинг кўп шаҳарларида бўлган. Уни халқ Баҳоуддин балоғардон деб билганлар ва тан олганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд қабридан 300 метр нарида ул зотнинг волидаси Орифаи Маъсума ва аммаси Биби Сешанба, холаси Биби Мушкулкушоднинг қабрлари бор.

Хожа Муҳаммад Порсо (Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий) 1345-йили туғилиб, 1419-йилда 72 ёшида вафот этган. Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси. Қабри Мадинада.

Хожа Аҳрор Валий — туркистонлик табаррук авлиё, нақшбандия сулукининг машхур шайх-муршиди. Хожа Аҳрор Валийнинг асл номи Хожа Убайдуллоҳ бўлиб, 1404-йилда Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғида туғилган ва 1490-йил 21- февралда Камонгаронда 86 ёшида вафот этган. Унинг табаррук жасади Самарқанд шаҳрининг Кафший маҳалласи мозорида дафн этилган.

У она томондан машхур шайх, авлиё — Шайх Хованд Тахурнинг набираси бўлган. Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрган. Нақшбандия сўфийлик тариқатининг йирик намояндаси, Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Яъқуб Чархийдан (вафоти 1447) муршидлик фатвосини олган.

Хожа Аҳрор Ислом оламида катта нуфузга, мавқега эга бўлиб, «валий» — авлиё сифатида танилган. Машхур сўфий Баҳоуддин Нақшбанд ишининг энг йирик давомчиси бўлган.

Амир Темурнинг набираси буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек (1394—1449)дан 10 ёш кичик бўлиб, Улуғбек тахтга ўтирганда у 5 ёшда, қатл этилганда эса 45 ёшда бўлган.

Хожа Аҳрор Валийнинг мавқеи Улуғбекдан кейин бўлган темурийзода Абу Саид мирзо ҳукмронлик қилган даврда (1451—1469) кучли бўлиб, элга танилган.

Маълумингизки, шўролар даврида барча динларга, руҳонийларга, азиз-авлиёларга қар-

ши очикдан-очик «уруш» эълон қилинган ва барча атоқли дин хомийларига қарши ҳар қандай йўл билан уларни обрўсизлантирувчи тухмат, бўҳтон уюштирила бошланди. Шу жумладан, Хожа Аҳрор Валий ҳам буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек ўлимнинг айбдорларидан бири сифатида қораланди.

Мустақиллик йилларида бундай тарихий воқеаларни кўпол ва беҳаёларча бузилишига эътироз билдирилиб, кўплаб олимлар томонидан мақолалар ёзила бошланди.

Улуғбекнинг ўлимида Хожа Аҳрор Валийнинг кўли бор, алломанинг ўлдирилишига фатво берган, машҳур расадхонани буздирган, ундаги илми толибларни қувғин қилган деган уйдирманинг асосизлигини кўп олимлар қатори академик А.Н.Болдирев ҳам тасдиқлаган. Унинг ёзишича, Улуғбек салтанати даврида Хожа Аҳрор катта нуфузга эга бўлмаган, инчунин, ундан фатво сўрашлари мумкин бўлмаган ҳодисадир. Боз устига у ўша вақтларда Самарқандда эмас, балки бувалари Шайх Хованд Тахур ҳузурда, Тошкентда яшаган. Бу пайтда у зот давлат ишларига таъсир эта олиш даражасида катта мавқе ва нуфузга эга эмас эди.

Улуғбек, ўғли Абдуллатиф буйруғи билан қатл этилгач, 1 йилу 7 ой, 14 кундан кейин яъни 1452-йилда Хожа Аҳрор амир Абу Саид Мирзо (1451—1469) таклифи билан Тошкентдан Самарқандга кўчиб келган.

Хожа Аҳрор Валий, Мирзо Улуғбекдан кейинги даврларда — Султон Абу Саид ва унинг ўғли Султон Аҳмад мирзолар ҳукмдорлик қилган, яъни 1452- йилдан кейингина олий мақом, илоҳий сирларнинг орифи ва мазҳари, давлат ва дин шарафи каби унвонлар соҳиби ҳамда фуқаролар пуштипаноҳи сифатида тилга олиниб, Ислоом оламига танила бошлаган.

Шундай қилиб, шўролар тўқиб чиқарган уйдирма — Мирзо Улуғбекни қатл этишга Хожа Аҳрор Валий фатво берган деган гап ғирт ёлгон ва бўҳтондан бошқа нарса эмас.

Хожа Аҳрор Валийнинг отаси Хожа Маҳмуд аждоди Муҳаммад Номий Бағдодийга бориб тақалади. X асрда яшаб ўтган Муҳаммад Номий Шошнинг машҳур уламоларидан бўлмиш Абу Бакр Муҳаммад Қафғол Шошийнинг шуҳратини эшитиб, Бағдоддан Шошга келиб ундан сабоқ олган ва шу ерда яшаб қолган. Хожа Аҳрорнинг отаси ана шу хонадоннинг фарзандларидан бўлган.

Хожа Аҳрорнинг онаси Хожа Довуднинг қизи бўлиб, Хожа Довуд Шайх Хованди Тахур (Шайхонтахур)нинг ўғли бўлган. Шайх Хованди Тахурнинг отаси Баҳоуддин Нақшбанднинг энг яқин муриди (шогирди) Умар Боғистоний бўлган.

Хожа Аҳрорнинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. У турли хил асарлари ва ранг-баранг мавзулардаги ҳикматомуз сўзлари билан тасаввуфнинг забардаст намояндалари Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Абу Саид Абул Хайр, нақшбандия тариқатининг арбоблари Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Саъдиддин Қошғарий, Яъқуб Чархийларнинг йўналишларини давом эттириб, катта обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Натижада уни кўпдан-кўп алломалар, шу жумладан, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ҳам ўзларига маънавий пир-устоз деб билганлар. Хожа Аҳрор Алишер Навоий билан хат ёзишиб ҳам турган. Бу уч аллома ўз асарларида Хожа Аҳрорни бениҳоя ҳурмат билан тилга олар, унга бағишлаб дostonлар битар, унинг асарларини ўзбек тилига ўғирардилар. Алишер Навоий Хожа Аҳрорнинг ўзига ёзган мактубларини ниҳоятда авайлаб, уларни бошқа атоқли, номдор шахслардан келган мактублардан тузилган мураккаб (альбом)га киритган.

Хожа Аҳрор машҳур уламо Саъдиддин Қошғарий, Шоҳқосим Анварий (1355—1433)лар билан яқин алоқада бўлган. 1428—1432- йилларда Ҳиротда Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофийлар суҳбатида бўлган. Шундан кейин 1433- йилларда Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди мавлоно Яъқуб Чархий (1378—1447) ҳузурига келиб, ундан нақшбандия тариқати асосларини ўрганади ва уни пир-муршид сифатида тан олади.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ўша даврда халқ оммаси орасида эътибор қозонган нақшбандия-хожагон тариқатининг асосий йўналишини шундай белгилаган эди: *«Хожагон тариқати дарвешларининг удуми шундан иборатки, улар ўзларининг барча ҳимматларини бирор-бир иш билан машғул бўлишга сарф қиладилар... Энг яхши йўл*

бир мусулмон кўнглини хурсанд қилмоқдан иборатдир».

Афғонистоннинг машхур олими Абдулхай Ҳабибий шу масалани изохлаб: «*Хожа Аҳрорнинг сўзларидан маълум бўладики, нақшбандийлар одамларга ижтимоий жиҳатдан фойдали бўлган роҳат ва хурсандчилик бағишлаш каби олижанобликни энг гўзал ахлоқ деб билардилар».*

Хожа Аҳрорнинг куйидаги сўзлари ҳам унинг ҳаракат дастурини ёритиб беради:

«Бизга бошқа эзгу ишлардан ташқари яна мусулмонларни золимлар зулмидан ҳимоя қилиш вазифаси ҳам юклатилган. Ана шуни амалга ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида бизга подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб туриш лозим бўлади... Агар машойихлар ўз вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар, биз фуқаро учун ўз вақтимизни аямаймиз».

Хожа Аҳрорнинг бу ҳаракат маромномаси унинг бобокалони Шайх Умар Боғистонийнинг ўғлига, яъни Шайх Хованд Таҳурга айтган: «*Таҳур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, мусулмон бўл!*» деган насиҳат-ҳикматли сўзига асосланган. Яъни Хожа Аҳрор ҳақиқий мусулмон бўлмоқ — фуқаро манфаатлари учун яшамоқ эканлигини ўзи учун кашф қилганидан далолат беради.

Хожа Аҳрорнинг мол-давлати бениҳоя мўл бўлиб, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги кўп ерлар унга қарашли бўлган. Буларнинг айрим қисми сотиб олинган бўлса, айримлари назр қилиш йўли билан унинг номига ўтказилган. Бунинг асосий сабабларидан бири шу эдики, Султон Абу Саид мирзонинг фармони билан унга қарашли ер ва мулкдан фақатгина 10/1 микдорда ушр солиғи олинар эди, холос. Шунинг учун кўпчилик деҳқонлар ерларини Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга назр қилиш билан унинг номига ўтказардилар-у, ўзлари ўша ерларида ишлашни давом эттираверар эдилар. Бунинг натижасида улар ортиқча солиқлардан халос бўлишарди.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ўзининг ер ва мулкдан келадиган даромадларни эса халққа солинган ортиқча солиқларни тўлашга, мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа хил қурилишларга сарфларди.

Масалан, амир Умар Шайх Тошкент аҳолисидан 250 минг динор солиқ талаб қилганда, у бу солиқнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна қўшимча 70 минг динорни ҳам солиқ тўловчиларга олдиндан топшириб қўйган. Султон Аҳмад мирзо хазинасига ҳам солиқ тўловчилар номидан 10 минг кумуш танга топширган. Буларнинг ҳаммаси уни сахий, жавонмард, қўли очиқ ва покиза шахс сифатида намоён этар ва уни халқ Хожа Аҳрор Валий деб улуғлашарди.

Хожа Аҳрорнинг обрўси ортиб боришини ўша вақтдаёқ баъзи ичиқора амалдор ва шарият пешволари кўра олмай, уни обрўсизлантириш ҳамда тобора юксалаётган мавқеени пасайтириш қўйига тушмоқчи ҳам бўлганлар.

1468-йилда Султон Абу Саид вафотидан кейин Самарқанд шайхулисломи Хожа Мавлоно бир киши билан унинг Мотуриддаги ҳовлисини мусодара қилиш учун борган экан. Шу вақтда отасининг ўрнига бўлган янги Султон Аҳмад мирзо Хожа Аҳрорнинг уйига ташриф буюрибди. Буни эшитган Хожа Мавлоно ва унинг шериги ҳовли деворидан ўзларини ташлаб, қочиб қолган эканлар. Шундан кейин Хожа Мавлононинг ишлари таназзулга учраб, оқибат ниҳоятда хор-зорликда оламдан ўтган экан. Оламдан ўтишда эса у ўзининг яқинларига Хожа Аҳрордан кечирим сўрашларини васият қилган экан. (*Қаранг*: Ботурхон Валихўжаев. Хожа Аҳрор тарихи. Тошкент, «Ёзувчи», 1994).

Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанд зикр талқини таълимини Саййид Амир Кулолдан олган. Саййид Амир Кулол эса Мухаммад Бобойи Самосийдан, ул зот Али Ромитанийдан, ул зот Маҳмуд Анжир Фағнавийдан, ул зот Ориф Ревгарийдан, ул зот Абдулҳолик Фиждувонийдан, ул зот Юсуф Ҳамадонийдан, ул зот Абу Али Фармадийдан, ул зот Абулқосим Гургонийдан, ул зот Абулҳасан Ҳарақонийдан, ул зот Боязид Бистомийдан, ул зот Имом Жаъфар ас-Содиқдан, ул зот отаси Имом Мухаммад Боқирдан, ул зот отаси Имом Зайнулобиддиндан, ул зот отаси Имом Ҳусайндан, ул зот отаси Ҳазрат Али ибн Абу Толибдан олганлар.

Ул зот эса пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга шогирд бўлганлар. Буларнинг барини олтин силсила аъзолари деб атайдилар.

Шундай қилиб, Хожа Аҳрор Валий руҳан ва маънан мана шу силсила билан боғлиқ.

Соҳибқирон Амир Темур пирлари. Бобомиз Амир Темур дунёни титратган кучли, қудратли буюк давлатини пайғамбар алайҳиссалом авлодлари бўлмиш саййидлар, тўраларни хурмат-иззат қилиб, сўфийлар, тасаввуф аҳли, валийлар, авлиёларни дўст тутиб, дунёвий, диний олим, уламою ҳукамоларнинг фикрлари, йўл-йўриқлари, фатволари билан ҳисоблашиб, машварат асосида қаттиққўллик, аммо адолат билан иш юритиб ташкил этишга муваффақ бўлган. Соҳибқирон қўл берган тасаввуф пирларидан бири аввал отасининг ҳам пири, яъни Амир Темур ўз ҳаёти давомида ихлос қўйиб, қўл берган тўрт пирларидан **биринчиси** шахрисабзлик Шайх Шамсиддин Кулол ал-Фохурий бўлган (вафоти 1372- йил). Шайх вафотидан кейин Соҳибқирон отасининг ҳокини кўчириб, унинг қабри этагига дафн этган. Темурнинг исмини ҳам ана шу шайх қўйган.

Амир Темурнинг **иккинчи пири** — Саййид Амир Кулолдир (у ҳам 1372- йил вафот этган). Ул зоти бобаракот, юқорида айтиб ўтилганидек, Бухоронинг Сухор қишлоғида умр кечирган.

Саййид Амир Кулол Бухорода хожагон тариқатини Хожа Абдулҳолик Ғиждувонийдан кейин давом эттириб, бу силсилани ривожлантирган буюк зотдир. Унинг мухлислари жуда кўп бўлиб, жумладан, Шайх Шамсиддин Кулол ҳам ул зотнинг асҳобларидан бири эди.

Учинчи пири Саййид Барака (1324—1404)дир. Ул зот Маккаи мукарраманинг улуғларидан, яъни Каъба хожаши учун белгиланган вақфларнинг Хуросондаги ноиби бўлган ва оиласи билан Андхўй вилоятига кўчиб келиб яшаб қолган.

Амир Ҳусайн Балхни пойтахт қилиб турган пайтда Саййид Барака унинг ҳузурига келиб, белгиланган вақфни ажратиб беришни сўраган. Амир Ҳусайн эса бу таклифни рад этган. Сўнгра бу улуғ зот Соҳибқирон Амир Темур ҳузурига боради. Уни Термиз яқинида катта тантана билан кутиб оладилар. Амир Темур Саййид Баракага, у пайғамбар авлоди экани учун ҳам катта ихлос билан қараб, у тақдим этган ногора ва байроқни бўлажак Ислом йўлидаги зафарларининг муқаддимаси деб билган. Улар орасидаги мустақкам дўстлик умрларининг охиригача давом этган.

Саййид Барака Андхўйда дафн этилган бўлса-да, лекин Шоҳрух мирзо (Темурнинг ўғли) унинг ҳокини Самарқандга, Ғўри Амир мақбарасига, Темур қабрининг бош томонига кўчирган.

Тўртинчи пири Шайх Зайниддин Абу Бакр ат-Тойбодийдир. Ул зот хуросонлик Аҳмад ибн Ханбал издоши, яъни ханбалий тасаввуф таълимотининг давомчисидир.

Соҳибқирон бу шайх билан биринчи марта 1381-йилда Ҳаридуд водийсида учрашади. Амир Темур бу юриш чоғида Тойбод қишлоғига йўли тушади ва шу ерда улуғ бир шайх борлигини билиб, уни ўз ҳузурига чорлаб одам юборади. Шайх унга: «*Мени Амир Темурда ишим йўқ*», деб жавоб беради. Бундай жавобни эшитиб, Соҳибқирон ўзининг машхур лашкарбошиларидан бирини юборади. Лашкарбоши ҳам шайх ҳузуридан ранглари ўчган бир ҳолатда ёлғиз қайтади. Лашкарбоши шайх ҳузурига отда кириб борганини, шунда шайх қўлида ҳасса билан тургани ва энди сўз айтмоққа оғиз очмоқчи бўлганида ҳушидан кетиб, хаёлида гўё бир аждаҳо оғзидан олов пуркаб, уни ютмоқчи бўлганини, бу ерга зўрға етиб келганини Амир Темурга сўзлаб беради.

Амир Темур шайх зиёратига ёлғиз ўзи йўл олади. Етиб борганида Шайх Зайниддин Тойбодий уйдан чиқиб, Амир Темурни кутиб олади. Шайх Соҳибқироннинг елкасига қўлини қўяди. Ушбу ҳолат ҳақида жисмонан ғоят кучли бўлган Амир Темур шундай деган экан: «*Агар шайх яна бир замон қўлини елкамдан олмаганда, мен гўёки осмон устимга тушиб, оғирлик тағида қолиб пачоқ бўлаёзгандай эдим*». Шундан сўнг шайх уни уйга таклиф қилиб суҳбатлашади, панд-насихат қилади. Амир Темур шайхнинг сўзларини диққат билан эшитиб, унинг дуосини олиб хайрлашади.

Шайх Зайниддин Тойбодий 1291-йил Ҳиротнинг Тойбод қишлоғида туғилиб, 1389-йили 98 ёшида вафот этган.

Юқорида номлари зикр қилинган пир-муршидлардан ташқари Навоий вилояти, Навоий тумани, Ҳазора қишлоғида Мавлоно Ориф Деггаронийнинг, Имом ал-Бухорий мақбарасига етмасдан Даҳбед қишлоғида Махдуми Аъзам Косонийнинг, Бухоро шаҳри чеккасида Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг, Шаҳрисабз шаҳри чеккасида Шайх Шамсиддин Кулол ва

бошқа азиз-авлиёларнинг қабрлари мавжуд.

Бизга Ислом тарихидан маълумки, Уҳуд тоғи ёнида мушриклар билан бўлган жангда Расулulloҳ қаттиқ жароҳатланиб муборак тишларидан бири синган эди. Шунда жаноби пайғамбаримиздан у мушрикларни дуоибад қилишларини сўрадилар.

Пайғамбаримиз эса **Аллоҳ таолодан** у мушрикларининг қалбларига хидоят нури сочишни, ҳақ йўлга йўллашни, уларга инсоф-тавфик ато этишни сўрадилар.

Пайғамбаримиз дуолари мустажоб бўлиб, Исломнинг энг ашаддий душманлари бўлган Абу Сўфиён ва Холид ибн Валид Исломни қабул қилдилар ва машҳур саркардалардан бўлиб етишдилар. Улар, Ислом йўлида кўпдан-кўп жангларда қатнашиб, ғайрат қилиб, зафар топиб, барчага намуна бўлдилар.

Пайғамбаримизнинг бу суннатларини сўфийлар маҳкам тутганлар.

Нақл қилишларича, Баҳоуддиннинг муридларидан бири, бир жоҳил миршаб билан айтишиб қолади. Миршаб уни камчи билан уриб оғзи, бурни ва оппоқ соқолини қоп-қора қон қилади. Жоҳил миршаб билан чолни Баҳоуддиннинг олдига олиб келадилар. Шунда Баҳоуддин миршабдан хафа бўлиш ўрнига, қўл очиб:

«Ё Рабб! Буни сол яхши йўлга, ғазаб қилма анга, қилгил хидоят», деб дуо қилади.

Жоҳил миршаб кутилмаган бу сўзни эшитиб, англаб, тавба қилиб, ёқасини йиртиб, фарёд айлаб йиғлаб юборади:

*Юзин ерга суртиб нола қилди
Кўзин ёшин чун жола қилди.*

*Худо ул бандага қилди иноят,
Неча кун ўтмайин тобти валоят.*

*Ана хулқу, ана ҳилму, ана ҳол,
Ана давлат, ана нусрату иқбол.*

*Ана ҳиммат, ана хулқу, ана кор,
Ана табияти султони аброр.*

Баҳоуддин муридларига доимо сабоқ бериб айтардики:

*Ёмонларнинг ишидур гина тутмоқ,
Мусулмонлик — ёмонликни унутмоқ.*

Бунга Шайх Саъдий Шерозийнинг:

*Яхшиликка — яхшилик, ҳар кишининг ишидир,
Ёмонликка — яхшилик, мард кишининг ишидир.*

деган ҳикмати ҳамоҳанг бўлиб тушади.

Ҳазрат Баҳоуддин бу ҳақда яна:

«Бу оламда яхшилар бирлан дўстлашишни ҳамма ҳам хуш кўради, агар комил бўлсанг, ёмонларни ҳам дўст тута олгин. Уларни қарғама, дуқибад қилма, Аллоҳдан уларга инсоф ва хидоят сўра. Динимизнинг амри шундай», деган эканлар.

Шайтон Инсоннинг яққол душманидир, аммо уни ҳам сўкиб ҳақорат қилиб бўлмайди. Унинг ёмонликларидан **Аллоҳдан** паноҳ тиланади, холос.

Шайтоннинг **Аллоҳга** дўст-душманлиги муаммоси уламоларимиз ўртасида ҳанузгача узил-кесил ечилган эмас. Шайтон **Аллоҳга** дўст ҳам эмас, душман ҳам эмас, деювчилар ҳам бор.

Аллоҳнинг Ўзи тўғриси билгувчирокдир.

Сўфи Аллоёр, (Оллоёр) — ўзбек халқининг машҳур шоири бўлиб, у Самарқанд вилояти, Окдарё тумани, Минглар қишлоғининг Сўфи гузариди милодий 1616-йили дунёга келиб, 1706-йилда вафот этган. Отасининг исми Оллоҳқули.

Сўфи Оллоёр мутасаввуф, шоир, диний арбобгина эмас, балки аввало шайх-авлиё ҳам

бўлган. Унинг таваллуди ва вафоти тўғрисидаги маълумотлар бирмунча ихтилофлидир.

Сўфи Оллоёрнинг туғилган йили «Сабот ул-ожизин» китобида (Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1991) хижрий 1133, милодий 1721-йил дейилган бўлса (вафот этган йили кўрсатилмаган), «Сирли олам» рўзномасининг 2000-йил июл сонидида чоп этилган «Сўфи Оллоёрнинг сўнги каромати» (Султонмурод Олимов) мақоласида шоирнинг таваллуди 1616, вафоти 1706-йил деб кўрсатилган.

И.Сувонкулов ва Х.Эралиевларнинг «Фан ва турмуш» журнали (2001-йил, 2-сон, 9-бет)даги мақоласида эса у Бухоро билан Самарқанд оралиғидаги Зарафшон воҳаси (Миёнқол)да 1644-йилда таваллуд топиб, 1725-йилда вафот этганлиги кўрсатилган.

Сўфи Оллоёр бошланғич таълимни ўз қишлоғида олиб, 10 ёшида Бухорога бориб, у ерда 15 йил турли илмларни ўрганади. Шундан кейин 25 ёшида божхона амалдори этиб тайинланади. Сўфи Оллоёр дастлаб қаттиққўл, раҳмсиз божгир эди.

Бир куни Жўйбор шайхларидан бири Ҳабибуллоҳнинг бир шогирди Бухорога кираве-ришда савдогарлардан мол олиб, божгирлардан беркитиб шаҳарга олиб кираётганида қўлга тушади ва у Оллоёрнинг буйруғи билан қаттиқ қамчиланиб жазоланади.

Ҳаммаёғи қонга беланган шогирд шайхга келиб Оллоёрдан шикоят қилади, ул зот эса уни қарғаш ўрнига **Аллоҳ таолодан** унга инсоф-тавфиқ беришни, кўнглига раҳм-шафқат туйғуларини солишни тилаб дуо қилади.

Кунлардан бир куни Оллоёр шайхнинг зиёратига бориб, унинг ҳузурига келиб ўлтиради. Шунда Шайх Ҳабибуллоҳ унга қарата: «*Бу жой мансабдорлар эмас, балки илм толиблари ва ғариблар масканидир*», дейди. Шунда Оллоёр таъсирланиб: «*Тавфиқ Аллоҳдан, иноят Кибриёдан, ҳидоят Зулжалолдандир, эй шайх*», дея жавоб беради.

Ўзининг дуоси ижобат бўлиб, Оллоёрнинг бутунлай ўзгарганини ва ундан келгусида мусулмонларга катта фойда етишини қалбан сезган Шайх Ҳабибуллоҳ уни ўз халқасига қўшади. Шундан кейин у шайх қўлида 12 йил таълим олиб, улуг олим ва авлиё даражасига етишади.

Сўфи Оллоёрнинг айниқса «Сабот ул-ожизин», «Сирож ул-ожизин», «Мурод ул-орифин», «Махзан ул-мутиъин», «Нажот ут-толибин» ва бошқа асарлари Ислом оламида машҳурдир. Шоирнинг асарлари мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган. Тошкент, Когон, Боку, Қозонда қайта-қайта нашр қилинган.

Манбаларда Сўфи Оллоёрнинг қабри Денов шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида эканлиги қайд этилган.

Силсилаи шариф (Олтин халқа аъзолари)

	Туғилган йили	Вафот этган йили
1. Саййиди коинот, онҳазрат, Расули акрам, Муҳаммад Мустафо (саллаллоху алайҳи вассаллам)	571	632
2. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ	572	634
3. Салмон Форсий (350 йил яшаган дейилади)	—	655
4. Имом Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр	—	—
5. Имом Жаъфар ас-Содик	700	765
6. Боязид Бистомий	801	875
7. Шайх Абул Ҳасан ал-Ҳарақоний	954	1034
8. Шайх Абу Али ал-Фармадий	1004	1084
9. Хожа Юсуф Ҳамадоний	1048	1140
10. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний (Хожаи Жаҳон)	1103	1179
11. Хожа Ориф ар-Ревгарий (Хожа Ориф Моҳитобон)	1156	1259
12. Хожа Маҳмуд Анжир ал-Фағнавий	1227	1317
13. Хожа Али ар-Ромитаний (Хожаи Азизон)	1191	1321

14. Хожа Муҳаммад Бобои Самосий	1259	1354
15. Саййид Амир Кулол	1287	1372
16. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (Хожан Бузург)	1318	1389
17. Хожа Муҳаммад Алоуддин Аттор	1315	1400
18. Хожа Яъқуб ал-Чархий	1378	1447
19. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий	1404	1490
20. Хожа Муҳаммад Зоҳид	—	—
21. Хожа Муҳаммад Дарвеш	—	—
22. Хожа ал-Амкангий (Имганнакий)	—	1601
23. Хожа Муҳаммад Боқийбуллоҳ	1530	1605
24. Имом Раббоний Мужоуддин алфи соний Шайх Аҳмад Фаррух ас-Сирҳиндий	1564	1624
25. Хожа Муҳаммад Маъсум	—	1669
26. Шайх Сайфиддин	—	—
27. Саййид Нурий Муҳаммад ал-Бадвоний	—	—
28. Шамсиддин Жони Жонон Мазҳар	—	—
29. Шайх Абдуллоҳ ад-Деҳлавий	—	—
30. Мавлоно Зиёвуддин Холид ал-Бағдодий	—	—
31. Аҳмад ибн Сулаймон Хомоз Ҳасан ас-Сомий	—	—
32. Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушҳаравий	—	—
33. Ҳасан Ҳилмий ал-Кастамоний	—	—
34. Исмоил Нажоший ас-Сағфиранболий	—	—
35. Умар Зиёвуддин ад-Доғистоний	—	—
36. Мустафо Файзий ибн Амруллоҳ ат-Такфурдоғий	—	—
37. Ҳосиб аш-Шерозий	—	—
38. Абдулазиз ал-Косоний	—	—
39. Муҳаммад Зоҳир ибн Иброҳим ал-Бурсоний	—	—

Бу машхур «силсилаи шариф» «Дурдона. Мир Кулол ва шоҳи Нақшбанд мақоматларидан» китоби бўйича берилди («Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, Тошкент, 1993, 72-бет. Яна қаранг: Садриддин Салим Бухорий, Дилда ёр. Тошкент. «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993. 75-бет).

Тасаввуфда, бинонинг асосий тўрт устуни бўлгани каби, қуйидагилар ҳам тўрт устунга, яъни асосга эга деб ҳисобланган:

Ҳақиқат пирлари:

- Жаброил алайҳиссалом;
- Микоил алайҳиссалом;
- Исрофил алайҳиссалом;
- Азроил алайҳиссалом.

Ихлос пирлари:

- Идрис алайҳиссалом;
- Хизр алайҳиссалом;
- Илёс алайҳиссалом;
- Ийсо алайҳиссалом.

Тўрт пайғамбарнинг сифатлари:

- Одам алайҳиссалом — сафийуллоҳ;
- Иброҳим алайҳиссалом — халилуллоҳ;
- Мусо алайҳиссалом — калимуллоҳ;
- Ийсо алайҳиссалом — рухуллоҳ.

Чорёрлар:

- Абу Бакр Сиддик (572—634);
- Умар ул-Форуқ (585—644);
- Усмон Зуннурин (574—656);
- Али Муртазо(601—661).

Чорёрлар тўрт унсурга тенглаштирилади:

- Абу Бакр Сиддик — сувга;
- Умар ибн Хаттоб — шамолга (ҳавога);
- Усмон ибн Аффон — ўтга;
- Али ибн Абу Толиб — тупроққа.

Руки пирлари:

- Хожа Яҳмад Яссавий (1033—1166);
- Султон Али Мусо (номаълум);
- Шоҳ Носир Хусрав (1004—1088);
- Фаридиддин Шакарганжий (номаълум).

Мазҳаб пирлари:

- Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ (699—767);
- Имоми Молик раҳматуллоҳи алайҳ (713—795);
- Имоми Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳ (767—820);
- Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ (780—855);

Мазҳаб пирлари инсон танасидаги тўрт унсурга ўхшатилади:

- Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ — қонга;
- Имоми Молик раҳматуллоҳи алайҳ — савдога;
- Имоми Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳ — балғамга;
- Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ — сафрога.

Маърифат пирлари:

- Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1184—1292);
- Мавлоно Жалолиддин Румий (1207—1273);
- Шайх Алоуддин Аттор ал-Бухорий (1315—1400);
- Шоҳ Қосим Анварий (1355—1433).

Машҳур тариқат пирлари:

- Юсуф Хамадоний (1048—1140);
- Абдуҳолик Гиждувоний (1103—1179);
- Саййид Мир Кулол (1287—1378);
- Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389).

Одамзод танасидаги тўрт унсур:

- қон — ранги қизил, мизожи — иссиқ;
- сафро — ранги сариқ, мизожи — совуқ;
- савдо (йиринг) — фасод, қора, мизожи — иссиқ;
- балғам (шилимшиқ) — ранги оқ, ҳўл, мизожи — совуқ.

Истеъмол қилинадиган барча озик-овқатлар ҳам тўрт хил мизожда бўлади:

- куруқ, ҳўл, иссиқ, совуқ.

Табиат ҳам тўрт унсурдан ташкил топган:

- тупроқ, сув, ҳаво, олов.

Шайх Нажмиддин Кубро 7 хил ранг хислатини етти тушунчага мослаб талқин этган:

- 1) Оқ — исломни;
- 2) Сарик — иймонни;
- 3) Зангори — эҳсонни;
- 4) Яшил — ишончни (итмино);
- 5) Кўк — тўлиқ ишончни (икон);
- 6) Қизил — ирфонни;
- 7) Қора — ҳаяжон, ҳайратни англаган.

Тасаввуфда қуйидаги йўналишларни фарқлайдилар: зоҳидона тасаввуф, орифона тасаввуф, ошиқона тасаввуф, риндона тасаввуф. Ана шу турли оқимларга мансуб сўфийларнинг ҳам ўз қарашлари бўлганлиги табиий бир ҳолдир. Улар орасида зоҳидлар, мўътадил орифлар, исёнкор ошиқлар, девоналар, дарвешлар, дарбадар қаландарлар, донишманд олим, уламо, файласуфларни учратамиз. Шундай қилиб, сўфийлик тариқатлари Ислом динини турли мамлакатлар ва ҳудудларда кенг тарқалишида катта аҳамият касб этди.

Ўрта Осиё мамлакатларида исломият асосан сўфийлик тариқатлари воситасида кенг тарқалди. Осиё, Европа, Африка ва ҳатто Америка қитъасида ҳам ислом бугунги кунда сўфийлик тариқатлари воситасида ёйилмоқда.

Ислом тасаввуфига қизиқувчилар сўфийлар ҳақида ёзилган ажойиб-ғаройиб қиссалар ва ривоятларни тегишли адабиётлардан ўқиб олишлари мумкин. Булар ҳақида кенгайтириб ёзиш китобимиз мақсадига кирмайди. Шу боисдан тасаввуф, сўфийлик, тариқат, сулук, силсилалар ҳақида ана шу ёзганларимиз билан кифояланамиз.

Энди Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин етишган азиз-авлиёлар, тасаввуф пирлари, уламолардан айримларининг номларини кўрсатиб ўтамиз. Улар ичида ҳам сўфий, ҳам диний олим-файласуф, ҳам уламо, ҳам камолга етган машхур азайимхонлар бор.

Рўйхат таваллуд санаси (хронология) тартиби бўйича келтирилди. Туғилган, вафот этган йиллари аниқланмаган шахслар алоҳида рўйхатда берилди.

Машхур сўфийлар, тасаввуф пирлари, азиз-авлиёлар ва мутасаввуф уламолар рўйхати

	таваллуди	вафоти
1. Салмон Форсий (350 йил яшаган дейлади)	—	655
2. Абу Бакр Сиддиқ (Абдуллоҳ ибн Абу Қаххофа)	572	634
3. Усмон ибн Аффон	574	656
4. Умар ибн Хаттоб	585	644
5. Абу Ҳурайра (Абдурахмон ибн Саҳр ад-Давсий)	601	679
6. Али ибн Абу Толиб	601	661
7. Увайс Қарайний	—	657
8. Арслон Боб (Арслон бобо)	—	—
9. Шурайҳ ибн ал-Ҳорис	608	708
10. Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр	—	—
11. Анас ибн Молик	610	712
12. Зайд ибн Собит	615	665
13. Имом Ҳасан ибн Али	625	669
14. Усома ибн Зайд ибн Ҳорис	—	673
15. Имом Ҳусайн ибн Али	627	681
16. Нофиъ ибн ал-Азрақ	—	685
17. Маъбад ал-Жухайний	—	704
18. Имом Зайнулобиддин Али	—	713
19. Жобир ибн Зайд	—	717
20. Имом аш-Шаъбий ал-Куфий	641	721
21. Ҳасан Басрий (Абу Саъид ибн Абул Ҳасан Жаъфар ал-Басрий)	642	728
22. Имом Муҳаммад ал-Боқир	—	732
23. Ато ибн Абу Рабоҳ	—	732
24. Ҳаммод ибн Абу Сулаймон	—	738
25. Имом Зайд ибн Али	—	740
26. Файлан ад-Дамашқий	—	742
27. Осим	—	744
28. Жаҳм ибн Сафвон	—	745
29. Восил ибн Ато	699	748
30. Амр ибн Убайд	699	761
31. Имом Аъзам Абу Ҳанифа	699	767
32. Имом Жаъфар ас-Содиқ	700	765
33. Аулҳошим Куфий ас-Сўфий	—	767

34. Лайс ибн Саъд	—	773
35. Абдурахмон ибн Амр ал-Авзойи	707	774
36. Муқотил ибн Сулаймон	—	767
37. Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий	—	783
38. Молик ибн Онас (Абу Абдуллоҳ)	713	795
39. Робийа Адавийа	714	801
40. Сўфиён ас-Саврий	715	778
41. Султон Иброҳим Адҳам	716	782
42. Нофиъ ибн Абдурахмон Ал-Лайсий	—	786
43. Абу Юсуф Яъқуб	—	795
44. Имом Мусо ал-Козим	—	799
45. Абу Ҳафс	—	805
46. Имом Яъқуб ибн Иброҳим ал-Кўфий ал-Ансорий	731	804
47. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний	749	804
48. Шақиқ ал-Балхий	—	810
49. Ҳишом ибн ал-Ҳакам ал-Кўфий	—	814
50. Маъруф ал-Кархий	—	816
51. Ҳусайн ибн Муҳаммад ан-Нажжор	—	845
52. Ҳаким ат-Термизий	749	869
53. Абу Ҳузайл ал-Аллоф	749	849
54. Имом Али ар-Ризо	765	818
55. Имом Шофиъий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий)	767	820
56. Абдак Сўфий	—	821
57. Абу Убайд ал-Қосим ал-Ҳиравий	770	837
58. Жобир ибн Ҳайён	—	822
59. Бишр ибн ал-Муътамир	—	825
60. Сумама ибн ал-Ашрас	—	828
61. Асад ибн Фурот ат-Тунисий	—	829
62. Бишр ал-Морисий	—	833
63. Имом Муҳаммад ат-Тақий	—	835
64. Абу Сулаймон Дароний	—	842
65. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сайёр ан-Наззом	—	845
66. Яҳё ал-Лайс ал-Андалусий	—	849
67. Абу Савр Иброҳим ал-Бағдодий	—	854
68. Аҳмад ибн Абу Довуд	—	854
69. Абдуссалом ат-Танухий	—	855
70. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал	780	855
71. Ҳорис Муҳосибий	781	857
72. Зуннун Мисрий	796	861
73. Имом Али ан-Нақий	—	868
74. Ал-Киндий	800	879
75. Боязид Бистомий (Абу Язид Тайфур ибн Ийсо)	801	875
76. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Киром	806	869
77. Имом Исмоил ал-Бухорий	810	870
78. Имом Муслим ан-Найсабурий	817	875
79. Фулсмул Халил	—	876
80. Абу Ҳафс Амр ан-Найсабурий ал-Ҳаддод	—	881
81. Имом Довуд ибн Али ал-Исфаҳоний аз-Зоҳирий	—	883
82. Муҳаммад ибн Нусайр ан-Нумайрий	—	883
83. Ҳамдун ал-Қассор	—	884
84. Имом Абу Довуд Сулаймон Сижжистоний	817	888

85. Саҳл ибн Абдуллоҳ ат-Тустарий	818	896
86. Имом Муҳаммад ибн Язид ибн Можжа	824	886
87. Абу Ийсо ат-Термизий	824	892
88. Абу Саъид ал-Ҳарроз	—	899
89. Амр Усмон ал-Маккий	—	904
90. Абул Ҳусайн Нурий	—	907
91. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салим	—	909
92. Жунайд Бардодий	—	910
93. Саъид ал-Ҳирий ал-Воиз	—	911
94. Рувайм	—	915
95. Имом Аҳмад ан-Насоий	830	915
96. Али ибн Муҳаммад Зоҳид	—	925
97. Ибн Абу Довуд	—	928
98. Ат-Табарий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир	839	923
99. Имом Ҳасан ал-Асқарий	846	873
100. Абу Али ал-Жубба	—	915
101. Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб ал-Жубайи	850	915
102. Аҳмад ибн Идрис ал-Ашъарий	—	919
103. Мансур Ҳаллож	858	922
104. Ибн Мужтаҳид	859	936
105. Абдуллоҳ ибн Хафиф	—	940
106. Шайх Абу Бакр Шиблий	861	945
107. Имом Муҳаммад ал-Маҳдий ал-Асқарий (9 ёшда йўқолган)	868	877
108. Яъқуб Абу Жаъфар ал-Кулайний	—	941
109. Абу Мансур ал-Мотуридий	870	944
110. Абул Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий	873	935
111. Абул-Ҳасан ар-Рустуғфоний	—	961
112. Абу Бакр Қаффол аш-Шоший	903	976
113. Муҳийиддин ибн Хафиф Шерозий	—	982
114. Абу Наср Саррож	—	988
115. Абу Толиб Маккий	—	996
116. Абу Бакр Калабодий	—	995
117. Абу Лайс ас-Самарқандий	—	983
118. Ал-Боқилоний	—	1013
119. Ҳаким ан-Найсабурий	—	1014
120. Ибн Фурақ	—	1015
121. Муҳаммад Наштакин ад-Дарозий	—	1019
122. Муҳаммад ибн Ҳусайн ас-Сулламий	942	1021
123. Ал-Муфид ал-Ҳорисий	948	1022
124. Абу Рашид ан-Найсабурий	—	1024
125. Абул Жаббор Аҳмад ал-Ҳамазоний	—	1025
126. Исҳоқ ал-Исфароний	—	1027
127. Шайх Абулҳасан ал-Ҳарақоний	954	1034
128. Абул Ҳасан Қудурий	—	1036
129. Абу Мансур Абдулқаҳҳор ибн Тохир ал-Бардодий	—	1037
130. Абу Мансур ас-Саолибий	961	1038
131. Абу Саид Абулхайр Майҳоний	967	1049
132. Абу Аъло ал-Мааррий	973	1057
133. Абулқосим ал-Исфароний	—	1059
134. Абулқосим ал-Қушайрий	986	1073
135. Ибн Хозим	994	1064
136. Шайх ат-Тоиф Муҳаммад ибн Ҳасан ат-Тусий	995	1067

137. Абулқосим Гургоний	—	1076
138. Абулҳасан Ҳужвирий	—	1076
139. Ибн Маттувайх	—	1076
140. Абу Исҳоқ Иброҳим аш-Шерозий	—	1083
141. Шайх Абу Али Фармадий	1004	1084
142. Носир Ҳусрав	1004	1088
143. Абдуллоҳ ал-Ансорий ал-Ҳаравий	1006	1089
144. Шамсиддин ас-Сарахсий	—	1090
145. Хожа Абу Исҳоқ аш-Шомий	—	1097
146. Абулаббос Қосим ибн Маҳдий Сайёрий		XI аср
147. Имом Муҳаммад Ғаззолий (акаси)	1009	1111
148. Муътамин ас-Сажжий	—	1113
149. Ҳасан ибн ас-Саббоҳ	—	1124
150. Имом Аҳмад Ғаззолий (укаси)	1015	1126
151. Абу Абдуллоҳ ал-Жувайний	1028	1085
152. Аҳмад Яссавий	1033	1166
153. Юсуф Ҳамадоний	1048	1140
154. Нажмиддин Умар Насафий	—	1142
155. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий	1059	1111
156. Ибн Тоҳир ал-Мақдисий	—	1113
157. Собир Термизий	1061	1151
158. Ибн Божа (Абу Бакр Муҳаммад ибн Яҳё)	1070	1139
159. Муҳаммад ибн ал-Арабий	—	1148
160. Хожа Ҳасан Андақий	1074	1157
161. Абу Вақт ас-Сижжий	—	1157
162. Маҳмуд аз-Замахшарий	1074	1144
163. Муҳаммад ибн Абдукарим аш-Шаҳристоний	1075	1153
164. Хожа Абдуллоҳ Барақий	—	1160
165. Абулқодир Жилоний (Гилоний)	1077	1167
166. Зиёвуддин Абу Нажиб ас-Сухравардий	1097	1168
167. Абдулхолиқ Ғиждувоний	1103	1179
168. Аҳмад Рифоъий	—	1183
169. Хожа Ориф Деггароний	—	1183
170. Аммор Ёсир ал-Бидлисӣ	—	1187
171. Шайх Рузбехон Ваззоҳ ал-Мисрий	—	1189
172. Шайх Исмоил ал-Қасрий	—	1193
173. Сулаймон Боқирғоний (Ҳаким ота)	1106	1198
174. Бурхониддин ал-Марғиноний	1117	1197
175. Шайх Кутбиддин Ҳайдар Завонӣ	—	1221
176. Шайх Фаридиддин Аттор	1119	1229
177. Ибн Рушд, Абдулволид Муҳаммад	1126	1198
178. Абу Мадян Шуайб ибн Ҳусайн ал-Ансорий	1126	1197
179. Шайх Мажидиддин Бағдодий	1127	1219
180. Шайх Нажмиддин Кубро	1145	1221
181. Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас-Сухравардий	1145	1235
182. Мувафақиддин ибн Қуддам	1146	1223
183. Фаҳриддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ар-Розий	1149	1209
184. Шайх Сайфиддин ал-Боҳарзий	1151	1221
185. Шаҳобиддин Яҳъё Сухравардий	1155	1191
186. Жамолиддин Муҳаммад ибн Юнус ас-Савожий	—	1232
187. Нуриддин Муборак Ғазнавий	—	1235
188. Муинуддин Муҳаммад Чиштий	—	1236

189. Абдуссалом ибн Мошиш	—	1238
190. Хожа Ориф ар-Ревгарий	1156	1259
191. Шайх Зайниддин бобо	1164	1259
192. Мухийиддин ибн ал-Арабий	1165	1240
193. Занги ота Ҳимматий	1168	1258
194. Ибн ал-Фарид	1181	1235
195. Шайх Баҳоуддин Закариё	1182	1262
196. Саъдиддин Ҳамавий	1191	1252
197. Хожа Али Ромитаний	1191	1321
198. Абулҳасан Мағрибий аш-Шозилий	1196	1258
199. Жалолиддин Ҳайдар Бухорий Сурх	1199	1291
200. Аловуддин Али ибн Аҳмад ас-Собирий	—	1291
201. Саййид Аҳмад ибн Али Бадавий Тантавий	1199	1276
202. Мавлоно Жалолиддин Румий	1207	1273
203. Хожи Бектош Валий	1208	1270
204. Абулаббос ал-Мурсий	—	1287
205. Саъдиддин ибн Мусо аш-Шайбоний	—	1301
206. Азизиддин Насафий	1226	1306
207. Тожиддин ибн Атоуллоҳ ал-Искандарий	—	1309
208. Низомиддин Авлиё	—	1317
209. Абдурахмон ал-Исфароиний	—	1317
210. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий	1227	1317
211. Маҳмуд Шабустарий	—	1320
212. Камолиддин Абдураззоқ ибн Аҳмад Кошоний	—	1329
213. Саййид Иброҳим Бурҳониддин Дасуқий	1238	1277
214. Шайх Сафийуддин Исҳоқ	1252	1334
215. Рукниддин Фазлуллоҳ	—	1335
216. Хусрав Дехлавий	1253	1325
217. Хожа Муҳаммад Бобои Самосий	1259	1354
218. Шайх Алоуддавла ас-Симноний	1261	1335
219. Ибн Таймия (Тақийуддин Аҳмад)	1263	1328
220. Авҳадиддин Исфаҳоний	—	1336
221. Ҳасан Кубравий Хоразмий	—	1338
222. Юнус Эмро	1240	1320
223. Маҳмуд ибн Ямин Қушайрий	—	1344
224. Садр уш-Шариа (Садр ота)	—	1346
225. Ибн Қайюм ал-Жавзия	—	1350
226. Шайх Хованд Тахур	—	1350
227. Саййид Амир Кулол	1287	1372
228. Шамсиддин Кулол ал-Фохурий	—	1372
229. Саййид Али Ҳамадоний	—	1384
230. Мавлоно Лутфуллоҳ Нишопурий	—	1384
231. Хожа Жалолиддин Туроншоҳ	—	1385
232. Ҳайдар Омилий	—	1385
233. Шайх Зайниддин Абу Бакр ат-Тойбодий	1291	1389
234. Маҳдуми Аъзам	1300	1367
235. Саййид Жалолиддин Ҳусайн	1308	1384
236. Хожа Камол Хўжандий	—	1391
237. Зоҳириддин Умар ал-Хилватий	—	1394
238. Саййид Шариф Журжоний	1309	1413
239. Али Шаҳобиддин ал-Ҳамадоний	1314	1385
240. Муҳаммад Алоуддин Аттор	1315	1400

241. Баҳоуддин Нақшбанд	1318	1389
242. Саъдиддин Тафтазоний	1322	1392
243. Саййид Барака	1324	1404
244. Хожа Ҳофиз Щерозий	1325	1389
245. Шайх Сирожиддин Умар Хилватий	—	1397
246. Неъматуллоҳ Валий Кермоний	1330	1431
247. Ибн Халдун, Абдурахмон Абу Зайд	1332	1406
248. Фазлуллоҳ Астрободий	1340	1401
249. Ибн ал-Баззоз	—	1414
250. Хожа Муҳаммад Порсо	1345	1419
251. Хожа Исҳоқ ал-Хутталоний	1348	1423
252. Султон Мирҳайдар Туний	—	1427
253. Ҳамидуддин Оқсарой (Сўлунжи бобо)	—	—
254. Хожа Нуъмон Байрам Валий	1350	1430
255. Али ал-Кошифий	1350	1430
256. Қозизода Румий	1354	1436
257. Шоҳ Қосим Анварий	1355	1433
258. Абдулкарим ал-Жилий	1365	1428
259. Мавлоно Лутфий	1366	1465
260. Саййид Имодиддин Насимий	1370	1417
261. Паҳлавон Абу Али Котибий	—	1435
262. Зайниддин Хавофий	—	1435
263. Мавлоно Ҳасан Кубравий	—	1438
264. Амир Шоҳий Сабзаворий	—	1453
265. Саъдиддин Кошғарий	1372	1455
266. Яҳё Ширвоний	—	1458
267. Мавлоно Яъқуб Чархий	1378	1447
268. Абу Наср Порсо	—	1461
269. Шайх Озарий	1392	1464
270. Саййид Жалолиддин Яҳё аш-Ширвоний ал-Бокувий	—	1464
271. Дада Умар Равшаний	—	1486
272. Хожа Аҳрори Валий	1404	1490
273. Низомиддин Хомуш	—	1490
274. Абдурахмон Жомий	1414	1492
275. Шайх Жамол Хилватий	—	1493
276. Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад	—	1495
277. Хожа Муҳаммад Қозий	—	1497
278. Мавлоно Шамсиддин Рухий	—	1498
279. Жалолиддин Давоний	1427	1503
280. Мавлоно Муъиниддин Фарохий	—	1503
281. Шайх Аҳмад Шамсиддин Мармараварий	—	1504
282. Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий	1440	1504
283. Хожа Шамсиддин Абдуллоҳ Марварид	—	1516
284. Хожа Абдуллоҳ Ҳотифий	—	1521
285. Камолиддин Биноий	—	1526
286. Бадриддин Ҳилолий	—	1529
287. Махдуми Аъзам Косоний	1461	1542
288. Фаҳриддин Али ибн Ҳусайн	1463	1532
289. Абдулқуддус	—	1537
290. Абдул Ваҳҳоб ибн Аҳмад аш-Шароний	1493	1565
291. Қосим Шайх Азизон ал-Карминагий	—	1581
292. Шамсиддин Аҳмад Сивосий	—	1597

293. Боязид Ансорий (Бобо Равшан)	1525	1572
294. Хожа Амкангий (Имганнакий)	—	1601
295. Хожа Муҳаммад Боқийбуллох	1530	1605
296. Нуруллох Шустарий	1547	1610
297. Баҳоуддин Омилий	—	1621
298. Мужбиддин ас-Самарқандий	1563	1625
299. Шайх Аҳмад Форук Сирҳиндий	1564	1624
300. Садр ота	—	1640
301. Абдулаҳад Нурий Сивосий	—	1650
302. Хожа Муҳаммад Маъсум	—	1669
303. Ал-Хур ал-Омилий	—	1693
304. Офоқхожа	—	1695
305. Суфи Оллоёр (Суфий Аллоҳёр)	1616	1706
306. Мирза Абдулқодир Бедил	1644	1721
307. Шайх Калимуллох Жаҳонободий	1650	1729
308. Бобораҳим Машраб	1657	1711
309. Аҳмад ибн ал-Ҳабиб	—	1753
310. Шох Валийуллох	1702	1762
311. Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб	1703	1792
312. Шайх Валиуллох Аҳмад Абдураҳим	1703	1787
313. Маъсум Алишоҳ	—	1798
314. Аҳмад ат-Тижоний	1737	1815
315. Мирзо Али Ризо Шерозий Боб	—	1850
316. Муҳаммад ибн Али ас-Санусий	1787	1859
317. Шайх Фавсул-Аъзам Эрвосий	—	1860
318. Хожа Зайнулобиддин Ноиб ас-Садр	1793	1861
319. Аҳмад Саййид Қодирий	1802	1880
320. Баҳомуддин Воисов	1804	1893
321. Мирзо Ҳусайн Али Нурий Баҳоуллох	1817	1892
322. Саййид Али Муҳаммад Боб	1819	1852
323. Мирзо Фулом Аҳмад Қодиёний	1839	1908
324. Жамолиддин ал-Афғоний	1839	1897
325. Муҳаммад Аҳмад	1848	1885
326. Муҳаммад Абдол	1849	1905
327. Фулом Ҳайдар Алишоҳ	—	1908
328. Оятуллох Руҳуллох Мусавий Ҳумайний	1900	1989

Туғилган ва вафот этган йиллари аниқланмаган
машҳур суфийлар рўйхати

- | | |
|------------------------------|---|
| 1. Шайх Абулаббос Омилий | 13. Хожа Мирмуҳаммад Иброҳим |
| 2. Шайх Аҳмад Буний | 14. Хожа Муҳаммад Мусохин (Мусохон) |
| 3. Шайх Баннон | 15. Хожа Муҳаммад Обид |
| 4. Шайх Зайниддин Аъло | 16. Хожа Муҳаммад Саййид |
| 5. Шайх Разиддин Али Лоло | 17. Хожа Муҳаммад Сиддиқ |
| 6. Шайх Сайфиддин | 18. Абу Али Рудборий |
| 7. Шайх Абдуллох ад-Дехлавий | 19. Абу Амр Маккий |
| 8. Қусам шайх | 20. Абу Наср Ҳафза |
| 9. Хожа Абдулаҳад | 21. Абу Усмон Маърибий |
| 10. Хожа Аҳмад Форук | 22. Аҳмад Югнакий |
| 11. Хожа Валихон | 23. Аҳмад ибн Сулаймон Ҳомоз Ҳасан ас-Сомий |
| 12. Хожа Дарвеш | 24. Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушҳаравий |

- | | |
|---|--|
| 25. Абдулазиз ал-Косоний | 39. Ҳасан Ҳилмий ал-Кастамоний |
| 26. Мавлоно Ориф | 40. Умар Зиёвуддин ад-Доғистоний |
| 27. Мавлоно Зиёвуддин | 41. Мустафо Файзий ибн Амруллоҳ ат-Такфурдоғий |
| 28. Исмоил ота | 42. Ҳосиб аш-Шерозий |
| 29. Исмоил Нажоший ас-Сағфиранбожий | 43. Фаридиддин Шакарганж |
| 30. Муҳаммад Саккокий | 44. Халил ота |
| 31. Муҳаммад Зоҳид | 45. Шамс Табризий |
| 32. Муҳаммад Зоҳир ибн Иброҳим ал-Бухорий | 46. Қутбиддин Ҳайдар |
| 33. Муҳаммад Дарвеш | 47. Ҳабиб Ажамий |
| 34. Сари Сакотий | 48. Робиаи Шомия |
| 35. Султонали Мусо | 49. Ҳакимаи Димишқия |
| 36. Саййид Нури Муҳаммад ал-Бадвоний | 50. Зайтуна (Фотима)
ва бошқалар. |
| 37. Шамсиддин Жони Жонон Мазхар | |
| 38. Ҳажод Бағдодий | |

Ислом тасаввуфи ҳақидаги мазкур фаслни ниҳоясига етказар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, баъзилар тасаввуфни ғарб мистицизми билан айнанлаштирадилар. Шунинг учун бу масалага бироз ойдинлик киритишга тўғри келади.

«Мистика» лотинча сўз бўлиб, “яширин, мавхум, сир-асрор, тилсиз, оғиз очмаслик, кўз юмиш” деган маъноларга эга бўлиб, ғайритабиий, илоҳий билим ва оммадан яширин, сир тутилиши шарт бўлган диний фалсафий сирлар мажмуасидир. Мистика ғайриоддий ва ғаритабиий илм тизими бўлиб, унда илоҳий сирлар ҳам мужассамлашганлиги учун, маҳсус таёргарлиги, билими бўлмаган оддий одам унга тушуна олмайди. Шунинг учун ҳам у оммадан сир тутилади ва ҳаммага ҳам ошкор этилавермайди. Унинг асосий ғояси— ҳақиқатни топиб оламлар хожаси—**Парвардигор**ни яқиндан таниш, **Унга** яқинлашиш ва бу билан маънавий қониқишга эришишдир.

Ислом тасаввуфининг ғарб мистицизми билан баъзи ўхшаш ва яқин томонлари бор бўлгани билан, улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ислом тасаввуфи ҳамда ғарбу шарқ мистицизмнинг билимдони Рене Гюнон (1951-йил вафот этган) улар ўртасида 11та фарқ борлигини айтиб ўтган:

1. Мистицизмнинг икки хусусияти бор: **пассивлик** (ҳаракатсизлик) ва **методсизлик** (усулсизлик). Мистицизмда инсоннинг қаердан бошланишию қаергача етиб бориши маълум эмас. Тасаввуфда ибтидо—бошланиш ҳамда камолотга эришув ва бу йўлда қўлланиладиган усул муҳим аҳамиятга эга. Мистицизмда ҳаракат ва ғайратга эҳтиёж йўқ, кишининг яратилиш имконияти кифоя.

2. Мистицизмда раҳнамо—шайхга боғланиш йўқ. Тасаввуфда эса “сайри сулук” бир раҳнамо пир—муршид ҳузурида бошланади ва бунга иккинчи туғилиш дейилади.

3. Мистицизмда муршидлар силсиласи йўқ. Тасаввуфда эса, тарбиянинг энг муҳим унсурларидан бири силсила бўлиб, бу силсила **Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом орқали Аллоҳнинг бош фаришталаридан бири бўлган Жаброил а.с.га қадар бориши тасаввуфнинг ғайри башарий—инсониятдан устун, юқори ва олий эканига ишорадир.**

4. Мистицизмда пир—муршид бўлмаганлиги сабабли кундалик ўқиб туриладиган дуолар, зикрлар, зикр тушишлар ҳам йўқ. Тасаввуфда эса тариқат аҳли шайх, пир тайинлаган ва белгилиб қўйган чизги—йўлга амал қилиб ҳаракатланадилар ва ундан ташқарига чиқмайдилар.

5. Мистицизмда хоҳиш, истеъдод ва қобилият кифоядир. Тасаввуфда эса улардан ташқари, юқорида айганимиздек, шайхга боғланиш ҳам бор бўлиб, бу боғланиш уч босқичдан иборат: а) кишининг истеъдоди; б) бу истеъдод ва қобилиятнинг ривожланишини таъминловчи илоҳий нур ва файзнинг берилиши; в) шайх раҳнамолигида зикр, риёзат каби ёрдамчи унсурлар орқали мақомларни бирма бир ошира бориб вуслатга ва ваҳдатга эришуви.

6. Мистицизмда иш олиб бориш усулларининг қоидалари (техник қоидалар) йўқ.

Ваҳоланки, тасаввуфда тариқатларнинг одоб-аркон деган махсус усуллари бўлиб, киши бу усул — қоидаларни ўзининг ҳолатига хос ва мос, мувофиқ бўлганини, кўнгли чопганини танлайди ва ўша тариқатга киради.

7. Мистик одам қиладиган ибодатлар ҳар ким ҳам қила оладиган ибодатлардир. Тасаввуфда эса шайх—раҳнамонинг тавсиясига кўра мурид муайян вақтларда маълум бир зикру тасбеҳот билан шуғулланади.

8. Мистиклар пировардида “Илмул-яқийн” даражасигача кўтарила оладилар. Сўфийлар эса ундан, ҳамда яна ундан кейингиси “Айнул-яқийн” дан ҳам ўтиб, “Ҳаққул-яқийн”га яъни “Комил инсон” нуқтасига эришадилар. Мистиклар пировард манзил—“Тангрига эришув” деб жаннатни назарда тутадилар. Сўфийлар эса ундан юқорироққа— олий ғоя ва мақсад сари “Ҳалос-нажот”га яъни “Ҳақ билан ҳақ бўлмоққа” интиладилар.

9. Мистик ҳолларда экстаз—важд (ўзини йўқотиш) муҳим хусусиятга эга. Сўфийларда ҳам бу хусусият бор, аммо сўфий учун ботиний (ички) ҳолат асосийдир. Мистик ҳоллар ўтади—кетди. Сўфий қўлга киритган фойдани эса ҳеч ким тортиб ололмайди.

10. Мистицизмда босқичлар йўқ. Тасаввуфда эса пирамидасимон мақомлар тизими бор.

11. Мистицизмда изтироб асос қилиб олинган. Тасаввуфий тарбияда эса бунга вақти-вақти билан мурожаат этилади, бироқ бу унчалик аҳамият касб этмайди (Усмон Турар, Тасаввуф тарихи. Нодирхон Ҳасан таржимаси. Тошкент. “Истиқлол,” 1999, 31—33 бетлар).

Ў н т ў р т и н ч и ф а с л

Сўфийлик атамаларининг изоҳлари (мавзу тузилмасига кўра)

Ҳаёт турли хил ҳолатларнинг ал-машинувидир, истаган жойда қулай аҳволда қолиш учун уларни ўрганиш ва кузатиш керак.

Оноре де Бальзак

Энди, бирмунча қадрдон, яқин бўлиб қолган дўстим!

Китобимизнинг диний қисмини тугаллаш ва фалсафий қисмини бошлашдан аввал, мазкур мавзуга алоқадор бўлган айрим сўфийлик атамалари ва диний сўзларнинг изоҳлари, Ислом ва бошқа динлардаги диний лавозимлар, мансаблар, унвонлар, қадимги юнонлар, римликлар ва бошқа халқлар топинадиган маъбудлар ҳамда бошқа муҳим қўшимча маълумотлар ҳақида бироз бўлса-да, маълумотлар бериб ўтамыз, бу ишимиз Сиз учун фойдадан холи бўлмас деган андиша билан, бунга қўл уришга жазм этдик.

С ў ф и й — «Тасаввуф тариқатлари» фаслида айтиб ўтганимиздек, бу сўз, атаманинг келиб чиқиши ҳақида саккиз хил фикр баён этилган:

1. Баъзилар бу сўз «саф» сўзидан келиб чиққан, чунки бундай мусулмонлар илоҳий йўлга кирганларни биринчи сафида турувчилардир деганлар.

2. Бошқа бирлари эса «сўфий» сўзи «аҳл ас-суфа» (суфа аҳли) иборасидан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар. Чунки суффа аҳли пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларидаёқ таркидунё қилган бир гуруҳ тақводор диндорлар бўлиб, улар пайғамбаримизнинг ҳовлиларидаги суфада яшаганлар. Кейинчалик уларга тақлид қилганлари учун шундай ном билан атаганлар, деб тушунтирганлар.

3. Яна бир гуруҳ кишилар «сўфий» сўзи «сафо» сўзидан келиб чиққан, чунки бу тоифа кишиларнинг қалби сидқу сафо қуёшидек порлаб туради деганлар.

4. Яна баъзилар сўфий «суфух» сўзидан ҳосил бўлган, чунки «суфух» бирон-бир нарса-

нинг хулосаси бўлганлиги сабабли уларни сўфий деб айтганлар.

5. Айрим уламолар сўфий сўзи «соф», яъни софлик, поклик, тоза, рухий камолот мазмунига эга деб тушунтирганлар.

6. Баъзилар бу сўз юнонча «софос» (донишмандлик) сўзидан олинган деганлар.

7. Олимларнинг баъзилари эса юнонча «суф», файласуф сўзининг охирги қисмидан олинган деган мулоҳаза ҳам билдирганлар.

8. Ва ниҳоят, кўпчилик олим ва уламолар сўфий сўзи арабча «суф» сўзидан ҳосил бўлган, чунки бу сўзнинг луғавий маъноси жун ва жундан тўқилган мато маъносини беради, деб айтганлар.

Сўфийлар кўпинча жун чакмон, жун матодан бўлган хирқа, жанда, кулоҳ ва кўй терисидан қилинган жунли пўстин кийиб юришни одат қилганлари учун халқ уларни жун кийимлилар, яъни сўфийлар деб атай бошлаган.

Халқ орасида улар «аҳлиуллоҳ», «валий», «авлиё», «аҳли ҳол», «аҳли ботин», «арбоби тариқат», «дарвеш», «қаландар», «фақир» номлари билан тилга олинганлар.

Т а с а в в у ф — Исломдаги сўфийлик оқимининг диний-фалсафий таълимотидир. Таълимотнинг асоси инсон ва унинг **Парвардигорга** бўлган муносабатидир.

Сўфийликда рухий камолотга эришиш тўрт босқичдан иборат: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Улар бу босқичлардан навбатма-навбат ўтганларидан кейин **Парвардигорни** таниш, билиш ва ниҳоят **Унга** қўшилиб, сингиб кетишни ўз олдиларига мақсад қилиб кўядилар. Тасаввуфда солиқ (шогирд) шариат илмларини билиб олганидан кейин тариқатга (ҳақ йўлга) кириб, маърифат ўргана бошлайди ва у орқали Ҳақиқатга етишга интилади. Сўфийлик тариқатлари — уюшма, жамоалари «сулук» (йўл) деб ҳам аталади.

Т а р и қ а т — «йўл», «усул» маъноларини англатувчи диний-сўфийлик атамаси. Покланиб ҳақиқатга етиш йўллари. Тасаввуфдаги муайян бир йўналиш. Тариқат сўзи уч хил маънода ишлатилади:

1. Умумий сўфийлик йўли, йўналишлари, яъни сулуклари;

2. Сўфийликнинг маълум бир тармоғи, йўналиши, сулуки. Яъни, масалан, яссавия, қодирия, кубравия, нақшбандия, суҳравардия тариқатлари (сулуклари);

3. Сўфийлар **Парвардигорга** етишишларининг иккинчи, шариатдан кейинги босқичи ҳам «тариқат» дейилади.

Хуллас, тариқат—инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган охир-оқибатда эса **Аллоҳга** яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва мафкура йўлидир.

С у л у к (тариқат) — диний-сўфийлик атамаси бўлиб, араб тилида юришни билдиради. Сўфийларнинг ҳаёт кечириш тарзи; йўналишлари; авлиёликдаги йўл, тариқат йўли; **Аллоҳга** етишиш йўлларидан бири; тариқат аҳли танлаб олган йўл, сулук. Сулук, тариқат деб ҳам аталади.

С о л и к — сўфийлик йўлига, бирон-бир тариқатга кирган киши, шогирд, бирор сулук тарафдори. Тасаввуфда дарвешлик, зоҳидлик, таркидунё қилиб кун кечириш йўл-йўриғи.

С и л с и л а (шажара) — диний-сўфийлик атамаси. Занжир, тизма, тартиб, шажара, насабнома. Тасаввуфда шажаранинг ўрнига «силсила» (занжир) сўзи ишлатилади. «Шажар» эса арабчада «дарахт» маъносини англатади. «Шажара» кўпроқ насабнома сифатида, «силсила» эса кўпроқ пиру устозлар занжири сифатида ишлатилади. Ҳар бир пир, шайх, ўз устозини ва ўз насабномаси — силсиласини то Мухаммад алайҳиссаломгача номма-ном билиши шарт бўлган.

В а л и й — «дўст», «эга», «соҳиб», «яқин» маъноларини англатади. **Парвардигорга** яқин азиз, комил одам, ҳомий, бандаларнинг ҳомийси, маъноларини билдиради. Улар каромат қилувчи, келажакни олдиндан башорат қилиш қобилиятига эга бўлган, илмли, тақводор кишилар, сўфийлар.

Валийликни ҳазрат Али мартабаси дейдилар, яъни унинг мартабаси барча мартабалардан баланд ҳисобланади. Валийликни баъзан ҳатто пайғамбарлар рутбасидан ҳам юқори деб

ҳисоблайдилар. Бошқалар табиий ўлимдан кейин кўрадиган нарсаларни улар табиий ўлим-гача кўрадилар, уларга ўлимдан кейинги ҳолатлар ҳам маълум бўлиб, улар илмул-яқин даражасидан айнул-яқин даражасига ўта оладилар.

А в л и ё — «валий» сўзининг кўплиги.

Х о ж а (форсча) — «хўжа», «эга, эгам». Тасаввуфда Мовароуннаҳр тариқат машойх-ларига берилган унвон. Бу унвон Юсуф Ҳамадоний (1048—1140)дан бошлаб ишлатилади. Масалан, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Бобои Самосий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва ҳоказолар. Жумладан, хожаи бузрук — улуғ хожа (лақаб).

Юсуф Ҳамадонийдан олдин ўтган пирлар «шайх» унвони билан аталганлар.

Ш а й х (арабча: «кекса, оқсоқол») тасаввуфда пиру муршидларга қўлланиладиган унвон. Кўплиги — «машойих». Хурмат тариқасида зиёратгоҳларда, мазорларда зиёратчи-ларни кутиб-кузатиб дуою фотиҳа билан хайру эҳсонларни қабул қилиб, тасарруф қилиб турадиган шахсларга нисбатан ҳам ишлатилган.

М у р ш и д (арабча: «йўл кўрсатувчи») тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх, хожа, устоз. Сўфийлик тариқатларидан бирининг обрўли раҳнамоси, пешвоси, устози. Муридларнинг раҳнамолари — пирлар ва эшонларнинг умумий номи.

Э ш о н (форсча «улар» деган маънони англатади) сўфийлик оқимларида диний раҳнамолар унвони. Сўфийлик тариқатларидан бирига мансуб бўлганлар, исмларига «эшон», «пир», сўзлари кўшиб ишлатилган. Эшонлар ўзларини муридларни сўфийлик йўлига ўр-гатувчи муршид ҳисоблаганлар, улар беморларни руҳий даволовчи, келажакни олдиндан башорат этувчи ва кароматлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлганлар.

С а й и д (лар) — «жаноб», «бошлиқ», «етакчи», «раҳнамо» маъносини англатувчи арабий калима. Илгарилари арабларнинг қабила, қавм, тўда, гуруҳ бошлиғи, етакчиси «сайид» деб аталган. Кейинчалик пайғамбаримизнинг қизи Фотима ва куёви ҳазрат Али-нинг ўғиллари Имом Ҳасан, Имом Ҳусайн авлодлари «сайид»лар (яъни пайғамбарзода-лар) деб атала бошланганлар.

Ўрта Осиёда пайғамбар авлодлари — сайидларни «тўралар», «тўрам» деб аташ одат тусига кирган.

Демак «сайид» атамаси бошлиқ, жаноб деган маънода қўлланилган, «сайид», «тўра», «тўрам» атамалари эса пайғамбаримиз авлодларининг фахрий унвонлари саналган.

Х ў ж а (лар) (форсча: «хўжайин», «соҳиб») ҳақида икки фикр мавжуд: 1. Хўжалар дастлабки тўрт халифа Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган авлодлари; 2. Пайғамбаримиз давридаги саркардаларнинг авлод-лари.

Хўжалар, аслзодалиқда (оқсуякликда) сайидлардан кейин турганлар.

М а х д у м (арабча: «хизмат қилинувчи одам») одатда пиру устозларга бериладиган лақаб, унвон. Чунки уларга ўзларининг муридлари ва шогирдлари хизмат қилишган. Бу лақаб уларнинг ўғилларига нисбатан ҳам ишлатилган. Бу сўзнинг бузилган шакли — «маҳсум» деб нотўғри ишлатиш бизда кенг тарқалган.

М у р и д (арабча: «эргашувчи», «талаб этувчи», «истовчи») бирор ишни қилишга жазм ва азму қарор қилган одам. Пир, эшонга қўл бериб, сўфийлик йўлига кирган шахс. Пирнинг шогирди. Бутун ақлу иродасини **Аллоҳ**га қаратиб тариқат сирларини ўрганувчи киши. Муҳиб-лик мақомидан кейинги мақом.

Қутб (ўк, полюс) 1. Тамоман қарама-қарши бўлган икки ҳодиса, икки томоннинг ҳар бири. Масалан: Шимолий қутб, Жанубий қутб, мусбат қутб, манфий қутб. Бутун борлик маълум бир илоҳий қутб (ўк) атрофида доиравий айланиб ҳаракатда бўлади. 2. Тегирмон тошининг ўқи демақдир. Тасаввуф талқини бўйича тегирмон тоши бир ўк атрофида айлан-гани сингари, оламнинг меҳварини ҳам қутб ташкил этади. Қутбга «ғавс» (мадақдор), «ғавс ул-аъзам» (энг буюк ғавс), «қутб ул-ақтоб» қутблар қутби ҳам деганлар. 3. Сўфийлар

тариқатида кутбга халқаро фаолият юритиш мақсадида турли шаҳарлар ва қишлоқлардаги хонақоҳларда фаолият кўрсатувчи устоз-пирлар ва айрим солиқлар ва азиз-авлиёлар этган марказий раҳбар ҳам «кутб» деб аталган; Кутблар эса, ўша замоннинг энг етук азиз-авлиёси—кутб ул-ақтобга (кутблар кутбига) бўйсунганлар. Бир кутб қўл остида 4 амуд (устун), 40 абдол бўлиб, улар исталган вақтда у ёки бу пирнинг вафотидан сўнг, ёки у пир бошқа юртга юборилганидан кейин уни алмаштиришга муносиб одам бўлганлар. Уларни 300 нафар нақиблари (халифалари) ҳам бўлган. Бир пирда 4та халифа— ўринбосар бўлиб, улар пирнинг давомчилари ҳисобландилар. (Н.Иброхимов, Ибн Батутанинг Урта Осиё бўйлаб сайёҳати китоби изоҳидан).

Фақир (арабча: «камбағал», «гадо») Исломда дарвеш, қаландар, азайимхон, авлиёларнинг умумий номи.

Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларидан Европа мамлакатларига келган, ҳар хил сеҳрли ишлар, жодугарлик билан шуғулланадиган кўзбойлогичлар, мусулмон ва ҳинд руҳонийлари ва монахлар ҳам фақир деб аталганлар.

XVII асрдан Бухоро амирлиги ва Афғонистонда фақир — камбағал фуқаро маъносида ишлатила бошланган. Ҳозир ҳам фақир деганда қашшоқ, бечора одам тушунилади.

Дарвеш (форсча: бенаво, қашшоқ, фақир, художўй) сўзининг асл маъноси эшиклардан хайр-эҳсон тиловчи бўлиб, бу сўзнинг қадимги шакли «даровез» — «эшикларга осилувчи» дирки, кейинчалик у «дарвеш» шаклини олган. Кейинчалик моддий бойликдан, нафс орзуларидан, оиладан, никоҳдан воз кечиб, дунё неъматларини тарк этиб, зоҳидликда яшаб, ҳақиқат йўлига кирган кишини шундай атай бошладилар. Улар умрини **Парвардигор**га бўлган ишқ ва риёзатга бағишлаган тариқат йўлчиси, чин ошиқ одам. Сўфийлик, тасаввуф тариқатларининг бирига мансуб бўлиб, хонақоҳ, масжид, қаландархоналарда яшаб, гадойлик билан кун кечирадиган кишилардир.

Қаландар (лар) — дарвешларнинг бир тоифаси бўлиб, таркидунё қилган, зоҳидликда яшаб ўзини **Парвардигор**га бағишлаган, дунё неъматларидан, оила, болачақадан воз кечган, аммо дарвешларга ўхшаб бирор сўфийлик, тасаввуф тариқатларига мансуб бўлмай, гадойлик қилиб кун кечириб юрувчи кишилар. Уларнинг яшаш жойи, маскани бўлмаган.

Маддох (арабча: «мақтовчи», «ташвиқотчи») одамлар гавжум жойларда **Қуръони карим**, ҳадис, шариатдан, азиз-авлиёларнинг кароматидан гапириб юрувчи руҳоний; нотик. Маддохлик билан кўпинча дарвешлар, қаландарлар шуғулланиб юрганлар.

Девона (форсча: «эси паст», «телба», «жинни», «савдойи»). Ўрта Осиё халқларининг кўпчилиги уларни авлиё, сўфий деб ҳисоблайдилар.

Гадо (гадой) — тиланчилик билан кун кечирувчи йўқсил, бенаво, қашшоқ одам. Гадейларнинг аксарияти мажруҳ ёки ногирон бўлган.

Ҳақир (арабча: қадрсиз, хор, бечора). Бу сўз баъзан сўфийларга нисбатан ҳам қўлланган.

Ишқ — тасаввуфда ҳусни мутлаққа — **Аллоҳ**га бўлган кучли, шиддатли севги бўлиб, тариқатнинг энг муҳим мақомларидан бири ҳисобланади. Унга фақат комил инсонгина етишиши мумкин. Бу мақомда ошиқда шундай ҳолат юз берадики, у ўзидан бегона, ноогоҳ, замону макондан озод, маҳбуб фироқида куяди, ёнади ва унга етишишга жондан кечиб бўлса ҳам астойдил интилади. Ҳақиқий ишқ — ҳусни мутлаққа, мажозий ишқ одам ва олам гўзаллигига бўлган ошиқликдир.

Илоҳий ишқда соф муҳаббат—сафо, нурга етишув—фано мақомидадир. Хослар ишқи ва омилар (авом) ишқи бир-биридан фарқланади. Ҳақиқатни тушуниб етган хослар Ҳаққа етишади, маърифат ҳосил қилмаган, ҳақиқатни тушунмаган, билмаган авом муқаддас китобларнинг асл маънолари—ҳақиқатни англамай, жаҳолатда юрадилар. Ишқ сўзи арабча «ашқа» сўзидан олинган бўлиб, бу биздаги зарпечакни англатади. Маълумки, зарпечак

чирмашган ўсимлигини қуритмай қўймайди. Шу каби ҳақиқий ишқ соҳиби бўлмиш ошиқ тезда **Аллоҳ** дийдорига қовушади.

Илоҳий ишқ инсоний муҳаббатни истисно этмайди.

М у х а б б а т—кишининг севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси бўлиб, ишқнинг мартабаларидан бири, яъни ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқларга эришиб севгилисига яқинлашмоқ истагини билдирувчи туйғу.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъносини англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғ бўлганидек, диний, маънавий ва руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи ва дарахти ҳам муҳаббатдир.

Н а ф с — инсоннинг, жонзотнинг турли орзу-ҳавасларга, роҳат-фароғатга, маишатларга, ҳузурланишга табиий интилиши, моддий, маънавий, жисмоний, руҳий талабларини қондириш учун машаққатли кураши.

Нафсдан шайтон усталик билан фойдаланади ва кишиларни йўлдан оздиради, тубанликка бошлайди. Нафснинг ҳалокатли оқибати, унинг меъёрдан ортиб кетиш даражаси билан белгиланади. Нафс меъёрдан қанча узоқлашса, оқибат шунчалик ҳалокатли, аянчли бўлади.

Нафс инсонни Ҳақиқатдан узоқлаштиради. У инсонни дунё билан боғлайдиган бир занжир. Нафсга ҳокимлик қилиш учун ранж ва меҳнат камлик қилади. Унга қарши жиҳод эълон қилмоқ керак. Бу жангда ғалаба қилиш учун **Аллоҳ**га тинмай илтижо қилиб, ёлвориб туриш керак бўлади. Чунки нафсни осонликча енгиб бўлмайди. Тасаввуф фалсафасига кўра, инсонда саккиз хил нафс бор. Жумладан:

1. **Нафси аммора (тийилмаган)** — инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга етакловчи ва ундан завқланувчи нафс.

2. **Нафси лаввома (жазога лойиқ)** — ёмон ишлар қилувчи, салбий ҳислатларга эга бўлган, пиравордида пушаймон қилдирувчи нафс.

3. **Нафси марзийя (Аллоҳга ёқадиган)** — **Аллоҳ** ризосини қозонган ва унга мақбул бўлаоладиган нафс.

4. **Нафси мутмаина (жиловланган)** — иймон хотиржамлигини таъминлайдиган хатоликлардан асровчи нафс.

5. **Нафси мулҳама (худо ёрлақанган)** — илоҳий йўл-йўриқлар ва жозибага илҳомлантирадиган нафс.

6. **Нафси розийя (олийжаноб)** — **Аллоҳ**дан рози бўлган нафс.

7. **Нафси софийя (пок, соф, нурафшон)** — қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс.

8. **Нафси комила (ўта мўл)** — рўзадан кейинги нафс

Қ а н о а т (арабча: қониқиш) озга ёки бориға кўникиш, бори билан кифояланиш, нафси тийиқлик, кўпга, ортиқчаликка интилмаслик, орзу-ҳавасни чеклаш, қаноатга кўникма ҳосил қилиш. Руҳий осойишталикни, хотиржамликни таъминлайди.

А д а б (арабча) — хулқ-одобнинг ички ва ташқи томонидан гўзал, ҳавас қилурлик даражада бўлиши. Сўфийларда адаб тўртга ажратилади: 1. **Шариат адаби** — шариат ва пайғамбар суннатига амал қилмоқ; 2. **Тариқат адаби** — бирон-бир тариқатга боғланиб, унинг одоб ва арконини ўрганиб, шу бўйича ҳаракат қилмоқ; 3. **Маърифат одоби** — нафси аммора ва нафси лаввомани енгиб, илми илоҳийни ўзлаштириш; 4. **Ҳақиқат одоби** — **Аллоҳ**дан бошқасидан юз ўгириб, **Ҳақ** васлига етишиб, унга қўшилиб кетмоқ.

Ш а р и а т — тўғри йўл, илоҳий йўл қонунчилиги. Ислом динининг диний ҳуқуқ тизими, кодекси. Шариатда 6 асосий категория бор: фарз, мандуб, мубох, ҳалол, ҳаром, макруҳ.

Сўфийликка қадам қўйган киши дастлаб шариатнинг барча талаб ва категорияларини мукамал ўрганиши ва эгаллаб олмоғи лозим бўлган.

Т а р и қ а т — сўфийликда шариатдан кейинги иккинчи босқич. Тариқат, шариатни муҳофаза этувчи илоҳий амал бўлиб, шариатни ҳам ўз ичига олади. Шариат аҳли жаннат иштиёқида ибодатда бўлсалар, тариқат аҳли **Ҳақ таоло** дийдорига етишиш учун жондан кечганлар. Тариқат аслан шариат заминидан кўкариб чиққан гулдир.

Турли тариқат аҳли **Ҳаққа**, **Ҳақиқатга** етишишда ҳар хил йўллари танлаб олганлар. Кўнгиллари чопган, қалблари мойил бўлган ўзларига маъқул бўлиб кўринган тариқатни танлаб олиб, ихлос қўйиб, шу йўлдан кетганлар.

Тариқатлар бир-бирларидан кескин фарқ қилган, аммо улар Ислом доирасидан четга чиқмаган. Барчаларининг йўллари ўзларича тўғри саналган. Масалан, соддароқ қиёс тариқасида тушунтирсак, бирорта олис шаҳарга, манзилга бориш учун самолётда, поездда, машинада, мотоциклда, велосипедда, отда, эшакда ёки пиёда турли йўллар оша етиб бориш мумкин. **Аллоҳнинг Ўзи билгувчироқдир !**

Тариқатга қадам қўйган сўфий тирикчиликнинг барча ташвишларидан буткул воз кечади. Ихтиёрини устози — пир, шайх, эшонга бутунлай топширади ва қуйидаги тўрт асосий тамойилларга қатъий амал қилади:

— **таваккул** — ҳар нарсани, ҳар ишни **Худого** солиш, ёлғиз **Унинг Ўзига** таваккал қилиш;

— **шавқ** — ёлғиз яратган **Тангри таолони** севиш, фақат **Унга** муҳаббат қўйиш, фақат **Унгагина** интилиш;

— **зуҳд** — таркидунё қилиб, зоҳидликда доим тоат-ибодат қилиб яшаш;

— **фақр** — доим камбағалликда, **Аллоҳдан** бошқа ҳеч кимга муҳтожлик сезмай, ҳеч кимга қарам бўлмасдан яшаб, доим маърифат орзусида юриш. Фақир кишининг моли бўлмаслиги, бўлса ҳам уники бўлмаслиги керак.

М а ъ р и ф а т — сўфийликда тариқатдан кейинги учинчи босқич.

Сўфийликнинг бу босқичига қадам қўйган сўфий, мурид фақат **Худонинг** борлигини мутлоқ ҳақиқат деб, бутун Олам — коинотни **Худонинг** ижоди деб, теварак атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларга бепарво бўлиб, инсон руҳининг **Худо** билан қўшилишини олий мақсад деб, яхшилик ва ёмонликнинг нисбийлигини ақл билан эмас, қалб билан англашлари керак бўлган. Шу мақсадда улар қаттиқ жазава билан зикр-саного тушиб, **Худонинг** жамолини кўришга ҳаракат қиладилар.

Ҳ а қ и қ а т — сўфийликнинг тўртинчи босқичи. «Ҳақиқатга эришув»дан сўнг, сўфий шахс сифатида тугаб, **Парвардигорга** етишиши керак ва фанога эришилгач, бу босқич ҳам тугалланади. Сўфийлик йўлига кирган мўмин аввал муҳиблик, кейин муридлик, кейин дарвешлик, кейин олимлик — орифлик, сўнг валийлик ва ниҳоят набийлик мақомига етишга ҳаракат қилади.

Тасаввуфда диннинг ташқи жиҳати шариат бўлса, ички жиҳати ҳақиқатдир. Тасаввуфнинг охирги босқичи — ҳақиқатга етган сўфий, азалий ва абадий борлик **Парвардигор** эканлигини, ундан бошқа барча нарсалар вақтинча, ҳаёл эканлигини чуқур ҳис этади ва билади, қалбан тушуниб этади.

Ҳақиқат аҳли инсоний сифатлардан илоҳий сифатларга етишган кишилардир. Уларда шариат — сўз, тариқат — йўл, маърифат **Парвардигорга** бўлган ишқ бўлса, ҳақиқат ҳолдир.

М а л а к у т ёки «Ақли аввал», ҳикмат аҳлининг фикрига кўра, Вожиб ул-вужуд, Ҳаллоқи олам (яъни, оламларни бор қилган, яратувчи). Азизиддин Насафийнинг айтишича, «Ақли аввал» Тангри таолодан олганларини бошқа махлуқотларга узатади. «Ақли аввал»ни «улуввий» — олий олам деб ҳам айтадилар. Яна: Ақли аввал—барча мавжудотларнинг ягона жавҳари. Оламдаги жамъи нарса ва ҳодисалар бўлган, бор ва бўладиган нарса, ҳодисалар Ақли аввалда мавжуддир. Шу туйғайли уни яна Лавҳ ул-Махфуз деб ҳам атайдилар.

Жабарут — мусаффо ваҳдат (оламлар бирлиги), илоҳий қудрат олами, руҳ ва жисмлар манбаи, мулк ва малакутнинг асоси, борлиқ оламининг манбаи. Жабарут— моҳият, ғоялар олами. Жабарут олдида мулк ва малакут уммондан қатра мисолидир. У чексиз: шакл ва суратлар тарзида кўринмайди.

Ваҳдат ул - вужуд — (ар.: жисмоний бирлик) борлиқнинг бирлиги. **Аллоҳ** ягона, фақат Угина реал ва абадий мавжуд, жисмоний олам ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат **Аллоҳ**да мужассамлашган, моддий олам **Аллоҳ**нинг нури, шуъласидир, **У** бутун борлиқни яратувчисидир, деб ҳисобловчи таълимот.

Вожиб ул - вужуд - азалий мавжуд ва келгусида ҳам абадий мавжуд бўладиган, ўзи бор оламларни яратган (халақа, махлуқот қилган), **Ўзини** ҳеч ким яратмаган, мавжудлик манбаи **Ўзи**да бўлган—вожиб, зарур бўлган зот—**Раббил олабийн** (барча оламлар эгаси).

Ҳикмат аҳли фикрга кўра, вожиб ул-вужуд моҳиятан биринчи сабаб ҳамдир. (Азизиддин Насафий, «Зубдат ул ҳақойиқ»). Ул зот барча махлуқотларнинг мавжудлигига сабаб бўлгани ҳолда **Ўзининг** мавжудлигига ҳеч ким сабаб бўлолмайди. (Абу Наср Форобий, «Фозил одамлар шаҳри»).

Ваҳдат ул - мавжуд (ар.: мавжудот бирлиги) моддий олам ваҳдати вужуднинг ижоди, деб қаровчи таълимот. Бу таълимот бўйича табиат қадим, ундаги нарса ва ходисалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, дунё ҳамиша ўзгариш, ривожланиш ҳолатида туради.

Ваҳдат аш - Шукух — «шаҳодат бирлиги», «мушоҳада бирлиги». Мансур Ҳаллож таълимотининг давомчилари инсонда икки ибтидо—лохут (илоҳий) ва носут (инсоний) сифатлар мужассамлашган, деганлар.

Лохут — илоҳий; яъни инсон ақли заковати билан англаб етиш мумкин бўлмаган илоҳий сир-асрор, ғайб олами, илоҳий моҳият, руҳоният олами. Инсон табиати (носут) га қарама-қарши бўлган «илоҳийлик» табиатнинг илоҳий яратилганлиги. Лохут ва носут икки ягона борлик қутби—руҳоний ва илоҳий ҳамда табиий ёки башарий мазмунга эга.

Носут — «инсоний табиат», яъни илоҳий нурнинг табиат, башарият оламидаги зухурланиши. Мансур Ҳалложга кўра, носут илоҳийликнинг инсон табиатида зухур этилишининг такомиллашган шакли. Шундай қилиб, лохут ва носут олий, илоҳий оламнинг юкори ва қуйи табақаларидир. Шиаларнинг сўл оқими илоҳий нур, илоҳий руҳ Муҳаммад а.с.дан ҳазрат Алига кўчган, дейдилар.

Лохут ва Носут—тасаввуф фалсафасида лохут, яъни илоҳий моҳиятнинг носутда—инсон табиатида, кўнглида зухур этиши, кўринишидир. Ибн ал-Арабий «Ваҳдат ул-вужуд» («Вужуд оламининг руҳ олами билан ягоналиги») асариде айтишича, руҳий ёки илоҳий олам (мутлақ, олий руҳ) табиий, башарий (инсоний) олам билан қўшилиши мумкин. Бу эса ваҳдат—бирликнинг кўпликда, касратда вақтинча кўриниши бўлади. Ибн Сино, Яссавий ва Азизиддин Насафий таълимотларига кўра, бунга илоҳий ишқ орқали етишиш мумкин. Мансур Ҳаллож ва Шаҳобиддин Сухравардий буларнинг бирлашувини инсонлик табиатидан қутилиш деб билганлар.

Хулул — «халла» феълидан олинган сўз бўлиб, «жойлашиш» «киришиш» деган маъноларга эга. Бир нарсанинг иккинчи нарсада мужассамланиши, гавдаланиши. Бунда икки нарса бир нарсага айланиб кетади. Тасаввуфда илоҳий нурнинг турли мавжудотларда зухурланиши тажаллийси. Яна иттиҳод, ҳақиқатга етишиб, унда «эриб» йўқолиб кетиш (фано) маъносида ҳам келади. Хулул ва иттиҳод, илоҳий сифатлар ва моҳиятнинг инсонда мужассамланишини билдиради. Сўфийнинг «**Ҳақ** йўлидаги» охириги йўли: нафақат илоҳий сифатларга етишиб ўзини **Яратган** билан бирга деб ҳис этиши, балки ўзини шахс сифатида тугаб(мушоҳад), **Аллоҳ** таоло билан бирлашиб кетиш (фано—бақо)га интилишидир.

Иттиҳод — «бирлашиш», «қўшилиш». Ислом илоҳиётида бу атама хулул атамаси билан бирга икки хил маънода ишлатилади: а) илоҳий ва инсон табиатининг (иттиҳод аллохут бин-носут) бирлашиб кетиши; б) сўфийнинг мушоҳаба, важд (экстаз) ҳолатида руҳи ва қалбининг Ҳақ билан бирлашиш.

И л х о м — илмий (фан) жиҳатдан таърифланишича, у одамнинг руҳий ҳолати бўлиб, ундаги барча ижодий кучларнинг қуйилиб келиши ва руҳий жараёнларнинг фаоллашувидир. Илҳом келган вақтда онг, тафаккур тиниқлашади, фикрлаш ва ижодиёт осонлашиб сермахсул бўлади, ҳис—туйғулар ўткирлашади, тўлиб тошади. Илҳом ижоднинг қудратли омили, у ижодкорнинг ҳамма кучларини ишга солади ва ижодий самарадорликка ёрдам беради.

Диний нуқтаи назардан олганда, илҳом—диний илҳомланиш, руҳланиш, порланиш, илоҳий нурдан қалб ва шуурнинг ёришиб кетиши. Илҳом келган вақтда олинган илоҳий билимлар ақл, идрок, фикрлаш йўли билан олинадиган билимларга нисбатдан аъло мартабага эга бўлади. Чунки илҳом билан инсон илоҳий сир-асрорларни билиб олиши мумкин.

Илҳомни **Аллоҳ** Ўзи севган хос бандалари—азиз-авлиёларга ички-ботиний, ҳиссий билимларга мушарраф бўлиш учун беради.

Илҳом инсоннинг тафаккури, ақлу заковати даражасига боғлиқ эмас. У сўфийлар ёки **Аллоҳ** ўзи ярлақанган бандалари қалбига солган нур. Улар **Қуръон**нинг мавҳум сирли маънолари ва ботин сирларини ана шу **Аллоҳ** тақдим этган илҳом йўсинида (орқали) олади. Илҳом билан ваҳй бир-бирига яқин тушунча бўлиб, илҳом ваҳйдан шу билан фарқланадики, ваҳй фақат пайғамбарларга нозил қилинади, илҳом эса азиз-авлиёларга бахш этилади.

А қ л и к у л л — бутун олам ақли (оламий ақл) ёки ақли аввал.

Н а ф с и к у л л — бутун олам руҳининг айрим инсон руҳи, жони, нафсида зухурланиши, тажаллий этиши.

И л м и н а ҳ л — тариқат илми.

Л а д у н и й и л м — **Аллоҳ** ҳузуридан келадиган илм. **Ўзи** севган, қалби пок, амаллари холис бўлган бандаларига берилган илм. Бу илм илмларнинг энг юксаги бўлиб, уни устод таълимисиз, уларнинг саъй-ҳаракатисиз ғайбдан **Аллоҳ**нинг **Ўзи** билдиради ва улар валийлик даражасига етадилар. Авлиёлар бундай илм билан кароматлар кўрсата олиш қобилиятига эга бўлганлар.

И л м и қ о л — тил билан англатиб бўладиган, исботлаш мумкин бўлган зохирий — сиртки, диний, дунёвий илмлар, аниқ фанлар: физика, химия, математика, биология, жуғрофия, астрономия ва ҳоказолар. Исломда шариат илми ҳам «илми қол» деб юритилди. Хуллас дунёвий ва диний илмлар.

И л м и ҳ о л — Тасаввуфда ишлатиладиган ибора, атама. Ҳол-аҳвол илми, ботиний — ички, ҳиссий илмлар, яъни тасаввуф илмидир.

Ҳол — «силкинмоқ» маъносига тўғри келади, яъни бир силкиниб олиб қайтадан тубдан ўзгаришга ўтиш, ўзини тиклаб олиш маъносини билдиради. Сўфийлар: «*Ҳоллар қилинган амаллардан қолган бир меросдир*», деган тушунчани илгари сурадилар.

Яна тасаввуфдаги бу иборада **Тангри** истаган бандасига тилаган ҳолини берур, тилганини олур, деган тушунча ҳам бор. Тасаввуфда **Ҳақ таоло** **Ўзининг** ризосини қозонган, **Ўзига** яқин олган яхши бандаларига «Ҳол соҳиби», «Валий» мартабасини беради дейилади. Улар эгаллаган илм эса ҳол-аҳвол илми, илми ҳолдир. Бу илмни **Аллоҳ** фақат **Ўзи** суйган азиз бандалари — авлиёларга ато этган.

И л м и ғ а й б — турли сирлар, ички ҳолларга тегишли илм, тасаввуф илми, авлиёлик илми. Ғойибни билиш, кўринмаган нарса, ҳодисаларни кўра билиш, турли сиру синоатларни билиш илми. Бу илм орқали инсон ўзини руҳан кашф этади, ақл-идрок билан етиша олмаган тушунчаларга эришади.

Ғ а й б — ҳеч ким билмайдиган жой, маконсизлик; сир.

И л м и н а з а р — пирдан муридга етадиган руҳоний тарбият, ботиний ва қалбий таъсир.

И л м и и ш р о қ — инсоннинг олис масофадан туриб бировнинг фикрини ўқий

олиш қобилияти; телепатия.

И л м и и х ф о — нарсаларни кўздан ғойиб қилиш илми.

И л м и с и м и ё — сеҳр, гипноз. Сўз орқали кишига таъсир ўтказиш илми.

И л м и а д ё н — диний илмлар.

И л м и к а л о м—этикод илми; Куръони мажидга доир билимлар; Ислом илоҳиёти илми.

Б о т и н — бирор нарсанинг ички томони; ичдаги фикр; кўнгил.

З о ҳ и р — бирор нарсанинг ташқи томони; кўриб, эшитиб билинадиган нарса.

Шариатда одамни зоҳирига қараб ҳукм чиқарилади, ботинини **Аллоҳ** билади, яъни **Унга** ҳавола қилинади.

З о ҳ и р и й ва **б о т и н и й** илмлар—тасаввуфда табиат ва инсон вужудига, ақлига оид, шариат аҳкомларининг бир қисми—зоҳирий илм ёки «илми қол» деб аталади. Дил, кўнгил, руҳий олам сир-асрорларини кашф этишга оид илмлар ботиний ёки «илми ҳол» деб айтилади. Ҳол илми олий ҳақиқатларни кашф этиш билан боғлиқ.

Аммо Куръоннинг асл маънолари ўрнига, ўзлари тўқиган ботиний маъноларни «топувчи» ботинийлар зарарли, янглиш мазҳаб сифатида шариат пешволари томонидан қораланган. Тасаввуфда илми ботин олий илмлар қаторига киради.

З о ҳ и д л и к — **Парвардигор**нинг марҳаматига эришиш учун таркидунё қилиб, фақат тоат-ибодат билан шуғулланиб яшаш.

З у ҳ д ва **т а қ в о**—шариат ва тариқатда бирдек кадрланувчи иймон поклиги ва мустаҳкамлиги мезонларидир. Зухд, зоҳидлик бу дунёда мол-мулк, обрў, ҳашаматли ҳаёт лазатларига берилиб кетмай, бу нарсалардан парhez қилишдир. Иброҳим Адҳам, Фузайл, Аёз, Сўфиёни Саврий ҳаромдан, шубҳали таомлардан сақланиб, чўлда ўсимлик меваларини еб, доимо тоат, ибодат билан яшаганлар. Зухднинг юқори мартабаси кўнгил тозалигидир. Тақво—иймонда қувватли бўлиш, **Худонинг** қаҳри-ғазабидан қўрқиб, ўзини барча гуноҳ, ёмон ишлардан тийиш, зоҳидликнинг пойдевори.

Т а р к и д у н ё ч и л и к — одамлардан ташқарида якка, ёлғиз, ташқи дунёдан, жамиятдан ва оиладан ажралиб яшаш, кимсасиз жойларга бош олиб кетиш. Бундай дарбадарликда ёки муқимликда ҳаёт кечириш бошқа динларда ҳам бор. Унинг моҳияти **Парвардигор** йўлида риёзат, машаққат чекишдир. Таркидунё қилганларнинг кўпчилиги фақир, дарвеш, қаландар бўлиб яшайдилар.

У з л а т (арабча: «хилват, пана жой, чекка жой»), тасаввуфда халқдан ажралиб, холи жойларда ибодат ва зикр билан шуғулланиш. Лекин узлатга кетган киши оила, фарзандларини қаровсиз қолдирмаслиги, халқдан бутунлай юз ўгирмаслиги, узлатда ҳеч кимга малол келтирмаслиги ва ўзининг бу иши билан фахрланмаслиги керак бўлган. Узлат танҳоликда ўтириб руҳни мустаҳкамлаш, одамлар билан муомалани тўхтатиш, гаплашмаслик, эшитмаслик, қарамаслик ва турли феъл-атворлардан алоқани узиш, ҳис-туйғуни жиловлашдир.

С и м о ь (С а м о ь) (ар.: самъ—эшитиш сўзидан). Сўфийлар зикр пайтида **Худонинг** исмларини ва сифатларини ёд этиб, илоҳий завқ ҳолатига кирадилар. Баъзи тариқатларда жаҳрий — ошкора зикр, самоъ йўқ. Борларида эса у **Ҳақ таолонинг** ёди билан завқ ҳолатига кириш учун, бу моддий дунё ишлари ва ташвишларидан узоклашув, **Ҳаққа** яқинлашув мақсадида ижро қилинади.

Яссавия тариқатида дарвеш, қаландарлар асо—таёқ (ҳасса)ларини баланд кўтариб, тушириб, ихлос билан пирнинг **Худони** мадҳ этувчи, инсонларнинг осий (гуноҳкор) эканлигига иқдор қилувчи, тавба-тазарру руҳидаги ҳикматларини куйлаб, зикр тушадилар. Мавлавия (асосчиси Жалолиддин Румий) тариқатида дарвешлар шеърий ривоятлар ва ҳикматларни завқ билан, этақларини ҳилпиратиб, гир айланиб куйлайдилар. Бунда чолғу.

муסיқа журлигида зикр табора тезлаша боради ва шиддатли тус олади. Симоъ вақтида сўфийлар **Аллоҳ**нинг тариқат пирига ато этган баракотидан улуш-насиба оладилар ва Ҳақиқат оламига кирадилар.

И ш р о қ— Шарқ, Қуёш чиқиши сўзидан олинган. Сўфий ботини, яъни кўнглининг илоҳий нур билан ёришуви. Тасаввуфда Шарқ кун ёришувига, Фарб (кўплиги «ғуруб») кун ботишига, илм, маърифатнинг йўқолишига, ёки инсон умрининг тугашига ишорадир. Шарқда инсон бир ҳолдан илм, маърифат нури таъсирида янги ҳолга ўтиб юксалиши тушунилади. Кун ботишида эса илоҳий нур билан ёришган вужуд йўқолиб, ўрнига янги жисмлар туғилиши назарда тутилади. Тасаввуфда ҳақиқат нурга етишувни билдиради. Аммо илоҳий нур шу қадар ёруғки, унга интилганлар ва етишганларнинг жисми парвона (капалак) чироққа интилиб, куйгандек, ҳалок бўлади. Сўфийнинг илоҳий нурга—ҳақиқатга интилиши—Олий руҳ Ҳақиқат нурига кўшилиб, ўз вужудидан «менлиги» ташвишларидан қутилишини англатади.

В а ж д—сўфийликда ишқ ва иштиёқ ғалабаси натижасида ўзидан кетиши (экстаз) ҳолати.

З а в қ—сўфийларда таълим олувчи, шогирд—солик узоқ вақт сарфламай, завқ (ишроқ, ёришув) орқали бирданига ҳақиқат оламларида сайр этиши, ҳақиқатга етиши мумкин.

К а ш ф—сўфий завқ, ишроқ ҳолига тушганда, илоҳий сирлар оламининг очилишини билдиради.

Р и ё з а т — сўфийларнинг **Ҳаққа** етишиш йўлидаги жисмоний, руҳий меҳнатлари, машаққатлари; нафс хоҳишига қарши туриб ўзини қийнаш, машаққатланиш.

М ў ъ ж и з а — илоҳий куч ёрдамида содир этиладиган, ҳамда набийлар, пайғамбарлар, расулларга ато этилган илоҳий, ғайритабиий ишлар, ҳодисалар. Мўъжиза кўрсатиш, каромат кўрсатишга қараганда қадри баланд, маъноси теран, чуқурроқ бўлиб, **Аллоҳ**нинг фақат пайғамбарларга берган неъматини ҳисобланади.

К а р о м а т — илоҳий куч ва илм ёрдамида содир этиладиган, **Аллоҳ** севган бандаларига — валийларга ато этган илму ҳикмат натижаси бўлган ғайритабиий сирли ҳодисалар, ишлар. Тасаввуфнинг сирлилиги, тасаввуф аҳлининг ғайб олами билан алоқадорлиги ана шундай кучли каромат кўрсата олиш қобилиятларида намоён бўлади. Каромат — мўъжизага нисбатан иккинчи даражали ҳисобланса-да, ғаройиблиги мўъжизадан кучли. Авлиёларнинг каромат кўрсата олиш қобилиятларига, илмларига ҳатто пайғамбарлар ҳам ҳавас айлаб, шундай илмга етишишни орзу қилганлар.

З и к р — мусулмонларнинг бирор руҳоний етакчилигида давра қуриб, **Аллоҳ**нинг энг гўзал исмларини баланд овоз билан тилга олиши.

Зикр арабча сўз бўлиб, «дил билан бирор нарсани ёдлаш, эслаш, тил билан талаффуз қилиш» маъноларини англатади. Кўпчилик бўлиб ёки якка ҳолда **Аллоҳ**ни номлари ва сифатлари билан тилга олиб хотирлашдир.

Тариқат пирлари ва муридларининг кундалик ўқиб юрадиган махсус калима ва дуолари. Барча зикрларнинг афзали «**Ла илаҳа, иллаллоҳ**»дир.

Зикр тил, дил ва бадан билан очик, ошкора ижро қилинади.

Турли тариқат солиқлари улардан бирини танлаб олган бўладилар ва зикрни тилда, дилда ва зоҳиран ижро этадилар.

Зикр икки хил бўлади: **зикри хуфия** — пинҳоний, яширин, дилда қилинадиган зикр (нақшбандия сулукидагилар зикри). **Аллоҳ** номини дилда, овоз чиқармай такрорлаш. **Зикри алония** — ошкора зикр. Бунда муридлар **Аллоҳ** исмларини овоз чиқариб айтадилар (яссавия сулукидагилар шунга амал қилганлар).

Зикр тушиш маросими қуйидагича амалга оширилган. Бир гуруҳ сўфийлар давра қуриб ўтиришади. Бир киши диний саноларни, дуоларни маълум, таъсирли оҳангда ўқийди, кейин унга қолганлар жўр бўла бошлайдилар. Бора-бора улар ўринларидан туриб, маълум бир сўзларни тинмай такрорлаб, диний рақсга тушадилар. Бу сўзлар **Парвардигор** номла-

ридан иборат бўлган каломлар бўлиб, узоқ вақт ўқилган сано ва рақс натижасида зикр тушаётганлар ўзларини унутиб жазавага (экстаз ҳолатига) тушадилар ва улар бу ҳолатни **Ҳақ** билан қўшилиб кетиш деб ҳисоблайдилар.

Зикр тушувчилар ўзларини қийноққа солганлар, жазова, ўта асабий зўриқиш натижасида уларнинг кўзларига хар хил нарсалар кўрина бошлайди ва улар турли товушлар чиқариб қичқирадилар. Асаблари ниҳоятда зўриқиши натижасида *глосаллия* ва *галлюцинация* ҳолатига тушадилар.

Зикр ал-авқот (кундалик зикр) — кунига уч маҳал якка-якка тартибда зикр адо этиш. Сўфийлар бу билан ўпка-юрак фаолиятини яхшилаш йўлини жуда яхши билганлар.

Сўфийлар зикр тушганларида жазавага тушишларининг сўнгги даврида **Парвардигор**га яқинлашадилар ва **Ҳақ** билан сўзлаша бошлайдилар. Бу ҳол «ишроқ» деб аталган. (Ишроқ арабча: пэрлаш, жилва).

Зикри жаҳрия — Ҳожа Аҳмад Яссавий асос солган зикр усули. Бунда дарвешлар баланд товуш билан зикр тушганлар.

Зикри самоъ — жўровоз бўлиб зикрга тушмоқ, давра ичра зикр. Самоъ—сўфийларнинг(кўпинча) ўзига хос мусиқа ва қўшиқ билан зикр тушиши.

Жазова — экстаз, кучли асаб кўзгалиши, ўз хатти-ҳаракатини назорат қила олмай қолиши. Хаёлот ва реаллик ўртасидаги чегаранинг йўқолиши натижасида юзага келадиган ҳолат.

Муроқаба — хаёлот уммониға фарқ бўлмоқ, аслида боқий дунё ёки илоҳий олам гами билан машғул бўлмоқ. Ўзликдан кечиб, фоний дунёни унутиб, боқий оламни ўйлаб илоҳий хаёл уммониға фарқ бўлиш, ҳиссий хаёлотга тўлиқ берилиш.

Тавба (арабча) — «қайтиш, пушаймон қилиш» маъноларини англатади. Ўй-фикр, хатти-ҳаракатни тубдан ўзгартириш. Тасаввуфга қадам қўйган киши олдин қилган барча гуноҳларидан тавба қилиб, пушаймон бўлиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасдан қилмасликка азму қарор қилиши керак бўлган.

Нафл — **Парвардигор**дан нажот, мадад тилаб, ёлвориб, илтижо қилиб, яширин қилинадиган қўшимча ибодат, намоз. Бундай ибодат билан кўпинча сўфийлар шуғулланганлар.

Вараъ — «паноҳ тилаш», «бошпана излаш», «кимнингдир ҳимоясига қочиш». Тасаввуфда **Аллоҳ**дан паноҳ тилаш, унинг ҳимоясига қочиш, ёлбориш. Дуо ва зикр пайтида ёрдам ва мададни фақат **Унинг Ўзидан** тилаб ёлвориш, илтижо қилиш.

Ринд—тасаввуфда барча бойлик, лавозим, зоҳирий илтифоту мулозаматлардан ўзини йироқ ташлаб, олам ва одамнинг энг юксалган поясида ўзини тўлиқ озод сезувчи хур фикрли инсонни англатади. Шарқ шеъриятида молу давлатни кўзга илмаган исёнкор руҳиятли, майпараст, бодадан ҳақиқат сармасти бўлиб ишқ узра саргардонлардан бўлган киши тимсолидир. Уни шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, балки онгли суратда инкор этувчи, олам сирларини одам ҳолидан воқиф бўлган инсон дейдилар.

Риндона тасаввуф — ҳаётнинг маъноси айш-ишрат, роҳат-фароғат деб қаровчи, юнон фалсафаси — эпикуризм таълимотига яқин турувчи, шариат талабларига унчалик риоя қилмайдиган, ҳаётга танқидий кўз билан қаровчи, эркин фикр юритиш — хур фикрлиликка асосланган тасаввуфнинг бир шохобчаси.

Назр — «ваъда, сўз бериш» маъноларини англатади. Ислонда бирор диний хатти-ҳаракатни бажариш ёки бирор нарсани дин йўлида ҳадя қилиш ҳақида диндорнинг аҳди, ўз ўзига ваъдаси. Пирлар ва эшонларга пул ёки молдан ташқари ўз фарзандларини ҳам улар хизматига назр қилиб бериш одати бўлган. Насронийликда бу одат «обет» деб аталади.

Олам — бутун моддий олам, ҳаракатдаги материянинг мавжуд турли-туман кўринишлари. Баъзан коинот сўзининг синоними сифатида ҳам ишлатилади.

Бизни ўраб олган олам вақт ва фазода чексиздир. Ҳар бири 100 миллиарддан ортиқ юлдузни ўз ичига олган бир қанча галактикадан иборат. Баъзи галактикалар биздан 15 миллиард ёруғлик йилига тенг масофада жойлашган. 1 ёруғлик йили ёруғликнинг 1 йилда босиб ўтган масофасига тенгдир. Давримизнинг энг юқори тезлик ўлчов бирлиги — ёруғлик тезлиги 1 секундда 300 минг километрдир.

Ислом дини таълим беришича, қудратли **Аллоҳ таоло** ўн саккиз минг оламнинг яратувчисидир.

1. Олами Акбар — энг буюк олам — коинот. **Аллоҳ** 18 минг оламини (жуда кўп маъносида) яратган, дейилади манбаларда. (Имом Бухорий. Хадис. III-жилд, 558-бет).
2. Олами Асфар — энг кичик олам, яъни инсон.
3. Олами Шухуд, Шукух — кўзга кўринадиган, яъни бу дунё.
4. Олами Мулк — ҳис этиб англаб бўладиган, инсон ақли етадиган жисмоний ва моддий макон, замон олами.
5. Олами Асбоб — сабаблар олами, бу дунё.
6. Олами Носуд — инсоннинг ақли етадиган моддий олам, яъни махлуқлар (яратилганлар) олами.
7. Олами Лохуд — улухият олами, илоҳий маконлар олами.
8. Олами Барзах — икки (у ва бу) дунё оралиғи, кўзга кўринмайдиган олам.
9. Олами Амр — **Аллоҳ**нинг амри билан ҳар нарсанинг мавжудлигини таъминлайдиган олам.
10. Олами Малакут — **Аллоҳ**нинг олий илоҳий ҳукмронлиги, олий ғоялар ва амрлар олами. **Аллоҳ**нинг илоҳий иродаси ва сир-асрорларидан иборат бўлган «Илоҳий амрлар олами». Малакут — бирламчи, дастлабки онг — «ақли ал-аввал» олами мақомидадир.
11. Олами Жабарут — малакут ва мулк (жисмоний олам) оралиғидаги ҳолат, муҳит, мақом бўлиб, у Малакут олами — «Илоҳий қудрат олами» ғояларига хизмат қилади.
12. Олами Файб — кўзга кўринмас олам.
13. Олами Арвоҳ — руҳлар олами.
14. Олами Зухур — ашёларнинг зухурланиш (кўриниш) олами.
15. Олами Кавни фасод — бузуқлик олами ва ҳоказолар.

А л - Б а р з а х (Олами Барзах) — тасаввуфда руҳий олам ва моддий олам ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршиликларни бирлаштириб турувчи «учинчи олам». Оддий ақл қуввати билан аёнлаб бўлмайдиган бу оралик моҳиятини, оламдаги ғайри оддий ажойиботлар, сир - синоатларни сўфийлар илҳом йўсинида «кўнгил кўзи» билан билиб оладилар. Аммо у сир - асрорларни оддий одамларга ҳеч қачон ошкор этмайдилар...

Ал - Барзах—инсоннинг ўлимдан кейинги мавҳум, биз билмайдиган ва билолмайдиган алоҳида бошқача ҳолати — «янгица ҳаёти»ни ҳам билдиради. Шунингдек, бу атама инсоннинг ўлимидан то қайта тирилиш—қиёматгача давом этадиган ҳолати, «ҳаёти»ни билдириш учун ҳам ишлатилади.

Х а ю л о — барча мавжудотларнинг жавҳари, бирламчи модда. У турли жисмларнинг шакларини ташкил этади. Хаюло—ҳаёт ва ўлим оламининг моҳияти, абадий оламнинг ҳам мавжудлиги—абадийлигини билдирувчи ҳақиқат, моддий борлиқдир.

А р ш — «айвон», «осмон», «юксак тахт». Арш тўққизинчи осмонда деб ҳисобланади. Арш сўфийлар тасавурида борлиқ ва вужуддир. Арш коинотнинг руҳи бўлиб, моддий оламнинг илк, дастлабки босқичидир; бутун оламларни бағрига олган ёруғ бир борлиқ —

Кулли макондир. Шунинг учун у илоҳий тахт деб қабул қилинган. Унга қўйилган номлар: «Арши аъло», «Арши муалло», «Арши илоҳий», «Арши Раҳмон», «Арши Яздон», «Фалаки аъзам».

С а б р—қ а н о а т. Сабр—ҳаётда учрайдиган бало, қазо, офатларга, қийинчиликларга чидаш, яхши кунлар умиди билан яшашдир. Қаноат ҳаётда нафс истакларига, хою ҳавасга берилмай, бойликка, мол-дунё йиғишга қизиқмай, борига шукр қилиб яшашдир. Бу иккала фазилат шариятда ҳам, тариқатда ҳам иймони пок, азиз одамларнинг юқори мартабасидир.

Сабр — чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устуворлик. Тасаввуфий тушунчада сабр инсоннинг яхши ва ёмон ҳолатларнинг барчаси **Аллоҳ** томонидан ато этилганини англаши ва шунга тан бериши. Яхши ҳоллар учун шукр қилиш ва ёмон ҳоллар учун шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир.

Сабрнинг энгилроғи йўқчилик, қийинчилик ва кулфатларга бардош бериш бўлса, қийинроғи — шоду хуррамлик, омад, бой-бадавлатликдаги сабр ҳисобланади. Буларга шодланиб кўнгил боғламаслик, ҳамма-ҳаммаси кишининг қўлида омонат эканини ва бир зумда йўқ бўлиши мумкинлигини билмоқликдир. Шунинг учун дунёнинг ҳеч бир нарсасига дилни боғламаслик, кўнгил қўймаслик лозим.

Йўқсилликдаги сабр бир жиҳатдан мажбурий бўлса, бой-бадавлатликдаги сабр ундан офирроқ, яъни ёқимли бўлган хою ҳавас, нафс, роҳатланишга қарши курашиш ва ўзини бунга сабр этишга мажбурлашдир. Бундай кишилар яъни «омонат дунёда омонат яшагил» деган қоидага яқин келганлар — сўфийлардир. Бу қоида билан яшаб юрганлар **Аллоҳ**нинг севган азиз-авлиёлари дир.

Р и з о ва **ш у к р** —бу дунёда **Худонинг** берганига ризо бўлиб, борига шукр қилиб, сабр қаноат билан яшашдир. Инсон бошига келган яхши кунларга ҳам, ёмон кунларга ҳам ризо бўлиб яшаса, **Ҳақ таоло** бундай одамга **Ўзи** ризқ-насибалар етказаверади. Ризо ва шукр оддий шароитда ҳам, тасаввуф тариқатида ҳам, эзгу фазилатлар сифатида қадрланади.

Ф а н о ф и л л о ҳ — **Аллоҳ** даргоҳига сингиб, унинг васлига етиб, йўқ бўлиш. Барча гуноҳлардан покланиш, тирик туриб йўқдек, ҳеч нарса тиламай, тама қилмай, фақат **Аллоҳ** даргоҳига етишни тилаб яшаш. Фанофиллоҳ таълимотига қаттиқ амал қилган Хожа Аҳмад Яссавий шундай нақл этади: «*Савол бердилар: «Нима истайсан?» «Ҳеч нима истамасликни истайман!»* деган жавобни бердилар».

Ф а н о — йўқолиб кетиш, тугаш. Бақонинг акси. Фоний — йўқ бўлувчи, йўқолувчи; сўфийлик тариқатининг ҳақиқат босқичига етган одам. У ўзининг инсоний борлиғидан ҳамда бутун борлиқдан халос бўлиб тугайди ва **Худованд** билан қўшилиб, унга сингиб кетади. Ўз-ўзини унутиш, ташқи оламдан тамоман ажралиш фанофиллоҳ дейилади.

Б а қ о — боқийлик, давомли, барқарор. Тасаввуфда **Аллоҳ**нинг дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан воз кечишга айтилади.

Д о р у л ф а н о — ўткинчи макон. Исломда — бу дунё, яъни ўткинчи, бевафо дунё.

Д о р у л б а қ о — абадий макон. Ислом динида нариги — абадий давом этадиган дунё. Дорулфанонинг акси.

О б и д— доим тоат-ибодат билан машғул бўлган тақводор. Ибн Синога кўра, «дунёнинг завқ ва неъматларидан йироқлашган кимсага зоҳид; нофила ибодатлар, турли дуо ва бошқа ибодатларга ўзини бағишлаган кишига обид» дерлар. Обидларнинг ибодатлари: намоз ўқимок, рўза тутмоқ, ҳажга бормок, нафсга дахлдор орзу-ҳавасларини енгиб, тарки дунё қилиш орқали охиратни севмоқдир. Обидлар бир-бирини ранжитиб, бир-бирига озор етказмагани учун улар авом тоифасига нисбат берилган. Шунингдек, уларнинг табиатида кибр, ҳасад, хусумат, фишқ ва ғанимлик сингари иллатлар ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. Шунинг учун обидни шубҳа ва даъво одами деганлар. **Аллоҳ таоло** фаришталарининг бош фазилати обидлик, инсон эса олимлиги билан ҳам фаришталардан ажралиб туради. Ибн Ҳанбал:

«Олимнинг обиддан устунлиги ойнинг юлдузлардан устунлиги кабидир» деган.

О р и ф—том маъноси ҳақшунос, ҳақгўй; **Аллоҳ**ни англаган ва таниган ирфон соҳиби. Сўфийларда илм — ақлга, ирфон — хис-туйғуларга асосланади. Сўфийлар назарида ирфон **Аллоҳ** тухфаси бўлгани учун илмдан устун туради. Ориф—**Аллоҳ**нинг шухуд, асмо ва сифатларини идрок этган, мавҳум борлигидан кечиб, **Ҳақ** борлиги билан бор бўлган кишидир. Маърифати бутунлай **Аллоҳга** боғланган орифга валий ёки орифи биллоҳ дейилади.

Т а л б и с—бирор бир нарсанинг унинг ҳақиқатига тескари тарзда халққа кўрсатиш. Сўфийлар ўзларининг гўзал хислатларини ёмон хулқлари билан яширишлари ёки мухофазаларини «талбис қилиш» деганлар.

Ҳ а й р а т—таажжубланиш, ҳайрон қолиш. Тасаввуфда қулнинг фанофиллоҳ ҳолига етишуви учун эгалланиши зарур бўлган мақом. Ҳайрат **Аллоҳ**нинг қудрат ва ҳикматидан туғиладиган шундай бир туйғуки, сўфийлар наздида у тил билан баён этилмайди.

И с м и аъзам — энг улуғ исм; **Аллоҳ**нинг исмлари. Исми аъзам — «**Ал-Ҳайй**» ва «**Ал-Қаййум**», «**Аллоҳ**» ва «**Ҳува**» **Парвардигор**нинг моҳиятини билдирувчи сўзлар бўлиб, Исломда «Исм аз-зот» деб аталади. «**Ал-Ҳайй**» ва «**Ал-Қаййум**» **Парвардигор**нинг илоҳий сифатларини билдирувчи исмлардир. Маъноси фақат набийларгагина аён исми аъзам илк бор «Бақара» сурасининг 255-оятда: «**Аллоҳу ла илаҳа илла ҳува ал-ҳаййу ал-қаййуму**», ва «Оли Имрон» сурасининг 1-оятда: «**Аллоҳу ла илаҳа ҳува ал-ҳаййу ал-қаййум**» тарзида баён қилинган.

Булардан ташқари **Аллоҳ**нинг яна қуйидаги «Исми аъзам»и бор:

«**Йа Ҳаййу, йа Қаййум ! Йа Зал-жалали вал-икрам !**» ёки: «**Йа Илаҳанна ва Илаҳа кулли шайъин Илаҳан ваҳидан. Ла Илаҳа илла Ант**». (Қуръони карим, 27:40).

Исми аъзамни биринчи бўлиб ўргатган пайғамбар Илёс алайҳиссаломдир.

Шундай қилиб, бу ажойиб мураккаб мавзунини бошдан оёқ ёритиб берадиган бўлсак, қўлингиздаги мазкур китоб ҳажмидан ҳам ортиб кетади. Бинобарин, сўфийлик ва тасаввуф ҳақида баён қилганларимиз бу соҳада умумий тасаввурга эга бўлишимиз учун кифоя қилади. Бундан ортиги бизни мақсаддан узоқлаштириб юборади.

Айрим диний сўзлар ва иборалар изоҳи (мавзу тузилмасига кўра)

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм («Меҳрибон ва Раҳимли **Тангри** номи билан») — **Қуръони карим**нинг «Тавба» сурасидан ташқари барча суралари бошланиши олдидан айтилган илоҳий калима, оят. Бу калима ибодат вақтида, ҳар бир ишни бошлашдан ва овқатланишдан олдин айтилади. Мактублар ёзилганда, расмий хужжатлар, диний асарлар бошида ҳам ёзилади (Бизда кўпинча «**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**», деб талаффуз қилинади).

Аъзу биллоҳи минаш-шайтонир ражийм (**Аллоҳ**нинг раҳматидан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман) — мусулмон қўллайдиган ибора; ҳатто шайтонни ҳам сўкиб, ҳақорат қилиб бўлмайди, фақат унинг ёмонлигидан **Аллоҳ**дан паноҳ тиланади (Бизда ражийм — рожийм, деб талаффуз қилинади).

Бу ҳақда алоҳида оят нозил қилинган: «**Қачонки Қуръон ўқисангиз, албатта қувгин этилган шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрангиз!**» (16-«Наҳл» сураси, 98- оят).

Расули акрам — иззатли пайғамбар.

Алайҳиссалом — унга Аллоҳнинг саломи бўлсин.

Саллаллоҳу алайҳи вассаллам — Аллоҳнинг унга саловоти ва саломи бўлсин.

Саллаллоҳу алайҳи вассаллам ва аъло олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин — Расулulloҳга, унинг оиласи ва барча дўстларига саловот ва саломлар бўлсин.

Алайҳиссалоту вассаллам — унга саловот ва саломлар бўлсин.

Ризвоналлоҳу алайҳим ажмаъин — уларнинг барчасига Аллоҳнинг розилиги бўлсин.

Қаддасаллоҳу арвоҳаҳум — уларнинг руҳларини Аллоҳ муқаддас қилсин.

Қаддаса сирруҳу — унинг сирлари муқаддас қилинди.

Қаддасаллоҳу сирриҳу — Аллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин.

Қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз — Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин.

Қаддасаллоҳу таоло асрораҳум — Аллоҳ таоло уларнинг сирларини муқаддас қилсин.

Алайҳираҳма ва ризвон — унга Аллоҳни раҳмати ва розилиги бўлсин.

Разийаллоҳу анҳу — Аллоҳ ундан рози бўлсин (эркакларга нисбатан).

Разийаллоҳу анҳо — Аллоҳ ундан рози бўлсин (хотинларга нисбатан).

Разийаллоҳу анҳумо, анҳум — Аллоҳ улардан рози бўлсин (кўпчиликка нисбатан).

Раҳматуллоҳи алайҳ — унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин.

Раҳматуллоҳу таоло — Аллоҳ таоло унга раҳм қилсин.

Раҳимаҳуллоҳу — Аллоҳ унга раҳм қилсин.

Боракаллоҳ — Аллоҳ сенга барака ато қилсин.

Салламаҳуллоҳ — Аллоҳ уни саломат қилсин.

Ризвонуллаҳи алайҳим ажмаъин — уларнинг барчасидан Аллоҳ рози бўлсин.

Жалла жалолуҳу — Унинг шаъну шавкати улуғ бўлсин (Аллоҳнинг номи тилга олинганда айтилади).

Карамаллоҳу важҳаҳу — Аллоҳ унинг юзини ёруғ ва мукаррам қилсин (ҳазрат Алига берилган сифат).

Валлоҳу аълам — Худо билади.

Валлоҳу аълам бис-савоб — Аллоҳ тўғрисида билгувчироқдир.

Изи азза ва жалла — Аллоҳ қудратли ва улуғ.

Азза ва жалла — Аллоҳ азиз, ўз ишида голиб ва қудратли.

Салавот — Пайгамбаримизга ўқаладиган дуолар.

Дуруд — Пайгамбарларга юборилган салом, тилак, дуо, олқиш, мадҳ, сано ва саловотлар.

Сано — мадҳ, таҳсин, мақташ, алқов.

Таоло — Улуғ, Олий Аллоҳга шукрлар бўлсин.

Розиқи Ҳай — ризқ берувчи Аллоҳ.

Мурсал (мурсалин) — китоб соҳиби бўлган пайгамбар, пайгамбарлар (Одам, Шис, Идрис, Иброҳим, Мусо, Довуд, Ийсо ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламлар).

Ҳазрат — олий даражадаги диний мансабдорларни улуғлаш учун «жаноби олийлари» маъносидан ишлатиладиган сўз.

Онҳазрат — Муҳаммад алайҳиссаломни ҳурматлаб тилга олиш.

Мустафо — танланган.

Рисолатпаноҳ — пайгамбарликнинг паноҳи. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сифатларидан.

Хайр ул-башар — одамларнинг яхшиси, Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг сифатларидан.

Маозаллоҳ — Аллоҳ паноҳ берсин. *Худо сақласин, асрасин.*

Наъзу биллоҳи минҳо — бундан бизни Аллоҳнинг Ўзи асрасин.

Наъзу биллоҳи мин золика — бундай ишлардан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз.

Наъзу биллоҳ — *Худо сақласин.*

И л о ҳ и ё т — Худованд тўғрисидаги таълимот, билим. Бутун оламни, коинотни, борликни, барча махлуқотларни яратган, уларни инсон билаолмайдиган ўз қонунлари билан бошқарадиган Аллоҳнинг сифатлари, белгилари, хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимот. Фан, фалсафа оламни ақл-идрок билан билиш орқали ҳақиқатга яқинлашса, илоҳиёт эса **Ҳақ таолонинг** пайғамбарлар орқали юборган ваҳйлари орқали ҳақиқатни очиб беради. Диний ақидалар, илоҳий кўрсатмалар билан шуғулланувчи фан. Теология.

А л л о ҳ , О л л о ҳ (арабча **ал-Илоҳ**) — илоҳий куч, **Худо**. **Аллоҳ** — Худонинг Ислом динидаги арабча номи.

Қ у р ъ о н и карим жумлаларига берилган атамалар — Пайғамбар ва уламолар томонидан қўлланган қисқартмалар, чунончи:

Басмала — «*Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм*».

Таҳлил — «*Ла илаҳа иллаллоҳ*».

Ла ҳавла — «*Аллоҳдан бошқа куч ва қудрат йўқ*».

Ҳамдала — «*Алҳамдулilloҳ*».

Ҳавқала — «*Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ*».

Такбир — «*Аллоҳу акбар*» ва *ҳоказолар*.

Қ и р о а т — *Қуръони каримни* маълум бир оҳангда ўқиш.

Т и л о в а т — *Қуръондан* оят, сурани кироатли ўқиш.

Т а ф с и р — *Қуръони карим* оятларининг шарҳлари, изоҳлари.

П о р а — *Қуръони карим* бўлаклари, парчалари, қисмлари. *Қуръон* 30 порадан (жуз, бўлакдан) иборат.

С у р а — фақат *Қуръонга*гина хос атама. *Қуръони каримнинг* сарлавҳали боблари сура дейилади. *Қуръонда* жами 114 сура бор.

О я т — илоҳий белги, нишон, аломат, ибрат, мўъжиза. *Қуръони карим* сураларининг мисралари, бандлари. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

В а ҳ й — **Тангри таолонинг** набийлар ва расуллар орқали инсонларга юборган хабар, диний ҳукмлари ва амрларининг етказилиши. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

И с л о м — Яккаю ягона **Худовандни** тан олиш, **Унга** ишонч, итоат, бўйсунуш ва **Унга** ўзини топшириш, деган маъноларни англатади. Бутун башариятни тўғри, ҳақ йўлга бошлаш учун **Аллоҳ** томонидан **Ўзининг** расули ва пайғамбари Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам орқали юборилган охирги диний таълимот. Ислом батамом янги эътиқод эмас, балки у Иброҳим а.с. нинг тавҳидга асосланган, қайта тикланган диндир.

И й м о н — ишонч, эътиқод. **Аллоҳнинг** борлигига, яккаю ягоналигига, Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг **Унинг** расули ва пайғамбари эканлигига чин дилдан ишониб, тил билан тасдиқлашга иймон дейилади.

Бундан ташқари диний иймон соҳиби **Аллоҳнинг** фаришталарига, илоҳий китобларига, пайғамбарларига, тақдирга, охиратга ва ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмоғи шарт.

М у с у л м о н (муслим, мўмин) — Яккаю ягона **Худого**, Ислом динига эътиқод қилувчи шахс.

Расул — Аллоҳнинг Ердаги элчиси. Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассаллам барча пайғамбарлардан кейин келган бўлсалар-да, Одам Ато яратилмай туриб, ул зотнинг руҳлари яратилган ва Расул деб ном олганлар. Ул зотнинг бошқа Расул ва пайғамбарлардан афзал томонларидан бири бутун башариятга юборилган охирги Расул ва пайғамбар эканликларидир.

Пайғамбар — араб тилидаги «набий» калимасининг форсчага айнан таржимаси (хабар етказувчи). *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

Саҳобалар — Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассалламнинг дўстлари, яқин сафдошлари, шогирдлари, ёрдамчилари. Саҳобанинг кўплиги — асҳоб.

Табаа, тобеъинлар — Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассалламнинг саҳобаларини кўрган ва уларнинг ишини давом эттирган мусулмонлар.

Татобеъинлар (табаати тобеъинлар) — тобеъинларни кўрган ва уларнинг ишларини давом эттирган мусулмонлар.

Муҳожирлар — милодий 622- йили Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб кўчиб келган мусулмонлар; ўз ватанидан узоқда юрганлар.

Ансорлар — Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб кўчиб келган мусулмонларга ёрдам қилган мадиналик мусулмонлар.

Уммат — Пайғамбар қавми.

Банда — Худонинг қули.

Ҳадис — пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассалламнинг сўзлари, насихатлари, кўрсатмалари. Исломдаги иккинчи муқаддас манба. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

Ахбор — шиъа мазҳабидаги мусулмонларнинг муқаддас ривоятлари, Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассаллам ва ҳазрат Алининг сўзлари, фаолиятлари тўғрисидаги ривоятлар тўплами китоби. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

Саҳийҳ — энг ишончли деб ҳисобланган ҳадисларнинг покиза сифати.

Қудсий — Аллоҳ даргоҳига тааллуқли дегани.

Ҳадиси қудсий — Аллоҳнинг даргоҳидан Муҳаммад алайҳиссаломга бевосита келган ваҳй.

Сунна ёки суннат — тутилган йўл, одат, қоида, хатти-ҳаракат тарзи. Мусулмонлар учун ибрат бўлган Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассалламнинг сўзлари, насихатлари, қилган ишлари, одатлари ва кўрсатмалари мажмуи. Ислом динида **Қуръон**дан кейинги, уни тўлдирувчи манба бўлиб, Ислом илоҳиёти ва шариатининг иккинчи асоси ҳисобланади.

Суннийлик — исломнинг уч асосий йўналишидан бири. Бу йўналишдаги мусулмонлар **Қуръони карим** билан бирга пайғамбаримиз ҳадислари, суннатлари бўлган Суннага ҳам эътиқод, риоя қиладилар. Суннийликда ханафия, моликия, шофиъия ва ханбалия мазҳаблари бор.

Хатна — 1. Ўғил бола жинсий аъзоси учудаги терисини кесиш; хатна Исломда фарзга эмас, суннатга киради; 2. Хатна Библияда яҳудийликнинг белгиси ҳисобланади. 3. Бизда хатна суннат деб ҳам аталади. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

Шиъалик — Ислом динининг уч асосий йўналишининг иккинчиси. Бу йўналишдаги мусулмонлар **Қуръони карим** билан бирга ўзларининг ҳадислар тўплами бўлмиш «Ахбор»ни эътироф этадилар. Шиъаликда ягона жаъфария мазҳаби бор.

Хорижийлар (четга чикқанлар, ташқариликлар) — Пайғамбаримиз вафотларидан кейин VII асрнинг 2-ярмида пайдо бўлган Исломдаги уч йўналишнинг биринчиси. Халифа ҳазрат Али ва Муовия ўртасида тахт учун курашда ҳар иккаловига ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаганлар гуруҳи. Бу оқим ўша пайтлардаёқ йўқ бўлиб кетган.

Мазҳаб — оқим, йўл, таълимот, маслак. Исломдаги диний-ҳуқуқий йўл, таълимот, оқим.

Аҳли китоб — ўз диний, илоҳий китобларига (Таврот, Забур, Инжил, Қуръон) эга бўлган яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар аҳли китоб ҳисобланадилар.

Фиқҳ — мусулмон ҳуқуқшунослиги; шаръий далиллардан шаръий ҳукмлар чиқариш. **Шаръий далил** — *Қуръон* ва Суннадир. **Шаръий ҳукм** эса умумий шаръий ҳукмдан келиб чиқадиган хусусий фикрдир. **Фақиҳ** — қонуншунос. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

Ижмоъ — яқдиллик билан қабул қилинган қарор; жамоатнинг ягона фикри. Шариат манбаларининг *Қуръон* ва Суннадан кейинги учинчиси. *Қуръони карим* ва Суннада аниқ кўрсатилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда Ислом уламолари ва мужтаҳидларининг тўпланишиб, ягона фикрга келиб ҳукм чиқариши — фатво бериши. Тўпланган уламо-ларнинг бирортаси чиқариладиган ҳукмга ризо бўлмаса, у ҳақ бўлиш эҳтимоли борлиги учун, ҳукм — фатво қабул қилинмайди. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Қиёс — таққослаш, солиштириш. Шариат манбаларининг *Қуръон*, Сунна ва Ижмоъдан кейинги тўртинчиси. Уч манба бўйича ечилмаган масалалар қиёслаш йўли билан ечилади, тушунтирилади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Шариат — тўғри йўл, илоҳий йўл қонунчилиги; Ислом динининг қонун-қоидалар тизими, мажмуаси, кодекси. Шариатда 6 асосий категория бор.

1) **Фарз** — мажбурият. Шариатда барча мусулмонлар бажариши шарт, мажбурий бўлган қатъий талаблар, ҳуқуқий, ахлоқий меъёрлар.

2) **Мандуб** — тавсия этилган, лозим топилган, лекин мажбур ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар. Ихтиёрий бажариладиган урф-одатлар. Унинг баъзи категориялари суннат таркибига ҳам киради.

3) **Мубоҳ** — умумий, ҳеч кимга тааллуқли бўлмаган. Бажарилиши тақиқланмаган ва мажбурий деб ҳам ҳисобланмаган, шариатда қилса бўладиган ишлар. **Жоиз** — ижозат берилган, йўл берилган ишлар. «Мубоҳ» атамасининг синоними. Яъни гуноҳ ҳисобланмайдиган, инсон ҳаёти ва турмуши билан боғлиқ бўлган оддий хатти-ҳаракатлар — овқатланиш, ухлаш, уйланиш, дам олиш ва ҳоказолар. Мубоҳ моҳиятан «жоиз» категориясига тенг.

4) **Ҳалол** — мусулмонлар учун руҳсат этилган хатти-ҳаракатлар ва ишлар, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлар, ичимликлар. Ҳаромнинг зидди.

5) **Ҳаром** — шариатда мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, ишлар, озиқ-овқатлар, турли емишлар, ичимликлар ва ҳоказолар. Ҳалолнинг зидди.

6) **Макруҳ** — мусулмонларнинг қатъиян тақиқланмаган, лекин номақбул деб ҳисобланган хатти-ҳаракатлари, емишлари. Ҳалол билан ҳаром ўртасидаги нарса (ҳаромга яқинроқ), хунук, ёқимсиз иш.

Вожиб — мажбурият, бурч. Шариат ҳукмларини ҳамда яқка ҳукмдорлар фармойишларини ҳар бир мусулмон бажариши шарт, яъни вожиб. Мажбурийлик жиҳатидан вожиб фарздан кейин туради, лекин Сунна талабларидан муҳимроқ саналади.

Савоб — яхшилик, эзгулик, яъни **Яратганга** ёқадиган яхши ишлар ва амаллар. Ислом динининг ахлоқ категорияларидан бири. Ҳар бир кишининг бу дунё ва у дунёда эришадиган яхши-ёмон даражалари, роҳат-фароғатда бахтли ҳаёт кечириши унинг бу

дунёда топган савоб ёки гуноҳ ишлари миқдори мувозанатига боғлиқ бўлиб, ҳар бир одам тарозининг савоб палласи босиб кетадиган хайрли, эзгу яхши ишлар қилиши зарур, акс холда, инсон бу дунёда ва у дунёда қийналиб, азоб-уқубатда яшашга маҳкум бўлади.

Ёвуз ният ёки ёвуз кучлар таъсирида ҳамда инсоннинг билимсизлиги натижасида ўз хоҳишига кўра, билиб ёки билмай қилган **Аллоҳ**нинг илоҳий амрларига, шариятга зид ишлари, ҳаракатлари гуноҳ деб аталади. Инсон гуноҳининг савобидан ортиб кетиши бу дунё ва у дунёда азоб-уқубатларга маҳкум бўлишига олиб келади. **Тангри таолони** кўзга кўринмас, илоҳий тарозиси инсоннинг ҳар бир қилган савоб-гуноҳ ишларини беҳато ўлчаб боради ва ҳар ким ўзининг қилмишига яраша тегишли мукофот ёки жазосини муқаррар олади.

Г у н о ҳ — савобнинг зидди. Яратганга ёқмайдиган ишлар. Гуноҳи кабира оғир гуноҳ саналади.

С а д а қ а — хайр-эҳсон, қурбонлик, яхши иш. Садақа, хайр-эҳсон, инсоннинг савоб амалларини тўлдириб борувчи асосий манбадир. Инсоннинг **Аллоҳ таолога** манзур бўладиган ҳар қандай ишлари садақадир. Мол-дунёсидан закот, қашшоқ ва мухтожларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, хайрли ишлар қилиш, инсонларни тўғри йўлга бошлаш, ғариб, бева-бечораларни кўнглини олиш, кўпчилик фойдасига эзгу ишлар қилиш, ариқ қазиб сув чиқариш, йўл, кўприк қуриш, кишиларнинг мушуқулини осонлаштириш ва ҳоказолар садақа, хайр-эҳсонга киради. Қисқаси, фойдаси тегадиган, зарарни даф қиладиган ҳар бир беғараз, фисабиллоҳ қилинган иш садақа ҳисобланади. Садақа, хайр-эҳсон Исломда савоб саналади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Д у о — **Худога** ёлбориб, ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, **Қуръон** сура ва оятларидан ўқиб, сўнгра **Яратганга** илтижо қилиш. Дуо инс-жинслар, турли хил балолардан қутулишга ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Дуони дунёвий фан: *«Инсоннинг макрокосм, яъни коинотга, аниқроғи, Олий фазовий онгга мурожаати»*, деб тушунтиради.

О м и й н — шундай бўлсин, чин бўлсин, рост бўлсин, айтганингиз келсин маъносида ишлатилади. Фотиҳа ўқилганда охирида айтиладиган сўз, ўқилган оятларнинг муҳридир. Дуо ўқиб бўлгандан кейин *«Омийн»* деб икки қўл кафтларини баробар очиб, бирлаштириб, иккала қўлини икки елка бараварида кўтариб, ният қилиниб бўлингандан кейин айтилиб, икки қўлни бетга суртилади. Бу одат — фотиҳа ўқиладиганда бирлаштириб турилган икки қўлнинг кафтига қараб туриш, **Тангри таолонинг** ҳис, тасаввур қилинган жамолига термулиб, унинг жамолини бетга суртиш мазмунига эга деб ҳам талқин қилинади. Бу атама яҳудий ва насронийларда ҳам шу маънода ишлатилади.

Ассалому алайкум — Сизга саломатлик, тинчлик-омонлик тилайман! Айни маҳалда «Ассому алайкум» ёки «ссому алайкум», яъни (Сизга ўлим тилайман!) дея ҳақоратомуз салом берганларга «Ваалайкум» (сизга ҳам) деб қўя қолинади. Бинобарин, мушриклар ҳадларидан ошиб Расулulloҳга рўбарў келганларида кўпинча ана шундай салом беришар экан. Бундай мушрикларча салом берганларнинг оқибат жойи жаҳаннам эканлиги ҳақида Қуръони каримнинг 58-нчи «Мужодала» сурасининг 8-оятда хабар берилган. Яна қаранг: 4-нчи «Нисо» сурасининг 86-оятига.

«Ассалому алайкум», — деб таниган ва танимаган мусулмонларга салом берилади. Тартиби: ёши кичик ёши каттага, от, улов минган пиёдага, пиёда ўтирган кишига, озчилик кўпчиликка салом беради. Пайғамбаримизга: Аввал ким биринчи бўлиб салом бериши керак?, — деб сўраганларида: «Кимнинг **Аллоҳдан** умиди кўпроқ бўлса ўша», — деб жавоб берган эканлар.

Ваалайкум ассалом — Сизга ҳам саломатлик, тинчлик-омонлик тилайман!

Ф а р и ш т а (форсча; арабчаси «малак», кўплиги — «малоика») — **Худо** амрини бажарувчи, кўзга кўринмайдиган, нурдан яратилган мавжудотлар. Уларнинг сон-саногини ёлғиз **Худонинг** ўзи билади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Ж а б р о и л — Исломда тўртта бош фариштаннинг биринчиси. **Аллоҳ**нинг амрини, буйруқларини, иродасини пайғамбарларга ваҳй сифатида етказиб турадиган, уларга му-

бийлик қиладиган фаришта. *Яна қаранг:* тегишли фаслларга.

М и к о и л — Ислом динида тўртта бош фариштанинг иккинчиси. Коинот бошқарувчи. Жаброил билан бирга Одам Атога биринчи бўлиб сажда қилган. Муҳаммад саллалухи алайҳи вассаламни ёшлигида кўксини ёриб юрагидаги амморани олиб ташлаб қалбини лаган. Бадр жангида бошқа фаришталар билан бирга мусулмонларга ёрдам берган. *Ҳана қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

И с р о ф и л — Исломда тўртта бош фариштанинг учинчиси. Замона охир бўлганда, ҳусни шариф яқинидаги Тур тоғининг тепасида сур чалганда қиёмат бошланар, барча изотлар ўлар, иккинчи марта чалганда барча ўлганлар яна қайта тирилар ва ҳисоб-об учун Машҳаргоҳда йиғилишар экан. У тўрт қанотли, бадани жун, оғзи ва тишлари айбат махлуқ қиёфасида таърифланади. Исрофил алайҳиссалом қиёмат қойим бўлини ва **Худонинг** амрини кутиб, оғзида сури билан доим шай бўлиб турар экан. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

А з р о и л — Исломда тўртта бош фариштанинг тўртинчиси. *Қуръонда* «малак ул-мавт» келтирилган, жон олувчи, ажал фариштаси. Барча жонзотларнинг жонини олувчи фариш-Азроил алайҳиссалом кўп оёқли, кўп қанотли, тўрт юзли ва танасида Ер юзида қанча эвчилар бўлса, шунча кўзи ва тили бор, деб таърифланади. Бу буюк фаришта одамлар дирини билади, аммо уларнинг ўлиш вақтини билмайди, одамнинг ўлиш вақти яқинлашда **Аллоҳ** тахти олдида ўсадиган дарахтдан ўлимга маҳкум этилган кишининг номи ёзилбарг узилиб тушар, шундан кейингина Азроил алайҳиссалом қирқ кун ичида унинг нини олар экан, деб ривоят қилинади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

М у н к а р ва **Н а к и р** — одамлар ўликни кўмиб бўлиб, қабрдан етти қадам ажлашганлари ҳамон марҳумнинг руҳи билан савол-жавоб қилувчи, қилган гуноҳларига берган жавобларига қараб қўлларидаги гурзи билан уриб жазоловчи, кўзлари кўк, лари қора икки фаришта. Улар марҳумдан «**Раббинг** ким?», «Дининг қайси?», «Пайғамбаринг ким?» деган уч саволни берар экан.

Б и дъ а т — янгилик, янгидан расмийлаштирилган. 1. Динни «яхшилаш» мақсадида таъзиртиришлар, ислохотлар киритиш ниқоби остида динни бузишга ҳаракат қилиш, эвчилик қилишга уриниш; 2. Диндорларни чалғитиш, тўғри йўлдан адаштириш; 3. Солатдан кейин пайдо бўлган янгилик, динга киритилган тескари, зид ислох; 4. Эскидан қолган урф-одат, расм-русум.

Ш и р к — шериклик. «Мушрик» сўзи арабча «шарика» феълидан олинган бўлиб, маъноси «шерик бўлмақ» дегани. Бир неча худога эътиқод қилиш. Европада: Политеизм. **Худонинг** бирлигини инкор этган, унинг шериги бор, ундан бошқа маъбудлар ҳам бор экан ёки шундай гумон қилган киши **Худога** ширк келтирган ҳисобланади ва у мушрик бўлиб аталади. Истеъмолда кофир — мушрик, мушрик — кофир деб атаб келинади, бу тўғри. Уларнинг асл маъно ва мазмунига қараб ўз атамаларини қўллаш лозим. *Қуръонда* **и карим** ҳукми бўйича, мушрик ва кофирларнинг у дунёдаги жойи дўзахдир. Мушрик пхудоликка эътиқод қилувчи деганидир. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

К у ф р (кофирлик) — инкор этиш, рад этиш. **Аллоҳнинг** борлигини ва бирлигини инкор этган, **Аллоҳни** тўрт китоби ва 100 саҳифаларига, фаришталарига, барча пайғамбарларга ёки улардан бирига, охират кунига, тақдирга, қайта тирилишга, яъни иймоннинг ҳақиқат талабига ёки уларнинг бирига ишонмайдиганлар, эътиқод қилмайдиганлар куфрга киритилган — кофир деб аталадилар. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Д а ҳ р и й — худосиз. Атеист. **Худонинг** борлигини тан олмайдиган, ҳеч қандай ҳақни инкор қилганга эътиқод қилмайдиган шахс.

О с и й — гуноҳкор, исён қилувчи банда, гумроҳ, лекин кофир эмас.

М у р т а д — орқага қайтган, чекинган. Ўз динидан воз кечувчи киши. Ўзининг

диндан бутунлай воз кечганини ёки бошқа динга ўтганини билдирса, муртад деб аталади. Ислом давлатларида муртадга динга қайтиш таклиф қилиб кўрилади. Қайтмаса, қатлга ҳукм қилинади.

Мунофиқ — иккиюзламачи. Тилида иймон келтириб, лекин дилида иймони йўқ, куйфрини яшириб юрган, киши кўзига мусулмон бўлиб кўринадиган сотқин, хиёнаткор, иккиюзламачи кимсалар. Мунофиқ динни кўз-кўз учун ёлғондан қабул қилиб, ўзининг аввалги динига эътиқод қилади ёки умуман бирорта динга ҳам эътиқод қилмайди. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Шаккоклик — диний эътиқодни, диний ҳиссиётларни, **Худони**, муқаддас нарсаларни масхаралаш, таҳқирлаш, худосизлик шаккоклик деб аталади.

Мажусийлик — дастлаб зардуштийлик мусулмонларда мажусийлик деб аталган. Тавротда яҳудий бўлмаган, **Худованд**нинг яқкалигини тан олмаган барча халқлар мажусий деб аталган. Мажусийлик: бутпарастлик, кўпхудолик, мушрикликдир.

Бутпарастлик — бут, санам, хоч, ҳайкал, сурат ва бошқа нарсаларга сиғиниш, топиниш, эътиқод қилиш. Ҳозир насронийлар икона (пайғамбарлар, авлиёлар расми), салибга, буддавийлар кичкина ҳайкалчаларга сиғинадилар.

Бут — форсчада «бут», арабчада эса «санам»дир. **Яратган**ни тасвирлайдиган ва унинг тимсоли деб сиғиниладиган, **Худованд**нинг тош, ёғоч, сопол ва бошқа нарсалардан ясалган ҳайкалчалари, расмлари. Насронийлардаги салиб, хоч (крест) ҳам бут ҳисобланади.

Зиндик — динга ишонмайдиган, динга қарши, худосиз, даҳрий.

«**Зимма аҳли**» ёки «**зиммийлар**» — Ислом давлатида мусулмон ҳукмдорга тобе бўлиб яшаётган ҳамда ўзларининг жон ва мол-мулкларини мусулмонлар омон сақламоқлари учун ҳар йили жазя солиғи тўлаб турмоқларини ўз зиммаларига олган ғайридинлар (яъни бошқа диндагилар).

Бу ҳақда **Қуръон**нинг «Тавба» сурасининг 29-ояти нозил бўлган. Жазя солиғини тўлаб турган зиммийлар ва мусулмон ҳукмдорлар ўртасидаги аҳдга қатъий риоя қилиниши кераклиги пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам таъкидлаб ўтилган.

Жазя — жон солиғи. Мусулмон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган солиқ номи.

Зуннор — 1. Мусулмон давлатларида яшайдиган ғайридинлар: насронийлар, яҳудийлар, зардуштийлар белига мажбурий боғлаб юрадиган ип, чилвир, тимсолий белбоғ; ғайримусулмонлик белгиси; 2. Христианлар бўйнига осиб юрадиган хоч.

Амри маъруф — Аллоҳ таоло амрларига амал қилмоқ. Диний панд-насихат қилиш, яхшиликларга ундаш, диний-ахлоқий маърифат тарқатиш. Исломга ўргатиш. Диний тарғибот.

Наҳий мункар (инкор этиш, рад этиш) — диний панд-насихат қилиб, ёмонликлардан қайтариш. Диний тарғибот. **Аллоҳ таоло** ман қилган ишлардан сақланмоқ кераклиги ҳақидаги ташвиқот.

Мужтаҳид — интилувчи, ғайрат қилувчи. Энг олий дин олими, уламо. Суннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари: Имом Аъзам, Имом Молик, Имом Шофийий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар. Ижтиҳод даражасига етишган буюк билимдон руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳид (улуғ имом) деб аталади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Ижтиҳод — фикҳда олий мартабага эришиш.

Уламо — олим сўзининг кўплиги. Диний илм эгаси. Бу сўз фақат дин соҳасидаги олим ва билимдонларга нисбатан ишлатилади. Дунёвий фанларда эса олим ибораси ишлатилади.

Ф у з а л о — фозил ва иқтидорли кишилар, олимлар.

Ҳ у ж ж а т у л - И с л о м — Исломда йирик илоҳиётчи уламо ва ҳукамоларга берилган фахрий ном, унвон.

Д у о х о н (форсча) — дуо ўқиб дам соладиган руҳоний; дуохон деб номи чиққан мусулмон; тажрибали, мартабали, обрўли дуохон азайимхон деб аталади. Азайимхонларнинг баъзилари иссиқ-совуқ қилиш, сеҳр-жоду ишларидан ҳам хабардор бўлган.

П а р и х о н (форсча) — касалликларни руҳий даволовчи сеҳргар. Баъзи жойларда бахши, шомон дейилади. Бетоблик жин, алвасти, пари каби салбий кучлар таъсирида бўлганида, даволовчи диндор.

Р у ҳ о н и й л а р — диний таълимотларни тарғиб этувчи, диний маросимларни амалга оширишда бошчилик қилувчи, махсус тайёргарлик кўрган диний билимларга эга диндорлар. Улар барча динларда мавжуд. Шайхлар, пирлар, эшонлар, имомлар, домлалар, муллалар; поплар, епископлар, кардиналлар, папалар, мўъбадлар, коҳинлар ва ҳоказолар. **Яна қаранг:** тегишли фасллар ва изоҳларга.

Ш а ф о а т — бировни ҳимоя қилиш, тарафини олиш, ўртада воситачи бўлиш. Пайғамбарлар, азиз-авлиёлар, пирлар, валийлар ва бошқа диний раҳнамолар Аллоҳга шукрият қилиб, бандаларининг гуноҳини кечирिशни сўраш имкониятига эга бўлганлар. **Шафеъ** — ўзга учун афв сўровчи киши.

А ж р — тўланадиган ҳақ, мукофот ёки жазо. Одамлар бу дунёда қилган яхши ёки ёмон ишлари учун қисман бу дунёда, асосан у дунёда оладиган ажри — мукофот ёки тегишли жазо.

А л - м и с о қ — **Қуръон** тафсирчиларининг уқтиришича, **Тангри таоло** ўзининг қудрати илоҳийси билан Одам алайҳиссаломнинг пушти камаридан тарқайдиган барча шурриётларини пайдо қилиб, уларга **Ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач:** «**Аласту би Раббикум?**» (Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?) деганида улар: «**Қолу бало!**» («**Парвардигорим, Ўзинг барчамизнинг Раббимизсан!**») деб гувоҳлик бериб, **Тангри таолога аҳду паймон, яъни мисоқ берган эканлар.** Шунинг учун «**Қачондан бери мусулмонсиз?**» деган саволга ҳар бир мусулмон «**Ал-мисоқдан бери**», яъни **Тангри таолога мисоқ, аҳду паймон берганимиздан бери мусулмонман** деб мукамал жавоб бериш лозимлиги **Қуръони каримнинг 7- «Аъроф» сураси 172—173-оятлари** ва бу оятларга муфассирларнинг шарҳларида кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ҳам Ислом уламолари: «**Кимда-ким кофир бўлса ёки диндан қайтса, ўзининг Тангрига берган мисоқидан (аҳдидан) қайтган бўлади**», дейдилар. Чунки, пайғамбаримиз айтганларидек, ҳар бир туғилган бола тоза ҳолда Исломда туғилади. Аммо кейин у ота-она тарбиясига кўра мусулмон, яҳудий, насроний, мажусий ёки умуман динсиз бўлиб етишади.

*Ҳикмат бирлан ул адамдин бор айлади,
Ун саккиз минг қомуе олам ҳайрон эрур,
«Қолу бало» деган қуллар улуш олди,
Сукут этган қуллар дини вайрон эрур.*

* * *

*Ул «Аласту би-Раббикум» деди Худо,
«Қолу бало» дебон руҳлар қилди садо,
Йиғлаб келдук эшигингга жумла гадо,
Лутф айласанг, юз минг осий хандон эрур.*

(Аҳмад Яссавий)

Л а в ҳ у л - М а ҳ ф у з — 1. Аллоҳ томонидан ҳали олам яратилмай туриб, то қиёматга келадиган барча ишлар, дунёвий ҳодисалар, воқеалар, шунингдек, ҳар бир инсоннинг ҳаётида рўй бериши керак бўлган воқеаларнинг азалий тақдири битилган китобат; 2. Пешонага,

туғилмасдан олдин ёзилган нарсa, лавҳ. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Номаи аъмол китоби — ҳар бир инсон умр бўйи қилган яхши-ёмон ишлари, яъни аъмоллари ёзилган, жамланган китобат. Ана шу китобатга кўра, маъшаргоҳда тўпланган барча инсонларнинг ўз ҳаётларида қилган савоб-гуноҳ ишлари махсус тарозидa ўлчанади. Сўнг ҳамма дўзах устида жойлашган «Пулсирот» номли қилдан ингичка кўприқдан ўтадилар. Савобидан гуноҳи кўп бўлган кимсалар дўзахга қулайдилар, ўтганлар жаннатга йўл оладилар. Савоб билан гуноҳи тенг бўлганлар эса маълум вақтгача аросат (аъроф)да қоладилар

Аъмол — инсон тириклигида унинг икки елкасида бўладиган икки фаришта томонидан гуноҳ-савоб ишлари ёзиб борилган инсон кечмиши ҳақидаги китобат.

Амал — фаолият, ҳаракат. Ҳар бир инсоннинг яхши ёки ёмон иши, амали.

Охират — охири кун, дунё тугайдиган кун.

Қиёмат — ёруғ дунё, яъни бу дунёнинг тугаши билан охират кунининг бошланиши. Қиёмат куни барча инсон ва жонзотлар жон таслим қилиб ўладилар, сўнгга **Худованд** ҳаммани яна тирилтириб, ўз ҳузурида ҳаммадан ҳисоб олади. Қиёмат кунини «маъшар», «охират куни» деб ҳам атайдилар. Савоб-гуноҳлар ўлчанганидан кейин одамлар жаннатга, дўзахга ё аросатга йўл оладилар.

Маъшаргоҳ — қиёмат куни қайта тирилтирилган барча инсонлар **Худованд**га ҳисобот бериш учун тўпланадиган махсус жой.

Пулсирот — маъшаргоҳ билан жаннат орасида, дўзах устида жойлашган қилдан ингичка, ниҳоятда узун, қўрқинчли йўл — кўприқ. Одамнинг савоб ва гуноҳи ўлчаниб бўлгач, ундан ўтилади.

Жаннат (ужмоҳ) — бу дунёда қилган яхши амаллари, савоб ишлари, ёмон амаллари, гуноҳ ишларидан кўп бўлган, яъни жами савоб ишлари гуноҳ ишларидан ортиқ бўлган **Аллоҳ**нинг бандалари нариги дунёда абадий роҳат-фароҳатда яшайдиган жой, макон. Эски ўзбекчада «ужмоҳ» дейилади.

Аросат (аъроф) — жаннат билан дўзах ўртасидаги водий. Қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай, савоб ва гуноҳ ишлари тенг бўлиб қолган одамлар жойи. Улар жаннатдагилар ва дўзахдагиларни кўриб пушаймонлик азобини тортадилар.

Дўзах (тамуғ) — арабчада «нор», «жаҳаннам», «жаҳим», «сақар»; эски ўзбекчада «тамуғ» дейилади. Мушриклар, кофирлар ва гуноҳлари савобларидан кўп бўлган гуноҳкорлар охиратда, нариги дунёда жазоланадиган жой.

Замзам — Маккада Каъба яқинидаги муқаддас булок.

Кавсар — жаннатдаги жуда тиниқ дарё, чашма, булок.

Асфалсофин — энг пастки еттинчи чуқурда жойлашган дўзах.

Қазо — 1. **Тангри таоло** томонидан, унинг иродаси ва хоҳиши билан сабабларнинг яратилиши. Унинг билими орқали яратилган барча нарсалар — олам, табиат, бутун борлик, жонли-жонсиз мажудотлар, ҳодисалар **Унинг** қазоси бўйича содир бўлади; 2. Ўлим, вафот, ўлиш, вафот этиш, ўлим соати, ажал; 3. Вақтида бажарилмай, ижро этилмай қолган намоз ва бошқа ишлар.

Умуман **Тангри таоло** яратган нарсаларнинг айланиши, ҳаракати. Сабабларнинг ҳаракатга келтирилиши.

Қадар (тақдири азал) — олдиндан белгилаб қўймоқ, аниқламоқ дегани. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг ҳамда оламдаги барча ҳодисаларнинг **Тангри таоло** иродаси билан бўлмоғи. Пешонага ёзилган кўргилик, ёзмиш, қисмат.

Милоддан аввалги 395—335- йилларда яшаб ўтган буюк хитой донишманди ва файласуфи Ян Чжу юз берган ва юз берадиган ҳамма воқеа ва ҳодисаларни табиий зарурият

қоидаси (принципи) бўйича амалга ошишини тақдир, деб таърифлаган.

Машхур немис фойласуфи Гегель (1770—1831) «Илоҳий тақдир жаҳон воқеаларини бошқариб туради», деб эътироф этган. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Т а қ д и р (қисмат) — олдиндан белгилаб қўйилган, пешонага ёзилган кўргилик, ёзмиш, тақдир. Умуман, бошга тушган кўргилик, ҳол, аҳвол.

Азизиддин Насафийнинг ёзишича, **Тангри таоло** билими орқали яратганлари **Унинг** қазосидир ва яратган нарсаларининг айланиши, ҳаракати қадардир. Қадар — **Халлоқи оламнинг** бу дунёдаги фаолияти. Демак бу дунёдаги жамийки ишлар қадар бўйича бўлади. **Унинг** илми **Унинг** ҳукмидир. Сабабларнинг яратилиши **Унинг** қазоси, сабабларни ҳаракатга келтириш эса **Унинг** қадаридир. **Унинг** қадарисиз (тақдири азалсиз) бу оламда ҳеч нарса содир бўлмайди. Қадарнинг ҳукми икки хилдир. Биринчи ҳукми — уни ўзгартириб бўлмайди; иккинчи ҳукми — қадарни ўзгартириб бўлади. Биринчи ҳукм изоҳга муҳтож эмас, тушунарли. Иккинчи ҳукмнинг шарҳи — қадарни ўзгартира олувчилар бу ишни қадар бўйича қиладилар. Қадарни фақат қадар бўйича ўзгартириш мумкин.

Ана шу келтирилганларга асосланган ҳолда, мантиқан хулосага келиш мумкинки, модомики инсон ўз қилмиши учун масъул экан, бинобарин **Тангри** инсонга қилмиши учун мукофотини ёки жазосини берар экан, демак **Тангри таоло** инсонга ирода, ихтиёр ва фаолият эркинлигини, у ёки бу йўлни, яъни яхшилик ва ёмонликни, савоб ва гуноҳ ишларни танлаш эркинлигини ҳам берган деган хулосага келинади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Р и ҳ л а т — 1. Кўчиш, жўнаш, дунёдан ўтиш, ўлиш; 2. Муҳаддисларнинг ҳадис йўлидаги илмий сафари.

К а ф а н — дафн маросимида ўликни кўмишдан олдин мурдаси ўраладиган оқ мато, сурп, бўз; махсус бичилиб, ўлик ўраладиган либос.

Ж а н о з а — умуман дафн маросими. Исломда ўликни кўмишдан олдин тик туриб ўқиладиган жаноза намози; марҳумни фақат жаноза ўқилгандан кейин дафн этиш мумкин, акс ҳолда у ғайридинлар қаторида кетади.

Т а ъ з и я — юпатиш, ҳамдардлик билдириш. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириш одати.

Қ а ъ д а — ўтириш; 1. ўтирган ҳолда дуо, ибодат қилиш ҳолати; 2. ўзбекларда вафот этган яқин кишисини хотирлаб, аёллар томонидан ўтказиладиган маросим.

Ч и л ё с и н — «Ёсин» сурасини ўқиш одати. Мусулмонлик анъаналарида оғир касал устида «Ёсин» сураси 40 марта ўқилса, касал ажрим бўлади, ё тузалади, ё ўлади. Шунинг учун касалга чилёсин ўқиш касал учун охирги чора-тадбир саналади.

Д и ё н а т — 1. Софлик, тўғрилиқ; 2. Диндорлик, иймонлиқ.

Т а қ в о д о р л и қ — **Худованддан** кўрқиш. Динга берилган ўта художўй одам тақводор дейилган. «Тақво»нинг луғавий маъноси эҳтиёткорлик, четлаб ўтиш, яъни **Аллоҳ** олдида гуноҳкор бўлиб қолишдан кўрқишдир. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Р у к н — бирор нарсанинг устуни, асоси. Исломнинг бажарилиши мажбур ҳисобланган асосий 5 рукни: тавҳид, намоз, рўза, закот ва ҳаж. Кўплиги — аркон.

А ҳ к о м (бирлиги: **ҳукм**) — ҳукмлар, қарорлар, қонунлар, фармонлар; шариат ҳукмлари, кўрсатмалари жамулжами.

И б о д а т — **Парвардигорнинг** яратиб қўйганига шукрона билдириб ҳамда **Аллоҳ** жамолини кўриш ва жаннатга кириш мақсадида қилинадиган маълум бир амал, ҳаракат. **Худога** сифиниш, масалан, мусулмонларда намоз ўқиш, насронийларда бутга чўқиниш ва хоказолар. Бундан ташқари, **Худованднинг** буюрганларини бажариб, савоб ишлар қилиб, ман қилинган ҳаром ишлардан тийилиб юрган инсонлар ҳам ибодатда юрган бўладилар.

Таҳорат (маъноси: тоза, покиза) — намоз ўқиш, *Қуръон*ни ушлаш ва ўқишдан олдин баданнинг маълум қисмларини белгиланган тартибда ювиш, покланиш. Таҳорат уч хил бўлади: 1. **Вузуъ**; 2. **Фусл**; 3. **Таяммум**.

Вузуъ — намоздан олдин юз, қўл, оёқни ювиш; таҳорат — мустаҳаб.

Фусл — бошдан-оёқ чўмилиш, баданнинг ҳамма ёғига сув теккизиб тўлиқ чўмилиш.

Таяммум — сув бўлмаганда қум ёки тупроқ билан таҳорат қилиб, рамзий покланиш.

Қибла — мусулмонлар намоз ўқийдиган ва сажда қиладиган томон. Дастлаб мусулмонлар осмонга, кейинчалик Қуддус томонга қараб намоз ўқиганлар. Милодий 623-йилдан бошлаб Каъбага қараб намоз ўқийдиган бўлганлар.

Мархум гўрга қўйилганда ҳам юзи қиблага қаратиб қўйилади. Ўрта Осиёда қибла жануби-ғарб томонда бўлиб, компас мили ғарб нуқтасидан 14° чап томонга қайтиши керак. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Азон — намозга чақириш. Масжидда муаззин мусулмонларни намозга чақириб азон айтади.

Хутба — тарғибот, нутқ. Жума ва ҳайит намозлари олдидан масжид имом-хатибининг ваъзи, диний панд-насихати.

Меҳроб — масжиднинг ички қибла тарафидаги тахмонга ўхшаш мослама. Ўша меҳроб томонга қараб намоз ўқилади.

Намоз (форсча *намоз*, арабча *салот*) — луғавий маъноси «эгри чўпни ўтга солиб тўғрилаш». Яъни эгри йўлдан юрган инсонни тўғри йўлга киргизиш. Исломда фарз саналган ибодат. Ҳар куни беш маҳал — бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозлари ўқишли шарт. 621-йил пайғамбаримиз Меърожга чиқмасларидан бурун кунига икки маҳал — бомдод ва хуфтон намози ўқилар эди.

Тарових — рўза ойида кечалари, кўпинча масжидда ўқиладиган қўшимча намоз, роҳат намози. Бу намоз 20 ракаат ўқилади.

Нафл — Исломда ихтиёрий, қўшимча ибодат.

Ракаат — Намознинг бир қисми. Намозда бир қиём — тик туриб ўқиш, бир рукуъ — эгилиб ўқиш ва сужуд — бошини ерга теккизиб, икки маротаба сажда қилиб ўқишдан иборат бўлган цикл (қиём, рукуъ, сажда) бир ракаат саналади.

Рукуъ — намозда икки букилиб туриш, тиззани ушлаб эгилиш.

Сажда — ибодатда ерга эгилиш, ерга бош қўйиш. Намозда ҳар бир ракаатдаги охирги ҳаракат. Бунда тиз чўккан ҳолда олдинга эгилиб бош ерга қўйилади, яъни сажда қилинади ва тегишли дуолар ўқилади.

Жума — жамлик, жам бўлиш. Исломда ҳафтанинг дам олиш куни, улуғ кун. Шу куни мусулмонлар масжидда тўпланишиб, жам бўлишиб, пешин намозини ўқиб, диний хутба — ваъз, панд-насихат эшитадилар. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Диний тимсол — диний маросимга оид таълимотлар маъноси, онгсиз, билимсиз кишилардан яширин тутиш учун кўзда тутилган. Масалан, насронийларда кўзичок (агнец). **Худованд**нинг қурбонлик кўзиси маъносида Ийсо алайҳиссаломнинг тимсоли. Кабутар — Муқаддас руҳнинг тимсоли. Буддизмда Триратна — буддавийлик тролицаси (муқаддас учлик) тимсоли. Ламавийликда «Ҳаёт филдираги» иконасининг ўртасида тасвирланган хўроз — шахвонийлик тимсоли. Илон — ёвузлик тимсоли. Чўчка — жоҳиллик тимсоли. Айрим тимсоллар диннинг байроғига айланиб қолган. Масалан, салиб — насронийлик тимсоли, чакра (саккиз спицалик филдирак) буддавийлик тимсоли, олтиқирралик юлдуз яҳудийлик тимсоли, хилол, яъни ярим ой — Ислом тимсоли. Мусулмонларнинг юлдузи саккиз қирраликдир.

Ваҳдоният — яккалик, ягоналик. **Худованд**нинг ягоналиги. Яккахудолик (монотеизм) мушрикийликдан (яъни полетеизмдан) кейин вужудга келган.

Т а в ҳ и д — яккахудолик. Яккахудолик ҳақидаги таълимот. **Худонинг** ёлғизлигига ишониш, **Парвардигори оламни** яккаю ягона деб билиш.

Ҳанифлар (ханифлик) — чинакам эътиқод қилувчи тақводорлар. Ислом дини вужудга келмасдан олдин якка **Худога** эътиқод қилувчилар.

К а л и м а и т о й й и б а в а к а л и м а и ш а ҳ о д а т — гувоҳлик сўзлари. Ислом рукнларидан биринчиси. «Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур расулуллоҳ (бир **Худодан** бошқа **Худо** йўқ, Муҳаммад унинг расули—элчисидир) дейиш. Ташаххуднинг давоми: «Ашҳаду анна илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан аъбдуҳу ва расулуҳу» (Гувоҳлик бераманки, бир **Худодан** бошқа **Худо** йўқ. Ва яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад **Худонинг** бандаси ва расулидир), деб айтиш. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Т а к б и р — улуғлаш. **Аллоҳни** улуғлаш — «**Аллоҳу акбар**» (**Аллоҳ** улуғ) иборасини бир неча бор қайтариш.

Т а к б и р и т а ҳ р и м а — намозда «**Аллоҳу акбар**» деб икки қўлини икки кулоғининг юшмоғига теккизиш.

Ҳ а ж — Ислом динининг беш рукнини охиргиси бўлиб, Қурбон ойида **Макка** шаҳрига бориб, мусулмонларнинг қибласи бўлмиш муқаддас **Каъбани** зиёрат қилиш ва белгиланган тартибда ибодат ва бошқа ҳаж амалларини бажариб келиш.

У м р а — Ҳаж мавсумидан бошқа вақтда қилинган зиёрат, кичик ҳаж.

Ҳ о ж и — ҳажга борган, **Каъбани** ҳаж мавсумида зиёрат қилиб келган шахснинг фахрий унвони. Бундай шахснинг исми шарифига «ҳожии» сўзини қўшиб айтиш одат бўлган.

Ҳ о ж и - б а д а л — ҳажга ўзи бормасдан, бошқа бир ҳажга боровчига ҳаж ҳа-ражатларини тўлаб сиртдан ҳаж амалларига доҳил бўлган шахс. У ҳам «ҳожии» ҳисобланган.

Ж и ҳ о д — ғайрат қилиш, дин учун кураш. Исломда рухсат этилган, ғайридинларга қарши муқаддас уруш. «Ғазот» — **Аллоҳ** ва ислом йўлида олиб бориладиган муқаддас уруш.

Ғ о з и й — Ислом динида **Аллоҳ** йўлида жанг қилувчи жангда душманни енгса, **Улдирса**, «ғозий», яъни бегуноҳ, ғолиб деб таърифланади.

Ш а ҳ и д — Исломда дин йўлида жангда ҳалок бўлган шахс. **Жиход**, ғазовот уруш-ларида ҳалок бўлганлар шахид деб аталганлар. Уларга тўғридан-тўғри жаннатга кириш ваъда қилинган.

Ғ а н и м а т — ўлжа. Ислом лашкарлари урушда қўлга киритган барча моллар, бойлик-лар, қурол-аслаҳалар, қуллар, асирлар «ғанимат» ҳисобланган. Ғазовот ва жиход урушларида **ғанимат** олиш шариат қонунлари бўйича қонуний деб белгиланган. Ғаниматнинг бешдан бири давлат хазинасига топширилган, қолганлари лашкар ўртасида тақсимланган.

Қ у р б о н л и к — яқинлик, худога яқинлашув. Қурбонлик қилиш одати мусулмон-ларга қадимги сомиёлар, ибронийлар ва араб қабилаларидан ўтган. Дастлаб қулларни, кейин ўз фарзандларини **Худованд** йўлида қурбон қилиш одат бўлган. Кейин бу одат аста-секин тарк этилиб, ўрнига ҳайвонни қурбон қилиш одати эгаллаган. Мусулмонларда қурбон ҳайити кунларида қўй, эчки сигир, туя каби ҳайвонларни қурбонликка сўйиш анъанага айланган.

Ҳ а й в о н н и сўйишда ўқиладиган дуо — «Аллоҳумма, минка ва лака. Аллоҳумма, тақоббал минний. Бисмиллаҳи, Аллоҳу Акбар!»

Ёки:

«Аллоҳумма, тақобил минний ва мин уммати Муҳаммадин расулуллоҳ. Аллоҳу акбару, Аллоҳу акбару, Аллоҳу акбару. Аллоҳумма, минка ва илайка бисмиллаҳи».

Ёки:

Бисмилаҳи, ба фармони Худо, суннати расулуллоҳ, барҳақ Холиқи таоло, Аллоҳу акбар!»

С у б х о н а л л о х — «Аллоҳ ҳамма нуқсонлардан покдир» маъносини англатади. Кўпинча зилзила ёки шунга ўхшаш даҳшатли ишлар қўққисдан содир бўлганда қўрққанидан шошилиб, одамнинг тили калимага келмай қолганда, ана шу дуо қайта-қайта айтилади. (Бу дуо «Раҳматим газабимдан устун»дир деган каломинг бор, ана шу сифатинг ила бизга раҳм, шафқат айла», деган ёлвориш маъносини беради). Баъзан киши ғоят ҳайратланганда ҳам айтилади.

Р а м а з о н — ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. Шу ойда **Аллоҳ таоло** пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга **Қуръон**ни ваҳй қилиб, фариш-таси Жаброил алайҳиссалом орқали юбора бошлаган. Шунинг учун бу ой муқаддас ой ҳисобланади. Бу ой давомида мусулмонларга 30 кун рўза тутиш фарз қилинган.

Р ў з а — Ислом динида фарз бўлган учинчи рукн. Рўзадор 30 кун давомида эрта саҳардан шомгача ҳеч қандай овқат емаслиги, ичмаслиги, сувга шўнғиб чўмилмаслиги, жинсий алоқа қилмаслиги талаб этилади. Рўза **Аллоҳ** учун тутилади.

Л а й л а т у л - Қ а д р — тақдирни ҳал қилувчи кеча. Рамазон ойининг 26-дан 27-кунига ўтар кечасидан бошлаб Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламга ваҳй туша бошлаган.

Ф и т р — оғиз очиш садақаси. Исломда рўза муносабати билан бериладиган садақа. Фитр жон бошига маълум миқдорда буғдой, арпа ёки унинг ўрнига шу буғдой ёки арпа-нинг қиймати пул шаклида берилади. Фитр садақаси рамазон ойининг охирларида ҳайит-гача бева-бечораларга берилади.

Ф и д я — рўза тутилмай қолган кунлар учун мискинларга бериладиган садақа.

К а ф ф о р а т — кишининг рўзани қасддан бузгани ёки бирор қилган гуноҳи учун мажбуран қиладиган ишлари, садақа, эҳсонлари.

Билибми, билмайми ноўрин қасам ичиб қўйганлар ҳақида Қуръонда шундай дейилган: «Дарвоқе, **Аллоҳ** сизлар учун(маълум миқдорда каффорат—жарима тўлаб) қасамингиздан кутулиб чиқишни буюрган-ку. **Аллоҳ** хожаларингиздир. **У** билгувчи ва ҳикмат соҳибидир» (66- «Таҳрим» сураси, 2-оят).

Бу оятда **Аллоҳ таоло** пайғамбаримизни ва у зотни барча умматларини ноўрин ичилган қасамларидан каффорат—эваз тўлаб кутулишга буюрмоқда. Қасамнинг каффорати ҳақида 5- «Моида» сурасининг 89-оятда батафсил баён қилиб берилган.

И й д — байрам. Ўзбекча варианты — «ҳайит». Мусулмонларнинг диний байрами. Икки ҳайит нишонланади, байрам қилинади. Катта ҳайит — Қурбон ҳайити 4 кун, кичик ҳайит — Рамазон ҳайити 3 кун нишонланади. Қурбон ҳайити ҳаж маросими ва қурбонлик қилиш билан, Рамазон ҳайити эса Рамазон ойи, рўза тамом бўлиши билан эртаси кун бўлади. Қурбон ҳайити зулҳижжа ойининг 10—13 кунларида, Рамазон ҳайити шаввол ойининг 1—3 кунлари байрам қилинади. Рамазон ҳайити билан Қурбон ҳайитининг ораси 70 кун.

М а в л у д — туғилиш. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг туғилган куни байрами. Рабиъ ул-аввал ойининг 12-куни нишонланади. Мусулмон давлатларида бу кун дам олиш куни деб эълон қилинган (туғилган саналари милодий 571- йил 21- апрел).

А л - И с р о (Тунги сайр) — Муҳаммад а.с.нинг тунда Маккадан Қуддусга Буроқ отида бир зумда сайр қилиб етиб боришлари.

М е ъ р о ж — 1. Шоти, нарвон, пиллапоя; 2. Юқорига кўтарилиш, юксакка чиқиш, парвоз. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг Жаброил алайҳиссалом билан **Аллоҳ** олдида тунда еттинчи осмонга кўтарилиб қилган саёҳати. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам Буроқ номли учар тулпорда Маккадан Қуддусга, у ердан еттинчи осмонга чиқиб, **Аллоҳ таолонинг** хузурига борганлар. Идрис, Хорун, Мусо, Иброҳим алайҳиссаломлар билан учрашганлар. **Аллоҳ таоло** у ерда мусулмонларга беш вақт намоз фарз қилган. Бу ҳақда Қуръонда махсус 17- «Ал - Исро» сураси бор.

Бу воқеа ражаб ойида байрам қилинади. Пайғамбаримизнинг меърожга кўтарилган куни — милодий 621- йил, 27- ражаб ойи, жума куни содир бўлган.

Б у р о қ — «барқ», яъни «чақмоқ», «яшин» сўзидан олинган. Жаннатдан Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассаллам учун келтирилган учар от. Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассаллам Жаброил алайҳиссалом билан бирга Бурокда Маккадан Қуддусга ва у ердан осмоннинг еттинчи қавати — **Аллоҳ** ҳузурига саёҳат қилганлар. Эшакдан катта, отдан кичик қанотли бир жонивор.

А қ и қ а (арабча: «чақалоқ сочини олиш, қурбонлик сўйиш») — мусулмонликда янги туғилган боланинг туғилгандаги қорин сочига қайчи уриш ва бирор жонзот сўйиб зиёфат ўтказиш одати. Ақиқа одатда бола етти ёки ўн тўрт, ёхуд йигирма бир кунлигида қилинади. Шу куни болага исм қўйилади. Ўғил болага иккита, қиз болага битта қўй ёки эчки сўйиб қурбонлик қилинади (Арабистонда қўй Ўрта Осиёдаги курка товукдан сал каттароқ бўлади). Шу кунларда қилишга улгурилмаса, кейинроқ қилинса ҳам бўлаверади.

З а к о т — тозаланиш, садақа бериш. Ислом динида фарз қилинган тўртинчи рукн. Ортиқча тўпланган мол-мулкнинг қирқдан бирини, яъни 2,5% миқдорида йилда бир қилинадиган хайр-эҳсон. **Қуръон**нинг 9-нчи «Тавба» сурасининг 60-оятда закотни фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари Исломга ошно бўлган кишиларга, қулларни озод қилишга, оғир қарздорларга ва **Аллоҳ** йўлида жиҳодга, ҳажга кетаётганларга ҳамда йўловчи мусофирларга бериш кераклиги айтиб ўтилган.

Н и с о б — мусулмоннинг аслий харажатларидан ташқари ортиқча 200 тангаси бўлса, бу молнинг нисобга етганини билдиради ва бундай одамнинг закот бериши фарз қилинган.

В а қ ф — дин йўлида ажратилган мол-мулк. Масжид, мадраса, хонақоҳ ва мазорларга фойдаланиш учун давлат ва хусусий кишилар томонидан ажратилиб берилган, кўпинча кўчмас мулк бўлган ер-сув, дўкон, карвонсарой, тегирмон ва ҳоказо каби мол-мулк. Вақфдан келган даромад диннинг иқтисодий қудратини мустақкамлаш ишларига сарфланади.

Б а й т у л - М о л — мол-мулк хазинаси. Давлат хазинаси.

З у л ф и қ о р — ҳазрат Алига Муҳаммад алайҳиссалом тортиқ қилган икки томони кесадиган жуда кескир қилич.

Н и к о ҳ — эркак ва аёлнинг турмуш қуришининг шариат асосида қонуний расмийлаштирилиши. Шариат қонуни бўйича эркакка бир вақтнинг ўзида тўртта хотинни ўз никоҳига олишига ижозат берилади. (*Қаранг:* 4-«Нисо» сураси, 3-оят).

М а ҳ р — келинга бериладиган мулк. Мусулмонларда никоҳ пайтида куёв томонидан келинга совға қилинадиган мулк. Маҳр кўпинча кўчмас мулкдан иборат бўлади. Маҳрни фақат аёлнинг ўзи тасарруф этади. У хоҳласа, маҳрни кейинчалик эрига бағишлаши ҳам мумкин.

Қ а л и н — Ўрта Осиё халқларида урф-одат бўлиб қолган, уйланиш вақтида келин учун қизнинг ота-онасига тўланадиган пул, мол. Ислом уламоларининг фатвоси билан бу одат бидъат деб эълон қилинган.

М у т ъ а — шиъаликда қонунлаштирилган вақтинча никоҳ. Шиъалик шариати эркакларга қози тасдиқлаган расмий шартнома асосида вақтинчаликка хотин олишга ижозат беради. Мутъа никоҳининг муҳлати 1 кундан 99 йилгача бўлиши мумкин. Бундай хотиндан туғилган болалар ҳуқуқий жиҳатдан чекланган бўлади. Қиз болага мутъа никоҳига ўтиш тақиқланади. Никоҳи мутъа ҳижратнинг 7- йили, милодий 628- йил бекор қилинган бўлсада, шиаларда бу иш нима учундир яна бир неча йиллар давомида амал қилган.

И д д а — маълум вақт; аёллар учун белгиланган муҳлат. Шариат бўйича эри ўлган ёки эридан ажрашган хотин бошқа эрга чиқиши учун ўташи шарт бўлган муҳлат. Бу муҳлат эри ўлган бева аёл учун 4 ой 10 кун, ажрашган аёл учун 3 ой белгиланган. Бундай аёлларнинг идда муддати ўтмагунча турмушга чиқиши тақиқланади. Бу аёлнинг ўлган ёхуд ажрашган эридан ҳомиласи бор ёки йўқлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган.

Т а л о қ — озод бўлмоқ, ажралмоқ. Шариатда эр томонидан эълон қилиниб,

никоҳни бекор қилиниши. Шариатда талоқ ёки иккиталоқ эълон қилинса, кейин уларни хоҳлашса яраштириб қўйиш, яъни қайта никоҳ ўқиш мумкин. Лекин учталоқ эълон қилинса, шариат уларни яраштиришга йўл қўймайди. Учталоқдан кўп эълон қилинган талоқ ҳам учталоқ ҳисобланади. Бунда хотин албатта бошқа эрнинг никоҳида камида уч кун бирга яшамоғи ва жинсий алоқада бўлмоғи шарт. Ундан кейин, кейинги эри у хотинни қўйиб юборсагина, идда муддати тугагач, хотин аввалги эри билан қайта никоҳланиши мумкин.

Тагин мавжуд бир ҳолат, одатга кўра, агар хотин киши кетма-кет уч марта эгизак фарзанд турса, у бошқа кишининг никоҳида уч кун бўлиб, кейин яна ўзининг эрига қайта никоҳланади деювчилар ҳам бор.

Маҳрам — қариндош. Аёл киши юзи очиқ ҳолда кўриниши мумкин бўлган, никоҳда бўлиши ҳаром этилган яқин қариндошлар, яъни: ота, ўғил, ака-ука, амаки, тоға, бува, қайинота ва жиянлари. Шулардан бошқа эркаклар аёлга номаҳрам ҳисобланади.

Ҳаром — ман қилмоқ; 1. Мусулмонларда муқаддас деб ҳисобланган, қон тўкиш, қурол олиб юриш тақиқланган жой, ҳудуд; Макка, Мадина, Қуддусдаги муқаддас жойлар: Ал-Масжид ал-Ҳарам, Ал-Масжид ал-Ақсо ва бошқалар; 2. Ҳукмдорлар саройининг хос жойи — хотин-қизлар, канизаклар, чўрилар яшайдиган ички қисми; бошқалар учун кириш ҳаром бўлган, ман этилган жой; 3. Бойлар хонадонининг аёллар яшайдиган ички қисми. 4. Ман қилинган ишлар, емиш ва ичимликлар.

Аврат — инсон яшириши керак бўлган уят жойлари. Эркакларда киндикдан тиззагача бўлган жой. Аёлларда юзи, қўлининг панжа қисми, оёғининг тўпиғидан юқори барча аъзолари аврат ҳисобланади.

Зино — бузуқлик, фаҳш. Шаръий никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бўлиши.

Ҳижоб — парда, ёпинчик, чиммат, парда, ниқоб; феълий ўзак маъноси — бир нарсани бир нарсадан тўсмоқ, ташқи дунёдан беркитмоқ, масалан, юзга ниқоб тортмоқ. «Нур» сурасининг 31 ва Аҳзоб» сурасининг 59-оятда тилга олинган ислом аънаналарига кирган аёллар ёпинчиғи. Аёл киши авратини беркитиб юриш учун фойдаланаладиган ёпинчик. Ўрта Осиёда паранжига ўралиб юриш қабул қилинган. Аёллар авратини номаҳрам эркаклардан тўсиб юриши **Аллоҳ таоло** томонидан буюрилган.

Чодира (форсча) — шариатга кўра, уйдан ташқарига чиққан аёл, юзи ва қадди — қоматини бегона эркаклардан беркитиш мақсадида ишлатиладиган ёпинчик. Чодирада икки кўзча — тешикча бор, холос.

Паранжи — Исломда одатга кирган аёллар ёпинчиғи, ҳижобнинг ўзбеклар ва тожиклар орасида кенг тарқалган тури. Паранжининг олд томони отнинг қилидан тўқилган чачвон — чиммат билан беркитилган. Шариат қонунлари бўйича аёллар 9—11 ёшидан бошлаб паранжи ёпиниши шарт бўлган.

Чачвон (чиммат) — муслима паранжи ёпинганда юзига тутадиган отнинг қилидан тўқилган тўрсимон парда.

Эҳром — муқаддаслашиш; 1. Мусулмонларнинг ҳаж ва умрадаги ҳолати. Эҳром ҳолатида тирик мавжудотларни ўлдириш, гулларни узиш, дарахтларни синдириш, соч-соқол, тирноқларни олиш ва ҳоказолар тақиқланади; 2. Эҳром ҳолатига кирганлар танасига ўраладиган оқ мато; эҳром икки бўлак бўлиб, бири билан елкани, иккинчиси билан белдан пастини ўралади; ҳожилар Каъбага кириш учун эҳромга ўраладилар; эҳром ҳаж вақтида ечилмайди ва ҳаж тугагандан сўнг уни муқаддас ёдгорлик сифатида сақлаб, олиб қўядилар.

Салла — мусулмонларда бошга ўраладиган мато. Фақат эркаклар ўрайди. Оқ, яшил, кўк, қора ва кул ранг матолардан, кўпинча докадан қилиниб, дўппи, кулоҳ устидан ўралади. Ҳиндистон, Покистонда бош кийимсиз ўралади. Шиъа руҳонийлари қора, сайй-

идлар ва ҳожилар яшил матодан ўраганлар. Ўтмишда салла ўраш мусулмонлик белгиси ҳам ҳисобланган. Аммо Исломда махсус диний либос, форма йўқ. Салла Исломгача бўлган қадимий арабий бош кийим ҳисобланади. Мусулмонлар эса Расулуллоҳга тақлид қилиб салла ўрайдилар. Бугунги кунда ҳам араб давлатларида эркаклар учун салла ҳамда рўмол асосий миллий (лекин диний эмас) либос ҳисобланади. Улар салладан кўра кўпроқ бошларига рўмол ўраб юришади. Уни шамол учириб кетмасин деб тепадан халқа билан бостириб қўйилади. Ўзбеклардаги чопон, белбоғ, дўппи, маҳси, ковуш, яктак ва бошқалар ҳам диний либос эмас, балки миллий, маҳаллий либослардир. Уларнинг Ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Катта ёшдагиларнинг ёшларга: «нега дўппи киймай масжидга чиқдинг, нега соч қўйиб юрибсан» қабилида дашном беришлари тамоман ўринсиз, асоссиздир. 1950-йилларда чоллар, соч қўйиб, дўпписиз юрган ёшларни ҳатто кофир деб аташгача ҳам борган эдилар. Бу билимсизлик ва жоҳилликдан бошқа нарса эмасди, албатта.

Т а а с с у б — 1. Бирор кимсага, нарсага, фикрга, ғояга тақлид қилиш, эргашиш.

2. Бирор эътиқод, маслак, ғояга кўр-кўрона берилиш, қаттиқ ишониш, фанатиклик. (Таассуф эса, ачиниш, афсусни билдиради).

М у т а а с с и б — бирор нарсага, ғояга, фикрга қаттиқ берилувчи, ёпишиб олувчи, ўжар ва жоҳил, ақидапараст одам (фанатик). Бундай нодон одамлар ўз ғояларини, эътиқодларини бошқаларга жоҳиллик ва куч билан зўрлаб қабул қилдиришга ҳаракат қиладилар ва ўзлари тушунмаган ҳолда бидъатга йўл қўядилар, шу тариқа разолат ботқоғига ботадилар. Бундайлардан динимиз душманлари устомонлик билан фойдаланадилар.

А қ и д а — салбий маънода кўр-кўрона ишонишга, эътиқодга асосланган далилсиз, исботсиз қоида; қотиб қолган догма. Ақидапарастларнинг замон ва воқелик талабларини тан олмасликда тутган йўли. Баъзида эътиқоди мустаҳкам кишиларнинг ижобий маънодаги муайян қарашлари. Ақида — диний маънода эътиқод қилинадиган тушунча. Ислом руҳонийлари Ислом ақидаларини *Қуръони карим*, Сунна кўрсатмалари асосида ишлаб чиққанлар, тартибга солганлар. Исломнинг суннийлик йўналишида диний ақидалар ёки иймон талаблари еттитадир, яъни **Аллоҳнинг борлиги** ва бирлигига, фаришталарга, пайғамбарларга, илоҳий китобларга, охиратга, тақдирга ва қайта тирилишга ишониш. Шибъалик йўналишида бешта ақида эътироф этилган: тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёмат — маод.

Ақида эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талабдир.

К о к и л қ ў й и ш — Исломда назрлик белгиси, ўғил болалар сочини олдирганда бир тутам сочини қолдириш одати. Соч 30—40 сантиметргача ўстириб ўриб қўйилган. Кокил қўйиш икки хил бўлган — саййид кокил, назр кокил ёки атама кокил. Саййид кокилни илгарилари фақат саййидлар (тўралар) бошнинг икки жойидан қўйганлар. Саййидлар бу кокилни умрбод сақлаганлар. Назр, атама кокилни бола 7—8 ёшга кирганда аталган жойларга (азиз-авлиёлар ўтган жойларга) олиб бориб, назр-ниёз бериб, кокилни олдирганлар. Бу одат Тошкент шаҳрида ҳам 1960-йилларгача сақланган эди.

И қ т и д о — пирга ҳамда намозда имомга эргашиш, тақлид қилиш, бўйсунуш.

Ф а р з и а й н — Ислом ақидалари, асоси, рукнларини эгаллаш шарти.

Ф а р з и к и ф о я — ҳар бир мусулмон учун лозим бўлган диний ва дунёвий билимларни эгаллаш шарти.

С у р ё н и й т и л — шомликлар (оссурия — сурияликлар) тили; араб тилининг қадимги лаҳжаларидан.

И б р и й (иброний, еврей) — Нух пайғамбарнинг чевараси, Сомнинг эса эвараси бўлган Ибр (Евер) авлодлари ва ундан тарқалган халқлар ибрийлар, ибронийлар, яъни еврейлар деб аталганлар. Ҳозирги яҳудийларнинг энг қадимги аجدодлари. Яҳудийлар олдин Бани Исроил — Исроил авлодлари дейилар эдилар, ундан

олдин эса улар ибрийлар, ибронийлар — еврейлар деб аталганлар. Яна қаранг: тегишли фасллар ва изоҳларга.

И с р о и л — ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг набираси, яъни Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли Яъқуб алайҳиссаломга берилган янги ном, лақаб. Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғлидан тарқаб кетган қабилалар иттифоқи ва улар яшаган ўлканинг номи. Яна қаранг: тегишли фасллар ва изоҳларга.

Б а н и И с р о и л — Исроил авлодлари бўлмиш яҳудийлар. Яҳудийларнинг милоддан аввалги 928 йилдан бурунги номлари. Қаранг: тегишли фасллар ва изоҳларга.

А п о с т о л л а р (ҳаворийлар) — Ийсо алайҳиссаломнинг дастлабки 12 шогирди, муриди. Насронийлик динини кенг ёювчилар.

М а с и ҳ (Машиаҳ) — христиан.

Т а р с о — насроний, христиан.

К а н ъ о н (Ханаан) — Нух пайғамбарнинг набираси. Ҳомнинг ўғли. Ҳом отаси Нух алайҳиссаломнинг қарғишига учраган. Канъондан ўн бир ўғил дунёга келган ва улар шунча қабиллага бўлиниб, Шом атрофларида яшаганлар. Улар яшаган ерлар Канъон мамлакати (Фаластин) деб юритилган. Ривоятларга қараганда, Канъон қабиласини чивинлар талаб ўлдирган. Нух алайҳиссаломнинг шу номдаги кенжа ўғли ҳам бўлган, лекин у тўфон вақтида кофирлигича ўлиб кетган эди.

П а с х а — яҳудийлар ва насронийларнинг асосий байрами. Яҳудийларнинг Миср куллигидан қутулиш кунини қутлаб қилинадиган байрам. Бу байрамда улар қурбонликка қўзи сўйиб, хамиртуришсиз, тузсиз ёпилган нон ейишади. Уларча, хамиртуруш гуноҳ ва бузуқлик рамзидир. Насронийлар бу байрамни баҳорда кун билан тун бараварлашган кундан кейинги биринчи якшанбадан бошлаб қирқ кун байрам қиладилар.

И н о я т — одамлар савоб ишлари билан эришолмайдиган, фақат **Парвардигор**нинг меҳри туфайли келадиган илоҳий марҳамат.

Ҳ и д о я т — тўғри йўл, **Ҳақ таоло** даъват этган, амр этган йўл.

Ҳ о д и й — тўғри йўл кўрсатувчи раҳбар, раҳнамо, пешво.

Ш а н б а — Таврот бўйича яҳудийларнинг дам олиш ва ибодат куни. Бу куни ишлаш яҳудийларда қатъиян ман қилинган. Бу кунда ишлаган одамни ҳатто қатлга ҳукм қилганлар.

Х о ч (салиб) — Рим империясида ашаддий жиноятчиларни ўлдириш учун қўлоёғидан парчинлаб қўйишга мўлжалланган «Т» шаклидаги жуда ваҳшиёна, даҳшатли, аёвсиз жазо мосламаси. Насронийларнинг ривоятларига кўра, Ийсо алайҳиссалом шундай салибга парчинлаб ўлдирилган. Шунга кўра, бу қатл қуроли тасвири насронийлик динини қабул қилиш белгиси сифатида диний тимсолга айланган ва улар бу салибга чўкинадилар. Улар Ийсо Масиҳ гуноҳкорлар гуноҳини ювиш учун хочда азоб чекиб ўлишини англатадиган бу рамзий белгини ўз ибодат анъаналарига киритганлар.

Т а қ и й я — эҳтиёткорлик, шароитга қараб иш кўриш. Шиъаларда зарур бўлганда ўз эътиқодларини сир туттишга рухсат этилади.

Ф а т в о — ҳукм, қарор. Исломда диний бошқарма бошлиғи муфтий, шайхулисом, оятуллоҳ ва уламолар кенгаши томонидан диний-ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий, шаръий масалаларда чиқариладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Фатво мусулмонлар, диний жамоалар томонидан бажарилиши шарт, мажбурийдир.

Т у м о р — ғайритабiiий сеҳрли кучга эга бўлган, эгасини офат-балолардан, кулфатлардан, фалокатлардан, ёмон кўзлардан — кўз тегишдан асрайди, деб тушуниладиган, кўпинча учбурчак шаклда тайёрланадиган ашё, буюм. Исломда **Қуръон** оятлари, дуолар ёзилган қоғозларни тумор қилиб тақиб юришгагина рухсат бор. Қолганлари номаъқул, бидъат ҳисобланади. Баъзи муфассирларнинг айтишича, тумор тақиб юриш ҳатто ширкка яқин туради.

Р и б о — фойда (арабча); форс-дорийча: суд; «фойдахўр, судхўр» сўзлари шундан келиб чиққан.

С у д х ў р л и к — фойдахўрлик. Берилган қарз эвазига устига фоиз олиш. Бу иш Исломда қатъиян тақиқланган, ҳаром қилинган. Судхўрлик мудҳиш фожиа бўлиб, судхўрнинг бу дунёда мусибат, кулфат ва балога гирифтор бўлиши аниқ. Бу иш ҳаётда кўплаб ўз тасдиғини топган. У дунёда эса қарор топар жойи жаҳаннамдир.

Х а т м и Қ у р ъ о н — вафот этганлар арвоҳига атаб **Қуръон** ўқиш диний маросими. Бунда 30 пора **Қуръон**ни тўлиқ ўқиб тушуриб, савобини марҳумларга атаб хатм қилиш, бағишлаш маросими. Кўпинча Рамазон ойида масжидларда ва уйда қилинади.

Ч о р ё р л а р (форсча + туркийча) — тўрт дўст. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам вафотидан кейин Араб халифалигининг дастлабки тўрт халифаси: Абу Бакр (632—634), Умар ибн Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644—656) ва ҳазрат Али (656—661). Уларнинг ҳукмронлик даври исломнинг олтин асри дейилади. Ёлғиз Абу Бакр ўз ажали билан ўлган. Қолганлари душманлар томонидан шаҳид этилганлар, ўлдирилганлар.

Х у л а ф о и р о ш и д и н — тўғри йўлдан борган халифалар. Улар сирасига чорёрлар ва пайғамбаримизнинг невараси Имом Ҳасан киради. Имом Ҳасан 625-йили туғилган, 669-йили 45 ёшида хотини томонидан заҳарлаб ўлдирилган. Милодий 661-йилда 7 ой халифалик қилган, холос.

И ф р о т — ошириш, ҳаддан, меъёрдан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш.

Ғ у л у в — чуқур кетиш. **Аллоҳ таоло Қуръони карим**да бандаларини: «Динда ғулув кетманглар ва ифротга йўл қўйманглар, сизлардан олдин бундай ишларга йўл қўйган қавмлар ҳалок бўлганлар», деб огоҳлантиради. **Яна қаранг:** тегишли фасллар ва изоҳларга.

Ҳ а ж а р у л - А с в а д — қора тош. Бир неча бўлакдан иборат, кумуш чамбар билан бирлаштирилган. Бу тош Каъбанинг пойдеворига қўйилган, эшигининг чап томонидаги бурчакка елка баробарида жойлаштирилган. Осмондан тушган метеорит деган фараз ҳам бор.

М у а л л а қ т о ш — Қуддус шаҳрида, Масжиди Ақсо яқинидаги Саҳра масжиди ичидаги муаллақ турувчи тош. Муаллақ тош ердан 2 метр баландликда кўтарилиб туради. Мусулмонларга бу тошни муқаддаслаштириш ёки зиёрат қилиш буюрилмаган.

Б и б и М у ш к у л к у ш о д (форсча) — «кишилар мушкулини осон қиладиган» авлиё аёл. Баъзи манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг холаси. Мовароуннаҳр мусулмонлари мушкулларни осон қилиш ва ишларига ривож беришни сўраб, ҳафтанинг чоршанба кунлари унга атаб диний зиёфат ўтказиб турадилар.

Б и б и С е ш а н б а — Сешанба она. Баҳоуддин Нақшбанднинг аммаси. Аёллар ихлос қўйган авлиё она. Чарх йигирувчи аёлларнинг «ҳомияси», оила бахтининг ҳимоячиси. Диндор аёллар унга сиғингандек бўлиб, сешанба кунлари унинг шарафига диний зиёфат берадилар.

И з о ҳ: *Аллоҳдан бошқага, ҳатто азиз-авлиёлар ва пайғамбарларга сиғиниш, улар дафн этилган мақбара ва қадамжоларга атаб қурбонлик қилиш — жонлиқ сўйиш ширкка киради. Ширк эса кечирилмас энг оғир гуноҳдир. Бундай жонзотнинг гўшти Исломда ўлимтик, қон, чўчқа каби ҳаромдир. Уни ейиш мусулмонларга ман қилинган. Қурбонликни фақат Аллоҳ учун қилинг, савобини эса кимга хоҳласангиз унга бағишлайверинг. Эътиқод, сиғиниш фақат яккаю ягона Аллоҳга бўлиши керак, фақат ва фақат Ундангина ёрдам, нажот, марҳамат сўралади! Нима ниятингиз бўлса, дилингизни яхшилаб тўғерилаб олиб, тўғеридан-тўғери Аллоҳнинг Ўзидан астойдил сўрайверинг. Аллоҳнинг азиз-авлиёлари қабрлари ва қадамжоларини ҳурмат тариқасида зиёрат қилиш эса савобга киради.*

А с ҳ о б и К а ҳ ф — ғор соҳиблари. Носириддин Рабғузийнинг ёзишича, улар беш биродар бўлишиб, **Ҳақ таоло**га кучли эътиқод қўйишган. Рим императори золим Диоклеттиан (Дақёнус, Даққиюнус)нинг зулмидан бешиб, бир ғорга яширинишади. Йўлда Кафиттинус исмли бир чўпоннинг Қитмир лақабли ити ҳам биродарларга садоқат билдириб

қўшилган. Улар **Тангри таолонинг** қудрати билан горда 309 йил-у 9 ой ухлаб қолишган. Ит эса уларни садоқат билан мижджа қоқмай қўриқлаган. Уларнинг номлари: Тамлихо, Игсиг Мино, Мартолус, Сарриниус, Зу Анас.

«Жавоҳир ул-ҳикоёт» китобида эса улар етти биродар — Ямлихо, Максалмино, Кашфутат, Табюнус, Кашофатюнус, Азарфатюнус, Юнусбус ва саккизинчилари итлари — Қитмир бўлганлиги ёзилган. (Қаранг: Қисаси Рабғузий. 2-жилд. Тошкент, «Ёзувчи», 1991, 96-бет; Жавоҳир ул-ҳикоёт. Тошкент, «Ёзувчи», 1992, 200-бет).

Дақёнус (Даққиюнус) — Рим императори Диоклетиан (245 — 313); ғирт кофир, ниҳоятда золим бўлган.

Ибодатхоналар (мақомига кўра)

Ибодатхона — диндорларнинг Худога муайян тартибда сиғинадиган жойи, диний ибодатлар, расм-русум ва маросимлар ўтказадиган бино ва иншоотларнинг умумий номи; Исломда — масжид, хонақоҳ, мадраса; яҳудийларда — синагога, маъбад, скиния, синендрион, калисо; насронийларда — черков, собор, монастыр, синод, капелла, костел, савмаа, кирха; буддавийларда — тэра, пагода, зиккурат, дагоба, ступа, вихара, дацан ва ҳоказолар.

Каъба (арабча) — «баландлик», «дўнглик» маъноларини билдиради; мусулмонларнинг Арабистон яриморелининг Ҳижоз ўлкасидаги Макка шаҳрида жойлашган энг муқаддас ибодатхонаси; араблар шаклига қараб «каъба» (куб) деб аташган; кулранг тошдан қурилган; «Байтуллоҳ» (**Аллоҳнинг уйи**), «Байт ул-Ҳарам» (**Муқаддас уй**), «Байт ул-Отиқ» (**Қадимий уй**) деб сифатланади; **Қуръони карим**да «ал-Масжид ал-Ҳарам» (муқаддас масжид) деб номланган, яъни унда уруш, жанжал, гуноҳ ишларни қилиш ҳаром саналувчи масжид; атрофи ҳашаматли девор билан ўралган; кенг ҳовлиси ҳам Каъба деб аталади; Каъбанинг деворига ташқи томонидан осмондан тушган «Ҳажар-ул-асвад» (Қора тош) ўрнатилган; ичида **Қуръони карим**нинг қадимий қўлёзмаси сақланади; ҳовлиси саҳнида Замзам булоғи, Мақоми Иброҳим деб аталган тош бор; милодий 623-йилдан бошлаб мусулмонлар учун қибла ҳисобланади ва жаҳондаги барча мусулмонлар шу томонга қараб намоз ўқийдилар, Каъбада эса хоҳлаган тарафга қараб намоз ўқийвердилар.

Байтул-Маъмур — маъноси «обод уй». Каъбанинг қаршисида тўртинчи қават осмонда осилиб турувчи Одам Ато қурган ибодатхона. У осмондаги бир даргоҳдирки, беадад фаришталар унга келиб - кетиб турадилар. Бу уй фаришталар билан обод бўлиб тургани учун у шундай аталган. Нух алайҳиссалом даврида Буюк тўфондан аввал Жаброил алайҳиссалом уни **Аллоҳнинг амри** билан тўфондан сақлаб қолиш учун тўртинчи қават осмонга кўтариб қўйган.

Байтул-Муқаддас — Фаластиндаги бу машҳур шаҳар Қуддуси шариф (Иерусалим) деб аталади; яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар ибодатхоналари мавжуд, шунинг учун ҳам учала динга эътиқод қилувчилар учун бирдек муқаддас шаҳар, пайғамбарлар шаҳри деб ҳисобланади; «ал-Масжид ал-Ақсо» номли машҳур масжид шу шаҳарда бино қилинган; милодий 610—623-йилларда мусулмонлар учун қибла бўлган.

Макка — Саудия Арабистонидаги Ислом дини зухур этган муқаддас шаҳар; Ҳижоз вилоятининг маъмурий маркази; Каъба жойлашган; туб аҳолиси 300 минг кишидан ортиқ; ҳар йили бутун дунё мусулмонларидан 2 миллиондан зиёд одам ҳажга келадилар; «Маккаи мукаррама» деб ҳам аталади.

Мадина — «шаҳар» дегани; тўлиқ арабча номи: «Мадинат ур-Расулуллоҳ» ёки «Мадинат ан-Набий», яъни пайғамбар шаҳри; Ҳижоз вилоятида Макка шаҳридан 400 километр шимолда жойлашган; қадимги номи — Ясриб; пайғамбаримиз бу шаҳарга милодий 622-йилда ҳижрат қилганлар; Муҳаммад алайҳиссаломнинг уйи ва қабри Мадинада; «Мадинаи мунаввара» деб ҳам аталади.

Қуддус, Қуддуси шариф (Иерусалим) — Фаластинда жойлашган шаҳар; милoddан аввалги X асрда Довуд алайҳиссалом уни бутпараст яъбусийлардан тортиб олиб, Исроилнинг табаррук пойтахтига айлантирган; яхудийлар, насронийлар ва мусулмонлар учун бирдек муқаддас шаҳар. Мусулмонларда Байт ул-Мақдис, Байт ул-Муқаддас деб ҳам аталади.

Масжид — мусулмонларнинг жамоа бўлиб ибодат қиладиган жойи; биринчи масжидни Муҳаммад алайҳиссалом Мадинада қурдирганлар.

Хонақоҳ — дарвешлар, қаландарлар, ғариб, мискинлар истиқомат қиладиган жой, ғарибхона.

Такъяхона — шиъаларда масжид.

Мадраса — Ислом ўрта ва олий диний ўқув юрти.

Доруссалом — «Ислом, тинчлик уйи» маъносини англатади; бир неча аср Араб халифалиги пойтахти бўлган Бағдод шаҳрига берилган шарафли нисбат.

Синендрион — Қадимги Яхудияда оқсоқоллар кенгаши; Қуддус инқирозга учрагунга қадар олий диний муассаса; ҳукумат ва суд вазифаларини ҳам бажарган.

Синагога — яхудийлар ибодатхонаси, диний-жамоа ташкилоти.

Маъбад — яхудийларнинг Қуддусдаги ҳашаматли бош ибодатхонаси; милoddан аввалги X асрда Довуд алайҳиссаломнинг ўғли Сулаймон алайҳиссалом қурдирган; милoddан аввалги 558-йилда бобилликлар уни вайрон қилганлар; қайта тикланган; милодий 70-йилларда римликлар уни буткул вайрон қилиб ташлаганлар; ҳозиргача қайта тикланмаган.

Скиния (юнонча — чайла, қапа чодир) — қадимги яхудийларнинг кўчма, йўлда олиб юриладиган ибодатхонаси. Библияга кўра, скиния Синай тоғида **Худо** Мусога кўрсатган намунага қараб қурилган дейилади. Скиния икки бўлимдан иборат бўлган: каттаси — ибодатхона, кичикроғи «Васиятномалар кутиси» сақланадиган муқаддас жой ҳисобланади. Скиния насронийликда черков намунаси ҳисобланади.

Калисо (каниса) — яхудийлар ибодатхонасининг ички қисми, махсус бўлими.

Черков — 1. Насронийларнинг диний ташкилоти; 2. Насронийлар ибодатхонаси; католик, англикан, пресвитериан ибодатхоналарининг умумий номи.

Собор — 1. Қадимги Русда давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим масалаларни кўриб, ҳал қилувчи йиғин, масалан, Земский собор; черков собори; 2. Шаҳардаги ёки монастырдаги бош черков, жоме.

Костел — Рим католик черкови ибодатхонаси.

Савмаъ — насронийлар ибодатхонаси; монастыр.

Монастир — черковнинг маълум бир йўл-йўриқлари асосида биргаликда яшовчи монахлар жамоаси ва улар фойдаланадиган ибодатхона, турар жой ва хўжалик биноларининг йиғиндиси.

Исломдаги диний лавозимлар, унвонлар ва мансаблар (мақомига кўра)

Халифа — бутун дунё мусулмонларининг диний ва дунёвий олий ҳукмдори; пайғамбарнинг ноиби, ўринбосари; ҳозирда тарихга айланган мансаб.

Амирал-мўминин — мўминлар амири дегани бўлиб, илк ислом давридаги халифалар (Муҳаммад пайғамбар ўринбосарлари)нинг унвони. Диний, дунёвий, ҳарбий ҳокимият якка ҳукмдор—халифа кўлида жамланганлиги учун бу вазифаларни бажарувчилар «халифа», «имом», «амир» истилоҳлари ўрнига, ҳар учала мазмунни ифодаловчи ягона ана шу «Амир ал-мўминин» истилоҳи билан аталган. Бу унвонни биринчи бўлиб халифа Умар қабул қилган. Ундан кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан аталганлар.

Муфтий — «фатво берувчи», «диний қарорлар чиқарувчи» маъноларини англатади; суннийликда олий мартабали руҳоний; унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун дастуриламал ҳисобланади; ақоид олими, *Қуръони каримни* шарҳловчи, фатво берувчи, шариат ҳукмини баён этувчи қонуншунос; мамлакатнинг диний раҳнамоси. Диний курултойда сайланади.

Шайхулислом — Ислом оқсоқоли маъносини англатади; мусулмон жамоасининг бошлиғи; шиъаларда давлатнинг диний раҳнамоси, олий руҳонийлик унвони; Бухоро амирлигида, Туркия султонлиги ва бошқа давлатларда XVI асрдан 1924- йилгача энг олий диний лавозим бўлган; Кавказorti давлатларида ҳозир ҳам олий диний бошқарма раҳбари; ҳукмдорнинг сўл томонида ўтириш ҳуқуқига эга бўлган; Ўрта Осиё мамлакатларида унга тенг лавозим «муфтий» деб юритилади.

Оятуллоҳ — «Аллоҳ мўъжизаси» деган маънони англатади; шиъаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган руҳоний, мужтахидлар унвони; улардан бир нечасигина «Оятуллоҳи узмо» (буюк оятуллоҳ), энг юксак обрўга эга бўлган бир оятуллоҳ эса «Маржаъи таклид» (таклид қилинадиган инсон) деб аталади ва у барча шиъаларнинг раҳнамоси деб эътироф этилади; Оятуллоҳ Хумайний «маржаъи таклид» баробаридаги имом деб ҳам аталган.

Имом — «олдинда турувчи» маъносини англатади; Ислом динида мусулмонларнинг раҳбари. Бу сўз тўрт хил мазмунга эга: 1. Суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари, буюк имом (ал-Имом ал-кабир), яъни — халифа. 2. Суннийликдаги тўрттала шариат мазҳабларининг асосчилари: Имом Аъзам (ҳанафия), Имом Молик (моликия), Имом Шофиъий (шофиъия) ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (ҳанбалия). 3. Шиъаликда энг юксак раҳнамо бўлган ҳазрат Али ва унинг авлодлари. 4. Шиъаликда ҳам, суннийликда ҳам масжидда намозни бошқариб боровчи руҳоний — масжид имоми.

Мулла — «маvlo» (арабча — «яқинлашган», «яқин одам»)дан келиб чиққан бўлиб, «маvlo» кейинчалик «маvloно» атамасига айланган; аввалига руҳонийларга нисбатан, кейинчалик саводли, ўқимишли кишиларга нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлди; мулланинг «домла» шакли йирик руҳонийлар, мадраса муаллимлари, имомлар ва бошқаларга нисбатан ҳам ишлатилган.

Домла — 1. диний мактаблар, мадрасаларда талабаларга дарс берувчи муаллим, дин ва шариат пешвоси; 2. дуолар ўқиб, дам солиб, инс-жинсларни қайтарувчи, касалликларни дуолар ўқиб руҳий даволовчи шахс; мадрасаларда дарс берувчи домлани «мударрис» деб ҳам атайдилар; «мударрис» арабча сўз бўлиб, «дарс берувчи» маъносини англатади. Ҳозирги кунда ёши катта, ўқимишли, билимдон кишига ҳам ҳурмат тариқасида «домла» деб мурожаат қилинади.

Муаззин — азон айтиб намозга чақирувчи муслим; сўфи; Ислом тарихида илк муаззин ҳазрати Билол разийаллоху анҳудир.

Мутаваллий — «ишбоши», «иш бошқарувчи» маъноларини англатади; ислом тарихида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадларга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор; Ўзбекистонда бугунги кунда масжиднинг хўжалик ва молия ишларини бошқарувчиси «мутаваллий» дейилади.

Хатиб — «хитоб қилгувчи», «нотик» маъноларини англатади; жума ва ҳайит намози пайтида хутба ўқийдиган, ваъз айтадиган руҳоний; кўпинча масжид имоми вазифасини ҳам бажаради, имом-хатиб деб аталиши ҳам шундан.

Қози — «ҳал этувчи», «ҳукм чиқарувчи» маъноларини англатади; мусулмонлар судьяси; шариат қонунлари бўйича судлаб, ҳукм чиқаради; қозиюл-қуззот — мамлакат бош қозиси.

Аълам — «билгич», «билағон» маъноларини англатади; уламолар ичида шариат қонун-қоидаларини яхши билган киши.

Қори — *Қуръони карим*нинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқийди-

ган ўтқир хотиралик муслим.

Отин — диний мактабларда хотин-қизлар ўқитувчисининг номи; отинлар аёллар ўртасида диний маросимларни ўтказишда бошчилик ҳам қиладилар; халқ тилида «отин ойи».

Бошқа динлардаги диний лавозимлар, унвонлар ва мансаблар (мақомига кўра)

Папа — католик христианлик черковининг энг олий бош руҳонийси; ҳузурида насроний мамлакатларнинг олий руҳоний вакиллари — кардиналлар Кенгаши бўлиб, бу Кенгашда Папа кўпчилик овоз билан умрбодга сайланади; қароргоҳи Ватикан шаҳрида; Рим Папаси Иннокентий III замонида (1198—1216) папалик энг қудратли чўққига кўтарилган; папа ҳокимияти христиан оламида олий ҳокимият эканлиги, барча қирол ва императорлар унинг вассаллари эканлиги тан олинган ва сақланиб қолган.

Кардинал — «катта», «бош» маъноларини англатади; католик черковида Рим Папасидан кейинги олий руҳонийлик мартабаси; Папанинг маслаҳатчиси; Фарбий Европа мамлакатлари тарихида диний ва дунёвий ҳокимиятга таъсири бениҳоя бўлган.

Патриарх — православие черкови бошлиғининг олий унвони; Россияда бу лавозим 1945- йилдан Москва ва Бутун Русь Патриархи деб аталади.

Синод — 1. Россияда православие черковининг юқори бошқармаси; 2. протестант черковида — руҳонийлар йиғини; 3. 1943- йилдан Муқаддас синод — Москва ва Бутун Русь Патриархи ҳузуридаги кенгаш; черковнинг ички ишларини назорат қилади, динга тааллуқли масалаларни ҳал этади.

Митрополит — Рус православие черковида Патриархдан кейинги иккинчи лавозим; йирик черков вилоятлари — митрополия епархиялари гуруҳининг бошқарувчиси.

Архиепископ — христиан черковининг митрополитдан кейинги олий мартабали мансабдори; епископлар фаолиятини назорат қилади; бош черков назоратчиси.

Архимандрит — монахларнинг олий диний унвони; православие черковининг эркаклар монастири бошлиғи, диний ўқув юрти ректори; епископдан кейинги поғонада туради.

Епископ — христиан черковининг олий диний мартабаларидан бири; мустақил худудлар диний бошқармасининг бошлиғига берилувчи руҳонийлик унвони. Епископни худуд раҳбари тайинлагач, патриарх тасдиқлайди.

Пастор — протестантизм мазҳабидаги руҳоний.

Дьякон — православ черковида кичик руҳоний;

Патер — дьякон ёки иерия унвонига эга бўлган католик монахи.

Протопоп — православие черковида ибодатга раҳбарлик қилувчи руҳоний.

Пресвитер — католик ва православие динида коҳин, руҳоний, поп.

Поп — кичик лавозимли руҳоний.

Аббат — 1. Фарбий Европада монастир бошлиғи; 2. католик черкови руҳонийси.

Раввин — яҳудийларнинг диний-ахлоқий ҳаётига раҳбарлик қилувчи руҳоний.

Монах — таркидунё қилиб монастирда яшовчи насроний; дунёвий ишларга қизиқмасдан, оила, бола-чақа қилмасдан, фақат ибодат билан шуғулланувчи, дунёдан бутунлай юз ўгирган зоҳид; монахлик Исломга зид.

Коҳин — мажусийлар руҳонийси; авлиё, ғойибдан хабар бера оладиган, ғайритабиий кучлар ва одамлар ўртасида воситачилик ҳамда сеҳр-жоду ишларини қила олувчи, жониворлар овозига қараб фол очиш қобилиятига эга бўлган руҳоний.

А т а р в о н — бош ибодатхонанинг бош коҳини.

М у б а д — зардуштийлар руҳонийси; коҳин, сеҳргар.

Ш о м о н — ибтидоий шомонлик дини руҳонийси; инсон яхши ва ёвуз арвоҳлар паноҳида яшайди, одамларнинг соғлиғи, бахти ва тақдири шуларнинг қўлидадир деган эътиқодни тарғиб қилган; шомонлик динидагилар жинлар, арвоҳларга ҳам топинадилар.

Б р а х м а н — мажусийлар коҳини, руҳонийси; Ҳиндистонда олий руҳонийлар тоифаси (кастаси)га мансуб шахс.

Л а м а — буддавийлар динида монах-руҳоний.

Д а л а й - Л а м а — ламавийлик (буддавийликнинг бир тури) черковининг олий бошлиғи; Тибетда диний ва дунёвий ҳукмдор; Хитой ҳукумати томонидан тасдиқланади.

Политеизм даврларидаги юнонлар, римликлар ва бошқа халқларнинг маъбуд ва маъбудалари (Алфавит тартиби бўйича)

А д а д — Қадимги Бобил ва Оссурияда Ҳадад, Қадимги Фаластинда Алду номи билан аталган момақалдирик, шамол, ёмғир Худоси.

А и д — ер ости дунёсининг Худоси, римликларда — Плутон.

А к в и л о н — қадимги римликларда шимолий шамол маъбуди. Греклардаги маъбуд Борейга тўғри келади. Ривоятларда унинг макони абадий қаҳратон қиш, совуқлик ва қоронғулик —зимистон ҳукм сурадиган Фракияда дейилади. Сўзма-сўз таржимаси — «маҳобатли».

А м о н - р а — қадимги мисрликларда куёш худоси; қирғий бошли қиёфада тасвирланган, ўз паноҳида асровчи тангри ҳисобланган.

А м у р — юнонларда севги Худоси Эрот (Эрос)нинг лақаби; қўлида камон ва ўқ ушлаган қанотли ўғил бола шаклида, кейинчалик одамлар ва худоларни севги азобига мубтало қиладиган муғомбир бола кўринишида тасвирланган. Амур—Купидон деб ҳам аталган.

А н т е й — юнонларнинг қаҳрамони; денгизлар худоси Посейдон ва ер маъбудаси Геянинг ўғли; Ливияда яшаган; паҳлавон Антей ерда туриб курашганда онасидан қувват олиб тургани учун уни ҳеч ким енга олмаган, буни билиб қолган Геракл Антейни ердан узиб олиб, ҳавода бўғиб ўлдирган.

А п о л л о н — юнонлар (қадимги греклар)да энг кўп сифиниладиган худо; куёш тангриси, санъат ҳомийси; Зевс ва Латонанинг ўғли, Артемиданинг эгизак акаси.

А р г у с — қадимги грекларда кўк ва кўп кўзли, баҳайбат, кўркинчли махлук; Гермес унинг кўзларини ухлатиб кўйиб ўлдирган; маъбуда Гера Аргуснинг кўзларини товус думига жойлаштириб безаб кўйган.

А р т е м и д а — Зевс ва Латонанинг Апполон билан бирга эгизак бўлиб туғилган қизи. Римликларда Диана деб аталади; ов маъбудаси, хайвонлар ва қушлар ҳомияси, ой илоҳаси, кейинроқ аёллар ифратининг ҳомияси.

Гекатомба — Маъбуда Артемидага қилинадиган қурбонлик маросимларидан бири. Ривоятларда айтилишича, Артемида подшоҳ Калидон унга қурбонлик қилишни унутиб қўйганидан ғазабланиб, Калидонга қарши даҳшатли, филдек келадиган ёввойи йиртқич тўнғизни юборади. Бу махлукни Грециянинг машҳур паҳлавон баҳодирлари ўраб олиб, ниҳоят базўр уни ўлдиришга муваффақ бўладилар. Кўп баҳодирлар бу жангда ўладилар. Шундан сўнг Артемида уч олиш учун ўша баҳодирларни тўнғизнинг қимматбаҳо териси учун бир-бирлари билан жанжаллаштириб қўяди. Талаш ва тортишувда улар бир-бирларини ўлдиришлари натижасида жуда кўп қон тўкилади. Шундан кейин инсон қони оққунча хайвон қони оқсин деб, улар ҳар йили бир йўла 100 буқани сўйиб Артемидага қурбонлик

қиладиган бўлганлар. Ана шу қурбонлик маросими Гекатомба маросими деб ном олган.

А т л а н т — Зевснинг амрига биноан ўз боши ва қўллари билан осмонни кўтариб турувчи паҳлавон.

А т о н-Атон — Қадимги Миср динида қуёш худоси; фиръавн Аменхотеп (Эхнатон) уни ягона олий тангри деб эълон қилган.

А ф и н а — юнонларда асосий маъбуда, осмон ва ҳосил Худоси, булутлар, чақмоқ ва тинч меҳнат ҳокими; гўзал, мухташам қиз шаклида тасвирланган; Қадимги Аттикада ҳам бош **Худо** бўлиб, шаҳар унинг номига қуйилган; Афинанинг бош ибодатхонаси Парфенон ичида унинг баҳайбат ҳайкали ўрнатилган.

А ф р о д и т а — юнонлар (қадимги греклар)да муҳаббат ва гўзаллик илоҳаси; Зевснинг қизи; дастлаб ҳосилдорлик ва осмон худоси ҳисобланган; римликларда — Венера.

Б а х у с — қадимги римликларда узумчилик, виночилик, хурсандчилик худосининг номларидан бири.

Б е л л о н а — римликларда уруш маъбудаси; Марснинг рафиқаси.

В е н е р а — дастлаб баҳор ва ҳосилдорлик, боғ, экин-тикин маъбудаси, кейинчалик гўзаллик ва севги маъбудаси ҳисобланган; Афродита билан тенглаштирилган.

В и к т о р и я — римликларда ғалаба маъбудаси; греклардаги Никага тўғри келади.

В у л к а н — Римликларда олов Худоси ва темирчилар ҳомийси. Юнонларда — Гефест. Рим асотирларида айтилишича у вайрон этувчи ва покловчи олов-аланга маъбудаси. Ривоят қилишларича, у ёнғиндан асраш ҳамда магияда тақдир ҳукмини 10 йилга кейинга ёки олдинга сураолиш қудратига эга эмиш.

Г е б а — Зевс ва Геранинг қизи; абадий ёшлик маъбудаси; Олимпдаги Худоларнинг зиёфати вақтида мангулик ичимлиги — нектарни бериб турувчи хизматкор.

Г е к а т а — грек асотирларида дастлаб ой, суд ва гуноҳларни ювиш маъбудаси. Милоддан олдинги 5-асрдан бошлаб қоронғулик, ёмонлик, арвоҳлар ва сеҳргарлар маъбудаси. Бош Худо Зевсдан ер, денгиз ва уммонлар тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини ҳам олган. Унга Уран юлдузи томонидан улкан куч бахш этилган.

Г е р а — юнонларда никоҳ маъбудаси ва ҳомияси; Зевснинг хотини; римликларда — Юнона.

Г е р а к л — Худо Зевс ва унинг илоҳа бўлмаган хотинидан туғилган ўғил; жуда катта жисмоний кучга эга бўлган, мисли йўқ паҳлавон; 12 марта жасорат кўрсатган; римликларда — Геркулес.

Г е р м а ф р о д и т — грек асотирларида Гермес ва Афродитанинг беқиёс гўзалликка эга бўлган ўғли. Бир куни дарёлар нимфаси Салмакида Гермафродитни қаттиқ севиб қолади, аммо Гермафродит унинг севгисини рад қилади. Шундан кейин худоларга тинмай қилган илтижолари натижасида худолар унинг жисмини Гермафродит танаси билан бир бутун қилиб, бир-бирига сингитиб қўшиб юборадилар ва улар икки жинсий аъзоси бўлган бир одамга — хунасага айланиб қоладилар.

Г е р м е с — грек асотирларида Худолар жарчиси, йўллар ва йўловчилар ҳомийси. Ўтлоқлар, подалар, савдо, гимнастика ва нотиклик маъбуди. Булардан ташқари у — ўлганлар руҳини нариги дунёга кузатиб қўювчи маъбуд. У Худолар ва одамлар ўртасида ҳаёт ва ўлим масаласида воситачи ҳам бўлган. Римликларда — Меркурий.

Г е с п и р и д л а р — грек асотирларида Гесперидита мамлакатада яшовчи, узоқ ғарб томонларда олтин олмаларни сақловчи нимфалар. Айтишларича, улар дунёнинг энг ғарбий чеккасидаги уммон соҳилларида яшаганлар.

Г е ф е с т — олов ва темирчилик худоси; Зевс ва Геранинг ўғли; римликларда — Вулкан.

Г е я — юнонларда ер ва ер ости дунёсининг маъбудаси; ундан гўё худолар ва одамлар пайдо бўлган эмиш.

Гигант (лар) — юнонларда Худога яқин, инсонларга зиён-заҳмат етказувчи улкан махлук — дев; гигантлар Зевсга қарши курашишга уринганлар.

Гигиэя — юнонларда сихат-саломатлик маъбудаси; кўлида илон заҳар томизиб турган идиш ушлаган ҳолда тасвирланган; «гигиена» сўзи унинг номидан ва ҳозирги медицина эмблемаси унинг тасвиридан олинган.

Гор - гор — Қадимги Мисрда осмон ва қуёш худоси; фиръавнлар ҳомийси.

Данайлар — Аргос подшоси Данайнинг 50 нафар қизи; отасининг сўзига кириб эрларини ўлдирганлари учун, худолар бу қизларни тубсиз бочкани сув билан тўлдиришга маҳкум қилишган.

Девкалион — грек асотирларида буюк Тўфон балосидан худолар хоҳиши билан хотини Пирра билан бирга қутилиб қолган, ҳозирги одамларнинг бобокалони. Сув қайтиб, тарқаб, ерга сингиб кетгандан кейин, улардан инсоният зоти туғилиб кўпайган ва аста-секин бутун ер юзига тарқалиб кетганлар. У «Библия» даги Нух пайғамбар ва шумерлардаги Ут — Напиштилarga тенглаштирилган.

Диана — Рим асотирларида ўсимликлар ва туғадиган хотинларга ёрдам берувчи маъбуда. Геката, Артемида ва Селена маъбудаларига ўхшаб ойни ўзида гавдалантирувчи маъбуда. Юнонларда Артемида.

Зевс — (юнонларда Юпитер) қадимги греклар эътиқодича олий тангри; худолар ва одамларнинг отаси ҳамда подшоси; коинот ҳукмдори Кронос ва Тея ўғли; момақалди роқ ва чақмоқлар илоҳи.

Исида — Қадимги Мисрда осмон ва ер илоҳаси.

Латона — Рим асотирларида маъбуд Юпитернинг никоҳсиз хотини, ўйнаши. Греклардаги Латога тенглаштирилади. У тукқанидан кейин, кундоши Юпитернинг қонуний хотини томонидан қаттиқ таъқиб остига олинган. Натижада уни бир қарич ер ҳам қабул қилмаган, сарсон ва саргардонликда қолган. Латона энг ёқимтой, аммо жабрланган аёл тимсоли бўлиб қолган.

Марс — уруш Худоси; жангарилик ва шон-шавкат рамзи. Шарқда — Миррих.

Меркурий — Рим асотирларида савдо, даромад, бойлик маъбуди. У Худолар жарчиси сифатида Гермесга, магия ва астрология сирлари соҳиби ва ҳомийси бўлиши билан кельтлар Худоси Луг билан айнийлаштирилади.

Митра — одамларнинг нариги дунёдаги тақдирини белгилаб берувчи, ҳукм чиқарувчи ва қуёш Худоси. Айтишларичи, Митра ҳар куни қуёшни оламга сайр қилдириш учун олиб чиқар экан.

Нептун — римликларда денгизлар Худоси; юнонларда — Посейдон.

Нимфалар — қадимги грек-рим афсоналарида табиат кучларини мужассамлаштирувчи иккинчи даражали маъбудалар. Нимфалар — ўрмон нимфалари (дриадалар), тоғ нимфалари (оредалар), дарё нимфалари (наядалар) ва денгиз нимфалари (нереидалар) га бўлинади.

Олимп — Шимолий Грециядаги тоғ (ҳозир Лахо деб аталади); қадимги юнонларда Олимп — Худолар яшайдиган тоғ.

Орфей — юнонларда шоир, ўз қўшиқлари билан гўё дарахтларни ва қояларни ҳам ҳаракатга келтириб юборадиган, йиртқич ҳайвонларни ҳам ром қила оладиган сеҳрли хушовоз ашулачи.

Пандора — Қадимги юнон мифологиясида Ер юзидаги биринчи аёл. Инжилдаги Ева каби у Ер юзида Ёмонлик уруғлари тарқалишининг сабабчиси. Ривоятга кўра у Зевс инсоният кулфатларини яшириб қўйган идишни очиб юборган ва бу қутида фақат Умидгина сақланиб қолган.

Паркалар — Рим асотирларида учта тақдир маъбудаси. Греклардаги Мойралар (Зевс ва Фемиданинг учта қизи)га тенглаштирилади. Улардан бири инсон ҳаёт ипларини тўқийдилар, иккинчиси уларни тақсимлайди, учинчиси вақти-соати етганда уларни узади.

Персефона — ер кучини мужассамлантирувчи маъбуда; ер ости худоси Аиднинг хотини; мархумлар ва арвоҳларнинг хукмдори; римликларда — Прозерпина.

Посейдон — юнонларда денгизлар Худоси; римликларда — Нептун.

Прометей — улкан паҳлавон, девқомат илоҳ; осмондан қамиш поясида одамларга олов келтириб бергани учун ғазабланган Зевс уни тоғ қоясига занжирбанд қилиб ташлаган; Зевснинг амри билан ҳар куни бир бургут учиб келиб, Прометейнинг кўкрак қафасини ёриб, кечаси билан янгидан ўсиб чиққан жигарини чўқиб ейдиган бўлган; Геракл бургутни ўлдириб, уни қутқарган.

Сатурн — римликларда вақт ва экинлар худоси, деҳқончилик ва ҳосилдорлик ҳомийси; юнонларда — Кронос; шарқда — Зуҳал.

Сварог — шарқий славянларда насронийлик қабул қилингунига қадар бош Худо; осмон, олов Худоси; қуёш Худоси Дажбог ва олов Худоси Сварожичнинг отаси.

Сварожич — шарқий славянларда олов Худоси. Қуёш Худоси Дажбогнинг укаси.

Сурт — Скандинавия асотирларида охирада жанубдан бостириб келадиган оловли паҳлавон. Охирада Худолар ҳамда даҳшатли махлуқлар билан бўладиган сўнгги урушда бош Худони ўлдираб ва бутун дунёни ёндириб юборар эмиш.

Сфинкс — Қадимги Мисрда одам бошли, шер танали улкан тош ҳайкал; юнонларда эса танаси шер ёки итга ўхшаш қанотли, илон думли афсонавий махлуқ.

Фаэтон — юнонларда қуёш маъбудиди, Гелиоснинг ўғли; отасининг оташ аравачасини бошқараолмай ерга йиқилаётган ва уни ҳалокат хавфида қолдирган; шу сабабдан Зевс уни ўлдирган. Иккинчи бир ривоятда айтилишича, у ўзининг илоҳий келиб чиқишини исботлаш учун отасининг оловли аравасини бошқаришга уринган ва бутун дунёни ёндириб кул қилиб юбораётган. Фаэтоннинг ўзи шу оловда куйиб ўлган.

Фемид — одил суд маъбудаси; кўзи боғланган (одиллик аломати), бир қўлида гарози, иккинчисида қилич ушлаган ҳолда тасвирланган.

Фок, Фокен — грек асотирларида ҳар нарса тусига кираоладиган ва келажакни башорат қилаоладиган доно денгиз маъбудиди. Протей сингари Фок ҳам ўзининг бу илоҳий қудратини одамлардан махфий тутар ва ким уни ҳақиқий, асл сиймосини топаолса, кўраолса унга ўз қудратини намойиш этиб ёрдам берар экан.

Фортуна — қадимги римликларда тақдир илоҳаси.

Халди (Халд) — Урарту давлатининг бош худоси. У шерга миниб олган серсоқол жангчи қиёфасида тасвирланган.

Эвридика (Евридика) — шоир ва ашулачи Орфейнинг рафиқаси.

Эос — тонг маъбудаси, римликларда — Аврора.

Эскулап — юнонларда шифо бахш этувчи худо.

Эхо — акс садо; ўз аксини сувда кўриб, ўзига ошиқ бўлиб, унга узоқ вақт тикилгани учун Нарцисс деган гулга айланиб қолган мислсиз ғоят гўзал йигитга умидсиз муҳаббатидан хазонга айланиб кўзга кўринмайдиган бўлиб қолган гўзал нимфа; ўз овозини яшириб, бошқаларнинг айтган сўзини такрорлашга маҳкум этилган.

Юпитер — Рим асотирларида момақалди роқ сочувчи осмон маъбудиди. Греклардаги Зевсга тенглаштирилади. Юпитер деҳқончилик, озодлик ҳомийси, қасамларга кафолат берувчи бўлиб, у Рим давлатининг рамзи ҳисобланади. Яккахудоликка ўта бошланган даврларда бош худодикдан ягона худога айлантирилган. У барча нарсаларни ўзида мужассамлаштирувчи дунё онги ва руҳига тенглаштирилган. Бахт рамзи. Шарқда — Муштарий юлдузи.

Янус — Қадимги Римда эшиклар, кириш-чиқиш худоси; ҳар қандай ҳаракатнинг бошланиши; қарама-қарши томонга қараб турувчи икки юзли одам қиёфасида тасвирланган; январ ойининг аталиши шу тангри номидан келиб чиққан.

Бошқа қўшимча маълумотлар

И н с о н — тана, жон ва руҳнинг қўшилмасидан таркиб топган жонли, ақлли, нутққа эга, фикрловчи, тафаккур соҳиби бўлган мавжудот. Инсон бошқа мавжудотлардан ўзидаги фикри, тафаккури, нутқи билан фарқланади. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Т а н а — инсоннинг оқсил моддалардан ташкил топган, суяк, гўшт, пай, тери, ёғ, қон ва ҳоказо унсурлардан иборат бўлган жон ва руҳнинг моддий макони.

Ж о н — инсоннинг бош мия орқали ҳаракатга келтирилувчи қуввати. Жон ҳаракатланиб турувчи қондан иборат бўлиб, қоннинг озиғи оқсил моддалар — озиқ-овқатлар, ўсимлик, мевалар, сувлар ва ҳоказолардан иборат. Жон ҳаракат фаолиятини тўхтатиб, танадан чиққанидан сўнг, тана ўлади ва аста-секин парчаланиб кетади. Жон номоддий бўлиб, тана ва руҳни боғлаб турган бир занжирдир. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Р у ҳ — инсоннинг номоддий мавжудлиги, яъни «Мен»и. У ўлмас, азалий ва абадийдир. Руҳ инсон жони ва танасини бош мия орқали бошқаради. Одамдан жон чиқиб, бош мия ҳаракатдан, фикрлашдан тўхтаган маҳалда руҳ танани тамомила тарк этиб, танасиз ҳаётини бошқа ўлчамдаги асл келган номоддий маконда — латиф оламда давом эттиради. Тангри таоло қиёмат қойимдан кейин ўлган одамнинг танасига яна қайта жон ато қилиб тирилтиради ва инсон руҳини ўзининг танасига киргизади. Шундан кейин инсон қилмишига яраша жаннатга ё дўзахга ёки аросатга йўл олади. Руҳ, жон ҳақида тўлик, аниқ, батафсил, мукамал билишнинг иложи йўқ. Бу ҳақда *Қуръони карим*нинг 17- «Ал-Исро» сураси 85-оятда: «(Эй Мухаммад), **Сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Раббим биладиган ишлардандир».** Сизларга эса бу ҳақда жуда оз илм берилгандир», деб ёзилган. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Ж о м и Ж а м — Эроннинг қадимги подшоси Жамшид олим-хукамоларга буюриб ясаттирган иккита жом (май ичадиган қадах). Бирининг номи: «Жоми ишратфизой». Бу жомдаги май ичган билан тугамас, тўлиқ тураверар, қийшайтирилса ҳам тўкилмас бўлган. Иккинчи жомнинг номи: «Жоми гетинамой». Бу жомдан май ичган пайтда дунёда юз берган ҳодисалар кўриниб турар экан. Бу жомни «Жоми жаҳонбин», «Жоми жаҳоннамо» ҳам дейилган.

А ну ш и р в о н и о д и л (Нўширвон) — Хусрав I. Арабчалашган шакли — Кисро. Қадимги Эронда Сосонийлар сулоласидан милодий 531—579- йилларда ҳукм сурган подшоҳ.

Ануширвони одил — унинг лақаби. Жаҳонда одиллик ва адолат тимсоли саналади. Роппа-роса 48 йил подшоҳлик қилиб, 90 ёшида вафот этган. Румликларда Хосрой номи билан машҳур. Ануширвон «абадий руҳ соҳиби» деган маънони англатади. Ундан кейин уни тахтини тўртинчи ўғли Хурмузд эгаллаган. Пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам «Ануширвони одил замонида туғилганман», деб фахрланиб гапириб юрар эдилар.

Ҳ о т а м Т о и й — пайғамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламдан сал олдин яшаб ўтган, саҳийлик билан ном қозонган Арабистоннинг Нажд вилоятидаги Той қабиласи сайиди, яъни бошлиғи. Унинг тўлиқ исми — Ҳотам Тойй, Абу Адийй. Насаби — Ҳотам ибн Той ибн Қаҳлон ибн Расан ибн Нахшаб ибн Қаҳтон ибн Худ ибн Омоё.

Асли яҳудий қавмидан бўлиб, ниҳоятда келишган, чиройли, сўзамол ва нозиктаъб шоир бўлган. У тарихга саҳийлик ва қарами кенглик тимсоли бўлиб кирган.

Қ о р у н — Мусо алайҳиссалом замонида яшаб ўтган фиръавннинг бош вазири. Умр бўйи бойлик йиғган, аммо сарфламаган. Натижада шоҳ хазинасидан ҳам катта бойлик тўплаган. Ниҳоятда золимлиги ва беҳад бойлиги билан донг чиқарган. Ҳаддан ташқари золимлиги, ваҳшийлиги, саркашлиги, **Парвадигор**га ширк келтиргани ва кибрга кетганлиги учун Унинг амри билан Қорунни бутун бойликлари билан бирга ер ютиб юборган. Қорун бойлик ва зикналик тимсоли саналади. (Библияда у Корей деб аталган).

Ш а д д о д — жаннатга ўхшаш Боғи Эрамни бунёд эттирган ва золимликда донг

чиқарган подшоҳ. Ривоят қилишларича, Нуҳ сулоласидан бўлган шох Эрамнинг ўғли — Од қабиласининг бошлиғи Однинг икки ўғлидан бири бўлган. Шаддод у дунёда Аллоҳ мислсиз боғ — жаннат яратган деб эшитгач, Аллоҳ билан тенглашиш ниятида Адн (Яман) саҳросида бир ғаройиб боғ барпо эттирган. Боғ уч юз йилда битган. Айтишларича, унинг ўзи минг йилдан ортиқ яшаган. Шаддодга ўзининг бу боғини битганини кўриш ҳам насиб этмаган экан. Золимлиги ва кибрга кетганлиги учун Аллоҳнинг амри билан унинг ўзини ва боғини ер ютган. «Боғи Эрам» қиссаси шундан қолган. Танҳо кибр эгаси қудрати беқиёс Аллоҳ таолодир ! (Куръони каримнинг 89:6—8 оятларининг изоҳига қаранг).

А н б а р , **о н а** — Мовароуннаҳрда аёллар ҳомияси, пири ҳисобланади. Машхур шайх Ҳаким ота — Сулаймон Боқирғонийнинг хотини бўлган. Эри ўлгандан сўнг, буюк сўфий Занги отага турмушга чиққан.

К а з б у л - А х б о р в а л и й (Абу Исҳоқ Каъб ибн Моте) — 652- йил Ҳиммас шаҳрида вафот этган, асли яҳудий, машхур ровий. Ривоятларга қараганда, у Маккада туғилиб, 4444 йил яшаган. Бўйи ниҳоятда узун бўлиб, дафн қилинганида 182 газ, яъни 131 метр кафанлик мато ишлатилган экан.

Хожа Каъб ул-Ахбор асли Од қавмидан бўлиб, қабри Бухоро вилояти, Когон тумани, Тўдакўл қишлоғи яқинидаги тепаликда жойлашган. Насаби: Отаси Сухайл Од, унинг отаси Риёх, унинг отаси Авж, унинг отаси Эрами Од, унинг отаси Маҳмуд, унинг отаси Суруъ, унинг отаси Одам сафийуллоҳ. (Абу Исҳоқ: «Маноқиби Хожа Каъб ул-Ахбор»).

Н а в р ў з (форсча) — янги кун. Ҳижрий-шамсий таквимда янги йил кирган кун. Баҳор ва янги йил байрами. Ҳозирги йил ҳисобида Наврўз баҳорги тун ва кун тенглашган вақтда, яъни 21—22- март куни киради.

М е х р ж о н — кузда тун билан кун тенглашган вақт — 23- сентябрда, куз фаслининг ўртасида ўтказиладиган ҳосил байрами.

Қ а с о с — қадимги қотиллик учун ўч олиш одати. Қасос олиш учун жабрланган томон қадимдан жабр кўрган томондан бир кишини ўлдиришга ҳақли бўлган. Эракка — эркак, хотинга — хотин, қулга — қул. Ёки пул ва мол билан хун — қон ҳақи олиниши мумкин бўлган.

П с и х о л о г и я — моддий оламга асосланган руҳиятшунослик.

П а р а п с и х о л о г и я — инсоннинг ноёб қобилиятларини ўрганувчи фан; руҳий оламга, магияга асосланган руҳиятшунослик.

П а р а н о р м а л — ғайритабиий.

М а г и я — сеҳргарлик, жодугарлик, афсунгарлик. Қора магия жодугарлик магияси. Оқ магия дуохонлик магияси.

О к к у л ь т и з м — лотинча махфий, сирли. Сеҳр, жоду, магия; яширин сирли кучлар ҳақидаги кишилардан махфий тутиладиган илм.

Г е р м е т и з м — Грек фалсафаси, халдейлар астрологияси, форслар магияси, мисрликлар алхимияси асосида эрамизнинг 2-3- асрларида вужудга келган қадимги эллинларнинг диний, фалсафий илми, оқими. Кенг маънода оккультизм илмлар мажмуаси.

Г е р о н т о л о г и я — Тирик организмни, шу жумладан инсоннинг қариш жараёнини ўрганувчи илм.

Т а н а т о л о г и я — Ўлим ва инсоннинг ўлимдан кейинги ҳаётини ўрганувчи илм, маъбуда Танатос номидан олинган.

Р е и н к о р н а ц и я — Инсон ўлганидан кейин, инсон ва унинг руҳи бу моддий оламга бошқа жисмда яна қайтиб келиши таълимоти ҳақидаги кўҳна илм. Санскритча — «Сансара», Юнонча — «Метемпсихоз», арабча — «Танассух ал-арвоҳ».

Экстрасенсорика — буюмларнинг хоссалари ва одамларнинг фикрини улар билан бевосита алоқасиз «ўқий олиш».

Мистика — лотинча сўз бўлиб, «Яширин. Тилсиз, оғиз очмаслик ва кўз юмиш» деганидир. Ғайритабиий, илоҳий билим ва яширин тутилиши лозим бўлган диний фалсафий сирлар мажмуаси. Тасаввуф мистикага ўхшайди лекин тубдан фарқ қилади. Бу фарқлар Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» китобининг 31—33-бетларида баён қилинган. (Таржумон Нодирхон Ҳасан «Истиқлол», Тошкент—1999 йил). 13-фасл, 369-бетга қаралсин.

Алхимия — мистик илм.

Телепатия — фикрни ўқиш, инсоннинг фикри ва руҳий ҳолатини масофага узатиш.

Суггестология — сўзсиз таъсир кўрсатиш. Сеҳрлаш (гипноз)нинг олий даражаси. Гипнозда сўз орқали, бунда эса бевосита фикрий буйруқ бериш орқали кишига таъсир ўтказилади.

Телепортация — бир лаҳзада бошқа жойга кўчиш, бошқа жойда ҳозир бўлиш.

Левитация — ҳавода учиб.

Психокинез — Буюм, жисм, манбаларга фикрий таъсир ўтказиб, уларни ҳаракатга келтириш ёки бузиш.

Телекинез — буюмларни фикр қуввати билан силжитиш. Жисми тинч ётган одам руҳини фикр қуввати билан кўчириш, кўзғатиш.

Пирокинез — нигоҳ, назар орқали олов ёқиш.

Полтергейст — бебош руҳлар ўйини.

Экзорцизм — жинларни ҳайдаш.

Каббалистика — Ўрта асрларда яҳудийлар ўртасида тарқалган ва Тавротнинг энг қадимги қисмига асосланган, сеҳр-жоду, олдиндан башорат қилиш каби ишлар ва анъаналарни ўз ичига олган махфий сирли мистик диний оқим.

Карма (санскритча) — «ҳаракат, бурч, фаолият». Карма — хулқ-атвор қонуни, яъни инсоннинг ва барча тирик жонзотларнинг қилмишлари, ниятлари, интилишлари ҳаммаси бир бўлиб, унинг тақдирига ҳал этувчи таъсирга эга қасос қонунидир. *Яна қаранг:* тегишли фасллар ва изоҳларга.

Чилла (форсча) — қирқлик; қирқ кунлик; 1. Йилнинг энг иссиқ ёз чилласи: 25-июндан 6-августгача, энг совуқ қиш чилласи: 25-декабрдан 6-февралгача бўлган вақт; 2. Янги туғилган чақалоқнинг олдига бегоналар киритилмайдиган муҳлат ҳам икки хил: кичик чилла — 20 кун, катта чилла 40 кундан иборат. Бу кўп жиҳатдан карантин ҳолатига ўхшаб кетади.

Ўзини - ўзи ўлдириш (худкушлик) — Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқдаги баъзи халқларда, айниқса аёллар ўртасида учрайдиган жуда қадимий ва фожиали сарқит. Шу жумладан, ўз-ўзига ўт қўйишнинг илдиэлари энг қадимий диний эътиқодларга кўра инсонни қурбонлик қилиш ва инсоннинг ўзини-ўзи қурбонлик қилиш одатларига бориб тақалади. Олов қадимдан сирли ва муқаддас ҳисобланган. Инсон баъзан мутлақо иложсиз қолганда азоб-уқубатларга, изтиробларга чидаёлмай ўзига-ўзи ўт қўйиб, ёки ўзини оловга ташлаб, ёхуд бошқа йўл билан ўзини-ўзи ўлдирган. Бундайларга жаноза ўқилмайди, тўғридан-тўғри кўмиб юборилаверади. Ўз жонига қасд қилганлар гуноҳи кабирага йўл қўйиб, энг ҳаром хайвон — тўнғиз қавмида кетади ва унинг нариги дунёдаги борадиган жойи дўзах бўлади.

Худованднинг омонати бўлмиш танамиз, жисмимизни авайлаб-асраб сақлаб юришга буюрилганмиз. Омонатга хиёнат қилганларнинг гуноҳини Аллоҳ таоло кечирмайман, деб огоҳлантирган.

Оқ бўлиш — ота-онага озор бериш, хафа, норози қилиш ва буюрганларини бажармасликдек ҳурматсизликдир. Ота ёки она фарзандига: «Сени оқ қилдим!», деб эълон қилиши шарт эмас, диллари оғришининг ўзиёқ фарзанд оқ бўлганини англатади. Ота-она рози — **Аллоҳ** рози, ота-она норози — **Худо** норози. Оқ бўлган фарзанднинг жазоси: 1). бу дунёда ишлари юришмайди, «косаси оқармайди», бахтсизликдан боши чикмайди; 2). қилмиши, иши фарзандларидан қайтади; 3). ҳаётда хорлик билан яшайди ва умри қисқа бўлади; 4). у дунёда жаннатга умуман яқинлаштирилмайди. Бу тўрт хил жазодан дастлабки учтаси аниқ тажрибадан ўтган, тасдиқланган, исботланган, охиргисини **Аллоҳ таоло** ҳал қилади.

О қ п а д а р — ота-онани норози қилган фарзанд.

З у л м — «қонунни бузиш». Инсонлар ўртасидаги муносабатларда жамият эътироф этган қонун-қоидалар, тартиботларни ёвуз мақсадларда қасддан бузиш. Мажбурлаш, зўравонлик қилиш, қисиб қўйиш, эзиш, хорлаш, қийнаш, азоб бериш, руҳий, маънавий, моддий азоб етказиш. Ўзига қарам одамларни турли йўллар билан қийнаш, азоблаш ва ҳоказолар. Зулм қилгувчилар бу дунёда шариат қонунларига кўра ва у дунёда **Аллоҳ** томонидан тегишли жазосини олади.

И н қ и р о з — орқага кетиш, ботиш, сўниш, тараққиётдан орқада қолиш, тамом бўлиш.

З а в о л — 1. Зарар, зиён, офат; 2. Кун оғиши, пешиндан кейинги вақт, сўниш, ботиш, йўқ бўлиш.

Т а н а з з у л — тубанлашиш, орқага кетиш, чўкиш.

М а ц а — тузсиз ҳамирдан пиширилган юпка лочира, патирни англатади. Яхудийлар диний байрамида, пасха кунларида нон ўрнида шундай юпка тузсиз патир ейиш фарз саналади.

М а н н а, манну, салво — чўлда оч қолган Исроил халқини тўйдириш учун Худо томонидан осмондан ёғдирилиб турилган самовий егуликлар. Манна — мазаси асалли ёпган нонга ўхшаш, ҳиди кашнич уруғи ҳидига монанд егулик. Салво — бедана, бедана гўшти. Манну — кўриниши лимонга ўхшаш ширин мева.

Т ў ф о н — милоддан бир неча минг йиллар олдин Дажла ва Фурот дарёлари атрофидаги водийда — Мессопотамияда юз берган, Нуҳ алайҳиссалом замонидаги улкан, даҳшатли сув тошқини.

Учинчи қисм тугади.



*Т ў р т и н ч и
қ и с м*

**ФАЛСАФА
ҲАҚИДА**



ФАЛСАФА

Юзаки файласуфлик инсон ақлини худосизликка етаклайди. Фалсафани чуқур ўрганиш эса инсон идрокини динга йўналтиради.

Френсис Бэкон.

Эндиги сўз, азиз ва дилкаш суҳбатдошим, сизни дастлабки фалсафий билимлар билан таништириш борасида бўлади.

Китобнинг бу бўлимида ҳам оммага фалсафа ҳақида чуқур, атрофлича эмас, балки умумий маълумотлар ва тушунча бериш билан чекланамиз. Чунки фалсафа ҳақида тўлиқ билим бериш катта, алоҳида иш, кўзлаган ниятимиздан ташқарида ва бу билимлар ҳозирги пайтда залворли тадқиқотга муҳтождир. Шунинг учун ҳам фалсафа нима ўзи, унинг мақсади, кишилиқ жамиятида тутган ўрни, роли, мавқеи, жаҳоннинг таниқли, машҳур файласуфлари, уларнинг таълимотлари ва дунёқарашларининг қисқача мазмуни ҳақида сўз боради.

Фалсафий қарашлар ва таълимотлардан қайси бирига эътиқод қилиш керак деган масалани ечишда сиз бирон-бир фикрга, қарорга табиатан мойиллигингиз, дунёқарашингиз ва табиий ақл-идрокингиз, фаҳм-фаросатингиз, заковатингиз даражасида идрок этасиз ва муайян хулосага келасиз. Ҳамманинг бир қарорга, хулосага келиши мумкин эмас, чунки кишиларнинг тушунчаси ҳар хил, турлича. Агар бунинг акси бўлганда эди, унда табиатнинг қарама-қаршилиқлар бирлиги ва кураши қонунига путур етган ҳамда тараққиёт секинлашиб, емирила бошлаган бўлур эди.

Буюк ва шавкатли, қудратли, мақтовга сазовор **Тангри таоло**, такрор айтамиз, ҳар бир инсонга тақдир ва қисмат билан бирга ирода, инон-ихтиёр ва фаолият эркинлигини ҳам бериб қўйган. Инсон ўз ихтиёри билан қилган ишларига, танлаган йўлига, яхши ёки ёмон жиҳатларига қараб ҳукм қилинади.

Турли-туман фалсафий фикрларни тақдим этиш биздан, фикрлар хилма-хиллиги қондасига кўра танлаб, қабул қилиш эса сиздан.

Хожа Аҳмад Яссавий айтганидек:

*Бисмиллоҳ деб баён айлай ҳикмат айтиб,
Толибларга дурру гавҳар сочдим мано.
Риёзатни қоттиг тортиб, қонлар ютуб,
Мен дафтари соний сўзин очтим мано.*

Буюк ва шуҳратли **Тангри** эса инсонни ана шу ўз ихтиёри билан қилган ишига, танлаган йўлига, маслагига қараб яхши ёки ёмон томонга ҳукм қилади ва тегишли ажрини беради.

Фалсафани ўрганишнинг фойдаси шундаки, у ҳар қандай одам билан баҳслаша олиш ва фикрларни муайян ўзанга аниқ йўналтириш имконини беради.

Фалсафани билишдан мақсад оламни англаш, ғоявий, руҳий баркамолликка эришиш ва оқилона яшаш қонунларини ўрганишдир.

Машҳур файласуфларнинг назариялари, таълимотлари ва фикрлари ранг-баранглигига бир назар ташланг. Чаман ичра очилган турфа, бир-биридан гўзал, ажойиб гулларга ўхшайди улар. Фалсафа бўстонидаги гулзорга кириб, анвойи гулларнинг антиқалигини кўриб, қайси бирини олсам экан, дея шошиб қоласиз. Аввалига шошганча кетма-кет тўғри келган гулларни узиб гулдаста қиласиз. Кейин эса улардан кўнглингизга ёққан гуллардан гулда-

сталар ясай бошлайсиз.

Қани, азиз суҳбатдош, фалсафа гулзорига марҳабо.

Ф а л с а ф а (философия) «донишмандликни севаман» деган маънони англатади.

Фалсафа — умумий қонуниятлар ҳақидаги фан, бу қонуниятларга Борлик — табиат ва жамият ҳам, инсон тафаккури, билиш жараёни ҳам бўйсунгандир.

«Философия» атамаси биринчи марта Пифагор асарларида учрайди. Алоҳида фан сифатида уни биринчи мартаба Платон (Афлотун) ажратган.

Машҳур қадимги юнон файласуфи Пифагордан сўраган эканлар: «*Сен донишмандми-сан?*» У камтарлик билан: «*Йўқ, мен донишманд эмасман. Мен бор-йўғи донишмандликни сеувчи, яъни файласуфман*», деб жавоб берган экан.

Буюк донишманд Сукротнинг фикрича, файласуф ақли жуда ўткир, билим доираси ниҳоятда кенг ва билимларини ҳаётий тажрибаларга боғлай оладиган худо ярлақан кишидир.

Теран ва ҳар томонлама фикрлаш қобилиятига эга бўлган олий маълумотли оқил кишини файласуф, яъни фалсафий фикр соҳиби дейиш мумкин.

Фалсафа, онтология (Борлик ҳақидаги таълимот), гносеология (Борликни билиш назарияси), руҳиятшунослик (психология), мантик (логика), этика, эстетика, социология ва бошқаларни ўз ичига олади.

Фалсафа оламдаги умумий алоқалар ва қонуниятларни ўрганиш билан бошқа барча фанлардан устун турувчи алоҳида «фанлар фани»га айланди. Фалсафа эндиликда барча моддий, табиий ва руҳий буюмлар тараққиёти, чунончи, оламнинг мазмуни ва уни билиш қонунлари тўғрисидаги таълимот, яъни оламни билиш тарихининг якуни, йиғиндиси ва хулосасига айланди.

Муайян билимларга эга кишилар фалсафа фанидан умумий тасаввурга эга бўлишлари учун аввалига дунёда яшаб ўтган машҳур файласуфларнинг олам, борлик, ҳаёт ва кишиларнинг қандай яшамоқлик кераклиги ҳақидаги таълимотлари ва назариялари билан таништириб чиқамиз-да, сўнгра айрим фалсафий атамалар ва сўзларнинг изоҳи ҳамда қисқача мазмуни билан таништиришга ҳаракат қиламиз.

Хуллас, фалсафани ўрганишдан мақсад оламни, бутун Борликни билиш, ғоявий, руҳий баркамолликка етишиш, инсоннинг «беш кунлик» умрида тўғри, оқилона яшаш қонунларини англашдир.

Олимларимиз олдида кечиктириб бўлмайдиган долзарб катта масала турибди, у ҳам бўлса советлар даврида халқимизга зўрлик билан тикиштирилган бир томонлама таълимот бўлган фалсафани социализм ва коммунизм сарқитидан тозалаб, янгича, «айнимаган» фалсафани, жаҳон фалсафаси тарихини, фалсафий таълимни оммага етказишдир.

Фалсафа бошқа фанлар сингари умумбашарий фандир, унда турли мамлакатлардаги файласуфларнинг, фозил кишиларнинг, донишмандларнинг чуқур, машаққатли, азиятли меҳнатлари, изланишлари туфайли фалсафий тушунчалар, дунёқарашлар, майллар, тамойиллар вужудга келган. Шунинг учун уни бутунлай янгилаш эмас, балки такомиллаштириш керак.

Янгича методологияга (масалан, *дуалистик* ва *синергетика* ғояларига) асосланган фалсафа фани синфийлик, партиявийлик ва мафкуравий ёндашувлардан, айниқса биртомонлама — ғарбпарастлик, ёки шарқпарастлик майлларидан ҳам бутунлай холи бўлмоғи шарт.

Фалсафа эндиликда нафақат дунёқарашни, балки у билан боғлиқ ҳолда иймон ва эътиқодни ҳам шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймоғи лозим. Чунки иймон, эътиқод жамиятда маънавийни қарор топтирадиган одамни ҳақиқий инсонга айлантириш учун қудратли руҳий воситадир.

Ўйлашимизча, ана шундай фалсафа асосида миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятлар мужассамланган «*Ўзбекистоннинг мустақил миллий мафкураси*»ни яратиш керак.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-ахлоқий негизларини яратишда фикрлар хилма-хиллигига асосланган сиёсатни амалга ошириш ва ижтимоий фанлар, аввало фалсафа фанининг ана шундай назарий асослари ва методологиясини яратишга эътибор бериш лозим. Янги яратиладиган фалсафа, юқорида айтганимиздек, моҳиятан

инсонга, инсоннинг иймон-этикодини шакллантиришга, уни юксак ахлоқли шахс сифатида камол топтиришга йўналтирилган бўлмоғи керак.

Советлар даврида, барча соҳалардаги каби, фалсафа фани ҳам «қизил империя» ташвиқоти куролига айлантирилди, фалсафа фақат бир томонлама акс эттирилди. Халққа оқни қора, қорани эса оқ деб тушунтирилди. К.Маркс, Ф.Энгельс, Ленин каби ўта моддийончилар, даҳрийлар (худосизлар) дунёқарашларига, фалсафий таълимотларига тўғри келмайдиган барча машҳур файласуфларнинг қарашлари ва таълимотларини беҳаёларча асоссиз, нотўғри, хато, реакцион таълимотлар деб эълон қилдилар ва бундай маҳдудликни жамиятга қисман бўлса-да мажбуран сингдиришга муваффақ ҳам бўлдилар. Ваҳоланки жаҳон файласуфлари монизм, плюрализм, идеализм, материализм, дуализм ва бошқа оқимларнинг тарафдорлари бу борада қатъий бир тўхтамга келган эмаслар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ўзларининг инқилобий режаларини амалга ошириш мақсадида фалсафада ғоявий қарама-қаршилик келтириб чиқарувчи идеализм ва материализм таълимотларини бир-бирига кескин қарама-қарши қўйганлар. Бу аксилинсоний ғоявий таълимотнинг ўтмишдаги машъум оқибатларини теран фикрловчи кишилар ҳис қила оладилар.

Улар нима бирламчи — руҳми ёки табиатми? материями ёки онгми? оламни яратгувчи борми, ёки у ўзидан-ўзи яралиб қолганми? деган саволларни ўртага ташлаганлар.

Материалистлар материя бирламчи, энг аввал оламда моддият ўз-ўзидан пайдо бўлган, Борлик азалдан бўлган ва абадий бўлади, фақат бир сифатдан иккинчи сифатга ўзгаради, олам чексиз, чегараси йўқ, рух, ғоя иккиламчи, моддиятнинг ҳосиласи, деб даъво қилганлар.

Келинг, ана шу масалани бироз таҳлил қилиб кўрайлик.

Хўш, ўша материя (моддият) қандай қилиб ўз-ўзидан пайдо бўлди экан? деган табиий савол туғилади.

Айтганлар: дастлаб мутлақ бўшлиқда газлар тутун ҳолатида тўпланган ва буюк портлаш юз бериб, моддият дастлаб олов-чўғ шаклида пайдо бўлган деб.

Савол туғилади: хўш, ўша мутлақ бўшлиқ қандай, ўша газлар қаердан, қандай пайдо бўлган, у буюк портлашни ким қилган?

Айтганлар: ўша мутлақ бўшлиқ ва газлар азалдан бўлган, сабаби ва сабабчиси йўқ, газлар ўз-ўзидан тўпланиб, реакцияга киришиб портлаган ва ўз-ўзидан олов-чўғ шаклига кирган, ана шу чўғ-оловдан дастлабки моддият вужудга келган, кейин ўз-ўзидан жонсиз, жонли мавжудотлар, улардан рух, онг пайдо бўлган.

Савол: ўз-ўзидан, сабабсиз нима пайдо бўлганки, улар ўз-ўзидан пайдо бўлсин?

Материалистларнинг бу назарияси мантиқсиз ва асосга эга эмаслигини қуйидагича исботлашга ҳаракат қиламиз.

Табиатнинг сабабсиз ҳеч нарсани бўлмаслиги ва юз бермаслиги қонуниятига асосан бу назария чиппакка чиқади.

Ўша мутлақ бўшлиқ қачон, қандай ва нима учун «бўшлиқ» бўлиб қолган? У бўшлиқ дастлаб қандай эди? Бу саволга, табиийки, уларнинг жавоби йўқ.

Ўша газ, тутун қай тариха «ўз-ўзидан» пайдо бўлиб қолди? Исботи йўқ!

Ўша газ тутун нима учун ва қайси сабабга кўра бир жойга тўпланиб қолди, уни ким, қандай қилиб ҳаракатлантирди ва тўплади?

Айтганлар: маълум бир табиий қонунларга асосан, деб. Хўш, ўша қонуниятларни ким яратди ахир? Жавоб йўқ!

Ўша тўпланган газларни ким, нима учун, нима мақсадда тўплади ва портлатди?

Сабаби ва сабабчиси айтилмаган.

Буюк портлашдан кейин у газлар нима учун, қандай мақсад учун, қандай қилиб «ўз-ўзидан» чўғ шаклидаги оловга айланиб қолди?

Бунинг ҳам сабаби уларга номаълум бўлганлиги учун айтилмаган.

Чўғ шаклидаги олов — модда аста-секин қотиб маълум бир шаклга кириб ундан оламлар, коинот, сув пайдо бўлган, сувдан табиат, жонсиз ва жонли нарсалар, мавжудотлар пайдо бўлган ва ҳоказолар деб айтганлар.

Ана шу тартибда тартибсиз олам ўзи-ўзидан бесабабдан-бесабаб, ўз-ўзидан ҳозирги

тартибли оламга айланиб қолиши мумкинми, ахир?

Коинот, олам чексиз, чегараси йўқ деганлар.

Умуман, ҳаётда, кўз ўнгимизда чегараси йўқ нима бор ўзи?

Ҳамма нарсанинг чегараси бўлганидек, ақлимиз, онгимиз, тафаккуримиз ҳам чегаралидир.

Ақлимиз етадиган чегарадан у ёғини чексизлик (олам чексиз) дейилади. Аммо бу атама шартли бўлиб, ақлимиз бориб етадиган чегаранинг у ёғини чексизлик деб эмас, номаълумлик (сир) деб атамоқ жоиздир. Чунки мантиқан «чексизлик» «номаълумлик» бўлиб чиқмайдими ахир?

Бу ҳақда Умар Хайём дейди:

*Биз келиб кетувчи тўғарак жаҳон
На боши маълуму на сўнги аён.
Ҳеч кимса ростини айтиб беролмас:
Биз қайдан келдик-у, кетурмиз қаён?*

Айтганлар: ўша идеалистлар айтган бирламчи рух, онгнинг ўзи ҳам материя деб. Хўш, ўша материалистлар қайси тажрибага асосан шундай деганлар? Бу исботсиз назарияда асос тугул, мантиқ ҳам кўринмайди!

Материя материяни, табиат табиатни ярата олмайди, чунки оламни, дунёни яратувчи фикрлаш қобилиятига эга бўлиши керак. Табиатнинг бундай қобилиятга эга эмаслиги бу назарияни чиппакка чиқаради.

Материя, табиат фикрловчи, яратувчи **Тангри таоло** белгилаб қўйган тартиб, қонун-қоидалар бўйича туғилади, яшайди, ўсади, ривожланади, юксалади, сўнгра пасаяди, таназзулга юз тутаяди, ўлади, йўқ бўлиб, кейин яна туғилади, пайдо бўлади ва ҳоказо. Шундай доиравий айлана бўйлаб ҳаракатланаверади.

Бамисоли қуёшдан нур қандай ажралиб чиқса, **Тангри таолодан** ҳам моддият ана шундай ажралиб чиққан, деб ҳақиқатга бирмунча яқин келади буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино.

Моддиюнчилар эса фан фақат кўзга кўриниб турган, ақл кучи етадиган, тажриба орқали билинадиган ишларнигина еча олишини тушуниб етмадилар.

Бутун Борлиқни, мавжудотни, шу жумладан, модда ва онгни, руҳни яратган **Тангри таоло**нинг «**Парвардигори олам**» фаслида айтиб ўтилган саккиз сифатини билмаганликлари ёки ўжарлик билан тан олмаганликлари боис бу масалада хато кетганлар.

Оламлар **Парвардигорининг** моҳиятига фан, фалсафа ета олмайди, бунга фақат **Тангри таоло Ўзи** ёрлақанган, танлаган инсонлар: пайғамбарлар ва авлиёларгагина билдириладиган ботиний илм — илми ғайб, ладуний илм орқали етишиш, етганда ҳам қисман етишиш (ғайб **Аллоҳ** томонидан сир тугилади) мумкинлиги маълум бўлади. Пайғамбарлар ва валийлар буюк **Тангри таолони**, ҳақиқатни муруқаба — аввал мантиқий муҳокама қилмасдан ҳамда интуиция, яъни ҳақиқатни бевосита пайқаш, ақлдан устун турадиган, мистик билиш қобилияти орқали пайқайдилар. Билишнинг бу тури пайғамбарлар ва авлиёларга хос бўлган махсус билиш усули деб ҳам айтилади.

Зоҳирий илм — фан бу борада ожизлик қилади. Чунки фан, юқорида айтганимиздек, фақат тажриба билан билинадиган кўриниб турган конкрет ходисалар, фактларнинг иккиламчи физик сабабларини очиб беради, холос. Лекин у бирламчи, ғайриилмий бўлган, тақдирларни ҳал қилувчи ва сабаблар сабабчисининг моҳиятига ета олмайди.

Зоҳирий илмга табиатшунослик, тиббиёт, фалсафа, мантиқ, математика, физика, жуғрофия, этика, эстетика, онтология, гносеология, социология, руҳиятшунослик ва шу каби аниқ ҳамда гуманитар фанлар киради. Бу фанлар кўриниб турган табиат, ходисалар, воқеалар, жисмлар ҳақида, уларнинг табиати, хоссаси тўғрисида тушунча беради. Лекин зоҳирий илмнинг бир ўзи ҳақиқатни ечишга ожизлик қилади. Зоҳирий илм, ботиний — ғайб илми билан бирлашгандагина, чин, яъни биз излаган ҳақиқат сирлари очила бошлайди.

Моддиюнчиларнинг Маркс, Энгельс, Ленин каби сўнги вакилларининг фақат зоҳирий

илм натижаларига асосланиб чиқарган хулосалари бир томонлама, янглиш, хатодир деб айтамыз. Чунки оламни ҳаракатга келтирувчи иккиёқлама қарама-қарши ибтидо — ижобий ва салбий (мусбат ва манфий) кучлар кураши қонуни бўйича худо бор деювчилар ва худо йўқ деювчиларнинг ўзи ҳам худди шундай кучлар каби тахминан тенг миқдордадилар. Бу ҳаётни ҳаракатга, жунбушга келтирувчи табиий заруриятдир. Чунки ҳар бир одамга равшанки, икки қарама-қарши қутбий куч — мусбат (+), манфий (-) зарядлардан бири бўлмаса, энергия, ҳаракат юзага келмайди. Ана шу қонунга биноан, мантиқан икки қарама-қарши кучларнинг вакиллари бўлмиш идеалистларни шартли равишда мусбат (+), моддиюнчиларни эса манфий (-) қарама-қарши кучлар деб таърифлайдиган бўлсак, уларнинг бўлиши ҳатто фойдали, яъни ҳаёт филдирагини айлантириш учун табиий зарурият ҳамдир. Бу қонуниятга кўра, жаҳондаги файласуфлар ҳам ўзларининг ички ҳиссиётлари, дунёси, **Тангри таоло** кўнгилларига солган табиий мойилликлари туфайли табиатдаги ижобий ёки салбий кучлар вакилларига айланадилар. Ўта моддиюнчи Маркснинг қарашларини ҳам, ўта идеалист Платоннинг дунёқарашини ҳам тақдирларни ҳал қилувчи ва сабаблар сабабчиси бўлмиш буюк **Аллоҳ таоло** кўнгилларга солган.

Бу иккиёқлама қарама-қарши зиддиятли кучлар ана шу — **Ўз** хоҳишини **Ўзи** яратган махлуқига ўтказадиган қудратли **Тангри** иродаси билан ҳаракат қиладилар ва ҳаётнинг айланма чархпалагини юргизадилар. Бу кучларни **Тангри** азруйи азалдан шундай яратган ва танлаб қўйган.

Кишилар **Тангри таоло** ҳар бир кишининг кўнглига солган у ёки бу ишларга, таълимотларга, эътиқодларга, шунингдек, маълум бир йўналишдаги оқимларга, хуллас, қарама-қарши зиддиятли кучлардан бирига эргашадилар. Фалсафада моддиюнчилар ва идеалистларга, ҳаётда эса яхши ва ёмон, раҳмоний ва шайтоний кучлар туркумига ажраладилар. Фалсафий тил билан айтадиган бўлсак, тақдири азал ҳукми бўйича, оламда мавжуд нарсаларнинг барчаси, ҳатто инсон руҳияти ҳам **Парвардигор**нинг иродаси билан қатъий механик зарурият билан азалдан белгилаб қўйилган. Бутун табиат ҳам ёлғиз **Ҳақ таоло**нинг **Ўзи**гагина маълум бўлган олий бир мақсадга бўйсундирилган ва ундаги барча нарсалар ва ҳодисалар умумжаҳон гармониясига қўшилган бўлади.

Дилкаш суҳбатдош дўстим! Эсингизда бўлса, суҳбатимиз бошида динимиз Ислом таълимоти бўйича **Аллоҳ таоло** бутун борлиқни, оламни қандай яратганлигини айтиб ўтган эдик. **Парвардигор** ўзининг қудрати илоҳийси билан дастлаб бир жавҳарни (у моддани шартли равишда «жавҳар» деб атадик) яратди деганмиз. Ана шу жавҳарни мантиқан яратиш мумкинми ёки аксинчалигини таҳлил қилиш учун бир мисол келтирсак.

Қаҳратон қиш кунларидан бири. Эрталаб турсак, деразада моҳирлик билан қировдан ажойиб нақшли гул солиниб қолганини кўрамиз. Хўш, бу нақшли гулни ким солди? Ҳеч ким солгани йўқ, «ўз-ўзидан» пайдо бўлди. Йўқдан бор бўлди!

«Буюк бўшлиқ»да **Худованд** томонидан «жавҳар-нур» худди куёшдан нур қандай ажралиб чиқса, шундай ажралиб, таралиб чиқиб бир бутун «Бош материя» (**Жавҳар**) бўлиб тўпланган. Унинг бир бутун бўлиб тўпланишини ана шу қировли нақшни «пайдо» бўлишига ёки сувнинг музга «айланишига» ўхшатса ҳам бўлади.

Тангри таолода дастлаб **Ўзининг** қудрати илоҳийси билан яратган жавҳари — моддаси ана шу тартибда йўқдан бор бўлиши мантиқан мумкинми ёки йўқми? Тўғри айтасиз: мумкин! Демак, **Тангри таоло** борлиқни дастлаб бир жавҳар тарзида йўқдан бор қилганлиги мантиқан тасдиқланади.

Мушоҳадамизни давом эттирадиган бўлсак, диний ҳамда фалсафий манбаларга асосан **Тангри таоло** дастлабки бош модда — жавҳарни яратмасидан аввал оламда номоддий «буюк бўшлиқ» ҳукм сурган. Бу бўшлиқда У тутунсимон газ ҳосил қилди. Бекиёс куч, қувватдан иборат бўлган оловсимон бош модда — жавҳарни ана шу газни тўплаб, буюк олабий портлаш ҳосил қилиб яратди. (Олимлар бунга 20 млрд. йил бўлган деб тахмин қиладилар).

Шундай қилиб, қудрати бениҳоя **Тангри таоло** **Ўзининг** хоҳиши ва иродаси билан бу жавҳарга **Ўзининг** қудратли назари билан қараган эди, у жавҳар бу назар таъсиридан биқирлаб қайнаб сувга айланди. (Қаранг: пирокинез, телекинез, суггестология ҳодисалари).

Бу ҳақда Жаноб Расулуллоҳ: «Аллоҳ даставвал якка Ўзи бўлган, ундан бўлак ҳеч нарса бўлмаган, унинг Арши сув устида бўлган ва У ҳар бир нарсани Лавҳга битиб қўйган-да, осмонлару Ерни яратган», — дедилар. (Имом ал-Бухорий. Ҳадис. 2-жилд, 361 бет).

Милоддан аввал яшаб ўтган қадимги юнон мутафаккир файласуфларидан Фалес (624—547) бутун мавжудотнинг бош асоси сув, Анаксимен (588—525) бўшлиқ — ҳаво, Гераклит (544—483) эса олов деб айтганларида ана шу мўъжизаларни назарда тутмаганмиканлар?

Шундай экан, бош модда, бутун мавжудот, табиат мантиқан ана шу уч манбадан: бўшлиқ — ҳаво (тутунсимон газ), олов ва сувдан **Тангри таоло** томонидан ижод қилинган бўлиб чиқади. Ана сизга моддиятнинг дастлабки пайдо бўлиши гипотезаси.

Тангри таоло дастлабки моддиятни тахминан ана шундай тарзда яратганидан кейин ундан онгни яратди. Онг эса моддиятнинг хоссаси бўлиб, фақат тирик жисмларга — жонзотларга хос бўлган. Моддиятга фикрлаш қобилиятини ҳам **Худои таолонинг Ўзи** ато этган.

Қуръони каримнинг 7-«Аъроф» сурасининг 172, 173-оятлари ҳақида Ислом уламоларининг тафсирига кўра, **Тангри таоло Ўзининг** қудрати илоҳийси билан Одам алайҳиссаломдан тарқайдиган барча зурриётларни (инсоният руҳларини) чиқариб, уларга **Ўзининг** мўъжизаларини кўрсатгач: «**Айтингларчи, Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?**», деганда улар: «**Парвадигоро, Ўзинг барчамизнинг Раббимиздирсан, бизлар бунга гувоҳ бўлдик**», деб, **Тангри таолога** аҳду-паймон, яъни мисок берган эканлар.

Демак **Тангри таоло** Одам Ато, Момо Ҳавво ва ер юзида туғиладиган барча инсонларни жисмоний таналарини яратишдан аввал уларнинг руҳларини яратган экан.

*Ул «Аласту би-Раббикум» дегонида,
«Қолу бало» дегонимни билолмасмен,
«Ва мо диникум» дебон яна сўргонида,
Диним Ислом, дегонимни билолмасмен.*

*Бирни габру, бирни тарсо, жуҳуд қилди,
Бирни мўмин, бирни кофир, яҳуд қилди,
Азозилни даргоҳидин мардуд қилди,
На сабабдин қилғонини билолмасмен.*

(Аҳмад Яссавий)

Шундай қилиб, дастлабки моддиятни яратгандан кейин, **У** табиатни, сўнгра жамики инсонлар руҳини, онгни, ундан кейин эса жисмоний танага эга бўлган инсонларни яратган. Бу назарияни жаҳоннинг қатор донишманд файласуфлари — Сукрот, Афлотун, Арасту, Гегель ва бошқалар ҳам тасдиқлаганлар.

«Мутлоқ рух», «кайҳоний ақл» ломакон, яъни оламда макони ва манзили йўқ, ҳеч кимга, ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайдиган, шакл-шамойилсиз, яратилмаган, лекин яратадиган, қандайлигини сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, фақат тартибли борлик, бутун мавжудот борлиги орқали пайқаладиган, **Ўзининг** борлигини пайғамбарларига ваҳй орқали маълум қилган **Парвардигори оламдир**.

Бутун борлиқни яратувчи **Аллоҳнинг** борлигини дин ва теософия илоҳиётчиларидан ташқари, Сукрот, Афлотун, Арасту, Августин, Форобий, Декарт, Беркли, Гегель, Мах, Лейбниц, Вольф, кентерберийлик Ансельм ва бошқа машҳур файласуфлар илмий фалсафий исботлаб берганлар. Уларнинг назариялари бўйича **Парвардигор** мавжудлигининг уч асосий исботи бор:

1) **Космологик исбот**. **Худо** барча нарсалар ва ходисаларнинг бош сабабчиси сифатида мавжуддир. Бу исбот **Худои таолонинг** парите-зид жуфтлар қонунига кўра оламнинг замонда боши ва охири борлиги ва унинг номоддий сабаб билан мавжудлиги ҳақидаги гипотезага асосланган.

2) **Телеологик исбот**. Табиатда ҳамма нарса шу қадар тартибли, мақсадга мувофиқ

қилиб тузилганки, буни фақат барча ҳодисаларни тартибга солиб турувчи ғайритабиий аккли вужуднинг мавжудлигини тан олиш билан изоҳлаш мумкин.

3) *Онтологик исбот*. «**Худо** мукамал вужуддир» деган тушунча ҳамма кишиларда бор, деган фаразни Августин илгари сурган. Чунки, агар «мукамал вужуд» ҳақиқатда бўлмаса, мантиқан бу ҳақдаги тушунча ҳам пайдо бўлаолмайди. Демак **Худо** мавжуддир.

Бу исботни ўрта асрларда машҳур файласуф, илоҳиётчи, илк схоластика вакили кен-терберийлик Ансельм (1033—1109) ҳимоя қилиб чиққан. Ундан ҳам машҳурроқ немис файласуфи, мумтоз идеализм отаси Иммануил Кант (1724—1804) **Худо** илмий тажрибадан ташқарида, у фақат ақл ва хис орқали пайқаладиган вужуддир, деб таълим берган.

Инглиз файласуфи Александер Сэмюэль (1859—1938) табиатнинг бош асоси юқорида кўрсатилган номоддий «буюк бўшлиқ» — «макон ва замон»дан иборат, унинг ижодкори «мутлақ рух, онг»дир, унинг қандайлигини ҳозирги билимимиз ва ақлимиз билан билиб бўлмайдиган вужуд, яъни **Худодир**, материя эса унга нисбатан ҳосиладир, деб эълон қилиб, **Худованд**нинг борлигини тасдиқлаган. Дарҳақиқат, вақт, замон ва маконнинг ижодкори **Тангри таолодир**.

Бир грузин кинофильмида («Ожерелье для моей любимой») ғоят қизиқарли эпизод бор. Тоғлик икки қўшни қария ҳар кун эрта билан кўчада бирга ўтирволишади-да, доим суҳбат мавзусини «*дастлаб олма пайдо бўлганми ёки дарахтми?*» деган оддий фалсафий баҳсдан бошлашади, иккови бу тортишувда келиша олмай ҳар гал бир-бирларига жаҳл қилиб, зарда билан ўринларидан туриб уй-уйларига кириб кетиш билан бу баҳсга яқун ясашар экан.

Қарияларнинг дастлаб олма ва унинг уруғи бўлмаса, дарахт қандай пайдо бўлади, агар дарахт бўлмаса, олма ва унинг уруғи қандай пайдо бўлади деган бу оддий саволга фалсафа ва мантиқ фани ҳам асло жавоб бера олмайди. Эсингизда бўлса, бу оддий саволга китобимизнинг бошида жавоб берилган. Таврот ва *Қуръонда* **Худованд** оламини яратишининг 3—4-кунлари дастлаб ўт-ўланлар, дов-дарахтларни яратди дейилган (уруғини эмас) ва **У** ўзининг қудрати илоҳийси билан яратган қонун-қоида ва тартиботларига кўра бу ўт-ўланлар, дов-дарахтларга уруғ бойлаб кўпайиш хусусиятини ҳам берган. **Аллоҳ таоло** **Ў**зининг пайғамбарлари орқали ана шу ҳақиқатни билдирмаганида, бу оддий жумбоқ ҳанузгача «буюк жумбоқ» бўлиб қолган бўлур эди. Бу ҳақда китобимизнинг 10-фаслида ҳам айтиб ўтган эдик.

Файласуфлар фалсафа ҳақида

Дин ва фалсафанинг асосий вази-
фаси инсонларни ахлоқий тарзда
яшашга ундашдир.

Немис файласуфи Вильгельм Дильтай (1833—1911) «Фалсафа «фанлар фани» эмас, балки «фан ҳақидаги таълимот»дир деган.

Янгикантчилик йўналишларидан бири бўлмиш Марбург мактабининг таълимотига кўра, фалсафа олам ҳақидаги билим бўлолмайди, у айрим фанларнинг методологияси ва логикасидан иборат, дейилади.

Француз файласуфи, физиологи, дин тарихчиси Эрнест Ренан (1823-1892) фалсафанинг мустақил фан сифатидаги аҳамиятини инкор этган: «*Фалсафа шундай зирворки, у бўлмаса ҳамма овқат таъмсиз бўлиб туюлади, аммо унинг ўзи овқат бўлишга ярамайди*».

Юнон файласуфи ва табиби Секст Эмпирик (милодий 200—280) исботланадиган, шакшубҳадан холи бўлган билимларнинг бўлиши мумкинлигини рад этган. Ҳамма қабул қилиши шарт бўлган илмий, теологик, ахлоқий ва шу каби фактларнинг бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳар қандай қарордан, фалсафий билимдан сақланишни тавсия этган. Шундагина инсон руҳий мувозанатга ва ҳузур-ҳаловотга эришади. Фалсафанинг мақсади ҳам ана шу руҳий мувозанат ва ҳузур-ҳаловатни рўёбга чиқаришдан иборат бўлиши керак,

деб ҳисоблаган. Секст Эмпирик ҳаётда табиий эҳтиёжлар, майллар, одатлар, қонунлар, анъаналар ва соғлом ақлга амал қилиб иш тутиб юриш кифоя, деб таълим берган.

Милоддан аввалги I асрда яшаган грек скептик файласуфи Пирроннинг шогирди Энесидем: *нарсаларни ҳақиқий билиш мумкин эмас, чунки бизнинг ҳар бир даъвойимизга зид бўлган иккинчи даъвои қарама-қарши қўйиш мумкин. Шунинг учун, энг яхшиси, умуман ҳар қандай даъволардан воз кечмоқ керак. Чунки шундай қилгандагина ички ҳузур ва ҳаловатга эришиш мумкин. Одатда ҳамма сингари ёки бирон-бир зарур эҳтиёжга кўра ҳаракат қилмоқ тўғрироқ бўлади*, деб таълим берган.

Бинобарин «парадокс назарияси» бўйича чин гапни ёлғон деб, ёлғон гапни эса чин деб мантиқан исбот қилиб бериш мумкин. Масалан, бу назария бўйича ҳар қандай ҳаракатнинг бўлиши мумкин эмаслиги исботланади. Ҳаракат амалда, тажрибада бор, лекин бу назария бўйича мантиқан ҳаракат йўқ, деб исботлаб берилади. (Бу назария 19-фаслда келтирилган).

Бир қизиқ мисол. Биз, мантиқан олганда, билимни:

- қанчалик кўп билсак, табиийки шунчалик кўп ёддан чиқарамиз;
- қанчалик кўп ёддан чиқарсак, (мантиқан олганда) шунчалик кам биламиз;
- қанчалик кам билсак, шунчалик кам ёддан чиқарамиз;
- қанчалик кам ёддан чиқарсак, шунчалик кўп биламиз;
- қанчалик кўп билсак, шунчалик кўп ёддан чиқарамиз;
- қанчалик кўп ёддан чиқарсак, шунчалик кам биламиз... ва ҳоказо.

Шундай экан, қанчалик кўп ўқисак, билсак, шунчалик кўп ёддан чиқаришимиз ва оқибатда шунчалик кам билишимиз мантиқан исботланади. Чунки «кўп» — «кам» бири-бирига зид икки қарама-қарши сифатлар бўлиб, исталган икки бир-бирига зид фикрингизни хоҳлаган — у ёки бу томон фойдасига тўғрилигини ёки нотўғрилигини бирдек исботлаб бериш мумкин.

Келтирган мисолимиз парадокс назариясига яқин бўлиб, ҳаётий жиҳатдан тўғри саналадиган исталган ҳақиқат нотўғрилигини ёки унинг аксини фалсафий, назарий жиҳатдан мантиқан исбот қилиб бериш мумкин.

Теософия назариясига кўра, илохий донишмандликка эришиш, Сабаблар сабабчиси бўлмиш **Аллоҳ таолонинг** ҳақиқатини билиш фақат **Ўзи** ато этган ботиний илм, яъни илми ғайбдан хабардор бўлган теософия пирлари, авлиёлар, пайғамбарларгагина насиб этади.

Амалдаги фан эса табиий сабабларни очиб беришга, Борлиқнинг энг теран манбаларини тушунтиришга тўлиқ қодир эмас. Илмий билиш Ҳақиқатни охиригача очиб бера олмайди, чунки фанда илми ғайб — руҳий ҳодисаларни билиш воситаси йўқ. Шунинг учун фан — хоҳ у фалсафа, хоҳ у мантиқ, хоҳ у физика, табиатшунослик ва ҳоказо фанлар бўлсин. **Парвардигор** ва Рухга боғлиқ ҳолатлар ва ҳодисаларни тушунтиришга беҳуда аралашмаслиги лозим. Бу масалани ҳал қилиш диннинг вазифасига киради. Чунки фан билмаган, билолмайдиган ладуний — ғайб илмини пайғамбарларгагина илохий ваҳй орқали ошкор қилинадиган **Аллоҳ таоло** оятлари, каломини аниқ фанларнинг билишига йўл бўлсин!

Деизм (лотинча «Худо») таълимотига кўра, Борлиқнинг шахсиз биринчи сабабчиси **Худованд** оламни яратгач, Борлиқни, табиатни ўз қонунлари амалига ташлаб қўйган. Бутун Борлиқ, табиат, жонли, жонсиз мавжудотлар ана шу илохий қонун-қоидалар зами-нида ўз кучлари билан ҳаракатланадилар ва ривожланадилар.

Оламнинг ўзи, унинг ҳаракати, ундаги барча нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ана шу тартибот ва қонун-қоидаларга кўра содир бўлади.

Нидерландиялик файласуф Спиноза (1632—1677)нинг таълимоти бўйича бениҳоя хусусиятга эга бўлмиш **Парвардигори оламнинг** моҳиятини — Ҳақиқатни билиш учун ҳамма нарсани биладиган бениҳоя ақл керак бўлади.

«*Ҳамма нарсани ким билади?*» — деган шогирдлари саволига Афлотуннинг устози бўлмиш буюк донишманд, қадимги юнон файласуфи Сукрот: «*Ҳамма нарсани ҳамма билади, лекин «ҳамма»нинг бир қисми ўлиб кетган, иккинчи қисми эса ҳали туғилган эмас*», деб донишмандлик билан жавоб берган экан. Демак, бизнинг ниҳояли, чега-

раланган ақлимиз бенихоя, чегарасиз хусусиятларга эга бўлган **Тангри таоло** мохиятига етишга ҳали ожизлик қилади. Бундан ниҳоясизликни бенихоя даражадаги ақл билан пайқалади, билинади деган фалсафий ва мантикий хулоса келиб чиқади.

Француз файласуфи, физиолог, дин тарихчиси Эрнест Ренан: *«Ақлий ибтидо бўлмиш Худованд оламни ўзи яратган қонунларига мувофиқ бошқаради ва тараққиёт унинг ҳукмронлигидан иборатдир»*, деб тўғри айтган. Шунингдек, теология таълимотида ҳам: *«Табиатдаги ҳамма нарса аниқ мақсадга мувофиқ яратилган ва ҳар қандай тараққиёт илгаридан белгилаб қўйилган мақсаднинг амалга ошишидир»*, деган нуқтаи назар илгари сурилган.

Фалсафа кундалик ҳаётда тўғри фикрлай олиш, мантиқан тўғри мушоҳада юритиш усуллари ва тамойилларини ўргатади. Шундай бўлса-да, фалсафага қаттиқ берилиб кетишнинг ҳам фойдаси йўқ.

Фалсафа биз инсонлар ҳаётда қандай қилиб тўғри ва оқилона яшашни билишимиз учун ҳаёт қонун-қоидаларини ўрганишимизда керак бўлади.

«Фалсафани ўрганишдан асосий мақсад ягона, олий яратувчини билишдир», — деган эди ўз вақтида шарқнинг буюк файласуфи А. Форобий.

Фалсафанинг теологик вазифаси табиий ва ахлоқий оламнинг энг оқил ва яратувчи ибтидоси сифатида **Худованд** идеяларини тасвирлаб беришдан иборатдир. Чунки **Худони** билиш ҳар бир одам боласида туғма бўлиб, инсоннинг билиш лаёқати иккиламчи, чунончи, ички тажрибадан, ишончдан, яъни диний эътиқоддан келиб чиққан ҳосиладир.

Стоиклар фалсафий таълимотининг вакиллари — Зенон, Хрисипп, Диоген, Боеций, Панэтий, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий ва бошқаларнинг фикрича, билим фақат донишмандлик касб этиш ва яшай билиш учун воситадир, табиатга мос равишда яшамоқ керак, бахт эҳтирослардан холи бўлишда, инсон руҳининг осойишталигида, лоқайдликдадир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, **Парвардигори олам** тўғрисида баҳслашишни, унинг хусусида чуқур кетишликни деярли барча динлар ман қилади. Чунки, юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, илмий билиш, фан, ҳақиқатни теран очиб беришга қодир эмас.

Яна қайтарамиз: Афлотун *«Фалсафага ҳаддан ортиқ берилмоқлик зиёнлидир»*, деб доим такрорлар экан.

Ҳаддан ошишни Ислом дини ҳам ёқламайди. Пайғамбаримиз Расули акрам Муҳаммад мустафо саллаллоху алайҳи вассаллам ҳам бир қанча муборак ҳадислари орқали бизни бу йўлдан қайтарганлар:

«Ислом — ақлнинг ҳаддан ошишлигини ҳам, орқада қолишлигини ҳам истамайди».

«Динда ҳаддан ташқари еулув (чуқур) кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда еулув кетганликлари сабабли ҳалок бўлганлар».

«Ишларнинг хайрлиси, фазилатлиси ўртачасидир».

Демокрит: *«Мўл-кўлчилик ҳам, етишмовчилик ҳам мен учун бегонадир»*, деган. Чунончи ҳамма нарсанинг аълоси ўртачасидир.

Демак фалсафада ҳам, динда ҳам ҳаддан ошмоқлик, чуқур кетмоқлик маъқул кўрилмайдди. Ҳар бир нарсада, ҳар бир ишда меъёр қонуни, «олтин ўрталик»ка риоя қилиб яшаш, ана шу шак-шубҳасиз тўғри йўлдир.

Азиз суҳбатдошим! Умумий маълумотлар бериш тариқасида китобимизнинг кейинги фаслида Сизни башарият тафаккури тарихида чуқур из қолдирган файласуфлар асосий дунёқарашларининг қисқача мазмуни билан таништирмоқчиман. Файласуфлар рўйхати шартли равишда милоддан аввал ва милодий асрларда ўтганларнинг хронологик — туғилган йиллари тартиби билан берилди.

Ўн олтинчи фасл
Буюк файласуфлар

**1. Милоддан аввалги асрларнинг
буюк файласуфлари**

Ҳақиқатни очинглар,
тўғри йўлдан юринглар.

Абу Али ибн Сино.

1. Фалес (624—547) — қадимги юнон фалсафасининг биринчи тарихан ишончли вакили, етти юнон донишмандидан бири. Мисрда ва Бобилда юзага келган математик ва астрономик билимларни ҳам эгаллаган. Стихияли моддиюнчилик милет мактабининг асосчиси. Нарсаларнинг хилма-хиллигидан ягона бош асосни излаган ва уни жисмоний, ҳиссий муайян модда деб қараган. Унинг таълимотига кўра, бутун мавжудотнинг бош асоси сувдир. Чунончи, файласуфнинг бу таълимоти *Қуръони карим*нинг «Анбиё» сураси 30-оятига мос келади. Асли милетлик, яъни Кичик Осиёдан.

2. Анаксимандр (610—546) — қадимги юнон файласуфи, стихияли диалектика вакили. Милетлик Фалеснинг шогирди. Тарихда биринчи бўлиб инсон, бошқа тирик вужудлар сингари, балиқдан бунёдга келган, деган эволюцион ғояни баён этган.

3. Анаксимен (588—525) — қадимги юнон файласуфи, стихияли диалектика вакили. Анаксимандрнинг шогирди. Анаксимен таълимотига кўра, бутун мавжудот бош моддиятдан — ҳаводан вужудга келади ва яна унга қайтади. Ҳаво бениҳоя, абадий, ҳаракатчандир. У қуюқлашиб, аввал булутларни, сўнгра сувни ва ниҳоят тупроқ ва тошларни ташкил этади, сийраклашиб оловга айланади. Бунда миқдор сифатга ўтиши идеяси кўриниб турибди. Ҳаво ҳамма нарсани қамрай олган — жон ҳам, коинотдаги беҳисоб оламлар учун ялпи умумий муҳит ҳам унинг ўзидир. У таълим бериб айтадики, юлдузлар оловдан иборат, лекин уларнинг иссиғини сезмаймиз, чунки улар биздан жуда йироқда жойлашган.

4. Пифагор (580—500) — қадимги юнон математиги, файласуфи. Самос оролида туғилган, 530- йилдан Жанубий Италиядаги Кротон шаҳрида, кейинроқ Месапонт шаҳрида яшаган. Кротонда фалсафий мактаб, сиёсий партия ва диний биродарлик иттифоқи — пифагорчилар иттифоқини тузади. Пифагор сон барча нарсанинг моҳияти, олам эса сонлар ва улар орасидаги муносабатларнинг гармоник тизимидир, деган ғояни илгари сурган.

5. Гераклит (544—483) — қадимги юнон файласуфи. Кичик Осиёдаги Эфес шаҳрида туғилган, оксуяк киборлар зотидан. Гиппократ (Букрот ҳаким)нинг отаси. «Табиат ҳақида»ги асари теран фикрлилиги ва баёнининг сирлилиги билан шуҳрат қозонган (шу боисдан Гераклитнинг лақаби «қоронғу» бўлган).

Гераклитнинг фикрича, табиатнинг бош, энг ўзгарувчан ва серҳаракат моддаси *олов*дир. Оламнинг ўзи, айрим нарсалар, жонлар оловдан келиб чиққан. Чунончи, «бутун мавжудот учун айни бир бўлган бу коинотни ҳеч қандай илоҳ ва ҳеч қандай инсон яратмаган, у меъёри билан ёниб, меъёри билан ўчиб турадиган абадий жонли олов тарзида ҳамиша бўлган, бор ва ҳамиша бўлади».

Олов жараёни давралаб айланади: «Буюк йил» ўтиши билан ҳамма нарса янгидан «олов»га айланади. Узлуксиз ҳаракат жараёни натижасида ҳар қандай нарса ва ҳар қандай хосса ўз қарама-қаршисига ўтади — совуқ-иссиқ, иссиқ-совуқ бўлади.

Гераклит дунёни билиш мумкинлигига қаттиқ ишонган ва инсон ақли учун чегара йўқ деб ҳисоблаган. Ўзгаришлар қарама-қарши кучларнинг таъсири натижасидир, ҳамма нарса кураш орқали содир бўлади ва янгиланиш зарурият туфайли рўй беради, деган ғояни илгари сурган.

6. К о н ф у ц и й (551—479) — қадимги хитой мутафаккири, сиёсий арбоби, конфуцийликнинг асосчиси. Унинг асосий қарашлари «Сухбатлар ва мулоҳазалар» китобида баён этилган. Бу китоб Лунь-юй ва унинг шогирдлари, издошлари ёзиб олган ҳикматлар ва сухбатлардан иборат.

Конфуцийнинг таълим беришича, нарсаларда икки ибтидо: Ли — оқилона ижобий куч ва Ци — пассив моддият мавжуд. Биринчи ибтидо инсонда ижобий фазилат — яхшиликка интилишни пайдо қилади, иккинчи ибтидо эса салбий сифат — ҳиссий васвасаларга интилишни вужудга келтиради.

Конфуцийнинг тарафдори Сюнь-цзи (298—238): «Осмон — табиатнинг бир қисми бўлиб, онгга эга эмасдир. Инсон нарсаларнинг қонунларини билиб олгач, улардан ўз манфаатлари учун фойдаланмоғи лозим», — деган ғояни олға сурган.

7. П а р м е н и д (VI асрнинг иккинчи ярми — V аср бошлари) — қадимги юнон файласуфи, Жанубий Италиядан, Элей мактабининг вакили.

Парменид ўзининг «ҳақиқат таълимоти»ни «фикр таълимоти»га, яъни Гераклит диалектикасига қарши қаратди. «Ҳақиқат таълимоти»ни, жумладан, ҳақиқий Борлиқ ягонадир, абадийдир, ҳаракатсиздир, бўлинмасдир, ичида бўшлиқ йўқдир, деган таълимотни «фикр таълимоти»га, яъни пайдо бўлиб, ўтиб турадиган, ҳаракатланадиган, қисмларга бўлинадиган, бир-биридан бўшлиқ билан ажратилган кўпдан-кўп нарсалар мавжуддир, деган таълимотга кескин қарама-қарши қўйган. «Ҳақиқат таълимоти» ишончлидир, «фикр таълимоти» эса фақат ҳақиқатнаmodир, деган.

Парменид икки ибтидони: фаол (актив) — оловли, ёруғ ибтидо билан инерт — қоронғу ибтидони фараз қилган. Ҳис-туйғуларнинг кўрсатмаларига ишонмаслик ва ақл юритиш, билимга юксак баҳо берган. Ҳаракатни инкор этиши эса Парменидни қадимги грек метафизикасининг асосчисига айлантиради.

8. А н а к с а г о р (500—428) — қадимги юнон файласуфи, қулдорлик демократиясининг мафкурачиси. Кичик Осие́нинг Клазомен шаҳридан. У нарсаларнинг алмашинувини эътироф этган. Унинг фикрича «гомеомериялар» деб аталган унсурларнинг турлича бирикишларидан барча мавжуд нарсалар ташкил топади. Ақлни элементар зарраларнинг бирикуви ва айрилуви сабаб бўладиган ҳаракатлантирувчи куч деб ҳисоблаган ҳамда энг энгил ва энг нозик модда деб тушунтирган.

9. Л е в к и п п (500—440) — Демокритнинг замондоши ва сафдоши, у билан бирга атомистикага асос солган аллома. Левкипп фанда ишлатиладиган уч янги тушунчани киритган:

- 1) *мутлақ (абсолют) бўшлиқ;*
- 2) *бу бўшлиқда ҳаракатланувчи атомлар;*
- 3) *механик зарурият.*

У сабабият қонунини ҳам, етарли асос қонунини ҳам биринчи бўлиб аниқлаб берган. «*Ҳеч бир нарса сабабсиз пайдо бўлмайди, аммо ҳамма нарса бирон асосда ва зарурият тақозоси билан пайдо бўлади*», деган таърифни илгари сурган.

10. Э м п е д о к л (483—423) — қадимги юнон моддиюнчи файласуфи, қулдорлик демократиясининг идеологи. Агригентлик (Сицилиядаги орол). Эмпедокл ўзининг «Табиат ҳақида» номли фалсафий поэмасида нарсаларнинг бутун хилма-хиллигини тўрт илдизга — тупрок, сув, ҳаво ва оловга боғлаган. Табиатнинг тўрт унсури ҳақидаги бу таълимот кўп асрлар давомида антик ва ўрта аср фалсафасида сақланиб келди. Унсурларнинг бирлашуви ва бўлинишини Эмпедокл бир-бирига қарши курашувчи икки кучнинг — тортиш ва итариш (дўстлик ва душманлик)нинг ҳаракати билан изоҳлади. У ёки бу кучнинг устун келиши коинот тараққиётининг турли босқичларини билдиради. Эмпедоклнинг ҳаётга кўпроқ қобил бирикмаларнинг табиий танланиши натижасида тирик вужудларнинг қонуниятли эволюцияси ҳақидаги фарази катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

11. Сократ (469—399) — қадимги юнон файласуфи, Афинада яшаган ва дарс берган. Унинг дарсларини шогирдларидан Платон, Антисфен, Аристипп, Эвклид каби кўплаб машхур файласуфлар тинглаганлар ва сабоқ олганлар. Шарқда Сукрот номи билан машхурдир.

Сукротнинг ўзи ҳеч нима ёзиб қолдирмаган, бинобарин унинг таълимоти ҳақида фақат Афлотун ва Арастуниг асарлари асосидагина фикр юритиш мумкин.

Оламнинг тузилишини, нарсаларнинг физик табиатини билиб бўлмайди, биз фақат ўзимизни билишимиз мумкин деб таъқидлаган. Билиш предметини бундай тушунишни Сукрот «Ўз-ўзингни бил» деган қоида билан ифодалаган.

Билимнинг олий вазифаси назарий эмас, балки амалий вазифадан, яъни яшамок санъатидан иборат. Сукротнинг фикрича, билим — умумийлик ҳақидаги фикр, тушунчадир. Тушунчалар таърифлар орқали очилади, индукция орқали умумлаштирилади. Тушунчани таърифлашдан олдин суҳбат келади, бу суҳбат давомида ҳамсуҳбат бир қанча кетма-кет берилган саволлар билан зиддиятларда фош этилади. Зиддиятлар очилиши билан сохта билим бартараф этилади, бунда ақл дучор бўладиган нотинчлик эса, фикрни чин ҳақиқатни излаб топишга ундайди. Ўз тадқиқот усуллариини Сукрот «доя кампирнинг маҳорати» билан таққосларди.

Унинг догматик даъволарга танқидий қарашни назарда тутадиган саволлар методи Сукротча «киноя» деб ном олган. Унинг этикаси — рационалистик этикадир. Сукротнинг таълим беришича, «Ёмон ишлар, қилиқлар фақат билмасликдан келиб чиқади ва ҳеч ким ўз хоҳиши билан ёмон бўлмайди».

Сукрот яккахудолик этикодидан қайтмагани учун қатл қилинган.

12. Демокрит (460—370) — қадимги юнон файласуфи, Левкиппнинг шогирди, қомусий олим, атомистика таълимотининг асосчиларидан бири. Эпикур, Лукреций Кар ва Демокрит таълимотининг давомчиларидандир.

Абдерлик Демокрит бош ибтидо деб, икки ибтидо — атомлар ва фазони эътироф этган. У атомларни, яъни моддиятни бўлинмас, зарраларни ўзгармас деб ҳисоблаган. Улар абдий, доимо ҳаракат қилиб туради ва шакли, катталиги, ҳолати ва тартиби билан бири-биридан фарқ қилади. Товуш, ранг, маза каби бошқа хоссалар атомларга тааллуқли бўлмай, балки фақат шартли равишда — «нарсаларнинг ўз табиатига боғлиқ бўлмаган ҳолда» мавжуддирлар. Атомларнинг бирикишидан жисмлар ҳосил бўлади. Атомларнинг парчаланishi жисмларнинг ҳалок бўлишига олиб келади. Атомлар чексиз бўшлиқда абдий ҳаракат қилади, улар ўрин алмашадилар, бир-бирлари билан тўкнашиб, атомлар уюрмасини ҳосил қиладилар. Бениҳоя кўп «туғилиб ва ўлиб турадиган» оламлар ана шу тариха вужудга келадилар, улар табиий йўл билан, зарурият юзасидан пайдо бўладилар ва ўладилар деб таълим берган.

Демокрит сабабиятни зарурият билан бирдай деб билган, тасодифни инкор этган, уни билмаслик натижаси деб қараган.

Ҳиссий идрок — билишнинг асосий манбаи, лекин у жисмлар ҳақида «қоронғу» билим беради, холос. Бу билим узра янада нозикроқ билим — ақл воситаси билан билиш юксалиб туради ва бу билим оламнинг моҳиятини, яъни атомлар ва бўшлиқни билишга олиб келади, деб таълим берган. Бу билан у билишда ҳиссиёт билан ақлнинг ўзаро муносабати муаммосини ўртага ташлади.

13. Гипократ (460—375) — Қадимги Греция ва умуман ынсониятнинг машхур табиби, илмий тиббиёт асосчиларидан бири. Тиббиёт таълимини отаси Гераклитдан олган. Унинг асарлари Фарб ва Шарқ табиблари қўлида кўп асрлар мўътабар қўлланма бўлиб келди. Унга 75 га яқин асар нисбат берилади. Шарқда Буқрот ҳаким номи билан машхур. Буқрот асарларини ва уларга Жолинуc (Гален) берган шарҳларни Хунайн ибн Исҳоқ (809—877) сурёний ва араб тилларига таржима қилган.

Буқрот тиббиётни қоҳинлар таъсиридан қутқарди ва унинг мустақил ривожланиши йўллариини белгилаб берди. Табиб касалликни эмас, балки беморни даволаши керак, деб

таълим берди. У тиббиёт географиясига асос солди, касалликлар худонинг хохиши билан пайдо бўлади деган даъвони рад этиб, этиология ва диагностика масалаларини, даволаш усул-йўриқларини ишлаб чиқди. У қўли енгил жарроҳ ҳам бўлган. Табиб хулқ-атворининг қисқача таърифи бўлган қасамёдни — «Гиппократ қасамёди» матнини ҳам у ёзган.

Букрот ҳакимни ҳақли равишда тиббиётнинг отаси деб атайдилар.

14. А р и с т и п п (435—355) — қадимги юнон файласуфи, Сукротнинг шогирди, Кирена (Гедон) мактаби — киренаиклар мактабининг асосчиси.

Аристипп ҳаётнинг олий мақсади хурсандчиликда деб билган; лекин унинг фикрича, инсон хурсандчиликка тўлиқ бўйсунмаслиги лозим, балки оқилона лаззатланишга интилиши керак, чунки оқилона лаззатланиш ҳаётнинг олий саодатидир. Яхшилик ва ёмонликнинг, ростлик, яъни чин ва ёлгоннинг мезони хурсандчилик ва азоб-укубатдадир деб таълим берган.

15. Платон (428—347) — қадимги юнон файласуфи, Сукротнинг шогирди, 30 дан ортиқ фалсафий диалогларнинг муаллифи. Шарқда Афлотун номи билан машҳур. Асл исми Аристоклдир.

Афлотун ҳаким Сукрот, Пифагор, Парменид ва Гераклит таълимотларидан кенг фойдаланган. Афлотун киборлар оиласида туғилган. 407- йилда Сукрот билан танишиб, унинг энг яқин шогирдларидан бири бўлиб қолган. Афина шаҳрида Афлотун академияси номи билан танилган файласуфлар мактабига асос солган.

Унинг фикрича, ҳиссий дунё «ғоялар» билан «моддият»нинг маҳсулидир. Ғоялар (идеялар) абадий, оламдан ташқари, улар ўлмайди ва пайдо бўлмайди, вақт ва фазо билан боғлиқ эмас.

Моддият (материя) шаклсиздир, у ғоялар туфайлигина намоён бўлади, яшай олади. Ундан ташкил топган ҳиссий нарсалар ўткинчи, нисбий бўлиб, вақт ва фазога боғлиқ.

Афлотун ғояларни ғайритабиий куч деб билган. Афлотун фалсафасининг негизини уч асосий субстанция — «ягоналик» (эзгулик), «ақл» ва «жон» ҳақидаги таълимот ташкил этади, чунончи:

1) Борлиқнинг асосини «ягоналик» ташкил этади. У — ҳар қандай сифатлардан юқори туради, унинг на бошланиши ва на охири бор, у ҳар қандай борлиқ, сезги ва тафаккурдан юқори туради. Барча идеялар ва моддий нарсаларнинг манбаи ҳам шу «ягоналик»дир деб таълим берган.

2) Иккинчи субстанция «ақл»дир. У — ягоналикнинг борлиқдаги шуъласи бўлиб, нарсаларнинг моҳиятини тушунишга интилади. У ақлни барча тирик мавжудотларнинг фикрий умумлашмаси, ҳатто ўзи ҳам қандайдир жонли зотдир деган.

3) Учинчи субстанция эса «жон». У ақл ва моддий дунёни бир-бирига қўшиб туради. Жон абадий ва мунтазам ҳаракатда. Ҳар бир одамнинг жони ўша умумий жоннинг образи, хусусий шаклда зоҳир бўлишидир. Одамнинг ўлими билан у йўқолиб кетмайди. Тана эса жондан ажрагач, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади. Одамларнинг жони муайян танада мужассамланишидан олдин асл жойи осмонда бўлиб, унда гўё идеяларни бевосита кузатиб, ўзлаштириб олади. Одамларнинг билиши улардаги жоннинг ўша осмонда кузатган идеяларни эслашдан иборатдир. Оддий ҳиссий нарсалар ва ходисалар ҳақида эса инсон аниқ билимга эга эмас, балки шунчаки тахминий фикрга, тасаввурга эга бўлиши мумкин ҳолос, дейди.

Афлотун давлатни бошқаришнинг 3 та асосий шаклини кўрсатган — монархия, аристократия ва демократия. У утопик характердаги «идеал давлат» тўғрисидаги таълимотни яратган. Бундай давлатни фақат «ғоялар»ни тушунишга эриша олган оқсуяк файласуфлар идора этишлари керак. Сиёсат, давлатнинг тузилиши, уни бошқариш уч табақа ҳақидаги назарияга асосланади. 1-табақа — давлатни бошқариб турадиган файласуфлар; 2-табақа — давлатни душмандан ҳимоя қиладиган ҳарбийлар; 3-табақа — меҳнаткашлар. Меҳнаткашлар табақаси икки юқори табақага итоат этишлари ва меҳнатсевар бўлишлари керак.

Афлотуннинг қарашлари ҳозирги даврда ҳам файласуфлар учун маънавий озиқ бўлиб келмоқда. У барча замонларнинг буюк донишманд файласуфидир.

Антропософия (юнонча — одам ва донишмандлик) мистик таълимот вакиллари Платонни Зардушт, Будда ва Ийсо пайғамбарлар қатори «Инсониятнинг буюк устози», «Инсонийлашган олий рух» деб унга жуда юқори, муносиб баҳо берганлар.

16. Диоген (404-323) — қадимги юнон файласуфи, киник мактабининг асосчиси. Антисфеннинг шогирди. У ўз устозининг қарашларини мукамал хулосалар даражасига етказди. У цивилизациянинг барча ютуқларини рад қилди ва фақат зарурий эҳтиёжларни қондириш билан чекланишга даъват этди. У аскетизм (таркидунёчилик)ни тарғиб этган. Ривоятларга кўра, у ҳукмдорлар олдида ўзини дадил ва мустақил тутган, ижтимоий хатти-ҳаракатлар қондаларига нафрат билан қараган. Айтишларича, у кейинги пайтларида бочкада яшаш билан кифояланган экан.

17. Ян Чжу (395—335) — қадимги хитой файласуфи. Коинотда «буюк чеклик» ёки «буюк чексизлик», яъни сифат ва шаклсиз, инсон идроки етолмайдиган ҳар томонлама баркамол, нуқсонсиз ғайритабиий куч ҳукм суради, деб таълим берган. Унинг фикрича, барча воқеалар ва ҳодисалар табиий зарурият тамойили бўйича амалга ошади. Бу тамойилни у тақдир деб таърифлаган.

Ҳамма нарса ҳалокатга, йўқ бўлишга маҳкумдир. Ҳаёт табиий зарурият бўйича ўлим билан алмашинади, пайдо бўлишидан кейин бузилиш бошланади деб таълим берган. Ян Чжу ҳаётда ҳозирни ғанимат кўришга ва ўлгандан кейин нима бўлишини ўйлаб, ўзини қийнамасликка даъват этган.

18. Аристотель, шарқда Арасту (384—322) — қадимги юнон файласуфи ва қомусий олими, мантиқ (логика) фани ва махсус билим тармоқларининг асосчиси. Афлотун (Платон)нинг энг яқин шогирди. Стагир шахрида туғилган. Унинг отаси Македония подшоҳи Филипп II нинг табиби бўлган. Арасту 20 йил давомида Афинадаги Афлотун академиясида таълим олган. 343- йилдан подшоҳнинг ўғли Александрнинг (Искандар Зул-Қарнайн) тарбиячиси ва муаллими бўлиб хизмат қилган ва уни яккахудолик руҳида тарбиялаган. 335- йилда у Афинада ўзининг Ликей мактабини ташкил қилган.

Арасту таълимоти бўйича, «шаклларнинг шакли» моддият билан алоқаси бўлмаган мутлақ шакл **Худованд**дир. Охирги сабаб табиатдаги ҳамма ҳодисаларнинг мақсади ана шу **Худованд**дир, деган қатъий хулосага келган. У сезги ва ҳиссий билиш моддий дунёни билишнинг фақат бошланишидир, дейди. Сезгиларимиз орқали биз фақат айрим жисм ва ҳодисаларни якка-якка ҳолда биламиз. Уларнинг умумий томонини билиш эса фақат тафаккурнинг, фаннинг вазифасидир. Билимнинг олий босқичи сезгиларимизга асосланган тафаккур, тушунчаларимиздир.

Арастунинг таълимотича, ҳаракатнинг манбаи модданинг ўзи бўлмай, балки «биринчи ҳаракатлантирувчи» куч **Худованд**дир.

Арастунинг фикрича, одамзод жон ва тана бирлигидан иборат, жон тана устидан ҳукмронлик қилади. Тана эса жонга бўйсунуши керак.

Арасту жамиятдаги кишиларни 3 табақага бўлади: 1) Энг бой табақа, 2) Энг камбағал табақа, 3) Ўртача табақа. Булардан энг бой ва ўрта табақалар гўзал фазилатларга эга бўлиб, камбағал кишиларда бу ахлоқий фазилатлар йўқдир. Давлат ҳокимияти бойларда ҳам эмас, камбағалларда ҳам эмас, балки фақат ўрта табақа қўлида бўлиши керак дейди. Давлатнинг энг яхши шакли ўрта табақанинг ҳокимиятидир. Унингча, хаддан ташқари демократия айниган демократиядир.

Арасту ҳам Сукрот ва Афлотун каби яккаю ягона **Тангри таолога** эътиқод қилган.

19. Пиррон (365—275) — қадимги юнон файласуфи, антик скептицизмнинг асосчиси. Элидалик Пирроннинг таълимоти унинг шогирди Тимон асарларидан маълумдир; диққат марказида этика, бахт ва унга эришиш масалалари турган.

Бахтни Пиррон вазминлик (атараксия), азоб-укубат чекмаслик (апатия) деб тушунган. Унга эришиш воситасини эса скептицизмда деб билган.

Пирроннинг таълимотига кўра, нарсалар тўғрисида биз ҳеч нима билолмаймиз, шунинг учун энг яхшиси улар ҳақида ҳар қандай муҳокама юргизишдан сақланишимиз керак; бундай сақланишнинг маънавий қиммати — руҳий осойишталикка эришишдадир.

20. Э п и к у р (341—270) — қадимги юнон файласуфи. У **Худованд**нинг дунё ишларига аралашувини инкор қиларди ва ички ҳаракат манбаига эга бўлган моддиятнинг абадийлигини эътироф этарди.

Сезгиларнинг пайдо бўлишини Эпикур шундай изоҳлаган: жисмлар сиртидан энг майда зарралар «идоллар»нинг узлуксиз оқими чиқиб, улар сезги органларига киради ва нарсаларнинг образларини вужудга келтиради.

Билишнинг мақсади эса, Эпикурнинг фикрича, инсонни жаҳолат ва хурофотдан, ўлимдан қўрқишдан халос қилишдан иборат, бусиз бахтга эришиб бўлмайди.

Этикада Эпикур оқилона ҳузур-ҳаловатни асослаб берган. Бу ҳузур-ҳаловат замирида азоб-уқубатлардан четлашиб, осойишта ва қувноқ руҳий ҳолатга эришишдан иборат бўлган идеал асос ётади. Инсон учун энг оқилона нарса фаолият эмас, балки ором, атараксиядир, деб таълим берган.

21. А р х и м е д (287—212) — қадимги юнон механиги ва математиги. Сиракуза (Сицилия) шаҳрида туғилган ва умрининг кўп қисмини шу ерда ўтказган. Ўша замоннинг йирик илмий маркази — Александрияда таълим олган. Римликлар Сиракузани босиб олган пайтда ўлдирилган. У кўплаб кашфиётлар қилган, шу жумладан ричаг, гидростатика, аэростатика қонунларини кашф қилган.

22. Ц и ц е р о н, Марк Туллий (106—43) — қадимги рим нотифи, файласуфи ва сиёсий арбоби. У реал тасаввурларни нореал тасаввурлардан фарқ қилиш учун мезон йўқ деб ҳисобларди.

Этика муаммолари унинг «Яхшилик ва ёмонликнинг чегаралари тўғрисида», «Бурчлар ҳақида» асарларида баён қилинган. У бахтнинг бирдан-бир манбаи сифатида олий эзгулик, олий фазилат хусусидаги, ахлоқий бурч ва шахсий фойда зиддияти ҳақидаги масалаларни қараб чиқиб, амалий тавсиялар берган. Камолотга эришиш учун тўрт фазилат — донишмандлик, адолат, мардлик, мўътадиллик зарур, деб таълим берган.

23. Э н е с и д е м (I- аср) — юнон скептик файласуфи, Пирроннинг шогирдларидан.

Энесидемнинг фикрича, нарсаларни ҳақиқий билиш мумкин эмас, чунки бизнинг ҳар бир даъвоимизга унга зид бўлган иккинчи даъвони қарама-қарши қўйиш мумкин. Энг яхшиси, умуман ҳар қандай даъволардан воз кечмоқ керак. Чунки фақат шундай қилгандагина, ички ҳузур-ҳаловатга эришиш мумкин. Одатда ҳамма сингари ёки бирон-бир зарур эҳтиёжга кўра хатти-ҳаракат қилмоқ керак, деб айтган. Унинг таълимоти Пиррон таълимотига яқин туради.

24. Л у к р е ц и й Кар (99—35) — римлик файласуф, шоир, Эпикур таълимотининг давомчиси.

Лукрецийнинг фикрича, жон ўлади, чунки у махсус зарраларнинг вақтинча қўшилишидангина иборат бўлиб, жисм ҳалок бўлгандан кейин айрим атомларга парчаланиб кетади. Жоннинг ўлишини эътироф этиш фақат охират дунёга ишонишни эмас, балки у билан бирга охиратда жазоланишга ишонишни ҳам йўққа чиқаради, инсонни дўзахдан қўрқишдан халос қилади. Шу билан бирга ўлимдан қўрқиш ҳам йўқ бўлади, яъни: «*Биз яшаб турган эканмиз — ўлим йўқ; ўлим келгач — биз йўқ*».

2. Милодий асрларнинг буюк файласуфлари

Фалсафани ўрганишдан мақсад киши ўзини ва Олий яратувчисини билишдир.

А. Форобий

25. Эпиктет (милоддан аввалги 50 — милодий 38) — Рим стоицизмнинг вакили, келиб чиқиши — қул. У нарсаларнинг ўзи эмас, балки улар ҳақидаги тасаввурлар кишини бахтли қилади, яхшилик ва ёмонлик нарсаларда эмас, балки уларга бизнинг муносабати-миздадир, шунинг учун бахтли бўлмоқ бизнинг эркимиздадир, деб таълим берган.

26. Марк Аврелий Антоний (121—180) — Рим файласуфи, стоик. 161—180- йилларда Рим императори. Унинг назарияси бўйича, **Худо** бутун мавжудотнинг бош асосидир. У оламий ақл бўлиб, жисм ўлгандан кейин ҳар қандай якка шахсий (индивидуал) онг унга қоришиб сингиб кетади.

27. Гален (131—201) — қадимги Рим табиби, табиатшуноси, антик тиббиётнинг буюк намояндаларидан бири, машҳур файласуф. У Афлотун ва Арасту таълимотларига эргашиб, бир томондан дунёвий ақлнинг мавжудлигини, иккинчи томондан 4 моддий унсур (элемент) — ҳаво, олов, сув, ер табиатнинг асоси эканлигини эътироф этган. Шарқда Жолинус ҳаким номи билан машҳур.

28. Секст Эмпирик (200—280) — юнон файласуфи ва табиби. Унинг таълимоти исботланадиган, шак-шубҳадан ҳоли бўлган билимнинг мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни рад этади. Ҳамма қабул қилиши шарт ҳисобланган бирон-бир илмий, теологик, ахлоқий ва шу каби ҳақиқатларнинг бўлиши мумкин эмаслигини исботлашга уриниб, бу тўғридаги ҳар қандай қарордан, билимдан сақланишни тавсия этган. Токи бу билан руҳий мувозанатга ва хузур-ҳаловатга эришиш мумкин бўлсин. Фалсафанинг мақсади ҳам ана шу руҳий мувозанат ва хузур-ҳаловатни амалга оширишдан иборат.

У ҳаётда табиий эҳтиёжлар, майллар, одатлар, конунлар, анъаналар ва аввало соғлом ақлга амал қилиб иш тутмоқ керак, деб таълим берган. Унинг таълимоти Пиррон ва Энесидем таълимотларига яқин туради.

29. Ал-Киндий Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ (800-879) — араб файласуфи, астрологи, математиги ва табиби.

Шарқ аристотелизмнинг асосчиси. Аристотел асарларига шарҳлар, метафизика, фалсафа, математика, руҳиятшунослик, мусиқа масалаларига доир 200 дан ортиқ асар ёзган, лекин уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келмаган.

Ал-Киндийнинг фикрича, оламларнинг яратувчиси **Аллоҳ**, у азалий ва танҳо, табиатдаги барча нарсалар моддиятдан ташкил топган. Моддият эса олов, сув, ҳаво ва тупроқдан ташкил топган.

Ал-Киндий моддият, шакл, фазо, вақт ва ҳаракатдан иборат 5 субстанция концепциясини илгари сурган. У биринчи бўлиб ақлнинг 4 хил — зарурий, имконий, эришилган ва намоён бўладиган тарзда кўриниши ҳақида фикрлар тизимини ишлаб чиққан.

30. Эригена Иоанн Скотт (815—877) — Францияда яшаган ирландиялик файласуф. Унинг таълимоти бўйича, бутун борлик 4 табиатга бўлинади:

1) яратилмаган, лекин яратадиган табиат — ҳамма нарсаларнинг манбаи бўлган **Худо**. **Худонинг** ўзи яратилмаган, лекин ҳамма нарсанинг бирдан-бир яратувчисидир. **Худо** бешакл-бешамойилдир, ломакондир, уни ифодалаб бўлмайдиган ва фақат нарсаларнинг борлиги орқали пайкалади;

2) яратилган ва яратадиган табиат — биринчи сабаблар сифатида юзага келувчи илоҳий ғоялар; ғоявий оламни **Худо** ўз-ўзидан чиқариб яратган ва **У** абадий мавжуддир;

3) яратилган ва лекин яратмайдиган табиат — ҳиссий идрок қилинувчи олам. Бу олам ягона ғоявий оламнинг кўпдан-кўп нарсаларда кўринишидир;

4) яратилмаган ва ўзини-ўзи яратмайдиган табиат — ҳамма нарсаларнинг туб мақсади сифатида идрок этиладиган **Худо**.

31. Ф о р о б и й Абу Наср (873—950) — марказий осиёлик машхур қомусий олим, файласуф.

Қадимги юнон мутафаккирлари Афлотун, Арасту, Евклид, Птолемей, Порфирий асарларини таржима қилиб, уларга шарҳлар ёзган, илмий фикрларини ривожлантирган. Юнон илмини яхши билгани учун у Шарқ Арастуси, яъни «Иккинчи муаллим» деган номни олган.

Унинг таълим беришича, нарсаларни ижод этувчи **Худо** ўзининг яратган нарсаларидан ташқарида эканлигини ва ундан бошқа яратгувчининг йўқлигини аниқ, ёрқин белгилар ва ишонарли ғаройиботлар амалда мавжудлиги сабабли исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

У материя, моддий асос, моддий бошланғич 5 та деб тушунган, булар: тупроқ, сув, ҳаво, олов ва осмон.

Ердаги барча жисмлар шу тупроқ, сув, ҳаво ва оловнинг турлича миқдорда қўшилишидан таркиб топади.

Осмон ўз табиатига кўра доим ҳаракатда бўлганлиги сабабли, у қолган 4 моддиятни ҳаракатга келтиради, уларни аралаштиради ва қўшади. Осмон бўлмаганда улар ҳаракатга келмас ва ўзаро қўшилмас эди.

Осмон бешинчи моддият эканлигининг исботи унинг совуқ ҳам, иссиқ ҳам, нам ҳам, қуруқ ҳам, енгил ҳам, оғир ҳам эмаслигидадир. Демак унинг табиати бу тўрт моддиятдан ташқарида экан.

Бу тўрт унсурнинг ҳар бири ўзига хос хоссага эга: олов — иссиқлик, сув — совуқлик, тупроқ — қаттиқлик, ҳаво — юмшоқлик сабаби. Жисмларнинг турлича хоссалари — ранги, иссиқ-совуқлиги, қуруқ-хўллиги, қаттиқ-юмшоқлиги, таъми, ранги ва бошқалари ана шу 4 хил унсурдан — моддадан вужудга келади, деб айтган.

Субстанция — модда, материя тушунчасига тенг. У шу тўрт унсурдан ташкил топади. Бу унсурлар қўшилувидан мураккаб жисмлар вужудга келиб, бу жисмлар субстанцияни ташкил қилади.

Жисмларнинг ўзгарувчи хоссалари *акциденцияни* ташкил этади (жисмларнинг миқдори, оғир-енгиллиги, ранги, ҳиди, ҳажми ва бошқалари).

Акциденциялар олдинги ҳолатини йўқотиб, бошқа ҳолатга киради, аммо субстанция, яъни 4 унсур асос бўлиб қолаверади.

Табиат субстанциялардан ташкил топиб, ўз қонуниятларига эга ва унда ҳеч қандай ходиса сабабсиз вужудга келмайди, сабаб эса оқибатни — натижани келтириб чиқаради. Сабабсиз оқибат (натижа) бўлмайди, оқибатсиз сабаб бўлмайди.

Лекин бошланғич сабаб, яъни биринчи туртки илоҳий сабабдир. **У** табиатдан, оламдан (макондан) ташқарида бўлганлиги учун инсон **Уни** билиши мумкин эмас.

Шунинг учун оламнинг, табиатнинг яратилиши улуғ зот — **Худо** томонидан амалга оширилганлиги бош сабаб — биринчи туртки натижасида, деб исбот қилинади.

Худо олам ва табиатга ривожланиш, яшаш, ўзгариш қонуниятларини берган. Табиатдаги объектив, субъектив барча қонуниятлар шулар жумласига киради. **Худо** оламдан, бизнинг фикр доирамиздан ташқарида бўлганлиги учун ташқаридаги номаълумлик тўғрисида мунозара, муҳокама юритиш беҳуда сафсата сотишдан бошқа нарса эмас.

Форобий инсон тана ва жоннинг бирлигидан иборат, танасиз жон йўқ, лекин тана ўлимидан сўнг жон сақланиб, кайҳоний умумий жонга қўшилиб кетади ва инсоннинг маънавий ютуқларини ўзида сақлаб қолади, деб таълим берган.

Форобий Аристотелнинг ноаниқ жумлаларни қўллашига 3 нарса сабабчи деб кўрсатади:

- 1) ўқувчининг фалсафа илмини ўрганишга қобилиятини синаб кўриш учун;
- 2) фалсафани барчага тушунарли қилиб эмас, балки унга муносиб одамларгагина тушунарли қилиб бериш учун;

3) фикрни қийин масалалар билан машқ қилдириш учун.

Тарбия борасида у муаллим шогирдга нисбатан ўта ҳокимликка (қаттиққўлликка) ҳам, бўшлиқка ҳам йўл қўймаслиги лозим, чунки ўта ҳокимлик шогирдда муаллимга нисбатан нафрат уйғотади, агар шогирд муаллимнинг бўшлигини сезса, унда муаллимга ва ўқиётган илмига нисбатан совиш ва менсимаслик пайдо бўлади, деб айтган.

Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бунга илм ва яхши, эзгу ахлоқ ёрдамида эришилади, деб таълим беради.

Форобий фалсафа илмини ўрганишдан мақсад ягона, олий яратгувчини билишдир, деб таълим берган.

32. Б е р у н и й Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973-1048) — қадимги Кот шаҳрида (Хоразм) туғилиб Ғазна (Афғонистон) шаҳрида вафот этган. Улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан. Ўз замонасида деярли ҳамма фанларни, биринчи навбатда фалакиёт (астрономия), физика, риёзиёт (математика), фалсафа, илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган.

Беруний шоир ва адабиётшунос ҳам бўлиб, араб, сўғдий, форс, сурёний, юнон, санскрит ва қадимги яҳудий тилларини ҳам яхши билган, 152 илмий китоб ва рисоалар ёзиб қолдирган. Булардан 70 таси фалакиёт, 20 таси риёзиёт, 12 таси география ва геодезия, 3 таси маъданшунослик, 4 таси харитография, 3 таси иқлимшунослик, бири физика, бири доришунослик, 15 таси тарих ва элшунослик, 4 таси фалсафа, 18 таси адабиёт ва бошқа фанларга оиддир. Афсуски, ҳозирча унинг 28 асаригина маълум.

Унинг билиш назариясига кўра, билишнинг асоси бизнинг дунё ҳақидаги билимларимиз манбаи бўлмиш сезги аъзолари орқали олинган билимлардир. Беруний ҳамма нарсаларнинг ер маркази томон тортилиши ҳақидаги фикрни олға сурган. Мамлакатнинг ободончилиги илм-фаннинг гуллашига боғлиқ, одамнинг бахти эса унинг билим ва маърифатида, деб ёзади.

Беруний **Аллоҳ**ни биринчи яратувчи эканлигини эътироф этади. Лекин олам кейин табиий равишда, қандайдир ғайри табиий куч таъсирисиз ривожланади, деб ҳисоблайди.

У коинотда Ердан, бизнинг ҳаётимиздан ташқари яна бошқа дунёлар мавжудлиги ҳақидаги, ҳаракат зиддиятга асосланишини, моддият шаклининг узлуксиз — ўзгариб янгиланиб туриши ҳақидаги илмий фикрларни олға суради. Ўзининг ижтимоий қарашларида жамоа ва тил инсонларнинг бирлашувига бўлган эҳтиёжи асосида келиб чиққан, деб таълим беради.

Фалсафада «икки ҳақиқат» назариясини ривожлантириб, фан очган янгиликлар илмий ҳақиқат, пайғамбарлар орқали **Аллоҳ** юборган ваҳй диний ҳақиқат, улар бир-биридан мустасно деган таълимотни илгари суради. Бу ўрта аср мухитида фан тараққиётига йўл очиш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган эди. Бу таълимотни Берунидан кейин Шарқ мутафаккирларининг авлодлари давом эттирганлар.

33. А б у А л и и б н С и н о (980 — 1037) — жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган қомусий олим: табиб, табиатшунос, файласуф, астроном, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, ахлоқшунос, тилшунос, адиб ва шоирдир. Марказий Осиё халқлари маданиятини ўрта аср шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторларига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан. Европада у Авиценна номи билан машҳур.

Ибн Сино Бухоро вилояти, Пешку тумани, Афшона қишлоғида 980- йил туғилиб, 1037- йил Исфажон шаҳрида 57 ёшида қуланж касаллигидан вафот этган. Исми Хусайн, отасининг исми Абдуллоҳ, онасиники Ситора бону.

Ибн Сино ёзган асарлари 280 дан ошиқ. Шулардан 40 дан ортиғроғи тиббиёт, 30 га яқини табиий фанлар бўйича, 3 рисола мусиқа, 185 рисола фалсафа, мантик, руҳиятшунослик, теология, этика ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган. Бизгача 160 га

якин асари етиб келган.

У машхур файласуфлардан бўлиб, унинг илмий меросида фалсафий масалалар катта ўринни эгаллайди. Уни Шарқда файласуф, «ҳаким» яъни буюк табиб номи ва ундан ҳам ҳурматлироқ бўлган «Шайх ур-раис» лақаби билан атаганлар.

Унинг «Тиб қонунлари» китоби Шарқ ва Ғарб мамлакатларида 600 йил давомида шифокорлар учун асосий қўлланма бўлиб келган.

Фалсафа масаласида Ибн Сино, оламда барча нарсалар иккига бўлинади: зарурий вужуд (вужуди вожиб) ва имконий вужуд (вужуди мумкин) деган.

Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у иродаси ва қудрати бениҳоя, доно **Тангри таолодир**. Қолган ҳамма нарсалар имконий тарзда мавжуд бўлиб, зарурий вужуд — **Тангри таолодан** келиб чиқади. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин сабаб ва оқибат муносабатидир. Бу жараён эманация тарзида, Қуёшдан нур қандай ажралиб чиқса, **Тангридан** моддият ҳам шундай ажралиб чиққан, деб ҳисоблаган. Шу тартибда ақл, жон, нафс ва жисм келиб чиқади. Мавжуд нарсаларга айланади.

Ўз моддийлиги бир бутун бўлган табиат ўзининг ички қонуниятлари асосида ривожланади, табиий ҳодисалар сабабий боғланишида, моддиятнинг энг содда, бўлақларга бўлинмайдиган шакли тўрт унсур — ҳаво, олов, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг турлича ўзаро бирикуви натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар ўзгариб, турли шаклларга эга бўлади. Лекин уларнинг моддий асоси бўлган 4 унсур йўқолмайди, абадий сақанади, деб эътироф этади у.

Унинг фикрича, аввал тоғ-тошлар, сўнг ўсимлик, ҳайвонот ва таракқиётнинг якуни сифатида инсон вужудга келган. Инсон бошқа барча махлуқотлардан сўзи, нутқи, ақли ва тафаккур қилиши билан фарқ қилади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, мантиқ инсонга шундай бир қоида берадики, бу қоида ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сақланади. Мантиқ ёрдамида инсон ҳақиқий билимни ёлғондан ажратади ва номаълум нарсаларни ўрганади.

34. Ч ж а н Ц з а й (1020—1077) — Хитойда конфуцийчиликнинг асосчиларидан бири. Унинг таълимотига кўра, оламдаги бутун мавжудот бош материя — Цидан ташкил топган. Ци ҳаракат ва осойишталик хоссасига эга. Табиат илдиз бўлса, ақл унинг маҳсулидир. Бош материя — Цининг бош ҳолати «Буюк бўшлиқ» бўлган. Бош материя ана шу «Буюк бўшлиқ»да тарқалади. Унинг тўпланиши сувнинг музга айланишига ўхшайди.

Бош материянинг тўпланиши ва тарқалиши барча ҳодисалар ва нарсаларнинг туғилиши ва ҳалок бўлишини белгилайди.

Бош материянинг ҳаракати ва ўзгариши икки ўта қарама-қаршилиқнинг: ижобий — Ян ва салбий — Иннинг ўзаро бир-бирига таъсири билан амалга ошади. Табиатдаги ҳаракат тартибсиз эмас, бу ҳаракат бош материя — Цининг ўзига хос қонуни (Ли) билан белгиланади. Бу қонун эса кишиларнинг иродасига боғлиқ эмас.

35. И м о м Ғ а з о л и й, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059 — 1111) йирик Ислом илоҳиётчиси, файласуф.

Ғаззолий Ислом илоҳиёти тизимини ишлаб чиққан ва уни фалсафий асослаган. У дунё қонуниятларини ақл орқали билиш мумкинлигини эътироф этган. **Худои таолони** ақл орқали тўлиқ англаш мумкин эмас, уни маҳсус руҳий, жисмоний психофизик ҳаракатлар — сиғиниш ва ибодатлар орқали англаш мумкин деб ҳисоблаган.

Унинг фикрича, жон **Худо** сингари фазодан ташқарида, олам **Худо** томонидан яратилган. У Ислом ақидаларини неоплатонизм ғоялари билан қўшган ва Сўфийликни ортодоксал Ислом билан бирлаштирган.

Нишопур (Эрон) ва Бағдодда таълим олган. Шу ерда фалсафа билан кўп йиллар шуғулланган. Кейинчалик мударрислик лавозимидан воз кечиб 11 йил зоҳидликда ҳаёт кечирган. Асосий асарлари: «Файласуфларни рад этиш», «Саодат кимёси», «Диний илмларни тирилтириш» ва бошқалар.

36. И б н Р у ш д, Абулвалид Муҳаммад (1126—1198), Лотинча «Аверроэс» номи билан машҳур. У ўрта асрнинг машҳур мутафаккирларидан. Испаниянинг Кордова шаҳрида туғилган, Марокашда вафот этган.

Унинг замондошлари: «*Арасту табиатни, Ибн Рушд эса Арастуни тушунтириб берди*», дейишган.

Ибн Рушд моддий дунё абадий, унинг боши ҳам йўқ, охири ҳам бўлмайди, деб кўрсатган. Унинг таълимотича, моддий дунё фазода чеклангандир.

У ҳаракат абадий ва тўхтовсиз мавжуд, чунки янги ҳаракатни ҳамма вақт эски ҳаракат вужудга келтиради, дейди.

Ибн Рушд **Аллоҳ**нинг бору бирлигини эътироф этган. У «Икки ҳақиқат» — диний ва фалсафий ҳақиқатларни бир-биридан ажратган, яъни фалсафада ҳақиқий илмлар динда нотўғри бўлиши ва аксинча, диндаги ҳақиқат фалсафада янглишув бўлиши мумкин деган таълимотни ривожлантирган.

«Икки ҳақиқат» назарияси — фалсафа ва илоҳиёт ҳақиқатни билиш ҳамда **Жудого** яқинлашишнинг икки мустақил йўли, деб талқин этувчи таълимот бўлиб, бу таълимот Шарқ фалсафаси тарихида узоқ эволюцион йўлни босиб ўтган. Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирлари Фөробий, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар бу назарияга қўшилганлар ва бу уларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу таълимот Ибн Рушд фалсафасида такомилга етган.

Ибн Рушднинг қарашларига кўра, фалсафа атрофдаги оламни ақл-идрок билан билиш орқали инсонни ҳақиқатга олиб боради, илоҳиёт эса ваҳйга асосланган билиш орқали ҳақиқатни очиб беради.

Унинг таъкидлашича, руҳ киши танаси билан мустаҳкам алоқада. Ибн Рушд: «*Рух ўлмайди, охират бор*», дейиш бўлмағур гаплардир, деб айтган.

Ибн Рушд, киши олий камолотга зикру сано орқали эмас, балки илмий-фалсафий билим орқали эришади, деб таъкидлаган.

У адолатли жамият қуришни, хотин-қизларга тенг ҳуқуқ берилишини, ҳурлик ғояларини тарғиб қилган. Унинг таълимоти Шарқдагина эмас, балки Ғарбий Европа мамлакатларида фалсафий фикрларнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Ибн Рушд тиббиёт соҳасида ҳам бир неча асар ёзиб қолдирган.

37. И б н Х а л д у н, Абу ар-Раҳмон Абу Зайд (1332 — 1406) — машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири. Тунисда туғилган. Дастлаб Фес султонида хаттот-котиб бўлиб хизмат қилган. Кейинроқ Шимолий Африка давлатларида ва Андалусияда олий лавозимларда ишлаган. 1382-йилларда Қоҳирага келиб мадрасада мударрислик қилган. Умрининг охирларида моликийлар мазҳаби қозиси бўлиб хизмат қилган, кўп асарлар ёзган. Асосий асари «Китоб ул-ибар» («Ибратли масалалар китоби») бўлиб, 1370-йилда ёзилган.

Ибн Халдун бу асарда ўзининг тарихий ижтимоий назариясини баён қилиб, ахлоқ ва ижтимоий масалалар кишилар турмуши билан боғлиқлигини, ҳамда меҳнат ва кишиларнинг ўзаро муносабати жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлишлигини таъкидлаган.

У мўътадил иқлимли мамлакатларда яшовчи аҳолига, айниқса, шаҳар аҳолисига қараганда жисмоний ва маънавий устунликка эга бўлган кўчманчилар тарихнинг фаол кучи ҳисобланади, деган назарияни баён қилган. Яна у кишилар турмуши турли географик, табиий ва моддий омилларга боғлиқлигини айтиб, тарихий ижтимоий тараққиёт ана шу омилларга асосланиши ҳақидаги фикрни илгари суриб социология фанини ривожлантирган.

Ибн Халдун италия мутафаккири, маърифатчи файласуфи Макиавелли (1469-1527) ва француз маърифатчи файласуфи Монтестье (1689-1755) ларнинг дунёқарашларига катта таъсир кўрсатган.

38. М а к и а в е л л и, Никколо де Бернардо (1469—1527) — италиялик мутафаккир. Тарихнинг ривожланишига моддий манфаат ва куч асос бўлади, деб айтган

ва кучли миллий давлат тузишни ёклаб чиққан. Сиёсий курашда буюк мақсадлар учун ахлоқ қонунларини менсимаслик ва бу йўлда ҳар қандай воситаларни ишга солиш жоиз, деб ҳисоблаган.

Ҳукмдорларнинг ҳокимият учун олиб борган курашида шафқатсизлик ва хиёнаткорликни ҳақ деб билган.

39. М а р т и н Л ю т е р (1483—1546) — реформациянинг таниқли арбоби, христианликдаги протестантизм оқимининг асосчиси. Библиянинг Лютер томонидан қилинган таржимаси умуммиллий немис тилининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

У черковнинг ва руҳонийларнинг инсон билан **Худо** ўртасида воситачилик ролини инкор этган. Инсоннинг «халос бўлиши» фақатгина хайрли ишларни, диний маросимларни адо этиш эмас, балки эътиқоднинг самимийлигига боғлиқдир; диний ҳақиқат манбаи «Муқаддас ривоят», черков йиғинларининг қарорлари, папаларнинг муҳокамалари эмас, балки Инжилнинг ўзидир, деб таълим берган.

40. Ж а н К а л ь в и н (1509-1564) — франциялик файласуф, давлат арбоби. 1536-йилдан Женевада яшаган. Дунёвий ҳокимиятни черковга бўйсундиришга эришиб, 1541-йилда шаҳарнинг ҳақиқий диктатори бўлиб олган. Христианликдаги протестантизм оқимига асос солган.

Унинг таълимотининг асосини **Худо** баъзи кишиларнинг тақдирига «халос бўлишни» ва баъзи кишиларнинг тақдирига «қарғишга қолишни» олдиндан ёзиб қўйганлиги ҳақидаги ғоя ташкил этади. Инсон ҳаётида мўътадиллик ва тежамкорликни энг яхши фазилат деб билган. Аскетизмни тарғиб қилган. У бошқача фикр қилувчиларга душманларча қараган. 1553-йилда унинг буйруғи билан олим Сервет ўтга ташлаб куйдирилган. 1536-йилда ўзининг «Христианлик диний эътиқодидаги панд-насихатлар» асарини ёзиб тугатган.

41. Б э к о н Ф р е н с и с (1561—1626) — инглиз файласуфи. Қиролликда «лорд-канцлер» лавозимида ишлаган.

У ишончли билим олиш учун, биринчидан, ақлни унга соя солиб турган янглишишлардан тозалаш керак деб ҳисоблаган. Бу янглишишлар одамзодга хос бўлган ақл мойилликларидан, яъни кишининг у ёки бу ишларга, таълимотларга, эътиқодларга, айрим билимларга, кишиларга мойилликларидан туғилади. Иккинчидан, бировларнинг фикрларини нотанқидий ўзлаштиришдан. Учунчидан, тилни, атамаларни номукамал ва ноаниқ қўллаш натижасида нотўғри фикр юритишдан пайдо бўлади. Ана шу уч нарсадан эҳтиёт бўлиш, ишончли билим олиш гаровидир, деб таълим берган.

42. Б ё м е Я к о б (1575 — 1624) — немис файласуф-пантеисти. Унинг фикрича, **Худо** ва табиат бирдир, табиатдан ташқари ҳеч нарса йўқ. Ҳамма нарсада зиддият бор, ҳатто **Худо**да ҳам яхшилик ва ёмонлик мавжуд. Ана шу иккиёқламаликни у оламнинг ривожланиш манбаи деб билган.

Яхшилик ва ёмонлик ахлоқ-этика категорияларидан бўлиб, бирон-бир қилинган ишга, фаолиятга ахлоқий баҳо беришдир.

Яхшилик жамият тақлид қилишга лойиқ деб ҳисоблаган ахлоқ-одобдир. Ёмонлик эса унинг зидди бўлиб, қораланиши лозим бўлган ахлоқсизликдир, деб айтган.

43. Г а с с е н д и П ь е р (1592—1655) — француз файласуфи. Унинг таълимотларининг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

— макон ва замоннинг объективлигини, уларни яратиб ёки йўқ қилиб бўлмаслигини таъкидлаган;

— этикада у черковнинг таркидунёчилик ахлоқига қарши чиқиб, Эпикур сингари у ҳам ҳар қандай мамнуният ўз-ўзича саодатдир, ҳар қандай фазилат қанчалик ҳузур-ҳаловат бахш этса, шунчалик саодатлидир, деб уқтирган;

— «ҳаётий жон»дан ташқари, яна ғайриҳиссий «ақлий жон» ҳам бор, деб ҳисоблаган.

— энг яхши давлат тузуми — чекланмаган монархия, деб билган.

44. Декарт Рене (лотинча **Картезий**; 1596—1650) — француз файласуфи, математиги, физиги, физиологи.

Декартнинг фикрича, ҳаракатнинг умумий сабабчиси **Худо**дир. Материяни, ҳаракат ва осойишталикни **Худо** яратган. **Худо** материяда ҳаракат ва осойишталикнинг айна бир миқдорини сақлаб туради.

Унинг таъкидлашича, моҳият кўламда бўлган жисмдан фаркли ўларок, жоннинг моҳияти тафаккурдадир. У ҳайвонларни жондан ва фикрлаш қобилиятидан маҳрум бўлган автоматлар деб билган. Билимнинг туб вазифаси бўлган инсон табиатини такомиллаштиришга эришмоқ учун Декарт ҳамма нарсанинг мавжудлигидан дастлаб шубҳаланмоқ зарур, деб ҳисоблаган.

Декарт: «Фикрлайман — демак мавжудман», деган қондани илгари сурган.

45. Спиноза Барух (Бенедикт; 1632—1677) — нидерланд файласуфи. Унинг ушбу нуқтаи назари айниқса диққатга сазовор:

— фақат яратгувчи табиат, субстанция — **Худо**. Фақат **У** абадий мавжуддир. **У** ўзига ўзи сабабчидир ва ўзининг борлиғи учун бошқа ҳеч нарсага муҳтож эмас;

— инсоннинг ўзи ҳам, унинг ақли, руҳи ҳам табиатнинг бир қисмидир;

— ҳаётнинг мураккаблиги ақл ва эҳтирослардан ёки эффектлар — шодлик, қайғу, кўмсашлардан иборат;

— инсоннинг иродаси ва ақли бир хилда; ўзини сақлашга интилиш ва манфаат, ўз фойдасини кўзлаш инсоннинг ўзини ва хулқ-атворини ҳаракатга келтиради;

— диннинг мақсади нарсаларнинг табиатини билиш эмас, балки фақат кишиларни ахлоқий ҳаёт тарзида яшашга ундашдир. Дин ҳам, давлат ҳам фикр эркинлигига тажовуз қилмасликлари лозим.

Унинг инсон ҳақидаги таълимоти, қондалари бўйича, бениҳоя хусусиятларга эга бўлган яратгувчи субстанция — **Худонинг** моҳиятини, ҳақиқатни билиш учун бениҳоя даражадаги ақл керак бўлади. Бениҳоя ақл бениҳоя субстанциянинг барча кўринишларини ёки аспектларини пайқаб ола билган бўлур эди. Лекин бизнинг ниҳояли инсоний фаросатимиз унинг моҳиятини фақат икки аспектда — кўлам сифатида ва тафаккур сифатида бениҳоя моҳият деб пайқайди.

Спинозанинг фикрича, инсон бир зот. Унда кўлам модусига, яъни тана, тафаккур модусига руҳ мувофиқ келади. Ҳар иккалови бўйича ҳам инсон табиатнинг бир қисмидир.

Иродани у ақл билан бир қилиб кўрсатган.

46. Локк Жон (1632—1704) — инглиз файласуфи. Унинг фикрича, бизнинг вазифамиз ҳамма нарсани эмас, балки фақат бизнинг хатти-ҳаракатимиз ва амалий ҳаётимиз учун муҳим бўлган нарсани билишдан иборат. Бундай билимни бизнинг бор қобилиятимиз батамом таъминлайди.

Давлатнинг вазифаси эркинликни ҳамда меҳнат воситаси билан орттирилган мулкни сақлашдир.

47. Лейбниц Готфрид Вильгельм (1646—1716) — немис файласуфи, олими, жамоат арбоби. Унинг фикрича, олам ва уни тўлдирувчи вужудлардан ҳар бири ўз кучлари билан ривожланади. Бу кучларни **Худо** ўзи яратган энг яхши тартибли оламини азалдан белгилаб қўймоқ учун шундай тарзда яратган ва танлаб қўйган.

48. Мандевиль Бернард (1670—1733) — инглиз насихатгўй файласуфи.

У мажозий тарзда инсоннинг ёмон кирдикорлари бўлиши муқаррар, кишиларнинг салбий сифатлари умуман жамият тараққиёти учун шарт, худбинлик эса шахсий ва ижтимоий такомиллашувнинг яширин пружинасидир, деган фикрни баён қилган.

Социал тенгсизлик шароитида ёмонликнинг бўлиши муқаррарлиги ва ҳатто фойдалилиги ҳақидаги ғояни биринчи бўлиб Мандевиль айтган ва сўнгра уни Гегель ривожлантирган. У дунёда фойдасиз ҳеч нарса йўқ, ҳатто фойдасизликнинг ўзи ҳам фойдалидир, деган эди.

49. Б е р к л и Жорж (1685—1753) — инглиз файласуфи, субъектив идеалисти.

У инсон фақат ўз «ғоялари»ни (сезгиларини) бевосита идрок қилишига асосланиб, нарсаларнинг мавжудлиги уларнинг идрок этилишидан иборат, деган хулосага келган. Ғоялар пассивдир, уларни жисмсиз субстанция, руҳ идрок этади. Бу субстанция, руҳ фаол (актив) дир ва у ғояларни идрок этиш, уларни вужудга келтириш ёки уларга таъсир кўрсатиш қобилиятига эгадир.

У руҳий субстанцияларнинг кўплигини ҳамда «ниҳоясиз руҳ» — **Худо**нинг мавжудлигини эътироф этган. Ғоялар потенциал равишда илоҳий ақлда мавжуд бўлиб, улар инсон ақл-фаросатида актуал мавжудликка эга бўлади. Кейинчалик у ғоялар **Худо**нинг ақлида абадий мавжудлигини эътироф этган.

Беркли материя тушунчаси ички томондан зиддиятли ва билиш учун бефойда, деб айтган.

У олимнинг вазифаси «*Ҳамма нарсанинг фақатгина жисмоний сабаблар билан изоҳланишини даъво қилмасдан, балки яратгувчининг «тилини» ўрганиб олишдан иборат*», деб ҳисоблаган.

50. В о л ь т е р Франсуа (1694—1778) — француз файласуфи, тарихчиси, ёзувчиси.

Унинг фалсафий таълимоти:

— **Худо** халлоқ, яратгувчи, яъни «биринчи туртки» мавжуддир;

— табиатнинг ҳаракати **Худо**нинг абадий қонунларига мувофиқ содир бўлади, **Худо** табиатдан ажралмасдир;

— онг материянинг хоссаси бўлиб, фақат тирик жисмларга — жонзотларга хос, унга фикрлаш қобилиятини **Худо** ато қилган;

— билим ва тажриба «олий ақл» ва коинот «меъмори» мавжудлигидан дарак беради;

— жамият бойлар ва камбағалларга бўлиниши муқаррар бўлганлиги учун хусусий мулкни рад этиш мумкин эмас, дейди.

Дастлаб у оқилона давлат тузумини конституцион монархия, кейинчалик эса республика деб билган.

51. Ю м Давид (1711—1776) — инглиз файласуфи, психологи, тарихчиси.

Билимнинг вазифаси борлиқни пайқашда эмас, балки амалий ҳаёт учун қўлланма бўлиш қобилиятида, деб билган.

Вокелик фақат «таассуротлар» оқимидир. Уларнинг сабаблари номаълум ва уларни пайқаб бўлмайди деган.

У объектив олам мавжудми ёки мавжуд эмасми, деган масалани ҳал қилинмайдиган масала деб ҳисоблаган. Этика соҳасида фойдалиликни ахлоқ-одоб мезони деб эълон қилган. Дин фалсафасида у коинотдаги тартибот сабабларининг ақл билан ўхшашлиги бор деб айтган.

52. К а н т Иммануил (1724—1804) — немис файласуфи ва олими, мумтоз идеализм отаси.

Планета тизимининг пайдо бўлиши ва эволюцияси дастлабки «туманлик»дан келиб чиққан деган. Инсон айна бир вақтда ҳам эркин, ҳам эркин эмасдир. Ҳодисалар оламидаги вужуд сифатида эркин эмасдир. Билиб бўлмайдиган ғайриҳиссий оламнинг субъекти сифатида эса эркиндир. **Худо** эътиқоднинг зарурий постулати (аксиомаси) бўлиб, бизнинг оламда ахлоқий тартиб борлигига ишончимиз ана шунга асосланган, деб ҳисоблаган.

У этикада шундай тамойилни илгари сурганки, бу тамойилга асосан, ҳар бир шахснинг ўз кадр-қиммати ўзи учун шундай улуғ бўлиши керакки, бу кадр-қиммат ҳатто бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳам қурбон қилинмаслиги лозим.

Нарсаларнинг тўла моҳиятини билиш учун инсон ақлининг имконияти йўқ деб айтган. Эстетикада у поэзияни санъатнинг олий тури деб атаган, чунки поэзия ҳар қандай идеални тасвирлай олиш даражасигача юксакликка кўтарилиши мумкин деб ҳисоблаган.

53. Л о н д о р с е Жан Антуан (1743—1794) — француз файласуфи ва маърифатчиси. У ўз таълимотларида мулкий тенгликни қоралаб, мулкий тенгсизликни жамият учун хатто фойдали деб ҳисоблаган.

54. Л а м а р к Жан (1744—1829) — француз табиатшуноси. У материя ўз-ўзича ҳаракат қилиш қобилиятига эга эмас, тирик нарса ҳам, нотирик нарса ҳам «илоҳий ички мақсад» туфайли йўлланиб турилади деб ҳисоблаган. У илоҳий биринчи турткини эътироф этган.

55. М а л ь т у с Томас Роберт (1766—1834) — машҳур англиз иқтисодчиси, файласуфи, руҳонийси, профессори. Мальтусчилик социологик доктринасининг асосчиси. Унинг «Аҳоли ҳақида қонун тажрибаси» асарида кўрсатилган қонунга кўра, аҳолининг ўсиши геометрик прогрессияда, тирикчилик воситаларнинг ўсиши эса фақат арифметик прогрессия тартиби бўйича содир бўлади. Унинг таъкидлашича, инсониятнинг бундай тезкор кўпайиши, пировардида моддий неъматларнинг етишмаслигига ва ер юзида кишилик жамиятини очлик балосига гирифтор бўлишига олиб келади. Мальтус, аҳолини кўпайиши билан тирикчилик воситаларининг кўпайиши ўртасидаги бундай номутаносиблик очарчилик, эпидемиялар, урушлар, табиий офатлар, хаддан ташқари оғир меҳнат ва ҳоказолар воситаси билан тартибга солиниб турилади, деб таълим берган.

Бундан ташқари, у аҳоли ўсишининг олдини олиш учун никоҳларни, туғилишларни тартибга солиш каби тадбирлар ҳам қўлланилмоғи лозим деган. Бунинг учун оммани маърифатли қилиш орқали кўпайиш инстинктини ахлоқий томондан ҳам чеклаш аҳолининг ортишига қарши осон, беозор ва таъсирчан восита, деб ҳисоблаган (Оз бўлсину соз бўлсин!). Ана шу назарияни амалий қўллаш орқали биз инсониятнинг ниҳоят даражада хўрланишини олдини олган бўлур эдик, деб айтган. Бу фикрни айниқса ҳозирги замонда ўрганиш муҳим ва зарурдир.

Арифметик прогрессия:

$$1+1=2+2=4+4=8+8=16+16=32+32 = 64 \text{ ва х. к.}$$

Геометрик прогрессия:

$$1 \cdot 1 = 1 \cdot 2 = 2 \cdot 2 = 4 \cdot 4 = 16 \cdot 16 = 256 \cdot 256 = 65536 \text{ ва х. к.}$$

56. Г е г е л ь Георг, Вильгельм Фридрих (1770—1831) — машҳур немис файласуфи, немис мумтоз фалсафасининг асосчиси. Амалдор оиласида туғилган.

Гегель фалсафаси немис идеалистик фалсафасининг якуни ва чўққиси бўлди. Унинг фикрича, дунё асосида «руҳий олам», яъни «мутлақ ғоя», «мутлақ руҳ», «илоҳий онг» ётади. У абадий ҳамда табиатга ҳам, инсонга ҳам боғлиқ эмас. Бутун реал борлиқ — табиат, жамият «мутлақ ғоя»нинг инъикоси (кўриниши), фикрловчи мавжудот — яъни одам шу ғоянинг маҳсули, деб таълим берган. У реал оламини ғоянинг, тушунчанинг, руҳнинг зухуроти деб тушунтирган.

Гегелнинг фикрича, давлатнинг энг олий шакли — конституцион монархия, санъатнинг энг олий кўриниши — поэзия, фалсафа тараққиётининг энг олий нуқтаси — объектив идеализмдир.

У таърифлаб берган уч асосий қонун айниқса машҳур:

— қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни;

— микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни;

— инкорни инкор қонунлари.

Бундан ташқари, у диалектик методни асослаб, конкретлаштириб берди:

— моҳият ва ҳодиса;

— умумийлик ва алоҳидалик;

— тасодиф ва зарурият;

— сабаб ва оқибат (натижа) каби фалсафий категорияларга таъриф берди. У тафаккур билан борлиқ айнан бир хил деган. Бутун тарихий жараён «мутлақ ғоя»нинг қонунларига кўра ўз-ўзидан ривожланади, деб айтган.

Гегель таълимоти кекса гегелчилар ва ёш гегелчилар томонидан икки хил оқимга бўлинди. Улар ўртасидаги мунозара, келишмовчиликлар асосан дин устида борди. Ёш гегелчилар динни танқид қилиб, дин мамлакат тараққиётига тўсқинлик қилувчи куч, дин давлатнинг «ақлини пасайтиради» ва давлатга қарши нодон омма хукмронлигини ўрна-тиш хавфини туғдиради, деган фикрда турадилар.

Гегель: *«Илоҳий тақдир жаҳон воқеаларини бошқариб туради»*, деб эътироф этган.

57. Фейербах Людвиг (1804—1872) — машхур немис файласуфи.

Фейербах фалсафасининг асосий мазмуни ва маъноси моддиюнчиликни қаттиқ туриб химоя қилиш бўлди. Лекин у тарихни тушунишда бутунлай идеализм тарафида бўлган. Динга у инсон хоссаларининг бегоналашуви деб қараган; инсон бамисоли иккиланиб, **Худо** қиёфасида ўзининг асл моҳиятини мушоҳада қилади. Шундай қилиб, дин инсоннинг «ўз ўзини онгсиз англаши» бўлиб чиқади. Бундай иккиланишнинг сабаблари инсоннинг табиат ва жамиятнинг стихияли кучларига қарамлигини ҳис этишидадир, деб таъкидлаган.

У ахлоқ принципларини ҳам инсонга азалдан хос бўлган бахтга интилишдан келтириб чиқаради. Унинг фикрича, ҳар бир киши ўз эҳтиёжларини оқилона чеклаб, бошқа киши-ларга меҳр-муҳаббат билан қарагандагина бахтга эришиши мумкин.

58. Штирнер Макс (1806—1856) — машхур немис файласуфи, анархик индивидуализм асосчиси.

Унинг фикрича, яккаю ягона реаллик — «мен» эгоистдир (худбин), бутун дунё эса унинг мулкидир. У ахлоқ, ҳуқуқ, қонун, жамият ва шу қабиларни улоқтириб ташлаган ва уларни «шарпалар» деб атаган. Бу билан у индивидуал онгни «ортиқча даҳмаза»лардан тозалаш керак, деб ҳисоблаган. Ҳар бир кимсанинг ўзи ахлоқ ва ҳуқуқ манбаидир. Якка шахс учун «мендан аълороқ нарса йўқ» деган қоида қўлланма бўлмоғи лозим, деган. Унинг фикрича, хусусий мулк сақланиши ҳамда «муқаддас» бўлмоғи керак, чунки унда «мен»нинг ўзига хослиги ифодаланган.

Унинг ижтимоий идеали «эгоистлар иттифоқи»дир. Бу иттифокда ҳар бир кимса иккин-чи кимсани фақат ўз мақсадларига эриштириш воситаси бўлиши керак, деб ҳисоблаган.

Унинг эгоистик таълимоти баъзи бир жиҳатдан Кантнинг: *«Ҳар бир шахснинг қадр-қиммати ҳатто бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳам қурбон қилинмасли-ги лозим»*, деган фикрига яқинроқ туради. (Худбинлик — эгоистлик, ўз-ўзини севишнинг меъёридан ортиб кетишидир.)

59. Гогоцкий Сильвестр Сильвестрович (1813—1889) — машхур рус файласуфи.

У фалсафанинг вазифаси табиий ва ахлоқий оламнинг ақлли ва яратувчи ибтидоси сифатида **Худонинг** ғояларини тасвирлаб кўрсатишдан иборат, деб билган. Унинг назари-ясига кўра, **Худони** билиш туғмадир ва унга эътиқод ёрдамида эришилади. Инсоннинг билиши иккиламчи бўлиб, ички тажрибадан, бевосита ишончдан, яъни диний эътиқоддан келиб чиққан хосиладир, деб таълим берган.

60. Кьеркегор Серен (1813—1855) — даниялик файласуф. Илоҳий дунё билан инсоний дунё ўлчовдош эмаслиги сабабли, дин — фандан, мантиқий тафаккурдан воз кечишни талаб қилиши туғри, чунки унда бунинг учун тегишли, зарур бўлган билиш воситалари йўқдир деб таълим берган. Унинг таълимоти рус файласуфи П. Д. Юркевич таълимотига яқин туради.

61. Маркс Карл (1818—1883) — ашаддий моддиюнчи, илмий коммунизм, диалек-тик ва тарихий материализм ва илмий сиёсий иқтисод назариясининг асосчиси, йўқсил-лар ва бенаволар устози ва ҳомийси. Трирда туғилган, асл миллати яҳудий. Бонн ва Берлин университетларида ўқиган.

Унинг таълимотининг бош нуқтаси гегелча фалсафанинг сўл йўналиши — ёш гегелчи-лар йўналишидир.

Маркс дастлаб идеалист бўлган. Гегель фалсафасидан атеистик хулосалар чиқаришга уринган. Унинг дунёқараши 1844- йилдан идеализмдан материализм томонга ўзгарган.

1844- йилда у Ф. Энгельс билан танишган. Уч йилдан кейин улар Брюсселда Коммунистлар иттифоқининг яширин ташвиқот жамиятига қўшилдилар ва бу иттифоқнинг II съездида қатнашдилар. Съезднинг топшириғига биноан улар ўзларининг «Коммунистик партия манифести»ни туздилар. Маркснинг «Капитал» китобининг I томи 1867- йилда нашрдан чиқди. Бу китобнинг II ва III томларини Ф. Энгельс нашрдан чиқарди. II том 1885, III том эса 1894- йилда босмадан чиқди. Маркс назарияларининг амалдаги натижаси маълум ва машҳурдир. Маркс назариясидаги энг эътиборсиз қолган соҳа — инсон табиатидаги мулкка эгалик ҳиссининг яратувчанлик омилини назар-писанд қилмаслик эди.

Марксизм ва марксча фалсафа социалистик тузум даврида аслида сиёсат тепасида турган бир гуруҳ чаласавод ва халқдан ажралган кишиларнинг ўз нодонликларини оқлаш воситасига айланиб қолган эди. К. Маркс 1818- йил 5- майда қуёш тутилиши пайтида дунёга келган. Россиянинг қисмати, Маркснинг танлаган йўли, хатолари ва адашувларига боғлиқ бўлди. Биргина инсоннинг хатоси ва хаёлий таълимоти жуда оғир оқибатларга олиб келди. Бундай улув одамлар хатоларга йўл қўймасликлари керак эди. Айтадилар-ку, «*Омининг адашгани — ўзининг адашгани, олимнинг адашгани — оламнинг адашгани*», деб.

Марксизм ва марксча фалсафа социалистик тузум даврида аслида сиёсат тепасида турган бир гуруҳ чаласавод ва халқдан ажралган кишиларнинг ўз нодонликларини оқлаш воситасига айланиб қолган эди.

62. Р е с к и н Жон (1819—1900) — инглиз ахлоқшуноси ва файласуфи.

У ялпи умумий таълимни, кишиларга ахлоқий, маънавий тарбия беришни ижтимоий кулфатлардан қутулиш воситаси деб ҳисоблаган.

Мукаммал санъат воқелик гўзаллигини такрор ҳосил қилади ва шу орқали инсонни ахлоқий жиҳатдан юксакликка кўтарди, деб таълим берган.

63. Э н г е л ь с Фридрих (1820—1895) — ашаддий моддиюнчи, Карл Маркснинг дўсти ва ёрдамчиси. У Маркс билан ҳамкорликда марксистик таълимотни, илмий коммунизм назариясини, диалектик ва тарихий материализм фалсафасини яратган. Маркс каби йўқсиллар ва бенаволар устози ва ҳомийси. Германиянинг Бремен шаҳрида туғилган. Асл миллати яҳудий. 1841-йили Берлинда ҳарбий хизматни ўтаб, бўш вақтларида университетда маърузалар тинглаган. Йирик бойнинг ўғли бўлган. К.Маркс билан танишиб, у билан ҳамкорликда ишлаган кезларида унинг оиласига моддий ёрдам бериб турган. Эътиқодда ва фалсафада Маркс каби ёш гегелчиларнинг сўл қанотига қўшилган. Унинг назарий қарашларидаги ҳақиқий бурилиш отасининг қатъий талаби билан тижорат ишларини ўрганиш учун Англияга келганидан кейин содир бўлган. У ерда у социалистга айланган. 1844-йилда Парижда Маркс билан учрашган. Энгельс 40 йил давомида Марксга «Капитал» китоби устида ишлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатган. Унинг вафотидан кейин «Капитал» китобининг II ва III томлари устида ғоят катта тадқиқот ишлари олиб борган ва уларни ўзи нашр эттирган.

64. Р е н а н Эрнест (1823—1892) — француз файласуфи, физиологи, дин тарихчиси. Фалсафанинг мустақил фан сифатидаги аҳамиятини инкор этган.

Фалсафа шундай зираворки, у бўлмаса ҳамма овқат таъмсиз бўлиб туюлади, ammo унинг ўзи овқат бўлишга ярамайди, деб таъкидлаган.

Унинг фикрича, аклий ибтидо — **Худованд**, оламни ўзининг яратган табиат қонунларига биноан бошқаради ва тараққиёт унинг ҳукмронлигидан иборатдир. Маънавий тараққиётнинг олий босқичида турган мумтоз (танланган) кишиларгина олий идеалларни амалга оширишлари мумкин, деб айтган.

65. Ю р к е в и ч Памфил Данилович (1826—1874) — машҳур рус файласуфи, илоҳиётчиси.

Унинг фикрича, инсон 2 хил билинади: жисм — ташқи ҳис туйғу билан, руҳий ҳодисалар эса ички ҳис, эътиқод билан билиб олинади.

Фан руҳий ҳолатни тушунтиришга аралашмаслиги лозим, чунки унда бунинг учун тегишли билиш воситалари йўқдир, деб айтган.

Унинг назарияси бир томондан Кьеркегор назариясига яқин туради.

66. Мах Эрнест (1838—1916) — австралиялик физик ва файласуф, эмпириокритицизмнинг асосчиларидан бири.

У сабабият, зарурият, субстанция тушунчаларини «тажрибада» мавжуд бўлмаган тушунчалар, деб уларни рад этган.

Унинг фикрича, оламни тасвирлаш фақат тажрибанинг бетараф элементларини қўллаш орқали олиб борилмоғи лозим. Фақат ана шу элементлар ва уларнинг функционал алоқаларигина реалдир.

Физик тадқиқот элементларнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилишдан, руҳий тадқиқот эса инсон организмнинг элементларга муносабатини таҳлил қилишдан иборатдир, деб айтган.

Тушунчаларни — «сезгиларнинг мажмуалари»ни, нарсаларни билдирувчи символлар деб, умуман фанни — бевосита кузатишлар ўрнини босадиган гипотезалар мажмуи, деб ҳисоблаган.

67. Гартман Эдуард (1842—1906) — машхур немис файласуфи.

Унинг фикрича, бахт тилаш бахтсизлик манбаидир; барча истак ва тилаклардан воз кечиш машаққатсизликка, бахтнинг ягона турига ва ягона замирига эришиш йўлидир.

Машаққатсизликка эришиш учун инсониятни унинг устидан ҳукмронлик қилувчи уч иллюзия (сохта хомхаёл) дан — бу дунёдаги бахтдан, охиратдаги бахтдан халос қилмоқ зарур, деб таълим берган. Шунингдек, у ижтимоий тараққиёт натижасида эришиладиган бахтни ҳам инкор қилган. Жамиятни ўзгартириш ва такомиллаштириш воситаси билан эришиладиган бахтдан ҳам инсониятни халос қилиш зарурлигини уқтирган.

68. Ленин Владимир Ильич (1870—1924) — Маркс ва Энгельс ишининг давомчиси, рус ва халқаро йўқсиллар ва бенаволар дохийси, КПСС ва Совет давлатининг асосчиси.

Россияда Симбирск шаҳрида туғилган. 1887-йил гимназияни тамомлагач, Қозон шаҳридаги университетнинг юридик факультетига ўқишга кирган. 1891-йили Санкт-Петербург университетини муддатидан илгари тамомлаган.

Қозонда (1888—1889 йиллар) ва Самарада (1889—1893 йиллар) марксистик назария таълимотини ўрганган. У Самарада биринчи марксистик сиёсий тўғаракни ташкил қилган. 1893-йил Санкт-Петербург марксистларига раҳбар бўлган. Унинг раҳбарлигида 1903-йили РСДРПнинг II- съездида большевиклар партияси тузилган.

Унинг бошчилигида большевиклар 1905-йили ҳамда 1917-йил февралда подшоҳни ағдариб ташлашга уринишган ва 1917-йил октябр ойида бу мақсадларини амалга оширганлар.

Россия императори Николай II, ўз ихтиёри билан тахтидан воз кечишига қарамай, Лениннинг буйруғи билан бутун оиласи, авлодлари, хизматкорлари билан бирга бир кунда даҳшатли тарзда ваҳшийларча отиб ташланган. Ҳатто гўдак ва чақалокларга ҳам шафқат қилмаганлар.

У Маркс таълимотларига тўлиқ амал қилмаган. Зўравонлик, зулм, босмачилик ва даҳшатли оммавий қатағонлар (репрессиялар) воситасида амалга оширилган социалистик тузум, — инсонлар устида ўтказилган бу қонли «эксперимент» куч ва мунтазам террор йўли билан 75 йилга яқин базўр ушлаб турилган ва «юлдуз кўрмай жон берган».

69. Хайдеггер Мартин (1889—1968) — немис файласуфи. Унинг Борлик ҳақидаги таълимотида «Борлиқнинг мазмунини» пайқаб олмоқ учун инсон ҳамма амалий-мақсадли дастурлардан юз ўгириши, ўзининг «ўлишини», «фонийлигини» тўлиқ ва чуқур англаши лозим. Инсон доимо «ўлим олдида» турганини сезган тақдирдагина ҳаётнинг ҳар бир фурсати фаниматлигини ва маъно-мазмунга тўлаллигини билишга, «ижтимоий борлиқнинг санамлари»дан — мақсадларидан, «идеаллар»дан, «илмий абстракциялар» (мавҳумликлар)дан қутулишга қодирдир дейилган.

70. А л ь б е р Камю (1913-1960) — француз ёзувчиси ва файласуфи. 1957- йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Камюнинг қарашлари Кьеркегор, Ницше, Достоевскийнинг ҳамда немис экзистенциалист файласуфларининг таъсири остида шаклланган.

Унинг фалсафасининг асосий мавзуи инсоннинг яшашдан маъноси ҳақидаги масаладан, «*Ҳаёт яшашга арзийдими?*» деган масаладан иборат.

У ҳаёт зиддиятларини таҳлил қилиб, инсоннинг яшаши беҳуда деган хулосага келиб фалсафада «беҳудалик» категориясини яратиб, уни ўз фалсафасининг бош тамойили қилиб олган.

Инсон ҳаётининг бемаънилигини афсонавий Сизифнинг қиёфаси орқали очиб берган. Бунда маккорлиги учун жазога тортилган Сизиф катта тошни думалатиб тоққа чиқаради ва тоғ чўққисига чиқай деганда, тош думалаб яна пастга тушади ва Сизифнинг бу иши тўтовсиз такрорланаверади. Инсон бундай бемаъниликка чидай олмай «исён кўтаради»; вақти-вақти билан «исёнлар», «инқилоблар» уюштириб, инсон ўзининг «сизифча аҳволи»дан қутулиш учун стихияли (тартибсиз, ўз-ўзидан) нажот излайди. Уюштирилган, тайёрланган инқилобни у ўз тушунчасига зид деб билган. Асосий асарлари: «Сизиф ҳақида афсона» (1942), «Чет киши» (1942), «Исёнчи» (1951).

* * *

Фалсафа, бамисоли қуёш шарқдан чиққани каби, дастлаб Машрикда пайдо бўлган. Улардан қадимги греклар — юнонларга, улардан — ал-Киндий, ар-Розий, Форобий, ибн Рушд ва бошқа мутафаккирларнинг асарлари орқали Ғарбга кириб борган.

Ғарбда нима яратилган бўлса, уларнинг замирида Шарқ кашфиётлари ётибди. Ҳозирги олимлар буни ва бу борада Шарқ таназулининг сабабларини ўрганмоқдалар.

Шундай қилиб, фалсафада оқим ва йўналишлар жуда кўп бўлиб, улар ушбу олам ҳақидаги «абдий» муаммоларни турлича талқин қилганлар.

Маънавият оламининг бу буюк сиймолари ўзлари ёзиб қолдирган бебаҳо асарлари туфайли тирикликларидаёқ ўзларига абдий ҳайкал қўйиб кетганлар. Файласуфлардан кўплари бу фоний дунёни тарк этганларидан кейингина қадр топганлар.

Ў н е т т и н ч и ф а с л

Умар Хайём

*Меним ҳикматларим дардсизга айтманг,
Баҳосиз гавҳарим нодонга сотманг.*

Хожа Аҳмад Яссавий

Ўз замонаси ва барча асрларнинг энг буюк алломаларидан бири бўлган машҳур Умар Хайём 1048- йилда Нишопур (Эрон)да таваллуд топган, 1131- йили 83 ёшида она шахрида вафот этган. Нишопурдан Марвга олиб борадиган йўл бўйидаги боғга дафн қилинган.

У тили аччиқ, баджаҳл, шартаки одам бўлган. Шеърларини форс тилида, насрий асарларини араб тилида битган. Унинг тахминан 400 та рубойси мавжуд бўлиб, шулардан 293 таси Кембриж университетининг кутубхонасида сақланади. Унинг «Евклид китобларига шарҳлар», «Математика муаммолари», «Донишмандлик тарозуси», «Маликшоҳнинг фалакиёт жадвали», «Борлиқ ва бурч ҳақида қайдлар» ва бошқа кўпдан кўп илмий асарлари машҳурдир.

Умар Хайём буюк файласуф, математик, астроном, қўли енгил табиб, диёнатли сўфий, улуғ шайх бўлиб, ажойиб фалсафий рубойлари билан кишилар қалби ва башарият тафаккури тарихидан ўрин олган. Унинг ҳассослик билан ёзган ҳар бир рубойси, академик

Мусо Тошмухаммад ўгли Ойбек айтганидек, бир дostonга тенгдир.

Умар Хайём (арабча «хайём» атамаси «чодир тикувчи» маъносини англатади), **Аллох** уни раҳмат қилсин, рубойларидаги *май, шароб, бода, ишқ, ҳур, санам, жонон, жаннат, дўзах* ибораларини айнан эмас, сўфийлик, тасаввуф анъаналарига кўра кўчма, мажозий, рамзий маъноларда тушунмоқ керак. Сўфийларда ишқ деганда **Аллоҳ**га бўлган илоҳий ишқ назарда тутилади, зеро тасаввуфда ишқ икки хил бўлади: ҳақиқий ишқ хусни мутлаққа — **Аллоҳ**га, мажозий ишқ — олам ва одам гўзаллигига ошиқликдир.

Гиёсиддин Умар Хайём ҳазратлари бу икки ишқни уйғунлаштириб, синов майдони бўлмиш бу дунёда ўзни омонат, мусофир каби тутиб, «беш кунлик» чархи кажрафтор эврулишларига сабр-бардошли бўлиб, ҳаёт қувончларидан баҳраманд бўлиб яшашни тарғиб қилган.

Маълумингиз бўлсинки, сўфийлар маслак жиҳатидан 5 гуруҳга бўлинадилар, яъни — ориф сўфийлар, ошиқ сўфийлар, обид сўфийлар, файласуф сўфийлар ва мажзуб сўфийлар. Шунга кўра, тасаввуф ҳам икки — ошиқона ва орифона гуруҳларга бўлинади.

Орифона тасаввуф барча илмларни қамраб оладиган, хикмат ва фалсафани ҳам ўз ичига олган тасаввуфдир.

Ошиқона тасаввуф эса ишқий кечинмалар, ишқий-завқий сифатни биринчи ўрнига қўядиган, яъни ақлий муҳокама ва тафаккурдан кўра хис-хаяжон, муҳаббат шавқ-завқни афзал кўрадиган тасаввуфдир. Масалан, сўфийликнинг «маломатия» оқимига мансуб вакиллари диний расм-русумларни тан олмаганлар, тариқатнинг ҳам қоида, расм-одатларига унчалик риоя қилмаганлар, улар ҳар қандай қоида, расм-русумни суратпарастлик, зоҳирийлик деб билганлар. Шунинг учун ҳам улар тарки дунё қилган қуруқ зоҳидни ҳам, расм-русумга берилган хонақоҳ шайхини ҳам бирдай калтабин ва ҳақиқатдан йироқ кишилар деб билганлар.

Машҳур файласуф шоир Хожа Ҳофиз Шерозий ҳам ўзининг фалсафий шеърларида хонақодаги шайх хирқасидан кўра, харобот, майхона, маю маъшук афзалдир деган фикрни ўртага ташлаган. У шароб деганда, илоҳий файзни, харобот, майхона деганда, комил, етук инсон ҳузури ҳамда илоҳий файзни етказувчи маъшуқа — «мазҳар»ни назарда тутди.

Ошиқлик ҳақсеварликнинг, маърифатга шайдоликнинг олий кўриниши дейди Хожа Ҳофиз. Барча ҳолларда сохтакорлик ва риё бўлиши мумкин, аммо ишқда, ошиқликда бундай иллатлар деярли бўлмайди, фақат ҳақиқий ишқ кишини абадиятга, бақо оламига етаклаб олиб боради деб уқтиради.

Умар Хайём тасаввуфдаги ана шу орифона ва ошиқона дунёқараш, маслакни ўз рубойларида мужассамлаштириб акс эттирган. Унинг битта, иккита рубойсини ўқиб хулоса чиқариб бўлмайди. Умар Хайёмни тушуниш учун мазкур китобда, қуйироқда берилган рубойларнинг барчасини ўқиб, уқиб тушуниб олмоқ керак бўлади.

Умар Хайём рубойларидаги *май мадҳ*ини ҳам айни маънода — мастлик ва бебошликни тарғиб қилиш деб тушунмаслик керак. Аксинча, майни мажозий маънода ахлоқий поклик рамзи деб билмоқ марғубдир.

Чунончи, даҳо ижодкорлар асарини ўқиганда, ёзувчининг нима деганидан ташқари, у яна нима демоқчи эканлигини ҳам теран хис қилмоқ комронлик аломатидир.

Май турмуш укубатларидан толиқтирмайди, ўтмиш гуссаларини ва келажак, истиқбол даҳшатларини ўзида фарқ қилади, соғинч оловларини сўндиради, қалбга севинч бағишлайди. У хотирамиздаги қайғу-аламларни ювиб кетади, дунёвий турмушнинг аслида маъносиз эканлигини унутишга ундайди. Инсонни қуршаб олган қайғу ва қўрқув булутларини тарқатиб юборади. У инсонларни ўзаро биродарлик иплари билан боғловчи мўъжизавий бир куч бўлиб, ҳатто ёвуз душман қаҳрини юмшатадики, Умар Хайём майнинг ҳақиқат йўлига бошловчи восита ҳам бўлишини назарда тутган.

Умар Хайём фалсафий рубойларида олам сир-асрорини, муаммоларини, охиригача билиб бўлмаслигини, бунга уриниш беҳудалигини, инсонларни яратган **Ҳолиқ**ни чекланган ақлимиз билан билишимиз мумкин эмаслигини, ҳозирги билимимиз Борлик сирлари-

ни ечишга ҳали қодир эмаслигини, шунинг учун ҳам инсон ҳаётида балои нафс ва бўлмағур хою ҳавасларини жиловлаб, қай тариқа руҳий хотиржамликка эришиши ва масъуд яшаши йўлларини тавсия этган.

У инсон ҳаётида ҳамма нарсани қазои қадар, тақдири азал, қисматга — чархга тўнкамай, яхши-ёмон ишлар қилишда **Парвардигор** инсонга ирода ва фаолият эркинлигини бериб қўйганлигини ва бандасига қилган яхши ёки ёмон амалларига қараб ўз ажрини — тегишли мукофот ёки жазо берилишлигини уқтиради.

Чунки **Аллоҳ** Лавҳ ул-Маҳфузда инсон пешонасига ёзиб қўйилган, қилиши шарт бўлган ишлари учун эмас, балки ўз инон-ихтиёри билан қилган амаллари учунгина мукофотини ё жазосини беради. Пайғамбаримиз бу ҳақда шундай деганлар: **«Умматларимга хатолари учун, ёдларидан кўтарилгани учун ва мажбур қилинган ёмон ишлари учун гуноҳ ёзилмайди»**. Яъни инсон фаромуш қилган, билмаган, ўзига боғлиқ бўлмаган ишларга масъул эмаслиги ва бунинг учун жазо берилмаслигини таъкидлаганлар.

Бу борада шундай қадимий ҳикматли ибора бор: **«Агар сени кўчага ҳайдаб чиқарсалар — кўрқма ва агар ўз ихтиёринг билан чиқсанг — кўрқил! Биринчиси илоҳий ихтиёр билан бўлур, иккинчиси — ўз ихтиёринг билан бўлур»**.

Умар Хайём ирода эркинлигини тасдиқлаб, инсон хатти-ҳаракатларини Арши аъло қонунлари белгилаб бермайди, балки одам ўз тақдирини ўзи яратади деган фикрни олға сурган. Ер юзидаги ҳамма нарса омонат эканлиги, инсон ҳаёти ҳам фоний — вақтинча эканлиги, демак, ҳаётнинг завқ-сафоларидан фойдалана билишни, қайғу чекиш, келажакдан даҳшатга тушиш беҳудалигини уқтиради. Бекорчи ўй-хаёлларга берилишда маъно йўқ, ташвишлар билан ўзни қийнашга ҳожат ҳам йўқ, ҳаёт қандай бўлса, шундай шод-хуррамлик билан яшаш кераклигини маъқуллайди. Яшаганда ўзни турфа ташвишларга кўмиб ташламасликка, бойликка, ҳашаматга ва шон-шавкатга интилмасликка, бундай нарсаларга бефарқ қарашга ундайди. Зотан, шоир инсоннинг бу дунёдаги бахтини ана шунда деб билган.

Шарқнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб (1016—1109)нинг (Тангри ундан рози бўлсин) ҳикматлари ҳам Умар Хайёмнинг бу фикрини тасдиқлайди. Юсуф Хос Ҳожибнинг айтишича, динни маҳкам ушлаш керак. Лекин ҳаётинг масалаларда диний қарашларга асир бўлиб қолмаслик, дунёвий тадбирларни диний ақидалар таъсирида барбод бермаслик керак. У дунё деб, бу дунёдан воз кечиш, дунёвий ҳаётдан юз ўгириб инсоний амалларни тарк этиш бемаънилиқдир, шундай қилинса, теварак-атроф ҳувиллаб, кишилар фаолиятсиз бўлиб қолади. Эзгу ниятларга ёлғиз тоат-ибодат воситасида етишиб бўлмайди. Бунинг учун киши кўп эзгу ишлар қилиши, фойдали меҳнат ва ишлар бошини тутиши керак. Билим ҳақида сўз юритган Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, инсон билиши мумкин бўлмаган нарса, билим билан ечилмайдиган жумбоқ, мушкулотнинг ўзи йўқ. Билиш, билимлар ва тажриба воситасида Борлиқ жумбоқлари аста-секин ечилиб бораверади деган хулосага келади туркий дунёнинг улуғ мутафаккири.

Умар Хайём, Баҳоуддин Нақшбанд ва Юсуф Хос Ҳожибларнинг дунёқарашлари ва фикрлари бир-бирига жуда мос келадик, чунончи нақшбандия сўфийлик тариқатининг йўли унинг: *«Зоҳирда халқ бирлан, ботинда Ҳақ бирлан»* ва *«Дил ба ёру, даст ба кор»*, деган шиорида ўз ифодасини топган.

Умар Хайём рубойларидан Ер юзидаги тартибсизликлар, ёмонликлар **Аллоҳ** иродасига боғлиқ эмас, балки кишиларнинг шайтон васвасаси таъсиридаги хатти-ҳаракатлари асносида йўл қўйган гуноҳ ишлари ва уларнинг оқибатидир деган хулоса етилади. Бу ҳақда пайғамбаримиз ҳадисларида: **«Шайтон инсоннинг барча қон томирларида юриш ҳуқуқини олган»**, деганлар.

Умар Хайём рубойларида дунёни ўзгартириш, ундан азоб-укубатни, зўравонликни, зулмни ҳайдаб чиқариш, ёвузлик, бахтсизлик ва инсон изтиробларини тугатишга ҳаракат қилиш зарурлигини тарғиб қилган. Юқорида айтганимиздек, барча яхши, эзгу ишлар **Аллоҳдан**, ёмон, гуноҳ, ёвуз ишлар шайтондан эканлигини қайта-қайта уқтирган. Бу ҳақда **Қуръони карим**нинг 4- «Нисо» сураси, 79-оятда шундай дейилган:

«Сизга қандай яхшилик етса, у Аллоҳдандир. Сизга қандай нохушлик етса, у ўзингиздандир. Сизни одамларга пайғамбар қилиб юборганмиз. Гувоҳликка (эса) Аллоҳ (Ўзи) етарлидир». (Бу оятдаги «Сизга» деб қилинаётган хитоб фақат пайғамбар (а.с.)га эмас балки ҳаммага тегишлидир).

Ҳазрат Умар Хайёмнинг ҳаёт ва унинг мазмуни, мохияти ҳақидаги туркум фалсафий рубойларининг энг асл дурдоналарини танлаб олдим ва уларни эътиборингизга яна бир бор ҳавола этишни лозим топдим. Чунки нуктадон ва нуктапарвар шоир рубойларини қанча кўп ўқисанг, ҳар гал уларнинг битмас - туганмас мазмунини янада теранроқ ҳис этаберасан ва замирига обдонроқ кира бораберасан, киши. Чунончи Умар Хайёмнинг донишмандликка етакловчи рубойларини шахсан мени ўзим, **Аллоҳ**ни ҳамда ҳаётда қандай яшаш кераклигини эсдан чиқармаслик учун доим ўқиб юраман.

УМАР ХАЙЁМ РУБОУЙЛАРИДАН

*Оламни пиёда кезиб чиққанлар,
Икки дунё сўзин дилга тукканлар,
Бизлардан ортиқроқ билдилармикин,
Жаҳон сирларини бир-бир йиққанлар.*

* * *

*Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди,
Бир сир қолмадики мавҳум бўлмабди.
Туну кун ўйладим етмиш икки йил:
Онгладим — ҳеч нарса маълум бўлмабди.*

* * *

*Қаро ер қаъридан то авжи Зуҳал,
Коинот сирларин барин қилдим ҳал.
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал.*

* * *

*Гул барги-ла кунни тўса олмайман,
Қисмат сирларини еча олмайман,
Фикр денгизидан дур топди ақл,
Кўрқувдан бу дурни теша олмайман.*

* * *

*Жаҳон сири бўлсин дил дафтариди,
Очсанг бошга бало эл назарида,
Дилдаги ҳар гапни айтиб бўлмайди,
Сен бу нодонлардан тургил нарида.*

* * *

*Ўзни доно билган у уч-тўрт нодон,
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.*

* * *

*Кўп ёмон фалакнинг феъл-аъфоли, бил,
Дўстлардан жаҳонни бўшу холи бил.
Кўлингдан келганча ўзинг билан бўл,
Кечадан, тонгладан шу дам олий, бил.*

* * *

*Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.*

* * *

*Бу беҳабар дил ҳам тегди-ку жонга,
Ситамидан жоним келди фиғонга.
Оламга барибир бору йўқлигим,
Бас, нима учун келдим жаҳонга?*

* * *

*Мени айладилар дунёда мавжуд,
Ҳаётда топганим ҳайрат, тараддуд.
Бу йўлни ўтдим-у тушунолмадим,
Келмагу кетмакдан не экан мақсуд?!*

* * *

*Мен келдим-у, дунё кўрдими фойда!
Кетсам, мартабаси ошарми? Қайда.
Ҳеч ким тушунтириб бера олмади:
Келишим-кетишим сабаби қайда.*

* * *

*Бизга фалак иши — фақат ташвиш — ғам,
Бирини тикласа, бошқаси барҳам,
Ҳали келмаганлар бундан беҳабар,
Гар хабар топишса, келмас эди ҳам.*

* * *

*Кекса, ёш — ҳаётга ҳар кимки етар —
Ҳаммаси изма-из бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.*

* * *

*Келмоқ қўлда бўлса, келмасдим бир дам,
Кетмоқ қўлда бўлса, кетмас эдим ҳам.
Жуда соз бўларди бу ғамхонага
Келмасам, турмасам, келиб-кетмасам.*

* * *

*Дўсту яқинларим бир-бир кетдилар,
Ажалдан тупроққа кириб битдилар.
Умр мажлисида ичдик бир қури,
Аввалроқ маст бўлиб, бари йитдилар.*

* * *

*Эй дўст, халос бўлайлик эрталик ғамдан,
Нақд деб баҳра олайлик ғанимат дамдан,
Етмиш минг йилгилар билан тенгмиз-да —
Эртага кетсак бу кўҳна оламдан.*

* * *

*Мен кетдим, чунки бу жаҳони бедод,
Бунда яшамоқни охири барбод.
Ким қочиб қутулса ажал дастидан,
Майли, ўша бўлсин ўлимимдан шод.*

* * *

Афсус, ёруе умрим қаро тун бўлди,
Ажал дастидан кўп жигар хун бўлди,
У дунёдан келиб, айтмади ҳеч ким:
Кетганлар бошида қандай кун бўлди.

* * *

Токай қош чимиртирар дунё ташвиши,
Муродга етказмас кўнгил гиш-гиши,
Сен — менинг ишимиз эркимиздамас,
Қазога кўникиш — донолар иши.

* * *

Кўрдим майхонада мўйсафид хуммор,
Кетганлар хабарин қил дедим изҳор.
Дедиким: Май ичгил, биздеклар бисёр,
Кетишди, хабари келмади зинҳор.

* * *

Жаҳон ҳақиқати мажоздир, э дил,
Беҳудага ранжу андуҳ чекмагил.
Қазога таслим бўл, кўп-озига кўн,
Қазо қаламравин ўзгармас деб бил.

* * *

Фалакнинг устидан ким топди зафар,
Ер қачон одам еб тўйибди, магар —
Мени емади, деб кеккая кўрма,
Шошмай тур, кўп ўтмай навбатинг келар.

* * *

Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,
Ерга чанг қўнди-ю, кўмилиб кетди,
Дунёга келишинг, кетишинг нима?
Бир чивин туғилди ё ўлиб кетди.

* * *

Агар мулкинг Миср ё Рум, ё Чин,
Ё ҳукмингда бутун ер юзин тутгин,
Охир бу бойликдан олар ҳиссанг, бил:
Ўн газ кафан, икки газ замин.

* * *

Бирор киши чиқиб ҳар замон, мана Мен, дейди,
Могу симу зари бор чунон, мана Мен дейди.
Иши ривож топиб турганда, бир куни ажал —
Пистирмадан чиқиб ногаҳон, мана Мен дейди.

* * *

Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлеуси,
Бизлардан на ному нишон бўлеуси,
Авал-ку йўқ эдик, етмовди ҳалал,
Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлеуси.

* * *

Баъзилар хаёли майда, ичкуда,
Баъзилар меҳробда, дили осуда.
Бекор киши йўқдир, барчада ташвиш,
Ёлеиз Ўзи уйғоқ, барча уйқуда.

* * *

Сабаб саҳросида кимки саргордон,
Ишларин унингсиз юритар Яздон.
Букун бир баҳона ўртага ташлаб,
Эрта бажо бўлур тақдири осмон.

* * *

Емак ичмакка йўқ эрди эҳтиёж,
Сени шундай қилди, энди не илож,
Не бермиш барини қайтиб олгуси
Аслинга қайтарур охир бу ривож.

* * *

Кетишдан қўрқмайман мен бу дунёдан,
Чунки у дунёда умрим зиёда.
Вақти етгач танда омонат жонни
Топширайин, шундай бўлгач ирода.

* * *

Кошки тинч жой топиб, кетиб бўлсайди,
Ё бу узоқ йўлни ўтиб бўлсайди.
Юз минг йилдан кейин орзу-умидлар
Тупроқдан кўкатдек униб чиқсайди.

* * *

Фалак қулоғимга гапирди секин:
Қазо ҳукмин мендан кўрасан, лекин —
Айланишим бўлса эди қўлимда,
Ўзимни тўхтатиб, олар эдим тин.

* * *

Бунчалик ғам ема, ўткинчи — жаҳон,
Бир дамлик умрингда бўл шоду хандон,
Бошқалар кетидан келмасди навбат,
Вафо нималигин билганда даврон.

* * *

Эй туну-кун дунёга кўз тиккан киши,
Ақлингни жўймасин дунё ташвиши.
Ахир, эсингни йиғ, ҳушёрроқ бир боқ,
Недир бошқаларга унинг қилмиши.

* * *

Ҳар сирдан огоҳсен: эй дўстим, сен ҳам,
На учун беҳуда чекасен алам.
Иҳтиёринг билан юришмас ҳеч иш,
Хурсанд бўл, тириксен, сеники бу дам.

* * *

Тўғрилиқ бўлсайди фалакнинг иши,
Ёқтирган бўларди уни ҳар киши.
Дунёнинг ишида бўлса адолат,
Бўлмасди донолар кўнглин оғриши.

* * *

Олам бари меҳнат, кунларимиз ғам,
Фалак иши офат, айёми ситам.
Ҳар ён назар солдик, кўп кездик олам,
Бирор кимса йўқдир дили хотиржам.

* * *

Қазо чавғонида коптокдек нуқул
Чапу ўнг юмала, дема: номағқул,
Сени юмалашга солган ким бўлса,
У билгай, у билгай, у билгай: ҳа ул!

* * *

Ул Азал сайёди қўйиб дона, дом
Ўз овига қўйди одам дея ном.
Оламда не яхши ёмонлик бўлса,
Ўзи қилиб, тўнкар одамга мудом.

* * *

Қўйган тузоғинга тўлиқ бу олам,
Илинамиз қайга ташласак қадам.
Сенинг ҳукмингсиз-ку силжимас зарра,
Нечун мен осий-ю, жойим жаҳаннам?!

* * *

Ўлик-тирик ишин тузаткувчисен,
Тарқоқ коинотни кузаткувчисен,
Ёмон бўлсам ҳамки, сенинг банданман,
Мен нима қилай? Яраткувчи — Сен!

* * *

Тангри, ўзинг шундай яратдинг мени,
Майу чолеувчига қаратдинг мени.
Азалда шу хилда яратиб қўйиб,
Нечун дўзахинга қулатдинг мени?!

* * *

Азалда лойимни қорганда Худо,
Биларди феълимдан не бўлур пайдо.
Ҳукмингдан ташқари эмас гуноҳим,
Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?!

* * *

Ё раб лойимни-ку, қорган ўзингсан
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан
Ёмонманми, яхши, мен қандоқ қилай?
Тақдир манглайини берган ўзингсан!

* * *

Армон ила умрим айладим барбод,
Умримда бирор кун бўлолмадим шод,
Қўрқаменки, умрим бермас омонлик,
Адолат истаб мен дод этармен, дод!

* * *

Пайига тушганинг шаҳвату ҳаво...
Шундай бўлгач тутган йўлинг бедаво.
Ўзлигинг аниқла, сен қайдан келдинг,
Қаён кетмоқдасен, англа аввало.

* * *

Жаҳонни дил коми деб билган одам,
Охири ундан ҳам бўш қолгай олам.
Абадий яшарман деб ўйламагил,
Шундайлар ўтдилар сендан олдин ҳам.

* * *

Тақдир лавҳасида ҳукмим бўлганда,
Майлимча ёзардим уни шул онда.
Кайғуни дунёдан йўқотиб буткул,
Шодликдан бўларди бошим осмонда.

* * *

Ким дунёни севиб, ўлтирар беғам,
Ўйлаган муҳлатин бермас бу олам.
Айт, чодир қурмасин, йиғдирар тезда,
Юкин ечмай етар боғламоққа дам.

* * *

Эй оқил, эртани демак — бир ҳавас,
Беҳуда бир лофу қуруқ сўздир, бас.
Кимнинг агар ақли бўлса бул кунни,
Тушунар, оламда ҳаёт бир нафас.

* * *

Сенга кўрсатсалар ясоғлиқ олам,
Сен севма, севмайди ақлли одам.
Сендеклар бир талай келди-ю кетди,
Сени олмай туриб, олиб қол сен ҳам.

* * *

Сўзимга қулоқ ос, эй дўсти аъло,
Дунё ишларин ўйлама асло.
Қаноат гўшасин айлабон макон,
Олам ишларини қилгил тамошо.

* * *

Молу дунё ҳасрати қилмасин афғор,
Манғу яшар киши қани, қайда бор?
Бир неча нафасинг танда омонат,
Омонатга омонат бўлмоқлик даркор.

* * *

Ғайратинг сарф этсанг киймоқ, ичмоққа,
Арзийди бу ишни маъзур тутмоққа.
Ҳушёр бўл, қолгани бари арзимас,
Умрингни сарф этиб, ўтиб кетмоққа.

* * *

Кимнингки бор бўлса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй — ошиёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.

* * *

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,
Қўлдан чиқармагил бўлмайин шодон.
Қандоқ ўтказурсан, шундоқ ўтар умр,
Ҳушёр бўл, шундақа аслида жаҳон.

* * *

Қўлимизда бўлса оқ буюдой нони,
Бир коса шаробу қўйнинг бир сони,
Дилбар билан майли вайронадамиз,
Бу айшни тополмас жаҳон султони.

* * *

Кимнинг ёнида бор гулдек жонони,
Этагин ушласин, қўлда паймони.
Эрта гул баргидек учириб кетар
Умр кўйлагини ажал бўрони.

* * *

Қўлни қўлга бериб бўлмасак ҳамдам,
Шодлик оёғидан тепки емас ҳам.
Тонг чоғида туриб, саҳарлик май сун,
Жуда кўп тонг отар биздан кейин ҳам.

* * *

То ҳам бошимизга солгунча еавео,
Айтгил, май берсинлар бизга бебаҳо.
Олтин эмассан-ку, билиб қўй, нодон,
Кўмгач қайта кавлаб олмаслар асло.

* * *

Токай бору йўқнинг ҳамини ейман,
Токай умрим яхши ё ёмон дейман.
Қадаҳ бер, маълуммас олган нафасим,
Қайтиб чиқараман ё чиқармайман.

* * *

Умидлар донаси хирмонда қолур,
Боғу роғ на сенда, на менда қолур.
Симу зар тўплама, дўстлар-ла еб ич,
Бўлмаса, ҳаммаси душманда қолур.

* * *

Келолмагач қайтиб ушбу оламга,
Қўрқаман етмасмиз ёру ҳамдамга,
Бу дамни ғанимат ҳисоб этайлик,
Балки етолмасмиз ҳатто шу дамга.

* * *

Бошга чарх кулфати тушмасдан ҳали,
Келинғиз қўр тўкиб шароб ичгали.
Бу фалак, дунёдан ўтар чоғимиз —
Қўймайди бир томчи сув ҳам ютгали.

* * *

Хушвақт ким бу замон озод яшади,
Худо берганларин қўймай ошади.
Ким ғанимат билди бир дам умрни,
Қўлда май, озоду дилишод яшади.

* * *

Қисматинг азалдан ёзганмиш Худо,
Уни қилолмайсан кўпу кам асло.
Демакки, борингдан бўлгил хотиржам,
Йўқни ўйлаб куйма, қилма вовайло.

* * *

Кечаги кунингни айламагил ёд,
Эртанг келмай туриб, этма кўп фарёд.
Ўтган келмаганга қайеурмоқни қўй,
Қувноқ бўл, умрингни қилмагил барбод.

* * *

Жаҳон ғамин ема, дўстим, беҳуда,
Ғам емагил, жаҳон қирриқдир жуда.
Бори ўтиб кетди, йўғи ҳали йўқ,
Бор-йўқни ғам қилмай яша осуда.

* * *

Кимки бу дунёда асири тамиз,
Бору йўқ ғамида дил танғу ожиз.
Яшамай қартайди бундай одамлар,
Узум бўлмай, бирдан бўлдилар майиз.

* * *

Ситамгар, ўткинчи даврондан қўрқма,
Кўргилик ўтади, жаҳондан қўрқма.
Ғам чекма, нақд умринг ишратда ўтказ,
Нақ шундоқ келажак замондан қўрқма.

* * *

Бутун умр топгил ёр ила ором,
Жаҳон лаззатини шимир бардавом.
Йўқликка кетмакдир ишинг охири,
Умринг лаҳза уйқу, тушидир вассаллам.

* * *

Намоз, рўза дегин, бўлди имконинг,
Кимсадан аяма бир бурда нонинг.
Кишини ранжитма, ғийбатин қилма,
Шунда сенга боқар икки жаҳонинг.

* * *

Ризқингни ошиғу кам қилиб бўлмас,
Оз-кўп деб кўнғилга ғам қилиб бўлмас,
Бу ишлар сен-менинг қўлимиздаги
Мум эмас, эзиб ҳам қилиб бўлмас.

* * *

Тушунсанг-чи, умри азиз ўтмакда,
Кўрсанг-чи, у нечук ўксиз ўтмакда.
Бир нафас ҳам айшу ишрат кўрмайин,
Минг ҳайф ила умр эсиз ўтмакда.

* * *

Афсуски, йигитлик мавсуми битди,
Кўклам ўтиб кетди, қиш келиб етди.
Ёшлик деб аталган у севинч қуши
Билмадим, қачонлар келди-ю кетди.

* * *

Бу бепоён осмон ҳолидан осон
Хабар топди икки тур инсон:
Ё яхши-ёмондан хабардор олим,
Ё ўзин билмас маст, ақли паришон.

* * *

Кунларим ўтади, бирма-бир тавба,
Қўлимда пиёлам лаболаб, тавба,
Букун гул фаслидир, тавба қаёқда,
Гул фаслида тавбадан, ёраб, тавба.

* * *

Бир кун тушимда қари билимдон
Деди: уйқу билан бахт кулмас, нодон.
Эрта кун ажалга қўшоқ бўламиз,
Яшаб қол, тупроқда ухларсан обдон.

* * *

Киши ўзлигидан яхши, ёмон ҳам,
Қазову қадару қувонч ёки ғам.
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,
Чарх сендан ожизроқ бечора-ю кам.

* * *

Бу замон дўстни кам орттирмоқ маъқул,
Аҳли замонадан узоқроқ бўлгил!
Суюнчиёнинг бўлиб кўринган кимса,
Кўзинг очсанг душман чиқади нуқул.

* * *

Шухрат топсанг, кишилар ҳасади ёмон,
Ёлғиз қолсанг, сендан қилишар ғумон.
Хизр бўлсанг ҳамки ҳеч кимни билма,
Сени ҳам билмасин, майли, бирор жон.

* * *

Бир нон топиб агар есанг икки кун,
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмак учун.
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега?
Ўзингдекка хизмат қилмоқлик нега?!

* * *

Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд-паст одам.
Сўзи билан иши бир келса агар
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.

* * *

Бегона вафо қилса, жигардир менга,
Қариндошим жафо қилса, дигардир менга,
Заҳар дардга даво бўлса, дәридир менга,
Асал агар ёқмаса, заҳардир менга.

* * *

Бойликдан кўпаймас ақл ё ҳунар,
Аммо пул бўлмаса хун бўлур жигар.
Серақча атиргул яшнар қуёшда,
Бинафша сояда бош эгиб турар.

* * *

Мен ила рўзгорим жангидек жанг йўқ,
Менга отилмаган бирар харсанг йўқ.
Ҳар жойни ахтардим яқин-йироқда,
Ғам дастидан мендек бирар дилтанг йўқ.

* * *

Биз бирла фалак қилмаса гар жанг, ажабдир,
Ёғдирмас эса бошлара харсанг, ажабдир.
Вақф сотиб, бода агар олса у қози,
Мактаблара экдирмаса гар банг, ажабдир.

* * *

Кам қилдим умримда тоат-ибодат,
Маю гуноҳкорлик менгадир одат,
Дўзахда аҳволим нима кечаркин
Ҳаммом иссиғига бунда йўқ тоқат.

* * *

Дунёда ором йўқ, ҳар томон гулув,
Ҳаммадан хароброқ, доно ва сулув.
Ерга кирмасингдан қуруқ қўл билан,
Андух оташига сепгил майдан сув.

* * *

Бу ҳирс майдониға кирган амалдор,
Ўзи машаққатдан жонидан безор.
Аммо ким улардек ҳирсга асирмас,
Одам ҳисоб этмай ўтишар беор.

* * *

Душман мени фирибгар кўрар,
Эй Худо, ул нодон нималар кўрар?
Ўз ичи, сийрати оинасида
Нима кўрса, шунга баробар кўрар.

* * *

Умр дафтаридан фол очганда дил,
Хўрсиниб сўзлади бир куйган кўнгили:
Бахтлидир ул кимса ой юзли ёри
Бағрида бўлса-ю, оқшоми бир йил.

* * *

Ойдек юзин кўриб, дейсан: «Бу малак»,
Аслида шайтондир, этади ҳалак.
Оловдек ёноқлар қиш кунни яхши,
Ёзда на даркордир пўстини пўстак.

* * *

Кўнгилим олган кўзинг масту туркона,
Сен шамсену барча сенга парвона.
Жону дилим сенга ошиқ — девона,
Сен дилим хонаси, дил сенга хона.

* * *

Ё Аллоҳ, ул гўзал ойни яратиб,
Сочи сунбулидан анбар таратиб,
Унга қарамагил дея буюрсанг,
Зулм-ку, дил шавқин ўзинг қўзғатиб.

* * *

Кимки маю жомдан шод, бахтиёрдир,
Пайдар-пай ичса ҳам доим хушёрдир.
Кўпининг зарари озгина эмас,
Озида кўпгина манфаат бордир.

* * *

Хушёр бўлсам мендан хурсандлик йироқ,
Маст бўлсам, ақлимдан ажрайман бироқ,
Мастлигу хушёрлик оралиғи бор
Ҳаёт шу, унга қул бўлсам яхшироқ.

* * *

*Сирлар пардасига йўл йўқ ҳеч қандоқ,
Ҳеч ким ечган эмас — бу чигал жумбоқ.
Бизларга бирдан-бир манзилдир тупроқ,
Май ич, бу эртақлар узундан-узоқ.*

* * *

*Мен майни қувнамоқ учун ичмайман,
Шодлик деб одобу диндан кечмайман.
Мақсадим — ўзликдан кечиб бир нафас,
Ором олса беҳуш бўлиб жону тан.*

* * *

*Кимсани ранжитма, ранжитма ҳайҳот,
Ғазабинг бировга сочмагил, эй зот.
Ўзинг ранж чеку ҳеч кимни ранжитма,
Роҳат десанг агар, ўзинг ғамга бот.*

* * *

*Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган ҳамдами яхши.
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.*

* * *

*Умрим қийноқдадир дардим беиллож,
Роҳат қисқа, заҳмат топмоқда ривож,
Худога минг бора шукрки, бало
Ва кулфатга мени этмади муҳтож.*

* * *

*Бир ғариб кўнглини этаолсанг шод,
Яхшидир ер юзини қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.*

(Форсчадан Шоислом Шомухамедов таржимаси)



Йўқлик — Ўлим фалсафаси

**Ўлим инсон учун ҳеч нарса эмас,
чунки биз бор пайтда ўлим йўқ, ўлим
бор жойда эса биз йўқ.**

Эпикур

Анъанавий фалсафада ўлим фалсафаси бўлишини учратмаймиз. Фарбада Ҳаёт фалсафаси, инсон ва унинг умри билан боғлиқ фалсафий таълимотлар мавжуд. Масалан, фалсафада экзистенциализм, яъни мавжудлик, борлик фалсафаси бор, аммо йўқлик — ўлим фалсафаси ҳали деярли ишлаб чиқилмаган.

«Икки ҳақиқат» (диний ва фалсафий ҳақиқатлар) назариясига кўра, фан очган, кашф этган янгиликлар, зоҳирий билимлар — илмий ҳақиқатга, пайғамбарлар воситасида Аллоҳ юборган ваҳй орқали билдирилган ботиний билимлар — диний ҳақиқатга олиб боради. Комил инсон ана шу икки ҳақиқатни эгаллаши орқали чин ҳақиқатни эгаллайди. Яъни фалсафа атрофдаги оламни ақл — идрок билан билиш орқали ҳақиқатни очиб берса, илоҳиёт эса ваҳйга асосланган билиш орқали ҳақиқатни очиб беради. Инсон ана шу икки билим орқали олий камолотга эришади.

Бу эса экзистенциализмнинг зидди — йўқлик, ўлим фалсафасининг шаклланишига замин яратади.

Экзистенциализм — мавжудлик, борлик фалсафаси бўлиб, бу тушунча инсон шахсининг борлик, мавжудлик усулини билдиради. Бу атамани шу маънода биринчи марта даниялик файласуф Кьеркегор (1813-1855) ишлатган.

Кьеркегорнинг фикрича, шахсли ибтидонини фалсафа нуқтаи назаридан тушуниш мумкин эмасдир, сабабки фалсафа жамиятни бош нуқта қилиб олади, бунда шахснинг асосини ташкил этувчи энг муҳим нарса, унинг экзистенцияси — мавжудлик, борлик моҳияти йўқолади.

Унинг қарашича, энг сўнги фалсафа фақат «экзистенциал» фалсафа, яъни чуқур шахсий характерга эга бўлган фалсафа бўлиши мумкин. Кьеркегор шахс мавжудлигининг 3 усулини (уч тур экзистенцияни) — эстетик, ахлоқий ва диний турларини белгилайди. Улардан диний турни у энг олий тур деб ҳисоблайди. У, илоҳий дунё билан инсоний дунё ўлчовдош эмаслиги сабабли, дин фандан олам, борлик ҳақида мантиқий тафаккур этишдан воз кечишни талаб қилиши тўғри, чунки унда бунинг учун тегишли, зарур бўлган билиш воситалари йўқ, деб ҳисоблайди.

Экзистенциализмнинг ғоявий манбалари — ҳаёт фалсафаси, Гуссерл феноменологиyesi, Кьеркегорнинг диний — мистик таълимотидир.

Экзистенциализм фалсафа билан фанни қарама-қарши қилиб қўяди. Фалсафанинг предмети «борлик» ва «борлик»дан иборат бўлмоғи лозим, ваҳоланки фаннинг предмети мавжудотдир.

Мавжудот деганда бутун борлик ва ҳиссий оламга таъллуқли нарсаларни ҳаммаси тушуниладики, бунда борлиқнинг ўзини фарқ қилиш керак бўлади. Борлик фаросат тафаккури орқали эмас, балки тўғридан тўғри, бевосита пайқалади, инсонга унинг ўз борлиғи унинг шахсий мавжудлиги сифатида, яъни экзистенция сифатида очилади.

Инсон кундалик ҳаётида ҳамма вақт ҳам ўзининг мавжудлигини англай бермайди. У фавқулотда вазиятда, яъни ўлим олдида тургандагина буни яхши англайди.

Бу фалсафа таълимотига кўра, инсон мавжудлик (экзистенция) сифатига эга бўлганида ўз эркинлигини ҳам қўлга киритади. Бу эркинлик шундан иборатки, инсон ўз-ўзини «танлаши», ҳар бир ҳаракати ва иши билан ўзини-ўзи шакллантириши лозим. Шу билан

у ҳамма қилган ишлари учун жавобгар бўлади ва «вазиятни баҳона қилиб» ўзини-ўзи окламайдиган бўлади. Инсоннинг теварак-атрофда қилинаётган ҳамма ишлар учун жавобгарликни, айбни сезиши — бу эркин инсон хиссиётидир.

Экзистенциализмда, тарихда содир бўладиган воқеаларнинг ҳаммаси учун инсоннинг ўзи жавобгар бўлади, деб таъкидланади.

Бундай фалсафа тарафдорлари Хайдеггер, Марсель, Камю ва бошқалар фалсафа ўзининг билиш методи жиҳатидан фандан кўра санъатга яқинроқ туради, деб ҳисоблаганлар. Ҳозирда ҳам экзистенциализмнинг Фарб санъати ва адабиётига, зиёлиларига таъсири катта.

Экзистенциалистларнинг фикрича, инсон шахсининг борлиги, мавжудлиги (экзистенция) инсоннинг ўзи, яъни «Мен»ининг шундай марказий мағзини ташкил этадики, ана шу «Мен» шунчаки «фикрловчи ақл», яъни ялпи умумий, умуминсоний бир нарса сифатида эмас, балки аниқ, муайян (конкрет) такрорланмас шахс сифатида ўз ифодасини топади.

«Мен» аниқ, муайян шахснинг яъни сўзловчининг ёки ўзининг моҳияти ҳақида ўйловчининг ўзидир. «Мен» ўзининг алоҳида, бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор хусусиятларга, кўринишга, мизожга, характерга, дунёқарашга, иқтидорга ва ҳоказоларга эга бўлган, ақл, тафаккур, нутқ неъматини ато этилган эркин фикрловчи мавжудот — инсондир.

Киши, яъни инсон ўзининг «Мен»и орқали (ёки туфайли) ўзи билмагани ҳолда «лаззат» олади ва у «Ўзи»ни, ҳамда ана шу «лаззат»ни сақлаб қолиш ва уни бой бермаслик учун беихтиёр ҳамда ихтиёрли (стихияли, стихиясиз) равишда ҳаёт-мамот «жанги»ни қилади, интуитив равишда абадий яшашга, бу дунёдан кетмасликка интилади (ўлим олди жон талвасасида бу ҳол яққол кўринади).

Бунга ҳаётини мисоллар келтиришга ҳаракат қилсак: ҳеч бир жонзот ўз ихтиёри билан ҳаётдан, бу дунёдан кетишни ихтиёр этмайди, ўзининг «Мен»идан ажралиб қолишидан, йўқ бўлиб кетишидан кўрқади. Ҳаётдан ҳар ким қақшаб нолийбериши мумкин, аммо унга ҳаётдан кетишини айтсангиз ёки у ўлим олдида турганини ҳис қилса, барча чоралар билан бу дунёда қолишга жон-жаҳди билан интилади (чўқаётган одам сомон парчасига ҳам умид билан ёпишгани каби).

Агар инсон қайта тирилишига, тирилганда ҳам бошқа одам қиёфасида эмас, балки айнан ўзининг қиёфасида, айнан Ўзи бўлиб тирилишига қалбан аниқ ишонса, Ўзининг «Мен»и йўқолиб кетмаслигига ҳақиқатан ишонсагина, ўлимдан кўрқмаслиги мумкин. Худди уйқуга ётиб эрта билан уйғонишига ишонган одам уйқуга кетишдан кўрқмагани каби. Ўзининг борлигини, «Мен»ини чуқур ҳис қилиб англаган ҳар бир инсонга агар: «Ўлганингдан кейин бошқа қайта тирилмайсан, ёки дунёга бошқа одам қиёфасида ёки бирон-бир жонзод — ҳайвон, ҳашорот, дарахт, ўсимлик ва ҳоказолар бўлиб яна дунёга келасан, ёнки шахс сифатида бутунлай тугаб жонинг, кайҳоний (оламий) умумий жонга кўшилиб кетади», десангиз у бунга асло рози бўлмайди албатта. Чунки бунда у ўзлигини, «Мен»ини (ўзини) абадий йўқ бўлиб кетишидан кўрқади.

У охирабда ўзининг жисмига, танасига ўзининг жони, руҳи киритилиб у дунёда яна айнан ўзи бўлиб қайта тирилишига қалбан ишонсагина, у ўлим даҳшатидан унчалик кўрқмайди. У дунёга яна қайтиб келишини, ёки нариги дунёда айнан ўзи бўлиб қайта тирилишини ва ўзининг яқинлари билан яна бирга бўлишини хоҳлайди.

Билакс ҳолда унинг ўлим олди жон талвасаси жуда даҳшатли бўлиши табиий.

Динимиз Ислоннинг инсон ўлганидан кейин қиёмат куни қайта тирилади, деб таълим бериши (Иймон) инсонга умид бағишлайди ва ҳаётдан абадий йўқ бўлиб кетиш даҳшатидан халос қилади.

Аммо ҳаётда кўрқув инсоннинг доимий ҳамроҳи эканлигини ҳам унутиб бўлмайди. Бинобарин, кўрқув Ўзининг «Мен»ини сақлаб қолишига табиий интилишидир, десак жоиз бўлса керак. Шунинг учун, гапнинг очиғи, ким агар: «Мен ўлимдан кўрқмайман» деса, у ёлғон гапиради, агар у тўғри гапирган бўлса, унда унинг бу гапи унинг ақли ноқислигидан далолат беради.

Ҳамма ва барча яратилган махлуқотлар, тирик жонлар табиатан ўлимдан қўрқадилар ва ҳазар қиладилар. Баъзилар фақат «тилда», «тил учида»гина ўлимдан қўрқмайман дейдилар, аммо дилда бунинг акси бўлади. Ҳамма насихатгўйларнинг ҳам ўзлари айтган гапларига ўзлари амал қилиш қўлларидан келавермайди. Масалан, тасаввуф-сўфийлик ҳақида асарлар ёзганлар ва нафсдан кечиб, барча мол-мулкларини мискинларга садақа қилиб юбориб, ёлғиз **Аллоҳ таоло**га ибодат қилиб яшашни тўғри ва аълолигини тарғиб қилганларнинг ўзлари ўша сўфийлардек барча мол-мулкларини садақа қилиб юбориб, улардек яшаш қўлларидан келмайди. Лекин бошқаларни шундай қилишга даъват этадилар, тўғри йўлни кўрсатадилар.

Яна бир мисол: муттасил ичкилик ичиб юрадиган пиёниста ҳам болаларига «катта бўлганларингдан кейин, мен каби ичкиликка ружу қўйларинг», деб насихат қилмайди, балки бунинг аксини айтади: «Мен каби пиёниста бўлиб қолманглар», — дейди. Бу мисолни айни жиддий масала юзасидан бироз дағалроқ бўлса ҳам ҳар бир оддий одам тушуниши учун келтирдим, узр.

Айтмоқчиманки, ўша «*ўлимдан қўрқманглар*», дейдиган мутафаккирларнинг ўзлари ҳам дилда ўлимдан жуда қўрққанлар.

Ўлимдан қўрқиш ҳиссини **Аллоҳ таоло** инсонлар учун онгли равишда, бошқа яратган махлуқотларига беихтиёр, инстинктив тарзда идрок этишни ихтиёр этган ва юрагига жо қилиб қўйган. Масалан, товук, жўжа, ўрдак ёки ғозлар умрларида кўрмаган қирғий, лочинни осмонда кўриб қолсалар, қўрққанларидан беихтиёр жон ҳолатда қағ-қағлаб қий-қириб юборадилар. Шунинг учун ҳам инсонлар ва барча яратилганлар сўнгги дақиқаларгача ўлим билан қаттиқ олишиб, мағлуб бўлган ҳолда мажбуран ҳаётдан кетадилар.

Ўлимдан қўрқиш ҳисси, барча жонзотларга ўзини **Аллоҳ** яратган жисмини, танасини ёки шакл-шамойилини соғ-саломат, бенуқсон, бешикаст сақлаш ва асраш заруриятини келтириб чиқаради. Бунга мисоллар бир талай. Ўзини бешикаст сақлаш учун **Аллоҳ** барча жонзотларга ҳатто «оғриқ» деган буюк неъматни ҳам ато этган. Тасаввур қилинг-а, агар **Аллоҳ**нинг бу неъматни бўлмаганида нималар бўлишини.

Бу алоҳида мавзу, бунга учинчи китобимизда яна қайтамиз.

Сўзимизни давом эттирсак, буюк мутафаккирлар ўлимдан қўрқмаслик кераклигини ўзлари ўлимдан қўрқмаганликлари учун эмас, балки оммага ўлимдан қўрқиш бефойда ва ҳатто зарарли эканлиги сабабидан уларни юпатиш учун шундай дейдилар.

Қадимги Хитойнинг машҳур файласуфи Ян Чжу (395—335) **Тангри** ҳамма нарсани ҳалокатга, йўқ бўлишга маҳкум этган. Табиий заруриятни сабаб қилиб ҳаётни унинг зидди — ўлим билан алмаштирган. Пайдо бўлган ҳар бир нарсани емирилиб бузилишини, пировардида йўқ бўлишини ирода этган. Шунинг учун киши ҳозирги яшаб турган кундан ҳузурланиб яшашга ва ўлгандан кейин нима бўлишини ўйлаб, ўзини қийнамасликка даъват этган.

Қадимги буюк юнон файласуфи Эпикур (341—270) нинг фикрича, билишдан мақсад бахтга эришишдир, бунинг учун жаҳолат ва хурофотдан ҳамда ўлимдан қўрқишдан ҳалос бўлмоқ керак.

Эпикур таълимотининг давомчиси, қадимги Римнинг таниқли файласуфи, шоири. Лукреций Кар (99—35) ҳам кишининг ўлимдан қўрқиш ҳиссини жиловлаш кераклиги ҳақида: «*Биз яшаб турган эканмиз — ўлим йўқ; ўлим келгач — биз йўқ*» деб, Эпикур сингари инсониятга тасалли берган экан.

Шундай қилиб, инсониятни азалдан тонг қолдириб келаётган ўлим деб аталмиш сирли ходисани тўла англаб етиш умидида буюк алломалар, аҳли донишлар кўп ва ҳўб бош қотиришган. Бу ҳақда жуда кўп рисоалар, китоблар битилган. Бироқ ҳеч ким ўлим нима эканлиги хусусида узил-кесил фикрни айтолганича йўқ. Инчунин, бу ҳақда тагин **Умар** Хайёмга муружаат қиламиз:

*Мени айладилар дунёда мавжуд,
Ҳаётда топганим ҳайрат, тараддуд.
Бу йўлни ўтдим-у тушунолмадим,
Келмагу кетмакдан не экан мақсуд?!*

Шундай бўлса-да, одамзод барибир бу йўлда изланишдан толмади ва ана шу изланиш ва тадқиқотлар натижасида бугунги кунда янги фалсафа — ўлим фалсафаси яратилди.

Ал-Киндий (801—866) нинг таърифи бўйича вақт ўтмишни келажак билан туташтирувчи... «ҳозир»дир. «Ҳозир» эса, чегарага эга бўлмаган, ўтмиш ва келажак қоришмасидан иборат бўлган кўламсиз, мавҳум воқелиқдир. «Воқелиқ» деб шартли равишда айтдик. Аслида эса, кўламсиз, чегарасиз, маконсиз мавҳумлик «воқелиқ» бўлолмайди. Модомики шундай экан, «вақт», «ҳозир», «ҳозирги замон» мавжуд эмас, у йўқ нарса, деган файласуфларнинг фикрлари мантиқан тасдиқланади.

Шунга кўра, кундалиқ ҳаётда қандай воқеа рўй бермасин, у ё ўтган замонга, ё келаси замонга тегишли бўлиб чиқади. Демак, бу мантиқ орқасида «ҳозир», ҳозирги бу дунё йўқ, мавжуд эмас деган фикр, муаммо ўз ечимини кутиб ётади. Қизиқ-а: йўқ эдик, йўқликдан йўқликка келсак-да, яъна йўқликка кетсак!

«Фалсафада чуқур кетишлик зиёндир», деган қадимги дунё файласуфлари ана шу мавҳум муаммоларни ҳам назарда тутмаганмикинлар...

Ўлим фалсафаси инсонга бу фоний дунёдаги сўнгги лаҳзаларини хотиржамлик билан қарши олишни ўргатади. Одамларга ўзларидаги ўлимдан кўрқиш хиссини енгиб, ҳаётдан қувонч ва завқ олиб яшашларига кўмаклашади.

Теранроқ ўйласангиз, ҳаётда ўлимдан даҳшатлироқ ҳодиса ва бу ҳақда ўйламаган одамнинг ўзи йўқ. Бу ҳақда камдан-кам одам чуқур, давомли ўйлайди. Кўпчилик бу ҳақда ўйлайдилар-у, уни дарров эсдан чиқарадилар ва бу дунёда абадий турадигандек орзу-ҳавас ва шайтоний нафсни ҳакалак орттириб, дунё матосини кўпроқ тўплаш машаққатларига шўнғиб кетадилар. Шу хусусда қадимий ҳинд ҳикматларининг бирида: «*Нодон болалигида фақат ота-онасини ўйлайди, ёшлигида — фақат муҳаббатни, севгилисини, кексайганда фақат болаларини ва невараларини. Шу кўйи у ўзи ҳақида ўйлашга улгурмай оламдан ўтиб кетади*», дейилган.

Туғилиш ва ўлим. Ўлим ва туғилиш. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, инсон туғилиши билан мавжудлигининг бир кўриниши — «ўлади», вафот этганда эса мавжудлигининг янги босқичи — «туғилади». Шунданми, «*Ўлим бир ҳаётнинг тугаб, иккинчи ҳаётнинг бошланишидир*», деган экан машҳур файласуф Арасту.

Ўлим барҳақ. Шунга қараб иш, фаолият юритсангиз асло янглишмайсиз. Ўлим ҳақида машҳур кишиларнинг фикрларини билсак, мавзуни теран англашимиз осон бўлади. Чунончи:

Табиат бизга ўлим ҳақида ўйламаслик салоҳиятини ато этган, акс ҳолда, олам ҳаракатдан тўхтаб қолган бўларди. (Ф. Гвиччардини).

* * *

Одамларнинг ўлим деган нарсани билиши аслида уларнинг ўлимдан беҳабарлиги вазидан унчалик кўрқинчли туюлмайди; қазо вақтининг ноаниқлиги абадиятга ўхшаб кетади (Ж. Лабрюйер).

* * *

Ўлимнинг муқаррарлигини ҳамма билади, аммо у яқин эмас деган фикр мавжудлиги туфайли, ҳеч ким у ҳақда ўйламайди (Арасту).

* * *

Ўлимга тик қараш, ўз-ўзини алдашга уринмасдан унинг яқинлашаётганини олдиндан сезиш, сўнгги дақиқага қадар дадил туриш, бўшашмаслик ва кўрқмаслик, иродали кишиларга хос хислатдир. (Д. И. Писарев).

* * *

Ўлолмаيمان, деб асло ташвиш тортманг: вақт-соати етганда табиатнинг ўзи бунга сизни яхшилаб ўргатиб қўяди; сиз учун ҳам ҳаммасини ўзи ҳал қилади, бу ҳақда бош қотириб юрманг. (М. Монтень).

* * *

Бу борада машхур, сўфий, шоир, авлиё Хожа Аҳмад Яссавийнинг қуйидаги ҳикмати айниқса диққатга сазовордир:

*Бешак билинг, бу дунё борча элдин ўтаро,
Инонмағил молинга, бир кун қўлдин кетаро.*

*Ото-оно, қариндош, қаён кетти фикр қил,
Тўрт аёғлиғ чўбин от бир кун санга етаро.*

*Дунё учун еам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молин ема, сирот узра тутаро.*

*Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,
Мардона бўл еариб бош, умринг елдек ўтаро.*

*Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг, обу гил, яна гилга кетаро.*

Тагин фозил кишиларнинг фикрлари билан танишишда давом этамиз. Чунончи:
Донишманд одам умрининг охирига бориб ўлимнинг фақат четдан қараганда, яқин кишилари учунгина даҳшатли эканини, ўзи учун эса ҳеч нарса эмаслигини, қандай туғилган бўлса худди ўшандай кетишини тушуниб етади. (М.М.Пришвин).

* * *

Донишманднинг ўлими ўлимни писанд қилмайдиган ўлимдир. (Сенека).

* * *

Муқаррар нарсадан қўрқиш нодонликдир. (Публий Сир)

* * *

Қазо вақти етганда тирик қолишга уриниш бемаъниликдир. (А.Франс).

* * *

Ҳаёт билан видолашилаётганда ўлим даҳшати сезилмайди, фақат қон ва тана ўлим билан олишиши, унга қаршилиқ кўрсатиши мумкин, ақл-идрок эса лоқайд ва бефарқ тамошабин бўлиб тураверади. (Э. Капиев).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Маккага ҳажга борганларида Видо хутбасида:
«Ҳушингизни йиғиб олинг! Билингки, эртага Аллоҳингизга қовушажаксиз. Дунёда доимий яшаган ҳеч бир инсон, ҳеч бир пайғамбар бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Дунёда ҳеч кимса қолмайди. Билингки, мен ҳам Раббимга қовушгайман. Табиийки, сиз ҳам Раббингизга қовушгайсиз» деган эканлар.

Ваҳоланки, биз турмуш ташвишларига кўмилиб, содир бўлиши муқаррар бўлган ўлимни унутиб қўямиз. Бизга бугунги ва эртанги кунимиз абадий давом этадигандек туюлади. Фақат тобут кўтариб кетаётган элни кўрсак, кимнингдир вафот этганини эшитсак, қабристонга кирсак, уни эслаймиз, холос. Аммо ўша дамда ҳам бу ходисанинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқдай туюлади.

Эслаганимизда ҳам бир лаҳзагина эслаймиз-у, дарров ёддан чиқарамиз ўлимни. Чунки

бу дунёдан исиз абдий йўқолиб кетиш, ҳаётнинг бизсиз ҳам давом этиши, ўлим қўрқинчи қалбларни ўртайди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, ўлим даҳшатини эсламасликка, у ҳақда чуқур фикрга толмасликка, гапирмасликка ҳаракат қиламиз.

Бир подшо донишманддан: «*Бу дунёда энг ажабланарли нарса нима эканини айта оласанми?*» деб сўраганда у: «*Ҳа. Одамлар бу дунёда уларнинг қариндош-уруғлари, яқин одамлари ўлимни кўриб туриб ҳам, бу ўлимнинг менга алоқаси йўқ, мен дунёда абдий яшасам керак деб ўйлашлари жуда ҳайратланарлидир*», деб жавоб берган экан.

Одамлар бу муаммога жиддий тус бермайдилар. Ўлим ҳақида ўйлашдан ва сўзлашдан кочишга ҳаракат қиладилар. Ҳақиқий илм эса инсон ўзига ана шу саволларни бергандан сўнггина бошланади.

Милодий VII—VIII асрларда қадимги тибетликлар кишини ўлимга тайёрлайдиган «Ўлим китоби»ни ёзиб қолдирганлар. Бу китобда ўлим ҳодисаси бамисоли бир санъатдек тасвирланган. Тибетлик руҳонийлар ўлим тушагида ётган кишига ана шу китобни мутолаа қилиб, уни ўлимга тайёрлаганлар. Бу амал уларда ўлаётган кишининг дафн маросими тириклигидаёқ бошланишини, яъни унинг бир қисмини ташкил этган. Хуллас, тибетликлар жон бераётган кишига ўлим ҳодисасининг сирли ҳолатини бошдан кечиришга кўмаклашганлар, йўл-йўриқ берганлар.

Ҳинд ведаларида айтилишича, агар инсон бу дунёни ёруғ пайтда тарк этса, орқага қайтмайди, қайта туғилмайди. Бордию, тунда тарк этса, яна дунёга қайта қайтиб келади. Агар инсон ўз ҳаёти мобайнида кўплаб эзгу, савоб ишлар қилса, у Коинотнинг юқори сайёраларига равона бўлиб, шунга яраша латиф танага киради ва бу дунёда қайта туғилиш ва у билан боғлиқ азоб-уқубатлардан буткул қутулади. Агар бунинг акси бўлса, ўлим даҳшати қутқу солаверади ва инсон ҳар сафар теварагимиздаги моддий дунёга қайтишга — туғилиш ва ўлиш машаққатларига дучор бўлаверади.

Одамлар бу дунёга, олдинги гал бу дунёда қилган яхши-ёмон аъмолларига қараб — ўсимлик, ҳашарот, ҳайвон ёки яна одам қиёфасида қайта келиши мумкин ва янгидан-янги азоб-уқубатларни, ердаги ҳаёт машаққатларини қайта бошдан кечираберадилар дейилади ҳинд ведаларида.

Буюк аллома, донишманд, тасаввуф илмининг билимдони, руҳшунос, улуғ шайх, сўфий Азизиддин Насафий (1226 — 1306) ўзининг «Зубдат ул-ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар қаймоғи) китобида ёзишича, инсон жони танадан ажралиб, озодликка чиққанидан кейин, агар у яхши инсон бўлиб комилликка эришган бўлса, аслида — асл ақллар ҳузурига қайтиб, ғайб оламига йўл олади. Шу боис, инсоннинг вазифаси узлуксиз маърифатга интилмоғи ва руҳини нур билан тўлдириб, илм топиб, мусаффолик сари доим талпинмоғи лозимдир деб айтган.

Аммо агар руҳ янада кўпроқ маърифатга, комилликка эришган бўлса, унинг руҳи осмонлар осмони руҳи маконига боради деб таъкидлайди улуғ мутасаввуф.

Бунинг аксича бўлган нодон, жохил, ахлоқсиз, гуноҳи кўп ва ёвуз инсонлар руҳи, Ой фазоси остида қолиб, фалак оламига кўтарила олмаган жонлар, юқорида айтганимиздек, бошқа вужудга эга бўладилар, бир танадан иккиламчи таналарга ўтаверадилар.

Сўнгги нафас, сўнгги дам, энг муҳим вазият бўлиб, шу дамда сиз нима ҳақида ўйласангиз, ўшанга етишасиз, деб ёзади Азизиддин Насафий.

Фикр-ўйларимиз, орзуларимиз — бизнинг ўзимиз, бизнинг қиёфамиз. Шунинг учун ҳам ҳинд ведаларида оддий яшаб, юксак фикрлаш тарғиб қилинади.

Сўзимизнинг давомига келсак, тибетликларнинг «Ўлим китоби»да ёзилишича, руҳ танани тарк этадиган пайтдаги бир лаҳзада руҳ ҳушсизлик, мубҳамлик (ноаниқлик) ҳолатига тушади. Аммо у бўлаётган воқеа-ҳодисаларни англаб туради. Жон бераётганда ташвишли, қўрқинчли товушлар эшитилиши мумкин экан.

Аввалига руҳ танадан ташқарида эканидан ҳайратга тушади. У танаси олдида бўзлаб йиғлаётган қариндош-уруғларини кўриб туради. Уларга гапирмоқчи бўлади, аммо уни ҳеч ким эшитмайди. Шунда у яқинларини ташлаб, оламдан ўтганини англаб етади, нима

қилиш кераклигини ва қайси томонга боришини билмай гарангсиз туради. У қаттиқ жисмлар — девор, тош ва шу кабилар орасидан сизиб ўта олувчи латиф танада эканини ҳис этади. Ҳаракатлари эркин ва енгил бўлиб қолади. У қаерга боргиси келса, бир зумдаёқ ўша жойда пайдо бўлиб қолади. Фикри, ҳис-туйғулари янада ёркинлашади.

Аждодлари пок, насли тоза, бобокалонлари уламо, олим ўтган инсонлар бошида халоскори бор бахтли инсонлардир. Зеро улар ўз авлодларидан бўлган зурриётларини еттинчи пуштига қадар Ўзининг ҳифзу ҳимоясига олишини **Ҳақ таолодан** сўрайдилар, бошларида бирор фалокат юз бериши эҳтимоли бўлса, тушларига кириб огоҳлантирадилар. Фақат тушни эслаб қола билиш керак.

Киши ўлганидан сўнг, тириклигида кўр, қар бўлган бўлса, кўзлари очилар ва қулоқлари яхши эшита бошлар экан.

XVIII асрда яшаб ўтган швед файласуфи Эммануэл Сведенборг ўлиш ҳолатини бошидан кечирган экан. Унинг фикрича, руҳлар қандайдир умумий тилда сўзлашадилар. Ўлган одам ўша заҳотиёқ шу тилда гаплашишни ўзлаштириб олади. Руҳ ёки фариштанинг нутқи оддий сўзлашув каби аниқ жаранглар, аммо у атрофдаги тирик одамларга эшитилмас экан. Шунингдек, ўлган одамнинг руҳи марҳумнинг дўстлари, яқинлари, қон-қариндошлари руҳи билан ҳам учрашиши мумкин; улар унга ўзга оламга ўтгани кўмаклашар ва бу янги ҳолатига тааллуқли бўлган ишлар тўғрисида улардан маслаҳатлар олар экан.

Вафот этганлар латиф оламга ўтишгач, у оламга кўниккунларича ўзларини жуда ёлғиз ҳис қилишади ва бу ёруғ дунёдан ҳамроҳ ахтаришади. Тириклардан ўз яқинларини қўмсашади, доимо улардан умидвор бўлиб юришади.

Шуниси муҳимки, арвоҳлар — яъни марҳумларнинг руҳлари кўпроқ бу дунёда руҳияти кучли бўлган кишиларни олиб кетишни исташади. «Яхшига кун йўқ, ёмонга — ўлим» деган халқимиз ибораси эҳтимол шу ҳақдадир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бизда яна бир бор ўйлаб кўриб муҳокама этилиши керак бўлган бир одамимиз бор, у ҳам бўлса марҳумни дафн этиш маросимиди; масалани қўлимиздан кўнганча таҳлил этиб кўрсан. Бу жиддий масала ҳар бир кишини ўйлантирмай қўймайди.

Маълумки, мусулмонларда киши вафот этгач, уни, гўё вабо тарқалиб кетишидан кўрқиб қолгандек, дарҳол, зудлик билан 4—5 соат ичида кўмиб юборадилар. Марҳум ўзининг яшаб ўтган кадрдон уйига бир кунга ҳам «сиғмай» қолади. Сабаби, марҳум тезда кўмилмаса, у қабрда Мункар-Накир фаришталари билан савол-жавоб қилиши учун «тили қотиб» қолар эмиш.

Назаримда, бу фараз ҳам илмий, ҳам ақлий, ҳам мантиқий жиҳатдан бутунлай асоссиздир. Чунончи, динимиз Исломнинг таълим беришича, майит қабрга қўйилгач, жаноза иштирокчилари қабрдан 7 қадам узоқлашганларидан кейин савол-жавоб учун **Аллоҳ** марҳумни маълум муддатга тирилтиради ва у қабрда ўтирган ҳолда Мункар-Накир фариштасининг: **Раббинг ким? Дининг қайси? Пайғамбаринг ким?** деган уч саволига жавоб беради.

Биз биламизки, **Аллоҳ таоло** учун умуман қийин, иложсиз нарсанинг ўзи йўқ.

Эсингизда бўлса, китобимизнинг олдинги фаслларида, Аллоҳ бандаларини хоҳлаган пайтида тирилтираолиши ҳақида ибрат бўлсин деб, Узайр алайҳиссаломни 100 йил ва Асхаб ул-Каҳф (Фор соҳиблари)ни эса 300 йил муддатга ўлдириб яна қайта тирилтиргани тўғрисида айтиб утган эдик. (Қаранг: Қуръон, 2- «Бақара» сураси, 259-оят ва 18- «Каҳф» сураси, 19—25-оятларга).

Аллоҳ улуғ, қудратли, ҳамма нарсага қодир, билим ва ҳикмат соҳиби бўлган меҳрибон ва раҳмли зотдир. Бивобарин, **Аллоҳ** майитни тирилтиришга қодир экан, унинг қотиб қолган тилини тирилтира олмайдимиз?!

Бу **У**нинг чексиз қудратига шубҳа билдириш бўлиб қолмайдимиз?

Бу гаплар шундай куфрона гапларни кўтариб юргувчилар учундир.

Бу масалани яна бошқа бир жиддий томони ҳам борки, ўтмишда марҳум дафн этилгач, ҳаётда гўрдан чиқиб келиш ҳоллари ҳам жуда кам бўлса-да, содир бўлган.

Манбаларда ёзишларича, Алишер Навоий билан замондош бўлган Хуросон ҳукмдори Хусайн Бойқаронинг хокини бошқа ерга кўчириш ниятида қабрини очганларида, унинг гавда суяклари (скелети) ўраб қўйилган кафандан ечилиб, қабрдан чиқмоқчи бўлиб интилиб, ўгрилиб, юзтубан ётган ҳолда кўрган эканлар. Демак, бундан, у қабрда «тирилган» (аникрофи, у ўлмаган-у, кўмиб юборилгач, ўзига келган), гўрдан чиқмоқчи бўлиб, лаҳад оғзига терилган гувала (таппак)ларни ўзига тортиб тушириб қабрдан чиқмоқчи бўлган, ammo у қувватсизлигидан, ёки нафас ола бошлаганидан кейин лаҳаддаги ҳаво захираси (запаси) тамом бўлганидан кейин даҳшатли тарзда бўғилиб «қайта ўлган», деган тахмин келиб чиқади.

Эртакларда ҳам бу ҳодиса озми-кўпми тилга олинган. Масалан, ўзбек халқининг афсонавий қахрамони Гўрўғли ҳам гўрда туғилган.

Гўрдан чиқиб келганлар ҳақида унда-мунда гап-сўзлар ора-чора эшитилиб қолади. Касалхоналарнинг ўликхонасида ҳам ўликлар орасидан «тирилиб» қолган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Аммо, ҳамма ўлимдан ниҳоятда кўрққанликларидан ундан ҳазар қилиб, бу машъум ҳодиса ҳақида умуман гапирмасликка ҳаракат қиладилар, гапирсалар ҳам дарров гапни бошқа ёққа буриб юбориб, бундай нохуш мунозаралардан ўзларини олиб қочадилар.

Айтишларича, гўрдан «тирилиб» чиқиб келганлар ўз оилаларига қайтиб келмай, бутунлай бошқа узоқ томонларга бош олиб кетиб қолар ва ўзларини тирик эканликларини ҳеч кимга бир умр билдирмай ўтиб кетар эканлар.

Тасаввур қилиб кўринг-а, лаҳадда ўзингизга келиб «тирилиб» қолсангиз, қай аҳволга тушар экансиз? Агар кўрқувдан ўтакангиз ёрилмай қолса, гўрдан чиқиш учун ҳаракат қилиб, яна «иккинчи марта ўлсангиз» бу қандай даҳшат?!

Насронийларда ўлик 3 — 4 кун, баъзан, ҳатто бир ҳафта уйда сақланади, узоқ-яқиндан келганлар, қариндош-уруғлар, таниш-билишларнинг бариси марҳум билан видолашади, шундан кейингина уни қабрга олиб борадилар. Бу ишни иккинчи ижобий томони ҳам борки, марҳум ўз уйида 3 — 4 кун «меҳмон» бўлиб турган вақтида «ўзига келиб» қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Ижозатингиз билан, ўлмай туриб кўмиб юборилганлар ҳақида яна баъзи бир мисоллардан келтирсак.

Матбуот хабарларига қараганда Перм вилоятининг ҳозирги Губаха шаҳарчасидаги бир хонадонда онаси ёнида тикувчилик қилиб ўтирган бир қиз кўйлакка энди қадайман деб турган оғзидаги тугмани беҳосдан ютиб юборади. Қизни уйдан анча узоқда бўлган касалхонага олиб боришгунларича у йўлда вафот этади. Дўхтирлар уни ўлди деб ҳужжатлаштирадилар. Руслар одати бўйича майитни ювиб-тараб, эгнига қимматбаҳо кўйлагини кийдириб, қўлига ва қулоғига олтин узуги ва исиреасини ҳам тақиб қабрга қўйиб келадилар.

Эртаси кун тонг саҳарлаб қиз гандраклаганича уйига кириб келади. Ранги докадек оқариб кетган офтодаҳол бу қизни кўрганлар чинқириб юборадилар, баъзи бирлари эса ҳушдан ҳам кетадилар.

Кейинчалик қиз ота-онасига тугма томоғига тиқилган заҳоти ҳаво етишмаслиги натижасида беҳуш, бемажол бўлиб қолганини, додлаб йиғлаб турганларга «Мен тирикман», дейишга ҳам мажоли келмаганлигини, дўхтирларнинг хулосасини ҳам эшитиб ётганини, ўлим шундай бўлар экан-да, деб ётаверганини, ҳатто кўзини ҳам очишга ҳоли келмаганини, тобут устига сўнги михларни қоқаётганларини сезиб, билиб ётса-да, овоз чиқаришга кучи етмаганини, қабрда тобут устига тупроқ тортаётганларини ҳам билиб ётганини сўзлаб беради.

Шундан кейин ўша кун тунда тўрт ўери, қизни олтин узуги, зеб-зийнатлари ва қимматбаҳо кўйлагини олиш учун қабрни очиб яшиқни қопқоғини очадилар, зеб-зийнатларини ечиб олиб, кўйлагини ҳам ечиб олиш учун майитни юзини ерга қаратиб ётқизишлари биланоқ у бирдан қалқиб кетиб йўталиб юборади, тугма томоғидан ўтиб ошқозонга тушади ва у тўйиб-тўйиб нафас ола бошлайди. Бунга қаранг-ки, юраги уришдан тўхтаган бўлса-да, у тугма тешигидан билинар— билинмас нафас

олиб ётган экан. Ўзига келган қиз баралла овозда: «Мен тирикман, мен тирикман!» деб бақирган заҳоти ўғриларнинг иккитаси турган жойида жон таслим қилади, қолган иккитаси эса қочиб қолади. («Қалб кўзи», 1998- йил феврал, 7 бет).

* * *

Яна бир мисол. Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани фермасида монтер бўлиб ишлаётган Аҳмадали Ҳакимов 1995- йилда узилиб кетган электр симини улаётганида фожеа юз бериб, уни тоқ уриб ўлдиради ва уни эртаси кун дафн қиладилар. Шу кун тунда шу қишлоқлик икки ўғри мурдани тилло тишларини суғириб олмоқчи бўлиб қабрни очадилар. Ўғрини лаҳадга узатилган қўлига майит маҳкам ёпишиб олади ва ташқарига чиқади. Ўғри қўрқувдан юраги ёрилиб шу заҳотиёқ тил тортмай ўлади, шериги эса жон ҳолатида қочиб қолади.

«Мурда» тонг саҳарда кафанини судраб уйига кириб келади ва уйдагиларга ҳамда унга фотиҳа ўқишга келганларга «Ўлиб — тирилганини», аниқроғи тоқнинг заҳри ва кучи ерга сингиб, омон қолганини, қабрни очган ўғрилар туфайли лаҳаддан осонгина чиқиб олганлигини сўзлаб беради.

* * *

Бошқа бир мисол. 1964- йил Американинг Нью-Йорк шаҳридаги касалхонанинг ўликхонасида жарроҳ бир майитни терисига тиз тортиши билан мурда сапчиб ўрндан туриб жарроҳни ёқасидан олади. Умри давомида ўликларни ёриб келган жарроҳ бу ҳолатга биринчи тушиши эди, у ўтакаси ёрилиб, ўша заҳоти жон беради. («Сирли олам», 1998- йил феврал, 8 бет).

* * *

Яна бошқа мисол. АҚШ нинг Висконсин деган жойида беш яшар Макс Ховфман исмли бола 1865- йилда вабо билан оғриб вафот этади. Бола дафн этилган оқшомда онаси туш кўради. Тушида боласи тобутдан чиқишга уринар ва ота-онасини ёрдамга чақирар эди. Совуқ терга ботиб кетган аёл дарров эрини уйғотиб кўрган тушини сўзлаб беради ва болани дарҳол қабрдан чиқариб олишни сўрайди. Эри эрта билан бир оғайнисини олиб қабристонга жўнайди ва қабрдан тобутни тортиб оладилар. Тобутни очиб қарашса бола бир томонга қийшайиб ҳушсиз ҳолда ётарди. Уни тезда касалхонага олиб борадилар. Бир соат давом этган кучли уқалашлардан кейин Макс ҳаётга қайтган ва яна 80 йил умр кўрган.

* * *

Шунга ўхшаш мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Хабар беришларича, Лесбослик епископ Никифор Гликас «ўлим»идан кейин тобутда икки кун ётгач, черковда унга жаноза ўқийётганларида ўзига келиб кўзини очган ва ... атрофида нималар бўлаётганига мутлақо бефарқ ҳолда кундалик черков юмушларини адо этишга тушиб кетган.

* * *

Деҳлида насроний поп Шварц ўзининг дафн маросими пайтида ўзига яхши таниш бўлган диний қўшиқ овозидан «уйғониб» кетган. Тобутда ётган жойида бошқаларга қўшилиб куйлай бошлаган. Дафн маросими қатнашчилари ҳайратдан танг қотиб қолганлар.

* * *

20 соат мобайнида мурда бўлиб қотиб ётган Италиянинг буюк шоири Петрарка (1304-1374) қабрга қўйишларидан олдин «тирилиб», яна 30 йил умр кўрган.

Матбуот хабарларига қараганда 18-19- асрда Европада нотўғри тиббий хулосалар натижасида сохта ўлимга дучор бўлиб, кўмилиб кетишдан кўрқувчилар сони ортиб кетди. Чунки шу даврларда «қабрдан қайтганлар» сони залворли эди. Натижада «мавхумий ўлим

хақида тиббий хулосалар» мазмунидаги китоблар нашр этила бошланди. Бу ҳодисаларни аниқлаш гуруҳлари ва ҳатто махсус тузилган жамиятлар ишга тушди.

Шундай илк жамиятлардан бири 1767- йилда Амстердам шаҳрида 25 йил давомида 990 кишини «қабр азоби»дан қутқариб ҳаётга қайтарди. Шундай жамиятлардан яна бири 1771- йилда Парижда махсус илмий-тадқиқот муассасаси ташкил қилди ва унинг ходимлари 312 фуқарони тириклайин кўмиб юборишларидан сақлаб қолдилар. Шундан кейинги даврларда Инглизлар ҳам улар изидан бориб 2175 кишининг ҳаётини «узайтиришди».

Бундай нохуш даҳшатли ишларни олдини олиш учун Император Александр III (1845-1894) буйруғига кўра «марҳум»га тирик эканлигини атрофдагиларга сездира олиш имкони ятини бера оладиган махсус тобут ясаганлар ва дафн маросимида фойдаланганлар.

Инглиз ёзувчиси Уилки Коллинз (1824-1889) ўлмасидан бир неча йил аввал уйдагиларга хат ёзиб, чинакам ўлганига ишонмагунларигача қабрга қўймасликларини сўраб васият ҳам қилиб қўйган экан.

1803- йили эса Венада «марҳумлар»ни «тирилтирувчи» жамиятлар, уюшмалар иш бошлаб юборган. Европанинг бир қанча давлатларида ва Америкада ўлим «мутахассислари» кўпайиб кетган. («Қалб кўзи», 1997- йил декабр, 7- бет ва «Сирли олам» жаридаси 1998- йил 8- бет).

Ўлим бошланганини асосий белгиларидан бири нафас олишнинг тўлиқ тўхташидир. Ундай бўлса, хиндистонлик руҳоний Гуру Равиндра Мишранинг кўл тубида 144 соат давомида нафас олмай тура олганини нима деб баҳолаш мумкин?

Бу ҳақда Америкалик машҳур биолог-врач Уоллис Эйбел ўз фикрини билдириб, инсон онги танадаги ҳаёт аломатлари йўқолганидан кейин ҳам фаолият кўрсатаверишини, шунинг учун ҳам врачлар одамни ўлдига чиқариб, мурдасини музхонага тикиб қўйишдан аввал энг камида *48 соат сабр қилишлари* кераклигини айтиб ўтган.

Буни амалга ошириш учун балки касалхоналар қошида мурдани тегишли ҳароратда 3 кун сақлаб берадиган махсус хоналар ташкил этилсамикан...

«Эҳтимол, биз ҳар йили тўлиқ ёки узил-кесил ўлмаган минглаб одамларни тириклай гўрга тиккаётгандирмиз», дейди Эйбел («Сирли олам» жаридаси, 2001- йил май-июн сони, 24- бет).

Бундай машъум даҳшатли ҳодисаларнинг бизда бўлмаганлигига ёки бўлмаётганлигига ким кафолат бера олади?

Агар врачлар яна саъй-ҳаракат қилишса, бу одамларни балки ҳаётга қайтариш мумкин-дир. Амалда мавжуд бўлган бундай даҳшатли воқеликдан кўз юмиб бўладими?

Пайғамбаримизни вафот этганларидан кейин учинчи кун қабрга қўйилишлари ана шу юқорида кўрсатиб ўтилган фикр билан боғлиқ эмасмикан?

Назаримизда, ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни чуқур ўрганиб ўлим ҳақидаги тиббий хулосаларга тўғри якун ясайдиган вақт келди чоғи. Бу ҳақда ҳозирги эскириб қолган ўлим ҳақидаги тиббий хулосалар тизими чинакам ўлимни аниқлашга ожизлик қилаётган кўринади.

Бу мунозарали масала тегишли олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик ҳукмига ҳавола.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам марҳумни тездан дафн қилинганлар, деб айтганлар. Аммо муҳлатини айтмаганлар. Тездан дафн қилиш деган сўз шу кунгек, шу заҳотиёқ дегани эмас-ку.

Тарихдан бизга маълумки, пайғамбаримиз 8- июн душанба куни чошгоҳдан кейин вафот этиб, Арабистоннинг шундай жазирама иссиғига қарамай, қабрга учинчи куни — чоршанбада аср намозидан кейин қўйилганлар!

Ана шуларга асосланиб, дафн этиш маросимини пайғамбаримиз суннатларига амал қилган ҳолда, яъни ўликни қабрга учинчи кун қўйиш масаласини ўйлаб кўрсак ва буни аста-секинлик билан урф-одатларимизга сингдириб борсак қандай бўлар экан, деб ўйладим.

Бу мавзу сиз азиз суҳбатдошларимиз муҳокамасига ҳавола.

Бизга таълим бериб айтишларича, марҳум гўрга қўйилгандан кейин жанозага келганларнинг охирчилари гўрдан етти қадам узоқлашиб, кетганларидаёқ **Аллоҳ**нинг икки фа-риштаси — Мункар ва Накир келиб марҳум билан савол-жавоб қилар экан.

Билимдон боболаримизнинг айтишларича, марҳумни қабрга қўйиб бўлгач, қабр ёнида

ойла аъзоларидан бир ёки икки киши ва саводхон бир домла қолиб, мархум савол — жавобда қийналмаслиги учун бир соатча *Қуръон*нинг «Таборақ» ва «Ёсин» сураларини ўқиб, **Раббим** — **Аллоҳ**, диним — Ислом, пайғамбарим — Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам деб қайтариб ўтирсалар катта савоб ва марҳумга охирги ёрдам берилган бўлар экан.

Шундай қилиб, сўзимизнинг давомига келсак, киши вафот этганидан кейин, унинг руҳи (арвоҳи) ўзини доим эслаб, дуои фотиҳа қилиб туришларини истаб, умидвор бўлиб, доим у ўзи яшаб ўтган манзил атрофида, яқинлари теварагида гирдикапалак бўлиб юради. Айниқса ўлган кунни, еттиси, йигирмаси, қирки, йили тўлганда, арафа, ҳайит кунлари, пайшанба, жума, якшанба кунлари мени эслашармиканлар деб, келиб хабар олиб туради. Йил ўтгач, ёки ундан кейинроқ уни кам эслашларидан ҳафсаласи пир бўлиб, у дунёда ўзининг қариндош-уруғларини топиб олиб, уларга қўшилиб кетади. Шундан кейин ҳам, юқорида айтганимиздек, гоҳ-гоҳида келиб, яқинларидан хабар олиб, зиёрат қилиб туради. Шу боис, руҳлар ҳамма нарсадан огоҳдирлар. Ким нима иш қилаётганидан, нима деб гапираётганидан доимо бохабар бўлиб турадилар. Тушларимизга кириб баъзи бир нарсалардан бизни огоҳ, хабардор қилишга ҳаракат қиладилар. Бекорга айтмаганлар: «*Тириклар — ўлик, ўликлар — тирик*», деб. Фақат кўрган тушларимизни яхши эслаб қолишга ва уларни тўғри таъбир ва талқин қилишга, арвоҳларнинг огоҳлантиришларига бепарво қарамай, ҳушёрлик, зийраклик ва жиддийлик билан қарашимиз лозим бўлади.

У дунё билан бу дунё орасидаги алоқа, яъни латиф ҳаёт билан моддий ҳаёт ўртасидаги алоқа, ёлғиз туш ва интуиция орқали содир бўлади. Аллоҳ Ўзининг пайғамбарларига кўпинча уларнинг аниқ-таниқ кўрадиган тушлари орқали тегишли ваҳйларини, хабарларини юборган.

Уйку ярим ўлик ҳолатидир. Баъзида уйку пайтида руҳ танадан ажралиб чиқиб, биз ҳаётда кўрмаган сирли гўзал-сўлим маъволарга сайр қилади.

Тушларнинг турли-туман туркумлари бўлиб, биз учун уларнинг икки хилини билиш айниқса муҳим. *Улардан бири* башорат берувчи тушлар бўлиб, улар келажакда нима бўлишини, бизни ҳаётимизда нималар кутаётганлигини билдирувчи тушлардир. *Иккинчиси* огоҳлантирувчи тушлар бўлиб, улар бизни келажакда бўладиган кўнгилсиз ҳодисалардан, ишлардан, воқеалардан огоҳлантирадилар. Масалан, бирор-бир яқин қариндошимиз ёки қадрдонимиз тушимизда бизни чақириб ўзи билан бирга олиб кетса, демак, умрингиз поёнига ета бошлаганини билдиради. Шунда сиз дарров садақа қилиб юборинг. Яхши тушга ҳам, ёмон тушга ҳам садақа қилинади. Аммо ғафлатда қолмаслик керак, сафар тадориги кўрилгани маъқул. Чунончи, *биринчи галда*, албатта барча қарзларингиздан қутулинг, қарзингиз бир игна бўлса ҳам уни бериб қўйинг ёки уни ўрнига пул-мул бериб, қарз берганни рози қилинг. *Иккинчидан*, зарур ишларингизни тездан битиришга шошилинг. *Учинчидан*, узоқ-яқин қариндошларингиз ва яқинларингиз билан гап орасида рози-ризолик тилашиб қўйинг. *Тўртинчидан*, албатта авлодларингизга васиятнома ва насиҳатнома битиб қўйинг. Ойла шажарасини юритишларини, агар бўлса, давом эттиришларини тайинланг. Бешинчидан, изингизда қолаётганларга малол келмаслиги учун ўлимликка зарур нарсалар ва маблағ ажратиб, тегишли бола-чақангизга бериб ёки кўрсатиб тайинлаб қўйинг. Айтишларича, олиб қўйган нарсаларингиз — ўлимлигингиз сизнинг умрингиз узоқ бўлишини тилаб, ҳамду санолар қилиб турар экан. Ана шу зарурий ишларни қилиб қўйганингиздан кейин бу фоний дунёдан у — дунёга — боқий, абадий дунёга, латиф оламга кўчишга шай бўлган бўласиз. Ахир арзимаган 10-15 кунга сафарга кетадиган бўлсангиз ҳам анча-мунча сафар тадоригини кўрасиз-ку!

Ёддан чиқарманг, гуноҳ ишлардан энг ёмонларидан бири — дилозорлик. Бекорга айтмаганлар «*Дилозордан худо безор*», деб. Бирон-бир одамни дилини оғритиб қўйган бўлсангиз кечирим сўраб қўйинг.

Эсдан чиқарманг, ўтган аждодлар наздида авлодлар ва зурриётларнинг яккаю ягона қарзи, бурчи бор. У ҳам бўлса, марҳумларни доим ёд этиб, номларини тилга олиб, тез-тез

дуои фотиҳа қилиб туришдир. Уларнинг сиздан ёлғиз умиди ва талаби ҳам шудир. Шундай қилсангиз, биринчи навбатда марҳумларга, иккинчи навбатда ўзингизга яхшилик қилган бўласиз. Унутманг, бу дунё қайтар дунё, нима эксангиз шуни оласиз.

Қуйида ота-она, қариндош уруғларга ёру биродарларга, яқинларга ўқиб туриладиган дуои фотиҳалардан айримларини келтириб ўтамиз, ана шуларни ҳар пайшанба, якшанба кунлари тиловат қилиб, уларга бахшида қилиб турунг.

Унутманг, сизнинг чин дилдан, астойдил, йиғлаб қилган бу дуои фотиҳангиз **Тангри таолога** ҳеч бир тўсиқсиз етиб боради, ишонинг!

Буни пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадиси муборақлари ҳам тасдиқлайди: **«Аллоҳ таоло: «Қўлларини Менга чўзиб дуо қилган қулимнинг қўлларини бўш қайтармакдин ҳаё қилгайман».**

Аллоҳ Ўзининг бандаларига ниҳоятда меҳрибон ва раҳмлидир.

Мухтарам суҳбатдош дўстим!

Оламдан ўтиб кетганлар Сизу биздан бор-йўғи битта нарсани умид қилиб ётадилар. У ҳам бўлса уларни вақти соати билан ёд этиб туришимизни. Шунинг учун уларни руҳларини шод айлаб ҳафтанинг якшанба, пайшанба ва арафа, ҳайит кунлари оила аъзоларингиз билан биргаликда (ёки якка тартибда) қуйидаги **Қуръон** оятларини тиловат қилиб, ота-она, қариндош-уруғларга бахшида этиб туришингизни маслаҳат бераман. Бу тадбир хонадонингиз удуми бўлиб қолсин. Унутмайлик, нима эксак шуни оламиз.

Ауъзи биллаҳи минаш-шайтонир ражийм. Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Алҳамду лиллаҳи Раббил аъламин. Ар-Раҳмонир Раҳийм, Молики явмид дийн. Иййака наъбуду ва иййака настаъийн. Ихдинас сиротал мустақийм. Сиротал — лазийна анъамта алайҳум ғойрил мағзуувби алайҳум валаз-зоолийн. Омийн! Садақааллоҳу аъзийм!

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Аллоҳу лаа илааҳа иллаа хувал ҳаййул қаййум. Лаа таъхузухуу синнатув ва лаа наавм. Лаҳу маа фис-самавати ва маа фил-арз. Ман заллазий яшфаҳу ғиндаҳу илла би изних. Яъламу маа баайна айдийҳим ва ма холфаҳум ва лаа юҳийтууна би шайъим мин илмиҳи иллаа бима шааъа. Васиъа курсий йўҳус самавати вал-арз. Ва лаа яъудуху ҳифзихума ва хувал ғалиййул ғазийм. Садақааллоҳу аъзийм!

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Табарокаллазий бийадиҳил мулку ва ҳува аъалаа кулли шайъин қодийр. Аллазий холақол мавта вал ҳайаата лийаблувакум аййукум аҳсану ғамала. Ва хувал ғазизул ғофуур... Хуваллазий жаъала лакумул арза залулан фамшуу фии манакибиҳа ва куллу мирризқиҳи ва илайҳинну шуур. Садақааллоҳу аъзийм!

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Кул ҳува Аллоҳу аҳад. Аллоҳус сомад. Лам йалид ва лам йувлад ва лам яккуллаҳув куфуван аҳад. Садақааллоҳу аъзийм!

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Кул аъзузу бирробил фалақ, мин шарри ма холақ. Ва мин шарри ғосиқин иза вақоб. Ва мин шарри наффасати фил уқоди. Ва мин шарри ҳасидин иза ҳасад. Садақааллоҳу аъзийм!

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм. Кул аъзузу бирабин-нас, моликин-нас, илаҳин-нас, мин шаррил васвасил хоннас. Аллазий йўвасвису фии судириннас, мин ал-жиннати ван-нас. Садақааллоҳу аъзийм!

Субҳана раббика раббил иззати аммаа ясиғувн. Васаломун алал мурсалийн. Валҳамдулиллаҳи Раббил оламин!

Масалан мен ота-онам ва қариндош — уруғларимга бағишлов ва ниятни қуйидагича қиламан (бағишлов номма-ном қилинса уларга бехато етиб борар экан):

Эй поко **Парвардигоро!**

Ўқиган **Қуръон** тиловатимдан ҳосил бўлган савобни пайғамбаримизга, чаҳорёрларга, азизу авлиёларга, уларнинг авлод-аждодларига, ота-онамнинг авлод-аждодларига, қариндош уруғларимга, хусусан отам — Абдурахмонга, онам — Хайринисога, опаларим Саодатхон, Субихонларга, акаларим — Абдуҳамид, Абдуҳалим, Абдулҳақ, Абдулҳайларга, жиянларим — Абдуҳаким, Талъат, Нафиса, Мавлудаларга, поччаларим — Қаландар, Вазир, Абдурахмонларга, қайнотам — Нишон, қайнонам — Сорахонларга, қайн бўйинларим — Ортиқбой, Норимбой, Мавжудахонларга, бирга ишлаган дўстларим — Шарифжон ака ва Норжон опаларга ва мендан **Қуръон** тиловат қилишимни умид тутиб ётган ҳамма қариндош-уруғларим, ёру биродарларимга бағишладим. Барчаларининг билиб-билмай қилган гуноҳларини ўз даргоҳингда кечиргин. Жойларини жаннатдан ато этгин, ўз раҳматингга олгин. Қолган ҳаммамизнинг умримизни узоқ, ризқимизни кенг, тан-жонларимизни соғ-саломат қилгин. Бахт ато этгин, кенг феъл, кетмас давлат бергин, пиру бадавлат қилгин, ўз паноҳингда асрагин, ўзинг адаштирамагин, ҳаммаларимизга инсофу тавфиқ, хотиржамлик бергин.

Раббана аатина фид-дуня ҳасанатан ва фил ахироти ҳасанатан ва қина азабан наар.

Би раҳматика, йа арҳамар роҳимийн.

Илоҳа омийн!

Аллоҳу Акбар!

Пайғамбирмиз таъзияга борганларида **Қуръон** сураларига қўшиб қуйидаги дуони ҳам ўқир эканлар:

«Инна лиллаҳи ма аҳаза ва лаҳу ма уътия ва куллу шаъйин иъндаҳу биажалин мусамма... Фал тасбир вал-тахтасиб».

Фарзанд, авлодлар ўзини бу дунёга келишига сабабчи бўлган ота-она, бобокалонлари ўлганларидан кейин доим уларни эслаб дуо қилиб юришлари лозимлиги ҳақида ҳатто Аллоҳ таоло Ўзининг нозил қилган Қуръони каримида:

«Эй Раббимиз! Ҳисоб (китоб) қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!» деб айтиб юришни буюрган. (14- «Иброҳим» сураси, 41-оят).

Мухтарам ўқувчим! Мазкур сураларни ёдлаб олганингиздан кейин, мадрасани тамомлаган тажрибали, билимдон домла-имомдан бу сураларни имло, қироат, талаффуз қоидаларини сўраб ўрганиб олишингизни маслаҳат берамиз. Иншоаллоҳ, бу ишда **Аллоҳ** Сизга мададкор бўлгай.

Ҳар бир мусулмон билиб қўйиши керак бўлган савол-жавоблар:

Мусулмонмисан ? — Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман.

Қачондан бери ? — «Алмисоқ»дан бери.

«Алмисоқ» нимадир ? — Аз-рўзи азал, яъни бизларнинг руҳларимизни **Аллоҳ** яратган кун.

Аллоҳ азал кунда тувилажак барча одамларнинг руҳларини пайдо қилиб сўради: — Аласту би **Раббикум** ? (Мен сизларнинг **Раббингиз** эмасманми ?)

Жавоб бердилар: — «Қолу Бало !» (Албатта Сен бизнинг **Раббимиз**дирсан, Сендан бошқа **Раббимиз** йўқ).

Нима қилмоқ билан мусулмонсан ? — Иймон келтирмоқ билан мусулмонман.

Иймон нима ? — Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом **Аллоҳ** тарафидан нима нарсаларни келтирган бўлсалар, ўшаларга тил билан иқрор бўлмоқ ва дил билан ишонмоқ.
Раббинг ким ? — **Раббим Аллоҳ**. Дининг қайси ? — Диним Ислому.
 Пайғамбаринг ким ? — Пайғамбарим Муҳаммад алайҳиссалом.
 Ислому нимадир ? — **Аллоҳ** буюрганларини қилмоқ ва қайтарганларидан тийилмоқ.
 Дин нима ? — Ишонч, инонмоқ, эътиқод қилмоқ.
 Кимнинг кулидирсан ? — **Аллоҳнинг**.
 Кимнинг умматидирсан ? — Муҳаммад алайҳиссаломнинг.
 Кимларни дўст тутарсан ? — Чаҳорёларни (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али).
 Кимнинг зурриётидирсан ? — Одам сафийуллоҳнинг.
 Кимнинг миллатидирсан ? — Иброҳим халилуллоҳнинг.
 Эътиқод нима ? — Бир динга, ҳукмга, ишга чин кўнгил билан инонмоқ.
 Мазҳаб нима ? — Мужтаҳидларнинг кўрсатган йўллари.
 Эътиқодда мазҳабинг ? — Аҳли сунна вал жамоа.
 Бу эътиқодда нечта мазҳаб бор ? — Ҳанафия, Моликия, Шофия, Ҳанбалия.
 Силсила нима ? — Авлиё, мужтаҳид, уламоларнинг Муҳаммад алайҳиссаломгача уланган аждодлари занжири, тизими.
 Иймон талаби нечта ? — Еттита — Тавҳид, фаришталарга, пайғамбарларга, илоҳий китобларга, тақдирга, охиратга ва қайта тирилишга ишонмоқ.
 Ислому динининг устуниси нечта ? — Бешта — иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж.
 Китобинг қайси ? — Қуръон.

У н т ў қ қ и з и н ч и ф а с л

Вақт

Дунёда кўзга кўринмас, сирли, гоят бебаҳо нарса борки, у ҳам бўлса вақтдир.

Жамият тараққиётининг илк босқичлариданоқ одамнинг диққатини ўзига тортган, ниҳоятда мураккаблиги, «сирли»лиги билан инсоният ақлини ҳозиргача лол қолдириб келаётган бахсталаб кўҳна муаммо ва жумбоқлардан бири вақтдир. Шунинг учун ҳам ана шу мавзу устида бироз тўхталиб ўтишга эҳтиёж сезилди.

Қомусда вақт ҳақида: 1) материянинг асосий яшаш шаклларида бири; 2) табиатдаги бирор даврий ҳодисага, масалан, Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш даврига нисбатан ҳисобланадиган ўлчов бирлиги деб таъриф берилган.

Одамлар жуда қадим замонлардаёқ вақтни ўлчашга киришганлар. Тун ва куннинг, баҳор, ёз, куз ва кишнинг даврий алмашилиб туриши вақтнинг икки ўлчовини — сутка ва йилни келтириб чиқаришини «кашф» этишган.

Энг қадимги соатлар — қуёш соатлари бўлган. Унинг қўлланила бошлаганига 4500 йилдан зиёдроқ бўлган. Бу соат анчагина аниқроқ бўлса-да, лекин тунда ёки ҳаво булут пайтларида иш бермайди. Кейинроқ вақтни ўлчаш учун оқар сувни қабул қилдилар. Бундай сув соатлари — клепсидралар милоддан 2000 йил аввал пайдо бўлган. Ундан кейин қум соатларини ўйлаб топганлар.

Ҳозирги маятникли соатни нидерланд механиги, физик-математиги Христиан Гюйгенс (1629—1695) 1657-йилда ихтиро қилган. Механик соатлар эса VI—X асрлар ичида ихтиро қилинган деб тахмин қилинади. Ҳозирги кунда механик соатлар билан бир қаторда жуда аниқ ишлайдиган кварцли ва электрон соатлар ҳам мавжуд.

Дунёнинг мавжудлиги, бизнинг маълум бир маконда бажараётган ҳар бир ҳаракатимиз

вақт билан боғлиқ. Хўш, вақт ўзи нима?

У кўзга кўринмас, ҳар ким ҳар хил талқин қиладиган буюк бир тушунча бўлиб, инсон ҳаётида кечадиган энг сирли жараёндир. Унинг моҳиятига етиш учун қадимги замонлардан бери Гомер, Пифагор, Гераклит, Сенека, Сократ, Платон, Аристотель, Лейбниц, Кант, Гегель, Ньютон каби кўпдан-кўп буюк мутафаккирлар, алломаю донишмандлар роса бош қотиришган. Аммо улар вақт ҳақида ягона бир фикрга келаолмаганлар. Бу сир ҳамон сирлигича, жумбоқлигича қолиб келмоқда.

Вақт ҳақида эрамиздан олдинги 99—55-йилларда яшаб ўтган рим файласуфи Лукреций Кар: *«Ўз-ўзича вақт йўқ, лекин жисмларнинг ўзи асрлар мобайнида нималар рўй берганини англаш сари етаклайди. Яна шуни эътироф этиш керакки, агар жисмлар ва табиат, ҳаракатдан ташқарида, яъни осудаликда бўлса, вақт ўз-ўзича ҳеч ким томонидан англамайди»*, — деб айтган.

Машхур немис ёзувчиси Эрих Мария Ремарк вақтни зимистондан оқиб чиқиб, зимистонга қуюлувчи дарёга ўхшатган.

Машхур христиан илоҳиётчиси, африкалик мистик файласуф Аврелий Августин (354-430): *«Агар мендан одамлар вақтнинг нима эканлигини сўрамагунларича, мен уни биладиганга ўхшайман, бироқ вақт нима эканлигини бошқаларга чуқурроқ тушунтирмоқчи бўлсам, уни ҳаргиз билолмаслигимни ҳис этаман»*, деяр ва **Худодан** вақтнинг нима эканлигини ошкор этишни ўтиниб сўраб ибодат қилар экан.

У ўйлаб-ўйлаб, келажак ҳали мавжуд эмас, ўтмиш бўлиб ўтган, «ҳозир» эса кўламсиз (йўқ)дир, демакки, вақт умуман воқеликка эга эмас, деган фикрга келган.

Машхур француз файласуфи, ёзувчиси Франсуа Мари Вольтернинг (1694—1778) *«Задиг ёхуд Тақдир»* номли қиссасида (қисса асосида шарқона ривоят ётади) ёзилишича, Задигдан сўрашган:

— *Оламда энг узоқ давом этувчи ва айни пайтда энг қисқа нарса нима?*

— *Ҳаммадан тез нарса нима-ю, энг секинчи-чи?*

— *Нима осонгина бўлинадими-ю, ўзи поёнсизлигича қолаверади?*

— *Нимага кўп аҳамият берилмайди-ю, йўқотилганда ундан беҳад афсусланишадими ва усиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди?*

— *Кичик нарсаларнинг барини ямлаб ютувчи ва буюкликни жонлантирувчи нимадир?*

Задиг бу саволларга шундай жавоб берган экан:

— *У вақтдир! Чунки ундан узоқроқ нарса оламда йўқ, ахир вақт — мангулик ўлчови-ку.*

— *У энг қисқадир, негаки ниятларимиз рўйбга чиқиши учун у доимо етмай қолади.*

— *Орзиқиб кутаётганларга ундан секинроқ, лаззатланаётганларга ундан тез ўтувчи нарса йўқ.*

— *Вақт улусликда чексизликка туташувчи, кичикликда эса чексизликка бўлинувчи нарсадир.*

— *Кишилар унинг ўтишига бефарқ қараса-да, йўқотгач, беҳад ачинишади.*

— *Ҳеч нарса вақтсиз рўй бермайди, у авлодлар хотирасига нолайиқ барча майда-чуйдаларни ном-нишонсиз йўқ қилиб, буюкликнинг барига мангу ҳаёт бағишлайди.*

Қадимги юнон файласуфи Арасту ҳам вақтнинг ниҳоятда зиддиятли моҳиятига ишора қилиб, *«вақт ё умуман мавжуд эмас, ё қисман мавжуддир»*, деб ҳисоблаган. У бу ўринда ўтмиш ва келажакнинг ҳозирги пайтдан яширинганлигини, бошқача айтганда, ўтмиш ўтиб кетгани, келажак ҳали келмаганини, «ҳозир» тушунчаси эса вақтнинг фақат муайян бир лаҳзасинигина англатишини назарда тутган.

Хаёлан ўтмишга қайтиш, хаёлан келажакка сайр қилиш мумкин. Амалда эса бунинг мутлақо иложи йўқ. Бир вақтнинг ўзида икки жойда бўлишнинг ҳам иложи йўқ. Шунингдек, вақтни на олдинга ва на орқага суриб бўлади.

Оламда, коинотда ҳеч нарса, ҳодиса, воқеа вақт иштирокисиз, вақтдан ташқарида бўлмаган, бўлмайди ҳам. Вақт бепоён оламини, бутун коинотни ўзида бутунлай қамраб олган.

Бизнинг бу дунёдаги ҳаётимиз жисмларнинг уч ўлчами (эни, бўйи ва баландлиги)га

ҳамоҳанг бўлган уч ўлчовли замон бўлиб, улар ўтмиш, ҳозир ва келажак, яъни ўтган замон, ҳозирги замон ва келаси замондан иборатдир. Бу замонларнинг чегараси ҳақидаги масала ғоят мураккаб, зиддиятли, исбот талаб ва ихтилофларга тўла, охирига етиб бўлмайдиган мунозарали масала бўлиб, у жаҳондаги олиму уламолар, файласуфларнинг диққатини тортиб келган.

Уларнинг баъзилари:

— вақтни объектив борлиқдан, ҳаракатдан, фазодан ажратиб қўйиб, ҳодисалар тартибини белгиловчи алоҳида мустақил субстанция (барча нарсаларни ташкил этувчи модда маъносида) деганлар;

— вақт ҳаракатнинг натижасидир, деб айтганлар;

— вақт ҳаракатнинг ўзидир, деб ҳам айтганлар;

— вақт тўғридан-тўғри моддият ёки фазо, ҳатто энергия билан айнандир, деб айтувчилар ҳам бўлган;

— вақтнинг кечишини сабабият ҳодисаси, сабаб ва оқибатнинг кетма-кетлиги билан тенглаштирганлар;

— баъзилари вақтнинг воқелигига, мавжудлигига шубҳа билдирганлар;

— баъзилари эса Аврелий Августин каби вақтнинг мавжудлигини умуман кескин инкор этганлар.

Э. Кант вақт худди фазо сингари мутлақ воқелик эмас, у Олий Онгнинг соф, азалий шакли бўлиб, зоҳирий ҳамда ботиний оламлар асосидир, деб айтган. Унинг таъкидлашича, вақт четдан қараганда кишига зоҳирий ўлчамдай туюлиши мумкин, аммо у моҳиятан илоҳий ҳусусиятга эга.

У ўз фикрини давом эттириб, Олам яралмасдан илгари вақт ҳам бўлмаган. **Аллоҳ** оламни яратиши билан бирга вақтни ҳам яратган. Унинг яратиши ҳаракатни юзага келтирган. Ана шу ҳаракат онлари ва оламдаги ўзгаришлар вақт деб аталади, деган.

«*Ўтмиш, ҳозир ва келажак йўқ! Фақат улуғ, яхлит, умумий бўлган Вақт ва вақтлар бор холос... Ўтмиш, ҳозир ва келаси замон ана шу вақт оқимининг бири-бирдан ажралмас бўлақларидир*», — деб таъкидлаганлар қадимги Миср астрологлари.

Пифагор ва Платон вақтни доиравий айлана бўйича узлуксиз такрорланиб турувчи доимий ҳаракат деб тасаввур қилганлар.

Жон Пристли, А. Эйнштейн ва К. Юнг вақтни амалда мавжуд бўлмаган, у инсоннинг узлуксизлик ҳақидаги тасаввуридир, деган хулосага келганлар.

Америкалик авлиё, башоратчи Эдгар Кейси (1877—1945): — «*Одамлар вақт деб атаган «ўтмиш, ҳозир ва келажак» бўлинмас бутунликдан иборат яхлит бир нарсасидир*» деган фикрни билдирган.

Фараз қилайлик, қуёш доим бир жойда бирдек порлаб турибди. Доим кундузи, ҳарорат бир хил, кеч кириши, қоронғу бўлиш ҳам йўқ, дарахтлар, ўт-ўланлар бир хил — ям-яшил, гулламайди ҳам, мева тугмайди ҳам, ҳаммаёқ бир хил, фасл алмашилиши ҳам йўқ. Сувлар бир хилда оқиб турибди, шамол ҳам, булут ҳам, ёмғир, қор ҳам йўқ. Табиат гўё қотиб қолган. Бундай ҳолда вақт тўғрисида тушунчанинг ўзи ҳам бўлмайди.

Буни акси бўлса-чи? Яъни қуёш чиқса, ботса, ёруғлик қоронғулик билан алмашинса, дов-дарахтлар, ўт-ўланлар гулласа, мева тугса, фасллар алмашилиб ёз, куз, қиш, баҳор навбатма-навбат алмашилиб турса, қисқаси табиат ҳаракатга кирса инсонда вақт тўғрисида тушунча ҳам пайдо бўлади.

Демак вақт табиатнинг (табиатга барча нарсалар, шу жумладан инсоннинг ўзи ҳам кирази) ҳаракатидир, ана шу ҳаракатнинг ўлчови ҳамдир, десак янглишмасак керак.

Вақт бизда яъни ерда, ернинг ўз ўқи ва қуёш атрофида айланиши билан боғлиқлигини деярли ҳамма билади. Аммо коинот миқёсида вақт ҳисоби бошқачалигини, яъни 1 коинот асри бизнинг 2 592 000 йилга, 1 коинот йили 25 920 йилга, 1 коинот ойи 2 160 йилга, 1 коинот куни 72 йилга тенглигини ҳамма ҳам билавермаса керак.

Ўзимизча шундай фараз қиламиз. Агар ердаги одам коинотга чиқиб ердаги ҳисоб бўйича 1 йил яшаб яна ерга қайтиб келса (иложи бўлса албатта) ерда сал кам 26 минг йил

вақт ўтиб кетган бўлади !

Макон ва вақтдан ташқарида бўлган **Аллоҳ** наздида вақтнинг аҳамияти йўқ. **Аллоҳ** керак бўлса бир сонияни миллиард йилга, ёки аксинча миллиард йилни бир сонияга айлантира олувчи қудратли бир зотдир.

Исаак Ньютон Коинотда бутун борлик учун, ҳамма учун бир хил кечувчи мутлақ вақт мавжуд бўлиши керак, деб тахмин қилган.

Вақтнинг сирлилиги кўп олимларни азалдан бошини қотириб келаётганлиги ва бунинг охирига ета олмаётганликларининг сабаби ҳам шунда.

Парвардигори оламнинг Ўзи яратган оламларидан, макондан, замондан (вақтдан) ташқарида эканлиги бағоят ҳайратланарли эмасми? Инсон, **Аллоҳ** яратган макон ва замонда туриб, ўзининг чегараланган ақли билан **Аллоҳ таолонинг** зотини қандай қилиб билиши мумкин ахир! Шу сабабдан ҳам деярли барча динлар **Аллоҳ таолони** билиб бўлмас зотидан баҳс юритишни ман этади.

Одамнинг табиати қизиқ яратилган — бойлигини йўқотса хафа бўлади-ю, аммо қайтарилмас бебаҳо умри ўтиб кетаётганига парво ҳам қилмайди. Табиатда барча нарсалар зиддиятлардан иборат бўлгани каби вақтда ҳам ўзига яраша зиддият борки, у ҳам бўлса киши ортга (ўтмишга) қараса вақт (умр) бир лаҳзада ўтиб кетгандек, олдинга (келажакка) қараса у жуда ҳам узокдек туюлади. У ўзини гўё ҳеч қачон ўлмайдигандек ҳис қилиб юради.

Вақт ўтиб борувчи ва ўтмишга айланувчи, келувчи ва воқеликка айланувчи жараён-дир. Вақт мавжуд бўлмаган келажакдан келиб, воқеликка айланади, кейин эса энди мавжуд бўлаолмайдиган ўтмишга айланади.

Бундоқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, биз фақат ўтмишда келажакни кутиб яшаймиз. Ҳозиримиз эса бир секундгина давом этади. Айнан шу ўтмиш ва келажак орасидаги оний лаҳзаларни вақт, умр дейилади. Демак умр деб аталадиган нимарса ўтмиш ва келажак оралиғидаги бир лаҳзадир холос. Аммо ҳамма гап, муаммо ана шу ўтмиш ва келажак орасидаги чегарада, «ҳозир»да. Уни деярли англаб бўлмайди, чунки у бир сониягина давом этганлиги учун, қадимги машҳур файласуфларнинг кўпчилиги ҳозирги замон мавжуд эмас, деб кўяқолганлар.

Вақт воқеликдан ташқарида, ўз ҳолича мавжуд бўлгани билан барибир биз учун бахт сингари нисбий тушунча бўлиб қолаверади.

Қадимги Рим файласуфи Кичик Плиний: «*Инсон қанчалар бахтли бўлса, вақт шунчалик тез кечади!*», деган.

Вақт фазовий нуқтаи назардан қараганда турлича кечади. Табиатда атиги 3-4 соатгина умр кўрадиган пашша ва капалаклар ҳам мавжуд бўлиб, бу вақт улар учун узок бир умрдек кечади. Бу вақт ичида улар туғилиб, вояга етиб, ўзидан насл ҳам қолдиришга улгуриб, «*ёшини яшаб, ошини ошаб*» дунёдан ўтар эканлар.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, фазо қаърида вақт Ердагига нисбатан миллиард мартаба секин кечадиган маконлар ҳам мавжуд экан. Масалан, қадимги китобларда ёзилишича, ўша маконларда 311 миллиард йил умр кўрадиган олий, фикрловчи мавжудотлар борлиги қайд қилинган экан. Бироқ улар учун ҳам бу умрлари биздаги каби бир лаҳзада ўтиб кетгандек туюлар экан.

Биз ҳозир яшаб турган онимиз (ҳозир) ўтмишга тегишлими, ёки келажакками? Бошқотирма ана шу саволга тўғри жавоб излашда.

Нафас олаяпмиз, чиқаряпмиз... Ўтмиш, олаётган нафасимизми ёки чиқараётганимизми?

Нафас олиш ва чиқаришда чегарани яъни «ҳозир»ни қаердан белгиласак тўғри бўлади? Ана бу — муаммо ва жумбоқ !

Фикри ожизимизча, мантиқан олганда бу чегарани секунддан кичик ўлчамларда ҳам ўлчаб бўлмайди. Демак, бундан шу келиб чиқадики, ўтмиш ва келажакнинг чегараси йўқ, улар бир-бирига қоришиб кетган бир бутун нарса—қоришмадир деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Бундан эса ўтмиш ва келажак (ўтган замон, келаси замон) бор, аммо «ҳозир» (ҳозирги замон) умуман йўқ, деган иккинчи бир хулоса ҳам келиб чиқади.

Агар вақтни бамисоли ариқдаги шитоб билан оқиб турувчи сув деб фараз қилсак, олдимизга оқиб келаётган сув — келажак (келаси замон), олдимиздан оқиб ўтиб кетган

эса ўтмиш (ўтган замон), бу тушунарли.

Аммо окувчи сувни қаери «ҳозир»? Унинг чегарасини қандай, қаердан белгилаш мумкин? Сув тинимсиз оқиб келаверса, келаверса, келаверса ва оқиб ўтиб кетаверса, кетаверса...

Менимча бундай, «ҳозир»ни англатувчи чегарани ҳеч ким қўя олмаса керак. Модомики, қўя олмас эканмиз, демак мантиқан олганда «ҳозир» (ҳозирги замон — вақт) умуман йўқ бўлиб чиқади. Ана шундай зиддиятли хулосаларга кўра, айрим файласуфлар вақтни — «ҳозир»ни мавжудлигига шубҳа билдирганлар. Баъзилари эса бир қарорга кела олмаганликларидан ҳафсалалари пир бўлиб, «вақт умуман мавжуд эмас», деб қўя қолганлар.

Буюк файласуф Августин бекорга **Жудодан** вақт сирини ошкор этишини ўтиниб сўраб ибодат қилмаган! Ана сизга тадқиқот учун йўқлик фалсафаси!...

Бу сирли жумбоқни зоҳирий билимлар аниқ ечиб беришга қодир эмас. Бу ҳақиқатнинг тагига етмоқ учун иккиёқлама — зоҳирий ва ботиний билимларни бирга қўшиб ўргангандагина бирор натижа чиқариш мумкин бўлади. Ботиний билимларни эса **Тангри таоло Ўзи** лозим топган пайғамбарларига, севган азиз-авлиёларига ваҳй, кўнгилга солиш орқали, ҳамда бошқа йўллар билан билдиради.

Бу икки билимни бир-бирига уйғунлаштирган ҳолда ўрганмасдан туриб, бир томонлама билим билан чин ҳақиқатни очиб бўлмайди.

Вақтни, вақт табиатига хос бўлган объектив ички зиддиятларни ўрганиш, идрок этиш учун қадимдан жуда кўп файласуфлар, мутафаккирлар чуқур изланишда бўлганлар.

Бундай зиддиятлар асосан вақт парадокслари кўринишида ҳам кенг тарқалган. Парадокс грекча «пара» -«қарши» ва «докса» — «нуқтаи назар» сўзларидан иборат бўлиб, қутилмаган, одатдагига қарши фикр, ғайриоддий нуқтаи назар маъноларини англатади.

Мантикий парадокслар баъзан антиномия ва апория деб ҳам ишлатилади. «Анти» — «қарши», «номос» — «қонун», яъни қонунга, қоидага зид дегани. «Апория»: «а» — инкор, «порос» — «қутулиш», «чиқиш», яъни қутулиб бўлмас, иложсиз вазият, боши берк кўча деган маъноларни билдиради.

Биз учун вақтнинг бор-йўқлигига бағишланган парадокслардан «Зенон апориялари»ни билиш муҳимроқ.

Юнон файласуфи Элейлик Зенон милоддан аввалги 490. — 430-йилларда яшаган. Устози — Парменид. 45 та парадокс ёзган, бизгача фақат 9 таси етиб келган.

Унинг апориялари ихчамлиги, ғайриоддий ва чуқур мазмунли хулосалари билан 2500 йилдан бери барча давр олимларини бу ҳақда жиддий бош қотиришга ундаб келмоқда.

Арасту уни диалектиканинг (субъектив диалектика) яратувчиси деб билган, Гегель эса уни диалектиканинг отаси деб ҳисоблаган ва унинг апориялари билан жиддий шуғулланган.

Зенон апориялари орасида «Ахилл ва тошбақа», «Дихотомия» ва «Учаётган камон ўқи» апориялари вақтнинг реаллигини, борлигини инкор этувчи мантикий парадокслар сифатида қизиқарлидир.

«**Ахилл ва тошбақа**». Бу апориянинг мазмунига кўра, қадимги Юнонистоннинг югуриш бўйича олимпия чемпиони Ахилл ҳайвонот оламининг энг укувсиз югурувчиси тошбақани қувиб бораётир, деб фараз қилинади.

Айтайлик, Ахилл *A* нуқтадан, тошбақа эса *A1* нуқтадан югуришни бошлади. Зенон, Ахилл тошбақага ета оладими, деган саволни ўртага ташлайди ва қуйидагича мулоҳаза юритади:

«Ахилл, тошбақа югуришни бошлаган *A1* нуқтага етгунга қадар тошбақа ҳам қандайдир *A2* нуқтага силжишга улгурган бўлади. Ахилл *A2* нуқтага етгунча тошбақа *A3* нуқтага етади, у *A3* нуқтага етгунча тошбақа *A4* нуқтага етган бўлади ва шундай давом этаверади.

Хуллас, Ахилл ҳар гал тошбақа эгаллаган нуқтага етгунча, доимо ҳаракатда бўлган тошбақа ҳам ўз навбатида янги нуқтага силжишга улгуради. Бошқача айтганда, Ахилл чексиз равишда қисқариб борувчи масофани чексиз марта босиб ўтиши учун чексиз вақт зарур бўлади».

Зенон ана шу тарзда фикр юритиб, Ахилл ҳеч қачон тошбақага ета олмайди, деган мантикий хулоса чиқаради. «*Ҳаётда, воқеликда ҳар қандай ялқов югурувчи ҳам тошбақани қувиб ета олади-ку!*», деган эътирозга жавобан у: «*Бу инсон сезгилари алданишининг натижасидир, аслида ҳеч ким тошбақани қувиб етиши мумкин эмас!*», дейди.

«**Дихотомия**». Дихотомия — икки қисмга бўлиш демакдир. Зенон бу апориясида қуйидагича фикр юритади:

«*Бирор одам А нуқтадан В нуқтага бориши лозим бўлсин. У В нуқтага ета оладими?*»

Зенон бу саволга йўқ деб жавоб қилади. Чунки А нуқтадан В нуқтага қараб йўл олган одам, аввало, шу масофанинг тенг ярмидан ўтиши керак бўлади. Бу масофанинг тенг ярмига етиши учун эса шу ярим масофанинг ярмидан ўтиши зарур. Ярим масофанинг ярмига етиш учун эса қолган масофанинг ярмидан ўтишга тўғри келади. Хуллас, оралиқ масофа чексиз миқдордаги ярим бўлақларга бўлиниб кетади. Чексиз ярим бўлақларни босиб ўтиш учун эса чексиз вақт лозим. Ҳеч ким чексиз вақт яшай олмайди. Шундай экан, ҳеч ким А нуқтадан В нуқтага етиб бора олмайди.

Кундалик тажрибадан маълумки, ҳар қандай чекли масофани чекли вақт оралиғида босиб ўтиш мумкин. «Дихотомия» ходисаси сабабли чексиз қисмларни босиб ўтиш учун чексиз вақт зарурлиги исботланади.

«**Учаётган камон ўқи**». Зенон А нуқтадан В нуқтага отилган камон ўқи тинч ҳолатда бўлади, деб даъво қилади. Чунки Зенон ва унинг устози Пармениднинг фикрича, ҳаракат йўқ. Зенон ўз даъвосини қуйидагича изоҳлайди:

А нуқтадан В нуқтага отилган камон ўқи ўз йўлида шу масофани ташкил этувчи барча нуқталарни босиб ўтади. Бу масофа эса камон ўқи учун чексиз миқдордаги «шу ер» (фазо нуқтаси) ва «шу он» (вақт лаҳзаси)лар йиғиндисидан иборатдир. Маълумки, камон ўқи ҳар бир «шу ер» ва «шу он»да тинч ҳолатда бўлади. Демак бу масофа давомида камон ўқи чексиз тинч ҳолатларни «*бошидан кечиради*».

Тинч ҳолатлар йиғиндиси эса тинчлик демакдир. Шундай экан, камон ўқи тинч ҳолатда бўлади, яъни ҳаракат мавжуд эмас.

Зенон апорияларининг ҳақиқатга зид эканлигини барча давр олимлари, ҳатто унинг замондошлари ҳам яхши билишган. Лекин бу апорияларнинг диққатга сазовор жойи шундаки, уларда вақт, фазо ва ҳаракатнинг ички моҳиятига хос зиддиятлар моҳирона ифода этилган.

Энди шу уччала апорияни ечиш йўллари излаб кўрайлик. Барча апорияларда мавҳум (номаълум) вақт (Зенон тушунчасидаги, воқеликдан ажратиб олиб, алоҳида тасаввур қилинадиган вақт) реал вақтга қарши қўйилади.

«Ахилл ва тошбақа» апориясида «*Ахилл ҳар гал тошбақанинг илгариги ўрнига етиб боргунча, тошбақа ҳам янги жойда бўлади*», деган мулоҳаза апориянинг асосий мазмунини ташкил этади. Тошбақа Ахиллдан қанчалик олис масофада экани ҳам (агар тошбақа Ахиллдан бир ёруғлик йиличалик узоқ масофада бўлса, шубҳасиз, Ахилл уни умр бўйи қувиб ета олмайди), апорияда баён этилаётган ходисанинг қанча вақт оралиғида ҳақиқатни ифодалай олиш имконияти ҳам Зенонни қизиқтирмайди. Шунингдек у, Ахилл тошбақага ҳеч қачон ета олмайди, деб жиддий хатога йўл кўяди.

Арасту шу апорияни таҳлил қилар экан: «*Агар Ахиллга чегарадан чиқишга имкон берилса, у албатта тошбақага ета олади*», деб жуда тўғри таъкидлайди. Чунки Ахилл, унинг тезлиги тошбақа тезлигидан катта бўлганлиги учун, ҳар гал тошбақанинг илгариги ўрнига етганида, у билан тошбақа орасидаги масофа тобора қисқариб боради, бинобарин, бу масофаларни босиб ўтишга ҳам Ахилл тобора камроқ вақт сарфлай бошлайди. Масофа билан вақт шу тарзда чексиз кичик бўлақларга қараб интилиб боради.

Чексиз «секундлар» ёки «миллиметрлар» кетма-кетликларининг йиғиндиси вақтнинг ёки фазонинг экстенсив (*экстенсив — латинча «extensio» сўзидан олинган бўлиб, чўзилган, узайган, кенгайган, бардавом каби маъноларни беради. Мисолимизда, мазмунга, моҳиятга эътибор бермай, фақат масофа миқдорини оширишга қаратилган*

ҳаракат) чексизлигини ифодалайди. Ҳар бир чекли вақт ёки фазо бўлагининг чексиз қисмлардан иборатлиги эса интенсив (*интенсив — жадал, шитоб, кучли, шиддатли*) чексизлик деб аталади. Зенон вақтнинг интенсив чексизлигини экстенсив чексизлиги билан айнанлаштириб хатога йўл қўяди. Унинг «ҳеч қачон» ибораси вақтнинг экстенсив чексизлигини ифодаласа, Ахиллнинг тошбақани қувиб боришида тобора камаяётган масофани тобора қисқа вақт ичида ўтиб бориши жараёни эса вақтнинг интенсив чексизлигини акс эттиради. Ваҳоланки, ҳар қандай интенсив чексиз масофани экстенсив чекли вақт мобайнида босиб ўтиш мумкин. Шундай экан, Ахилл чекли вақт ичида тошбақани қувиб ета олади.

Шунингдек, Зенон бу апориясида вақт ва фазонинг узлуксизлик хусусиятини абсолютлаштириб, узлуклилигини эътибордан четда қолдирган, холбуки фазо ва вақтнинг бу икки сифатий хусусияти — узлуклилиги ва узлуксизлиги ўзаро диалектик бирликдадир.

«Дихотомия» апориясида Зенон масофанинг чексиз қисмларга бўлиниши (фазонинг интенсив чексизлиги) ҳақида гапиради-ю, лекин вақтнинг ҳам чексиз бўлакларга бўлиниши (вақтнинг интенсив чексизлиги)ни эътиборга олмайди. Натижада интенсив чексиз масофани экстенсив чексиз вақтда босиб ўтиш мумкин, деган фикрни илгари суради. Бироқ фазо ҳақида интенсив чексизлик маъносида гапирилдими, демак вақт ҳақида ҳам интенсив чексизлик маъносида сўз юритиш зарур, акс ҳолда ҳукмлар тенгсизлигидан хато хулоса чиқади.

«Учаётган камон ўқи» апориясида эса Зенон вақт ва фазонинг узлуклилиги ва узлуксизлиги хусусиятини нотўғри талқин қилиш асносида ҳаракатни инкор этишга эришган. Яъни у, айрим олинган вақт лаҳзаси ва фазо нуқтасида камон ўқи тинч ҳолатда бўлади, демак навбатдаги нуқталар ва лаҳзаларда ҳам у тинч ҳолатда бўлади, деб фикр юритади. Унингча, вақт — бир-бирига боғланмаган лаҳзалар йиғиндисидан, фазо — бир-бирига боғланмаган ёнма-ён нуқталар йиғиндисидан иборат. Бу фикрда вақт ва фазонинг узлуклилигини абсолютлаштириш, уларга хос бўлган «боғланганлик» хусусиятини инкор этишга интилиш яққол сезилиб турибди. «Узлуксизлик, — деб ёзган эди ўрта аср Шарқ олими Ал-Киндий (801—866), — *учларнинг туташувидир*». Унинг фикрича, «*вақт — ўтмиш-ни келажак билан туташтирувчи... ҳозирдир*».

Немис мумтоз фалсафасининг йирик намояндаси Гегель Зеноннинг «Учаётган камон ўқи» апориясини таҳлил қилиб, шундай дейди: «*Биз ҳаракат ҳақида умуман мулоҳаза юритганимизда, жисм бир жойда туради ва ундан кейин бошқа жойга ўтади, деймиз. У ҳаракатланаётган пайтида ўша, олдинги жойда бўлмайди, лекин иккинчи жойда ҳам бўлмайди; агар у иккала жойнинг бирида бўлса, унда у тинч ҳолатда бўлади. У иккала жой орасидадир дейиш — ҳеч нарса айтмаган билан баравар; чунки бунда у яна бир жойдадир; демак, яна ўша қийинчилик кўндаланг бўлади.*

Ҳаракатланиш эса шу жойда бўлиш ва айни замонда шу жойда бўлмаслик демакдир; бу фазо ва вақтнинг узлуксизлигидир, худди шу нарсанинг ўзиёқ ҳаракатнинг содир бўлишига имкон беради».

Бу диалектик фикрдир. Яъни ҳаракат вақт ва фазонинг узлуксизлиги билан узлуклилигининг бирлигидир; ҳаракат зиддиятдир, зиддиятлар бирлигидир, деган хулосага келиш мумкин.

Ана шу тарзда диалектик фикр юритилсагина камон ўқининг ҳаракатдалигини исботлай олиш мумкин бўлади.

Олимлар ҳозиргача, яъни 2500 йиллардан бери Зенон апориялари устида бош қотиришмоқда. Бироқ шу давргача улар тугал ҳал қилинган, деб бўлмайди. Келтирилган ечимлар ҳам бу йўлдаги уринишлардан биридир, холос.

Ҳозирги вақтда Зенон апорияларини илм-фаннинг янгидан-янги ютуқлари ёрдамида, масалан, квант механикаси қонунларидан фойдаланиб ечишга ҳаракат қилинмоқда.

Математиклар, физиклар, файласуфлар ва бошқа соҳа олимлари Зенон апорияларини ечишга ҳар хил усулда уриниб кўришмоқда. Таниқли математик С. А. Яновская: «*Фан тараққиётининг ҳар қандай юксак поғонасида ҳам Зенон апориялари билан боғлиқ масалаларга яна ва яна қайтишга тўғри келаверади*», деб ёзгани бежиз эмас. Дарҳа-

қиқат, бу масала шундай. Мутахассислар айтганидек, илм-фан ривожининг ҳар қандай босқичида ҳам Зенон апорияларини фақат 99 фоиз ҳал қилиш мумкин, юз фоиз эмас.

Бу борадаги янги қийинчиликлар, янги зиддиятлар, янги билимларнинг ҳаммаси ана шу бир фоизнинг ичидадир.

Вақт бўйича фазовий тебранишлар тўлқинига дуч келган киши ўтмишга ёки келажакка бориб қолиши ҳам мумкин. Ҳозирги замон илм-фани зоҳирий ва ботиний илмлар йиғиндиси бўлган бу сирларни аста-секин ечиб боради. Файриоддий нарса, воқеа ечилгунга қадар сир-синоат дейилади, ечилгандан кейин у сирлигини йўқотади.

Бундоқ қарасанг, вақт шундай нарсаки, у олдинга, келажакка қарасанг жуда узок туюлувчи, орқага, ўтмишга қарасанг жуда тез ўтиб кетганини англаувчи бир воқелиқдир. Ушбу қарама-қарши ҳолатларнинг биринчиси алдовчи, иккинчиси эса ҳақиқатдир. Келажак номаълумлик, мавҳумлик, насиядир. Ўтмиш эса реаллиқдир, нақд ўзимизникидир. Ким билади эртага нималар бўлишини?

Модомики инсонга берилган умр муҳлати нисбатан жуда қисқа экан, яна қайта айтиб ўтиш керакки, бу дунёга, ҳеч нарсага, ҳеч кимга қаттиқ кўнгул қўйиб бўлмайди.

Дунёда вақтинча яшаётганини чуқур ҳис қилган одамгина бу гапнинг маъзига дарров тушунади, афсуски, ҳамма эмас. Умар Хайёмнинг қуйидаги рубойи бу фикрни қувватлайди:

*Ким дунёни севиб, ўлтирар беғам,
Ўйлаган муҳлатин бермас бу олам.
Айт, чодир қурмасин, йиғдирар тезда,
Юкин ечмай, етар боғламоққа дам.*

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. 70—80 ёшли қария билан 20 ёшли навқирон йигит ўртасидаги асосий фарқ шуки, қария яхшидир, ёмондир — шунча йил яшаб қўйди. Унинг кўрган умри нақд, ўзиники. Аммо йигит шунча йил яшайдими, йўқми — номаълум. Шунинг учун ёшлар кексаларнинг ҳеч бўлмаса ёшини ҳурмат қилсалар, уларга ҳавас қилиб иззат-икром кўрсатсалар, дуоларини олсалар, шояд **Тангри таоло** уларнинг ёшларига етиб яшаб юришларини насиб этса. Нима эксангиз, шубҳасиз, шуни ўрасиз.

Албатта, **Аллоҳ** ҳамма нарсани билгувчи, кўргувчи ва ҳисобга олгувчи меҳрибон зотдир.

Шундай қилиб, дил амри билан вақт тилсимини баҳоли-қудрат талқин этишга уриниб кўрдик. Бу борадаги мунозара давомлидир.

Эслатма:

Ҳозирги кундаги вақт ҳисоби — халқаро битимга кўра бутун дунёда Англиянинг Лондон шаҳридаги Гринвич обсерваториясидаги нол меридианидан бошланади. Гринвич меридианининг ҳар икки томонидан 7,5 градус оралиқдаги минтақа рақами нол бўлиб, бу минтақа умумжаҳон ёки дунё вақти деб аталади. Бу нол минтақага Англия, Франция, Белгия, Испания, Португалия ва Африканинг ғарбий қисми тўғри келади. Москванинг минтақа вақти Гринвич — дунё вақтидан 2 соат, Тошкентники 5 соат олдиндадир.



Фалсафий атамалар изоҳи

*Бошқаларни ўқитиб,
ўзимиз ҳам ўрганамиз.*

(Сенека).

Ҳар бир касбнинг ўз иш, меҳнат қуроллари, воситалари, объектлари бўлганидек, фалсафанинг ҳам ўзига тегишли ҳамда ўзига хос ва мос бўлган, бутун жаҳон халқлари томонидан қабул қилинган, кўплари қадимги грек-юнон ва бошқа тиллардан ўтган атамалари борки, уларни билмасдан туриб фалсафани, мантиқ илмини тўғри ва ихчам тушунарли қилиб тушунтириб бериш анча мушкул. Фалсафий атамаларни ўзбекчасига ўринсиз ўтириш ноқулайлик, чалкашлик туғдириб, ортиқча даҳмазани келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун фалсафий атамаларнинг баъзи бирларини қандай бўлса шундайлигича қолдириш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз. Чунки дунёда соф тилнинг ўзи йўқ. Ҳар бир халқ, элат, миллат тилига чет тиллардан маълум бир атамалар кириб қолганки, улар ўша миллатнинг миллий тил бойлигига айланиб кетган. Бу барчага маълум бўлганлиги боис, мисоллар келтириб ўтирмаймиз.

Ҳар бир халқ, миллат, элат тилидан кириб келган атамаларни қисиб, ҳайдаб чиқариш ўрнига уларнинг баъзиларини миллий тил хазинасига қабул қилиб ишлатсак, миллий тил бойлигимиз кўпаймайдими? Оздан кўп, қашшоқликдан бойлик афзал эмасми? Мақсад — ҳақиқатни билиш ва фикрни тўғри, равон, равшан, тушунарли ифода этиш ва тушунтириш бўлганидан кейин, бу соҳада тарафкашлик, ўжарлик қилиш, ортиқча маҳаллийчиликка, миллийчиликка берилиш зарурмикан, деб ўйлаб қоласан.

Тўғри, баъзи бир сўзлар, атамаларнинг ўрнига ўзимизнинг атамаларимизни қўлласак бўлади, лекин барчасини эмас-да! Бу билан қош қўяман деб кўз чиқариб қўймасмикинми? Масалан, бизнинг сўзимиз ва атамамиз бўлмаган метод, теорема, тенденция, символ, стихия, стихияли, конкрет, функция, орган, организм, реформа, радикал, инстинкт, ассимиляция, дисцимилация, этика, эстетика, лампочка, электр, магнит, самолёт, аэропорт, аэродром, вагон, поезд, мотор, карбюратор, рул, копот, кузов, фонд, баланс, актив, пассив, тебет, кредит, эфир, аура ва шу каби сўзлар ва атамаларга халқ, ҳар бир зиёли одам жуда ўрганиб кетган, ўзимизники бўлиб қолган.

Муомалада ана шундай сўзларнинг ўзини қолдирсак, нимани ютқазамиз? Тил бойлигимизга яна бойлик қўшган бўлмаймизми?

Икки-уч йил давомида «район» аввалига «ноҳия», кейин «туман», «республика» аввалига «жумҳурият», кейин яна «республика» деб ўзгартирилди. Айни маҳалда ҳурматли тилчиларимиз бу борада жуда сустлик қилдилар.

Ер юзидаги барча халқлар **Аллоҳ** олдида тенгдирлар. Барча бир ота ва бир онадан — Одам Ато ва Момо Ҳавводан туғилган. Барча инсонлар **Аллоҳ** наздида ирқи, миллати, диний эътиқоди, мансаби, келиб чиқиши ва ҳоказоларга қараб эмас, балки қилган яхши икки ёмон аъмоллари билангина фарқланадилар. Шунинг учун ҳаётимиздан ўрин олиб, муомалага кириб бўлган, эндиликда барча ўрганиб, ҳаммага тушунарли ва қулай бўлиб қолган, амалда қўлланиб келаётган умумбашарий атама ва ибораларни ўзимизнинг сўз бойлигимиз, жамғармамизда қолдирсак, нур устига аъло нур бўларди.

Бу менинг шахсий фикрим, албатта. Бунга қўшилиш ёки қўшилмаслик ўз ихтиёрингизда.

Қуйида эса фалсафани ўрганувчилар учун бу фанда ишлатиладиган айрим фалсафий атама, ибора ва сўзларнинг қисқача изоҳларини китобимиз мақсадидан келиб чиққан ҳолда алифбо тартибида келтирдик.

Абсолют (лотинча: «мутлоқ») — абадий, бениҳоя, мутлоқ, мукамал. Дин учун абсолют Парвадигордир, фалсафада эса Оламий ақл, Абсолют рух, Гоя, **Илоҳ**.

Агностицизм (грекча) —объектив дунёни ва унинг қонуниятларини билиб бўлмайдиган деб даъво қилувчи идеалистик, фалсафий таълимот.

Аксиома (грекча: «қабул қилинган қоида») — 1. бирор фаннинг исботсиз қабул қилинадиган ва бошқа қоидаларнинг тўғрилигини исботлаш учун асос бўладиган туб, асосий қоидаси, мантикий тарзда қабул қилиб олиннадиган принципи; 2. исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат, ўз-ўзидан маълум нарса (яна қаранг: Постулат).

Анимизм (лотинча: рух, жон) — жонга ва рухга ишониш. Анимистлар жон, рух кишиларнинг, ҳайвонларнинг ҳаётига, теварак атрофдаги жисм ва ҳодисаларга таъсир кўрсатиб туради деб ишонганлар. Улар нарсалар, ўсимликларнинг ҳам ҳайвонлар каби жони бор, деб билганлар. Бу анимистик тасаввурлар ибтидоий жамиятда пайдо бўлган.

Апатия (грекча: «эҳтироссизлик») — лоқайдлик, руҳий хотиржамлик ҳолати. Кишининг ҳиссиёти ақлнинг фаолиятига халақит бермайдиган ҳолат.

Аскетизм (грекча: «машқ қилаётибман») — дунё хузур-ҳаловатидан ўзни ҳаддан ташқари тийиш, зоҳидлик. Ахлоқий ёки диний камолотга эришиш учун ноз-неъматлардан деярли ёки бутунлай воз кечиш.

Ассимиляция (лотинча) — ўсимлик ёки жонивор организми фаолияти жараёнида ташқаридан қабул қилинган моддаларнинг ўзлашиши, сингиши, ҳазм бўлиши.

Астрал (мистик) — парвоз; ҳаёлий парвоз.

Атавизм — ҳайвон ёки кишиларнинг қадимги аجدодларида бўлган белгиларнинг бир неча бўғинда йўқолиб кетиб, кейинчалик яна пайдо бўлиши.

Атараксия (грекча: «безовталанмаслик») — руҳий осойишталик ва безовталанмаслик ҳолати. Бу ҳолатга оламни билиш, кўрқувни енгиш, дунё ташвишларидан қутулиш, муҳокамалардан ўзни тийиш, юз бераётган воқеаларга, шодлик ва қайғуга бепарво қараш орқали борилади. Бунга донишманд кишилар эришади.

Атрибут (лотинча: «бераман», «бағишлайман») — жисм ёки ҳодисанинг ўзига хос, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим характерли хусусияти, белгиси. Жисмоний субстанция атрибути — кўлам, руҳий субстанция атрибути сифатида эса тафаккур юзага келади.

Ақл (арабча) — инсоннинг билиш, фикр юритиш қобилияти; эс-хуш; мия.

Бидъат (арабча) — алоҳида диний таълимот. Бирон диннинг расмий аҳком ва ақидаларидан чекиниб, уларга қарама-қарши ёки душманлик назари билан қараш.

Биогенетик қонун (грекча: «ҳаёт ва келиб чиқиш»)га кўра, ҳар бир организм ривожланиш жараёнида ўз аجدодларининг баъзи бир белгилари ва айрим хусусиятларини такрорлайди.

Виждон (арабча) — этика категорияси. Кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар ва жамоатчилик олдидаги масъулият туйғуси; диёнат, инсоф. Виждонан, виждон билан, ҳалоллик билан, софдиллик билан, инсоф билан иш юритиш.

Волонтаризм (лотинча: «ирода») — идеалистик фалсафанинг бир йўналиши бўлиб, бунда идрокни, тасаввурни ёки тафаккурни эмас, балки ирода бирламчи деб эътироф этилади ва уни бутун мавжудотнинг бош асоси деб тан олинади. Волонтаризм икки турдан: объектив идеализм ва субъектив идеализм шаклидан иборат.

Галактика (грекча: «Сомон йўли») — Куёшни ҳам ўз ичига олган 100 миллиард юлдуздан ташкил топган коинот тизими. Галактиканинг эни тахминан 100 минг ёруғлик

Йилига баравар. Бундай галактикаларнинг бир нечтаси Метагалактикани ташкил этади.

Галлюцинация (лотинча: «алаҳсираш») — мия фаолиятининг бузилиши натижасида кўрув, эшитув, сезув, хидлов органларининг чалғиши, йўқ нарсаларни кўриш, эшитиш, сезиш.

Гармония (грекча) — оҳангдошлик, уйғунлик, оҳанг.

Генетика (грекча: «келиб чиқиш») — организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлиги ҳақидаги таълимот.

Гедонизм (грекча: «хузур-ҳаловат») — инсонлар ҳамиша завқ-шавқ билан ҳаёт кечириши ва азоб-укубатлардан узоқ бўлиши керак, дейиладиган ахлоқий назария. Қадимги юнон файласуфи Аристипп асос солган этика назарияси. Бу этиканинг мухлислари хузур-ҳаловатни олий саодат деб ҳисоблаганлар.

Бу назарияга кўра, кишиларга дунёнинг шод-хуррамликларига, ўзлари учун ва бошқалар учун максимал роҳат-фароғат олишга интилиш буюрилади. Бу таълимотда хузур-ҳаловат келтирувчи ва азоб-укубатдан қутқарувчи нарса яхшилик деб, азоб-укубат келтирувчи нарса эса ёмонлик деб таърифланади. Ҳар бир инсонга хузур-ҳаловатга эришиш мақсади бирдан-бир иштиёқ ва ахлоқий талаб бўлиши керак деб уқтирилади.

Бу этика тарафдорлари — Аристиппнинг ўзи, Эпикур (милоддан аввалги 341—270), Бентам (1748—1832), Милль (1806—1873) ва бошқалар.

Гиллозоизм (грекча: «модда ва ҳаёт») таълимотига кўра, ҳаёт ва сезувчанлик, табиатдаги барча нарсаларга хос бўлиб, материянинг барча шакллари сезиш ва фикрлаш қобилиятига эга.

Гипотеза (грекча) — ҳали исбот қилинмаган илмий тахмин, фаразия.

Гносеология — Борликни, дунёни билиш ва чин ҳақиқатга эришиш ҳақидаги ҳамда билишнинг манбалари ва шакллари тўғридаги фалсафий таълимот. Борликни билиш назарияси.

Гностицизм — юнон фалсафаси ва шарқ динларига асосланган диний-фалсафий оким.

Гуманизм (лотинча: «инсоний») — инсонпарварлик, инсоннинг фазилатлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, кишиларнинг бахт-саодати тўғрисида, уларни ҳар томонлама камол топтириш хусусида, ижтимоий ҳаётда инсон учун қулай шарт-шароит яратиб бериш борасида ғамхўрлик кўрсатишни ифодаловчи қарашлар мажмуи.

Дедукция (лотинча: «хулоса чиқариш») — муҳокама қилиш, хулоса чиқариш усулларида ва тадқиқот методларидан бири. Умумий ҳолатдан хусусий ҳолатга ўтиб муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий, кичик (унча жиддий бўлмаган) натижа чиқариш. Акси — индукция.

Деизм (лотинча: «Худо») — **Худованд** оламнинг махсус биринчи сабаблар сабабчиси сифатида мавжудлигини эфироф этувчи таълимот. Бу таълимотга кўра, Худо оламни яратгач, унинг ҳаракат қонунларини ҳам яратган ва оламнинг ҳаракати, ривожланиши, яшаши шу қонунларнинг амалига ташлаб қўйилган деб айтилади.

Демократия (грекча: «халқ кучи, ҳокимияти») — ҳокимият халқни қўлида бўлган идора усули, сиёсий тузум. Бунда озчилик, кўпчиликка бўйсунуши принципи амал қилиб, фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлиги кафолатланади.

Деонтология — этикада бурч назарияси. Бунда бурч, ахлоқий талаблар, меъёрлар каби бурч билан боғлиқ бўлган муаммолар баҳс этилади.

Диалектика (грекча) — табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги фан. 1. Абадий ҳаракатланиб ва ўзгариб турувчи табиат ва жамият ходисаларини, уларнинг ички зиддиятлари ва қарама-қаршиликларини очиш, бу зиддият ва қарама-қаршилиқлар ўртасидаги курашни ойдинлаштириш асосида билишнинг

умумий методи; 2. Бирор нарсанинг ҳаракати, ривожланиш жараёни.

Диссимилляция (лотинча) — организм фаолияти жараёнида қабул қилинган мураккаб органик моддаларнинг ажралиши, ўзгариши; акси — ассимиляция.

Догма (грекча) — танқидий текширмай, кўр-кўрона қабул қилинган қотиб қолган қонун-қоида, фикр, ақида.

Догматизм — ақидапарастлик. Фалсафада, динда, фанда оламнинг ўзгарувчанлигини, тараққиёт қонунларини турли тарихий шароитларда турлича юз беришини тушунмовчи, ўзгарувчан ҳаёт тажрибаларини, фаннинг янги маълумотлари ўрни ва вақтнинг конкрет шарт-шароитларини ҳисобга олмасдан, қадимги, ибтидоий тушунчалар, қоида, тартиботлар, формулалар билан иш кўрувчи, яъни ҳақиқатнинг конкретлилик тамойилларини тушунмовчиларнинг тафаккур усули.

Ақидапарастлар қадимги ақидаларга ўжарларча ёпишиб олиб, айниқса диний соҳада ўзгарувчан тарихий шароитларни тан олмай, менсимай, қотиб қолган ўз фикрларида каттик турадилар ва тарих ғилдирагини тескарига айлантиришга зўр бериб уринадилар. Бундай сафсатабоз, жоҳил мутаассиб (фанатик)лардан сиёсатдонлар оддий, арзон ва қулай қурол сифатида ўз мақсадларини амалга оширишда фойдаланадилар. Ақидапарастлар ҳозиргача диний соҳада ваҳҳобийлар, ҳизб ут-таҳрир, ҳизбуллоҳ фирқалари ва бошқа кўринишда учраб туради. Бундай жаҳолат, разолат ботқоғига ботган мутаассиб ақидапарастларни сиёсатдонлар осонгина ўз тузоқларига илинтириб, уларни саҳийларча моддий томондан рағбатлантириб турадилар ва ўз маслакларини уларга аста-секинлик билан ми-яларига сингдира бориб, ўзларининг сиёсий душманларига қарши гижгижлаб курашга ташлайдилар. Ақидапарастлар ўзларини улар қўлида оддий буюм ёки қурол эканликларини сезиб-сезмай юраверадилар. Уларнинг янглиш фикр, эътиқодларини, дунёқарашларини маънавий билим, маърифат, илм, ҳақиқат суви билан ювиб тозалаш керак бўлади. Жаҳолатга қарши маърифат тамойили қўлланилади.

Доктрина (лотинча) — илмий ёки фалсафий назария, тизим; ҳарбий соҳада ҳам қўлланади.

Дуализм (лотинча: «иккилик») — моддийлик ва руҳиятни тенг деювчи материализм ва идеализм ўртасидаги таълимот. Бунда дунёнинг негизида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки нарса — модда ва руҳ бор деб эътироф этилади. Бу таълимот идеализмга яқинроқ туради.

Жон (арабча) — бош миянинг танага юборадиган ахборот импульслари, ҳаракатлари йиғиндиси бўлиб, тана ва руҳни боғлаб турувчи занжир; у номоддийдир.

Жоннинг мавжудлиги — ҳаракатланиб турувчи қондан иборат бўлиб, қон ҳаракатдан тўхтаганда ёки танани тарк этганда, тана ўлади. Тана ўлгандан сўнг, руҳ танадан озодликка чиқиб, ўзининг асл келган маконига — латиф оламга бориб қўшилади.

Жон ҳаракатланувчи қон билан мавжуд ва тирик. Бинобарин, жон табиатдаги оқсил моддаларнинг танага киришидан ҳосил бўлади. Ердаги моддий неъматлар, озукаларни одам истеъмол қилганда улар организмга сингиб, ҳазм бўлиб, қонга, яъни жонга айланадилар. Киши организмга бу неъматлар кириб турмаса қон, жон ҳосил бўлмайди ва бунда тана ўлади. Ақл эса, жоннинг ҳосиласи бўлиб, қон-жон бўлмаса ақл ҳам фикрлашдан тўхтайди, яъни у ҳам тана билан бирга ўлади.

Одам — тана, жон ва руҳнинг қўшилмасидир. Тана — руҳнинг ҳам моддий макони бўлиб, у жонсиз яшаёлмайди. Унинг асосий озуқаси — қон. Тана моддий оламда руҳ учун ҳам макон, яъни: «*Менинг руҳим — гавдамда, танамда вақтинча, бу моддий оламда яшаш учун муваққат жойлашган*», деб айтиш мумкин.

Тана — жон ва руҳнинг моддий макони, руҳ эса — кишининг номоддий мавжудлиги — «Мен»и, у азалий ва абадийдир.

Рух — кишининг мавжудот сифатида ўз-ўзини англаши, идрок этиши билан боғлиқ омилдир.

Танадан озод бўлган рух овқатланишга, ухлашга эҳтиёж сезмайди, у куч-қувватни **Парвардигор**дан олиб туради. Шунинг учун ҳам рух ҳатто нафас олишга ҳам муҳтож эмас, чунки нафас моддий тана учунгина зарур. Рух ўзига хос тарзда кўриш, эшитиш, сезиш, ҳаракат қилиш қобилиятига эга. Танадан озод рухлар ўзаро гаплаша олади. Рух ўзининг аниқ ўлчамларига, фикрлаш, қаттиқ моддий жисмлардан сизиб ўтиш хусусиятларига ҳам эга. Унга энг қаттиқ жисмлар ҳам тўсиқ бўлолмайди, аммо рухлар иккинчисининг танасидан сизиб ўта олмайди. Улар учун ягона махсус тўсиқ дуолардир.

Рух, жон ва танани бирлаштириб, бошқариб турувчи ягона восита — бош мия. Тана ва рух ўртасидаги алоқа — унинг жасадга кириши ва чиқиши бош мия орқали амалга ошади. Жон — тана ва рухни боғлаб турувчи занжир узилган лаҳзадан бошлаб яъни кишидан жон чиқиб, бош мия ҳаракатдан, фикрлашдан тўхтаган маҳалда, яъни биологик ўлим содир бўлганда, рух инсонни мутлоқ тарк этади ва ўз ҳаётини номоддий латиф оламда давом эттиради.

Жон ҳақида гапирсак гап кўп, лекин бу ҳақда айрим фалсафий фикрларни изоҳимизга киритсак, кифоя қилар.

Жон ибтидоий одамлар тасавурида қандайдир моддий нарса — соя, қон, нафас ва шу кабилар деб қаралган.

Барча динларда жон — жисмсиз, ўлмайдиган, нариги дунёда жисмдан мустақил, алоҳида яшайдиган номоддий куч деб тушунилади.

Жон, идеалистик фалсафада онг билан бирдек қилиб кўрсатилади.

Платон жонни абадий ғоя деса, Гегель рухнинг материя билан алоқасида юз берадиган қуйи ҳиссий кўриниши, яъни ҳис қилувчи ва фаолият кўрсатувчи нарса деб ҳисоблаган.

Форобий жонни танадан мустақил ажратиб қўйишни, уни танадан танага кўчиб юради деган таълимотни танқид қилади.

Дуалистик таълимотларда жон азалий ва у жисм билан бир қаторда мавжуд бўладиган нарса деб айтилади.

Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг айтишича, рухни кўриб бўлмайди, лекин рух бор, у — «ҳасти нестнамой», яъни у йўқдай бўлиб туюладиган борлиқдир. Масалан, тўзон кўзғолганда тупроқ, чанг ўз-ўзидан ҳавога кўтарилди деб айтолмаймиз. Тупроқ, чангни шамол кўтариб, тўзонга айлантиради, лекин шамол ва ҳаво кўзга кўринмайди. Ёки электр қуввати (токи) чироқ-лампочкани ёндиради, моторларни зувиллатиб ишлатиб юборади, лекин ўзи кўзга кўринмайди. Бинобарин, кўринмагани учун шамол, ҳаво, электр қувватини йўқ деб бўлмайди. Шу каби рух ҳам кўзга кўринмайди, аммо у жон бирла биргалашиб жасад, танани ҳаракатлантиради. Тана, жасад ўлиб жон узилгандан кейин рух озодликка чиқиб, ўз фаолиятини тана ва жонсиз ҳам давом эттираверади. Ўтган мутасаввуфлар фикри ҳам шундай.

17- «Ал-Исро» сурасининг 85-оятисида шундай дейилган: («Эй Муҳаммад), **Сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух фақат Раббимнинг ишидандир». Сизларга эса оз илм берилгандир».** (Яна қаранг: 14-фаслга)

И д е а л и з м (французча) — бутун борлиқнинг негизи материя эмас, балки онг, идея, рух деб билувчи, материя онгининг, ғоянинг маҳсули деб талқин қилувчи фалсафий оқим. Олам замонда ва маконда ниҳояли ва бу оламни **Парвардигор** яратган деювчилар таълимоти.

И д е о л о г и я (грекча) — идеялар мажмуи, муайян синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий қарашлар тизими; мафкура.

И д е я (грекча) — 1. объектив Борлиқни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, кишининг Борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишининг дунёқарашини ташкил этувчи тушунча, тасаввур; 2. ният, мақсад, фикр; 3. асарнинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр; ғоя.

Идрок (арабча) — 1. Инсоннинг билиш, тушуниш қобилияти; зеҳн, фаҳм, фаросат; 2. Сизги органларига таъсир этаётган объектив мавжудот, жисм, ҳодисаларнинг киши онгидаги инъикоси, акс этиши.

Идрок жисмларни ташқи томонларини билади, акс эттиради. Кўриш, бадан билан сезиш, эшитиш идроклари бўлади.

Ижод (арабча) — кишининг яратувчилик маҳорати: 1. Бадий, илмий асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик, ижодиёт; 2. Яратилган асар, ижодий маҳсулот.

Иллюзия (французча) — 1. Сизгиларнинг алданиши натижасида Борликни, воқеликни нотўғри идрок қилиш; ҳаёлий нарсаларни, ҳодисаларни тўғри деб қабул қилиш; 2. Амалга ошириб бўлмайдиган режа, пуч хомхаёл.

Иллюзионизм (французча) — моддий дунё фақат зохирий кўринишдан, иллюзиядан иборат деб ҳисобловчи субъектив идеалистик дунёқараш.

Илоҳиёт (арабча) — **Худованд** ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи; теология.

Илтижо (арабча) — **Худовандга**, илоҳий кучга сизгиниб паноҳ тилаш; умуман, ялиниб-ёлвориб, ўтиниб сўраш; ўтинчли илтимос.

Илҳом (арабча) — илҳомланиш, руҳланиш, инсоннинг ижодий фаолиятида хушнудлик ва кўтаринкилик ҳолати. Ижодда инсоннинг барча маънавий кучларининг ижод объектида батамом тўпланиши, ҳиссий, руҳий кўтаринкилик, ижодий туғён, эҳтирос, ижодий қувонч кайфияти. Бунинг натижасида ижодий ва бошқа меҳнат ғоят сермаҳсул бўлади.

Индивидуализм (лотинча — «бўлинмас») — ахлоқий принцип; назарий асоси — жамиятда шахснинг ўзига мустақиллигини ва мутлақ ҳуқуқларини эътироф қилишдан иборат. Индивидуализм — шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан юқори қўйиш; худбинлик.

Индукция (лотинча — «айримликдан умумийликка») — хулоса чиқариш ва тадқиқот методи. Айрим жузъий, аҳамиятсиз, кичик ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, баъзи фактлардан, ҳақиқатлардан умумий хулосага келиш. Акси — дедукция.

Инсон (арабча) — одам, киши; тана, жон ва руҳнинг қўшилмасидан иборат бўлган ижтимоий мавжудот, шахс. Инсон фикрлаш ва сўзлаш қобилиятига эга бўлган, меҳнат, ижод қиладиган, жонли, онгли мавжудотдир.

Инстинкт (лотинча — «табiiй туйғу», «табiiй интилиш») — тирик организмнинг ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга қараб онгсиз, беихтиёр равишда, аммо мақсадли ҳаракат қилишдан иборат табiiй майли; туйғу; бир-бирига боғлиқ бўлган туғма рефлекслар.

Интуиция (лотинча — «синчиклаб қараш») — ички ҳиссиёт билан фикр юритиш, мушоҳада қилиш, ҳақиқатни билиш. Мушоҳаба, яъни аввал мантиқий муҳокама қилмасдан, ҳақиқатни бевосита пайқаш қобилияти. Чунончи: 1. илмий тажриба ва мантиқий мулоҳаза ёрдамисиз ҳақиқатни билиш мумкин деб қаровчи идеалистик тушунча; 2. тажрибага асосланган ғайриихтиёрий, ғайритабiiй ҳис, зийраклик.

Шарқ фалсафасида интуиция — авлиёлар ва пайғамбарларга хос бўлган маҳсус билиш усули деб талқин қилинади.

«**Ин**» ва «**ян**» — Қадимги Хитой фалсафасининг асосий тушунчаларидан бўлиб, энг ўта, энг қатъий қарама-қаршилиқларни, масалан, ёруғлик ва қоронғилик, кундуз ва кеча, осмон ва ер, иссиқ ва совуқ, мусбат ва манфий, юмшоқлик ва қаттиқлик, эркаклик ва аёллик каби ибтидоларни ифодалайди. Бу таълимот тарафдорлари ҳаракатнинг космик кучлари ва табиатдаги доимий ўзгарувчанликнинг бош сабабчиси ана шу «ин» ва «ян» қутбiiй кучларининг ўзаро бир-бирига таъсири ва кураши натижасида ривожланади ва тараққиёт амалга ошади деб билганлар.

И н ъ и к о с (арабча) — 1. ойнада, сувда, умуман ялтироқ нарса бетида акс этган тасвир, акс; 2. объектив мавжудотнинг, воқеаликнинг киши онгида акс этиши, акси.

И р о д а (арабча) — инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилиши, ишнинг кўзини билиб қарор қабул қилиш қобилияти ва бу ишни, қарорни бажариши. Кучли ирода билан бошланган ишни охирига етказиш қобилияти билимлар, тажриба, тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг натижасидир. Чунончи: 1. мақсадни, вазифани ва умуман ҳар қандай ишни бажариш, юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва катъиятлик билан ишни охирига етказиш қобилияти; 2. ихтиёр, хоҳиш.

И р р а ц и о н а л (лотинча: «ғайри ақлий») — ақл, тафаккур билан пайқалмайдиган, мантиқий тушунчаларда ифодалаб бўлмайдиган муайян воқелик.

И р р а ц и о н а л и з м (лотинча: «ғайри ақлийлик») — 1. Ақлнинг, тафаккурнинг билувчилик имкониятларини чекланган, интуиция, ҳис-туйғу, инстинкт ва шу кабилар билишнинг асосий хили деб билувчи фалсафий таълимот; 2. Бутун сон билан ўлчаб, ифодалаб ёки ҳисоблаб бўлмайдиган, арифметик амалдан ташқари илдиз топиш амалини талаб қиладиган муайян математик жараён, масалан, иррационал тенглама.

И с б о т (арабча) — 1. фикр, даъво, фараз ва шу кабиларнинг тўғрилигини ёки юз берган ҳодисанинг чинлигини тасдиқловчи факт, ҳужжат, далил; 2. бирор нарса, қоида ёки даъвонинг тўғрилигини, чинлигини бошқа қоидалар асосида мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тасдиқлаш усули, тизими.

Й о г а (санскритча — «бирлашиш», «қўшилиш») — ҳинд диний-фалсафий таълимоти; милоддан аввалги I асрда яшаб ўтган Патанжали асос солган. Бу таълимот мистик экстаз ҳамда инсонни қуршаб турган реал олам йўқ бўлиб кетадиган тамомила гангиш ҳолатига олиб борадиган машқлар тизимини киши руҳининг **Худованд** билан бирлашувида асосий йўл деб ҳисоблайди. Патанжали бу машқларни бир тизимга солиб, ўзининг «Йога-сутра»-сида баён қилган. Йоганинг қуйи босқичи — «Хатха-йога» жисмоний машқ усулларидан иборат бўлиб, бу босқичдан ўтгандан кейин, юқорироқ босқич — «Ража-йога», яъни руҳий машқларларга ўтилади. Бу жисмоний, руҳий машқлар кишининг аста-секин реал воқеликдан батамом ажралишига олиб келади. Йоганинг ёрдами билан бениҳоя кичрайиб, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиш ҳам, жуда улкан даражада катталашиб кетиш ҳам, истаган жойга бир зумда бориш ҳам, нарсаларни мингларча чақирим масофадан туриб кўриш ҳам, бировларнинг фикрини бемалол ўқиш ҳам, ўтмишни ва келажакни билиш, ўлганлар руҳи билан суҳбат қилиш ҳам мумкин. «Хатха-йога» барча дардлардан шифо топиш ва организмни ажойиб бир тарзда соғайиб кетишининг асосий методидир деб таълим берилади.

К а т а л е п с и я — баъзи асабий касалликлар, летаргия ёки гипноз натижасида ҳаракат қобилиятини йўқотиш, тахта бўлиб қотиб қолиш, каталепсия натижасидаги уйқу.

К а т е г о р и я (грекча: «кўрсатма», «гувоҳлик») — моддий дунё ҳодисаларининг умумий хусусияти ва алоқаларини ифодаловчи тушунча.

К и н и к л а р — қадимги юнон сукротчи фалсафий мактабининг вакиллари, милоддан аввалги IV асрдаги Антисфеннинг (435—370) издошлари бўлганлар. Синоплик Диоген (404—323) уларнинг энг машҳур вакилидир.

Киниклар ижтимоий меъёрларга нафрат билан қараганлар. Бойликдан, шон-шуҳратдан, ҳамма ҳиссий қониқишлардан воз кечишни бахт ва фазилат асоси деб ҳисоблаганлар.

К и р е и а мактаби — киреначилар қадимги юнон сукротча фалсафий мактаб вакиллари бўлиб, Сократнинг шогирди — Аристипп (435—355) томонидан ташкил қилинган. Бу мактабнинг аъзолари (вакиллари) бахт — ҳиссий лаззатланишда деган эътиқодга амал қилганлар.

К о и н о т (арабча) — бутун Борлик, еру осмон, олам. Моддий олам моддий объектларнинг сифат жиҳатидан турлича материя шаклларининг бутун мажмуидир. Ҳозирги илм-фаннинг ғоят тараққий этганлиги ва материя сифат жиҳатдан бениҳоя бўлганлиги ҳамда унинг қонунлари турли маконий-замоний миқёсларда бир хил бўлмаганлиги сабаб-

ли коинот тушунчасини бутун моддий оламга тадбиқ қилиб бўлмайди.

Коинот—макон ва замонда бепоён, чексиз моддий олам, деб таъриф берилган Ўзбекистон миллий энциклопедиясида. Менимча, бу ерда «бепоён», «чексиз» деган сўзни шартли равишда тушуниш керакка ўхшайди. Чунки ниҳоятда катта бўлган бу моддий оламни, яъни бу дунёни агар чегараси бўлса ўша чегарага бизнинг чегараланган ақлимиз ва тафаккуримиз етмайди. Бениҳояни билиш учун бениҳоя ақл керак бўлади. Бизнинг ниҳояли инсоний фаросатимиз уни кўлам сифатида бениҳоя моҳият деб пайқайди холос. Шунинг учун ҳам бу моддий оламни жуда катталигини тасвирлашда шартли равишда юқорида кўрсатилган «бепоён» (поёни, охири йўқ) ва «чексиз»(чеки, чегараси йўқ) деган сўзлар ишлатилади.

Коинот, оламларни қандайлигини фақат унинг эгаси—**Аллоҳ** таоло билади.

Коммунизм (французча) — Маркс, Энгельс, Ленин томонидан яратилган утопик — ҳаёлий, амалга ошириб бўлмайдиган, ўта реакцион назарияга асосланган иқтисодий-ижтимоий тузум. Ишлаб чиқариш воситалари ва моддий неъматлар давлат мулки бўлишига асосланган социализм деб номланувчи ижтимоий-иқтисодий формациянинг юқори босқичи. Бунда «*Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша*» деган утопик принципга асосланилади. Коммунизм ўта зоҳидона кишилик жамиятини чўктирувчи ғайриилмий тузум бўлиб, шахсни бўғувчи, раҳбарларнинг тор қатлами томонидан бошқариладиган, зўрлик ва сохтакорлик воситасида ижтимоий фаолиятнинг барча шакллари ўта бюрократлаштирилган ва сиқиб қўйилган ғайриилмий утопик жамиятдир.

Консерватизм (французча) — тараққиёт, янгиликлар, илғор ғояларга душманлик, эскиликни сақлаб қолишга, тиклашга интилиш, консерваторлик, мутаассиблик.

Концепт (лотинча: «тушунча») — 1. таъриф, ақлий образ, умумий фикр, тушунча; 2. логикада номнинг мазмуни.

Концепция (грекча) — 1. қарашлар, фикрлар тизими, англаш, фикр юргизиш усули; 2. асосий фикр.

Космология — оламнинг тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги таълимот.

Критерий (грекча) — бирор нарсага баҳо бериш, бирор нарса ҳақида фикр юритишда асос қилиб олинadиган ўлчов, мезон, белги.

Кўлам — бирор иш, фаолиятнинг ёйилиш, қамраш доираси, ҳажми, миқёси: ривожланиш, авж олиш даражаси. Фалсафада кўлам ўлчамларини бўй, эн, баландлик ифодалайди.

Левитация — вазни йўқота олиш қобилияти. Масалан, астрал левитация — ҳаёлий парвоз.

Логика (грекча) — 1. тафаккур қонунлари ва фикрлаш шакллари ҳақидаги фан: мантиқ илми; 2. муҳокаманинг бориши, хулосага келиш, натижа чиқариш; 3. ички қонунийат, мантиқийлик, қонун-қоидага мувофиқлик.

Логика инсон тафаккурини тарбияловчи, мукаммаллаштирувчи ва фикрлаш қобилиятини ўстирувчи илмдир. Масалан, логика илми дарак гаплардан хулосалар олиш учун уларни логик фигураларга биноан тартибга солишни ўргатадики, бу хулосалар ёрдамида биз билинмаган нарсаларни биламиз ҳамда нима чин ва нима ёлғонлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз.

Мако́н (арабча) — 1. Материянинг масофа ва ҳажми билан белгиланадиган асосий объектив яшаш шаклларида бири; 2. Турар жой, маскан, ватан; 3. Бирор нарса тўпланган ёки кўп жой; кон.

Малака (арабча) — кўникма; узоқ вақт қайта-қайта такрорлаш натижасида машина сингари ўйламасдан онгсиз ҳаракат қилаолиш даражасида қилинадиган иш, ҳаракат.

Манифест (лотинча) — 1. Ҳукуматнинг жуда муҳим воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати; 2. Бирор партиянинг дастур (программа) тарзидаги ёзма мурожаати.

Мантиқ (арабча) — 1. Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан; логика; 2. Гап.

фикр, ҳаракат ва шу кабиларнинг ақлга монандлиги, асослилиги (*яна қаранг: Логика*).

М а н ф а а т (арабча: «аҳамиятли, нафли бўлмоқ») — моддий ёки маънавий, жисмоний ёки руҳий фойда, наф. Одамлар ҳис этадиган истак, интилиш, майл, меҳр, муҳаббат ёки аксинча — жирканиш, ёмон кўриш, нафратланиш ва ҳоказо. Инсон истак ва интилишларининг қондирилиши.

М а р г б у р г м а к т а б и — янгикантчилик йўналишларидан бири бўлиб, унинг вакиллари — Коген, Наторп, Кассирер, Штаммлер, Бернштейн, Каутский, Адлер ва бошқалар бўлган. Улар Маркс ва Лениннинг ўта моддиюнчи таълимотларига кескин қарши бўлганлар. Бу таълимотга кўра, фалсафа олам ҳақидаги билим бўлаолмайди, у хусусий фанларнинг методологияси ва логикасидан иборат, холос дейилади.

М а с л а к (арабча) — 1. ўзига хос ақидалар билан бошқалардан ажралиб турадиган ижтимоий, сиёсий, илмий, диний йўл, оқим; 2. ғоявий мақсад.

М а т е р и а л и з м (моддиюнчилик) — моддийликни бирламчи, яъни дастлаб материя — модда пайдо бўлган, идея, руҳ материянинг маҳсули, материя абадий, уни яратиб бўлмайди, у замонда ва маконда бениҳоя, оламини Худованд яратган эмас, у ўзидан-ўзи пайдо бўлиб қолган деювчилар таълимоти.

М а т е р и я (лотинча) — моддият. Материалистларнинг нуқтаи назарларича, киши онгидан ташқарида ва онга боғлиқ бўлмаган ҳолда яшайдиган объектив борлиқ, моддият, модда.

М а ф к у р а (арабча) — муайян бир синфнинг манфаатларини ёқлайдиган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий диний, бадий қарашлар тизими (*яна қаранг: Идеология*).

М е т а ф и з и к а сўзининг айнан маъноси «Физикадан кейин келадиган нарса» демакдир.

М е т о д (грекча: «бирон нарсага бориш йўли») — умумий маънода мақсадга эришиш усули, муайян тарзда тартибга солинган фаолият. Бирор ишни бажариш, адо этиш, амалга ошириш усули ёки усуллар тизими. Табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, тадқиқ қилиш усули.

М е х а н т и з м — тараққиёт ва ривожланишнинг мураккаб ва хилма-хил қонуниятларига механиканинг оддий қонуниятлари деб қарайдиган таълимот.

М и с т и к а (грекча) — ғайритабiiй оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, инсоннинг илоҳиёт олами билан алоқа қилаолишига ишонадиган диний эътиқод; тасаввуф.

М о д а л л и к — фикрнинг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатувчи грамматик категория. Логикада, ҳукмда, айтилган даъвога кўра, унга берилган тавсиф (характеристика).

М о д у с (лотинча: «ўлчов», «усул») — жисмнинг фақат баъзи ҳолатларидагина унга хос бўлган хусусиятини ифодаловчи тушунча.

М о н и з м (грекча) — Борлиқнинг асосида битта материя ёки руҳ ётади деб ҳисобловчи фалсафий таълимот. Бу таълимотда бир ибтидо бутун мавжудотнинг асоси деб ҳисобланади.

М о н о т е и з м (грекча: «яккахудолик») — фақат битта Худовандга сифинувчи, биргина худони эътироф этувчи диний эътиқод шакли; яккахудолик (акси — Политеизм).

М о ҳ и я т (арабча) — бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз. Фалсафада — нарса ва воқеаларнинг энг муҳим, мазмунан чуқур ички белгилари, ходисалари ўртасидаги ички боғланиши, уларнинг зухур этиш характери ва усулларини белгиловчи бош омил.

М у л о ҳ а з а (арабча) — 1. фикран муҳокама юритиш, ўйлаш, ўй; 2. андиша қилмоқ, андишага бормоқ; бирор масалада билдирилган ёки ўйлаб қўйилган фикр.

Н е о п л а т о н и з м — мистик фалсафада моддий олам руҳий биринчи ибтидо мистик эманация (нурланиб оқиб чиқиш) натижасида пайдо бўлган деб қаровчи мистик-фалсафий таълимот.

Объект (лотинча) — 1. биздан ташқарида, онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудот; 2. киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, жисм, шахс; 3. хўжалик аҳамиятига эга бўлган корхона, қурилиш участкаси.

Объектив — 1. онгдан ташқарида бўлган ва онгга бевосита боғлиқ бўлмаган; 2. янглиш ёки субъектив фикрдан холи бўлган; холис, холисона, бетарафона.

Объективизм — ҳодисаларни, воқеаларни, ҳақиқатни холис, бетараф таърифлаш.

Объектив идеализм — рухнинг бирламчилиги ва материянинг иккиламчилигини эътироф этувчи таълимот, «Мутлақ рух» (Абсолют идея, рух), «Оламни ақл»ни бутун мавжудотнинг бош асоси деб ҳисоблайди; тушунчани моддий жисмларга нисбатан бирламчи деб қарайди. Чунончи, буюк файласуф Афлотун ҳам умумий тушунчаларни «Идеялар олами»да азалдан мавжуд деб, моддий жисмларни эса бу идеяларнинг сўник йилтирашлари, соялари деб ҳисоблаган. Объектив идеализм — «ғайриаклий» (ақлдан ташқаридаги) идеяликни бош асос деб билади.

Олам (арабча) — 1. бутун мавжудот, Борлиқ коинот, дунё; 2. бутун жаҳон, дунё, Ер юзи, инсонлар, халқлар; 3. бу дунё (Яна 381-бетга қаранг).

Онг — 1. кишининг фикрлаш қобилияти; ақл, идрок; 2. одамнинг ижтимоий ҳаётини тушуниши, сезиши ва унга бўлган муносабати; 3. воқеликнинг киши миёсида рухий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши; кишиларнинг рухий, сиёсий, фалсафий, диний нуқтаи назарлари.

Инсон объектларга тушунган, билган ҳолда муносабатда бўлгани учун унинг оламга муносабатининг усули онг деб аталади. Инсон нутқи орқали ифодаланувчи тушунча бўлмаса, билим бўлмаса, онг ҳам бўлмайди.

Онтология (грекча: «борлиқ ва таълимот») — Борлиқ ҳақидаги, Борлиқ тараққиётининг энг умумий қонунлари тўғрисидаги таълимот.

Организм — ҳар қандай тирик мавжудот.

Пантеизм (грекча: «бариси ва Худо») — Худовандни табиат билан бир деб ҳисоблайдиган ва табиат Яратувчининг мужассамланган ҳолати деб қаровчи диний-фалсафий таълимот. Бу таълимотга кўра, Худованд шаклсиз, шахсиз ибтидодир, у табиатдан ташқари турмайди, балки у билан айнан бир. Бу таълимотда ғайритабиий ибтидо инкор қилинади.

Парадокслар (грекча: «кутилмаган») — умумбашар, яъни инсоният қабул қилган фикрларга, илмий қоидаларга мувофиқ келмайдиган ажабтовур фикр, соғлом ақлга қарама-қарши бўлган фараз. Муҳокаманинг мантикий тўғрилиги сақланиб қолган формал мантикий зиддиятлар. Парадокслар бир-бирини истисно қилувчи зидма-зид икки ҳукм бир хил даражада исбот этиладиган бўлиб чиққан тақдирда пайдо бўлади. Парадокс назарияси бўйича ҳар қандай гапни, чин гапни ҳам, ёлгон гапни ҳам исбот қилиш мумкин. Милоддан аввалги 490—430- йилларда яшаб ўтган машҳур юнон файласуфи Зенон ёзган машҳур парадокслар айниқса диққатга сазовор.

Политеизм ва монотеизм (грекча «поли» — кўп, «монос» — бир) — кўпхудолик ва яккахудолик, бир нечта ёки ягона Худого эътиқод қилиш.

Постулат (лотинча: «матлуб») — бирон-бир назариянинг принципи ёки қоидаси. Муайян назариянинг бошланғич махсус илмий принциплари. Бу қоида ана шу назария доирасида бошланғич, исбот қилиб бўлмайдиган қоида сифатида қабул қилинган. Ҳозирги замон фанида бу тушунча, атама «аксиома» тушунчасининг синоними сифатида ишлатилади.

Принцип (лотинча: «асос», «биринчи ибтидо») — хатти-ҳаракатнинг биринчи ибтидоси, раҳбар ғояси, асосий қоидаси. Бинобарин: 1. тамойил, яъни — назария, таълимот, фан ва шу кабиларнинг асосий қонун-қоидаси; фаолият учун асос қилиб олинадиган қонун-қоида; 2. киши қаттиқ ушлаб олган, оғишмай амал қиладиган қоида, нуқтаи назар.

қараш, маслак.

Прогресс (лотинча) — тараққиёт, камолот сари йўналган ҳаракат, ривожланиш, тараққиёт, ривож. Акси — Регресс.

Процесс (лотинча: «ўтиш», «силжиш») — ходисанинг қонуниятли, изчил ўзгариши, унинг бошқа ходисага ўтиши; жараён.

Реал — 1. ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган, ҳақиқий, чин, воқеий; 2. амалий, амалга ошадиган, бажарилиши мумкин бўлган.

Регресс — орқага қайтиш, кетиш; таназзул, инқироз.

Рух (арабча) — 1. идеалистик фалсафа бўйича, материяга нисбатан бирламчи, бутун борликни негизини ташкил этувчи номоддий асос, илохий куч; рух идеядорликка, онгга тенг ҳисобланади; 2. киши ҳаётида киши билан бирга, вафотидан кейин эса танадан чиқиб абадий яшайдиган асос, арвоҳ.

Синтез (грекча) — нарса ва ходисаларни бир бутун ҳолда ва уларнинг таркибий қисмларини ўзаро узвий боғланишда олиб ўрганишдан иборат илмий-тадқиқот усули. Нарса ва ходисанинг анализ қилиб бўлинган айрим қисмларини фикран бирлаштириб бир бутун ҳолга келтириб таҳлил қилиш, ўрганиш.

Синтоизм (японча: «худолар йўли») — ибтидоий жамоа тузуми даврида Японияда пайдо бўлган дин. Унинг кўп маросимлари ва тасаввурлари аслида буддизмдан олинган.

Система — 1. тизим, тартибот, режа; 2. бирор таълимотга асос бўлган қоидалар, қарашлар, принциплар.

Скептицизм (грекча: «шубҳаланаман») — объектив воқеликни билиш мумкинлигига шубҳа қиладиган фалсафий қараш тизими. Скептик — ҳар нарсага шубҳа ва ишончсизлик билан қаровчи, умидсиз одам.

Социализм (французча) — назария бўйича жамият ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилигига асосланган ва «*Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша*» деган принципга асосланган ижтимоий тузум. Амалда ишлаб чиқариш воситалари ва бутун мулк давлат мулкига айлантирилган, зўрлик, зўравонлик, риёкорлик асосига қурилган, бир тўп сиёсий олигархлар ҳукмронлигидан иборат бўлган, халқни бирдек йўқсил, бенаво, мискин камбағал ҳолда тутиб турувчи давлат эксплуатациясига асосланган, нодемократик сиёсий-ижтимоий тузум.

Капитализмнинг асосий камчилиги бойликни ҳар хил тақсимланишида, социализмники эса маҳрумлик, бахиллик ва ичиқораликнинг баробар тақсимланишидадир.

Халқни саробдан иборат бўлган, утопик жамият — «коммунизм» ижтимоий жамияти қуриш ва унда «*Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша*» деган принципга ўтилади, ўшанда ҳамма бирдек бахтиёр яшайди деган сохта, уйдирма, алдов билан омmani итоатда куч билан тутиб туришга мўлжалланган, охири пировард-шармандаси чиқиб, «юлдуз кўрмай жон берган», аммо 40 миллиондан ортиқ бегуноҳ «ҳазрати инсон» зотини шафқатсизларча ва ваҳшийларча қириб ташлашга улгурган ижтимоий-сиёсий тузум.

Социология (грекча: «жамият ва таълимот») — жамият ҳақидаги таълимот.

Спиритизм — ўлганлар руҳи билан сўзлашиш.

Спиритуализм (лотинча: «руҳ», «арвоҳ») — оламнинг руҳий бош асоси ҳақидаги идеалистик таълимот. Спиритуалистлар назариясича, моддий олам Худованднинг ва унинг қудратининг юз бериш усулидир. Бошқаларнинг назарида эса моддий олам — инсон онгининг иллюзиясидир. Улар руҳнинг танадан мустақил ҳолда яшашини эътироф этадилар.

Стихия (стихияли) — 1. кучли табиий офат, кишиларнинг иродасидан, хоҳишидан ташқари бўлган табиий, ҳамда ижтимоий ҳодиса, воқеа; 2. кўр-кўрона бебош ҳаракат қилувчи, уюштириб ва йўлга солиб, идора қилиб бўлмайдиган ижтимоий куч.

Стоклар фалсафий таълимотининг асосий вакиллари милoddан аввал яшаб

ўтган — Зенон (336—264), Хрисипп (281—208), Лаэртлик Диоген (III аср), Панэтий (II аср), Сенека (милоддан аввалги 4- йили туғилиб, милодий 65- йилда ўлдирилган), Эпиктет (50—138), Марк Аврелий (милодий 121—180), Боэций (милодий 480—524), Боэт (119- йилда ўлдирилган), Л. Анней, Муссоний, Руф ва бошқалар бўлганлар.

Стоиклар ишлаб чиққан фанларни ўрни ва роли қуйидагича қиёсланади: логика — девор, физика—ҳосилдор тупроқ, этика унинг мевасидир.

Фалсафанинг асосий вазифаси этикада деб билганлар. Билим фақат донишмандлик касб этиши, яшай билиш учун воситадир. Табиатга муносиб равишда яшамоқ керак, деб айтганлар.

С у б с т а н ц и я (лотинча: «моҳият») — бутун Борлиқ ва ҳодисаларнинг моҳияти, дастлабки асоси.

С у б ъ е к т (лотинча: «эга») — идрок ва ирода эгаси, Борлиқни билишга ва ўзгартиришга қодир шахс, зот.

С у б ъ е к т и в — 1. бир шахснинг, субъектнинг ўзигагина хос, тегишли, шахсий; 2. бир кишининг шахсий фикрига, қарашларига асосланган бир тарафлама, бир томонлама, ғаразли фикр юритиш.

С у б ъ е к т и в и д е а л и з м — идеалистик фалсафанинг икки асосий оқимларидан бири. Бу оқим мавжудот субъектдан, киши онгидан ташқари, унга боғлиқ бўлмаган ҳошда мавжуд эмас деб таълим беради. Қисқароқ тушунтирганда, бутун мавжудот киши онгидан ташқари мавжуд эмас. Бу таълимот ҳис, тасаввур, онгни бирдан-бир реаллик деб билади. Бу оқим вакиллари ё объектив оламнинг мавжудлигини инкор этадилар ёки уни тамомила субъектнинг фаоллиги билан белгиланадиган бир нарса деб қарайдилар.

С у б ъ е к т и в и з м — жамият айрим шахсларнинг хоҳиши, иродаси таъсирида ривожланади деб даъво қилувчи идеалистик оқим. Иккинчи маъноси — масалага ўз шахсий фикри ёки манфаатлари юзасидан бир томонлама ёндашиш; ғаразғўйлик, субъективлик.

С х о л а с т и к а (грекча: «мактабга хос») — ўрта асрлар фалсафасида дин ақидаларини асослаб берувчи оқим. Схоластлар диний дунёқарашни назарий жиҳатдан асослаб берганлар.

С ў ф и й л и к — Ислом динида VIII—IX асрларда вужудга келган ва XI—XII асрларда шаклланиб бўлган мистик таркидунёчиликка, рухий покланишга, Аллоҳни билиш ва унга етишиш мақсадига асосланган оқим. Китобнинг тегишли фаслларига қаранг.

Т а б и а т (арабча) — оламдаги нарсаларнинг ҳаммаси, бутун Борлиқ, мавжудот.

Т а д р и ж и й (арабча) — секин-аста, даражама-даража содир бўладиган; эволюцион.

Т а м о й и л — қаранг: принцип.

Т а н а — жон ва руҳнинг вақтинчалик бўлган моддий макони. У жонсиз яшаёлмайди. Унинг асосий озукаси — қон. Тана моддий оламда ўзида жон ва руҳ жойлашганлиги сабабли яшайди. Жон чиққандан кейин инсон ўлади ва руҳ озодликка чиқади.

Т а с а в в у р (арабча) — идрок қилинган, ҳис этилган нарса ёки ҳодисанинг киши онгида акс этиши, гавдаланиши.

Т а ф а к к у р (арабча) — 1. объектив воқеликнинг тасаввур, тушунча ва муҳокамадаги фаол акс этиш жараёни, инсоннинг фикрлаш қобиляти; 2. ўйлаш, фикр юритиш, муҳокама, ўй. Тафаккур инсон онгидан ажралмаган.

Т е з и с (грекча) — 1. илмий асар, мақола, доклад, маъруза ва шу кабидаги асосий ғояларнинг қисқа, лўнда ифодаси; 2. ҳақиқат эканлиги исботланиши лозим бўлган ҳукм, мулоҳаза, фикр.

Т е и з м (грекча: «Худо») — диний фалсафий таълимот; бунда ғайритабiiй вужуд сифатида шахсан **Худованд**нинг мавжудлиги тан олинади. Оламда содир бўлаётган нарсаларнинг ҳаммаси **Худованд** қудратининг кўриниши деб ҳисобланади. Табиий қонуниятлар **Парвардигор**нинг каромати, **Тангри** оламдаги барча воқеаларда иштирок этади,

Яратган — ломакон, яъни оламда макон-манзили йўқ, бизнинг чегараланган ақлимиз етмайдиган оламдан ташқарида бўлган ҳолда мавжуддир дея эътироф этилади. Шунинг учун **Худованд**нинг зоти, сифати ва ҳоказолар ҳақида баҳс юритишдан тийилиш зарурлиги таъкидланади (*яна қаранг: Деизм*).

Телеология (грекча: «мақсад») — табиатдаги барча ҳодисаларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълум мақсадга йўналтирилганлиги ҳақидаги таълимот. Бу назария бўйича фақат инсон эмас, балки табиатдаги барча ҳодисалар ҳам бирон мақсадга қаратилган ибтидога, алоҳида жонга эга. Агар инсон ўз олдига мақсадни онгли равишда қўйса, табиатда мақсад онгсиз равишда амалга ошади. Аристотелнинг айтишича, ҳар бир нарсанинг ўз вазифаси бор, у ўзида фаол мақсадли ибтидони, жонни ҳаракатлантирувчи куч сифатида олиб юради ва шу билан бирга табиатнинг ҳамма мақсади олий бир мақсадга бўйсунган, умумжаҳон гармониясига қўшилган бўлади. Табиатнинг мақсадни кўзлаган ибтидоси оламдан ташқарида ва унинг ўзи оламий жараённинг олий асосий ва туб мақсади, деб **Худонинг** борлиги исботланади.

Тенденция (лотинча) — интилиш, майл. Тенденциозлик — маълум тенденцияга, олдиндан ўйлаб қўйилган фикр, қарорларга асосланиш; бир ёқламалик, ғаразғўйлик.

Теология (грекча: «худо ва таълимот») — **Парвардигор**, дин ва диний ақидалар тўғрисидаги диний таълимот, илоҳиёт фани.

Теорема (грекча) — тўғрилиги исбот қилиниши зарур бўлган, аммо ўзи ҳақиқатга асосланган даъво. Теория — назария.

Теософия (грекча: «Худо ва донишмандлик»; «билим»; айнан — «худодонлик») — инсон ўзининг ички тажрибаси — ҳиссиёти орқали худони пайқаши, билиши усуллари ҳақидаги фан. Илоҳий донишмандликка эришишга руҳий илоҳий, жавҳарни топиш йўли билан фақат илми ғайбдан хабардор бўлган теософия «пирлари»гина эриша оладилар.

Термин (атама) (лотинча: «чек, чегара») — Қадимги Рим мифологиясида чегараларнинг ва чегара белгиларининг худоси. Фан, техника, санъат ва шу кабиларда муайян тушунчани билдирадиган бир маъноли сўз. Термин фан тилининг таркибий қисмидир. У фан маълумотларини аниқ ва бир маъно билан билдириш заруриятидан жорий этилган. Ўзбекчада «атама» ва «термин» тенг қўлланади.

Тил — 1. оғизда жойлашган, таъм, маза билиш, нутқ товушлари ҳосил қилиш аъзоси; 2. инсоннинг сўзлаш, гапириш қобилияти; гап, сўзлашув; 3. фикр ифодалаш воситаси, тизими.

Тил ҳар қандай физик табиатнинг белги тизими, бу тизим инсон фаолияти жараёнида билувчилик ва алоқа вазифаларини бажаради. Тил ҳам табиий, ҳам сунъий бўлиши мумкин. Табиий тил фикрларни ифодаловчи, кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб, хизмат қилинадиган кундалик ҳаётдаги тил тушунилади. Сунъий тил кишилар томонидан бирон-бир тор эҳтиёжлар учун яратилган тилдир (математика тили, физика тили, кимё тили, тиббиёт тили ва ҳоказо).

Готемизм — ҳайвон, ўсимлик, тош ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларга сиғиниш.

Утопик (грекча: «ўрни йўқ», «йўқ жой») — амалга ошмайдиган, нореал, хаёлий, ғайриилмий. Утопизм — хаёлпарастлик, хомхаёллик. Жамият тараққиёти қонунларига зид равишда идеал ижтимоий тузум қуриш ҳақидаги орзу-хаёлларга асосланган ғайриилмий таълимот; масалан, коммунизм, социализм таълимотлари.

Утопик социализм — беками-кўст жамиятни билдириш учун биринчи бўлиб Томас Мор (1478—1535) ишлатган атама. Хаёлий идеал жамият барпо этилган уйдирма оролни у шундай деб атаган.

Фактор (лотинча) — бирон жараён, воқеа, ҳодисани юзага ёки ҳаракатга келтирувчи куч, сабаб, омил.

Фалсафа — 1. табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан; 2. бирор фан ёки билим тармоғининг асосини ташкил этувчи унинг наза-

рий, методологик тамойиллари.

Фанатик — бирор эътиқодга маҳкам, қаттиқ ёпишиб олувчи, бошқа ҳар қандай қарашларни ўжарлик билан рад этувчи ўта мутаассиб, жоҳил киши.

Фаросат ва ақл (арабча сўзлар) — кишининг тез ва тўғри фаҳмлай олиш қобилияти; фаҳм, заковат, дид. Фаросат деганда кўпинча тўғри муҳокама юргизиш, хулоса чиқариш, ўз фикрини изчил баён этиш қобилияти тушунилади. Ақл деганда ҳодисаларнинг сабабларини ва моҳиятини топиш, уларни ҳар томонлама қараб чиқиш, қарама-қаршилиқлар бирлигини очиб бериш қобилияти тушунилади.

Фасоҳат (арабча) — чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва равонлиги.

Фатализм (лотинча: «тақдирга оид») — тақдирга, пешонага ёзилганига ишонишдан иборат диний-идеалистик таълимот. Бунда олам, шу жумладан, инсоннинг ҳаёти ҳам олий ирода, толеъ, тақдир азалдан белгилаб қўйилган дейилади.

Фаҳм (арабча) — инсоннинг тушуниш, англаш, фаҳмлаш қобилияти; идрок, фаросат, ақл. Жумладан: 1. фикр юритмоқ, ўйламоқ, тушунмоқ; 2. фаҳмламоқ, фаҳмига етмоқ, идрок этмоқ, англамоқ, тушунмоқ.

Фаҳмламоқ — гап, воқеа, ҳодиса ва шу кабиларнинг маъносига тушуниб етмоқ, маъносини тушунмоқ, англамоқ, сезмоқ, уқмоқ.

Фаҳм-фаросат — ақл, идрок.

Фетиш (французча = португалча) — ибтидоий кабилалар **Худо** деб билиб топинган нарса.

Фетишизм — 1. ибтидоий кабилаларда фетишларга, яъни нарсаларга топиниш, сажда қилиш; жонсиз нарсалар ғайритабиий кучга эга деб ишониш, тушуниш ва шунга эътиқод қилиш. 2. бирор нарсага кўр-кўрона эътиқод қилиш, ишониш, унга маҳкам ёпишиб олиш.

Фидеизм (лотинча: «эътиқод») таълимотига кўра, фан фақат ҳодисаларни, фактларнинг иккиламчи (физик) сабабларини очади, лекин у бирламчи, ғайритабиий сабабларни очиб беришга, Борлиқнинг энг чуқур манбаларини тушунтириб беришга қодир эмасдир. Чунки фан фақат зоҳирий (ташқи), кўзга кўриниб турган, тажрибада бор, мавжуд нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ҳақидагина маълумотга эгадир.

Худо ярлақанган маълум бир мумтоз кишилар — азиз-авлиёлар, пайғамбарларгагина маълум қилинадиган ботиний (ички), ладуний, ғайб илми сирларидан фан хабардор эмас. Шунинг учун ҳам илмий билиш ҳақиқатни охиригача очиб бера олмайди дейилган.

Фидеистларнинг фикрича, фақат дин оламнинг мавжудлигини ва мақсадини, қонун-қоидаларини чинакам изоҳлаб беради, инсоннинг ҳаётига мазмун ва мақсад бағишлайди. Фан эса бу мақсадни амалга оширишда баъзи воситаларни беради холос.

Фикр — бирор нарса, кимса ҳақидаги ўй, хаёл. *Фикр юргизмоқ* — бирор хулосага келиш учун нарса, ҳодисаларни таққосламоқ, ўйламоқ, мулоҳаза қилмоқ, разм солмоқ. *Фикрли* — ўйлаб, ақл билан иш тутадиган мулоҳазали киши. Фикр инсонга оқиб келувчи тасаввур «образлар» натижасидир. Софистлар фикр билан ҳақиқат ўртасидаги чегарани сидириб ташлаганлар («Нима кимга қандай кўринса, туюлса, ўша ҳақиқатдир»). Афлотуннинг фикрича, фикр — фараз ва ишончга бўлинувчи ҳиссий нарсаларга тааллуқлидир.

Форма (лотинча) — 1. жисмларнинг ташқи кўриниши, шакли; 2. ички мазмунни ифодаламайдиган, ҳатто унинг моҳиятига зид бўлган юзаки кўриниш, қиёфа.

Формализм — 1. бирор ишнинг моҳиятига зид равишда, унинг ташқи томонига кўпроқ эътибор бериш; расмиятчилик; 2. логика, санъатшунослик ва шу каби фанларда ғоявий мазмунга путур етказиб, шаклга — формага ортиқча аҳамият берувчи идеалистик оқим.

Цивилизация (лотинча) — маданий тараққиёт. Тамаддун. Ижтимоий тараққиёт босқичида эришилган моддий ва маънавий маданият босқичи; маданий тараққиёт; умуман тараққиёт.

Цикл (грекча) — маълум давр ичида такрорланиб турадиган иш, ходиса ва жараёнларнинг бир давраси.

Эволюция (лотинча) — узлуксиз, тадрижий, давомли ривожланиш, ўзгариш. Табиат, жамият ва мавжудотларнинг аста-секин, ривожланиб ўзгариши.

Экзистенция — лотинча мавжудлик, мавжудман, борман дегани.

Экстаз — жазава, ўзини йўқотиш даражасида ғоят кучли лаззатланиш.

Экстремизм (лотинча) — кескин фикр ва чораларни ёқлаш, кескин чораларга тарафдорлик. **Экстремист** — шундай фикр ва чораларни амалга оширувчи.

Эманация — нурланиш, нур сочиш ва чиқариш, дунё **Худонинг** қудрати билан пайдо бўлган деб тушуниш.

Эмпиризм (грекча) — 1. тажрибага асосланган идрокни, яъни ҳиссий идрокни билишнинг бирдан-бир манбаи деб биладиган ва назариянинг аҳамиятини инкор қиладиган таълимот; 2. назарияни камситиб, фақат амалий ишга, тажрибага берилиш, қуруқ амалиётчилик.

Эмпирик — тажрибага асосланган, тажрибадан олинган.

Эмприокритицизм (грекча) — субъектив идеалистик оқим, махизм. Моддий дунё объектив эмас, материя онгнинг маҳсули деб қаровчилар таълимоти.

Энергия (грекча) — материянинг иш бажара олиш қобилиятининг мезони; қуввати.

Эпитет (грекча) — нарсалар, воқеалар, ҳодисаларнинг сифат-фазилатларини яққол, жонли тасвирлаш учун уларнинг номларига қўйиб ишлатиладиган сифатловчи сўз. Масалан, **Аллоҳ таоло**, **Парварадигор** ва ҳоказолар.

Эстетика (грекча) — 1. гўзаллик, нафис санъат, бадий ижодиёт ва уларнинг шакллари, хиллари ҳақидаги фалсафий таълимот; 2. гўзаллик, нафосат, латофат.

Этика (лотинча) — одоб, ахлоқ ва унинг меъёрлари ва қоидалари мажмуи. Бинобарин: 1. ахлоқни онгнинг бир шакли сифатида ўрганувчи фалсафий таълимот; 2. бирор синф, шахс, фирма, гуруҳ, касб эгаларининг одоб-ахлоқ меъёрлари ва қоидалари мажмуи.

Этикет (французча) — жамият, ижтимоий гуруҳлар қабул қилган ўзаро муомала қоидалари мажмуи.

Этнография (грекча) — халқларнинг келиб чиқиши, турмуши, расм-русумлари, моддий, маънавий, ижтимоий маданиятини ўрганиш ҳақидаги мустақил фан.

Ғоя (арабча) — 1. бирор иш, ҳаракат қилиш ҳақидаги фикр, ўй, ният, мақсад; 2. дунёқарашнинг асосий, муҳим принципи; идея.

Ғоявий — 1. маълум бир ғояга асосланган; мафкуравий; 2. бирор нарсанинг асосий моҳияти, ғоясини ифодалаш.

Ҳаёт — моддиятнинг ҳаракат шакли бўлиб, оқсилли жисмларнинг яшаш усулидир. Бу усулнинг муҳим жойи — уларни қуршаб турган ташқи табиат билан доимо моддалар алмашилиб туришидан — диссимилияция ва ассимилияциядан иборат.

Ҳаёт фалсафаси — субъектив-идеалистик оқим. Бу фалсафа XIX—XX асрларда Германия ва Францияда юзага келган. Бу фалсафада ҳаёт оламнинг абсолют, бениҳоя ибтидоси деб тушунилган. Ушбу ибтидо фаол, хилма-хил, абадий ҳаракат қилади. Ҳаётни ҳис-туйғу ёки мантикий тафаккур ёрдами билан билиб бўлмайди. У фақат интуитив равишда, диний кечинмалар орқали пайқалади дейилади. Файласуфлардан Ницше, Дильтей, Зиммель ҳаётни ирода, ички кечинма ва рухий кучларнинг иррационал ўйини деб тушунтирганлар.

Ҳаракат — ўзгаришдан иборат моддий объектларнинг ҳар қандай ўзаро таъсири. Ҳаракатсиз моддият бўлмайди ва моддиятсиз ҳаракат бўлмайди.

* * *

Китобимизни фалсафа ҳақидаги қисмини тугатар эканмиз шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фалсафа жуда кенг қамровли мураккаб фан бўлиб, ҳамма фалсафий масалаларни тўлиқ ёритиб бериш учун бир неча жилдлик китоб ёзишга тўғри келур эди. Шундай қилсак, биз кўзланган мақсаддан четлашиб кетган бўлур эдик. Чунки китоб олиму-уламолар, муаллимлар ва талабалардан ташқари яна оддий фуқаролар — кенг оммага ҳам мўлжалланганлигидан бу ишимиз китобхонларнинг кўпчилик қисмини ҳам чалғитиб, ҳам зериктириб қўйиши турган гап эди.

Биз фақат китобхон фалсафа тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва фалсафани кенг омма учун қизиқарли бўлган жиҳатларинигина ёритиб беришга ҳаракат қилдик холос.

Шундай бўлса-да, ўтган Советлар даврида «қулоққа уриб» тикиштириб келинган марксистик фалсафа ҳақида бир оз бўлса-да баҳс юритдик. Чунки, фалсафада қон-қонимизга, онг-онгимизга сингдириб юборилган марксистик дунёқараш мутлақлаштирилган ягона дунёқараш бўлиб қолган эди.

Ҳозирги кунда ҳам ана шу моддиюнчилик кайфиятида собит турганлар йўқ эмас. Шунинг учун ҳам бу масалада бир оз тўхталиб ўтишга тўғри келди.

Ўша пайтда Карл Маркс кишилик жамиятида инқилобий ўзгариш — бойлар ва камбағалларни (капиталистлар ва ишчилар синфини) мулкий жиҳатдан тенглаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, қўшимча қиймат қонуни назариясини ишлаб чиқди ва бу мақсадни амалга ошириш учун фалсафада жамият ўртасида низо келтириб чиқарувчи икки — материалистик ва идеалистик дунёқараш таълимоти ғояларини бир-бирига қарама-қарши қўйди. Бу таълимот оқибати ҳозир барчага маълум ва машҳур бўлганлигидан бу ҳақда гапни чўзиб ўтирмаймиз. Биз китобимизда ана шу икки материалистик ва идеалистик дунёқарашга ўз муносабатимизни билдириб ўтдик холос.

Кишилик жамияти энди бу хилдаги низолардан, қонли урушлардан безор бўлган, «тўйган». Эндиликда аксарият инсоният дуалистик ғоя ва фалсафага янги — немис олими Г. Хакин ва бельгиялик олим Илья Пригожин (1917-йил туғилган) томонидан яратилган «синергетика» тафаккур усули бўйича ёндошиш тарафдори бўлмоқдалар.

Синергетика — юнонча биргаликда, ҳамкорликда келишилган ҳаракат деган маънони англатади. Бу ҳақда машҳур араб файласуфи ва шоири Абул Аъло ал-Маъррий (973-1057)нинг қуйидаги ўғити ҳам диққатга молик:

*Жабарий ҳам, қадарий ҳам бўлма,
Доимо ўрта бир йўлни танла.*

Бу таълимотда моддийлик ва идеявийлик муносабатларига янгича ёндошув кўзда тутилади. Материализм ва идеализм қарашларда улар ўртасидаги фарқ, зиддиятларни муҳокама этиш ва хулоса чиқаришда бу зиддиятларни бўрттириш, бирини бирига кескин қарама-қарши қўйиш, зўрлаш, тезлатиш, инқилобий ўзгаришлар қилиш тарзида эмас, балки аста-секин, узлуксиз, эволюцион, босқичма-босқич ўзгаришлар устивор бўлишлиги тамойили олға сурилади.


Ҳозирги пайтда янги илмий фалсафа яратиш бўйича чуқур изланишлар олиб бориш алоҳида, жуда катта, масъулятли ва залворли иш, қолаверса бу масала тажрибали, иқтидорли мутахассис файласуфларга тегишли бўлганлиги учун фалсафа бўйича сўзимизни шу ерда мухтасар қиламиз. Фалсафага астойдил қизиқувчилар ва уни чуқур ўрганмоқчи бўлганлар тегишли адабиётлар ва манбаларга мурожаат этишлари зарур.

Анчадан бери навбатини кутиб зерикиб ўлаёзган мавзулар эшик қоқиб турибдилар. Уларни кўп куттириб қўйиш одобдан бўлмас.

Тўртинчи қисм тугади.

*Б е ш и н ч и
қ ы с м*

**МАЪНАВИЯТ
ВА
МАЪРИФАТ**



Ҳикмат ва маърифат бўстонида

Дўстларни чорлаб ёзинг бир нома,
Сухбатда бўлсин ҳар бир аллома.
Ҳикматдан ясаб ажиб ҳангома,
Илмдан яратинг бир насиҳатнома.

(Абдурахмон Жомий)

Энди эса, азиз ва муҳтарам сухбатдош, китоб даргоҳидаги ғойибона сухбатимизни яқунлаш арафасида инсоният тараққиёти даврида вужудга келган ибратли ҳикматлар, барҳаёт фикрлар, фойдали маслаҳатлар, насиҳатлар, хусусан, *Қуръони карим*нинг муқаддас оятлари, пайғамбаримизнинг муборак ҳадисларидан энг зарур, ҳаётий, бугунги кунда долзарб бўлган тафаккур чечакларини сизга тортиқ этмакни ҳамда ўз талқинларим, кузатишларимни баҳам кўрмакни лозим деб топдим. Буларни ўз ҳаётингизда қўллай олсангиз ва уларга амал қилиб юрсангиз, шояд, ҳидоят топиб, ҳаётда қийналмасдан яшагайсиз, деб умид қиламан.

«Маънавият», «маърифат» ва «қадрият» атамалари асли арабча негизга эга.

Маънавият кишининг ички, руҳий, ахлоқий қиёфаси, тушунчаси бўлиб, маълум бир ахлоқ меъёрлари, маромлари асосида яшаш тарзи, умуман ҳаётидир.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги «Авесто» диний китобининг оғзаки вужудга кела бошлаши натижасида, яъни милоддан 3000 йиллар муқаддам шаклланиб келган ҳамда Ғарб ва жаҳондаги бошқа мамлакатларда яшовчи халқлар маънавиятига зид ўларок — уят, андиша, одоб, шарм-ҳаё, ибо, ор-номус, иффат, ғурур, иззат-нафс, қадр, инсонпарварлик, мурувват каби ахлоқ меъёрларига асосланган руҳий, ахлоқий қиёфаси бўлиб, шулар асосида ташкил топган урф-одатлар, миллий анъаналар ва турмуш кечирish тарзидир.

Маърифат киши онгги, билимининг, инсонпарварлик, эзгулик ғояларига асосланган маданиятини оширишга қаратилган инсониятни ҳидоятга бошловчи таълим-тарбия, сабоқ, маорифдир.

Маърифат илмий, диний; дунёвий билимларни ва адолат ғояларини эгаллаш ва тарқатиш, ижтимоий иллатларга ҳамда шахснинг нодонлигига қарши ваъз-насиҳатлардан иборат.

Машҳур маърифатчи мутафаккир олимлар — Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, ал-Ашъарий, Абул Лайс Самарқандий, Носир Хусрав, Саъдий Шерозий; тасаввуф намоянадалари — Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Саййид Амир Кулол, Хожа Аҳрор Валий, Имодиддин Насимий, Бобораҳим Машраб; ёзувчи ва шоирлардан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий, Аҳмад Дониш, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва бошқалар инсониятга маърифат тарқатишда катта жонбозлик кўрсатганлар.

Қадр — кишининг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори, ҳурмати, нуфузи.

Қадрият — теварак атрофдаги нарсаларнинг, кишининг жамият учун ижобий ёки салбий аҳамиятини кўрсатувчи ахлоқий тамойиллар, ғоялар, йўл-йўриқлар ва мақсадларда ифодаланган баҳо мезонлари ва усуллари.

Қадриятга умуминсоний қадриятлар — маълум бир ахлоқ меъёрлари, илғор, тараққийпарвар маданий мерослар киради.

Қадриятлар моддий, ижтимоий-сиёсий, маънавий қадриятларга ҳамда ижобий ва салбий қадриятларга бўлинади.

Мўътадиллик

Олам қонунларидан бири бўлмиш «олтин ўрталик», «ўртачалик меъёр қонуни»нинг ҳақлиги борасида оламнинг аҳволи шохиддир.

Ҳазрат пайғамбаримиз бу масалага катта эътибор бериб қуйидаги ҳадисларни айтиб ўтганлар (Ҳадислар Имом ал-Бухорийнинг «Ҳадис» (Ал-Жомийъ ас-Саҳих) китобидан олинди. Тошкент, «Қомуслар Бош таҳририяти», 1997).

* * *

Ишларнинг хайрлиси, фазилатлиси — ўртачасидир.

* * *

Сизларнинг яхшироғингиз, дунёни деб охиратини ва охиратини деб дунёсини тарк этмаган, одамларга оғирлиги тушмайдиган кишидир.

* * *

Эй Парвардигор! Мен сендан ҳидоят, тақво, ўртаҳол яшашлик ва одамларга ҳожатманд бўлишликни сўрайман.

* * *

Ислом ақлнинг ҳаддан ошишини ҳам, орқада қолишини ҳам истамайди.

* * *

Ҳар бир ишда ўртаҳоллик лозимдир. Ҳатто динда ҳам бирор киши ортиқча «сўфийлик» қилса, охири мағлуб бўлади.

* * *

Кимки бизнинг бу динимизга доир ишимизда янгилик жорий қилса, у рад қилинади.

* * *

Кимки Ислом йўлида борса, ўртача тирикчилик қилса ва унга қаноат қилса, у омадли кишидир.

* * *

Ислом дини жуда мустаҳкам диндир. Унда ўртаҳол ва юмшоқлик билан бора-веринглар.

* * *

Динда ҳаддан ташқари гулув (чуқур) кетманглар. Чунки сизлардан олдин ўтган қавмлар динда гулув кетганликлари сабабли ҳалок бўлганлар.

* * *

Билганларингизни бошқаларга ҳам билдиринглар. Динни осон қилиб кўрсатинглар, қийин қилиб юборманглар.

* * *

Эй одамлар, ибодатда ўртача бўлинглар, чунки Аллоҳ таолога савоб бериш малол келмайди, сизга малол келмагунча.

* * *

Аллоҳдан қўрқинглар ва фарзандларингизга баб-баравар меҳрда бўлинглар! Уларнинг кийимлари ва таомларини баробар тақсим қилинглар.

* * *

Бир одам ўғлига ёш қулни ҳадя қилиб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига бунга гувоҳ бўлишларини сўраб мурожаат қилди. Расулуллоҳ: «Болаларингни ҳар бирига баробар шундай ҳадялар бердингми?» дедилар. У: «Йўқ» деди. Расулуллоҳ: «Унда, уни қайтариб ол», дедилар.

Ҳатто инсон ҳам ана шу қонунга кўра «олтин ўрталиқ»ни — фаришта билан ҳайвон ўртасини эгаллаган. Аллоҳ фаришталарини ана шу «олтин ўрталиқ»ни эгаллаган мавжудот — инсонга (Одам Атога) ҳурмат саждасини қилдирган.

Ўртачалиқ ғоясини буюқ мутафаккир Аристотель ҳам ёқлаган. У ўзининг асарларида давлат ҳокимияти бойларда ҳам эмас, камбағалларда ҳам эмас, балки фақат ўрта табақа кўлида бўлиши керак, давлатнинг энг яхши шакли ўрта табақанинг ҳокимиятидир деб таъкидлаган.

Мол-дунё тўплаш

Бу ҳақда донолар қуйидаги ўғитларни айтиб кетганлар:

Дунё муҳаббатини кўнғилдан чиқариш (зуҳд) дилга роҳат (ором) беради. Дунёга қизиқиш эса ҳам ва ташвишни кўпайтиради, тошбағир қилади.

* * *

Мол-дунё тўплаш учун унга ҳирс қўйиш кулғилидир, чунки бундай ҳирс ҳар томонлама камол топган инсон аъмолига (идеалига) зиддир.

* * *

Ҳақиқий бойлиқ мол-дунёнинг кўплиги эмас, балки нафснинг тўқлигидир.

* * *

Дунёнинг яхшилиги қаноатда, ёмонлиги тамада. Тамасизлиқ барҳаётлиқдир.

* * *

Қаноатсизлиқ одам боласидаги бир хасталиқдир. У турмушнинг кўп машаққатларига дучор қилади.

* * *

Бадбахтлик тўрттадир: кўзнинг қуруқлиги, қалбнинг қаттиқлиги, орзу-ҳаваснинг узунлиги, дунёга ҳирс қўйиш.

* * *

Одатда камбағал мол-дунёга кўпроқ интилади.

* * *

Бола-чақа кўп бўлиб, моддий маблағнинг оз бўлиши катта балодир.

* * *

Катта бойлиқ ва қашшоқлиқ, иккаласи ҳам бир балодир.

* * *

Очкўз одам доим маҳрум, дунёпараст эса ҳамгиндир.

* * *

Дунё матосига бўлган қулликдан озод кишигина ҳақиқий ҳур, озод кишидир.

* * *

Кимки Аллоҳдан сўрамаса ҳам унга мол-дунё ато қилинса, уни олаверсин. Зеро бу Аллоҳнинг унга етказган ризқу насибасидир. (Ҳадисдан)

* * *

Аллоҳ таоло тақсимлаб берган нарсаларига рози бўлинг, шукр қилинг, шунда кишиларнинг бойроғи бўласиз. (Ҳадисдан)

* * *

Аллоҳ таоло сенга молу давлат берган бўлса, у кўриниб турсин: чунки У

Ўзининг берган неъматни бандасида чиройли бўлиб кўришиб туришини яхши кўради, фақирликни ва ўзини фақир кўрсатишни ёмон кўради. (Ҳадисдан)

* * *

«Билиб қўйингизки, албатта, мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фитна (гуноҳ, азоб ва машаққат манбаи) дир. Ёлғиз Аллоҳнинг ҳузурида (эса) улкан мукофот (бордир)» (8- «Анфол» сураси, 28-оят).

* * *

Қадимги юнон файласуфи Аристипп: «Мен учун ҳаддан ташқари бойлик ҳам, қашшоқлик ҳам бегонадир», деб ниҳоятда тўғри фикрни айтган.

Ота-онага итоатда бўлиш

Ота-онанинг фарзандга нисбатан улуғ ва муқаддас эканлиги пайғамбаримизнинг бир қанча ҳадисларида ўз ифодасини топган:

Аллоҳнинг розилиги ота-она розилигидадир ва Аллоҳнинг газаби уларнинг газабидадир.

* * *

Отага итоат қилиш Аллоҳга итоат қилишдир. Унга гуноҳкор бўлиш Аллоҳга гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

* * *

Кунлардан бир кун пайғамбаримизнинг олдиларига бир киши келиб: «Отам менинг молимни бировга бериб юборди. Нима қилишим керак?» деди. Пайғамбари Худо: «Ўзинг ҳам, молинг ҳам отангникидир», дедилар.

* * *

Кимики ота-онанинг розилигини олган бўлса, Аллоҳ унинг умрини узайтиради.

* * *

Кимики ота-онасига яхшилик қилиб, уларнинг розилиklarини топса, унинг улушини Аллоҳ зиёда, ризқини кенг қилур.

* * *

Онанинг бир қўли бешикни, иккинчи қўли дунёни тебратади.

* * *

Онанинг дили оғриси, ер ҳам титрайди.

* * *

Хотин кишига энг ҳаққи кўп киши эридир, эркак кишига энг ҳаққи кўп киши онасидир.

* * *

Уч хил дуо борки, улар шаксиз қабул қилинади: булар мазлумларнинг, мусофирларнинг ва ота-онанинг фарзанди ҳаққига қилган дуоларидир.

* * *

Энг катта оғир гуноҳлар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, инсон қонини ноҳақ тўкиш ва ёлгон гувоҳ беришликдир.

* * *

Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-муҳаббат» рисоласида келтиришича, Исмо-

ил исмли шахс ҳаж нияти билан Шерозга келади ва бир масжидга киради. Масжидда хирқасини ямаб ўтирган бир шайхни кўради. Салом бериб унинг олдига келиб ўтиради ва улар ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

Сўрди: Не ниятинг бор?

Деди: Ҳаж ниятим бор.

Сўрди: Онанг бор?

Деди: Бор.

Деди: Дарров онанг мулозаматига (хизматига) бор... Мен эллик мартаба ҳаж қилганман — бош яланг, оёқ яланг ва ёлғиз ҳамроҳсиз. Барча савобни сенга бердим, сен эса онанг кўнгли шодлигини менга бағишла!

Ана ота-онани қадрлаш, шарафлашу улуглаш!

Беихтиёр шоирнинг қўйидаги рубойиси кўнгилдан ўтади:

*Бир ғариб кўнглини эта олсанг шод
Яхшидир ер юзини қилгандан обод!*

Зотан, **Аллоҳ** розилиги, ота-она розилигидадир!

* * *

Ота-онани рози қилиш ҳақида **Аллоҳ таоло** қўйидагича амр қилган:

«**Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди.** (Эй инсон), агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «Уф...!» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!

«Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): «Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин», — деб айт!» (17- «Ал-Исро» сураси, 23—24-оятлар).

* * *

Фарзандлар ўз ота-оналарига чуқур ҳурмат, иззат ва эҳтиромни фақат улар ҳаётликларидагина эмас, балки вафотларидан кейин ҳам давом эттириши керак. Бунинг учун уларни эзгулик ила ёд этиб туриш, ҳақларига дуо ва истиффорлар айтиш, жойларини жаннатдан ато қилишни **Аллоҳдан** сўраб туриш зарур. Чунончи, Шайх Саъдий Шерозий бу ҳақда шундай дейди:

*Ҳарна қилсанг ота-онанга яхшилик,
Қайтар болангдан яхшиликка яхшилик.*

Ҳар ким экканини олур, арпа эккан арпа олур, буғдой эккан буғдой олур. Ерга арпа экиб, буғдой кутма!

Қарз

Динимизда ҳаром қилинган нарсаларнинг бири, бировнинг бировдаги ҳаққидир. Қарзнинг узилмай қолиши, яъни киши бўйнидаги мулкӣ қарзининг узилмай қолишини **Аллоҳ Қуръони каримда** қатъий ҳаром қилган ва бу ҳақда бир нечта оятлар нозил этилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам ҳам бу ҳақда шундай деганлар:

Кимда бир одамнинг ҳаққи бўлса, вафот этмасдан аввал одамлар билан орани очиқ қилиб олсин. Чунки қиёмат куни кишининг бойлиги ўзига фойда бермайди.

* * *

Қарзни ўз вақтида бермасдан чўзиб юриш зулмдир.

* * *

*Қарзини узмай дунёдан ўтган одам то ўша қарзи узилмагунча қабрда ки-
шанланган ҳолда ётади.*

* * *

*Қарз бамисоли Аллоҳнинг ердаги байроғидир. Қачонки бирор бандасига ёмон-
ликни ирода қилса, унинг бўйнига шу қарз байроғини илиб қўяди.*

* * *

*Эй Аллоҳнинг бандалари! Аллоҳ таоло қийинчиликни ҳеч кимга раво кўрмай-
ди. Аммо зулмкор ҳамда қарз олган одам уқубат ва ҳалокатга маҳкумдир.*

* * *

*Омонатни (қарзни) вақтида қайтарган кишининг ризқини Аллоҳ зиёда қила-
ди. Омонатга хиёнат қилиш эса қашшоқлик келтиради.*

* * *

*Кимки одамлардан қарз олаётган вақтда бериш ниятида бўлса, Аллоҳ уни
адо эттиради. Кимки еб кетиш ниятида олса, Аллоҳ унинг молига талофот
юборади (қарзни адо этолмай ўлади).*

* * *

*Эй Аллоҳнинг бандалари! Аллоҳ таоло бандасидан харажни (қийинчиликни)
олиб ташлади, илло бир киши бир кишидан қарз олса (зулман еб кетаман деган
ниятда) ўша нияти уни қийнайди ва ҳалок қилади.*

* * *

Ҳақ (қарз) эгаси қарздорга гапиришга ҳақлидир.

* * *

*Эй Парвардигор! Мен сендан ғам-ташвишдан, ожизликдан, дангасаликдан,
бахилликдан, қўрқоқликдан, қарздорлик ва хорликдан паноҳ тилайман.*

* * *

Аллоҳ йўлида шаҳид бўлмоқ қарздан бошқа ҳамма хатони ювиб кетади.

* * *

*Қуруқликда ўлган шаҳиднинг қарз ва омонатларидан бошқа ҳар бир гуноҳи
кечирилади. Сувда шаҳид бўлганнинг эса гуноҳлари билан бирга қарзи ҳам,
омонати ҳам кечирилади.*

* * *

Кишининг ўз ҳаққи ҳимоясида ўлмоғи қандай ҳам яхши ўлимдир.

* * *

Кимки ўз мулкини ҳимоя қилган ҳолда ўлдирилса, у шаҳиддир.

* * *

*Дилингда, тилингда, ошкора ва пинҳона Аллоҳдан қўрқишга буюраман. Агар
бир ёмонлик қилсанг орқасидан яхшилик қил. Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама.
Бировдан омонат (қарз) олма. Икки ўртада қозилик қилма.*

* * *

*Ҳожатнинг битмай қолавериши, бировдан сўраб ўзини хор қилгандан яхши-
дир.*

* * *

Тиланчилик уч тоифадаги кишига жоиздир: 1. хун тўловига; 2. оғир қарздорга; 3. фақир-қашшоқ кишига.

Агар тиланчиликда нима зарар борлигини билсаларинг эди, ҳеч қачон бир киши иккинчи бир киши олдига тиланиб бормаган бўлур эди.

* * *

Деди: «Ё Расулulloҳ! Юким енгил бўлишини истайман!» Буюрдилар: «Ҳеч кимдан ҳеч нарса (қарз) сўрама!»

* * *

Одамлардан ҳеч нарса сўрама, ҳатто қўлингдан тушиб кетган қамчинингни ҳам тушиб ўзинг ол.

* * *

«Кимда-ким қарзини эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўеирлаган билан баробар бўлади.

Қарз олган киши омонатни уйда сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўеирлаган билан баробардир» (Авесто. Тошкент, 2001, 116-бет.).

* * *

Ҳеч қачон қарз берма, зеро қарз олганни асрайдилар, қарз берганни йўқ қиладилар.

* * *

**Қилдим кўп имтиҳон, қарз олакўрма,
Берсалар сенга жон, қарз олакўрма
Қарз адоси маҳол, очдин ўлсанг ўл,
Одамлардан бир нон қарз олакўрма**

Бедил (Ш. Шомухамедов таржимаси)

* * *

Малика сўрди: «Қайси беш нима, беш нимани ейдур?»

— Донишманд айтди: «Ғам ғамни, ёлеон сўз ризқни, тавба гуноҳни, садақа балони, шароб савобни ейдур» («Донишманд малика ва унинг 1001 саволи» дан).

* * *

Сўфийдан сўрдилар: «Нима истайсан?» Деди: «Ҳеч нима истамасликни истайман!»

* * *

Аллоҳ Ўзига алоқадор бўлган ишлардан, ҳақлардан хоҳласа кечади. Чунки бу ҳақ Аллоҳ билан одам орасидадир. Лекин банданинг бандадаги ҳаққини ёлғиз шу банданинг ўзи кечади ёки кечмайди. Аллоҳ кечмайдиган гуноҳлардан бири инсоннинг инсондаги ҳаққидир. Агар нариги дунёда инсон ўз ҳаққидан кечмаса, Аллоҳ қарздор одамдан унга ўзининг бу дунёда қилган савобларини олиб беради. Агар унинг савоблари бўлмаса, ёки етмаса, унда қарз берган кишининг бу дунёда қилган гуноҳлари унга юкланади, яъни олиб берилади ва шу йўл билан у дунёда ҳисоб-китоб қилади.

* * *

У дунёда қилинадиган ҳисоб-китоб тўғрисида Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Биз қиёмат куни адолатли тарозилар қўюрмиз, бас, бирор жонга заррача зулм қилинмас. Агар хантал (ўсимлиги) уруғидек (яхши ёки ёмон амали) бўлса ҳам, ўшани келтиурмиз! Биз Ўзимиз етарли ҳисоб-китоб қилувчидирмиз». (21-«Анбиё» сураси, 47-оят).

«Бас, энди (ўша куни) кимнинг тортилган (яхши амаллари) оғир келса, ана ўша қоникарли маишатда бўлур. Аммо кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил

келса, унинг жойи «жарлик»дир.

Унинг нима эканини Сизга не ҳам англатур?!

(У, дўзахдаги) **ловуллаб ёнувчи оловдир**». (101- «Қориа» сураси, 6—11 оятлар).

Қарз ҳақида машхур сўфий Хожа Аҳмад Яссавий шундай деган:

*Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.*

Судхўрлик

Динимиз исломда кечирилмайдиган гуноҳи кабиралардан яна бири судхўрлик бўлиб, бу ишни қилувчиларни **Аллоҳ таоло** ҳатто кўрнамак жиноятчилар деб атаган ва уларнинг охирадаги жойи жаҳаннам эканлиги ҳақида бандаларини огоҳлантирган.

Ҳоизга қарз берган судхўр ва ҳоизга қарз олган одамнинг гуноҳлари бирлиги ҳақида пайғамбаримизнинг ҳадисларида ҳам айтиб ўтилган. Бундай одамлар гуноҳлари ажрини (жазосини) у дунёдагина эмас, балки маълум бир қисмини бу дунёнинг ўзида ҳам олажақлари уқтирилган.

Судхўрдан ҳоизга қарз олган одамни **Аллоҳ таоло** қўлламайди, чунки бу ишни Унинг ўзи бандаларига ҳаром қилган, ишлари юришмайди, агар унга бир омад келаётган бўлса қайтиб кетади, кўпинча ҳамма нарсасидан ажраб, қийналиб, хор-зор бўлиб яшашга маҳкум бўлади.

Мен бир бой судхўр бева аёлни билар эдим. У ўзининг бу касби билан бир неча йил шуғулланди, фойда ҳам қилди, бойлиги чунонам ортди. Аммо пировардида унинг уйи буткул ёниб кул бўлди, бир ёш фарзанди ўлди, иккинчи ўғли ўзини ўзи осиб қўйди. Фарзанд доғига чидай олмай, бир тузалмас касалга чалиниб хор-зорликда ўлиб кетди. Уни билганларга бу катта ибрат бўлди. Судхўрликнинг оқибати ҳамма вақт фожиали тугайди, оилага оғир мусибат, кулфату балолар ёғади.

Судхўрликнинг ҳаром қилинганлиги ва уни қатъиян ман қилинганлиги ҳақида **Қуръони карим**нинг қуйидаги оятларида узил-кесил амр этилган:

«**Судхўрлар** (қиёмат куни қабрларидан) **жин чалиб кетган одам каби** (ҳолатда) **қўпадилар**. Бунинг сабаби — уларнинг: «**Байъ** (савдо-сотик) **ҳам судхўрликнинг худди ўзи**» деган гапларидир. **Ҳолбуки, Аллоҳ байъни ҳалол, судхўрликни** (эса) **ҳаром қилган**. **Бас, ким Раббидан насиҳат етгач**, (судхўрликдан) **тўхтаса, у ҳолда аввалги ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга** (ҳавола). **Ким яна** (судхўрликка) **қайтса, ўшалар дўзах аҳлидирлар ва улар унда абадий қолувчилардир**».

«**Аллоҳ судхўрликни** (фойдасини) **йўқ қилади ва садақа** (берувчиларга бойлик) **ларни зиёда этади**. **Аллоҳ ҳар қандай** (судхўрликни ҳалол деб билувчи) **кофирни ва** (уни давом эттирувчи) **гуноҳкорни ёқтирмайди**».

«**Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва** (чинакам) **мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитидан воз кечингизлар**». (2- «Бақара» сураси, 275, 276, 278-оятлар).

«**Эй, иймон келтирганлар!** (Берган қарзларингизни) **икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама ила еб юбормангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Зора** (шунда) **толе топсангизлар**». (3- «Оли Имрон» сураси, 130-оят).

«**Мол** (мулк)ларингизни **ўрталарингизда ботил** (йўллар) **билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўл билан ейиш** (ўзлаштириш) **мақсадида уни ҳокимларга ҳавола қилмангиз**». (2- «Бақара» сураси, 188-оят).

Бировга холисанлилло қарзи ҳасана (фоизсиз) берган одам ҳам жуда эҳтиёт бўлиши керак. Бу борада пайғамбаримиз саҳобаларидан Ибн Масъуд р.а. шундай деган:

«Агар бир кишига қарз берган бўлсанг, у сенга бирор нарсани ҳадя сифатида берса олмагинки, у ҳам рибога киради».

Бир кун саҳобалар қуёш тифидан сақланиш учун бир уйнинг соясига ўтиб туришган экан. Улардан бири сояга ўтмай офтобда тураверибди. Шериклари унга: «Нима қилиб офтобда турибсан, кел сояга», десалар, у: «Йўқ мен бу уйнинг эгасига қарз берганман, агар унинг уйи соясидан фойдалансам, рибо бўлади», деган экан.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ислом уламоларига банк ва омонат касса фойдаларининг ҳалол ёки ҳаром эканлигини изоҳлаб бериш ҳақида мусулмонлардан кўплаб сўровлар тушган. Бу ҳақда **Қуръон** ва пайғамбаримиз ҳадисларида ҳеч нарса айтилмаганлиги сабабли, бу масала уламолар ўртасида катта баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган.

Пайғамбаримиз замонларида банк, омонат кассалар бўлмаган, у пайтларда фақат кишилар бир-бирларига қарз берар ва олар эдилар. Табиийки, рибо (судхўрлик) инсонлар учун ман қилинган эди. Чунки кўпинча фоизга қарз олганлар қарз берувчининг асоратига тушиб қолар, мол-мулк, уй-жой, ерини сотиб бўлса-да, қарзини тўлашга тўғри келар, фоиз эса кун сайин ошганидан ошиб борар, олинган қарздан ўн, юз, минг баробар ортиб кетиб, қарз олган киши охир-оқибатда қарз берувчининг қулига айланиб қолар эди. Бу исломий, ижтимоий адолатга умуман зид ҳолат, зулм эди.

Рибонинг ман қилиниши ана шундай машъум ҳодисанинг олдини олувчи омил эди.

Замона зайли билан иқтисодийнинг кескин ривожланиб кетиши, ишлаб чиқариш ва товар айланишининг юқори суръатлар билан шиддатли тарзда ўсиб бориши, банк ва омонат кассаларнинг юзага келишини тақозо этди. Банк ва омонат кассалар эса ўз табиати ва мазмунига кўра айлантирилган маблағлардан фойда олмай тураолмайди.

Ана энди ушбу ҳолат шу олинган, берилган фойдалар мусулмонлар учун ҳалолми, ҳаромми, деган саволни келтириб чиқарди.

Бу масала уламолар ўртасида катта баҳс ва мунозаларга сабаб бўлди.

Айрим уламолар банк ва омонат кассаларнинг оладиган ва берадиган фойдаларини ҳаром, айримлари ҳалол деганлар.

Бу масалада Ислом уламоларининг берган қуйидаги уч фатволарига амал қилинади:

1. Судхўрликнинг шаръан ҳаромлигини эътироф этган ҳолда, банк, омонат касса фойдаларини ҳалол деб ҳисобловчи уламоларнинг далиллари шундан иборатки, банкка, омонат кассага қўйиладиган маблағ банк ёки омонат касса эгасига берилган қарз эмас, уни қарзга берилишини сўралган ҳам эмас, балки ихтиёрий равишда ўз молини ҳавфсиз жойда сақланишини таъминлаш ва сармоясини айлантирилиши орқали ўзи ҳам, банк, омонат касса ҳам фойдаланиши мақсад қилиб қўйилган маблағдир.

Бундан чиқадиган фойда бирёқлама бўлмай, балки умумий экани ва бундан ҳеч ким жабр ва зарар кўрмаётгани, асоратга тушиб қолмаётгани, балки Ислом дини тарғиб этган иқтисодий ҳамкорлик вужудга келаётгани учун у рибога (судхўрликка) кирмайди. (Ал-Азҳар шайхи Жодул-ҳақ Али Жодул-ҳақ. Аср муаммоларини ҳал этишда исломий баҳс ва фатволар. II-жилд. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. Қоҳира, 1994-йил. 825-826- бетлар).

2. Бундан ташқари, 1965- йил май ойида Мисрнинг Қоҳира шаҳарида бўлиб ўтган Ислом тадқиқот марказининг II халқаро конференцияси қарорларида банклар ва савдогарлар, корхоналар, ташкилотлар ўртасидаги пул муомалалари ўзаро шартномалар асосида бўлса, рибо ҳисобланмаслиги қайд этилган. (Муҳаммад Абдуллох «Банк фойдалари ҳақида мулоҳазалар» Қоҳира — 1990).

3. Бунгача 1905 йилда вафот этган Миср муфтийси шайх Муҳаммад Абдуллох, ислом жамиятида омонат кассаларнинг фаолияти ва бу фаолиятдан фойда кўриши мумкин, дея фатво берган эди. Ундан олдинроқ Константинополь муфтийси ҳам диний асосларда усмонли-турк ҳукуматида фоиз кўринишида даромад келтирувчи қарз облигацияларини чиқаришга фатво берган эди.

Аммо баъзи араб давлатларида омонат кассадан олинган даромад-фоизни омонатчи муҳтож одамларга садақа — эҳсон қилиб юборса катта савоб бўлади дея тавсия қилинган. (И. Гольдцигер. Ислом ҳақида маърузалар. Тошкент, «Академия», 2001.10-бет.)

И з о х: Чунки улар ўртасидаги бу пул муомалалари Ислом дини тарғиб қилган иқтисодий ҳамкорликнинг бир кўриниши бўлиб, бунда иккала томон ҳам ўзаро манфаатдорликни кўзлаб шартлашадилар (шартнома тузадилар) ва бу шартнома юзасидан ҳосил бўлган фойдани ўзаро бўлашиб оладилар. Бунда томонларнинг бир-бирларига зулм қилиш, бир-бирларини оғир асоратларга солиб қўйиш ҳолатлари кузатилмайди.

Уламоларнинг бу фатвоси жамиятнинг тобора ўсиб бораётган иқтисодий тараққиёт қонунлари талабларига мос келади.

Исломда «орқада қолиш», «қотиб қолиш», «зоҳидлик» (меҳнат қилмай тарки дунё қилиб ўтириш) каби салбий ишлар йўқ.

Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек:

— «Дил ба ёру, даст ба кор!» (Кўнглинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин!)

Ўғрилик

Динимиз ҳаром қилган яна бир қилмиш ўғрилик бўлиб, бу иш *Куръони карим*да куйидагича тавсифланган:

«Эй, иймон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангизлар! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир». (4- «Нисо» сураси, 29-оят).

Ўғрилик оғир гуноҳ эканлигини **Аллоҳ таоло** Ўзининг куйидаги ояти каримаси орқали хабар беради:

«Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан азоб сифатида қўлларини кесинглар! Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир».

Кимки (бу) зулмидан кейин тавба қилса ва (ўзини) тузатса, албатта, Аллоҳ унинг тавбасини қабул этади. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва марҳаматлидир». (5- «Моида» сураси, 38—39-оятлар).

И з о х: Бу оятларда ўғри қилган жабру зулмдан кейин жазосини олгач, тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилиши мумкинлиги уқтирилмоқда.

Шуни қўшиб қўйиш керакки, 1950-йилларнинг ўрталаригача Тошкентда ва бошқа жойларда уй ва дўконларда на қулф ва на бундан фойдаланиб қолувчи ўғрилар бўлган.

Ўғриликнинг бошқа бир кўриниши олди-берди, савдо-сотик муомаласида ўлчов ва тарозидан уриб қолиб киши ҳаққини ейишдир.

Аллоҳ бу ишни ҳам бандаларига ҳаром қилган ва бу турдаги ўғрининг ҳам жазоси у дунёда дўзах эканлиги ҳақида бир неча оятлар нозил қилган. Пайғамбаримиз ҳам бу хусусда умматларини ўзларининг ҳадислари орқали огоҳлантирганлар.

Ўғрилик деб, мулк эгасининг норозилиги ҳолда унинг мулкани — моли, пули, асбоб-анжомлари, буюмлари ва ҳоказоларни яширин равишда турли йўллар билан эгаллаб ёки ўзлаштириб олинишига айтилади.

Аллоҳ таоло ўғриликнинг бу кўринишига куйидаги оятларни нозил қилган:

«(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!

Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир.

Улар қайта тирилувчи эканликларини ўйламайдиларми?!

Улуғ Кун (қиёмат)да — одамлар (бутун) оламлар Парвардигори ҳузурида тик турадиган (ҳисоб-китоб берадиган) кунда?!

Йўқ! Албатта, фожирларнинг номаи аъмоллари, албатта, Сижжийнда бўлур!»
(83- «Мутаффиун» сураси, 1—7 оятлар).

И з о х: *С и ж ж и й н — дўзахнинг энг тубидаги жой.*

Ўлчовдан, тош-тарозудан уриб қолиб топилган пуллар чўнтакка гўё «пул-даромад» бўлиб киради, аммо бу пуллар у манфур ўғрига ҳеч қачон юкмайди, буюрмайди, балки бир неча ўн, юз баробар бўлиб «суриб» кетади. Бунга ҳаётда мисоллар бир талай. Халқимиз бекорга айтмаган: «Ғар қаримас, ўғри бойимас», деб. (Ғар қаригунча бадбахт ҳолида барвақт ўлиб кетади).

Модомики шундай экан, бундай йўлдан дарҳол қайтингиз.

Омонат

Омонат сўзининг зидди хиёнатдир. Омонатни сақламаган ва унга зарар етказиб хиёнаткорлик қилган кишига «хоин» дейилади.

Демак, омонатнинг (барча турларини) сақламаган хиёнаткор кишига хоин дейилади, у **Аллоҳ** наздида гуноҳи кабиралардан ҳисобланади ва халқ бундай одамдан ҳақли равишда нафратланади, ҳазар қилади.

Хурматли суҳбатдош! Бундай кўчага бир қадам ҳам босманг, босган бўлсангиз, дарров тавба-тазарруъ қилиб бу йўлдан қайтинг, мусаффо, беғубор, дилкаш, чин инсонлигингизни сақлаб қолишга тиришинг.

Бундан ташқари, жон ҳам инсонга **Парвардигор**нинг бир омонатидир, чунки жон берувчи **Аллоҳ**дир, вақти-соати келганда бу омонатини қайтариб олади. Ўзларини ўлдирган кишилар ҳам **Аллоҳ**нинг омонатига хиёнат қилган бўладилар. Бу иш катта гуноҳ бўлиб, динимизда ҳаром қилинган ва бундай хиёнаткорлар охиратда қаттиқ жазога тортиладилар. Шунинг учун ўзини-ўзи ўлдирган одамнинг дафн маросимида жаноза ўқилмайди ва бу дунёдан энг ҳаром қилинган ҳайвон — тўнғиз қавмида кетади. Шунинг учун ҳам биз жисмимизни турли касалликлардан, офатлардан, азобланишлардан эҳтиёт қилишга, саломат сақлашга буюрилганмиз. Эсдан чиқармангиз, жисмимиз ва жонимиз — **Аллоҳ**нинг бизга бериб қўйган бир омонатидир. Уни бекаму-кўст сақлашга буюрилганмиз.

Кишига сир сифатида айтилган сўзлар ҳам бир омонатдир. Пайғамбаримиз бир ҳадисларида: *«Бир киши сенга бир сўз сўзлаганда, ён-атрофга қараб гапирса, билгилки, у сўз сенга бир омонатдир. У сўзларни бошқаларга сўзлама»*, деган эдилар.

Пайғамбаримиз омонат ҳақида яна: *«Ўтиришдаги суҳбатлар кишилар зиммасидаги омонатдир. Кишининг суҳбатдошига хавф туюдирадиган сўзни бировга айтишлик ҳаромдир»*, деганлар. Ва яна: *«Кишилар ўтириб суҳбатлашадиган бўлса, суҳбатдаги гап-сўзлар ҳамма учун омонат ҳисобланади. Яъни шу суҳбатдаги сўзларни суиистеъмол қилиш хиёнатдир»*, деб бундан қайтарганлар.

Шоир айтганидек:

*Эй мажлисда ўлтирган киши,
Бундаги сўз сенга омонат.
Мажлис сирин ошкор айласанг,
Омонатга бўлур хиёнат.*

Демакки, бировнинг сирини, омонат гапини, бировнинг бировга топшириб қўйган моли, мулки, пули, берган қарзини ва **Аллоҳ**нинг бизга ато этган жисмимиз ҳам омонатга киради. Дўстлар! Омонатга хиёнат қилманг, бировлар сирини зинҳор очманг!

Тавба

Тавба хатодан, гуноҳдан қайтиш, қилган ишидан афсусланиб пушаймон бўлиш, қилинган гуноҳлар учун **Аллоҳдан** кечирим сўрашдир.

Тавба ҳақида пайғамбаримиз ўзларининг ҳадиси муборақларида: *«Шубҳасиз, Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилган кишидан кечаси тавба қилишини кутади. Кечаси гуноҳ қилган кишидан кундузи тавба қилишини кутади. Бу ҳол қуёш чиқишидан тунга қадар давом этади»*, деб марҳамат қилганлар.

Тавбанинг қабул этилиши учун бир неча шартлар бор:

— тавба қилувчи одам қилган гуноҳига *«Нега мен бу гуноҳни қилдим?»* деб ўқиниши керак;

— тавба қилган одам Аллоҳдан кўрқиб қилган гуноҳларни такрорламаслиги керак;

Гуноҳдан **Аллоҳ** учун воз кечилмаса, у тавба саналмайди. Масалан, доимо ичкилик ичиб юрган одам соғлиғи кетиб ичкиликни ташласа, бу тавба қилиш саналмайди, чунки у ичишни **Аллоҳдан** кўрққани ёки ҳурмат қилгани учун эмас, балки саломатлигига тўғри келмагани учун мажбуран ташлагандир.

Баъзилар ичкилик ичаётганларида: *«Худонинг Ўзи кечирсин»* деб қадаҳ кўтардилар. Бу **Тангри таолонинг** меҳрибонлигини, марҳаматли эканлигини суистеъмом қилиш эмасми? Улар пайғамбаримизнинг: *«Кишига билмасдан ёки мажбуран қилган хатолари учун гуноҳ ёзилмайди»*, деган ҳадисларини билмайдилар ёки унга билиб туриб амал қилмайдилар.

Ўғри ўзининг «хунари»ни ишга ярамай қолганидан, фоҳиша қариб, путурдан кетиб қолганидан, фирибгар, муттаҳам ўз «касби» бундан буён иш бермай қолганидан, қароқчи отда юролмай қолганидан ўз одатини беихтиёр ташласа, тавбаси **Аллоҳ** наздида тавба саналмайди. Вафоти олдидан, яъни ўлишини билгандан кейин қилинган тавба ҳам қабул қилинмайди. Чунки бу тавба «мажбурий» тавба ҳисобланади. Бу ҳақда 4- «Нисо» сурасининг 18-оятда шундай дейилган: *«Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки, бирор тавбаларига ўлим келганда, «Энди тавба қилдим» дейдиган, шунингдек, кофирлигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмағай. Ана ўшалар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганмиз»*.

Баъзи инсонлар борки (афсуски, улар озчилик эмас), уйда намозларини ўқийдилар, ҳар жума ёки бошқа кунлари масжидга ҳам борадилар, аммо гуноҳ ишларни билиб туриб қилаверадилар. Улар қилаётган гуноҳ ишларини ана шу ибодатлари ювиб, босиб кетади деб ўйлайдилар. Ёки бу намозларини киши кўрсинга ўқийдилар, шарият меъёрларига, талабларига риоя қилмайдилар. Бундайлар нодон, тушунмаган ёки мунофиқлардир.

Қалбидаги ўйи, нияти, фикри ва қилган иши бошқа-ю, гапи бошқа, яъни сўзи бошқа-ю, иши бошқа одам мунофиқ деб аталади. Мунофиқлар ҳам у дунёда дўзахга кириш учун «номзод»дирлар. Чунки улар ўз қилмишлари билан одамларни ва **Аллоҳни** алдамоқчи бўладилар. **Аллоҳ** барча нарсаларни кўргувчи, эшитувчи ва билгувчи зотдир.

Аллоҳ одамларни хатолари билан бирга яратган. Ҳар ким ҳам **хато** қилади. Инсон фаришта эмас, беайб фақат **Парвардигор**дир. Азиз-авлиёлар, пайғамбарларнинг баъзи бирлари ҳам инсон бўлганликлари учун **хатодан** холи бўлмаганлар. Аммо улар хатоларини ўз вақтида англаб, тузатиб, тавба қилиб яна тўғри йўлга тушиб олган инсонлардир. Бу хулосага пайғамбаримизнинг: *«Одам боласининг ҳаммаси хато қилади. Хато қилувчиларнинг энг яхшиси тавба қилувчидир»*, деган ҳадислари асос бўлади. Бу ҳақда пайғамбаримизнинг яна: *«Гуноҳларига тавба қилган гуноҳсиз кабидир. Аллоҳ бир бандасини севдими, гуноҳ унга зарар етказмайди. Чунки унга тавба қилишни ҳам насиб қилади»*. *«Аллоҳга қасамки, бир кунда етмишдан зиёд марта Аллоҳга тавба қиламан»*. *«Банда тавба қилганида, Аллоҳ таоло шу даражада севи-*

надики, худди сиздан бирингиз чўлда туясини йўқотиб қўйиб, яна топганидан ҳам кўпроқ» каби ҳадислари машҳур.

Аллоҳ таоло холис ният билан қилинган тавбаларни қабул этиши ҳақида *Қуръони карим*да қуйидаги оят нозил қилинган:

«У бандаларидан тавбани қабул қиладиган, ёмонликларни афв этадиган ва қиладиган ишларингизни биладиган зотдир». (42- «Шўро» сураси, 25-оят).

Тавба ҳақида пайғамбаримизнинг яна қуйидаги ҳадислари ҳам машҳур:

«Аллоҳ таоло қайтарган барча гуноҳлардан сақланинглар. Кимки улардан бирортасини қилиб қўйса, Аллоҳнинг пардаси билан яширсин ва тавба қилсин. Кимки ўз айбини ўзи очиб қўйса, унга Қуръон ҳукмини ижро этамиз».

«Умнатларимга хатолари учун, ёддан кўтарилгани учун ва мажбур қилинган ёмон ишлари учун гуноҳ ёзилмайди».

«Мўминларнинг яхшию савоб ишлари Аллоҳ таолонинг амри билан бўлур, то Аллоҳ таолодан амр бўлмагунча ҳеч мўминдан яхши амал содир бўлмас. Аммо фасод ишлар, гуноҳ қилмоқ, шайтоннинг васвасаси билан бўлур».

Тавба — бахтсизлик йўлининг охири ва тўғрилиқ йўлининг бошланишидир. Ўзининг нолайиқ аҳволини англамоқ ва беҳуда феълларини ташламоқ, қабих ишлар, шармандалиқ, расвогарчилик, гуноҳ ишлардан пушаймон бўлмоқ ва ундан қайтишга аҳд қилмоқ ва юзини яхши, эзгу ишларга бурмоқдир.

Бугун тавба қилиб, эртасига яна ўша гуноҳ ишларини билган ҳолда давом эттиравериш тавба ҳисобланмайди, балки бу **Яратганни** мунофиқлик билан алдаш ва лақиллатишдан бошқа нарса эмас.

Қотиллик

Динимизда қатъиян ҳаром қилинган гуноҳи кабиралардан бири ноҳақ одам ўлдиришидир. **Аллоҳ** яратган ҳар бир инсоннинг бу дунёда яшашга ҳаққи бор. Одам зотини яратиш ҳам, ўлдириш ҳам **Аллоҳ**нинг ишидир. Ҳақсизлик билан одам ўлдирганни **Аллоҳ** кечирмайди. 4-«Нисо» сурасининг 93-оятда бу ҳақда шундай дейилган: **«Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишидир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай».**

Қотиллик ва унинг жазоси ҳақида бундан ортиқ тушунтириш бўлмайди!

Пайғамбаримиз ҳадисларида оғир, кечирилмайдиган гуноҳи кабиралардан еттитасини келтирганлар:

- **Аллоҳга** ширк келтирмоқлик;
- ноҳақ қасддан одам ўлдирмоқ;
- ота-онага «оқ» бўлмоқ;
- судхўрлик;
- бировларнинг ҳақини емоқ;
- сеҳр ишлари билан шуғулланмоқ;
- ёлғон гувоҳлик бермоқ.

Ёлғончилик

Динимизда ҳаром қилинган катта гуноҳлардан бири ёлғондир. Турли мақсадларда бошқаларни алдаш ва лақиллатиш учун айтилган ва тўғри бўлмаган сўзларга ёлғон дейилади. Ёлғоннинг катта гуноҳ эканлиги *Қуръон*нинг бир-нечта оятларида кўрсатиб ўтилган.

Ёлғончиликнинг катта гуноҳлигини шундан билса бўладики, пайғамбаримиз ўз ҳадислари-

да ҳатто: «**Ёлгончи Аллоҳнинг душманидир**», деганлар. Аёнга баён шарт эмас, албатта.

Пайғамбаримиз уч хил ҳолатда эзгу мақсадлар йўлида ноилож ишлатилган ёлгон учун гуноҳ ёзилмайди деганлар, яъни:

- урушда. **Чунки уруш ҳийла ва макрсиз бўлмайди;**
- эрнинг хотинига мураса учун гапирган ёлгон гапи ва эр-хотинни яраштириш учун ишлатилган ёлгон гап;
- икки аразлашган кишини яраштириб қўйиш мақсадида гапирилган ёлгон гап.

Пайғамбаримиз ёлгон ҳақида яна:

- ақллиликнинг аломати ёлгон гапирмасликдир;
- қўлингдан келмаган нарсани тилиннга келтирма;
- ёлгон ваъда бериш бекорга душман орттиришдир деганлар.

* * *

Бир одам ҳар гал ҳаммомга кирганда: «уним йўқолибди, буним йўқолибди», деб ҳаммомчини ёқасидан тутаркан. Бора-бора отнинг қашқасидек ҳаммага маълум бўлиб қолибди ва уни ҳеч қайси ҳаммомга киритмайдиган бўлибдилар. Бир куни: «Агар бир нима деб даъво қилсам, одам эмасман», деб уч-тўрт кишини гувоҳ қилиб қасам ичиб ҳаммомга кирибди.

Ҳаммомчи дарров унинг кийим-бошини олиб ўзининг уйига бериб юборибди. Ҳалиги одам ҳаммомдан чиқиб «гинг» деёлмабди ва қип-яланғоч баданига камарини боғлаб, қиличини осиб олибди-да, одамларга караб:

— Ҳой одамлар, мен-ку ҳаммомчига энди даъво қилолмайман ва даъво қилишга ҳаққим ҳам йўқ, аммо сизлар бу ноинсоф ҳаммомчидан сўранглар-чи, наҳотки мен шўрлик шундай қиш кунда шу алфозда ҳаммомга келган бўлсам? — деб йиғлаб юборган экан.

* * *

Бора-бора ёлгончининг рост сўзига ҳам халойиқ ишонмай қўяди. Ўрмон ёқасида яшайдиган бир каззоб одам бўлган экан. У одамларни лақиллатишни ҳуш кўрар, доим ёлгон сўзлар, агар ёлгон топилмасагина ноилож рост гапиришга мажбур бўлар экан. Бир куни у «Вой дод! Ёрдам беринглар, қутқаринглар! Мени бўри талапти!» — деб айюҳаннос солиб қичқирибди. Одамлар қўлларига дуч келган нарсани олишиб, унга ёрдам беришга югириб келибдилар. У эса одамларни мазаҳ қилиб: «Бопладимми сизларни», деб хаҳолаб хандон ташлаб мириқиб кулибди. Бу иш яна икки марта қайтарилибди. Ҳар гал одамлар уни сўкиб-сўкиб тарқалишиб кетишар экан.

Кунлардан бир куни ростдан ҳам ўрмондан икки оч, қутурган бўрилар чиқиб унга ташланибди. У яна додлаб одамларни ёрдамга чақирибди. Одамлар эса энди унга ишонмай қўйган эканлар. Ҳеч ким ёрдамга келмабди. Бўрилар эса уни суяк-суякларигача кемириб ташлабдилар. Ёлгончини **Тангри таоло** бўри воситаси ила ана шундай даҳшатли тарзда жазолаган экан.

* * *

Ёлгончиликнинг азим гуноҳлардан эканлиги пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадиси муборақларида ҳам айтиб ўтилган: Абдурахмон ибн Абу Бакр ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ (с. а. в.) уч бор: «Энг катта гуноҳи азимлар хусусида сизларга хабар қилайинми?» — дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, ё Расулуллоҳ!» — дейишди. Шунда жаноб Расулуллоҳ: «Оллоҳга ширк келтирмоқлик, ота-онага итоатсизлик...» — дедилар-да, ёнбошлаб ётган эрдилар, ўлтириб олдилар. Сўнг: «Ёлгон гап ҳам энг катта гуноҳи азимлардан эмасми?!» — деб такрор-такрор айтавердилар-ки, биз ҳатто ичимизда: «Қанийди, энди бас қилсалар!» — деб турдик». («Ҳадис»

II жилд, 160-бет)

Гийбат

Ислом динида ҳаром қилинган ишлардан яна бири гийбатдир.

Сўрадилар: «*Ё Расулуллоҳ! Гийбат нимадур?*» **Айтдилар:** «*Бир кишининг ўзи ёқтирмаган нарсаси, яъни айбини гапиришдур*», дедилар. «*Агар ўша айби мавжуд бўлса-чи?*» деб сўрашди. **Расулуллоҳ:** «*Агар унинг айбини гапирсанг, уни гийбат қилган бўласан, агар унда йўқ айбини уники деб гапирсанг, унга бўҳтон қилган бўласан*» дедилар.

Гийбат ҳақида 49- «Хужурот» сурасининг 12-оятда шундай дейилган: «**Эй, мўминлар, кўп гумон(лар)дан четланинглар! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир!** (Ўзгалар айбини қидириб) **жосуслик қилманглар ва бирингиз бирингизни гийбат қилмасин!** Сизлардан бирор киши ўлган биродарини гўштини ёйишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир!»

* * *

«Диннинг филофи нима?» деб сўралганда айтдилар:

- чорасиз қолгандагина гапирмоқлик;
- дунё ишларига иложсиз қолгандагина аралашмоқлик;
- ноилож қолгандагина инсонларга қўшилмоқлик.

*«Ёлеизсен — бари сеники, икковлонсен — ярми сеники,
Озодсен — эркинсен, эркинсен — озодсен».*

Бу ҳикматларнинг маъноси жуда чуқур бўлиб, киши маълум бир ёшга етиб, ҳаёт, турмуш тажрибалари тўплангандан кейин тўлиқ англашилади.

Хасислар, очкўз суллоҳлар, ҳасадгўйлар ва уччига чиққан тамагирлар

Бу тоифага кирадиган одамлар жамиятда, орамизда тез-тез учраб турадиларки, халқимиз улар устидан кулиб, ажойибу-ғаройиб ривоятлар, латифалар ва ҳикоётлар яратганлар.

Уларни халқимиз хасис, зикна, пасткаш, қизғанчиқ, баҳил, қурумсоқ, нокас, ҳарис, мумсик, нон емас, текинтомоқ, текинхўр, балохўр, ҳаромхўрлар деб атаганлар.

Ўзларида шундай чиркин «хислат»лари бор нафс бандалари зора бу ҳикоётлардан ибрат олсалар деган мулоҳаза билан, ана шундай иллатлар ҳақида ёзишни лозим топдик.

Ҳурматли суҳбатдош!

Сиз ўзингизни ана шу тоифаларнинг қайси бирига қўшган бўлур эдингиз? Балки сизда шундай «хислат»ларга биров бўлса-да, мойиллик бордир?

Агар йўқ бўлса сизга **Аллоҳнинг** марҳамати тегибди деб ҳисоблайверинг.

* * *

Мол-давлатда ўз замонасининг Қорунни бўлмиш катта бир бой ажал гирибонида маҳкам ушлаганда, ҳаётдан умид узишга мажбур бўлибди ва болаларини атрофига йиғиб, шундай васият қилибди:

— *Эй болаларим, мол-дунё орттириш, бирим икки бўлиши учун не-не заҳматлар чекмадим, қанчадан-қанча узоқ сафарларда бўлдим, жуда кўп йўл азобларини тортдим. Бировга яхши гапирдим, бировга ёмон гапирдим, тўғри келганда алдадим,*

хуллас, бойлик тўплаш учун ҳеч нарсадан қайтмадим.

Энди агар биров дадаларингни туш кўрдим, қийма билан ҳолвага ҳаваси келибди, шуларни эҳсон қилларинг деса, зинҳор унинг алдовига учманглар. Биринчидан, мен бундай исрофга сабаб бўладиган бўлмагур гапни ҳеч қачон айтмайман, иккинчидан, ўлик ҳеч нарса емайди.

Агар менинг ўзим ҳам тушларингга кириб, шу илтимосни қилсам, ҳеч қандай илтифот кўрсатманглар, чунки туш деган нарса пала-партиш бўлади. Ундан кейин мен тириклигимда емаган нарсамни ҳеч қачон ўлганимдан кейин ҳавас қилмайман.

* * *

Бир мири учун ўзини томдан ташлайдиган бойга:

— Хасислик ҳам эвида-да, бир мири учун юз юмаламасанг нима қилади? — дейишса, у:

— Нега энди мен бир кун, бир ҳафта, бир ой, бир йил, бир умрга етадиган молимдан кечар эканман? — дебди.

— Бу нима деганинг? — сўрашибди одамлар.

— Агар бу бир мирига туз олсам бир кунга етади, ҳаммомчига берсам бир ҳафтага, кир ювувчига берсам бир ойга, супурги олсам бир йилга етади, мих сотиб олиб деворга қоқсам, бир умрга етади. Шунча кунимга ярайдиган нарсани нега энди эҳтиёт қилмас, қадрига етмас эканман?!

* * *

Бир «нон емас» хасис кабобпазлик қилар экан. Бир куни серсуяк гўшт қовурган экан, ҳеч ким олмабди. Бузилиб қолишидан қўрқиб, ғассол қўшнисининг олдига борибди ва унга дебди:

— Бирдан ажал гирибонимдан ушлаб қолса, ҳолимни сўрагувчи бирор кимса топилмай қоладими, деб қўрқаман. Дўконда барра қўзикабобим бор, шуни сенга бермоқчиман, бола-чақанг билан егин. Мабодо ажалим етса, мени ювиб кафанлайсан.

Ғассол рози бўлибди. Қўзикабобни олиб келиб, бола-чақаси билан ебди. Шундан бир ҳафта ўтгач, кабобпаз ғассолнинг уйига келиб:

— Фалон шаҳарга тижорат билан кетяпман, кийиниб чиқ, бирга кетамиз, — дебди.

— Бу нима деганинг, тушунмадим? — дебди мурдашўй.

— Мен сени керак бўлиб қолганигда кунимга ярарсан деб, ижарага олгандим, сен қўзикабобни ебкетарга деб йўлаганмидинг? — дебди кабобпаз.

Ғассол бечора қовурманинг ҳақини уч баробар қилиб тўлаб, ундан зўрға қутулган экан.

* * *

Ўтакетган хасис, ҳасадгўй бир кишининг сахий қўшниси бор экан. Бу хасис ҳар хил йўл билан унга зарар етказар ва ҳамиша ғийбат қилиб, унинг пайини қирқши ниятида юаркан...

Бир куни хасис қул сотиб олиб, уни жуда яхши парвариш қилибди ва унга ҳаддан ортиқ лутфу марҳаматлар кўрсатибди. У бир неча марта қулига:

— Мен сени бекорга боқиб юрганим йўқ, бир ҳожатим бор, вақти соати келганда, шуни рўёбга чиқарасан, — деяр экан.

Бирмунча вақт ўтгандан кейин бир куни кечаси қулни томга олиб чиқиб шундай дебди:

— Шуни яхши билгинки, мен бу қўшнининг дастидан жонимдан тўйганман, унга бирор шикаст етказай десам, нуқул ниятим амалга ошмайди. Ҳасаддан на кечаси, на кундузи ҳаловатим бор. Шунча вақтдан бери сени боқиб келганимдан мурад

шуки, бу кеча мени қўшинининг томида ўлдириб, ўлигимни унинг ҳовлисига ташлайсан. Азон пайти жасадимни кўрган одамлар уни қотилликда айблаб, қамаб юборишади ва шу билан унинг молу мулки талон-тороғ бўлиб кетади. Мен сени озод қилиб, қоғоз, бу шаҳардан кетишинг учун 50 динор пул ҳам тайёрлаб қўйганман. Сен бу пул билан бошқа ерга бориб, уй-жой қиласан.

Қул бунга жавобан:

— Эй эгам, бу инсон қиладиган иш эмас-ку, сен ўлиб кетганингдан кейин, у ўлди нима-ю ўлмади нима, — деб шунча уқтирса ҳам бўлмабди.

Қул кечаси хожасининг бошини қўшинининг томида кесиб, унинг ҳовлисига ташлабди. Эртасига у бошқа шаҳарга кетиб қолибди.

Бу ҳолдан хабардор бўлган султон одамлари ҳалиги бегуноҳ қўшинини ушлаб қамоққа тиқиб қўйибдилар.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин шу шаҳарлик бир савдогар ўша қул бориб қолган шаҳарга борганида қулни кўриб, у билан ҳамсуҳбат бўлади.

Қул унга ўша хожасининг қилмишларини айтиб беради. Савдогарнинг бирга борган шериклари бунга гувоҳ бўладилар.

Савдогарлар юртларига етиб келишгач, бўлган воқеани султон ва қози калонга оқизмай-томизмай сўзлаб берадилар ва бир бечорани қуруқ тухматдан қутқарадилар...

Шундай қилиб ҳасадгўйнинг ҳасад ўти ўз жонига бало бўлибди.

* * *

Кунлардан бир куни хасис бой ғуломига:

— Эй ғулом, нонуштани олиб келгин-у, дарров эшикни ёпиб кел, дўст келиб душман ишини қилиб кетмасин, — деган экан, ғулом:

— Хожам, хато кетдингиз. Олдин эшикни ёпиб, кейин нонуштани келтир денг, — деган экан.

Хожаси:

— Боракалло! Тарбиям бекор кетмабди, ишнинг кўзини билишда мендан ҳам ўтиб кетмоқдасан, — деб мақтаб қўйган экан.

* * *

Бир хасисдан:

— Кимни энг довюррак одам деб биласан? — деб сўрашса, у :

— Уйида одамларнинг касур-кусур қилиб томоқ еяётган товушини эшитиб ўта-қаси ёрилмаган одамни, — деб жавоб берган экан.

* * *

Бир хасис доно одамдан:

— Юмшоқ кўнгиллик ва сабр-тоқат бобида қачон бошқаларга ўрناق бўламан? — деб сўраган экан, у:

— Биров нонингни ушатганда, сен унинг калласини уриб ёрмаганингда! — дебди.

* * *

Буни доим қарз бериб, кейинидан қайтариб ололмай ғўлдираб юрадиган кўнгли бўшлар ўқимасин.

Кўпни кўрган бир бойнинг олдига бир камбағал одам илтимос билан келибди.

Шунда бой унга:

— Аввало сен менинг биттагина илтимосимни бажар, шундан кейин мен нимаики истасанг бажонидил адо этаман, — дебди.

— Марҳамат, қандай илтимос? — дебди илтимосчи.

— Сендан яккаю ягона илтимосим шуки, мендан бирор нарса тилама ва сўрама, — деб «илтимосчи — ҳужумчи»дан ўзини ҳимоя қилган экан бой.

* * *

Бир текинтомоқ суллоҳ бир йиғинга борганда, ҳамма асал еб ўтирган экан. Кўзи асалга тушиши биланоқ сўлаги оқиб, тиржайиб, «Ассалому алайкум!» дейиш ўрнига:
— Асал алайкум!! — деб юборган экан.

* * *

Бир қишлоқи шаҳарга келибди. Бундай қараса, новвой тандирдан киши суқи кирадиган иссиқ қип-қизил бўлиб пишган нонларни узаётган экан. Очиқиб кетган бечора қишлоқининг нон ҳидидан кўнгли суст кетиб новвойга:

— Ҳой биродар, неча пул берсам, қорним тўйгунча нон берасан? — деб сўрабди. Новвой ўзича ўйлаб, тўрттадан ортиқ ея олмаса керак, деб ярим динор бериб тўйгунингча егин, дебди.

Қишлоқи ярим динорни унга бериб нонни ариқда оқаётган сувга ботириб ураверибди. Новвой саватда унга нон ташиёверибди. Новвой қараса, қишлоқи ҳали-бери тўядиганга ўхшамайди. Унинг фиғони чиқиб:

— Ҳой биродар, бу аҳволда новвойхонамдаги нонларни барисини еб битирасан-ку, ноинсоф, — деган экан, очкўз қишлоқи:

— Мунча сабрсизлик қиласан, шу ариқдаги сув тамом бўлгунча ейман, холос, — деб жавоб берган экан.

* * *

Усти-боши жулдур, юпун кийинган гадойга:

— Нима учун фалончи бойнинг эшигига бормайсан? Раҳми келиб сенга тўн-пўн бериши мумкин, — дейишибди. Гадой у бойнинг ниҳоятда паст, хасис, қурумсоқ ва очкўз эканлигини билар экан, уларга шундай дебди:

— Ҳечам-да, унинг олдига борсам, ўтган галдагидек эғнимдаги жулдурларимдан ҳам ажралиб, олдидан пўст ташлаган илондек бўлиб чиқаман, — дебди.

* * *

Бир хасис мумсик одам Абдураҳмон Жомийдан маслаҳат сўрабди:

— Уч ақчам бор, қандоқ қилиб шу пулга бир нима олиб тўйгунча есам-у, яна қолганини шу уч ақчага сотиб пулимни ундирсам.

Жомий унга шундоқ дебди:

— Қушхонага бориб, уч ақчанга битта қорин оласан, ичидагини еб, қолганини яна уч ақчага сотасан.

* * *

Бир хасис кечалари туриб, болалари қандай ётганидан хабар оладиган одати бор экан. Агар улар ўнг томони билан ётган бўлсалар чап томонга ағдариб:

— Ҳа, падарқусурлар, чап томонга ётсаларинг ўласанларми! Наҳотки ўнг томонини босиб ётганда овқат дарров ҳазм бўлиб, тезда қорин очишини билмасаларинг!
— дер экан.

* * *

Бир шаҳарлик одам қишлоқи дўстининг уйига меҳмон бўлиб келган экан. Улар бирга овқатланиб ўтирганларида, бирдан уй эгасини кўзи меҳмоннинг олаётган луқмасидаги қилга тушиб қолибди ва унга:

— Меҳмон, қўлингиздаги луқмангиздан қилни олиб ташланг, — дебди. Меҳмон қўлидаги луқмани дастурхонга қўйиб, қўлини артаркан:

— Меҳмоннинг луқмасидаги қилни кўрган кўз олдида таом ейиш макруҳдир — дебди.

Маданиятли, одобли одам ҳеч қачон овқатланаётган одамнинг овқатига асло қарамаслиги керак. Бу беодобликка киради. Суқ, кинна, кўз тегиши каби нарсалар ҳам албатта бор нарса.

Дунёда ҳатто шундай халқлар ҳам борки, улар киши кўзи олдида умуман ҳеч қандай овқат емайдилар. Улар ҳатто оилада ҳам бирга ўтириб овқат емайдилар. Овқат еган одамга ва унинг овқатига қараш, ёки овқатни бошқаларга кўрсатиб ейиш, уларнинг урф-одатлари бўйича, киши кўзи олдида жинсий алоқа қилишдан ҳам уятлироқ ҳисобланар экан.

* * *

Бир хасиснинг орриқ қирчанеи оти бор экан. Ундан:
— *Нега отингга арпа бермайсан? — деб сўрабдилар.*
— *Бир кеча-кундузда ўн кило арпа ейди-ку, — дебди у.*
— *Нега бўлмаса у бунчалик озғин?*
— *Ахир мен ундан бир ойлик арпа қарздорман-да, деб муғомбирона кўзини қисиб қўйган экан.*

* * *

Жобир деган киши тамағирликда ном чиқарган экан. Ундан:
— *Сен қай даражада тамағирсан? — деб сўрашган экан, у шундоқ жавоб берибди:*
— *Тамам ҳозир шу даражага етдики, қайси уйдан тутун чиқса, менга овқат пиширяптилар, деб ўйлайман. Шу умидда шўрва олиб келиб қолишар деб, қотган нонларни тайёрлаб кутиб ўтиравераман. Агар умидим пучга чиқса, ноиллож ўша нонларни сувга ивитиб еб ўтираман.*

Агар сополфуруш растасидан ўтиб қолсам-у, у ерда бировнинг коса ё лаган сотиб олаётганини кўрсам, бу коса ё лаганда менга овқат берса керак деб, термулиб қоламан.

Мисгарлик растасидан ўтиб кетаётган бўлсам-у, мабодо мисгарнинг мис лаган ё мис коса ясаётганини кўрсам, уларни сотиб олган одам менга шу идишларда овқат юборишлари мумкин, деган умидда мисгардан лаган ва косани каттароқ қилиб яса, деб илтимос қиламан.

Кўчада кетаётган бўлсам, томданми, дарчаданми қўшни қўшига бирор нарса ташласа, менинг этагимга тушиши мумкин деб, этагимни кўтариб юраман. Осмондан ёзми, турналарми учиб ўтаётган бўлсалар ҳам, улар тухум қилиб ташлаб юборишлари мумкин деган ўйда, этагимни кўтариб тураман.

Кечқурунлари бўлса қўшнилар кечки овқатларидан олиб чиқиб берармикинлар деган умидда доим эшигимни очиб қўйиб пойлаб ўтираман.

Агар кўчадан келин олиб ўтмоқчи бўлсалар, адашиб келинни меникига олиб кирмасмиканлар деб дарров ҳовлимни супуриб-сидириб, сув сепиб, эшикни очиб ўтираман.

«Кўз» тегиши

Юқорида санаб ўтилган бундай ўта салбий иллатлардан ташқари халқимиз ўртасида (бошқа халқларда ҳам) кишига, нарсаларга зиён-захмат, мусибат келтирувчи ёмон, оғир назар билан қараш — «кўз тегиш» деган ҳодисалар ҳам бўлиб, бу ҳам хасислик, ичиқоралик каби энг ёмон салбий ишлардан саналади.

Кўз тегишни бор нарса эканлигини пайғамбар алайҳиссалом ҳам ўзларининг ҳадиси муборакларида айтиб ўтганлар.

Бу борада шуни айтиб ўтиш керакки, «кўз» ҳамма инсонда бор хислат бўлиб, ҳар бир одамда ҳеч бўлмаса, «зиғиртак» бўлса ҳам бўлар экан.

Ҳар бир инсон «кўз»ининг «қаттиқлик» даражасини ўзи яхши билади. Шунинг учун бировга зиён-захмат етказиб қўймаслик учун бировга қараганда, бировнинг уйига кирганда, уй-жой, дарахт, мол-ҳолларга, кичик болаларга ва ҳоказоларга қараганда кўзини ва тилини инсоф билан тийиши керак.

Айтишларига қараганда, «кўзли» киши бирор нарсага ҳайратланиб, ажабланиб, қойил қолиб, ҳасад, суқ ва ичиқоралик билан назар ташласа-ю, аммо буни тилида айтмаса, кўз камроқ даражада тегар экан. Аммо буни ошкора тили билан айтса, кўз тўлиқ тегар экан.

Халқимизнинг «Кўз» — етти дарёни ҳам қурилар!» деган ибораси бекорга айтилмаган.

Кексалардан эшитганманки, 1950-йилларда бир куни кўча юзасидаги чойхонада «кўз»и бор бир қария ўз тенги чоллар билан чой ичиб гурунглашиб ўтирган экан. Унинг «кўзи қаттиқ»лигини ҳамма билар экан. У нимага астойдил назарини ташласа, ўша нарса қуримай қолмас экан. Шунинг учун кўп жойларга уни таклиф этмас эканлар.

Бир куни чойхона олдидан бир одам ажойиб отини гижинглатиб ўтиб кетаётган экан. Ҳамма унга ҳайрат ва ҳавас билан қараб қолибди.

Шунда чолнинг ёнида ўтирган бир киши ҳалиги «кўзли» чолга ҳазиллашиб:

— Раим ота, анави келаётган отга назарингизни ташлаб йиқита оласизми? — деб сўрабди.

Чол, ҳозир кўрасан, деб отга тикилиб:

— Войбўй!!! Анави отни қаранглар-а, зап келишган от эканми, бунақасини умрим бино бўлиб энди кўришим, қаердан олди экан-а, бу отни? — дейиши билан от етти қадам босиб, қоқилиб йиқилибди ва ўша ернинг ўзида типирчилаб-типирчилаб ўлиб қолибди.

Чолнинг гапини отлиқ эшитиб кетаётган экан, отдан йиқилиб тураётганида у ёқ-бу ёғини қоқиб чолга қараб:

— Во ажабо! Бу шайтон чолни зап ўткир кўзи бор эканми, бир нигоҳ ташлаганда отни ўлдирди-я, ё тавба?! Кўзинг қурсин, — деб сўкина-сўкина ўз йўлига кетибди.

Чолни ўша заҳоти иккала кўзи хиралашиб, бир кундан кейин эса бутунлай кўрмайдиган бўлиб қолибди.

Айтишларича, ўша отлиқнинг ўзи ҳам «кўзли» одам бўлиб, кўзи ҳатто тошни ҳам ёрар экан.

Айтишларича, «кўзли» одамлар бирор нарса деганларида унга қараб: «Субҳоналлоҳ!, Субҳоналлоҳ!, Субҳоналлоҳ! Кўзинг ўзингга урсин», деб уч марта чап елкасидан ошириб туфлаб қўйиш керак экан.

Пайғамбаримиз ҳам кўз тегишдан асралиш мақсадида «Ихлос», «Фалақ» ва «Нос» сура-ларин ўқиб, юз, бош, қўл, баданларини қўллари етадиган қисмигача силаб ўзларига-ўзлари дам солиб қўяр эканлар.

Сахийлар

Энди бахилларнинг акси — сахийлар ҳақида ҳикоя қиладиган бўлсак, жаҳонда сахийлик ва карами кенглик тимсоли бўлган Ҳотам Тоий бир катта думалоқ гумбаз сифат иморат солдирган ва унинг етмишта дарча (дераза)си бўлган экан.

Тиланчилар ҳар куни шу гумбаз атрофида тизилишиб, ҳар бири дарчага қўл чўзар ва Ҳотам уларнинг қўлига бирор нима берар экан.

Ҳотам оламдан ўтгач, акаси унинг ишини давом эттирмоқчи ва укаси сингари сахийлик билан ном чиқармоқчи бўлиб гумбаз ичига кириб ўтирмоқчи бўлибди. Она-си унга:

— Болам, бу ниятингдан қайт, бу жуда оғир, мушкул иш, сен икки дунёда ҳам уканг Ҳотам бўлолмайсан, — деса ҳам ҳеч қулоқ солмабди.

Шундан кейин у ўз сўзида қатъий туриб олгач, онаси уни синаб кўрмоқчи бўлибди. Эски чувринди кийим топиб кийиб ўзини кўринишини ўзгартириб гумбаз дарча-сига қўл чўзибди ва тегишли садақасини олибди. Кейин юриб иккинчи, учинчи,

тўртинчи, бешинчи дарчалардан ҳам қўл чўзиб садақ олибди. Хотамнинг акаси қайта-қайта чўзилган бу қўлларни таниса-да чидам билан садақа бераверибди.

У олтинчи марта қўл чўзганида, Хотамнинг акаси чидаб турулмабди: «Хой кампир, ҳозиргина қўл чўзган эдинг-ку, бу олтинчи маротаба қўл чўзишинг», — деб уришиб берибди.

Кечқурун ўели уйга келиб онасига бир кампир олти маротаба қўл чўзиб тиланчилик қилганини ва уни уришиб берганини сўзлабди. Шунда онаси:

— Болажоним, сенинг қўлингдан бу иш келмайди, демаганмидим? Ўша кампир мен эдим. Бир куни укани синаб кўриш мақсадида мен етмиш дарчага етмиш маротаба қўлимни чўзиб, хайр тилаганман. Укани қайта-қайта чўзилган қўлни таниган бўлса-да, бўш қайтармаган ва уялтириб мулзам ҳам қилмаган эди. Иккингиинг феълу атворингиз гўдаклигингиздаёқ қарама-қарши эди. Буни мен сизларни эмизаётган чоеларимдаёқ пайқаганман. Сен ҳар гал эмганинга бир сийнамни оезингга солиб, иккинчисини бир қўлинг билан маҳкам чангаллаб олар эдинг. Укани бўлса, зўрлаб тиқиштиришимга қарамай, сийнамни оезидан чиқариб ташлайверар эди. Табиатларингни бир-бирига хилофлиги ўшандаёқ менга маълум бўлган эди, — дебди онаси.

И з о х: Хотам Тоий тарихий шахсдир, у арабларнинг Нажд вилояти, Той қабиласининг бошлиғи ҳам шоири бўлиб, унинг тўлиқ исми Хотам Абу Адийй ибн Абдуллоҳ ибн Саъддир. У Исломдан сал олдинроқ, милодий 500- йиллар охирида яшаган. 630- йилда бу қабила билан бўлган урушда унинг қизи Сафона ислом лашкарларига асир тушган. Отасининг ҳурмати туфайли пайғамбаримиз унга кўп мол-мулк бериб озод қилиб юборган ва: «Хотам мусулмон бўлмаса-да, ислом фазилатидаги киши эрди», деган эканлар. Кейин Сафонанинг укаси қабила бошлиғи Адийй барча қабила аҳллари билан пайғамбаримиз олдиларига келиб, ҳаммалари Ислом динини қабул қилганлар.

* * *

Хотам Тоийдан ўзингдан ҳам саҳийроқ одамни учратганмисан, деб сўрабдилар.

Хотам:

— Ҳа, кўрганман, — деб жавоб берибди.

— Қаерда кўргансан?

— Чўлда кетаётганимда узоқдан кўзимга кўримсизгина бир кулба, кулбанинг олдида боғлаб қўйилган бир соғин эчки кўринди. У ерга етиб борганимда, от дукурини эшитиб, ичкаридан бир мўйсафид менга пешвоз чиқди ва отдан тушишимга ёрдам қилди. Бироздан кейин унинг ўели келиб, очиқ чехра билан саломлашиб, ҳолаҳвол сўради. Мўйсафид ўелига қараб:

— Болам, эчкини бисмил қилиб таом ҳозирла, меҳмонни зиёфат қилиш керак, — деди.

Ўели:

— Ижозат беринг, аввал бориб, ўтин териб келай, — деди. Мўйсафид:

— Сен чўлга бориб, ўтин олиб келгунингча анча вақт кетади. Меҳмонни оч олиб ўтириш одобдан эмас, — деди.

Мўйсафиднинг иккита найзаси бор экан, ўша найзаларини синдирди, эчкини сўйди ва бирпасда овқат тайёрлаб дастурхонга олиб келиб қўйди.

Унинг у ёқ-бу ёғига разм солиб қарасам, унинг бутун бор-ўғи шу соғин эчки ва найзаси экан, уларни ҳам меҳмоннинг пойқадамига сарф қилиб юборди.

Чолдан, мени танийсанми, деб сўрадим. Чол:

— Йўқ, танимамайман, — деди.

— Мен Хотам Тоий бўламан, саройимга кел, бу қилган яхшиликларингни ҳиссасини чиқарай, — дедим,

Бунга жавобан чол:

— *Биз меҳмондан зиёфат пули олмаймиз, — деди ва шунча қилсам ҳам мендан ҳеч қандай ҳады қабул қилмади.*

Мен мана шу мўйсафидни ўзимдан кўра сахийроқ деб биламан.

*Агар уйдан чиқариб берса
Бору йўқ яримта нонини гадо,
Ярим хазинасин берган подшоҳдан
Сахийлик бобида шу гадо ағло!*

Абдурахмон Жомий
(Ш. Шомухамедов таржимаси)

* * *

Киши катта бўлган сари ўзининг яратилган асл табиий хилқатига яқинлашиб бораверади.

Бу ўринда шунини айтиб ўтиш керакки, баъзан болалик ва ёшликдаги дўстлик, йиллар ўтиб, кишининг ёши катталаша борган сайин барҳам топа борадики, бунинг туб сабаби киши ўзининг асл яратилган табиати ва хилқатини эгаллай бошлаши билан боғлиқ бўлади.

Болалик ва ёшликда инсонлар дастлаб соддадил, ҳаммага ишонувчан, самимий, оққўнгил, беғубор бўлиб, вақт ўтган сайин, ўзининг асл яратилган табиати ва хилқатига яқинлаша бориб, бир-бирларидан тобора фарқлана бошлайдилар ва йиллар ўтган сари бу хислатлар ўзини тобора яққол, чуқур намоён этади. Натижада кўпинча инсон ўзининг яратилган табиатини эгаллайди. Болаликда деярли барчада бўлган ижобий хислатлар ўрнини салбий хислатлар эгаллай бошлайди, гўё олтин суви юритилган мис узукни аста-секин «миси чиқиб» боравергани сингари.

Бу борада таълим-тарбиянинг роли ҳам катта, аммо кишининг асл яратилган табиати кўпинча ҳал қилувчи рол ўйнайди. Биринчи навбатда ўзининг асл яратилган табиати, хилқати, иккинчи навбатда муҳит, шароит, яхши ёки ёмон одамлар таъсири, эгаллаган билимлари, ҳаётдан олган сабоқлари, таълим ва тажрибалари натижасида инсонлар «яхши» — «ёмон»га ажраладилар. Бири «оққўнгил», бирининг «ичиқора», бири ўғри, иккинчиси тўғри, бири ғайратли, иккинчиси ишёқмас дангаса, бири вафодор, садоқатли, иккинчиси бебурд, бири ақлли, иккинчиси меъров, анқов, бири очиқ кўнгилли, иккинчиси писмиқ, бадқовоқ, бири инсофли, виждонли, иккинчиси ғирром ва муттаҳам, бири оғир, вазмин, босиқ табиатли, иккинчиси енгилтак, бетайин, бири мард, жасур, иккинчиси номард, кўрқоқ, бири озода, саранжом-саришта, иккинчиси шалтоқ, палид, пала-партиш ва ҳоказо бўлиб етишадилар.

Шу сабабли ҳам ота-боболаримиз ўғилга қиз танлаётганда, ота-онаси, аждодлари ва зотини суриштирганлар, чунки ҳозирча беғубор бўлган ёш қизча барибир кейинчалик «зотига» тортади. Бу борада *«Ўғитни асли қартадир, асли зотга тортадир»* деган халқ ибораси бежиз айтилмагандир.

Ёшликдаги дўстликка путур етишининг яна бир сабаби, киши кексайгач, турмуш тажрибалари натижасида таҳлилчи, азмойишчи, мулоҳазали, фикрли, узоқни кўзловчи, тафаккурли ва нозик табиатли бўлиб қолади ва натижада у дўстини яхши, ёмон томонларини ҳис этиб, учинчи кўз — қалб кўзи билан ҳам кўра бошлайди.

Масалан, дўстингизни қисман гапидан, асосан сизга нисбатан қилган ишидан қандайлигини билиб олса бўлади. Бир-бирини ёқтирмайдиганлар, табиий хилқатлари турлича бўлганлар, яъни «юлдузи юлдузига» тўғри келмайдиганлар кўпам андишага бориб ўтирмай бир-бирларидан йироқлашганлари маъқул. Акс ҳолда (баъзан), «ишонмагил дўстингга, (кези келса) сомон тикар пўстингга» мақоли амал қилиб қолиши ҳам ажаб эмас...

Хуллас, бу хусусда гапирсак гап кўп, фикрларимиз турли-туман, мунозарали бўлиши табиий. Шунинг учун мунозараларни ўзингиз давом эттира қолинг.

Одиллик, адолат

Нақл қилишларича, ҳазрат Умар разийаллоҳу анҳу Ануширвони одилнинг отаси вафот этганида, унга мотам тутган эканлар. Саҳобалардан бири Ануширвоннинг кофир отасига таъзия тутганларининг сабабини сўраганда, ҳазрат Умар унга буни Ануширвоннинг ҳурмати учун қилганини, чунки Ануширвон адолат бобида унга устоз эканлигини, устоз эса отангдек (отангдан эмас) улуғдир, деган ҳикмат ҳурма-тидан унга ҳамдардлик билдириб таъзия тутганлигини айтиб, бу воқеанинг тафсилотини сўзлаб берган эканлар. Воқеа шундай бўлган экан.

Ҳазрат Умар ҳали Исломни қабул қилмасидан бир неча йил олдин, ёшироқ пайт-ларида, Ануширвоннинг укасига бир чопон, ўелига бир чопон сотган, аммо улар чопонни олиб пулини бермаганлар. Умар бу ҳақда подшоҳ Ануширвоннинг олдига арз қилиб борган. Ануширвон Умарнинг гапига тушунмай, тилмоч чақиртирган. Тилмоч бу воқеани подшоҳга рўй-рост таржима қилиб бермоққа тили бормай, Умар сизни ўзининг арабий тили билан ҳақорат қилди, деб айтади. Подшоҳ дарғазаб бўлиб уни ҳайдаб чиқаради. Эртасига яна шу иш қайтарилади, подшоҳ уни яна ҳайдаб чиқаради. Учинчи кун Умар баланд овозда: «Эй золимлар! Менинг ҳаққимни беринглар», деб бақирган. Шу кун подшоҳнинг олдида араб тилини биладиган одам ўтирган эди. У одам Умарнинг сўзларини рўй-рост таржима қилиб берган. Тилмоч эса мулзам бўлиб, афсусланиб «тилини тишлаб» қолган.

Шунда Ануширвони одил дарғазаб бўлиб дарҳол ўрнидан туриб: «Эй халойиқ! Менинг ўелим ва укамнинг зулмидан даргоҳимга бундай шикоятлар келадиган бўлса, менинг одиллик номимдан нима фойда», —деб сакраб ўрнидан туриб, ўзини тахтдан пастга ташлаб, тупроқ устига ўтириб олади ва бошидан тупроқ сочади. Кейин Умарнинг ҳақини улардан ундириб, ўзидан ҳам уч тилло қўшиб беради ва уни уч кун овора қилиб сарсон бўлганига рози бўлишини сўрайди.

Умар унга нима сабабдан тупроққа ўтириб олганини айтсагина рози бўлишлигини айтади. Ануширвон бунинг икки сабаби борлигини баён қилади: «Бири, — дейди у, — даргоҳимга зулм кўрган мазлум дод деб келиб, мендан адолат тополмай ва ҳаққини ололмай кетганига таъзия тутдим. Иккинчиси, бир мазлумнинг бошига келган зулмга барҳам бермай, уч кунгача саргардон қилган подшоҳнинг бошига тупроқ тортилсинки, бундай подшоҳни бўлганидан ўлгани афзал, деб тупроққа ўтириб бошимдан тупроқ сочдим», —деб жавоб берган.

Шундан сўнг Умар ҳаққини олиб, рози бўлиб, уйига қайтиб келган. Уч кундан кейин унинг олдига бир киши келиб Ануширвони одил ўели, укаси ва тилмочни дорга осгани хабарини беради.

Ўшанда ҳазрат Умар бу сўзни эшитиб, Ануширвон кофирлик ҳоли билан бундай адолат қилиб, ўз ўели ва укасини риоят қилмай, ҳақ, адолат йўлида ўлдирганига таҳсинлар айтиб ундан ибрат олган экан.

Ҳазрат Умар разийаллоҳу анҳунинг ўзи ҳам адолат ва тадбирда Ануширвони одилдан қолишмасликка ҳаракат қилиб халифаликни бошқарган ва унга саҳобалар томонидан Умар ул-Форук (адолатли Умар) деган сифатий тахаллус берилган.

Ҳазрат Умар разийаллоҳу анҳу халифалик тахтига ўтирганидан кейин, катта айб иш қилиб қўйган ўз ўелини адолат қоидаларига риоя қилиб дарра билан кал-таклатган. Ўели дарра зарбини кўтара олмай ўлган.

Шундай қилиб, тарихда номусулмондан Ануширвон ва мусулмонлардан ҳазрат Умар одиллик тимсоли бўлиб қолганлар.

*Шариатни хос тутқан, тариқатни рост тутқан,
Ҳақиқатни хўб билган адолатлиг Умардур.*

*Ўелин чорлаб келтурган, дарра уруб ўлтурган,
Адл қилиб йўл сўрган адолатлие Умардур.*

(Аҳмад Яссавий)

* * *

Яна нақл қиладиларки, жаҳонда одиллик тимсоли бўлган Ануширвони одилнинг отаси вафот этгач, ўрнига Ануширвон подшоҳ бўлиб отасининг тахтига ўтирган экан. Шундан сўнг у мамлакатдаги барча уламо, фузало ва ҳукамоларни тўплаб уларга: «Дунёда ҳамма нарсадан нима яхшироқ?» — деб савол берган.

Уларнинг бири у, бири бу деб, турли-туман жавобларни айтадилар. Аммо уларнинг жавоблари подшоҳни қониқтирмайди. Шунда улар ичида ўтирган қашшоқ бир одам ўрнидан туриб: «Эй подшоҳи олам! Дунёда ҳамма нарсадан уч нарса яхшироқ-дирки, уларнинг биринчиси — хотин, иккинчиси — ўлим, учинчиси — муҳтожлик», — деди. Ануширвон унга қараб: «Во ажабо! Дунёда ҳаммадан ёмонроқ нарса шу уч нарса эди шекилли, сен қайси далил билан уларни яхши деб айтяпсан?» — деб сўради.

У: «Эй подшоҳи олам! Агар дунёда хотин бўлмаса эди, сиздек нодир вужуд тугилмас эди, агар ўлим бўлмаса ва отангиз ўлмаса, сиз подшоҳ бўлиб бундай тожи-тахтга, салтанатга эга бўлмас эдингиз ва агар дунёда муҳтожлик, манфаатдорлик бўлмаса эди, мен ва мен кабилар сизнинг хизматингизга келмас эдик, итоат этиб бу ерларда ўтирмас эдик. Бас, сизнинг бундай тахту бахтга эга бўлишингиз хотин, ўлим ва муҳтожликнинг ҳосиятидандир», — деб ўзининг муҳтожлигига ишора қилиб жавоб берган. Унинг бу сўзлари Ануширвонга ниҳоятда маъқул тушганидан, унга минг тилло ва бошдан-оёқ саруполар бериб ҳушнуд қилган экан.

Кези келди, ана шу муҳтожлик, манфаатдорликни биров бўлса-да, шарҳлаб беришга уриниб кўрамиз.

Барчамизга маълумки, инсон табиатан роҳат-фароғат, маишат, айш-ишрат, шону шуҳрат орзусида юради, тўкин-сочинликда бекаму кўст яшашни хоҳлайди.

Ана шу эҳтиёж муҳтожлик ва моддий-маънавий манфаатдорликни келтириб чиқаради. Булар шундай кучли қувватдирки, улар ёрдамида ҳаёт филдираги доимо айланиб ҳаракатда бўлади. Бундай сифатлар бутун табиатга ҳам тегишлидир, табиатнинг бир бўлаги бўлган инсон ҳам ана шу сифатлар куткуси билан доим узлуксиз ҳаракатда бўлади, ўзини ўққа-чўққа уради, машаққатли меҳнат қилади, моддий неъматлар яратади, дунёни обод қилади.

Ана шу эҳтиёж, муҳтожлик, моддий ва маънавий манфаатдорликни шартли равишда лўнда қилиб «нафс» деб атасак, инсон ўзининг ана шундай сифатлардан ташкил топган нафсини қондириш йўлида ҳар қандай қийинчилик ва машаққатлардан, ҳатто азоб-укубатлардан ҳам қайтмайди. Керак бўлса, ҳар қандай тубанликка ҳам боради, алдайди, мунофиқлик қилади, ёлғон гапирди, бировларнинг ҳаққини ейишга, мулкани ўзлаштириб олишга ҳаракат қилади, ўғирлик, талончилик, босқинчилик қилади, одам ўлдиради, зино қилади, юз минглаб, миллионлаб инсонларни ҳалок қилувчи урушлар олиб боради.

Нафсни қондиришнинг усулларида бири бойлик, амалдорлик (мансаб) ва шон-шуҳратга интилиш бўлиб, киши бу уч нарсани эгаллаш учун ҳатто бола — ота-онасини, акаси — укасини, укаси — акасини, қариндош-уруғ — бир-бирларини ўлдиришгача бориб етадилар. Бундай ваҳшийлик ҳатто ҳайвонот дунёсида ҳам кузатилмайди.

Бу уч нарсанинг энг кучлиси мансаб-амалдорлик бўлиб, у бойлик ва шон-шуҳратнинг манбаи бўлгани учун, иккисидан ҳам муҳимроқ, кучлироқ саналади.

Чунки унда бойлик ва шон-шуҳрат мужассамланган бўлиб, жозиба, тортиш кучи қолган иккисига қараганда бирмунча кучлироқдир.

Бир умр дўст бўлиб юрган икки ўртоқ агар амал курсисига ўтиришда бир-бирлари билан тўқнашсалар, бундайларни ўндан тўққизтаси бир-бирларига душман бўлиб қоладилар, ҳатто бир-бирларини оч бўридек ғажиб ташлашдан ҳам тоймайдилар.

Моддий манфаатдорлик ҳайвонларда ҳам бор, лекин уларда бу ҳолат инсонларга нисбатан «инсофлироқ» кечади. Ўлжани керагида, қоринлари очгандагина ўлдириб, биргалашиб ейдилар. Тўғри, ўлжадан кўпроқ улуш олиш учун кучлироғи кучсизига дап қилади, ammo инсонлар каби ўлжа, улуш, нафс учун бир-бирларини ўлдириб ташламайдилар. Бу жабҳада инсон ҳайвондан ҳам ваҳшийроқдир десак, муболага қилмаган бўламиз.

Дунёдаги ҳамма ишлар, курашлар, жанжаллар асосан инсон учун зарур бўлган моддий неъматлар учун кураш заруриятдан ҳосил бўлади. Маҳаллий урушлар, жаҳон урушлари ана шу моддий неъматларнинг тақсимоти ва қайта тақсимоти устида бўлади, беҳисоб қонлар тўкилади, кўплаб гуноҳкор, гуноҳсиз инсонлар ҳаётдан кўз юмадилар. Бундай тажоввузкорликда инсон ваҳший, йиртқич ҳайвонлардан ҳам ўтиб кетади.

Ҳеч ким моддий ёки маънавий манфаатсиз бирор қадам ҳам босмайди. Инсоннинг ҳар бир қадам кўйишида, ана шу манфаатдорлик ётади.

Шунинг учун ҳам «*ҳаёт — манфаатлар курашидир*» деб айтишга ҳаққимиз бор.

Инсоф, адолат, холисона яхшилик, бир-бирига ёрдам, садақа, эҳсон — буларнинг бариси бамисоли ниқоб бўлиб, барининг чуқур замирида, юқорида айтганимиздек, манфаатдорлик, яъни бойлик, амал, мансаб учун кураш ва шон-шуҳратга интилиш, тама, баъзан эса риё ётади.

Инсон ҳатто тоат-ибодатни, яхшилик ва эзгуликни ҳам заруриятсиз қилмайди, уни боқий дунёдаги жаннат тамасида қилади. Ёлғиз Аллоҳ таолонинг дийдорига етишиш учун озгинагина камолга етган машойихлар, азиз-авлиёлар бетама ҳаракат қиладилар, холос. Кўряпсизми, улар ҳам бесабабдан-бесабаб эмас, балки «Аллоҳнинг дийдорига етишиш» учун, нариги дунёда ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечириш тамасида ижобий, эзгу ишларни қиладилар.

Буларни барисини замирида моддий, маънавий манфаатдорлик ётар экан, «*Қачон йўқ бўласан, эй нафс!*», «*Қачон умринг тугайди, эй нафс!*», «*Қачон сендан қутуламиз, эй нафс!*» деб ҳайқиргинг келади.

Аmmo бундай деб ҳайқирмай кўяколинг. Барча нарсанинг аввали — охири, ибтидоси — интиҳоси бўлганидек, нафснинг ҳам охири бор, унинг улуши ҳам қатъий қилиб Лавҳ ул—Махфузда белгилаб кўйилган. Нафс деган шайтоний сифат бу дунё тугаб охират — киёмат рўй бергандагина тугайди, дунё билан бирга ўлади. Ўшандагина ундан бутунлай қутуламиз. Унгача нафс, манфаатдорлик яшайверади. Биз ҳам унга қарши уруш эълон қилиб, уни бутунлай енгаолмасак ҳам, у бизга бутунлай ғолиб бўлиб қолмаслиги ва унга қурбон бўлиб кетмаслигимиз учун жангни давом эттираверамиз.

Қиссаларда келишича, бир кун Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан Ўзининг адолатидан бир намуна кўрсатишини илтижо қилиб сўрайди. Аллоҳ унга бир ҳувиллаган кимсасиз бир чўлга бориб ўтиришни амр қилади. Мусо ўша ерга бориб тўрт тарафга диққат билан қараб ўтирар экан, узоқдан бир отлиқ — суворий пайдо бўлди. Суворий келиб тоғ этагидаги чашмадан отига сув ичирди. Ўзи ҳам отдан тушиб ечишиб юз-қўлларини ювди ва ҳамёнини унутиб шу ерда қолдирди-да, отига миниб йўлига равона бўлди.

Кўп ўтмай, ўша ерга бир бола келди. У ҳам сув ичиб, юз-қўлларини ювиб кетаётганида, олтин солинган ҳамённи кўриб қолди ва уни олиб хурсанд бўлиб сакраб йўноқлаб ўз йўлига кетди.

Шу пайт ҳассасини тошларга ура-ура бир сўқир одам келди. У сув ичиб булоқ олдидан энди нари кетган эди, ҳамёнини унутган суворий қайтиб келиб қолди ва ҳамёнини қидира-қидира топа олмади. У у ёқ-бу ёққа аланглаб қараган эди, нарироқда ҳассасини дўқиллатиб кетаётган кўрни кўриб қолди. Отлиқ тезда унинг олдига бориб, ёқасидан бўеиб, ҳамёнини беришини талаб қилди. Кўр унга ҳеч қанақа ҳамённи кўрмаганини, олмаганини айтди. Отлиқ:

— Бу кимсасиз ерда сендан бошқа ҳеч ким йўқ. Олтин тўла ҳамёнимни сен олгансан, — деб ғазаб билан кўрни уриб, бўғиб ўлдириб қўйди. Кўрнинг ҳаммаёғини титкилай-титкилай ҳеч нима топа олмагач, сўкина-сўкина ўз йўлига кетди.

Шунда Мусо алайҳиссалом:

— **Ё Раббий!** Бу ҳозир мен кўрган воқеа адолат эмас, зулм бўлди-ку, чунки ҳамённи сўқир олмаган эди-ку, — деб Аллоҳга муножот қилди.

Жаноби Ҳақ:

— **Эй Мусо!** Бу кўрганларингнинг ҳаммаси Менинг адолатимдир, илмим ботин, ғайбдир, ҳукмим зоҳирдир. Отлиққа ҳамённи унуттирдим. Бола келиб ҳамённи топиб олди. Чунки ҳамён боланинг ҳаққи эди. Отлиқ олтин тўла ҳамённи боланинг отасидан олган эди. Боланинг отаси ўлди. Бола буни билмас, бошқа гувоҳлар эса йўқ эди. Отлиқ пулни болага бермади. Кўр эса бир вақтлар, кўзи очиқлигида, шу отлиқнинг отасини ўлдирган эди, аммо бунга шоҳид йўқ, қотил кўр бемалол юрарди. У одамнинг ўлгани унутилган эди. **Ё Мусо!** Сен адолатимни кўришни истаган эдинг. Мана, ҳозир бутун адолатим кўз ўнгингда намоён бўлди. Бола отасининг ҳаққини олди. Отлиқ отасининг қотилини ўлдириб, ўзи билмаган ҳолда отасининг қасосини олди. Илоҳий адолатим адо этилди.

Қиссадан ҳисса шуки, киши ҳеч ким кўрмади, ҳеч ким билмади деб бирор ёмон ишни қилишдан тийилиш керак. Қилмиш-қидирмишдир. Ҳар ким албатта экканини олади. Барча ишлар **Аллоҳ**нинг қудрат кўзгусида кўриниб туради ва илоҳий адолат олдида шак-шубҳасиз жазосини у дунёдагина эмас, балки бу дунёнинг ўзида ҳам муқаррар олади.

Шундай қилиб баъзан бизга адолатсизлик бўлиб кўринган айрим ҳодисаларга, ишларга дуч келганимизда бунинг замирида бизга маълум бўлмаган ана шундай мавҳум сир-синоатлар ётишини эсдан чиқармаслик керак. **Аллоҳ** улуғ, қудратли, барча нарсаларни билгувчи доно ва адолатли зотдир!

Адолат ва одиллик бобида яна шуни айтиб ўтиш керакки, Америка қитъасини очган генуялик (Италия) Христофор Колумб (1451—1506) Испания қироли ва қиролчаси эр-хотин Фернандо ва Изабеллалар билан янги ерлар кашф этиш ва у ерлардан келадиган барча кўринишдаги даромадларни ўндан бирини умрбод ўзига олиш, кейин эса бу улушларни ўзининг авлодлари олишлари, ҳамда ўзини янги кашф этилган ерларнинг «вице қироли» этиб тайинланиши ҳақида 1492-йилда ўзаро расмий шартнома имзоладилар.

Колумбнинг 8 йил давомида бир неча бор уюштирган экспедицияси натижасида, Америка қитъаси кашф қилинади, беҳисоб бойликлар Испанияга оқиб кела бошлайди.

Бунчалик бепоён бой ерлар кашф этилиши ва бунчалик беқиёс катта бойлик Испанияга оқиб келишини қироллар шартномани имзолаётганларида хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар.

Қирол ва қиролча бунчалик катта бойлик ва катта лавозим бир киши учун жуда кўп ва катта деб ҳисоблаб шартномани қисман бажардилар. Аммо бир сўзли, ўжар Колумб шартномани тўлиқ бажаришларини талаб қилиб, улар билан бир неча йил ёзишмалар олиб борди.

Қироллар унинг талабини катта миқдорда қондирган бўлсалар-да, Колумб ваъдани тўлиқ бажаришларини талаб қилиб, уларни қироллик судига берди.

Улар ўртасидаги суд улар ва уларнинг ворислари — ўғиллари ўртасида 200 йилдан кўпроқ давом этди! Ажабо! Фуқаро ўз қиролига даъво қилса-я!

Чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган бу монархларга бир оддий фуқарони «тинчитиш» га нима монелик қилди экан?!

Ажабтовур воқеалардан

Европаликларнинг Шарққа қилган салиб юришларини ўз кўзи билан кўриб, уларга қарши урушларда шахсан иштирок этган суриялик машҳур баҳодир жангчи, лашкарбоши, аслзодалардан бўлган адиб, шоир ва тарихчи, 1095-йили туғилиб, 1188-йилда 93 ёшида вафот этган Усома ибн Мунқизнинг ажойиб ибратли хотираларидан бир нечтасини келтириб ўтамиз.

Унинг ёзишича, инсонлар ва ҳайвонлар ичида юракли, журъатли ва юраксиз, журъатсиз, табиатан қўрқоқлари ҳам бўлишининг сабаби **Тангрининг Ўзи** ярлақанган махлуқотларига инъом этган сифатлари натижаси бўлиб, улар куч, қувват, жасад ва ҳайбатга боғлиқ бўлмас экан.

Усоманинг ёзишича, унинг отаси бир кун 8 туядан иборат бўлган карвондаги молни сотиб келиш учун, 4 нафар отлиқ, 4 нафар пиеда аскарлардан иборат бўлган қўриқчилар кузатувида Тадмур деган шаҳардан чиқиб Дамашққа йўл оладилар.

Улар йўлда кимсасиз саҳрода ўзлари томон яқинлашиб келаётган бир отлиқ — суворийни кўриб қоладилар. Суворий уларга яқинлашиб келгач:

— Туялардан узоқлашинг! — деб ҳайқиради.

Булар унга қичқиришиб ҳақорат қила бошлайдилар. Суворий улар томонга от қўяди ва уларнинг ораларидан бир аскарга найза уриб отдан қулатади ва ярадор қилади. Қолганлар унинг ортидан қувадилар, лекин унга етолмайдилар. У яна қайтиб келиб:

— Туялардан узоқлашинг! — деб бақиради. Улар яна қичқириб ҳақорат қила бошлайдилар. У эса яна бир отлиққа найза уриб, уни қаттиқ ярадор қилади. Улар уни қувиб кетадилар, лекин яна етолмайдилар. У яна қайтиб келиб уларга ташланади, бир жангчи унга ҳамла қилиб найза санчади, лекин найзаси унинг эгари қошига тегиб, синиб кетади.

Суворий унга найза уриб қаттиқ яралайди. Сўнгера у қолганларга ташланиб яна бир аскарни найза уриб қулатади ва:

— Туялардан узоқлашинг, бўлмаса ҳаммангизни ҳалок қиламан! — дея таҳдидини такрорлайди. Улар:

— Яқинроқ кел-да, туяларнинг ярмисини олақол, — дейдилар.

— Йўқ, — дейди у, — улардан тўрттасини мол-поли билан ажратиб ўрниларида қолдиринглар-да, қолган тўрттасини олиб, жўнаб қолинг.

Улар унинг айтганидек қиладилар ва саломат қолганларига шукр қилишиб, у ердан тезда жўнаб кетадилар. У эса уларнинг кўз ўнгида куппа-кундуз кун тўрттас туяни моли билан бемалол ҳайдаб кетади.

Улар унга қойил қолишиб, ҳайрон бўлиб, орқаларига қарай-қарай кетадилар. У бир ўзи эди, улар эса тўққиз киши эдилар!

Ана юрагу, ана жасорат!

Шунга ўхшаш яна бир воқеа.

Усома ибн Мунқизга бағдодлик Муайяд исмли бир кишининг ҳикоя қилиб беришича, 1170-йилда бир отлиқ турк суворийси хачири билан Диёрбакр шаҳрига яқин жойлашган қишлоққа кириб келади. Хачирнинг устида бир хуржун бўлиб, унда тўла олтин динорлар, қимматбаҳо тошлар ва хуржун устида бир гўзал чўри қиз ўтирган эди.

Суворий хуржунни пастга тушириб чўри қиз билан биров тамадди қилиб олади-да, қишлоқдагилардан Фурот дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Анбор деган шаҳарчага қандай бориш мумкинлигини суриштиради. Қишлоқдагилар унга йўлни кўрсатиб юборадилар ва йўлда 60 нафар қароқчилар тўдаси дайдиб юрганини ҳам айтадилар. Турк кулиб, қароқчилардан қўрқмаслигини, ундай қароқчилардан йўлда кўпини кўрган-

лигини айтади.

Турк йўлга тушмасидан аввал, қишлоқдагилардан бир киши олдинроқ бориб турк суворийси ва ундаги бор нарсалар ҳақида қароқчиларга шипшиб қўяди.

Қароқчилар чиқиб, унинг йўлини пойлайдилар.

Турк келиб улар билан жангга киришади. Энди ёйни олиб, унга ўқни солиб, уларга отмоқчи бўлиб, ёйни тортганида, ёйнинг ватарини узилиб кетади. Қароқчилар унга ҳужум қиладилар. У қочишга мажбур бўлади. Қароқчилар хачирни, чўри қизни ва хуржунни қўлга киритадилар.

Қиз уларга илтижо қилиб, ўзини туркда қолган беш юз динорлик жавҳарлар эвазига сотиб олишини билдиради. Турк билан гаплашиш ва ундаги жавҳарларни олиш учун, қиз бир қароқчи билан бирга унинг олдига боради ва унга:

— Чап этигининг қўнжидаги инжулар бадалига ўзимни-ўзим сотиб олдим, уларни менга бер, — дейди.

— Ҳўп бўлади, — дейди турк ва улардан четга чиқиб, этигини ечади. Унинг ичида ёйнинг қўшимча ватарини бор эди. Уни ёйга тортиб, қароқчиларга яқинлашиб жангни бошлаб юборади.

Турк уларни бирин-кетин моҳирлик билан камондан отиб қира бошлайди ва қирқ учтасини камон билан отиб ўлдиради. Улар шуңчалик қўрқиб кетадиларки, ҳатто қуролларини ташлаб унга таслим бўладилар. Турк уларнинг қўлларини боғлаб, қишлоқ аҳлига, шаҳар ҳокимига топшириш учун беради.

Шундай қилиб, Буюк Тангри шу турк орқали қаттол қароқчиларга ана шундай оғир мусибат ва қаҳр-ғазабинини юборган эди, деб ҳикоясини яқунлади Муайяд, деб ёзади Усома ибн Мунқиз.

Ана мардлигу, ана жасорат!

Бир кишининг бутун бошли бундай қароқчилар тўдасини тугатиши жуда камдан-кам рўй берадиган нодир ҳодиса деса бўлади.

Давом этамиз.

Ҳайвонлар шоҳи шерда ҳеч хаёлимга келтирмаган ҳодисани кузатдим, деб ёзади Усома ибн Мунқиз. Шерлар ҳам одамларга ўхшаб шижоатли ва қўрқоқ бўлишини ҳеч ўйламаган эканман, дейди у (Усома энг моҳир шер овловчи ҳам бўлган).

Бир кун яйловда отларни ўтлатиб юрган чўпон биз томон от чоптириб келиб чангалзорда учта шерни кўрганлигини айтади. Мен, акам ва яна саккиз киши отларга миниб ўша томонга юрдик. Чангалзордан бир урғочи шер биз томонга отилиб чиқиб ҳужум қилди. Акам унга ташланди ва найза санчиб ҳалок қилди. Найза шер танасида синиб қолганди. Биз ҳали нафасимизни ростлаб олганимиз ҳам йўқ эди, яна бир шер шамолдай учиб келиб шеригимизга ташланиб, отини босиб, ўзини отдан қулатиб юборди. Шу пайт мен етиб келиб шерга зарб билан найза урдим, найза унинг қоқ белига санчилди ва у турган жойида жон берди.

Бироздан кейин чакалакзордан шерларнинг энг каттаси, эркаги чиқиб келди, биз унга ўқ уза бошладик. Мен шерикларим билан ёнма-ён туриб, биздан бирортамизга ҳужум қилишни кутиб, унга найза урмоқчи бўлиб шай бўлиб турдим. Шер у ёқ-бу ёққа юрар ва ҳар сафар унга ўқ текканда, бўжирар ва думини силкитиб қўярди. Мен ўзимча: «Ҳозир уларга ташланади», деб кутиб турар эдим. У эса, у ёқ-бу ёққа юришда давом этарди. Қочмас эди ҳам, ҳужум ҳам қилмас эди. Бу ҳолат то шер ўлиб, йиқилиб қолгунча давом этди. Мен бу ҳодисага ҳайрон қолдим.

Кейинчалик бир шерда бундан ҳам ажойиброқ ҳодисанинг шоҳиди бўлдим. Дамашқда ҳайвон ўргатувчи бир шер боласини тарбиясига олганди. У катта бўлган сари, отларни қувадиган ва кишиларга озор берадиган бўлиб қолди.

Бир кун мен амир билан бирга турганимда унга келиб шикоят қилишди:

— Анови шер ҳаммага озор берапти, отлар ундан қўрқиб қолди, у доим йўл устида ётгани-ётган.

Амир буюрди: «Ўргатувчига айтинглар, шерни бу ерга олиб келсин». Кейин ошхона бошлиғига деди:

— Ошхона қушхонасидан битта қўзини олиб чиқиб, ҳовли ўртасига ташла, уни шер қандай қилиб қиймалашини томоша қиламиз.

Ошхона бошлиғи ёш қўчқорни ҳовлига олиб чиқди, ўргатувчи ҳам шерни етаклаб келди ва бўйнидаги занжирини ечиб қўйиб юборди.

Шу пайт қўчқорнинг кўзи шерга тушди. Югуриб бориб шерга ташланиб шоҳи билан бир сузди. Шер эса қочиб, ҳовуз атрофида югура бошлади, қўчқор эса унинг орқасидан қувиб етиб олар ва сузар эди. Биз эса хаҳолаганча мириқиб-мириқиб кулар эдик.

Шундан кейин амир:

— Бу бахтиқаро шер, уни олиб чиқиб сўйинглар ва терисини шилиб, бу ёққа олиб келинглар, деди. Уни сўйишди, терисини шилиб олишди; қўчқор эса омон қолди.

Шернинг қилиқларидан яна бири.

Биз томонда бир шер пайдо бўлди. Беш-олти киши у томонга — тўқайзорга жўнадик. Орамизда бир обрўли киши ҳам бўлиб унинг бир вафодор ити ҳам бор эди. Шер отларга ташланди, улар қўрқиб ҳар томонга чопиб кетдилар, кейин шер одамларга ҳужум қилди ва ҳалиги одамни ушлаб, устига чиқиб олди. Ит бир сакраб шернинг гарданига чиқиб олди, шер у одамни қўйиб юбориб, тўқайзорга кириб кетди. Ҳалиги киши отамнинг олдига кулиб келиб, деди: «Шер менга ҳеч нима қилмади, яраламади ҳам, азият ҳам бермади».

Шерни қидириб топиб ўша кунни ўлдирдик, ҳалиги киши эса уйига келиб, шу кечаси ўлди. У ҳеч қаеридан яраланмаган бўлса ҳам, ўтакаси ёрилиб кетган экан. Энг қизиғи шуки, итнинг шер олдидаги жасорати мени ажаблантирди, чунки жамики ҳайвонлар шердан қўрқади ва ундан ўзини четга олади.

Шернинг бошини кесиб, уйимга олиб келдим; шунда барча мушуклар уйдан қочиб томлардан ўзларини ташладилар, ваҳоланки, улар аввал ҳеч шерни кўрмаган эдилар. Шернинг терисини шилиб олдик ва гўштини қалъадан истеҳком тагига отдик. Унга на ит ва на бирорта қуш яқинлашди, бургутлар гўштни кўриб, унга учиб тушдилар, яқинлашиб келгач, қичқириб учиб кетдилар.

Ҳайвонларнинг шердан қўрқиши қушларнинг бургутдан қўрқишининг худди ўзи. Агар бургутни сира кўрмаган жўжа, товуқ, ўрдак ёки еоз уни кўриб қолсалар чирқираб қочадилар.

Буюк Тангри таоло шер ва бургутдан қўрқишликни бошқа ҳамма ҳайвонлар ва қушларнинг қалбига жо қилиб қўйган.

* * *

Усома ибн Мунқиз ўзининг эсдаликларида яна ёзадики, фарангларда (оврупонликлар) иззат-нафс ва рашк деган нарса бўлмайди. Масалан, эри хотини билан кетаётган пайтда, уларга бошқа эркак йўлиқади ва хотинни қўлидан ушлаб нарироққа тортади-да, у билан яқиндан гаплаша бошлайди. Эри эса четда туриб, хотини гапини тамомлашини кутади. Агар уларнинг гапи чўзилиб кетса, хотинини суҳбатдоши — бегона эркак билан қолдириб, ўзи кетаверади.

* * *

Яна шундай воқеани шоҳиди бўлганман, деб ёзади Усома.

Фаластиннинг Наблус деган шаҳрига келганимда, бир насронийнинг уйини ижарага олиб озгина яшадим. Мен яшаб турган уйнинг рўпарасида бир савдогар фаранги яшар эди.

У бир кун тижоратдан уйига қайтиб келса, хотини билан бегона эркак унинг кўрпасида ётган экан. Савдогар:

— Қандай қилиб менинг хотиним ёнига кириб қолдинг? — дебди.
— Жуда чарчаган эдим, бироз дам олай деб кирувдим.
— Ундай бўлса, нима қилиб менинг ўрнимда ётибсан? — сўрабди савдогар.
— Кўчадан ўтиб кетаётган эдим, қарасам, кўча эшик очиқ экан, тақиллатсам ҳеч ким жавоб бермади, уйга кириб қарасам, жой солиғлик экан, жуда чарчаган эканман, уй эгаси келгунча ётиб турай дедим-у, кўрпага кириб ётиб уйқуга тушдим, — дебди.

— Хотиним ҳам сен билан ётибди-ку, — дебди савдогар.
— Ўрин уники, ўз кўрпасига ётишдан қайтаришга менинг ҳаққим борми?
— Диним ҳаққи онт ичаманки, — деб қичқиради савдогар, — агар яна шундай қиладиган бўлсанг, сен билан орамизда хусумат чиқиши мумкин, тур, энди кийин ва йўлингдан қолма.

Унинг норозилиги ва кучли рашки шу билан тугади.

Мана бу қарама-қаршиликка қаранг: уларда рашк ва иззат-нафс йўқ, лекин улар улкан шижоатлилиги билан ажралиб турадилар, ахир иззат-нафс бўлмаса, шижоат бўлмайди ва бадномлик бўлмаса, қўрқоқлик бўлмайди-ку, деб ҳайрон бўлади Усома.

* * *

Бунга қарама-қарши ўлароқ, Усома яна бир воқеани қуйидагича сўзлайди:

1180- йилларда амакимга Суриядаги Шайзар деган шаҳарда яшовчи арабларнинг аслзода уруғларидан бўлган бир қизни роса мақтаб таърифини келтирадилар. Амаким ўзининг яқинларидан бўлган бир кампирни қиз кўриб келишга юборибди. Кампир қайтиб келиб, унинг гўзаллиги ва ақлини роса келтириб мақтаб тавсиф қилиб берибди.

Хуллас, амаким совчи қўйиб, у қизга уйланибди. Кейин никоҳ кечаси амаким унинг олдига кирганда, қарасаки, олдидан унга мақталган аёлдан бутунлай бошқа, қаримсиқ, гилай ва соқов аёл турган экан. Кампирга бирор яхши нарса совага қилишган ёки унга бошқа қизни кўрсатишган бўлишлари керак.

Амаким унга қўшилмасдан маҳрини бериб уйига жўнатиб юборибди. Шундан кейин, кўп ўтмай, у қиз яшаётган шаҳарни Антокия ҳокими Танкред босиб олган ва аҳолининг мол-мулкини талаб, аёллар ва болаларнинг кўпини асир қилиб олиб кетган. Асирга олинганлар ичида ўша аёл ҳам бор экан.

Бу амакимнинг қулоғига етиб борибди ва амаким уни 500 динорга улардан сотиб олиб, оиласига қайтариб юборибди.

Ундан нега бундай қилганини сўраганларида: «Мен хотиним бўлган ва ҳузуримда ниқобини очган аёлнинг тақдирига бефарқ қараб фарангларда асирликда қолдиролмайман», деган экан.

Биз мусулмонлар ўзимизнинг ана шундай олижаноблигимиз билан ҳам улардан ажралиб турамиз, деб хулоса ясайди Усома ибн Мунқиз.

* * *

Хабарда келтирилишича, Аллоҳ таоло Исломининг «Аҳли сунна вал-жамоа» оқимининг назарий асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифа (Нуъмон ибн Собит) раҳматуллоҳи алайҳни шарият илмига шундай олимун моҳир қилган эдики, ҳатто ҳазрат Хизр алайҳиссалом ҳам 50 йилгача ҳар кун саҳар вақтида бу кишининг олдларига келиб шарият илмидан таълим олган эканлар.

Имом Аъзам вафотларидан кейин, Аллоҳ таоло Хизр алайҳиссаломга у зотнинг қабрларига бориб шарият илмини олишни давом эттиришни амр қилган экан. Ҳазрат Хизр алайҳиссалом шундан кейин яна 30 йил Имом Аъзам қабрларига бориб у кишидан сабоқ олган эканлар.

Кунлардан бир кун, бу оламни Худо яратган эмас, балки у азалдан бордир, шунинг учун бу олам тугамайди, бинобарин қиёмат қойим ҳам бўлмайди дейовчи моддиюнчи эътиқоди ботил даҳрийлар жамоасидан бўлган бир олим, амиралмўъми-

нин халифа ал-Мансурнинг олдига келиб, оламни қадим — азалий эмас, у кейин яратилган, бу оламларни яратган Ҳаллоқи олам бордир дейовчи ислом уламолари билан мунозарага киришиб, уларга оламни қадимий, азалий, унинг яратилмаганини исбот қилиб беришини арз қилган.

Халифа, Имом Аъзам ҳазратларига киши юбориб у зотни ўз ҳузурига чорлаган. Юборилган киши Имом Аъзамга нима гаплигини баён қилган. Имом Аъзам мажлисга бирмунча кечикиб етиб келган ва тўпланган жамоадан узр сўраб кечикиб келиши сабабини тушунтириб берган. Яъни айтдиларки, менинг жойим дарёнинг нариги тарафида эди. Кела туриб, дарёдан ўтар чоғимда бир ажиб ҳодиса бўлдики, дарё лабида бир бузуқ кема бўлур эди. Неча вақтдан бери бузилиб тахталари бир-биридан ажраб сочилиб ётар эди. Таажжубки, мен бу ерга келар вақтда, ўша тахталар ўзидан ўзи ҳаракатга кириб, бир-бирига пайванд бўлиб, уста бўлмаса ҳам, гўё уста тузатгандек тузалиб қолди. Мен мана шу ҳодисага ҳайратланиб, томошага машғул бўлиб ҳаяллаб қолдим.

Кемачи бўлмаганлигидан якка ўзим кемага тушсам, кема гўё кемачи юргизгандек, бирдан ўзидан-ўзи юриб, мени дарёнинг бу соҳилига олиб ўтказиб қўйди.

Шунда ҳалиги баҳсталаб даҳрий:

— Эй мусулмонлар! Сизларнинг мазҳабларингиз асосчиси бўлган бу одамнинг ёлеонини эшитдингларми ва бундай тутуриқеиз ёлеонни илгари ҳам эшитганмисизлар? Ҳеч замонда жонсиз тахталар ҳаракат қилиб, устасиз ўзидан ўзи ҳам кема бўлиб қоладими ва кема бошқарувсиз ўзидан-ўзи дарёнинг бу лабига ўтиб қоладими? Қани, бунга ишонадиган ақалли битта одам топиладими ораларингизда! — деб хитоб қилади.

Шунда Имом Аъзам унга қараб:

— Эй кофир! Агар уста ишламаса, бир эски кема ўзидан-ўзи пайдо бўлмоғи ва юрмоғи мумкин бўлмаса, энди бутун оламни бе Холиқдир ва уни ҳеч ким яратмаган, ўзидан-ўзи пайдо бўлган дейсанми? — дедилар.

У даҳрийнинг ҳеч бир сўз айтишига ҳоли келмади ва хижолат билан мулзам бўлиб ўтириб қолди. Баҳс бошланмасидан ниҳоясига етди.

Ҳазрати Имом Аъзам: «унинг гарданига қилич билан уринглар», — деб фатво бердилар ва халифанинг имоси билан жаллодлар шу заҳотиёқ уни қилич билан уриб ўлдирдилар.

* * *

Ривоятда келишича, пайғамбар алайҳиссаломнинг Собит ибн Қайс ибн Шаммос исмли ғайратли, шижоатли бир яқин саҳобалари бўлиб, умрининг кўпи ғазотда ўтган. Пайғамбаримиз билан 17 марта ғазотда қатнашган экан.

У кишининг кароматлари билан шундай ажиб иш бўлган эканки, бундай ишни ҳеч ким ҳеч қачон кўрган ва эшитган эмас экан.

Барча мусулмонларга маълумки, одам тил билан баён қилмай, балки қўли билан ёки боши билан ишорат қилиб, «менинг номимдан фалонга садақа қилинглари ёки уни фалон кишига беринглари» деса, унинг васиятини шариат қабул қилмас, фақат ўзининг оғзи ва тили билан айтмоғи шартдир.

Аммо Собит ибн Қайс ўлганларидан сўнг қабрдан васият қилиб, васиятларини шариатга қабул қилдирган эканлар.

Бу воқеа қуйидагича бўлган экан. Абу Бакр Сиддиқ халифалик қилган кезларида Собит ибн Қайс ғазот пайтида шаҳид бўладилар. У кишининг қимматбаҳо совутолари бўлиб, жанг майдонида ўлиб ётганида бир одам келиб, уни Собитдан ечиб олиб, кейин келиб олиб кетаман деган фикрда, бир нишоналик жойга кўмиб қўяди.

Дафн маросими ўтгандан кейин, дафн этилган Собит ибн Қайс навкарлардан бири бўлган ўз сафдоши Авҳон исмли бир кишининг тушига кириб, шундай дейди:

— Эй дўстим Авҳон! Мен сенга васият қиламанки, Аллоҳ йўлида васиятимни эшитиб ҳожатимни бажар; фалон жангчи келиб, менинг жасадимдан совутимни ечиб олиб, ўша жанг майдонидан нарироқдаги фалон жойга, фалон дарахтнинг тагидаги дўнгликка кўмиб қўйди. Авҳон! Энди сен уйқудан турганингдан кейин ўша жойга бориб совутимни кавлаб ол ва уни дўстим халифа Абу Бакрга топшир, у совутимни сотиб, фалон жойда яшайдиган фалон исмли кишига қарзимни тўласин, пулни қолган қисмини садақа қилиб юборсинлар, — деб сўзини тамом қилган.

Туш шу қадар аниқ-таниқ бўлган эдики, Авҳон эрта билан туриб, айтилган ерга бориб ўша ерни кавлаган экан, ҳақиқатдан ҳам ўша ердан Собитнинг қиммат-баҳо совути чиққан.

Авҳон уни халифа Абу Бакр ҳазратларига олиб келиб топширади ва бўлган воқеани оқизмай-томизмай сўзлаб беради.

Ҳайрон қолган Абу Бакр, саҳобалардан 40 кишини жам қилиб, уларга Авҳоннинг кўрган туши, бўлган воқеаларнинг ҳаммаси уни кўрган тушига мувофиқ чиққанлиги, ҳатто Собитнинг ҳақиқатан ҳам фалон жойда яшаб турган фалон исмли бир кишидан фалон миқдорда қарз олганлиги ҳам тўғри чиққанлигини сўзлаб, улардан нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳат сўрайди.

Саҳобаларнинг ҳаммалари яқдиллик билан Собит ибн Қайснинг васияти сўзсиз қабул қилинсин, деб ҳукм чиқарадилар.

Кейин совутни 400 тангага сотиб, ўша Собит ибн Қайсга қарз берган одамни чақиртирадилар ва Собит ундан қанча олганлигини сўрайдилар. Унинг айтган сўзи Авҳоннинг тушида эшитган пулига баробар ва тўғри келади. Унга ўша миқдордаги пулни бериб юборадилар ва қолганини мискин, бева-бечораларга садақа қиладилар. Шундай қилиб, Собит ибн Қайснинг қабрда қилган васияти бажарилади.

* * *

Шундай экан, ҳар бир одам ўлимни ҳақ деб тан олиб, васиятини тириклик чоғида қилиб, ёзиб қўйиши энг тўғри ишдир.

Қиссадан ҳисса яна шуки, ҳаётда энг оғир муаммолардан бири бировнинг бировдаги ҳаққи ва қарз масаласи бўлиб, динимиз Исломининг таълим беришича, марҳумнинг қарзини унинг бола-чақалари узмагунларича, марҳум гўрда «кишанланган» ҳолда ётар экан. Аллоҳ таоло бандасининг гуноҳларини у дунёда хоҳласа кечар, хоҳламаса кечмас экан. Аммо кишининг бир-бирида бўлган ҳаққини ва қарзини асло кечирмас экан (қарздорнинг сувда чўкиб ўлиши бундан мустасно).

Доим ёдда тутиш керакки, қарзингизни қиёматда бўлса ҳам, барибир тўлайсиз, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шундай экан, у дунёга юзингиз қаро ва ғамгин бўлиб боришга интиланг, енгил бўлиб ёруғ юз билан боринг.

Бировнинг ҳаққи ва қарз масаласи у дунёда, қарз олган кишидан бу дунёда тўплаган савобларидан қарз берган кишига олиб бериш, агар мабодо унинг савоблари етмаса, қарз берган кишининг гуноҳларини унинг бўйнига ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинар экан.

Шунинг учун тириклигингизда ким сиздан қарз, сиз кимдан қарзсиз, шуларни оила аъзоларингизга албатта билдириб қўйинг. Бировда бир игна қарзингиз бўлса ҳам тўлаб қўйинг, қарзни катта-кичиги, арзирли-арзимаси бўлмайди. Бировларнинг сиздан олиши керак бўлган ҳаққи ҳам қарз кабидир, уларни албатта рози қилиб ҳисоб-китоб қилишингиз шарт. Бу ишлар қиёматга қолиб кетмасин.

Бир неча йил оғир касал бўлиб ётган қўшнимизнинг: «Осонгина ўлиб олиш ҳам жуда оғир иш экан», — деганлари ҳамон эсимда.

Бировдан олган қарзини бериши керак бўлган кишининг бир неча кун ўлолмайд қийна-либ ётганини, қарзи узилгандан кейин ёки ҳақдорнинг ўзи унинг олдига келиб «розиман» деганидан кейин осонгина жон таслим қилиб **Яратганнинг** ҳузурига равона бўлганларни шахсан ўзим кўрганман ва кўп эшитганман.

Маҳалламизда жуда камбағал, қашшок, аммо алдоқчи, муттаҳам, харомхўр бир одам бўлар ва у кўп одамларни алдаб ҳақларини еб юришни ўзига «касб» қилиб олган эди. У кўшнимизни отасидан ҳам она-болали сигирини далада боқиб бераман деб, олиб қайтариб бермади, аммо бири икки бўлмади. Ўзи ва бола-чақалари муҳтожликда, хор-зорликда яшаб ўтдилар. Шундан 15 йиллар чамаси ўтгандан кейин, 1960- йилларда оғир касал бўлиб 2 йил ётиб қолди.

Кунлардан бир куни кўшнимизникига унинг 14—15 ёшлар чамасидаги ўғли келиб, отаси кўпдан бери ўлим тўшагида азоб чекиб ётганини, уйларида ҳеч вақо йўқлигини, ўша олган сигирнинг ҳаққини беролмаслигини, аммо кўшнимиз бориб отасига ўша сигирга «розиман» деб айтишини отаси илтижо, илтимос қилиб юборганини айтади.

Кўшнимиз бориб унга ўша сигирга «розиман» деб айтганидан кейингина, ўша кунининг ўзидаёқ унинг жони узилади, тинчийди. Эшитишимизга қараганда ўша ўсал ётган одам яна 3-4 маҳалладош ва қариндош уруғлари билан ҳам ана шундай тарзда «рози-ризолик» қилган экан. Аммо унинг болалари ҳам отасининг қарзларини узишни хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. **Аллоҳ** лаънатлаган бу ўғилларнинг бири 40, бири 45, бири 55 ёшларида камбағалликда, муҳтожликда ва хор-зорликда «косалари оқармай», азоб чекиб ўлиб кетдилар.

Ҳисоб-китоблик бу дунё ўз ишини бекаму кўст бажаради, албатта. Бу барчага ибрат бўлмоғи керак.

Бундан ташқари, яна шуни эсдан чиқармаслик керакки, кўпинча ота-она вафот топиб кетганларидан кейин, уларнинг фарзандлари, ака-ука, опа-сингиллари ўртасида мерос устида жанжал бошланади, бир-бирларининг ўртасидан меҳр-оқибат кўтарилади, ҳатто бир-бирлари билан бутунлай «юзкўрмас» бўлиб кетадилар. Сабаби, ота-она тириклик чоғларида тегишли васиятларини қилмай, қолдираётган меросларини буниси сенга, униси унга деб ҳеч бўлмаса оғзаки ҳам айтиб қўймай, ишни «думи хуржун», «ишқал» қилиб кетганликларидир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг: **Уч кундан ортиқ касал бўлиб ётган кишининг васият ёзиб қўймасликка ҳаққи йўқ**, деган мазмундаги ҳадиси муборақларига амал қилганимизда эди, биздан кейин қоладиган авлодларимиз, қариндош-уруғларимизнинг тинч, тотув, аҳил, бир-бирлари билан меҳр-оқибатли бўлиб яшашларини таъминлаган бўлур эдик.

Ўлим ҳақ, эрта-индин нима бўлишини билмаймиз, қачон ўлишимизни ҳам билмаймиз. Ўлим ёш танламайди, касалми-соғми бунга ҳам қарамайди, бойлик, амал, шоҳу гадони ҳам эътиборга олмайди.

Биз ўлим учун, ўлим шарбатини тотиб кўриш учун туғилганмиз. Шунинг учун ўлимга доим шай бўлиб турсак, янглишмаган бўламиз. Ўқиганларингиздан маълумки, янглишиш кўп азоб-уқубатларга гирифтор қилиши мумкин.

Аллоҳ таоло ҳеч кимни адаштирмасин, барчага инсофу-тавфиқ берсин. Илоҳа омиён, ё Раббил оламиён!

Васият ҳақида

Васият халқимизнинг асрлардан бери амал қилиниб келаётган энг қадимги удумларидан бири бўлиб, ота-онанинг ўзидан кейин қоладиган авлодлар, зурриётлар, оила давомчиларига қолдирадиган ҳал қилувчи энг сўнгги сўзидир.

Асарнинг муқаддима ва хотима қисми бўлганидек, инсон умрининг хотима қисми ҳам васият билан якунланади.

Ҳаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча киши вафот этиб кетгач, кўп ўтмай мархумдан қолган мерос, мол-мулк, уй-жой ва бошқа нарсаларни талашиб ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлар ўртасида «жанг» бошланиб кетади. Бу ҳол кўпинча дилхиралик, қариндош-уруғларнинг бир-бирлари билан «юзкўрмас» бўлиб кетишларига сабаб бўлади. Киши

васият қилмай вафот этганидан кўп ўтмай фарзандлар ҳовли-жой, уйларни кимга қанчаси тегишли бўлиши кераклиги, бу ҳовли-жойларни қандай бўлиб олиниши, машина, далаҳовли, пул, мол-мулк, нарсаларни кимга қанчаси тегиши кераклиги кўпинча муаммо бўлиб қолади ва оилада, юқорида айтганимиздек жанжаллар бошланиб, ўртадан Ахиллик, ўзаро иззат-хурмат кетади, бир-бирларига хусумат, низо пайдо бўлади.

Ақли комил киши ўзидан кейин бундай ноҳуш ишларнинг бўлмаслиги учун тириклигидаёқ чорасини кўриб қўйган бўлади. Нима кимга тегишли эканлигини тириклигидаёқ оила аъзоларига эълон қилиб қўяди. Ҳовли-жойга иморатларни кураётганида, фарзандлари кейинчалик бўлиб, ажратиб олиб алоҳида яшашлари мумкинлигини ҳисобга олади.

Ота-боболаримизнинг: «*Бирга тугилмоқ бор, бирга турмоқ йўқ*», «*Ҳар кимга бир уй, бир гўр*» каби доно ибораларини эсдан чиқармаслик керак.

Васиятнома, васият эса қонуний ҳужжат сифатида қариндош-уруғлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларга чек қўяди.

Васият мархумдан қолган сўнги истак-ирода бўлиб, мусулмончиликда ота-она васияти улуғ тутилади. Уни бажармаслик оғир гуноҳ ҳисобланади. Халқимиз уни бузган ёки бажармаган, унга риоя қилмаганларни нонқўр, оқпадар, васият урган, хиёнаткор деб қоралайди.

Васият нафақат ўлим олдидан, балки ундан анча олдин, саломатлик пайтида ёзиб қўйилса айни муддао — нур устига аъло нур бўлади.

Ҳар бир соғлом фикрли, ақлли киши ўзидан кейин қолаётган фарзандларига, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғларига албатта тегишли васият ёзиб қолдиради.

Васият, васиятнома хоҳлаган ёшда, **Аллоҳ** кўнглига солган вақтда кечиктирмасдан ёзиб қўйилиши жоиз ҳисобланади. Чунки ўлим, юқорида айтганимиздек, ёш танламайди, жой ҳам танламайди, соғмисан, касалмисан, боймисан, камбағалмисан, бу дунёдаги ишинг битганми, битмаганми, шоҳмисан, гадомисан, буларни ҳам сўраб ўтирмайди. Буни доим ёдда тутиш керак, ўлим барҳақ. Ўлим муддатининг номаълумлиги **Аллоҳ**нинг инсонга ато этган энг буюк неъматларидан бири бўлиб, ана шу неъматнинг шарофатидан биз дунёда бемалол, ҳеч қачон ўлмайдигандек ялло қилиб юраберамиз. Аксинчасининг оқибатини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин.

Шундай қилиб, васият нафақат мулкый, балки маънавий тарзда бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўғилга, набирага фалончининг қизини олиб бериш, қизини фалончининг ўғлига узатиш, бирор-бир ишни бажариш ёки бажармаслик, қилмаслик ва хоказолар ҳақида бўлиши мумкин.

Баъзи васиятларда бир умр сир сақланган ишлар, ходисалар, оилавий муносабатлар очилиб, билдирилиб кетилиши мумкин. Кимга кимнинг фарзандлиги, ким асранди зурриёт эканлиги, ким кимдан бўлган-у, кимнинг қотили кимлиги, ким кимдан қанча қарз эканлиги, келгусида нима қилиш кераклиги ҳақида ва яна ваъз-насихат тарзида ҳам бўлиши мумкин.

Васият ёзиб қўйиш ҳеч қачон эрта эмас, зўр келса, кейинчалик уни тўлдириб қўйишингиз мумкин, аммо кеч бўлиб қолиши мумкин.

Васият ҳақида **Қуръон**да махсус икки оят нозил қилинган:

«Қайси бирингизга ўлим ҳозир бўлса (яқинлашса) ва (ўзидан кейин) бирор яхшилик (бойлик) қолдираётган бўлса, ота-она ва қариндошларига маълум миқдорда васият қилишлик битилди (фарз қилинди). Бу тақволи кишилар зиммасидаги бурчдир».

«Кимки уни (васиятни) эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларга бўлур. Албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва доно зотдир». (2-«Бақара» сураси, 180, 181-оятлар)

Яна бошқа ибратли воқеалар ҳамда пайғамбаримиз ҳадислари ва донолар ҳикматларидан

Ҳикоямизни давом эттираемиз. *Қадим замонда Ҳасан исмли шайхи азиз соҳибқаромат пир бўлган экан. Унинг уч юз муриди бўлиб, рамазон ойининг бир куни кундузи*

ҳаммалари масжидга кириб, жам бўлиб, намоз ўқиб ўтирганларида, масжидга қўлида узун ҳасса, эгнида ридоси бўлган бир одам кириб, улардан сув сўраб ичади ва нафл намози ўқимоққа тутинади. Муридлар бунга таажжубланиб турган эдилар, шайх Ҳасан:

— Эй муридлар! Таажжуб қилманглар, чунки бу одам мусофирдир, мусофир кишига рўзасини очмоқ мумкиндир. Лекин унинг бу ерда сув ичиб рўзадор эмаслигини маълум қилмоғи, биздан таом сўрамоғига ишоратдир. Энди унга таом келтиринглар, — деди.

Муридлар таом келтириб у одамнинг олдига қўйган эдилар, у одам:

— Меҳмонга тақлид қилиб унга эргашимоқ шартдир, — деди.

Шунда шайх Ҳасан:

— Эй меҳмон! Рост айтасиз, — деб, келиб у билан қўшилишиб таом еди. Муридлар бу ҳолни кўриб:

— Пиримиз мусофир эмас эдилар-ку, рўзаларини очмоқ нораво эди, рўзаларини очиб рўза фарзини тарк этдилар, — деб ундан ихлослари қайтиб, ҳаммалари масжиддан чиқиб кетдилар.

Масжидда шайх билан меҳмон икковлари қолдилар. Муридларнинг чиқиб кетишларида уларнинг пирларидан ихлослари қайтгани сабаб бўлганлигини сезган меҳмон нима учундир жилмайиб қўйди.

Таомни еб бўлганларидан кейин, меҳмон ўрнидан туриб кетмоқчи бўлганида, шайх Ҳасан унга қараб:

— Эй меҳмон! Ҳали ўзингиз тақлид шарт демовдингизми?, — деди. Меҳмон:

— Ҳа, шундай деган эдим, аммо мен нимага тақлид қилиб сизга эргашай? — деди.

Шунда шайх белидаги тасбеҳини олиб қирқиб ташлади ва меҳмонга қараб:

— Сиз ҳам менга тақлид қилиб мендек қилинг, — деди. У меҳмон:

— Эй шайх! Мени қирқиб ташламоққа белимда тасбеҳим йўқ-ку, қандай қилиб сизга эргашай, — деган эди, шайх унга қараб:

— Эй ноинсоф! Мен сени ботил динингга тақлид қилмоқ учун, ҳақ динимда фарз бўлган рўзамни очиб юбордим. Энди сен менга эргашишинг, тақлид қилишинг учун тасбеҳимни олиб қирқиб ташласам, сен нечук гарданингдаги ботил хочинг ва зуннорингни олиб қирқиб ташламайсан? — деган эди, меҳмоннинг кофирлиги ва ёлгондан мунофиқона мусулмон сийратида бўлиб келганлиги маълум бўлди ва у Шайх Ҳасанда бу кароматни кўриб йиғлаб юборди ва дарҳол: **Ла илаҳа иллаллаҳи Муҳаммадур расулуллаҳи**, — деб, иймон келтириб, мусулмон бўлди.

Шу вақтда муридлар ташқаридан мўралаб қараб турган эдилар. Бу ҳодисани кўриб, ҳаммаларининг Шайх Ҳасанга ихлослари ҳаддан зиёда бўлиб, яна масжидга кирдилар ва пирларидан сўрадилар:

— Эй Шайх! Бу меҳмоннинг кофирлигини билган экансиз, энди бир кофир учун Аллоҳ таолонинг фарз қилган рўзасини очишингизга сабаб нима эди? — деб эдилар, Шайх Ҳасан уларга қараб:

— Эй одамлар! Рўза тутмоғ-у ибодат қилмоқ шайтоннинг бўйнини узмоқ учун бўлур. Аммо мен етмиш йил ибодат қилиб, ҳанузгача шайтоннинг бўйнини узолган эмас эдим. Энди Худога шукрки, бир кунлик рўзамни очмоқ эвазига шайтоннинг бўйнини уздим. Агар мен рўза тутсам, бир ўзимнинг ибодатим учун тутар эдим. Аммо рўзани очмоқ билан кўп кишиларнинг ибодатига сабаб бўлдим. Чунки бу мунофиқ ҳар кун 70 кишини залолатга кетказар эди. Энди менинг бир кунлик рўзамни очмоғим билан у кофирнинг ўзи ҳам мусулмон бўлди ва энди ўзгаларни ҳам бузмайдиган, залолатга бошламайдиган бўлди ва улар энди ибодатларида барқарор бўладилар.

Мен етмиш йил рўза тутиб рўзанинг сабаби билан ҳеч бир кофирни мусулмон қилолган эмас эдим. Энди мен бир кофирни мусулмон қилиб ва бошқа мусулмонларни унинг ботил таъсиридан сақлаб катта савобга эга бўлдим. Фарзнинг қазоси каффо-

рат билан соқит бўлур ва мен бир кунлик рўзанинг қазоси ва каффорати учун, иншоаллоҳ, 70 кун муттасил рўза тутурман, — деб жавоб берди.

* * *

Бир «содда киши» одамларнинг қўйини ўғирлаб, гўштини худойи қиларкан.
— Нега бундай қиласан? — деб сўрашса, у шундай жавоб берибди.
— Эй биродарлар, худойининг савоби қўй ўғирлаганимнинг гуноҳини ювиб кетади, ёғи билан чарвиси ёнга қолади, наҳотки шунга ақлларинг етмаса! — деган экан.

Тоат-ибодатларини канда қилмай юрадиганлар ичида ана шундай иш тутиб юрадиганлар ҳам йўқ эмас. Бу билан улар ҳам ўзларини ўзлари алдайдилар, боз устига Аллоҳни ҳам алдамоқчи бўладилар.

* * *

Бир ҳокимга: «Фалон қишлоқда бир киши бор, айнан сизга ўхшайди», — дейишибди. Ҳоким дарров ўша одамни топтириб келибди ва ундан:

— Мабодо онанг чайқовчилик қилиб, улуғларнинг эшигига бориб юрмасмиди? — деб сўрабди.

— Мутлақо бундай эмас, тақсир, — дебди ҳалиги содда одам, — онам умрида остона ҳатлаб кўчага чиқмас эди. Аммо отам улуғларнинг уйларига бориб хизматини қилиб, ўтинларини ёриб, сувларини ташиб юрарди, — деган экан.

Буни эшитиб турганлар тескари қараб, пиқирлаб кулиб юборган эканлар.

М а қ о л: Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил!

* * *

Куйида турли масалалар бўйича пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаламнинг ҳадисларидан баъзи бирларини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Ўзингиз хулоса чиқариб оларсиз, азиз суҳбатдошим!

Умнатларининг қўни-қўшнилари билан яхши муомалада ва муносабатда бўлишлари ҳақида пайғамбаримиз ўз вақтларида кўп қайғурганлар. Бир одамнинг уйида қўй сўйилганда, уйнинг хожаси: «Яҳудий қўшимизга насиба бердиларингизми?» деб икки марта қайтариб айтган. «Чунки мен Расулуллоҳдан эшитдимки, у зот: «Жаброил алайҳиссалом менга қўшинининг ҳақлари тўғрисида шундай қаттиқ васият қилдики, мен қўшни қўшидан мерос олишлари ҳақида оят тушиб қолармикан деган хаёлга ҳам бордим, деганларини эшитганман», деди.

* * *

Ҳасан Басрий айтади: «Яхши қўшни сенга зиён ва ташвиш етказмайдиган қўшни эмас (аслида бундай қўшни ҳам яхши), балки сенинг ёмонлигингга чидаб яшайтган қўшидир.

* * *

Қўшинининг уйи сотилмоқчи бўлса, унга бошқалардан кўра қўшни ҳақлироқдир.

* * *

Икки кишига қиёмат куни Аллоҳ раҳмат назари билан боқмайди:

- 1) қариндош уруғидан узилиб кетган кишига;
- 2) ёмон қўшига.

* * *

Қариндош-уруғчиликни узма, бировга ёмонлик қилма. Ҳар бир махлуққа раҳмдил бўл.

Қариндошчиликни узган киши билан сен алоқани тикла. Ёмонлик қилганга яхшилик қил. Агар ўз зарарингга бўлса ҳам ҳақни гапир.

* * *

Насабларингни (зотларингизни) билинглар, қариндошларингга силаи раҳм қиласизлар. Чунки алоқаси узилган қариндошчиликнинг яқинлиги йўқ, агар яқин бўлса ҳам. Алоқа (борди-келди)си бор қариндошчиликнинг узоқлиги йўқ, агар узоқ бўлса ҳам.

* * *

«Бас, қариндош ҳаққини адо этинг! Мискин ва мусофир ҳаққини ҳам. Ана шу Аллоҳнинг «юзи»ни истайдиганлар учун яхшидир! Айнан ўшалар иқболли-дирлар!» (30-«Рум» сураси, 38-оят).

Пайғамбаримиз ҳикматларини келтиришда давом этамиз.

Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингизда меҳр-муҳаббат уйғонур.

* * *

Қўл бериб сўрашиш билан саломлашиш мукамал бўлади.

* * *

Салом бериш тартиби: кичик каттага, кетаётган ўтирганга, озчилик кўпчиликка, отлиқ пиёдага салом беради. Қўл бериб кўришган кишиларнинг гуноҳлари тўкилади. Беш хил вазиятда салом берилмайди:

- ҳаммомда ювинаётганда;
- ҳожатхонада ўтирганда;
- Қуръон ўқиётганда;
- номаҳрам хотинларга;
- намоз ўқиб турган одамга.

Саломлашиш ҳақида яна Қуръони каримнинг 4-«Нисо» сураси, 86-оятига ҳам қаранг.

* * *

Бир-бирларингизга ҳадя қилиб туринглар, шунда ўзаро меҳр-муҳаббатли бўласиз, қўл бериб сўрашиб юринг, шунда кўнглингиз юмшаб, дилларингиздаги гина, адоват кетади.

* * *

Бир-бирларингизга совға-салом қилишиб туринглар, чунки совға-салом муҳаббатни оширади ва дилдаги гашликларни йўқотади.

* * *

Чақирилган жойга боринглар, совғани қайтарманглар ва мусулмонларни урманглар.

* * *

Пора берган ҳам, пора олган ҳам дўзахга тушади.

* * *

Амирнинг совға олиши ҳаром ва қозининг пора олиши динсизликдир.

* * *

Замонни сўкманглар, чунки Аллоҳнинг Ўзи соҳибизамондир.

* * *

Аллоҳ айтади: «Одам боласи менга замондан нолиб озор беради. Бирортангиз замондан нолиманглар. Чунки Мен замон эгасидирман. Кечаси ва кундузини айлантириб тураман, агар хоҳласам тўхтатаман».

* * *

Аллоҳга одат шулдирки, дунёда нима нарса кўтарилиб ривож топса, бир куни уни тубан ҳам тушургай. Бу иш дунё қонунича бўлмишдир.

* * *

Ўлганларни ҳақорат қилманглар, чунки улар қилмишлари ортидан кетдилар.

* * *

Марҳумларни сўкиб, тирикларга азият берманглар.

* * *

Кимки бирор гуноҳ ишни кўрса, қўли билан тўхтатсин, агар бунга қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар бунга ҳам қодир бўлмаса, дили билан ёмон кўрсин. Бу эса иймоннинг заифлигидир.

* * *

Кимки гувоҳликка чақирилса-ю, у гувоҳлигини беркитса, ёлгон гувоҳлик бергандек гуноҳ олади.

* * *

Туғувчи аёл Аллоҳнинг наздида туғмайдиган чиройли аёлдан яхшидир. Уйланинглари, кўпайинглари, мен қиёмат куни бошқа умматлар олдида сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман.

* * *

Хотинларнинг баркамолроғи сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганларидир.

* * *

Аёл киши эркак кишининг чап қовурғасидан яратилгандир. Агар сен эгри қовурғани тўғриламоқчи бўлсанг, синдириб қўясан. Бас, у билан муроса қил, шунда бирга яхши яшай оласан.

* * *

Сизларнинг мол-дунёларингиздан менга аёллар ва хушбўй ҳидлар ёқади, хурсандчилигим эса намоз ўқишдадир.

* * *

Аллоҳ таоло аёллар кийимини киядиган эркакни ва эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатласин.

* * *

Агар сен хотинингни айбини айтиб турмасанг, у сендан айб ахтара бошлайди. (Айтиш-кок, ўжар, калтабин хотинларга нисбатан).

* * *

Ёшлик телбаликнинг бир тури, аёллар эса шайтоннинг тузоғидир.

Донолар ҳикматларидан:

Аҳмоқдан узоқлашинг.

* * *

Фосиклар суҳбатидин йироқ бўл, йироқ,
Шундай амр қилибдир ул Холиқи тоқ.

* * *

Аҳмоқ одамдан аччиқланмоқ ўлик устида ашула айтмоқ билан тенг.

* * *

Замона талабига тескари юрган одам сув ичидан олов қидирган одамга ўхшайди.

* * *

Нодон ҳамда аҳмоқ одамдан алоқани узиш ақлли одам билан алоқада бўлиш билан тенг.

* * *

Ҳаётдан тўғри хулоса чиқара олмай, икки ва ундан ортиқ янглишган, қоқилган одамлар, ачинишга ҳам арзимайдиган аҳмоқ одамлардир.

* * *

Умар ибн Хаттобдан сўраганларида, деди: «Ҳалол одам алдамайди, ақлли одам алданмайди».

* * *

Дўстнинг ёмони шундаки, яхшилигингни унутади, ёмонлигингни эслаб қолади.

* * *

Ёмонга минг марта яхшилик қил-у, аммо бир саломни канда қилсанг, сендан ёмон одам йўқ.

* * *

Пасткаш, манфаатпараст одам бир сўзни сўзлайди, аммо бошқа нарсани кўзлайди.

* * *

Пасткаш одам бирор кимсани севса, ё кўрққанидан севади, ёки тамагирлигидан.

* * *

Агар бир тоғ ўрнидан кўчибди деса, ишонинглар, аммо бир кишининг хулқи ўзгарибди деса, унга ишонманглар, чунки у қайси табиатда яралган бўлса ўшанга қайтади. (Ҳадисдан)

* * *

Ушбу ҳадисга ҳамоҳанг халқимизнинг бир мақоли бор: «Асли қаро оқармас, эгри бугри тузалмас», ёки «Ёмонни ўлди деса, ишонинглар, илло тузалди деса, ишонманглар», дейилган ва «Ёмондан қоч, ёмондан қоч, ёмондан қоч» деб уч марта такрорлаганлар.

* * *

Шаҳсан мен асло тоқат қилолмайдиган қусурлардан бири дангасалик ва ишёқмасликдир. Ялқовлар урсанг ҳам, тепсанг ҳам турмайдиган ва юрмайдиган қайсар эчки ва эшакни ўзгинасидирлар. Уларга барча панд-насихатларинг бекор кетади. Улар бамисоли ўчиб қолаётган чўғдирлар, қанча пуфласанг ҳам асло ёнмайдилар, бунга уринган кишини эса бадбўй тутун билан «сийлайдилар». Доноларнинг бу ҳақдаги сўзларига бир назар ташланг-а:

— Бекорчи одам — мили йўқ соатнинг ўзгинасидир. (Ф.Купер).

— Дангаса одамнинг юзсиз бамайлихотирлиги қилт этмайдиган кўлмак сувга ўхшайди, унда қурт-қумурсқалар-у ифлос итбалиқлардан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. (В.В.Ломоносов).

— Ялқовлик бамисоли она. Унинг ўғли — ўғрилиқ, қизи эса — очарчиликдир. (В.Гюго).

— Ялқовлик хорлик келтирур! (Алишер Навоий).

— Кучук бирлан ҳўтиққа қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одамий. (Алишер Навоий).

* * *

Қуйидаги ҳикматли сўзлар суд ва ҳуқуқ-тартибот маҳкамаларининг шиори бўлмоғи керак:

Ер юзида битта жиноятга берилган жазо, ер аҳли учун қирқ кун ёмғир ёғганидан афзалроқдир.

* * *

Ёмонларга тегишли жазосини бермаслик яхшиларга қилинган зулмдир.

* * *

Ёмонлар ҳолига раҳм этмоқ яхшиларга ситам етказмоқдир, золимлар гуноҳини афу этмоқ мазлумларга жабр кўрсатмоқдир.

* * *

Ёмонларга лутфу карам, яхшиларга кони зарар ва аламдир. Мушукка эътибор кабутарга офатдир. Шоғол (чиябўри)ни асрамоқ товук тухумини қуритмоқдир. (*Шайх Саъдий*).

* * *

Ёмонларга шафқат қилиш яхшиларга қилинган зулмдир. (*Алишер Навоий*).

* * *

Адолатсизга адолатсизлик етгусидир.

* * *

Юрт ободлиги тўрт нарса сабабидандир: раҳбарлар ва қозилар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, мазлумлар ва муҳтожлар дуосидан.

* * *

Аллоҳ одамларни синаш учун берган илмини инсоният зарарига ишлатгувчи, одамларни иситма-совутма, қулф-банд қилувчи, жодугарлик, сеҳргарлик билан шуғулланувчи ёвуз кишиларнинг охирати — у дунёсию бу дунёси куйиб кетади. Бундай одамлар тириклайин гулханда ёқиб юборилганлари тарихдан маълумдир. Бу дунёда жазоси берилмаганларни эса у дунёда даҳшатли жазо кутиб туради, уларнинг ҳолига вой!

* * *»

Энг яхши ибрат бу ёмондан, ёмон ишлардан, ёмон ахлоқдан, ёмон одатдан ва ёмон хулқдан олинадиган ибратдир.

* * *

Тамагирлик, текинхўрлик ва қорин ғамида бойлар, амалдорлар, сармоядорларга бўйин

эгиб тобе, муте бўлиб юриш хорликдир. Тилёғламалик, ялтоқилик, риёкорлик пасткашлик-дир. Бундай тарзда яшагандан, кўра ўлган афзал.

* * *

Мард инсон ўзига қаноатни дастур қилиб, нафс учун паст кетмаслиги керак. Агар сармоядор, давлатманд одам ҳар қанча саҳий бўлса ҳам, ҳадеб ундан нарса сўраш, тама қилиш инсон шаънига исноддир. Ундан кўра, ўз меҳнатинг билан қаноатда яшаганинг минг марта афзал, қаноат — улув, кетмас давлат, қаноат ҳикматнинг, ҳимматнинг пойдеворидир.

* * *

Ҳар бир кишининг бу дунё ва у дунёда эришадиган яхши-ёмон даражалари, роҳат-фароғатда яшаши, бахтли ҳаёт кечириши, инсоннинг бу дунёда топган савоб ёки гуноҳ ишларининг миқдори ва ҳажмининг мувозанатига боғлиқ экан. Шундай бўлгач, эзгу ишлар қилиш зарур. Акс ҳолда, илоҳий қонунларга асосан инсон бу дунёда ва у дунёда қийналиб яшашга маҳкум бўлади.

* * *

Тилнинг асосан икки улкан офати бор:

- 1) беҳуда, бемаъни, ботил сўзларни сўзлаш;
- 2) ҳақ гапни айтмасдан сукут сақлаш.

Биринчиси сўзлагувчи шайтон, гуноҳкор кимсадир, иккинчиси Аллоҳга осий, риёкор, соқов шайтон саналади. Фақат ўрта йўл тутувчиларгина бу офатдан халос бўла оладилар.

* * *

Гапнинг, фикрнинг ҳам жони бор, агар гап келганда, айтиладиган гапни ўз вақтида айтилмаса, гап «ўлдим» деярдир экан. «Гап келганда отангни ҳам аяма», деб бекорга айтмаганлар.

* * *

Керакли жойда ҳақ гапни айтиб, ҳақиқатни кўрсатиб қўйиш, ноҳақлик ва фитна-фасод, зулмни фош этиш ҳам жувонмардликка киради.

* * *

Кўп кулишликдан сақланинг, чунки серкулгилик қалбни ўлдиради ва юзнинг нури-ни ўчиради. Кулгуси кўп кишининг виқори кам бўлади.

* * *

Жиддийлик кулги билан, кулги эса жиддийлик билан енгилади.

* * *

Одамнинг жаҳли чиққанда ўқиладиган дуо: «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир ражийм» (Аллоҳдан, унинг раҳматидан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тилайман).

* * *

Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб қўзиса, дарҳол у сукут сақлашга ўтсин.

* * *

Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб тик турган пайтда келса, дарҳол ўтириб олсин. Агар шунда ҳам ғазоби қайтмаса, ётиб олсин.

Аҳмоқ ғазабланса, шайтон унга акалик қилади.

* * *

Ғазабинг келганда ҳам, сўзингни танлаб гапир.

Яна пайғамбаримиз ҳадисларидан:

Мазлум кишининг қарғишидан сақланинглар, гарчи у кофир бўлса ҳам. Унинг дуоси ёки қарғиши билан Аллоҳнинг даргоҳи ўртасида парда йўқдир.

* * *

Бировнинг уйига берухсат эшик ёки тешикдан кирган ёки мўралаган одамнинг кўзини ййиб олиш жоиздир.

* * *

Сабабсиз ўз ҳовлисини ёки ерини сотган одамнинг молу дунёсининг баракасини кетказиб туриш учун, Аллоҳ турли йўллари қилиб қўяди.

* * *

Ҳеч қайси касаллик Аллоҳнинг иродасисиз ўзгага юқмайди, ирим-сирим бемаънилиқ, бойқуш бахтсизлик келтирмайди ва сафар оyi бехосият эмас.

* * *

Бошга тушган мусибатларни, ўзидаги касалликларни ва қилган хайру эҳсонни яшириш яхши фазилатлардандир.

* * *

Аллоҳга суюниш ўрнига бошқа сеҳру жоду, туморларга ихлос қилган кишини Аллоҳ ўз ҳолига ташлаб қўяди.

* * *

Кимки тумор осса, ўша туморга топширилади (Аллоҳ паноҳидан маҳрум қилинади).

* * *

Қашшоқликдан, хасталикдан, умуман, инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган нарсалардан асло чўчимаслик керак.

* * *

Сафар қилинглари, соғлом бўласизлар.

* * *

Умматимнинг саёҳатлари Аллоҳ йўлидаги жиҳодларидир.

* * *

Пишай десанг, сафар қил. Сафарда беш фойда бор: кўнгил ёзиш, куч тўплаш, илм ва адаб ўрганиш, доно кишилар билан зиёратда, суҳбатда бўлиш.

* * *

Сайр, саёҳат қилиш ҳақида яна Куръони каримнинг 3-«Оли-Имрон» сураси, 137-оят ва 9-«Тавба» сураси, 2-оятга ҳам қараб қўйинг.

* * *

Қачонки бирор ёмон (гуноҳ) иш қилиб қўйсанг, дарҳол бирор савобли иш ҳам қилиб қўй!

* * *

Одамлар билан муросаю мадарода бўлиш ҳам садақа ҳисобланур.

* * *

Хайрли ва савоб ишлар инсонни турли фалокатлардан сақлайди.

* * *

Садақа хор бўлиб ўлишдан асрайди.

* * *

Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқдир — оби худойидир.

* * *

Сув кичикдан, таом каттадан бошлаб берилади.

* * *

Онас ибн Молик разийаллоҳу анҳунинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳга айрон олиб келдилар. Ўнг тарафларида бир чўл араби ва чап тарафларида дўстлари ва сафдошлари Абу Бакр Сиддиқ ўтирган эдилар. Расулуллоҳ ўзлари ичиб, идишни аъробийга узатдилар ва: «Ўнг тарафдан бошланади», дедилар.

* * *

Онас ибн Молик разийаллоҳу анҳунинг айтишича, Расулуллоҳ: «Кечки таомни, гарчи бир кафт хурмо бўлса ҳам, еб ётинглар, чунки кечки таомни тарқатиш қарилликни олиб келади», деганлар.

* * *

Қиймларингизни чиройли қилинглар, от-уловларингизни яроқли тутинглар! Одамларга юздаги холдек намуна бўлинглар.

* * *

Яхшиликни чиройли юзли кишилардан кутинглар.

* * *

Кўпинча кишининг суврати сийратини акс эттиради.

* * *

Аллоҳ қалбини чиройли қилган кишининг устини (ташини) ҳам чиройли қилиб қўяди.

* * *

Одамларни ўзларига муносиб жойларга ўтқазинглар.

* * *

Олимлар билан ўтирсанг фойда оласан. Чунки гул ёнида ўтирган одамга гул ҳиди уриб қолади.

* * *

Яхши киши билан ўтириш — катта ўлжага эга бўлиш деган сўз.

* * *

Амал қилишда давом этинглар. Ҳар бир инсон нима учун яратилган бўлса, унга ўшанинг йўли осон қилиб қўйилгандир.

* * *

Ҳар бир киши нима учун яратилган бўлса, ўшанга тайёр бўлиб боради.

* * *

Эй Парвардигор! Мени илм билан бойит, ҳилм (юмшоқлик) билан безагин, тақво билан мукаррам этгин ва хотиржамлик билан гўзал қилгин.

* * *

«Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ» деган калимани кўп айтинглар, чунки у жаннат хазиналаридандир.

* * *

Зикр (ёдлаш) банданинг Ҳақ таолога муҳаббатидир. Зикрларнинг афзали «Ла илаҳа иллаллоҳ»дир.

* * *

Қуйидаги икки дуо ҳам Расулуллоҳнинг кўп айтиб юрган дуоларидандир:

— Машааллоҳу ла қуввата илла биллаҳ!

— Ла илаҳа илла анта субҳанака инни кунтум миназ-золимийн!

* * *

Оёқ кийимларингизни кийган ҳолда намоз ўқийверинглар, яҳудийларга ўхшаманглар.

* * *

Гарчи Хитойда бўлса ҳам, илмга интилинглар, чунки илм талаб қилишга ҳаракат қилиш ҳар бир муслим ва муслималар учун фарздир.

* * *

Илм ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай кўмиб қўйиш билан баробардир.

* * *

Илмни ёзиб қўйиш билан боғлаб олинглар.

* * *

Омининг адашгани — ўзининг адашгани, олимнинг адашгани — оламнинг адашгани.

* * *

Ҳикмат мўминнинг йўқотган нарсасидир. Уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир.

* * *

Беш нарсадан олдин беш нарсани ганимат бил:

- ўлимингдан олдин тириклигингни;*
- бетобликдан олдин саломатлигингни;*
- бандлигингдан олдин бўш вақтингни;*
- кексалигингдан олдин ёшлигингни;*
- камбағаллигингдан олдин бойлигингни.*

* * *

Касбларнинг энг ёмони, жирканчи судхўрлик ва тиланчиликдир.

* * *

Касбнинг афзали ҳалол савдогарлик ва ўз қўли билан қиладиган касбдир.

* * *

Қўрқоқ савдогар фойдадан маҳрум, қўрқмас савдогар омадлидир.

* * *

Жиҳоднинг афзали Аллоҳ йўлида ўз нафси ва хоҳишига қарши қилинган жангдир.

Судралиб юришда хорлик ва олдинга қараб журъат билан юришда ифтихорлик мавжуддир.

* * *

Ҳар бир ишнинг бошланиши шу ишнинг деярли ярми бажарилганлиги билан баробардир.

* * *

Ҳар бир иш оқибати билан эътибор қилинади.

* * *

Неъматга шукр қилиш унинг заволидан сақлайди.

* * *

Дуо келган ва келадиган бутун мусибатларни қайтаради. Дуо балони ҳам даф этади.

* * *

Хастанинг олдига кирганингда, сенга хайрли дуо қилишини сўра. Чунки унинг дуоси малакларнинг дуосига тенгдир.

* * *

Эй Аллоҳнинг бандалари! Даволанинглар, чунки Аллоҳ таоло бирор касалликни давосиз яратмаган, илло бир касалликнинггина давоси йўқдир. Бу қарилдикдир.

* * *

Касалларингизни садақа бериш билан даволанглар.

* * *

Ҳар бир яхшилик садақадир.

* * *

Жаноб Расулуллоҳ ҳикоя қилдилар: «Бани Исроил қавмидан бир бузуқ хотин мағфират қилинди. У хотин чанқоқдан ўлаётган итга маҳсисини ечиб, рўмолига боғлаб, маҳсисида қудуқдан итга сув чиқариб берган эди. Шу сабабдан Аллоҳ уни мағфират қилди».

* * *

Зино фақирлик келтиради.

* * *

Расулуллоҳ: «Аллоҳ таоло раҳмдилликни фақат бадбахтдангина тортиб олади», — деганлар.

Кишининг зоҳирига қараб ҳукм қилинади, ботини эса Аллоҳга ҳавола қилинади.

* * *

Умнатларим учун мен қаттиқ қўрққан жиҳатлар: қорин солиб семириш, серуйқулик, дангасалик ва суст эътиқодда бўлишдир.

* * *

Хотиржамликдан кўра гўзалроқ яхши нарса йўқ.

* * *

Қандай бўлишларингга қараб, сизларга бошлиқ (ёки подшоҳ) юборилади.

* * *

Пайгамбаримизнинг айтишларича, беш хил жониворларни ҳамма жойда ўлдириш мумкин: илон (чаён)ни, сичқон (каламуш)ни, қопогон ва қутурган итни, олақаргани ва калхатни.

* * *

Кимки қўриқчи ит, овчи ит ёки пойлоқчи итдан бошқа итларни уйида сақласа, қилган савоб ишлари миқдори ҳар куни камайиб боради.

* * *

Расулуллоҳ Мадинага келган вақтларида, у ердаги халқлар туянинг ўркачини ва қўйнинг думбасини тириклигида қирқиб олар эдилар. Бунни кўриб, Расулуллоҳ: «Ҳайвоннинг тириклигида қирқиб олинган аъзоси ўлик ҳайвон ҳукмидадир», деганлар.

* * *

Саҳобалардан Зайд ибн Онас ва Жобир ибн Абдуллоҳнинг айтишларича, пайгамбаримиз от ва қуён гўштини ейишни, эшак гўштини эса ейишдан қайтарган эканлар.

* * *

Ҳазрат Расулуллоҳ ҳайвонларни бир-бири билан уриштиришдан қайтардилар.

* * *

Қайси бир мусулмон киши бир дарахт ўтқазса ёки экин экса-ю, ундан инсонми, қушми ёхуд ҳайвонми еса, у кишига садақа бўлиб ёзилаверади.

* * *

Мусулмонлар, йўллардан озор берувчи нарсаларни (тош, тикан каби) олиб ташланглар!

Аллоҳ таоло сенга берган неъматларидан фойдаланиб, ўзингни парвариш қил.

* * *

Расулulloҳ шундай деганлар: «Ипак кийим ва тилла тақинчоқлар эркак умматларимга ҳаром қилинди ва аёлларга ҳалол қилинди».

* * *

Очиқ қўл одамнинг таоми даво, очкўз одамнинг таоми дарддир.

* * *

Ошна-оғайнилари мўл одамнинг дўсти бўлмайди.

* * *

Тама ва ялқовлик хорлик келтурур.

* * *

Авлиёларни эслаб туриш Парвардигор раҳматини ёғдиради.

* * *

Жаноб Расулulloҳ кишини уйда ёлғиз ухлашдан қайтардилар.

* * *

Енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, мағрурланманглар.

* * *

Лагандаги таомни атрофидан енглар, ўртасидан еманглар, чунки барака ўртасига тушади.

* * *

Одамларнинг юзига уришдан сақланинглар.

* * *

Берган нарсасини қайтариб олган киши, гўё ит қайт қилганини яна қайта еявериши билан баробардир.

* * *

✓ *Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ бўлиши ва бахтиёр яшамоғи зарур. Бахт яхши кайфият, ором, фаровонлик, уйғунлик, мутаносиблик ва вазминликдир.*

Аллоҳ таоло аксиришликни ёқтиради, эснашлик ва кекиришни ёмон кўради.

* * *

Тонгги уйқу ризқни қирқади.

* * *

«Навмул олими хайрун мин ибадати жоҳили», яъни: жоҳилнинг ибодатидан олимнинг уйқуси афзалдир.

* * *

Кимки бир ишни қиламан деб қасам ичса, кейин бошқа нарсани афзал кўрса, қасамига каффорат бериб, ўша афзал ишни қилсин.

* * *

Расулуллоҳ: «Аллоҳ таоло сизларни оталарингизни пеш қилиб қасам ичишдан қайтарди. Қасам ичмоқчи бўлган киши, Аллоҳ номи билан қасам ичсин ёки сукут қилсин», деганлар.

* * *

Бир аёл Каъбага ҳажга пиёда боришни назр (ният) қилди. Расулуллоҳдан бу ҳақда сўраганларида: «Аллоҳ таоло унинг пиёда боришига муҳтож эмас, айтинглар, уловга миниб борсин», дедилар.

* * *

Бир кекса одамни икки тарафидан икки ўғли суяб, пиёда кетаётганларида, Расулуллоҳ: «Бу нима учун», деб сўрадилар. Улар: «Ё Расулуллоҳ, отамиз ҳажга пиёда боришни назр (ният) қилган эдилар», дедилар. Шунда Расулуллоҳ: «Аллоҳ таоло бу кишининг ўзини азобга солишига муҳтож эмас, айтинг, отангиз бирон уловга миниб олсин», дедилар.

* * *

Хоҳлаган кишингга фазилатли, марҳаматли бўл — бас, сен унинг амирисан. Хоҳлаган кишингдан сўрайвер — бас, сен унга асирдурсан. Хоҳлаган кишингга беҳожат бўл — баски, сен у билан баробарсан.

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳнинг нақл қилишларича, Расулуллоҳ бундай деган эканлар: «Аллоҳ таоло томонидан менга илгариги пайғамбарларнинг бирор-тасига ҳам ато этмаган бешта имтиёз берилмишдир:

1) бир ойлик йўлда турганимдаёқ, душманларим юрагига қўрқув солиниб голиб қилинмишмен;

2) бутун ер юзи менга саждагоҳ қилиб берилмишдир. Қайси бир умматимга

намоз вақти қаерда тўғри келса, ўша ерда намоз ўқийверсин!;

3) жангда олинган ўлжа менга ҳалол қилинмишдир;

4) ҳар бир пайғамбар ўз қавмигагина пайғамбар қилиб юборилур эрди. Мен эрсам ҳамма одамларга пайғамбар қалиб юборилмишмен;

5) менга шафоат қилмоқ имконияти ҳам берилмишдир (Имом ал-Бухорий. «Хадис». 1-жилд, 1997, 132-бет).

* * *

Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ, Усома ибн Зайд, Билол ва Усмон ибн Талҳа Каъбага кириб, эшигини ёпиб, қўйдилар. Улар эшикни очишганда, мен биринчи бўлиб ичкарига кирдим. Шунда Билолни учратиб: «Расулуллоҳ Каъба ичида намоз ўқидиларми?» — деб сўрадим. Билол: «Ҳа, икки яманий устун оралигида», — деб жавоб бердилар» (Каъбанинг қайси томонига қараб намоз ўқиса ҳам, ҳеч кимга гуноҳ бўлмагайдир) («Хадис». 1-жилд, 439—440-бетлар).

* * *

Анас разийаллоҳу анҳудан: «Расулуллоҳ масжид қурилмасидан аввал қўйхоналарда ҳам намоз ўқийверар эдилар» («Хадис» 1-жилд, 75-бет).

* * *

Анас ибн Молик: «Жаноб Расулуллоҳ намозни қисқа қилиб ҳам, мукаммал қилиб ҳам ўқир эдилар» — дедилар («Хадис» 1-жилд, 197-бет).

* * *

Расулуллоҳ дедилар:

«Эй одамлар, баъзи бирингиз халқни бездирмоқдасиз (қочириб юбормоқдасизлар), энди кимки одамларга имом бўлиб намоз ўқийдиган бўлса, енгил қилиб ўқисин, чунки улар ичида касал, заиф ва ҳожатли кишилар бордир» («Хадис». 1-жилд, 39-бет).

* * *

Расулуллоҳ айтганлар:

«Дин ўнгайдир, ҳеч ким уни қийинлаштириб юбормагай, мабодо қийинлаштириб юборса, дин уни енгил қўйғусидир (яъни амали солиҳларни ҳаддан зиёда зиммасига олиши натижасида уларни эплай олмай, ҳаммасини тарк этишига сабаб бўлеусидир). Демак амали солиҳларни ўртача бажарингиз, ибодатларни мукаммал адо этишга қодир бўлмасангиз, шунга яқинроқ қилингиз» («Хадис». 1-жилд, 21-бет).

* * *

Расулуллоҳ: «Гуноҳ қилгувчи киши кофир бўлмайдир, илло ширк келтирган кишигина кофир бўладир» деганлар.

* * *

Расулуллоҳ бир гуноҳ қилган кишига: «Сенда жаҳолатдан бор экан», — деганлар. Аллоҳ ояти каримасида: «Аллоҳ ширкни кечирмайдир, қолган ҳамма нарсани, хоҳласа, кечирishi мумкин», — деган («Хадис». 1-жилд, 19-бет).

Расулуллоҳ деганлар: «Аҳли жаннат жаннатга киргайдир, аҳли дўзах дўзахга киргайдир, кейин Аллоҳ таоло малоикаларига: «Қалбида заррача иймони бор одамни дўзахдан чиқарингиз!» — деб айтадир. Улар шундан сўнг, куйиб, қорайиб кетган ҳолда дўзахдан чиқгайдирлар, ҳаёт дарёсида чўмилгайдирлар, ёмеирдан кейин гиёҳлар унгандек баданлари кўркам бўлеусидир» («Ҳадис». 1-жилд, 17-бет).

* * *

Расулуллоҳ Муозга: «Кимки Аллоҳ таолога ширк келтирмай рўбарў бўлса, жаннатга киргайдир», — деган эканлар. Шунда Муоз: «Одамларга бу хушхабарни айтайми?» — деган экан. «Йўқ, қаттиқ умид боелашларидан қўрқаман», — деган эканлар Расулуллоҳ (Яъни, одамлар: «Аллоҳга ширк келтирмасак, бас, жаннатга кирар эканмиз», — деб нотўғери ўйламасинлар», — деган маънода) («Ҳадис». 1-жилд, 49—50-бетлар).

* * *

Расулуллоҳдан сўрдилар: «Қайси хислатлар исломда энг яхшидир?» Айтдилар: «Очларга таом бермогинг ва таниган ва танимаганга салом бермогинг» («Ҳадис». 1-жилд, 14-15-бетлар).

* * *

Барро разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ етти нарсага одат қилиб, етти нарсадан ҳазар қилмакни буюрдилар. «Қуйидагиларни одат қилингиз!» — дедилар:

- жанозага қатнашмакни;*
- касални бориб кўрмакни;*
- чақирилган жойга бормакни;*
- мазлумга ёрдам бермакни;*
- қасам ичса, қасамида турмакни;*
- саломга алик олмакни;*
- акса урган киши «Алҳамдулиллоҳ» деса, унга «Йарҳамукаллоҳ» демаски.*

«Қуйидагилардан ҳазар қилингиз!» — дедилар:

- кумуш идиш тутмоқдан;*
- тилла узук тақмоқдан (эркакларга);*
- ипакли кийим киймоқдан (эркакларга);*
- дебож (гулдор ипакли кийим) киймоқдан;*
- қасий (дағал матодан тикилган кийим) киймоқдан;*
- истабрақ (атласга ўхшаган мато) киймоқдан;*
- бу ривоятда еттинчиси тушириб қолдирилган («Ҳадис». 1-жилд, 335—336-бетлар).*

* * *

Иброҳим ан-Нақшдан: «Ҳаммомда қироат қилмоқнинг ва таҳоратсиз хат ёзмоқнинг зарари йўқдир. Ҳаммомдагиларнинг лунгиси бор эрса, салом бергил, лунгиси йўқ эрса, салом бермагил!» («Ҳадис». 1-жилд, 63-бет).

* * *

Анас разийаллоҳу анҳу нақл қиладилар:

«Расулуллоҳ: «Гарчи сизларга боши майиздек қоп-қора қул бошлиқ қилиб тайинланса ҳам, унга қулоқ солиб, итоат этингиз!» — деганлар» («Ҳадис». 1-жилд, 193—194-бетлар).

* * *

Зубайр ибн Аввом айтадилар:

«Набий саллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Қўлингизга арқон олиб, бир боғ ўтин териб, сўнг уни елкангизга орқалиб, олиб бориб сотсангиз-у, Аллоҳ таоло бу билан сизни тиланчилик хижолатидан қутқариб қолса, сиз учун бу — сўрасангиз, ё берадиган ё бермайдиган кишининг олдига бориб садақа тилаганингиздан кўра, афзалроқдир!» — деганлар» («Ҳадис». 1-жилд, 405-бет).

* * *

Набий саллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Қариндошларига закот берган одамга иккита савоб теккайдир — бири қариндошларига оқибат қилгани учун, иккинчиси — закот бергани учун», — дедилар («Ҳадис». 1-жилд, 401-бет).

* * *

Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ икки қабр ёнидан ўтаётди: «Бу қабрдаги майитлар азоб чекмоқда, бироқ катта гуноҳ учун азобланаётганлари йўқдир. Булардан бири чақимчилик қилар эди, иккинчиси эса сийдигидан эҳтиёт бўлмас эди», — дедилар. Кейин бир ҳўл новдани олиб, иккига бўлдилар-да, ҳар бир қабрга биттадан санчиб қўйиб: «Шояд, шул чўплар қуригунча, азоблари енгиллашгайдир!» — дедилар» («Ҳадис». 1-жилд, 375-бет).

* * *

Ойиша разийаллоҳу анҳо айтадиларки, Расулуллоҳ: «Беш тур ҳайвон — қарға, калхат, чаён, сичқон ва тишланеич ит зараркунанда бўлиб, уларни эҳром боғлаган киши ўлдирса, гуноҳкор бўлмагайдир» — деган эрканлар («Ҳадис». 1-жилд, 495-бет).

* * *

Расулуллоҳ ҳар ойда 3 кун рўза тутган кишига умр бўйи рўза тутганинг савоби берилажагини айтиб ўтганлар. Чунки ҳар бир қилинган яхшиликка ўн баробар савоб тегиши, бу эса умр бўйи рўза тутганлик ҳисобига ўтишини таъкидлаганлар. Ҳазрат Довуд эрса доим кун ора рўзадор бўлган эканлар, яъни бир кун рўза тутиб, бир кун тутмас эрканлар («Ҳадис». 1-жилд, 535-бет).

* * *

Қиблага қараб ҳожатга ўтириб бўлмайди, бирор бинонинг ичида девор ёки шу каби нарсага қараб ўтириш мумкин. Абу Айюб ал-Ансорийдан:

«Расулуллоҳ: Агар бирортангиз қазои ҳожатга борсангиз, қиблага қараб ёки қиблага орқа қилиб ўтирмангиз, кун чиқар, ва кун ботарга қараб ёхуд орқа қилиб ўтирингиз!» — деганлар». (Ўрта Осиёда шимол ёки жанубга қараб) («Ҳадис». 1-жилд, 54—55-бетлар).

Абдуллоҳ ибн Амр разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Мен жаноб Расулуллоҳнинг «Кимки ўз молини ҳимоя қилаётиб ўлдирилса, шаҳиддур» деганларини эшитдим» («Ҳадис». 2-жилд, 114-бет).

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ: «Агар бирортангиз қулингизни бирор айби учун урсангиз, юзига урмангиз!» — дедилар». Эҳтимол, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида яратгани учундир, балким инсонларнинг отаси Одам алайҳиссаломнинг ҳурматлари юзасидандур? («Ҳадис». 2-жилд, 132-бет).

* * *

Жобир ибн Абдуллоҳ бундай дейдилар:

«Расулуллоҳ эшак гўшти ейишдан қайтардилар, аммо от гўшти ейишга ижозат бердилар».

* * *

Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«(Холам) Умму Ҳуфайд Расулуллоҳга сузма, сариёғ ва (пиширилган) калтакесаклар ҳадя қилдилар. Жаноб Расулуллоҳ сузма ва сариёғдан тановул қилиб, калтакесаклардан эрса, жирканиб емадилар. (Аммо, бошқалар ул зотнинг дастурхонларида калтакесакларни тановул қилишди. Агар калтакесак ҳаром бўлганда, ул зотнинг дастурхонларида тановул қилинмас эрди» («Ҳадис». 2-жилд, 138-бет).

* * *

Абдуллоҳ ибн ал-Ос ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ: «Эй Абдуллоҳ! Сен кундузи рўза тутиб, кечаси бирлан ибодат қилиб чиқар эмишсан», — дедилар. Мен: «Ҳа, ё Расулуллоҳ!» — дедим. Ул зот: «Бундай қилма! Рўза ҳам тут, оғиз ҳам оч, тунда ибодат ҳам қил, ухлагил ва аёлинг билан бўлгил ҳам, чунки жасадингнинг ҳам, кўзингнинг ҳам, хотинингнинг ҳам сенда ҳаққи бордур!» — дедилар» («Ҳадис» 3-жилд, 428-бет).

* * *

Киши ўз қизини рашк ва инсоф қилиб ҳимоя этмоғи ҳақида саҳоба Мисвар ибн Махрама ривоят қиладилар: «Жаноб Расулуллоҳ минбарда туриб: «Бир киши ўз қизини кувём Алига бермоқчи бўлиб мендан изн сўради. Мен ҳеч қачон рухсат бермайман, фақат Али қизимни талоқ қилиб, у кишининг қизига уйланишини менга айтсагина, рухсат бераман! Чунки қизим менинг бир бўлагимдир, ким унга озор берса менга озор берган бўлади, уни шубҳага солган нарса мени ҳам шубҳага солади!» — дедилар» («Ҳадис», 3-жилд, 436-бет).

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Ҳазрат Алининг ўғилчалари Ҳасан закотга берилган хурмолар гарамидан бир дона хурмони олиб, оғизларига солиб эрдилар, Расулуллоҳ форс тилида: «Ких-ких! Бизнинг яъни, менинг ва менинг оиламнинг ҳамда менинг авлодларимнинг садақа емаслигимизни билмайсанми?!» — дедилар». («Ких-ких! Форс-

лар бирор нарсадан нафратланганда айтадирган сўз бўлиб, биз ўзбеклар ҳам, агар бола оғзига бирор ярамас нарсани солса ёхуд солмоқчи бўлса ёки олса ё олмоқчи бўлса, «Ких-ких!» ёки «Қихха-қихха!» деб айтамиз) («Ҳадис». 2-жилд, 316-бет).

* * *

Умму Холид бинти Холид ибн Саъид разийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар:

«Мен отам бирлан бирга Расулуллоҳ ҳузурларига келдим. Шу вақтда мен ёш қизча эдим, бир сариқ кўйлакча кийиб олган эрдим. Жаноб Расулуллоҳ кўйлакчамга қараб: «Қандай чиройли, қандай яхши!» деб мақтадилар. Сўнг ул зот менга: «Эскитиб-чиритиб кийгил, эскитиб-чиритиб кийгил, эскитиб-чиритиб кийгил!» Яъни Аллоҳ таоло умрингни дароз қилсун, бундай кўйлаклардан жуда кўпини кийгил!» — деб дуо қилдилар» («Ҳадис». 2-жилд, 315-316-бетлар).

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ: «Эй муслима аёллар, қўшни аёл қўшни аёлга, гарчи қўй туёгини бўлса-да, ҳадя қилишдан ор қилмасин!» — деб марҳамат қилдилар». Яъни: қўшни аёллар қўлларидан келганча бир-бирларига ҳадя қилиб турсинлар. «Бу оз-ку! ёки «Арзимас-ку!» деб ўзларини ҳадя қилмоқдан тиймасинлар, деган мазмундадур («Ҳадис». 2-жилд, 135-бет).

* * *

Ойиша разийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар:

«Ё Расулуллоҳ, менинг икки қўшним бор, улардан қайси бирига ҳадя қилайин?» — дедим. Шунда ул зот: «Улардан ўзингга эшиги энг яқинига», — деб марҳамат қилдилар» («Ҳадис». 2-жилд, 143-бет).

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Набий саллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Агар кўча ўртасидаги ўлик ерни талашиб, ул ерга иморат қурадирган бўлсалар, кўча учун етти зироъ (таҳминан 5,3 метр) қолдирсинлар!» — дедилар («Ҳадис». 2-жилд, 112-бет).

* * *

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Кимки ўзининг ҳақи бўлмаган ердан бир қаричини бўлса-да, тортиб олса, Қиёмат куни ўшал ер бирлан етти қават Ер тубига тушиб кетур», ҳамда «Бир қарич келадиган ерни бўлса ҳам зулм бирлан ўзлаштириб олган кимса бўйнига етти қават Ердан иборат тавақи лаънат илингай!» деб айтганлар («Ҳадис». 2-жилди, 362-бет).

Бу ҳадис айниқса ҳозирги пайтда авж олиб кетган, билибми, билмайми, очкўзлик ва баднафслик билан кўчаларни панжаралар билан ўраб, тўсиб олаётганларга тегишлидир. Ушбу кишилар бу ишлари билан оладиган бир баробар нафлари минг баробар зиён келтиришини ўйлаб кўрсалар бўлар эди.

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ: «Бирортангизнинг идишингизга пашша тушса, уни бутунлай ботириб, сўнг олиб ташланг, чунким унинг бир қанотида шифо, иккинчисида дард мавжуд», — дедилар» («Ҳадис». 4-жилд, 38-бет).

Қорун каби такаббур одамлар ҳақида Абдуллоҳ ибн Умар разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ: Кимки кийимини такаббурлик бирлан судраб юрса, Аллоҳ таоло қиёмат кунини унга марҳамат назарини ташламайди», — дедилар («Ҳадис». 4-жилд, 39-бет).

* * *

Солим оталаридан нақл қиладилар:

«Расулуллоҳ изор (иштон) ҳақида бирқанча гапларни айтганларидан сўнг, Абу Бакр: «Ё Расулуллоҳ, изоримнинг бир тарафи доим осилиб туради?!» — дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: «Сиз улар тоифасидан эрмассиз!» — деб жавоб қилдилар» («Ҳадис». 4-жилд, 99—100-бетлар).

Бу икки ҳадис айниқса ҳозирги пайтда калта шим кийиб ёки шимларини пастини шимариб юрувчи айрим ёшларимизга ҳам тегишлидир.

* * *

Ойиша разийаллоҳу анҳо ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ кечалари ҳам қўшимча кўп намоз ўқир эрдилар. Буни кўрган одамлар ҳам жаноб Расулуллоҳ каби намоз ўқий бошлашди, ҳатто бора-бора одам жуда кўпайиб кетди. Шунда жаноб Расулуллоҳ уларга рўбарў бўлиб: «Эй одамлар, қурбингиз етадирган ишни қилинглар, чунким тоат-ибодатингиз сизга малол келмаса, Аллоҳ таолога малол келмайди. Аллоҳ таоло, гарчи қисқа бўлса-да, кандасиз тоат-ибодатни ҳуш кўради!» — дедилар» («Ҳадис». 4-жилд, 56-бет).

* * *

Авн ибн Абу Жуҳайфа ривоят қиладилар:

«Убайни кўрдим, у менга: «Расулуллоҳ қортиқ солиб қон олганлик учун ҳақ олмоқдан, ит сотмоқдан, судхўрлик ва порахўрлик қилмоқдан ҳамда бу ишларда воситачи бўлмоқдан, игна бирлан аломатлар чизмоқ ва чиздирмоқдан (татуировка) қайтардилар ва ҳусн учун қош терувчи, тердирувчи, тишлар орасини кенгайтирувчи аёлларни, яъни Аллоҳ таоло яратган аъзоларини ўзгартирувчи аёлларни лаънатладилар», — дедилар» («Ҳадис». 4-жилд, 71-бет).

* * *

Абу Талҳа разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Набий саллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ит ёким суратлар мавжуд бўлган уйга (хонага) фаришталар кирмайди», — дедилар» («Ҳадис». 4-жилд, 72-бет).

* * *

Жубайр ибн Мутъим ва Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳумолар:

«Қариндошларига оқибатсиз одам жаннатга кирмағайдир», ва «Кимки ризқим улуг, умрим узоқ бўлсин деса, қариндош-уруғларига меҳр-оқибатли бўлсин!», деган сўзларни Расулуллоҳдан эшитганликларини айтганлар («Ҳадис»). 4-жилд, 82-бет).

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ: «Тул хотин бирлан мискиннинг хизматини адо этгувчи одам Аллоҳ таоло йўлида жиҳод қилгувчи одам янглиғдир», — дедилар».

Абу Хурайра ва Анас ибн Молик разийаллоҳу анҳумолар:

«Расулulloҳ: «Бадғумон бўлманглар, тирноқ остидан кир қидирманглар, гап пойламанглар, бир-бирларингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан аразламанглар ва нафратланманглар, ака-ука тутиниб Аллоҳнинг солиҳ бандалари бўлинглар. Мусулмон одам ўз диндош биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмасин!» — деганларини эшитган эканлар («Ҳадис». 4-жилд, 100—101 бетлар).

* * *

Ислому турмушнинг ҳар бир икир-чикирини ҳам эътибордан четда қолдирмаганки, куйида Имом Бухорийнинг аёллар ҳақидаги ҳадисларидан айримларини келтиришни ҳам маъқул топдик. Зеро «шариатда шарм йўқ» деган ибора бизни бунга ундади.

* * *

Расулulloҳ айтдилар:

«Менга дўзах кўрсатилди, қарасам, ундаги одамларнинг кўпи инкор қилувчи хотинлар экан».

Саҳобалар: «Аллоҳни инкор қилганми?» — деб сўрадилар.

— «Эрнинг яхшилигини инкор қилганлар, эрнинг қадрига етмаганлар. Агар буларнинг биттасига бир умр яхшилик қилсанг-у, кейин сендан бир кичик ёмонлик кўрса: «Сендан нима кўрдим, ҳеч яхшилик кўрмадим», деб айтадир, — деб жавоб бердилар («Ҳадис» 1-жилд, 19-бет).

* * *

Абу Саъид ал-Худрий бундай ривоят қиладилар:

«Расулulloҳ, Қурбон ҳайити ёки Рамазон ҳайити эрди, намозгоҳга чиқдилар. Хотинларнинг ёнидан ўтаётиб: «Эй хотинлар жамоаси, садақа қилингиз! Дўзах аҳлининг кўпроғи аёллардир, деб менга аён қилинди», — дедилар. Шунда хотинлар: «Не сабабдан, ё Расулulloҳ?», — дедилар. «Кўп қарғайсизлар ва эрнинг яхшилигини билмайсизлар. Эрнинг яхшилигини камситгайсизлар, қадрламасизлар (кўрнамаклик қилгайсизлар), сизлардан кўра калтафаҳм ва эътиқоди сустроқ, ҳар қандай иймонли кишини ҳам йўлдан оздиргучироқ тоифани кўрмадим», — дедилар. Хотинлар: «Эътиқод ва ақлимизнинг нечук нуқсонлари бор эркан, ё Расулulloҳ?» — дейишди. «Бир хотин кишининг гувоҳлиги яримта эркакнинг гувоҳлигига тенг эрмасдирми?» — дедилар жаноб Расулulloҳ. «Ҳа, шундай», — дейишди хотинлар. «Худда мана шу ақлингизнинг нуқсонлари эмасдирми? Ҳайз кўргангизда намоз ўқимаслигингиз, рўза тутмаслигингиз ҳам сизнинг эркакларга нисбатан нуқсонингиз эмасми?» — дедилар. «Ҳа, тўғри айтдингиз», — дейишди аёллар. «Мана шулар аёллар динининг нуқсонли эканини англатгайдир», — дедилар Расулulloҳ» («Ҳадис». 1-жилд, 91-бет).

* * *

Одам Атонинг тупроқдан, аёлнинг Одам Атонинг қобирғасидан, яъни гўштдан яратилгани эркак ва аёлнинг фарқлинишига сабаб бўлиши мумкин, деб ҳисобловчилар ҳам бор. Аллоҳнинг Ўзи билгувчироқдир.

* * *

Ибн Аббос ва Убода ибн Сомит разийаллоҳу анҳумолардан ривоят қиладилар: «Аллоҳнинг «Аёллар сизга яхши ишларда осий бўлмасинлар!» деган ояти-

нинг мазмуни Аллоҳ таоло шахсан аёлларга буюрган шартларидур», — дейдилар. (Бу шартлар, муфассирларнинг гапларига қараганда, Аллоҳга бирор нарсани шерик қилмаслик, баланд овоз билан йиғламаслик, бегона эркак бирлан танҳо қолмаслик, юзни бўямаслик, кўкракларини очиб юрмаслик, қаргамаслик, шеър ўқимаслик, ўеирлик, хиёнат, зино қилмаслик, бировнинг боласини олиб, уни ўзим тугдим деб эълон қилмаслик ва ҳар қандай ишда Аллоҳ ва Унинг Расулига итоат этмоқликдир) («Ҳадис». 3-жилд, 333-бет).

* * *

«Ҳадис»нинг 1-жилд, 83-бетида пайғамбарларга аёллар билан қилинадиган муомалада 30 кишининг эрлик қуввати берилганлиги кўрсатиб ўтилган.

* * *

Муғийра: «Мен 12 ёшимда бўгандим (балогатга етдим), аёлларнинг балогатга етгани эрса, ҳайз кўрганидур», — дедилар («Ҳадис». 2-жилд, 168-бет).

* * *

Саҳобалар: «Хотинимиз ҳайз кўрса, биз не қилгайдирмиз?» — деб Расулуллоҳдан сўрашди. Шунда қуйидаги мазмундаги оят нозил бўлди:

«Сендан ҳайз тўғрисида сўрарлар, ҳайз озор бергувчи нарсадир, ҳайздан пок бўлгунларигача хотинларга яқинлик қилмангиз, қачон ҳайздан пок бўлгайлар, ўшандагина Аллоҳ таоло буюрган (ҳалол қилган) томонидан алоқа қилингиз. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло тавба қилган ва покиза кишиларни суйгайдир, дегин!» — дейди. Яҳудийлар ҳайз кўрган хотинини уйдан чиқариб, алоҳида қилиб қўйгай эрди («Ҳадис». 1-жилд, 89-бет).

* * *

Ойиша разийаллоҳу анҳо:

«Расулуллоҳнинг сочларини ҳайз кўрган ҳолимда ҳам тараб қўйгай эрдим», — деганлар («Ҳадис». 1-жилд, 90-бет).

* * *

Ойиша разийаллоҳу анҳо бундай дейдилар:

«Расулуллоҳ жимовдан сўнг ухламоқчи бўлсалар, намозга таҳорат олгандек таҳорат олиб, сўнг ётардилар» («Ҳадис». 2-жилд, 88-бет).

* * *

Абу Ҳурайра разийаллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ: «Агар эр хотинини ўз тўшагига чорласа-ю, у бош тортиб келмаса, малоикалар уни тонгга қадар лаънатлаб чиқадилар!» — дедилар» («Ҳадис». 3-жилд, 426-бет).

* * *

Абу Масъуд ал-Бадрий ривоят қиладиларки, Жаноб Расулуллоҳ: «Эркак кишининг ўз оиласига қиладирган сарфи ҳам садақадур», — деган эрканлар («Ҳадис». 3-жилд, 18-бет).

* * *

Ҳайз ва жинсий алоқа ҳақида Аллоҳ таоло қуйидаги икки оятни нозил қилган:

«Сиздан ҳайз тўғрисида сўрайдилар. Айтинг: «У (эр-хотин учун) азиятдир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича, уларга яқинлашмангизлар ! Покланганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган равишда келаверингизлар (қовушаверингизлар). Албатта, Аллоҳ чин тавба қилувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади» (2- «бақара» сураси, 222-оят).

«Хотинларингиз зироатгоҳингиздир. Бас, зироатгоҳингизга хоҳлаган жиҳатингиздан келаверингиз ва ўзингиз учун (савобли ишларни) тақдим этингиз. Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизки, сиз У билан мулоқот қилувчидирсиз. Мўминларга (охират мукофотлари ҳақида) хушхабар беринг (эй, Муҳаммад)!» (ўша сура, 223-оят)

Қуръони каримнинг бу ояти калимасига берилган шарҳига кўра, **Аллоҳ таоло** аёлларни зироатгоҳга (экин экиладиган ерга) ўхшатади. Дарҳақиқат, экинзорларга қанақа уруф экилса, ўша уруф униб чиқади. Дехқон ҳосил олиш учун ўз ерининг хоҳлаган томонидан келиб ишлов бериб, дон сепиб, кўчат ўтқазиб дехқончилик қилаверганидек, эрлар ҳам ўз хотинларидан фарзанд орттириш мақсадида хоҳлаган шаклда яқинлик қилиши мумкин. Лекин юқоридаги 222-оятда айтилганидек, фақат **Аллоҳ** буюрган тарафдан келиш шартдир. Лекин бу дегани фақат олд томонидан дегани эмас, балки қайси томонидан бўлса ҳам зироатгоҳ қасд қилиниши керак. **Аллоҳ** мулоқотда бўлишни эслатиш билан хотинга нисбатан Лут қавмининг қилиқларини қилмасликка ишорат қилмоқда (Яна қаранг 351-бетга).

Намозхонларнинг овоз чиқариб «Омийн» демоғи борасида

Абу Ҳурайра р. а. ривоят қиладилар: «Расуллоҳ с. а. в.: «Имом «Файрул мағзуби алайҳим валаззолин» деса, «Омийн» деб айтингиз! Чунким кимнинг «Омийн»и фаришталарнинг «Омийн»ига тўғри келиб қолгайдир, қилган гуноҳлари кечирилгайдир», — деганлар» (Имом ал-Бухорий «Ҳадис», I-жилд, 111-боб, 216-бет).

Абу Ҳурайра р. а. яна ривоят қиладилар: «Расуллоҳ с. а. в.: «Сизлар «Омийн» десангиз-у, осмонда малоикалар ҳам сиз бирлан биробар «Омийн» десалар, қилган гуноҳларингиз мағфират этилгайдир», — деганлар» (Имом ал-Бухорий «Ҳадис», I-жилд, 110-боб, 216-бет).

Имомнинг «Омийн» деб эшиттириб айтмоғи борасида

Ато р. а.: «Омийн — дуодир», — деганлар. Абдуллоҳ ибн Зубайр: «Омийн», — дедилар ва орқаларидагилар ҳам: «Омийн», — дейишди, ҳатто масжид жаннатдек гуркираб кетди. Абу Ҳурайра р. а. имомга: «Омийнни шошилиб айтмангиз!» — дердилар. Ибн Умар «Омийн»да яхшилик (савоб, фазилат) бор, деб айтур эрди», — дейдилар Нофиъ.

(Имом ал-Бухорий «Ҳадис», I-жилд, 109-боб, 216-бет).

Тонгда, бомдод намози вақтида бир зот Ҳасан Басрийнинг масжидига келиб, масжид эшигини қулфловлик кўрди. Ичкарида эса катта бир жамоат дуога «Омийн» айтиб (товуш бериб) турар эди. Бир оз вақтдан кейин ичкаридан ёлғиз ҳолида чиққан Ҳасан ҳазратларини кўрган киши таажжубланиб савол берди. Сабабини сўраган Абдуллоҳга ул ҳазрат: «Ҳеч кимга айтмагин. Ҳар куни парилар келиб, мендан дуо талаб этадилар, мен дуо қилурмен, улар «Омийн» айтиб тургайдирлар», деди (Ф. Аттор, «Тазкират-ул авлиё», Тошкент—1997, 17-бет).

И з о х: Ҳасан Басрий пайғамбаримиз қайнсингилларининг ўғли, авлиё бўлган.

Қуръони каримда Мусо ва Хизр а.с.лар ҳақидаги қиссада келтирилишича, бу икки зот бир куни бир қишлоққа кирганлар. Қишлоқ аҳли (жухудлар) ниҳоятда курумсоқ, ҳасис, баҳил эдилар. Уларни меҳмон қилиш тугул, яримта нон ҳам бермаганлар. Улар қишлоқдан маъюс бўлиб чиқиб кетганлар (Қаранг: 18-«Каҳф» сураси, 77-оят).

Ушбу ҳолат ҳақида **Аллоҳ таоло Қуръон**да: «Фа абав ан юзаййифухумо», — деб хабар берган эди. Бир куни ҳазрат Алининг олдиларига ўша қишлоқ аҳлларидадан бир жухуд келиб: «Ё амир ал-мўминин! Шу оят ўқилганда бизларнинг боболаримизга баҳиллик қилғонлари учун лаънат айтурлар ва шу сабабли биз бундан мулзам бўлиб уятдан кўп хижолат тортиб юрамиз. Энди агар шу оятдаги «Фа абав» даги биттагина «б» ҳарфини «т» ҳарфига ўзгартирсангиз ва бу оят «Фа атав» бўлса, маъноси Мусо ва Хизр а.с.лар зиёфатга келдилар, деган маъно ҳосил бўлиб, бу бизга ҳам обрў бўлиб, ҳам хижолатдан чиқар эдик ва бунинг эвазига бир туя тилло берар эдим», — деган.

Ҳазрат Али дарғазаб бўлиб: «Эй бадбахт! Сен ҳозирда бир туя тилло бергунча, ўша вақтда боболаринг уларга яримта нон берса бўлмас эрдиму? Энди мен сенинг тиллоларинг учун **Каломуллоҳ**ни бузиб, **Аллоҳ таолони** раҳматидан маҳрум бўлайинму? — деб олдиларидан қувиб чиқардилар (Боситхон ибн Зоҳидхон Ҳаким. Жавоҳир-ул хикоят. Тошкент, «Ёзувчи», 1992, 92-бет).

Ана шунақа... Улар **Аллоҳ таолонинг** каломини бузиб, бидъатлар киритиб, динимизга озгина-да бўлса ҳам озор бериш учун, ҳар қандай сарф-харажатларни ҳам аямадилар. Бундай касофатлардан доим эҳтиёт ва хушёр бўлмоқ керак.

* * *

Нақл қиладиларким, Имом Аъзам Абу Ҳанифа кечалари 300 ракаатдан намоз ўқир эканлар. Бир куни кўчадан ўтиб борар экан, бир хотиннинг бир хотинга: «Бу киши 500 ракаат намоз ўқийдилар», деганини эшитиб қолдилар. Шу хотин ёлғончи бўлмасин деб, 500 ракаатдан намоз ўқий бошладилар.

* * *

Яна айтишларича, бир шогирдлари: «Халқ Сизни ҳар кеча ухламай чиқадилар дейдилар», деди. Абу Ҳанифа: «Энди кечалари ухламасман», дедилар. «Нечун?» дедилар. «Халқ ёлғончи бўлмасин», дедилар.

* * *

Ҳазрат шайх Ҳотами Асом, Балхнинг улуғ шайхларидан эди. Қулоғи кар эмас эди. Аммо уни Ҳотами Асом дейишларининг сабаби шу эдики, бир кун унинг хузурига бир нарсани сўраш учун бир хотин келди. Гаплашиб турганларида хотинни нафлат босиб, ундан ел чикди. Ҳотам ўзини карликка, эшитмаганга солди.

— Баландроқ сўзлагин, қулоғим оғир, эшитмайман, — деди. Хотин қизариб-бўзариб, саволини баланд овозда қайтарди... Ўша хотин эшитиб малъул (хижолат) бўлмасин дея, 15 йил давомида Ҳотам ўзини карликка солиб юрди. Хотин охиратга равона бўлгач, буни давом эттиришни лозим кўрмади. Қулоғининг «очилганлигини» эълон қилди. Уни кар дейишларининг сабаби шу эди...

* * *

... Ҳотамнинг хотини ҳам вафодор, ҳам солиҳа ва кароматли, сиддиқа бир аёл бўлган. Бир куни Ҳотам ғазотга кетмоқчи бўлиб, унга:

— Мен тўрт ойлик сафарга кетаётибман. Шу муддатга қанча нафақа қолдиришимни истайсан? — деб сўради. Аёли:

— Тирик қолишимга етгулик нафақа қолдирсанг бас, — деди. Ҳотам:

— Тириклигинг ва ўлимнинг менинг қўлимда эмас, Ҳақ таолонинг қўлидадир, — деди.

Шунда аёли:

— Ундоқ бўлса, менинг ризқим ҳам сенинг қўлингда эмас, жаноби Ҳақнинг қўлидадир, — деди.

Шайх бу сўзни хуш кўрди ва уни дуо қилди. Кўшни хотинлар унга: «Хотамдан нечун нафақа олиб қолмадинг?» дедилар. Аёл уларга жавобан: «Ул ҳам мен каби ризқ егувчидир, берувчи эмасдир», — деди.

Хотам урушда бир кофир билан урушар экан, кофир Хотамни ётқизиб, ханжар билан бўғизламоқчи бўлиб турганида, Хотам ўзининг хотинини ўқ отиб, устидаги кофирни ўлдирганини кўрди. Аммо вафодор хотини шу заҳотиёқ кўздан ғойиб бўлганди...

* * *

Шайх Иброҳим Адҳамга савол бердиларким: «Не учун дуоларимиз қабул бўлмас?» — деб. Саволга савол билан жавоб бердилар:

«**Ҳақ**ни билиб, амрларини тутмасангиз, пайғамбар суннатларини бажармасангиз, Куръон ўқиб, амал қилмасангиз, **Холиқ**имизнинг неъматларини еб, шуқр қилмасангиз, жаннатни билганингиз ҳолда талаб этмасангиз, жаҳаннамдан кўрқмасангиз, **Унинг** ҳукми билан ўлим бор деб, ҳозирланмасангиз, она ва отангиз ва қариндошларингизнинг жасадаларини ўз қўлларингиз билан қабрга қўйган ҳолда, ибрат олмасангиз, бундай қабоҳатлар бирлан дуо қабул бўлурми?!».

* * *

Ҳақ таоло марҳамат этар: «Эй Менинг бандаларим! Сиз бу дунёда **Мен**дан уялсангиз, **Мен** ҳам охиратда сиздан уялурмен. Айбингизни юзингизга солмасмен ва гуноҳларингизни маҳв (афв) айлармен!

* * *

Ҳазрат шайх Абу Сулаймон Дараний айтур:

— Ҳар нарсанинг дарди бор, кўнгилнинг дарди кўп емоқдир. Ҳар ким кўп еса, унга олти бало етишгай:

- ўқиган намозининг завқини билмас;
- унутувчан бўлур; бирон нарсани эслай — ёдлай олмас;
- ўзи тўқ бўлганидан шафқати оз бўлур;
- ишга, тоат-ибодат этмоққа танбаллик (малоллик) келур;
- шаҳвати ғолиб бўлур;
- мусулмонлар масжидга борсалар, у хожатхонага борур.

* * *

«Уч нарса кўнгилни ўлдирур: кўп емоқ, кўп ухламоқ, кўп демоқ.

Кунда бир марта емоқ сиддиқлар ишидур. Икки марта емоқ мўминлар ишидур. Уч марта емоқ улуфи хорликдандир, ҳайвонлар ишидур».

* * *

«Икки нарса аблаҳликдур: ажойиб нарсани кўрмасдан бекордан-бекорга кулмоқлик, сўрамасалар ҳам жавоб бермоқлик» (Ҳазрат Шайх Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий).

* * *

Имом Аъзам Абу Ҳанифа тошлоқ йўлдан бораётган эдилар, қаршиларидан бир ҳўкиз келаверди. Абу Ҳанифа йўлдан четландилар. Дедилар: «Ё Имом! Бу эҳтиёткорлик нечун?» — «Менинг ақлим, унинг эса шоҳи бор!» дедилар.

* * *

Ота боболаримизнинг айтишларича, анжир дарахтининг ёғочи, шоҳларини ёкиб бўлмас, балки уни кўмиш керак экан.

Хабарда келишича, анжир дарахти Одам а.с. ва Момо Ҳаввога авратларини беркитишлари учун ўз баргидан бериб саҳоват қилган. Шу туфайли Аллоҳ таоло бу дарахтни азиз қилган. Шунинг учун анжир дарахтининг ёғочи, шоҳу барглари ўтда ёкиб бўлмас экан. Чунки бу тутун қайси уйга ва қайси жойга етса, у уй эгаси ҳаргиз давлату хурсандлик

* * *

Тўрт нарсани излаб ва бу йўлда хато қилиб, бошқа тўрт нарсани топдик:

- бойликни молдан изладик, аммо уни қаноатдан топдик;
- роҳатланишни серобчиликдан изладик, аммо уни молнинг озгинасидан топдик;
- лаззатланишни неъматдан изладик, лекин уни соғлом бадандан топдик;
- ризқни ердан изладик, лекин уни «осмондан» топдик.

* * *

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Жиҳодда шаҳид бўлганлардан ташқари яна етти шаҳид бор:

1. Қорни оғриб ўлган киши.
2. Чўкиб ўлган киши.
3. Ўпка касали билан ўлган киши.
4. Ёниб ўлган киши.
5. Устун (том) остида қолиб ўлган киши.
6. Туғайтганда ўлган киши.
7. Вабодан ўлган киши.

* * *

Расулulloҳ айтдилар: Саккиз нарса саккиз нарсадан тўймайди:

1. Кўз қарашдан тўймайди.
2. Ер ёмғирдан тўймайди.
3. Аёл эркак кишидан тўймайди.
4. Олим илмдан тўймайди.
5. Сўровчи сўрашликдан тўймайди.
6. Очкўз мол тўплашдан тўймайди.
7. Денгиз сувдан тўймайди.
8. Ўт ўтиндан тўймайди.

* * *

Олимлардан Муҳаммад Боқир айтган экан:

Олти кишидан олти нарса сўраш ғалати:

- бойдан олтин сўраш;
- гўзалдан гул сўраш;
- тикувчидан игна сўраш;
- очдан нон сўраш;
- тиланчидан хайр сўраш;
- душмандан мадад сўраш!

* * *

Одамлар сўз ва феълларига қараб тўрт гуруҳга бўлинадилар:

1. Бир нарсани гапиради-ю, аммо ўзи уни қилмайди. Бу мунофиқлик ва ҳасислик аломатидир.
2. Бир нарсани ҳам айтади, ҳам ўзи бажаради. Бу виждонли одамлар одатидир.
3. Ҳеч нарса айтмайди, аммо бажаради. Бу мард одамлар тоифаси.
4. Гапирмайди ҳам, ҳеч нарсани қилмайди ҳам. Бу энг пасткаш одамлар одатидир.

Ҳазрат Али карамаллоҳу ваҷҳаҳу ривоят қилибдиларки:

— Одамнинг тириклиги итнинг тириклигидек бўлса, унга кўп ва хўп яхшидир ва бу икки олам саодатидир, чунки итнинг тириклигида 10 ҳислат бордурки, буларнинг ҳаммаси мўминликдан дарак берур.

Биринчи ҳислат шуки, итнинг моли йўқдир.

Иккинчи — итнинг ҳалойиқ ичида қадри йўқдир.

Учинчи — тайин макони йўқдир.

Тўртинчиси — у аксар вақтларда оч бўлур.

Бешинчиси — аксар вақтларда хомуш бўлур.

Олтинчиси — агар уни эгаси урса ҳам, ҳаргиз унинг уйдан кетмай, эгасига вафо қилур.

Еттинчиси — эгасининг душмани келса, уни қопар ва дўсти келса унга даҳл қилмас.

Сақкизинчиси — эгасининг уйини кечаси ухламай муҳофаза қилур.

Тўққизинчиси — эгаси нима берса, унга рози бўлиб, қаноат қилур.

Ўнинчиси — эгасининг хизматидан бўлак касб қилмас.

Бу ҳислатларнинг ҳаммаси мўмин ва солиҳ кишиларнинг хулқидир.

* * *

Ҳакимларнинг айтишларича, одамлар тўрт гуруҳга: ақллиларга, ярим ақллиларга, нодонларга ва аҳмоқларга бўлинадилар.

Биринчи гуруҳ бирор воқеа содир бўлмасдан олдин ундан қутулиш йўлини ва тадбирини йўлаб иш тутадилар. Одамлар охирида қиладиган ишни, улар аввал қилиб қўядилар.

Иккинчи гуруҳ бирор ҳодиса юз берса, ўзларини йўқотмайдилар, ундан қутулиш чорасини қидирадилар ва бало домидан қутуладилар.

Учинчи гуруҳ бирор воқеа юз берса, ўзини йўқотиб қўядилар, унинг чора-тадбирини қидириш ўрнига, бефойда дод-вой қилишдан нарига ўтмайдилар.

Тўртинчи гуруҳ бало-қазо, кўнгилсиз ишлар бўлиши мумкинлигига ақллари ҳам етмайди, етса ҳам ҳаракатсиз, эътибор бермай юравадилар, унга қарши чора-тадбир қўллашга ҳам эринадилар, ёки умуман ҳеч нарса қилишни хоҳламайдилар. Натижада омад улардан доимо қочади, итнинг кейинги оёғи бўлиб туртиниб-суртиниб юравадилар. Бундай одамлар аҳмоқ одамлардир. Бундайларга ачиниб ҳам бўлмайди.

* * *

Туғилган кунни нишонлаш Ислом дини амалидан эмас. Бу анъана бизга насронийлардан кириб келган. Исломда «муқаддас хотира», «муқаддас кун», умуман бирор нарсани, бирор ишни муқаддаслаштириш тушунчаси йўқ. Мусулмон учун муборак бўлмаган бирор кун, бирор соат йўқ. Ҳар кунни, ҳар соатни инсон ўзи истаганидек ўтказиши тўғри бўлади. Ўша кун, ўша соат, унинг учун яхши, қадрли ва муборакдир.

* * *

Ўзининг ниҳоятда ақллилигига астойдил ишонган одам деярли ҳамиша ақли паст ёки бутунлай беақл одамлар тоифасига киради (Ж. Лабрюйер).

* * *

Комил бўлган зотнинг ҳар хусусда ва ҳар мартабада энг биринчи бўлиши шарт эмас. Ибн ал-Арабийнинг айтишича, тобе бўлган киши тобе бўлган нарсадан асло

Ўтиб кета олмайди. Агар тобе шахс тобе бўлганидан ўтиб кетса эди, тобе бўлмасди.

* * *

Илмларнинг энг зарури нокерак нарсаларни унутиш илмидир.

* * *

Ёзувчи ва олим Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» («Истиклол» нашриёти, Тошкент, 1999) китобида ёзилишича, баъзи пайғамбарлар маълум бир соҳа, касбнинг пири ҳисобланганлар. Масалан:

Ҳазрат Одам алайҳиссалом — деҳқонларнинг, Шис алайҳиссалом — пахтачиларнинг, Идрис алайҳиссалом — тикувчи ва хаттотларнинг, Нуҳ алайҳиссалом — савдогарларнинг, Солиҳ алайҳиссалом — туякашларнинг, Иброҳим алайҳиссалом — сутчи ва дурадгорларнинг, Исмоил алайҳиссалом овчиларнинг, Исҳоқ алайҳиссалом — чўпонларнинг, Зул-Кифл алайҳиссалом — новвойларнинг, Лут алайҳиссалом — тарихчиларнинг, Узайр алайҳиссалом — боғбонларнинг, Илёс алайҳиссалом — тўқимачиларнинг, Довуд алайҳиссалом — темирчиларнинг, Луқмони ҳаким — табибларнинг, Юнус алайҳиссалом — балиқчиларнинг, Ийсо алайҳиссалом — сайёҳларнинг, Муҳаммад алайҳиссалом — боғбон ва савдогарларнинг пирлари ҳисобланадилар.

* * *

Башарият тарихида қуйидагилар одиллик, паҳлавонлик, саҳийлик, донишмандлик, табиблик, бойлик, ҳасислик ва гўзаллик тимсоли, рамзи саналганлар:

— Одиллик тимсоли — номусулмонлардан Ануширвони Одил, мусулмонлардан ҳазрат Умар ибн Хаттоб;

— Идеал подшоҳ, одил ҳукмдор, буюк фотиҳ, ҳукмдорлик ва маъмурчилик тимсоли — Искандар Зул-Қарнайн;

— Паҳловонлик тимсоли Рустам достон ва халифа ҳазрат Али;

— Саҳийлик тимсоли — Хотам Тоий;

— Донишмандлик тимсоли — Афлотун;

— Табиблик ва донишмандлик тимсоли — Луқмони ҳаким;

— Бойлик тимсоли — Фиръавн вазири Қорун;

— Ҳасислик, зикналик тимсоли Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» аса-ридаги Қори Ишкамба ва рус ёзувчиси Н. В. Гоголнинг (1809 — 1852) «Ўлик жонлар» аса-ридаги йирик ер эгаси, бой, дворян Плюшкиндир.

— Гўзаллик тимсоли — аёллардан Момо Ҳавво, эркаклардан пайғамбар Юсуф алайҳиссалом.

Китобни ушбу тўлдирилган 3-нашрини қайта ишлаб, таҳрир қилиб ўтирар эканман, шу ерга келганда ўтмиш хотиралари оғушида хаёлга чўмиб қолибман. Хаш-паш дегунча мана узок, аммо жуда тез ўтган 60 йиллик манзилга ҳам етиб келибмиз. Бу ёшга кимлар етдию, кимлар етмади. Дунёга келтириб, шунча файз-баракотлик умр армуғон этган Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсин.

Насиб қилса, иншоаллоҳ келаси 2004-йил пайғамбар алайҳиссалом ёшларига ҳам етар эканмиз. Хаёл сурар эканман, кечиктириб бўлмайдиган бир вазифа — муқаддас динимизнинг фарз амалларидан бири бўлган ҳаж зиёратини бажариш вақти етиб келганлигини ҳис этдим ва келаси йилда ўзимнинг бу бурчимни ҳам адо этиб қўйишни ният қилдим. Ният қилдим, беихтиёр Аҳмад Яссавий ҳазратларининг қуйидаги видолашув битиклари хаёлимдан ўтди:

*Ният қилдуқ Каъбага ризо бўлунг, дўстларим,
Ё ўлгаймиз, келгаймиз, ризо бўлунг, дўстларим.*

*Насиб бўлса боргаймиз, насиб бўлса келгаймиз,
Ажал етса ўлгаймиз, ризо бўлунг, дўстларим.*

*Ризо бўлунг ўзимдин, яхши-ёмон сўзимдин,
Ўтунг мени юзимдин, ризо бўлунг, дўстларим.*

*Каъба сори кўчалуқ, золимлардин қочалуқ,
Ўғил-қиздин кечалук, ризо бўлунг, дўстларим.*

*Ният қилдуқ Каъбага, Ҳақ Мустафо равзага,
Насиб қилсин барчага, ризо бўлунг, дўстларим!*

(Аҳмад Яссавий)

Йигирма иккинчи фасл

Турли мавзулар

1. Марҳумлар хотираси ва садақа-эҳсонлар ҳақида

*Менинг ҳикматларим оламда дoston,
Руҳим келса, қилур суҳбатни бўстон.*

(Аҳмад Яссавий)

Ислom уламоларига кўпчиликдан ҳозиргача марҳумнинг хотирасига атаб етти, кирювди, пайшанбалик, якшанбалик, йигирма, қирк, йил оши қилиш Ислom динида буюрилганми, фарз қилинганми? Буларни қилишимиз жоизми ёки ножоизми? — деган саволлар тушмоқда.

Бундай саволларга жавоб шу бўладики, динимизда бундай ишлар қилиш фарз қилинмаган. Бу ишлар дин аҳкомларида йўқ. Бундай хайр-эҳсон маросимлари халқимизнинг урф-одатига кириб қолган, холос. Хайр-эҳсон қилиш эса динимизда тақиқланмайди, балки рағбатлантирилади.

Бизга таълим берилиб, маълум қилинишича, марҳумнинг руҳи жасадни тарк этганидан кейин, бирмунча вақт у дунё — латиф оламига кўника олмай, яшаб ўтган жой-манзилларида, дафн этилган мазори атрофларида, тирик бўлган яқинлари ҳолидан бохабар бўлган ҳолда улардан дуои фотиҳа умидида умидвор бўлиб юради ва йил ўтгач, у дунё — латиф оламига аста-секин кўникаиб, ўша ерда ўзининг қариндошлари руҳларини топиб олиб, улар билан бирга бўлиб олар экан.

Шу боис халқимиз марҳумни эслаб, уни йил давомида дуои фотиҳалар билан қувватлаб туриш учун ана шундай маросимларни ўтказишни урф сифатида қабул қилиб олган бўлиши мумкин. Бу маросимларда марҳум эсланиб, унга кўпчилик томонидан дуои-фотиҳалар қилинади. Бу ишлар марҳумнинг руҳини шод этиб тинчлантиради.

Марҳумга атаб йигирма маросимини ўтказишдан мақсад, марҳум дафн қилиниб, унинг қариндош-уруғлари тинчиб олганларидан кейин, ишларидан, тирикчиликларидан қолиб, дафн маросимида қатнашиб, хизмат қилганларни «рози» қилиш маъносида уларга хайр-эҳсон зиёфати берилади. Одамларни ёмон ишлардан қайтариб, яхши ишларга даъват этиб, амри маъруф, наҳий мункар ваъз-насихатлари қилинади.

Аммо азадорлар моддий томондан қийналиб, қийин аҳволга тушиб қолмасликлари учун, бундай хайр-эҳсон маросимларини қатъий ўтказиш кунини белгиламай, топганларида ўтказишлари лозим. Бундай маросимларни ўтказиш учун моддий томондан имкониятлари бўлмаса, уларни оммавий ўтказмай, балки фақат оила-аъзолари ёки яқин қариндош-уруғлари билан ўтказсалар ҳам бўлади.

Бундай ҳолларда азадорларга йигирма, қирқ, йил ошини қачон қиласизлар? Ёки қилсалар, нега қилдинглар, деган саволлар мутлақо берилмаслиги керак. Улар бундай маросимларни хоҳласалар қилсинлар, хоҳламасалар қилмасинлар, ихтиёрлари; уларни изза қилувчи барча саволлардан тийилиш лозим.

Ота-она, қавм-қариндошларни эслаб, уларга бағишлаб ҳафтанинг пайшанба, якшанба кунлари оилавий кечки овқатдан олдин дуои-фотиҳа, **Қуръон** оятларидан тиловат қилиб туришни одат тусига киритилса, бу марҳумларга кўрсатган ҳурмат-эҳтиромингиз бўлишидан ташқари, бу бола-чақангизга ҳам ибрат бўлади. Сиздан кейин улар ҳам бундай одат-анъанани давом эттиришлари шак-шубҳасиз.

Марҳумлар руҳига бағишлаб **Қуръон** тиловат қилиш учун, **Қуръон** оятларидан намуналар китобнинг «Йўқлик — ўлим фалсафаси» фаслининг охирида берилди.

Шунинг билан бирга яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозир ҳурматли уламолари мизни халққа қилаётган амру маъруф маърузалари аста-секин ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Тошкент шаҳрининг маҳаллаларида марҳумга атаб қилинадиган «етти», «йигирма», «қирқ», «йил оши» маросимларига кетадиган маблағларни марҳумнинг ворислари маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши билан маслаҳатлашган ҳолда маҳалладаги кам таъминланган оилаларга уйма-уй юриб бўлиб бермоқдалар. Бу тадбир — ташаббус барча фуқароларнинг қизғин қўллаб-қўлтиқлашлари билан республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам тарқала бошлади.

Шунинг билан бирга, ўрни келгани учун айтиб ўтиш керакки, баъзи «ўзига тўқ» оилалар, «омади чопган» тадбиркорлар, фирмалар ўзларининг даромадларидан закот ажратиб, маҳалла фуқаролар йиғини вакили билан шахсан ўзи (мулк эгаси) уйма-уй юриб маҳалладаги кам таъминланган ночор оилаларга тарқатиб чиқса, ниҳоятда тўғри иш қилган бўлур эдилар.

Халқимизда яна бир яхши одат борки, кўпчилик йилда бирми, иккими, баҳоли-қудрат «худойи» (эҳсон), «ифторлик» зиёфатлари қилиб турадилар. Бу яхши одат. Аммо масаланинг иккинчи нозик томони ҳам борки, биз қилаётган эҳсонлар «ўз эгаларига», яъни ҳақиқий муҳтож, кўпинча оч-наҳор юрувчи инсонларга қилиняптими? Уларгача бориб етяптими? деган савол кўпинча эътиборимиздан четда қолиб кетмоқда. Биз қилаётган «худойи» эҳсонлар, бир-бирларини галма-галдан зиёфат қилиш, гап-гаштак зиёфатларига ўхшаб қолаётганлиги кўпчиликка сир эмас. Чунки ҳозирги бундай «худойи» эҳсонларга чақирилган одамларнинг 80 фоизи бундай эҳсонларга умуман муҳтож эмас. Бунинг ўрнига ана шундай хайр-эҳсонларга кетадиган маблағни ҳақиқий муҳтож одамларга сарфланса бўлмайди? Масалан: қариндош-уруғида муҳтож бўлганларга, чунки бу масалада: «*Олдин хеш, кейин дарвеш*» дейилган.

Закот, фитр рўзани фарзандларга, ота-онага, бобо-бувиларга ва эр-хотин бир-бирларига бериб бўлмайди. Агар уларга бирор нарса бермоқчи бўлсангиз «бу нафақа» деб берсангиз жоиз бўлади.

Ака-ука, опа-сингил, жиян ва ҳоказоларга (агар улар камбағал, муҳтож бўлсалар) закот, фитр рўза бериш мумкин.

Ундан кейин мискин, бева-бечора бўлган қўни-қўшни ва маҳалладагиларга. Ана ундан кейин пешона тери тўкиб оғир ишларда ишлаётган ишчиларга, гўрковларга, мадрасада, ўқув юртларида ўқиётган камбағал, ночор талабаларга, ташландиқ болалар ва қариялар уйига овқат, ёки пул, кийим-кечак бериш орқали «худойи» эҳсонлари қилинса қандай бўларкин? Буни ҳар ким ўзича ўйлаб, фикр қилиб хулоса чиқаради.

Халқимизда «садақа радди балодир», — деб бежиз айтилмаган. **Аллоҳ таоло Қуръ-**

оннинг 2- «Бақара» сураси 273—274-оятларида: «(Садақа ва эҳсонлар) Аллоҳ йўлида (жанг билан) банд бўлиб, сафарга чиқа олмайдиган, ифбатлари (тортинчоқликлари) сабабли билмаган одам бой деб гумон қиладиган фақирлар учундир. Уларнинг (фақир эканликларини) сиймоларидан (ташқи кўринишидаги белгиларидан) билиб оласиз. (Улар) одамлардан тиланиб туриб олмайдилар. Қилган хайр-эҳсонингизни Аллоҳ билиб турувчидир».

«Мол (-дунё) ларини кечаю кундуз, пинҳонаю ошкора эҳсон қиладиган кишиларнинг Парвардигорлари ҳузурда (махсус) мукофотлари бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар» дейилган бўлса, шу суранинг 276-оятда эса: «Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақа берувчиларга бойликларини зиёда этади...» дейилган.

Аллоҳ таолонинг ана шу амрлари даромадлари туфайли закот бера олиш даражасида бўлганлар учун бир умр дастак ва дастурамал бўлиб қолмоғи керак.

Берадиган садақаларимизни ҳақиқий муҳтож кишиларга етказиш тўғрисида қайғуриш, уриниш ва бу борадаги саъй-ҳаракат баъзи бирлар ўйлаганидек асло риёга (мақтанчоқлик, «хўжакўрсинчилик», эл орасида сохта обрў орттиришга уриниш) кирмайди.

Балки бу ишимиздан асл мақсад, эҳсонимиз хайр-садақамиз, берадиган закотимиз, «йўлда», хиёнаткор қўлларда қолиб кетмай, ўзининг муносиб «эгаларига» етиб боришини таъминлашдир. Аллоҳ ҳамма нарсани билиб туради.

Баъзилар савоб кўпроқ бўлсин дея, хуфёна эҳсон қилишга иштиёқманд бўладилар. Бунга камчилик томони шуки, бунда қилган эҳсонингизни «эгасига» етиб бормаслик эҳтимоли бор, эҳсон қилинмагандек бўлиб қолади. Ошкора, кўпчиликка билдириб қилинган эҳсонни афзал томони шуки, бунда, биринчидан, қилган эҳсонингиз юлғичлар қўлларда қолиб кетмай, «эгасига» бориб тегйши таъминланган бўлади, иккинчидан, бундай савоб ишни қилишга бошқаларни ҳам ундаган, даъват этган бўласиз, натижада яна бир савобга эга бўласиз. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй, Муҳаммад), иймон келтирган бандаларимга айтинг... Биз ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қилсинлар!» (14- «Иброҳим», 31-оят).

Аллоҳ барча нарсаларни билгувчи, қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган ўта меҳрибон зотдир!

* * *

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи вассалламнинг никоҳ хусусида «Аллоҳнинг ёмон кўрган сўзларидан бири «талок» сўзидир. Бу сўздан ҳатто осмонлар ҳам титрайди», — деган маънодаги ҳадиси шарифлари бор. Шунинг учун оилани сақлаб қолишга икки тараф ҳам бутун чораларни кўрмоқлари лозим бўлади.

Аммо ҳаётда бахтсиз никоҳлар ҳам учраб турадики, бу никоҳ натижасида эр ва хотиннинг иккаловлари ёки бировлари бир умр азобда ўтадилар. Бундай никоҳ ҳақида халқимиз — уларнинг никоҳлари «ёлғон тақдир» экан, ажралиб кетишди дейдилар.

Китобимизнинг фалсафага бағишланган фаслларида айтиб ўтганимиздек, машхур немис файласуфи, немис мумтоз идеализмининг отаси Иммануил Кант (1724—1804) этикада шундай бир принципни илгари сурганки, бу принцип бўйича ҳар бир шахснинг ўз кадр-қиммати ўзи учун шундай улуғ бўлиши керакки, бу кадр-қиммат ҳатто бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳам қурбон қилинмаслиги лозим.

Инсон бу дунёга бир марта келади. Нима учун у бировнинг бахтини ўйлаб ёки бировнинг кўнглига қараб яшаб, ҳаётини азоб-уқубатда ўтказиши керак? Унда у ўзи учун қачон яшайди?

Аллоҳ таоло адолатсизликни севмайди, албатта.

Қуръони карим шундай адолатли, камчилик ва қарама-қаршиликлардан бутунлай холи бўлган илоҳий китоб бўлганлиги учун ҳам, ҳозир миллиардлаб инсонларнинг қалбла-

рига жо бўлиб, ўрнашиб бўлган. Унинг устида минглаб уламо ва олимлар ишлаганлар, ишламоқдалар, уни ҳозиргача тафсир қилиб келмоқдалар.

Ана шу буюк китобда оилавий ҳаётнинг ана шу жиҳати ҳам назардан четда қолмаган. Агар эр-хотин бирон-бир сабаб билан ажралиб кетсалар, **Аллоҳ** уларнинг ҳар иккаласига ҳам бахт ато этиши мумкинлиги ҳақида 4- «Нисо» сурасининг 130-ояти нозил бўлган: **«Бордию, эр-хотин ажралиб кетсалар, Аллоҳ иккаласини ҳам Ўзининг кенг карами билан беҳожат қилиб қўйгай. (Яъни ҳар иккисига ҳам аввалги турмушидан яхшироқ эр ёки хотин насиб этиши мумкин). Аллоҳ фазлу карами кенг ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир».**

Бу ҳақда пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадиси муборақлари ҳам бор:

«Уч кишининг дуоси мустажоб (қабул) бўлмайди:

1. *Қўлида бадхулқ хотини бўлиб, уни талоқ қилмаган кишининг.*

2. *Бировда ҳаққи бўлиб, унга гувоҳ қилмаган кишининг. (Чунки унинг ундириб оладиган ҳаққи — маблағида бола-чақасининг ҳам ризқу-насибаси бордир. Бола-чақасининг ризқи-насибасини ташлаб қўйиш ҳам яхши амаллардан эмасдир).*

3. *Молни ақлсизга берган кишининг. Чунки Аллоҳ «Молни ақлсизларга берманглар», деган.*

Ҳаётда бундай бахтсиз никоҳ оқибатида эр ёки хотиннинг ҳаётда азобланиб, сиқилиб қийналиб яшаши натижасида ҳатто бевақт ёш жувонмарг бўлиб ўлиб кетганликлари ҳақида мисоллар жуда кўпдир.

Турмуш қуриш ниҳоятда жиддий, оғир масала бўлиб, бунга аксарият кишилар енгил-елпи қарайдилар. Кўпинча ёшлар 5—6 марта учрашганларидан кейин таваккал қилиб турмуш қуриб қўяқолишади. Ҳолбуки икки ёшнинг бир-бирларига «юлдузлари юлдузларига» тўғри келишлиги, ҳам жисмоний, ҳам рухий, ҳам ақлий, ҳам насабий томонларининг бир-бирларига тўғри келиши, таги, зоти, бойлиги, ўртаҳоллиги ёки камбағаллиги, дунёқарашлари, жамиятда тутган ўринлари, мавқелари ва шу каби кўпдан кўп ҳолатлар бир-бирларига мос келишлари кўпинча на катталар ва на ёшлар ўртасида етарли эътиборга олинади. Натижада қурилган турмуш баъзан совук, кўнгилсиз бўлади. Улар ажраб кетмасалар-да, кейинчалик бу турмушларидан зимдан норизо бўлиб юрадилар. Бу орада фарзандлар туғилган бўлади, уларни эса етим қилиб бўлмайди, энди бу ёғига чидашга тўғри келади...

Ҳар бир жойда бошлиқ бор. Масалан, маҳаллада — оқсоқол, корхонада — раҳбар, шаҳарда — ҳоким, республикада — президент. Оилада эса эр раҳбардир. Ҳайвонот дунёсида ҳам шундай яккаҳокимлик ҳукм суради. Бу ҳақда **Аллоҳ Қуръон**нинг 4- «Нисо» сурасининг 34- оятида: **«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб — Аллоҳ уларнинг бирлари (эркаклар) ни бирлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва эркаклар ўз оиласига ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир. (Аёллар ичида) солиҳалари бу (Аллоҳга) итоатли, ғойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли, яъни эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчилардир...»**, деб эркакларни оила бошлиғи қилиб тайинлаб қўйган. Оилада хотин ҳам, фарзанд ҳам, бунга бўйсунуши шарт.

Қайси хонадонда **Аллоҳ**нинг ана шу амрига эр ёки хотин томонидан риюя этилмас экан, бу хонадондан файзу баракот кетиб, хонадон таназзулга учрайди ва оила турли нохушликлар, кўнгилсизликлар, бахтсизликлар, кулфатлардан боши чиқмай қолиши мумкин. Бунга эр ҳам йўл қўймаслиги, хотин ҳам интилмаслиги керак. Яккаҳокимлик **Аллоҳ**-га нисбат қилиб олинган: **Аллоҳ**, тақдир бирдир, ҳокимликда якка-ю ягонадир. Унинг жуфти, шериги йўқдир.

Оилада эркак подшоҳдир, хотин эса вазирдир. Вазир фақат яхши маслаҳатчидир, ҳукмдор эмас. Биз биламизки, подшоҳ вазирларини хоҳлаган пайтда ўзгартириш, алмаштириш ҳуқуқига эга, ана шунини эсдан чиқармаслик керак.

Қайси оилада ана шу низом амалда экан, бу яхши оиладир.

Ўғилни уйлантиришда, кизни турмушга беришда аввало ана шуларга эътибор бериш керак. Ундан кейин эса ёшларнинг «юлдузи бир-бирига тўғри келиши», соғлиги, дунёқараш, маълумоти, икки оиланинг яъни куда томонларнинг бир-бирига тенглиги, мослиги, жилла бўлмаса бу тенгликда фарқнинг оз бўлиши, бой-камбағаллиги ва ҳоказолар инобатга олинса бахтли оила қурилган бўлади.

Кези келганда шунини айтиб қўйиш керакки, ёшлар кўпинча «Севги бор нарсами? У абадийми?» деган мазмунда савол беришни ёқтиришади.

2. Севги ҳақида

Мухтарам ўқувчим!

Қўлингиздаги китобнинг тегишли фаслларида ёритиб берилганларидан бизга маълумки, абадийят ёлғиз **Аллоҳ**га хосдир. Шунинг учун ҳеч нарса абадий эмас, бинобарин, севги ҳам абадий бўлмоғининг имкони йўқ. Ҳақиқий севги, муҳаббат, ишқ ёлғиз **Аллоҳ таоло**га йўналган бўлиши лозим. Чунончи, диний адабиётларда (*Қуръон*, *Ҳадис*, *Таврот*) **Аллоҳ** яккаю ягона ва абадий бўлганлигидан танҳо кибр эгаси ва рашкчи деб таърифланган. Масалан, Имом ал-Бухорий жамлаган «Ҳадис» китобида саҳоба Муғийра шундай ривоят қилади: *«Агар мен бир бегона кишини хотиним бирлан кўриб қолсам, уни қиличим бирлан чопиб ташлайман!» — деди. Жаноб Расулulloҳ: «Саъднинг рашкидан ажабландингизми? Мен Саъддан, Аллоҳ таоло эрса мендан ҳам кўпроқ рашклидур!» — дедилар* («Ҳадис»3-жилд, 433-бет).

Севги — инсон табиатининг завқ олган бир нарсасига майл қўйишидир. Бунинг қувватли, шиддатли шакли «ишқ» дейилади.

Ишқ — тасаввуфда ҳусни мутлаққа — **Аллоҳга** бўлган кучли, шиддатли севги бўлиб, тариқатнинг энг муҳим мақомларидан бири ҳисобланади. Ҳақиқий ишқ — ҳусни мутлаққа, мажозий ишқ одам ва олам гўзаллигига бўлган ошиқликдир. Илоҳий ишқ инсоний муҳаббатни истисно этмайди.

Муҳаббат кишининг севги, меҳр, яқинлик ва садоқат ҳисси бўлиб, ишқнинг мартабаларидан биридир. Яъни ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқларни эгаллаб севгилисига яқинлашмоқ ва эришмоқ истагини билдирувчи туйғудир.

Муҳаббат «ҳибба» ўзагидан яралган сўз бўлиб, «устига тупроқ тортилган уруғ» маъноси ни англатади. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғ бўлганидек, диний, маънавий, жисмоний ва руҳоний ҳаётнинг уруғи, илдизи ва дарахти ҳам ана шу муҳаббат ҳисобланади.

Ҳақиқий, чин севги соҳибини **Аллоҳ таоло** тезда **Ўз** ҳузурига чақириб олади. «Ишқ» сўзи арабча «ашқа» калимасидан олинган. Ашқа бир чирмовуқли ўт бўлиб, у ўралиб ёпишиб олган ўсимлигини қуритмай қўймайди. Демак, кучли, шиддатли ишқ ўз соҳибини ашқа ўсимлиги сингари қуритади, тарихда бунга мисоллар кўп.

Ёдингизда бўлса, Лайли ва Мажнун севгиси шундай кучли бўлганки, Мажнун (Қайс) Лайлининг ишқида куйиб-ёниб, севгилисининг маҳалласидан келган итни кучоқлаб ўпгани ҳолда, кейинчалик Лайли унинг олдида келганида, севги изтироблари ва эҳтиросларига берилиб, ҳижрон ўти оташидан лаззатланиб турган Қайс ҳатто унга қайрилиб қараб ҳам қўймайди.

Севги, муҳаббат албатта бор нарса, аммо у оламнинг «олтин ўрталик» — меъёр қонуни бўйича ўртачалик даражасидан ортиб кетмаслиги керак. Демак кучли, шиддатли севги икки қарама-қарши томонлар (эркак-хотин) жозибаси — тортиш қувватининг меъёридан ортиб кетишидир. Демак, табиатдаги барча нарсалар, ишлар каби севгида ҳам ўрта меъёр қонунига амал қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ҳаётда ҳеч кимга, ҳеч нарсага: на хотинга, на болачакага, на уй-жой ва мол-давлатга, на ошна-оғайниларга, на амал-мансабга қаттиқ кўнгил, муҳаббат қўйиб бўлади. Билакс, улардан ажраб, маҳрум бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Ёшлар ўртасидаги дастлабки севги, ишқу муҳаббат бир бирлари билан қовушганларидан кейин, йиллар давомида сусайиб боради. Шунда агар унинг ўрнини ўзаро ҳурмат, меҳрибонлик, бир-бирига ўрганиб, суяниб қолиш ҳиссиётлари эгаллай бошласа, ўша «ашқа» ўсимлиги ўз вазифасини «бажаролмай» қолади, «хибба» дарахти қуриб қолмайди, бу уларни умрларининг охиригача бирга бахтли яшаб ўтишларига замин яратади.

Қаранг-а, дунёнинг ўзи ҳам севги асосида қурилган. Эрта тонгда турдингиз. Зулматни қувиб юборган Қуёш ўзининг илиқ нурлари билан, гуллар чирой очиб муаттар хидлари билан, қушлар ёқимли сайрашлари билан сизни янги бошланаётган кунингиз билан муборакбод қилмоқда. Дарахтлар меваларини кўз-кўз қилиб, сизни муштоклик билан кутмоқда. Мусаффо ҳаво ва майин шабада сизни янгидан-янги эзгу ишларга илҳомлантирмоқда. Ошхонада эса Аллоҳнинг ризқ-насибаси (нонушта) сизга мунтазир. Шундай экан, **Яратган**нинг қайси неъматларини инкор эта оласиз?

Энди бу масалани фалсафий томондан олиб мушоҳада қилиб кўрсак. Ҳақиқий ошиқ-маъшуқаларнинг асл табиий мақсади бир тан, бир жон, яъни бир бутун бўлиб бир-бирига сингиб қўшилиб кетишга уриниш бўлиб, бу ҳақда қадимги замоннинг энг буюк юнон файласуфи Афлотун: «*Севги бир бутунликка эришишга ташналик ва учга эҳтирос билан интилишдир*», деб таъриф берган.

Чунки Одам Ато дастлаб якка ўзи яратилган. Кейинроқ Аллоҳ таоло унинг чап қобирғасидан бирини олиб ундан Момо Ҳаввони (маъноси — «Ҳаёт онаси») яратган. Бинобарин у Одам Атонинг бир «бўлаги»дир. Шундан бери одамзод ўзининг дастлабки ҳолатини эгаллашга — бир бутунликка «икки ёрти бир бутун» бўлиб бир-бирига қўшилиб, сингиб кетишга талпиниб, интилиб яшайди.

Кўпгина диний таълимотларда, шу жумладан христианликда ҳам, инсоният эволюциясининг пировард натижасида бориб-бориб яна ўзининг дастлабки ҳолати — бир жинсликка қайтилади, деган фаройиб фикр айтилади (Қаранг: А. Н. Курский. Пси-фактор тайны человеческой личности. Москва, «Рипол—Классик», 2001, 10—12-бетлар).

Шуниси таажжубланарлики, бу фикр илмий нуқтаи назардан олиб қаралганда ҳам, ўз тасдиғини топади, дейилади юқорида келтирилган манбада. Масалан, ҳозирги эркак кишининг жисмоний ва руҳий ҳолатида хотин кишига тааллуқли бўлган сифатлар, хотин кишида эса эркакларнинг сифат ва ҳислатлари мужассамлашган. Эркакларда 70 % эркаклик тестостерон гормонлари ва 30 % эстроген хотинлик гормонлари бор. Хотинларда ҳам ана шундай эркаклик хусусиятлари бор, аммо улар ўртасидаги нисбат аксинча — хотинлик сифат ва хусусиятлари 70 %, эркаклик хусусиятлари 30 % ни ташкил этади.

Баъзи эркакларнинг «хотинчалиш»роқ, баъзи аёлларнинг «эркакшода»роқ бўлишлари ана шу нисбатнинг ўзгаришига (бузилишига) у ёки бу томонга маълум бир миқдорда оғишига боғлиқ. Одатдаги нуқтаи назардан қаралганда, табиатда икки қарама-қарши, бир бирига зид жинснинг яратилишидан асосий мақсад ҳаётни, зурриётни давом эттиришни таъминлашдир. Шунинг учун **Яратган** инсонга — эр-хотин иккаласига шахвоний майл, қувват — олий лаззат «инъом» этган. Бу икки жинс ўзаро қўшилганда, атиги бир неча сония давом этадиган экстаз ҳолатида гўё улар ўзининг дастлабки яратилмиш ҳолатига — бир бутунликка бирлашиб, сингиб кетгандек бўладилар.

Аммо у шахвоний майл бола туғиш ва туғдириш учун керагидан ортиқча қилиб берилган...

Нима учун?

Балки ана шу «лаззат» орқали бу икки бир-бирига зид жинсни доим бирга «ушлаб» туриш учундир... Эр ва хотин бир-бирига шу жисмоний ва руҳий қизиқиши, талаби, эҳтиёжи туфайли бир неча йил бирга яшайдилар, кейин эса улар ўртасида бир-бирларини бирлаштириб турувчи занжир — фарзандлар пайдо бўлади. Фарзанд эса улар ҳаётининг давомчиси бўлганлигидан, зоҳирда улар гўё фарзандлари ҳақида қайғураётгандек бўладилар, аслида ботинда эса, ўзлари ҳақида қайғурадилар, яъни интуитив равишда эр-хотин

фарзандлари тимсолида ўзларининг ҳаётларини бардавомлигини таъминлашга интиладилар, ўз-ўзини сақлаб қолиш учун кураш инстинкти бўйича ҳаракат қиладилар.

Ана шулар ва яна бошқа кўзга кўринмас «занжирлар» туфайли эр-хотин бир неча ўн йиллаб бирга яшаганларидан кейин, бир-бирларига «ўрганиб», «суяниб» қоладилар. Баян, хатто ташқи суратлари ҳам бир-бирларига ўхшаб кетабошлайди. Шундан кейин улар умрларининг охиригача бирга бўладилар...

Севги масаласини фалсафий мушоҳада этиш тахминан ана шундай.

Кўряпсизми, ўқувчим, фалсафа ва мантиқ ҳаётнинг барча жабҳаларини ўз қамровига олади. Қадимги буюк донишмандлар бекорга фалсафани фанлар фани, фанлар отаси демаганлар.

Энди икки оғиз сўз иймон ҳақида.

3. Иймон ҳақида

Биз биламизки, «иймон» сўзи арабча бўлиб, Худога бўлган ишонч, ихлос, эътиқод ва садоқат деган маъноларга эга. Яъни, масалан, Ислом динида иймоннинг етти талабини тан олган, уларга қалбан ишонган ва амалда астойдил эътиқод қилган одам мўмин, мусулмон дейилади.

Бундай диний маънодаги иймондан ташқари яна истеъмолда «*умуминсоний маънавий иймон*» тушунчаси ҳам борки, унда кишилик жамиятида кўпчилик (мусулмон ва мусулмон бўлмаганлар) эътироф этган инсоннинг ижобий фазилатлари, ахлоқи, маънавияти ва маданияти ҳам акс этади.

Иймон — инсон онгининг нодир ҳодисаси, унинг руҳий ҳолати, оламни билиши ва ўзини-ўзи англаш воситаси.

Файласуфлар диний ва умуминсоний маънавий иймонни бир-биридан фарқлаганлар. Диний иймон талаби — тавҳид, Аллоҳнинг фаришталарига, илоҳий китобларига, пайғамбарларига, тақдирга, охиратга, қиёмат қойимдан кейин қайта тирилишга ишониш, уларни эътироф этиш ва ихлос қилиш бўлса, фалсафий маънодаги иймон — чин инсонийликнинг намоён бўлишидир, деб таълим берганлар.

Умуминсоний маънавий иймон диний иймонни ҳам ўз ичига олгани ҳолда яна:

— инсоннинг эзгу нияти, сўз ва амал бирлиги, умумжамият эътироф этган инсоннинг сифатий эзгу ҳислатлари — меҳр-оқибат, мурувват, саҳоват, инсоф, диёнат, виждон, адолат, ростгўйлик, ҳалоллик, камтарлик, ваъдага вафо, софлик, поклик, ҳаё, ор-номус, ишчанлик, мардлик, ватанпарварлик, эътиқоднинг чин ва самимийлиги, гўзал маънавиятга интилиши каби этика категорияларини ўзида мужассамлаштирган, ҳавойи нафсини тия оладиган, фидойи, ички гўзал маънавий оламга эга бўлган, кўпчилик эътироф этган одоб-ахлоқ меъёрлари, қонун-қоидаларига риоя қилиб юрадиган, қисқаси чинакам инсоний фазилатларни ҳам ўз ичига олади.

Пайғамбаримиз ҳадисларида ҳам диний ибодатга берилиш билан бир қаторда, яхши хулқ, феъл-атвор, амалларга эга бўлган кишиларгина чинакам иймонли саналиши айтилади.

Диний ибодат, қабул қилинган урф-одат, расм-русум ва маросимларни беками-кўст ўз вақтида адо этиб иймонли бўлишга интилиш рағбатлантирарли ва қувончли ҳол, албатта.

Агар инсон, диний иймон соҳиби бўла туриб, диний амалларни ва маросимларни ўз вақтида бажариб юрса-ю, аммо эътиқоди самимий бўлмай, ўзининг диндорлигини ниқоб қилиб олиб, дуони пулга сотиш билан шуғулланиб, ишламай, бошқалар ҳисобига кун кечириб юрса, ҳалол билан ҳаромни фарқига бормаса, бировлар ҳаққидан ҳазар қилмаса, юлғичлик, баднафслик, тамагирлик, суқлик, ёлғончилик, алдамчилик, субутсизлик қилиб юрса, одамларни ишончига кириб олиш учун, «мени намозхон, ҳеч кимни алдамайдиган

иймонли одам десинлар» деб, ибодатларини «хўжакўрсин»га риёкорона бажариб юрса, хуллас гарчи у ўзини жамиятга тақводор қилиб кўрсатса-да, бундай одамни асло умуминсоний маънавий иймон эгаси қаторига қўшиб бўлмайди. Ҳа, ҳамма гап ана шунда — эътиқоднинг самимийлигида! (Халқимизнинг «Гап эгасини топади», деган ажойиб ибораси бор).

Китобимизнинг олдинги фаслларида, пайғамбаримиз саҳобалари, сўфий-авлиёлар ҳам меҳнат қилиб кун кечирганликлари баён қилинган. Масалан: Шайх Баннон — ҳаммол, Абул Ҳасан — дурадгор, Саййид Амир Кулол — паҳса девор урувчи ва кулол, Хожа Али Ромитаний — тўқувчи, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд — кимхоб тўнга нақш босувчи, Хожа Аҳрор Валий ходимгар (массаҷчи) бўлганлар ва улар ана шу касблари орқали кун кечирганлар. Саҳобаларнинг пешвоси Салмон Форсий Ироқ ҳокими бўла туриб, сават ва бўйра тўкиб сотиб тирикчилик қилган, маошини эса мухтожларга садақа қилиб келган. Пайғамбаримиз эса совғани олиб, садақани олмаганлар. Совғага совға билан жавоб берилур, садақа ва эҳсонлар фақат камбағал, мухтож кишиларга қилинур, деганлар.

Диний иймон соҳиби бўлган шахс учун асосий мақсад ва орзу — диний ибодатлар ва маросимларни ўз вақтида бажариш, диний панд-насихатлар асосида ҳаёт йўналишини белгилаб, бу дунёда бахтиёр бўлиш ва у дунёда жаннатдан жой олишдир.

Илмий ҳақиқатлар доирасида иймони шаклланган «умуминсоний маънавий иймон эгаси» учун эса асосий идеал, юксак орзу — ҳаётининг йўналиши — диний иймон талабларини бажариш билан бирга, бу дунёда чинакам инсоний муносабатлар, умумий фаровонлик ва адолатни қарор топтириш учун курашда бахтиёрликка, эл-юртнинг иззат-икромига сазовор бўлиб, ҳаётда ўзидан яхши ном қолдириб, авлодлар қалбида умрини давом эттириш, яъни ижтимоий абадийликка мушарраф бўлиш, ҳамда бу дунёда ва у дунёда **Аллоҳ**нинг илтифотиغا сазовор бўлиб, жаннатдан жой олишга умид қилишдир.

Диний маънодаги иймон билан дунёвий, илмий маънодаги иймон-эътиқод орасидаги тафовут ана шундадир, дейди иймон масаласида биринчи бўлиб докторлик диссертациясини ёқлаган олим Иброҳим Каримов ўзининг «Маънавият, фалсафа ва ҳаёт» номли китобида («Фан» нашриёти, 2001 йил).

Иймонли одамнинг сўзи билан иши бир бўлади, бундай инсон ҳар қандай шароитда ўз сўзи ва аҳдида қаттиқ туради. Юқорида айтганимиздек, иймонли киши виждон, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, инсоф-диёнат, саҳоват, мурувват, бировларнинг ҳаққидан ҳазар қилиш, адолатпешалик ва ҳоказолар каби олийжаноб фазилатларга эга бўлади. Ҳалол меҳнат билан, пешона тери тўкиб кун кечиради. Ўз халқи, маданияти, маънавияти, маърифати ҳақида қайғуради. Миллий ифтихорини оёқ ости қилинишига йўл қўймайди. Ор-номус, виждон, адолат, мурувват, олижаноблик каби тушунчаларни энг юқори ўринларга қўяди. Ўзи яшаётган жамиятдаги қонун-қоида, одоб меъёрларига қаттиқ риоя қилиб, ахлоқий ва ҳалол ҳаёт кечириб юради.

Тасаввуф аҳли эса, одамни чин инсонга айлантириш йўлларини излаб, нажот йўли фақат Аллоҳга ибодат қилиб сифинишгина эмас, балки Уни севиш ҳис туйғулари орқали баркамолликка эришишдадир деб, ҳар бир кишини ҳақиқий иймонли инсонга айланиши мумкинлиги ғоясини илгари сурганлар. Улар ғоясининг умумий йўналиши инсон қалбини ҳайвоний ҳирслардан, нафсдан озод этиб инсоний руҳ — Аллоҳга ишонч, иймон нури билан тўлдиришга қаратилган.

Ўтмишда энг обрўли руҳонийлар ўз хатти-ҳаракатлари, бутун фаолиятлари билан юқоридаги инсоний сифатларни ўзларида мужассамлаштирганлар ва халққа ибрат бўлганлар. Масалан, ҳаж қилиб келганлиги учун эмас, балки бундан буён покланиш йўлига киргани, одамларга идеал инсон бўлишга жазм этгани учун, ҳожилар доим халқ олдида эъзозда бўлганлар.

Ҳозирги олимларнинг аксарияти ҳам диний ташкилотлар билан сиёсий ташкилотлар, руҳонийлар билан фан аҳллари, диндорлар билан инсон ақл-идроқи қудратига ишонувчи файласуфлар ўртасида тарихий ҳамкорликни юзага келтириш катта аҳамиятга эга эканлигини

таъкидламоқдалар.

Шундай қилиб, умуминсоний маънавий иймон, диний иймонга қараганда кенг камровлидир. «Иймонли одам» деганда ана шу умуминсоний маънавий иймон эгаси тушунилади.

Иймон жамиятда маънавиятни қарор топтирадиган, одамни чин инсонга айлантириш учун қудратли руҳий восита бўлганлиги учун ҳам, яратилажак фалсафа ва Ўзбекистон Республикасининг миллий мафкурасида ана шундай юксак умуминсоний маънавий иймон масаласи ҳам ўз ифодасини топмоғи лозим, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда маънавий ҳаёт асоси фан ёки дин, фалсафа ёки илоҳиёт бўлиши кераклиги масаласига келсак, олимлар Ўзбекистон давлати, қабул қилинган Конституциянинг умумий руҳдан келиб чиқиб, дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти бўлганлигидан, Республикада умуминсоний маънавиятнинг асоси илмий фалсафа бўлиши, дин эса, жамиятнинг маънавий, ахлоқий покланиш воситаси бўлиб қолиши керак, деган мулоҳазани билдирганлар.

4. Бахт (саодат) ҳақида

Баъзилар ўзлари билмаганлари ҳолда бахтли яшайдилар.

Бахт нима ўзи?

«Бахт» сўзининг асл луғавий маъноси — кишининг ҳаётдан қониқиши, тўла хурсандлиги, ҳаётдан розилиги, мамнунлиги, беармонлик ҳамда орзу-тилақларининг амалга ошганлик ҳолатидир. (Бахт — туркийча, саодат — форсча, бу иккала сўзнинг маъноси бир).

Ер юзидаги барча одам боласи борки яхши яшаш, бахтли бўлиш орзусида ўзларини «ўққа-чўққа» уриб ҳаракат қиладилар, елиб-югурадилар. Аммо «бахт» нима? деган саволга ҳамма ҳам бир хилда жавоб бера олмайди, чунки ҳамманинг бахт тўғрисидаги тушунчаси, тасавури, ўй-фикрлари, орзу-ниятлари, ўз олдларига қўйган мақсадлари, интилишлари, нафслари, дунёқарашлари ҳар хил, турли-тумандир.

Шундай экан, қани, ўтмишдаги файласуф ва донишмандлардан ҳам «сўраб» кўрайликчи, улар бу ҳақда нима деяр эканлар. Балки шунга қараб бу тўғрида бирон-бир фикрга келармиз. Уларнинг ҳам бахт ҳақидаги фикрлари, тасавурлари турлича бўлган экан.

Масалан, қадимги юнон файласуфи, антик скептицизм асосчиси **Пиррон** (мил. олдин 365-275) бахтни вазминлик, безовталанмаслик, руҳий осойишталик (атараксия)да деб билган. Бу ҳолатга эришиш учун, оламни билиш, ўлим қўрқувини енгиш, дунё ташвишларидан қутилиш кераклигини ҳамда объектив воқеликни тўлиқ билиш мумкин эмаслиги сабабидан ҳар хил мунозара ва баҳслашишлардан тийилиш, юз бераётган воқеаларга, шодлик ва қайғуга бирдек бепарво бўлишга интилиш кераклигини таъкидлаган.

Қадимги юнон файласуфи Пирроннинг шогирди **Энесидем** (мил. аввалги I асрда яшаган) ҳам устози Пирроннинг фикрини давом эттириб, нарсаларнинг моҳиятини тўла, ҳақиқий билиш мумкин эмас, чунки бизнинг ҳар бир даъвойимизга унга зид бўлган иккинчи бир даъвони қарама-қарши қўйиш мумкин. Шунга кўра, ҳар бир нарса тўғрисида узил-кесил қатъий фикр билдириш нотўғри. Чунки бу фикр янглиш бўлиб чиқиш эҳтимоли борлиги учун, яхшиси, умуман ҳар қандай даъволардан воз кечмоқ керак ва одатда ҳамма сингари ёки бирон-бир заруриятга қараб, зарурий эҳтиёжга кўра хатти-ҳаракат қилмоқ лозим. Фақат шундай қилгандагина ички хузур-ҳаловатга, яъни бахтга эришиш мумкин, деб айтган.

Юнон файласуфи ва табиби бўлган **Секс Эмпирик** (200—280) ҳам исботланадиган, шак-шубҳадан, бутунлай холи бўлган билимнинг бўлиши, ҳамма қабул қилиши шарт бўлган бирон-бир илмий, теологик, ахлоқий ва шу каби мутлақ ҳақиқатларнинг бўлиши мумкин эмас, деб исботлашга уринган ва бу тўғридаги ҳар қандай узил-кесил қарордан, билимдан сақланишни тавсия этган. Токи бу билан руҳий мувозанатга ва ҳузур-ҳаловатга, бахтга эришиш мумкин бўлсин деб таълим берган.

У фалсафанинг мақсади ана шу руҳий мувозанат ва ҳузур-ҳаловатни амалга оширишдан иборатдир деган. Шундай экан, инсон ўзининг табиий эҳтиёжлари, майллари, одатлари ҳамда анъаналар, қонун-қоидалар ва соғлом ақл талабларига амал қилиб иш тутиши ва яшамоғи керак, деб таъкидлаган.

Қадимги Рим файласуфи, нотиғи ва давлат арбоби **Марк Туллий Цицерон** (106—43) эса, бахтнинг манбаи олий эзгулик, олий фазилат эгаси бўлишлик, ахлоқий бурч талабларини бажариш ва шахсий фойданинг зиддиятли эканлигини тўла англаб етишидадир, деган.

У, камолотга эришиш учун киши тўрт фазилат: адолат, мардлик, донишмандлик ва ҳар бир ишда мўътадил (ўртача) бўлишликка эришиш зарур, деб таълим берган.

Қадимги юнон файласуфи **Эпикур** (341—270) нинг фикрича, билишдан мақсад бахтга эришишдир. Бунинг учун киши жаҳолат ва хурофотдан ҳамда ўлим қўрқувидан халос бўлмоғи керак.

Этикада у ҳузур-ҳаловатни асослаб берган. Ҳузур-ҳаловатга инсон азоб-уқубатлардан четлашиб, осойишта ва қувноқ руҳий ҳолатга ўтиш орқали эришилади. Инсон учун энг оқилона нарса фаолият эмас, балки ором, атараксия — руҳий осойишталик, безовта-ланмаслик, яъни оламни билиш, қўрқувни енгиш, дунё ташвишларидан қутилиш, беҳуда муҳокама, мунозаралардан ўзни тийиш, юз бераётган воқеаларга, шодлик ва қайғу, ғам-ғуссаларга бепарво қарашдадир, деб таълим берган!

Стоиклар фалсафий таълимотининг вакиллари — Зенон, Хрисипп, Диоген, Боэций, Панэтий, Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий ва бошқалар ҳам бахт — эҳтирослардан холи бўлишда, инсон руҳиятининг осойишталигида, лоқайдликдадир, деган фикрга келганлар.

Француз файласуфи **Пьер Гассенди** (1592—1655) ҳам, Эпикур сингари, ҳар қандай мамнуният ўз-ўзича саодатдир (бахтдир), ҳар қандай фазилат қанчалик «ҳузур-ҳаловат» бахш этса, шунчалик саодатлидир, деб уқтирган.

Қадимги юнон файласуфи, Сукротнинг шогирди **Аристипп** (435—355) ҳаётнинг олий мақсади хурсандчиликда деб билган; лекин унинг фикрича инсон ортиқча хурсандчиликка бутунлай бўйсуниб кетмасдан, балки ҳаётдан оқилона лаззат олишга интилиши лозим. Чунки оқилона лаззатланиш ҳаётнинг олий саодатидир. Яхшилик ва ёмонликнинг, ростлик (чинлик) ва ёлғоннинг мезони хурсандчилик ва азоб-уқубатдадир, деб таълим бериб, ҳаётда ўртача, мўътадиллик, олтин ўрталик қоидаси бўйича яшашни ёқлаган.

У: «*Мен учун ҳаддан ташқари бойлик ҳам, қашшоқлик ҳам бегонадир*», — деб айтган.

Немис файласуфи **Людвиг Фейербах** (1804—1872) инсоннинг бахтга интилиши азалдан инсонга хос бўлган табиий интилишдир ва ҳар бир киши ўз эҳтиёжларини оқилона чеклаб, бошқа кишиларга меҳр-муҳаббат билан қарагандагина, киши ҳақиқий бахтга эришиши мумкин, деб айтган.

Бошқа бир немис файласуфи, анархик индивидуализм асосчиси **Макс Штирнер** (1806—1856) нинг фикрича, яккаю-ягона реаллик — «Мен» эгоист (худбин)дир, бутун дунё эса

ўша «Мен»нинг мулкидир. Ҳар бир кимсанинг ўзи ахлоқ ва ҳуқуқ манбаидир. Якка шахс учун «Мен»дан аълороқ нарса йўқ деган қоида қўлланма бўлмоғи лозим, деган.

Унинг фикрича хусусий мулк «муқаддас» бўлмоғи лозим, чунки унда «Мен»нинг ўзига хослиги ифодаланган. Ҳар бир кимса иккинчи кимсани фақат ўз мақсадларига эришиш воситаси қилиб олиши ғайри ахлоқий эмас, деган «ғалат» фикрни айтган.

Унинг бу эгоистик таълимоти немис файласуфи ва олими Иммануэл Кант (1724—1804) нинг «Ҳар бир шахснинг ўз қадр-қиммати ўзи учун шундай улуғ неъмат бўлиши керакки, бу қадр-қиммат ҳатто бутун жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳам қурбон қилинмаслиги керак», — деган ақидасига яқин туради.

Улардан кейинроқ ўтган бошқа бир немис файласуфи **Эдуард Гартман** (1842—1906)нинг фикрича, барча истак ва тилаклардан воз кечиш машаққатсизликка, бахтнинг ягона турига ва ягона замирига эришиш йўлидир.

Яна унинг таъкидлашича, машаққатсизликка эришиш учун инсон бу дунёдаги ва охирадаги «бахт»дан «халос» бўлмоғи керак.

Шунингдек, у ижтимоий тараққиёт натижасида эришиладиган «бахт»ни ҳам, жамиятни ўзгартириш ва такомиллаштириш воситаси билан эришиладиган «бахт»ни ҳам инкор этган.

Хоразмлик буюк ўзбек мутафаккир олими **Абу Райҳон Беруний** (973 — 1048) мамлакат ободончилиги илм-фаннинг гуллаб-яшнашига боғлиқ, кишининг бахти эса унинг билим ва маърифатида, деб таъкидлаган.

Аллоҳ инсонни бахтли ёки бахтсиз қилиб яратмайди. Адолатсизлик Унинг учун тамомила бегона. Кишининг бахтли ёки бахтсиз бўлишига асосан унинг ўзи сабабчи. Чунки Аллоҳ инсонга ирода, ихтиёр, танлаш ва фаолият эркинлигини бериб қўйган. Аммо У доим инсонни шайтон воситаси ила синовдан ўтказиб туради ва ҳар бир киши ўзининг ихтиёри, иродаси билан қилган ишига, қилмишига яраша улушини олади. Шайтонга бўйсунмаганлар нафсини жиловлаб ола олганлар, ақлли ва билимлилар ўзларини ўзлари бахтли қила оладилар.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, умумий хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, фикримизча, бахт яна қуйидаги омиллар тажассумидан иборат, деб айтса бўлади:

- 1) кишининг тан-жони соғ бўлса;
- 2) оилавий аҳволдан ўзи рози бўлса, турмуш йўлдоши ўзига мос ва қаноатлантирарлик даражада бўлса;
- 3) иқтисодий аҳволи ўртача бўлса, ўртача мўътадил оқилона ҳаёт кечириб юрса;
- 4) бола-чақаларидан кўнгли хотиржам бўлса;
- 5) қаноатли бўлса, ўз нафси устидан ғолиб ва ҳоким бўлиб, орзу-ҳавасларини жиловлаб ололган бўлса;
- 6) орзулари тўла ёки қисман ушалган ёки ушалаётган бўлса, ўйлаган режалари, ишлари вақтида амалга ошиб турса;
- 7) оилада, қариндош-уруғлари олдида ва жамиятда обрўси, нуфузи бўлса;
- 8) касб-кори, машғулоти ўзига ёқимли бўлса;
- 9) шодлик ва қайғуга бирдек бепарво бўлиб, осойишта руҳий ҳолатни эгаллаб ва ҳаётдан мамнун бўлиб, ҳар бир ишда ўртачалик, мўътадиллик қоидасига амал қилиб юрса;
- 10) барчага, ҳар бир нарсага меҳр-муҳаббат, шафқат, инсоф назари билан қарай билса, илмга, билимга интилса, уларни эгалласа ва амал қилса, иймонли бўлиб, **Яратганни** доим эслаб, ибодатини қилиб юрса ва ҳоказолар.

Хуллас, фикрлар турли-туманлиги қоидасига асосан, ана шу келтирилган омилларнинг, ҳолатларнинг ҳаммаси ўзида бўлсагина, инсон ўзини тўлиқ бахтли, бахтиёр деб ҳисоблаши мумкин бўлади. Аммо инсонда бундай шартларнинг ҳаммаси бир йўла намоён бўлишининг иложи йўқ.

Шундай бўлса-да, ана шу 10 шартни барчасига эмас, балки уларга қисман эриша олган, ўзида мужассамлаштира олган тақдирда ҳам, инсон ўзини бахтиёрман деб ҳисоблаши мумкин.

Бахтли бўлишликнинг шартларидан дастлабкиси инсон ўзининг руҳиятини поклай билиши бўлиб, руҳи поклана бошлаган кишининг онги ҳам ўзгаради. Зарарли, салбий ўй-фикрлардан ва моддий ҳаёт ташвишларидан бирмунча узоқлаша олган одамнинг табиати ҳам, дунёни англаши ҳам ўзгача ҳузурбахш бўлади.

Бахт дегани умумий олганда турмушдан мамнунлик, тўқислик ва хотиржамлик бўлиб, ҳар томонлама мукамаллик эса олам, Буюк Олий Онг — **Тангри таоло** билан уйғунлик туйғусидир.

Бахт шундай нарсаки, борлигида уни киши кўпинча сезмайди, йўқлигида эса орзу қилади. Бахтли одам ҳеч қачон «мен бахтлиман», деб иқроор бўлиб ўтирмайди, кўпинча бахтли эканлигини билмай юраверади. Ўзини бахтли санаган одам бахтим етарли, бахтга тўйдим, деган эмас, демайди ҳам. Бахт — бошланиши ва охири йўқ чегарасиз бир нарса.

Шоир айтганидек :

*Шундай яшагилки, сен бўлсанг Шарқда
Ҳаққингга дуо айласин одамлар Фарбда.*

Аллоҳ таолло ҳеч кимни бахтсиз қилиб яратмайди. **Парвардигор Ўзи** яратган бандаларини нечук бахтсиз қилиб яратсин ахир, У бандаларига меҳрибон-ку !

Бахтсизлик, инсоннинг ўзини ҳаётда йўл қўйган хатолари, янглишуви, адашувлари яъни номукамаллиги ҳосиласидир.

Ўтмишдаги машҳур мутафаккирлар, инсон қачонки ўзлигини тўлиқ англаб етса, **Парвардигорини** таниса, билса ва бу дунёда яшаш, ҳаёт қонун-қоидаларини чуқур билсагина, чинакам озод, ҳур бўла олади, уни фақат ана шу билим бахт сари етаклайди деганлар. Билимнинг асосий манбаларидан бири эса китобдир, у :

*Бир дўстки, ҳеч кимга бермаган азоб,
Узоқ синаб кўрдим, билсанг у китоб.
Сирни яширмагай ўқувчисидан,
Хабар берар сенга ёзувчисидан.
Хилватда сен билан бўлиб у улфат,
Жимгина қуради ёқимли суҳбат.*

Юқорида айтганимиздек, «бахт» тушунчаси нисбийдир. Мутлақ бахт йўқ нарса. Бахтни қандай тушуниш кишининг ижтимоий ўрнига, билими, ёши, дунёқарашига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, уни ҳар ким ҳар хил тушунади ва тасаввур қилади. Айрим кишилар учун бирор нарса бахтдек туюлса, бошқа бирлари учун бу нарса бахт эмас. Баъзилар катта бойликка эришишни бахт деб билсалар, бошқа бирлари масалан сўфийлар, тасаввуф аҳли учун молни, бойликни сариқ чақачалик аҳамияти йўқ. Шарқда кўп болалик қадрланса, Оврүпода эса бунинг акси.

Хуллас, ким ўзини бахтли деб билса, ана ўшалар бахтли ва иқболлидирлар...

Бахт ҳақида турли халқларнинг фикрлари ҳам турлича бўлган, масалан: — Ерда бахтли бўлмоқликнинг етти шarti бор, дейди Африка қабилаларидан бири ва ноғора садолари остида жўшқин рақслар тушиб куйидаги кўшиқни хўр ва жўр бўлиб куйлаганлар:

- Бахтлисан — агар ёш ўлиб кетмасанг,
 - Бахтлисан — агар қашшоқ бўлмасанг,
 - Бахтлисан — агар яшаш ёқимли бўлса,
 - Бахтлисан — агар орзуларинг ушалса,
 - Бахтлисан — агар бахт топсанг,
 - Бахтлисан — агар осон ишни қўлдан бермасанг,
 - Кейин мана шу ер, она заминдан, бир кун кетишинг тайин, сўнги уйқуга.
- Шунгача одам тинмай бахт изларкан...*

Бахт билим билан боғлиқ ахлоқий категория бўлганлиги учун «билим» тушунчасини бироз таҳлил қилиб ўтишга тўғри келади.

Модомики, буюк донишманд, мутафаккир, файласуфларнинг фикрларига кўра бахтга эришишнинг асосий воситаларидан бири *билим*, илм, маърифат экан, уларнинг бу ҳақдаги қарашлари ҳам турли-туман, ҳар хил бўлганлигини кузатамиз.

5. Билим ҳақида

Фан воқеа, ходисаларнинг фақат шаклидан баҳс юритиб, бирор нарсанинг қандай бўлиши мумкинлигини ўрганadi. Нима учун бўлганлигини, сабабини фалсафа тушунтириб беради. Фалсафа ақл билан чегараланган, унинг ҳар томонлама чегараси ақлдир. Ақл еча олмайдиган мавзу ва масалалар фаннинг имконидан ташқарида бўлиб, бу ишлар пайғамбарларга юборилган илоҳий ваҳй ва авлиёларга илҳом йўсинида билдирилган ладуний илм орқали ечилади. Ана шу нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда, хоразмлик машҳур ўзбек мутафаккири **Абу Райҳон Беруний** фалсафада «икки ҳақиқат» назариясини яратиб, фан очган янгиликлар, кашфиётлар — илмий ҳақиқат, **Аллоҳ Ўзининг** пайғамбарлари орқали маълум қилган ҳақиқатлар — диний ҳақиқатдир, деб айтган. Ана шундай илмий ва диний билимларни бир-бирига уйғунлаштириб олинган билим чин ҳақиқатни очиб бериши мумкин, деб уқтиради у.

Фидеизм таълимоти тарафдорларининг таъкидлашларича, фан фақат ходисаларнинг, фактларнинг иккиламчи физик сабабларини очиб беради, лекин у бирламчи, ғайритабиий сабабларни очиб беришга, Борлиқнинг энг чуқур манбаларини тушунтириб беришга қодир эмас. Фан фақат зоҳирий, кўзга кўриниб турган, тажрибада бор, мавжуд нарсалар, ходисалар, воқеалар ҳақидагина маълумотга эга. Пайғамбарлар ва азиз-авлиёларгагина маълум қилинадиган ботиний-ғайб илми, ладуний илм сирларидан фан хабардор эмас... Шунинг учун ҳам илмий билиш бир томонлама билиш бўлиб, чин ҳақиқатни охиригача очиб бера олмайди.

Фидеистларнинг фикрича, фақат дин, олам, унинг мақсади, қонун-қондаларини чинакамига изоҳлаб беради. Инсоннинг ҳаётига мазмун ва мақсад бағишлайди. Фан эса, бу мақсадни амалга ошириш учун баъзи бир воситаларни беради холос.

Теософия таълимоти бўйича илоҳий донишмандликка илми ғайб — ладуний илмдан хабардор бўлган теософия «пирлари»гина эриша оладилар.

Машҳур рус файласуфи ва илоҳиётчиси **Памфил Данилович Юркевич** (1826—1874) ҳам фан руҳий ҳолатни тушунтиришига аралашмаслиги лозим, чунки унда бунинг учун тегишли билим воситалари йўқдир, деб айна ҳақиқатни айтган.

Даниялик файласуф **Серен Къеркегор** (1813 —1855) эса илоҳий дунё билан инсоний дунё ўлчовдош эмаслиги сабабли, дин фандан дунё ҳақида мантиқий тафаккурдан воз

кечишни талаб қилишга ҳақли, деб таълим берган.

Стоиклар фалсафаси таълимоти бўйича, билим фақат донишмандликка етишиш ва яшай билиш учун воситадир. Улар, «*инсон табиатга муносиб равишда яшаши керак*»лигини уқтирганлар.

Қадимги юнон файласуфи **Сукрот** (469—399): «Билимнинг олий вазифаси назарий эмас, балки амалий вазифадан, яъни яшамоқ санъатидан иборат бўлмоғи керак», деган. Унинг яна таълим бериб айтишича, «*Ёмон ишлар, ёмон қилиқлар фақат билмасликдан, билимсизликдан келиб чиқади ва ҳеч ким ўз хоҳиши билан «ёмон» бўлиб қолмайди*».

Илм олиш динимиз Исломда ҳам ғоят қадрланади ва рағбатлантирилади. Илм жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, кишини жаҳолатдан, нодонликдан қутқарувчи халоскори, жаннатга олиб борувчи кўприк ва саодатга етказувчи воситадир, деб Пайғамбаримиз ва пайғамбаримизнинг саҳобаи-киромлари ўз вақтида қайта-қайта уқтириб ўтганлар. Яъни, масалан, Саҳоба Анас ибн Молик р.а. пайғамбаримизнинг: «*Илмни Чинда (Хитойда) бўлса ҳам талаб қилинлар. Чунки илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслималар учун фарздир*» деганларини айтиб ўтган.

Пайғамбаримиз саҳобаларидан Абу Дардо:

«*Олим учун осмон ва ердаги ҳамма нарсалар, сувдаги балиқларгача истиғфор айтадилар.*

Олимнинг обиддан афзаллиги, тўлин ой кечасидаги ойнинг бошқа юлдузлардан афзаллиги кабидир. Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор-дирҳам мерос қолдирмадилар. Илмни мерос қилиб қолдирдилар. Ким уни олса, ўзига катта насиба олибди», деб айтганлар пайғамбар алайҳиссалом» деган экан.

Саҳоба Маоз ибн Жабал разийаллоху анху пайғамбаримизнинг: «*Илм олинлар, чунки таълим олиш — Аллоҳдан қўрқиш, уни талаб қилиш — ибодат, музокараси — тасбеҳ, билмаган кишига ўргатиш — садақа, уни ўз оила аҳлига сарфлаш — қурбатдир, яъни Аллоҳга яқинликдир. Чунки илм жаннат йўлидир. Илми толибларга ҳўлуқуруқ — денгиздаги балиқлар, осмондаги қушлар, ердаги ҳашоратлар, қуриқлигу сувдаги ҳайвонларнинг барчаси салавот ўқийдилар. Чунки илм қалбларни жаҳолатдан тирилтиради, у билан аброрлар ва аҳрорлар манзилига етади, бу дунё ва у дунёда баланд даражаларга эришади. У билан қариндошчилик боғланади, у билан ҳаром ва ҳалол билинади. У саодатмандларга илҳом бағишлайди, бахтсизликни даф қилади*», деганларини ривоят қилади.

Саҳоба Абу Ҳурайра р. а. пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қиладилар. Басра аҳли илм молдан афзалми, ёки мол илмданми? деб бир-бирлари билан ихтилоф қилган эканлар. Абу Ҳурайра пайғамбаримизнинг:

«*Илм пайғамбарларнинг мероси, мол эса фиръавнларнинг (подшоҳларнинг). Илм сени қўриқлайди, сен молни қўриқлайсан. Албатта, илмни Аллоҳ яхши кўрганига берур, молни эса Аллоҳ наздида сариқ чақачалик қадри йўқлигидан яхши кўрганига ҳам, яхши кўрмаганига ҳам бераверади. Кўпроқ яхши кўрмаганига беради. Илм ишлатиш ва сарфлаш билан камаймайди, мол эса аксинча, камаяди. Мол эгаси қиёматда молини қаердан, қандай топгани ва қаерга, қандай сарфлагани ҳақида сўроққа тугилади. Илм эгасининг эса ҳар бир сўзига жаннатда юксак даражатлар бордир.*

Олимлар дунё қанча турса, шунча туради, уларнинг жисмлари йўқолган бўлса-да, таълимлари қалбларда мавжудлигича қолади», деганларини сўзлаб берган эканлар.

Ийсо ибн Марям алайҳиссалом:

«*Ким билса, унга амал қилса ва уни бошқаларга ўргатса, уни осмон салтанатида*

«Азийм», деб чақирилади», деб марҳамат қилган эканлар. (Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбеҳул-фофилийн. II китоб. Тошкент, «Мовароуннахр», 2001, 212—219 бетлар).

И л м ф а з и л а т л а р и

Пайғамбаримиз с. а. в. айтганлар :

— Умнатимни икки нарса — илмни тарк этиш ва мол-дунё йиғишга ружу қўйишлари ҳалок қилиши мумкин (Замахшарий).

Пайғамбаримиз с. а. в. дедилар :

— Аллоҳ таоло айтган : «Менинг наздимда илм фазилати ибодат фазилатидан аълодир» (Суйутий).

Ал - Хасан айтади:

— Ибодатни илмга зарари етмайдиган даражада қилинг (Замахшарий).

Сахоба Ибн Абд ул-Хакам р. а. айтган:

— Моликнинг ҳузурида унга илмий китоблардан ўқиб бериб ўтирган эдим. Пешин вақти бўлди, «Намозни ўқиб олай»,—деб китобларни йиғиштираётган эдим, «Ниятинг яхши бўлса, қилмоқчи бўлган ишинг (яъни намоз) қилаётган ишингдан (яъни илм билан шугулланишдан) афзал эмас»,—деди (Замахшарий, Ғаззолий).

Ал - Хасан айтган:

— Аллоҳ таоло Қуръонни фикр қилиб тушуниш, унга амал қилиш учун нозил қилган. Баъзилар эса уни тиловат қилишни етарли деб ҳисоблаб, ўзларига ҳунар қилиб олганлар (Замахшарий).

Расулulloх с. а. в. айтганлар:

— Олимларни ҳурмат қилинглар, чунки улар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Олимларни ҳурмат қилган киши Аллоҳни ва Унинг Расулини ҳурмат қилган бўлади (Суйутий).

Байт:

Кимки қилибдур олимларга таъзим,
Билки қилибдур пайғамбарларга таъзим.

Фазл айтади:

— Олимларнинг ёмони арбобларга суянади, арбобларнинг яхшиси олимлар билан улфат бўлишга интилади (Замахшарий).

Расулulloх с.а.в. айтганлар:

— Нолойиқ одамга таълим бериш тўғрисида дуру гавҳарлар ва тилло тақинчоқлар тақийш билан баробардир (Ибн Можжа).

Расулulloх с.а.в. айтганлар:

— Қиёмат кунда уч тоифа одамларга шафоат қилинади: пайғамбарлар, кейин олимлар, кейин шаҳидлар (Имом Ғаззолий).

Расулulloх с.а.в. айтганлар:

— Ҳар нарсанинг ўз йўли бор. Жаннатнинг йўли билимдир (Суйутий).

Пайғамбаримиз с.а.в. дедилар:

— Йиғинда бўлиб, кўп ҳикматли гапларни эшитган, ёки ажойиб китобни ўқиган, кейин эшитган ва ўқиганларининг фақат ёмонини гапириб юрган одам, подачиға: «менга атаб қўй сўйгин», деганида подачи «бор, ўзинг энг яхши қўйни танлаб олиб кел»,—деса, поданинг итини судраб келган одамга ўхшайди (Ибн Можжа).

Расулulloх с.а.в. айтганлар:

— Олимлар Аллоҳнинг ердаги ишончли вакиллари дур. (Суйутий, Имом Ғаззолий).

Расулulloх с.а.в. айтганлар:

— Олимлар пайғамбарларнинг ворислари дур. (Имом Бухорий, ат-Термизий).

Қадимги юнон мутафаккири Антисфен (450—360): «Оқил киши бирон-бир давлатга тегишли бўлмай, балки у бутун дунё фуқароси ҳамдир»,—дегани пайгамбаримизнинг юқоридаги икки ҳадисларига ҳамоханг бўлиб тушади.

Расулulloх с.а.в. айтганлар:

—*Мўмин олим мўмин ибодатхондан 70 даража ортиқдир. Бир даража билан иккинчиси орасида эса ер билан осмонча масофа бор* (Имом Ғаззолий, Суйутий).

Юқорида билим ва олимлар ҳақида келтирилган ҳикматли гаплар «Билим — иймон чироғи» китобидан олинди (Т.: Тошкент Ислоҳ Университети. Тўпловчи ва таржимон А.Абдуҷабборов. 2002)

Шундай қилиб, билимлар орқали одамлар турли илмларни ўрганадилар. Олимлар эса одамларга билим берадилар. Лекин билимларнинг барчаси ҳам фойдали эмас. Ал-Фақиҳ—Абу Лайс Самарқандий Ийсо а.с.дан ривоят қилади:

— Дарахтлар кўп, лекин ҳаммаси мевали эмас. Уламо (олим)лар кўп, уларнинг ҳаммалари тўғри йўл кўрсатувчи эмас. Мевалар кўп, ҳаммаси бирдек ширин эмас. Илмлар кўп, лекин ҳаммаси фойдали эмас.

Фойдасиз, ҳатто зарарли илмлар бор, масалан, айрим олимлар илмларидан фойдаланиб, оммавий қирғин қуроллари кашф этганлар. Бундай даҳшатли қурооллар Ер юзидаги барча мамлакатлар учун хатарлидир. «Илми тасхир» (бўйсундириш илми)ни одамлар зарарига ишлатиш яъни иситма-совутмалар қилиш, кишини дардга чалинтириш, руҳий мажруҳ қилиш ва х.о.лар. Яхши илмлар ҳам агар уларга амал қилинмаса фойдасиздир.

Абу Лайс Самарқандий. Али ибн Абу Толибдан ривоят қилади:

—Агар олим илмига амал қилмаса, илм ўзига ҳам, бошқаларга ҳам фойда бермайди. Чунки, олим илмига амал қилмаганини кўриб, жоҳил илм олишдан ўзини тортади. Ал-Фақиҳ яна айтади:

—Илмсизлик ўликлик билан тенг.

Сўфиён ибн Уайнадан:

—Ким билган илмига амал қилмаса, у жоҳилдан ҳам ёмон. Олимнинг битта гуноҳи кечирилгунча, жоҳилнинг етмиш гуноҳи кечирилиши мумкин. Чунки у билмай гуноҳ қилган. Демак билиб қилинган гуноҳ ундан етмиш марта оғирроқдир.

Ал-Фақиҳ айтдилар: «Уламолар ҳалол мол йиға бошласалар, авом халқ ҳам уларга эргашиб, мол тўплашга тушади, аммо улар илмсизликлари сабабли, шубҳали молларни ҳам йиға бошлайди. Олимлар ҳаромдан сақланиб, шубҳали молни олсалар, жоҳиллар уларга эргашади, аммо илмсизликлари туфайли ҳаромни ҳам ҳалол деб ўйлаб олаверадилар, чунки улар шубҳали билан шубҳасиз (ҳаром ва ҳалол)ни ажрата олмайдилар. Аммо, агар олимлар ҳаром молни ҳам тўплай бошласалар, жоҳиллар демак бу ҳалол, мумкин экан деб ўйлаб, ҳаромни ҳалол санаганлари учун кофирга айланиб қоладилар» («Танбеҳул-ғофилийн», 2-китоб, 222-бет).

Демак, билимларнинг энг яхшиси— савоб ва гуноҳни, ҳалол ва ҳаромни фарқлашни ўргатувчи билимлар экан. Иймон, эътиқодни, шариат аҳкомлари, яхшилик ва ёмонлик адолат ва жабр-зулмни фарқлашга ўргатувчи билимлар—энг яхши билимлардир.

Абу Лайс Самарқандий билганларини бошқаларга ўргатмаган, амри маъруф қилмаган олимларнинг гуноҳкорлиги ҳақида бундай дейди: «Қиёмат кунда жоҳиллар олимларга ёпишиб ёқасидан оладилар ва «сизлар билган эдинглар, лекин бизларга далолат қилмадинглар, бизларни ёмон ишлардан қайтармадинглар, шу ишларингиз учун биз бу ҳолга (дўзах азобига) тушиб ўтирибмиз» дейдилар.

Билим олишнинг ҳам ўзига яраша шартлари бор. Абу Лайс Самарқандий расулulloҳдан ривоят қилади: «Ким илмни тўрт нарса учун ўрганса, дўзахий бўлади; 1) илми билан одамлар ичида фахрланиш учун; 2) ахлоқлар билан тортишиш учун; 3) одамларнинг эътиборини қозониш учун; 4) амирлардан мол таъмасида ёки обрў, ҳурмат олиш учун илм олса.

Сўфиёни Саврий айтади: «Илмнинг боши—жим туриш, кейингиси—эътибор билан эшитиш, учинчиси—ёд олиш, тўртинчиси—унга амал қилиш, бешинчиси—уни билма-

ганларга тарқатишдир. Мана шу шартларга амал қилиб, билим олинса, бундай одамлар икки дунё саодати (бахти)га эришади.

Билим ҳақидаги сўзимизни мухтасар қилар эканмиз, шуни доим эътиборда тутиш керакки, барча ишлар каби илмда ҳам кибр-ҳаво қилиб, катта кетиб бўлмайди. Чунки кибр-ҳаво, такаббурлик ширкка жуда яқин туради, уни ҳатто ширкни «укаси» дейдилар. **Аллоҳ** насиб этган илм, билим эгаси асло ҳаволаниб кетмаслиғи керак, чунки у барибир ҳамма нарсани билиб ололмайди, умри етмайди. Сўраган эканлар: «Ҳамма нарсани ким билади?» Шайх Нажмиддин Кубро жавоб бердилар: «Ҳамма нарсани ҳамма билади, аммо ҳамма ҳали туғилган эмас», деб.

Илмда мағрурланмаслик ҳақидаги Аллоҳнинг қуйидаги ояти каримасини эсдан чиқармаслик керак: «... **Ҳар бир илм эгасининг устида ундан ҳам билимдонроқ (олим) бордир**» (12:76).

Й и г и р м а у ч и н ч и ф а с л

Авлодларга насиҳатлар

*Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлиғу йўқлиғу камлик.*

Абулқосим Фирдавсий.

Азиз суҳбатдош! Панд-насиҳатлар дарж этилган асарлар, китоблар ниҳоятда кўп. Шунинг учун ҳам ҳаёт тажрибаларида синалган, ўта муҳим деб билган қуйидаги насиҳатларни баён қилмоқчиман. Токи тўғри йўлдан адашмагайсиз ва ҳаёт машаққатларини камайтиргайсиз.

Аввало, умрнинг ҳар нафасини ғанимат билинг! Уни доим хушнудлик ва яхшилик билан ўтказинг! Бир куни муқаррар ўлишингизни, фоний-омонат дунёда вақтинча яшаётганлигингизни унутманг. Доимо «ўлим олдида» турганингизни сезиб, билиб юрганингиздагина ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси, фурсати ғаниматлигини, унинг маъно-мазмунга тўлалигини англайсиз. Ўзингизни бўлар-бўлмас ортиқча машаққатларга урмайсиз. Рухий мувозанатга, рухий осойишталикка ва ҳузур-ҳаловатга эришасиз.

Иккинчидан, ўз кадр-қимматингизни сақланг, уни поймол этишларига ҳеч кимга йўл қўйманг. Умрингизнинг сўнгги нафасигача жиловингизни ва маблағингизни на хотинингизга, на фарзандларингизга ва на бошқаларга бериб қўйманг. Унутманг: тўн кийганники, от минганникидир. Шунда сиз обрўйингизни, мавқеингиз ва кадр-қимматингизни сақлаб қолган бўласиз ва сиз билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур бўлади.

Унутманг, сиз дунёга ҳур келгансиз ва дунёни шундай тарк этишингиз керак. Ўз кадр-қимматингизни ўзингиз сақлаёлмасангиз, сиз учун уни ким сақлайди?

Ўзини кадрламаган ҳурмат қилмаган одамни бошқалар ҳам иззат қилмайди. Киши ўз кадр қимматини ўзи яратади ва у ўзига қандай баҳо қўйса унинг қиммати ўшанга тўғри келади. Масалан, агар касал бўлганингда соғайиб кетишингни байрамдек кутиб турувчи яқин одамларинг борлигини билсанг, ҳатто касал бўлиш ҳам ёқимли туюлади.

Учинчидан, бўлар-бўлмасга ғам, ташвиш чекаверманг, ўтганни эслаб қайгураверманг, фойдаси йўқ. Чунки у ўтиб кетди. Келгусини ўйлаб ҳам ғам чекаверманг, чунки у ҳали келгани йўқ. Эртага бормисиз, йўқмисиз, уни **Яратган** билади. Ўтмиш билан келажакнинг ўртаси «ҳозир»дир. Ана шу «ҳозир» билан яшанг. Бунга буюк мутафаккир, аллома, табиб Умар Хайёмнинг фалсафий рубойлари мисол бўла олади. Пайғамбаримиз ҳадисларини, «Қобуснома» «Калила ва Димна», Аҳмад Донишнинг «Нодир воқеалар» асарларини, Артур Конан Дойлнинг «Шерлок Холмс ҳақида»ги хикояларини ва бошқа кўплаб ақлни қувватлантирувчи адабиётларни доим ўқинг. Улар сизга қандай ҳаёт кечиришингиз лозимлигини ўргатади. Кейингиси эса зийраклигингиз ва синчковлигингизни пешлайди.

Булар ҳаётингизда жуда асқотади.

Тўртинчидан, **Аллоҳ таоло** яратган оламнинг «**олтин ўрталик — мувозанат**» қонунига риоя қилинг. Ҳар бир ишда, турмушда, муомалада, ҳаётда ўртачалик, мўътадиллик йўлини тутинг. Олам, табиат қонунларидан бири бўлган бу қонуннинг ҳақлиги тўғрисида дунёнинг аҳволи шохиддир.

Ҳеч кимга, ҳеч нарсага, ҳатто бола-чақага ҳам қаттиқ кўнгил қўйиб бўлмайди. Агар шундай қилсангиз, улардан ажраб қолишингиз мумкин. Бутун севги, муҳаббат, кўнгил қўйиш фақат яратган **Раббимиз — Аллоҳ таолога** бўлиши кераклигини мудом эсда тутинг. Тўқислик, беками-кўстлик ва кибр-ҳаво фақат **Аллоҳга** хосдир.

Ҳар бир ишда, ҳаётда, ор-номусингизни, обрўйингизни сақланг. Ўзингизни ҳаддан ташқари виқорли ҳам, ҳаддан ташқари хокисор ҳам тутманг — ўртача бўлинг. Ўта ширин бўлмангки, ютиб юбормасинлар, ўта аччиқ ҳам бўлмангки, туфлаб ташламасинлар.

Бойлик масаласида ҳам ўртача бўлинг. Азиз умрингизни бойлик, дунё излаш билан зое кетказманг. Катта бойлик машаққат, азоб-уқубат ва ранжу аламдир. Камбағаллик эса балодир. Ўртачалик, мўътадиллик эса роҳат-фароғатдир. Бирон адабий ёки фалсафий асарларда катта бойликка ружу қўйиш ёхуд қашшоқлик тараннум этилган эмас.

Бойлик тўплаш катта машаққат ва катта азоб-уқубатлар эвазига бўлади, сиз эса ҳаётга яшаш учун келгансиз, доим машаққат чекиш учун эмас. Агар сизга катта бойлик келаётганини сезсангиз, билингки, сизга азоб-уқубат ва жазоси нақд гуноҳ келмоқда.

Бойликнинг энг яхшиси қаноат, дилнинг тўқлиги ва тамагир бўлмасликдадир. Унутманг, дангасалик ва тамагирлик хорлик келтирур.

Доим эсингизда бўлсин: дунёда энг тез ўтиб кетадиган нарса — умр, энг яқини — ўлим. Ҳақиқий бойлик мол-дунёнинг кўплигида эмас, балки нафснинг тўқлиги ва қаноатдадир.

Бола-чақамга, неvara, эvara, чевараларимга қолдираман, деб ҳаддан ортиқ бойлик тўпламанг. Ризқ-рўзни улашувчи — **Аллоҳдир**. Сиз эса ризқ еювчисиз, берувчи эмас. Унинг ишини ўз зиммангизга олманг. Бола-чақангизга қанча катта бойлик қолдирсангиз, **Аллоҳ** уларнинг насибасини шунча миқдорда кесиб, камайтириб қўяди. Яхшиси, уларни дуо қилиб туринг, иш ўргатинг, тадбиркор, ҳунарли қилинг, ўқитинг, илм ўргансинлар. Илм ва ҳунар қаноатга ўхшаш шундай бойликки, уни ўғри ололмас, ўтда ёнмас, сувда чўкмас бебаҳо ҳазинадир.

Бола-чақага ортиқча муҳаббат — унинг оқибатига тескари пропорционалдир.

Ҳаддан ташқари рўза ва намозга берилиб, кетма-кет ҳажга борманг, буюрилган фарзни адо этиш билан чекланинг. Динимизда зоҳидлик рағбатлантирилмайди, у дунё ҳаётининг чўқишига олиб келади. Ҳаётда кўп сўз ва гапларни ёдлашни ҳам ўзингизга одат қилманг. Дуч келган кераксиз илмни берилиб ўрганишнинг ҳам, кўп ҳикмат билишнинг ҳам фойдаси йўқ, кераклигини билиб олсангиз бас.

Унутманг, биз фақат ейиш-ичиш учун яшамаганимиздек, фақат билиш учун ҳам яшмаймиз.

Ҳазрати пайғамбаримизнинг: *«Бу дунё деб, у дунёдан, у дунё деб, бу дунёдан воз кечманглар»*, деган ҳадисига риоя қилинг.

Қалбингиз ҳақгўйлик, ростлик ва эзгулик билан безансин. Сиздан ҳамиша яхшилик ва саховат ёғилиб турсин. Сизнинг ҳақиқатингиз ва моҳиятингиз тўғрилиқ ва хайрли ишлар қилиш бўлсин. Вайсақилиқ ва бебурдликдан сақланинг.

Зинҳор эсингиздан чиқмасин: ким ота-онасини рози қилса, **Аллоҳ** унинг ҳам ризқини, ҳам умрини зиёда қилиб, жойини жаннатдан ато қилади. Ота-она розилиги — **Худо** розилигидир. Ҳаммага яхшилик қилиб, яхши ном олсангиз-у, ота-она розилигини ололмай қолган бўлсангиз, ҳамма қилган яхши ишларингиз, топган савобларингиз бекор кетади.

Ким ота-онасига «оқ» бўлса, **Аллоҳ** унинг ризқини ва умрини қисқартириб қўяди, жойини эса жаҳаннамдан тайин қилади. Ота-онага оқ бўлиш учун уларнинг дили қаттиқ оғриб — ранжиса кифоя. Уларнинг сўз билан: «Сени оқ қилдим», деб айтишлари шарт эмас. Бу аниқ, синалган, кўп тажрибалардан ўтган иш бўлиб, бунга мисолларни истаганингизча келтириш мумкин.

Бундан ташқари, бу қайтар дунё эканлигини доим эсда тутинг. Нима эксангиз шуни оласиз. Қилмиш — қидирмишдир.

Қанчалик кўп яхшилик қилсангиз, умр гулзорингиз шунча яшнайти. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Бу соҳада ҳам ўртачаликни маҳкам тутинг.

Унутманг, **Аллоҳ** хор қилган одамга яхшилик қилсангиз, **Аллоҳ**нинг ғазабига учрайсиз. Албатта тегишли жазойингизни оласиз. **Аллоҳ** кимни йўлдан адаштириб қўйган бўлса, ҳаргиз унга йўл топа олмасиз.

Доим эсингизда бўлсин — тасодиф йўқ нарса. Бу дунёда рўй берадиган ҳамма нарсалар ё синов, ёки жазо, ёхуд мукофот, ёинки аввалдан юборилган хабардир. Шунга қараб иш тутинг.

Ҳожатманд бўлинг, кимни **Аллоҳ** дўст тутса, унга одамларнинг ҳожатлари тушадиган қилиб қўяди.

Аммо уч хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди:

— биринчиси — дангасага;

— иккинчиси — орсиз, ҳаёсиз кишига;

— учинчиси — аҳмоққа.

Биринчиси экин ўсмайдиган тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди. Унга қанча яхшилик уруғини экманг, фойдасиз, барибир униб чикмайди.

Иккинчисига яхшилик қилсангиз, мендан қўрққанидан яхшилик қияпти, деб ўйлайди. Бундайлар тумшукларини кўтариб, янада кўпроқ нарса талаб қиладилар. Бир марта навбатдаги яхшиликни қила олмай қолсангиз, сизга итдек дап қиладилар.

Учинчиси сиз қилган яхшиликнинг қадрини билмайди, унинг фарқига ҳам бормайди. Бировга яхшилик қилиш ўзидан ўзи бўлмайди, ўзингиздан кечиб қанчадан қанча машаққатлар тортиш эвазига бўлади.

Оқил ва доно кишиларга яхшилик қилмоқ савоб ҳамда олий хислатдир.

Ҳамма билан яхши муносабатда бўлинг, лекин барчага кўнгил қўяверманг.

Эсда тутинг: дўстингиз бир кун душман, душманингиз эса дўст бўлиб қолиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб улар билан муомала қилинг.

Аллоҳдан бошқадан ёрдам сўраманг, бу ширкка киради. Ширк эса кечирилмайдиган гуноҳлардандир.

Кибрли одамга бўйин эгманг. Чунки у **Аллоҳ**нинг душманидир. **Аллоҳ**нинг душманига эса бўйин эгилмайди. Кибр-ҳаво бошланганда албатта завол ҳам бошланади. «*Камтарга камол, манманга завол*», деб бекорга айтмаганлар.

Кибр ва таназзул бир-бирига тўғри пропорционалдир. Ширк ва кибр бамисоли «ака-ука» бўлиб, **Аллоҳ** наздида улар кечирилмас гуноҳи кабиралардан ҳисобланади.

Яккаю ягона танҳо кибр эгаси улуг ва қудратли **Аллоҳ таоло**дир!

Агар сиз кишининг табиатини билмоқчи бўлсангиз, баъзи ишларда у билан маслаҳатлашинг, шунда унинг одиллигини, яхши-ёмонлигини билиб оласиз.

Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

Кўнглингизга ёқмаган киши билан бир зум бўлса ҳам суҳбатлашманг, ундан узоқлашинг. Тилингизга эҳтиёт бўлинг, бефойда сиёсат билан шуғулланманг!

Ёмон одам билан бир лаҳза ҳам бирга бўлманг. Бундайларнинг таъсирига тушиб қолишингиз жуда осон. Ўқ ёйнинг эгрилигини кўргач, ундан қандай қочиб, учиб кетганини кўрдингизми, сиз ҳам шу тахлит ёмондан қочинг. Ёмондан қоч, ёмондан қоч, ёмондан қоч — деб уч марта бекорга айтилмаган.

Кўринг, бу ҳақда аллома Паҳлавон Маҳмуд нима дейди:

**Уч юз Кўҳи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ
Нодон суҳбатидан кўра яхшироқ.**

Машҳур сўфий Хожа Али Рўмитаний (Хожан Азизон) ҳам бу ҳақда шундай деган:
«*Ким билан ўтириб турдингиз, кўр, агар юрагингиз ундай одамлар суҳбатидан*

баҳра олмай, хижил тортса, зинҳор алар бирлан қайта ҳамсуҳбат бўлма, йўқса Азизон руҳи сени кечирмайди».

Оёингиз тортмаган ерга зинҳор борманг, кўнглингиз чопмаган ишни қилманг.

Йўқотганингизга ачинманг, борини асраб-авайланг.

Бу дунёда ўзингизни бамисоли мусофир ёки ўтиб борувчи йўловчи каби ҳис этинг! Мусофир карвонсаройга тушади, тун ўтиб, тонг отгач, жўнайди.

Синалганни қайта синаманг.

Бир куни мушриклар Ййсо алайҳиссаломга: «Агар пайғамбар бўлсанг, қани, ўзингни томдан ёки тоғдан ташлаб кўр-чи, омон қолармикансан, шунда сени пайғамбарлигингга ишонамиз», — деганларида, Ййсо алайҳиссалом: «Аллоҳ Тавротда: «синалганни қайта синама», деганини эшитмаганмисан?», — деб жавоб берган экан.

Биров билан олдиндан таниш бўлмасангиз, унда эҳтиёт бўлинг.

Ноўрин гумонга борманг, айтадилар-ку, «гумон иймондан айирибди», деб.

Тунда тушган манзилингиздан ташқари чиқманг. Емаган, синалмаган мевалардан еманг. Ўзингизга таниш бўлмаган йўлдан юрманг, узоқ бўлса ҳам, таниш йўлдан юринг.

Аллоҳ сизга бир касб сабабли ризқ етказиб турган бўлса, то ўша касбнинг ўзи ўзгармагунча, шу касбни ташламанг.

Аллоҳ таоло сизга берган неъматларидан ўзингизга ҳам сарфланг. Нафснинг ҳам инсонда ўзига яраша ҳаққи бор.

Бутун аъзойи баданингизнинг шикастланишидан сақланинг. Жонингизни бесабаб азобга қўйманг. Унутманг, ўзингиз ҳам, аъзойи баданингиз ҳам **Худонинг** омонат мулкидир. Омонатга хиёнат эса ўзининг тегишли жазосини олмай қўймайди. Ақлли, виждонли, инсофли одам омонатни қандай бўлса, шундайлигича бешикаст, безарар, бус-бутун қилиб эгасига қайтаради.

Асабингизни авайланг, асранг. Асабни бузадиган ишлардан сақланинг. Асаб сиҳат-саломатлик заминидир. Касалликнинг туб сабаби асосан асабнинг емирилиши ва шамоллашдандир. Кўринишидан жуда арзон, аммо бебаҳо нарса асабдир. Асабни бой бергандан кўра, мол-дунёни бой берган маъқул.

Ёмон туш кўрсангиз бировга айтманг, пинҳон тутинг. «Эй Худо, Ўзингдан паноҳ сўрайман, ўз паноҳингга ол», деб уч марта чап елкадан ошириб тупириб қўйинг. Яхши тушга ҳам, ёмон тушга ҳам садақа қилинг. Пул, мол билан битадиган ишни тўхтатманг.

Фарзандларингиз шўхлик, қайсарлик қилса, гапга кирмаса, уларни зинҳор қарғаманг, чунки ёмон дуолар, ниятлар, қарғишлар бирдан ижобатга ўтиб қолиши мумкин. Ҳадеб қарғайверганингиздан кейин, фаришталар «омийн» деб юборишлари мумкин.

Бу ҳақда **Қуръон**да махсус оят бор:

«Аллоҳ ёмонликни сўз билан ошкора айтишликни сўймайди. Зулм қилинган киши бундан мустасно. Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчидир» (4- «Нисо» сураси, 148-оят).

Фарзандларингизга баб-баравар меҳрда бўлинг, уларни бир хилда кўринг, асло биридан бирини ортиқ кўрманг! Уларнинг кийимлари ва емишларини баб-баравар тақсим қилинг. Мерос қолдирганингизда ҳам одил бўлинг.

Ҳеч кимга қарз берманг ва қарз олманг. «Йўқ» дейишни ўрганинг. Қарз бериб ёмон кўринганингиздан кўра, бермай ёмон кўринганингиз маъқул. Чунки қарздорликдек оғир юкни унинг бўйнига юклаб қўйганингиздан кейин, бу юкни кўтариб юрган одам қандай қилиб сизни яхши кўрсин?

Эсингизда бўлсин! Жазоси нақд, аниқ, тез келади, кечирилмайдиган гуноҳи кабиралардан бири судхўрликдир. Зинҳор-базинҳор бировга фоизга пул қарз берманг ва фоизга пул қарз олманг. Иккаласининг гуноҳлик даражаси бир хилдир.

Қариндош-уруғларингиз билан узилишиб кетманг, уларни вақти-вақти билан тез-тез бориб йўқлаб туринг, кўлингиздан келса, уларга ёрдамингизни дариг тутманг, катта савобга эга бўласиз.

Ота ва она томонидан камида етти аждодингиз кимлигини оила дафтарига ёзиб қўйинг.

Яқин қариндош-уруғ билан асло куда бўлманг, авлодингиз ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам рухан носоғлом, қусурли, сифатсиз, ногирон бўлади. Қон қанча узоқ, бегона бўлса, шунча яхши. Бу борада пайғамбаримиз: «**Ниқоҳда бегоналашинглар**», деб айтганлар.

Бошқа миллат билан ҳам қиз олди-берди қилманг, миллатимизнинг фаторат топиб кетишига, йўқолишига ҳисса қўшган бўласиз. Миллатимизни ўзимиз авайлаб-асрамасак, биз учун уни ким асрайди?

Бизнинг миллат жуда қадимги, фахрланишга арзийдиган, бошқа барча миллатлар хурмат қиладиган, таҳсинларга сазовор буюк ўзбек миллатидир. Биз **Аллоҳ**нинг пайғамбари Нух алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас ва унинг ўғли Турк авлодларимиз. Миллатимиз вакили, жаҳонни ўзининг сиёсати билан титратган, бутун жаҳон тан олган, Русия, Европа ва бошқа қатор мамлакатларнинг халоскори буюк саркарда, подшоҳ, Ислом дини ҳомийси, адолатпеша, бунёдкор, маърифатпарвар бобомиз Амир Темур билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Хужумига бутун жаҳон лашкарлари дош бера олмаган, енгилмас Чингизхон билан ўзининг оз сонли қўшинлари билан ватан учун жанг қилишга, журъат эта олган, қўрқмас, мард, довюрак, баҳодир Жалолиддин Мангуберди миллий ифтихоримиздир.

Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун шарафли курашларда ўз жонларини ҳам аямаган Широқ, Тўмарис каби энг қадимги аждодларимиз вакилларининг ҳамда биринчи жаҳон дини ва унинг муқаддас «Авесто» китоби бизнинг юртда юзага келганлиги, бу диннинг асосчиси пайғамбар Зардушт эса бизнинг заминимизда туғилиб ўсганлиги ҳақидаги хотиралар кўҳна жаҳон тарихи саҳифаларидан муносиб жой олганлиги бизнинг ўтмишда буюк миллат бўлганлигимиздан далолат беради. Шунга қараб иш қилайлик, миллий ғуруримизни, ор-номусимизни сақлаб қолайлик. Ватанимиз Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигини ёддан чиқармайлик. *Инсоф, адолат ва фидойилик* шиоримиз бўлиб қолсин.

Шу ерда одиллик тимсоли бўлган машҳур подшоҳ Ануширвони одилнинг вазири Бузургмеҳр билан қилган савол жавобларининг тўрттасини ва донолик тимсоли бўлган Лукмони ҳақимнинг ўз ўғлига қилган ўн насихатини айтиб ўтаманки, уларни ҳам эсдан чиқарманг:

Подшоҳ ва вазирнинг савол жавоблари:

1. Умрни қандай ўтказиш керак?

— Дилшодлик ва хурсандлик билан.

2. **Худо** хушнудлигини нима билан топиш мумкин?

— Ота-онани шод қилиш билан.

3. Одамлардан қайси бири бахтиёрроқ?

— Дунё қарама-қаршиликларидан дилтанг бўлмаган киши.

4. Дўст ноқобилга айланса, ундан қандай қутулиш мумкин?

— Олдига кам бориш ва ҳолини сўрамаслик билан.

Лукмони ҳақимнинг ўғлига қилган насихатлари:

1. Сирингни махфий тут, ҳеч кимга айтма.

2. Ҳамма ишда ўртача йўл тут.

3. Бойлигинг миқдорини дўсту душманга билдирма.

4. Болаларинг нима деса, ўшани қилаверма.

5. Мол-дунё топаман деб, ўзингни қийноқ остига ташлама.

6. Ғазабинг келганда, сўзни танлаб гапир.

7. Эси паст, девона, аҳмоқ ва маст билан сўзлашма.

8. Пулсиз, пичоқсиз, узуксиз юрма.

9. Ўзингни ўта хор қилмасликка интил.

10. **Худони** ва ўлимни доим ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унут.

Ушбу китобни тугаллаш арафасида **Аллоҳ** бизга *туҳфа* этган, ўткинчи умр, қазойи муаллақ, охират, бахт-саодат ва инсоннинг ўзлигини англаши ва қадрлаши ҳақида муҳлислар билан савол-жавоблар акс эттирилган қуйидаги *мураббаълар билан якунлаймиз:*

Ул недирки — кўринмасни билдилар?

Ул недирки — қиёматга қўйдилар?

Ул недирки — талашдилар етдилар?

Фозил бўлсанг, бундан бизни огоҳ эт!

*У Раҳмондир, кўринмас-у — билдилар.
У Аъмолдир, қиёматга қўйдилар.
У Ҳақиқатдир, талашдилар етдилар.
Биздан салом, ҳамдамларим, шайдоларим.*

*У неки — кўринмас-у бўлинар?
У неки — емадилар тўйдилар?
У неки — изладилар топдилар?
Комил бўлсанг, шундан бизга хабар бер!*

*У Меҳрдир, кўринмас-у бўлинар.
У Дийдордир, емадилар тўйдилар.
У Иймондир, изладилар топдилар.
Сизга салом, «Фидоий»дан, шайдоларим.*

*Ул надир — гуноҳ сари етаклар?
Ул надир — етиш учун қуварлар?
Ул надир — саодатга йўл бошлар?
Олим бўлсанг, буни бизга сўзлаб бер!*

*У Иблисдир, гуноҳ сари етаклар.
У Бахтдир, етиш учун қуварлар.
У Билимдир, саодатга йўл бошлар.
Биздан салом, мухлисларим, шайдоларим.*

*У нимадир — ўзи бору жисми йўқ?
У нимадир — ўхшаши йўқ, тенги йўқ?
У нимадир — кимга бору, кимга йўқ?
Доно бўлсанг, буни бизга хабар қил!*

*У Рухдирки, ўзи бору жисми йўқ.
У Ўзингсан, ўхшашинг йўқ, тенгинг йўқ.
У Оламдир, борга бору, йўққа йўқ.
Сизга салом, «Фидоий»дан, шайдоларим.*

Буни:

*Тухфа этдим сенга, эй ўзбек эли!
Ўқиганнинг очилсин қулфи дили.
Ушбу «Саодатга элтувчи билим»,
Битилди XX аср — сўнги йили.*

Абдулҳай Абдурахмон (Фидоий)

Мухтарам суҳбатдош !

Ушбу китоб инсонларнинг иймон-эътиқодларини янада мустаҳкам ва барқарор бўлишига сабабчи бўлса, тўғри йўлга — хидоятга бошласа, орзуйимга етган бўлур эдим.

*Мақсадингни Ўзи қилсин ҳосил,
Иноят-ла қилсин васлига восил !*

Илоҳа омийн, ё Раббил олабийн !

Бешинчи қисм тугади.

Энди эътиборингизга ҳаётингизда асқотиб қолиши мумкин бўлган баъзи бир қўшимча маълумотларни ҳавола этамиз.

Қўшимча маълумотлар

Ҳурматли суҳбатдош!

Ҳаётда билиб қўйишингиз лозим бўлган айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамизки, уларнинг баъзиларини билсангиз, баъзиларидан беҳабар бўлишингиз мумкин. Бинобарин бу ҳақда ҳазрат Алишер Навоий бобомиз: «*Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим*», деганлар. Билимнинг ортиқчаси бўлмайди, улар ҳаётингизда асқотиб қолар, деган ниятда бу маълумотларни китобимизга қўшимча қилдик.

Давр, йил ҳисоблари ва уларнинг келиб чиқиш тарихи, кам ишлатиладиган, лекин адабиётларда учрайдиган ноёб атама ва сўзларнинг маънолари, изоҳлари, айрим мамлакатлар, ўлкалар, шаҳарлар, халқлар, элатлар, хусусан, ўзбекларнинг келиб чиқиши ва улар қадимда қандай қавмлардан ташкил топганликлари, баъзи уй ҳайвонларининг аталиши, қадимги масофа, узунлик, оғирлик ўлчовлари, халқ табобати билан шуғулланмоқчи бўлганлар учун дори-дармонлар ва уларнинг қадимги ўлчов бирликлари ва ҳоказоларни қўшимча маълумот сифатида эътиборингизга ҳавола этамиз.

Булардан ташқари яна кўплаб билимга чанқоқ ўқувчиларимиз қизиққан, XIX - XX асрларда вужудга келган, инсон билан коинот масаласини яхлит бир тарзда ўрганувчи «Фазобиология» фанининг энг муҳим асосларидан бири, сирли, фаройиб, аммо мураккаб фан бўлмиш илми нужум (астрология) ҳақидаги билимни ҳам қўшимча маълумот сифатида тақдим этдик.

Давр, йил ҳисоблари

Э р а

Э р а, милод сўзлари давр ҳисобларининг номлари бўлиб, эра — лотинча «аега» «айрим сон», «бошланғич рақам», милод эса арабча «туғилиш», «янги» деган маъноларни беради.

Эра 2 хил маънога эга.

1. Бирор йил ҳисоби бошланган пайт ва шундай йил ҳисобининг ўзи.

2. Давр, яъни қандайдир тарихий ёки ижтимоий хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладиган катта давр. Масалан: Космик эра, Астрономик эра, Геологик эра, мусулмонлар эраси, ҳозирги христианлар эраси ва ҳоказолар.

Геологик эра — ер тарихида ер ва тоғ жинслари, ўсимликларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган, бир неча юз миллион йилларни ўз ичига олган муддат, даврни билдиради. Масалан, Палеозой, Мезозой, Кайнозой эралари.

Эра ҳақиқатан юз берган бирор катта воқеа, ҳодисадан бошланган. Масалан, қадимги юнонларда йил ҳисоби муқаддас Олимп тоғи ёнбағирларида биринчи Олимпиада ўйинлари бошланган пайтдан, яъни эрамиздан олдинги 776- йилдан то эрамиздан олдинги 394- йилгача бўлган.

Лотинларда ака-ука Ромул ва Ромларнинг эрамиздан олдинги 753- йилда Рим (Ром) шаҳрига асос солган пайтдан, мусулмонларда пайғамбар Мухаммад алайҳиссаломнинг эрамизнинг 622- йили Маккадан Мадинага ҳижрат қилган (кўчиб ўтган) пайтдан, ҳозирги янги эра эса, Ийсо пайғамбар туғилган кундан бошланган деб қабул қилинган. «Эрамиздан ёки милоддан олдинги фалон йилда» деганда Ийсо пайғамбар туғилган 1- йилдан

олдинги даврлар тушунилади. Ийсо пайғамбар туғилган 1-йилдан кейинги йиллар ҳозирги давр деб тушунилади ва айтилади. Масалан, Мусо пайғамбар эрамиздан (милоддан) олдин 1546-йилда вафот этган. Демак, у зотнинг вафотларига ҳозир 3549-йил бўлган (1546+2003).

Милод (арабча — «туғилиш», «янги») — янги бизнинг эра дегани. Ҳозирги амалда бўлган милодий йил — янги эра, Ийсо пайғамбар таваллуди кунидан бошланган. Ҳозирги 2003-йил Ийсо пайғамбар туғилган кунга 2003 йил бўлганлигини билдиради.

Бу йил ҳисоби Россия императори Пётр I нинг фармонига кўра, 1700-йил 1-январдан бошлаб жорий этилган.

Ўрта ва Марказий Осиёда милодий йил ҳисоби биров кейинроқ — XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўллана бошланган. Бунгача юртимизда — сўғдий, хоразмий, сурёний, мучал, хижрий йил ҳисоблари амалда бўлган. «Хоразм эраси»нинг боши милодий 1-аср ўрталарига тўғри келади. Бу йил ҳисоби VIII асрга қадар амал қилган.

«Эра» атамаси бутун жаҳон мамлакатларида ишлатилади. Шарқ давлатларида эса бу икки — «милодий», «эра» атамалари бирдек қўлланилаверади.

Астрология ва астрологик эра

Илми нужум астрологиянинг шарқча атамаси бўлиб, у инсоннинг қайси юлдуз остида туғилганига қараб, унинг тақдирини, қандай ишни қачон қилиш ёки қилмасликни, хайрли-хайрсиз кунлар ва ҳоказолар ҳақида хабар беради.

Илми нужумни инсон ҳолатининг мароми (ритми) билан коинотнинг ўзаро алоқасини ўрганувчи ҳамда инсон ички ҳолати билан табиатнинг ташқи маромлари ва жамиятнинг ўзаро уйғунлиги қонунларини аниқловчи фандир, деб таърифлаш мумкин. Илми нужумни ўрганишдан асосий мақсад, образли қилиб айтсак, «йиқиладиган жойга похол тўшаб қўйиш»дир.

Илми нужум ўз навбатида Ғарб зоичанома — толеънома (гороскоп)лари ва Шарқ мучалига таянади.

Астрологик (нужумий) эра ҳақида сўз юритишдан олдин, астрономия ва астрология (фалакиёт ва илми нужум) фанларининг бир-биридан фарқини изоҳлаб ўтишга ва шу мавзуга тегишли бўлган баъзи бир маълумотларни келтириб ўтишга тўғри келади.

Астрономия (юнонча — осмон) — коинот жисмларини — Куёш, Ой, галактика, юлдузлар ва сайёраларнинг тузилиши, ҳаракати, тараққиёти, уларнинг тизимларини текширувчи, қисқаси бутун коинот ҳақидаги фандир.

Астрономия инсониятнинг амалий эҳтиёжлари, яъни мавсумий ҳодисаларни олдиндан айтиш, вақт ҳисоби, Ер сиртидаги нарсалар ўрнини аниқлаш ва бошқа эҳтиёжлари натижасида вужудга келган қадимги фан.

Астрономия — сферик ва амалий астрономия, астрофизика, осмон механикаси, юлдузлар ва галактикалар астрономияси, космогония, космология каби бўлимларга бўлинади. Фалакиёт — астрономия атамасининг Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган номидир.

Астрология (юнонча — мунажжимлик) — мунажжимлик ҳақидаги таълимот, «илми нужум». Осмон ёритгичларининг ҳолатига, ўрнига, вазиятига қараб тарихий воқеалар, инсонлар ва халқларнинг тақдирларини ва келажакни башорат этиш, фол очиш ҳақидаги илм; шарқ мамлакатларида «Илми нужум», яъни мунажжимлик илми деб аталади.

Бу илм билан шуғулланувчилар мунажжим, раммол деб аталганлар. Қадимги замонларда илми нужум билан қоҳинлар, сарой мунажжимлари, сеҳргарлар фаол шуғулланиб келганлар.

Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари — Плиний, Плутарх, Ксенофан, Гиппарх, Посидон, Цицерон, Гиппократ, Коперник, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек, пайғамбар Зардушт ва яна

бошқа кўпдан-кўп машхур олимлар, файласуфлар, мутафаккирлар буюк астролог—илми нужум соҳиби ҳам бўлганлар.

Ҳозирги пайтда Шарқ мамлакатларидан ташқари АҚШ, Италия, Франция, Германия, Англия, Япония, Бразилия ва ҳоказо давлатларнинг олийгоҳларида астрономия фани билан бирга астрология ҳам мустақил фан сифатида ўқитилмоқда.

Астрология осмондаги сабабларнинг Ердаги натижалари таъсирини ўрганувчи илм бўлиб, унинг тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Бу иш билан биринчи бўлиб эрамиздан 4000 йиллар олдин шумерликлар шуғуллана бошлаганлар. Улардан кейин бу таълимот билан халдейлар, мисрликлар, бобилликлар шуғулланганлар. Улардан юнонлар ва римликларга ўтган.

Халдейлар осмондаги Куёш, Ой, юлдузлар ва сайёраларни кузатиш учун пирамидасимон пиллапояли улкан иншоот — миноралар қурганлар ва астрологияни маромига етказиб ўрганганлар. Уларнинг бу борадаги ҳисоб-китоблари жуда аниқ ва пухта бўлган. 12 қисмдан иборат бўлган 360 градусли бурж (зодиак) кейинчалик Хитой, Ҳиндистон ва Шарқ мамлакатларидан тортиб то Европа мамлакатларигача етиб борган.

И з о х: Энг қадимги қабилалар гуруҳи уюшмаси бўлган шумерлар (шумершийлар) Жанубий Месопотамия, яъни ҳозирги Ироқнинг жанубий қисмига эрамиздан 5 минг йиллар олдин кўчиб келиб яшаб қолганлар.

Дастлаб Жанубий Арабистонда яшаган сомий қабилалардан бири бўлган халдейлар эса, Месопотамия (ал-Жазира)нинг жанубий қисми, Дажла (Тигр) ва Фирот дарёлари орасида жойлашган Бобил (Вавилония)ни эрамиздан олдинги VII асрда босиб олганлар ва уларнинг кўпчилиги шу ерларда яшаб, ўрнашиб қолиб кетганлар.

Халдейлар осмон жисмлари айниқса Куёш, Ой ва бошқа сайёраларнинг циклик айланма ҳаракатлари Ердаги организмлар, воқеа-ҳодисалар ва шарт-шароитларга таъсир қилишини чуқур ўрганганлар ва «*Юқорида (осмонда) қандай бўлса, пастда (Ерда) ҳам шундай*», — деган тамойилда турганлар.

Астрология бир неча йўналишдан иборат:

• — *натал астрология* киши туғилганда Куёш, Ой ва сайёраларнинг жойлашган ҳолати билан одам шахси ва тақдирининг бир-бирига боғлиқлигини ўрганади;

— *астрометеорология* иқлим ўзгаришлари, вулканларнинг отилиши, ер қимирлаши ва шу каби офатларни башорат этиш билан шуғулланади;

— *хорар астрология* махсус қўйилган масалалар ва саволларга юлдузлар жадвали (гороскоп) орқали жавоб беради;

— *тиббиёт астрологияси* касалларга ташҳис қўйиш ва даволаш ишлари билан шуғулланади;

— *танлаш, сайлаш (электив) астрологияси* бирор ишни, фаолиятни бошлаш учун қулай фурсатни танлаш ва аниқлаш каби ишлар билан шуғулланади;

— *космобиология* — махлуқот дунёсининг биологик ритмларини космик айланиш цикллари билан бир-бирига боғлаб тушунтирувчи фаннинг янги соҳаси.

Буржлар (зодиак) ҳақидаги ғоя астрономиянинг деярли барча турларига тааллуқлидир.

Юлдузлар осмонида Куёш, Ой ва сайёралар тор йўл (полоса)ни эгаллаб юлдузлар туркуми — буржни ҳосил қиладилар. Бу осмон айланаси (эклиптика) 30 градусдан иборат бўлган 12 қисмга бўлинади ($30^{\circ} \times 12 = 360^{\circ}$). Ҳар бир қисм, буржнинг «юлдуз белгиси»ни билдиради (Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадй, Далв, Ҳут).

Улар тўрт даража (категория)га бўлинадилар — олов, ер, ҳаво ва сув.

Буржлардан — Ҳамал, Асад ва Қавс — олов белгиси; Савр, Сунбула ва Жадй — ер белгиси; Жавзо, Мезон ва Далв — ҳаво белгиси; Саратон, Ақраб ва Ҳут — сув белгиси ҳисобланади.

Галактика (юнонча) «галактикос» сўзидан олинган бўлиб, «сутли», «сутсимон» деган маънони беради. Чунки юнонлар галактикани ерга тўкилган сутга ўхшатганлар. Астрономияда Қуёшни ва яна тахминан 200 миллиарддан ортиқ юлдузни ўз ичига олган юлдузлар тизими бўлиб, юлдузлар осмонини кесиб ўтувчи хира нур, шуъла сочиб турувчи «йўл» (полоса) сифатида кўринади. Шундай қилиб, галактика юлдузларнинг улкан гравитацион тизимидир.

Галактиканинг ўзбек тилидаги номи фанда «Сомон йўли» деб қабул қилинган. Чунки қадимдан юлдузлар маълум «тёкислик»ка — галактика экваторига нисбатан зич жойлашиб олганлиги кузатилган бўлиб, ота-боболаримиз уни арава кетидан тўкилиб борган сомондан хосил бўлган йўлга ўхшатганлар.

Галактик йил — Қуёш ва унга яқин юлдузларнинг биргаликда Галактика ўзаги атрофида тўла бир марта айланиб чиқадиган вақти, тахминан 230 млн. йилга тенг.

Метагалактика — коинотнинг ҳозирги замонда астрономик усуллар билан текшириш мумкин бўлган қисми. Унда бир неча миллиардлаб галактикалар бор.

Ёруғлик йили — юлдузлараро масофа бирлиги бўлиб, ёруғлик нурининг бир йилда ўтадиган йўлига, яъни $9,46 \times 10^{12}$ км. га тенг.

Ёруғлик тезлиги секундига 300 минг км, аниқроғи 299 792 458 метрга тенг.

* * *

Энди астрология тушунчасининг шарҳига ўтсак.

Бизга маълумки, Ер шарининг тўлиқ айланаси 360 градусдан иборат. Ер шарининг бирон бир градусида турган нуқта ҳар йили 5 градусдан силжиб, 72 йилда Ерни бир марта тўлиқ айланиб чиқади ва 360 градус ҳосил қилиб яна аввалги жойига қайтиб келади ($5^\circ \times 72 = 360^\circ$).

Бирон бир воқеа содир бўлган вақт бошланғич вақт сановининг илоҳий лаҳзаси ва Ер юзидаги маълум бир алоҳида муҳим илоҳий бошланғич географик нуқтадан узоқлик масофаси билан белгиланган; бунда оддий формуладан фойдаланилган, яъни:

— тарихий воқеа-ҳодиса вақтини белгилаш учун, вақт сановининг бошланиш илоҳий лаҳзасига тарихий воқеа-ҳодиса рўй берган жой — илоҳий «нол нуқта»дан неча градус кенгликка узоқлашган бўлса, шунча маротаба 72 йилдан қўшиб бориш керак. Яъни агар «нуқта» тўла 360 градус (1 айлана даври, цикли) узоқлашган бўлса, унда 25920 «Улуғ йил» даври ўтган бўлади ($360 \times 72 = 25920$).

Қадимги мисрликларнинг олиб борган астрономик тадқиқотлари ўта кичик оғишларни ҳам аниқлашга ёрдам беради, чунки амалдаги ҳаётий эҳтиёжлар уларни аниқ ҳисобга олинишини тақозо қилар эди.

Коҳинлар, раммоллар ва роҳиблар ушбу 25920 йилни, юқорида айтганимиздек, «Буюк йил» дея номлаганлар. Улар бу Буюк — 25920 йилни ойларга ўхшаш 12 га бўлганлар. Бундай ҳар бир «ой»га буржий юлдуз туркумларидан бирининг (зодиак) номини берганлар ва уларни *астрологик (мунажжимлик) эралар* деб атай бошлаганлар. Яъни ҳар бир астрологик эра $25920 : 12 = 2160$ йилга тенг.

Астрологик эра — баҳорги тенгкунлик нуқтасининг буржлар (зодиак) айланаси бўйлаб силжиши, яъни прецессия ҳодисасидир. Буржлар айланаси 12 буржнинг биринчиси — Ҳамалдан — баҳорги тенгкунликдан бошланади. Прецессия 25920 йил давом этади, яъни бу даврда тенгкунлик нуқтаси зодиак бўйлаб тўла айланиб чиқади.

Ўн икки буржнинг номлари:

1. Ҳамал — Қўй (Овен) 21 мартдан 20 апрелгача
2. Савр — Сигир (Телец) 21 апрелдан 21 майгача
3. Жавзо — Эгизаклар (Близнецы) 22 майдан 21 июнгача
4. Саратон — Қискичбақа (Рак) 22 июндан 22 июлгача
5. Асад — Арслон (Лев) 23 июлдан 22 августгача
6. Сунбула — Бошоқ (Дева) 23 августдан 22 сентябргача
7. Мезон — Тарози (Весы) 23 сентябрдан 22 октябргача
8. Ақраб — Чаён (Скорпион) 23 октябрдан 21 ноябргача
9. Қавс — Ёй, камон (Стрелец) 22 ноябрдан 21 декабргача
10. Жадй — Тоғ эчкиси (Козерог) 22 декабрдан 20 январгача
11. Далв — Қовға, челак (Водолей) 21 январдан 19 февралгача
12. Хут — Балиқ (Рыба) 20 февралдан 20 мартгача амал қилади.

Қадимги Миср қоҳинларининг кузатувлари шуни кўрсатадики, астрологик эра Ийсо пайғамбар туғилган йилдан олдинги 9060-йилдан, яъни «Асад» (Арслон) эраси тугагандан кейин бошланади. Ҳар бир астрологик эра даври 2160 йилдан иборат.

Бизнинг ҳозир яшаётган «Қовға» (Челак, пакир) астрономик эрамиз Ийсо пайғамбар туғилганидан 1740 йил ўтгандан, яъни «Хут» (Балиқ) эраси тугагандан кейин бошланган ва бу эра 2160 йил, яъни 3900- йилгача давом этади. Сўнгра шу 3900- йилдан бошлаб «Жадй» (Ўғлок, тоғ эчкиси) эраси кириб келади ва у 6060 (3900+2160)- йилгача давом этади.

Шу тартибда (пастдаги жадвалга қаранг) 6060—8220- йиллар — «Қавс», 8220—10380- йиллар «Ақраб», 10380—12540- йиллар «Мезон», 12540—14700- йиллар «Сунбула», 14700—16860- йиллар «Асад» эраси даври бўлади ва навбатма-навбат шу тартибда давом этиб кетаверади.

«Улуғ йил» (25920 йил) қуйидаги 12 бурждан иборат бўлган **12 астрологик эра** даврларидан ташкил топган:

Астрологик эра даврлари

Эранинг бошланиш йили	Эранинг тугаш йили	Эраларнинг буржий (Зодиак) номлари	
		Арабча-ўзбекча	Русча
<u>Олдинги йил :</u> Эр. аввалги 11 220-йил	Эр. аввалги 9 060-йил	«Асад» - Арслон	Лев
<u>Янги йил :</u> Эр. аввалги 9 060-йил	Эр. аввалги 6 900-йил	«Саратон» - Қискичб.	Рак
Эр. аввалги 6 900-йил	Эр. аввалги 4 740-йил	«Жавзо» - Эгизак	Близнецы
Эр. аввалги 4 740-йил	Эр. аввалги 2 580-йил	«Савр» - Сигир	Телец
Эр. аввалги 2 580-йил	Эр. аввалги 420 йил	«Ҳамал» - Қўй	Овен
Эр. аввалги 420-йил	Эрамизнинг 1 740-йили	«Хут» - Балиқ	Рыба
Эрамизнинг 1740-йили	Эрамизнинг 3 900-йили	«Далв» - Қовға	Водолей
Эрамизнинг 3 900-йили	Эрамизнинг 6 060-йили	«Жадй» - Тоғ эчкиси	Козерог
Эрамизнинг 6 060-йили	Эрамизнинг 8 220-йили	«Қавс» - Ёй	Стрелец
Эрамизнинг 8 220-йили	Эрамизнинг 10 380-йили	«Ақраб» - Чаён	Скорпион
Эрамизнинг 10 380-йили	Эрамизнинг 12 540-йили	«Мезон» - Тарози	Весы
Эрамизнинг 12 540-йили	Эрамизнинг 14 700-йили	«Сунбула» - Бошоқ	Дева
Эрамизнинг 14 700-йили	Эрамизнинг 16 860-йили	«Асад» - Арслон	Лев

Шундай қилиб, бир прецессия даври 25920 «Улуғ йил» ни (2160 йил x 12 бурж) ташкил этади, яъни ҳар бир бурж 25920 йилдан кейин яна қайтарилади...

Бу юлдуз туркумлари Куёш йўли — буржини вужудга келтиради. Бурж (юлдузлар туркуми — зодиак) астрономия фанида, ундан ҳам кўпроқ астрологияда муҳим ўрин тутади, зеро фалакда Куёшнинг экләктика деб номланган йиллик босиб ўтадиган йўли буржли (зодиакал) юлдуз туркумлари чизигининг ичида ётади. Ой ва сайёраларнинг юлдузли осмон траекторияси ҳам бурж (зодиак) бўйича ўтади.

Шу тарзда Миср маданияти циклли равишда такрорланувчи $25920 : 12 = 2160$ йил вақт кесигига эга бўлган катта ҳажмдаги вақт даврининг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлар билан бойиди. Бошқа халқлар тасаввур ҳам қила олмаган узоқ давом этувчи вақт босқичларининг мавжудлигини англашнинг ўзи бўлмайди. Шундай қилиб, мисрликлар ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни ёрқин бурж бўёқлари билан безадилар.

Қоҳинлар томонидан қабул қилинган 2160 йиллик вақт оралиқларини тенглаштириш тизимига мувофиқ астрологик эра даврлари, буржлар кетма-кетлигига тескари тартибда келади, чунончи: Қисқичбақа, Эгизаклар, Сигир, Қўй, Балик, Қовға, Тоғ эчкиси, Ёй, Чаён, Тарози, Бошоқ, Арслон.

Қоҳинлар кетма-кет келувчи бу эраларнинг тавсифи ҳақида, бирор-бир юлдуз туркуми буржи остида туғилган инсон ҳақида сўзлаб берувчи мунажжим сингари, оддий ва раво қилиб сўзлаб бера олганлар.

Вақтни тенг (бир хил)лаштиришнинг энг қадимий тизимини қабул қилган қоҳин ва мунажжимлар нуқтаи назарича, самовий жисмларнинг кўкда қандай жойлашганликларига қараб юз берадиган ўта муҳим ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган эралар алмашинуви инсонларга, уларнинг дунёқарашини, ҳис-туйғусини ва тарих ғилдирагининг айланишига таъсир қилади. Яқин ўтган астрологик эраларга уйғун, мос келадиган тарихий даврлар бизга яхши маълум. Мисол қилиб, шулардан бир нечасини келтирамиз.

Эгизаклар эраси — инсониятнинг деҳқончилик ва металлни илк бор қайта ишлаш давридан бошлаб, илк шаҳарларнинг барпо этилиши, ёзувнинг пайдо бўлиши ва дастлабки давлатларнинг вужудга келишигача бўлган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлининг тарихий давридир.

Сигир эраси — бу тарихнинг илк саҳифалари ёзилабошлаган, қоғозга туширилган энг қадимги тамаддунлар, мажусийлик даври.

Қўй — дастлабки империялар вужудга келган йиллар эраси.

Балик астрологик эра даври — дунё динларини сайёрамизнинг кенг маконларида тантана қилган эрасидир.

Қовға астрологик эраси прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, инсоният доимо доноликка интилган ва билимни ҳар нарсадан афзал кўрган, дейишади мунажжимлар. Халқлар ўзларининг барча муҳим хусусиятлари ва бошқалардан алоҳида ажратиб турувчи тарафларини сифатли, янги фундаментал дунёқарашлар тизими кўринишида, умуминсоний шаклда ўзларини жамиятда тутган ўринларини белгилаб берувчи барча нарсаларни «биллурлаштириш», яъни муайян шаклга келтиришга эҳтиёж туйганлар.

Сайёраларнинг юзаси мунажжимлар томонидан худудларга бўлиб ташланган ва уларга мувофиқ қилиб юлдуз туркуми буржлари қўйиб чиқилган. Бунга ҳам бир нечта мисол келтирсак.

Қисқичбақа ўз таъсирини Австралия ва Африкага тарқатади.

Эгизаклар худуди эса Арманистон, Белгия, Шимолий Америка ва Мисрда.

Сигир буржи ерлари — Ироқ, Эрон, Афғонистонда.

Қўй буржий юлдуз туркуми ўз таъсирини Англия, Германия, Дания, Шимолий Африка ва Кичик Осиёга кенг ёяди.

Балик буржи ерлари — Кичик Осиё ва Италияда.

Қовға буржи ерлари — Россия, Канада ва Дания ҳисобланади ва ҳоказолар.

25920 йил давом этадиган «Буюк йил» — бу юлдузлар осмони, юлдузлар туркумининг 360 градусга аниқ ва тўла айланишидир. Бинобарин, 1 градусга бурилиш — $25920:360=72$ йил давом этади (яъни бир градус = 72 йил). 1440 йилда осмон гумбази — фалак, 20 градусга бурилади ва бу нарса фалакни тўла айланишининг 360 градусдан ўн саккиздан бирига тўғри келади. Буюк йилнинг 18 қисмга бўлиниши ($25920:18 = 1440$) Американинг

Колумбдан олдинги майя халқи таквими (календар)га тўғри келади. Майя таквими ҳар бири 20 кундан иборат бўлган 18 ойдан ташкил топган ($18 \times 20 = 360$). Йил охирида, худди мисрликларда бўлганидек, унга 5 кун қўшиш билан тузатиш киритилган.

Юлдузлар осмонининг бир градус яъни 72 йилга бурилиши — алоҳида муҳим вақт бўлаги бўлиб, у тарихий тараққиёт тенденциясида ўзини намоён этади. Масалан, 1990-йилларнинг бошларида, яъни СССР тарқалиб кетишидан кейинги янги тарихий босқич олимлари, ўзларининг чиқишларида жуда кўп маротаба Совет Иттифоқининг ҳалокатга учрашини исботлаш учун қуйидаги далилларни келтириб ўтганлар:

а) Россия учун 1881- йил 1 (13) март — император Александр II нинг ўлдирилиш куни ва Александр III нинг тахтга ўтириши ва 1953- йил 5- март — Совет Иттифоқи раҳбари И. В. Сталиннинг ўлган куни орасидаги 72 йил фарқ, туб ўзгаришлар — қайта қуришлар даври бўлиб қолди. Шуни фараз қилиш мумкинки, 2025- йилнинг мартага келиб ($1953 + 72 = 2025$) И. В. Сталиннинг ўлиmidан сўнг бўлган кўнгилсиз воқеалар цикли ниҳоясига етади;

б) агар 1917- йил ноябрига 72 йилни қўшадиган бўлсак, 1989- йилнинг ноябр ойи келиб чиқади; Октябр инқилоби натижасида вужудга келиб шаклланган социалистик тизим 1989- йилда сиёсий ва иқтисодий бухрон (кризис)нинг энг сўнгги юқори нуқтасига чиқди. Бу нарса Германиянинг Шарқ ва Ғарбини бўлиб турувчи Берлин деворининг йиқилиши, Иқтисодий ўзаро ёрдам Кенгашининг тарқалиб кетиши, машъум Варшава Шартномасининг тугатилиши, умуман социалистик тизимнинг, СССРнинг тарқалиб кетиши ва Россиянинг сиёсий-ижтимоий трансформациялашувида яққол намоён бўлди.

72 йил энг муҳим микёс (масштаб)лардан бири бўлиб, бу билан мисрлик қоҳинлар, роҳиблар муҳим воқеалар рўй берадиган вақтни ўлчаганлар.

Мисрликлар 72 сонига бефарқ бўлмаганликларини қадимги Миср худоларидан бири бўлган Осирис, унинг ака-ука, опа-сингилларининг дунёга келиши ҳақидаги ажойиб асотирлар ҳам яққол кўрсатиб туради:

— «Олий бош худо — Ра ерни тарк этиб, осмону фалак ва Ўликлар Салтанати бўйлаб Абадият қучоғида сузиб юришидан олдин, маъбуда Маат йил фаслларини яратган. У йилни уч тенг қисмга бўлган ва уларга ном берган — «Қуюлиш фасли», «Униб чиқиш фасли» ва «Ҳосил фасли». Шундан кейин Маат уч фаслни тўрт ойдан қилиб бўлиб чиққан. Ҳар бир ой ўттиз кеча-кундуздан иборат бўлиб, уларни кундузги ва тунги ёруғлик таратувчилар — Қуёш ва Ой ажратиб турган.

Шу йўсинда қуёш йили ой йилига тенг бўлган, унисида ҳам, бунисида ҳам 12 ой, 360 кундан иборат бўлган. Маат ушбу тартибот қўриқчилигини Ойга топшириб қўйган. Аммо думалок юзли лўппи, соддадил, бўшанг Ой ўзига ишониб топширилган бундай масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқа олмаган.

Донишмандлик худоси Тот ҳеч қандай қийинчиликсиз уни айёрлик билан алдай олган ва белгиланган тартиботни ўзгартиришга муваффақ бўлган.

Ҳамма нарса коинот худоси Ранинг осмон худоси Нут ўз гапларига қулоқ солмагани учун жаҳли чиқиб ғазабланишидан бошланган.

Ғазабдан ранги оқариб, кўзлари юмилиб кетган Ра муштларини тугиб, силтаниб шундай деб бақирган: *«Билиб қўй, эй итоатсиз маъбуда, сени даҳшатли жазо кутмоқда! Шу кундан бошлаб сени ва абадий йилнинг бари 360 кунини лаънатлайман. Бу кунларнинг ҳеч бирида сен фарзанд туға олмагайсан ва абадий фарзандсиз ўтурсан!»* Нут қўрққанидан «музлаб» кетади. У умидсизлик ва аламдан ўз қўлини ғажиб синдириб ташлайди ва худонинг оёқлари остига юз тубан йиқилади. Аммо кеч бўлган эди. Лаънат келтирилиб бўлинган эди. Коинот ва Қуёш худоси Ра ғазаб билан бошини силкиб қайрилади-да, унга қиё ҳам боқмай ундан узоқлашади...

Шундан кейин жала қуя бошлайди. Бу жала ғам-аламдан ёнаётган бағри доғ Нутнинг

тинимсиз кўз ёшлари эди. Дунёда ҳамма нарса коинот ва Қуёш худоси Ранинг иродасига бўсундирилган. Буюк худо Ра йилнинг бутун 360 кунига лаънат ёғдирган. Бундан буён унга, яъни Нутга ва бошқа худоларга ҳам энди фарзанд кўриш йўқ. Бунинг ҳеч қандай иложи ҳам йўқ! Бу ҳолни сал бўлса-да ўзгартира оладиган бирор бир куч бу оламда йўқ! — дея бўзлаб нола қилар эди у.

Шу пайт Нут бирданига хотиржам, салгина пичингли, кинояли овозни эшитди: *«Ҳақиқатан ҳам бундай куч дунёда йўқ... Лекин маккорлик, айёрлик деган бошқа бир куч бор! Билиб қўй: ақл — кучдан кўра анча каттароқ ва муҳимроқ нарса. Куч бефойда бўлган жойда ақл қутқаради. Яқинда ўзинг бунга амин бўласан»*, деди донишмандлик худоси Тот.

Нут бу каломга инонмади ва бошини қуйи солганича маъюс бўлиб, ғарбий тоғлар томон судралганича йўл олди.

Донишмандлик худоси айёр Тот бу орада вақт кўриқчиси Ой томон учиб кетди. Очиқкўнгил, соддадил лўппи Ой, меҳмон келганидан жуда хурсанд бўлиб кетди. Ой, соқов — гапирмас юлдузлар орасида бир ўзи ёлғиз зерикар эди. Худолардан бирининг Ойдан хабар олгани келиш ҳоллари эса жуда камдан-кам бўлар эди.

Ой унинг олдига тансиқ, лаззатли таомлар — хурмолар, узумлар, асалли иссиқ тандир нонлари, ёнғоқ ва пальма шароби тўла кўзача келтириб қўйди. Тот егуликлардан обдон еб кўриб, хушмуомалалик билан Ойни мактаб қўйди ва худолар дунёсидаги энг сўнгги янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. Қисқаси, ёқимли узок суҳбатдан сўнг, Тот Ойга донолар ўйини — шатранж ўйнашни, шунингдек Ой тунлари осмонни ёритаётган ёруғликни ўйинга тикишни таклиф қилди. *«Албатта ҳамма ёруғликка эмас, бу кўплик қилади. Сенинг ихтиёрингда йилнинг 360 кунни бор. Ҳар бир кундан кичик-кичик қисмни ажратиб ол, сўнгра бу қисмларни ўйинга гаров тариқасида тик»*, дея таклиф қилди Тот.

— *Мен бундай қила олмайман. Мен вақт қўриқчисиман ва ой йилидан бирор кунни ҳам беришга ҳаққим йўқ*, — деб жавоб қилди Ой.

— *Бутун кун керак эмас! Ҳар бир кундан бор йўғи бир неча дақиқаларни (минутларни) айир. Шундай қилсанг ҳеч нима бўлмайди, ҳеч нарса сезилмайди ҳам*, — деб уни кўндиришга ҳаракат қилди. *Умуман яна ўзинг биласан*, — совуққина қилиб кўшиб қўйди Тот ва ўрнидан туриб ўзини худди кетаётгандек қилиб кўрсатди.

— *Тўхта, шошма*, — деди унга зерикиб ўлаёзган Ой. — *Майли шундай бўла қолсин. Ўйнаймиз*.

— *Аммо, билиб қўй, мен ҳар бир кундан жуда кичик бўлагини ажратиб оламан, яъни ҳар бир кундан етмиш иккидан бир бўлагини оламан. Мабодо ютқазсанг ҳам, ҳеч ким буни сезмайди, яъни Ой суткасини қисқарганини ҳеч ким сезмайди. Агар сен ютсанг, сен ҳам мендек қиласан*, — деди Тот.

Ой розилик бериб бошини силкитиб қўйди ва ўйинни бошладилар.

Соддалил Ой айёр ва муғомбир донишмандлик худоси устидан ғалаба қозонмоқчи бўлганини қаранг-а! Тот ўйинда кетма-кет ғалаба қозонаверибди.

— *Ютган нарсангни ол, бунга сенинг ҳаққинг бор*, — дебди софдил ва адолатли Ой. Тот ютган вақтларини бир жойга жамлабди. Фақат шундагина соддадил Ой, 360 куннинг ҳар биридан бир неча минутнигина қисқартирганига қарамай, унинг ютқазгани жуда катта миқдорни ташкил этганини билиб қолибди. Худди биттадан томган томчи бутун кўзани тўлдиргани каби.

Тот ютиб олган дақиқаларини жамлаганда, бутун бошли 5 кеча-кундуз — 5 сутка ҳосил бўлибди!

Ой ўзининг нима қилиб қўйганини тушуниб, кўрқувдан бошини ушлаб, инграб юборибди, аммо энди кеч бўлган эди.

Тот ўз ютуғини олиб, уни Қуёш йилига қўшиб қўйибди. Ўшандан буён Ой йили 5 кунга қисқариб, унда 355 кун қолди. Қуёш йили эса 5 кунга ортиб, 365 кун бўлиб қолди.

Аммо энг асосийси — Қуёш йилининг ортиқча бўлган 5 кунига худо Ранинг ўқиган лаънатининг ҳеч қандай таъсири ўтмас эди. Зеро Коинот соҳиби йилнинг барча кунларини лаънат остига қўйганда, унда кунлар сони 360 та эди-да.

Тўғри, Ра бу қолган янги 5 кунни ҳам қайтадан лаънатлаган бўлур эди, аммо донишмандлик худоси буни ҳам ҳисобга олиб қўйган эди. У Қуёш йилига қўшиб қўйган 5 кунни Рага бағишлади. Чунки у ўзига бағишланган кунларни лаънатлай олиши мумкин эмаслигини биларди.

Донишмандлик худоси Тот нимани қандай кўзлаган ва режалаштирган бўлса, шундай бўлиб чиқди. Рўй берган ҳолатни билган Ранинг жаҳли чиқиб, ғазабланиб донишмандлик худосини ақл бовар қилмайдиган турли хил «куракда турмайдиган» ҳақоратлар билан роса дўқ пўписа қилиб, депсиниб, ўдафайлаб сўка бошлади.

Аммо Тот тақдирга тан бергандек бошини қуйи солиб, Қуёш худосига мунгли боқиб, янги кунларни унинг ўзига бағишлаганини айтганида, Ра бундай саҳийлик билан мардона қилинган қимматли ҳадядан хурсанд бўлиб, талтайиб, ийиб кетиб унинг бу ишини кечирди. Шундай қилиб йилнинг охирида, ўша беш кунда, яъни лаънат юкмаган ўша 5 кун ичида Нут фарзандли бўлди, ундан кўпдан-кўп фарзандлар туғилдилар. Унинг биринчи фарзанди Осирис дунёга келди.

Чақалоқ туғила солиб чунонам чинқириб юбордики, ер ларзага келиб осмонда чақмоқлар чақиб улкан бир ёруғлик пайдо бўлиб, оламга буюк худонинг дунёга келганлиги ҳақида хабар берди. Ундан кейинги 4 кун ичида унинг ука ва сингиллари — Миср худолари дунёга келдилар, дейилади асотирларда.

Коҳинлар ўзларининг асотир ва афсоналари орқали қадимги коҳинларнинг Ер юзидаги миссиялари (вазифалари) нимадан иборат эканлигини тушуниб олганликларини усталик билан жуда чиройли, гўзал тарзда акс эттира олганлар. Улардан ҳар бири қайси худога эътиқод қилмасин, худонинг даргоҳи қайси бир қитъада ва қайси бир давлатда бўлмасин, у қайси халқнинг вакили бўлмасин, афсона қаҳрамони — Ойнинг сўзлари билан: «*Мен вақт қўриқчисиман ва Ой йилидан бирорта кунни ҳам беришга ҳаққим йўқ*» деб айта олур эди.

Шундай қилиб, коҳинлар ҳар бир куни 360 градусли осмон сфераларининг тўлиқ айланишига мос келадиган, ҳар бир сонга қолдиқсиз бўлинадиган 360 кунлик ғоят беками-кўст, мукаммал тақвимни орзу қилганлар...

Биз ХХI аср бошида яшаётган кишилар шунга аминмизки, ҳозирги замон илм-фанини ўша пайтлардаги коҳинлар билган ва ҳеч бўлмаганда уларнинг хаёлларидан ўтган ва балки улар бундан ҳам кўпроқ илмий маълумотларга эга бўлгандирлар...

Коҳинларнинг диний эътиқодлари шунда эдики, улар сидқидилдан, садоқат билан буюк билимлар ғоясига ва миллиардларча йиллар мобайнида шаклланган илоҳий уйғунликнинг сақланиб қолиш ғоясига фидокорона хизмат қилганлар. Ўзларининг ўтмишдаги буюк намоянадалари томонидан мингларча йил давомида тўпланган маълумотлари ва билимларини қаттиқ сир сақлаб келганлар. Ўзларининг билимлари ва ҳақиқий воқелик ҳақидаги олий тушунчаларини элга ошкор қилмаганлар. Аммо ким уларга мурожаат қилса, у шохми, дехқонми, оддий аскарми, уларга ўзларининг маслаҳатларини сидқидилдан аямасдан бериб келганлар.

Машхур астролог ҳам бўлган тарихчи Геродот (490—425) буюк юнон файласуфи Фалеснинг, ўзи иштирок этмасдан туриб, қандай қилиб жангда ғолиб чиқиш мумкинлигини ватандошларига ўргатиб ёрдам берганлигини ҳикоя қилади:

Милет шаҳри аҳолиси мидия ва лидияликлар ўртасида бўладиган урушда ким томонда туриш кераклиги масаласини ҳал эта олмаганлар ва қадимги Греция ва

Римнинг буюк донишманди Фалесга маслаҳат сўраб мурожаат қилганлар.

Фалес кўп мамлакатларга, жумладан Мисрга саёҳат қилган ва соянинг узун қисқалигини ўлчаш орқали пирамидаларнинг баландлигини мустақил равишда ўлчай олувчи донишманд эди. У кўп билимларни Миср коҳинларидан олган эди. Фалес жангнинг қайси кун бўлишини ўрганиб, ўз юртдошларига уйда ўтириб кутишларини таклиф қилади. Фалес уларга уруш бошланадиган кун Куёш тутиладиган кунга тўғри келишини тушунтиради.

Қадимий эътиқодларга кўра Куёш тутилиши ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайдиган, хайрсиз ҳодиса ҳисобланган. Милетликлар Фалеснинг гапига кириб, урушда қатнашмаганлар. (Куёш тутилишини 1950- йилда бизда ҳам ваҳима билан кутиб олганлар).

Эрамиздан олдинги 585- йилнинг 28- май куни жанг бошланган ва шу пайт Гелиоснинг ёруғ доирасини қора доғ юта бошлаган. Бу ҳол иккала қарама-қарши қўшинлардаги аскарларнинг саросимага тушишлари ва қочиларига олиб келган. Милетликлар эса жанг майдонига чиқиб, ташлаб қочилган ҳарбий яроқ-аслаҳаларни араваларга ортиб, қўрқувдан, саросимада бўлган бир қисм аскарларни асирга олиб қайтганлар.

Ушбу келтирилган тарихий мисол — билимдон ва донишманд кишилар қанчалик қувватли эканликларининг далилидир. Коҳинлар коинотнинг макон кенглиги, давомийлигини биздан кам билмаганлар. Улар Куёш тизими, сайёрамиз геометрияси, жўғрофияси, иқлим хусусиятларини ҳам биздан яхши билганлар.

Улар ўз шахсиятлари, жиғилдонлари ёки оилалари чўнтаги учун эмас, балки холисанилло **Тангри** розилиги учун хизмат қилганлар. Бундай фидойи инсонлар бошқа халқларнинг билимларини, ўзларидан олдинги тамаддунларнинг маълумотларини, илмларини тинимсиз тўплаганлар, ўрганганлар. Ҳатто бунинг учун катта даврлар керак бўлса ҳам, улар бу йўлда ўз жонларини аямаганлар.

Улар вақт, жисмоний, маънавий куч-қудрат, ҳар қандай имконият, сарф-харажатлар ҳақида ўйламасдан, ўз ишларининг давомчиларини — иқтидорли «мутахассислар»ни тайёрлай билганлар.

Бирон-бир масалани, муаммони ўнларча йиллар ўтса ҳам, чуқур ўйлаб кўриб муҳокама эта олганлар, чизмалар, ўта пухта график ёки мантикий лойиҳалар туза билганлар.

Қадимги дунё коҳинлари кўҳна олам сирлари, борлиқнинг пайдо бўлиши, микро ва макродунё даражаларидан тортиб то дунёнинг яратилишигача бўлган макон ва замон тузилиши ҳақидаги билимлар, ҳамда ҳамма нарсани ўзида яшириб, биз учун қўл етмас, яна бир неча асрлар, балки бир неча минг йиллар сақланиб қоладиган қимматли маълумотларни ҳам ўзларида мужассамлаштирганлар.

Қисқаси, улар жуда кўп билганлар, аммо билганларини ҳаммага ҳам ошкор этавермаганлар, сир сақлаганлар. Вақти соати келганда, **Аллоҳ** хоҳлаган пайтда, уларнинг ёзиб қолдирган бошқа махфий маълумотлари ҳам топилиб қолса ажаб эмас.

Шундай қилиб, ҳозирги замон тамаддуни моддий дунёнинг қандайин мукаммал тадқиқот воситаларига эга бўлмасин, биз қадимги Бобил, Миср ва бошқа Шарқ коҳинлари, раммоллари ва руҳонийлари олдида ҳали кичкина болалармиз, холос.

Алқисса, Миср, Бобил коҳинлари, шумерликлар ва халдейларнинг билимлари, обрў-эътиборлари шубҳасиз жуда юқори бўлган.

Астрология соҳаси бўйича манбалар жуда оз, борлари ҳам мужмал, тушунилиши қийин қилиб берилган.

Хуллас қадимги астрологлар «кашф этган» Буюк йилнинг эрамиздан олдинги 9060- йилдан бошланганлиги ва биз 1740- йилдан бошланган «Қовға» (Водолей) астрологик эраси даврида яшаётганимизни, бу эра то 3900- йилгача давом этишини билиб қўйганимиз ҳамда астрологик эра ҳақида умумий бўлса-да, тасаввурга эга бўлганлигимиз яхши бўлди.

Ўтиш даврида катта, муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Маълумки, ўтиш жараёни бошлангандан кейин, буюк воқеа юз берди — шўролар мамлакатидида сохта коммунистик тоталитар тузум дунё микёсида инқирозга юз тутди, кулади, парчаланиб кетди, ҳукмрон мафкуранинг ҳаётий эмаслиги аён бўлди.

Бу иш **Аллоҳ таолонинг** хоҳиши, иродаси ва амри билан шундай ҳамирдан қил суғур-гандек осон кечдики, меҳрибон **Парвардигори оламнинг** бу ишига бутун дунё лол қолди. **Ҳақ субҳонаху ва таоло** коммунистик тузумнинг ағдарилишида муқаррар бўлган юз миллионлаб, балки миллиардлаб бандаларининг қонлари тўкилишини истамади.

Чириган оғриқ тишни **Парвардигори олам** оғриқсиз шундай олиб ташладики, башарият шу пайтгача тинмай азоб берувчи балои-офатдан осонгина қутулганига ҳамон тўлиқ ишона олмай, хайрону лолдир. Бу иш **Аллоҳ таолонинг** «таквин»(бўлдирувчи) сифатининг исботи, мустақилликка эришган мазлум халқлар учун чексиз иноятидир.

Аллоҳ ана шундай меҳрибон, раҳимли ва қудратли зотдир!

Буюк француз астрологи Нострадамуснинг башорат қилишича, XX аср охирларидаги оғир қийинчиликлар, бахтсизликлар Ер юзи аҳолисининг «янги дунё» қуришларига олиб келади. Янги Далв (Қовға) даврида инсоният окни-ок, қорани қора дейдиган, ҳур, фаол, ўткир ва теран фикрлайдиган бўладилар.

Коинотдаги ақлли мавжудотлар билан яқин алоқа ўрнатадилар, 2020-йилларда Ерда сунъий Қуёш яратилади, 2030-йилларда эса барча касалликларга даво топилиб, ҳар бир инсон 200 йилдан ортиқ яшайдиган бўлади.

Шундан кейин, яъни 2035-йилдан инсониятнинг адолат, ҳидоят, эзгулик уфуриб турган «олтин» даври бошланади.

Истикболнингиз порлоқ бўлсин, азиз суҳбатдош!

И з о ҳ: Нострадамуснинг асл исми Мишель де Нотрдам бўлиб, Нострадамус аллома исмининг лотинчалаштирилган шаклидир. Ҳозиргача унинг башоратларини 95 фоизга яқини аниқ рўёбга чиққан, дейилади манбаларда. Яҳудий миллатига мансуб бўлган бу аллома 1503- йил 14- декабрда туғилиб, 1566- йил 2- июлда вафот этган.

* * *

Й и л — Ернинг Қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиш даври. Астрономияда 4 хил йил ҳисоби бор: 1) юлдуз йили — 365, 2564 кунга; 2) тропик (қуёш) йили — 365, 2422 кунга; 3) календар йили, яъни ҳозирги григориян тақвими бўйича — 365, 2425 кунга; 4) камарий — ой йили 12 синодик ойга, яъни — 354, 3671 кунга тенг. Камарий йил *ҳижрий йил* деб ҳам аталади.

Ернинг Қуёш атрофида айланиб ўтаётганида, кун ва туннинг тенг келиб қолган вақти — **21—22- март** баҳор фаслининг бошланиши; Қуёшнинг ёзги туриш нуқтасидан ўтиши, куннинг энг узун пайти — **21—22- июн** ёз фаслининг бошланиши; Қуёшнинг кузги кун ва туннинг тенг кунлиги нуқтасидан ўтиши — **23- сентябр** куз фаслининг бошланиши ва Қуёшнинг қишки туриш нуқтасидан ўтиши — **21—22- декабр** қишнинг бошланиши деб қабул қилинган.

Ўрта Осиё ҳудудларида баҳор ва куз фасли қисқа — ҳар бири тахминан 2 ойдан, ёз ва қиш фасли узун, ҳар бири 4 ойдан давом этади. Чилла — қишнинг ва ёзнинг ўртасидаги 40 кун. Қиш чилласи 25-декабрдан 6-февралгача, ёз чилласи 25-июндан 6-августгача давом этади. Бу давр йилнинг энг совуқ ва энг иссиқ пайтлари бўлади.

Энг узун кун 21—22-июн, энг қисқаси 22-декабрдир.

Қуёш тизимимиз олимлар томонидан 5 миллиард ёшда деб белгиланган. Ҳисоб-китобларга қараганда, бутун Қуёш тизими сингари Ер ҳам Галактикамиз маркази теваарагида, 176 миллион йилда тўла бир марта айланиб чиқади.

Салтанати абадий бўлган, ҳамма нарсага қодир, буюк ва шуҳратли **Аллоҳга** беҳад ҳамду санолар, шон-шарафлар бўлсин!

Ўрта Осиёда илгарилари қамария ва шамсия йил ҳисоби ишлатилиб келинган. Йилнинг дастлабки кунлари — 21—22- мартда Наврӯз байрами ўтказилган. Иккала йил сана-си шу кундан бошланган. Иккала тақвимда ҳам янги йилнинг биринчи кунини 21 ёки 22-март — баҳорги тенг кунлик нуқтаси келганда Ҳамалнинг биринчи кунини янги йил киради ва Наврӯз байрами нишонланади.

Ой ва қуёш тақвими жуда мураккаб, ишлатишга ноқулай бўлиб, бу тақвим ҳам ой, ҳам қуёш ҳаракатига асосланган.

Бундай тақвим йиллари — 12 ой, бир йил — 353—355 кун, айрим йиллар эса 13 ой, бунда 1 йил 383—385 кун бўлган. Бу тақвимда ҳар 19 йилда 12 йил 12 ойдан, 7 йил 13 ойдан бўлади. Бунда ҳам ойни ғарбда ўроқ шаклида кўриниши ой боши ҳисобланади. Бу тақвимдан асосан яҳудийлар фойдаланишган, ҳозир ҳам фойдаланишади. Уларнинг янги йили — нисон оий бизнинг тақвим бўйича ҳамisha сентябр ёки октябрдан бошланган.

Шамсий — қуёш йили ҳисоби ҳижрий, яъни — 622 йилнинг баҳорги тенгкунлик кунини — 21—22-мартдан бошланган. Кейинги йил бошлари эса 20, 21, 22- мартга тўғри келади. Давомийлиги ҳозирги григориян тақвимидаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Бу тақвим салжукий ҳукмдор Маликшоҳ ҳукмронлиги даври (1072—1092 йиллар)да қабул қилинган эди.

Шамсий (қуёш) йил ойлари

Ой номлари (арабча)	Унсур	Ҳомий сайёралар	Бошланадиган ва тамомлана- диган сана	Буржлар (Зодиак) номи	
				(форсча)	(ўзбекча)
1. Ҳамал	олов	Миррих (Марс) ва Плутон	21.03-20.04	Фарвардин	Қуй
2. Савр	ер	Зухро (Венера) ва Хирон	21.04-21.05	Ўрдубеҳишт	Сигир
3. Жавзо	ҳаво	Аторуд (Меркурий) ва Прозерпина	22.05-21.06	Хўрдод	Эгизаклар
4. Саратон	сув	Ой (Қамар)	22.06-22.07	Тирмоҳ	Қисқичбақа
5. Асад	олов	Қуёш (Шамс)	23.07-22.08	Мўрдод	Арслон
6. Сунбула	ер	Прозерпина ва Аторуд (Меркурий)	23.08-22.09	Шаҳривар	Бошоқ
7. Мезон	ҳаво	Хирон ва Зухро (Венера)	23.09-22.10	Меҳрмоҳ	Тарози
8. Ақраб	сув	Плутон ва Миррих (Марс)	23.10-21.11	Обон	Чаён
9. Қавс	олов	Муштарий (Юпитер) ва Нептун	22.11-21.12	Озармоҳ	Ёй
10. Жадй	ер	Зухал (Сатурн) ва Уран	22.12-20.01	Деймоҳ	Тоғ эчкиси
11. Далв	ҳаво	Уран ва Зухал (Сатурн)	21.01-19.02	Баҳман	Қовға, челақ
12. Хут	сув	Нептун ва Муштарий (Юпитер)	20.02-20.03	Дармуз (Эсфанд)	Балиқ

Шамсий йил ойларининг турли тилларда аталиши (номлари)

№	Арабча номи	Тожиқча номи	«Авесто»даги номи	Туркча номи	Русча номи	Ой кунлари
1.	Ҳамал	Барра	Фраваша	Март	Март	31
2.	Савр	Гов	Аши Ваҳишта	Бисон	Апрел	30
3.	Жавзо	Дупайкар	Ҳарватот	Майс	Май	31
4.	Саратон	Харчанг	Тиштрия	Ҳазийрон	Июн	30
5.	Асад	Шер	Амеретот	Таммуз	Июл	31
6.	Сунбула	Хуше	Хшатраварья	Оғстус	Август	31
7.	Мезон	Тарозу	Митра	Айлул	Сентябр	30
8.	Ақраб	Каждум	Апу	Ташрини аввал	Октябр	31
9.	Қавс	Камон	Одар	Ташрини соний	Ноябр	30
10.	Жадй	Бўзгола	Дотуш	Қонуни аввал	Декабр	31
11.	Далв	Дўл	Воху Маноҳ	Қонуни соний	Январ	31
12.	Хут	Моҳи	Спенти Омоти	Шубот	Феврал	28

Хут (феврал) оyi ҳар 4 йилда бир марта 29 кун келади ва бу йил кабиса, яъни «улуф йил» деб аталади.

Шамсий йил ҳисоби дунёвий ишларда қўлланилади.

Бу ойлар юлдуз туркумлари номи билан аталгани учун, «буржий» (арабча) ёки ҳозирги аталиши бўйича астрономик тақвим деб юритилган.

Ислом динида ҳижрий-қамарий йил амал қилади. Бу йил ҳисоби милодий 622- йил 16-июлдан, баъзи маълумотларга қараганда 23- ёки 30- сентябрдан бошланган. Бунда 1 ой 29,530588 кун деб олинган. 1 қамарий йил 354,3671 кундан иборат.

Ҳижрий-қамарий йилда ойлар кейинга, яъни фасллар бўйича қишдан кузга, куздан ёзга, ёздан яна кузга, куздан яна қишга ва ҳоказо каби ҳар йили 11 кунга кейинга (орқага) сурилиб бораверади.

Ҳижрий-қамарий йил шамсий йилдан (ҳозирги григориян тақвимидан) 11, аниқроғи 10,5 кунга қисқа. Яъни ой йилининг ҳар 34 йили куёш йилининг 33 йилига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, қамарий ойлар ҳар йили шамсий йил ойларида 11 кунга узоқлаша боради. Шу сабабдан қамарий ойлар фақат 33 йилда бир марта эски жойига келади ва 33 йилда бир бора айланиб, ўзига хос давра қилади. Шунинг учун киши ёшини ҳисоблаганда ҳар 33 йилда 1 ёш қўшиб айтилади. Масалан, киши ҳозирги амал қилиб турган шамсий йил — григориян тақвими бўйича 99 йил яшаган бўлса, унга яна 3 ёш қўшиб айтилади. Вафот этганида эса, она қорнида яшаган вақти учун яна 1 ёш қўшиб, 103 ёшга кирган деб айтилади.

Ой тақвимида Ой Ер атрофини ғарбдан шарққа томон айланиб, Куёш тўғрисига келиши ой боши дейилади. Лекин бу вақтда ой кўринмайди. 1-2 кундан кейин, янги ой ғарбда кечқурин ўроқ шаклида кўринади. Ой бошидан иккинчи ой бошигача 29,5 сутка, аниқроғи, 29 сутка, 12 соат, 44 минут, 3 секунд.

Ҳижрий-қамарий йил ойлари

№	Арабча номлари:	Чигатой-туркча номлари:	Давомлилиги
1.	Муҳаррам	Ашур ойи	30 кун
2.	Сафар	Сафар ойи	29 кун
3.	Рабиъ ул-аввал	Мавлуд ойи	30 кун
4.	Рабиъ ус-соний	Рабиъ ус-соний ойи	29 кун
5.	Жумод ул-увло	Жумод ул-аввал ойи	30 кун
6.	Жумод ул-ухро	Жумод ул-соний ойи	29 кун
7.	Ражаб	Ражаб ойи	30 кун
8.	Шаъбон	Барот ойи	29 кун
9.	Рамазон	Рўза ойи	30 кун
10.	Шаввол	Ҳайит ойи	29 кун
11.	Зулқайда	Ора ойи	30 кун
12.	Зулҳижжа	Қурбон ойи	29 кун
	Ж а м и:		354 кун

Ҳижрий-қамарий йил ҳисоби диний ишларда қўлланилади.

Милодий 10- асрда Россияга христанликнинг кириб келиши муносабати билан қадимги руслар римча аталадиган ойлар, 7 кунлик ҳафтадан иборат бўлган янги тақвим (календар) ва янгича йил ҳисобини қабул қилганлар.

Бунда йил ҳисоби эрамиздан олдинги 5508- йилдан, яъни «Оламнинг афсонавий (асотирий) яратилган кунидан»дан бошлаб ҳисоблаш қабул қилинган. Янги йил ҳар доим қишлоқ хўжалиги ишлари бошланадиган — 1- март кунидан бошланган. XV аср охиридан эса бу сана 1-сентябрга кўчирилган.

Бу йил ҳисоби бўйича ҳозирги 2003-йил, 7511-йилга (5508+2003) тўғри келади.

Йил ҳисобларининг бошланиши

Жаҳон халқлари тақвимида дастлабки йил боши, йил ҳисоби турлича қабул қилинган:

Тақвим номи	Йил ҳисобини бошлаш учун асос қилиб олинган тарихий воқеалар	Йил ҳисобининг бошланиш йили ва санаси
1. Византия ва православ тақвими	Оламнинг афсонавий (асотирий) яратилиши	Эрамиздан аввалги 5508-йил, 1-сентябр
2. Астрономик (Юлиан кунлари) тақвими	Юлиан (Скалигера) даврининг бошланиши	Эрамиздан аввалги 4713-йил, 1-январ
3. Еврей (Яхудий)лар тақвими	Оламнинг афсонавий (асотирий) яратилиши	Эрамиздан аввалги 3761-йил, 7-октябр
4. Юнон (қадимги грек) тақвими	Биринчи Олимпия ўйинлари ўтказилган йил	Эрамиздан аввалги 776-йил, 1-июл
5. Қадимги Рим тақвими	Римга ака-ука Ромул ва Ром томонидан эҳтимолий асос солинган йил	Эрамиздан аввалги 753-йил, 21-апрел
6. Христианлар (охирги) тақвими	Ийсо пайғамбар туғилган йил	Эрамизнинг 1-йили, 1-январ
7. Мусулмонлар тақвими	Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобалари билан Маккадан Мадинага ҳижрат қилган (кўчиб ўтган) йил	622-йил, 16-июл

Шундай қилиб, қадимги мунажжимлар астрологик давр — эра йил ҳисобини эрамиздан олдинги 9060- йилдан бошлаган бўлсалар, юқорида кўрсатилган жаҳон халқлари тақвимида энг қадимги йил боши эрамиздан олдинги 5508- йил деб қабул қилинган.

Христиан йил ҳисоби VI асрда Рим монахи кичик Дионисий томонидан ишлаб чиқилган ва аста-секин дунёнинг кўпгина мамлакатларида жорий этилган. Бу йил ҳисобида пайғамбар Ийсо Масих туғилган йилни биринчи йил деб қабул қилинган. Ана шу биринчи йилдан кейинги, то ҳозирги кунгача ўтган давр, йиллар тарихий асарларда, адабиётларда «Янги эра», «эрамиз», «бизнинг эра», «эрамиздан олдинги», Эрамиздан аввал», ёки арабча «милодий йил», «милоддан аввал», «милоддан олдинги» каби атамалар билан изоҳланадиган бўлган.

Россия императори Пётр I ўзининг 1699- йил 15-декабрда чиқарган фармойиши билан янги христиан йил ҳисобини жорий этган ва кириб келаётган янги йилни Ийсо пайғамбар

туғилган биринчи йилдан бошлаб ҳисоблаб — 1700-йил деб эълон қилган. Йил бошланадиган биринчи кунни эса 1-январ деб белгилаган.

Мазкур фармонда янги йил энди эски ҳисоб билан 7208 - йил (5508 + 1700) деб эмас, балки 1700- йил деб юритилиши кераклиги таъкидланган. Яъни, шунга кўра, 1699- йил 31-декабрдан кейин кириб келадиган янги 1700- йилнинг биринчи куни 1-январ, деб ҳисобланадиган бўлган. Бундай йил ҳисобини юритишда юлиан календарига амал қилинган.

Шундай қилиб, ҳозирги 2003-йил Ийсо пайғамбар туғилганига 2003 йил бўлганлигини билдиради.

Бугунги кунда энг кўп тарқалган тақвим қуёш (тропик) йилга асосланган қуёш йили тақвимидир. Бу тақвим григориан (янги стил, услуб, ҳисоб) тақвими деб аталади. Бу тақвим Рим папаси Григорий XIII (1502—1585) томонидан 1582- йилда ишлаб чиқилган ва эрамиздан олдинги 45- йилдан бери амал қилиб келаётган юлиан календари (эски стил) ўрнига ундан аниқроқ бўлганлиги учун, деярли барча давлатлар томонидан қабул қилинган.

СССРда григориан тақвими 1918- йилдан бошлаб қабул қилинган, бунгача юлиан календари амал қилган.

Мусулмон оламида диний ишлар ва масалаларда **ҳижрий-қамарий йил ҳисоби** ишлатилади. Бундай йил ҳисобида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобалари билан милодий 622-йилнинг сентябр ойида Маккадан Мадинага ҳижрат (кўчиб ўтиш) қилган йилни биринчи йил деб қабул қилинган.

Халифа Умар ибн Хаттоб (634 — 644) мусулмон йил ҳисобини 622- йил муҳаррам ойининг 1- санасидан, яъни 16-июлдан бошланишини эълон қилган.

Бу йил ҳисобида тақвим ойларининг бошланиши янги ойнинг кўриниши билан боғлиқ. Бунда ойлар 29 сутка, 12 соат, 44 минут 2,9 секунддан иборат бўлиб, 12 ой кунлари 354 суткани ташкил этади. Яъни бу тақвим қуёш (тропик) йил ҳисобига қараганда 11 кунга қисқарок.

Қуёш тақвими.

Бу тақвим дастлаб эрамиздан 4000 йил бурун Мисрда вужудга келган. Тақвимда йил 365 кундан ташкил топган. У ҳар бир ойи расо 30 кундан иборат бўлган 12 ойдан иборат бўлиб, ойлар таркибига кирмай қолган 5 кун йил охирида байрам куни сифатида қўшиб қўйилган.

Григориан, юлиан тақвимлари ҳам қуёш (тропик) тақвимига киради. Ҳозирги замонда григориан тақвими бутун жаҳон тақвими ҳисобланади.

Юлиан тақвими.

Қадимги Рим қуёш тақвими бўлган юлиан тақвими эрамиздан аввалги 45- йил 1-январдан бошлаб Римнинг буюк императори Гай Юлий Цезарь томонидан истеъмолга киритилган. Шунинг учун бу тақвим унинг номи билан аталган. Тақвимда йил 1-январдан бошланган, бунгача йил 1-мартдан бошланар эди.

Юлиан тақвимида йилнинг ўртача давомийлиги 365 1/4 суткага тенг бўлиб, қуёш (тропик) йил узунлигига тенг бўлган. Бунда қулайлик туғдириш учун, йил ҳисоби кетма-кет 3 йил 365 кундан, тўртинчи йил эса кабиса (улуғ) йил ҳисобланиб 366 кун қилиб белгиланган.

Йил 12 ойдан иборат бўлиб, қадимги номлари сақланиб қолинган: январ, феврал, март, апрел, май, июн, квинтилис, секстилис, сентябр, октябр, ноябр ва декабр.

Эрамиздан олдинги 44-йилда Юлий Цезарь шарафига бешинчи (йил 1-мартдан бошланишини ёддан чиқарманг) — квинтилис ойи июл деб, эрамиздан аввалги 8-йилдан, йилнинг олтинчи секстилис ойи Римнинг улуғ императори Октавиан Август шарафига август, деб ўзгартирилган.

Эрамиздан олдинги 325- йилда Никей собори бу тақвимни христиан черкови тақвими деб эълон қилган.

Григориан тақвими.

Ҳозир амалда бўлган тақвимимиз григориан (янги стил, услуб, ҳисоб) тақвими дейилади. Бу тақвимнинг ижодкори, юқорида айтиб ўтганимиздек, буюк Рим папаси Григорий XIII бўлиб, бу тақвим юлиан тақвими ўрнига қабул қилинган.

Юлиан (эски стил) тақвимида йилнинг давомийлиги ҳар 4 йил оралиғида 365,25 суткага тенг қилиб олинган. Бунда тропик (қуёш) йили 11 минут 14 секундга узунроқ бўлган.

Григориан тақвимида йил узунлиги 365,2425 суткага тенглаштириб олинган, бунда йил, қуёш йилига нисбатан атиги 26 секундга узунроқ бўлган холос.

Григориан тақвими юлиан тақвимига қараганда аниқроқлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу тақвим ҳозирги кунда жаҳоннинг деярли барча давлатлари томонидан, жумладан бизда ҳам қабул қилинган.

Россияда григориан тақвими РСФСР совнаркоми томонидан 1918- йил 24-январдаги қарори билан муомалага киритилган. Аммо бунга 13 суткага тузатиш киритилиб қабул қилинган. Яъни 1918- йил 31-январдан кейин биринчи феврал эмас, балки 14-феврал деб юритилиши кераклиги белгиланган.

Мучал йил ҳисоби

Шамсий, ҳижрий-қамарий, қамарий-шамсий (Ой-Қуёш) йил ҳисобларидан ташқари яна мучал йил ҳисоби ҳам мавжуд. Аждодларимиз бу йил ҳисобидан кенг фойдаланишган. Бу йил ҳисобидан ҳозиргача фойдаланилади.

Мучал йили 12 ҳайвон номи билан аталади. Мучал йил ҳисоби дастлаб қадимги мўғул, хитой ва бутун туркий халқлар, кейинчалик Осиёнинг бошқа халқлари орасида тарқалган. Айтишларича, бу йил ҳисоби бизга қадим замонларда Мўғулистон ва Хитойдан Эрон орқали кириб келган.

Мучал илми нужум йўналишларидан бири бўлиб, у ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлардан иборат. Аниқроғи, фазобиологлар мучалда 6 хил яширин хусусиятлар мавжудлигини кашф этишган ва уларга тузилмали толеънома (гороскоп)лар деб ном берганлар. Турли халқлар мучалдаги ҳайвон номларини ўзларига яқинроқ бўлган бошқа ҳайвон номи билан алмаштирганлар. Масалан: сичкон — каламуш, қуён — мушук, балик — наханг ёки аждарҳо, қўй — эчки, товуқ — хўроз.

Фазобиологлар уларни белгилар деб атайдилар. Бу белгилар кишиларни 12 хилга, яъни 12 хил тафаккурли ва хислатли кишиларга ажратади. Бундан ташқари бу мучаллар тўрт тузилмага — ёш тузилмаси, мафкуравий тузилма, рухий тузилма ва тарихий тузилмаларга бўлинади.

Ёш тузилмаси. Инсон ҳаёти 12 дастур бўйича кечади, маълум ёшга етганда бир дастур тўхтаб, навбатдагиси ишлай бошлайди. Лекин шу 12 тасидан биттаси бир умр ишлаб туради. Инсон ҳаёти 3 босқичга — болалик, етуқлик ва кексаликка бўлинади. Ҳар бир босқич 4 хил мучал босқичини кечиради.

Болалик : Чақалоқлик даври — товуқ, 1-2 ёшлик даври — маймун, 3-7 ёшлик даври — қўй, 7-10 ёшлик даври — от.

Етуклик : 12-17 ёш — ҳўкиз, 17-25 ёш — сичқон, 25-30 ёш — тўнғиз, 30-40 ёш — ит.

Кексалик : 40-55 ёш — илон, 55-77 ёш — балиқ, 77-85 ёш — қуён, 85 ёшдан уёғи — йўлбарс.

Мафқуравий тузилма. Бу тузилмада ўзаро бир-бирини тушуниш ва тил топиш осон бўлиб, қарашлардаги бир хиллик кишиларни бирлаштиради. Бир-биридан 4 йил оралиқдаги уч белги ўзига хос учликни ташкил қилади. Ўн икки белгида бундай учликлар 4 та.

Руҳий тузилмада учликлар ҳам 4 та бўлиб, улар : инсонпарварлар — илон, от қўй; ҳаёлпарастлар — қуён, йўлбарс, балиқ; амалиётчилар — маймун, товук, ит; ғалати феъллиллар — тўнғиз, сичқон, ҳўкиз.

Ижтимоий тузилма — очик, ёпиқ ва мустаҳкам белгиларга бўлинувчи тўртликдан иборат : от, сичқон, қуён, товук — қалби очик, бағри кенг кишилар; маймун, илон, йўлбарс, тўнғиз — ичимдагини топ дейдиган писмиқ кишилар; ит, қўй, ҳўкиз, балиқ эса, эътиқоди мустаҳкам кишилар.

Тарихий тузилма — тарих маромлари (ритмлари) мучалнинг ҳар бир йили 12 йилликлар ва ўз навбатида уларни бирлаштирувчи 36 йилликларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Масалан, Россиянинг XX асрдаги тарихи даврида Шарқ мучали (илон йили) унга ҳар 12 йилда — 1905, 1917, 1929, 1941, 1953 йилларда ўз зарбасини бериб турган. Халқимиз : «Илон йили — қирон йили», деб бекорга айтмаган. Ундан ташқари мучалларнинг ҳар бир учлик даврида, яъни ҳар 36 йилда буюк янгилавиш, ўзгариш рўй беради. Масалан Сталин даврига барҳам берилиши (1917-1953), Совет давлатининг қулашига замин тайёрланиши (1953-1989). Бундан кейинги давр 2025 - йил (1989 + 36) ҳам ғоят муҳим ҳодисалар «ваъда» қилса ажаб эмас. У ёғига **Жудо** подшоҳ.

Мучал йили 21 ёки 22- мартдаги баҳорги тенгкунлик кунидан бошланади.

Мучал йилини топиш учун кишининг туғилган йилига 9 рақами қўшилади ва чиққан йиғинди 12 га бўлинади, қолдиқ сон — мучал йили сони бўлади. Масалан, киши 1931- йил туғилган бўлса: $1931+9=1940:12=161$, қолдиқ 8. Демак, у мучал йил ҳисобининг 8-йилида, яъни қўй йилида туғилган экан.

Кизиғи шундаки, дунёнинг ранг-баранглигига монанд 12 мучал йилида ҳайвонлар шундай тартиб билан жойлаштирилганки, бу тартиб дунёнинг ишлари каби хилма-хиллик тимсоли тариқасида олинган. Дунёнинг ишлари яхшилик ва ёмонлик, ҳалол ва ҳаром аралаш, орасира, ҳам кетма-кет келади. Ҳайвонлар:

1 ва 2-йили ҳаром — ҳалол (сичқон, сигир)

3 ва 4-йили ҳаром — ҳалол (йўлбарс, қуён)

5 ва 6-йили ҳалол — ҳаром (балиқ, илон)

7 ва 8-йили ҳалол — ҳалол (от, қўй)

9 ва 10-йили ҳаром — ҳалол (маймун, товук)

11 ва 12-йили ҳаром — ҳаром (ит, тўнғиз)

Йилларнинг бундай тартибда жойлаштирилиши дунёнинг ранг-баранглигига ва бир-бирига зид жуфтларнинг курашига ишорадир. Бу қарама-қарши кучлар кураши, уларнинг ўзаро тўқнашуви ҳаракатни келтириб чиқаради ва ҳаёт чархпалагини айлантиради. Аждодларимизнинг донолигига тасанно!

Мучал номлари ва йиллари

№	Ўзбекча	Форсча	Русча	Йиллар									
				1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	
1	Сичқон	Муш	Мыш, Крыса	1912	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	
2	Сигир	Бақар	Вол, Бык	1913	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997	2009	
3	Йўлбарс	Паланг	Тигр	1914	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998	2010	
4	Қуён	Ҳарғуш	Кролик, Кот	1915	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999	2011	
5	Балиқ	Наҳанг	Дракон, рыба	1916	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000	2012	
6	Илон	Мор	Змея	1917	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001	2013	
7	От	Асп	Лошадь	1918	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002	2014	
8	Қуй	Гусфанд	Овец, Коза	1919	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003	2015	
9	Маймун	Ҳамдуна	Обезьяна	1920	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004	2016	
10	Товуқ	Мурғ	Курица, Петух	1921	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005	2017	
11	Ит	Сак	Собака	1922	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006	2018	
12	Тўнғиз	Ҳўк	Кабан, Свинья, Вепрь	1923	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007	2019	

Ҳижрий йилдан милодий йилни чиқариш учун ҳижрий йилни 0,97 га кўпайтириб, натижага 622 ни қўшамиз. Масалан, Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратлари ҳижрий 150-нчи йили вафот этганлар:

$$150 \times 0,97 = 145,5 + 622 = 767,5$$

Демак, у зот милодий 767- йилда вафот этган эканлар (қолдиқ сон ҳисобга олинмайди).

Аждодлар ва машҳур шахсларнинг мучалларини аниқловчи жадвал

Милодий 1-йилдан то 2299- йилгача (йиллар тартибини чексиз асрларгача давом эттириш мумкин) бўлган мучал ҳисобини қуйидаги жадвалга қараб осонгина топиш мумкин. Бунинг учун аввал «юзийликлар», сўнг «ўнйилликлар» каторидан зарур рақамлар топилади. Ҳар иккала рақам кесишган жойдаги мучал сиз ахтараётган мучал бўлади.

Масалан, бизга маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаллам милодий 571- йилда туғилганлар. У зоти муборакнинг мучалларини топиш учун қуйидаги жадвалнинг «юзийликлар»дан 5 ни, «ўнйилликлар»дан эса 71 ни топасиз, ҳар иккови кесишган жойга қарасангиз, бу мучал Қуён йилига тўғри келиши маълум бўлади. Агар у зот 21- мартдан олдин туғилган бўлсалар, унда уларнинг мучаллари «Йўлбарс» бўлади.

Яна бир мисол: дейлик, сиз 1943- йилда туғилгансиз. «Юзийликлар»дан 19 ни, «ўнйилликлар»дан эса 43 ни топасиз. Ҳар иккови кесишган жойдаги мучал сизнинг мучалингиз, яъни қўйдир (Кейинги бетдаги жадвалга қаранг).

ЮЗЛИКЛАР :												
0,3,6,9,12, 15,18,21	Маймун	Товуқ	Ит	Тунғиз	Сичқон	Сигир	Йўлбарс	Қўён	Балиқ	Илон	От	Қўй
1,4,7,10,13, 16,19,22	Сичқон	Сигир	Йўлбарс	Қўён	Балиқ	Илон	От	Қўй	Маймун	Товуқ	Ит	Тунғиз
2,5,8,11,14, 17,20	Балиқ	Илон	От	Қўй	Маймун	Товуқ	Ит	Тунғиз	Сичқон	Сигир	Йўлбарс	Қўён

ЎН ЙИЛЛИКЛАР :												
ЎН ЙИЛЛИКЛАР	00	01	02	03	04	05	06	07	08	09	10	11
	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23
	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35
	36	37	38	39	40	41	42	43	44	45	46	47
	48	49	50	51	52	53	54	55	56	57	58	59
	60	61	62	63	64	65	66	67	68	69	70	71
	72	73	74	75	76	77	78	79	80	81	82	83
	84	85	86	87	88	89	90	91	92	93	94	95
	96	97	98	99	-	-	-	-	-	-	-	-

* * *

Агар ҳафтанинг қайси куни туғилганингизни, ёки буюк шахслар ҳафтанинг қайси куни дунёга келиб, қайси куни вафот этганини, ёхуд турли тарихий воқеалар ҳафтанинг қайси кунда юз берганини аниқламоқчи бўлсангиз, қўйидаги икки асрлик тақвимга мурожаат қилишингиз мумкин. Бу жадвалдан фойдаланиш йўли қўйидагича:

— масалан, сиз 1967- йил 15- декабрда туғилгансиз. Бу кун ҳафтанинг қайси куни эканлигини билмоқчисиз. Бунинг учун, кейинги бетдаги тақвим — жадвалнинг «йиллар» (1901—2000) устунидан 67 рақамини топасиз, сўнгра шу 67 рақамининг тўғрисидаги декабр ойи рақамини белгилайсиз. Яъни бу рақам 5. Энди шу 5 ни туғилган кунингиз 15 га (15- декабр) қўшасиз. Натижа 20 бўлади. Ниҳоят, қўйидаги «кунлар» жадвалидаги 20 рақами ҳафтанинг қайси кунда турган бўлса, сиз ўша куни, яъни жума куни туғилгансиз.

КУНЛАР						
Якшанба	1	8	15	22	29	36
Душанба	2	9	16	23	30	37
Сешанба	3	10	17	24	31	
Чоршанба	4	11	18	25	32	
Пайшанба	5	12	19	26	33	
Жума	6	13	20	27	34	
Шанба	7	14	21	28	35	

Йиллар								Ойлар											
1801 — 1900				1901 — 2000				Я	Ф	М	А	М	И	И	А	С	О	Н	Д
01	29	57	85		25	53	81	4	0	0	3	5	1	3	6	2	4	0	2
02	30	58	86		26	54	82	5	1	1	4	6	2	4	0	3	5	1	3
03	31	59	87		27	55	83	6	2	2	5	0	3	5	1	4	6	2	4
04	32	60	88		28	56	84	0	3	4	0	2	5	0	3	6	1	4	6
05	33	61	89	01	29	57	85	2	5	5	1	3	6	1	4	0	2	5	0
06	34	62	90	02	30	58	86	3	6	6	2	4	0	2	5	1	3	6	1
07	35	63	91	03	31	59	87	4	0	0	3	5	1	3	6	2	4	0	2
08	36	64	92	04	32	60	88	5	1	2	5	0	3	5	1	4	6	2	4
09	37	65	93	05	33	61	89	0	3	3	6	1	4	6	2	5	0	3	5
10	38	66	94	06	34	62	90	1	4	4	0	2	5	0	3	6	1	4	6
11	39	67	95	07	35	63	91	2	5	5	1	3	6	1	4	0	2	5	0
12	40	68	96	08	36	64	92	3	6	0	3	5	1	3	6	2	4	0	2
13	41	69	97	09	37	65	93	5	1	1	4	6	2	4	0	3	5	1	3
14	42	70	98	10	38	66	94	6	2	2	5	0	3	5	1	4	6	2	4
15	43	71	99	11	39	67	95	0	3	3	6	1	4	6	2	5	0	3	5
16	44	72	00	12	40	68	96	1	4	5	1	3	6	1	4	0	2	5	0
17	45	73		13	41	69	97	3	6	6	2	4	0	2	5	1	3	6	1
18	46	74		14	42	70	98	4	0	0	3	5	1	3	6	2	4	0	2
19	47	75		15	43	71	99	5	1	1	4	6	2	4	0	3	5	1	3
20	48	76		16	44	72	00	6	2	3	6	1	4	6	2	5	0	3	5
21	49	77		17	45	73		1	4	4	0	2	5	0	3	6	1	4	6
22	50	78		18	46	74		2	5	5	1	3	6	1	4	0	2	5	0
23	51	79		19	47	75		3	6	6	2	4	0	2	5	1	3	6	1
24	52	80		20	48	76		4	0	1	4	6	2	4	0	3	5	1	3
25	53	81		21	49	77		6	2	2	5	0	3	5	1	4	6	2	4
26	54	82		22	50	78		0	3	3	6	1	4	6	2	5	0	3	5
27	55	83		23	51	79		1	4	4	0	2	5	0	3	6	1	4	6
28	56	84		24	52	80		2	5	6	2	4	0	2	5	1	3	6	1

* * *

Етти кунлик ҳафтанинг келиб чиқиши

Амалда бўлган етти кунлик ҳафтамизнинг ҳам ўзига яраша «таржимаи холи» бор. Милоддан аввалги I- мингйиллик бошларида яшаган халдейлар ҳар бир сайёранинг ўз куни бўлади деб фараз қилганлар ва янгича кун ҳисоби — ҳафтани яратганлар. Бу хил вақт ҳисоби халдейлардан оссурияликларга, кейин бобилликларга, улардан юнонларга, улардан римликларга, кейинчалик Европага тарқалган.

Бобилда яшаган халдейлар юнон худолари — Меркурий, Венера, Марс, Юпитер, Сатурннинг номларига Куёш ва Ойни ҳам қўшиб, сайёралар сонини еттига етказишган ҳамда «7» рақамини муқаддас деб эълон қилганлар.

Дунёнинг етти мўъжизаси: Миср эҳромлари, Бобилнинг осма боғлари, Артемида ибодатхонаси, Галикарнасдаги даҳма, Зевс ҳайкали, Родосдаги улкан ҳайкал ва Искандария минораси.

Моддаларнинг ҳам етти кўриниши мавжуд:

1. қаттиқ ҳолати; 2. суюқ ҳолати; 3. газсимон ҳолати; 4. плазма ҳолати; 5. нейтрон моддаси ҳолати; 6. эпиплазма ҳолати; 7. физик вакуум ҳолати.

Хонандалар ҳам етти парда оҳангида куйлашади, шунга кўра мусиқада етти хил нота қабул қилинган: до, ре, ми, фа, соль, ля, си.

Инсон авлоди ҳам еттита:

1. фарзанд; 2. невар; 3. эвара; 4. чевара; 5. кавара (панневара); 6. овора; 7. бегона.

Ўтмишда халқимиз дунёда одамни тўйдирадиган ва бой қиладиган етти хазина бор деб билган, чунончи:

- 1) сигир — рўзғорнинг қассоби ва баққоли;
- 2) асалари — оиланинг табиби;
- 3) ипак қурти — қизларнинг сепи;
- 4) обжувоз — қозоннинг ёғи;
- 5) тегирмон — қориннинг белбоғи;
- 6) ўрмон — иморат «суяги», қозон олови;
- 7) товуқ — ҳам обиёвғон, ҳам дори-дармон.

Булардан қанчалик кўп фойдаланилмасин, уларнинг ўрни ҳар доим тўлиб тураверади. Айрим юртларда: «Тижорат — етти хазинанинг бири» ёки «Балиқчилик — етти хазинанинг бири», деб қўшимча тарикасида юқоридагиларни бирортасининг ўрнига киритишган.

Бутун Ер юзи етти иқлимга бўлинган. Етти қават осмон (фалак), етти қават ер бор, деб фараз қилишган. Қадимги римликларнинг етти буюк донишманди бўлган. Мумтоз шеъримизда ғазалнинг етти байтлик шакли кўпроқ тарқалган. Ҳар ким ўзининг етти аждодини билиши шарт бўлган.

Қадимги халқлар етти муқаддас сайёра инсон ҳаётига, тақдирига, ҳаётда бўлиб ўтган, келажакда юз берадиган воқеа, ҳодисалар, уларнинг фазода жойлашишига, ўзаро алоқаларига, ҳаракатларига боғлиқ деб тушунганлар ва ҳар бир кунга сайёралардан бири ҳомийлик қиладиган етти кунлик ҳафта ҳисобини келтириб чиқарганлар.

Ана шундай қилиб, муқаддаслаштирилган 7 рақамидан вақт ўлчови — етти кунлик ҳафта ҳисобини ўйлаб топганлар.

Сайёралар турли адабиётларда турлича аталади, чунончи:

1. Қуёш — Офтоб, Шамс, Хуршид, Меҳр, Яшиқ; куч-ғайрат рамзи;
2. Ой — Қамар, Моҳи, Анбар, Ялчик; дилбарлик рамзи.
3. Марс — Миррих, Баҳром, Кўртуд; жангу жадал рамзи; юнонларда уруш худоси;
4. Меркурий — Аторуд, Хулкар, Сурайё, Орзу, Дабир; ақл-заковат, донолик рамзи;
5. Юпитер — Муштарий, Ўнгой, Қорақуш, Буржис; Бахт рамзи.
6. Венера — Зухро, Чўлпон, Сириус, Йилдирик, Ноҳид, Сақид; севги, муҳаббат ва садоқат рамзи;
7. Сатурн — Зуҳал, Секантир, Кронос; деҳқончилик ва ҳосилдорлик ҳомийси; Қадимги римликларда вақт ва экинлар худоси.

Ҳафтанинг ҳар бир куни юқорида кўрсатилган сайёраларнинг бири ҳукми остида бўлган. Бизда ҳафта кунларининг номи форс (қисман араб) тилида қабул қилинган, чунончи:

якшанба — ҳафтанинг биринчи куни («як» — бир); биринчи сайёра Қуёш ҳукмида бўлган; бу куннинг мижози иссиқ ва қуруқ; якшанба куни бошланадиган йил турли ҳодисаларга бой бўлади;

душанба — ҳафтанинг иккинчи куни («ду» — икки); иккинчи сайёра Ой ҳукмида; мижози совуқ ва нам; сешанба куни бошланадиган йил анча хайрли, яхши бўлади;

сешанба — ҳафтанинг учинчи куни («се» — уч); учинчи сайёра Марс ҳукмида; мижози иссиқ ва нам; одамга ёмон таъсир кўрсатади; сешанбадан бошланадиган йил оғир келади;

чоршанба — ҳафтанинг тўртинчи куни («чаҳор» — тўрт); тўртинчи сайёра Меркурий ҳукмида; мижози иссиқ-совуқ; одамга таъсири ҳам яхши, ҳам ёмон; чоршанбадан бошланадиган йилда уруш ва қимматчилик бўлиши мумкин;

пайшанба — ҳафтанинг бешинчи куни («панж» — беш); бешинчи сайёра Юпитер ҳукмида; мижози иссиқ ва нам; одамга таъсири яхши; бу кундан бошланадиган йил хайрли, яхши кечади.

жума — ҳафтанинг олтинчи куни («жумъа» — жам бўлмоқ); олтинчи сайёра Венера ҳукмида; мижози мўътадил; одамга таъсири яхши; бу кун билан бошланадиган йил хайрли, яхши бўлади.

шанба — ҳафтанинг еттинчи куни; еттинчи сайёра Сатурн ҳукмида; мижози қуруқ ва совуқ; одамга таъсири ёмон; бу кун билан бошланадиган йил кулфатли ва ёмон бўлади.

Ҳафта кунларининг хусусиятлари

Ҳафта кунлари	Сайёралар ҳукронлик қиладиган кун	Қандай кунлиги	Эр-хотин муомала қилса фарзанд қандай бўлиши	Туғиладиган фарзанднинг хислатлари
Якшанба	Қуёш	Наҳс—бахтсиз	Тўрт кунда бир тутадиган иситмага чалиниши мумкин	Чақимчи, хиёнаткор бераҳм, худобезори бўлади
Душанба	Ой	Саъд—бахтли	Аъзолари соғлом бўлади	Ҳусндор ва бахтли бўлади
Сешанба	Марс	Наҳс—бахтсиз	Бели, буйраги заифроқ бўлади	Ўғри ва қароқчи бўлади
Чоршанба	Меркурий	Наҳс—бахтсиз	Бош оғригига чалинади	Лўттибоз ва енгилтак бўлиши мумкин
Пайшанба	Юпитер	Саъд—бахтли	Аъзолари соғлом бўлади	Оқил ва улуғ мартабали бўлади
Жума	Венера	Саъд—бахтли	Аъзолари соғлом бўлади	Олим ва парҳезгар бўлади
Шанба	Сатурн	Наҳс—бахтсиз	Хаста бўлиши мумкин	Фосиқ ва золим бўлади

Ҳафта кунларининг арабча, форсча, ўзбекча номлари

арабча:	форсча:	туркча:	ўзбекча:	русча:
явм ул-жумъа	жума, одина	жума	жума	пятница
явм ус-сабт	шанба	жума эртаси	шанба	суббота
явм ул-аҳад	якшанба	бозор	якшанба	воскресенье
явм ул-иснайн	душанба	бозор эртаси	душанба	понедельник
явм ул-салоса	сешанба	соли	сешанба	вторник
явм ул-арбаа	чаҳоршанба	чоршанба	чоршанба	среда
явм ул-ҳамис	панжшанба	панжшанба	пайшанба	четверг

Исломда ҳафтанинг охири жума. Бу куни мусулмонлар учун дам олиш куни ҳисобланади. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, жума — мусулмонларнинг, шанба — яҳудийларнинг, якшанба — насронийларнинг дам олиш кунидир.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, дунё ранг-барангликдан иборат қилиб яратилган. Чунки ранг-баранглик, турли-туманлик, қарама-қарши жуфтлик қонуни дунёнинг асоси бўлиб, дунё ва ҳаётни ҳаракатга келтирадиган куч, қувватни ҳосил қилади. Бунга кўра ҳаёт жонланади, ўсади, ривожланади, чўққига кўтарилади (прогресс), сўнгра аксинча — сусаяди, секинлашади, пасаяди (регресс) ва ниҳоят яқунланади. Демак, ҳар бир нарсанинг ниҳояси, тугаши, ўлиши ва яна туғилиши, жонланиши, ривожланиши, ўсиши ва

хоказолар муқаррар қилиб белгилаб қўйилган. Дунё ва дунёнинг ишлари айлана-доира ҳолда ҳаракатланиб туради. Дунё чархпалагининг бир айланиши миллиардлаб йилларни ташкил этиши мумкин. Хилма-хиллик бўлмаса ривожланиш бўлмайди. Мусбат ва манфий кучлар, бир-бирига зид жуфтлар бўлмаса, улар тўқнашмаса, реакцияга киришиб бир-бири билан курашмаса қувват — энергия, жумладан, ҳаракат ҳам ҳосил бўлмайди, чунки ҳаёт — ҳаракатдир.

Дунёда ҳамма нарса жуфт-жуфт қилиб яратилган. Яккалик, ягоналик, ёлғизлик, тоқлик фақат **Аллоҳ таолога** хосдир.

Аллоҳ таолонинг ана шу қонуниятларига биноан дунё, ҳаёт пайдо бўлади, жонланади, ўсади, ривожланади, сўнгра пасаяди ва ниҳоят ўлади, тугайди ва яна бошидан бошла-нади, давом этади. Демак, ўлим, хотима дунёга, оламга, бутун коинотга ҳам тегишлидир, бу яратгувчи **Парвардигори оламнинг** олий қонуниятларидан бири саналади. Ўлим, тугаш ҳамма нарсага — жонли, жонсиз, барчага баробар ва тааллуқлидир.

Парвардигорнинг бу ишидан мақсади нелигини ёлғиз **Ўзи** билади, бу жумбоқ ҳозирча ечилмаган сирдир. Бу сирни ечиш учун мавжуд билимлар етарли эмаслигидан ҳозирча сир бўлиб қолади. Пайти келадикки, бу сир ечилади, унда сизу биз дунёда бўлмаймиз. Илм, билим билан ечилмайдиган жумбоқ йўқ, бу ҳам **Аллоҳ таолонинг** қонуниятларидан биридир.

Машҳур амалий магиянинг асосчиси Папюс ўзининг «Амалий магия» китобида қуйи-дагилар етти сайёранинг бири ҳомийлиги, рамзи остида эканлиги ва уларга тенглаштирил-ганлигини ёзган. Улар магия ишларида фойдаланилган:

Сайёралар:	Зуҳал (Сатурн)	Мушгарий (Юпитер)	Миррих (Марс)	Яшиқ (Куйш)	Зуҳра (Венера)	Аторуд (Меркурий)	Ялчиқ (Ой)
Ҳафта кунлари:	Шанба	Пайшанба	Сешанба	Якшанба	Жума	Чоршанба	Душанба
Инсон аъзолари:	Қора жигар Қора талоқ	Жигар	Ошқозон	Юрак	Буйрак	Ўпка	Мия
Рақамлар:	3	4	5	6	7	8	9
Томонлар:	Жануб	Шарқ	Ғарб	Ғарб	Шарқ	Шимол	Жануб
Ранглар:	Қора	Кўк	Қизил	Сариқ	Яшил	Ҳар хил ранг	Оқ
Металлар:	Кўрғошин	Қалай	Темир	Олтин	Мис	Симоб	Кумуш
Тошлар:	Ёқут (Гранат)	Топаз	Ёқут (Рубин)	Қизил ёқут (Карбункул)	Зумрад (Изумруд)	Биллур (Хрустал)	Кўк ёқут (Сапфир)
Ҳайвонлар:	Юмрон-қозиқ	Кийик	Бўри	Шер	Эчки	Маймун	Мушук
Қушлар:	Сассиқ-попишак	Бургут	Қарчиғай (Қирғий)	Оққуш	Каптар	Лайлак	Бойқуш

Баҳорги юлдузлар — Қўзи (Ҳамал), Уд (Савр), Эрандиз (Жавзо) табиатнинг тўрт унсуридан бири бўлган оловга тенглаштирилади.

Ёзги юлдузлар — Кучик (Саратон), Арслон (Асад), Бугдойбоши (Сунбула) сувга тенглаштирилади.

Кузги юлдузлар — Улгу (Мезон), Чазан (Ақраб), Ей (Қавс) шамолга тенглаштирилади.

Қишки юлдузлар — Ўғлақ (Жадй), Кўнак (Далв), Балиқ (Ҳут) тупроққа тенглаштирилади.

Аввалги фаслларда айтиб ўтганимиздек, ана шу қоидадан мантиқан шундай хулоса келиб чиқади: дунёнинг мазмуни, иши, зид жуфтлар — қарама-қаршиликлар, яъни —

ёруғлик — қоронғулик, яхшилик — ёмонлик, эзгулик — ёвузлик, ижобий — салбий, ҳидоят — жаҳолат, адолат — ноҳақлик, ҳалол — ҳаром, иссиқ — совуқ, ҳўллик — қуруқлик, очлик — тўқлик, ҳаёт — мамот ва ҳоказолар курашидир. Бу қарама-қаршиликлардан бири бўлмаса, кураш тўхтайди, натижада ҳаёт ҳам тўхтайди, борлик йўқликка айланади. Демак, ижобий-салбий кучлардан ҳар бирининг бўлиши ҳаёт, Борлиқнинг зарурий қонуни эканлигидан келиб чиқади. «*Табиатда фойдасиз нарсанинг ўзи йўқ, ҳатто фойдасизликнинг ўзи ҳам фойдалидир*», деган машҳур француз файласуф ёзувчиси Франсуа Вольтер бу борада ҳақдир.

Айтилганлардан шундай фикр туғиладики, салбий кучлар, қувватларнинг бўлиши, уларнинг ижобий кучларга қарши кураши зарурий, керакли ва ҳатто фойдали ҳамдир. Дунёда кераксиз, ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто кўпчилик зарарли деб ҳисоблаган пашшанинг ҳам фойдаси бор. Пашша бўлмаса, киши организмда касалликларга қарши кураш имунитети камайиб ёки йўқолиб, натижада организм касалликка қарши курашда мағлуб бўлади.

Баъзи бир касалликларга, масалан, қизамиқ, тиф, сил, чечак, бўғма, кўкйўтал, ўлат, ичтерлама, куйдирги, бруцеллёз ва ҳоказоларга қарши одам эмланади, яъни бу касалликлар одамга оз миқдорда юктирилиб, сунъий имунитет ҳосил қилинади. Мисолимизда келтирилган пашшага келсак, у ҳар ерга қўниб, ҳар хил микробларни — ахлат, нажас, тупиринди, ўлакса ва бошқа ифлос нарсалардан оёқлари ва тумшукларига жуда оз миқдорда йиғиб, киши еб турган ёки ейдиган емишига, сувга қўниб, йиққан микробларини эмланадиган зардоб ўрнида юктиради ва одам бу микробларни овқат, емиш орқали истеъмол қилади, яъни табиий равишда турли касалликларга қарши эмланади. Чунончи, қишлоқларда минглаб пашша қўниб турган овқат бемалол тановвул қилинаверади, қишлоқ аҳлининг нисбатан кам касал бўлишларининг сабаби ҳам шундан. Чивин, арилар ҳам шу каби қисман фойда келтиради. Лекин бу микроблар ўртачалик — меъёр даражасидан четга чиқиб кетса, яъни организмга керагидан ортиқча кириб қолса, фойда ўрнига зарар келтириши аниқ. Илоннинг захри ҳам ози — дори, кишини тузатади, кўпи захри қотилдир. Ҳамр, яъни ичкиликнинг ози дори, тузатади, кайфиятни яхшилади, кўпи захри қотилдир, касал қилади ёки ўлдиради.

Аллоҳ таоло яратган Иблис шайтоний кучнинг ҳаёт жараёнида иштирок этиши ҳам, мажозий маънода айтсак, текин хизматкорликдир. Шайтон васвасаси билан нафс ҳакалак отади, туғён уради. Натижада кишилар нафс йўлига кириб, дунёни обод қиладилар, ҳашаматли уйлар, шаҳарлар қурадилар. Машина, самолёт, турли техника янгиликларини ихтиро қиладилар, ўзларини ўққа-чўққа уриб, машаққат чекадилар, дунё кезадилар, савдо-тижорат қиладилар, моддий неъматлар ишлаб чиқарадилар, бойлик тўплайдилар, маишат қиладилар. Бунда ҳам меъёр қонунидан четга чиққанлар мақсадлари бўлмиш — роҳат-фароғат ўрнига беихтиёр, машаққат ва азоб-уқубатларга дучор бўладилар.

Мавзуимизни беш буюк донишманднинг ҳикматли сўзлари билан яқунлаймиз. Хулосаси сизга ҳавола, дилкаш суҳбатдош:

«Кўкда нимаики содир бўлса, ерда ҳам шу бўлади. (Гермес).

«Мунажжим башоратлари шунинг учун рўёбга чиқадики, кўпчилик одамлар осмон жисмларининг таъсирига тўлиқ бўйинсунган ҳолда ўз эҳтирос ва майллари ортидан кетаверишади» (Фома Аквинский).

«Юлдузлар ақлсизларни бошқаради, оқиллар эса — ўз юлдузларини» (Фалес).

«Илоҳий тақдир жаҳон воқеаларини бошқариб туради» (Гегель).

«Дунё бамисоли аъло даражада мойлаб қўйилган механизмки, уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ» (Рене Декарт).

Ислом дунёсидаги ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг унвонлари (ваколатларига кўра)

Амирал мўминин — бу унвонни биринчи бўлиб халифа ҳазрат Умар ибн Хаттоб олган; халифанинг бошқача номланиши «амир ал-муслимин» деган варианты ҳам қўлланган.

Халифа — *14 - фаслда берилган.*

Хоқон — буюк подшоҳ, хонлар хони, шаҳаншоҳ, император; милодий VI—VIII асрларда Турк, VII—X асрларда Ҳазар ва Хитой, XII—XIII асрларда Мўғул хоқонликлари бўлган.

Шоҳ — илк мартаба Сосонийлар империясида жорий қилинган олий мартаба, унвон; Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон ва Эрондаги монархларнинг унвони;

Шаҳаншоҳ — шоҳлар шоҳи, эроний шоҳлар, афғон ҳукмдорларининг унвони.

Султон — айрим мусулмон мамлакатларида VIII асрдан бошлаб ишлатилган монархлик унвони, масалан, Марокаш султони.

Амир — амр қилувчи, фармон берувчи бошлик, ҳоким, қўшин бошлиғи, саркарда, ҳукмдор; араб халифаларининг ноиби; халифалар томонидан маҳаллий ҳокимларга берилган унвон; Амир Темур ўз давлатини «амир» унвони билан бошқарган; XVIII асрдан бошлаб Бухорода манғит сулоласига мансуб ҳукмдорлар ҳам «амир» унвони билан мамлакатни бошқарганлар.

Хон — Чингизхон авлодларидан бўлган ҳукмдорлар дастлаб шундай аталган; кейинчалик бу унвонни бошқа шарқ ҳукмдорлари — монархлар ҳам қабул қилганлар.

Амир-ул умаро — «амирлар амири», улуғ амир; Олтин Ўрда, Чигатой улуси ва Темурийлар давлатида — олий бош қўмондон; Туркия ва Озарбайжонда «бекларбеги» деб юртилган.

Беклар беги — олий бек; ҳукмдорга энг яқин бўлган ва давлат ишларини бошқариб борган; темурийлар замонида олий бош қўмондон.

Бек — 1. дастлаб туркий халқларда уруғ-қабила бошлиғи; 2. обрўли зодагонларга берилган фахрий унвон; 3. вилоят ва шаҳар ҳокимлари; хоннинг ўғиллари ёшлигида «тўра», «тўраҳон», хоннинг ака-укаларининг ўғиллари эса «бек» деб аталган; 4. Туркияда беклар «бей» деб аталганлар; ҳозир ҳам айрим исмларга ҳурмат тариқасида қўшиб айтилади ва «жаноб» маъносини билдиради.

Бий — Хива хонлигида иноқ ва оталиқ унвонларидан кейинги унвон.

Иноқ — Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида юқори мартабалардан бири; саройда икки хил иноқ бўлган — иноқи калон (улуғ иноқ) ва иноқи хурд (кичик иноқ).

Оталиқ — «ота» сўзидан олинган; хоннинг бош маслаҳатчиси; вояга етмаган ёш хоннинг тарбиячиси, хоннинг номидан вақтинча ҳукмдорлик, оталиқ қилиб турган шахс; ҳозир қисман юридик ва асосан иқтисодий атама бўлиб қолган.

Қуш беги — Бухоро амирлигида бош вазир унвони; Хива хонлигида меҳтардан кейинги мартаба.

Меҳтар — Хива хонлигида молия ишларини бошқарувчи вазир.

Девонбеги — Бухоро амирлигида молия ва хўжалик ишларини бошқарувчи мансабдор шахс.

Вазир — мусулмон мамлакатларида министр унвони; Бағдод халифалигида вазир давлат маҳкамасини бошқарган, давлат кенгашига бошчилик қилган; вазири аъзам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади;

Садри аъзам — Усманийлар империясида XVI асрдан бошлаб биринчи министр, ҳукумат бошлиғи, буюк вазир унвонига тенг бўлган.

Раис — Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида шарият тартиб-қоидалари, диний урф-одатларнинг аниқ бажарилишини назорат қилувчи мансабдор шахс; ҳар бир шаҳар, катта қишлоқларнинг раиси қозикалон тақдимига кўра хон томонидан тайинланган.

Нақиб — жамоа, қабиланинг эътиборли кишиси; *нақиб хўжа*, *нақиб эшон* — саййидлар ва хўжаларнинг фахрий унвони; хоннинг энг яқин маслаҳатчиси; *нақиб* — мадрасани тамомлаган ва пайғамбар наслидан бўлиши шарт саналган.

Ноиб — Араб халифалиги ва Олтин Ўрда даврида вилоят, ўлка ҳокими.

Надим — ҳукмдорнинг яқин кишиси, суҳбатдоши, маслаҳатчиси.

Поша — Усманийлар империясида, Мисрда ҳарбий, ноҳарбий амалдорларнинг олий унвони; уларнинг исмлари охирига қўшиб айтилган; кейинчалик генерал ва министрларга берилган фахрий унвон; Туркияда фақат генералларда сақланиб қолган.

Сардор — мусулмон давлатларида қуролли кучлар бош қўмондони; Ҳиндистон ва Афғонистонда — қабила бошлиғи, нуфузли амалдор, тўра.

Додхоҳ — Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида амир ёки хон номига ёзилган арзномаларни қабул қилиб, кўриб чиқиб, эгаларига ёзма ёки оғзаки жавоблар қайтарувчи мансабдор шахс.

Парвоначи — вазир муовини, фармонбардор, фармонни ижро этувчи; Бухоро амирлигида саройдаги олий унвонлардан бири.

Удайчи — Бухоро амири ҳузурида бий ёки додхоҳ даражасидаги мансабдор шахс; доим амир ҳузурида бўлиб, давлат ишлари ҳақида ахборот бериб турган.

Тавочи — ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга етказувчи амалдор шахс (адъютант).

Шукурчи — ҳукмдорнинг соябон тутувчи хизматкори.

Офтобачи — ўзбек хонлари саройида ҳукмдорнинг қўлига сув қуювчи, давлат ишлари билан шуғулланувчи мансабдор шахс.

Шариф — 1) арабларда Исломга қадар бадавлат уруғ, қабила раҳбари, шаҳар ҳокими; кейинчалик авлоддан-авлодга ўтувчи фахрий унвон; 2) шериф — Буюк Британия, АҚШ ва Ирландияда графликнинг маъмурий ва суд вазифаларини бажарувчи юқори мансабдор шахс; 3) ўрта асрларда етти шаҳар: Макка, Мадина, Қуддус, Бағдод, Дамашк, Мозори шариф ва Бухоро шаҳарлари диний марказ сифатида шуҳрат қозонганлари учун, уларга «шариф» (шарофатли) деган унвон берилган.

Понсад (понсадбоши, элликбоши) — ўзбек хонликларида қуйи маъмурий мансабдор шахс.

Амин — Бухоро амирлигида туман ёки қишлоқ оқсоқоли.

Ю р т ч и — «бош штаб» амалдорларига ўхшаш мўғул амалдори; ёзув-чизув ишларини олиб борган, ҳукмдорнинг ёрликларини тарқатган, ҳар хил маълумотлар ва баъзан айғоқчилар орқали махфий, хуфия ишларни ҳам олиб борган.

Ю р ч и — Бухоро амирлигида амир сафари вақтида олдиндан бориб кўчаларни тозалашни, тартибга келтиришни уюштирувчи қўйи мансабдор шахс.

Ш и ғ а в у л — Бухоро амирлигида ҳукмдорнинг шахсий адъютанти; тўқсабо ва эшик оғаси даражасида бўлган.

Т ў қ с а б о — Бухоро амирлигида сузиб қўйилган таомларни назорат қилиб турадиган амалдор; унга бирон қишлоқнинг ҳокимлиги ҳам берилган.

Б о в у р ч и — ошпаз, баковулдан бир поғона паст сарой мансабларидан бири.

Б а к о в у л — 1. Чингизхон ва темурийлар даврида саройда ошпазлар бошлиғи. 2. кейинчалик Олтин ўрда хонлигида қўшимча маош-улуфа улашиш, ўлжаларни тақсимлаш сингари вазифаларни бажарувчи юқори мансабдор. Унинг ҳурмат-эътибори жуда юқори бўлган, унга туманбеги ва мингбегилар ҳам бўйсунган. 3. Бухоро амирлигида сарой дастурхончиси, ҳукмдорга таом тортишдан олдин, уни аввал ўзи тотиб кўрувчи бош ошпаз.

Я с о в у л — 1. Бухоро амирлигида кушбеги ҳузурида турли топшириқларни бажарувчи мансабдор шахс; 2. ҳукмдор ҳузурида турувчи сипоҳ, навкар, сарбоз; подшоҳнинг кўриқчиси.

Я с о в у л б о ш и — 1. Хива хонлигида аскарларни урушга бошлаб борувчи, тинчлик вақтида навбат билан хоннинг қабулхонасида турувчи амалдор; махфий маҳкама бошлиғи ҳам бўлган; 2. Бухоро амирлигида кушбеги (бош вазир)нинг ёрдамчиси.

С а й и с — мирохур, сайис, отбоқар, жиловдор — ўзбек хонликларида сарой амалдорларидан бири.

М и р о х у р — отхона бошлиғи; Бухоро амирлигида парвоначи ва тўқсабодан кейинги мансабдор шахс.

Ж и л о в б а р д о р — ўзбек хонликларида мансабдор шахснинг отини етаклаб юрадиган, хўжайиннинг отга миниши ва тушишига кўмаклашувчи хизматкор.

К у т в о л — хиндча «кут», «қалъа» ва арабча «волий», «ҳоким» сўзларидан ташкил топган; қалъа бошлиғи; комендант.

М у н ш и й — сарой котиби.

Ш о т и р — 1. ҳукмдорлар ва олий амалдорлар отини етаклаб юрувчи навкар; жиловдор; 2. бировнинг хизматини югуриб-елиб қиладиган хизматкори, югурдаги, «сояси», «думи»; 3. хонни ўтказиб кўтариб юриладиган махсус ўриндик; тахтиравон, маҳофа.

Н а в к а р — оддий жангчи, аскар; Ўрта Осиё ва айрим Шарқ мамлакатларида илк феодализм даврида йирик бойнинг қуролли йигитлари.

Ҳ о к и м — 1. ўзбек хонликларида вилоят, шаҳар, туман ҳокими; 2. ҳукмдорнинг вилоятдаги ноиби; губернатор; 3. ҳукмдор, ҳокими мутлақ.

Ғ у л о м л а р (Мамлуқлар) — 1. Араб халифалигида, кейинроқ тоҳирийлар, сомонийлар, ғазнавийлар ва сажуқийлар даврида сотиб олинган қул йигитлардан ташкил этилган мунтазам отлик гвардия номи; 2. Усманийлар империясида оддий жангчилар; 3. Дехли султонлигида мамлакатни идора қилган ҳукмдорлар.

Жаҳондаги ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг унвонлари (ваколатларига кўра)

Монарх (грекча) — подшоҳ; ҳокими мутлақ; авлоддан-авлодга ўтувчи давлатнинг ягона, ҳуқуқи чекланмаган ҳукмдори; монархларнинг кенг тарқалган унвонлари — халифа, ҳокон, хон, шоҳ, шаҳаншоҳ, султон, подшоҳ, амир, қирол, император, негус (Эфиопияда), микадо (Японияда), княз, буюк герцог, диктатор, дож (ўрта асрлардаги Венецияда) ва ҳоказолар.

Теократия — Худо ҳокимияти; давлат ҳокимияти руҳонийлар ва қоҳинлар қўлида бўлган, мамлакатнинг ҳам диний, ҳам дунёвий ишларини ўз қўлида тутган ҳукмдор идора этадиган давлатни бошқариш усули.

Фиръавн — Қадимги Миср ҳукмдорларининг олий унвони.

Царь (лотинча) — чор, шоҳ, подшоҳ; Бобил, Оссурия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Греция, Миср ҳукмдорларининг унвони; Россияда бу унвонни 1547-йилда биринчи марта Иван Грозний қабул қилган.

Император (лотинча) — ҳукмдорларнинг қирол, подшоҳларга нисбатан юқори ҳисобланган олий монархлик унвони; бу унвонни биринчи марта мил. ав. 63-йилда Рим ҳукмдори Октавиан Август олган; Австрия, Германия, Франция, Италия, Россия, Бразилия, Мексика, Хитой, Япония монархлари ҳам ўзларини шу унвон билан атаганлар; Россияда бу унвонни биринчи марта Сенат ва Синод Пётр I га 1721-йилда берган; шундан кейин Русь давлати Бутун Россия империяси деб эълон қилинган.

Рожа — Қадимги Ҳиндистонда дастлаб подшоҳ, кейинчалик маҳаллий ҳокимларнинг унвони.

Махарожа — Ҳиндистон ҳукмдорларининг ўрта асрлардаги монархлик унвони.

Қирол (король) — Европа мамлакатлари монархларининг унвони.

Дож (италиянча) — ўрта асрлардаги Венеция ва Генуя ҳукмдорларининг унвони; мамлакат қуролли кучларининг қўмондони ҳам бўлган.

Регент — монархия давлатларида муваққат подшоҳ; ҳукмдор сафарда бўлганида, касаллик вақтида ёки вояга етмаган подшоҳ ўрнида мамлакатни вақтинча бошқариб турувчи шахс; Туркистонда — оталик.

Штатгальтер (немисча) — Германияда вилоят, провинция ноиб, ҳокими; XV—XVIII асрларда Голландияда ижро этувчи ҳокимият бошлиғи.

Узурпатор (лотинча) — ҳокимиятни ғайриқонуний равишда зўрлик билан қўлга олган ҳукмдор; масалан, Наполеон Бонапарт.

Диктатор — 1. грекча ҳокими мутлақ, мустабид, ҳеч қандай қонунни тан олмай, ўз истагича ҳукмронлик қиладиган ҳоким, подшоҳ; истибдод, чекланмаган монархия кўриниши, золим, зўравон; 2. немисча — «ваколат», «ҳокимлик қилинадиган вақт» маъноларини англатади; ваколати қонунлар билан чеклаб қўйилмаган ҳокимиятга таянувчи ҳукмдор; фавқулодда сиёсий вазият рўй берган вақтларда давлатни бошқаришда чекланмаган ҳокимиятдан фойдаланувчи мансабдор шахс, ҳукмдор; диктаторлик ваколати дастлаб олти ойгача белгиланган; биринчи Рим диктатори фаолият кўрсатган давр милoddан аввалги V аср ўрталарига тўғри келади.

Диктатура — ҳокимиятни зўрлик билан қўлга олган шахснинг золимона

хукмронлиги; жабр-зулмга асосланган идора усули.

Президент (лотинча) — тўрт йилдан етти йилгача муддат билан сайланадиган давлат бошлиғи; айна пайтда кўп мамлакатларда ҳукумат бошлиғи вазифасини ҳам бажаради; куролли кучлар бош кўмондони ҳам ҳисобланади; бошқа бир маъноси — сайлаб куйилган раҳбар, раис унвони; масалан, фанлар академиясининг президенти, турли уюшмалар президентлари.

Қоон (мўғулча) — улуғ бек, князь; катта кўшинга бош бўлган шахс.

Князь (эски немисча) — вилоят, ўлка ҳокими; Россияда император ўғиллари, набиралари, ака-укаларининг унвони; мерос бўлиб ўтадиган ёки алоҳида хизматлари учун бериладиган фахрий унвон; Олтин Ўрда хонлари томонидан айрим рус князларига махсус ёрлик билан «буюк князь» унвони берилган; 1547- йилда царь — подшоҳ унвони киритилгач, унга буюк князь сўзини қўшиб айтиш расм бўлган; Литва князлари ҳам шу унвонга эга бўлганлар.

Канцлер (немисча) — Франция монархиясида вужудга келган; дастлаб қирол маҳкамасининг бошлиғи, давлат архиви, қирол муҳрини сақловчи; суд ва ташқи ишларни ҳам бошқарган.

Рейхсканцлер (немисча) — давлат, империя канцлери; император томонидан тайинланиб, фақат унгагина бўйсунган; республика даврида (1919—1933) президент томонидан тайинланиб, парламент кабинети бошлиғи ҳисобланган ва Рейхстаг олдида жавобгар бўлган; 1933- йилда Адольф Гитлер президент ва рейхсканцлер лавозимларини бирлаштириб, ўзини фюрер (дохий) деб эълон қилди ва президентлик лавозими йўққа чиқарилди.

Герцог — 1. дастлаб қадимги герман қабилаларида сайлаб қўйиладиган ҳарбий бошлиқ, кейинроқ меросдан меросга ўтувчи қабила бошлиғи; 2. IX—X асрларда Европада мустақил хукмдор; 3. энг юқори дворян унвони.

Граф (немисча) — дастлаб ўрта асрларда Фарбий Европада қирол амалдори — дворянлик унвони, кейинчалик катта ер-сув, мулк эгаси; графлик мансаби авлоддан-авлодга ўтадиган бўлган; графлик XI асрдан бошлаб мансабдор шахсдан феодал ер эгасига айланган; Россияда бу унвон Пётр I томонидан жорий этилган бўлиб, авлоддан-авлодга ўтган; княздан пастроқ, барондан юқорироқ бўлган.

Барон (французча) — озод, эркин маъносини англатади; асилзодалар унвони, графдан кейинги унвон; барон ўз мулкига ва деҳқонлар устидан тўла хукмрон бўлган; Россияда бу унвонни Пётр I жорий қилган.

Баронет — Англияда фахрий дворянлик унвони; аслзодалар билан қуйи дворянлар ўртасида барондан кейинги унвон.

Лорд (инглизча) — Англияда аслзодаларнинг олий дворянлик унвони.

Барин (русча) — боён, аслзода, помешчик, дворян, ер эгаси, хўжайин.

Дуче (грекча) — фашизм асосчиси Бенедитто Муссолини (1883—1945)нинг унвони; «йўлбошчи», «бош раҳбар», «дохий» маъноларини англатади.

Фюрер — немис фашизмнинг олий раҳбари ва дохийси, рейхсканцлер Адольф Гитлернинг унвони.

Фашизм (итальянча) — Ницше, Шпенглер таълимотлари ва антисемитизм, геополитика назарияларига таянувчи сиёсий оқим; илк фашистик ташкилотга 1919- йилда Италияда Муссолини асос солган ва 1922- йилда ҳокимиятни қўлга олган; шу оқим асосида 1919- йилда Германияда Национал-социалистик партия вужудга келди ва 1933- йилда

бу партиянинг раҳбари Гитлер Германияда ҳокимиятни ўз қўлига олди.

С п и к е р (инглизча) — 1. Англияда парламент умумпалатасининг раиси; 2. АҚШда вакиллар палатасининг раиси.

Айрим мамлакат, ўлка ва шаҳар номларининг изоҳи

Абескун (Обисукун) — Каспий денгизидаги ороллардан бири.

Адан (Эден) — «хузур-ҳаловат» дегани; Ямандаги қадимий шаҳар.

Ажам — араблардан бошқа халқлар; кўпинча Эрон халқига нисбатан қўлланган этнографик атама.

Аккад (Акаде) — Месопотамияда яъни ҳозирги Бағдоднинг жануби-ғарбий томонида жойлашган қадимги шаҳар. Эрамиздан олдинги XXIV—XXII асрларда Месопотамия ва Элам давлатларининг маркази бўлган. Шу даврлардан бошлаб жанубий Месопотамиянинг ҳамма қисми «Аккад» номи (атамаси) билан аталадиган бўлган.

Аккад эрамиздан 2200 йил олдин Кутийлар томонидан тор-мор этилган.

Аккад тили бобил-оссурия ёки оссурия-бобил тили бўлиб, сомиёлар тилининг африка — осие шаҳобчасига киради. Ёзуви лой, сополга миххат билан ёзилган сўз-бўғин кўринишида бўлган.

Антокия — Суриянинг шимолида жойлашган шаҳар; милоддан аввалги 300-йилларда Рим императори Селевкид бино қилган.

Арофот — Макка яқинидаги тоғ.

Астробод — Каспий денгизининг шарқи-жанубий тарафида Мозандарон чегарасида жойлашган вилоят ва шаҳар.

Атлантида — ривоятларда келтирилишича, Атлантида океанида мавжуд бўлган, жуда катта серҳосил, обод орол; унда маданий, қудратли атлантлар яшашган; ер қимирлаши натижасида, чўкиб йўқ бўлиб кетган.

Атропатен — эрамиздан олдинги IV асрдан эрамизнинг VII асригача бўлган қулдорлик давлати. Зардуштийлик дини амалда бўлган. Пойтахти Ғазак шаҳри. Атропатенликлар салавкийлар ва Рим империясига қарши бетиним курашиб келганлар. Эрамизнинг VII асрида Араб халифалиги томонидан фатҳ этилган.

Аттика — Грециянинг Афина шаҳри яқинидаги вилоят, мамлакат.

Бобил — Вавилония; Ироқдаги қадимий шаҳар, ўлка.

Борисфен — Днепр дарёсининг қадимги номи.

Боғи Эрам — Яман подшоҳи золим Шаддод томонидан барпо қилинган жаннатнамо боғ; аммо унинг жаннатга ўхшатиб қурдирган бу боғи ва ундаги қасрлар **Аллоҳ**нинг лаънатига учраб яқсон бўлган, ер ютган.

Византия давлати — Рим империяси қулагандан кейин ташкил топган, IV—XV асрларда пойтахти Константинопол, ҳозирги Стамбул шаҳри бўлган давлат. 1300—1400-йилларда бу давлатни турклар босиб олганларидан кейин, мусулмонлар тамаддунининг маркази бўлиб қолган.

Галлилея — Фаластиннинг илгариги номи.

Галлия — қадимги кельт қабилалари яшаган жой; ҳозирги Франция, Бельгия, Люксембург, Голландия худудларида жойлашган.

Гилон — Каспий денгизининг жанубий соҳилида жойлашган вилоят; шарқ тарафдан Мозандарон билан чегарадош бўлган.

Гипперборейя — Грек асотирларида узоқ шимолдаги Борей яъни Фракиядаги мамлакат. У ердаги аҳоли табиатан иқтидорли, зукко бўлганликлари учун маъбуд Апполоннинг меҳри тушган одамлар деб ҳисобланган. Фракиянинг ер хусусиятларига қараб, Гипперборейя ҳақидаги ривоятлар Россиянинг марказий ёки шимолий қисмига тегишли деб ҳисобланган.

Гистер — Дунай дарёсининг қадимги номи.

Гўшен — Нил дельтасида жойлашган Миср шимолидаги ҳудуд.

Дашти қипчоқ — Иртиш, Дунай, Днепр дарёлари оралиғидаги ерлар; ҳозирги Қозоғистон, Волгабўйи ва Жанубий Рус ерларидаги дашт.

Даҳа (форсча) — шаҳарнинг бир қисми; масалан, Тошкентнинг Кўкча, Себзор, Бешёғоч, Шайхонтаҳур даҳалари.

Жайҳун — Амударёнинг олдинги номи; қадимги номи — Ўқуз, юнонча Окс.

Жанубистон — асли Негев, яъни Исроилнинг чўлга яқин жанубий қисми

Журжон — Эронда Қазвиннинг шарқи-жанубидаги шаҳар; бу шаҳарга 716- йилда асос солинган.

Зобулистон — Жанубий Афғонистондаги тоғли вилоят.

Куш — Қадимги Нубия ёки Ҳабашистон; ҳозирги Эфиопия.

Кўҳистон — тоғли мамлакат, ўлка, вилоят.

Кўҳи Қоф — афсонавий Қоф тоғи; Ерни ўраб олган баланд тоғ деб ривоят қилинади; Кавказ тоғлари бўлиши ҳам мумкин.

Марв — ҳозирги Туркменистоннинг Байрам Али темир йўл бекати ҳудудида бўлган; Хуросоннинг қадимий пойтахти.

Мидён — Арабистоннинг шимоли-ғарбидаги ўлка.

Мидия — Эрон ясси тоғлигининг шимолий-ғарбий томонида жойлашган тарихий вилоят. Эрамиздан олдинги VII—VI асрларда пойтахти Экбатан бўлган подшоҳлик. Қиёқсар ҳукмдорлиги даврида гуллаб-яшнаган давлат бўлган. Эрамиздан олдинги 550—549- йилда форслар босиб олган. Эрамиздан олдинги IV асрда қайта оёққа турган ва Жанубий Озарбайжонни ҳам эгаллаб олган. Шундан кейин бу ерлар Мидия ёки Кичик Мидия, Мидия Атропатени деб аталган.

Мино — Арабистондаги тоғ.

Миср — аслида Раҳаб (димордор) афсонавий денгиз даҳоси; Шимолий африкадаги йирик давлат.

Миср водийси — Фаластин-Миср чегарасини ташкил этган Ариш водийси.

Озарбайжон — «оловли мамлакат» дегани; «озар» сўзи Исломгача олов фариштасининг номи бўлган.

Оссурия — милoddан аввалги XX—VII асрларда Дажла дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган давлат. Ҳозирги Сурия ҳудудлари ва теғраларида бўлган.

Порон чўли — Миср чегараси яқинидаги чўл.

Рум — Кичик Осиё (Туркия); Қадимги Византия, Рим, Греция ва Шарқий Рим империяси.

Сабо — 1. жанубий Арабистондаги шаҳар; 2. афсонавий мамлакат.

Сайҳун — Сирдарёнинг қадимги номи. Ундан олдинги номи Қанға.

Салим — Иерусалим (Қуддус) шаҳрининг қадимги номи.

Самария — Исроилнинг ўртасида жойлашган вилоят; аҳолиси Канъон элатлари билан аралашиб кетганлиги учун, яҳудийлар уларни соф яҳудий эмас, деб камситганлар.

Сарандиб — Цейлон, ҳозирги Шри-Ланка оролининг қадимги номи.

Сейистон — Эрон билан Афғонистон орасида жойлашган вилоят; қадимда Дрангиана деб аталган.

Сидой — Қадимги Финикия пойтахти.

Таврида (*Таврика*, *Таврия*) — Кримнинг қадимги номи; тавр қабиласи номидан олинган.

Талъат — Ироқда, Куфа шаҳри яқинидаги маскан.

Тароз — ҳозирги Жамбул (Авлиёота) шаҳри.

Тоҳаристон — Хуросондаги вилоят; қадимги Бактрия, пойтахти — Балх; Амударё-

нинг юқори оқимида жойлашган.

Туман — 1. ўн минг; 2. район, уезд; 3. эроннинг олтин пули.

Турон — турклар яшайдиган диёр; Марказий Осиёнинг қадимги номи.

Узол — Яман пойтахти Санъонинг эски номи.

Урарту — эрамиздан олдинги IX—VI асрларда ҳозирги Арманистон худудида жойлашган, пойтахти Тушпа бўлган қадимги давлат. Эрамиздан олдинги XIII—XI асрларда шу ерлик қабилалар иттифоқ бўлиб бирлашганлар. Урарту давлатининг гуллаб-яшнаган даври IX—VIII асрларга тўғри келади. Машхур подшоҳлари — Менуа, Аргишти I, Сардур II ва бошқалар. Урарту давлати Оссурия давлати билан мунтазам урушиб келган. Эрамиздан олдинги VI асрда мидияликлар томонидан забт этилган.

Форс — Эроннинг жануби-ғарбидаги йирик ўлка; форсларнинг асл ватани; қудратли ахамонийлар ва сосонийлар давлатининг маркази бўлган; бу вилоят тили бутун Эрон учун адабий тил бўлиб қолган.

Фурот — Арманистон тоғларидан бошланиб, Туркия, Сурия, Ироқ худудларидан оқиб ўтадиган йирик серсув дарё.

Халдей — қадимги Мессопотамиядаги мамлакат, илк астрономия, астрология ва бир неча аниқ фанлар ватани. Уларда, хуррийлар тилига яқин, халд, биайн тилларидан иборат бўлган урарт тили давлат тили ҳисобланган. Бу тил эрамиздан олдинги IX—VI асрлардаги миҳхат ёзувлари билан маълум.

Хуросон — қадимги форсчада «шарқий ер» дегани. Туркменистон, Шарқий Эрон ва Шимоли-ғарбий Афғонистон худудидаги ерлар. Бу географик тушунча турли даврларда турлича ўзгариб турган.

Чин-Мочин, Чин — Шимолий Хитой, Хитойнинг марказий ва шарқий қисми; Мочин — Жанубий Хитой.

Чоч, *Шош* — Тошкентнинг қадимги номлари.

Шероз — Форс ўлкасининг пойтахти.

Ширвон — Кура дарёсининг шимолий тарафида Каспий денгиз соҳилида жойлашган катта вилоят; ўрта асрларда мустақил давлат бўлган.

Шумер — икки дарё оралиғидаги ҳозирги Ироқнинг жанубий томонида жойлашган энг қадимги мамлакат. Эрамиздан 3 минг йил олдин бу мамлакат худудида бир-бирлари билан гегемонлик қилиш учун курашувчи синфий жамиятлар — Лагаш, Ур, Киш каби шаҳар — давлатлар юзага келган. Эрамиздан аввалги XXIV асрда Аккад ҳукмдори Саргон бу майда шаҳар давлатларни бирин-кетин забт этиб, бирлаштирган ва ўзига тобе эттирган. Шумерликлар тили бизга эрамиздан олдинги XXIX асрдан бошлаб миҳхат орқали маълум.

Эдўм — Исроилнинг шарқий томонида жойлашган, унга душман бўлган халқ ва у яшаган ўлка.

Элам — ҳозирги Хузистон ва Луристон худудларида яъни Эроннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган қадимги давлат. Эрамиздан олдинги 3- минг йилликдан эрамиздан олдинги VI асргача маркази Сузий (ҳозирги Шуш) шаҳри бўлган. Гуллаб-яшнаган даври эрамиздан олдинги XIII—XII асрларга тўғри келади. Эламни олдин Мидия, кейинчалик ахамонийлар босиб олганлар.

Элласар, *Элам* — Шимолий Мессопотамиядаги ўлкалар.

Яҳудия (Жалилия) — Рим империяси даврида Фаластиннинг жанубий қисмидаги пойтахти Қуддус жойлашган катта вилоят; Ийсо алайҳиссалом у ерларда кўп фаолият кўрсатган.

Яъар — Яъарим шаҳри; бу ерда **Парвардигор**нинг «Аҳд сандиғи» вақтинчалик қолган; Довуд алайҳиссалом Қуддусга олиб келган.

Ўн — Юқори Мисрдаги қоҳинлар шаҳри; Гелиополнинг мисрча номи.

Ўрду — қўшин қароргоҳи.

Ўфир — Жанубий Арабистон.

Қасаба — шаҳарча.

Кум — Эронда Техроннинг жанубидаги шаҳар; шиъаликда илоҳиёт, диний тарғибот ва зиёрат маркази; Эроннинг диний пойтахти.

Хавила — «кум ери» дегани; Шарқий Арабистонда жойлашган.

Ҳамадон — Эроннинг ғарбий қисмида жойлашган қадимий йирик шаҳар; Экбатан деб ҳам аталади.

Ҳижоз — Арабистон яримролининг ғарби-шимолий қисми; Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган ўлка.

Ҳимс — Суриядаги шаҳар.

Ҳисор — қўрғон, қалъа, истехком.

Ҳожитархон — ҳозирги Астрахан шаҳри.

Айрим халқлар ва элатлар ҳақида

А л а н л а р — қадимдан Шимолий Кавказда яшаб келган форсийзабон халқ; ҳозирги осетинларнинг аждоди.

А м а з о н к а л а р (грекча) — Юнон асотирларида тасвирланган, жуда қадим замонларда яшаб ўтган жангари аёллар. Азов денгизи ва Қора денгиз яқинидаги Меотия қўли қирғоқлари атрофларида эркакларсиз яшаган ва қўшни мамлакатларга ғолибона ҳарбий юришлар қилиб турадиган жанговар хотин-қизлар қавми. Улар эркакларсиз яшаганлар ва наслларини сақлаб қолиш мақсадида, қўшни қабила эркаклари билан бир йилда бир маротаба жинсий алоқада бўлганлар. Туғилган ўғил болаларни оталарига қайтариб юборганлар. Қиз болаларни эса ўзларига олиб қолиб, ҳарбий тарбия берганлар. Камон тортишда халақит бермаслиги учун, қизларнинг ўнг кўкраklarини куйдирганлар. Шунинг учун улар «кўкраксизлар», яъни «амазонкалар» деб аталганлар.

Улар ҳақидаги ривоятлар матриархат даврларни акс эттирган. 2. Амазонка—отлик чавандоз аёл тимсоли бўлиб қолган. 3. Аёллар от минганда киядиган киймни ҳам «амазон» деганлар. 4. Амазонка дарёсининг номи ҳам шундан келиб чиққан.

А м ў ъ р и й л а р — Қадимги Фаластиннинг туб аҳолиси.

А р а м е й л а р (Оромийлар) — Арабистондан келиб чиққан сомиёлар қабиласи. Эрамиздан олдинги XIV—XI асрларда Олд Осиёга тарқалиб кетганлар. Ҳозирги Оссур-яликлар (айсорлар) арамейларнинг авлодидир. Қадимги арамей ёзуви эрамиздан олдинги IX—VII асрларда пайдо бўлган.

А р г о н а в т л а р (грекча) — Қадимги Греция (Эллада)нинг 50 нафар жасур қахрамони; «Арго» кемасида Ясон бошчилигида Колхидага (ҳозирги Абхазия, Грузия) баҳайбат аждар кўриқлаб ётган сеҳрли олтин барра жунли кўй терисини олиб келиш учун йўлга чиқадилар ва кўп машаққатлар чекиб, Фессалиянинг Йолке шаҳрига олиб келадилар; аргонавтлар кўчма маънода жасур денгиз саёҳатчилари, олтин ва бойлик изловчилар тимсолидир.

В а н д а л л а р (немисча) — жоҳил, нодон, ваҳший дегани; 1. Рим империясига қарши шиддатли урушлари билан ном чиқарган қадимги герман қабилалари; 455- йилда Римни ишғол қилганларидан кейин, кўплаб нодир маданий ёдгорликларни, санъат обидаларини ваҳшийларча хароб ва вайрон этганлар; 2. маданият, санъат ёдгорликларини таловчи, вайрон этувчи жоҳил, ваҳший кишилар тимсоли.

В а р в а р л а р — греклар ва римликлар ўз маданиятига алоқадор бўлмаган ҳар қандай халқлар ва элатларни варварлар деб атаганлар; кейинчалик жоҳил, нодон, қўпол, маданиятсиз, ёввойилашган одам тимсоли бўлиб қолган атама.

В а р в а р л и к — ибтидоий тузумнинг ёввойиликдан кейинги, цивилизациядан олдинги иккинчи даври бўлган.

Маданийлашган греклар ва римликлар учун нотаниш, тушунарсиз тилда сўзлашувчи халқларнинг сўзларидан — вар, вар товушлари ва сўзларини эслаб қолиб, кейинчалик уларни вар, вар деб сўзлашувчилар, яъни «варвар»лар деб атай бошлаганлар.

В а р я г л а р — Қадимги Русга Скандинавиядан келиб ўрнашиб қолган норман қабилаларининг умумий номи.

Г а л л а р — Кельт қабилаларининг римча аталиши. Улар ҳозирги Франция ҳудудларида яшаганлар.

Г и р г о ш и й л а р — Қадимги Фаластинда яшаган бир элат.

Г о т л а р — милодий сана бошларида Қуйи Висла атрофида яшаган герман қабиласи; III асрда Шимолий Қора денгиз бўйларига келиб жойлашганлар ҳамда Кичик Осиё ва Болқон яриморалига талончилик босқинлари уюштирганлар; вестготлар ва остготларга бўлинганлар; 375- йилда хунлар томонидан тор-мор келтирилганлар; сўнгра остготлар ғарбга кетганлар, вестготлар Дунайдан ўтиб, Мезияга келиб жойлашганлар.

Д ў н г а н л а р — Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистонда яшаб қолган хитойлик мусулмонлар; 1260—1294-йилларда мўғул ҳукмдори Хубилайхон замонида буддавий динидаги татар ва мўғулларнинг бир қисми олдинги динидан қайтган, шунинг учун уларга «дўнган» (қайтган) маъносида ном берилган; улар бу номни ўзларига нисбатан ҳақорат деб билдилар; ҳозир уларнинг кўпчилиги Ўш, Жамбул, Прежевальск шаҳарлари атрофлари ва Фарғона водийсида истиқомат қилади; Исломнинг сунний мазҳабидадирлар.

К о ф и р л а р — аслида Машак, яъни Қора ва Каспий денгизлари орасида яшаган қадимги ваҳший элат; яҳудийлар уларни «кофирлар» деб атаганлар.

М а ч ч о й и — Тожикистоннинг Мастчоҳ деган жойидан келган ишчининг XX аср бошларида аталиши; кўпинча умуман тоғлик тожикларга нисбатан қўлланилади.

М ў л т о н и — лўли; Покистоннинг Мўлтон деган жойидан келган лўлилар; лўлиларнинг энг эпчил ва мохир, чаптаст вакиллари.

П е ч е н е г л а р — милодий VIII—IX асрларда Волга дарёсининг қуйи оқими билан Ёйиқ дарёси оралиғида кўчиб юрган туркий тилда сўзлашувчи кўчманчи чорвадор халқ; IX асрда Марказий Осиёдан Қора денгиз бўйларига кўчиб ўтганлар; X—XI асрларда Дунай дельтасидан Доннинг қуйи оқимигача бўлган бепоён ерларни эгаллаганлар; сўнгра Болгария, Македония, Фракия ва Адрианаполгача бориб етганлар; кейинчалик мўғул-татарлар билан аралашиб кетишган.

С а қ л а б — славянларнинг туркийча аталиши.

С к и ф л а р — милоддан олдинги II—I минг йилликда Азов денгизидан то Иртиш дарёсининг қирғоқларигача бўлган ҳудудларда яшаган турк-мўғул қабилалари. Олтой — Ўрол тиллари оиласига кирувчи халқлар.

С о м и й л а р — Нух алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Сомнинг авлодлари: бобилликлар, оссурийлар, финикияликлар, қадимги яҳудийлар, араблар, абиссинлар, айсорлар.

Х а л д е й л а р — эрамиздан олдинги I- минг йилликнинг биринчи ярмида жанубий Месопатамияда яшаган сомийлар қабиласи. Бобилни эгаллаш учун Оссурия билан мун-

тазам урушиб келганлар. Эрамиздан аввалги 626—538- йилларда Бобилда Янги Бобил подшоҳлигига асосланган халдейлар сулоласи ҳукмронлик қилган.

Хунлар — Марказий Осиёда яшаган кўчманчи туркий халқ; милoddан аввалги III аср ва милodий I асрда Евроосиё қитъасида ҳарбий жиҳатдан бағоят қудратли бўлганлар; Мўғулистон, Манжурия, Хитойни ҳамда қадимги герман қабилалари ерларини босиб олган хунлар милodий VI асрда Ғарбий Турк хоқонлигига бўйсундирилган.

Эллилар — энг қадимги греклар, ҳозирги грекларнинг энг қадимги, яъни юнонлардан олдинги номи.

Ябусийлар — Қадимги Қуддус аҳолиси.

Қипчоқлар (половецлар, куманлар) — туркий халқларнинг энг йирик қабила-ларидан бири; асосан монголоид ирқига мансуб; Рус солномаларида — «половецлар», Европа ва Византия солномаларида «куманлар» деб аталган; тахминан VI асрда қипчоқларнинг илк аждодларидан бир қисми Ғарбий Олтойдан чиқиб, Мўғулистон ва Тува ерларига, иккинчи қисми эса Иртиш дарёси яқинидаги даштларга кўчиб ўтганлар; XI аср охирларида Қора денгиз ва Азов денгиз яқинидаги чўлларда ҳамда Шимолий Кавказ, Шимолий Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларидаги даштларда жойлашганлар; шундан кейин Тяншаннинг ғарбий тармоқларидан Дунай соҳилигача бўлган улкан ҳудуд қипчоқлар қўлига ўтиб, бу ерлар «Дашти қипчоқ» деб атала бошланган.

Қутий (Гутий)лар — эрамиздан олдинги 3—2- минг йилликда ҳозирги Эроннинг ғарбий ясситоғликларида яшаган ярим кўчманчи қабила. Қутийлар эрамиздан 2200 йил олдин Аккад давлатига бостириб кирганлар ва уни тор-мор этганлар.

Эрамиздан олдинги 1- минг йилликдан то эрамизгача Месопотамия аҳолиси ўзларидан шимол ва шарқ томонларида яшаётган халқларни «кутийлар» деб атаганлар.

Ҳетийлар — Сурия ва Фаластинда жойлашган халқ.

Хиввийлар — Қадимги Фаластин элатлари.

Хўрий — аслида «ғорда яшовчи» маъносини англатади; Яъқуб алайҳиссаломнинг акаси Эсов келишидан олдин Эдўмда яшаган туб халқ.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидан

Китобимизнинг олдинги фаслларида Сизга маълумки, инсоният Ер юзида дастлаб Месопотамия — Дажла ва Фурот дарёлари бўйларидаги водийларда яшаган. Бу ерларда умргузаронлик қилган қавмлар тагин залолатга кетиб, **Аллоҳдан** бошқа маъбудларга, кўёш, ой, бут-санамларга топиниб яшай бошлаганлар.

Пайғамбар Нух алайҳиссаломнинг яккаю ягона **Аллоҳга** ибодат қилиш кераклиги тўғрисидаги даъватларига қулоқ солмаганлар, уни ёлғончига чиқарганлар, устидан кулганлар, хўрлаб таҳқирлаганлар, турли йўллар билан азоб берганлар. Оқибатда пайғамбар уларни дуоибад қилган. Унинг дуоси ижобат бўлиб, **Аллоҳ таоло** у ерларга бундан 6—7- минг йиллар муқаддам Буюк тўфон юборган. Барча ҳайвонот дунёси, паррандаю даррандалар қирилиб битган. Фақат Нух алайҳиссалом ўз кемасига олган хотини, уч ўғли, уч келини ва **Аллоҳга** иймон келтирганлардан 80 нафар киши ҳамда ҳар бир жуфтдан (эркак ва урғочи) бўлган ҳайвонлар омон қолганлар.

Тўфон тугаганидан кейин кемадагилар бир соҳилга тушиб, ўша ерларда макон тутиб, яшай бошлаганлар. Нух алайҳиссалом билан келган 80 нафар кишиларга офат тегиб, ҳаммалари ўлиб кетганлар. Биргина Нух алайҳиссалом хонадони омон қолиб, улардан

кўпдан-кўп халқлар вужудга келган. Нух алайҳиссалом эллиги кам минг йил яшаган. Нух алайҳиссалом умрининг охирида уч ўғлидан бўлган уч авлодини алоҳида мустақил бўлиб яшаши учун Ер юзининг уч тарафига юборган.

Нух алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Сомдан араблар, яхудийлар, сурёнийлар, форсийлар, юнонлар, лотинлар ва бошқа халқлар; кейинги ўғли Ҳомдан Африка, Ҳиндистон, Покистон мамлакатлари ҳамда Америка ва Австралия қитъаларида яшовчи қоратанли халқлар — ҳабашлар дунёга келдилар. Нух алайҳиссаломнинг учинчи ўғли Ёфасдан эса туркийлар, мўғуллар, тоторлар, европа халқлари вужудга келди. Нух алайҳиссаломнинг Канъон деган тўртинчи ўғли ҳам бўлган, лекин у кофирлиги боис, **Аллоҳ** амри билан нажот кemasига чиқарилмай, ўша ерда қолиб кетиб, бошқа кофирлар каби ўлим топган эди. Канъондан ҳеч бир авлод қолмаган (Ҳомнинг Канъон исмли ўғли бўлган, уларни бири бири билан чалкаштирмаслик керак).

Ёфас авлодлари янги ерларни ўзлаштира бориб, Ўрта ва Марказий Осиё, Узоқ Шарқ ва Европа томонларга аста-секин силжиб бораверганлар ва борган ерларида илдиз отиб кўпайиб турли тилларда сўзлашувчи элатлар ва халқларни ташкил қилганлар.

Шундай қилиб, Ер юзидаги ҳозирги аҳоли Нух алайҳиссалом авлодлари эканлигидан, уни Иккинчи Одам Ато ҳам дейдилар.

Манбаларда келтирилишича, барча туркийзабон халқлар, шу жумладан, бизким, ўзбеклар ҳам энг қадимий халқлардан бўлиб, Нух алайҳиссалом ўғли Ёфаснинг Турк исмли тўнғич ўғли зурриётидан эканмиз.

Қадим замонларни эслаб...

Шу ўринда мавзуимизга тааллуқли бўлган ўтмишга бир назар ташлаб олишга тўғри келади. Шунингдек, биратўла бобомиз Амир Темур ҳазратларининг аждодларини ҳам эслаб қўямиз.

Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида келтирилишича, Нух а.с. нинг учинчи ўғли Ёфас (Тавротдаги номи Иафет) нинг Турк, Хазар, Сақлаб, Рус, Минг, Чин ва Камори (Каймол) деган етти ўғли бўлган. (Айтишларича, Искандар Зул-Қарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғли авлоди бўлган экан). Эл кенгаш ўтказиб, Ёфаснинг ана шу оқил, зукко ва эпчил тўнғич ўғли Туркни ўзларига бошлиқ қилиб сайладилар.

Ёфас ўғлони—Туркдан Алмажнахон, ундан Дебодқўйхон, ундан Кўкхон, ундан Алинжаҳон деган ўғиллар туғилдилар. (Баъзилар Туркни пайғамбар, бошқалар эса йўқ, у пайғамбар бўлмаган деганлар). Алинжаҳон эгизак ўғилли бўлди ва уларнинг бирига Мўғул, иккинчисига Тотор деб ном қўйди. Алинжаҳон қартайиб кучдан қолгач, мамлакатни шу икки ўғлига тенг тақсимлаб, ярмини унисига ва қолган ярмини бунисига берди. Ота вафотидан сўнг, улар ахилликда мамлакатни биргаликда бошқардилар. Икки тармоқ— мўғул ва тотор қабиалари ана шундай таркиб топди ва бу икки қабила эгизак ака-ука— мўғул ва тотор номлари билан аталабошланди.

Шундай қилиб, асосий мақсад талабидан келиб чиққан ҳолда, қуйида мўғул табақаси, яъни Мўғулхон подшоҳлиги ва унинг давоми тўғрисида сўз юритамиз. Мўғулхон мамлакатнинг ўзига қарашли қисмида одиллик билан ҳукмронлик қилди, қудратли ва шавкатли бўлди. Салтанатни шундай бошқардики, эл-юрт ундан рози бўлди. Ва, ниҳоят, бу фоний оламдан кўз юмди. Ундан тўрт ўғил қолди: Қорахон, Озархон, Гурхон ва Ўзхон. Қорахон Мўғулхон фарзандларининг каттаси ва ақлли, иқтидорлиси бўлганлиги учун, отасининг тахтига ўтирди ва юрт сўраш билан машғул бўлди. Бу халқлар яккаю ягона **Тангри** таолони тан олишмас, куфр ва ширкда мустаҳкам ва қатъий турар эдилар. Кунлардан бир куни Қорахоннинг катта хотини жуда чиройли, соғлом ва дуркун, бўлалик бир ўғил туғди. Чақалоқ уч кеча-кундузгача онасини эммади, онаси эса ҳар тун боласини тушида кўрарди ва боласи унга шундай дерди: «Эй она, то мусулмон бўлмагунингча ва фақат якка **Тангрига**

иймон келтириб, **Унга** сиғинмагунингча, очликдан ўлсам ўламанки, харгиз эмчагингни оғзимга олмасман». Малика бу тушдан ваҳима ва кўрқувда эди, очикчасига мусулмон бўлишдан чўчиди ва яширинча **Худои таолога** иймон келтирди, сўнг боласини эмизди.

Ўша замонларда мўғулларда шундай удум бор эдики, то фарзанд бир ёшга тўлмагунча, унга от қўймасдилар. Бола ёшига тўлганда, Қорахон хотинига: «Ўғлимиз бир яшар бўлди, унга қандай от қўямиз?», деди. Шунда бешикдаги бола бирдан тилга кириб: «Менинг отим Ўғуздир», деди. Бир яшар боланинг дона-дона аниқ қилиб гапиришидан ҳамма хангу-манг бўлиб қотиб қолди ва унга шу гўзал исми қўйдилар.

Ўғуз баловат ёшига етгач, унга амакисининг қизини олиб бердилар, аммо у мушрика бўлгани учун, Ўғуз унга рағбат кўрсатмади. Унга бошқа амакисининг қизини олиб бердилар: у ҳам мусулмонликка унамагани учун, уни ҳам ўзига улфат тутмади.

Бир куни Ўғуз овдан келаётиб, учинчи амакиси—Ўзхонинг гўзал қизини кўриб қолди ва унга: «Агар Ислом динига кирсанг, мен сени хоҳлагайман ва жондан ортиқ кўриб, бошимда кўтариб юргайман», деди. Қиз розилик берди, мусулмонликни қабул қилди, Ўғуз унга уйланди. Бир-бирига қаттиқ кўнгили бериб, бир-тан, бир-жон бўлиб, бирга роҳатда яшай бошладилар. Ўғуз аввалги икки хотинларига илтифот кўрсатмас, доим у билан бирга бўлар эди. Бунга уларнинг раҳми келиб, кўнгилиларида ғараз учқунлари аланга ола бошлади. Кунлардан бир куни Қорахон базм уюштиради, базмда Ўғузнинг хотинлари ҳам иштирок этаётган эдилар. Қорахон улардан ҳол-аҳвол сўради. Қорахоннинг бу икки келини дарҳол унга «дардларини» тўкиб солдилар. Улар дастлаб Ўғузхоннинг мусулмон эканлигини, уларни ҳам шу динга чорлаганини, бироқ улар бунга унамаганларини, учинчи хотини эса мусулмон бўлгани учун уни яхши кўришини, уларни эса умуман эътибор бермай ташлаб қўйганини бирма-бир айтиб бердилар:

*Кирмагунча бизлар унинг динига,
Учрадик адовату кинига.
Учинчини суйиши шундандур,
Унга ҳамроз, ҳамроҳ ва ҳамдиндур.*

Қорахон бу сўзларни эшитиб титроққа тушди, қариндошларига ва ўша ерда ҳозир бўлганларга ўғлини жазога маҳкум деб эълон қилди:

*Бизнинг дин—удумдан бош тортди, демак
Қилич бирла бошини узмак керак.*

Қисқаси, Ўғузхон отаси билан бўлган бу урушда тўла ғалаба қозонди. Ўғузхон мушрик отаси ўрнига подшоҳ бўлди ва сарой аҳли ҳамда бошқа ўз тарафдорларини Ислом динига киритди. Емиш уч йил давомида улар устидан тўла ғалаба қозониб, уларни эл-юртдан қувғин қилди, ҳаммаларини ҳар ёққа тарқатиб юборди. Улар Чин ўлкаси томон қочиб кетдилар ва тотор подшоҳига паноҳ излаб бордилар. Тотор подшоҳи уларни қўллаб қувватлади ва улар билан биргаликда Ўғузхон устига бостириб келдилар. Бу жангда **Аллоҳ** Ўғузхонни қўлади, у ванимлари устидан тўла ғалаба қозониб, уларни Чин ўлкасигача қувиб борди ва у ўлкаларни ҳам забт этди. Натижада барча тотор ва мўғул улуслари унга тобе бўлди. Кўп йил подшоҳлик қилиб, кўп халқларни Ислом динига киритди. Унга тобе бўлган юздан ортиқ қабила ва уруғлар ўзларининг хусусиятларига кўра уйғур, қонғли, кипчок, қорлик, барлос, халаж ва ҳоказо номлар билан атала бошланди.

Ўғузхондан сўнг, унинг авлодлари—Юлдузхон, Минглихон, Тангрихон, Элхон ва Юлдуз Мингли ўғли навбати билан мамлакатга ҳукмдорлик қилдилар. Ундан кейин мамлакат подшоҳлиги Бўзунжар қўлига ўтди. У Юлдузнинг қизи Жўбинадан туғилган Алонкуванинг ўғли эди. Алонкува хусну малоҳат ва иффату камолотда тенгсиз бир маликаи малак эди. Қаранг, уни қандай мадҳ этганлар:

*Барлос уруғидан насаби ўзи,
Сочлари тугилган, ой мисол юзи.
Чиройда тенги йўқ, кўрганда киши,
Хайрат бармоғига қадалар тиши.*

*Юзин кўрган киши дер, бу ой,
Тангри санъати дерлар бу чирой.
Бўйи олдида сарв ҳам лол эрур,
Кўрганлар уни беҳол бўлур.*

Алонқува ҳақида Шарафуддин Али Яздий ажойиб бир ривоят келтирган. Унда айтилишича, Алонқувани амакисининг ўғли—мўғул хони Дивун-Боёнга турмушга берадилар. Улардан Илгиди ва Илчигди исмли икки ўғил дунёга келади. Шундан кейин эри 30 ёшларга етар-етмас вафот этади. Алонқува эса ҳукмронликни ўз қўлига олади.

Кунлардан бир куни, Тангри иродаси билан Алонқува қоронғу уйида тўшакда мудраб ётганида, баногоҳ уйга ёруғлик тушганини сезиб қолади. Ёруғ нур унинг оғзига кириб кетади ва у ўзида ҳомиладорлик ҳолатини сезади. Яъни Ийсо пайғамбарнинг онаси Биби Марйам каби эрсиз ҳомиладор бўлиб қолади. Аммо бунга саройдагилар ишонмайдилар ва унга маломат тошини ота бошлайдилар. Шунда Алонқува элнинг улуғлари ва оқсоқолларини ҳузурига чорлаб дейди: «Менинг поклигимга Улуғ Тангрим гувоҳдир, агар сизларда бирор гумонлик пайдо бўлган бўлса, менинг ўтовимга—хос хонамга келинглар ва бу сир сизларга равшан бўлгай». Улар бир неча кун бу ётоқхонани кузатадилар ва улар ўтов туйнугидан бир ғайри оддий нур—шарпа кириб чиқиб туришига амин бўладилар. Шундан сўнг улар кўнглида туғилган шак-шубҳа тарқалади.

Абул Ғози Баҳодирхон ўзининг «Шажараи турк» (Турклар насабномаси) китобида бу ҳодисани сал бошқачароқ тасвирлайди: «Кунлардан бир куни, энди тонг ёришабошлаган ғира-шира пайтда, Алонқува ўтовнинг тепа томонидаги тирқишдан қандайдир нурли шарпа кириб келаётганини ҳис этади. Бу шарпа яқин келганда, у оппоқ юзли, келишган, истараси иссиқ, чиройли, қисик кўзли бир одам эканлигини англайди. Алонқува кўрққанидан бакириб, одамларни ёрдамга чақирмоқчи бўлади, аммо тили айланмай, овози чиқмай, оёқ-қўллари увушиб, гўё қотиб қолгандек беҳол бўлиб қолади. Шундай бўлса-да, эс-хуши тамомила жойида, уни кўрқув билан кузатиб ётар эди. У— «шарпа одам» секин-аста унинг олдига келиб, бирон сўз демай, у билан қовушиб яна ўша келган жойи—ўтов тепасидаги тирқишдан нур каби сизиб чиқиб кетади.

Алонқува бу ҳақда, барибир бунга ҳеч ким ишонмайди деб, ҳеч кимга айтмайди. «Нур-шарпа» беш-олти кундан кейин яна унинг олдига келади ва яна ўша ўз ишини такрорлаб, чиқиб кетади. Шундан сўнг у тез-тез унинг олдига келиб турадиган бўлади. Алонқува эса ўша биринчи кечадаёқ ундан ҳомиладор бўлиб қолган эди, деб ёзади Абул Ғози Баҳодирхон. Ривоятнинг қолган жойлари Али Яздийники билан деярли бир хил.

Шундай қилиб, милодий 718-йилда Алонқува кўзи ёриб уч ўғил кўради ва уларнинг исмларини Йўқи- Қатиган, Бу-Қожи-Солжи ва Бўзунжар қўяди. Уларнинг пайдо бўлишига нур сабаб бўлганлиги яъни онаси нурдан — «нур-одамдан» ҳомиладор бўлгани учун, уларни «Нийрун» (нурли, тоза, асл уруғ) насли дедилар. Жами турк султонлари ва мўғул хонларининг насли ана шу наслга келиб тақалади. Алонқуванинг эри Дивун-Боёндан бўлган олдинги икки ўғлининг наслини эса «дуралгин» дедилар ва улар насабда «нирун» дан пастроқ саналган.

Шундай қилиб, мақсадга тобора яқинлашган ҳолда айтамикки, ана шу «нирун» насабли Бўзунжархон Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг тўққизинчи бобоси ва Соҳибқирони мукаррам Амир Темур кўрагоний ҳазратларининг ўн тўртинчи бобокалони бўлади.

Бўзунжархондан кейин унинг авлодлари—Буқохон, ундан кейин Дутумманинхон, ундан сўнг Қайдухон, сўнгра Бойсунғурхон ва ундан кейин Туманохон улусга ҳукмдорлик қиладилар.

Бойсунғурхондан кейин тожу-тахт унинг ўғли Туманаконга ўтди:

*Подшоҳлик даврини сурди бахтиёр,
Ота чирогини ёқда у такрор.
Касб этиб аждодлар удумини,
Осмонга кўтарди ота номини.*

Унинг тўлиқ насаби: Туманакон ибн Бойсунғурхон ибн Қайду ибн Дутумманин ибн Буко ибн Бузунжар ибн Алонкува ибн Жўбина ибн Юлдуз ибн Элхон ибн Тангрихон ибн Минглихон ибн Юлдузхон ибн Ўғузхон ибн Қорахон ибн Мўғулхон ибн Алинжаҳон ибн Куюкхон ибн Дебодқўйхон ибн Алмажна (Алмужанна) хон ибн Турк ибн Ёфас ибн Нуҳ а.с.

Туманакон икки хотинидан тўққиз ўғил кўрган: биридан етти ўғил, иккинчисидан эса эгизак икки ўғил. Эгизаклардан бирига Қобул, иккинчисига Қочувли деб исм қўйдилар. Қочувлининг Эрдамчи барлос деган ўғлидан «барлос» уруғи давом этиб кетган. Амир Темур ҳам ана шу уруғдан («барлос»—сардор, кўшин сардори, бошлиғи, нўён).

Шундай қилиб, эгизаклардан Қобул Чингизхоннинг учинчи бобоси, Қочувли эса ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг саккизинчи бобоси бўлган.

Шу ўринда, нима учун бир ота-онанинг фарзандлари бўлмиш эгизак туғилган Қобулхон ва Қочувли Баҳодирнинг авлодлари бўлмиш Чингизхон салтанатни «хон», Темур эса «амир» унвони билан бошқарганликларини айтиб ўтсак.

Тарихдан бизга маълумки, Чингизхоннинг ўғли Чигатойхоннинг набираси Тўқлуғ (Туғлиқ) Темурхон ибн Ўғулхожа (Эминхожа) ибн Дувахон 18 ёшида хон этиб сайланган ва у Шарқий Туркистон, Еттисув, Тангритоғ (Тянь-шань) атрофидаги ерларни ҳамда Балхаш кўли, Иртиш ва Этил дарёлари атрофидаги ҳудудларни ўз ичига олган улкан Мўғулистон империясини тузиб, 1348-1362 йилларда ҳукумдорлик қилган. Шу даврларда бобомиз Амур Темур хазратлари эл-юрт осойишталиги ва ҳавфсизлигини кўзлаб, унинг хизматига борган. Бу ҳақда у шундай дейди:

— 1361-йили Тўқлуғ Темур Мовароуннахрни ўғли Илёсхожага топширди, мени эса споҳсолар (амир) қилиб тайинлади. Бу ишга унчалик рўйхушлик билдирмаётганлигимни кўриб, менинг бобокалоним Қочувли Баҳодир ва ўзининг бобокалони Қобулхоннинг аҳдномасини кўрсатди. Пўлат тахта (лавҳ)га ёзилган ва имзоланган ушбу аҳдномада: «хонлик Қобулхон авлодларининг қўлида, сипоҳсоларлик — амирлик эса Қочувли Баҳодирхон болаларида бўлсин, улар ҳеч қачон бир-бирлари билан ёвлашмасин, деган сўзлар битилган экан. Буни ўқиб кўргач, улуғлар аҳдига вафо қилиш учун амирликни қабул қилдим».

Манбаларда келтирилишича бу аҳдномани қабул қилиш сабаби қуйидагича бўлган экан. Кунлардан бир куни Қочувли ажойиб туш кўради ва тушини отаси Туманакон ва акаси Қобулга сўзлаб беради. Туманакон туш таъбирини бу икки ўғлига тушунтириб, башорат қилади:

— Тушингдан менга аён бўлишича, аканг Қобул авлодидан бирин-кетин тўрт шаҳзода хонлик тахтига ўтириб ҳукмдорлик қиладилар. Улардан тўртинчиси шундай улуғ подшоҳ бўладики, у жаҳонда деярли барча қудратли мамлакатларни синдириб, ўзига бўйсундиради. Сенинг (Қочувлига айтяпти) наслингдан бўлган етти авлод эса подшоҳга ўринбосарлик—сипоҳсоларлик қилиб ўтадилар. Аммо, авлодининг саккизинчиси жуда кўп мамлакатларни забт этиб, исломга ривож бериб, жаҳонгирлик қилгай.

Бундай қутлуғ башоратни эшитган Қобул ва Қочувли ота олдида: «Хонлик тахти Сиздан кейин Қобул ва унинг авлодларига, ҳукм юритиш ва сипоҳсоларлик (бош қўмондонлик) Қочувли ва унинг авлодларига бўлсин. Биз фарзандларимизга ҳам шуни васият қиламиз», — деб қасамёд қиладилар. Улар ушбу аҳдни уйғур ёзувида битиб, имзо чека-

дилар. Унга ота ҳам ўзининг хонлик тамғасини босиб, тасдиқлайди ва абадий сақлаш учун хазиначига топширадилар. Бу қарор бутун эл-юртга эълон қилинади.

Туманаконнинг умри тугагач, Қобул хонлик тахтига ўтиради. Қочувли эса яқдиллик билан ўз мақомини тутиб, баходирлик—нўёнлик мансабини эгаллайди ва мамлакатни акаси билан бирга бошқаради.

Қобулхондан кейин тахтга унинг ўғли Хубилайхон (Қобилахон) ўтирди. Аммо у кўп яшамасди, вафот этиб кетди. Ундан кейин тахтга унинг укаси Буртонни муносиб кўрдилар. Буртоннинг тўрт ўғли бўлиб, унинг вафотидан кейин ҳукмдорликни Буртоннинг учинчи ўғли Ёсуғай баходирга топширдилар. Унинг беш ўғли бўлиб, каттасининг исми Темучин эди. Буни қарангки, Ёсуғай баходирнинг ҳамма ўғиллари оқ бадан ва қийиқ кўзли, келишган, дуркун бўлиб туғилдилар. Ёдингизда бўлса, Ёсуғайнинг тўққизинчи аждоди малика Алонқува билан қовушган «нур-одам» оппок, келишган, чиройли, бодомқовоқ, қисик кўзли эди. Тўққиз авлоддан кейин бу насл суриши Чингизхонга келиб қайталади. Ёсуғай баходир ўлгандан сўнг, ҳукмдорлик унинг 13 ёшли тўнғич ўғли Темучин (Чингизхон)га ўтди...

Шундай қилиб, Буртон тахтга ўтирганда, амакиси Қочувли вафот этган эди. Шунинг учун бу лавозимга Қочувлининг ўғли Эрдамчи тайинлади ва унга «Барлослик» лақаби берилиб, уни энди «Эрдамчи барлос» дея бошладилар. Шундан бошлаб, унинг уруғи барлос уруғи, қабиласи деб атала бошланди. Амир Темур ҳам ана шу барлослар уруғидан бўлган. Шундай қилиб, милодий 1336-йилда Қочувли баходирнинг саккизинчи авлоди бўлиб, барлослар уруғидан Соҳибқирони аъзам, Амир Темур кўрағони муаззам хазратлари дунёга келди. У 1405-йил 18-февралда 69 ёшда вафот этган. Чингизхон ва Амур Темур аждодларининг шажараси:

Чингизхон(Темучин)
ибн Ясуғай Баходир
ибн Буртонхон
ибн Қобулхон (Қубилайхон)
ибн Туманакон.

Амир Темур
ибн амир Тарағай
ибн амир Буркул
ибн амир Илангиз
ибн амир Ийжил
ибн амир Қорачор-нўён
ибн амир Сўғу-чечан
ибн амир Эрдамчи-барлос
ибн амир Қочувли
ибн Туманакон.

Туманаконнинг отаси Бойсунғурхон, унинг отаси Қайдухон, унинг отаси Дутумманхон, Унинг отаси Буқоҳон, унинг отаси Бузунжархон, унинг онаси Аланқува ва ҳоказо. Шундай қилиб бу икки буюк жаҳонгирнинг боболари шажараси Нуҳ пайғамбар ва Одам Атогача санаб ўтилган.

Амир Тарағайнинг тўрт ўғли ва икки қизи бўлган: Темур, Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўғи-нўён; қизлар—Қутлуғ Туркон-оғо, Шербийк-оғо.

Амир Темур умрининг охиригача боболарининг аҳдномасини улуғ ва муқаддас тутиб унга қатъий амал қилиб келди, кам бўлмади. Салтанатни «Амир» унвони билан бошқарди, Хонлик мансабига эса Қобулхон, Чингизхон авлодларидан бирини ўтказди. Улар расман хон бўлсаларда, амалда Амир Темурга бўйсунар эдилар. Амир Темур ҳаётлик чоғида уч хон (вафотлари туфайли) алмашган (Қобулшоҳ, Суюрғатмишхон ва унинг ўғли Маҳмудхон).

Улар Амир Темурга сидқидилдан, вафодорлик ва садоқат билан хизмат қилганлар. Амир Темур ҳам ўз навтабида уларни иззат-хурматларини ўрнига қўйиб келган. Муҳим фармонларини ана шу хонлар номидан чиқарган. Ҳатто олтин, кумуш тангаларни улар номига зарб эттирган.

Шундай қилиб, Шарқ тарихчилари Ёфасни туркий халқлар отаси—Абу-т-турк, Сомни ажам халқлари отаси—Абу-л-ажам ва Ҳомни хинди ва ҳабашлар отаси—Абу-л-хинд деганлар. Қадимги замонлардан то милодий V асргача Амударё билан Сирдарё оралиғи — Мовароуннаҳрда қадимги саклар, массагетлар, хоразмийлар, сўғдлар, бақтрияликлар, уйшунлар, тоҳарлар, қанғлилар, кушонлар, эфталитлар (оқ хунлар) яшаган. Булардан кўпчилиги қадимги туркий тилда сўзлашган.

И з о х: *Амударёни юнон ва римликлар Оксус ёки Оксос, араблар Жайхун, ерли халқлар дастлаб Куз, Балх, Вахш, сўнгра Амул деб атаганлар.*

Мовароуннаҳрда аҳамонийлар, селевкийлар, кушонлар, эфталитлар сулолалари, 563—704- йилларда Турк хоқонлиги, ундан кейин тоҳарийлар, сомонийлар, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, қорахонийлар, мўғуллар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар ва бошқа сулолалар ҳукм сурган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини ҳам ўз ичига олган бу ерларда милоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарида Қанғ давлати, Кушонлар подшоҳлиги ва Эфталитлар кулдорлик давлатлари вужудга келган.

Милодий VI—XII асрларда, яъни форсий ва туркий тилларда сўзлашувчи Фарбий Турк хоқонлиги ва Қорахонийлар давлати ҳукмронлиги даврларида Олтой, Еттисув ва Шарқий Турондан ўзбеклар, тиркашлар, тўққуз ўғузлар, тухсилар, қорлуқлар, чигиллар, яғмолар, арғинлар ва бошқа шу каби қабилалар, шунингдек, бу ерларни VII—VIII асрларда Араб халифалиги томонидан истило қилиниши натижасида, араблар ҳам кириб келдилар.

XIII—XIV асрларда мўғуллар истилоси даврида Чингизхон ва унинг ўғли Чиғатойхон қўшинлари билан бирга Мовароуннаҳрга Олтой, Еттисув ва Шарқий Турондан келган турк-мўғул қабилалари — жалойир, барлос, қавчин, орлот, боёвут, уймаут, сулдуз, нукуз ва шу каби бошқа қабилалар кириб келдилар ва маҳаллий халқлар билан аралашиб туркийлашиб кетдилар.

Иртиш дарёсидан Дунай этакларигача, Балхаш кўли ва Сирдарё этакларидан Волга-Кама Булғориясигача ястанган бепоён ҳудудлар икки қисмга — Шарқий ва Фарбий Дашти қипчоққа бўлинган. XI асрда бу ерларни Иртиш дарёси бўйларидан келган кўчманчи туркий қабилалар — қипчоқлар эгаллаган.

XIII асрда Дашти қипчоқни мўғуллар забт этганидан кейин, Олтин Ўрда давлати ташкил топди.

Баъзи бир манбаларда айтилишича, 1313—1342- йилларда ҳукмдорлик қилган Олтин Ўрда хони Султон Муҳаммад Ўзбекхон даврларидан бошлаб, Олтой, Еттисув, Шарқий Турон тарафлардан кўчиб келиб бу ерларда (Дашти қипчоқда) яшаб қолган халқлар Шарқ манбаларида қадимги ўзбек қабиласининг номи билан «ўзбеклар» деб атала бошланган. Уларнинг кўпчилиги XV — XVI асрларда жанубга — Ўрта Осиё томон силжигач, Дашти қипчоқда қолган халқлар «қозоқлар» деб ном олганлар дейилади.

Шуни айтиш жоизки, Ўрта Осиё томон кетган бу ўзбек қабилалари Мовароуннаҳр ҳудудларига келиб ўрнашганларидан кейин, шу ерларда қадимдан яшаб келган халқлар ҳам ўзбек қабиласининг номи билан бирдек «ўзбеклар» деб атала бошланган бўлиши эҳтимол.

VI—XVIII асрлардан Шарқий Дашти қипчоқнинг ўзигина, яъни ҳозирги Қозоғистон ҳудуди Дашти қипчоқ деб атала бошланди.

«Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида иккинчи фикр ҳам бор. 1313- йилда тахтга ўтирган Олтин Ўрда хони, Чингизхоннинг чевараси бўлмиш Султон Муҳаммад Ўзбекхон (1342- йилда вафот этган) Ислом динини қабул қилиб, уни жуда улуғлаган, ҳатто бу динни давлат дини деб эълон қилган.

Шундан кейин толеи янада юришиб кетган бу ҳукмдор даврида Олтин Ўрда юксалиб, гуллаб-яшнади, давлат ҳудуди кенгайди, иқтисодий ва ҳарбий кудрати бениҳоя ортиб кетди.

Ўзбекхон кўзга кўринган рус князларининг барчасини тор-мор этиб ташлади. Босиб олинган ерларда ўзига қарши кўтарилган кўзғолонларни шафқатсизларча бостирди.

Тарихда Ўзбекхон хукмронлик қилган давр Чингизхон асос солган империянинг олтин даври ҳисобланади.

Султон Муҳаммад Ўзбекхон даврида яшаган турк-мўғул уруғлари унинг номи билан «Ўзбеклар» деб атала бошланган, деб фараз қилинади.

Аммо бу фараз ҳақиқатдан анча йироқ, мантиққа ҳам тўғри келмайди, тарихда бирон-бир халқ хукмдорнинг номи билан аталган эмас. Бу мумкин бўлмаган нарса. Аксинча, ўша даврларда қабилалар томонидан, шу жумладан, улар орасида энг бообрў, жанговор ҳисобланган ва катта нуфузга эга бўлган кўпсонли, йирик ўзбек қабилалари ва уруғлари қурултойда Султон Муҳаммадни хон қилиб кўтарганларидан кейин, қабилалар кенгаши томонидан унга «Ўзбеклар хони», яъни «Ўзбекхон» деган фахрли унвон берилган. Шундан кейин у тарихга Ўзбекхон номи билан кириб қолган.

Туронзаминда қадимдан шундай одат бўлганки, қайси қабила, уруғ ҳарбий жиҳатдан бошқаларга нисбатан қудратли бўлса, ўша қабила бошлиғи атрофига бошқа қабилаларни уюштириб, қабилалар тузилмаси, иттифоқини тузган ва шу қабиланинг номи иттифоққа кирган бошқа барча қабилаларнинг ҳам умумий номи бўлиб қолган.

Ана шу одатга кўра, Олтин Ўрда давлати ҳудудларида яшаган, Ислоҳ динини қабул қилган ўзбек қабиласи бошқа орлот, баҳрин, бургут, дўрмон, қитой, қорлуқ, мажор, қипчоқ, қиёт, қўнғирот, манғит, найман, нукуз, танғит, қушчи, минг каби туркий қабилаларни ўз атрофига бирлаштирган ва «Ўзбек» атамаси ана шу қабилаларнинг ҳам умумий номи бўлиб қолган ва улар тарихда «Ўзбеклар», «Ўзбек халқи» деб аталиб келинган.

Султон Муҳаммад Ўзбекхон даврларидан бошлаб Олтин Ўрда давлатини Миср ва араб тарихчилари ўзларининг асарларида «*Мамлақати ўзбек*» деб, юнон, рум, форс тарихчилари эса «*Ўзбекия*» деб тилга олганлар.

Мирзо Улуғбек эса ўзининг «Тўрт улус тарихи» китобида Султон Муҳаммаднинг ҳокимият тепасига келишини «*Ўзбек улуси унга берилди*» деб ёзган. Унинг ёзишича, Олтин Ўрда давлати Султон Муҳаммад — Ўзбекхонгача ҳам «*Ўзбек улуси*» деб аталган.

XII-XIV асрларда яшаган Шарқ тарихчилари бу халқларни умумий ном билан ўзбек, ўзбек халқи деб тилга олганлар. (Қаранг: Абдуқаҳор Иброҳимов. Бизким ўзбеклар.... Тошкент, «Шарқ» Н.М.К.Б.Т.,1999, 48-49 бетлар)

Демак, туркий қабилалардан ташкил топган ўзбек халқи, ўзбек миллати, баъзилар ўйлаганидек, куни кеча пайдо бўлган эмас, балки у Ўзбекхондан ҳам илгари, қадимдан мавжуд бўлган, ажодлари Нуҳ алайҳиссаломга туташган халқдир. Фақат улар қадим замонларда турлича аталиб келинган холос.

Ҳар бир халқнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Ўзбек халқи, миллати кўҳна Хоразм замида эрамиздан 3- минг йиллар олдин шакллана бошлаган, дунёдаги энг қадимий ва биринчи жаҳон дини бўлган Зардуштийлик (Зороастризм) дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто» («Овасто») нинг юзага кела бошлаган даврларидан бошлаб ўзининг бетакрор маданияти ва тарихи билан яшаб келаётган халқдир.

Ажодларимиз миллий қаҳрамонлари Широқ, Тўмарис, қўнғирот уруғидан Алпомиш, така-туркман уруғидан Гўрўғли, ўғуз-манғит уруғидан Жалолиддин Мангуберди, барлос уруғидан Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур боболаримиз ва бошқалар ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлиб тарихга кирганлар. Биз улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Шу ўринда олий ирқ бўлган «*Орийлар*» (бу сўз санскритча) ҳақида икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади.

Бу халқ ўз миллати, миллий хусусиятлари, удум ва анъаналарини сақлаб қолиш учун интилиб келган, кўп замонлардан бери бошқа қабила ва миллатлар билан аралашмай (қуда-андачилик қилмай) ўз миллий софлигини сақлаб келаётган миллат бўлганлиги учун,

улар тарихда ақлли, «тоза ирқ» деб саналиб келинган.

Орийлар қадимшунос ва тарихчи олимларнинг, хусусан, Фарбий Европа ва рус тадқиқотчиларининг хулосаларига кўра, олий ирқ деб аталмиш «орийлар» (ариец) қадим замонларда — эрамиздан 3 минг йиллар олдин Европага Марказий Осиёдан бориб қолганлар ва у ерларда яшаб қолиб кетганлар.

Масалан, олим Т. А. Попович: «*Европада ҳозирги даврда истиқомат қилаётган барча халқлар Ҳиндиқуш тоғлари атрофида яшаган ва «орий» деб аталган, тармоқдан ажралиб, бизга ноаниқ равишда жуда қадим замонларда Осиёдан келиб қолишган*», — деб таъкидлаган. (Т. А. Попович. О языческой вере наших предков ва Как задумал князь Владимир креститься, Санкт-Петербург, 1872, 3-стр.)

Англиядаги Оксфорд университетининг профессори Макс Мюллер Помир тоғлари атрофида яшаган «орий» қабилаларининг бир қисми бундан 3—5 минг йил муқаддам Ҳиндистонга, бир қисми Европа ва Эронга кўчиб кетганлар ва улар ўзлари билан бирга шу ердаги қадимий оқори-атиқаларни ҳам олиб кетганлар, дейди.

А. П. Примакнинг айтишича, «орийлар» кўчманчи чорвадор бўлганлар. Уларда ёзма адабиёт бўлмаган, аммо ҳайратомуз овзаки ижод, ўзига хос осори-атиқалар, ашула, гимнлар, насиҳат-ўғит шаклидаги кўшиқлар авлоддан-авлодга ўтиб борган.

Умуман Шарқда қадимдан инсон ички оламини мунаввар этиш, ният, сўз ва амал бирлиги муштарақлигига жиддий аҳамият бериш диний-фалсафий дунёқарашларнинг марказида турган. (А. П. Примак. Резервы человеческой психики. Москва, 1987, стр. 24).

Эрамиздан олдинги мингинчи йилларда китоб ҳолига келган «Авесто»да тилга олинган, дастлаб Марказий Осиё, кейинчалик Олтой, Волга бўйлари, сўнгра Европа ва дунёнинг бошқа жойларига тарқаб кетган қадимги орий қабилалари туркий қавмларнинг бир қисми бўлган ўзбекларнинг аجدодлари, бобокалонларидирлар.

Япон тадқиқотчилари ҳам ўзлари ва ҳозирги замон миллий маданиятларининг илдизи ватанимиз — ҳозирги Ўзбекистонга келиб тақалаётганини мамнуният билан айтмоқдалар. Мана шу ҳудудда илгари яшаган уруф-қабилалар, элатлар ва халқлар, тарихан қандай номланганидан қатъи назар, биз ўзбеклар улар шакллантирган ижтимоий муҳит ва давлатларининг қонуний ворислармиз, бу билан фахрланишга ҳақлимиз.

Тадқиқотчи олим Вамберри ва рус олими П. С. Гуревичларнинг таъкидлашларича, ўзбекларнинг маънавий томонлари энг аввало уларнинг очиқ кўнгиллилиги, мардлиги, жиддийлиги, ориятлилиги ва ватанпарварлиги ҳақиқий туркий ҳимматга эгаллигида яққол кўзга ташланади. Камгап, оғир-вазминлиги билан бошқалардан фарқ қиладилар, улар аввал чуқур ўйлаб, сўнгра гапирадилар ва ўз сўзларида собит турадилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг тавсифлашларича, ўзбеклар табиатан бошқа халқлар, уларнинг миллий ҳис-туйғуларини катта ҳурмат билан байналмилалларча қарайдиган жаҳондаги заковатли миллатлар қаторига киради. Ватанпарварлик, мардлик, саховатпешалик, саҳийлик, очиқ кўнгиллилик, раҳм-шафқатлилиқ, эзгулик, инсонпарварлик, бағри кенглик, меҳмондўстлик, андишалилик, иззат ва ҳурматпешалик, мурувват ўзбек миллатига хос бўлган хусусиятлардир, деб таъкидлайдилар этнограф (элшунос) олимлар.

Бу борада янада чуқурроқ илмий тадқиқотлар олиб бориш мухтарам тарихчи ва элшунос олимларимизга ҳавола.

Ўзбек тилининг тарихига келсак, маълумки, туркий тиллар икки — фарбий хун ва шарқий хун шохобчаларига бўлинган. Фарбий шохобчада булғор гуруҳи — қадимги булғор, ҳазар, чуваш тиллари, ўғуз гуруҳи — ўғуз (X—XI асрлар), туркман, гагауз, озарбайжон, қўмик, қорачой-балкар, тотор, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ, нўғой ва бошқа тилларни, қарлуқ гуруҳи эса янги уйғур, ўзбек ва бошқа тилларни ўз ичига олади.

Шарқий шохобчага уйғур гуруҳи — қадимги уйғур, тува, ёкут, хакас, шор ва бошқа тиллар, қирғиз-қипчоқ гуруҳига эса қирғиз ва олтой тиллари киради.

«Туркистон» кенг маънода туркий халқлар яшовчи хуудлар номини билдиради.

Туркистон шартли равишда Шарқий Туркистон (Ғарбий Хитой провинциялари) ва Ғарбий Туркистонга (бунга ҳозирги Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг шимоли киради) бўлинади.

Тор маънода Туркистон 1867—1917- йиллардаги Туркистон генерал-губернаторлиги (1886- йилдан Туркистон ўлкаси)ни билдиради.

Туркистон номи шунингдек Россия империясининг вассаллари — Хива ва Бухоро хонликлари (ҳозирги Ўрта Осиё) хуудини ҳам билдиради.

Туркистон миллий-давлат чегараланиши 3 республикага — (Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақирғиз)га бўлиниши туфайли, собиқ СССРда «Туркистон» атамаси ишлатилмайдиган бўлди.

Энди Марказий ва Ўрта Осиё хуудларининг қабул қилинган шартли чегараларига келсак, Марказий Осиёнинг шимолий ва ғарбий чеккаси Мўғулистон, Хитой, собиқ СССР чегараларигача, шарқий қисми Катта Хингангача, жанубий қисми Тибет хуудидаги Цангпо (Брахмапутра) ва Ҳинд дарёсининг юқори қисмигача етиб боради. Яъни шимолда Олтой, Тува ўлкаларидан тортиб, жанубда Тибетгача, шарқда Манжуриядан ғарбда Тиеншан тоғларигача чўзилган. Умумий майдони 6 млн. кв. км.

Ҳозирги даврда Марказий Осиё деганда 5 мустақил давлат — Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисми назарда тутилади.

Осиё атамаси IV асрларда Хоразмнинг Хазорасп қалъасига асос солиб ўтроқлаша бошлаган Ос қабиласи номидан келиб чиққан. Осиён — яъни «Ос» қабиласидан, «ослик» деган сўздан Осиё атамаси келиб чиққан, деб ёзади олима Ф. Сулаймонова ҳам.

Ўрта Осиё хууди ғарбда Каспий денгизидан, шарқда Хитой билан бўлган чегарагача, шимолда Урал-Иртиш сувайирғичларидан жанубда Эрон ва Афғонистон чегараларигача давом этади.

Ўрта Осиё хууди ўрта асрларда Мовароуннахр, XIX аср охиридан 1924 — 1925 - йилларда шўролар томонидан ўтказилган миллий-давлат чегараланишига қадар «Туркистон» деб аталган. Марказий Осиёдан фарқ қилиш учун, кейинчалик «Ўрта Осиё» деб аталадиган бўлди.

Чет эл географик адабиётларда Ўрта Осиё ва Марказий Осиё тушунчалари бир маънода ишлатилади.

XVI—XIX асрларда Ўрта Осиё хууди Бухоро, Самарқанд амирликлари, Хива ва Қўқон хонликлари тасарруфида бўлган. Тошкент эса Қўқон хонлигига қараган.

Россия империяси бу давлатларни бирин-кетин босиб олгач, бу хуудларни бошқариш учун 1867- йилдан махсус хуудий бирлик — Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этган.

1890-йилларда Туркистон генерал-губернаторлигига бешта: Еттисув, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Закаспий вилоятлари киритилган. Пойтахти Тошкент бўлган бу генерал-губернаторликни 1917- йилга қадар Россия императори томонидан тайинланадиган генерал-губернатор бошқарган ва у фақат оқподшоҳнинг ўзига бўйсунган.

1918- йил 30 апрелда эса РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси) таркибига кирувчи, аҳолиси 5 миллиондан зиёд, пойтахти Тошкент шаҳри бўлган ТАССР (Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси) тузилган эди.

Шундан кейин, 1924- йилда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиб, Туркистон АССР ва Бухоро ҳамда Хоразм ХСР хуудларида Туркменистон ССР, Ўзбекистон ССР, Тожикистон АССР, Қорақирғиз ва Қорақалпоғистон автоном областлари ташкил этилди.

1926- йилдан Қорақирғиз АО Қирғизистон ССР деб ўзгартирилди.

Бугунги мустақил Ўзбекистон Республикасининг хууди 448,9 минг кв.км., аҳолиси 25 миллиондан зиёд.

Пойтахт Тошкентда 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Майдони катталиги жиҳатидан Қорақалпоғистон Республикаси биринчи, Навоий вилояти иккинчи, Бухоро вилояти учинчи ўринда туради; аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Фарғона вилояти биринчи, Самарқанд вилояти иккинчи, Андижон вилояти учинчи; аҳолисининг зичлиги жиҳатидан Андижон вилояти биринчи, Фарғона вилояти иккинчи, Наманган вилояти учинчи ўринда туради.

Аҳолиси энг кўп шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро, Нукус, Қарши ва бошқалардир.

Вилоят марказлари Тошкентдан қуйидаги масофада жойлашган:

Нукус — 1265 км., Урганч — 1119, Термиз — 708, Бухоро — 616, Қарши — 558, Навоий — 505, Андижон — 477, Наманган — 432, Фарғона — 419, Самарқанд — 354, Жиззах — 203, Гулистон — 120 км.

Тошкент шаҳри Ўзбекистон пойтахти ва Тошкент вилоятининг маркази ҳисобланади.

Тошкент шаҳри 11 туман ва Мирзо Улуғбек тумани таркибига кирувчи, 1961- йил 27-январда ташкил этилган «Улуғбек» шаҳарчасидан иборат:

- | | |
|------------------|-----------------------|
| 1. Акмал Икромов | 7. Чилонзор |
| 2. Бектемир | 8. Шайхонтохур |
| 3. Мирзо Улуғбек | 9. Юнусобод |
| 4. Миробод | 10. Яккасарой |
| 5. Сирғали | 11. Ҳамза |
| 6. Собир Раҳимов | 12. Улуғбек шаҳарчаси |

Тошкент шаҳри қадимдан тўрт қисмга — Кўкча, Себзор, Шайхонтохур ва Бешёғоч даҳаларига бўлинган. Даҳалар XVIII асрда мустақил бўлиб, ўзларининг алоҳида тўрт ҳукмдори бўлган. Бу давр шаҳарнинг чорҳоқимлик даври деб аталади.

Даҳа фақат Тошкент шаҳридагина эмас, балки Ўрта Осиё хонликларининг қишлоқ жойлари ва йирик шаҳарларидаги маълум бир маъмурий-худудий бирлик бўлиб, ҳозирги туманга тўғри келади.

Чор Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистон генерал-губернаторлиги худудининг қишлоқ жойларида даҳа ўрнига «бўлис» (волость) таъсис этилган.

Маҳалла бир қанча кўчалардан иборат кичик маъмурий бирлик бўлиб, ўзига ажратилган кўчаларда яшайдиган аҳолининг бошқарув органи ҳисобланган ва даҳа бошлиғига бўйсунган.

Тошкент шаҳрида маҳаллалардан ташқари мавзелар ҳам бўлган. Шаҳар деворидан ташқарида ёки шаҳар чеккасидаги шаҳарликларнинг хусусий мулки ҳисобланган далаҳовли, чорбоғлар жойлашган худудлар, ерлар «мавзе» деб аталган. Мавзелардаги бу жойларга шаҳарликлар ёз пайтларида кўчиб келиб яшаганлар, қиш кезларида эса шаҳар ҳовлиларига кўчиб ўтганлар.

Мавзени «массив» билан чалкаштирмаслик керак. Кейинги пайтларда кўп қаватли турар жой бинолари қуриш учун ажратилган ва шундай кўп қаватли бинолар қурилган ерлар «массив» деб аталади.

Шарқшунос Н.Г.Маллицкий «Тошкент маҳалла ва мавзелари» китобида (Ғафур Ғулом нашриёти, Тошкент, 1996) 1880—1900- йилларда Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасида 279 та маҳалла ва 173 мавзе бўлганлигини ёзади. Шу жумладан, Кўкча даҳасига 56 маҳалла ва 48 мавзе, Себзор даҳасига 77 маҳалла ва 64 мавзе, Шайхонтохур даҳасига 70 маҳалла ва 30 мавзе ҳамда Бешёғоч даҳасига 76 маҳалла ва 36 мавзе қарашли бўлган.

Ўлкамиз ва ўзбек миллатининг қисқача тарихи ана шундай.

Ўзбек уруғлари

Ўзбек халқи жуда кўп турк ва турк-мўғул қавмлари асосида шаклланган. Машҳур тарихчи олимимиз Бўрибой Аҳмедов 1992- йилда «Сирли олам» журнаlining 3—4- сонида ёзган мақоласида ўзбек қавмлари ҳақида номма-ном баён этилган тўртта қўлёзма мавжуд бўлганлигини кўрсатган. Булар:

1. «Мажмуъ ат-таворих» (Тарихлар мажмуаси) фарғоналик муаррих Сайфиддин Ахсикатий томонидан XVI асрда ёзилган.

2. «Тухфат ут-тавориhi хоний» (Хоннинг тарихдан тухфаси) қўқонлик муаррих мулла Аваз Муҳаммад Аттот томонидан XIX асрда ёзилган.

3. «Насабномаи ўзбак» (Ўзбекларнинг насаб китоби) Валиуддин Муҳаммад Табризийнинг «Мишкот ул-мусобиҳ» (Токчадаги машъала) асари асосида Низомиддин ибн домла Шох Саид маҳдум томонидан 1896 — 1997- йилларда тузилган.

4. «Асомийн наваду ду фирқаи ўзбак» асари тўртта бошқа асарлар мажмуаси ичида келтирилган, жумладан: «Мажмуъ ал-ғаройиб», «Солномаи Хожа Абдулҳаким Термизий», «Тарихчаи Сомий» ҳамда тўртинчиси етти иқлим тарихига бағишланган муаллифи номаълум асар.

Бу тўрт асарнинг ҳар бирида 92 ўзбек уруғи номлари келтирилган бўлиб, уларни жамлаганда қавмларнинг сони 189 тага етади. Ана шу уруғ-қабилалар ичида етакчи мавқега эга бўлиб олган нуфузли, бообрў ва жанговор «ўзбек» уруғининг номи Мовароуннаҳрда яшаётган барча қавм, уруғ, қабилаларнинг умумий номи бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги ўзбеклар ана шу 92 (189) уруғлардан ташкил топгандирлар.

Ана шу қавм-қабилалар номларининг кўпи жой, қишлоқ, туман номларига айланиб кетган, мамлакатимизда ҳозиргача кўплаб учрайди. Масалан: Қорақалпоқ, Манғит, Чимбой, Қўнғирот, Боёвут, Бўстон, Найман, Қавчин, Арғин, Уймовут, Қиёт, Орлот, Кенагас, Қипчоқ, Қалмоқ, Қорлиқ, Тудак, Араб, Қонғли (Қангли), Қорлиқ, Шибирғон ва хоказолар.

«Насабномаи ўзбак» китобининг сўзбошисида айтилишича, ўзбекларнинг биринчи авлоди Иброҳим пайғамбар ва унинг хотини Биби Сора бўлган (Иброҳим алайҳиссалом ва Биби Сора ҳам Нуҳ алайҳиссаломнинг авлодларидан).

Ўйлаймизки, ана шундай қадимий тарихга эга бўлган ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихига, элшуносликка оид келажак тадқиқотлар ойдинлик киритади. Шунини таъкидлаш керакки, табаррук қўлёзмалардан бошқа уруғларнинг номлари ҳам топилиши мумкин.

Ўзбек қавм-қабилаларининг юқорида кўрсатиб ўтилган тўрт манбадан жамланган номлар қуйидагича:

- | | | |
|--------------------|----------------------|-------------------|
| 1. Авар | 20. Боёвут | 39. Гирай (гирай) |
| 2. Авирчи | 21. Божқир (бошқирд) | 40. Гироди |
| 3. Авғон | 22. Багош | 41. Даражот |
| 4. Агар | 23. Бувмовут | 42. Дужар |
| 5. Агарқул | 24. Буёт | 43. Дўрмон |
| 6. Азақ, Азоқ | 25. Буйрак | 44. Ёбу (жобу) |
| 7. Анмор | 26. Булатчи | 45. Жаловут |
| 8. Анғит | 27. Булотжиб | 46. Жалоир |
| 9. Араб | 28. Бурат | 47. Жизд |
| 10. Арлой | 29. Буря | 48. Жийит |
| 11. Арнамор | 30. Буркут | 49. Жиловчи |
| 12. Арғин | 31. Бурлан | 50. Жот |
| 13. Бадай (бадаи) | 32. Бурлот | 51. Жубалочи |
| 14. Банош | 33. Бурлоқ | 52. Жубрат |
| 15. Барлос | 34. Буют | 53. Жубурған |
| 16. Бағлон (бағон) | 35. Буязид | 54. Жуйит |
| 17. Бахрин | 36. Бўйтан (мўйтан) | 55. Жуйрат |
| 18. Бидай (бидой) | 37. Бўлса | 56. Жуналачи |
| 19. Биктия | 38. Бўстон | 57. Журат (журот) |

- | | | |
|-------------------------|------------------------------|----------------------|
| 58. Жусуловчи | 102. Там | 146. Юрға |
| 59. Жуют (жиют) | 103. Тама | 147. Ұз |
| 60. Илаци (илочи) | 104. Танғут | 148. Ұзбек |
| 61. Келачи (килачи) | 105. Гарғил (торғил) | 149. Ұзжуловчи |
| 62. Кенагас | 106. Тилав (тилов) | 150. Ұқалан |
| 63. Кераит (кероит) | 107. Тишлик | 151. Ұнг |
| 64. Керай (кирай) | 108. Тобин | 152. Ұнгкажот |
| 65. Киламиш | 109. Торлик | 153. Ұнгут (ўнгут) |
| 66. Кимот | 110. Тотор | 154. Ұрмоқ |
| 67. Кинакаш | 111. Гудак (туғдак) | 155. Ұтажи |
| 68. Кирдор | 112. Тунқли | 156. Ұтарчи |
| 69. Кордори | 113. Тубойи | 157. Ұғлон |
| 70. Кужалик | 114. Турғак (турғок) | 158. Қабаша |
| 71. Куролос | 115. Турк | 159. Қавчин |
| 72. Кўхат | 116. Туркман | 160. Қалмоқ |
| 73. Кўчалик | 117. Турмовут | 161. Қари |
| 74. Мамасит | 118. Турғон | 162. Қарқин |
| 75. Манғит | 119. Тўйчи | 163. Қатағон |
| 76. Маркит (меркит) | 120. Убрат (уйрат) | 164. Қибчок (қипчок) |
| 77. Масит | 121. Уймовут (уймоут) | 165. Қиёт |
| 78. Махдий | 122. Уйрис | 166. Қиловчи |
| 79. Минг | 123. Уйрост | 167. Қирлик |
| 80. Митан | 124. Уйғур | 168. Қирқ |
| 81. Мичқир | 125. Уйшин | 169. Қирғиз |
| 82. Моду | 126. Урот | 170. Қирғин |
| 83. Можор | 127. Урюз | 171. Қишлоқ |
| 84. Муғал | 128. Уюрчи | 172. Қоджи |
| 85. Мўйтан | 129. Фоҳир | 173. Қоён |
| 86. Найман | 130. Фулодчи | 174. Қонғли (қанғли) |
| 87. Нужин | 131. Хитой | 175. Қора тушлуб |
| 88. Нукўз | 132. Чакчок | 176. Қорақалпоқ |
| 89. Орий | 133. Чехилкас | 177. Қорлик |
| 90. Орлот | 134. Чилкас | 178. Кужалиқ |
| 91. Рамадан | 135. Чилчувит | 179. Куралаш |
| 92. Савран | 136. Чилчут (чилчит, чулчит) | 180. Курлас |
| 93. Сайҳиён | 137. Чимбой | 181. Курловут |
| 94. Самарчиқ (симирчик) | 138. Чинбой | 182. Курловчи |
| 95. Сануводон | 139. Чолжут | 183. Курлот |
| 96. Сарой | 140. Шаврон (саврон) | 184. Кучи |
| 97. Сатҳиён (сахтиён) | 141. Шамарчиқ | 185. Қўйчи |
| 98. Сулдуз | 142. Шибирғон | 186. Қўнғирот |
| 99. Табан (табин) | 143. Шижоат | 187. Ғариб қорқин |
| 100. Табаш | 144. Ширин | 188. Ҳафиз |
| 101. Тайит | 145. Юз | 189. Ҳафт |

Турли атамалар ва сўзлар изоҳи (мавзу тузилмаси тартиби бўйича)

А л ф а в и т — юнонча «альфа» ва «бета» (вита) ҳарфлари номидан келиб чиққан. Бошидан охиригача деган мазмунда.

П а р о н и м (лар) — талаффузи ўхшаш, аммо маъноси турлича бўлган сўзлар; масалан: *товланмоқ — тобланмоқ, ёт — ёд, дарз — дарс, ариқ — ориқ, анқо — анқов, асир — аср, банда — банди, даво — даъво, милк — мулк, марҳум — маҳрум, март — март, қази — қози, ҳаким — ҳоким* ва ҳоказолар.

О м о н и м (лар) — маъноси ҳар хил, талаффузи бир хил сўзлар; масалан: *ўт — олов, ўт — ўт пуффаги, ўт — гиёҳ, майса, ўт — у ёққа ёки бу ёққа ўт; қув — қувла, қув — муғомбир, қув — ранги қув ўчиб кетди; қалай — металл, қалай — аҳволингиз қалай; ошиқ — сўнғак, ошиқ — ортиқ, ошиқ — шошил, ошиқ — кўнғил қўйган* ва ҳоказолар.

Синоним (лар) — талаффузи ва ёзилиши ҳар хил, аммо маъноси бир бўлган сўзлар. Масалан: *абодий, мангу, умрбод; бош, калла; аввал, илгари, олдин, бурун, муқаддам; азоб, азият, жабр, жафо, озор, заҳмат, алам, ситам, изтироб, уқубат.*

Антоним (лар) — қарама-қарши, зид маъноли сўзлар. Масалан: *катта — кичик, узоқ — яқин, иссиқ — совуқ, яхшилик — ёмонлик, ечинмоқ — кийинмоқ, ёруғлик — қоронғилик, кулмоқ — йиғламоқ, ҳалол — ҳаром, оғир — енгил, чап — ўнг, хўра — чимхўр, суюқ — қуюқ* ва ҳоказолар.

Дидактик адабиёт — бадий ифодаланган, панд - насиҳат тарзида ёзилган адабиёт. Бунда ахлоқий - таълимий, илмий-фалсафий, диний билимлар ва ғоялар бадий талқин қилинади. «Қобуснома», Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дostonлари дидактик адабиёт намуналари ҳисобланади.

Моногамия — бир никоҳлилик; бир эркак ва бир аёлнинг ўзаро никоҳда бирга яшаши, оилавий ҳаёти.

Полигамия — кўп никоҳлилик; кўп хотинлик; кўп эрлилик; бир эркакнинг бир неча хотин билан никоҳда, ёки аксинча бир хотиннинг бир неча эркак билан никоҳда бўлиб яшаши.

Экзогамия — муайян жамоа, уруғнинг ўз ичида бир-бирига уйланишини ман этувчи одат.

Икона — насронийлар топинадиган Ийсо алайҳиссалом, Биби Марям, Ийсо пайғамбар ҳаворийлари, **Худованд**, пайғамбарлар ва авлиёларнинг суратлари; буддавийлик ва ламавийлик динидагилар иззат қиладиган **Парвардигор** ва азиз-авлиёларнинг суратлари ҳам икона деб аталади.

Инквизиция — католик черковининг ересликка (бидъатчиликка), динсизликка қарши курашувчи махсус суд-тергов ва жазо ташкилоти; мураккаб жосуслик, махфий қидирув, яширин суд, шафқатсиз қийноқ, ваҳшиёна азоб беришга асосланган суд-полиция муассасасидир.

Табу — полинезия тилида ибтидоий одамларда маълум бир хатти-ҳаракатни, бирор нарсани истеъмол қилиш ёки бирор сўзни тилга олиш ва ҳоказоларни ман қилиш.

Анархия — 1. ҳокимиятсизлик, бошбошдоқлик, бебошлик; 2. ҳар қандай давлат ҳокимиятини инкор этиш.

Шовинизм — ашаддий миллатчилик, бошқа халқларни таъқиб этиш, хўрлаш, эзиш, миллатлар ўртасида миллий адоват ва нафратни кучайтириш, уларни бир-бирларига қарши гижгижлашдан иборат ўта реакцион сиёсат, масалан, яқин ўтмишда, рус коммунистик партия сиёсати; Наполеон Банопарт истилочилик сиёсатининг ашаддий ишқибози бўлган француз солдатлари Шовин номидан келиб чиққан.

Қулоқ (лар) — қишлоқларда ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашган деҳқонлар ва ер эгалари шўролар томонидан муштумзўрлар — қулоқлар (русча «кулак») деб аталганлар.

Секта — мазҳаб, таълимот, маслак. фирқа; ҳукмрон черковдан, мазҳабдан ажралиб чиққан диннинг бирор-бир тармоғи.

Каста — тоза, бенуқсон, бошқа тоифа билан аралашмаган тоифа, табақа. Ҳиндистон ва Шарқдаги баъзи мамлакатларда насаб ва имтиёз ҳуқуқлари, урф-одатлари ва касб-ҳунарларига қараб алоҳида табақага ажралган кишилар; масалан, *руҳонийлар кастаси, савдогарлар кастаси, деҳқонлар кастаси, брахманлар кастаси* ва ҳоказолар.

Халфа — 1. мударрис, домла, пирнинг ёрдамчиси, ўринбосари; 2. ҳунармандлар қўлида ишловчи ёш шогирдлар ичида уларга бош бўлган шогирд, устанинг ўринбосари; 3. Ўрта Осиёда эски усул мактабларида ўқитувчининг талабалар ичидан танлаб олган ёрдамчиси.

Антропология — одамларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ирқлари ҳақида фикр юритувчи, одамзотни ўрганувчи фан; ирқшунослик.

Этнография — халқшунослик илми; халқлар таркиби, келиб чиқиши, тарқалиши, турмуш урф-одатларини, моддий ва маънавий маданиятини, тарихий алоқаларини ўрганувчи фан.

Астролог — мунажжим, раммол.

Астрология — Қадимги замонларда юлдузларга қараб башорат қилиш, тақдирни билиш ва фол очиш каби ишлар билан шуғулланувчи илм. Осмон ёритгичларининг ҳолати ва жойлашишига қараб инсонлар, халқлар ва давлатлар тақдирини олдиндан башорат этиш билан шуғулланувчи илм, илми нужум.

Астрономия — осмон, юлдузлар, планеталар, Ой ва Қуёш каби осмон жисмлари билан шуғулланувчи, уларни тадқиқ қилувчи фан.

Олтин аср — антик дунёда энг қадимги даврларда одамлар қайғусиз, бахтиёр ҳаёт кечирган эканлар. Бир неча мамлакатларнинг афсоналарида айтилишича, у ёки бу сабабларга кўра олтин аср — кумуш, бронза ва ниҳоят ҳозирги энг оғир, энг ёмон, машаққатли аср (темир)ларга қараб ўзгариб борган.

Оброк — феодализм даврида крепостной деҳқонлардан натура ҳолида хўжаликда етиштирилган маҳсулот билан олинадиган ҳақ; солиқ.

Барщина — феодализм даврида деҳқонларни помещчик, монастыр, черков ерларида ўз иш қуроллари билан ҳафтада бир кун мажбуран, ҳақ тўламай ишлатиш.

Бумеранг — қадимги инглизча ва австралияликларнинг «бумеранг» сўзидан олинган. Ярим ойсимон эгик ёғоч, ирғитиб отиладиган қурол. Австралия қабилаларида кенг тарқалган. Бумеранг отилгандан кейин, мўлжалга тегиб яна қайтиб келади. Асосан овда, ўйин ва сайлларда фойдаланилган. Урушда ҳам ишлатилган.

Дажжол — маъноси «қонунсиз одам», юнонча «антихрист», яъни Ийсо Масиҳ муҳолифи, сохта Масиҳ. Арабчада «алдамчи, фирибгар» маъноларини англатади. Қиёмат қойимга яқин, Ийсо алайҳиссаломнинг Ер юзига қайтиб тушиши арафасида пайдо бўлиб, шайтон кучи билан сеҳргарлик қилиб, дунёга ҳукмронлик қиладиган подшоҳ, инсонларни йўлдан оздирадиган махлук.

Антихрист — Ийсо Масиҳ муҳолифи. Охири замонда Ийсо Масиҳ ва имом Маҳдий билан ҳаёт-мамот жанги олиб борадиган дажжол.

Ривоятларда келтирилишича, Дажжол Ҳинд океани оролларида бирида Иблис билан бирга кишанлаб қўйилган бўлиб, уларни жинлар кўриқлаб турар экан. Охират куни арафасида яъжуж-маъжужлар ўзларини тўсиб турган, Искандар қурдирган деворни (тўғонни) тешиб ўтганларида, Дажжол ҳам кишанлардан озод бўлиб, қўшинлари билан Ер юзининг (Макка ва Мадинадан ташқари) ҳамма жойида 40 йиллик, баъзи ривоятларга қараганда, 40 кунлик ҳукмронлик ўрнатар экан. Шунда кейин Осмондан Ийсо алайҳиссалом тушиб, Имом Маҳдий билан бирга унинг салтанатини яксон этиб, унинг ўзини ўлдирар эканлар.

Алвасти — ёвуз руҳ. Иблиснинг хизматкори, жодугар аёл. У кўпинча одамларга сочлари ёйилган, эмчаклари узун, осилган, бадбашара аёл қиёфасида кўринади. Алвасти «жин», «ажина» сўзининг синоними сифатида ҳам ишлатилади. У инс-жинслар билан сирли алоқа қилиши туфайли одамларга бахтсизлик, ҳайвонларга зиён келтириш каби ёвуз ишларни қилар экан.

Жинлар — ёвуз руҳлар; тоза оловдан яратилган (фаришталар эса нурдан яратилганлар) бўлиб, турли шаклда, кўринишда кўрина оладиган, ҳар қандай буйрукни бажара оладиган руҳлардир. Жинларнинг баъзилари шайтон билан алоқадор бўлсалар, баъзилари Муҳаммад алайҳиссаломга ишониб иймон келтирганлар, яъни улар ҳам кофир ва мусулмондан иборат. Уларнинг суяги йўқ, жуда мўрт бўлиб, инсон уларга билмасдан тегиб кетса, шарт бўлиниб кетадилар ёки майиб бўлиб қоладилар, ёхуд ўладилар. Шунинг учун улар чўлу биёбонларда, кимсасиз харобазорларда, эски тегирмонларда, ташландиқ жойларда яшайдилар ва базм ҳам қилиб турадилар. Жинлар инслардан кўрқадилар. Кўплиги — ажина.

Ж и н н и — жин теккан, сеҳрланган, ақлдан озган, телба одам.

Д е в — шохли, думли, улкан, бахайбат, тез учувчи, одам қиёфасидаги махлук; зарарли куч. Лекин дев баъзан сеҳргар, коҳин, авлиё кишиларга бўйсундирилган бўлса, яхши, фойдали ишларни бажаради.

Ч и л т о н — ғайритабиий кучга эга бўлган, бир-бирларидан айрилмайдиган қирқта рух. Ривоятларда айтилишича, улар одам кўзига кўринмайдилар. Баъзан улар одам қиёфасида ҳам яшайдилар. Одатда улар мазор ва ташландиқ кимсасиз пасткам жойларда яшайдилар. Диндорлар турли офатлардан, касалликлардан қутулиш учун уларга атаб пиликдан ясалган қирқта чироқ ёқадилар. Уларга атаб турли таомлар пиширадилар. Бу таомлар «чилтон оши» деб аталади ва у овқатлар шу маросим муносабати билан тўпланган хотин-қизларга улашиб берилади. Бундай ишлар Ислом динида бидъат ҳисобланади.

Д о м о в о й — жин, ажина. Ҳар бир уйда яшовчи ғайритабиий нарса — рух. Бу рух русларда «Дедко», «Хозяин», «Суседко», белорусларда «Хатник», «Господарь», украинларда «Хатний дидко», полякларда «Хованец», чехларда «Скрижитек», «Рарашек» ва ҳоказолар деб аталади. Бундай уй худоларига топиниш ибтидоий жамоа тузуми давридан қолган бўлиб, домовойлар уй ва ҳайвонларни бало-қазодан сақлар эмиш.

С у в п а р и с и (русалка) — қадимги рус ва бошқа славян халқларида дарёлар кўллар, ўрмон, экинзорларда яшовчи, ёш, гўзал узун сочлари тўзғиб ётувчи, оқ нафис кийимда, балиқ думли аёл қиёфасидаги жонзот. Айтишларига қараганда, сувда чўкиб ўлган қиз ёки ўғил бола сув парисига айланиб қолар экан. Уларнинг ёмонликларидан сақланиш учун, Пасха байрами ўтгач, «сув парисини кўмиш маросими» ўтказилган. Кўпинча ҳайвон, от шаклида ясалган кўғирчоқ кўмилган. Бу бидъат одат бизда ҳам қисман сақланиб қолган.

С у в а л в а с т и с и — дарё, кўл ва бошқа сув ҳавзаларининг ҳукмдори. Асосан дарёларнинг гирдобларида, тегирмонларда яшайди. Хоразмда балиқчилар пири «Сочли ота», туркларда «Сув одами» дейилади.

А з а з е л — қадимги яҳудийларда эчки қиёфасидаги чўл руҳи. Талмудда ахлоқий тубанликка кетган фаришта. Баъзи бир насроний секталарида шайтоннинг номи. Мусулмонларда ёвуз руҳнинг номи. Қадимда яҳудий коҳинлари ўзларининг байрамларида бутун халқнинг гуноҳини эчкига ўтказганлар ва уни чўлга, Азazelнинг олдига қўйиб юборганлар.

Д е м о н л а р (юнонча — «рух», «Худо») — **Худо** томонидан рухсат бериб қўйилган ёвуз, нопок кучлар: шайтон, иблис, жин, алвасти ва ҳоказолар. Яҳудийлик ва насронийликда гуноҳга ботган, **Парвардигор**га итоат этишдан бош тортган фаришталар.

С е р а ф и м л а р — яҳудийлик ва насронийликда **Худованд**га яқин даражани эгалловчи фаришталар. Улар олти қанотли одам шаклида бўлиб, **Тангри**ни тўхтовсиз мадх этиб юрадилар. Икки қаноти билан бетларини, иккитаси билан оёқларини тўсиб, қолган икки қаноти ёрдамида учиб юрадилар.

Х е р у в и м л а р — яҳудийлик ва насронийликда фаришталарнинг серафимлардан кейин турадиган олий табақаси. Улар ҳам олти қанотли, кўп кўзли бўладилар.

А р х а н г е л л а р — фаришталар бошлиқлари. Насронийликда уч асосий бош фаришталар: Михаил, Гавриил, Рафаил. Улардан Михаил **Худованд**нинг душманлари билан самода бўладиган урушда ҳарбий бошлиқ ва насронийларни қўриқловчи фаришта ҳисобланади. Гавриил — **Парвардигори олам**нинг элчиси. Рафаил — даволовчи фаришта.

А х у р а - М а з д а (маъноси — «Доно Худо») — зардуштийлик — маздавийликдаги олий, яхшилик ва эзгулик худоси. Юнонларда — Ормузд, шарқда — Хурмузд деб аталган. Ахура — оламларни яратувчи ва кудратли эгаси; Мазда — олий онг, доно **Худо** дегани.

А н х р а - М а й н й у (Эронда — Ахриман, юнонларда — Ариман) — зардуштийлик — маздавийликдаги ёвузлик тимсоли; иблис. Барча яхшиликларни инкор этувчи рух. Ёлгон-

чилик, адолатсизлик, ўзбошимчалик ва ўлим ҳомийси. Бу динларда дунёнинг барча ишлари ана шу икки илоҳий кучнинг курашидан иборат деб тушунтирилади. Охирида Ахура-Мазда абадий қолади, Аҳриман эса Ахура-Мазда томонидан бутунлай йўқотилади.

Р у ҳ — моддий бўлмаган асос. Рух — оламнинг асоси. Рух табиатдан, коинотдан аввал мавжуд бўлган. **Аллоҳ** уни йўқдан бор қилган. Жонни танадан ажралиб чиқиб мустақил яшаши, деб таълим беради ислом. Рухнинг кўплиги — арвоҳ.

А р в о ҳ — номоддий хилқатлар, яъни ўлган одамнинг танасиз руҳи. Марҳум ўзининг руҳи орқали бу дунё билан алоқа боғлаб туради, деб тасаввур қилинади.

Х у р л а р — тақводорлар билан биргаликда жаннатда яшайдиган қизлар. **Қуръони карим**да улар жисмоний ва маънавий камчиликлардан ҳоли, беками-кўст, одам ҳам, жин ҳам тегмаган, бир-бирига тенг, бокира, ниҳоятда гўзал қизлар деб айтилган. **Қуръон** муфассирларининг тушунтиришларича, хурлар жаннатга тушган тақводорларга хотин қилиб берилади. Улар доим эртасига яна бокира бўлиб қолаверадилар.

Улар онадан туғилмаганлар, балки **Парвардигор** томонидан яратилганлар.

Т а н о с у ҳ — руҳни кўчиб юриши ҳақидаги диний таълимот. Бу таълимотда ўлганларнинг руҳи — жони янги туғилган инсонларда, ҳатто ҳайвон ёки ўсимликларда қайта пайдо бўлади дейилади. Ислом бу таълимотни рад этади.

А у р а (грекча) сўзи «шабада таралиши» демакдир; ўзбекчада «ҳола» (ой ёки қуёшнинг кўрғонлаши, гардиш боғлаши) инсон атрофидаги нурли доира; илоҳий, авлиё шахслар бошлари атрофида нур таратиб турувчи оловли халқа. Айтишларича, Зардушт ва Будданинг аураси жуда кучли бўлиб, бутун шаҳарни қоплаб олар экан. Аура доирасини қадимги Шарқ ва Европа тасвирий санъатида учратиш мумкин.

М а л а к — фаришта.

М а л о и к а — фаришталар.

М а л а к у л - м а в т — ажал фариштаси, Азроил а.с.нинг **Қуръон**да аталиши.

Қ а б з қ и л м о қ — жонини олмоқ.

М а м о т — ўлим, вафот.

М а р г (форс-тожикча) — ўлим, қазо, ажал.

Ў л и м — организмда ҳаёт фаолиятининг тўхташи. Бунда инсон шахс сифатида тугайди. Ўлим — ҳаётнинг муқаррар якуни.

А ж а л — белгиланган вақт, муҳлат. Ҳаёт муҳлатининг тугаши. Халқда «ажали етди», «куни битди», «қазо қилди», «вафот этди», «ўлди», «қайтиш бўлди» дейилади.

Ё з у қ — гуноҳ, айб, тақдир, ёзмиш.

Ё з м о қ — гуноҳ, айб иш қилмоқ.

О з м о қ — янглишмоқ, хато қилмоқ.

Т а в б а — 1. фикр ўзгартириш, ўй-фикр ва хатти-ҳаракатни тубдан ўзгартириб Худовандга мурожаат қилиш; қилмишидан пушаймон бўлиб, уни қайтармасликка қилинган азму қарор; 2. таажжубланиш, ҳайрон қолиш.

В а ф о т қ и л м о қ — **Яратганга** қайтиб бормоқ; ўлмоқ.

Қ а з о қ и л м о қ — дунёдан ўтмоқ.

М у р д а ш ў й — ўлик ювувчи ходим.

М о з о р — ўликлар кўмилган жой.

Қ а б р и с т о н — ўлган кишини дафн этадиган жой; қабр мажмуаси; қабрлар устига қурилган иншоотлар.

Г ў р — 1) мозористонда ўлик дафн қилинган жой, қабр; 2) ёввойи эшак.

Г ў р и с т о н — ўлик кўмиладиган жой; гўр, мозор, қабрлар жойлашган ер.

Л а ҳ а д — ўликни кўмиш учун қазилган чуқур, қабрнинг ўлик қўйиладиган уйчаси.

М а қ б а р а — қабр устига зиёрат учун қурилган иморат, иншоот.

Қ и ё м а т — охират куни, охирги кун.

Қ и ё м — тик туриш.

- У ж м о х** — жаннат, беҳишт.
- Т а м у ғ** — дўзах, жаҳаннам.
- С а л с а б и л** — жаннатдаги булоқ номи.
- К а в с а р** — жаннат ҳовузи, дарёси, булоғи.
- Ч а р х** — осмон, фалак, кўк.
- М у с т а ж о б** — **Аллоҳ** томонидан инобатга олинган, қабул бўлган тилак.
- И ж о б а т** — қабул бўлиш; инобатга олиш.
- И с т и ғ ф о р** — афв, кечирим сўраш, тавба қилиш.
- М а ғ ф и р а т** — кечириш, кечиш.
- М а ғ ф у р** — кечирилган, мағфират қилинган.
- Х и л қ а т** — яратилиш.
- Н а ҳ и й** — ман қилиш, қайтариш, тақиқлаш.
- М у н к а р** — инкор қилинган.
- А ъ м о л** — қилинган амаллар, ишлар.
- Х у р о ф о т** — уйдирма, асоссиз гаплар.
- Ш и д д а т** — қаттиқлик; оғирлик; тезлик.
- Ҳ и ф з** — сақлаш, қўриқлаш.
- Ш а ф е** — кўмак, ёрдам, мадад, шафелик; шундай ишларни қилувчи киши.
- Ш а ф о а т** — пайғамбаримизнинг **Аллоҳ** ва мусулмонлар ўртасида туриб воситачилик қилишлари.
- Ш а ҳ о д а т** — гувоҳлик.
- Б е ш а й** — ҳеч нарсасиз.
- Б е ш а к** — шак-шубҳасиз, шаксиз.
- М а қ о м** — ўрин, даража, мартаба.
- Д у л д у л** — ҳазрат Алининг оти.
- Ҳ а с т и** — ҳазрат дегани.
- Ҳ а з р а т** — улуғ, мўътабар зот.
- С а н а м** — 1. насронийлар сиғинадиган хоч, бут; 2. гўзал маъшуқа, ёр, маҳбуба.
- Ҳ а м д** — мақтовлар, олқишлар.
- Б а х т** — ҳаётдан тўла хурсандлик, розилик, мамнунлик, беармонлик ҳолати, тилакларнинг амалга ошиши.
- Н а с и б а** — кишининг тақдиран буюрилган ўз ҳиссаси, улуши. Улушидан бўлак, ризқнинг бир бўлаги, қисми. Сўфийлар: «Насиба барчага баробар берилур аммо уни ҳар ким қурби етганича олур» деб айтганлар.
- Р и з қ** — ҳаёт учун зарур бўлган **Худо** етказадиган озуқа, овқат ва бошқа нарсалар.
- Р ў з и** — ризқ, насиба.
- Р о з** — маҳфий тутилган сир; роз айтмоқ — сирлашмоқ.
- П ў ш** — кийим, либос.
- П о р с о** — сақланувчи, парҳезгар, ёмон ишлардан тийилувчи, художўй.
- Ҳ о з и қ** — яхши билувчи, ўз ҳунарини яхши ўзлаштирган одам.
- Т а в қ** — айлана шаклидаги барча нарсалар, ҳалқа.
- Т а в қ и л а ъ н а т** — жазо тариқасида гуноҳкорнинг бўйнига осиб, қулфлаб қўйиладиган кунда.
- Ғ у л** — занжир; маҳбусларнинг бўйнига солинадиган темир кишан.
- Ш а к** — гумон, шубҳа.
- Ш и р к** — **Аллоҳ**нинг шериги бор деб айтиш, гумон қилиш.
- Ш у к р** — миннатдорчилик, раҳмат, ташаккур билдириш.
- Ғ а й р** — ўзга, бошқа.
- Ғ а й р и д и н л а р** — ўзга диндагилар.
- Т а в о ф** — зиёрат қилмоқ.
- К а р а м** — марҳамат, мурувват қилиш, сахийлик, бағри кенглик.
- Ж и ҳ о д** — мусулмонларнинг ғайридинларга қарши муқаддас уруши, ғазовот.

С о ж и д — сажда, таъзим қилувчи.

О б и д — тоат-ибодатни канда қилмайдиган, художўй, тақводор киши.

З о к и р — зикр айтувчи, ибодатга берилувчи одам.

М у р у в в а т — мардлик, одамгарчилик, сахийлик, раҳм қилиш.

Т а н б е ҳ — 1. ўғит, насиҳат; 2. огоҳлантириш, хайфсан.

Э з г у — жуда яхши ишлар.

К а м и н а — мен; камтаринлик билан айтилган мен.

К и б о р (лар) — улуғ одамлар, буюк кишилар, оқсуяк аслзодалар.

Л а ф з — ўз, гап, ваъда.

Т о л е — бахт, иқбол, қисмат.

С а р а ф р о з — юксак, юксалган, ҳаммадан устун, улуғвор.

М а й м у н — бахтли, саодатли.

З а б у н — заиф, кучсиз, нотавон, ночор, бечора, ожиз, мағлуб, енгилган.

М а ҳ з у н — ғамли, қайғули.

М у н г л и қ — ҳазин, ғамгин, маъюс, бечора.

Н о т а в о н — бечора, ожиз, чорасиз, иложсиз.

Б е н а в о — камбағал, бечора, фақир, йўқсил.

М и с к и н — фақирликдан оғир аҳволга тушиб қолган, аҳволи танг, бечорахол одам.

Уларнинг аксарияти уй-жойсиз бўлган.

М а з л у м — зулм кўрган, эзилган, жафокаш.

Ж а ф о — азоб-уқубат, кулфат, рухий ва жисмоний эзилиш.

З а ҳ м а т — азоб-уқубат, озор, кулфат, машаққат, қийноқ.

М у ш т и п а р — бечора, хокисор, ожиза, меҳрибон аёл.

М у ш ф и қ — шафқат қилувчи, шафқатли, меҳрибон.

Ғ а р и б — бировлар юртида юрган киши, мусофир.

Ғ а р и б л и к — мусофирлик, иложсизлик.

Ғ у р б а т — бегона юрт, ғариблик, мусофирлик.

М у с о ф и р — келгинди, сафар қилиб юрган; бечора, ғариб.

М у ҳ о ж и р — ўз юртини тарк этган мусофир, эмигрант.

Д а р б а д а р — эшикма-эшик юрувчи, бетайин саёқ.

А н д у ҳ — қайғу, ғам, алам, ғусса, озор, кулфат.

Н а д о м а т — ҳасрат, алам, ўкинч, куйиш, ўртаниш, афсус.

Д о д — ноилож қолганда, қаттиқ қўрқувда, даҳшатга тушганда, жонидан тўйганда, ҳолини қиска аён қилиб шафқат сўраб фарёд қилиб одамларни ёрдамга чақириб бақириш. (Дод! Вой дод!)

М у ш к у л — қийин, оғир.

М а ҳ о л — қийин, оғир, мушкул, деярли иложи йўқ.

Р а н ж — машаққат, азоб, қийноқ.

М е ҳ н а т — машаққат, қийинчилик.

Н и ф о қ — зиддият, макр, хийла.

О ф а т — бало, мусибат; озор, қийноқ, азоб.

С и т а м — зулм, жабру-жафо, азоб — уқубат.

Х а р о б — бузук, вайрон, дабдала.

А қ л — инсоннинг билиш, фикр юритиш қобилияти.

Ф а ҳ м — инсоннинг тушуниш, англаш, фаҳмлаш, сезиш қобилияти; идрок, фаросат, ақл.

Ф а р о с а т — инсоннинг тез ва тўғри фаҳмлай олиш қобилияти, фаҳм, заковат, дид.

З а к о в а т — ўткир ақл-идрок, нозик фаҳм, яхши, тиниқ фикр; зехн, зако, дониш-мандлик.

З е ҳ н — идрок этиш, билиб олиш, ҳаёлни бир жойга тўплаб тушуниш қобилияти, идроки, фаҳми, уқуви.

Д и д — гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти.

Д и д - ф а р о с а т — ақл-фаросат, фаҳм, идрок.

З и й р а к — тез фаҳмловчи, сезгир, сергак, хушёр, фаҳми ўткир, укувли.

Д и ё н а т — 1. виждон, виждонлилик, инсоф; 2. диндорлик, тақводорлик.

И н с о ф — тенг қилиш, адолат, виждон; адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти; кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, виждонлилик.

О р — 1. ўзига номуносиб ёки эп кўрилмаган ишдан, нарсадан хижолат тортиш, уялиш туйғуси, уят, номус; 2. обрў, фахр.

Н о м у с — 1. кишининг ўз обрўсини улуғлаш ва ардоқлаш ҳисси, орият, диёнат, виждони; 2. хижолат тортиш ҳисси, уят-андишаси, шарм, ҳаё, ор; 3. қизнинг поклиги, бокиралиги, қизлиги, иффати.

И с н о д — уятга, таънага қолдирадиган, номига доғ тушурадиган иш, номус.

Х и ж о л а т — уятдан ўзини ноқулай, унғайсиз сезиш, уялиш ҳисси.

А н д и ш а — Аҳлоқий тушунча бўлиб, уч хил маънода ишлатилади: 1) оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритиладиган мулоҳаза; эҳтиёткорлик; 2) умуман фикр-мулоҳаза; 3) шарм-ҳаё, ор-номус, уят. Андишали одам кишилар билан ўзаро муомалада шарм-ҳаёлик, босиқлик ва мулойимлик билан муносабатда бўлади. Бировларнинг иззат-нафсига тегмайди, катталар, оқсоқоллар ҳурматини жойига қўяди. Андиша сўзи, шарм-ҳаё, уят, истиҳола, иффат, ибо каби одоб-аҳлоқ тушунчалари билан боғлиқ бўлиб, умуман кейинини, оқибатини ўйлаб иш тутиш ва муомала қилишни билдиради.

Т а м и з — 1. ақл, идрок; 2. ўз билими, ақл-фаросати билан иш тутиш қобилияти, фахм, фаросат.

Ҳ а м и я т п е ш а — олижаноб, ҳамиятли — ориятли, ҳаёлик.

Ж а в о н м а р д — олижаноб, очиқ қўлли, сахий.

Ҳ а ё — уят, хижолат чекиш, ор-номус, адаб.

С о б и т — маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам иродали.

И б о — тортиниш, кўнмаслик.

С и д қ — тўғрилиқ, ростлик.

Т а в о з е ʼ — камтарлик, ҳокисорлик, ўзини паст, кичик тутиш.

Х о к и с о р — тупроксифат, ниҳоятда камтар киши.

П о й м о л — оёқ остида қолган, эзилган, хорланган.

М у т е — итоат этувчи, бўйсунувчи, қарам.

Д а ф — 1. қайтариш, узоклаштириш, кетказиш рад этиш. (даф бўл, йўқол, кет).
2. чилдирма (доира)

С а ф и л — 1. жуда ёмон, ночор, абгор; 2. ярамас, разил, палид, ифлос.

М а ж н у н — жинни, девона.

О м и й — содда, оддий, авом, гўл; билимсиз.

Т ў п о р и — ўта нодон.

А б л а ҳ — ярамас.

Н о д о н — бефаросат, бефаҳм, ақли калта.

С ў т а к — бесўнақай, тўпори, ношуд, укувсиз, бировга ем бўлувчи, лакма, гўл.

Б а х и л — ўтакетган хасис, қизганчик, бахил, зикна.

М у м с и к — қурумсок, пасткаш.

С у л л о ҳ — ўтакетган сурбет, очкўз, очофат, хира, ебтўймас.

Х и р а — тегажок, беҳаё, шилқим, бешарм, уятсиз, одобсиз.

Б а д — ёмон, ярамас, ёвуз, ёқимсиз, масалан, бадбўй, бадбахт.

Б а д н о м — ёмон отлиф.

М а к р — хийла, фириб, алдов.

М а к к о р — макр қилувчи, хийлагар.

Д о ғ у л и — айёр, муғомбир, алдоқчи, фирибгар.

Ғ а д д о р — алдамчи, хиёнаткор, бераҳм, золим.

К а з з о б — ёлғончи.

Н о қ и с — нуқсонли, камчилиги бор.

Н о б а к о р — нокас, пасткаш, инсофсиз, виждонсиз, ярамас, аблах, бузук, қабиҳ одам.

- М у т т а ҳ а м** — айбланган, шубҳага олинган, фирибгар, қаллоб, алдоқчи.
- П а л и д** — нопок, ифлос.
- О с и й** — гуноҳкор, исёнкор, гумроҳ.
- Б о т и л** — бузилган, бузук, беҳуда; пуч, нотўғри, бекор қилинган, асоссиз, тубсиз ярамас.
- А в б о ш** — бевош, дайди, безори, саёк.
- Ш а қ и й** — бадбахт, лаънати.
- М а р а з** — касаллик, дард, иллат, йиринг.
- Р и ё** — иккиюзламачилик, мунофиқлик, сохтакорлик, хўжақўрсинчилик.
- Г у с т о х** — тортинмас, андишасиз.
- Г у с т о х л и к** — ибосизлик, уятсизлик, адабсизлик, андишасизлик, тортинмаслик.
- Б е ж о** — ножўя, ноўрин, ғалати, ғайритабиий.
- Ғ а л а т** — нотўғри, нотабиий, куракда турмайдиган.
- Ж а ҳ о л а т** — билмаслик, билимсизлик, нодонлик; жоҳиллик, нодонлик.
- З а л о л а т** — адашиш, тўғри йўлдан озиш, гумроҳлик, хорлик, эътиборсизлик, нописандлик.
- Р а з о л а т** — пасткашлик, тубанлик; разил — пасткаш, тубан одам.
- Қ а б о ҳ а т** — қабихлик, ёмонлик; қабих — жуда ёмон, қабих одам.
- К а ж** — эгри, қийшиқ, қинғир; қайсар.
- В о с - в о с** — ҳаддан ташқари йўлдан урувчи хаёлларга берилган; телбаларча хаёлпараст, жинни.
- Б а д х ў й** — бадхулк, хулқи ёмон, қилиғи совук.
- Ф о с и д** — ёмонлик қиладиган, ёмон ишлар билан шуғулланувчи, бузук, ярамас, олчоқ одам; фасодчи.
- Ф о с и қ** — фисқ-фасод юргизувчи, ғаразгўй, ҳасадгўй, ёмон ишлар қилувчи, ёмон йўлга юрувчи, ахлоқсиз, дин йўлидан чиққан риёкор, фаҳш, бузук, илоҳий амрларга итоат этмайдиган, осий, гуноҳкор одам.
- Ф у ж у р** — ахлоқсизлик, ахлоқий бузуқлик, фаҳшлик, нопоклик, сафоҳат.
- Ф и с қ - ф а с о д** — тўғри йўлдан озиш, бузуқлик, ахлоқсизлик, бадкирдорлик, тартибсизлик.
- М у ф с и д** — фосидлик қилувчи, бузувчи.
- Н а ҳ с** — ёмон, ғусл қилмаган, нопок, ҳаром.
- М а л о м а т** — айблаш, ёмонлаш.
- С а р к а ш** — итоатсиз, ўжар, қайсар, тихир, бўйсунмас.
- Х у с у м а т** — ёмонлик, фасод, гуноҳ иш; ғараз, душманлик, қасд, адоват, жанжал, зиддият.
- Ҳ а р и с** — тамагир.
- Ҳ о с и д** — ҳасад қилувчи, ҳасадгўй, ғаразгўй, бировнинг ютуғини кўра олмайдиган ичи қора одам.
- Ҳ а с а д** — кўра олмаслик, ичи қоралик.
- Т а м а** — истак, хоҳиш, ҳаммадан суллоҳлик қилиб бирон нарса кутиш.
- Х ў й** — хулқ, феъл атвор, одат.
- Т а а с с у ф** — пушаймон бўлиш, афсусланиш; надомат.
- А ф с у с** — ўкинч, пушаймон, аттанг.
- Д а р и ф** — афсус, аттанг, эсиз, хайф.
- Л о у б о л и** — бепарво, беғам, лоқайд.
- Л а в а н д** — бўш, ялқов, дангаса, беҳафсала, бекорчи, бевош одам.
- Э р р а й и м** — текин даромаддан босар-тусарини билмай қолган ёки ўзгаларнинг мулки, бойлиги устидан каттаконлик қилувчи мақтанчоқ, бебурд одам.
- В а л л а м а т (валинеъмат)** — 1. ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс; 2. ўз меҳнати сингмаган нарсаларга, бировниқига сахийлик, хўжайинлик қилаверадиган одам; эррайим; 3. оқсоқол, бошлиқ,

амалдор; 4. йигит, сарбоз.

Б у қ а л а м у н — хамелеон (турланувчи, ўз тусини тез ўзгартира оладиган калтакесак).

Г и р и ф т о р — дучор бўлган, йўликқан.

М у б т а л о — 1. гирифтор, бахтсизликка учраган, балога йўликқан; 2. ошиқ, афтода.

Ж о д у — сеҳр, афсун қилиб зиён етказиш.

К и б р — ўзини ҳаммадан юқори ҳис қилиш, манманлик, гердаймоқ.

К и н — адоват, душманлик, кек, ўч, низо.

М о ж а р о — жанжал, баҳс, мунозара, машмаша.

М у х о л и ф — ёв, душман, рақиб, қарши, зид, тесқари, қарама-қарши.

Ҳ а р и ф — қарши, рақиб, душман, муқобил.

И х т и л о ф — келишмовчилик, фикрлар хилма-хиллиги, қарама-қаршилиги.

Г у н о ҳ и к а б и р а — оғир, кечирилмайдиган гуноҳ.

Г у н о ҳ и с а ф и р а — кичик, кечирилса бўладиган гуноҳ.

И қ т и д о қ и л м о қ — намозда имомга эргашиб ўқимоқ.

Н а м о з и д и г а р — аср намози.

А з а л — бошланиши, ибтидоси номаълум ўтган замон.

И б т и д о — бошланиш.

И н т и ҳ о — тугаш.

М у ш к — кийик эркагининг жинсий безидан олинадиган хушбўй қорамтир модда.

А н б а р — денгиз кашолотлари меъдасидан олинадиган хушбўй қора модда.

С а р к о р — 1. Маълум иш ёки соҳани бошқарган мансабдор киши; 2. Умуман раҳбар, ишбоши, бошлиқ.

Р а ҳ н а м о — йўлбошчи, раҳбар.

П е ш в о — йўлбошловчи, йўлбошчи, раҳнамо.

К и р о м — мухтарам, азиз, улуғ, ҳурматли, олижаноб, саховатли.

М у т а с а д д и й — бошлиқ, бирор ишга жавобгар, раҳбар одам.

Р у х — Ҳинд ва Чин оролларида яшайдиган баҳайбат бир қуш бўлиб, у шунчалик каттаки, фил ва каркидонни ҳам бемалол кўтариб кета олар, ҳар тухуми минорадек бўлар эмиш.

А н қ о — **Худо** томонидан ҳар томонлама мукамал қилиб яратилган бўйни жуда узун, баҳайбат қуш. Зикр қилинишича, Кўҳи Қоф тоғида яшовчи афсонавий катта қуш. Анқо кимга соя солса, у энг бахтиёр одам бўлар экан. У тамом йўқолиб кетган эмас, аммо жуда кам учрайдиган қуш, деб ривоят қилинади. Уни баъзан Семурғ билан бир хил тасаввур этилади.

Кейинчалик маъжозий маънода номи бору, ўзи йўқ ёки жуда кам, нодирликда ягона деган мазмунни ифодаловчи тушунча ҳам бўлиб қолган.

С е м у р ғ — афсонавий бахт-толе қуши, давлат қуши. Кўҳи Қоф тоғларида яшовчи Анқо каби улкан қудратли қуш.

Уни Хумо, Анқо, Давлат қуши, Бахт қуши, Миркумомо, Кунтубулғон, Булбулигўё, деб айтувчилар ҳам бор. Авестода «сенемурғ» шаклида берилган.

Х у м о — бахт-толе ва давлат қуши. Уни Жаннат ва бахт қуши деб ҳам атайдилар. Хумонинг сояси кимнинг бошига тушса, у одам ниҳоятда бахтли бўлиб, давлат ва салтанатга эришар экан.

Уни баъзилар семурғ иккови бир қуш, деб ҳам айтадилар.

Қ а қ н у с — Қадимги Миср ва Греция афсоналарида ўлими яқинлашган пайтида ўз уясида ўзини — ўзи ўтда ёндириб, сўнгра кулидан яна қайта дунёга кела оладиган афсонавий қуш. Абадий бунёд бўлиш, янгиланиш тимсоли. Ҳиндистон оролларида яшайди. Ривоят қилишларича, унинг жуфти бўлмайди. Тумшугида тешиқлар кўп бўлиб, ҳар биридан бир ёқимли куй чалинар эмиш. Қақнус умр бўйи сайраб-сайраб хас-хашак йиғармиш ва охири шундай жозиба билан берилиб куйларканки, натижада унинг йиққан хас-

хашакларига ўт кетар экан. Ўзи ёниб кетиб, кулидан янги қақнус жўжаси талпиниб чиқар экан. Ривоятда у минг йил умр кўради деб айтилган.

Самандар — ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда калтакесаксимон дарранда десалар, бошқа бир манбаларда катта сичқон ёки каламуш сингари ҳайвон дейилади. Баъзилар уни ўтда ёнмайдиган қанотли жонивор деб ёзганлар. Яна бошқа манбаларда эса, самандар гўё қорли, музли ўлкаларда яшайдиган афсонавий қор қуши дейилади. Бу қушнинг тумшуғи пўлат, қанотлари чақмоқ тоши кабидир. У иккита бола очади. Полапонлари бир куннинг ўзидаёқ қанот чиқариб, парвоз қилар экан. Бундан севинган Самандар ҳамма нарсани унутиб, тумшуғини қанотига уради, шунда олов чиқиб, ўзи ҳам кулга айланади деб ривоят қиладилар. Бир қадимги ривоятда айтилишича, Самандарнинг терисидан салла тикиб подшога совға қилишган. Салла қачон кир бўлса, уни оловга солишар, салла яна топ-тоза бўлиб қолар экан.

Сандувоч, андалиб — булбул.

Дуррож — қирғовул, тустовук.

Худхуд — сассиқпопишак.

Зоф — қарға.

Кузғун — ўлаксахўр қуш.

Ватвот — кўршапалак.

Войвоёк — чиябўрининг боласи; баъзида бойўғлининг боласи деб ҳам тушунилган.

Гўша — бурчак, хилват; хилват жой.

Ошиён — ин, уя, қуш уяси; макон, маскан, тураржой; бино қавати.

Кошона — ҳашаматли уй, хона, тураржой; уя.

Даргоҳ — улуғ мартабали кишиларнинг турар жойи.

Капа — шох-шабба, ўт-ўланлардан қилинган вақтинча яшаш жойи; ёзлик чайла.

Завол — 1. куннинг иккинчи ярми, кун оққан пайт билан кун ботар пайт; 2. йўқ бўлиш, махв бўлиш, ҳалокат; 3. офат, қушанда.

Зимистон — 1. қиш фасли, қаттиқ сербулут қиш, кўпинча қиш чилласи зимистон деб аталади; 2. тим қоронғилик.

Аямажуз — қишнинг охириги ҳафтаси. Бу сўз арабча «Айёми ажуз» (Аямажуз), яъни «кампир кунлари» дегани. Қишнинг охириги кунлари. Март ойининг биринчи ҳафтасида бўладиган изғиринли совуқ кунлар. Халқ орасида «Аямажуз олти кун, қаҳр айласа қаттиқ кун» деган нақл ҳамда аямажуз кирганда 90 кунлик қишга қараб айтар экан: «тўқсон, тўқсон—бир кунимча йўқсан» деган нақллар бор.

Корсон — 1. ёғочдан ўйиб ишланган катта ва чуқур товоқ, идиш (ёғоч тоғора); корсонда хамир қорилган, сув, қаттиқ сақланган. Шунингдек бир неча кишига етадиган суюқ таомлар ҳам корсонда берилган. Шу сабабдан бу товоқни «иноқ товоқ» деб ҳам атаганлар. 2. айрим мусиқа асбобларининг товушини кучайтирадиган ковак қисми, қорни; 3. эгарнинг ўртаси, ўтирадиган қисми. «Сол кетингни корсонга, сизга ҳам бир танга, сизмаса ҳам бир танга». (Ҳийлакор вазири аъзамнинг ўйлаб топиб, халққа солган солиғи).

Аллоф — 1) дон, ғалла, ун олиб сотувчи дўкондор; 2) гиёҳфуруш, ўтин-чўп сотиш билан шуғулланувчи киши.

Баққол — майда-чуйда рўзғор буюмлари ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи дўкондор.

Базоз — ип, газлама сотувчи газламафуруш дўкондор.

Аттор — атир-упа, дори-дармон, майда-чуйда парфюмерия ва галантерея товарлари билан савдо қилувчи дўкондор.

Вофуруш — оёқ кийимлари билан савдо қилувчи дўкондор. Баъзи шаҳарларда хусусан, Тошкентда эгар-жабдуқ олиб сотувчи дўкондор. Форсчада во—очик, фуруш—сотувчи.

Саллоҳ — қассоб.

Капон — 1) оғир нарсалар тортиладиган бир паллалик катта тарози; 2) шундай

тарози ўрнатилган, уста ёпиқ тим; дон бозори, ғалла билан савдо қиладиган раста. Ҳозир умуман ғалла сотиладиган жойни «каппон» дейдилар.

Тим — бозордаги уста ёпиқ баланд том.

Ҳаён — савдодан келган фойда; масалан, «Бир мири ҳаён, уч мири зиён» деган мақол бор.

Ақча — Ўтмишда Туркистонда бўлган пул бирлиги. Аксарият ҳолларда ақча кумушдан зарб қилинган. Кумушнинг ранги оқиш бўлганлигидан бу пул бирлиги «ақча» деб ном олган; яъни ақ(оқ)ча.

Танга — тенг қилиш, тенгги сўзидан олинган.

Ҳайдар — бошнинг икки чеккасидан қўйилган кокил.

Ҳасана — қарзи ҳасана; устига фойда қўйилмайдиган қарз.

Ҳасос — нарса, воқеаларнинг моҳиятини тез ва тўғри ҳис этувчи, зехни ўткир, сезгир одам.

Кўмоч — иссиқ кулга, қўрга кўмиб пиширилган нон.

Умоч — уваланган хамир солиб пиширилган суюқ ош.

Атала — ун, сув, ёғ солиб пиширилган бўтқа.

Туппа — узма, кесма хамир қилиб пиширилган суюқ овқат. (Манпар)

Чордевор — хамма томони девор билан ўраб олинган уй-жой; мажозий маъноси: бузуқ уй, хароба жой.

Тўтиё — мис зангидан ҳосил бўлган кўкимтир кристалл; кўз оғриғи ва кўзни равшан қилиш учун ишлатилган.

Филмон — юзга суртадиган қизил модда, элик.

Дармонда — 1. хайронликда, қийин аҳволда қолган; 2. қувват олган.

Кушодлик — ишларнинг юришиб кетиши, оғир ишларнинг ҳал бўлиши.

Саъй — астойдил ҳаракат, ғайрат, тиришиш, уриниш, интилиш.

Ислоҳ — тузатиш, яхши ҳолга келтириш.

Гўша — хилват жой.

Кулба — уй, кўримсиз турар жой.

Иқбол — илгарилаш; омад.

Эш — дўст; ўғизларда — хотин; боланинг эши; қадимги туркийларда Парварди-горнинг номи.

Амин — ишончли, вафоли.

Туғ — учига от ёки хўкиз думи боғланган узун таёқ; ҳокимлик белгиси.

Молик — мулк эгаси, ҳукмдор.

Қўлдош — жўра, оғайни, дўст.

Улфат — бир-бирига ўрганиш, бирга бўлиш, дўстёрлик.

Мумтози замон — замонанинг энг олийси.

Гумашта — бирор ишни олиб боришга, бажаришга вакил қилинган киши.

Талаба — талаб қилувчи; илм олувчи.

Зобит — забт этувчи, ҳарбий бошлиқ (офицер); тарбияловчи.

Хандақ — қалъадан ташқарига казилиб, ичига сув тўлатиб қўйиладиган мудофаа иншооти.

Бурғу — карнайга ўхшаш чолғу асбоби.

Бузғу — орани бузиш, орага ғулув, низо солиш, тўғри йўлдан оздириш.

Сур — сурнай.

Сурон — жанговар чақирик.

Работ — карвонсарой.

Дийда — кўз; *оби дийда* — кўз ёши.

Зар — олтин, кумуш, бойлик.

Зое — фойдасиз, бекор, беҳуда, ҳабата.

Метин — тош йўнадиган теша.

Нағма — куй, оҳанг, наво, тарона.

Б а с — етарли, бўлди.

О з а р — ўт, олов.

О д и н а — жума куни.

Қ у р с о қ — қорин.

Т а д о р у к — чора-тадбир; хозирланиш.

М о м и қ — пахта.

М у д а б б и р — туш таъбирини айтувчи.

М у а к к и л — вакил қилинган.

Р а ʼ й й я т — тобе кишилар, қарамлар; фуқаро, халқ, омма.

М а р д у м — кишилар, инсонлар, одамлар.

А в о м — саводсиз, ўқимаган.

Р и ш в а — пора.

Т о ж и р — савдогар; тужжор — савдогарлар.

У ш о қ — 1. кичик, майда; 2. ёш бола.

С а б и й — гўдак.

Н а ж ж о р — дурадгор.

Н и м — ярим, масалан, нимжон — чала жон.

Ҳ а м р — маст қилувчи ичимликлар.

Ў к ч а — товон, оёқни товон қисми.

Р и ш т а — 1. ип, арқон, чилвир; 2. яра (чипқонга ўхшаш).

Т а қ о з о — хоҳлаш, иташ; талаб қилиш.

А р м о н — юксак орзу, олий мақсад.

С а ф и д — оқ ранг, масалан, мўйсафид — оқсоқол.

Ф и р о қ — айрилмоқ, жудолик.

Ф о р и ф — қутулган, холи, озод бўлган.

Х о н у м о н — уй-жой, оила, рўзгор, бисот, бойлик.

Ш а ш қ а т о р — тинимсиз оқувчи кўз ёши.

Ш е в а — одат, равиш, тарз, йўсин.

Л а ҳ ж а — диалект; шева.

Ш о п — учи орқага қайрилган тиғи ўткир қилич.

Ҳ а н г о м а — можаро, воқеа, ҳодиса.

Қ а й с а р — Рим императори Гай Юлий Цезарнинг Шарқдаги номи.

Р а ʼ й — фикр, қараш.

М и н б а ʼ д — бундан буён, асло.

И с т и л о — бўйсундириш, босиб олиш, забт этиш.

Ф а т ҳ — очиш, забт этиш, қўлга киритиш.

Ғ а н и м а т — 1. қулай фурсат, имконият; 2. бойлик, мол-мулк.

Ҳ а д я — совға, соварий, тортиқ, инъом, тухфа, армуғон, эҳсон.

Ҳ о ж и б — эшик оғаси, дарвозабонлар бошлиғи.

Ҳ у р и и й н — оқ баданли, шаҳло кўзли аёл.

Б а ғ и р — жигар.

Ҳ и л о л — янги ой.

Б а д р — тўлин ой.

В о р и с — меросхўр.

М е ҳ р — 1. қуёш; 2. муҳаббат.

Л а ҳ м — 1. гўшт, суяксиз гўшт; 2. ер ости йўли (тоннел).

М ў ʼ т а д и л — ўртача, меъёрида, тобида, бир меъёрда, бир маромда.

Б о л и ғ а — баловатга етган қиз.

Б о к и р а — эр кўрмаган, турмушга чиқмаган, қизлигини йўқотмаган ифбатли қиз.

Б у р ч — қарз.

Г а н ж — бойлик, хазина.

З а б и ҳ — қурбонликка сўйилган мол.

Б и с м и л — сўйилган.
Ж о р и я — чўри, хизматкор хотин.
З а в ж а — хотин. Завж — эр.
Ж у н б у ш — қимирлаш, ҳаракатга келиш, қўзғалиш.
К е л б а т — бадан, жисм, жасад.
Ш о м — 1. кечқурун, қоронғилик; 2. Суриянинг аввалги номи.
М у ж о д а л а — баҳс, тортишув.
Қ а ҳ а т — мутлак даҳшатли очарчилик; қаҳатчилик.
Ғ о р а т — босқинчилик; босқин.
А б г о р, а ф г о р — яраланган, жароҳатланган, мажруҳ.
К у д у р а т — дил ғашлик, ғусса, кўнгил хиралик.
М а ҳ т а л — тўхтаб қолган, қараб қолган.
Н а в ҳ а — товуш чиқариб йиғлаш, улиш, мунгли йиғи, нола.
Ч о к а р — хизматкор.
Ч о р а к о р — заминдор бой ерида ишлаб, эвазига ҳосилнинг 4/1 ини олувчи камбағал деҳқон.
М и р о б — сув тақсимловчи, ариқлар қазиб сув чиқариш ишларига раҳбарлик қилувчи мансабдор шахс.
А б д о л — валий, авлиё.
А б р у — қош.
А л л о м а — улуг олим.
А н б и ё — набий (пайғамбар)нинг кўплиги.
А р ж у м а н д — азиз, қадрли, шарафли, ҳурматли, мўътабар.
А р ғ у в о н — баҳорда қизил бўлиб гуллайдиган чиройли дарахт.
А ф т о д а — йиқилиб қолган, заиф, беҳол, ташландик.
А ф ў о л — феъл, ҳаракатлар, қилиқлар.
А ф ғ о н — ғиғон билан нола қилиш, фарёд этиш.
Н а х р — дарё. **Б а ҳ р** — денгиз. **У м м о н** — океан.
Б е д о д — жабр-зулм, адолатсизлик.
Б у р р о — кескир, ўткир.
В о б а с т а — боғлик, бир-бирига боғланган.
В о с и л — ёр васлига етишган, эришган.
Г и р ё н — йиғловчи, йиғлаб турган.
Г и р и б о н — ёқа.
Г у м — йўқ, йўқолган, йўқотилган, йўқ қилинган.
Г у м р о ҳ — йўлини йўқотган, эътибордан қолган.
Д а р — эшик.
Д а р о з — узун, бўйи баланд.
Д а с т — қўл.
Д е в о н а — 1. гадоё; 2. мажозий маънода — ошиқ, телба.
Д о м — тузоқ.
Д у д о қ — лаб.
Ж а в л о н — айланиш, кезиш, от чопиш, ўзини ҳар тарафга ташлаб ўйнаш.
Ж у з — бўлак, қисм, пора.
Ж у н у н — жиннилик, жунуни-ишқ — ишқ девонаси.
З у л ж а л о л — азамат ва энг буюк (**Аллоҳ**нинг сифатларидан бири).
З у ҳ д — дунёдан воз кечиш, тоат-ибодат билан шуғулланиш; зуҳд аҳли — зоҳидлар.
И д д а о — қаттиқ талаб, муддао, даъво.
И т о б — қаҳр, ғазаб.
И ш в а — аёлларнинг нозли, мафтун этувчи ҳаракати.
К а р а ш м а — нозик кўз қараш, кўзни сузиб, ўйнатиб қараш, нозли, ишвали қараш.
К а с — киши, одам; нокас — ноодам, пасткаш, ярамас.

- К и б р и ё** — улуғлик, буюклик.
- К ў т о х (кўтаҳ)** — қисқа, калта; кўтоҳназар — калтафаҳм, узоқни кўролмайдиган; дасти кўтоҳ — қўли калта, камбағал.
- М а в л о** — соҳиб, хожа, хомий, устоз.
- М а р ғ у б** — ёқимли, севимли, дилрабо.
- М а с н а д** — 1. суянчик; 2. тахт; 3. юксак ўрин.
- М а ъ в о** — бошпана, уй, макон.
- М а ҳ р а м** — 1. бир-бирига никоҳи раво бўлмаган энг яқин қариндош; 2. улфат, сирдош; 3. хусусий хизматчи.
- М и ж ж а, м у ж ж а** — киприк, мужгон — киприklar.
- М о с и в о** — ундан бошқа, ... дан ташқари. Мосиваллоҳ — **Худодан** бошқа кўнгилни мосиводин мен сино қилдим — кўнглимни **Ўзидан** бошқа ҳамма нарсадан уздим.
- Н а з з о р а** — 1. Назар қилиш, кўз солиш. 2. Томоша.
- Н а р г и с** — бўтакўз. Унинг гули кўзга ўхшагани учун бадий адабиётда кўз маъносида ишлатилади.
- Н а с т а р а н, н а с р и н** — оқ очиладиган гул.
- Н а с и м** — шабада, майин ёқимли шамол.
- Н а ф с** — кишида турли маиший орзу-ҳавасга бўлган майл, истак.
- Н у к т а** — нозик ва маъноси чуқур чиройли сўз, ишора.
- О б у г и л** — сув ва тупрок.
- О р а з** — юз, бет, чехра.
- О я т** — 1. нишон, белги; 2. Қуръон жумласи.
- П а й м о н а** — май пиёласи, қадах.
- П а й м о н** — аҳд, ваъда.
- П а р т а в** — ёруғлик асари, нур, шуъла, порлоқлик.
- Р а м а қ** — энг охирги нафас. Рамақи жон — жон чиқар ҳолат, жоннинг ҳалқумга келиши.
- Р а ҳ н а** — дарз, ёриқ; раҳна солмоқ — бузмоқ, тешмоқ.
- Р и ё з а т** — нафс хоҳишларидан тийилиш, ўзини қийинчиликка, машаққатга дучор қилиш.
- С а б о** — майин, ёқимли шамол.
- С а м а р** — мева, ҳосил, натижа, фойда.
- С а н о в б а р** — 1. арча; 2. мажозий маънода — келишган қомат.
- Т а в а л л о** — 1. дўст тутиш, тутуниш; 2. ёлвориш, илтижо қилиш.
- Т а ж а л л и** — кўриниш, жилоланиш.
- Х и р о м** — чиройли юриш; жўнаб кетмоқ.
- Ш а в қ** — орзу, зўр ҳавас, қаттиқ интилиш.
- Ш а й д о** — севгидан девона бўлган, мафтун, оташин ошиқ, мухлис.
- Ш а ҳ р и ё р** — буюк, одил подшоҳ.
- Я л д о т у н и** — қишнинг энг қоронғу, энг узун кечаси.
- Қ а в м** — кишилар тўдаси, гуруҳи.
- А ж д о д** — арабча бобо сўзининг кўплиги—боболар дегани.
- Қ у р б а т** — яқинлик, етишиш, **Ҳаққа** етишиш.
- Ҳ а к и м** — 1. табиб; 2. файласуф, донишманд.
- Г у з а р** — кесиб ўтиладиган серқатнов жой; шаҳар ёки қишлоқ чорраҳасида чойхона, дўконлари бўлган гавжум, серқатнов, обод жой.
- Д и ё р** (ар.) — ин, уй, хона, манзил, ўлка.
- К е н т** — қатта қишлоқ, шаҳарча.
- М а ш р и қ** — кунчиқар, ўнг томон, шарқ.
- М а ғ р и б** — кунботар, чап томон, ғарб.

* * *

Баъзи уй ҳайвонларининг аталиши

Айғир — 3-4 ёшли эркак от.

Бия — урғочи от.

Ғўнон — 2 ёшли айғир ёки қўчқор.

Дўнон — 3 ёшга тўлиб, 4 ёшга ўтган от ёки туя ҳамда 2 ёшга тўлиб, 3 ёшга ўтган қўй-эчки.

Таллон — 1. 12 ёшли от; 2. Жуда қари мункиллаб қолган чол.

Тарлон — ола тарғил чавқар от.

Қулун — отнинг янги туғилган боласи.

Той — отнинг икки яшардан кичик боласи.

Тойлоқ — кичкина той, тойча.

Ёби — насли паст от.

Қирчанғи — қўтир, ориқ, кўримсиз, дирдов от.

Чубур — оддий хашаки от.

Байир — маҳаллий шароитга ўрганган жайдари от.

Қорабайир — бели текис ва кенг, кўпинча тўриқ ёки саман от.

Тўриқ — қора-қизил, тўқ тусли жийрон от.

Жийрон — қизғиш-малла от.

Саман — оч малла, сомон ранг от.

Бедов — учқур, ўйноқи от.

Тулпор — наслдор, чопқир, учқур от, арғумок.

Самантўриқ — саманга, маллага мойил рангли тўриқ от.

Хоса тулпор — боқилган, чиниққан, узоқ сафарларда юрган, пойгада пишган, наслдор от.

Бурул — холдор кўкиш от.

Чавқар — ола-була, қора холли, хол-хол от.

Йилқи — отлар подаси, галаси.

Уюр — ораларида бир айғири бўлган биялар тўдаси.

Жаллоб — туёқли молларни олиб сотувчи савдогар.

Аспжаллоб — фақат от, эшак, хачир олиб сотувчи савдогар.

Хачир — от билан эшакдан урчиган иш ҳайвони.

Ҳанғи — эркак эшак.

Моча — урғочи эшак.

Хўтик (курра) — эшакнинг боласи, ёш эшак.

Сигир — сут берувчи уй ҳайвони, урғочи қорамол.

Буқа — бичилмаган ёш эркак қорамол.

Хўкиз — икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қорамол.

Қўтос — ёввойи буқа, қора мол.

Говмиш — зотли, серсут сигир.

Новвос — 2-3 яшарли буқа.

Тана, танача — 1-2 ёшли урғочи бузоқ.

Тарғил — сарғиш ва қорамтир йўлли сигир, бузоқ.

Сўқим — сўйиш учун семиртирилган бўрдоқи қорамол.

Бўрдоқи — гўшт учун боқиб семиртирилган уй ҳайвони.

Туя (тева) — 1-2 ўрқачли, йирик сутэмизувчи иш ҳайвони.

Буғро — эркак туя.

Нор — бир ўрқачли эркак туя.

Моя (ноқа) — урғочи туя.

Лўк — боши кичикроқ, бўйни узун, бир ўркакчи катта, етакчи туя.
Ҳарвона — лўк туянинг урғочиси.
Бўта (бўталоқ) — туянинг боласи.
Норбачча, норча — туянинг боласи, бўта, бўталок; шўхроқ бўлади.
Эчки — сутэмизувчи урғочи эчки.
Така — эчкининг эркаги.
Серка — 1. бичилган эркак эчки, ахта така; 2. йўл бошловчи.
Дўнон — икки ёшга тўлиб, уч ёшга ўтган қўй-эчки.
Улоқ — эчкининг боласи.
Совлиқ — урғочи қўй.
Қўзичоқ, қўзи — қўйнинг боласи.
Сурув — қўй, эчки подаси.
Қуралай — кийик, охунинг ёш боласи.
Тўнеиз — 1. ёввойи чўчқа, қобон; 2. эркак чўчқа.
Мегажин — урғочи чўчқа.
Кучук — итнинг боласи; етилмаган ёш ит; кичикроқ ит *лайча, кўппак* ҳам дейилади.
Қанжиқ — 1. итнинг урғочиси; 2. сўкинч (бузук, фохиша).
Макиён — урғочи товук, қуш, парранда.
Хўроз — товук ва паррандаларнинг эркаги.
Бабақ хўроз — урушқоқ, жангари хўроз.
Дакан хўроз — бўйдор, гўштдор урушқоқ хўроз.
Дакан товук — бўйдор, гўштдор товук.
Жўжа — товук ва паррандаларнинг боласи.
Полпон — эндигина тухумдан ёриб чиққан парранда боласи.
Нару мода — қуш, парранда, балиқларнинг эркаги-урғочиси нару мода деб аталади.



Қадимги масофа, узунлик, сатҳ, оғирлик ўлчовлари, пул бирликлари ва улкан сонлар

Марҳала — ўрта асрлардаги масофа ўлчови. Бир кунлик карвон йўлини бир марҳала дейилган. От юришида 5—6 соатга мос келадиган йўл. Қарийб 25—30 километрга тенг келган.

Йиғоч — масофа ўлчови, 5985 метр, баъзи жойларда 8—9 километрга тенг.

Тош — масофа ўлчови, 8 чақиримга яқин, 8,5 километр атрофидаги масофа.

Фарсанг (фарсах) — масофа ўлчови, 6 километрга тенг.

Шаърий — масофа ўлчови, 2—3 километрга тенг.

Қуруҳ — масофа ўлчови, 2 километрга тенг.

Чақирим — масофа ўлчови; 1,06 километрга тенг.

Мил (денгиз мили) — 1852 метр, географик мил 7420 метр.

Аршин — узунлик ўлчови; 65,2 сантиметрдан 112 сантиметргача бўлган. Кўпинча 71 сантиметрга тенг бўлган ўлчов бирлиги.

Газ — узунлик ўлчови; 71—72 сантиметрга тенг.

Исбаъ (бармоқ) — 2 - 2,5 сантиметрга тенг.

Қари (тирсак) — қўл учидан тирсаккача бўлган узунлик ўлчов бирлиги; тахминан 45 сантиметрга тенг.

Шибр (қарич) — 22,5 сантиметрга тенг.

Зироъ — 75 сантиметрга тенг узунлик ўлчови.

Дюйм — собиқ Россия империяси ва ҳозирги Англияда 25,4 миллиметрга тенг узунлик ўлчови.

Суям — узунлик ўлчови; ёзилган ҳолдаги кўрсаткич бармоқ учигача бўлган узунлик ўлчови. 1 суям — 1 қарич, яъни тахминан 20—22 сантиметрга тенг бўлган.

Таноб — майдон ўлчови; турли ерларда турлича: бир гектарнинг олтидан биридан то ярим гектаргача бўлган.

Гектар — майдон ўлчови, 100×100 метр = 10000 м^2 га тенг; ёки 1 гектар 100 сотихга тенг.

Сотих, сотка — майдон ўлчови, $10 \times 10 = 100 \text{ м}^2$ га тенг.

Саржин (русча «сажен») — 1. уч газга, яъни 2,16 метрга тенг; 2. бўйи уч газ, баландлиги бир ярим газ, яъни $2,16 \times 1,08$ метрга тенг қилиб терилган палён ўтин ҳисоби, ўтин ўлчови; 3. пахсакашлар 2×1 метрлик урилган пахсани бир саржин деб ҳисоблайдилар.

Пўта — сатҳ ўлчови; кўнчилар ва косиблар терини ўлчашда қўллайдилар; 9,3 квадрат дециметрга тенг.

Тонна — 1000 килограмм ёки 10 центнер.

Центнер — 100 килограмм.

Килограмм — 1000 грамм.

Бир унция — 28,3495 грамм.

Ботмон — бир ботмон 7,5 пудга, ёки 120 килограммга тенг; турли ерларда турлича салмоқ оғирлигига — икки пуддан ўн бир пудгача тенг бўлган; шунингдек, тахминан 1 гектарга тенг сатҳ ўлчови ҳам бўлган.

Пуд — бир пуд 16 килограммга тенг.

Дорий — оғирлик ўлчов бирлиги. 8,42 граммлик олтин танга. 3000 дорий танга бир талантни ташкил этади. Бир талант 25,26 кг олтин тангага тенг бўлган. Искандар Зул-

Қарнайн замонларидан олдин, яъни мил. авв. V—IV асрларда қадимги Хоразмшоҳлар жуда бадавлат бўлганлар, улар Эрон шоҳларига йилига 300 талант, яъни 7,5 тонна, аниқроғи 7578 кг олтин билан ўлпон тўлаганлар. Бу 40 туяга юк бўлган.

Пайса — тахминан 50 граммга тенг оғирлик ўлчови; Бухоро амирлигида 5 тийинлик чақа пул.

Чирпит (русча «четверть») — 3 литрга яқин ҳажм ўлчови ва шу ҳажмдаги шиша идиш.

Бир барел нефть — (АҚШ) 158,987 дм. куб.

Бир бушел — (АҚШ) 35,2391 дм. куб.

Маҳак тоши — олтинни суртиб, тоза ёки сохталигини аниқлаб берадиган қора тош.

Пақир — 2 тийинлик чақа пул.

Мири — 5 тийинлик чақа пул.

Танга — Бухоро амирлигида 15, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул.

Сўлкавой (русча «целковый») — 1 сўмлик танга.

Червон — собиқ СССРда 1922-1947 йилларда муомалада бўлган 10 сўмлик пул.

<i>Минг</i>	— юзта ўн.	(3 та нол)
<i>Миллион</i>	— мингта минг.	(6 та нол)
<i>Миллиард</i>	— мингта миллион.	(9 та нол)
<i>Трилليون</i>	— мингта триллион.	(12 та нол)
<i>Квадриллион</i>	— мингта квадриллион.	(15 та нол)
<i>Квинтиллион</i>	— мингта квинтиллион.	(18 та нол)
<i>Секстиллион</i>	— мингта секстиллион.	(21 та нол)
<i>Септиллион</i>	— мингта септиллион.	(24 та нол)
<i>Октиллион</i>	— мингта октиллион.	(27 та нол)
<i>Нониллион</i>	— мингта нониллион.	(30 та нол)
<i>Дециллион</i>	— мингта дециллион.	(33 та нол)
<i>Ундециллион</i>	— мингта ундециллион.	(36 та нол)
<i>Дедециллион</i>	— мингта дедециллион.	(39 та нол)

2-илова

Қадимги замон табибларининг дориларни ўлчашда қўллаган ўлчов бирликлари

<u>Ўлчов номлари</u>	<u>Грамм</u>	<u>Ўлчов номлари</u>	<u>Грамм</u>
Арузза (гуруч дони)	0,017	Шаъира (арпа дони)	0,059
Боқилло — юноний	1,416	Қавосус (киаф)	44,625
Боқилло — исқандароний	2,124	Кирот (қийрот)	0,236
Боқилло — мисрий	2,823,	Қист (ксест) антолиқий	510,0
Бундуқа (фундук) ёки жилавза	4,25	Қист румий	566,66
Даврак	1020,0	Қист асал учун	850,0
Дирхам (дирам)	2,975	Қутулий (қотил)	208,25
Донақ (донаг)	0,495	Ғарамо ёки карама	0,743 — 0,990
Драхмий	4,25	Ҳабба	0,059 — 0,071

<u>Ўлчов номлари</u>	<u>Грамм</u>	<u>Ўлчов номлари</u>	<u>Грамм</u>
Жавза (ёнғок)	38,2	Ҳиммаса (нўхот дони)	0,25
Истор (осор)	17,00	Хуфна	17,00
Манн (минн)	680,0	Жарра	12240,0
Манн антоликий ва мисрий	476,0	Жарра кичиги	2040,0
Манн румий	595,0	Қайла	892,5
Масторун (кичик)	25,50	Қайлажа	1275,0
Масторун (катта)	89,25	Куз	1530,0
Матритус (метрет)	38380,0	Турмуса	0,472
Мискол	4,25	Уксубофун (оксибаф)	76,5
Оболо (арабча убулус)	0,708	Пайса	50,0
Ритл (ратл)	340,0	Қафиз	17000,0
Сукурража (ускурража)	106,25	Моша	1,98
Тассуж	0,14	Хардала (горчица дони)	0,00071
Уқия	29,75	Хус (ёғ учун)	3060,0
Харнуба	0,195	Хус (шароб учун)	3400,0
Тула	11,232	Хус (асал учун)	7990,0
Сир	74,24		
Жав	1,96		

Милъақа (қошиқ):

Қуруқ дорилар учун	7,225
Асал ва маъжунлар учун	17,00
Пайса —	50 гр.
Ёнғок —	38,25 гр.
Фундук —	3,186 гр.

Боқилло — мисрий асосан 2,823 гр., баъзан 2,832 гр. деб олинган.

Жавза ёнғок — асосан 38,2 гр., баъзан 17,00 гр. деб олинган.

Мискол — асосан 4,25 гр., баъзан 4,50 гр. ёки 4,64 гр. деб олинган.

Тассуж — асосан 0,14 гр., баъзан 0,18 гр. деб олинган.

Қадоқ — асосан 400 гр., баъзи жойларда 409,5 гр.

Соъ — бир соъ 8 қадоғу 16 мисколга ёки 3,88 килограммга тенг.

Чакса — 5,33 кг (3 чакса = 16 кг., яъни 1 пудга).

Микёл — 3,2 (8 қадоқ).

Манба: Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. II том, 770 ва V том 339-бетлар. «Фан» нашриёти, Тошкент, 1982, 1980).

Рўзғор ўлчовлари:

- Бир ош қошиқ суюқлик — 15 гр.
- 1 десерт қошиқ суюқлик — 10 гр.
- 1 чой қошиқ суюқлик — 5 гр.
- 1 киррадор стакан суюқлик — 200 мл.
- 1 мл сув — 20 томчи.

Қадимги замон табибларининг даволашда фойдаланган ўсимлик ва доривор моддаларнинг арабча, форсча, ўзбекча, русча номлари ва изоҳлари

Анбар — амбра. Анбар мумсимон хушбўй модда бўлиб, Ҳинд ва Тинч океани қирғоқларида учрайди. У денгиз кашалотининг ичагида пайдо бўладиган модда бўлиб, парфюмерия sanoатида ишлатилади.

Анзарут — халқ орасида у «анзираги гўштхўр» дейилади. Астрагал (кийикпанжа) ўсимлигидан олинадиган елим. Гўштни ўстирувчи, йўқотувчи деб аталган. У яралардаги чириган, ортиқча этларни еб йўқотади ва янги гўшт пайдо қилади.

Афтимун — девпечак — повилика.

Ақоқиё — араб акациясининг шираси — сок или камедь аравийской акации.

Баласон — бальзам ёғочи, бальзам дарахти — бальзамовое дерево.

Баранг — кобул баранги — эмбели.

Бийданжир — канакунжит — клещевина обыкновенная. Унинг ёғи (касторовое масло) hozirgi замон тиббиётида ҳам кенг қўлланилади.

Бобуна — мойчечак — ромашка.

Бодиён — арпабодиён, оқзира — фенхель.

Бозранжбуя — лимонўт — мелисса лекарственная.

Бураи арманий — арман бураси — армянская бура.

Боқла — боқилло — бобы конские.

Гандано — порей пиёзи — лук порей.

Гулнор — аноргули — цветок гранатника.

Дармана — ших — полынь цитварная.

Долчин — иссиқ мамлакатларда ўсадиган дарахт қобиғи, пўсти. Шарқ табобатида кенг қўлланилган — корица.

Дорфулфул ёки филфилдароз — узун мурч — перец длинный.

Жавзи бавво ёки жавзи бун — мускат ёнғоғи — орех мускатный.

Жавзи қайт (кучала) — кустурувчи ёнғоқ — рвотный орех, чилибуха (стрихнин олинади)

Жантиёно — гентиана илдизи — горечавка.

Зайтун ёки зайт — зайтун ёғи — оливковое масло.

Занжабил — имбирь.

Зарорих — олакуланг — шпанские мушки.

Зибад ал-бахр — «денгиз кўпиғи» — внутренняя раковина каракатицы, алкион Диоскорида.

Зуфо — ҳиссоп — иссон обыкновенный.

Испаеул — қорниёриқ — подорожник блошный.

Кангар — чўл, қумликларда ўсадиган шифобахш тиконли ўсимлик. Унинг елими ҳам табобатда ишлатилади — артишок.

Каранфул — қалампирмунчок — гвоздика.

Карафс — петрушка — сельдерей.

Ковул — кабар — каперси.

Кофур — камфара.

Кундур — ладан ўсимлигидан олинадиган смола.

Куст — костус. Бу ўсимликнинг асосан мойи ишлатилади.

Лисон ас-савр — говзабон, хўкиз тили — воловик.

Лодан — ладан.

Маҳмуда — дарахт елими. Табобатда кенг қўлланилади — скаммоний.

Меҳригийёҳ (узун ал-химар) — оносма щетинистая.

Миск — мушк. Эркак кабарга кийигининг мушк безларидан олинадиган ўткир хидли модда.

Мози — афс — галли.

Момирон — қончўп — чистотел большой.

Музаъфар (Заъфарон) — шафран. Музаъфар кўшиб тайёрланадиган палов. Заъфаронли палов Шарқда жуда машҳур бўлган. Бу палов ҳам шифобахш бўлиб, кишини хурсанд қилади, ғамларни йўқотади. Чунки заъфарон хурсанд қилувчи кучга эга. Бирок, табибларнинг ёзишича, ундан ортиқча истеъмол қилган киши тинимсиз кулаверишдан ўлиши ҳам мумкин экан.

Мурдорсанг — ўлик ёки ифлос тош дегани. Глет (окись свинца), яъни кўрғошиннинг куйдирилгани.

Мурмакий — мирра, Яманда ўсадиган дарахт елими.

Муртак — куйдирилган кўрғошин — окись свинца.

Мухаллиса — мухаллис — норичник цельнолистный.

Норанж — норанг — померанец.

Омала — миробалан турига кирувчи дарахт меваси — миробаланы.

Оқ ва қизил баҳман — баҳман белый и баҳман красный.

Сабр — сабур — алой.

Савринжон — безвременник.

Сакбинаж — Эрон кавраги — сагапен.

Салиха — Цейлон долчини — корица цейлонская.

Самеи арабий — араб акациясининг елими — камедь аравийской акации. Табобатда кенг қўлланилган. Бу елим у топилмаганда ўрнига олча елими ишлатилган.

Сандал — сандал дарахти — сандаловое дерево.

Сақамуниё — скаммоний.

Сумоқ — татин ёки тотим — сумах. Дарахт меваси, ошловчи моддаси бор, овқатларга ҳам солинади.

Сунбул — сумбул, нард, чуфтофарид, саълаб — смолоносница, унинг турлари кўп. (Ятрышник ложнорыхлоцветковый)

Тамар ҳиндий — ҳинд хурмоси — тамаринд.

Тийни арманий — арман лойи — армянская глина.

Тезоб — азот кислотаси — азотная кислота.

Тотим — сумоқ — сумах дубильный.

Тўтиё — кимёвий модда. Мис купоросини куйдириб тайёрланади. Кўпинча кўзни даволаш учун ишлатилади. Тутия.

Тўқай пиёзи — денгиз пиёзи, анзур — унсал — морской лук.

Уд — алой дарахти — алойное дерево.

Уди салиб — пион гул, салла гул — пионы лекарственные.

Унноб, уноби — жилонжийда.

Унсал — денгиз пиёзи — морской лук.

Ушшақ — каврак елими — аммонияк смола.

Фарфиюн — млечный сок евфорбия.

Хавлинжон — галанга.

Хасс — коху — салат, латук.

Харшаф — кангар — артишок.

Хилтит — ангуза, сассиққаврак елими — камедь ферули вонючей.

Цитрон — турунж ёки утруж.

Шоҳтара ёки шоҳтараж — шоҳтара — дымянка.

Қанбал — камала. Ҳиндистонда ўсадиган бир дарахт меваларида ҳосил бўладиган порошокка ўхшаш қизил модда.

Қоқула — ҳил — кардамон.

Ғориқун — дарахт пўкаги — агарик.

Ҳайй ал-олам —ҳамишабахор — живучка.

Ҳалила — мирабалан деган дарахт меваси — миробаланы.

Ҳанзал — Абу жаҳл тарвузи, аччиқ тарвуз — колоквинт, переступень.

Ҳардал — қичи — горчица.

Ибн Синонинг ёзишича, нонни бир кеча тургандан сўнг ейиш керак. Гўштни эса икки кундан кейин истеъмол қилиш, сувни уч кундан сўнг ичиш керак экан.

Табобатда тўрт хил мизож (халқ орасида «мижоз» деб талаффуз қилинади) бор: иссиқ, совуқ, ҳўл, қуруқ. Яна оралиқ мизожлар ҳам мавжуд: ҳўл-иссиқ, қуруқ-иссиқ, ҳўл-совуқ, қуруқ-совуқ. Уларнинг ҳар бири яна I, II, III, IV даражаларга бўлинади.

Табобатда бундан ташқари яна хилт деган нарса ҳам бор. Жолинус (Гален)нинг назариясига биноан одам гавдасининг дастлабки унсурларидан пайдо бўлган асосий суюқликларнинг таркибий қисмига айтилади. Булар — қон, балғам, сафро ва савдо.

Табиат ҳам тўрт унсурдан (элемент)дан ташкил топган: тупроқ, сув, олов ва шамол.

Инсон касалликка чалинганда, ўзидаги ана шу тўрт хилтнинг мувозанати ва сифати бузилади, улардан бири ё ортиб кетади, ёки камайиб кетади. Табиблар касални даволаганларида, кишининг мизожи ва хилтларни албатта ҳисобга олганлар.

Ўсимлик ва дориворлар номи ва уларнинг изоҳлари эски — Ибн Сино услуби бўйича дори тайёрламоқчи бўлган ва табибликка қизиққанларга асқотиб қолар деган мақсадда, маълумот учун келтирдик.

Доривор моддалар номи Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг II жилди, Берунийнинг IV жилдига асосланган «Табобат дурдоналари» китобидан олинди (Тошкент, «Ибн Сино» номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993).

Шундай қилиб, иккинчи китоб ҳам поёнига етди. Бу китобни диққат билан ўқиб, тушунган кишини буюк ва шуҳратли **Тангри таолонинг Ўзи** ярлақасин, билиб-билмай қилган гуноҳларини **Ўз** даргоҳида кечирсин.

Хурматли суҳбатдош!

Ана энди барча билимлар пойдевори бўлган дастлабки диний, фалсафий, маърифий билимларга эга бўлдингиз ва келгуси суҳбатимизга тайёр бўлиб қолдингиз.

Худо хоҳласа, учинчи китоб саҳифаларида учрашгунча хайр, омон бўлинг!

Иккинчи китоб тугади.



Маҳкам сол доимо бино асосин, Бинонинг соқчиси унинг асоси.

Абу Абдуллоҳ Рудакий
(Ш. Шомухамедов таржимаси)

Ҳурматли ўқувчим! 2000 йил 6 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов жаноблари Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳида файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар иштирокида республикамизда мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда катта нутқ сўзлаб, олимларимизни кечиктириб бўлмайдиган энг долзарб масала, яъни ёш, эндигина тетапоя қилиб келаётган республикамизда қандай миллий мафкура бўлиши кераклиги, келажакка қандай пойдевор қўйишимиз лозимлиги ҳақида фикр юритишга вазифалантирдилар.

Ҳурматли Президентимизнинг жон куйдириб қилган бу мурожаатномалари бу борада амалга оширажак ишларимизга барчамизни ҳаракатлантирувчи дастурамал бўлди.

Юртбошимиз миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи мамлакатимиз истиқболи, келажакни белгилашда жуда муҳим омил эканлигини таъкидлаб, уни ишлаб чиқишда қуйидаги етти тамойилга асосланиш лозимлигини уқтириб ўтдилар:

1. Ўзининг келажакни кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат, жамият албатта ўзининг миллий ғоясига суяниши ва таяниши керак.

Давлат тизими, уни бошқариш ва сиёсат албатта аниқ ва равшан ифодаланган маълум бир мафкурага асосланиб қурилмоғи лозим. Чунки ўзининг миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга юз тутиб, ўз йўлини йўқотиб қўйиши мумкин.

2. Биз эски мустабид тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш даврида яшаётган бугунги кунда, халқимиз ўзига хос, катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши ва бу жараён катта курашлар орқали кечишини англамоғимиз лозим.

Халқимиз ва жамиятимизни янги истиқболли марралар томон етаклашда аввало танлаб олинган, чуқур ва пухта ишланган мафкура бош рол ўйнаши керак.

3. Ёшларимизни қандай ғоя ва мафкура билан тарбияламоқ ва эзгу мақсадларга қандай мафкура ва тафаккур асосида боришни англаб олмоқ керак.

4. Тарбиявий, ахлоқий масалаларда ва маънавий ҳаётда миллий мафкурамизга мос келадиган сиёсатни олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмай, ғоявий бўшлиққа йўл қўймасдан, сохта ғоялар орқасидан тентираб, эргашиб кетаётган ёшларимизга янгича миллий мафкура ва миллий ғояларни сингдириб бормоқ керак.

5. Яратиладиган миллий ғоя миллатимизнинг ўзлигини англашга, ўзининг йўқолаётган миллий қадриятларини, урф-одатларини тиклаб, эъзозлаб, янги ўсиб келаётган авлодга етказиш учун хизмат қилмоғи лозим.

6. Янги яратиладиган миллий ғоя, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, миллий қадриятларига таянган ҳолда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

7. Миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги керак ва у жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларнинг бир-бири билан курашуви, баҳслашувига, ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Шу билан бирга, миллий ғоя, мафкура давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши, равақ топишига, келажак буюк давлат барпо этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоғи шарт.

Янги ишлаб чиқиладиган миллий ғоя ва мафкура Президентимиз белгилаб берган ана шу етти негиз — қондага асосан олиб борилиши кераклиги республикамиздаги барча зиёли, олимларга дастурамал бўлди.

Буни амалга ошириш учун бугунги эски сиёсий тизимдан янги сиёсий тизимга ўтиш

даврида эскича қарашлар, тоталитар тузумдан мерос бўлиб қолган мутелик, бефарқлик, боқимандалик, ўринсиз андиша каби асоратлардан тезроқ қутулиш, эркин фикрлашга ривож бериш орқали тафаккурни янгилаш ва ўзгартириш жараёнини тезлаштириш лозимлигини Президентимиз айтиб ўтдилар.

Шунингдек, юртбошимиз бу мақсадларни амалга оширишда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, зиёлилар билан дин вакиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, узоқ ўтмишимизни, аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб қилишни янги босқичга кўтариш, бу борадаги тадқиқот, фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, яхлит бир илмий концепция ҳолига келтириш зарурлигини таъкидладилар.

Улкан маънавиятимизни ташкил этувчи асосий йирик масалалардан бири жаҳон динлари ва фалсафий билимлари билан танишиш, уларни ўрганиш, ислом маданияти ва ахлоқи муаммолари ҳамда улуғ файласуфларнинг олам, ҳаёт, инсоният, бахт-саодат ҳақидаги фикрларини атрофлича чуқур тадқиқ қилиш ўзлигимизга қайтилаётган ҳозирги даврда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ушбу соҳада омманинг тушунча ва билимлари етишмаётганлиги боис, маълум бир бўшлиқ ҳосил бўлдики, бундан динимиз ва давлатимиз душманлари устамонлик билан фойдалана бошладилар. Ҳозирги пайтда улар айтиб ўтилган бўшлиқни тўлдириш қасдида, турли диний оқимлар — «Ваҳҳобийлик», «Ҳизб ут-таҳрир», «Ҳизбуллоҳ», «Ихвон», «Акрамия», «Баҳоия», «Кодиёния» ва бошқа диний уюшма ҳамда фирқаларни халққа гижгижлаб, мақсади ақидапарастлик, бузғунчилик, зараркунандалик бўлган ҳар хил террористик-экстремистик ҳаракатларни бошладилар ва, ниҳоят, 1999- йил 16- февраль куни «қонли сешанба» воқеаларини уюштирдилар.

Бу каби оқимга мансублар халқимиз онгини заҳарлаб, тараққиётни орқага тортувчи, давлат бошқарувида ўз тарихий вазифаси ва даврини ўтаб бўлган халифалиқни тиклаш ғоясини сингдирмоқ қасдида ҳаракат қилмоқдалар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг муборак ҳадисларида: **«Мендан кейин халифалиқ 30 йил давом этади, ундан кейин эса халифалиқ салтанатга — подшоҳликка айланади»**, деб башорат қилганлар. Расулуллоҳнинг бу башоратлари тасдиқланди ва, дарҳақиқат, «хулафои рошидин» (тўғри йўлдан борган халифалар — ҳазрат Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва имом Ҳасанлар)дан кейин Умавийлар сулоласи ҳукмронлиги давларидан Араб халифалиги салтанатга — подшоҳликка бирлаштирилиб, диний ва дунёвий ишлар ягона ҳукмдорнинг қаламравида мужассамланди. Кейин эса, 1924-йилдан бошлаб, халифалиқ умуман тугатилиб, диний ишлар алоҳида, давлат ишлари алоҳида юритиладиган бўлди. Ҳар бир давлатда диний ишларга раҳбарлик қилиш суннийларда — муфтий, шиъаларда — шайхулислом лавозимидаги руҳонийларга юклатилди. Чунки бу ҳам давр талаби, ҳам тараққиёт талаби эди. Бу билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ.

Диний экстремистик уюшмаларнинг «халифалиқни қайта тиклаш» ғояси, даъвати умуман амалга ошириб бўлмайдиган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий томондан халққа фақат зарар келтирадиган, тараққиётни орқага тортадиган қарашдир. Бундайларнинг асл мақсадлари шу баҳонада ҳокимиятни қўлга олишдан иборат бўлиб, аслида сиёсий хомтамаликдан бошқа нарса эмас. Бу кабиларнинг мақсади динни ислоҳ қилиш, уни пайғамбаримиз давридаги асл ҳолатига қайтариш, яъни давлатни бошқаришда халифалиқ усулига қайтариш ниқоби остида халқни алдаб, йўлдан уриб, давлатни, ҳокимиятни эгаллаб олишдир.

Динни сиёсатлаштириб, обрўсини тўкишга уриниш эса, ёвузлик ва хоинликдир.

Шундай қилиб, бирлаштирилган диний ва дунёвий ҳокимият, яъни халифалиқ (теократия) ўзининг тарихий даврини аллақачон яшаб бўлган, ҳозирги тараққиёт даврига мутлақо тўғри келмайдиган бошқарув усулидир. Буни ҳар бир зиёли киши тўғри тушунмоғи ва ҳис этмоғи лозимдир.

Дин ўз ишини, давлат ўз ишини қилиши, улар бир-бирларининг ишларига аралашмасликлари, тўғрироғи, ҳалал бермасликлари, балки келишиб иш олиб боришлари керак. Мусулмонлар иймоннинг етти талабига риоя қилган ҳолда исломнинг беш рукни (иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж)ни сидқидилдан адо этиб юрсалар, бир-бирларининг мазҳабий эътиқодларига аралашмай тинч-тотув яшасалар, ана шу тўғри йўл бўлган бўлур эди.

Диний ишлар, масалалар, муаммоларни ҳал этиш, тартибга солиш саводлари ноқис, чаламуллалар иши эмас, балки дин билимдонлари — уламолар, мужтахидлар, муфтий, шайхулислом, қолаверса расмий имом-хатиблар зиммасидаги вазифалардир.

Диний маросимларни адо этиш, эътиқод масалалари, ҳам Конституциямизда, ҳам амалда кенг ёритилган ва тартибга солинган. Хоҳлаган жойимизда, хоҳлаган масжидимизда намо-зимизни ўқийверамиз, ҳеч ким тақиқламаган ва тақиқламайди ҳам.

Аммо, шунинг билан бирга, ҳар бир ишда маълум бир тартиб, интизом, қонун-қоида бўлиши керак. «Демократия» экан деб ҳамма хоҳлаган ишларини қилавериши тартибсизликлар, бошбошдоқликлар келтириб чиқарадики, бу ишлар ҳеч ерда, ҳеч қачон яхшиликка олиб борган эмас. Бу борада буюк мутафаккир, файласуф, қомусий олим Аристотелнинг: «*Ҳаддан ташқари демократия, айниган демократиядир*», деган таъкиди айниқса диққатга сазовордир.

Диний экстремистик оқимлар ва уларга ўзларининг билимсизликлари оқибатида кўр-кўрона эргашаётганларни тўғри йўлга солмоқ, ҳақиқатни англатмоқ учун, динлар, уларнинг келиб чиқиши, мақсади, аҳамияти, ҳаёт, туғилиш, ўлим, инсонлар бахтли яшамоклари ҳақидаги турли фалсафий фикрлар ва билимлар танқислигини ҳисобга олган ҳолда ушбу асар ёзилди. Асар ҳар кимни мустақил фикрлаш, хулосалар чиқаришга ундайди.

Ер юзида бирор-бир халқ, давлат, тузум ва мафкура бир-бирига айнан ўхшамайди. Шунинг учун ҳам биз янги жамият қуриш, ўзига хос янгича мафкура яратиш ишларини бошқа давлатлардан андоза олмай, нусха кўчирмай, уларга эргашмай, ўзимизнинг бетак-рор миллий урф-одатларимиз, удумларимиз, маънавият ва қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда амалга оширсак, нур устига аъло нур бўлур эди.

Муҳтарам ўқувчим! Бундай эзгу ишга ҳар бир виждонли киши ўзининг маълум ҳисса-сини қўшмоғи керак. Менимча, ҳозирги ёшларга кўпроқ ота-оналари оилада китоб муролаа қилиш маданиятини ўргатишлари зарур. Қизларимиз, ўғилларимиз қанча кўп кигоб ўқишса, шунча кўп ҳаётни ўрганишади. Киши қанча кўп ўқиса, шунча кўп нарсани билмаслигини ҳис қилади ва билимга интилиб кетаверади.

Азизлар, ҳаёт номли буюк неъмат инсонга бир марта берилади. Сизлар қанча кўп китоб мутолаа қилсангиз, юртимизнинг бой маданий меросини ўргансангиз, миллатимизнинг ҳақиқий фарзандига айланасиз. Сиз олим ёки буюк ёзувчи, шоир бўлмаслигингиз мумкин. Лекин ўз ор-номусини пок сақлайдиган, ўзгалар ҳақидан ҳазар қиладиган, ўз фарзандларига ниманидир ўргата оладиган баркамол инсонлар бўлиб етишасиз. Аммо, шу билан бирга, ишонаманки, вақт-соати келиб, орангиздан ўзбек халқининг буюк сиймолари етишиб чиқажак.

Қўлингиздаги китоб олиму уламоларнинг халқимиз учун қиладиган эзгу ишларида озгина бўлса ҳам наф келтирса, ёшларимизда эзгу хислатларни шакллантиришда маълум бир ҳисса қўшса, ўзимни бахтиёр ҳис қилган бўлур эдим.

Азиз суҳбатдошим!

Мана, ҳаётни билиш, инсон ўзига берилган қисқа умри давомида қандай яшамоғи кераклиги, бахт-саодатга эришмоғи учун зарур бўлган билимлар пойдевори — диний ва фалсафий илмлар ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлдингиз.

Баъзилар ҳаётда нима учун бахт-саодатга эришадилар-у, баъзилар кўп қоқиладилар, деган саволга ушбу китобни диққат билан ўқиган одам жавоб топиши аниқ. Ҳар ким хулосани ўзи чиқаради.

Ҳурматли китобхон!

Мазкур китобнинг биринчи ва иккинчи нашри юзасидан кўп фикр-мулоҳазалар олинди. Китобхонларнинг аксарияти мамнуният билан бу китоб авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдириладиган китоб экан, унинг шарофатидан Қуръони каримни қўлга олиб ўқишни бошлаб юбордик, чунки бу китоб Қуръон оятларини тушуниб етишимизга йўл очди ҳамда бизни ҳидоят, сари бошлади, маънавий қадриятларимизни ҳис этиб англаб етишимизга сабаб бўлди, деган фикрни билдирдилар.

Уларнинг бу мулоҳазаларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, киши ўзининг насл авлодларини сақлаб қолиш табиий зарурияти, инстинкти (ҳис-туйғуси) билан мenden кейин авлодларим қийналиб қолмасинлар деб, ҳамда иккинчи томондан, ўзининг номини ҳам бардавомлигини таъминлаш мақсадида, умр бўйи ўзларини ўққа-чўққа уриб машаққатлар билан бойлик тўплаб, уй-жой, иморатлар қуриб, мол ва пуллар йиғиб азиз фарзандларига мерос қилиб қолдирадилар.

Бу иш меъёрида бўлса — яхши, аммо шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, бундай кўринишдаги меросларнинг узоққа бормаслигини, нари борса 4—5- авлодлари ёдидан кўтарилиб кетишини ҳам унутмаслик керак. Қолаверса, биз ризқ еювчимиз, берувчи эмас. Аллоҳнинг ишини гарданимизга олишимиз тўғри эмас. Барча махлуқотларга ризқ берувчи буюк фазл эгаси, қудрати бекиёс, танҳо Аллоҳ таолодир.

Ана шу ҳақиқатларга таяниб, ҳар бир оила бошлиғи Куръони каримнинг ўзбекча таржимаси ва қўлингиздаги мазкур китобга бағишлов хати ёзиб, ўзининг ҳар бир фарзандига эсдалик, мерос қилиб қолдирса, авлодларининг маънавий баркамоллигини ва ўзининг номини барқарорлигини асрлар бўйи таъминлаган бўлур эдилар, деган таклифни ўртага ташлашга журъат этдик.

Мухтарам суҳбатдош ! Агар Сизга қўлингиздаги китоб маъқул келган ва фойдаси теккан бўлса, ҳаққимга дуо қилиб турсангиз, тирик бўлсам ўзим, раҳматлик бўлиб кетган бўлсам руҳим беҳад шод бўлган бўлур эди.


Сизни эса **Аллоҳ** суюнтирсин !

Мазкур китобнинг Аллоҳ таоло инояти билан дунёга келишида ўзларининг қимматли маслаҳат ва бегараз ёрдамларини аямаган ҳурматли шайх Абдулазиз Мансурга, академик Алибек Рустамовга, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловга, фалсафа фанлари доктори, профессор Исмоил Саифназаровга, Ўзбекистон Мусулмонлари Идораси маслаҳатчиси Шарафуддин Мирмаҳмудовга, ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси раисининг собиқ биринчи муовини марҳум Ҳожиакбар Шайховга, Филология фанлари номзоди Маҳкам Маҳмудовга, ҳурматли синглимиз Раънохон Қобуловага, Тошкент шаҳар, «Ат-Термизий» жомеъ масжидининг собиқ имом-хатиби марҳум Салоҳиддин қори Муҳитдиновга, Тошкент шаҳар «Мунаввар қори» жомеъ масжидининг имом-хатиби Қосимқори Муллабоевга, адабий муҳаррир Барнобек Эшпўлатовга, «Мовароуннаҳр» нашриёти директори Юсуфжон Маҳмудовга ҳамда ҳурматли, қадрдон укамиз Собиржонга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

Эй Аллоҳ !

Мазкур китобни дунёга келишига ўз ҳиссаларини қўшган бу бандаларингни соғу саломат, умрларини узоқ, пиру бадавлат қилгин ва эзгу ниятларини рўёбга чиқаргин !

Омийн, Аллоҳу Акбар !



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Ушбу китоб муаллифи Абдулхай Абдурахмон ўгли Абдурахмонов 1943 йил 2 октябрда Тошкент шахрининг Кўкча даҳасида дунёга келган, Саъдихон тўра авлодларидан. Отаси Абдурахмон Саъдихонтўра ўгли ва онаси Хайринисо Қайумбек қизи ҳамда опалари: Турдихон, Саодатхон, Ойишахон, акалари: Абдухамид, Абдуҳалим. Отаси — 1953, онаси — 1970, акалари: Абдуҳамид — 1974, Абдуҳалим — 1996, онаси Саодатхон 1994 йилда Тошкент шаҳрида вафот этганлар.

Абдулхай меҳнат фаолиятини жуда эрта, 15 ёшидан бошлади. Ўқишни кечки мактабда тамомлаб, 1969 йилда Тошкент Халқ хўжалик институтини битирган, касби иқтисодчи, ҳисобчи. У аввал турли ташкилот ва муассасаларда ишчи, бухгалтер, иқтисодчи бўлиб ишлаб, кейинги йилларда Ўзбекистон вазирликларида масъул ходим, раҳбар, 1970 йилдан то 1992 йилгача Республика матлубот кооперацияси уюшмаси — «Ўзбекбирлашув» бошқарув идорасида бўлим, бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаб келган. Шундан то 2000-йилгача ўзининг хусусий фирмасида раҳбар бўлиб ишлаган. Меҳнат фахрийси. Ҳозир у нафақада, ижодий ишлар билан машғул.

Оиласи — хотини Соҳиба хоним, қизи Барнохон, куёви Элдор ва набиралари Дилшодбек, Дилмуродбек ва Шириноўлардан иборат.

Аллоҳнинг хоҳиши билан, ҳаётини тажрибалари ва мустақил олган илмлари асосида кўлингиздаги китоб дунёга келди.

Ушбу асар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700042, Тошкент шаҳар, Шайхонтахур тумани, Кўнчилар кўчаси, 42.

Тел. 42-43-96.



Муаллиф ўз оиласи даврасида (2002 йил)

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони карим. Абдулазиз Мансур таржимаси. Т.: Тошкент Ислон Университети нашриёти. 2001.
2. Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. Т.: «Чўлпон», 1992.
3. Қуръони карим. Алоуддин Мансур тарж. Бишкек, «Қуръони каримни ўрганиш илмий маркази», 2001.
4. Ал-Қуръон ул-карим. Таржимон ва тафсирчи Олтинхон тўра. Т.: «Ғафур Ғулом» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
5. Коран. Перевод Крачковского И.Ю. М.: «Маджесс», 1990.
6. Коран. Перевод с арабского и комментарий М.-Н.О. Османова. М.: Научно-издательский центр «Ладомир», 1999.
7. Коран. Перевод смыслов и комментарий Иман Валерии Пороховой. Дамаск- Москва, Просветительский Центр «Аль Фуркан», 1995.
8. Священный Коран. Поэтический перевод Т.А. Шумовского. Москва—Санкт-Петербург, «Диля», 2001.
9. Аль-Мунтахаб фи Тафсир аль-Қуръан аль-Карим (Священный Коран). Перевод с арабского А.Сабинова. Бишкек, 2002.
10. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис («Ал-Жомий ас-Саҳийҳ»). 1-жилд. Таржимон З.Исмоилов. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
11. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис («Ал-Жомий ас-Саҳийҳ»). 2-жилд. Таржимон М.Набиҳонов ва Б.Набиҳонов. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
12. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис («Ал-Жомий ас-Саҳийҳ»). 3-жилд. Таржимон Р.Қосимов ва Б.Набиҳонов. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
13. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий*. Ҳадис («Ал-Жомий ас-Саҳийҳ»). 4-жилд. Таржимон Абдулғани Абдуллоҳ ўғли. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997.
14. *Абу Ййсо ат-Термизий*. Саҳиҳи Термизий. Абдулғани Абдуллоҳ ўғли таржимаси. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
15. *Абу Ййсо ат-Термизий*. Сунани Термизий. 1-жилд. Мирзо Кенжабек таржимаси. Т.: «Адолат», 1999.
16. *Абу Ййсо ат-Термизий*. Шамоили Муҳаммадия. Саййид Маҳмуд Тарозий таржимаси. Т.: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, 1991.
17. *Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. Тафсири ҳилол. 1—30 поралар.
18. *Абу Ййсо ат-Термизий*. Аш-шамоил ан-Набавия. У.Уватов таржимаси. Т.: «Чўлпон», 1993.
19. *Усмон Кески ўғли*. Ҳазрат Пайғамбар ҳаёти. Иброим Йўлдош Жўрабой ўғли таржимаси. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
20. *Зоҳидхон Қодир Отахон ўғли*. Пайғамбарлар қиссаси. Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1993.
21. *Ризоуддин ибн Фаҳруддин*. Муҳаммад пайғамбар тарихи. Саидбек Ҳасан тарж. Т.: «Ёзувчи». 1993.
22. *Ризоуддин ибн Фаҳруддин*. Насиҳат. Т.Зиёев таржимаси. Т.: «Чўлпон». 1993.
23. *Ризоуддин ибн Фаҳруддин*. Хулафои рошидин. Т.: Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, 1992.
24. *Абдуллоҳ Авлоний*. Мухтасари тарихи анбиё (ва тарихи ислон). Т.: «Фан». 1994.
25. *Абдурауф Фитрат*. Мухтасар ислон тарихи. Т.: «Нур». 1992.
26. *Ҳамидулла Кароматов*. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. Т.: «Ғафур Ғулом». 1998.
27. *Абдусодиқ Ирисов*. Чаҳорёрлар. Т.: «Фан». 1993.
28. *Абдурахмон Рағфат ал-Бошо*. Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар. Д.Анорбоев таржимаси. Т.: «Қатор-тол-Камолот». 1998.
29. *Абдурахмон Рағфат ал-Бошо*. Пайғамбарнинг ўн саҳобаси. Д.Анорбоев таржимаси. Т.: «Чўлпон». 1996.

30. *Носируддин Бурҳонуддин Рабеузӣ*. Қисаси Рабғузӣ. I—II китоблар. Юсуфхон Шокиров таржимаси. Т.: «Ёзувчи». 1990—1991.
31. *Муҳаммад Хузарӣ*. Нур ул-яқин. Э.Усмон таржимаси. Т.: «Чўлпон-Камалак». 1992.
32. *Закои Қўнрапа*. Пайғамбаримиз ва ашаран мубашара. I китоб. А.Холмуродов таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 1995.
33. *Закои Қўнрапа*. Ҳазрати Пайғамбаримиз ва Исломи дини. II китоб. А.Холмуродов таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 1996.
34. *Закои Қўнрапа*. Алвидо, дунё! Ассалом, охират! III китоб. А.Холмуродов таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 1996.
35. *Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушхонавий*. Жомиъ ул-мутун. М.Кенжабеков таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 2000.
36. *Низомулмулк*. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Шодмон Воҳид Хусайнзода ва Афтондил Эркинов таржималари. Т.: «Адолат». 1997.
37. *С.Ҳасанов*. Исломи дини асослари. Т.: «Внешторгиздат». 1991.
38. Биз нега мусулмон бўлдик. Муҳаммад Зариф Ҳикматзода таржимаси. Т.: «Қатортол-Камолот». 1997.
39. *Жалолиддин Румӣ*. Маънавий маснавий. Асқар Маҳкам таржимаси. Т.: «Шарқ» НМАКБТ. 1999.
40. *Убайдулла Уватов*. Муслим ибн ал-Ҳажжож. Т.: «Абдулла Қодирий». 1995.
41. *Саййид Маҳмуд Тарозӣ-Олтинхонтўра*. Риёз ус-Солиҳин (Яхшилар гулшани). Т.: «Камалак». 1991.
42. *Сайф уз-Зафар Навбаҳорӣ*. Дурр ул-мажолис. Таржимонлар: Ҳ. Бобобеков ва М.Ҳасаний. Т.: «Мерос», 1992.
43. *Абдулазиз Мансур, Баҳманёр Шокир*. Мусулмонликдан илк сабоқлар. Т.: «Камалак». 1992.
44. *Абдулазиз Мансур*. Гуноҳи кабиралар. Т.: «Мовароуннаҳр». 1995.
45. *Муҳаммад Закариё*. Фазоил ул-аъмол. Йўлдош Саид Аъло таржимаси. Т.: «Чўлпон». 1993.
46. *Абдурашидхожи Дадаев*. Бадойиъ ур-ривоёт. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасан. Т.: «Ёзувчи». 1991.
47. *Меҳмет Сўймен*. Исломи дини асослари ҳақида. Бердак Юсуф таржимаси. Т.: «Ўзбекистон». 1993.
48. *Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавӣ*. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди. I—II жилдлар. Мирза Кенжабек таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 1998.
49. *Аҳмад Ҳодӣ Мақсудӣ*. Шаръий ҳукмлар тўплами. Фулом Мирзаяъқуб таржимаси. Т.: «Шарқ». 1990.
50. *Аҳмад Ҳодӣ Мақсудӣ*. Ибодати исломия. М.Ҳакимжонов ва М.Қосимов таржималари. Т.: «Меҳнат». 1992.
51. *Алихонтўра Соғунӣ*. Тарихи Муҳаммадий. Т.: «Мовароуннаҳр». 1997.
52. *Холуқ Нурбоқӣ*. Қуръони каримнинг илмий мўъжизалари. Мирзаазиз Аъзам таржимаси. Т.: «Адолат». 1999.
53. *Шарафиддин Роқимӣ*. Тарихи томм. Ҳ. Бобобеков ва Н.Норкулов таржималари. Т.: «Маънавият». 1998.
54. *Нажмиддин Комилов*. Тасаввуф. 1-китоб. Т.: «Ёзувчи». 1996.
55. *Нажмиддин Комилов*. Тасаввуф. 2-китоб. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти, «Ўзбекистон». 1999.
56. *Маҳмуд Асъад Жўшон*. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Н. Ҳасан таржимаси. Т.: «Чўлпон». 1998.
57. *Усмон Турар*. Тасаввуф тарихи. Нодирхон Ҳасан таржимаси. Т.: «Истиқлол». 1999.
58. *Эрнст Карл*. Суфизм. Перевод с английского А.Горькавого. Москва. «Фаир-Пресс» 2002.
59. *Муҳаммад Сиддиқ Рушдӣ*. Фавсул Аъзам. Нашрга тайёрловчи Икромиддин Останакул Оққўргонӣ. Т.: «Абдулла Қодирий», 1993.
60. *Муҳаммад Сиддиқ Рушдӣ*. Авлиёлар султони, туронлик валийлар. Нашрга тайёрловчи Икромиддин Останакул Оққўргонӣ. Т.: «Камалак». 1995.

61. *Ш.Мансуров*. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Муаллиф-тузувчи Зуфаржон Жўраев. Т.: «Ўзбекистон». 1994.
62. *Рустам Обид*. Дуонинг кучи. Т.: «Фан». 1992.
63. *Хусайн Воиз Кошифий*. Футувватномаи султоний ёхуд жувонмардлик тариқати. Нажмиддин Комилов таржимаси. Т.: «Абдулла Қодирий». 1994.
64. *Азизиддин Насафий*. Зубдат ул-ҳақойиқ. Нажмиддин Комилов таржимаси. Т.: «Камалак». 1995.
65. *Турсунхўжа Ҳидоятхўжаев*. Манбаъ ул-маориф. С.Абдукаримов таржимаси. Т.: «Камалак». 1995.
66. Донишманд малика ва унинг минг бир саволи. Муҳаммад Зафар томонидан кўчирилган. Китобни нашрга тайёрловчи Муҳаммад Амин ибн Барлос ас-Самарқандий. Т.: 1994.
67. *М.А.Нуритдинов*. Тафаккур шуълалари. Т.: «Мовароуннаҳр». 1998.
68. *Абдулғани Абдулла*. Мусулмонлик ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари. Т.: «Адолат». 1993.
69. *Исмоил Махдум*. Т.:даги Усмон Мусхафининг тарихи. Исмоил Махдум таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 1995.
70. *Фаридиддин Аттор*. Илоҳийнома. Нажмиддин Комилов таржимаси. Т.: «Ёзувчи». 1994.
71. *Фаридиддин Аттор*. Тазкират ул-авлиё. М.Кенжабек таржимаси. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 1997.
72. *Жалолиддин Румий*. Ичингдаги ичингдадир. Улугбек Абдуваҳоб таржимаси. Т.: «Ёзувчи». 1997.
73. Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари. Т.: «Мовароуннаҳр». 1993.
74. *Аҳмаджон Бобомурод*. Ислом одоби ва маданияти. Т.: «Чўлпон». 1995.
75. *Раҳматуллоҳ қори Обидов*. Қуръони карим Ийсо пайғамбар ҳақида. Т.: «Мовароуннаҳр». 1998.
76. Мухтасар. Шариат қонунларига қисқача шарҳ. Нашрга тайёрловчилар Р.Зоҳидов ва А.Дехқонов. Т.: «Чўлпон». 1994.
77. Мажмаъ ул-мақсуд. «Мухтасар ул-Викоя»нинг ўзбекча шарҳи. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, А.Ҳасаний, У.Ҳасаний, Маҳмуд Умар. Т.: «Адолат». 1996.
78. АУМ синтез мистических учений запада и востока. 1—3 книги. М.: «Терра». 1990.
79. *Юсуф Қарзавий*. Исломда ҳалол ва ҳаром. Бишкек 1999.
80. *Раҳматуллоҳ Туркистоний*. Илм ва иймон. Т.: «Мовароуннаҳр». 1993.
81. *Абдурахмон Қоя*. Ислом ахлоқи. Анвар Ҳожиаҳмад таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр». 1997.
82. *Аҳмад ибн ал-Асқалоний*. Мунаббихот. Наманган. 1993.
83. *Ғайбулла ас-Салом*. Ваҳйдан келур бир садо. Т.: «Фан». 1992.
84. *Аҳмад Яссавий*. Девони ҳикмат. Т.: «Ғафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1992.
85. *Насафий (Евгений Березиков)*. Хожа Аҳмад Яссавий. Т.: «Ғафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1993.
86. *Неъмат Жабборов*. Хожа Аҳмад Яссавий — тасаввуф оламининг порлоқ кўёши. Т.: 1994.
87. *Абу Муҳаммад Маҳбубий*. Далил ул-хайрот. Фарғона «Фарғона». 1996.
88. Буюк сиймолар, алломалар. 1—3-китоблар. Т.: «Абдулла Қодирий». 1995—1997.
89. *Юсуф Хос Ҳожиб*. Кутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи ва таржимон К.Каримов. Т.: 1971.
90. Қобуснома. Огаҳий таржимаси. Т.: 1967.
91. Илоҳий мўъжизалар. 1—5-китоблар. Т.:—Бишкек 1995—1997.
92. Жавоҳир ул-хикоёт. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. Т.: «Ёзувчи». 1992.
93. Ҳикоят ва ривоятлар. Тўпловчи ва таржимон К. Қаҳҳорова. Т.: «Ғафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1987.
94. *Усома ибн Мунқиз*. Ибратли китоб. Т.: «Ғафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1980.
95. *Норжон Эшонқулов*. Ҳикматнома. Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. Т.: «Чўлпон». 1992.

96. *Одил Қориев*. Ал-Марғиноний машхур фикхшунос. Т.: «Абдулла Қодирий». 2000.
97. *Шовосил Зиёдов*. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т.: «Абдулла Қодирий». 2000.
98. *Бадр Рашод Дувбий Зам-Зам қудуғи тарихи*. Суръат Исҳоқов таржимаси. Т.: «Мовароуннаҳр» 1999.
99. *Охунжон қори Ҷели Мухториддин*. Саодат машъалн. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1995.
100. *А.Ч.Бҳактиведанта Свами Прабхупада*. Мукаммал саволларга мукаммал жавоблар. М.: «Бҳактиведанте Бук Траст». 1993.
101. *Ю.Абдуллаев*. Ваҳхобийлик илдиэлари. Фарғона. «Фарғона». 1998.
102. *Садриддин Салим Бухорий*. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Т.: «Ёзувчи». 1993.
103. *Садриддин Салим Бухорий*. Табаррук зиёратгоҳлар. Т.: «Ёзувчи». 1993.
104. *Фахриддин Али Сафий*. Латофатнома. Сотимхон Ҳожи ва Хожа Инъом Мунаввар таржималари. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1996.
105. *Абдулеозий Баҳодирхон*. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар: Қ.Муниров ва Қ.Маҳмудов. Т.: «Чўлпон». 1992.
106. Машрикзамин хикмат бўстони. Таржимонлар: Ҳ.Ҳомидий ва М.Ҳасаний. Т.: «Шарқ». НМАКБТ. 1997.
107. *Абдуқаҳҳор Иброҳимов* Бизким ўзбеклар ... Т.: «Шарқ». НМАКБТ. 1999.
108. *Раҳимжон Усмонов* Саодатнома. Т.: «Ўқитувчи». 1995.
109. *Абдулла Авлоний* Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: «Ўқитувчи». 1992.
110. *Умар Хайём*. Рубойлар. Шоислом Шомухамедов таржимаси. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1970.
111. Шарқ тафаккури хазинасидан. Нашрга тайёрловчи А.Шаропов. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1986.
112. Маънавият юлдузлари. Нашрга тайёрловчи М.М.Ҳайруллаев. Т.: «Абдулла Қодирий». 1999.
113. Хикматларга тўла бу дунё. Абдусодиқ Ирисов таржимаси. Т.: «Ўқитувчи». 1997.
114. Қадимий хикматлар. Тузувчи Насимхон Раҳмонов. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1987.
115. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. Т.: «Фан». 1994.
116. Донолар бисотидан. Т.: «Фафур Фулом» номидаги адабиёт ва саънат нашриёти. 1976.
117. *Жорж Вандеман*. Только в Боге покой. Тула. Изд-во христианской ассоциации служения осужденным. 1992.
118. *Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар I-жилд. А. Расулов таржимаси. Т.: «Фан». 1968.
119. *Муҳаммад Абдуллоҳ*. Судхўрлик фойдалари устида мулоҳазалар. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. Қоҳира 1990.
120. *Лувайс Маъруф*. Ал-Мунжид (қомусий лугат). Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси. Байрут. 1986.
121. *Ҳ.Жўраев, Й.Саиджонов*. Дунё динлари тарихи. «Шарқ» НМАКБТ, 1998.
122. Всемирная история. 4 жилдлик. Москва 1955.
123. Библия (Книги священного писания Ветхого и Нового завета). Канонические. «Руссиан Библие». 1991.
124. Происхождение Библии. Составитель И.А Крывелев. «Наука». М.: 1964.
125. *Лео Таксиль*. Забавная Библия. М.: «Политическая литература». 1964.
126. Инжил. Стокгольм. Библияни таржима қилиш институти. 1992.
127. Таврот ва Инжил. Алмати. «Вифания». 1993.
128. *Абуль-Гази Багадурхан*. Родословное древо тюрков. Москва-Ташкент-Бишкек «Туркистан» К.Ф.М.Ц. «ТКИСО». 1996.

129. *Стэнли Лэн-Пуль*. Мусульманские династии. Москва-Ташкент-Бишкек. «Туркестан» К.Ф.М.Ц. «ТКИСО». 1996.
130. *Абулғозий Баҳодирхон*. Шажараи тарокима. Т.: «Чўлпон» 1995.
131. *О.Бўриев*. Амир Темур аждодлари. Т.: Комуслар Бош таҳририяти. 1902.
132. *Ибн Арабшоҳ*. Амир Темур тарихи. I-II китоблар. «Мехнат» Тошкент 1992.
133. *Мирзо Улуғбек*. Тўрт улус тарихи. Таржимонлар Б.Аҳмедов, Н.Норқулов ва М.Ҳасаний. Т.: «Чўлпон», 1994.
134. *Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. 16-17 томлар. Т.: 2000-2001.
135. Илми Тахсир. Таржимонлар: М.Ҳасаний, М.Умар, Ҳ.Бобобеков. Т.: «Мерос» 1992.
136. Ислом (маълумотнома). Т.: Ўзбек Совет энциклопедияси бош редакцияси. 1989.
137. Ислам (энциклопедический словарь). М.: «Наука». 1991.
138. Советский энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия. 1987.
139. Ўзбек Совет энциклопедияси. 14 жилдлик. Т.: Ўзбек Совет энциклопедияси бош редакцияси. 1971—1982.
140. Қадимги дунё тарихи изоҳли луғати. Т.: «Ўқитувчи», 1992.
141. Тарих терминлари изоҳли луғати. Т.: «Ўқитувчи». 1978.
142. Энциклопедик луғат. Икки жилдлик. Т.: Ўзбек Совет энциклопедияси бош редакцияси. 1988.
143. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. Москва. «Русский язык». 1981.
144. Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати. Т.: «Ўқитувчи». 1994.
145. *Алибек Рустамий, Саидбек Ҳасан*. Саводхонлик луғати. Т.: «Ёзувчи». 1992.
146. Ўзбек тилининг имло луғати. Ш.Шоабдурахмонов таҳрири остида. Т.: «Фан». 1976.
147. *Ҳ. Бобоев, С. Ҳасанов*. Авесто — маънавиятимиз сарчашмаси. Т.: «Адолат» 2001.
148. Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. Т.: «Шарқ» НМАКБТ. 2001.
149. *Иброҳим Каримов*. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т.: «Фан». 2001.
150. Фалсафа (Маърузалар матни). Т.: 2000.
151. *М. Шарипов, Д. Файзихўжаева*. Мантик (Маърузалар матни). Т.: 2001.
152. *С. Отамуродов, Ж. Раҳматов, С. Хусанов*. Маънавият асослари (маърузалар матни). Т.: 2000.
153. *Джон Хоуг*. Нострадамус. Полное собрание пророчеств. М.: «Торговый дом Гранд», 2000.
154. *Д. Н. Зима* Расшифрованный Нострадамус. М.: «Рипол Классик». 2001.
155. *Л. Зданович*. Тайны великих пророков. «Рипол Классик». М.: 2001.
156. *А. Н. Курский*. Пси—фактор тайны человеческой личности. М.: «Рипол Классик». 2001.
157. *О. Диксон, П. Гросс*. Тайны древних наук. М.: «Рипол Классик». 2001.
158. Философский энциклопедический словарь. М.: «Советская энциклопедия». 1983.
159. *Соня Дьюси*. Нумерология. М.: «Торговый дом Гранд». 2001.
160. *Джери Бауэр*. Нумерология. М.: «Торговый дом Гранд». 2001.
161. *Стюарт Гордон*. Энциклопедия паранормальных явлений. М.: «Вече». 1999 г.
162. *Непомнящий Н.* Вольф Мессинг. М.: «Олимп» 1999.
163. *Женни Костадинова*. Ванга. М.: «Труд» (Болгария). 1999.
164. *Варгезе Р. А.* Великие мыслители о великих вопросах. М.: «Торговый дом Гранд». 2000.
165. Тайны тысячелетий. сборник. М.: «ЧАО и КО». 1998.
166. *Аннемари Шиммель*. Мир исламского мистицизма. М.: «Алетейа». «Энигема». 2000.
167. *Н. Н. Непомнящий, А. Ю. Низовский*. 100 великих тайн. М.: «Вече». 2001.
168. *Ю. В. Мизун, Ю. Г. Мизун*. Тайны Бога и религий. М.: «Вече». 1999.
169. *А. П. Кондрашов*. Справочник необходимых знаний. М.: «Рипол Классик». 2001.

МУНДАРИЖА

Барчага зарур китоб	5
М у қ а д д и м а	7

Биринчи китоб

Биринчи қисм

Оламнинг яратилиши ва пайғамбарлар

<i>Биринчи фасл.</i>	Парвардигори олам	16
<i>Иккинчи фасл.</i>	Оламнинг яратилиши	22
<i>Учинчи фасл.</i>	Одам Ато ва Момо Ҳавво	28
<i>Тўртинчи фасл.</i>	Иблис алайҳиллаъна	33
<i>Бешинчи фасл.</i>	Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг фарзандлари	38
	Кобил ва Ҳобил (Каин ва Авел) қиссаси	39
<i>Олтинчи фасл.</i>	Пайғамбарлар ва азиз авлиёлар ҳақида	40
	1. Одам Ато	46
	2. Шис алайҳиссалом	46
	3. Идрис алайҳиссалом	47
	4. Нуҳ алайҳиссалом	48
	5. Худ алайҳиссалом	52
	6. Солиҳ алайҳиссалом	53
	7. Иброҳим алайҳиссалом	54
	8. Лут алайҳиссалом	64
	9. Исмоил алайҳиссалом	66
	10—11. Исҳоқ ва Яъқуб алайҳиссаломлар	68
	12. Юсуф алайҳиссалом	73
	13. Айюб алайҳиссалом	80
	14. Зул-Кифл алайҳиссалом	81
	15. Шуайб алайҳиссалом	81
	16—17. Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломлар	82
	18. Ювшаъ алайҳиссалом	94
	19. Шамъун алайҳиссалом	94
	20. Довуд алайҳиссалом	96
	21. Сулаймон алайҳиссалом	99
	22. Илёс алайҳиссалом	104
	23. Ал-Ясаъ алайҳиссалом	107
	24. Юнус алайҳиссалом	108
	25. Ишаъё алайҳиссалом	109
	26—27. Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар	110
	28. Ийсо алайҳиссалом	112
	29. Муҳаммад алайҳиссалом	119
	Пайғамбаримизнинг туғилишлари	122
	Сарвари коинот	126
	Видоъ хутбасидан	128
	Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотлари	130
	...насл-насаблари	132
	...завжалари	132
	...фарзандлари	138
	...набиралари	139
	...амакилари	139
	...аммалари	139

Хулафои рошидин	140
Ислом халифалиги	144
Қуръонда номлари зикр этилган азиз-авлиёлар	146
1. Ҳазрат Хизр алайҳиссалом	146
2. Луқмони Ҳаким	150
3. Ҳазрат Узайр алайҳиссалом	153
4. Зул-Қарнайн	156

И к к и н ч и қ и с м

Илоҳий, муқаддас китоблар ва дин

<i>Еттинчи фасл.</i>	Илоҳий китоблар	164
	Библия	164
	Таврот	165
	Талмуд	166
	Забур	166
	Инжил	167
<i>Саккизинчи фасл.</i>	Қуръони карим	174
	Қуръони карим махлуқ ёки махлуқ эмаслиги шарҳи	175
	Қуръони карим тавсифи	176
	Қуръон гулшани	178
	Қуръон шифодир	187
	Жаннат насими	188
	Қуръон сураларининг номлари ва маънолари	192
<i>Тўққизинчи фасл.</i>	Муқаддас диний китоблар	204
	Авесто	204
	Ҳиндистонда яратилган муқаддас диний китоблар	211
<i>Ўнинчи фасл.</i>	Динлар ҳақида	212
	Ибтидоий диний тасаввурлар	213
	Зардуштийлик (Зороастризм)	215
	Ахура Мазда ва Анхра Майну	220
	Зардуштийлик динининг моҳияти	223
	Яҳудийлик (Иудаизм)	229
	Яҳудийлар тарихи	232
	Сионизм	237
	Ведалар дини (Ведаизм)	238
	Брахманлик (Брахманизм)	240
	Ҳиндавийлик (Индуизм)	241
	Жайнийлик (Жайнизм)	242
	Сикҳалик (Сикҳизм)	242
	Буддавийлик (Буддизм)	243
	Конфуцийлик (Конфуцизм)	245
	Шинтоизм (Синтоизм)	246
	Монийлик (Манихеизм, Манихейство)	246
	Маздакийлик (Маздакизм)	247
	Ламавийлик (Ламаизм)	247
	Насронийлик (Христианлик)	248
	Католийлик (Католицизм)	250
	Православие	251
	Протестантлик (Протестантизм)	253

<i>Ўн биринчи фасл.</i>	Ислом	258
	Исломда олий диний раҳбарлик	273
	Ислом динининг асосий қонун-қоидалари	273
	1. Тавҳид (Ваҳдоният)	274
	2. Аллоҳ таолонинг фаришталарига ишониш	274
	3. Аллоҳ таолонинг илоҳий китобларига ишониш	275
	4. Аллоҳ таолонинг пайғамбарларига ишониш	276
	5. Тақдирга ишониш	276
	6-7. Охиратга ва қайта тирилишга ишониш	278
	Шариат	280
	Ширк, кофирлик, муртадлик, мунофиқлик ва осийлик	283
	Ислом мазҳабларнинг асосчилари	284
	Ислом динидаги йўналишлар, оқимлар ва фирқалар	286
	Исломдаги диний-ижтимоий оқимлар	299
	Ваҳҳобийа ва Ҳизб ут-Таҳрир	300
	Манкуртлик	315
	Яқуний сўз	318

Иккинчи китоб

У ч и н ч и қ и с м

Исломда сўфийлик ва тасаввуф

<i>Ўн иккинчи фасл.</i>	Сўфийлик ва тасаввуф сулуклари	323
	Тарикатлар либосларининг изоҳи	329
	Асосчиларига нисбат берилиб номланган илк тарикатлар	330
	Кейинги даърларда юзага келган тарикатлар	331
<i>Ўн учинчи фасл.</i>	Машҳур сўфийлар ва мутасаввуф уламолар	345
	Силсилаи шариф (Олтин халқа аъзолари)	359
	Машҳур сўфийлар, тасаввуф пирлари, азиз-авлиёлар ва мутасаввуф уламолар рўйхати	362
	Туғилган ва вафот этган йиллари аниқланмаган машҳур сўфийлар рўйхати	368
<i>Ўн тўртинчи фасл.</i>	Сўфийлик атамаларининг изоҳлари	370
	Айрим диний сўзлар ва иборалар изоҳи	383
	Ибодатхоналар	402
	Исломдаги диний лавозимлар, унвонлар ва мансаблар	403
	Бошқа динлардаги диний лавозимлар, унвонлар ва мансаблар ..	405
	Политеизм даврларидаги юнонлар, римликлар ва бошқа халқларнинг маъбуд ва маъбудалари	406
	Бошқа қўшимча маълумотлар	410

Т ў р т и н ч и қ и с м

Фалсафа ҳақида

<i>Ўн бешинчи фасл.</i>	Фалсафа	415
	Файласуфлар фалсафа ҳақида	421
<i>Ўн олтинчи фасл.</i>	Буюк файласуфлар	424
	1. Милоддан аввалги асрларнинг буюк файласуфлари	424
	2. Милодий асрларнинг буюк файласуфлари	430
<i>Ўн еттинчи фасл.</i>	Умар Хайём	442

Умар Хайём рубоийларидан	445
Ўн саккизинчи фасл. Йўқлик — Ўлим фалсафаси	456
Ўн тўққизинчи фасл. Вақт	469
Йигирманчи фасл. Фалсафий атамалар изоҳи	477

Бешинчи қисм

Маънавият ва маърифат

<i>Йигирма биринчи фасл.</i> Ҳикмат ва маърифат бўстонида	494
Мўътадиллик	495
Мол-дунё тўплаш	496
Ота-онага итоатда бўлиш	497
Қарз	498
Судхўрлик	501
Ўғрилик	503
Омонат	504
Тавба	505
Қотиллик	506
Ёлғончилик	506
Ғийбат	508
Хасислар, очкўз суллоҳлар, хасадгўйлар ва уччига чиққан тамагирлар	508
«Кўз» тегиши	512
Сахийлар	513
Одиллик, адолат	516
Ажабтовур воқеалардан	520
Васият ҳақида	526
Яна бошқа ибратли воқеалар, ҳамда пайғамбаримиз ҳадислари ва донолар ҳикматларидан	527
<i>Йигирма иккинчи фасл.</i> Турли мавзулар ҳақида	557
1. Марҳумлар хотираси ва садақа-эҳсонлар ҳақида	557
2. Севги ҳақида	561
3. Иймон ҳақида	563
4. Бахт (саодат) ҳақида	565
5. Билим ҳақида	569
Илм фазилатлари	571
<i>Йигирма учинчи фасл.</i> Авлодларга насиҳатлар	573
Қўшимча маълумотлар	579
Давр, йил ҳисоблари	579
Астрология ва астрологик эра	580
Йил ҳисобларининг бошланиши	592
Мучал йил ҳисоби	594
Аждодлар ва машҳур шахсларнинг мучалларини аниқловчи жадвал	596
Етти кунлик ҳафтанинг келиб чиқиши	598
Ислом дунёсидаги ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг унвонлари	603
Жаҳондаги ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг унвонлари	606
Айрим мамлакат, ўлка ва шаҳар номларининг изоҳи	608
Айрим халқлар ва элатлар ҳақида	611
Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихидан	613

Қадим замонларни эслаб.....	614
Ўзбек уруғлари.....	623
Турли атамалар ва сўзлар изоҳи.....	625
Баъзи уй ҳайвонларининг аталиши	640

Иловалар

1-илова.	Қадимги масофа, узунлик, сатҳ, оғирлик ўлчовлари, пул бирликлари ва улкан сонлар	642
2-илова.	Қадимги замон табибларининг дориларни ўлчашда қўллаган ўлчов бирликлари	643
3-илова.	Қадимги замон табибларининг даволашда фойдаланган ўсимлик ва доривор моддаларнинг арабча, форсча, ўзбекча, русча номлари ва изоҳлари	645
Хотима		648
Фойдаланилган адабиётлар		653

Хурматли ўқувчилар!
Мазкур китобда Аллоҳ таолонинг номи кўп ўринларда тилга олинганлиги сабабидан, китобдан фойдаланиш ва уни сақлаш маданиятига риоя қилишингизни сўраймиз.

АБДУЛҲАЙ АБДУРАҲМОНОВ

САОДАТГА ЭЛТУВЧИ БИЛИМ

(Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари)

Муҳаррир:

НАЖМИДДИН КОМИЛОВ
Филология фанлари доктори, профессор

Адабий муҳаррир:

БАРНОБЕК ЭШПЎЛАТОВ

Тақризчилар:

АЛИБЕК РУСТАМОВ
академик

ИСМОИЛ САИФНАЗАРОВ
Фалсафа фанлари доктори, профессор

МАҲКАМ МАҲМУДОВ
филология фанлари номзоди

ШАРАФУДДИН МИРМАҲМУДОВ
Ўзбекистон Муслмонлари Идораси маслаҳатчиси

ҲОЖИАКВАР ШАЙХОВ

Ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ҚОСИМҲОЖИ МУЛЛАБОЕВ
«Мунаввар қори» жомеъ масжидининг Имом-хатиби

Мусаввир:

АБДУЛҲАЙ АБДУРАҲМОНОВ

Ушбу китоб муаллифнинг интеллектуал мулкидир, уни муаллиф розилигисиз чоп этиш ва ҳар қандай шакл ва усулда тўлиқ ёки қисман бошқа тилларга таржима қилиб чоп этиш ҳамда нусхалар олиш, кўпайтириш, тарқатиш, сотиш ман қилинади.

Мазкур китобдан олинган материаллар, иқтибослар шу китобдан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

* * *

Мазкур «Саодатга элтувчи билим» китобини пул ўтказиш йўли билан харид қилмоқчи бўлган вазирликлар, маҳкамалар, илмий муассасалар, кутубхоналар, ўрта ва олий ўқув юртлари, масжид, мадрасалар ва бошқа ташкилотлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: 700042, Тошкент шаҳар, Шайхантаҳур тумани, Кўнчилар кўчаси, 42-уй. А. Абдурахмонов, тел.: 42-43-96

Теришга берилди 21 июн 2003 й. Босишга рухсат этилди 21 июл 2003 йил
Бичими 60x84 ¹/₈ «AntiquaUz» гарнитураси, Офсет босма усулида босилди.

Босма табоғи 83. Шартли босма табоғи 77,5. Нусхаси 1000 дона.

Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 293.

«Мовароуннаҳр» нашриёти, 700069, Тошкент 69,
Зарқайнар 18-берк кўча, 47-а уй.

«Shams ASA» Масъулияти чекланган жамият
Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28.



Китоб муаллифнинг беш йиллик самарали меҳнати натижаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига бағишланади